


АҲМАДАЛИ АСҚАРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ  
КЕЛИБ ЧИҚИШ  
ТАРИХИ





Жарқўтон. Бронза даври одамнинг хайкали



«Бактриана» туяси ва «Зардушт» акси тушган тумор (бронза даври)



Жарқўтон ибодатхонаси (бронза даври)

Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, гурурланамиз...

Масалан, қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташиқил этганми ё кўчманчимиз? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур...

Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, гурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ зоя керак. Бу зоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаш ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.


Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик  
институти

АХМАДАЛИ АСҚАРОВ

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2015

Ушбу монографик тадқиқотда ўзбек халқининг келиб чиқиши, яъни унинг узок давом этган этногенез ва этник тарихи ҳақида, унинг уруғ-қабила ҳолатидан аста-секин элат-халқ бўлиб шаклланиб бориш жараёни ва шаклланган халқ сифатида миллат даражасига етишиш босқичлари бой моддий маданият ва ёзма манбаларнинг илмий таҳлили асосида баён этилган.

Монографияда ўзбек халқи ҳозирда яшаб келаётган тарихий она замин билан ҳамда унинг теварак-атроф ҳудудлари билан жуда қадим замонлардан бевосита боғлиқ туб ерли халқ эканлиги, яъни унинг этник таркибини асосан ерли суғдий, хоразмий, бохтарий, сак, прототурк ва туркий аждодларимиз ташкил этганлиги, ана шу икки тил соҳибларининг узок асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб-қоришиб яшаши натижасида янги этнос, яъни ўзбек халқи таркиб топганлиги ҳақида илмий ҳолислик ва объектив тарихий тизимлилиқ асосида батафсил маълумот берилган.

Таҳрир ҳайъати: академик А.П.Қаюмов, тарих фанлари доктори, профессор. Б.А. Абдуҳалимов, тарих фанлари доктори, профессор М.М.Исҳоқов, тарих фанлари доктори, профессор А.Х. Хўжаев, тарих фанлари доктори, профессор А.А. Аширов, тарих фанлари доктори, профессор А. А. Маврулов, тарих фанлари доктори Б.Х. Матбобоев, филология фанлари доктори, профессор Т.М. Мирзаев, тарих фанлари номзоди Ш.Р.Пидаев.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослиқ илмий тадқиқот институти кенгайтирилган илмий кенгашининг 2014 йил 26 сентябрь «8» сонли қарори билан чоп этишга тавсия этилган. (Ҳозирда ушбу институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги қарорга асосан Абу Райҳон Беруний номидаги шарқ кўлёзмалар Марказига айлантирилди.)

## МУҚАДДИМА

Бугунги озод ва обод она-Ватанда мустақиллик маънавиятни кундалик ҳаётимиз мазмунига айлангирди. Собик шўролар тузуми даврида шарқона одоб-ахлоқ, миллий ва маънавий кадриятлар унутилар даражага келиб қолган эди. Истиклол туфайли ҳар бир ўзбекнинг ўзликни англаш ва ўз халқининг келиб чиқишининг тарихий илдизларини билишга қизиқиши кучайди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб ўзбек давлатчилиги масаласи кун тартибига қўйилди. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас таркибий қисми, унинг бош масаласи бўлиб қолди. Мустақил Ўзбекистон давлати олдида турган бундай ўта муҳим муаммони чуқур англаб етган Юртбошимиз И.А.Каримов 1998 йилда бир гуруҳ тарихчи олимлар билан суҳбат уюштириб, улар олдида «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги» муаммолари устида илмий изланишлар олиб бориш масаласини қўйди. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, «мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, мамлакатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз ҳолисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто олимларимизни ҳам ўз йўригига солишга ҳаракат қилади»<sup>1</sup>.

Афсуски, кейинги йилларда ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳусусида мутахассислиги тарихдан узоқ бўлган айрим зиёлилар, ҳам сиёсий, ҳам илмий-назарий ва илмий-методологик жихатдан тушунишга ожиз «тарихчилар» интернет сайтларида, маҳаллий матбуотда, ҳатто монографик китоб тарзида чуқур илмий асосга эга бўлмаган фикрларини кенг китобхонлар оммасига тақдим эта бошлашди. Бундай ғайриилмий қарашлар ўзбек халқи этногенезининг тарихий илдизлари ва унинг ҳозирда эгаллаб турган ҳудудлар билан азалдан боғлиқ эканлигига соя солмоқда.

Афсуски, чоп этилаётган баъзи бир тадқиқотларда қадимдан шу заминда яшаб келаётган халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирига узвий боғлиқлик, иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ва этномаданий алоқалар ҳамда турли даражадаги этник қоричувлар туфайли миллий этносларнинг шаклланиши ва ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканлиги иккинчи даражага тушиб қолмоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. VII том. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. – 152-бет.

Натижада, жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этган объектив тарих, реал геосиёсий вазият ҳисобга олинмай, илмга зид қарашлар фанда пайдо бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида зикр этилган барча баҳсли муаммолар ҳисобга олинган ҳолда ушбу сатрлар муаллифи томонидан илмий асосли лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунга кўра, ўзбек халқининг жуда қадим замонлардан этник таркибини асосан ерли суғдий, хоразмий, бохтарий, сак ва туркий аждодларимиз ташкил этганлиги, ана шу икки тил соҳибларининг узоқ асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб-қоришиб яшаши натижасида янги этнос, яъни ўзбек халқи таркиб топганлиги ҳақида илмий ҳолислик ва объектив тарихий тизимлилик асосида батафсил маълумот бериш кўзда тутилди.

Мана шу мақсад ва вазифани амалга ошириш учун 2013–2014 йилларга мўлжалланган «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» мавзуси бўйича И1-ФА-0-81416 рақамли Инновацион тадқиқотлари давлат гранти асосида тайёрланган лойиҳа илмий экспертизалардан ўтказилгач, Ўзбекистон Республикаси ФА томонидан молиялаштирилди. Лойиҳани амалга ошириш учун Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида илмий гуруҳ тузилиб, лойиҳа раҳбари ва унинг ходимлари белгиланди: Ғайбулла Бобоёров – тарих фанлари доктори, лойиҳа раҳбари; Аҳмадали Асқаров – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА академиги, бош илмий ходим; Дилафруз Каримова, Одил Иномов ва Алишер Шайдуллаевлар – катта илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи.

Иш жараёнида лойиҳанинг илмий концепцияси асосида материалларни илмий системага солиш, ёзиш, яхлит монография ҳолатига келтириш, уни талабчан мутахассис олимларнинг бир неча бор муҳокамаларидан ўтказиш, яъни уларни ташкил этиш жавобгарлиги шахсан академик А. Асқаров зиммасига тушди. Ишнинг бажарилиш ҳолати бўйича Ғ. Бобоёров Институтга мунтазам қисқача ёзма хисобот бериб борди. X бобнинг «Турк хоқонлигининг ташкил топиш арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий ҳолат», «Ғарбий Турк хоқонлиги ва унинг ўзбек халқи этногенезида тутган ўрни» параграфлари Ғ. Бобоёров материаллари асосида ёзилди. Иллюстратив материалларнинг илк ўрта асрлар даври нумизматикаси ва илк ўрта асрлар даври этник сиймолари акс этган деворий суратлар билан боғлиқ расмлар Ғ. Бобоёров томонидан тайёрланган. IX бобнинг 6та параграфлари (IX.2.Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари қадимги ёзма манбаларда ва уларнинг қисқача таҳлили; IX.3.Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари археологик манбаларда ва Қовунчи маданияти; IX.4. Сирдарё ҳавзаларини ўзлаштирилиши ва Қовунчи маданиятининг тарихий илдизлари; IX.5. Қовунчи маданиятининг этник асоси ва унинг таркибида туркий этник компонентларнинг ортиб бориши; IX-6. Қовунчи маданиятининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва унга хос дастлабки этник омилларнинг шаклланиши), IX.7. Сўнгги антик ва илк ўрта асрларда Қовунчи маданияти таъсир доирасининг кенгайиб бориши ва ўзбек этногенезининг жадал кечиши О. Иномов материаллари асосида ёзилди. Шунингдек, ишни ёзишда керакли за-

рурий адабиётларни кутубхоналарга, давлат архивларига бориб йиғиб келиш вазифаси ҳам О.Иномовга топширилди. Ишнинг XX боби (Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг узил-кесил шаклланишида бош омил) Д. Каримова тўплаган материаллар асосида ёзилди. Қўлёзма матнларини компьютерда териш Д.Каримова томонидан бажарилди. Ишга тегишли иллюстратив материалларни тайёрлаш, ишда фойдаланилган адабиётларни талаб даражасида рўйхатини тузиш, шахсий исмлар, географик ва этник номлар кўрсаткичларини тайёрлаш А.Шайдуллаевга юклатилди. Лойиха ишчи гуруҳининг ҳар бири улар томонидан бажарилган боб ва параграфларга ҳақли равишда муаллиф бўлиш ҳуқуқига эгалар.

Иш кириш, қисқача хулоса ва 20 бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи варианты Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг ФА-Ф1-ГО28: «Марказий Осиё этник тарихига оид шарқ тилларидаги қадимги ва ўрта аср манбаларидаги маълумотлар» ва ИИ-ФА-О-83416: «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» номи лойиҳаларининг қўшма мажлисида чуқур муҳокама қилиниб, ушбу монографик тадқиқот тугалланган илмий иш сифатида эътироф этилди ва муҳокама давомида билдирилган камчиликлар, баҳсли масалаларнинг асосларига муаллиф томонидан жиддий эътибор берилиб, монографиянинг тузатилган иккинчи вариантини навбатдаги муҳокама учун Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти, Тарих институти, Археология институти, Тил ва адабиёти институтлари илмий кенгашларига бир неча нусхадан берилиб, у институтлар етакчи илмий ходимлари иштирокида кенг муҳокама қилинди, илмий кенгашларда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, билдирилган таклифлар асосида республика Олий ўқув юртлари ва ЎЗР ФА ижтимоий-гуманитар фан институтларининг етакчи мутахассис олимлари ёзма хулосалари олинган, уларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг кенгайтирилган илмий кенгашида (26.IX.2014 йил) яна бир бор кенг муҳокама қилиниб, «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» монографияси жиддий илмий тадқиқот сифатида эътироф этилди ва чоп этишга тавсия қилинди.



## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейинги ўтган тарихан қисқа даврда жамиятнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз берди. Мамлакат иқтисодиёти, давлат қонунчилиги халқро андозалар асосида ривожланишда давом этмоқда. Кенг халқ оммасини, биринчи навбатда, ёш авлодни юксак маънавият асослари билан қуроолантириш ва тарбиялашда она-Ватан тарихи ва халқимизнинг бой маданий мероси қанчалар улкан аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда 1996 йил 16 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш тўғрисида»ги махсус қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йилда бир гуруҳ тарихчи олимлар билан ўтказган мулоқотидан сўнг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари эълон қилинди.

Ушбу асарда И.А.Каримов Ўзбекистон тарихининг энг долзарб муаммолари – ўзбек халқининг келиб чиқиши ва давлатчилик тарихи масалаларига катта эътибор қаратгани туфайли, 1998 йил 27 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 315-қарори эълон қилинди. Республикада ана шу қарор асосида «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги» илмий дастури ишлаб чиқилди. Дастурга асос бўлган ушбу асарда Юртбошимиз «Тарих–маънавиятнинг асосидир»<sup>1</sup>, «Инсон учун тарихидан жудо бўлиш–ҳаётдан жудо бўлиш демақдир»<sup>2</sup>, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»<sup>3</sup>, деган ибораларга урғу берар экан, «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч–маърифатдир»<sup>4</sup>, деган ҳақли хулосага келади. Дарҳақиқат, халқни маърифатли қилишда тарихни ўрни, биринчи навбатда, Ватанимиз тарихининг аҳамияти бекиёсдир.

Ушбу асарда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, яқингача тарихимизни бошқалар ёзиб келди. Улар тарихга бўлган ўз қарашларини халқимиз онгига сингдиришга интилди. Шу боисдан, уларнинг бизнинг тарихимизга берган баҳоларини, таҳлилий хулосаларини ҳар доим ҳам тўғри деб бўлмайди. Истиклол берган ижодий эркинликлардан фойдаланиб, ўз тарихимизни ўзимиз ёзишимиз

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: 1998. – 21-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўша асар, 10-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўша асар, 5-бет.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўша асар, 7-бет.

даври келди, «качонгача биз тарихимизни бировларнинг нуктаи назари, қаричи билан баҳолаймиз?»<sup>1</sup>. Жаҳон харитасида мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлиб, у БМТ давлатлари қаторидан жой олган экан, Республика тарихчи-археологлари, манбашунос, этнограф ва этнологлари олдига ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, давлатчилик тарихини босқичма-босқич, бирламчи манбалар илмий таҳлили асосида ёритилиши кўйилди. Китобхон эътиборига ҳавола этилаётган ушбу китоб шу дастур асосида яратилган академик тадқиқот маҳсулидир.

Ҳар бир халқнинг этногенез ва этник тарихи ўша халқ тарихининг таркибий қисмидир. Шунингдек, ўзбек этногенези ва этник тарихи ҳам Ўзбекистон халқлари тарихининг таркибий қисмини ташкил этади.

Тарих, биринчи навбатда, халқ тарихи бирламчи манбаларга асосланади. Халқ тарихининг манбалари – моддий маданият ва ёзма манбалар бўлиб, улардан олинган илмий маълумотлар асосида тарих яратилади. Тарихий ёзма манбалар, археология, этнография, антропология, лингвистика, топонимика, эпиграфика, нумизматика каби фанлар билан ўзаро алоқада ва узвий боғлиқ бўлиб, уларсиз ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини мукамал илмий ўрганиб бўлмайди.

Дастлаб, собиқ шўро ҳокимияти таркибида миллий республикаларни ташкил этиш жараёни кетаётган кезларда, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи фақат турк этноси билан боғлаб ўрганилди. Шу боис «Ўрта Осиё аҳолиси азалдан турклар бўлиб, буюк Турон, сўнг Туркистон бўлиб кетган», деган ғоя ҳукмрон эди. Улар ўзбек халқининг турк илдизини туркий бўлмаган этнослар билан аралаштириш натижасида таркиб топганлигини инобатга олмасдан ўзбек халқининг келиб чиқишини Нух пайғамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли Тур ёки Туркдан бошлайдилар<sup>2</sup>.

Собиқ шўролар давлатининг дастлабки йилларида ички сиёсати, нима қилиб бўлса ҳам ўлка халқларини Марказий ҳокимиятга нисбатан муносабатини яхшилашга, бу халқларни ўз томонига ағдариб олишга, бунинг учун эса, биринчи навбатда, миллий масалага эътибор бериш зарур, деб ҳисоблади.

Большевиклар ҳокимиятининг доҳийси В.И. Ленин Шарқнинг мусулмон халқларига қаратилган мурожаатида, мулкдорлар синфи ҳокимиятдан ағдарилганлиги, энди ҳар бир халқ ўзлари яшаб турган юрт ва элни бошқариш ҳуқуқига эга бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Шўролар доҳийсининг бу мурожаати жойлардаги маҳаллий зиёлилар жадидларни илҳомлантириб юборди.

Шўро ҳокимиятининг 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий республикаларни ташкил этиш ва уларнинг давлат чегараларини белгилаш йўлида олиб борган сиёсати ташқаридан караганда тўғри эди. Чунки, туркий тилда сўзлашувчи элатларнинг ҳар бирида ўзига хослик, этномаданий, антропологик (бош чанок тузилишидаги) ўзгачалик мавжуд эдики, у белгилар айнан ўша халқни бошқалардан ажратиб турарди. Аммо, большевикларнинг миллий республикалар тузиш сиёсати «шак-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: 1998. 11-бет.

<sup>2</sup> Насимхон Раҳмон. Турк ҳоконлиги. – Т.: 1993. – 8–9 бетлар; Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. Т.: 2011. – 125–126-бетлар.

лан миллий, мазмунан социалистик жамият» куришга каратилган эди. Бошқача қилиб айтганда, амалда Ўрта Осиё халқларининг ҳеч бирига ўзи истаган жамият ва давлат тузиб, уни ўзи истаганича бошқаришга йўл берилмас эди.

Октябрь тўнтаришидан сўнг, большевиклар давлати сиёсий ҳокимиятни қўлга олгач, турк дунёсида умумтурк давлатини тузиш ғояси кўтарилди. Бу ғояни асосчиси туркиялик файласуф Зиё Гўкқалп (1879–1924) бўлиб, у большевиклар Россияси таркибидаги туркий халқларни бирлаштирувчи ягона турк давлатини тузиш ғоясини кўтариб чиқади. Зиё Гўкқалпнинг туркий тилли халқлари орасидаги таниқли издоши йирик шарқшунос-тарихчи олим Заки Валидий Тўғон бўлган.

Заки Валидий Тўғон Туркистон зиёлилари орасида ўз асарлари билан шўролар давлатининг тоталитар-диктатура режими остида қолган туркий халқлар тарихини аниқ далиллар асосида ёритган сиёсатчи олим сифатида машҳур эди. XX асрнинг биринчи чорагида Зиё Гўкқалп ва Заки Валидий Тўғонлар концепцияси Туркистон миллий жадидлари орасида жуда кенг ёйилди. Бу ҳаракатнинг Туркистондаги етакчилари Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидов каби жадидлар Ўрта Осиёда ягона Туркистон автономиясини тузиш ғоясини олға сурадилар.

Бу ғоявий ҳаракат таъсирида 1918 йил 30 апрелда Туркистон совет социалистик автоном Республикаси тузилди. Аммо Туркистон жадидлари Туркистон совет социалистик республикасининг раҳбарияти фаолиятдан норози бўлиб (чунки унинг аксарият раҳбарлари Марказ вакилларида иборат бўлган), Ўрта Осиёда ягона Турк совет автономиясини тузиш шиори остида сиёсий ва мафкуравий курашни бошлаб юбордилар. Натижада бу ҳаракат шўро ҳокимиятини чўчитиб кўйди. Оқибатда, бу ғоя тарафдорлари пешонасига салбий маънода «пантуркист» тамғаси босилди.

XX асрнинг 20-йилларида марказ вакили Я.Э. Рудзутак бошлиқ Турккомиссия билан Туркистон совет автономияси раҳбарияти ўртасида Турк Республикасини тузиш ва мамлакат ички муаммоларини мустақил ҳал этиш масаласида кескин кураш кетади. Туркистон совет автоном республикаси Марказий Ижроия Кўмитаси раиси Турор Рискулов миллий муҳолафат тепасида туради. Уни Туркистон совет автоном республикасининг аъзолари А. Раҳимбоев, С. Хўжанов ва бошқалар қўллаб-қувватлаб чиқади. Афсуски, уларнинг барчаси кейинчалик ҳар хил баҳоналар билан сиёсий қатағонликнинг қурбони бўлдилар.

Ўрта Осиё маънавий ва сиёсий ҳаётида «турк ватанпарварлиги» авж олиб турган кезларда, унинг акс садоси сифатида «панэронизм» таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимот минтақада, зиёлилар орасида сиёсий вазиятни тобора мураккаблашишига хизмат қилди.

Ўша кезларда, халқларнинг келиб чиқиши ҳақидаги бу ўта мураккаб масала ечимига ислом ақидапарастлари ҳам аралашиб, «халқларни миллий тили ва этномаданий ўзига хослигига қараб эмас, балки диний-рухий дунёсига қараб миллатини белгиламоқ керак», деган панисломизм концепцияси пайдо бўлди.

Афсуски, ўша кезларда фанга зид бундай концепцияларнинг пайдо бўлиши фан тармоқлари ривожланиш даражасининг заифлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё халқлари этногенез ва этник тарихи билан бевосита боғлиқ фанлар — этнология, археология, этнография, антропология, топонимика, тарихий лингвистика каби фанлар ўша кезларда ҳали ривожланмаган эди. Шунинг учун Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши масаласида тушунмовчиликлар кўп эди. У ёки бу халқнинг келиб чиқиши масаласида олға сурилган ғоялар фақат тарихий ва афсонавий ривоятлардан иборат ўрта асрлар даври кўлёмаларига асосланган эди.

Бундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши масаласида кўҳна тарих тақозо этган, илмий асосли концепция яратиш керак эдики, бу муаммо ечими билан XX аср 20–30- йилларнинг етакчи олимлари: рус шарқшунос, археолог, этнограф ва антропологлари шуғулландилар. Бунинг учун эса илмий изланишларни ривожлантириш ва масалага комплекс ёндашув асосида тадқиқотлар олиб бориш керак эди. Чунки ўтган асрнинг 40-йилларигача хорижий ва собиқ СССРнинг аксарият кўпчилиги тарихчи олимлари ўртасида ўзбек халқининг этник тарихи Шайбоний ўзбекларининг Ўрта Осиё ҳудудларига XVI аср бошларида кириб келишидан бошланади, деган тасаввур ҳукмрон эди.

Ўрта Осиё қадимги ва ўрта асрлар тарихини илмий асосда тасаввур этган олимлар эса бундай фикрга қўшилмас эдилар. Ана шундай қатъиятли олимлардан бири шарқшунос ва археолог А.Ю. Якубовский бўлиб, ўзининг 1941 йилда Тошкентда ўзбек ва рус тилларида чоп этилган «Ўзбек халқининг этногенези масаласи ҳақида» («К вопросу об этногенезе узбекского народа») рисоласида ўзининг қарашларини қуйидагича ифодалайди: «Дашти Қипчоқнинг 92 бовли саҳройи ўзбеклари Шайбонийхон бошлиқ Ўрта Осиёга кириб келганларида, бу ерда қадимдан яшаб келаётган туркий аҳолини учратадилар. Бу турғун туркий аҳоли Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) оралигида энг қадимдан бошлаб яшаб келаётган эроний тилли халқлар билан аралашиб, қоришиш натижасида Қорахонийлар даврига келганда бу қоришмадан янги этнос, яъни ўзбек халқи шаклланган. Дашти Қипчоқдан бу заминга кўчиб келган кўчманчи туркий қабилалар эса, уларнинг келишидан роса 5 аср бурун шаклланган янги этнос таркибига қўшилган компонентлар бўлиб, тарих тақозосига кўра, улар ўзбек халқига ўз номини берган». А.Ю. Якубовскийнинг бу қарашлари асосида шўро даври этнология (этнография) фанида Ўрта Осиё республикалари халқларининг (ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ) этник келиб чиқиши ҳақида илмий концепция (яъни «миллий автохтонизм» концепцияси) ишлаб чиқилди. Бу концепцияни туб моҳияти А.Ю. Якубовскийнинг академик Б.Д. Греков билан ҳамкорликда чоп эттирган «Олтин Ўрда ва унинг қулаши» номли асарида ҳам ўз аксини топган<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, А.Ю. Якубовский ишлаб чиққан концепция нафақат илмий жиҳатдан тарихий ҳақиқатни ўзида акс эттирди, ҳатто собиқ шўро ҳокимиятининг

<sup>1</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. Москва. – Ленинград, 1950.

ленинча миллий сиёсатини ҳам ўзида ифода этарди. Шунинг учун бу концепцияни илмий асосда қонунлаштириш рус археологлари ва шарқшуносларининг зиммасига тушди.

Бу заминда таркиб топган давлатлар ўтмишда сулолавий ёки этник номлар остида маълум ҳудудий доирада ташкил топган бўлсалар-да, уларнинг фуқаролари ҳеч қачон миллий белгиларга қараб ажратилмаган ва майда миллат вакилларига нисбатан муайян давлат тазйиқи бўлмаган. Тарихан таркиб топган бундай анъанавий-ўзгача ҳолатда яшаб келган Туркистон зиёлилари, олиму фузалолар, бадий ижод аҳли, давлат арбобларининг аксарият кўпчилиги қисми туркий ва форсийда эркин сўзлашганлар.

Ўрта асрларда тарих тақозосига кўра, дастлаб илм-фан араб тилида, кейинроқ аста-секин форс ва туркий тилларда ҳам олиб борилган. Давлат маҳкамачилигида асосан форс тили, қисман ва баъзида туркий тил ҳам қўлланилган (Хива ва Қўқон хонликларида). Кенг халқ оммасининг жонли тили туркий ва минтақанинг айрим жойларида форсийда эди. Шу боис, ўтмишда ўтган алломалар, илм-фан дарғалари, шоиру адибларимизнинг илмий ва бадий ижод мероси минтақамиз халқларининг барчасига тегишли эканлигини тарихий ҳақиқат деб билишган.

Афсуски, шўролар даврида бу тарихий ҳақиқат илдизига болта урилди. Миллий республикалар чегара майдонларини белгилаш баҳонасида Туркистон халқлари, уларнинг яхлит тарихи ва маданий мероси сунъий равишда бўлиб ташланди, миллатлараро низоларни келиб чиқишига асос солинди. Бу сиёсат туфайли собиқ шўро даврида таркиб топган янги авлод минтақа тарихини ўрганиш билан шуғулланар экан, уларнинг ҳар бирида она сути билан кониға, қалбига синдирилган фикрлаш, ҳудуд ва мерос талашиш кайфияти ва руҳияти шаклланиб борди.

Кўп миллатли мамлакатда (собиқ СССРда) барқарорликни таъминлаш йўлида давлат ҳокимияти қанчалар қатъий тартибни, миллатлараро муносабат мувозанатини сақлашга уринмасин, гўё миллий ўзликни англашга қаратилган советларнинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсати миллатлараро ички низолар ва зиддиятларда етилиб, илдиз отиб боришига олиб келган. Бундай сиёсатнинг оқибатида СССР парчаланиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар ташкил топгач, халқлараро миллатчилик, тарихий ва маданий мерос талашиш авж олди. Ушбу китобда бу масалалар, муаммолар миллий ҳиссиётларга берилмаган ҳолда, бирламчи манбалар, тарихий жараёнларнинг объектив таҳлили ва ҳолислик асосида ўз баёнини топган.

## ЭТНОСНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАҚИДА ФАНДАГИ МАВЖУД ҚАРАШЛАР

### I.1. Миллий автохтонизм концепциясининг назарий ва методологик асослари

1942 йилда Тошкентда миллий автохтонизм концепцияси асосида Ўрта Осиё халқларининг этногенези масалалари бўйича махсус илмий сессия ўтказилди. Сессияда А.Д. Удальцов «Этногенетик тадқиқотларнинг назарий асослари», С.П. Толстов «Ўрта Осиё этногенезининг асосий муаммолари» ҳамда «Орол этногенетик жараёнлар майдони», Л.В.Ошанин «Антропология маълумотлари Ўрта Осиё халқлари этногенези ҳақида», К.В.Тревер «Милоддан аввалги VI–V асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг этник таркиби», И.И.Умняков «Тохарлар муаммоси», А.Н.Бернштам «Ўрта Осиё этногенезида қадимги туркий элементлар», Н.А.Кисляков «Тожиқларнинг юзага келиши масаласи ҳақида», В.В.Гинзбург «Антропология маълумотлари тожиқлар этногенези ҳақида», А.Ю. Якубовский «Туркман халқининг VIII–X асрлардаги этногенези тарихидан» мавзуларда маърузалари тингланди, Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихининг асосий йўналиши ва илмий-методологик асослари белгилаб олинди.

Мана шу концептуал йўналишда кўп миллатли Ўрта Осиё халқлари этник тарихи бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш йўлга қўйилиб, уларнинг натижалари асосида 1962 йилда кўп жилдли жаҳон халқлари тарихининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари»га бағишланган қисми чоп этилди. Ушбу илмий ва методологик асарнинг «Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи» бўлимида, «тарихнинг илк босқичлариданоқ суғорма деҳқончилик билан қадимдан шуғулланиб келган эроний тилли маҳаллий аҳолининг маълум қисми Зарафшон, Фарғона, Чоч ва Мовароуннаҳрнинг воҳалари ва дашт-саҳроларига ҳамда қадимги Хоразмга кириб келган туркий қабилалар билан бир неча асрлар давомида аралашиб яшашлари натижасида тил жиҳатидан туркийлашган янги этнос шаклланади. Ўз навбатида, туркий қабилалар эроний тилли халқларнинг маданий таъсиридан баҳраманд бўлиб, улардан хўжалик юритиш усулларини, деҳқончилик сирларини ўрганадилар. XI–XII асрлар этник аралашув ва турклашиш жараёнининг энг жадаллашган вақти бўлиб, айнан шу асрларда икки азим дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва унинг теварак-атрофларида туркийзабон ўзбек халқининг асосий ўтрок ўзағи шаклланади. Кейинчалик бу халқ (этнос) ўзбек этник номини қабул қилган»<sup>1</sup>. Бу концептуал қараш Ўрта Осиё халқлари этногенезининг асосий

<sup>1</sup> Народы Средней Азии и Казахстана. (Серия «Народы мира»). Том I. – Москва, 1962. С. 82.

илмий тезисига айланиб, минтақа халқлари тарихига бағишланган фундаментал асарларда ўз аксини топди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг келиб чиқиши муаммолари ечимига назарий ва илмий методологик асос берган бу илмий ишланма этнология фанида «миллий автохтонизм концепцияси» номини олди. Бу янги назариянинг концептуал асосини Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи «ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир»<sup>1</sup>. «Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли туб жойли халқлар ва теварак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган»<sup>2</sup>, деган ғоялар ташкил этади.

Маълумки, туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг ҳар бирида ўзига хослик, этномаданий ва антропологик ўзгачалик мавжудки, у белгилар айнан ўша миллатни бошқалардан ажратиб туради. Шўролар даврида тарих фани ва унинг археология, антропология ва этнография соҳаларида ўтказилган тадқиқотлар этногенетик жараёнларни бирмунча тарихий изчиллик асосида ўрганишга қаратилди. Бу концептуал назария асосида қизил империя таркибида миллий республикаларнинг ташкил этилишига, миллий тилларнинг таркиб топишига хизмат қилди. Шунингдек, бу концепция «пантуркизм», «панэронизм», «панисломизм»га қарши собиқ тузум мафқурасининг кучли сиёсий ғимоясида бўлди. Мавжуд илмий қарашлар мажмуасида миллий автохтонизм ғояси тарих фанида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади.

Ўрта Осиё халқларининг келиб чиқиши ҳақидаги миллий автохтонизм концепцияси илмий-методологик жиҳатдан асосли бўлса-да, аммо туркий халқларнинг туркий илдизини Ўрта Осиёдан ташқарида излашга қаратилган, туркий халқларни фақат кўчманчи халқ сифатида таърифлашга хизмат қилган. Концепцияда «халқ» атамаси билан «миллат» атамасига бўлган талаблар масаласи, миллатга хос менталитетнинг шаклланиш даври масаласи, қадимги халқларнинг табиий-географик шароитга, экологик вазиятга мослашиб хўжалик юритиш анъаналари ҳисобга олинмаган. Натижада, фанда баъзи бир англашилмовчиликлар пайдо бўлдики, бунга кўра, Ўрта Осиёнинг туркий қабилалари «кўчманчи», «келгинди», «ўзбек халқи ва миллатининг шаклланишида минтақанинг қадимий эроний тилли қабил ва қавмлари катнашмаган», деган тасаввурлар тарқалишига йўл кўйилди.

Мавжуд ёзма ва моддий маданият манбаларининг таҳлилига кўра, ўзбек халқининг аجدодлари Ўрта Осиёнинг Амударё ва Сирдарё оралиғида ва уларнинг теварак-атроф ҳудудларида азалдан яшаб келган. Ўзбек халқининг илк аجدодлари икки тил-туркий тиллар туркумидаги қабил ва элатлар (тиек, ху, ди, хун, динлин, турк, қарлук, чигил, қипчоқ, ўғуз, барлос, жалойир, қавчин, арлот

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Изд. «Фан», Ташкент, 1941.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ, 1947, №№ VI-VII. С. 304.

ва бошқалар) ва шимоли-шарқий эроний тиллар туркумидаги қабила ва элатлар (сугдий, хоразмий, бохтарий, чоч ва парғана ҳамда сак-массагетлар) бўлган. Улар узок асрлар давомида бир-бирларига яқин, айнан бир ҳудудда араллашиб, кўни-кўшни ва куда-анда бўлиб яшаганлар ва уларнинг этник қоришуви жараёнида ўзбек халқи шакллланган.

Афсуски, ҳозиргача ўзбек халқи тарихи, маданий мероси, унинг келиб чиқиши ҳақида битилган илмий мақолалар, рисоалар, фундаментал характердаги монография ва асарларда асосий урғу, унинг туркий илдизи билан боғлиқ ёзма манбаларга кўпроқ қаратиб келинди. Натижада, ўзбек халқининг туб жойли ўтроқ сугдий, бохтарий, хоразмий, Чоч ва қадимги Парғана негизига беихтиёр соя тўшаётганлигига эътибор берилмай келинди.

Қадимда ва илк ўрта асрларда ўтроқлашган турғун туркий қабила ва элатлар фақат кўчманчи чорвадор сифатида таърифланиб, уларнинг Еттисув, ўрта ва куйи Сирдарё хавзалари ҳудудларида кенг кўламда урбанистик жараёнларга тортилиши, ҳатто бронза давридан эътиборан уларнинг бир қисми тоғ саноати ва металлургия билан махсус шуғулланиб, ўтроқ ҳаётга мослашиб бориши ҳисобга олинмади.

Миллий автохтонизм назарияси собиқ совет даврида Ю.В. Бромлей, П. Кнышев, С. Токарев, Н. Чебоксаров, В. Козлов каби этнос назариячилари томонидан ривожлантирилди ва уларнинг тадқиқотларида такомиллаштирилди.

Марказ назариячиларининг қарашларида миллий автохтонизм назариясининг асослари яратилган бўлса-да, «қизил империя» таркибидаги элат ва миллатларга хос этногенетик хусусиятларга етарли даражада эътибор берилмаганлиги хусусида академик К. Шониёзов алоҳида таъкидлайди<sup>1</sup>.

Этнология фанида миллий автохтонизм концепциясига кўра ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи уч босқичдан иборат дейилган. Биринчи босқичда кўшни, ҳудудий жиҳатдан яқин, турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг иктисодий ва маданий алоқалари асосида этномаданий яқинлашиш, араллашиш ва этник қоришув, яъни этногенетик жараёнлар кечади. Бу этногенетик жараён ҳар бир халқ тарихида жуда узок давом этадиган объектив тарихий воқелик бўлиб, унинг якуни айнан олинган халқнинг шаклланишига олиб келади, яъни этногенетик жараён якунида халқ шаклланади.

Демак, халқ бу биологик ҳосила эмас, балки узок давом этадиган этногенетик жараёнлар махсули ва этник бирликлар йиғиндисиدير. Халқ тарихининг этногенез босқичи, яъни биринчи босқич унинг элат, халқ бўлиб шаклланганига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Этногенезнинг бошланғич нуктаси, унинг ибтидо-си қабиладан бошланади. Агар биз Ўрта Осиёнинг энг қадимги ўтроқ, туб жойли аҳолиси – ўзбек ва тожик халқлари мисолида оладиган бўлсак, у ҳолда ўзбек ва тожик халқларининг этногенези кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг иб-тидоий жамоа тузуми сўнгидан (сўнгги бронзадан) бошланиб, то ривожланган ўрта асрлар жамиятининг X–XII асрларигача давом этади.

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 74–102-бетлар.



Этнология фанида қабул қилинган ишланмага кўра, этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар, этник омиллар бирин-кетин юз бериб, мужассамлашган бўлади. Этник омиллар ва белгиларни эса худудий бирлик, иқтисодий-хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги, этник ном, ўзликни англаш, тил бирлиги ва ниҳоят, сиёсий уюшма (политическая консолидация) бирлиги ташкил этади<sup>1</sup>.

Иккинчи босқич, бу элат-халқ тарихи, яъни халқ этногенези якунлангач, унинг шаклланган халқ тарихи бошланади. Ўзбекларнинг халқ тарихи тўлалигича ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар даврининг ижтимоий маҳсулидир. Ўзбек элатининг маҳаллий туб жойли суғдий, бохтарий, хоразмий, сак-массагет, ўтроқлашган турғун туркий қабила ва элатлар асосида уюшиши қарлук-қорахонийлар даврида жадаллашиб (IX–X асрлар), Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида (XI–XII асрлар) узил-кесил шаклланади. Шундан сўнг ўзбек элати-халқининг этник тарихи бошланади.

Ўзбекларнинг этник тарихи унинг этногенези каби узоқ давом этадиган этномаданий жараён бўлиб, бу жараён то XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача давом этган, дейилса хато бўлмас. Халқ тарихи ўз иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ривожининг маълум нуктасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади, яъни унинг учинчи – миллат тарихи босқичи бошланади. Бу нуктанинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши жамиятда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бошланиши билан юз бера бошлайди. Шунинг учун миллат капитализмнинг ижтимоий маҳсули ҳисобланади. Агар мана шу методологик тамойилга асосланадиган бўлсак, ўзбек халқининг миллат тарихи XIX аср охири – XX асрнинг бошларидан бошланган.

Миллатнинг шаклланиши халқнинг таркиб топиши каби узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юксак юқори чўккиси, камолот босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, у суверен давлат сифатида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил юритади, умуммиллат тили давлат тили мақомини олади, унинг давлат чегаралари қатъий, дахлсиз бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади, миллатнинг ўзликни англаш даражаси юксак, миллий гурур, ватанга фидойилик, она замин ва халқига содиқлик миллат фуқароларининг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади, миллатга хос миллий менталитет узил-кесил шаклланади. давлат жамиятни бошқарувчи кудратли куч, бошқарув органи сифатида намоён бўлади, яъни давлат миллатнинг хоҳиш-иродасини амалга оширувчи жонли механизмга айланади.

Миллатни тил, худуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омил иқтисодий негиздир. Миллатнинг иқтисодий-хўжалик бирлиги асосида тил ва худуд ҳамда этномаданий бирликлар пайдо бўлади. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий

<sup>1</sup> Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. Москва, 1973. Его же. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. Москва, 1987.

бирлашиши халқ жонли тилининг (лахжаларининг) яқинлашиши асосида ягона миллий адабий тилнинг пайдо бўлишига олиб келади. Лахжалар ўрнини миллий адабий тил эгаллайди. Унинг давлат тили макоми даражасига кўтарилиши эса миллат номи билан аталган давлатнинг мустақиллик белгиларидан нишонадир.

Миллатнинг узил-кесил шаклланиши мустақил давлат белгиси. Давлат пул бирлигининг жаҳон бозоридаги мавқеи, унинг иқтисодий қудратидан нишонадир. Унинг мустақкам замини давлат иқтисодий, сиёсий ва мафқуравий сиёсатининг барқарорлигига боғлиқ. Фуқароларнинг ўзликни англаш даражаси истиқболли иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ўзбек миллати ва давлати ҳам истисно эмас.

Агарда халқларни келиб чиқиши масаласига доир методологик талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, биринчидан, этногенез, этник тарих ва миллат тарихининг ҳар бирини алоҳида олганда, уларнинг бошланғич ва якуний нукталари бор. Шунинг учун этногенез ва этник тарихни ўрганишда тадқиқотчи биринчи навбатда, ўрганаётган халқ этногенезининг қачондан бошланганлигини аниқлаб олмоғи керак бўлади. Чунки, этнос фақат кишилиқ таракқиётининг маълум бир босқичида пайдо бўлади<sup>1</sup>. Этногенезнинг бошланғич нуктаси эса этноснинг қадим замонларда яшаган «аждодларига» бориб тақалади<sup>2</sup>.

Ўзбек халқининг қадимги аждодлари кимлар эди? Улар Мовароуннахр ва қадимги Хоразмнинг туркий ва қадимги шаркий эроний тил лахжаларида сўзлашувчи туб жойли ўтроқ ва чорвадор аҳолиси бўлиб, бу икки хил тилда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг биринчи бор бир-бирлари билан аралашиб жараёни ўзбек этногенезининг бошланиши, дастлабки нуктаси ҳисобланади.

Проф. А.Ю. Якубовский ана шу илмий принципдан келиб чиқиб, 1941 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўзбек халқининг этногенези масаласи ҳақида» номли асарида ўзбек этногенези Турк хоқонлигидан бошланади, деган илмий ғояни ўртага ташлаган эди<sup>3</sup>. Кейинроқ, Ўзбекистон ҳудудларида кенг кўламда олиб борилган археологик, антропологик ва этнографик материалларнинг ёзма манба маълумотлари билан қиёсий ўрганиш асосида таниқли элшунос, археолог ва этнолог олим С.П. Толстов томонидан ўзбек этногенезининг бошланғич нуктаси антик давргача қадимийлаштирилди. Шунингдек, у «Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аждодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган<sup>4</sup>», деган ғояни кўтариб чиқди.

Ҳозирги кунда бу сана янада қадимийлаштирилган, яъни ушбу сатрлар муаллифи томонидан ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуктаси сўнгги бронза

<sup>1</sup> Аскарлов А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № 2. Тошкент, 2002.

<sup>2</sup> Аскарлов А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. Сб. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Ташкент, 1986. С. 3.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Изд. «Фан», Ташкент, 1941. С. 6–7.

<sup>4</sup> Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ, №№ VI–VII, 1947. С. 303.

даври билан белгиланмоқда<sup>1</sup>. Бундай қарашларнинг илмий асосида ўзбекларнинг ўқ томири, бош илдизи икки тилда сўзлашувчи этник қатламларнинг (суғдий ва туркий) қоришув натижаси эканлиги ва унинг дастлабки санаси, уларнинг илк бор қориша бошлаган нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланганлиги ҳисобга олинган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги бундай қарашларнинг пайдо бўлишида миллий автохтонизм назариясининг методологик ишланмалари асос бўлган.

Расмий тарихда ўзбекларнинг этник асоси туркий ва шимоли-шарқий эроний тилли суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар, сак-массагет қабиалари, Чоч ва қадимги Фарғонанинг ўтроқ ва чорвадор аҳолиси эканлиги тан олинса-да, собиқ СССР давлати парчаланиб, мустақил миллий давлатлар пайдо бўлгач, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида панэронистик қарашлар яна жонланиб қолди. Қўшни форсийзабон зиёлилар орасида ўзбек халқининг туркий қатламига нисбатан «кўчманчи», «келгинди» тамгаларини босиш яна авж олди.

Маълумки, кўчманчи қабила ва элатлар ҳеч қачон бир жойда муқим яшамасдан доим кўчиб юради. Чунки, уларнинг хўжалик асоси ва турмуш тарзи шуни тақозо этади. Моддий маданият ва ёзма манбаларга кўра, тарихан таркиб топган Буюк Турк чўли–Дашти Қипчоқ ҳудудлари, Ўрта Осиёнинг шимолий, шимоли-шарқий ҳудудлари ўз табиий-географик шароитига кўра, туркий кўчманчиларнинг азалий ватани бўлиб, у ерларда яшаган протосаклар, хунлар, усунлар, қангли, қарлук, чигил, ўғуз, арғун, тухси, калтатой, мўсабозори, қирғиз, уйғур, Олтой турклари ва уларнинг аجدодлари – прототурк тиек, ху, ди, рунг ҳамда сак-скиф қабиалари ҳеч қачон бир жойда муқим яшамагани аниқ. Уларнинг бир қисми нафақат бепоён Буюк Турк даштида, балки Ўрта Осиёнинг қадимги дехқон жамоалари томонидан ўзлаштирилмаган дарё хавзалари ва чўлларига кўчиб келиб, ўз чорва молларини боқишган.

Аммо, уларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига келиб ўрнашган бир қисми бу заминнинг иқлим шароитига мослашиб, Ўрта Осиё воҳа ва тоғолди адирларида қолиб кетган ва муайян шароитга кўра, ўз касб-корларини ўзгартириб, секин-аста ўтроқ ҳаётга, яъни дехқончилик ва хунармандчилик хўжалиги билан шуғулланишга ўта бошлаганлар. Бу жараённинг бир неча асрлар давомида мунтазам давом этиши ва унинг узлуксиз такрорланиши натижасида Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларида бронза давридан бошлаб туркий этник қатлам қалинлашиб, уларни ҳам жанубий Туроннинг туб жойли аҳолига айланиб кетишига олиб келган. Бу тарихий ҳақиқат.

Ўрта Осиё саклари (Авестода турлар), ўз навбатида, Буюк Турк чўлининг ғарбий, марказий ва шарқий Қозоғистон, Тоғли Олтой, Жануби-Шарқий Ўрол орти районлар, Энасой ва Ўрхун дарёлари хавзаларигача кириб борганлар, бу ҳақда археологик материаллар далолат беради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент, 2007. 5–6, 61, 67-бетлар.

<sup>2</sup> Ушбу тадқиқотнинг тегишли бобларида фактик материаллар асосида сўз боради.

Демак, қадимги сак-скиф қабилаларига хос икки тиллилик жуда кенг этномайдонда юз берган иктисодий ва сиёсий ҳамда маданий жараёнлар маҳсули эканлиги ҳақиқатга яқиндир. Ўзбекистон деб аталмиш она заминимиз халқининг ҳар икки этник қатлами ҳам турк-суғдий этномайдонда жуда қадим-қадим замонлардан бирга яшаб келган туб жойли аҳолидир. Унинг этник таркибини ерли суғдий, хоразмий, бохтарий, Чоч ва қадимги Фарғоналик аждодларимиз ва туркий бобокалонларимиз ташкил этган. Ана шу икки тилли этник қатламларнинг узок асрлар давомида бир-бирлари билан аралашиб-қоришиб кетиши натижасида, ўтрок туркий тилли ўзбек халқи таркиб топган.

Шўро даврида тўпланган археологик ва антропологик материалларни қайта кўриб чиқиш, улар таҳлилига холис, янгича ёндашиш асосида ўзбек халқи тарихи 3 минг йилдан кам эмас, ўзбекларнинг икки хил тилда сўзлашувчи илк аждодларининг нафақат иктисодий ва маданий, балки этник жиҳатдан ҳам бир-бирига яқинлашиш, аралашуш, қоришиш жараёнлари сўнгги бронза давридан бошланди, деган янги хулосага келинди<sup>1</sup>. Бу биринчидан. Иккинчидан, алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳеч қачон этнос аждодларининг антропологик типи ва тили этнос тили ва типи билан бир вақтда юз бермайди. Чунки, этногенез тарихининг илк босқичларида этник бирликлар, айниқса уларнинг тили ва типи ҳали шаклланмаган. Тил, тип ва этник бирлик тушунчалари ҳар хил давр воқелиги бўлиб, уларнинг шаклланиш жараёни бир даврда содир бўлмайди<sup>2</sup>.

Учинчидан, этнос бу биологик ҳосила эмас, балки ижтимоий борлиқдир. У кишилиқ тараққиёти маълум бир босқичининг ҳосиласидир. Этнос ўзининг шаклланиш жараёнида, яъни этногенез босқичида ва ундан кейин ҳам ҳар хил тарихий сабабларга кўра, унинг таркибига янгидан-янги этник қатламлар қўшилиб боради. Бу табиий ҳол. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, у ўз шаклланиш жараёнининг илк босқичларидан то миллат даражасига кўтарилгунича бошқа этник бирликлар билан аралашмай ривожланган бўлса. Демак, ер юзининг барча халқлари келиб чиқиши жиҳатидан кўп этник компонентлидир. Ўзбек халқининг келиб чиқиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларидан то халқ сифатида шаклланиб бўлгунига қадар, унинг асосий таркибини ташкил этган автохтон суғдий ва хоразмий, бохтарий ва қадимги туркий этник қатламлардан ташқари, турли даврларда ҳар хил миқдорда маҳаллий ва теварак-атрофдан келиб қўшилган этник гуруҳларни ўзига сингдириб борди<sup>3</sup>.

Тўртинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихини ўрганиш этник бирликнинг шаклланиш жараёнини илк босқичдан бошлашни такозо этади. Этник бирлик-

<sup>1</sup> Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўз.ИФ» журнали, № 6, Т.: 1996. 71- бет; Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № 4, Т.: 2002. 55-бет.

<sup>2</sup> Ўша журнал, 55-бет.

<sup>3</sup> Ўша журнал, 55-бет.

нинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг этносга айланиши жуда қадим-қадим замонлардан бошланиб, то унинг халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этадиган бутун бир тарихий жараёндир. Этнос тарихининг муҳим босқичларидан бири эса, унинг узил-кесил шаклланиш жараёнининг ниҳоясига етишидир.

Агар этнос шаклланиши ниҳоясига етган бўлса, унга кейинроқ қўшилган этник компонентлар шаклланган этнос таркибини ўзгартириб юбора олмайди, балки унинг таркибида этнографик гуруҳлар сифатида узоқ вақтлар яшаб, маълум бир тарихий воқелик таъсиридан сўнг, этнос таркибига сингиб кетади. Масалан, шундай ҳолат ўзбек халқининг этник тарихида юз берган.

XI–XII асрлар давомида узил-кесил шаклланган ўзбек халқи таркибини XIII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, мўғул истилолари туфайли, бу заминга кириб келган турк-мўғул қабилалари ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёда 92 бовли кўчманчи Шайбоний ўзбекларининг пайдо бўлиши ўзбек халқи этник таркибининг асосини ўзгартириб юбора олмайди, аксинча улар жанубий Сибир антропологик типининг вакиллари сифатида Зарафшон водийси, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғолди ва чўл минтақаларида, шимолий Хоразмда узоқ вақт алоҳида этнографик гуруҳлар бўлиб яшайвердилар. Уларнинг бадавлат аслзода табакаси шаҳарларга ўрнашиб, Ўрта Осиё ўзбек хонликларини бошқарсалар ҳам, маҳаллий туб жойли аҳолиси таркибига сингиши жуда секин кечди<sup>1</sup>.

Бешинчидан, ҳар бир халқнинг этник тарихи билан шуғулланганда нафақат этник бирликнинг бошланғич жараёнини, балки унинг кейинги даврларини, унга хос этник белги ва аломатларни аниқлаб, ўрганиб боришлик талаб этилади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, этник бирлик белгилари бир вақтда пайдо бўлмайди, балки этногенез жараёни давомида босқичма-босқич таркиб топиб боради. Этнос белгилари орасида тил бирлиги, этномаданий бирлик ва ўзликни англаш бирлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Кўтарилган масалалар бўйича этнос шаклланишининг назарий асослари билан шуғулланган қатор олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан, археолог В.Ф. Генинг этник белгиларни этноснинг уюштирувчи омиллардан фарқ қилиб, этник белгиларнинг муҳим томони шундаки, улар доим этник маъно ва мазмун касб этади<sup>2</sup>, дейди. Этносни уюштирувчи объектив омилларга у ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлигини киритиб, булар этник муносабатлар ва этник онгни туғилишига асос беради, дейди.

Этнограф Л.П. Лошук ва П.К. Козловлар эса, тил этник бирлик шаклланишининг муҳим шартидир, тил нафақат этник омил, балки этник белги ҳамдир<sup>3</sup>, дейдилар. Аммо, этногенез масалалари билан шуғулланувчи қатор олимлар тилни этник омилга киритмайдилар, тил фақат этник белгидир<sup>4</sup>, дейдилар.

<sup>1</sup> *Ошанин Л.В.* Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез его народов. Части 1–3, Ереван, 1957–1959. С. 59.

<sup>2</sup> *Генинг В.Ф.* Этнический процесс в первобытности. Свердловский, 1970. С. 23.

<sup>3</sup> *Лошук Л.П.* О формах донациональных этнических связей. «Вопросы истории» № 4, Москва, 1967. С. 80; *Козлов В.И.* Динамика численности народов. Москва, 1969. С. 26–28.

<sup>4</sup> *Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.М.* Древние китайцы. Проблемы этногенеза. Москва, 1978. С. 4.

Этник белгилар ичида ўзликни англаш бирлиги ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида этнографлар алоҳида таъкидлайдилар. Этнограф В.В.Мавродин тил ва ўзликни англаш бирлиги элатни халқ сифатида бирлаштирувчи муҳим омилдир, дейди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, этногенез ва унинг этник ривожланишини ўрганишда этник белгилар ва этник омилларнинг таркиб топиш жараёнини кузатиб бориш этногенетик илмий тадқиқотларнинг тўғри йўналишда эканлигини таъминлайди. Этник омиллар таркибини ҳудудий бирлик, иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги, яъни этноснинг маълум бир давлат доирасида уюшқоқлиги ташкил этади. Этник белгиларга эса тил бирлиги, этник ном ва ўзликни англаш бирлиги, яъни тарихий қисматнинг умумийлиги киради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, уларнинг таркиб топиши бир даврда юз бермайди, балки улар узок давом этган тарихий жараёнда бирин-кетин шаклланиб боради. Қачонким, уларнинг асосий қисми таркиб топгач, элат- халқ сифатида шаклланади, этногенетик жараён якун топиб, этник тарих, халқ тарихи бошланади<sup>2</sup>.

Олтинчидан, этногенетик жараёни ўрганишда масалага комплекс ёндашиш, яъни этногенезга алоқадор фан ютуқларидан фойдаланиш муаммо ечимига илмийлик бағишлайди<sup>3</sup>. Этногенез муаммоларини ҳал этишда фойдаланаётган бирламчи манбаларнинг нисбаги ва хусусиятини билиш муҳимдир. У бирламчи манбаларни этнография, антропология, археология, топонимика, тарихий лингвистика, ёзма ёдгорликлар, нумизматика, эпиграфика ва бошқалар ташкил этади. Уларнинг ҳар бири этногенез ва этник тарих учун кимматли маълумот беради.

Еттинчидан, этногенетик жараёни ўрганишда учта масалага ойдинлик кiritиб олиш зарур. 1. Ўрганилаётган этнос туб жойлими ёки келгинди? 2. Ўрганилаётган этнос асоси бир компонентлими ёки кўп компонентли? 3. Ўрганилаётган халқ этник уюшмасининг ўзаги дастлаб қаерда таркиб топган?

Тадқиқотчи ўз олдига ана шу саволларни кўяр экан, доимо бир нарсани ёдда тутиш керакки, яъни ҳеч қачон этник уюшманинг «моногенези» бўлмайди. Дунёда бирор халқ йўкки, у кўп компонентли бўлмаса. Бу назарий ва илмий-методологик қарашнинг туб мазмуни юқорида таъкидланган миллий автохтонизм назариясида ўз аксини топган бўлиб, бу концепция тарафдорлари ўзбек ва тожик халқларининг келиб чиқиш илдизлари икки этник компонентларнинг асрлар давомида қоришуви асосида қурилганлигини қаттиқ ҳимоя қилиб чиқдилар.

А.Ю. Якубовскийнинг ёзма манбалар ва бирламчи археологик материалларни қиёсий ўрганиш асосида қурилган бу ғояси Ўрта Осиё халқлари қадимги ва ўрта

<sup>1</sup> Мавродин В.В. К вопросу о складывании Великоорусской народности и русской нации. СЭ, № 1, 1947. С. 89.

<sup>2</sup> Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, Т.: 2002, № 4, 57-бет.

<sup>3</sup> Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.М. Древние китайцы. Проблемы этногенеза. Москва, 1978. С. 11.

асрлар даври тарихи, археологияси ва этнографиясининг чуқур билимдонлари С.П. Толстов ва Я.Ф.Фулумов, Л.В. Ошанин ва В.В. Гинзбург, Т.Қ. Хўжаев ҳамда этнография фанининг назариячилари П. Кнышев, С.А. Токарев, Н.Н. Чебоксаров, Ю.В. Бромлей, В.И. Козлов ва бошқаларнинг асарларида кенг илмий исботини топди ва ривожлантирилди.

Ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини назарий масалалари билан элшунос олим, академик К.Ш. Шониёзов ҳам шуғулланган. У ушбу масалада 1998 йилда «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида «Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар» номли мақола эълон қилди. Мана шу мақолани тўлдирилган вариантыни 2001 йилда чоп этилган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» китобида қайта чоп этди<sup>1</sup>. Ушбу асарда ўзбек этногенези ва этник тарихига доир қатор атамаларга, жумладан этнос, этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субэтнос) ва этник гуруҳларга таъриф берилган ва уларнинг мазмун ва моҳияти мисолларда яхши очиб берилган<sup>2</sup>.

Халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда ижтимоий-гуманитар фанларида «этник бирлик» ва «этнос» атамалари ишлатилади. «Этник бирлик» маълум бир ижтимоий тузумда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий ва этник уюшмадир. Унинг синоними «этнос» бўлиб, у юнонча «халқ» демакдир. Аммо, «этник бирлик» (русчада этническая общность) «халқ» атамасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир<sup>3</sup>. Этнос атамаси, яъни халқ кенг ва тор маънода ишлатилади. Масалан, кенг маънода: Россия халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқи; тор маънода: ўзбек халқи, қирғиз халқи, тожик халқи. Кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилади.

Фанда этник бирликнинг уч босқичи, яъни уч тури мавжуд: қабила, элат (халқ) ва миллат. Кетма-кет алмашиб келган бу атамалар турли даврларда вужудга келган, улар ўз даврларига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар<sup>4</sup>. «Элат» атамаси туркий ва форсий тилли аҳоли ўртасида қабила, қабила иттифоқи, давлат ёки маълум ҳудуд фуқароларига нисбатан «халқ» атамаси ўрнида ишлатилиб келинган. Шунинг учун «элат» туркий ва форсий тил муҳити ҳукмрон доирада яратилган оғзаки ва ёзма манбаларда учрайди. «Халқ» атамасини «эл», «элат» ўрнида, аллақачон ўтроқ ҳаёт кундалик турмуш тарзига айланган этник бирликлар уюшмасига нисбатан ишлатилиб келинмоқда.

Қабила-ибтидий жамоа тузумининг сўнгги босқичига хос этник бирлик. Қабила уруғларга бўлиниш хусусиятлари билан кейинги босқичдаги этник бирликдан (элатдан) фарқ қилади. Қабиланинг ўзига хос тили (лахжаси), ҳудуди,

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Т.: 2001. - 74-102-бетлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 74-84-бетлар.

<sup>3</sup> Чебоксаров Н.Н. Проблемы происхождения древних и современных народов. Труды VII Международного конгресса антропологических и этнографических наук. Том V, Москва, 1970. С. 746; 75- бет.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 75-бет.

қабила номининг (этнонимининг) бўлиши ва ўзига хос қабила анъаналарини, унинг аъзолари томонидан билиши билан бошқа қабилалардан ажралиб туради<sup>1</sup>. Қабила уруғ жамоалари сардорларидан ташкил топган «оксоколлар кенгаши» томонидан бошқарилган, қабила жамоасига тегишли барча ишлар демократик принциплар асосида кўрилиб, ҳал этилган.

Кишилик жамиятининг тараккий этиб бориши ва синфий жамиятнинг пайдо бўлиши билан ибтидоий босқичга хос этник бирлик–туб маънодаги қабила уюшмаси ўз аҳамиятини йўқотади. Аммо, қабила атамаси ва унга тааллуқли бўлган баъзи хусусиятлар қолдик (русчада – пережиток) сифатида барча синфий жамиятларда ҳам, уларга мослашган ҳолда, сақланиб қолган<sup>2</sup>.

Тарихда ибтидоий жамоа тузуми билан биринчи синфий жамиятнинг оралигини таниқли элшунос олим Л.Г. Морган ўзининг «Қадимги жамият» (1877 йил) асарида «Ҳарбий демократия даври» номи билан биринчи бор фанга киритган. Бу даврда қабилалар орасидаги этник, иқтисодий хўжалик ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши ва маълум тарихий воқеликлар сабабли бир қанча қабилалар бирлашадилар. Қабилаларнинг бирлашиш жараёнида этник бирликнинг янги тури вужудга келади. Бу этник бирлик маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий хўжалик, тил ва этномаданий умумийлик асосида шаклланади. Қадимги даврда (яъни ҳарбий демократия даврида) вужудга келган бу янги этник бирликни ифодалаш учун, деб ёзади К Шониёзов, «элат» атамасини қабул қилиш ўринли бўлса керак<sup>3</sup>. («Элат» атамасини ўзбек тилида ёзилган илмий адабиётларда «народность» («халқ») сўзи ўрнида ишлатилиб келинмоқда).

Этнология фанида «этнографик гуруҳ» (субэтнос) атамаси ҳам кўпроқ қўлланилади. Этнографик гуруҳ–маълум бир этноснинг, яъни элат–халқнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан бири бўлиб, ўзига хос тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзининг баъзи бир томонлари билан муайян элатдан фарқ қилади. Этнографик гуруҳ одатда бир қабила ёки элатнинг бошқа ерга бориб, иккинчи бир халқ таркибига кириб яшаётган, аммо, унинг таркибига мутлақо сингиб кетмай, у билан бирга яшаб келаётган этник бирликка айтилади<sup>4</sup>. Масалан, собиқ совет ҳокимиятига қадар ўзбек халқи таркибидаги кипчоқлар, қурамалар, умуман олганда кўчманчи туркий қабилалар этнографик гуруҳ ҳисобланган. Баъзи ҳолларда этнографик гуруҳ ўз элидан, халқидан ажралиб, бошқа бир этнос таркибига қўшилиши туфайли ҳам пайдо бўлади. Бу ҳилдаги этносларнинг катта қисми асрлар давомида маҳаллий халқнинг ичида яшаб, уларнинг урф–одатлари ва маданиятини қабул қилиб, унинг таркибига сингиб кетган (масалан, арабларнинг саид ва хўжа тоифаси). Аммо, уларнинг маълум қисми ўз тилини ва урф–одатларини, антропологик қиёфасининг баъзи бир хусусиятларини яқингача сақлаб келганликлари ҳақида Қашқадарёнинг Касби,

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 76-бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 76-бет.

<sup>3</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 76–77-бетлар.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 77-бет.



Сурхондарёнинг Жейнов ва Бухоронинг Жўйгари қишлоқлари араблари мисолида маълумотлар мавжуд<sup>1</sup>.

Аммо, ҳозирги кунда на кипчок, на курама, на қўнғирот, на эроний, на араблар ўзбек миллати таркибидаги этнографик гуруҳлар бўла олмайди. Чунки, халқ ўзининг энг юксак камолот чўққиси – миллат даражасига кўтарилганда, миллат таркибида этнографик гуруҳларнинг бўлишини тарихий тараққиёт такозо этмайди. Улар аллақачон ўзбек халқи этник таркибига сингиб кетган этник гуруҳлар бўлиб, фақат ўзларининг этник номларини сақлаб қолганлар, холос.

Этник гуруҳ муайян бир халқнинг парчаланиб, алоҳида қисмларга бўлиниб кетиши натижасида вужудга келади. Этнографик гуруҳдан этник гуруҳнинг фарқи шундаки, парчаланган халқ таркибидан ажралиб чиққан этник гуруҳ бошқа халқ таркибида узоқ муддат яшаб, шу халқнинг тили, хўжалик фаолияти, маданияти, урф-одатлари ва турмуш тарзини қабул қилиб, уларни ўзига сингдириб, ўзларини унинг номи билан атайдиган бўлиб қолади. Аммо, шу билан бирга, бу гуруҳ ўтмишдаги ўз этник номини эслай оладилар<sup>2</sup>. Масалан, кипчоклар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ўзбек халқининг таркибида этнографик гуруҳ бўлган бўлсалар, аммо қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, бошқирд ва бошқа халқлар таркибида этник гуруҳ ҳисобланган<sup>3</sup>. Айрим этник гуруҳлар бошқа этник бирлик таркибига кириб, унга аралашиб сингиб кетган бўлсалар-да, ўз этник номларини асрлар мобайнида сақлаб қоладилар. Масалан, Қашқадарёнинг ўрта оқимларида ҳозиргача моjar номи билан аталувчи этник гуруҳ яшайди.

Маълумки, моjarлар Венгрия давлатининг асосий халқидир. Буларнинг илк аждодлари бир замонлар Сирдарё қуйи оқимларидаги чўлларда ва Ўрол тоғолди районларида яшаган. Милодий IX асрда моjarларнинг катта қисми хазарлар сиқувига бардош бера олмай ғарбга силжиб, ҳозирги Венгрия ҳудудига бориб ўрнашганлар. Бу ерда улар элат ва кейин миллат бўлиб шаклланадилар. Қадимги она юртларида қолганлари татар, бошқирд ва ўзбеклар таркибига қўшилиб, сингиб кетишларига қарамасдан қадимги этник (моjar этнонимини) номларини ҳозиргача сақлаб келадилар<sup>4</sup>.

Энди, «этник жараён» иборасига келсак, этник бирликлар таркибига кирган этник гуруҳлар ўртасидаги этник, иктисодий хўжалик ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига *этник жараён* дейилади<sup>5</sup>.

Тадқиқотчилар этник жараёнларни иккига яъни бўлиниб кетишга ва бирлашишга мойил жараёнларга бўладилар. Бўлиниб кетишга мойил жараёнлар кўпроқ кўчманчи чорвадор қабилалар ҳаётида кўзга ташланади. Масалан, бир

<sup>1</sup> *Ражабов Р.* Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси (XIX асрнинг ўргалари ва XXI аср бошлари). «Шарқ» нашриёти. – Т.: 2012. 600-бет.

<sup>2</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. 78-бет.

<sup>3</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўша асар, 78-бет.

<sup>4</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўша асар, 79-80-бетлар.

<sup>5</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўша асар, 81-бет.

кабила иттифоқи ёки элатни маълум бир тарихий сабабларга кўра, бўлиниш жараёнларини «хун», «қанғар», «турк», «кўчманчи дашти қипчоқ ўзбеклари» ми-солида кўриш мумкин, яъни ўз даврида элат бўлиб шаклланган бу ижтимоий-сиёсий уюшмалар этник жараёнларнинг бўлиниш тамойилига кўра, ўзларининг дастлабки этнос ҳолатларини йўқотадилар. Этник жараёнларнинг бирлашиш тамойилига кўра эса, кейинчалик парчаланган бу элат уруғларининг иштирокида янги этник бирликлар вужудга келади. Масалан, ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқалар<sup>1</sup>.

Ўзбек халқи этногенетик жараёнларининг жадал кечган вақт милоддан аввалги III – милодий V асрлар давомида Қанғ давлати доирасида юз берди. Бу даврда турли тилли этник гуруҳларнинг бир-бирларига яқинлашиш, қўшилиш жараёнлари жадал кечди. Этник гуруҳларнинг ташқи қиёфаси, тили, моддий ва маънавий маданиятида яқинлашиш, феъл-атворида умумийлик ҳосил бўлди<sup>2</sup>. Милоддан аввалги II милодий I–II асрларда Тангритоғ шимоли-ғарбий минтақаларидан усунларнинг катта гуруҳи, Хитойнинг шимоли-ғарбий минтақаларидан ва жанубий Сибирда яшаган ху, ди, динлин, теле, хун ва бошқа прототурк кўчманчи этносларнинг катта гуруҳи Қанғ давлати ҳудудига келиб ўрнашадилар<sup>3</sup>. Мана шу даврда юз берган этногенетик жараёнлар, яъни Мовароуннахр ва унга туташ минтақаларда уларнинг (яъни ху, ди, динлин, теле, хун ва бошқа прототурк кўчманчи этносларнинг) сўғдийлар, хоразмийлар, бохтарий, Фарғона ва Чочнинг ўтроқ аҳолиси билан қоришуви натижасида туркий тилли қанғар элати шаклланади. Бу этнос ўзбек элатининг шаклланишига асос солган энг қадимги йирик ўтроқ туркий қатламни ташкил этган<sup>4</sup>.

Шўролар даври ижтимоий-гуманитар фанлари мажмуасида этнос билан этнография фани шуғулланар эди. Россия этнография мактабининг намояндalари машхур рус этнографи Миклухо-Маклай ғоялари йўлидан бориб, ер юзидаги барча этнослар (халқлар) ўртасида жисмоний ва ақлий фарқ йўқлигини, улар ўртасидаги фарқ, фақат уларнинг табиий ва ижтимоий шароитлари билангина боғлиқдир, деган унинг илмий холислик асосида қурилган ғоясини ривожлантирдилар. Дарҳақиқат, Миклухо-Маклай Янги Гвинея папуаслари ва Океания халқлари устида изланишлар олиб бориб, уларнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш орқали Ғарб дунёсининг ирқчилик назариясига қарши ишонарли маълумотлар тўплай олган. Шўро даврида бу фан асосан тавсифий характерга эга бўлганлиги учун «этнография» деб юритилди. Бу борада катта ишлар қилинди<sup>5</sup>. Натижада, илмий автохтонизм назарияси ғоялари йўналишида шўролар даври этнографиясида этногенез ва этнос масалаларига илмий-методо-

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 81–83-бетлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 84-бет.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва–Ленинград, I-жилд, 92–93, II-жилд, 196–198-бетлар; Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 84-бет.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Ўша асар, 85-бет.

<sup>5</sup> Народы Средней Азии и Казахстана. (Серия «Народы мира»), том I, Москва, 1962.

логик ёндашув асосида тадқиқотлар олиб борилиб, тадқиқот объектидан келиб чиққан ҳолда, турли қарашлар ва илмий мактаблар шаклланди.

Масалан, Ю.В. Бромлейнинг дуалистик концепцияси, Н.Н. Чебоксаров ва С.А. Арутюновнинг этнос билан боғлиқ информацион концепцияси, Г.Е. Марков ва В.В. Пименовнинг тизимли-статистик ёки компонентли назарияси, ёки шўролар даврида маълум маънода чекланган таниқли туркшунос олим Л.Н. Гумилевнинг «пассионар назарияси» ва бошқалар. Чунки, шўро даврида бу фан сиёсий буюртмалар бажариб, айниқса, этник ривожланишнинг барча жараёнларини ёритиб бера олган эмас. Масалан, этник онг, этник ўзликни англаш, этномаданият ва этномаданий кадриятлар, этнослараро жараёнлар, этнослараро муносабатларнинг туб моҳиятини очиб бериш каби этноснинг асосий муаммоларини тадқиқ қилишда маълум маънода чекланган эди.

Мутахассис олимлар орасида этносга таъриф беришда ҳар хиллик мавжуд эди. Масалан, этнос бу – келиб чиқиши бир бўлган кишилар (жамоалар) гуруҳи; этнос бу – умумий тил асосида шаклланган маданият самараси; этнос бу – бир-бирларига ўхшаган кишилар гуруҳи; этнос бу – ўзликни англаш ҳисси қайнаб тошган одамлар гуруҳи; этнос бу – табиатнинг самараси; этнос бу – ижтимоий категория ёки жамиятнинг ижтимоий ҳосиласи ва бошқалар.

Туркшунос олим Л.Н. Гумилев бу масалада ўзининг алоҳида қарашига эга эди. У ўз қарашини ўзининг «пассионар назарияси» орқали баён этган<sup>1</sup>. У этносга фақат жамиятнинг ижтимоий ҳосиласи сифатида эмас, балки биосферанинг ноёб, камдан-кам учрайдиган натижаси сифатида қарайди. Унингча, этнос бу – табиатнинг, географик муҳитнинг ижтимоий ҳосиласи, этнос шаклланиши билан боғлиқ этногенетик жараёнлар эса, ўз навбатида, ижтимоий-табиий аспектга эга. Шу билан бирга, этнос бу оддий тушунча бўлиб, у на ижтимоий, на биология категориясига киради. Этнос бу – тарихий-географик фактларнинг эмпирик умумлашмаси. Аниқроғи, Л.Н. Гумилев қарашларига кўра, этнос ижтимоий эмас, балки био-географик ҳосиладир. Этнос биосферанинг таркибий қисми бўлгани боис, ундаги қонуниятларга бўйсунди<sup>2</sup>. Этнос бу ижтимоий ўрамдаги реал борлик, тарихий кетма-кетликда давом этувчи этногенетик жараёнлар натижаси, уларни ҳаракатга солувчи куч, манба ҳаракатчан, омилкор пассионарлардир. Бу мутацион жараёнлар илдизи Ернинг биосфера ҳодисаси билан боғлиқ.

Л.Н. Гумилевнинг пассионарлик концепцияси асосида одам табиатига хос ҳар хил ҳаракатлар, олға интилишлар, эришган ютук, бойлик ва мансабдан қоникмаслик нафси, ўз ҳукмини бошқаларга ўтказишга интилиш, бу йўлдан қайтмаслик, қоникмаслик ва бошқалар ётади. Л.Н. Гумилевнинг фикрича, мана шу йўлдаги ҳаракатлар, энергия, этносни пайдо бўлишига, шаклланишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, мақсад сари омилкорлик билан олға интилиш – пассионарликдир.

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. Москва, 1993.

<sup>2</sup> Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. Москва, 1993. С. 41.

Пассионарлик бу инсон психикасига хос биологик ҳолат, белги, одамларнинг тинчгина, бепарқ яшаш ҳолатини бузишга олиб келувчи дастлабки ҳаракат, янги авлодни пайдо бўлишининг гаровидир.

Одамзод ўзининг мавжудлиги билан табиий ҳолатни доимо бузишга интилади, акс ҳолда унинг мақсадга эришиш йўлида тинч ва осойишта яшаши мумкин эмас. Атроф-муҳит билан кураш туфайли одамлар бирлашишга мажбур бўладилар. Бу курашлар тепасида пассионарларнинг (уруғ, қабила сардорларининг) бош-қош бўлишлари табиийдир. Акс ҳолда эл, элат, халқ, миллат ўз-ўзидан шаклланмайди, деган тўғри хулосага келади Л.Н.Гумилев. Демак, этнос табиий, тинч ривожланиш оқибати ҳам эмас, балки ижтимоий-маданий жараёнлар фаол ривожининг хосиласидир.

Инсон биологик мавжудот, табиатнинг бир қисми. Кишилиқ жамиятининг эволюцион тараққиёт натижаси. Инсон ижтимоий ва географик омилларнинг таъсири туфайли муайян гуруҳлар ва жамоаларга бўлинади. Мана шундай жамоалардан бири этнодир. Демак, этнос – табиий-тарихий жараёнлар натижасида таркиб топган кишилар гуруҳидир<sup>1</sup>.

Этнос масаласида собиқ шўро даври назариячилари орасида айниқса, академик Ю.В. Бромлейнинг фикрлари эътиборда бўлган. У 1973 йилда «Этнос ва этнография», 1987 йилда «Этносоциал жараёнлар: назария, тарих, ҳозирги замон» (Этносоциальные процессы: теория, история, современность), 1983 йилда «Этнос назариясининг очерклари» (Очерки теории этноса) номли асарлар ёзиб, уларда этнос назариясига оид мавжуд қарашларни илмий ривожлантирган. Натижада шўро даври назарий этнографиясида «Бромлей концепцияси» ёки «этноснинг дуалистик назарияси» деб аталувчи концепция пайдо бўлди<sup>2</sup>. Унинг фикрича, «этнос аниқ бир ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номи (этноними)га ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир»<sup>3</sup>. Ю.В. Бромлей тасаввурида этнос тушунчасини бир вақтни ўзида кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Тор маънодаги этнос тушунчасини у «этникос» деб атайти, кенг маънодаги этнос тушунчасини эса «этноижтимоий тузилма» деб аташни таклиф қилади.

Ю.В. Бромлей назариясига кўра, «этникос» ўзига хос барқарор маданият, тил бирлиги, психика ҳамда этник ўз-ўзини англаш ва этник номга эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳидир. Кенг маънодаги этносга ёки «этноижтимоий тузилма»га нафақат ҳудудий-сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий умумийлик ҳам қиради<sup>4</sup>. Масалан, ўзбек халқи мисолида оладиган бўлсак, ушбу назарияга кўра, бутун ер шарида яшовчи ўзбеклар этникос бўлса, Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар этноижтимоий организмдир.

<sup>1</sup> Краткий этнологический словарь. М-фонд. «Социальный мониторинг», 1995.

<sup>2</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (Ўқув қўлланма). – Т.: 2007. – 74-бет.

<sup>3</sup> Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. Москва, 1983. С. 35.

<sup>4</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (Ўқув қўлланма). – Т.: 2007. – 74-бет.

Этноснинг муҳим аломатларидан бири унинг тилидир. Тил кўпинча халқ этногенезининг якуний босқичи ҳисобланади. Масалан, ўзбек халқининг узил-кесил шаклланишида тил ўзбек этногенезининг якуний омили бўлди. К. Шониёзов ўзбек этногенези ва этник тарихига доир асарларида ўзбек халқининг шаклланиши IX–X асрларда юз берди деб ёзади, яъни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларидан шарқда Қорахонийлар давлатининг таркиб топиши билан (IX–X асрларда), ўзбек элати халқ сифатида шаклланди<sup>1</sup>, дейди. Аммо, у асрларда Қорахонийларнинг давлат тили умумтурк тили эди, унинг таркибидан ҳали қарлуқ ва чигил тил лаҳжалари асосида шаклланган эски ўзбек тили ажраб чиқмаган эди. Қачонким, XI асрнинг ўрталарида Қорахонийлар давлати иккига бўлингач, унинг ғарбий вилоятлари доирасида, Мовароуннаҳр ва Хоразм, уларга яқин теварак-атрофда қарлуқ ва чигил тил лаҳжаларининг ўлиб бораётган суғдий, хоразмий, бохтарий тиллари ҳамда бу ерга кириб келган форс ва араб тиллари билан қоришуви асосида аста-секин эски ўзбек тили ривожланиб, умумтурк тилидан XII асрда ажраб чиқди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, турли этнослар бир тилда сўзлашишлари ҳам мумкин. Масалан инглизлар, австралияликлар бир тилда – инглиз тилида сўзлашадилар. Шунингдек, бу тилда АҚШ ва Канада аҳолисининг катта қисми, Ямайка ороли, Янги Зеландияликлар, ирландлар сўзлашадилар. Тўғри, инглиз тилининг бунчалар кенг ёйилиши капитализмнинг мустамлакачилик сиёсатини самараси бўлиб, айни вақтда улар эмигрант мамлакатлар бўлсалар-да, амалда турли этнослар ҳисобланадилар. Демак, этноснинг шаклланишида тил ҳамма вақт ҳам ҳал қилувчи аломат бўла олмаслиги мумкин экан. Этносга хос аломатлар сирасига моддий ва маънавий маданият, миллий этник аломатлар: урф-одатлар, маросимлар, халқ санъати, ахлоқ-одоб меъёрлари, этномаданий қадриятлар ҳам киради<sup>2</sup>.

Этнос шаклланишининг энг муҳим аломатларидан бири мазкур этносга мансубликни идрок этиш, яъни этник ўзликни англаш ҳиссидир. Этник ўзликни англаш ҳисси мазкур халққа тегишли фуқаролар томонидан ўзларининг келиб чиқиш тарихи ва тарихий тақдирларининг умумийлиги асосида шаклланади. Фанда шаклланган мана шу қарашлар асосида этнос назариялари шаклланди, жойларда маҳаллий шароитлар ҳисобга олиниб, улар янгидан-янги материаллар, қарашлар асосида ривожлантирилди.

Фанда мавжуд илмий қарашлар мажмуасида миллий автохтонизм ғояси ўзининг бир қадар илмийлиги ва объективлиги билан тарих фанида ўз ўрнини эгаллади. Ушбу концепция асосида, айниқса, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммоларини ўрганишда элшунос К. Шониёзовнинг хизматлари каттадир. У ўзининг қарийб ярим асрлик илмий фаолияти давомида Марказий Осиё минтақасида яшовчи ўзбек ва бошқа қардош халқлар этногенези ва этник тари-

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 318–319, 336-бетлар.

<sup>2</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. (Ўқув кўлланма). – Т.: 2007. – 75-бет.

хини изчил ўрганди, қатор илмий мақолалар ва бир неча йирик монографиялар яратди. Унинг «Ўзбек қарлуқлари» (1964 й.), «Ўзбек халқининг этник тарихига оид» (1974 й.), «Ўзбек халқининг моддий маданиятидан этнографик лавҳалар» (1981 й.), «Қанг давлати ва қанғилар» (1990 й.), «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» (2001 й.) каби асарлари фундаментал илмий асосга эга.

## **I. 2. Миллий автохтонизм концепциясига зид муаммоларнинг туғилиши ва уларнинг илмий таҳлили**

Собиқ шўро даври тарихий лингвистика тадқиқотлари ва уларнинг таъсирида ривожланган тарих фанида Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари тили масаласида, уларни эроний тилли халқ сифатида талқин қилиб келинди. Чунки, Ўрта Осиё ва унинг жанубида яшовчи қадимги аждодларнинг муқаддас китоблари – Авесто ва Ригведа тили Оврўпа халқларининг тиллари билан қариндош эканлиги ҳақида фикрлар ўртага ташлангач, бу минтақанинг туб аҳолисини барчаси Авесто ва Ригведа ёзма манбалари тилидан келиб чиққан ҳолда «эроний» деб қабул қилиниб, бу заминда қадим замонлардан улар билан бирга қон-қариндош, кўни-кўшни ва қуда-анда бўлиб яшаб келган туркчиликка ҳеч қандай ўрин қолдирилмади. Ҳатто, эроншунос олимлар ҳинд-оврўпа<sup>1</sup> назариясидан келиб чиққан ҳолда неолит, энеолит ва бронза даврларида Ўрта Осиёдан то Байкалгача бўлган минтақаларда эроний тил муҳити ҳукмрон эди, деган асоссиз қарашни илмий жамоатчилик он-гига сингдириб борди.

Аслида эса, шимолий Хитой кичик подшоликларининг йилномачилари «ши»ларнинг Хитойдан шимолда, шимоли-шарқ ва шимоли-ғарбда яшаган чорвадор қабилалари (улар археологик илмий адабиётларда «Андроново маданияти» қабилалари сифатида тилга олинади) ҳақидаги маълумотларнинг илмий таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, Дашти Қипчоқда, яъни ҳозирда «Евроосиё» деб номланган минтақаларда бронза ва илк темир ҳамда ундан кейинги тарихий даврларда қадимги прототуркий тилнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи қабилалар яшаганлиги тарихий ҳақиқат бўлиб чиқди. Чунки, бу заминда ҳозирда яшаб келаётган қozoқ ва қирғизлар, татар ва чувашлар, бошқирд ва хакаслар, тува ва бошқа туркий халқларнинг аждодлари ҳеч қачон эроний тилли бўлишмагани маълум.

Масалага жиддийроқ ёндашилса, туркий халқлар этногенезини мутлақо туркчиликдан ёки турк давлатчилигининг илк маконларидан келиб чиқиб ечиб бўлмайди. Масалан, Хун давлати ва Турк хоқонлиги шаклланган ҳудудлар Ўрта Осиёдан шарқда бўлган. Аммо, қадимги этник жараёнлар тарихидан келиб чиққан ҳолда сўз юритилса, ҳар иккала давлат тарихида Турон ўлкаларини (Ўрта Осиё

<sup>1</sup> Ҳинд-оврўпа атамасини фанга киритган француз олими (XVIII аср ўрталари) Дюперон бўлган. У 1755–1761 йилларда зардуштий форс жамоалари диний эътиқодини ўрганиш жараёнида уларнинг антропологик типи ва тилида европаликларга ўхшаш жиҳатларни кузатиб, шу ҳулосага келган эди.

худудларини) ўз тасарруфига қўшиб олиш масаласи доимо кун тартибидан тушмаган. Чунки, Турон ўлкаларининг туркий аҳолиси Марказий Осиё қабилалари билан этник жиҳатдан қон-қариндош бўлиб, жануби-ғарбий Турон ўлкалари мил. авв. I мингйиллик ўрталаридан бошлаб Эрон Ахоманийлари тасарруфига ўтган эди.

Авестошунос олим М. Исҳоков таъбири билан айтганда, «бу ўлкада (қадимги Туронда) Ахоманийларнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилиб, унинг таркибига кирган эроний ва туркий халқларнинг барига буюк Эрон давлати фуқароси сифатида қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқларнинг ўз тилларидан қатъи назар, умум эроний расмий тил қонуний тил қилиб қўйилди. Натижада, давлат маҳкамачилиги доирасида Туроннинг туркий тил мавқеи сунъий равишда бекор қилинди»<sup>1</sup>.

Шу шароитда Ахоманийлар давлатининг таъсиридан ташқарида қолган туркий халқлар дунёсида давлатчиликнинг янги тўлқини вужудга келди, яъни хунлар империяси пайдо бўлди. Бу давлат ўзининг ички сиёсатида туркчилик руҳида иш тутиб, ташқи сиёсатда ўз назарини, биринчи навбатда, Турон ва турк дунёсини бирлаштиришга қаратди. Чунки, бу ўлкаларда тил, аҳолининг турмуш тарзи бир-бирларига яқин бўлган ҳамда сиёсий жиҳатдан Эрон анъанавий давлатчилигидан ажралиб чиқиш кайфиятида бўлган туркий халқлар яшарди. Кейинчалик, Турк хоқонлиги ва Қорахонийлар давлати ҳам айнан шу қудратли ишончга таяниб иш қўрганлар.

Афсуски, ҳозиргача мураккаб тарихий жараёнларнинг бундай сиёсий жиҳатлари таҳлил қилинмай, минтақанинг туб жойли аҳолиси нафақат эроний тилли халқлар бўлган, деган тасаввурда, ягона ҳудудий кенгликда туркий қавмлар ҳам яшаганлиги ҳисобга олинмай, қадимги Турондаги туркий этносни инкор этиш даражасигача олиб келинди. Бундай қарашни собиқ шўро даври тарих фанининг даргалари фанга олиб кирдилар. Бу қараш бутун бир авлод илмий жамоатчилиги онгига сингдирилди.

Археология ва палеоантропология материалларининг таҳлили ҳам мана шу қарашга бўйсундирилди. Бундай қарашни фанда ҳукмрон бўлишида Ўрта Осиёдан топилган қадимги эроний тилли ёзма ёдгорликлар тили асос бўлди.

Яқингача «Ўрта Осиёдан топилган қадимги ёзувлар фақат хоразмий, бохтарий, суғдий тилларда битилган, демак, туб жойли аҳоли эроний тилли бўлган», деган хулоса қилиб келинди. Ҳатто, туркийда ёзилган ёзма ёдгорликларни ҳам ўз номи билан аташни исташмай, уларни «номаълум ёзув» деб эълон қилинди. Булардан илмий ва мафкуравий озуқа олган эронпараст олимлар кейинги йилларда Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихини ўрганишда илмий тафаккурга ёт «панэронизм» ғоясини жонлантириб, минтақада миллий низоларга олиб келувчи ҳаракатлар билан шуғулланмоқдалар. «Панэронизм» ғояси тарафдорларининг таъкидлашича, миллий автохтонизм назарияси собиқ шўро даври ижтимоий-гуманитар фанларининг сиёсий ўйини эмиш, аслида Ўрта Осиё минтақаси эроний

<sup>1</sup> Исҳоков М. География распространения древнетюркских письменных памятников и вопросы этногенеза тюркских народов. Журнал. «Тюркология» № I, 2003. С. 12.

тилли халқлар ватани, ўзбек турклари бу юртларни зўрлик билан босиб олиб, унинг туб жойли халқи – тожикларни тоғу тошларга сиқиб чикарди, мазмунида асарлар ёзиб, чоп этмоқдалар.

Масалан, Тожикистон ФА академиги, тарихнавис Р. Масов, А.Я. Вишневскийнинг 1988 йилда Душанбеда ротопринт усулида чоп этилган «Ещё раз к вопросу об истории национально-территориального размежевания» рисоласига асосланиб, 1991 йилда «История топорного разделения», 1995 йилда эса «Таджики: история под грифом «совершенно секретно» номлари остида, 2003 йилда эса «Таджики: вытеснение и ассимиляция» каби панэронистик руҳда монографиялар чоп этди ва уларни хуфиёна Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари аҳолисига тарқатишгача бориб етилди.

Марказий Осиё шароитида, айниқса, унинг ғарбий қисми – Туркистонда юз берган мураккаб этногенетик жараёнларни ҳисобга олмай, бундай чиқишларга ғоявий озуқа берувчи кучлар ҳам фанда йўқ эмас. Масалан, АҚШдаги Индиана университетининг профессори Ю. Брегель ва унинг баъзи бир издошлари (А.Я. Вишневский, Н. Нёматов, Ю. Якубов, С. Поляков, С.Н. Петрова ва бошқалар) чиқишларида «ҳинд-оврупа» назарияси асосида панэронистик қарашларга бўлган хайрихоҳлик ҳамон кўзга ташланади<sup>1</sup>.

Масалан, Тожикистон Республикаси ФА академиги, археолог Н. Нёматов ўзининг ўта эронпараст ҳамфикрларидан ҳам ошиб тушди, яъни «панэронизм» назариясининг асосини ташкил этган «орийларнинг илк ватани Ўрта Осиё, унинг туб жойли аҳолиси эса тожикларнинг ўзгинасидир», деб илмий жамоатчиликни ишонтирмоқчи бўлмоқда. У «Перманентной макроцивилизации страны народа Арианы 8000 лет» мақоласида орийларнинг келиб чиқиш тарихини ўзича даврлаштиради. Унингча, орийларнинг пайдо бўлиши қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичига тўғри келади. Бу даврни у «орий ибтидоси» («арийской архаики») деб атаб, айнан шу даврда тожик орийлари тарихи бошланган, яъни «орийлар эраси бошланди», дейди. «Тожик орийлари тарихининг иккинчи босқичи эса, мезолит ва неолит даврининг бошларига (мил.авв. XII–VI мингйилликлар) тўғри келади. Бу даврда ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ибтидодий-интуитив селекцияланиши юз беради, ҳайвонларни хонақилаштириш, ибтидодий деҳқончилик хўжалигининг пайдо бўлиши, орийлар селекцияси, яъни умумавом орасидан орийларнинг ажраб чиқиши содир бўлади. Бу даврнинг «Неолит инқилоби» деб аталмиш босқичида янги тарихий давр, цивилизация ихтиролари, яъни янгидан-янги хўжалик кашфиётлари даври бошланади: тош қуролларини силлиқлаш ва тешиш, қулоччилик, тўқимачилик, лойдан уй ясаш ва бошқалар кашф этилади. Ибтидодий уруғ жамоаларининг бирлаштиришга, уларни ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтишида бошқош бўлган орий жамоаларининг цивилизацияси «неолит инқилоби» билан яқунланади»<sup>2</sup>, деб ёзади.

1 *Bregel Yu. Notes on the study of Central Asia.* – Журнал «Восток», № VI. Москва, 1997.

2 *Нематов Н.* Газета «Вароруд» № 51 (87) от 24.XII. 2003 г.



Археолог Н. Неъматовнинг таъбири билан айтганда, милоддан аввалги VI–IV мингйилликларда инсоният тарихида орийларнинг «Ўрта Осиё Ориёнаси» яъни «Қадимги Ориёна» – орий халқларининг илк ватани шаклланади. Шундан бошлаб, Ориёна цивилизациясининг иккинчи даври бошланади, унинг хронологик санаси милоддан аввалги IV–III мингйилликларни ўз ичига олади. Бу даврда суғорма деҳқончилик, аҳолининг ўтроқ турмуш тарзи таркиб топади, воҳаларнинг, қадимги шаҳарлар, ижтимоий-бошқарув марказлари вужудга келади, бошоқли ўсимликлар янги навларининг селекцияси, тоғ саноати, мисдан меҳнат қуроллари яшаш пайдо бўлади. Бу даврнинг сўнгги босқичида орийларнинг илк ва азалий ватанидан Евроосиё минтақаларига миграцияси (ёйилиши) бошланади. Орийларнинг янги гуруҳлари Шимолий Ҳиндистонга, Афғонистон ва Эронга, Жанубий Каспий бўйлари, Жанубий Кавказ ва Кичик Осиёга, Дарданелл бўғози орқали Фракия ва Эгей денгизининг хавзаларига ёйилиши кузатилади.

Орийлар муаммосининг «янги назарийчиси» орийларнинг келиб чиқиши ва уларнинг илк ватани ҳақида илмий манбаларга асосланган кўплаб илмий асарлар борлигини ҳисобга олиб фикр-мулоҳазалар қилмаган кўринади<sup>1</sup>. Орийларнинг келиб чиқишини, умуман тош даври билан боғлашликнинг ҳеч бир илмий асоси йўқ. Шунингдек, уларнинг келиб чиқишини қадимги деҳқончилик минтақалари билан боғлашлик ҳам асоссиз. Афсуски, миллий эхтиросларга ўта берилган Н. Неъматов ғояси заминидан Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихини фақат тожиклар билан боғлашлик ётади. Унингча, ер қуррасининг ягона цивилизация ўчоғи Ўрта Осиёку, унинг аҳолиси эса тожиклар бўлиб, тожик халқининг аجدодлари дунё бўйлаб маданият ва цивилизация тарқатган. Бундай чиқиш XX асрнинг 30-йилларидаги гитлерчилар Германиясини эслатмайдими?

Н. Неъматовнинг «янги концепция»си аслида собиқ шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида авж олган «панэронизм»нинг кўпол кўриниши холос. Бунда, Ўрта Осиёда қадимги деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини «тожик орийлари»нинг келиб чиқиши ва ривожланиши билан сунъий равишда боғлашга уринилган. Афсуски, бундай илмий асоссиз чиқишлар, фандаги мавжуд мураккаб илмий муаммоларни ечимини топишга эмас, балки фақат уларни янада чигаллаштиришга олиб келади.

Аммо, асл тарихий ҳақиқат шундаки, Ўрта Осиёдаги икки тилли халқларнинг аралашиб яшаши, улар орасидаги бир-бирларига яқинлашиш ва интеграция жараёнлари турли этник қатламлар яратган муштарак маданият, фан, маънавий олам ҳамда сиёсий ҳокимият охир-оқибатда, икки қардош ўзбек ва тожик халқларининг деярли бир вақтда шаклланишига олиб келган. Шундай қилиб, халқларнинг келиб чиқиши масаласидаги бундай илмий қараш, қачонким, муаммо ечимини комплекс ёндашув асосида ўрганишга ўтилгач, этнология фанида ўз ўрнини топди.

<sup>1</sup> Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. Москва, 1994; Аскарлов А. Арийская проблема: новые подходы и взгляды. Сб. «История Узбекистана в археологических и письменных источниках». – Т.: 2005.

Таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 70–80- йилларида Ўрта Осиё республикалари худудларида, Қозоғистон даштлари, Тоғли Олтой, Жануби-Шарқий Ўрол тоғолди минтақалари ва Жанубий Сибирда катта масштабда археологик ва антропологик тадқиқотлар олиб борилди. Мутахассис олимлар қўлида бой фактик материаллар тўпланди. Бирок, бу худудларнинг қадимда яшаган аҳолисининг тили масаласида чиқарилган хулосалар объективлик, тарихийлик ва ҳолислик тамойилларидан келиб чикмади.

Собиқ шўро даври тарихшунослиги эронпараст лингвистлар таъсирида «Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан то Байкалгача чўзилган чўлларда қадимда эронзабон аҳоли яшаган, бу географик кенгликнинг фақат Тоғли Олтой қисмидагина турк қабилалари яшарди», деган ғайриилмий тасаввур фанда ўрнашиб қолган эди<sup>1</sup>. Бу ғайриилмий муаммога зид ўларок, истиқлол йилларида собиқ СССРнинг туркий халқлар дунёсида бошқа бир муаммо туғилди, яъни совет давлатининг дастлабки йилларида пайдо бўлган паптуркизм рухияти СССР парчаланиб, мустақил давлатлар таркиб топгач, баъзи бир ижодий зиёлилар орасида кўзғалиб қолди. Айниқса, бу ғоя Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистонда, Россиянинг Ўрол-Волгабўйи минтақаларида ғоят фаоллашди. Бу ғоя тарафдорлари ўтмиш тарихга мурожаат қилиб, қадимда ва ўрта асрларда ўтган ва ўз таъсирини чўл минтақаларига кенг ёйган турк империялари (хунлар империяси ва Турк хоқонлиги) ва уларнинг вайроналарида қад кўтарган турк давлатларининг тарихдаги ўрни ва ролини кўтаришга интила бошладилар, буюк туркчилик ғояларини қайтадан тиклаш даври келмадимикан, деган масалани кўтарадилар. Уларнинг даъво қилишларича, барча туркий халқлар ягона турк миллатини ташкил этади ва уларнинг илк ватани – Буюк Турон. Турон туркларининг (ўзбек, қозок, қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйғур, қорақалпоқ) миллий тиллари эса турк тилининг лаҳжалари бўлиб, туркдан тарқалган ҳозирги замондаги ўзбек, қозок, қирғиз, туркман, озарбайжонларнинг тиллари аслида миллий тиллар эмас, балки ягона турк тилининг диалектларидир, деган ғайриилмий сафсаталарни тарқатдилар.

Айниқса, собиқ шўролар империяси инкирозга учрагач, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, Туркия илмий жамоатчилиги бу ғояни амалга ошириш мақсадида, собиқ шўро давлати таркибида бўлган туркий республикалар олимларига таъсир ўтказиб, умумтурк тарихини ёзиш ва ана шу асосда дарсликлар яратиш йўлида Туркияда илмий-сиёсий анжуманлар уюштирдилар.

<sup>1</sup> *Смирнов К.Ф., Кузьмина Е.Е.* Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических открытий. Москва, 1977. С. 5–56; *Кузьмина Е.Е.* Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических данных. Сб. «Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности». Москва, 1981. С. 101–125; *Кузьмина Е.Е.* Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен Андроновской общности и происхождения индоиранцев. Москва, 1994; *Дьяконов И.М.* Прародина индоевропейцев (по поводу книги Е.Е. Кузьминой «Откуда пришли индоарии?». ВДИ. № I. 1995. С. 123–130; *Грантовский Э.А.* Ранняя история иранских племен Передней Азии. Москва, 1970. С. 351–358; *Бонгард-Левин Г.М., Грантовский Э.А.* От скифии до Индии. Москва, 1983; *Оранский И.М.* Иранские языки в историческом освещении. Москва, 1979.

Мана шу анжуманларда ушбу сатрлар муаллифи ҳам қатнашган, лекин ўз илмий позициясида қатъий турган. Ниҳоят, ҳақиқат ғолиб чиқиб, бу ғоя улар кутганидек ижобий ҳал бўлавермагач, Туркия олимларининг ўзлари «Ўзбек туркларининг тарихи»<sup>1</sup>, «Қирғиз туркларининг тарихи»<sup>2</sup>, «Қозок туркларининг тарихи»<sup>3</sup>, «Туркман туркларининг тарихи»<sup>4</sup>, «Озарбайжон туркларининг тарихи»<sup>5</sup> каби китоблар ёзишиб, 1993 йилда чоп эттирдилар.

Ўзлигини англаб, ўз ҳуқуқини ўзи белгилаб, тараққиёт сари жадал бораётган Ўрта Осиёнинг суверен туркий давлатлари ва миллатларини БМТ, жаҳон ҳамжамияти ва расмий тарих тан олиб, улар мустақил ички ва ташқи давлат сиёсатларини юргизиб турган бир вазиятда, уларни мустақил миллат сифатида мавжудлигини инкор этишга даъват этувчи турк ватанпарварлиги ёки панэронистик қарашлар билан келишиш мақсадга мувофиқ эмас.

1920 йилларда Марказий Осиёда турк дунёсини бирлаштирувчи ягона Туркистон давлатини ташкил этиш тарихий зарурият эди. Бироқ орадан 70–80 йил ўтди, замон ўзгарди. Ўзлигини англаган мустақил давлатлар қарор топди. Эндиликда ўзбек, қозок, қирғиз, туркман, озарбайжон атамалари этник маъно ва мазмун касб этди, этнонимга айланди. Бу тарихий ҳақиқат.

Тарихий жараёни ҳолисона ва объектив ёритиш, тарихий воқеа ва ҳодисаларни тўғри таҳлил этиш илмийликка асосланган ҳақиқий мезондир. Тарих фанининг асосий объекти – халқ, миллатдир, унинг яратувчилик фаолиятисиз тарихий жараён ўзининг мазмун ва маъносини йўқотади. Бинобарин, тарих долзарб ва қизиқарли бўладики, қачонким у халқ билан, унинг келиб чиқишини ҳаққоний ёрита олса; тарих халқнинг ривожланиш жараёнини асосий босқичларини объектив кузата олса; жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида халқнинг асл фарзандлари (давлат арбоблари, фан ва маданиятнинг илғор вакиллари)нинг хизматларини тўғри баҳолай олса. Тарихни у ёки бу муаммоси ечими йўлида ишлаб чиқилган илмий концепциялар нафақат тарихий жараёни тўғри ёритишга, балки муайян минтақа халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий ҳамжихатлилиқка хизмат қилмоғи керак.

### **1.3. Замонавий этнология фанида этнос назариясига муносабатлар**

Ўз ўрнида, ҳозир дунё этнология фанида мавжуд этнос назариясига ва унинг ўрганиш объектига муқобил тарзда қўплаб қарашлар ва янгидан-янги концепциялар пайдо бўлаётганлиги, замонавий Ғарб ва Европадаги айрим илмий мактаб вакиллари этнос назариясини кескин танқид қилаётганлиги, баъзилари эса этногенез ва этник муаммолари билан боғлиқ мавжуд назарияларни мутлақо

<sup>1</sup> Mehmet Saray. Ozbek Turkleri Tarihi. Istanbul-1993.

<sup>2</sup> Mehmet Saray. Kirgiz Turkleri Tarihi. Istanbul-1993.

<sup>3</sup> Mehmet Saray. Kazak Turkleri Tarihi. Istanbul-1993.

<sup>4</sup> Mehmet Saray. Turkmen Turkleri Tarihi. Istanbul-1993.

<sup>5</sup> Mehmet Saray. Azerbaycan Turkleri Tarihi. Istanbul-1993.

рад этишгача бориб етганликларини таъкидлаш ўринлидир. Айрим қарашларга кўра, кўплаб одамлар ўзларини у ёки бу этносга тегишли эканлигини унутганлар, ёки «мен бирор этносга тегишлиман» деб ҳисобламай қўйганлар. Бу типдаги одамларнинг ижтимоий ўзига хослиги, ўз навбатида, давлатга ёки диний жамоага мансублигига қараб ҳам аниқланади. Умуман олганда, постмодернизм фалсафасига асосланган замонавий этносшуносликда бу типдаги одамлар табиатига мослаштирилган этнос таърифлари пайдо бўлган. Ана шундай таърифлардан бирида: «этнос – бу умумий ном (этноним)га, маданиятда умумий ўхшашликларга эга бўлган, жамоавий тарихий тафаккурга ва келиб чиқиш тарихини умумий мифологик тарзда тасаввур этувчи, ўзларини маълум бир ҳудуд билан боғлиқ ҳамда ҳамфикр деб билувчи кишилар гуруҳидир», дейилади. Ушбу таъриф таҳлиliga кўра, этнос назариясига асос бўлган ҳудудий ва тарихий жараёнлар (этногенез) билан боғлиқ объектив маълумотлар эмас, балки субъектив жиҳатлар: жамоавий тафаккур, этносни мифология тарзида тасаввур этиш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, этносга берилган бундай схоластик қарашлар билан келишиб бўлмайди.

XX асрнинг охири ва XXI асрда жаҳонда миллий-этник низоларнинг кучайиши муносабати билан (айниқса, СССР парчалангач) этнологияга бўлган қизиқиш кучайди. Этнологиянинг турли йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб бориш анъанага айланди. Айтиқса, бу тарихий жараёнда шахс ва жамоа муносабатлари, замонавий жамиятда миллий маданиятларнинг ўрни, уларни сақлаб қолиш омиллари, этномиллий можаролар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва мазкур воқеаларда этник факторнинг ўрни каби муаммолар муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада, фаннинг тадқиқот объекти ва методлари ҳам ўзгара бошлади.

Тадқиқот объекти энди нафақат архаик халқлар ва уларнинг маданиятлари бўлиб қолди, балки замонавий индустриалашган халқлар ва уларнинг маданиятлари ҳам тадқиқот объекти сифатида ўрганиладиган бўлди. Ҳозирги кунда кўпроқ этномиллий маданиятларга тадқиқот объекти сифатида қаралмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда ва Марказий Осиё давлатларида ҳам этногенез ва этник тарихни ўрганишда миллий этник хусусиятларни ўрганишга эътибор берилмоқда. Шу боис, миллий маданиятлар ва цивилизацияларнинг тарихий ранг-баранглиги, дунё халқлари тараққиётида этник омилнинг ўрни ва роли, этнослараро коммуникация шакли ва турлари, миллий этник ўзликни англаш принциплари, анъанавий машғулот ва хўжалик-маданий типлар, моддий ва манавий маданият, халқ байрамлари, удум ва маросимлар, ижтимоий муносабатлар, жамоа анъаналари ва диний қарашларга оид умумлашмалар билан шуғулланиш этнология фанининг тадқиқот объектига айланди.

Этносининг энг юқори босқичи, камолот чўққиси миллатдир. Миллат ҳам этнос каби халқ маъносини англатади. Аммо, халқ миллат даражасига кўтарилганда унга қўйилган талаблар кўлами, ички мазмуни ва моҳияти жиҳатидан жамият олдида масъулияти юз карра, минг карра ортади.

Миллат атамаси қадимда ва ўрта асрларда асосан келиб чиқиши бир бўлган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан умумийлик касб этган кишилар гуруҳига нисбатан ишлатилган. Бундай қараганда миллат тушунчасига берилган изох этнос тавсифидан фарқ қилмайди.

Миллат атамаси биринчи бор XVIII асрда буюк Франция инқилобидан кейин Ғарбий Европа халқлари тилларида маълум бир давлат фуқароларига нисбатан этник маънода қўлланила бошлайди<sup>1</sup>. Кейинроқ, бу атама Шарқий Европа мамлакатларига ҳам этник маънода кириб келди. Миллат концепциясини фанга дастлаб француз этнологи Э. Ренан олиб кирган. У ўрта асрлар Европасида миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиш жараёни билан боғлиқ ҳолда илк бора 1877 йилда талқин қилган. Миллат унинг фикрича, маълум бир гуруҳ кишиларининг биргаликда яшашга, аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарни сақлаб қолишга бўлган ҳаракат ва умумий мақсад йўлида бирлашишга айтилади. Э. Ренандан сўнг миллат тушунчаси масаласида қатор назарий-методологик қарашлар пайдо бўлган бўлса-да, аммо, уларнинг биронтаси ҳам мукамал назария сифатида шаклланмаган ва умум эътироф этилмаган<sup>2</sup>.

Совет даврида миллат атамасига ривожланган синфийликка хос этнос типи деб таъриф берилган. Аммо, масалага жиддийроқ ёндашилса, юқорида таъкидлаганимиздек, этнос миллат даражасига ўсиб чиққанда, унинг олдидаги масъулият юз ва минг қарра ошади. Миллат иборасининг пайдо бўлиши капиталистик ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши билан боғлиқ юз берган иқтисодий хўжалик ва бошқа алоқаларнинг ривожланиши, она тилида эркин ижод қилиш, миллий этниклик ҳиссини кучайиши, миллий давлатчиликни қуриш ҳаракатининг авж олиши билан боғлиқдир. Ўрта Осиё шароитида бу этномаданий жараёнлар XIX асрнинг охирилари ва XX асрнинг биринчи чорагида етилиб пишди.

Ҳозирги кунда миллат ибораси Ғарбий Европа тилларида «бир давлат фуқаролари жамоаси» мазмунини аниқлашчи сиёсий маънода қўлланилади. Этнологларнинг таъкидлашларича, сўнгги ўн йилликларда миллат ибораси билан боғлиқ анъанавий қарашлар қаттиқ танқид қилина бошланди<sup>3</sup>. Айниқса, бу борада Миклуха-Маклай номидаги Этнология ва Антропология институти, унинг директори В.А. Тишковнинг тадқиқотлари киши эътиборини ўзига тортади.

Конструктивизм тарафдорларидан бири бўлган антрополог В.А. Тишков этнос билан боғлиқ тарихий-ижтимоий воқеликни инсоният тасаввури натижаси тарзида таҳлил этади ва этносни совет назариячилари томонидан яратилган сунъий «ижтимоий тузилма» деб танқид қилади. Унингча, аслида ушбу «аклий тузилма» ўрнида жамият ва маданиятда объектив мавжуд ҳамда ўзаро фарқли кўринишлардан иборат бўлган ўз-ўзини бошқарув континуми ва структуравийликка ҳаракат қилувчи мозаик, лекин ўзига хос маданий хилма-хиллик мавжуд, дейди.

<sup>1</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (Ўқув қўлланма). Т.: 2007. – 77-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, Т.: 2007. – 77–78-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша асар, 78-бет.

Шунингдек, В.А.Тишков терроризм, экстремизм, миллатчилик, сепаратизм, диаспоралар, кам сонли миллий гуруҳлар каби тушунчаларни «ижтимоий антропология» нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Унинг фикрича, турли-туман маҳаллий қарама-қаршиликлар тарихий ва этник муаммолардан эмас, балки «замонавий муаммоларга оид ижтимоий макондаги замонавий иштирокчиларнинг замонавий ихтилофлари»дан пайдо бўлади ва ўз навбатида, бу вазиятда миллий адоват ва агрессия сунъий тарзда атайлаб авж олдирилади<sup>1</sup>. Аммо, В.А. Тишков этнос назариясини «ревизия» қилиш асносида мантиққа зид хулосаларга ҳам келади. Жумладан, унингча, «миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва катъий воқеликка айланади»<sup>2</sup>.

Этнос билан боғлиқ янги замоннинг яна бир назарий қарашлардан бири – этниклик (этничность) тушунчасидир. Бу атама ўтган асрнинг 60-йилларида этнос муаммолари мажмуасига Ғарбий Европа этнологиясида этноснинг ҳосиласи сифатида инглизча «ethnicity» сўзи остида пайдо бўлди<sup>3</sup>.

Ғарбий Европа этнологлари тасаввурига кўра, бу тушунча асосида, биринчи навбатда, полиэтник характердаги этнос муаммолари ёки минтақавий этнослараро муносабатлардаги зиддиятли ҳолатларни ўрганиш кўзда тутилади. Унинг туб моҳиятини очмай, юмшоқроқ қилиб айтганда, этниклик Ғарб олимларининг расмий тасаввурларига кўра, этник гуруҳларнинг маданий хусусиятлари йиғиндисидан иборат<sup>4</sup>.

Шўро даври фанида бу соҳани ривожланишига йўл қўйилмади. Аммо, собиқ СССР парчаланиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар таркиб топгач, миллий ғояларнинг шаклланиш жараёнлари кечаётган кезларда, уни (этникликни) плюрализм шабадалари Россия этнография фанига ҳам олиб кирди. Бу йўналишнинг ташаббускорлари сифатида Россия ФА Этнология ва Антропология институтининг директори, антрополог В.А.Тишков ва С.Н.Абашинлар катта роль ўйнадилар.

Бу соҳанинг тадқиқот объекти полиэтник характердаги ҳозирги замон жамиятларининг муаммолари, биринчи навбатда, кенг доирадаги ижтимоий-маданий муҳитнинг бир қисми бўлган этник гуруҳнинг муайян этнос таркибидаги бошқа этник гуруҳлар билан зиддиятли ҳолатда бўлган томонлари, маданий хусусиятларидаги фарқларни ўрганишга қаратилган<sup>5</sup>. Мана шу йўналишда С.Н. Абашин мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Фарғона водийсида махсус изланишлар олиб бориб, Фарғона водийси аҳолисининг этнографик таркиби ва унинг полиэтник характеридан келиб чиқадиган зиддиятларни

<sup>1</sup> Тишков В.А. Реквием по этносу. С. 24; Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. С. 78.

<sup>2</sup> Тишков В.А. Реквием по этносу: исследования социально-культурной антропологии. Москва, 2003. С. 31.

<sup>3</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (Ўқув қўлланма). – Т.: 2007. – 82-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар, 82-бет.

<sup>5</sup> Ўша асар, 83-бет.

ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Бунга у hozирги кунда этникликнинг асосий муаммоси, этнослараро зиддиятларга олиб келувчи омил сифатида ёндашади<sup>1</sup>.

В.А. Тишков этниклик муаммосини «анъанавий маданий типлар» классификацияси тарзида таҳлил қилинишига қарши чиқиб, уни «маданий гибридлик» тарзида талқин қилади. Унинг фикрича, муаммони бундай тарзда ҳал қилиниши «инсонни этникликда эмас, балки инсондаги этникликни тадқиқ қилиш» имконини беради<sup>2</sup>. Этниклик йўналишидаги изланишларда В.А. Тишков ва унинг издошлари (конструктивистлар) фикрича, этникликда уруғ-аймоқчилик ва бошқа объектив мезонлардан кўра, маданий муносабатлар катта роль ўйнайди. Умуман олганда, этниклик бу муайян этник гуруҳга тегишли маданий хусусиятлар мажмуаси, яъни ундаги маданий фарқлар ижтимоий уюшмасининг шаклидир<sup>3</sup>.

Конструктивистик қараш тарафдорлари орасида «этникликни юзага келишида аввало, «биз ва улар» деган ўзига хос иккилик муносабати бўлиши лозим, дейишади. Агар бундай муносабат бўлмаса этниклик ҳам бўлмайди»<sup>4</sup>.

XX асрнинг охири чорагида Ғарб дунёсида этнос ва этниклик муаммолари доирасида этнологлар, ижтимоий ва маданий антропология, социолог ва психологлар ҳамда тарихчилар орасида икки хил методологик мактаб пайдо бўлди. Булар бир-бирларига қарама-қарши – примордиалистик ва конструктивистик оқимлар бўлиб, улар ўртасидаги илмий баҳслар ҳозиргача кескин давом этиб келади.

Примордиализм (инглизча *primordial* – бошланғич, дастлабки, азалий, деган маънода) йўналишининг намояндалари (К. Гирц, Р.Гамбино, У. Конноро, Ю.В.Бромлей, Э.Стуард ва бошқалар) этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга аниқ феномендир<sup>5</sup>, дейдилар. Совет даврида яратилган этнос назариясига (примордиализм йўналишидаги) И. Сталиннинг 1913 йилда «миллат (этник контекстда талқин қилинган – А.А.) кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳи бўлиб, у маданиятлар умумийлиги асосида намоён бўладиган умумий тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва руҳий жамланма асосида пайдо бўлади» деган таърифи асос бўлган<sup>6</sup>. Шунга ўхшаш таърифни этносга 1923 йилда рус мухожири С.М. Широкогоров ҳам берган эди. С.Широкогоровларнинг этносга берган таърифлари собиқ шўро даври этнос назариячилари (П. Кнышев, С. Токарев, Н. Чебоксаров, В.Козлов, Ю.Бромлей) тадқиқотларида такомиллаштирилди ва ривожлантирилди<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Абашиин С.Н. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века). Ферганская долина. Этничность, этнические процессы, этнические конфликты. М., «Наука», 2004. С. 38–101.

<sup>2</sup> Тишков В.А. Этнология и политика. Москва, 2001. С. 233.

<sup>3</sup> Тишков В.А. О феномене этничности. ЭО. № III. Москва, 1997. С. 6.

<sup>4</sup> Скворцов Н.Г. Проблема этничности в социальной антропологии. СПб., 1997. С. 61.

<sup>5</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (Ўқув қўлланма). Т.: 2007. 84-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар, 84-бет.

<sup>7</sup> Ўша асар, 84–85-бетлар.

Аммо XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб этнос назарияси масаласида Ғарб олимлари конструктивизм қарашларини олға сурмоқдалар. Улар ўзларининг назарий-методологик қарашларига тўғри келмаган, ёки уларга қарама-қарши мулоҳазалар юритган ҳар қандай қарашни примордиализмга киритадилар ва ўз қарашларини замонавий фан инъикоси сифатидаги илғор фан тарзида талкин қиладилар, примордиалистик қараш «илмий хатоликлар мажмуаси» деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>. Аслида шундайми? деган савол туғилади. Бу борада академик С.Е. Рыбаков икки оқимга таъриф бериб, «тарихий примордиализм дарахтнинг йирик шохларига, конструктивизм эса дарахтнинг алоҳида якка шохига ўхшайди»<sup>2</sup>, деб ҳақ гапни гапирган.

Конструктивизм бу – этниклик муаммосини изоҳлашда сиёсатчи олимлар ва ёзувчилар томонидан этник ҳиссиёт ва унинг асосида онгли тарзда яратилган тасаввурлар ҳамда докториналарнинг ақлий тузилмасидан иборат. Конструктивизм тарафдорлари ўзликни англаш ва тилни муҳим рамзий символ, деб билади ва улар асосида этник ранг-баранглик мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Шу боис, улар этнос муаммоларини ўрганишда тил ва онг тизимига алоҳида эътибор берадилар. Бу Ғарб олимлари (Д.Ж. Коморофф, М. Смит, Ф. Барт ва бошқалар) қарашлари бўлиб, масалан, М. Смит этнологиянинг аъъанавий қарашлари асосида ижтимоий тузилиш бевосита маданий фарқлардан келиб чиқади, деб ҳисобласа, Ф. Барт «маданий фарқлар ижтимоий тузилма ва ўзаро ҳаракатлар натижасидир», деб таъкидлайди.

Ф. Барт этник ўзликни англаш этникликнинг муҳим аломатлари сирасига кирмайди, этник ўзликни англаш орқали шахс ўзининг этник ролини намоён қилади ва маълум бир гуруҳ аъъоси тарзида тасаввур қилади, дейди. Шунинг учун улар этникликни англашда этносга хос маданиятдан кўра, унинг ҳозирги даврдаги фарқли ва руҳий чегарасига хос маданий тавсифни ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб ҳисоблайдилар. Конструктивистик қараш тарафдорлари бўлган Ғарб ва Россия тадқиқотчилари этнос ва миллатнинг тарихийлик принциплари асосида пайдо бўлишини инкор этадилар. Жумладан, замонавий этнослар (улар биринчи навбатда, Ўрта Осиёдаги этносларни кўзда тутди) узок муддатли ривожланиш натижаси эмас, балки шўро ҳокимиятининг сунъий равишда барпо этган этнослардир», деган ғайриилмий ғояни олға сурадилар<sup>3</sup>.

Бундай қарашлар конструктивистик қарашлар бўлиб, этнос ва миллатни био-географик сфера ҳосиласи эканлигини инкор этадилар. Этнос ва узок давом этган ва бир неча этногенез босқичларини босиб ўтган реал борлик этниклик, миллатни тарихан шаклланиш жараёнларини инкор этувчи замонавий этнология назариялари ва уларнинг қарашларидаги этнос назариясининг мазмун ва туб моҳияти шулардан иборат.

<sup>1</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. (Ўқув қўлланма). Т.: 2007. – 86-бет.

<sup>2</sup> Рыбаков С.Е. Философия этноса. Москва, 2001. С. 98


<sup>3</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (Ўқув қўлланма). – Т.: 2007. – 86-87-бетлар.



Шундай экан, этнос ва миллатга доир назарий ва методологик ишланмаларда бугунги кундаги долзарб вазифа этнос муаммоси билан боғлиқ масалаларда, минтақа аҳолисининг тарихан таркиб топишидаги узок давом этган этногенетик жараёнларни илмий асосли ўрганиш, минтақа этнослари орасида қадимдан давом этиб келган анъанавий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик фазилатлари, улар ўртасидаги миллатлараро иктисодий-сиёсий ва маданий муносабатларини ривожлантиришга, миллатлараро миллий-этниклик ҳис-туйғуларини сақлаш ва ривожлантиришга, ҳар бир халқнинг миллий менталитети, ор-номуси, ахлоқ-одоб меъёрларини ҳурмат қилган ҳолда, илмий тадқиқотлар ва амалий ишлар қилишни тақозо этади.

Ҳозирги замон Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиши ҳақидаги миллий автохтонизм назарияси «қизил империя» таркибида миллий республикаларни ва миллий тилларнинг таркиб топишига, ўзликни англаш ва ҳар бир халққа хос миллий менталитетни шаклланишига хизмат қилди. Шунингдек, бу концепция «пантуркизм», «панэронизм», «панисломизм»га қарши собиқ тузум мафқурасининг кучли сиёсий химоясида бўлди. Бироқ, Ўрта Осиё халқларининг то «миллий чегаралаш» сиёсатида қадар давом этган яхлит тарихини, ягона умумминтақа тарихий жараёнларни ўрганишда ҳар бир халқ тарихини минтақавий тарихий жараёндан ажратиб олиш ва миллатлараро тақсимлаш учун мафқуравий асос бўлди.

Савол туғилади, бугунги геосиёсий вазиятда қайси бир концепция (пантуркизм ёки миллий автохтонизм) тарихий жараёнларни объектив ва холис ёрита олади ва минтақада тинч ҳаётни таъминлай олади? Биринчи йўл, ўзбек халқининг келиб чиқиш муаммосини ўрганишда, унинг этник асосини фақат туркчиликка боғлаб изланишлар олиб боришни талаб қилади. Иккинчи йўл эса, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихий илдизи икки тилда сўзлашувчи этник компонентлардан, яъни туб жойли эроний ва туркий тилли қабила ва элатларнинг узок асрлар давомида қоришуви асосида таркиб топган этнос эканлигини тан олади. Аммо, биринчи йўл мутлақо илмийликка зид бўлиб, фан тармоқларининг бугунги кундаги ривожини бундай қарашни рад этади.



## II боб

### ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШ ТАРИХИ АКС ЭТГАН ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида жуда кўп мақолалар чоп этилган. Аммо, бу хусусда тўлақонли чуқур илмий тадқиқотлар ва фундаментал асарлар кўп эмас.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида уч хил ёндашув мавжуд. Уларнинг биринчиси, ўзбек этноси қадимдан шу заминда яшаб келган туркий қабила ва элатлардан таркиб топган. Бу заминнинг маҳаллий суғдий ва хоразмий, боҳтарий ҳамда сак-массагет қабилалари ҳам қадимдан туркий тилда сўзлашувчи элатлар бўлган. Иккинчиси, ўзбеклар бу заминга сўнгги ўрта асрларда кириб келган Шайбоний ўзбекларидан таркиб топган. Учинчиси, XX асрнинг 40-йиллари бошларида проф. А.Ю. Якубовский томонидан ишлаб чиқилган миллий автохтонизм концепцияси асосида ёзилган асарлардир.

Биринчи қараш тарафдорлари кўпроқ сўнгги ўрта асрлар даврида ёзилган, тарихий далиллар ва диний мифологик қарашларнинг омухталашувида, қоришувида битилган асарларга асосланади. Собиқ шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида уларга зидди ўларок, иккинчи қараш асосида ёзилган асарлар пайдо бўлдики, улар Ўрта Осиёнинг туб жойли аҳолиси қадимдан эроний тилларда сўзлашган. Туркий этнос вакиллари эса, бу заминга XVI асрнинг бошларида Дашти Қипчоқдан Шайбонийхон билан бирга кириб келган. Шунинг учун ўзбеклар «келгинди» бўлиб, маҳаллий туб жойли халқ суғдийлар, боҳтарий ва хоразмийлар, Чоч ва қадимги Фарғона, Уструшона ва Илокликлар, Марғиёна ва парфяндлар тожикларнинг аждодидир, дейдилар.

Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида улар ўртасида зиддиятлар келиб чиқишини олдини олиш ғоявий қуроли сифатида яна бир қараш пайдо бўлдики, у Марказий Осиё мафкура оламида «панисломизм» номини олди.

Ўша давр тарихшунослигида уларнинг биринчисига салбий маънода «пантуркизм», иккинчисига эса «панэронизм» тамғаси босилди. «Панисломизм» ғоясига қарши атеистик «қуруш» эълон қилиниб, олимлар олдига СССР таркибига кирган ҳар бир элат ва халқларнинг келиб чиқиши ҳақида миллатлараро тинчлик ва ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат этувчи илмий асосли концепция ишлаб чиқиш топширилди.

Ўрта Осиё халқларининг, хусусан ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида ана шундай концепцияни ишлаб чиқиш шарқшунос-археологлар, этнограф-этношунослар зиммасига тушди. Бу масалада биринчи бўлиб, ўзининг чуқур илмий

асосли ғояси билан чиққан шарқшунос-археолог олим А.Ю. Якубовский бўлиб, у С.П. Толстов, Л.В. Ошанин, Я.Ф. Гуломов каби катор шарқшунос, археолог, этнограф ва этнологлар билан ҳамкорликда миллий автохтонизм концепциясини кўтариб чиқдилар. Бу концепция ғоялари асосида пантуркистик, панэронистик ва панисломистик қарашларга қаттиқ зарба берилди. Аслида, миллий автохтонизм концепциясига кўра, Дашти Қипчокнинг 92 бовли саҳрои ўзбеклари Шайбоний-хон бошлиқ Ўрта Осиёга кириб келганларида, бу заминга улар келмасдан роса 5 аср аввал, Қорахонийлар даврида (XI–XII асрларда) маҳаллий суғдий, хоразмий ва бохтарий этник жамоаларининг туркий тилли қабила ва элатлар билан қоришувидан янги этнос, яъни ўзбек халқи шаклланган эди. Кўчманчи Шайбоний ўзбеклари шаклланган янги этнос таркибига қўшилган компонентлар бўлиб, тарих тақозосига кўра, улар ўзбек халқига ўз номини берган эдилар.

Ўтган асрнинг 40-йиллари бошларида А.Ю. Якубовский томонидан ишлаб чиқилган миллий автохтонизм назариясининг ғоявий йўналиши фундаментал асарларда, масалан, 1950 йилда илк бор чоп этилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобининг 1-жилдига А.Ю. Якубовскийнинг сўзбошисида<sup>1</sup>, 1955 йилда чоп этилган «Ўзбекистон ССР тарихи» китобида махсус бандда<sup>2</sup> ўз аксини топган. Мана шу концепция руҳида 1962 йилда чоп этилган «Жаҳон халқлари» тарихининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари»ни келиб чиқишига бағишланган серияси чоп этилди<sup>3</sup>. Айнан мана шу концепция асосида 1967 йилда кўп жилдли «Ўзбекистон ССР тарихи» китоби нашр этилди<sup>4</sup>. 1974 йилда ўзбек тилида нашр этилган бир жилдлик «Ўзбекистон тарихи» ҳам мана шу концепция асосида чоп этилди.

Элшунос К.Шониёзовнинг нуқтаи назарига кўра, ўзбек халқи элат бўлиб IX–X асрларда<sup>5</sup>, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари доирасида, шунингдек, унга туташ сарҳадларда – Жанубий Қозоғистон, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари, ҳатто Етгисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий ҳудудларида шаклланганлигини таъкидлайди<sup>6</sup>.

Б.Ғ. Гафуров 1949 йилда чоп этилган «Тожиқ халқининг тарихи» номли асарида ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласига махсус тўхталиб, «туркий тилли қабила ва элатларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши VI асрдан янада кучайди. Бу жараён туркий тилли қабилаларнинг Ўрта Осиё туб жойли аҳолиси билан яқинлашишига олиб келди. Турклар суғдийлар билан биргаликда ташқи душманга қарши курашдилар.

Узоқ давом этган асрлар ичра, биринчи навбатда, чорвадор туркларнинг бир қисми ўтроқ ҳаётга ўтиб, деҳқончилик қила бошлайдилар. Уларнинг суғдийлар

<sup>1</sup> «История народов Узбекистана», Т. I. Т.: 1950. С. 3–11.

<sup>2</sup> «История Узбекской ССР». Т. I, кн. I. Т.: 1955. С. 260–261.

<sup>3</sup> Народы Средней Азии и Казахстана (серия «Народы мира»). Том I. Москва, 1962. С. 82.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР. Т. I. Т.: 1967. С. 380–381.

<sup>5</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 23–24-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша асар, 91-бет.

ва хоразмийлар, сак-массагет қабилалари билан аралашуши кучаяди, натижада туркий тилда сўзлашувчи аҳоли минтақала кўпайди. Мана шу асосда ўзбек халқи ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби қадимги аждодаларнинг маданий меросидан баҳра олиб шакллана бошлади.

Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни XI асрда янада жадаллашди. Бу Ўрта Осиёнинг шимолидан унинг жанубий ҳудудларига туркий қабилаларнинг катта тўлқинда эркин кириб келиши, шаҳар маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ эди. Айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда, унинг асосий аҳолиси сифатида турк ва тожик этник бирликлар кенг тарқалди.

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёнинг Фарғона, Хоразм, Чоч ва бошқа ўтрок деҳқончилик ҳудудларида туркий тилли аҳоли янада кўпчиликни ташкил этарди. Ҳар қалай, Сомонийлар даврида шаҳарлар ва ўтрок деҳқончилик ҳудудларида тожиклар бир мунча салмоқли мавқега эга бўлса-да, аммо Қорахонийлар даврида турк чорвадорларининг ўтроқлашуши ва маҳаллий туб жойли аҳолининг туркийлашуши ҳисобига Ўрта Осиёда туркий аҳоли кўпчиликни ташкил этди. Бу даврда турк аслзодалари билан тожик феодал аристократияси ўртасида яқинлашуш жараёни кечади, меҳнатқаш халқ оммаси эса, уларнинг зулмига қарши курашда, айниқса, икки халқ (ўзбек ва тожик халқлари аждодалари) ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик анъаналари мустаҳкамланиб борган<sup>1</sup>.

Б.Ф. Гафуров қаламига мансуб ўзбек халқининг келиб чиқишига доир илмий тезиси унинг «Тожик халқининг тарихи» китобини иккинчи<sup>2</sup> ва учинчи<sup>3</sup> нашрларида ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз такрорланади.

1963–1964 йилларда «Тожик халқининг тарихи»ни кўп жилдли нашри чоп этилди. Унинг II том I-китобида «Тожик халқининг шаклланиши» номли бандининг охирида Б.Ф. Гафуровнинг миллий автохтонизм назарияси асосида қурилган ўзбек халқининг этногенези ҳақидаги концепцияси бир неча сатрларда баён этилди<sup>4</sup>.

1972 йилда академик Б.Ф. Гафуровнинг «Таджик: древнейшая, древняя и средневековая история» номли асари Москвада чоп этилди. Асарда келтирилган бирламчи ёзма ва моддий маданият манбаларининг қамровига кўра, Б.Ф. Гафуровнинг ушбу асари фундаментал характерга эга. Бироқ, уларнинг тожиклар тарихи номи остида баён этилиши илмий ва методологик жиҳатдан мутлақо хато ва гайриилмий характер касб этар эди. Шунинг учун ўз даврида Ўрта Осиё олимлари орасида бу китобнинг чоп этилиши норозиликларга сабаб бўлган.

Шунга қарамай, ҳатто ушбу йирик монографик асарда «Ўзбек халқининг этногенез муаммолари» номи остида алоҳида банд ажратилган<sup>5</sup>. Ушбу бандда ўзбек

<sup>1</sup> Гафуров Б.Г. История таджикского народа. Том I. Москва, 1949. С. 228.

<sup>2</sup> Гафуров Б.Г. История таджикского народа. Том I. Издание второе. Москва, 1952. С. 213.

<sup>3</sup> Гафуров Б.Г. История таджикского народа. Том I. Издание третье. Москва, 1955. С. 235–236.

<sup>4</sup> История таджикского народа. Том II. Книга первая. Москва, 1964. С. 225.

<sup>5</sup> Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Изд. «Наука». Москва, 1972. С. 542–549.

этногенези масалаларига бирмунча кенгрок тўхталган. Муаллиф ўзбек этногенези муаммоси илк бор совет тарихшунослигида кўтарилгани, унгача рус ва хорижий адабиётларда ўзбек халқининг тарихи XV–XVI асрларда «ўзбек» номи остида Ўрта Осиёга бостириб келган кўчманчи қабилалар билан боғланиб келинганлигини таъкидлайди. Бу масалага янгича ёндашув асосида аниқлик киритган олим А.Ю.Якубовский эканлигини айтиб, у дашт ўзбекларини Мовароуннахрнинг туб жойли туркий аҳолисига аралашиб, фақат унга «ўзбек» номини берганлиги ҳақидаги хулосасига қўшилганлигини айтиб ўтади. Б.Ғ. Ғафуров ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳақида ўзининг «Тожиқ халқининг тарихи» китобини биринчи (1949), иккинчи (1952) ва учинчи (1955) нашрларида келтирилган фикр-мулоҳазаларини тўлиқ такрорлайди. «Бизнинг концепцияга кўра, дейди Б. Ғафуров – ўзбеклар ва тожиқлар Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қаторида бу заминга тегишли барча қадимги давр тарихи ва маданиятининг ворисларидир. Ўзбек халқининг XI асрга келиб элат сифатида шаклланишида қадимги эроний тилли қабила ва элатларнинг роли катта, шунингдек, ўзбек халқи нафақат Ўрта Осиёнинг сўнгги 4 асрлик тарихида (XVI–XX аср бошлари – А.А.), балки унгача бўлган барча даврлар тарихини яратишда тенг ҳуқуқли қатнашчиси ҳисобланади»<sup>1</sup>. Юқорида баён этилган академик Б.Ғ. Ғафуров қарашларидан маълумки, тожиқларнинг Б.Ғ. Ғафуровдек таниқли олимлари дастлаб Ўрта Осиё халқларининг, хусусан, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида тўғри қарашда бўлганлар.

Миллий автохтонизм концепцияси йўналишида ёзилган фундаментал характердаги асарлар сирасига проф. М.Ғ. Ваҳобовнинг 1960 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўзбек социалистик миллати» номли китобини ҳам киритиш мумкин.

Асарнинг «Муқаддима»сида муаллиф қисқа қилиб ўз концепциясини баён этган. Китоб номидан келиб чиққан ҳолда, ўз олдига, биринчи галда, асосий ва-зифаси қилиб, ўзбекларни миллат сифатида шаклланиш жараёнининг кузатишни мақсад қилганини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шунингдек, ўзбек миллатининг этник таркиби, этник хусусиятлари: тили, этномаданияти, этнографик қиёфаси ҳақида китобхонга тегишли маълумотлар бермасдан масалани ҳал қилиб бўлмаслигини қайд қилади. Шу боис, асар «Муқаддима»сида этник тарихнинг уч босқичга (этногенез, этник тарих ва миллат тарихи) бўлинишини эътироф этади.

Аммо, муаллиф социалистик жамиятда СССР халқларининг миллий белгилари бартараф бўлади, миллат, элат ва этник гуруҳ тушунчаси йўқолади<sup>3</sup>, деган тезисни олға суради. Бу марксча-ленинча таълимотнинг миллий этнослар ҳақидаги асосий ғояси бўлиб, ушбу асар объектив этник жараёнларни илмий таҳлили асосида эмас, балки ўз замонасининг мафқураси руҳида ёзилган тадқиқот эканлиги билан ажралиб туради.

<sup>1</sup> Ғафуров Б.Ғ. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Москва, 1972. С. 542–544.

<sup>2</sup> Ваҳобов М.Ғ. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: 1960. 5-бет.

<sup>3</sup> Ваҳобов М.Ғ. Ўша асар, 4-бет.

Муаллиф этногенез, этник атамаларига ҳамоҳанг атамалар танлашда кийинчиликлар бўлганини таъкидлаб, этник тарихнинг этногенез босқичига уруғ-қabila атамалари, миллатгача давр жамоасини эл, элат атамасига монанд тушишини айтиб, уни (элатни) феодал жамиятининг ижтимоий маҳсули эканини қайд қилади. Миллатнинг такомиллашиши социалистик тузум шароитида юз берди, деган хулосага келади.

Муаллиф миллатнинг шаклланиш даврини олимлар турлича талкин этишларини қайд қилиб, бирлари, миллат 1917 йил Октябрь ғалабаси билан таркиб топди деса, иккинчилари, 1922 йилда СССР ташкил топиши билан, учинчилари, 1929 йилда, яъни «буюк бурилиш йили»да юз берди, дейдилар.

Аммо, «бизнинг фикримизча, дейди муаллиф, социалистик тузум тўла ғалаба қозониши билан этник гуруҳлар, социалистик элат социалистик миллатга айланди. Шу жумладан, ўзбеклар ҳам социалистик миллат бўлиб уюшди. Демак, 1935–1940 йиллар мобайнидаги даврда ўзбекларнинг социалистик миллат бўлиб уюшиши тугалланди»<sup>1</sup> деган хулосага келади.

Муаллифнинг ўзбек этногенези масаласидаги қараши (нуктаи назари) илмий асосга эга. Элат ва унинг ижтимоий таркиби, иқтисодий ва этномаданий ривожланиши борасидаги фикр-мулоҳазалари чуқур этнографик манбалар таҳлиллари асосида қурилганлиги билан ажралиб туради. Ўзбек халқининг элат босқичидан миллат босқичига кўтарилиши масаласи Ўрта Осиёда капиталистик муносабатлар билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги қарашлари ҳам асослидир.

Аммо, муаллифнинг илмий дунёқараши марксча-ленинча ғоялар асосида шаклланганлиги боис, миллатни уюшиши асносидаги қарашлари асарни фундаментал илмий характерига соя солган. Этномаданий жараёнлар, миллатга хос омилларнинг шаклланиши, миллий ўзликни англаш, унинг психологик жиҳатлари ҳақидаги муаллиф қарашлари марксизм руҳияти асосида қурилган тўқималардан иборат.

Шўро даврида ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг энг мураккаб этногенези масаласида бир тўхтамга келинишига қарамасдан, матбуотда бу масалада турлича қарашлар ва талқинлар акс этган монографиялар чоп этиш учраб турган. Масалан, ана шундай монографик асарлардан бири М. Эрматовнинг «Этногенез и формирование предков узбекского народа» номли асари 1968 йилда 3 минг нусхада чоп этилди.

Асарда муаллиф ўзбек этносининг асоси сугдий, хоразмий, сак-массагет, даиканғуй қабилалардан таркиб топгани ҳақида ёзса-да, аммо этногенетик жараёнлар тафсилини фақат чорвадор туркий қабилалар асосида қурган. Асар икки бўлимдан иборат.

Муаллиф китобнинг 1-бобида Кичик Авесто (Зант-Авесто), Ахоманий подшоларининг қоятош китоблари, юнон-рим ва арман ёзма манбалари ҳамда қисман археологик ёдгорликларга асосланиб, ўзбек халқининг этногенезида сак-

<sup>1</sup> Ваҳобов М.Ф. Ўзбек социалистик миллати. – Т.:1960. – 6–7-бетлар.

массагет, даи-қангуй, сугдий ва хоразмийларнинг этник асоси ва тили масаласида фикр юритади. Матн мазмунига кўра, у ўз қарашларини В.В. Григорьевнинг 1871 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган «О скифском народе саках» асари асосида баён этган. Шу боис, ўзбек этногенезининг илк босқичлари чорвадор қабилалар ҳаёти асосида қурилган. Тарихий воқеалар баёнида мантикий боғланиш, тизимли таҳлилий анализ ва хулосалар кўзга ташланмайди. Археологик объектлар асосан қадимги Хоразм мисолида олиниб, уларнинг хронологиясида чалқашликлар, қабила ва этник гуруҳларнинг тили масаласида карама-қаршиликлар учрайди. Масалан, муаллиф С.П.Толстовнинг археологик қидирув вақтида 400 га яқин ёдгорликлар очилгани, улардан 14 тасида қазишмалар олиб борилгани, уларнинг хронологияси мил. авв. IV–III мингйилликлардан то милодий XIV асргача тегишли эканлиги ҳақидаги жумлаларининг бир қисмини юлиб олиб, антик давр ёдгорликлари – Жонбосқалъа, Аёзқалъа, Тупроққалъаларнинг даврий санаси мил. авв. IV–III мингйилликлар билан белгиланади<sup>1</sup> деб, С.П. Толстовга тухмат қилган. Бронза даври ёдгорликлари Замонбобо (Бухоро) ва Тозабөгёб (қадимги Хоразм) ёдгорликлари каторига антик давр ёдгорлиги Қовунчитепани (Тошкент вилояти) қўшиб қўяди, уларни ўзбек халқининг ўтроқдехкончилик маданияти ёдгорликлари сифатида изоҳлайди<sup>2</sup>. В.В. Григорьевнинг саклар, массагетлар, хоразмийлар, сугдийларни эроний тилли қабилалар қаторига киритишини асоссиз деб танқид қилади<sup>3</sup>. Муаллиф араб географи Мақдисийнинг Хоразм халқини келиб чиқиши ҳақида келтирган халқ ривоятини тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилиб<sup>4</sup>, қуйидаги хулосага келади: «Бундан маълум бўлдики, хоразмийлар қадимдан ўз она юрларида яшаб келган. Уларга турк қизлари қўшилгач, хоразмликлар турли этник қоришмалардан ҳосил бўлган халқ бўлиб шаклланди. Бу халқ, яъни Хоразмнинг туб жойли халқи – турклар, Беруний келтирган ривоятга кўра, турклардан сўнг Хоразмга Сиёвуш билан бирга турк бўлмаган одамлар, яъни боскинчи форслар кириб келгач, Хоразмда форсийлар пайдо бўлди. Бу далиллар

<sup>1</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968. С. 40.

<sup>2</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968. С. 11.

<sup>3</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968. С. 16.

<sup>4</sup> Ривоятда айтилишича, қадимда Хоразм подшоси ўз тобеларидан 40 киши қилмишидан ғазабланиб, уларни аҳоли пунктларидан нарига, ҳеч ким яшамайдиган чўли-биёбонга олиб бориб ташлашни буюради. Подшо бир қанча вақт ўтгач, яна ўз мулозимларини чақириб, улар ҳаётми, ҳаёт бўлса, нима билан шугулланиб, тирикчилик ўтказишмоқда, шуни билиб қелишликни топширади. Мулозимлар подшо ҳузурига қайтиб, улар ҳаёт эканликлари, ўзларига қўл бўйларига чайла қуриб, балик ови билан шугулланишлари, улар батик тўшти билан тирикчилик қилишлари ва у ерларда ўтин жуда кўп эканлиги ҳақида сўзлаб берадилар. Шоҳ хабарчи мулозимлардан: улар балик гўштини нима дег атар эканлар деб сўраганида, «хвар» деб аташларини, ўтинничи, деганида «разм» деб аташларини айтадилар. Шоҳ чуқур ўйга ботиб, сўнг «майли, у жой энди «Хварразм» бўла қолсин» деган экан. Шундан сўнг, шоҳ тошшириғи билан уларга 400 та турк қизларини ҳоғинликка юборишни буюрибди. Улардан туғилиб, кўпайган аҳолида туркларга ўхшашлик пайдо бўлибди. Кейинчалик у жойда Кат шаҳри қад кўтариб, Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти бўлган экан (Аль-Мақдиси. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Том I, Москва, 1939. С. 185–186).

Хоразм халқининг аجدодлари сак-массагет ва қанғуйлардан таркиб топганлиги ҳақидаги бизнинг фаразими тўлиқ тасдиқлайди<sup>1</sup>, дейди. Қадимий эроний тиллар оиласини жануби-ғарбий (форс) ва шимоли-шарқий (суғдий, хоразмий, бохтарий, парфий, сак) тиллар гуруҳларига бўлинишини фарқига бормай, антик даврнинг шарқий эроний тилларига нисбатан форс атамасини ишлатишда давом этади. Муаллиф форс тилини Ўрта Осиёда сомонийлар давридан бошлаб кенг ёйилишини, туркий ва форсий тиллар маҳаллий суғдий тилларни IX–X асрлардан эътиборан муомаладан сиқиб чиқарила бошлаганидан хабарсиз кўринади.

М. Эрматов китобининг II бобида юечжи-кушон қабилалари, уларнинг ўзбек халқи этногенезида тугган ўрни масалалари ёритилган. Ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқич даврини мил. авв. II – мил. авд. VI асрлар билан белгилайди. Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари ва унинг теварак-атроф вилоятларида туб жойли аҳоли таркибига юечжи-эфталит ва бошқа туркий қабилаларнинг келиб қўшилиши ва уларни аста-секин ўтроқ қишлоқ ва шаҳар ҳаётига мослашиб бориши ҳақида тўғри сўз юритади. Бу сарҳадларда эрон ва юнон ҳукмронлиги тугатилгач, ушбу заминга туркий жамоаларнинг кириб келиши фаоллашганлигини тўғри таъкидлайди. Бироқ, дейди муаллиф, уларнинг тили масаласида баҳсли жиҳатлар шунчалар кўпки, уларнинг адоғи кўринмайди.

Дарҳақиқат, илмий адабиётларда маълум бир тўхтамга келишдан қочилиб, замонамиз олимлари томонидан битилган асарларда кўпроқ қадимги аجدодларнинг географик жойлашиши, урф-одатлари, кундалик турмуш тарзи ҳақида сўз юритилар, мураккаб этногенетик жараёнлар, тил масалалари эса, йўл-йўлакай оғизга олиниб келинди. Ғарбдан кириб келган этногенез масалаларидаги бундай ёндашув шўро тарихшунослиги ва тарихий лингвистикасининг дастурий амалига айланган эди. Шунинг учун Ўрта Осиё туркий халқлари тарихшунослигида яқингача фундаментал академик тадқиқотлар юзага келмади. М. Эрматовнинг ушбу асари ҳам айнан ана шу руҳиятда ёзилган бўлиб, унинг илмий методологик бўшлиги ва тарихий тизимсизлиги ҳамда муаммонинг туб моҳиятини оча билмаганлиги боис, нафақат ҳозирги истиклол йилларида, хатто шўролар даврида ҳам жиддий илмий тадқиқот сифатида жамоатчилик томонидан кабул қилинмади.

Ўзбек халқининг шаклланиш масалаларига Б.Х.Кармышева ҳам ўз муносабатини билдириб, у ўзининг «Ўзбекистон ва Тожикистон жанубий районлари этник тарихининг очерклари» номли асарида ўзбек элатининг ўтроқ ўзагига IX–X асрларда асос солинди. Лекин, ўзбек элатининг алоҳида этнос сифатида шаклланиши, қачонким, Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлати таркибига кўшиб олингач, XI–XII асрларда юз берди<sup>2</sup>, деган тўғри хулосага келади. «Энди, дейди муаллиф, туркий тилли ўтроқ аҳоли Мовароуннаҳр воҳаларида алоҳида

<sup>1</sup> Эрматов М. Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968. С. 71–72.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М.: 1976. С. 162.



«оролчалар» сифатида эмас, балки бутун бир туркий массив бўлиб таркиб топди. Улар орасида қарлуқлар ва уйғурлар етакчи роль ўйнадилар, ўзбек халқининг тили эса уларнинг тили асосида таркиб топди». «Ўзбекларнинг уюшиш жараёни Қорахонийлар давлати доирасида ўгузларнинг Сирдарё қуйи ҳавзаларидан Ўрта Осиёнинг ички худудларига, Иртиш бўйларидан Орол денгизи жанубий сарҳадларига кириб келиши, айниқса, татар-мўғул истилолари даврида туркий тилли қабилаларнинг келиб ўрнашиши давом этиб, туркий этник қатламни янада калинлашига олиб келди»<sup>1</sup> деган тўғри хулосаларга келади. Аммо, Б.Х. Кармышева ўзбек тилининг алоҳида этнос тили сифатида шаклланиш даврини айрим тилшунос туркологлар изидан бориб, XIV–XV асрлар билан белгилайди<sup>2</sup>.

Ўзбек халқининг шаклланиши масаласида тилшунослар орасида ҳам тушунмовчиликлар талайгина. Масалан, Ғ.Абдурахмонов ва Ш. Шукуровларнинг «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» номли китобда ўзбек халқи ва унинг тилини шаклланиши XI–XV асрларда амалга ошди<sup>3</sup>, дейилган. Бироқ, муаллифлар ушбу китобнинг бошқа бир жойида, ўзбек тилининг шаклланиш хусусиятларини таҳлил этиш жараёнида, унинг умумтурк тилидан алоҳида элат тили сифатида ажралиб чиқиши XIV–XV асрларда юз берди дейдилар. Шунга кўра, ўзбек халқининг XIV–XV асрларда шаклланганлигини қайд қилиш мумкин», деган хулосага келдилар<sup>4</sup>. Академик Ғанижон Абдурахмонов истиқлол йилларида ўз қарашларини қайта кўриб чиқиб, «ўзбек халқининг шаклланиши XI–XII асрларга тўғри келади» деган хулосага келган<sup>5</sup>. Академик К.Шониёзов ушбу рисола билан мухтасар танишиб чиқиб, унинг муаллифи кўпол хатога ҳам йўл қўйган, яъни қипчоқларни бир ерда қирғиз деса, иккинчи ерда печенег деб тилга олади. Шарқий қарлуқларни эса уйғурлар деб атади. Маълумки, бу этнонимлар илк ўрта асрларда алоҳида қабила бирлашмаларининг номлари эди. Шу билан бирга, Ғ. Абдурахмоновнинг ўзбек халқини шаклланиш даврий санаси масаласида ҳам қатъийлик йўқ. У бир жойда ўзбек халқи ва унинг тилини шаклланиши XI–XII асрлар деса, иккинчи жойда X–XII асрлар, учинчи жойда эса X асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлади, деб ёзади<sup>6</sup>.

Ўзбек халқининг этник тарихига оид масалалар академик Б.Аҳмедовнинг ишларида ҳам ўз аксини топган. Унинг илмий асарлари кўпроқ этник тарихга, Шайбоний ўзбекларининг тарихига, ўзбек этник номининг келиб чиқиш тарихига бағишлаган<sup>7</sup>. Дашти Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Ўрта Осиёга кириб келгунига қадар ҳам бу заминда туркий қавм ва қабилалар яшаганлигини тўғри таъкидлайди. Б.Аҳмедов «Қорахонийлар

<sup>1</sup> Кармышева Б.Х. Указ. Сочинение. С. 162–163.

<sup>2</sup> Кармышева Б.Х. Указ. Сочинение. С. 163.

<sup>3</sup> Абдурахмонов Ғ.А., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: 1973. 16-бет.

<sup>4</sup> Абдурахмонов Ғ.А., Шукуров Ш. Ўша асар, 18-бет.

<sup>5</sup> Абдурахмонов Ғ.А. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. – Т.: 1999. 27-бет.

<sup>6</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001. 32-бет.

<sup>7</sup> Аҳмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. Москва, 1965; Ўша муаллиф. Ўзбек улуси. Т.: 1992.

даврида ўзбек халки тўла шаклланиб, ижтимоий-иктисодий ва маданий жиҳатдан ривожланади»<sup>1</sup> деб ёзади.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи бўйича кейинги йилларда ўтказилган археологик, антропологик, линго-топонимик тадқиқотлар ва чоп этилган кўп сонли мақолалар ва монографиялар миллий автохтонизм назариясининг илмий-методологик йўналишида олиб борилди ҳамда унинг ечимига қатор аниқликлар киритиб борилди.

Ана шундай фундаментал тадқиқотлардан бири академик Карим Шониёзовнинг 2001 йилда «Шарқ» нашриётида чоп этилган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли монографиясидир. Ушбу асарда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи бўйича турли қарашлар ва ёндашувлар асосида ёзилган илмий мақолалар, рисола ва монографияларнинг қисқача таҳлили ва муаллифнинг қарашлари баён этилган. Муаллиф ўзга ишларга баҳо беришда илмий ҳолис бўлса-да, баъзан чалкашликларга ҳам йўл қўйган. Масалан, ушбу сатрлар муаллифининг 1986 йилда чоп этилган «Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишнинг баъзи бир жиҳатлари»<sup>2</sup> мақоласини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказишда мақолада кўтарилмаган масала юзасидан «танқид» қилиб, А. Аскарров «ўзбек халқининг этник жиҳатдан уюшиши милодий эранинг бошларидан бошланди, унинг иккинчи даври эса милодий VI асрнинг иккинчи ярмидан бошланган деб, XIV–XV асрларни эса бу жараённинг янги, таракқий этган даври деб таъкидлайди»<sup>3</sup>, дейди. Аслида, ушбу мақоланинг К. Шониёзов келтирган бетида (яъни 10-бетда, ундан кейинги 11-бетда ҳам XIV–XV асрлар ўзбек этногенезининг янги, таракқий этган даври сифатида тилга олинмаган. Аксинча, «ўзбек этногенези иккинчи босқичининг юқори чўққиси Фарбий турк хоқонлигининг гуллаш даврига тўғри келади», деб ёзилган. «IX асрнинг 40-йилларида Мовароуннахрнинг шаркида Қарлуклар давлатининг ташкил топиши муносабати билан ўзбеклар этногенезида учинчи босқич бошланди» дейилади<sup>4</sup>. Матн баёнига мантиқан ёндашилса, мақолада ўзбек этногенезининг босқичлари тўғрисида гап кетаётганлиги яққол кўзга ташланади. Бироқ, танқидчимиз муаллифнинг (русча аслини келтираман) «Если считать рубеж нашей эры начальным этапом формирования этнической общности узбекского народа, то второй этап в этногенезе узбеков, как показывают данные археологических и антропологических исследований с учетом письменных, начинается, на наш взгляд, со второй половины VII в»<sup>5</sup>. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80-йилларида мен ҳам ҳамма катори ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси масаласида шундай позицияда эдим.

<sup>1</sup> Ахмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. – Т.:1994. – 199-бет.

<sup>2</sup> Аскарров А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Т.: 1986. С. 3–13.

<sup>3</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. 30-бет.

<sup>4</sup> Аскарров А. Некоторые аспекты... С. 10–11.

<sup>5</sup> Аскарров А. Некоторые аспекты... С. 10.

Ҳозирги кунда ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси, эски қарашларга зидли ўларок, сўнгги бронза давридан бошланди, деган хулосага келинган. Бундай хулосага келишимизда қадимги Хитой ёзма манбалари иероглифларининг ўз аслида хитойшунос (проф. А.Хўжаев каби) олимлар томонидан ўқилиши туфайли юз берди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, академик К. Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» асари ўз даври тарихшунослигида ҳақиқатда фундаментал характерга эга. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёнида қатнашган этник компонентлар, уларнинг этник тарихи, ҳудудий тарқалиш географияси тўғрисида тўхтаб ўтилади. Марказий Осиёда, хусусан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган илк аجدодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, этник таркиби, кўшни давлат ва уларнинг халқлари билан алоқаси тўғрисида бой материаллар беради.

Академик К. Шониёзовнинг ушбу асари кўп йиллик илмий ижодининг якуний маҳсули сифатида академик тадқиқот услубида яратилган. Демак, ушбу асар тор доирадаги илмий ижод аҳли ва изланувчи мутахассислар учун ўзига хос кенг қамровли манба сифатида ёзилган.

Асарда ўзбек халқининг туркий этник компонентлари, уларнинг этник тарихига кўпроқ эътибор қаратилиб, аммо унинг жуда қадим-қадимлардан туб жойли ўзаги ҳисобланган суғдий, хоразмий, бохтарий илдизи ҳақида бизгача етиб келган моддий ва маданий излари, археологик маданий обидаларининг ўзбек этногенезига хос жиҳатлари таҳлил этилмаган. Бинобарин, ўзбек халқининг шаклланишида, антропологик жисмоний қиёфасини таркиб топишида, ўтроқлик турмуш тарзининг шаклланишида, илк шаҳар маданияти, илк давлатчилик асосларини қурилишида, ўзбекона менталитетнинг таркиб топишида маҳаллий суғдий, бохтарий ва хоразмий этник компонентлар ўзбек этносининг асосий ўзагини ташкил этганлар. Шунингдек, унинг туркийлик тил илдизи билан тенгма-тенг иштирок этганлар.

Асар «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» деб аталгани боис, унда халқ тарихининг учинчи босқичи – ўзбек миллатининг шаклланиши ва унга хос омил ва белгилар ҳақида сўз бормади. Чунки, К. Шониёзов этногенез ва этник тарихга бағишланган асарларида этнос, этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субэтнос) ва этник гуруҳларга яхши илмий тушунчалар ва таъриф беради, уларнинг мазмун ва асл моҳиятини очиб беради<sup>1</sup>. Аммо, унинг илмий ишларида миллат таърифи, унинг шаклланиши билан боғлиқ масалаларга етарли ўрин берилган эмас. К. Шониёзов тушунчасига кўра, «элат ва миллат атамалари фанда хали обдан такомиллашганича йўқ»<sup>2</sup>.

Ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик бўлиб шаклланган санаси масаласида нафақат бизнинг форс-тожик қардошларимиз, балки рус ҳамкасбларимиз

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 74–102-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 77-бет.

орасида ҳам турлича фикр юритувчилар учрайди. Масалан, россиялик олим В.А.Никонов ўзбек элатининг шаклланиш жараёни XI асрдан то XVI асрларгача давом этган, деб ёзади<sup>1</sup>. Этнограф С.П.Поляков эса бу масалада яна ҳам жиддий хатога йўл қўяди. Унинг «Этнография» китобида ўзбек халки туркман, козоқ, қирғиз ва бошқа туркий тилли халқлар билан бир вақтда, яъни XVIII–XIX асрларда элат бўлиб шаклланган<sup>2</sup>, дейди. Ўз халқининг келиб чиқиш тарихий илдизлари ва этногенетик жараёнлар тарихини ана шу асарлар руҳида тасаввур этувчи Х.С.Салимов эса «Ўрта Осиё халқлари» номли китобида ўзбек элати XVI асрда шаклланган, дейди. Унинг ёзишича, 1500 йилда Темурийлар эгаллаб турган ерларни босиб олган турк-мўғул қабилаларигина ўзбек ҳисобланган<sup>3</sup>. Х.С.Салимов Ўрта Осиё тарихидан шунчалар хабарсиз эканки, у ҳатто ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жуда қадим замонлардан туркий тилли аجدодларимиз яшаб келганликларини тасаввур эта олмайди. Унинг қарашлари фундаментал илмга зид, Р.Масов каби панэронистларга озуқа беради, холос.

1988 йилда Москва яқинидаги Звенигородда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенез ва этник тарихига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Тожикистон ФА академиги Б.А.Литвинский «Қадимда ва ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенези ва этник тарихининг назарий масалалари» бўйича катта доклад қилган. У ўз докладида ўзбек халки алоҳида этник бирлик (элат) сифатида XVI асрда шаклланган, деган даъво билан чиқади<sup>4</sup>. Маълумки, Б.А. Литвинский ўз даврида академик Б.Ғ. Фафуровнинг «Таджики» китобига масъул муҳаррир бўлган ва Интернетнинг «Центр Азия» сайтида Б. Фафуровнинг бу китоби бошидан охиригача унинг қўлидан ўтганлиги, у китобнинг шаклланишида унинг илмий хизмати катта бўлганлигини ошқора айтган. Б. Фафуровнинг мазкур китобида ўзбек халқининг шаклланиши XI–XII асрларда ниҳоясига етган<sup>5</sup>, деб ёзилган.

Ўзбекистондан академик К.Шониёзов, проф. И.М.Жабборовлар анжуман ишида фаол қатнашган. Академик Б.Ғ.Фафуров ҳаётлигида (Б.Ғ. Фафуров 1987 йилда вафот этган) ўзбек халқининг шаклланиш даврий санаси масаласида у билан бир фикрда бўлган Б.А. Литвинский орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, фикрини ўзгартириб, ўзбек халқининг келиб чиқиш даврий санасини XV–XVI асрларда кўчманчи Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳр ҳудудларига кириб келиши билан боғлайди. Б.А. Литвинскийнинг бу масаладаги илмий қарашини туфайли Тожикистоннинг совет даври тарихининг тарихшуноси Р. Масов номи билан «История топорного разделения» (1991), «Таджики: история под грифом «совершенно секретно» (1995) ва «Таджики: вытеснение и ассимиляция» (2003) каби

<sup>1</sup> Никонов В.А. Узбеки. В кн: Система личных имен у народов мира. Москва, 1988. С. 312.

<sup>2</sup> Поляков С.П. Этнография. Москва, 1982. С. 176.

<sup>3</sup> Салимов Х.С. Население Средней Азии. – Т.: 1975. С. 76–78.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. 1. М., 1990. С. 32.

<sup>5</sup> Гафуров Б.Ғ. «Таджики». М.: 1972. С. 542–544.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига қарши қаратилган панэронистик руҳда ёзилган катор монографияларни чоп этилишига олиб келди.

Ана шундай нашрлардан бири «Открытое общество» Институтининг гранти асосида тайёрланган «Этнический атлас Узбекистана» илмий тўплами эди. Ушбу тўпланиннг ташаббускори ва унинг ғоявий йўналишини белгиловчи ва «Археология узбекской идентичности» бош мақоласининг муаллифи Алишер Илҳомов бўлиб, мақоланиннг «Этногенез» қисмида «Ўзбек халқининг таркиб топиши асосида Ўрта Осиёга XVI аср бошларида оммавий равишда кириб келган Дашти Қипчоқниннг кўчманчи ўзбеклари ётади. Уларга «чиғатойлар» деб ата-лувчи маҳаллий турк қабилалари ва ўғуз турклари ҳамда «сартлар», яъни уруғ-аймоқчилик анъаналарини йўқотган туркий тилли шаҳар аҳолиси ҳамда туркий-лашган тожиклар келиб қўшилган»<sup>1</sup>, деган тезисни олға суради.

Ушбу матн баёнидан шу нарса аён бўладики, А.Илҳомов ўзбек халқининг келиб чиқиши асосий ўзагини Шайбонийхон билан бирга келган Дашти Қипчоқниннг кўчманчи ўзбеклари билан боғлайди. Унга қадар бу заминда яшаб келган улкан туркий этник қатламни қадимги эроний тилларда сўзловчи суғдийлар, хоразмийлар, боҳтарий ва чочликлар, парғаналик ва уструшонийлар билан узок асрлар давомида аралашиб, қоришиб кетиши оқибатида XI–XII асрларда алоҳида янги этносни шакллантирган асосий туркий ўзакни иккинчи даражали (примкнувший) этник компонентлар сифатида талқин этади.

Мақоланиннг «Дашти Қипчоқ ўзбеклари» қисмида «Ўзбек» этноними Дашти Қипчоқ ўзбеклари номидан келиб чиққанлигини таъкидлаб, Дашти Қипчоқ ўзбеклари таркибида чиғатой, жалойир, барлос каби мўғул қабилалари ҳам бўлган. Улар ўғуз, уйғур, қарлуқ, қипчоқ қабилалари таъсирида аста-секин туркийлашган<sup>2</sup>, дейди. Ваҳоланки, чиғатой ҳақида гап кетганда, фанда мўғуллар эмас, балки, маҳаллий ўтрок туркий тилли кавмлар тушуниланган.

Энди, барлос турклари масаласида. Амир Темур 1370 йилда Балхда Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Хусайнни енгиб, амирлари ва Термиз шайхлари, уни элниннг хони этиб сайлаш мақсадида, ўша давр удумларига кўра, оқ кигизга ўтказиб кўтаришни таклиф қилганларида, Темурбек бунга кўнмайди. Аксинча, у ўзини чингизийлардан эмаслигини таъкидлаб, бизниннг барлос турклари салтанатда амирлар бўлганлар, шу боис, мен хон бўлишга ҳаққим йўқ деб, қўл остидаги мўғул амирларидан бўлган Туралмишхонни оқ кигизга ўтиришга буйруқ беради ва уни ўз давлатининг хони деб эълон қилади. Бу далилни ўзи ҳам барлосларни мўғул эмас, ҳақиқатда турк қабиласи эканлигидан гувоҳлик беради. Халқ удумларининг нозик томонларини тушуниб етмаган В.В.Бартольд ўз даврида барлос уруғини мўғул деб атаган<sup>3</sup> эди.

Мақоланиннг «Чиғатой турклари» қисмида Чиғатой улусига тегишли Мовароуннаҳр аҳолиси форсий ва туркий этник бирликлардан иборат эди. Бу

<sup>1</sup> Этнический атлас Узбекистана. 2002. С. 270.

<sup>2</sup> Этнический атлас Узбекистана. 2002. С. 273–74.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Сочинения, том 5. С. 173.

этник бирликлар ўзаро этномаданий ассимиляция жараёнларини бошидан кечирса-да, уларнинг турк ва турк-мўғул қатламлари то XIX асрнинг охирларигача ўзларининг уруғ-аймоқчилик хусусиятларини, қисман ярим кўчманчилик турмуш тарзини сақлаб қолган эдилар. Бундай қабилаларга қарлуклар, жалойирлар, барлос, кавчин, арлот, турк, мусабозори, калтатой, мўғул ва бошқалар кирди<sup>1</sup> деган тарихга зид мулоҳазалар юритади. Унинг фикрича, турк номи остида юритилиб келинган барлос, калтатой, мусабозори, турк ва бошқа туркий тилли қабилалар ҳатто, 1924 йилгача мустақил миллий халқ бўлиб уюшмаган эдилар, деган ноилмий ғояси билан китобхонни чалғитишга уриниб кўради<sup>2</sup>. Мақола мазмунига кўра, ўзбек халқи туркий тилли кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилалар конфедерациясидан иборат. У то 1924 йилгача яхлит халқ бўлиб уюшмаган. Бундай ўзбилармон ўзбеклар ўз халқи ва миллатининг келиб чиқиш тарихий илдиларини тушуниб етмай, баландпарвоз ибораларда ўзбек халқининг асосий ўзаги XVI аср бошларида Ўрта Осиёга кириб келган кўчманчи Шайбоний ўзбеклари эди, деб турганда, эронпараст Раҳим Масовлар нима қилсин!

Мақоланинг «сартлар»га бағишланган қисмида сартлар Дашти Қипчок ўзбеклари билан бир қаторда ҳозирги замон ўзбек миллатининг асосий компонентини ташкил этган. Аммо, уларнинг этник келиб чиқиши масаласида уч хил қарашлар мавжуд. Унинг биринчиси (Ҳ. Вамбери, В.В. Радлов, В.В. Бартольд, Ю. Брегел ва бошқалар) сартларнинг этник мавжудлигини тан оладилар. Булар орасида айниқса, В.В.Бартольд ўз нуктаи назарини аниқ айтади, яъни сартлар тожикларнинг бевосита аجدодларидир<sup>3</sup> дейди.

Иккинчи гуруҳ тадқиқотчиларининг (В.Наливкин, И. Магидович ва бошқалар) илмий қарашларига кўра, сартлар алоҳида этнос эмас, балки эроний ва туркий этник бирликларнинг ўтроқ қатлами, шаҳарларда савдо-сотик ва хунармандчилик, кишлоқларда суғорма деҳқончилик билан шугулланувчи қатламидир.

Учинчи гуруҳнинг етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий (умуман жадидлар) қарашларига кўра, бу атама Туркистоннинг ўтроқ аҳолисига нисбатан рус шарқшунослари таъкидлаганидек, кўчманчи қирғиз, қозоқ, татар ва русларнинг кибрли аслзодалари томонидан «сари ит» яъни камситиш маъносида ишлатилган. Серали Лапиннинг фикрича<sup>4</sup>, сарт этник келиб чиқишидан қатъи назар, Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтроқ аҳолиси бўлиб, унинг ўрнига «чала ўзбек», «чала тожик» атамаларини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу қоришма тил, эронийлашган турк тилининг кўриниши эди<sup>5</sup>, дейди. Маҳмудхўжа Бехбудий ўзбек

<sup>1</sup> Этнический атлас Узбекистана. 2002. С. 274-бет.

<sup>2</sup> Этнический атлас Узбекистана. 2002. С. 275-276.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Энциклопедия ислама, IV том. С. 187-188. Его же. Сочинения. Т. II, часть 2. С. 527-529.

<sup>4</sup> Серали Лапин XIX асрнинг охири-XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг фаол арбоби, Туркистон қадимчиларининг манфаати учун курашган «Шўрон уламо» ташкилотига раҳбари бўлган. У ўз қарашларида жадидларга бир мунча муҳолифатда бўлган.

<sup>5</sup> Серали Лапин. «Оренбургские листки», № 6, 1894; «Туркестанские ведомости» №№ 36, 38, 39. 1894.

халкига нисбатан «сарт» атамасини ишлатишга қатъий қарши чиқади. Бу атама, дейди Бехбудий, алоҳида этник асосга эга эмас, уни қозок, қирғиз, татар ва руслар томонидан этник келиб чиқишидан қатъи назар, Туркистоннинг ўтrock аҳолисига нисбатан қўлланилган. «Сарт» ўрнига «туркистонли», «Туркистон мусулмонлари» деб аташ керак<sup>1</sup> дейди.

Аслида иккинчи ва учинчи гуруҳ таджикотчиларининг қарашлари бир хилдир. Аммо, учинчи қараш тарафдорлари – жадидлар Туркистоннинг XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жиҳатдан юксак даражада ривожланган ўтrock аҳолисига нисбатан сарт – «сарит» иборасининг ишлатилишини ҳақорат деб билганлар. Чунки, XI асрда этник келиб чиқиши ва тилидан қатъи назар, мўғуллар томонидан «сарт» атамаси остида Туркистон аҳолисининг савдо билан шўғулланувчи савдогарлар тушунилган. XII–XIII асрларга келганда кўчманчи турк-мўғул қабилалари нафақат Туркистон савдо аҳлини, балки уларга кўшиб, шаҳар ҳунармандлари ва қишлоқ деҳқонларини ҳам «сарт» деб атай бошладилар. Ўша кезларда уларнинг қайси тилда сўзлашишларига эътибор берилмаган.

XIV–XV асрлар давомида сартларнинг туркий тилда сўзлашувчи қатламнинг нуфузи кенг кўламда ортиб, энди улар узоқ ўтмишдаги уруғ-аймоқчилик ва қабилавий бўлинишни мутлақо унутган эдилар. Улар Туркистоннинг фақат туркий тилда сўзлашувчи шаҳар ва қишлоқ аҳолисига айланган эди. Уларнинг таркибига асрлар давомида эроний ва арабий тилда сўзлашувчи этник гуруҳлар сингиб, улар ўзларини турк халки ёки муқим турар-жой номлари билан (шоший, урганжий, бухорий, андижоний, нахшобий ва бошқалар) атар эдилар.

Дашти Қипчоқдан бу заминга XVI аср бошларида кириб келган 92 бовли Шайбоний ўзбеклари маҳаллий аҳолига нисбатан ҳақоратловчи «сарит» иборасини ишлатишлари миллий ғурури ва инсоний туйғуси баланд маҳаллий туркистонликларга, айниқса, жадидларга оғир ботганлигини тушунса бўлади. Миллат менталитетининг нозик жиҳатларини тушунишдан узоқ бўлган В.В.Бартольд ва унинг издошлари эса, ҳозиргача ҳам ўзга халқлар миллий туйғусидан узоқдирлар.

Ю. Брегель бу масалада В.В.Бартольд изидан бориб, ўз қарашларини манбалар асосида исботлаш учун Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажара-и турк» асарига иқтибос қилиб, ушбу асарда «XVII аср охирида Хоразмда ўзбек ва туркманлар билан бир қаторда сартлар аҳолининг алоҳида этник гуруҳи» сифатида тилга олинади<sup>2</sup> деб ёзади. А.Илҳомов эса, келиб чиқиши жиҳатидан миллати ўзбек бўла туриб, амалда Бартольд, Брегель ва Масовлар изидан боради.

1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-худудий давлат чегаралаш сиёсати ўтказилган вақтда туркий тилли сартлар Мовароуннаҳр аҳолисининг асосий ўзагини ташкил этарди. Аммо, шунга қарамай янги ташкил топган Республикага Ўзбекистон номи берилди, сарт атамасини эса расмий ҳужжатларда ишлатилиши ман этилди. Чунки, у алоҳида этник бирлик эмас эди. Аммо, хорижий «жонқуярларимиз» эса,

1 Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 173-бет.

2 Bregel Yu. The sarts in the Khanate of Khiva. M.

масалан, америкалик ёш сиёсатчи қадимшунос Жон Шоберлайн мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бир неча бор бўлиб, зиёлилар орасида учраб турадиган эронпарастлар билан фикрлашиб, «1924 йилгача Ўрта Осиёнинг 1,7 миллионга яқин саргларни бир кунда тарих саҳнасидан ўчирилди»<sup>1</sup>, деб тарихга тузатиш киритмоқчи бўлади.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида юқорида келтирилган турли хил қарашлар ичида В.В. Бартольд, Ю. Брегель, Р. Масов каби олимларнинг илмга зид қарашлари ўзбек халқининг алоҳида этник бирлик (халқ) бўлиб шаклланган вақти масаласида ҳозиргача аниқ бир илмий тўхтамга келинишига қаршилиқ қилмоқдалар. Бундай ғайриилмий қарашлар ўзбек халқи этногенезининг тарихий илдизлари ва унинг ҳозирда эгаллаб турган ҳудудлар билан азалдан боғлиқ эканлигига соя солмоқда. Айниқса, Юрий Брегель, Раҳим Масов, Сергей Поляков, Ўрол Носиров, Алишер Илҳомов қабиларнинг қарашлари фан ютуқларига мутлақо зиддир. Уларнинг қарашлари кўп миллатли Ўрта Осиё минтақалари аҳолиси ўртасида миллий низоларни келтириб чиқаришга хизмат қилади.

\* \* \*

Ўзбекистонда истиқлол туфайли эркин ижод қилишга кенг имкониятлар очилгач, турли соҳа илм аҳли орасида ўтмиш тарихга қизиқиш, миллий ғурури қайнаб, тарихнинг турли йўналишлари бўйича эркин фикр юритиш жонланиб кетди.

Айниқса, бугунги кунда ўзбек халқининг келиб чиқиши ва уни халқ, миллат сифатида шаклланишини, яъни ўзбек этногенези ва этник тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Матбуотда, илмий-оммабоп нашрларда, илмий анжуманларда ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, этник тарихига оид қизгин баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

Бу борادا тарих, археология, этнография, антропология, нумизматика, топонимика, тарихий тилшунослик каби ижтимоий фан соҳаларида кенг қўламли илмий изланишлар олиб борилиб, мутахассислар маълум бир тўхтамларга келишмоқда. Аммо, бу ўзбек халқининг келиб чиқиши билан боғлиқ муаммолар узил-кесил ечими топилди, деган сўз эмас. Бу соҳада ҳали тадқиқ этилиши лозим бўлган илмий муаммолар талайгина.

Афсуски, чоп этилаётган баъзи бир тадқиқотларда қадимдан шу заминда яшаб келаётган халқлар ўртасидаги ўзаро бир-бирига узвий боғлиқлик, иктисодий ва ижтимоий, сиёсий ва этномаданий алоқалар ҳамда турли даражадаги этник қоришувлар туфайли миллий этносларнинг шаклланиши ривожланишнинг асосий омилларидан эканлиги иккинчи даражага тушиб қолмоқда.

Марказий Осиё халқлари тарихининг у ёки бу йўналиши бўйича интернет сайтларида, илмий журналлар саҳифаларида, ҳатто монографик китоб тарзида миллий нуқтаи назарлар чуқур илмий таҳлилларсиз кенг китобхонлар оммасига тақдим этила бошланди. Истиқлол берган ижодий эркинликдан илҳомланган ва

<sup>1</sup> *Джон Шоберлейн. Перспективы становления национального самосознания узбеков. Журнал «Восток», Москва, 1997, № 3. С. 55.*



ўз базавий мутахассислиги тарихдан узоқ бўлган зиёлилар орасида ўтмиш тарихга бир ёқламали ёндашувлар асосида миллат тарихини ёзиш анъанага айланиб, уларнинг «ижод» маҳсули илмий назоратсиз чоп этилмоқда.

Афсуски, кейинги йилларда бирламчи манбалар асосидаги тадқиқотчиликка хос илмий одоб (этика) ўрнини миллий эҳтирослар эгаллаб бормоқда. Натижада, жаҳон илмий жамоатчилиги эътироф этган объектив тарих, реал геосиёсий вазият ҳисобга олинмай, илмга зид қарашларни фанда пайдо бўлиб қолиши туфайли, мустақил Ўзбекистонимиз тарих фани олдида ўта масъулиятли янгидан-янги муаммолар туғилмоқда.

Ана шундай муаммоларнинг туғилишига асос берувчи Ўрол Носировнинг 2011 йилда чоп этилган «Ўзбеклар шажараси» номли китобидир<sup>1</sup>.

Муаллиф касби бўйича тарих фанидан узоқ мутахассис бўлишига қарамай, Ўзбекистон тарихининг ўта мураккаб, ўта масъулиятли муаммоси ҳисобланган ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ёритишга қўл урган. У ўзининг ноилмий мулоҳазалари билан туркий этносни жаҳон цивилизация марказларининг асосчилари сифатида кўрсатиш мақсадида, турли адабиётлар ва манбаларга ноҳолис ёндашиб, ўз «илмий» фантазиясини асослашга ҳаракат қилган. Шунинг учун китобда келтирилган маълумотларнинг мутлоқ аксарияти илмий таҳлилларсиз, кучли эҳтирослар негизида, ўзбек этногенези илдизининг туркий қатламини жаҳон цивилизациясининг бешиги сифатида кўрсатишга уринган<sup>2</sup>.

Авваламбор, китобни «Ўзбеклар шажараси (Этник тарихга холис назар)» деб номланиши унинг туб мазмунига мос келмайди. Чунки, шажара орқали бутун бир халқнинг этногенези ва этник тарихини ёритиб бўлмайди. Китоб аннотациясида масалага муаллиф ёндашувининг илмга зид, ҳатто тарих ҳавасмандлари ҳам қабул қилиши қийин бўлган фаразларни тарихий ҳақиқат сифатида талқин қилиниши, жумладан, ўзбек халқининг азалий аجدодлари фақат скифлардан иборат дейиши, ўзбек халқи одамзод пайдо бўлганидан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўтроқ ва ярим ўтроқ яшаб келаётгани, ўзбеклар мил. авв. VI–V мингйилликларда Эрон орқали Кичик ва Олд Осиёга бориб маданиятлар яратгани, мил. авв. II–I мингйилликларда Сирдарё ва Амударё оралиғида, яъни ҳозирги Ўзбекистон ҳудудий доирасида Скифия давлати бўлгани ҳақида ёзади. Бу билан муаллиф ўзининг кишилик тарихининг оддий масалаларини тушунишдан жуда узоқ эканлигини намоён этиб, ўз хаёлий қарашлари билан китобхонни чалғитишга уринган.

– «Бизнинг изланишларимизга кўра, – дейди Ў. Носиров, – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми – мил. авв. VII аср оралиғида қудратли Скифия давлати мавжуд бўлганлиги аниқланди<sup>3</sup>. Аслида,

<sup>1</sup> Ушбу китобга Ўз.Р. ФА нинг Тарих институти томонидан юқорига тегишли салбий хулосалар берилишига қарамай, китоб 2012–2013 йилларда қайта-қайта нашр этилиб, китоб дўконларида сотила бошлагач, ушбу сатрлар муаллифининг «Бир китоб ҳақида минг эътироз» номли маҳсулоти рисоласи 2013 йилда эълон қилинди.

<sup>2</sup> Асқаров А. Бир китоб ҳақида минг эътироз. – Т.: 2013. – 92-бет.

<sup>3</sup> Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. – Т.: 2011. – 9-бет.

Ўзбеклар аждодлари – турклар мил. авв. VI–V мингйилликларда Амударё ва Сирдарё оралиғидан Эрон орқали Месопотамияга бориб ботқоқликларни куришиб, экинзорларга айлантирган»<sup>1</sup> дейди.

Муаллиф мил. авв. VI мингйилликда Месопотамияга туркий қанғли, қанғар, суврон каби қабилалар бориб қолганликлари ҳақида қайси бир илмий (археологик ёки қадимги ёзма) манбадан маълумот олди экан? Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида Скифия номли давлат бўлганлиги ҳақида муаллиф қайси илмий адабиётларга асосланиб аниқлади экан?

Расмий тарихга кўра, скифлар мил. авв. VII–III асрларда Шимолий Қора денгиз бўйларида, яъни Днестр, Днепр ва Дон дарёлари қуйи ҳавзаларида, Азов денгизи атрофларида ва Қрим ярим оролида яшаган ва улар асосан чорвачилик билан шуғулланувчи қабилаларнинг конфедератив уюшмасини ташкил этишган. Археологик изланишлар ва юнон-рум манбаларининг хабар беришича, мил. авв. VII–IV асрларда шимоли-шарқий Қора денгиз бўйлари, Азов денгизи ва Қрим ярим оролининг даштлари скифлар кенг тарқалган ҳудудлар бўлиб, бу ҳудудлар юнон-рум ёзма манбаларида Скифия деб номланган<sup>2</sup>. «Ўзбеклар шажараси» китобининг муаллифи эса Скифияни Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) оралиғига жойлаштиради.

Унинг тасаввурида қадимда дунёнинг цивилизация марказларига юксак маданият уруғларини фақат турк аждодларимиз сепган. У турк билан туркийнинг фарқига бормайди. Айнан шунга ўхшаш даъво билан тожик академиги Р. Масов ҳам чиқмоқда, яъни унинг фикрича, орийлар ватани – Тожикистон, орий тожиклар башарият оламига цивилизация тарқатган халқ.

Муаллиф филолог олим сифатида тарихчиларга таъна тошини отишдан аввал қадимги шарқий эроний тил билан замонавий форс тилини фарқига бориши керак эди. Эрон билан эроний тилли аҳолининг катта фарқи бор. Аниқроғи, «эроний тилли» ибораси айнан Эрон давлати аҳолиси деган маънони англатмайди. Чунки, Покистон, Афғонистон, Тожикистонда ҳам форсий тилли аҳоли кенг тарқалган. Шунингдек, ўзбек халқи ҳам моноэтник этнос эмас, унинг полиэтниклиги жаҳон илмий жамоатчилигига аллақачон маълум.

«Миллатпарвар» муаллифимиз академик К. Шониёзовни ноҳолис айбномалар билан ўзича «янчиб» ташлагач, бу масалада ушбу сатрларнинг муаллифига қарши «уруш» эълон қилади. Унинг ўзбек халқини ўк томирларидан бири сифатида суғдийлар, бохтарийлар ва хоразмийлар эканлиги ҳақидаги қарашларини «танқид» қилади, ўзбек этноси туркий ва эроний этник бирликларнинг узоқ асрлар давомида ўзаро қоришуvidан ҳосил бўлган халқ эканлигини инкор этади.

Афсуски, ўзбек этногенези масаласида Ў. Носиров халқимиз тили туркий экан, унинг ягона ўк томири ҳам туркдир, туркнинг аждоди скифдир, деб халқимизнинг узок ўтмишига тегишли ўтроқ суғорма деҳқончилик маданияти ва юксак даражада ривожланган кенг тармоқли хунармандчилигига оид бой маданий меросидан

<sup>1</sup> Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. – Т.: 2011. – 9-бет.

<sup>2</sup> Степи европейской части СССР в скифо-сарматское время. – Москва, 1989. С. 33–80.

махрум этмоқчи бўлаётганлигини ўзи пайқамайди. У муаммонинг туб мохиятини тушунмай, мафкуравий душманларимизга озуқа бераётганлигининг фаркига бормайди.

Ҳозирги кунда кўп миллатли Ўзбекистон манфаатидан келиб чиқиб, этногенез ва этник тарих масаласига холис ёндашиш лозим. Бу ўта нозик масалада ҳар бир олим ёки муаллиф айтган сўзи учун масъулдир. Акс ҳолда, оддий халқни чалғитиш миллий низо ва адоватларнинг сабабчиси бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Муаллиф балки бу соҳага янгилик олиб кирмоқчи бўлгандир. Аммо, унинг бу уринишлари аксарият эхтиросларга асосланган тарихий ҳақиқатдан йироқ мулоҳазалардир. Умуман олганда, ушбу асар халқимизнинг келиб чиқиши борасида сохта, ноилмий қарашлар асосида ёзилган бўлиб, уни кенг ўқувчилар жамоасига тақдим этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бундай «асар»лар кўшни давлатларда фаолият юритаётган баъзи бир ғоявий мухолифларимиз учун тайёр хўрак, уларнинг тегирмонига сув қуйишдир.

Кейинги йилларда ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихи муаммолари билан боғлиқ масалаларда ёзувчи ва шоирлар, журналистлар ҳам асар ва рисо-лалар ёза бошладилар. Уларнинг асарларида тилшунос-филологларга хос бадий тўқималарни тарихий ҳақиқат сифатида талқин этиш асосий ўринни эгаллайди. Хусусан, бир неча бадий рисолалар муаллифи Анвар Шукуров расмий тарихга зид қарашлар асосида ёзилган «Ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида» номли рисоласини чоп этган<sup>1</sup>. Бу билан муаллиф мутахассис тарихчиларга методологик йўналиш бермоқчи бўлган. У ўз асарининг III бандида «Ўзбек» атамаси қачон пайдо бўлди» рубрикаси остида, бу ҳақдаги шарқшунос олимларнинг қарашларини баён этиб, «халқнинг анъаналарини, менталитетини, характерини ва унинг тилини чуқур билганда эди, бу атама остида яшириниб ётган сеҳрни очарлар эди» деб, олимларга таъна тошини отган<sup>2</sup>. У яна давом этиб, «афсуски, амалда шундай бўлмаган, аслида бу ўзбек атамасининг келиб чиқиши билан бевосита боғлиқ бирламчи манбалар четда қолиб, тарих сохталаштириб келинган», деган даъво билан чиқади.

Анвар Шукуровнинг таъкидлашича, антик давр муаллифи Диодор «Тарих кутубхонаси» асарида «биз туркийларнинг жаҳонгир бобомиз Ўғузхон бўлган»<sup>3</sup>, дейилган. Диодор бундан икки минг йил аввал скифларнинг сардори Ўғузхон бўлганлиги, бу тарихий факт Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» ва Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарларида ўз аксини топганлигини қайд қилади. «Бир замонлари, – дейди муаллиф, – Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Шом, Миср, Рус денгизигача ерларни босиб олган ва турк маликлари орасида машҳур бўлган жаҳонгир Ўғузхон эди», деган хулосага келади.

Муаллиф «Амударёнинг қадимги юнонча Окс номи, аслида унинг туркийча Ўқуз номининг фонетик вариантидир», «Ўғуз атамасининг қадимийлиги, унинг

<sup>1</sup> Шукуров А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. «Насаф» нашриёти. – 2010.

<sup>2</sup> Шукуров А. Ўша рисола. 11-бет.

<sup>3</sup> Шукуров А. Ўша рисола. 11–13-бетлар.

номи билан дарё ва вилоятларнинг номларини келиб чиқиш тарихий илдизлари ҳам Ўғузхон ва унинг набиралари шарафига қўйилгани мантиқан тўғридир. Масалан, Сурхон атамаси, Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Сурхи номли қудук, Эрондаги Хуросон Ўғузхон набиралари номи билан, Россиядаги Итил дарёсининг Атилла номи билан аталиши ва бошқалар шулар жумласидандир» дейди<sup>1</sup>. Муаллиф «Ўғуз» сўзини араб ва форс манбаларида ғузга айланиши, «ўзбек» сўзидаги «ўз» ўзаги ўғуздан келиб чиққанлиги, қадимги ўғуз+берк. ўғуз+бўка, бек сўзларидан ЎЗБЕК сўзи келиб чиққанлиги тарихий ҳақиқатдир»<sup>2</sup>. «Ўзбек» сўзи Ўғузбек сўзининг қисқартирилган кўринишидир», дейди. «Ўғузларнинг аслзодалари орасида «Ўзбек» номи XIII аср бошларида ҳам учрашини, Олтин Ўрда хони Ўзбекхондан 60 йил аввал Озарбайжонда «Ўзбек» деган ҳоким бўлганлиги, ҳатто XI аср араб тарихчиси Усом ибн Мунқизнинг «Китоб ал эътибор» («Ибрат китоби»)да Ўзбек исми Мавсил ҳокими»<sup>3</sup> бўлганлигини кайд қилади.

А. Шукуров, узок ўтмишда «Тўфон» бўлганлиги, Тўфонда Нух пайғамбар қайиғида сузган туркнинг бош бўғини Ёсаф, Ёсафнинг ўғли Тур ёки Турқдан тарих бошланганлиги, Тўфондан 270–300 йил кейин ўғузлар подшоси баҳодир Ўғузхон туркларнинг нуфузини дунёга таратди, дейди. Аслида фан ютуқларига кўра, Тўфон бундан тахминан 40 минг йил аввал ўтган. У даврда ўғуз деб аталган қабилалар ва уларнинг подшоси Ўғузхон ҳам бўлмаган. Ўғузхон Мирзо Улуғбек ва Абулғози маълумотларига кўра, туркнинг бош бўғини Ёфаснинг тўққизинчи ёки ўнинчи бўғини бўлган. А.Шукуровнинг китобхонга тушуниши кийин бўлган ҳисоб-китобини археологик даврий саналар билан қиёсий солиштирилса, Ўғузхон бундан 39.700 йил аввал ўтган бўлади. Аммо, муаллиф эса Ўғузхон мил. авв. II асрда яшаган деб ёзади<sup>4</sup>. Кўриб турибсизки, илмий археологик даврий сана билан А.Шукуровнинг қарашларида мантикий боғланиш йўқ.

А. Шукуров чингизий авлодларини туркнинг бир бўғини ҳисоблаб, мўғулларни «бизнинг аждодларимиз эканлигини тан олиш вақти келмадимикан», деган тавсияни тарихчи мутахассисларга бермоқчи бўлади.

А. Шукуров «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиш тарихий илдизларини гоҳ «Тўфон» билан, гоҳ ўғуз атамасининг ўзагидан излаб, китобхончи чалғитишга қанчалик уринмасин, ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақидаги академик Б.Аҳмедовнинг мулоҳазалари илмий асослидир.

Муаллиф ўзининг навбатдаги «Нур устига нур ёғсин» китобида ўзбек халқининг аждодлари қачондан бошлаб ўтроқ ҳаёт кечира бошлади? – деган саволга жавоб топишни ўз олдига вазифа қилиб қўйганлигини таъкидлайди. Бироқ, бу масала китобда ўз ечимини илмий асосда топмаган. У бу ўлкада «кент», «тепа»,

<sup>1</sup> Шукуров А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. – 10–23-бетлар.

<sup>2</sup> Шукуров А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. 31–33-бетлар.

<sup>3</sup> Шукуров А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. 32-бет; Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. «Ўзбекистон» нашриёти. – Т.: 1994. – 42-бет; Зиётов З. Турон қавмлари. – Т.: 2008. – 189-бет.

<sup>4</sup> Шукуров А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. 9-бет.

«кўрғон», «кальа» каби жой номларини учратилиши ўтрок ҳаёт ва шаҳарни англаган, деган иборадан нарига ўта олмайди.

«Яқинда, дейди муаллиф, Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб колдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди... Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар»<sup>1</sup>. Чамамда танқидчи «тарихчимиз» илм оламида тарихни қайта ёзиш борасида нималар қилинаётганлигидан хабарсиз кўринади. Мустақиллик йилларида Юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари ғоялари асосида яқин ўтмиш асарларидан фарқли ўлароқ талайгина илмий тадқиқотлар олиб борилиб, катта натижаларга эришилди, аммо, драматург ёзувчимиз булардан беҳабар кўринади.

Скифлар-саклар аجدодларимизнинг бир тармоғи эканлигини биз тарихчилар ҳам яхши биламиз. Скиф-сак юзлаб, минглаб чорвадор қабила ва уруғларнинг уюшмаси. Улар тарихда чорвадор кўчманчи халқ сифатида эътироф этилади. Бу халқнинг Ўрта Осиё худудларида яшовчи этник гуруҳлари минтақанинг эроний тил муҳитида эронийлашиб, ана шу тилда Авесто яратилди. Шу боис, расмий тарихда Ўрта Осиё саклари эроний тилли халқ деган тасаввур пайдо бўлган. Ўрта Осиё сакларининг ўтроқлашган қисми ҳисобига суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар этник номлари остида Ўрта Осиёнинг муқим яшовчи аҳолиси таркиб топди. Демак, улар ҳам эроний тилли халқ сифатида талқин этилди.

Кўчманчи скиф-сакларнинг Евроосиё даштларида яшовчи аجدодлари этник келиб чиқиш жиҳатидан туркий қавмлар эканликлари билан улардан фарқ қилади. Бу ҳақда тарихчи Андрей Лизловнинг «Скифлар тарихи» асарида тегишли маълумотлар берилган, бу тарихчи олим скифларнинг туркийлигини исботлаган<sup>2</sup>. XIX асрнинг ўрталаригача кўпчилик рус тарихчилари скифларни туркийлигини шубҳага олмаганлар. Масалан, венгер олими Геза Куун «Куманикус Кодекси» (Словарь кипчакских языков) асарида<sup>3</sup>, турк олими Ҳасан Ато Абуший «Турк қавмлари тарихи» асарида скифларнинг туркийлигини асослашган<sup>4</sup>. Бироқ, К. Цейс 1837 йилда скифларни эроний тилда сўзлашувчи қабилалар таркибига киритади<sup>5</sup>. XIX асрнинг 60- йилларида К. Мюлленхофф скиф ва сарматлар эроний тилли қабилалар эди<sup>6</sup>, дейди. Шундан бошлаб, бу фикр евроцентрист олимларнинг, жумладан совет тарихшуносларининг ҳам асосий ғоясига айланди.

<sup>1</sup> Шукуров А. «Т» товушининг товланиши. – Т.: 1912. – 7-бет.

<sup>2</sup> Андрей Лизлов. История скифов. 1787. Қайта нашр қилинди: Москва, 1990.

<sup>3</sup> Геза Куун. Куманикус Кодекси. 1881. Кипчакские языки: куманский и армяно-кипчакский. Изд. «Наука». Алма-Аты, 1987.

<sup>4</sup> Габаши Х.Г. История тюркских народов. 1909. С. 54. Ўзбекча нашри: Ҳасан Ато Абуший. Турк қавмлар тарихи. «Чўлпон» нашриёти. Тошкент, 1993.

<sup>5</sup> Доватур А.И., Каллистов Д.П., Шишова И.А. Древнейшие источники по истории народов СССР. «Наука». Москва, 1982. С. 47, 55.

<sup>6</sup> Доватур А.И. и другие. Древнейшие источники. С. 53; Шукуров А. «Т» товушининг товланиши. Т.: 2012. 22-бет.

Аммо, бошқирд тарихчиси Заки Валидий Тўғон ўз вақтида скифларни туркий этноста киритган<sup>1</sup>. Шўро даври расмий тарих фанида ҳам козоқ антропологи А.С. Аманжолов, ёзувчи О. Сулаймонов, кавказшунос И.М. Мизиев ва К.Т. Лайпановлар скиф-сармат ва аланларнинг асосий таркиби туркийзабон бўлганлигини лингвистик, археологик ва антропологик материаллар тахлили асосида асослашга интиланганлар<sup>2</sup>. Бироқ, уларнинг ҳар бири расмий тарихга айланган концепцияга зид фикр айтгани боис шўро даври тарихшунослигида танқид қилинган.

Бироқ, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини фақат скиф-сакларга боғлаб қўйиш ҳам, тарихда кечган мураккаб этногенетик жараёнларни инкор этишга олиб келади. Ҳозирги ўзбеклар асосан икки тилли этник жамоаларнинг узок асрлар давомида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва этномаданий жиҳатдан ривож ва қоришуvidан таркиб топган янги этносдир.

Бу турли этник гуруҳларнинг қоришуvida ёлғиз ўғузлар эмас, балки қарлук, чигил, арғун, қипчоқ ва бошқа ўнлаб, юзлаб туркий қабилалар ҳам катнашган. А.Шукуров тасавурида «ўзбек» фақат скиф-сак, ўғузлардан таркиб топган бўлиб қолган.

Ушбу сатрлар муаллифи Ўрта Осиё саклари аслида Авесто турлари бўлиб, мил. ав. II мингйилликнинг ўрталарида орийларнинг жанубга миграцияси даврида Евроосиё даштларидан Ўрта Осиёга кириб келган прототурк Андроново қабилалари эканлигини кўрсатиб ўтади<sup>3</sup>. Аммо дастлаб, уларнинг эроний тил муҳитига тушиб қолган қисмигина эронийлашади, лекин, кўпчилик прототуркий этник гуруҳлар дастлаб «оролча» сифатида яшаб, узок асрлар давомида ўз тилларини йўқотмаганлар. Кейинги асрларда Евроосиё даштларининг жанговар халқи – прототурк қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келишининг охири бўлмайди, аксинча янада авж олади. Айниқса, уларнинг Амударё ўрта ҳавзаларигача бўлган худудларда таъсир доираси кенгайиб, Ўрта Осиёнинг шимолида, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларига келиб ўрнашган чорвадор прототуркий қабилалар секин-аста ўтроқлашиб, антик даврга келганда ўзига хос маданият (Қовунчи маданияти) таркиб топади, туркий тил эса бу минтақаларда аҳолининг жонли тилига айланади. Бу расмий тарихнинг бугунги кундаги тарихий ҳақиқатидир.

Ўзбекистон тарихчи-археологлари, этнолог ва лингвистларининг бугунги кундаги вазифаси бу жараённи илмий асосда ёритиб, ўзбек халқи аجدодларининг таг замини юксак ўтроқ маданият соҳиблари бўлганлигини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссалари ва ўзбек халқининг туркий тилли халқ сифатида шаклланиш жараёнларини холис, ортиқча миллий эҳтиросларсиз, илмий асосда яратиб беришлиқдир.

<sup>1</sup> Аҳмад Заки Валиди Тўғон. История тюрков и татар. Казань, 1912.

<sup>2</sup> Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003; Мизиев И.М. Шаги к истокам этнической истории Центрального Кавказа. Нальчик, 1986. С. 35–56, 123–138; Лайпанов К.Т., Мизиев И.М. О происхождении тюркских народов. Черкесск, 1993. С. 45–86.

<sup>3</sup> Асқаров А. Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. «Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда». – Т.: 2005. – 69–80-бетлар.

Олий ўқув юрти педагоглари орасида Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш борасида мураккаб этногенетик жараёнларни тўғри тушуниб, ҳолис фикр ва мулоҳазалар юритувчи устозлар ҳам йўқ эмас. Самарканд давлат чет тиллар институтининг профессори, филология фанлари доктори У. Санакулов 2010 йилда «Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари» номи остида талабаларга илмий-услубий материаллар чоп эттирган. Асар қизиқарли ва муаллиф кўтарган муаммолар ечимига кўп ҳолларда илмий ёндашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган. Талабаларга бундай илмий-услубий ишларни ёзиш ва тавсия этиш таҳсинга сазовордир. Муаллиф кўтарган масалалар шунчалар мураккаб ва илмий баҳслики, улар ҳақида бироз бўлса-да тўхталиб ўтишни лозим топдик.

У. Санакулов ушбу сатрлар муаллифининг 2007 йилда Олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар факультетлари талабалари учун чиқарган ўқув қўлланмаси ҳақида яхши фикрлар билдириш билан бирга, баъзи бир масалаларда ўз қарашларини баён этган. Масалан, К. Шониёзов ва А. Асқаровлар ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихий илдизлари иккита, яъни биринчиси маҳаллий эронзабон суғдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар ва сак-массагет қабилалари бўлса, иккинчи илдиз шу ҳудудда қадимдан яшаб келаётган туркий қабилалар эди, уларнинг узок асрлар давомида ўзаро қоришувидан янги этнос – ўзбек халқи шакллانган, деган хулосага келдилар. Бизнинг фикримизча, масалага чуқурроқ ёндашилса, ўзбек халқининг шаклланишида учта асосий ўқ томир бўлганлиги маълум бўлади. Биринчи томир қадимдан турғун ҳолда яшаб келган туб жойли (қарлуқ-чигил-уйғур) туркийлар бўлса, иккинчи томир кўчманчи (ўғуз-кипчоқ) қабилаларидир. Бу икки илдизнинг қоришувидан ўзбек халқи юзага келди. Шунингдек, қадимги суғдий, хоразмий ва бохтарий каби қадимги эроний тилли қабилалар қоришувидан юзага келган компонент эса ўзбек халқининг учинчи томири ҳисобланади<sup>1</sup>. Муаллиф давом этиб, ўзбек халқи таркибида қадимий эроний тилли компонентлар бўлса-да, аммо у ўзбек халқининг шаклланишида ўқ томир бўла олмайди<sup>2</sup>, дейди. Биринчидан, муаллиф соҳанинг кенг қамровли изланувчиси бўлмагани боис, ўзбек халқининг шаклланишидаги этногенетик жараённинг туб моҳиятини тўлиқ тушуниб етишда бироз миллий эҳтиросга берилган. Иккинчидан, қарлуқ-чигил-уйғурлар қадим-қадимдан ўтроқ туркий этник бирликни ташкил этмаган. Уларни азалдан ўтроқ эди, дейишни ўзи муаллифни чалкаш хулосаларга олиб келган. Учунчидан, ўтроқлашиш масаласида ўғузлар даврий жиҳатдан қарлуқлардан ҳам олдинроқ ўтроқлашган бўлиши тарихий ҳақиқатга яқиндир.

Қадимги суғдийлар ва Ўрта Осиёнинг бошқа эроний тилли қавмлари қадимдан туркийлар билан (тилдан бошқа) ҳар томонлама қардошдирлар. Уларнинг Ўрта Осиёни жанубий ва марказий вилоятларида макон топганлари икки тилда сўзлашганлар. Бу ҳолат моддий маданиятда, ёзма манбаларда яхши кузатилади.

<sup>1</sup> Санакулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. Самарканд, 2010, 10-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 11-бет.

Ниҳоят, муаллифнинг назарий ва илмий-методологик жиҳатдан хатоси шундаки, у «Ўзбекнинг келиб чиқиши моноэтник характерда» деган ноилмий қарашлар таъсирига тушиб қолган.

Муаллиф Ўзбекистон ҳудудининг туб жой аҳолиси қадимдан туркий тилли эди, ҳатто саклар, хоразмий ва суғдийлар ҳам аслида туркийлар бўлган. Сўнгги даврларда уларни бир қисми тамоман форсийлашган бўлса, қолган қисми тамоман туркийлашганлиги фанда қайд қилинади<sup>1</sup>.

У китобнинг 52-бетига ёзувчи Тохир Қаҳҳорнинг «шумерлар асли Туркистоннинг...Тангритоғ воҳасидандир», туркиялик олим Ф. Бўзқурт эса, «қадимий шумер ва аккад тилларини ўрол-олтой тиллар оиласига киритган», «Олтой сўзи турк-мўғулча бўлиб, «олтин» маъносини, «Сибир» сўзи эса «сабир», яъни боши очик, поёнсиз деган маънони беради. Можар туркшуноси Ю. Немет сабирларни турк деб ҳисоблаган», деган ибораларни келтириб, бу фикрларга нисбатан ўз қарашларини баён этмайди.

Китобнинг 63-бетига «Алп Эр Тўнга (Афросиёб)нинг Бўзқир (Бўри уруғи) давлати бўлиб, у Кайхусрав давлатига рақобатда бўлган қудратли салтанат эди», 122–123- бетларда «Ўзбек номи «Ўз» қабиласи номидан келиб чиққан. «Ўз» қабиласи эса милодий эра бошларидан маълум» каби исбот талаб, афсонавий ривоятлар асарининг ҳар бир бобида учрайди.

У. Санақулов китобининг 35-бетига: «хоразмийлар Марказий Осиёдаги анча қадимий ва қудратли қабилалардан бири бўлган. Бу қабиланинг ўтмиши тарихий манбаларда қайд этилишича, (қайси тарихий манбаларда? А.А.) мил. авв. IX–VIII асрлар билан ўлчанади. Хоразм ҳудудидан топилган Амиробод маданияти бундан далолат беради»<sup>2</sup>, – дейди. Тарихий манбаларнинг тахлилига кўра, хоразмийлар ҳақида гап кетганда, мил. авв. VI асрда Херируд-Тажан водийсидан Амударё қуйи ҳавзаларига кириб келган хорасмийлар ва улар қолдирган Кўзалиқир, Ҳазорасп, Хумбузтепа каби ёдгорликлар тушунилади. Унгача бу ўлкада чорвадор сак-массагетлар яшаб, улардан қолган Амиробод маданияти аҳолиси эса ярим ертўла кулбаларда яшаган, улар хорасмийларга хос монументал қалъалар қурмаганлар, уларга мил. авв. VI асрда келиб қўшилган юксак цивилизацияли хорасмийлардан анча орқада эдилар.

Китобнинг 37- бетига Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида келтирилган мил. авв. 1292 йил билан боғлиқ тарих, Хоразмнинг илк бор ўзлаштирилиши ҳақида эмас, балки бу ҳудудда илк бор «турк подшолиги»ни таркиб топиши билан боғлиқ эди. Беруний халқ оғзаки ривоятларидан келтирган бу далиллар археологик материалларда ўз аксини топган.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши масалалари шунчалар қизиқарли ва жозибадорки, ўзини ўзбек деб билган ҳар бир зиёли у ҳақдаги илмий ёки ривоятларга бурканган тарихий асарларми, уларни фарқига бормай, уларни ўқишга, улар

<sup>1</sup> Санақулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. Самарқанд, 2010, 12-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 35-бет.



асосида ўз карашларини баён этишга интилади. Интернет сайтлари бу масалада очик ойна! Исталган мавзуда, у илмийми ёки уйдирма, тўқима ва фактларни ривоятлар билан омухталашган карашларми, барибир, уларни ўз саҳифасида эълон қилинишига имкон беради.

Кейинги йилларда интернет саҳифаларида ўз касбига кўра қурувчи, иктисод фанлар доктори Рустам Абдуллаев исмли ижодкор ўзбек халқининг келиб чиқиши мавзусида «ноёб назариячи» сифатида пайдо бўлиб қолди. У эълон қилган мақолалар баёнига кўра, Рустамжон тарихий асарлардан анча-мунча хабардор, лекин ўта миллий ҳиссиётга берилган «тадқиқотчи олим». Унинг интернет саҳифаларида ўзбекларга бағишланган 8та мақоласи эълон қилинди.

Ана шу мақолалардан бирида («Ўзбекистон: синовлар, таҳдидлар, муаммолар ва ечимлар») *Алишер Навоийнинг этник келиб чиқиши масаласида туркиялик олим Темирхўжа ўғли ва ўзбек журналисти Хуршид Даврон билан баҳслашиб*, уларни «Навоий ўзбек шоири эмас, чунки тарихий Туркистон 1924 йилда Ўзбекистон бўлди. Навоий турк шоири, вақти-соати келиб бу хато тузатилади» деган башоратларини тўғри танқид қилади. Аммо, унинг қарашларида тарихий тизимлилик, хронологик кетма-кетлик, тарихий жараёнларга объектив баҳо бериш ва манбалар, адабиётлар илмий таҳлилида ҳолислик кўзга ташланмайди. «Ўзбекистон: синовлар, таҳдидлар, муаммолар ва ечимлар» номи остидаги иккита мақоласида Чингизхоннинг катта ўғли Жўжихонни туркка чиқаради, унинг онаси Бўрте-қўнғирот, отаси Чилгир Боко баходир меркит туркларидан, унинг онасини Темучин (Чингизхон) ўзига хотинликка олганда Бўрте йўлда туғиб кўяди, болага Жўжихон исми берилган. «Аслида эса унинг номи йўлда туғилгани учун Йўлчи эди». «Жўчи (Йўлчи) улусининг авлодларидан бўлган Ўзбекхон ҳокимиятга келгач, унинг улуси, унинг шарафига Ўзбек улуси, Ўзбекистон деб атала бошлади. Ўзбекхоннинг бобоси Мангу Темир ҳукумронлиги (1251–1259) давридаёқ Жўжи улуси Мўғул империясидан тўлик ажраб чиқиб, мустақилликка эришган, Ўзбекхон эса унинг ҳар жихатдан мустақиллигини таъминлаган».

«Ҳозирги замонавий ўзбек давлатининг тарихий илдизлари Ўзбекхонга бориб тақалади», ўзбек миллати ва биринчи миллий ўзбек давлатининг асосчиси Жўжихон авлодидан бўлган шахзода Абулхайр (1412–1468) бўлган». «У ўзбек хонлиги ёки Ўзбекистон деб аталган марказлашган ўзбек миллий давлатини 40 йил бошқарган». «Ўзбеклар миллат сифатида тарих саҳнасида 1428 йилда пайдо бўлган». «Ўзбеклар 92 туркий уруғлардан ташкил топган миллатдир». «Ўзбеклар–турк халқларининг зодагонлари, сартлар эса – Марказий Осиёнинг тадбиркорларидир» каби мулоҳазаларга бориб, «бу менинг янги назариям, тарихчилар шу йўлда ижод қилсинлар» каби тавсияларни беради.

Рустам Абдуллаев «Ўзбеклар – турк халқларининг аслзодалари, сартлар эса – Марказий Осиёнинг тадбиркорлари» номи мақоласида XIV асрда Ўзбек давлати аслзода беклар – ҳарбийларнинг ихтиёрий уюшмаси асосида таркиб топган, сартлар эса Марказий Осиёнинг тадбиркор туркий савдогарлари эканлигини исботлашга уринади. Шунинг билан бирга, ўзбеклар билан руслар ўртасида этник

яқинлик мавжудлигини «асослашга» уринади. Муаллифнинг ривоятларга асосланган «назарияси»га кўра, руслар, ҳатто хиндлар қонида турклар қони мавж уради, Тўфондан омон қолган Нух пайғамбар Арарат тоғларида эмас, балки Олтой тоғларида кўним топганлиги ҳақида сўз юритади. «Европаликлар Нухнинг ўғли Ёфас, унинг ўғли Тур ёки Туркдан тарқалганлиги, Туркнинг аслзодалари ўзбеклар бўлган» деган фаразни ўртага ташлайди. Бу масалада Рашидиддин ва Фазлуллоҳ каби форс тарихчиларининг диний ривоятлари асосида битилган асарларига суянади.

Муаллиф ривоятларга асосланган ҳолда ва ҳеч бир илмий асосларсиз «мўғулларнинг насл-насаби турк бўлган», «Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда давлатининг давлат тили эски ўзбек тили эди» деган хулосага келади. У ўзбек халқининг ўтмиш тарихидан билагонлик қилиб «баъзи бир чаласавод тарихчилар ҳеч бир исботсиз Мўғулистоннинг аҳолиси турклаштирилган мўғуллар бўлган» дейди. Унингча, кўнғирот ва ойрат уруғлари этник келиб чиқиш жиҳатидан мўғул эмас турк эмиш. Тарихчиларга нисбатан тош отишни давом эттириб, муаллиф «рус князь ва дворянларининг аксарияти келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра турк бўлган. Уларнинг барчаси туркларнинг баҳодир кўнғирот уруғи билан этник жиҳатидан боғлиқдир. Бу ҳақда Л. Гумилев ўзининг «Древняя русь и Великая степь» номли асарида «Темур барлос бўлган, Эдигей эса – кўнғирот бўлган ва улар бунини доимо ўз ёдларида сақлашган» деб айтиб кетган. Проф. С.Я. Баскаков эса, асосли равишда «рус подшоши Борис Годунов, Юсуповлар, Голицынлар, Нарышкинлар, Ростовчинлар, Глинскийлар, Романовлар князлик уруғлари, православ динининг намояндаси Петр Ордынский, Петр, Соломония Сабурова, Елена Глинская, Ирина Годунова, малика Марфа Апраксиналарнинг келиб чиқиши турк бўлиб, туркнинг аслзодалари ўзбек бўлгани боис, улар ҳам ўзбеклар сафига киради», дейди.

Бундан ташқари, ўзбеклар сафига Алексей Михайлович Романовнинг ёш рафиқаси Наталья Нарышкина ҳам киради. Ҳатто Рус императори Петр I ҳам онаси томонидан ўзбек бўлгани учун уни ҳам ўзбеклардан дейиш мумкин, дейди. «Фан соҳасида эса ўзбеклар сафига Д. Менделеев, И. Мечников, И. Павлов, В. Мичурин, К. Тимирязов, С. Радищев, Д. Кантемировлар ва рус тилининг асосчиси ҳисобланувчи Карамзиндек буюк олимларни, рус ёзувчиларидан эса Гоголь, Достоевский, Тургенев, Державин, Горький, Аксаков, Чаадаев, Ахматова ва Булгаковларни ҳам киритиш мумкин» дейди. Унинг таъкидлашича, «Рус санъатининг машҳур намояндаси бўлмиш балериналар Павлова, Г. Уланова ва Спесивцева; артистлардан М. Ермолова ва Каратыгин; рассом Шишкин, композиторлар Скрябин ва Танеевлар ҳам ўзбеклардандир. Кузьма Минин эса чўкинтирилгунига қадар Миннибоев деган ўзбекча фамилияга эга бўлган. Воєвода князи Юрий Мещерский ва боярин Андрей Черкизов, Куликов жангида ҳалок бўлган буюк Петрнинг сафдошлари бўлмиш генерал-адмирал Ф. Апраксин ва фельдмаршал С.Апраксинлар ҳам келиб чиқиши жиҳатидан ўзбек бўлган. Бу

хам майлия, хаттоки М. Кутузов, Д. Ушаков ва В. Тухачевскийлар ҳам ўзларининг келиб чиқиши жиҳатидан ўзбек бўлганлар, деган хулосага келади.

Тўғри, дунёда бирор халқ ёки миллат йўқки, унинг этник таркиби моноилдизли бўлса. Шу боис, ўрта асрларда Дашти Қипчоқ ўзбекларининг жанубий рус аҳолиси билан этник алоқалари бўлганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин бу алоқалар уларнинг қониди қайси бир ўлчамда бўлишидан қатъи назар, улар рус халқи бўлиб шаклланди. Шунинг учун уларни этник илдизи турк бўлган, ўзбек билан рус халқи ўртасида этник боғлиқлик бор, демак, улар ўзбек эди, деб хулоса чиқариш хатодир. Шунингдек, орий, ўзбек халқи ва унинг давлатчилигини келиб чиқиши ҳақидаги фикрлари ҳам тарихий ҳақиқатдан йироқдир.

Мустақиллигимизнинг кейинги йилларида ўзбек этногенези ва этник тарихи ҳамда ўзбек халқи этнографиясига бағишланган фундаментал илмий монографиялар ва тарихий очерклар чоп этилди. Ана шундай фундаментал асарлар жумласига ўзбек этнографларининг Россия этнографлари билан ҳамкорликда Москвада 2011 йилда чоп этилган «Ўзбеки» номли йирик монографик асари, ҳамда 2011 йилда Москвада чоп этилган С.Н Абашиннинг «Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты» деб номланган тадқиқотларини тилга олиш мумкин. Тарихий очеркларга эса проф. И. Жабборовнинг 2007 йилда Тошкентда рус тилида чоп этилган «Ўзбеки: этнокультурные традиции, быт и образ жизни» ва 2008 йилда «Шарқ» нашриётида ўзбек тилида чоп этилган «Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти) номли асарларини кўрсатиш мумкин.

Бу асарлар ўз номлари билан этнографик характердаги асарлардир. И.Жабборовнинг юқорида келтирилган бу тарихий очерклари аслида бир асар бўлиб, ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида ўз тасаввурларини ҳеч бир манба ва илмий адабиётларга тегишли иқтибослар берилмаган ҳолда эркин баён этган. Натижада муаллиф ўзбек этногенези ва этник тарихи масалаларида жиддий ҳаттоликларга йўл қўйган<sup>1</sup>. Ишнинг асосий боблари Хоразм воҳасининг этномаданий анъаналари, аҳолининг кундалик турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳамда халқ хунармандчилигига, хунармандларнинг ижтимоий муносабатлари, удум ва урф-одатларини ёритишга қаратилади. Бу жиҳатдан И.Жабборовнинг асари бирмунча илмий очерк характерини олган.

Муаллифлар жамоасининг «Ўзбеки» асари ўзбек этнографияси ижодий меҳнат фаолиятининг натижаси бўлиб, бу китоб ўзбек халқининг тарихий-этнографик тавсифи ва таърифидан иборат. Ишда ўзбек этнографлар жамоасининг узок йиллар давомида ўтказган дала тадқиқотлари, этносоциологик изланишлари, кўплаб тарихий манбалар ва илмий адабиётлар анализи устида олиб борган ишларининг натижалари умумлаштирилган. Муаллифлар жамоаси ўзбек халқи этник қиёфасини, унинг шаклланиш тарихини ёритишга ҳаракат қилган

<sup>1</sup> *Джаббаров И.Дж.* Ўзбеки: этнокультурные традиции, быт и образ жизни. Ташкент, 2007; Ўша муаллиф. Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). – Т.: «Шарқ». 2008.

хамда кўп асрлик хўжалик фаолиятининг анъанавий машғулотлари ҳисобланган деҳқончилик, чорвачилик ва кўп тармоқли хунармандчиликда эришган бой тажрибалари ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу ишда ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ва оилавий турмуш тарзи, халқ байрамлари, уларда ижро этиладиган ўйин-кулги ва турфа хил кўнгилочар томошалар, унинг кундалик турмуш тарзи ва ўзига хос хусусиятларини очишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, ушбу фундаментал монографик тадқиқотда ўзбекларнинг этногенези ва этник тарихи умумлаштирилган тарзда баён этилган.

Асарда этногенез ва этник тарих масалалари ишнинг «Кириш» қисмини ташкил этган. Унинг муаллифи проф. З.Х. Арифхонова. «Кириш» мазмунан миллий автохтонизм назарияси қарашлари руҳида ёзилган. «Кириш» асосан элшунос К.Шониевнинг қарашлари асосида битилган. Ишда кўзга ташланарли «янгилик» ўзбек халқига хос «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда бронза давридан бошлаб шакллана бошлади, деб айтилган Л.В. Ошанин фикрига иқтибос бўлиб, антрополог Т.Қ. Хўжайов бу типни илк бор антик даврда, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида шаклланди, деган хулосага келади. Т.Қ. Хўжайов ўз хулосасини катта ҳажмдаги палеоантропологик сериялар таҳлили асосида илмий исботлаган<sup>1</sup>. Ушбу тип ёйилган ҳудуд ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг асосий қисмини ташкил этади.

Проф. З.Х. Арифхонова мақоласида «Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида (IX–XI асрлар) турк халқи шаклланди, у ҳозирги ўзбекларнинг этник асосини ташкил этади»<sup>2</sup>... «Тил этник мансубликни аниқлашда муҳим ўлчамлардан бирidir. Ўзбек халқи тилини олимлар туркий тилларнинг ғарбий қарлуқлар лаҳжаси билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг шаклланиши X асрнинг биринчи ярмида яқунланади», деган хулосаларга келади<sup>3</sup>. Жумлаларда аниқлик етишмайди. Бу ибораларда гап умумтурк тил ҳақидами ёки эски ўзбек тили устида? Агар гап Ғарбий Қорахонийларга тегишли Мовароуннаҳр турклари устида кетаётган бўлса, у ҳолда тилга олинган асрларда эски ўзбек тили умумтурк тилидан ўзбек этносининг тили сифатида ажралиб чиқмаган эди. X асрнинг биринчи ярмида бевосита ўзбек этноси аجدодларига тегишли лаҳжа ҳали шаклланмаган эди. Шунингдек, ўзбек халқининг шаклланиши ҳам тил билан боғлиқ экан, бу жараён XI асрнинг иккинчи ярми – XII аср давомида юз берди. Мақолада ўзбек халқи ва унинг тили масаласида XVI асргача «ўзбек халқи» атамаси ишлатилмайди, аксинча турк атамаси ишлатилишда давом этади. Ҳатто мақолада то 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилмагунча «ўзбек халқи» термини ҳам ишлатилмаган. Бундай ёндашувни оқлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки илм-фан, фан учун эмас, балки халқ учун унинг фаровонлиги йўлида олиб борилаётган давлат сиёсати учун хизмат қилиши керак. Шу жумладан дин ҳам.

<sup>1</sup> Ходжайов Т.К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. Т.: 1980. Его же. Палеоантропология Средней Азии и этногенетические проблемы. Рукопись докторской диссертации. Москва, 1981. С. 19, 37.

<sup>2</sup> Арифханова З.Х. Введение к книге «Узбеки». Москва, 2011. С. 7–8.

<sup>3</sup> Арифханова З.Х. Введение к книге «Узбеки». Москва, 2011. С. 8.

С.Н.Абашин Россия Федерациясининг hozirgi замон этнология фанида Фарбнинг конструктивистик гоьларини ташвиқот қилувчи, ўзи ҳам шу руҳда ижод этувчи олим. У ўзининг «Фарғона водийси: этниклик, этник жараёнлар, этник карама-қаршиликлар» китобини Фарғона водийсининг полиэтник ҳолатини ўрганишга бағишлаган. У ўз асарида водий аҳолисининг аксарияти келиб чиқиши эронзабон сартлар бўлатуриб, улар совет даври сиёсатининг оқибатида ўзбеклашган<sup>1</sup> дейди. Ўзбек деганда у Дашти Қипчоқ ўзбекларининг водийда ўтrockлашган қатламини тушунади. Ана шу ўзбеклар билан сарт деб аталувчи ўзбеклар ўртасидаги ички карама-қаршиликларни ахтаришга, ички зиддиятлар нималарда намоён бўлишини қидиришга қаратади. Ҳозирги замон этнографияси мана шу йўналишда иш олиб бормоғи, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатларини ўрганишга қаратилмоғи керак, деган гоьни олға суради. Асарнинг этниклик масалаларида айнан полиэтник характердаги этносларни ўрганишни тарғиб қилади.

«Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар» номли илмий тўпламда ушбу сатрлар муаллифининг «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи» номли ўқув қўлланмасига А. Сағдуллаевнинг «Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории)» номли танқидий мақоласи чоп этилди. А. Сағдуллаев ўз мақоласида, илм-фан оламида анъанага айланган талаблар ҳақида сўз юритиб, илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларда hozircha кўпчилик томонидан қабул қилиниб, фанда ўз ўрнини топиб улгурмаган қарашлар ва концепцияларни эркин ўртага ташлаш, уларни айниқса, ўқув қўлланма ва дарсликларга киритиш одат тусини олмоқда. Худди шундай асарлар сирасига А. Асқаровнинг «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи» ўқув қўлланмасини киритиш мумкин<sup>2</sup>, дейди.

Бир жиҳатдан мақола муаллифи ҳақли. Чунки, ўқув қўлланмага киритилган ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуктаси, мавжуд қарашларга зидли ўлароқ, мақола муаллифи таъкидлаганидек, антик даврдан сўнгги бронза даврига қадимийлаштирилди. Аммо, менинг бу нуктаи назарим 1996 йилда «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида биринчи бор эълон қилинди<sup>3</sup>. Сўнг у 2002 йилда ва кейинги йилларда чоп этилган қатор мақолаларимда бой археологик материалларни чуқур илмий таҳлили асосида ривожлантирилди<sup>4</sup>. Орадан яқин 20 йил ўтибдики, бу гоь ўз илмий ифодасини топмоқда<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Абашин С.Н. Ферганская долина: этничность, этнические процессы и этнические конфликты. Москва, «Наука», 2011.

<sup>2</sup> Сағдуллаев А.С. Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории). «Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар». – Т.: 2012. – 267–268-бетлар.

<sup>3</sup> Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «ЎЗИФ» журнали, № VI. – Т.: 1996. – 71-бет.

<sup>4</sup> Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № IV. – Т.: 2002. – 55-бет.

<sup>5</sup> Санақулов У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. Самарқанд. 2010.

Аммо, макола муаллифи Республика Президентининг халкимиз тарихини илмий асосда қайта кўриб чиқиш ҳақидаги тавсияларини унутган кўринади. Президентимиз И.А. Каримов 1998 йилда «эндиликда ўз тарихимизни ўзимиз ёзишимиз керак, қачонгача «улуғ оғалар»дан йўл-йўрик кутамиз. Материалларни яъни, бирламчи манбаларни энди ўзингиз таҳлил этинг ва тегишли илмий хулосалар чиқаринг, тарихга эскича қарашингизни ўзгартириб, илмий асосда муаммолар ечимига янгича ёндашинг, у ёки бу тарихимиз муаммолари юзасидан айтмоқчи бўлган илмий асосли фикр-мулоҳазаларингизни дадил айтинг» деб кўрсатма берган.

Кейинги 30–40-йиллар давомида хитойлик мутахассислар япон олимлари билан ҳамкорликда Қадимги Хитой подшоликларининг 24 сулолавий тарихини ўрганишда катта ютуқларга эришдилар. Ушбу сулолавий тарихнинг дастлабки бир неча жилдлари Евроосиёнинг қадимги туркий қабила ва элатлари тарихи билан боғлиқ. Ушбу асарлар асосида битилган Хитой энциклопедияларида Евроосиё даштларининг чорвадор Андроново маданияти аҳолисининг тили масаласида аниқ маълумотлар келтирилган. Бронза даврининг Андроново маданияти аҳолисининг ёдгорликлари Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти ҳудудларидан ўнлаб-юзлаб жойлардан топиб ўрганилган.

Шўро даври тарихшунослигида уларни эроний тилли аҳоли деб талқин қилинар эди. Бирок, уларнинг тили масаласидаги янги маълумотлар Евроосиё даштларининг чорвадор аҳолиси, шунингдек, Андроново этномаданий қатламга тегишли Ўрта Осиёлик бронза даври чорвадорлари туркийда сўзлашганликларини тасдиқлайди. Мана шу бирламчи ёзма манбадан олинган маълумотлар ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтасини мавжуд қарашларга зидли ўларок, антик даврдан сўнгги бронза даврига қадимийлаштириш имкониятини берди.

Яхши биламизки, фан оламига кириб келган ҳар бир янгилик ва улар асосида туғилган янгича қарашлар, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида, кўпчилик томонидан тан олиниб, фанда ўз ўрнини топмагунича турли кўринишдаги қаршиликлар ва эътирозларга учраб туради. Шу боис, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси юзасидан биз ўртага ташлаган масалага евроцентрик қарашлар таъсирида бўлган олимларнинг асоссиз шубҳалари бўлиши табиий.


Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида ёзилган асарлар танкидий таҳлилидан келиб чиқадиган якуний хулосалар:

1. Этногенез ва этник тарих, тарих фанининг бош масаласидир. У ёки бу халқнинг келиб чиқиш тарихини ўрганмай туриб, унинг иқтисодий хўжалик тарихини, маданияти, давлатчилиги, сиёсий ва маънавий дунёсини ўрганиш мумкин эмас. Фан оламида уларни ўрганиш илмий методологияси, ўзига хос услубий ёндашув принциплари мавжуд. Масаланинг муаммовий жиҳатлари тадқиқотчидан ўта ҳолисликни, материаллар комплекс таҳлиliga объектив ёндашишни ва чуқур илмий тафаккурни талаб этади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати тадқиқотчидан

муаммо ечимини топишда илмий тажриба, билим ва минтақага хос этносиёсий вазиятни ҳисобга ола билишлик, изланишларда миллий эҳтиросларга берилмасликни талаб этади. Халқларнинг этногенези ва этник тарихини ўрганишда Шўро даври тарихшунослигида қатор салбий ҳолатларнинг мавжуд бўлишига қарамай, миллий автохтонизм назарияси руҳиятида ёзилган асарлар илмий фундаментал характер касб этди.

2. Кейинги йилларда ўтмиш тарихга оммавий қизиқиш, ўз миллатининг минтақа тарихи ва маданий меросини ўрганишда ноилмий ёндашув кучайди. Натижада, этноснинг шаклланиши билан боғлиқ масалаларда илмий профессионализмдан йироқ асарлар чоп этила бошлади. Илмий холислик, объектив ёндашув йўқлиги туфайли миллий эҳтиросларга тўла, тарихий ҳақиқатга зид асарларнинг хусусий нашриётларда чоп этилиши табиий ҳолга айланди.

3. Фанда ижодий эркинлик яхши, бусиз фан ривожланмайди. Ҳар бир илмий асар, миллий низоларга эмас, балки амалий ҳаётда тинчлик ва барқарорликка хизмат этиши керак. Бу академик илм-фаннинг ижтимоий ва гуманитар йўналишининг назарий ва методологик асосини ташкил этади. Масала туб моҳиятини тушунмай мураккаб муаммога қўл уриш миллат шаънига доғ туширади.



### III боб

## ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИНГ ЯНГИЧА ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Ўзбек халқининг элат ва миллат сифатида шаклланиш жараёнлари унинг бир неча мингйиллик умум тарихининг ажралмас таркибий қисми бўлгани бонс. муаммони хронологик кетма-кетликда, тарихий тизимлилик тамойил асосида ва объектив ёритишда Ўрта Осие халқлари тарихини янгича даврлаштириш талаб этилади. Чунки, илмий тадқиқотлар ўтказишда формацион ёндашувлар асосида изланишлар олиб бориш замон талабига жавоб бермай қўйди.

Маълумки, одамзод ва унинг жамият тарихи жуда қадимий ва мураккабдир. У бир неча юз мингйилликларни ўз ичига олади. Ана шу кўп мингйиллик тарихий давр ичида инсоният ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий ривожланиш даражасига кўра, қатор тарихий давр ва босқичларни босиб ўтди. Дастлаб, XX асрнинг 30- йилларигача Ўрта Осиеда археологик изланишлар изга тушиб, кишилиқ жамияти тарихини даврлаштиришда археологик манбалардан фойдаланиш амалиёти шаклланмаган пайтда В.В. Бартольд Ўрта Осие халқлари тарихини ёзма манбалар асосида даврий тизимини ишлаб чиқади. Бунда В.В. Бартольд даврий тизимида ҳақиқий тарихий жараёнлар ўз аксини тўлиқ топа олмагани, яъни ибтидоий давр тарихининг ижтимоий тузумига хос жиҳатлар ҳатто, «қараблар истило-сидан кейинги бир неча асрлар давомида ҳам шундайлигича сақланиб қолаверган эди», деган тушунчалар тарихий ҳақиқатга мутлақо зид эканлиги қайд этилди.

Кишилиқ жамияти тарихини даврлаштириш масаласига бағишланган илмий анжуманларда, айниқса, Ўрта Осие халқлари тарихининг арабларгача бўлган даврини ёритишда ёзма манбаларнинг етарли эмаслиги, минтақада археологик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш кераклиги алоҳида таъкидланади<sup>1</sup>. Академик В.В. Струвье қадимги Шарқ материалларига асосланган ҳолда «Ўрта Осиеда мусулмончиликкача қулдорлик жамияти бўлган», деган ғояни кўтариб чиқади<sup>2</sup>. Аммо, В.В.Струвье ғоясини Ўрта Осие халқларининг қадимги даврларига тўғри келмаслиги борасида айрим шубҳалар ҳам билдирилди<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> С.П. Толстов. По древним дельтам Окса и Яксарга. Москва, 1962. С. 5.

<sup>2</sup> В.В. Струвье. Проблемы зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ древнего Востока. «Известия ГАИМК», вып. 77. Москва-Ленинград, 1934; С.П. Толстов. Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии. ВДИ, Москва. 1938.

<sup>3</sup> Гафуров Б.Г. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Москва, 1972. С. 187–189; Зеймаль Е.В. К периодизации древней истории Средней Азии (середины I тысячелетия до н.э. – середины I тысячелетия н.э. Москва, 1987. С. 149–157.



Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда ҳам жамиятнинг ривожланиш тарихини марксча-ленинча концепция асосида 5 та ижтимоий-иқтисодий формацияларга бўлиб тадқиқ этиш фанда ҳукмрон бўлиб келди. Минтақада олиб борилган барча археологик изланишларнинг илмий йўналиши мана шу концепцияни асослашга қаратилди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг шўролар давригача бўлган тарихига бағишланган илмий сессияда (1954 йил) Ўрта Осиё халқлари тарихини даврлаштириш масаласида олиб борилган изланишларнинг ютуқлари ва камчиликлари таҳлил этилиб, ишлаб чиқилган даврлаштириш принциплари асосида Ўзбекистон тарихининг наشرлари яратилди<sup>2</sup>. Шундай қилиб, кишилик жамияти тарихини 5 та ижтимоий-иқтисодий формациялар (ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм)га бўлиб ўрганиш анъанага айланди<sup>3</sup>.

Собиқ СССР парчаланиб, яққаҳоқимлик мафқураси барбод бўлган бугунги кунда ҳаёт тарихга, жамият тараққиётининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда объектив, аниқ ва бирламчи манбалар асосида ёндашишни тақозо этмоқда. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини 5 та формацияларга бўлиб ўрганишлик эндиликда замон талабига тўғри келмай қолди. Чунки, Ўрта Осиё халқлари тарихи мисолида оладиган бўлсак, кулдорлик тузуми махсус ижтимоий-иқтисодий формация сифатида минтақада классик тарзда юз бермаган. Социалистик жамият эса тарих тақозо этмаган ҳаёлий бир уйдирма бўлиб чиқди. Ўрта Осиё шароитида ана шу 5 та ижтимоий-иқтисодий формациянинг фақат учтасигина (ибтидоий жамоа тузуми, феодал жамияти ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг дастлабки босқичлари) юз берганлигини таъкидлаш мумкин. Шўро жамияти эса давлат монополистик капитализми шаклида ривожланди.

Эндиликда тарихга бирламчи манбаларнинг объектив, ҳолисона таҳлили асосида ёндашишни талаб этмоқда. Кейинги йилларда тарихимизнинг баъзи бир долзарб муаммоларини янгича қарашлар асосида ёрита бошлаган бўлишимизга қарамай, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврларидан то ҳозирги кунимизга қадар бўлган жараёнини даврлаштириш масаласи ҳозиргача ўзининг тўлиқ илмий ечимини топа олгани йўқ. Тўғри, баъзан илмий анжуманларда, олимлар орасидаги ўзаро баҳс ва суҳбатларда тарихни даврлаштириш масаласида цивилизация методни қўллаш мақсадга мувофиқдир, деган ғоялар олға сурилмоқда. Аммо, бу масалада ҳам ҳали аниқ бир тўхташга келингани йўқ.

Маълумки, инсоният тарихи доимо бир текисда ривожланмаган. Тарихда юз берган даврий маданий юксалишлар цивилизациялар тарихини ташкил этган. Кишилик тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта йирик цивилизация юксалишларини бошидан кечирди. Биринчи цивилизация дастлаб, милoddан аввалги III

<sup>1</sup> Материалы пленума, см. в КСИИМК, XXVIII, 1949.

<sup>2</sup> Материалы объединенной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в до-октябрьский период. Т.: 1955; История Узбекской ССР. Т.: 1955.

<sup>3</sup> История Узбекской ССР. Том I, Т.: 1967. С. 15, 57, 165.

мингйилликда Фирот ва Дажла, Нил, Синд ва Хуанхе дарёлари хавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга «Қадимги Шарқ цивилизация» номи билан кирди. Унинг таъсир доираси милоддан аввалги III мингйилликнинг охирида Ўрта Шарқ минтақаларига ва II мингйиллик бошларида Мовароуннаҳрга ёйилди. Айниқса, бу мил. авв. II мингйиллик давомида қадимги Бактрия ва Марғиёна минтақаларининг бронза даври маданиятлари – Шўртутай, Даштли, Номозгоҳтепа, Олтинтепа, Келели, Гонур, Тўғолоқ, Аучин, Тоҳирбой-3, Саразм, Сополлитепа, Жарқўтон каби ёдгорликлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Археолог олимлар ҳатто уларнинг моддий маданиятида ўз аксини топган этномаданий юксакликларга қараб, бирламчи цивилизациянинг «Бешинчи Окс цивилизация ўчоғи» сифатида қарамоқдалар. Ана шу Окс цивилизацияси асосида Ўрта Осиёда, илк темир даврига келиб, унинг қатор маҳаллий марказлари (Шимолӣ Бактрияда – Қизилтепа II, Кучуктепа II, Жондавлаттепа, Бандихон I, Ғозтепа каби ёдгорликлар; Суғдиёнада – Даратепа, Сангиртепа, Узунқир, Кўктепа II, Афросиёб I, Лолазор, Қўрғонча каби ёдгорликлар; қадимги Хоразмда – Кўзалиқир, Қалъалиқир, Хумбузтепа, Ҳазорасп каби ёдгорликлар базасида) таркиб топди. Уларнинг ҳар бири алоҳида микровоҳа доирасида дастлаб шаҳардавлат – микровоҳалар бош шаҳрига, пойтахтига айланди. Улар аста-секин воҳа (занту) давлатчилиги марказига, кейинчалик уларнинг айримлари эса тарихий-маданий вилоят (дахью) марказига айланди. Айнан мана шу аҳоли пунктлари, уларни ўраб олган воҳалар доирасидаги кишлққлар асосида минтақанинг шарқий эроний тилларда сўзлашувчи ўтрок аҳолиси – суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар, яъни Амударё хавзалари вилоятларининг ўтрок аҳоли қатлами таркиб топди.

Ана шу ўтрок этник қатлам таркибига бронза давридан эътиборан (мил. авв. II мингйилликда) Евроосиё даштларидан чорвадор қабилаларнинг қатта тўлқини кириб келадилар. Улар Авестода турлар ва уларнинг аслзода қатлами эса орийлар (эркин, озод суворийлар) деб аталган. Евроцентриқ назария қарашларига зидли ўлароқ, улар қадимги Хитой ёзма манбаларида туркий тилли қabila ва уруғ жамоалари сифатида қайд этилади<sup>1</sup>.

Турлар Эрон Ахоманийларининг қоятош китобаларида саклар, юнон-рим ёзма манбаларида сак-массагетлар сифатида тилга олинади. Уларнинг шимолӣ

---

<sup>1</sup> Дуан Лянчин. Динглинлар, канқилар ва туролар. I-жилд, Урумчи, 1996; Хитой тили қатта луғати. III-жилд, 2057-б; Хўжаев А. Қадимги хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият». Т.: 2003. 176–184- бетлар; Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», № VI, Т.: 1996. 71-б; Ўша муаллиф, Об исконной родине расселения древних тюрков. ИМКУ, вып. 32, Т.: 2001. с. 69–72; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журналы, № IV, Т.: 2002, 55-б; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Т.: 2004. 4–6- бетлар; Его же. Арийская проблема: новые подходы и взгляды. «История Узбекистана в археологических и письменных источниках». Т.: 2005. С. 81–91.

минтакаларда истикомат қилувчи этник гуруҳлари эса, скифлар сифатида тилга олинган<sup>1</sup>. Юнон тарихчиси Геродот ўзининг 9 китобдан иборат «Тарих» асарида «сакларнинг кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари скифларникига ўхшаб кетади. Аслида, «саклар скиф қабилаларидир. Форслар барча скифларни саклар деб атайдилар»<sup>2</sup> дейди. Массажетлар масаласида эса, «улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида исседонлар рўпарасида жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф қабиласи, деб ҳисоблайдилар»<sup>3</sup>, дейди. Демак, скифлар сакларнинг ўзгинаси, уларнинг азалий ватани Осиё даштлари бўлган. Уларнинг бронза давридаги чорвадор аждодлари Авестода турлар деб аталиб, мил. авв. II мингйилликнинг ўрталаридан Ўрта Осиё ва Кавказ орқали жанубга – Эрон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига ва жануби-ғарбга – Фирот ва Дажла дарёлари қуйи ҳавзаларигача кириб борганлар. Уларнинг айрим гуруҳларини Африканинг Нубия даштларигача кириб борганликлари ҳақида маълумотлар бор<sup>4</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, уларни бронза давридан эътиборан, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудларига кенг кўламда кириб боришининг чеки бўлмаган. Улар дастлаб қадимги эронзабон аждодларимиз (Номозга, Даштли, Шўртугай, Келели, Аучин, Тўғолок, Гонур, Сополли, Жарқўтон каби ёдгорликлар аҳолиси) билан ёнма-ён жойлашиб, яқин ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий алоқада бўлдилар, сиёсий-ҳарбий етакчиликни қўлга киритиб, буюк Абу Райҳон Беруний айтганидек, «турк подшолиги»га асос соладилар<sup>5</sup>. Илк темир даврига келганда (мил. авв. VII–IV асрлар), уларнинг дастлабки интеграцияси, ўзаро қоришуви асосида маҳаллий шаҳар-давлат, ҳавза давлатчилигининг таркиб топишига олиб келади. Сўнг, уларнинг секин-аста шаҳар-давлатлар атрофида бирлашиши туфайли минтақавий цивилизация марказлари (Баҳди, Моури, Гава Суғуда, Нисайя, Харайва, Кангха ва бошқалар) таркиб топади. Айнан мана шу даврда ўзбек халқи ва унинг илк давлатчилигига асос солинди. Ахоманий под-

<sup>1</sup> Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г.А. Стратановского, 2001, кн. 1, 5, 6. (Геродотнинг ёзишича, одамзот оёғи босмаган ўлкада Таргитой исми киши пайдо бўлади. Ривоятга кўра, Таргитойнинг ота-оналари Зевс ва Борисфон дарёсининг кизи бўлган. Геродот бу афсонага ишонмаса-да, ривоятни баён этишда давом этади: «Таргитойнинг уч ўғли бўлган. Уларни Липоксой, Арпоксой ва энг кичиги Қолаксой деб аталган. Уларнинг тегишли қабилалар устидан сардорлик даврида осмондан олтин омон, ёрғучок, болта ва коса тушган. Бу буюмлар ва улар қўл остидаги (авхат, катиар, траспий ва паралата) қабилалар бирлашмасидан ташкил топган «сколота» подшолиги эса кенжа ўғилга насиб этади. Ривоятга кўра, бу подшоликни юнонлар «скифлар подшолиги» деб номлаганлар).

<sup>2</sup> Геродот. История в девяти книгах. Перевод Г.А. Стратановского, 2001, кн. VII. С. 64.

<sup>3</sup> Геродот. История в девяти книгах, книга I, 2001.

<sup>4</sup> Пиотровский Б.Б. 1960- йилларнинг бошларида Совет-Нубия археологик экспедициясига раҳбарлик чоғида Нубия даштларидан Андроново маданияти аҳолисига тегишли сопол парчаларини териб келган. Ўша топилмаларни устозим М.П. Грязнов билан бирга кўришлик менга насиб этди. Бу топилмалар мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида бир гуруҳ Евроосиёнинг чорвадор дашт қабилалари – орий ҳарбий суворийлари Африкага қадар кириб борганлигидан далолат беради.

<sup>5</sup> Беруний Абу Райҳон. Памятники минувших поколений. Пер. С арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Том I, Т.: 1967. С. 47.

шолари хукмронлигига қадар Ўрта Осиё худудий доирасида «Қадимги Бактрия подшолиги», «Қатга Хоразм», «Сак-массагетлар конфедерацияси» каби дахью типдаги илк давлат уюшмалари ташкил топади.

Иккинчи жаҳон цивилизацияси милоддан аввалги I мингйилликнинг ўрталарида Греция ва Римда юз берди. У тарихда «Антик давр цивилизацияси» номи билан машхур. Унинг таъсир доираси македониялик Искандарнинг Қадимги Шарққа ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди ва у «Осиё–Европа синкретик цивилизацияси»ни шаклланишига олиб келди<sup>1</sup>. Буни биз Қадимги Бактриянинг Ойхонум, Кампиртепа, Тахти – Сангин, Эски Термиз ва Жондавлаттепанинг антик давр қатламлари, Холчаён, Далварзинтепанинг куйи қатламлари, Зартепа, Хотинробод, Фаёзтепа, Қоратепе, Оққўрғон, Айртом, Ҳайрабодтепа ва бошқа юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида; Жанубий Суғдада Ерқўрғон, Қалъаи Заҳхоки Морон (Қарши воҳасининг шу даврга тегишли 31 та ёдгорликлари); Марказий Суғдада Афросиёб III, Кўктепа III, Рабиджон, Тали-Барзу, Қушонтёпа, Қофирқалъа; Ғарбий Суғдада Бухоро, Пойкент, Сеталактепа, Ромиштепа, Қўрғони Ромитан, Қизилқир, Нортёпа каби юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида; Қадимги Хоразмда Қўйқирилган қалъа, Тупрокқалъа, Жонбосқалъа, Аёзқалъа, Бозорқалъа, Ақчахонқалъа, Тўққалъа, Бурлиқалъа каби юзлаб антик давр ёдгорликлари мисолида биламиз. Улар ўз даврининг юксак даражада ривожланган санъат асарлари, скульптура ва рангли монументал деворий суратлари, қадимги ёзув ва меъморий қурилиш обидалари, яъни диний ва дунёвий характердаги архитектура комплекслари билан жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳиссаларини қўшдилар. Антик давр цивилизацияси таъсир доираси Мовароуннахрнинг Чоч, Уструшона ва Қадимги Фарғона худудларига ҳам кириб борди. Оқибат натижада, Ўрта Осиё худудларида ўзига хос синкретик моддий ва маънавий маданият яратилди.

Учинчи цивилизация ўчоғи Мовароуннахр ва Хуросон бўлиб, ушбу худудларда у милодий IX–XIII аср бошларида юз берди ва унинг таъсирида Ғарбий Европа уйғонди<sup>2</sup>. Бу давр ижтимоий ва этномаданий ҳаёти жаҳон илм-фан дунёсига Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Югнакий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллох Рудакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд аз-Замашшарий, Исмоил Журжоний, Бурхониддин ал-Марғиноний, Аҳмад Ясавий каби алломаларни бердики, уларнинг буюк кашфиётлари туфайли жаҳон илм-фани ва маданияти ривож топди.

Масалан, буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий ўзи яшаб келаётган феодал тузумининг иқтисодиёти учун астрономия, геодезия, геометрия каби фанларни ривожлантириш зарурияти туғилганини тушуна билди. У алгебра фанига асос солди. У таклиф қилган бирдан ўнгача рақамлар асосида

<sup>1</sup> История Востока. Том I. С. 17–24.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I китоб. – Т.: 1995.

арифметика фанини туғилишига олиб келди. Муҳаммад Хоразмийнинг «Зиж»и Шарқ ва Ғарбда астрономияни ривожланиш йўлини очиб берди<sup>1</sup>.

Аҳмад Фарғонийнинг астрономия, математика ва география билимларининг мажмуаси асосида яратган «Астрономия асослари ҳақидаги китоб»и XII асрдан лотин ва Оврўпа тилларига таржима қилиниб, Оврўпа мамлакатлари университетларида XVI асргача дарслик сифатида ўқитилиб келинган<sup>2</sup>.

Буюк файласуф, комусий олим Абу Наср Форобий номи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараккийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи билан боғлиқ. У ўзининг баркамол ижодида фалсафий билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари, категориялари, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалалари, одоб-ахлоқ, тарбия масалалари, табиий-илмий фанлар, уларнинг келиб чиқиши ва таснифи, уларнинг амалий фаолияти ҳақида теран фикрлар ва амалий таклифларни тавсия этади.

Форобийнинг фалсафий таълимоти моҳият-эътибори билан анъанавий илоҳиёт – каломдан тубдан фарқ қилиб, илмий ғоялар билан йўғрилгандир. Форобий ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазибалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари – давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ ва одоб, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат каби масалалар қамраб олинган<sup>3</sup>.

Ривожланган ўрта асрлар даврининг комусий олими Абу Райҳон Беруний эса астрономия, физика, математика, геодезия, геология, минералогия, қадимги тарих ва этнография фанлари бўйича теран фикрлар, янгидан-янги ғояларнинг изчиллиги, илмий асослилиги билан замонасининг даҳоси эди. У ўз асарларини илмий тажрибалар, теварак-муҳитни кузатишлар, ўзига қадар ўтган олиму фузалоларнинг асарларини чуқур ўрганиш, илмий таҳлил этиш, киёсий солиштиришлар асосида яратган. Беруний «ҳар бир олим ўз илмий фаолиятида амалиётга асосланиши, ўз тадқиқотида аниқ бўлиши, тўхтовсиз меҳнат қилиши, хатоларини қидириб тузатиши, илмда ҳақиқат учун ҳар хил уйдирма, юзакичиликка қарши кураш олиб бориши зарур», деб ҳисоблайди.

Академик В.Р. Розен Берунийнинг «Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби»га юксак баҳо бериб, «Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва ўрта асрлардаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ», деган хулосага келади. Замонасининг етакчи олимларидан Ёқут эса, унинг «Масъуд қонуни» асарини» математика ва астрономия бўйича унча ёзилган ҳамма китоблар изини ўчириб юборган» деган фикрни айтган. Берунийнинг «Минералогия» асари илм дарғаларининг умумий баҳосига кўра, ўз замонаси учун Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, ҳатто Оврўпада ҳам минералогия соҳасида энг яхши, тенги йўқ асар ҳисобланади.

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I китоб. – Т.: 1995. 9–12-бетлар.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I китоб. – Т.: 1995. 16–20-бетлар.

<sup>3</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I китоб. Т.: 1995. 32–40-бетлар.

Беруний Коперникдан бир неча аср аввал Ерни коинотнинг маркази деб билувчи геоцентрик ва Куёшни коинот маркази деб ўргатувчи гелиоцентрик тизим тенг кучга эга, деган хулосага келади. Беруний «Геодезия» асарида геоцентризм билан боғлиқ бўлган баъзи бир назарияларнинг туғилишига шубҳа билан караганини очиқ баён этади. У жойларнинг географик узунлигини, кенлигини аниқлаш йўллари танилаб олишда новатор ҳисобланади. Берунийнинг фойдали қазилмалар қатламининг пайдо бўлиши, жинслар емирилишининг аҳамияти, тоғ жинсларининг нураши қабилар ҳақидаги хулосалари катта илмий аҳамиятга эга.

Беруний ўз ижодини ижтимоий масалалар счимини топишга ҳам қаратган. У инсон ва унинг жамиятини юзага келиши масаласида сўз юритиб, «Қадимги тарихларнинг энг қадимгиси ва энг машҳури башариятнинг бошланишидир» дейди. У «инсоннинг кадр-қиммати унинг меҳнати билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади», дейди. Беруний «мамлакат равнақи фан равнақи билан узвий боғлиқ» деб билади<sup>1</sup>.

Ривожланган ўрта асрлар даврий доирасида тўртинчи жаҳон цивилизацияси Мовароуннаҳрда Амир Темур ва темурийлар салтанатидан бошланиб, XV–XVII асрлар давомида бутун Оврўпа ва Осиёга ёйилди<sup>2</sup>, яъни Амир Темур салтанатининг шон-шухрати Оврўпага буюк Уйғониш даври маданиятини олиб келди. Ниҳоят, бешинчи цивилизация жамият ривожининг барча жабҳаларини қамраб олган XX аср цивилизациясидир.

Цивилизациялар оралиғида нотекис ривожланишлар, узок йиллар давом этган турғунликлар ва тез-тез даврий инқирозлар юз бериб турган. Демак, кишилик тарихи узлуксиз давом этган цивилизациялар тарихидангина иборат эмас. Шундай экан, тарихни даврлаштириш учун тарихий жараёнларни объектив акс эттирувчи омиллар асос қилиб олинмоғи керак.

Ўзбекистон тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисмидир. Бу заминда юз берган тарихий жараёнларни жаҳон тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жамият тараққиёт қонуниятларининг маҳсулидир. Ҳар бир халқ ер қуррасининг қайси минтақасида яшамасин, тараққиётнинг барча босқичларини у ёки бу даражада босиб ўтиши шарт. Аммо, жамият ривожланиши ҳамма ерда бир текисда кечмайди. Жамиятнинг нотекис ривожланиш қонунияти эса қадимги замонларда кўпроқ минтақанинг табиий-географик ва экологик имкониятларига боғлиқ бўлган. Масалан, Қадимги Шарқни олайлик. Бу заминда кишилик цивилизацияси бошқа минтақаларга нисбатан анча олдин ривожланган. Бу ерда минтақанинг табиий-географик шароити ва унинг экологик имкониятлари жамият тараққиётининг маданий-хўжалик ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш йўллари белгилаб берди, яъни Қадимги Шарқ ривожланишнинг «Осиёча ишлаб чиқариш усули»дан ўсиб чиққан қулдорлик шаклидан борди. Демак, инсоният

<sup>1</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). I китоб. – Т.: 1995. 48–52-бетлар.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). II китоб. – Т.: 1995.

тарихининг ҳар бир давр ва боскичларини мазмун ва моҳияти унинг ижтимоий-иктисодий ишлаб чиқариш характеридан келиб чиқади. Аммо, яққоқимлик мафқураси, гўёки ана шу принципдан келиб чиқиб, шўро даври тарихшунослигида Ўрта Осиёда ҳам кулдорлик ижтимоий-иктисодий формацияси бўлган эди, деган қараш асосида Ўрта Осиё халқлари тарихини даврлаштирди. Бироқ, Ўрта Осиё Қадимги Шарқ цивилизациясининг таркибий қисми бўлишига қарамай, бу ерда қадимги Шарқнинг Миср ва Месопотамия давлатларидагидек кулчилик ривож топмаган. Чунки Ўрта Осиё шароитида дастлабки синфий жамиятнинг шаклланиш арафасида жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари эркин деҳқон жамоалари – кашоварзлар, озод шаҳар хунармандлари-озодкорлар ва савдо-сотик жамоалари – гувакорлардан иборат эди. Бу она заминимизда кулчилик патриархал оила кулчилиги характерида эди. Шунинг учун жамият ҳаётида юз берган туб ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, Ўрта Осиё тарихининг ривожланиш даражаси ва ана шу минтақа тарихи такозо этган ҳолатдан келиб чиқиб, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш мумкин. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда қуйидаги уч омил таклиф этилаётган янги даврий тизимнинг асосини ташкил этишда энг муҳим омил бўлади. Жамиятда юз берадиган туб ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда, биринчидан, ҳар бир тарихий даврда жамият иктисодий асосини ҳаракатлантирувчи кучлари қимлар эди? Иккинчидан, жамиятда мулкка эгаллик қилишликнинг характери қандай бўлган? Учинчидан, жамият ижтимоий ҳаётининг маънавий асосини қандай мафқура ташкил этган? деган саволлар қўйилиб, кишилиқ жамияти тарихи даврлаштирилиши керак.

Ана шу уч омилга таянган ҳолда Ўрта Осиё тарихи даврлаштирилса, унинг юраги, ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистон тарихини қуйидаги хронологик даврий тизимда кўриш мумкин:

I. Ўзбекистонда «Ибтидоий тўда даври». Бу даврнинг даврий чегараси одамзоднинг Фергантроп-Неандерталь аждодлари яшаган даври билан белгиланади (мил. авв. I миллион – 40 мингйилликлар)<sup>1</sup>. Аммо, шўро даври тарихшунослигида одамзоднинг пайдо бўлишидан дастлабки синфий жамият таркиб топгунига қадар ўтган давр «Ибтидоий жамоа тузуми» номи билан юритилиб келинди. Аслида, одамзод қўлига тош қуроли олиб, биринчи бор меҳнат қила бошлаганидан то дастлабки уруғ жамоалари бўлиб таркиб топгунига қадар «ибтидоий тўда» даврини бошидан кечирди<sup>2</sup>. Бу давр одамзоднинг ўзини шаклланиш босқичи бўлиб, бу даврда одамзоднинг аждодлари – Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп ва Неандерталлар табиатдан ўз ризқ-рўзини термачилик ва йирик ҳайвонларни ов

<sup>1</sup> XX асрнинг иккинчи ярми давомида жаҳон фанида Шимоли-Шарқий Африканинг Олдувай водийсида олиб борилган археологик ва антропологик изланишларга қўра, одамзоднинг илк аждодлари бундан 2,5–3 миллион йил аввал Африка китъасида яшай бошлаган. «Homo sapiens, sapiens» (ақлли одам) эса, ер қуррасида мил. авв. I миллион йилдан бошлаб яшай бошлаган, деган тасаввур пайдо бўлди.

<sup>2</sup> *Перицц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. Москва, 1982. С. 60–69.*

килиш йўли билан топган ўлжаси ҳисобига яшаганлар. Улар дастлаб, миллион йиллар давомида иссиқ иқлим шароитида дайди ҳаёт тарзини бошидан кечирганлар (Зинжантроп, Питекантроп, Синантроп, Фергантроплар замони). Қачонким, ер курраси совий бошлаб, буюк музликлар бошланган кезларда ғорларда яшашга, уларни эгаллаб олган йирткич ҳайвонлар билан курашиб, совуқдан жон саклашга мажбур бўлганлар (Гейдельберг, Неандерталлар замони).

Кишилиқ тарихининг «Ибтидоий тўда даври» археологик даврлаштиришда қадимги тош (палеолит) даврининг олдувай, шелл, ашель ва мустье босқичларига тўғри келади. Бу даврда мулкчиликнинг ҳеч бир шакли бўлмаган. Одамзод ўзининг илк ибтидоий ҳолатидан том маънодаги одам ҳолатига ўтиш, фикрловчи одам бўлиб шаклланиш жараёнини бошидан кечирган. Тошдан меҳнат қуроллари ясаш ва улар ёрдамида ижтимоий меҳнат қилиши билан бошқа жонзотлардан тубдан фарқ қилган. Уларнинг мафкуравий дунёси тартибсиз «никоҳ» нормалари асосида қурилган эди. Бу давр одамларида ҳали жамоа бўлиб яшаш кўникмалари шаклланимаган эди<sup>1</sup>.

Кишиларнинг жамоа-жамоа бўлиб яшаш даври археологик ва этнографик маълумотлар таҳлилига кўра, қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичидан бошланди, яъни одамзод тарихида «ибтидоий уруғчилик жамоаси даври» бошланди. Ибтидоий уруғчилик жамоасининг илк босқичи тарихда матриархат, яъни уруғ жамоаларини оналар бошқарган давр сифатида фанда тан олинган<sup>2</sup>. Уруғчилик жамоаси даврида одамзод туб маънодаги, мукамал одам ҳолатига келади. Шунинг учун ҳам бу давр одамлари «*homo sapiens, sapiens*» одами, яъни ақлли одам, деб юритилади. Бу давр «Ибтидоий тўда даври»дан, яъни одамзодни шаклланиш давридан тубдан фарқ қилади.

II. Ўзбекистонда «Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгаллигининг шаклланиш даври». Унинг даврий чегараси – уруғ жамоаларининг таркиб топишидан (бундан 40 минг йил аввал)<sup>3</sup> то милодий III–IV асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр жамиятида аста-секин юз берган ўзгаришлар туфайли бир неча босқичларни бошидан кечирган. Бу босқичлар меҳнат қуролларининг ашёвий асоси ва уларнинг ишлаш техникасига кўра, юқори палеолит, мезолит (ўрта тош даври), неолит (янги тош даври), энеолит (мис-тош даври), бронза ва илк темир даврлари деб аталади, тарихий нуқтаи назардан эса, уруғчилик жамоасининг матриархат босқичи, уруғчилик жамоасининг патриархат босқичи ва уруғчилик жамоасининг ҳарбий демократия босқичларига бўлиб ўрганилади.

<sup>1</sup> Борисовский П.И. Древнейшее прошлое человечества. Москва, 1980. С. 19–173; Перциц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. Москва, 1982. С. 60–60.

<sup>2</sup> Перциц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. Москва, 1982. С. 74–85.

<sup>3</sup> Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, юқори палеолит бундан 60-50 минг йил аввал бошланди, яъни Ўзбекистон тарихида «илк юқори палеолит» номи остида юқори палеолит даврини қадимийлаштириш масаласи кўн тартибига кўйилмоқда.



Бу даврнинг илк босқичида, яъни юқори палеолит даврида (мил. авв. 40–12 мингйилликлар) кишилиқ тарихида қатор ихтиролар юз берди: юқорида таъкидлаганимиздек, одамзоднинг илк жамоаси, жамиятнинг дастлабки куртаги – матриархат, яъни она уруғи, уруғчилик жамоаси таркиб топди; оналарга жамоани сардори, уруғни давом эттирувчи илоҳ сифатида қараш пайдо бўлади. Шунинг учун бу даврда биринчи бор оналарнинг сиймоларини чизиш, ҳайкалларини ясай бошлаш, яъни ибтидоий санъат кашф этилди; одамзод буюқ музликлар эрий бошлаб, шимолга чекиниши билан ғор ва унгурларда яшаш ҳолатидан чиқади; биринчи бор ўзига кулба қуришни ўрганадилар ва ниҳоят, айнан шу даврга келиб, инсониятнинг уч ирки шаклланади. Демак, «ибтидоий уруғчилик жамоаси» деб аталган кишилиқ жамияти тарихи бошланади.

Матриархатда мулк ижтимоий характерда, уруғ жамоасиники эди. Чунки, жамоанинг иқтисодий асосини ўзлаштирувчи хўжалиқ ташкил этган. Қачонким, ибтидоий аждодларимиз деҳқончилик ва чорвачилиқ ҳамда ҳунармандчиликни кашф этишгач, жамоанинг иқтисодий асосини ишлаб чиқарувчи хўжалиқ ташкил этадиган бўлди, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқишига кенг имкониятлар яратилди. Энди оналарнинг жамоада тутган мавқеи секин-аста пасайиб, жамоага барқарор, мўмай даромад келтирувчи оталар бош бўлиб қолди. «Ибтидоий уруғчилик жамоаси» заминида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат тақсимооти (деҳқончилик ва чорвачилиқ хўжалиқларининг ихтисослашуви) ва ундан кейин юз берган иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимооти (ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажраб чиқиши), ота уруғининг (патриархатнинг) узил-кесил қарор топишига олиб келди. Патриархатда мулк матриархатнинг қатор ижтимоий ҳуқуқий нормаларини сақлаган ҳолда, хусусийлаша бошлади.

Хусусий мулкнинг куртаклари деҳқончилик ва чорвачилиқ хўжалиқларининг кашф этилиши, жамиятнинг иқтисодий асоси ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжалиққа ўтиши билан боғлиқ эди. Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий минтақаларида ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилиқ неолит давридан (Жойгун маданияти) бошланди. Минтақанинг марказий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида неолит даврида ҳали ўзлаштирувчи хўжалиқ ҳамон давом этар эди (Калтаминор маданияти).

Кенг кўламли археологик изланишлар натижаларига кўра, Ўрта Осиё жанубининг шимолий Копетдоғ этакларида бободехқонларнинг қадимги деҳқончилик маданияти (Анов-Номозга маданияти) энеолит ва илк бронза даврида (Номозга I–IV босқичлари) жадал ривожланишда давом этса-да, аммо мулкнинг ижтимоий характери сақланишда давом этарди. Бронза даврига келганда (сўнгги Номозга V босқичи), ибтидоий жамоалар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар туфайли мулкчиликнинг аввалги ижтимоий характери ўзгариб, биринчи навбатда, ерга ва чорвага бўлган хусусий мулкчилик келиб чиқади. Ерга хусусий эғалиқ қилишнинг келиб чиқиши дастлаб, бронза даврида, қадимги деҳқончилик минтақаларида, чорвага хусусий мулк эғалигининг келиб чиқиши эса, дастлаб дашт минтақаларида юз берди.

Милоддан аввалги III мингйилликнинг охирлари ва II мингйилликнинг бошларига келганда, қадимги деҳқончилик маданияти метрополияларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар туфайли демографик портлаш юз беради, яъни сув ресурслари ва экинбоп ер майдонларининг танқисланиб бориши туфайли метрополия аҳолисининг бир қисми унумдор, экинбоп ерлар қидириб, йирикрок дарёлар қуйи ҳавзаларига бориб ўрнашадилар. Ана шундай янги деҳқончилик марказлари Мурғоб водийсида ва Қадимги Бактрияда бронза даврида шаклланади. Чунки, Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкалари (Марғиёна, Бактрия) биринчидан, Ўрта Шарқ минтақаларига яқин ва чегарадош эди; иккинчидан, улардаги табиий-географик иқлим шароити бу ўлкаларда қадимги суғорма деҳқончилик маданиятининг эртароқ ривожланишига олиб келди.

Метрополияларда суғорма деҳқончилик тажрибасига эга деҳқон жамоалари янги ерларни ўзлаштиришда уруғчилик жамоаси анъаналарини маълум кўринишда сақлаган ҳолда, жуфт оила бўлиб, оилавий ўзлаштирган ерга жамоавий эгалик қилишдан фарқли ўлароқ, патриархал жуфт оила мулки сифатида ўзлаштирган ерларга хусусий эгалик қила бошлайдилар. Йирик дарёларнинг қуйи ҳавзаларида, шундай тартибда таркиб топган патриархал жуфт оилалар секин-аста қатта патриархал оилалар даражасига, яъни Авесто тили билан айтганда, нманаларга ўсиб чиқади. Қатта патриархал оила жамоаси эса патриархлар, яъни қатта ота томонидан (патриарх, нманапат) бошқарилган. Қатта патриархал оила — нмана жамоа хўжаликлари Авесто жамиятининг «вис» кўринишидаги қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни қадхудоғлар, яъни виспатилар бошқарган. Виспатилар қатта патриархал жамоа бошлиқлари орасидан вис анчуманасида (жамоа йиғинида) сайланган. Давлатчилигимизнинг энг дастлабки бўғини, бошланғич қуртагини ана шу вислар, яъни қишлоқ жамоалари ташкил этган.

«Вис» жамоаларининг таркиб топиши эса тахминан қуйидагича кечган: яъни ҳар бир жамоанинг ўз уруғидан ажраб чиққан жуфт оила аъзоси ўз кучи ва имкониятидан келиб чиқиб, тегишли миқдорда ер ўзлаштириб, хусусий ер-мулк эгасига айланади. Бу хусусий мулк эгалари ҳаётда озод, эркин деҳқон жамоаларини (қашоварзларни) ташкил этган. Ҳар бир дарё қуйи ҳавзасини ўзлаштиришда бир неча эркин ва озод қашоварзлар уруғ-аймоқчилик анъаналарини сақлаган ҳолда, эркин деҳқонлар (қашоварзлар) қишлоқ жамоасини ташкил этадилар. Шундай тартибда ташкил топган қишлоқ жамоаси, унинг мулки она уруғи давридагидек, энди ижтимоий характерга эга эмас, балки хусусий характерга эга бўлади, яъни «вис» жамоасида илк бор хусусий мулк, ўзлаштирган ерга хусусий эгалик қилиш пайдо бўлади. Жамоада хусусий мулкни пайдо бўлишида эркакларнинг хизмати қатта бўлган. Энди, болалар ҳам ўз отасини яқиндан таниб, бола тарбияси жуфт оила кўлига ўтганлиги боис, болалар ўртасидаги оила мулки тақсимоотида оталарнинг роли ортиб боради.

Шундай қилиб, оилада, жамоада эркаклар нуфузи ортиб, секин-аста ота уруғи (патриархат) қарор топади. «Вис»ларнинг иқтисодий хўжалик асосини ташкил этишда ташаббускор қашоварзлар орасидан жамоа аъзолари ўз оксоқолларини

сайлаб оладилар. Одатда, оқсоқол, жамоа сардори – кадхудот юксак ижтимоий-сиёсий мавқега эга уста миришкор ва омилкор деҳқон ёки мохир хунарманд, шахсий ахлоқ ва одоби, маънавий-ахлоқий юксаклиги билан ўз жамоаси оғзига тушган пиру устоз бўлиб, бу сифатларга ўз вақтида ҳалол меҳнати, турмуш тажрибаси туфайли эришган жамоа аъзоларидан бўлган. Ўша давр уруғ жамоалари кундалик ҳаёт қонунига айланган сардорликка талаб айнан кадхудотдан, Авесто тили билан айтганда, виспатидан, зантупатидан, дахьюпатидан шундай шахсий сифатларга эга бўлишликни талаб қилган. Бу ўзбек халқи давлатчилик тарихининг илк босқичларига хос бошқарув тизимининг демократик тамойиллари эди.

Археологик материаллар таҳлилига кўра, чорвадорлар жамоасида мулк эгаллигининг пайдо бўлиши бронза давридаёқ юз берган. Чунки, бронза даври чорвадорлари кенг тарқалган худудлардан бири жануби-шарқий Ўрол тоғ ёнбағирлари ва шимолий Қозоғистон чўллари бўлиб, бу худудларда ўрганилган Андроново маданиятининг Синташта мазор-қўрғонларидан топилган ашёвий далиллар жамоа аъзоларини бадавлат чорвадор аслзода ҳарбийларга, камбағал авом чўпон ва хизматкорларга бўлинишини тақозо этади<sup>1</sup>. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар ва уларнинг антропологик ва лингвистик таҳлилига кўра, айнан бронза давридан (мил.авв. XVIII–XI асрлар) бошлаб Ўрта Осиё худудларига Евроосиё даштларининг туркий тилли чорвадор этник гуруҳларнинг кириб келиши билан боғлиқ ўзбек халқининг илк этногенетик жараёнлари бошланади.

Кейинги йилларда Россия олимлари бунга жуда катта эътибор бермоқдалар. Чунки, бу топилмалар туфайли орий қабилаларининг дастлаб таркиб топган худудлари масаласига аниқликлар киритилди. Синташта мазор-қўрғонларидан топилган ҳарбий аслзодалар мазорлари, унга бир неча от ва енгил ҳарбий арваларни кўшиб кўмилиши чорвадорлар орасида мулкий табақаланишни жадал кечаётганидан ҳамда отдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилганидан далолат беради. Археологлар Синташта комплексининг йил санасини милоддан аввалги XVIII–XVI асрлар билан белгиламоқдалар. Милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярми давомида, археологик топилмалар таҳлилига кўра, чорвадорлар жамоасида мулкий табақаланиш янада чуқур илдиз отади. Йилкичилик чорвачилик хўжалигининг муҳим тармоғига айланади. Натижада, кўчманчи чорвачилик хўжалиги таркиб топади. Кўчманчи чорвачиликнинг ташкил топиши чорвадорлар жамоаларида мулкий табақаланишнинг жадал кечаётганлигидан гувоҳлик беради. Бу жараёнлар Ўрта Осиё чорвадор дашт қабилалари маданиятида ҳам яққол кўзга ташланади.

Ерга, чорвага ва хунармандчилик ишлаб чиқариш воситаларига хусусий эгаллик қилишликнинг келиб чиқиши ўзбек давлатчилиги бошқарув тизими йўлида

<sup>1</sup> *Генинг В.Ф., Зданович Г.Б., Генинг Б.В.*, Синташта. Археологические памятники арийских племен Урало-Казахстанских степей. Челябинск, 1992. *Зданович Д.Г.* Могильник большекараганский (Аркаим) и мир древних индоевропейцев Урало-Казахстанских степей, Челябинск, 1995. *Зданович Г.Б., Батанина И.М.* «Страна городов» – укрепленные поселения эпохи бронзы XVIII–XVI вв. до н.э. на Южном Урале. Челябинск, 1995. *Зданович Г.Б.* Бронзовый век Урало-Казахстанских степей. Свердловск, 1988.

кўйилган дастлабки қадамлар эди. Унинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кириб келиши эса мулкий табақаланишни юз беришига олиб келди. Бронза даврилдан бошланган бу жараён, яъни эркин деҳқон жамоаларининг таркиб топиши (қашоварз мулк эгаларининг таркиб топиши) ва сак-массагет қабилалари орасида юз берган мулкий табақаланиш жараёнлари уруғчилик жамоасининг ҳарбий демократия босқичида, яъни илк темир даврида (мил. авв. VII–IV асрлар). айниқса, антик давр (мил. авв. IV асрнинг охири-милодий IV аср) нинг охирига қадар жадал кечади. Қашоварзлар хўжалиги асосида илк темир даврига келиб. Ўрта Осиё ҳудудларининг қадимги деҳқончилик минтақаларида Авестонинг дахью даражасидаги Марғиёна, Бактрия, Парфиёна, Суғдиёна, Қадимги Хоразм каби цивилизация марказлари шаклланади. Уларнинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан уюштириш асосида кавийлар бошлик «Қадимги Бактрия подшолиги» ва «Қатта Хоразм» давлат уюшмалари ташкил топади.

Бу жараён антик даврга келиб Чоч, Парғана, Уструшона ҳудудларига ҳам ёйилиб, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ҳудудларида ярим ўтрок, ярим кўчманчи Қанғ давлатини таркиб топишига олиб келди. Қадимги Фарғонада эса, озод ва эркин деҳқон жамоаларининг, қадимги Хитой манбаларида тилга олинганидек, Даван (Дайюан) подшолиги вужудга келди. Милоддан аввалги II аср охириларидан Қадимги Бактрия ҳудудларида ташкил топган Да-юечжилар (милодий эра бошларидан Кушонлар империясига айланган) давлати ҳам шулар жумласига киради.

Аммо жамият ҳали узил-кесил синфларга ажралмаган, жамият ижтимоий-иқтисодий асосини эркин жамоалар, майда мулк эгалари ташкил этарди. Антик даврининг охириларига келганда мулк эгаларининг орасида мулкий табақаланиш фаоллашади. Бу тарихий жараён айниқса, сўнгги антик даврда, яъни милодий III–IV асрлар давомида жуда жадал кечади. Милодий эранинг V–VI асрларда деҳқончилик воҳаларининг қашоварзлари орасидан омилкор, миришкор, ўз ишининг усталари ажралиб чиқиб, қатта мулк эгаларига – деҳқонзодаларга айландилар. Қашоварзларнинг ер-мулкидан ажралган, деҳқонзодаларга қарам бўлиб қолган қисми эса ижарачилар – қадиварларга айланади. Бу жараён илк ўрта (V–VII) асрларда ўз якунини топиб, жамият қатта мулк эгалари ва уларга қарам – ижарачи мулксизларга ажралади. Бундай мулкий табақаланиш ҳунармандлар орасида жуда секинлик билан кетса-да, аммо чорвадор ва савдо аҳли орасида жадал кечади.

Шўро даври тарихшунослигида бу туб ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар қулдорлик даври ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғланиб, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг мил. авв. III милодий IV аср охирига қадар давом этган даври қулдорлик формацияси сифатида характерланиб келинди. Ўрта Осиё халқларининг давлатчилиги Греция ва Рим давлатчилигидан андоза олиниб, сунъий равишда қулдорлик жамияти билан боғланиб ўрганилди. Қадимги Хоразм давлати, Юнон-Бактрия, Қанғ давлати, Даван давлати ва ниҳоят, Кушон давлатлари қулдорлик даврининг давлатлари сифатида таърифланди. Уларнинг ижтимоий, иқтисодий асослари ва характери, бошқарув таркибининг туб

моҳияти очилмади. Шарқ давлатчилигининг, жумладан, Ўрта Осиё ҳудудларига хос давлатчиликнинг тарихий илдизлари «Осиёча ишлаб чиқариш усули» билан боғлиқ патриархал характерга эга эканлиги аҳён-аҳёнда эслаб ўтилса-да, аммо амалда фундаментал асарларда, дарсликларда Ўрта Осиёда кулдорлик тузуми бўлганлиги қайд этилди. Аслида, амалда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиши бошқача кечган эди.

Ўрта Осиё илк ўрта асрлар (V–VIII) даврининг деҳқонзодалар тоифасини, яъни катта мулк эгаларини Оврўпа феодаллари билан қиёслаш мумкин. Феод – феодал катта мулк эгасидир. Демак, Ўрта Осиё қадимги дунёсининг сўнгида кашоварзлар орасидан ўсиб чиққан деҳқонзодалар янги жамиятнинг мулкдорлар синфи бўлган. Улар янги жамиятнинг кашоварзлар, қадиварлар, озодкор ва гувакорлари билан биргаликда янги даврни бошлаб берди. Бу давр ўз ички мазмун ва моҳиятига кўра, бизнинг даврий тизимда «Илк ўрта асрлар даври» сифатида феодализм жамиятининг илк босқичини характерлайди.

Шундай қилиб, «Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгалигининг шаклланиш даври» уч босқичдан иборат. Биринчи босқич – матриархат уруғ жамоаси босқичи. Бу босқичда мулкка эгалик қилиш ижтимоий характерда; иккинчи босқич – патриархал уруғ жамоаси босқичи. Бу босқичда жамиятнинг эркин деҳқон жамоаларига (кашоварзлар, озодкор ва гувакорларга) тегишли хусусий мулк шакллана бошлайди. Учинчи босқич уруғ жамоаларининг ҳарбий демократия босқичи. Бу босқичда қабила ва жамоа сардорларининг жамиятда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мавқеи, нуфузи кўтарилиб, мулкка эгалик қилишнинг хусусий шакли, мулккий табақаланиш жадаллашади. Жамият мафкуравий асосини дастлаб табиат ҳодисаларига сиғиниш: тотемистик, анимистик, сеҳргарлик (матриархатда), оташпарастлик диний қарашлар (патриархатда), сўнг (ҳарбий демократия босқичида) эса зардуштийлик ва буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм ташкил этади.

III. Ўзбекистонда «Илк ўрта асрлар даври». Унинг хронологик чегараси – миллодий V асрдан то VIII аср охирига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда феодал мулкчиликнинг бадавлат деҳқонзодалар тимсолида шаклланиши ва ривожланиши, эркин деҳқон жамоа аъзолари – кашоварзларни қадиварларга айланиш жараёнининг жадал кечиши кузатилади. Ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш узил-кесил хусусийлашади. Жамият ижтимоий таркибини кашоварзлар – ўрта ва майда мулк эгалари, бадавлат деҳқонзодалар – катта мулк эгалари ва уларга қарам қадиварлар; озодкорлар (ихтисослашган ҳунарманд аҳли); гувакорлар (мулкдор савдо-сотик аҳли) ва уларга қарам патриархал оила хизматчилари ташкил этади. Мулкчиликда хусусий мулк, жамоа мулки, вағнзе мулки (зардуштийлик ибодатхоналарига тегишли мулк) таркиб топади. Мовароуннаҳр ва унинг теварак-агрофида туркий этник қатламнинг қалинлашиши билан боғлиқ этномаданий жараёнлар жадал кечади. Давлатчиликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган маҳаллий ҳокимиятчилик бу давр давлат тизимининг асосига айланади. Уларнинг мудофаа таянчи сифатида ёлланма чокарлар таркиб топади. Бу за-

минга IV–VI асрлар давомида бирин-кетин кириб келган хионийлар, кидарийлар, эфталийлар, турк хоқонлиги маҳаллий анъанавий давлат бошқарув илдизларига путур етказмай, ўзлари кириб борган ва қўлга киритган ҳудудлар доирасида сиёсий ва ҳарбий ҳокимиятни қўлда тутган ҳолда, сақлаб қоладилар. (Булар орасида Турк хоқонлиги маҳаллий бошқарув тизимига ўз иқтисодий манфаати йўлида бир қатор янгиликларни киритади<sup>1</sup>) ва ниҳоят маҳаллий давлатчилик анъаналари базасида марказлашган феодал сомонийлар давлати асослари яратилади.

Жамиятнинг маънавий асосида эса, аввалгидек диний бағрикенглик (зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм диний эътиқодлари) давом этади. Араблар босқинидан кейин эса, жамиятнинг маънавий, ахлокий ва мафкуравий асосини ислом эътиқоди эгаллайди. Зардуштий ибодатхоналарига тегишли «вағнзе» мулки ислом масжид ва мадрасалари мулкига айланади. Мулкчиликнинг савдо ва ҳунармандчиликдаги табақавий шакллари кузатилади. Катта патриархал оилалар таркибида уларнинг кичик аъзолари сифатида хизматкорлар – патриархал оила «қуллари» пайдо бўлади.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган далиллардан маълумки, Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар даври маҳаллий ҳокимликларнинг иқтисодий асоси ва бошқарув тизими билан характерланади. Марказлашган феодал давлат бошқарув тизими эса Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврида таркиб топади.

IV. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг «Ўрта асрлар даври». Унинг хронологик доираси – сомонийлар давлатини ташкил топишидан то XIX аср ўрталаригача ўтган даврни ўз ичига олади. Бу давр икки босқичдан иборат. Унинг биринчиси ривожланган ўрта асрлар (IX–XV асрлар). Бу даврда феодал муносабатларининг узил-кесил шаклланиши ва ривожланиши, юксакликларга кўтарилиши ва ниҳоят, ўзаро ички ва ташқи феодал жангу жадаллар туфайли жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётида турғунлик ва инкирозлар кузатилади, мамлакат 1,5 аср давомида мўғул босқинчилари асоратига тушиб қолади, туркий халқларнинг асл фарзанди Амир Темурдек даҳонинг тарих саҳнасига кўтарилиши туфайли мамлакатда тинчлик, иқтисодий ва этномаданий ривожланишлар юз беради. Бу даврда жамият иқтисодий ҳаётини давлат мулки, катта хусусий мулк эгалари ва асосан коранда – ижарачилар ташкил этади. Мулкка эгалик қилишликнинг хусусий ва вақф мулк тартиби мустаҳкамланади, мулкчиликда давлат (амлок) ва «иккто» (давлат олдидаги буюк хизматлари учун подшолик томонидан инъом этиладиган мулк) мулки шакллари пайдо бўлади ва мустаҳкамланади, жамият маънавий ҳаётининг мутлақ асосини ислом мафкураси камраб олади.

Ўрта асрлар даврининг биринчи босқичида (Сомонийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврида) ўзбек элати халқ сифатида узил-кесил шаклланади. Буюк турк хоқонлигидан бошлаб кенг қўламда минтақа бўйлаб ёйилган қадимги туркий тил, бу даврга келиб, алоҳида этнослар тилига айлана бошлайди. Жум-

<sup>1</sup> Турк хоқонлигининг давлат бошқарув тизимига доир маълумотлар ушбу асарнинг X бобининг 2- бандида ўз аксини топган.

ладан, ўзбек этносига хос жонли халқ тили кадимги умумтурк тили таркибидан ажралиб чиқиб, эски ўзбек тилига айланади.

Амир Темур ва темурийлар салтанати даврида эски ўзбек тилининг ривожланишига кенг имкониятлар очилиб, XIV–XV асрлар давомида унинг асосидан форсий ва арабийлашган ўзбек адабий тили шаклланади. Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II даврида мамлакатда иктисодий ва этномаданий ҳаётда ривожланишлар давом этади. Аммо, XVI аср бошларида Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳр ва Хуросонга кириб келган «жўқчи» дашт қабилалари ва улар ўртасида келиб чиққан тўхтовсиз феодал урушлар мамлакатни парчаланишига, маманчи ўзбек сулолалари етакчилигида учта хонликнинг вужудга келишига (Харазмда кўнгиротлар, Бухорода манғитлар, Қўқонда минглар) олиб келади. Бу кейинги тарихий жараёнлар Ўзбекистонда ўрта асрлар даври тарихининг иккинчи – сўнгги босқичини характерлайди. Бу эса кадимдан давом этиб келган Туркистон худудий бирлигини ва унинг аҳолисини уч феодал давлатлар таркибида парчаланиши олиб келди. Оқибат нағижанда, кадимги Туркистон дийёри Россия империяси мустамлакасига айланди.

Ўзбекистоннинг ўрта асрлар даври тарихига биров назар ташлайдиган бўлсак, куйидаги манзарани кузатиш мумкин: тарихий манбалар, археологик материаллар ва этнографик кузагувларга караганда, ўзбек элатининг асосий қисми қишлоқларда ўтроқ деҳқонлар, уларни ўраб олган теварак-атроф адирлар ва тоғли сой хавзаларида ярим ўтроқ чорвадорлардан, шаҳарларда эса хунарманд-қосиблардан иборат бўлган. Уларнинг ижтимоий-иктисодий ва этномаданий ҳаёти XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларига қадар Россия ва Оврўпа давлатларида юз берган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлардан четда эди. Давлат хонлар, беклар, амирлар қўлида бўлиб, кўчмас мулк, мамлакатнинг барча бойлиги уларнинг ихтиёрида эди. Аҳолининг оилавий муносабатлари ҳам ислом шариат қонунлари асосида қурилган эди.

XVI–XVII асрлардан бошлаб шимолдан Россия, жанубдан Ҳиндистон ва Афғонистон орқали Англия молларининг Ўрта Осиёга кириб келиши маҳаллий иктисоднинг нақадар орқада қолганлигини ва илмий техниканинг жуда заифлигидан далолат берар эди. Ўрта Осиё Россия ва Оврўпа давлаглари учун тенги йўқ арзон бозор эди. XVII–XVIII асрларда, айниқса, XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёни ўз таъсир доирасига киритиш илинжида Россия ва Англия ўртасида рақобат кучайди. Ниҳоят, XIX аср ўрталаридан бошлаб рақобатда Россия ғолиб чиқиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россиянинг вассалига, Қўқон хонлиги худудлари эса унинг Туркистон генерал-губернаторлигига айланди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёда феодал жамиятнинг иктисодий ҳаёти асосан сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликка таянар эди. Суғорма деҳқончилик эса магистрал каналлар қуриш ва суғориш тизимини яратишни талаб этар эди. Бундай асосда қурилган хўжаликнинг махсулдорлиги жуда юқори бўлиб, у Ўрта Осиё шароитида далами деҳқончилик ва ярим ўтроқ чорвачиликка нисбатан серунум эди.

<sup>1</sup> Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: 1960. – 12-бет.

Ўрта Осиё шаҳарлари ҳам катта карвон йўллари бўйлаб жойлашган, транзит савдо учун жуда қулай шароитга эга эдилар. Шаҳарларда милоддан аввалги VIII–VII асрлардан бошлаб хунармандчиликнинг катор тармоклари таркиб топган ва юксак даражада ривожланган. Аъло сифатли кулолчилик, шишасозлик, зардўзлик, мисгарлик, наққошлик, дурадгорлик, кўнчилик, шоҳи-атлас, металлургия ва қурул-аслаҳалар ишлаб чиқариш жуда ривожланган. лекин, уларнинг барчаси халқ хунармандчилиги доирасидан чиқа олмаган – индивидуал кўл меҳнатига асосланган эди.

Феодал жамияти заминида бўлиб турадиган ўзаро босқинчилик урушлари мамлакат иқтисодиёти, ташқи ва ички савдонинг ривожланишига, маданият ва илм-фаннинг юксалишига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсата олмаган бўлса-да, аммо феодал биқиклик мамлакат ишлаб чиқариш кучларининг кескин ривожланиши ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлишига олиб келмади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари сингари феодал жамият бағрида миллат даражасига кўтарилма олмай, то XIX аср охири ва XX аср бошларига қадар ўзининг элат-халқ босқичи даражасида қолиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, Ўрта Осиёда ҳокимият феодал ва ҳарбий олигархия кўлида жамланиб, ҳамма ер олий ҳоким-хонлар, амирлар ва беклар мулки бўлиб қолди. Давлат унумдор ерларнинг ҳақиқий хўжайинига айланган эди. Давлат ернинг олий хўжайини сифатида, уни алоҳида шахслар ёки қишлоқ жамоаларига фойдаланиш учун бериб, улардан хирож шаклида тушадиган ер солиғи ҳисобига бойиб борди.

Олий ҳокимлар – хонлар, амирлар, беклар ва ҳоказолар шу шароитда катта мулк эгалари – феодаллар табақасига айланадилар. Ҳар хил солиқ йиғувчи амлоқдорлар, закотчилар, аминлар, қишлоқ сардорлари жойлардаги давлат амалдорлари сифатида фаолият олиб бориб, деҳқонлар яратган бойликларнинг катта қисмини давлатга топширмай, ўзига олиб қолар эдилар. Шарқ феодализмига хос ана шу хусусият Ўрта Осиё учун ҳам характерли эди.

Сомонийлар хонадонидан бошлаб унумдор ерларнинг катта қисми «мулки султоний» сифатида сулолавий ҳукмдорлар кўлида тўпланган. Салтанат мулкининг бир қисми деҳқонларга ижарага берилса, бошқа бир қисмини давлат амалдорлари ва диний ислом намояндаларига мулк ва вақф шаклида, уларнинг давлат олдидаги катта хизматлари учун тортиқ қилинган. Бундай ерга эгалик қилиш «икто» номи билан аталган.

«Икто» қилинган ерлар махсус ёрлик билан солиқдан озод қилинган. «Мулки султоний»дан қишлоқ жамоалари ҳам фойдаланишган. Аммо, улар давлат хазинасига тегишли миқдорда хирож тўлашга мажбур эдилар. Ерга эгалик қилишликнинг қандай шакли бўлмасин, ривожланган ва сўнгги ўрта асрларда қишлоқ хўжалигининг асосий негизини деҳқонларнинг майда хўжаликлари ташкил этган.

Майда деҳқон хўжаликлари, кимнинг ерини ижарага олишидан қатъи назар, хирож тўлаш мажбуриятидан озод этилмаган. Ерни суғориш, канал ва ариқлар



казиш, тозалаш ҳам уларнинг зиммасида эди. Катта мулк эгалари бундай мажбуриятлардан озод, тинч эдилар. Уларни фақат деҳқонларга ижарага берган ердан рента олиш қизиқтирар эди. Шунинг учун катта мулк эгалари учун ерни бутунлай деҳқонларга ижарага топшириб қўйиш фойдалироқ эди.

Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда минг йилдан ортиқ давом этган феодализм даврида деҳқончиликнинг асоси майда деҳқон хўжаликларидан иборат бўлиб келди, йирик феодал хўжалиги илмий техника асосида ривожланмади, деҳқончилик эса тургунликка тушиб қолди.

Шаҳарларда иқтисодий ҳаёт халқ ҳунармандчилигининг қатор тармоклари бўйича қанчалар ривожланмасин, индивидуал қўл меҳнати доирасидан чиқа олмади. Бутун феодал жамияти давомида ҳар бир деҳқон, айни замонда, ҳунармандчилик тармоқларининг у ёки бу соҳаси билан ҳам машғул эдилар. Бу Ўрта Осиё феодализида хос характерли хусусият эди.

Ўз навбатида, шаҳар аҳолисининг дала ховлилари мавжуд бўлиб, у жойларда ҳунармандларнинг боғ-роғлари, сабзавотчилик учун экин майдонлари бўлган. Бундай анъанавий ҳаёт ривожланган ва сўнгги ўрта асрлар даври ўзбек халқи учун характерли эди. Иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига ўхшаш қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг натурал хўжалик устуворлигида таркиб топиши капиталистик муносабатларнинг ривожланишига имкон бермас эди. Деҳқон хўжаликлари ва шаҳар аҳолиси бозордан фақат ўз хўжаликларида етиштирилмайдиган маҳсулотни, кўпинча металл асбоб-ускуналар, меҳнат куруллари ва уй-рўзғор буюмларининг на сотиб олишга мослашган эди.

Ана шундай тизимда қурилган ҳукмрон натурал хўжалик шаҳар ва қишлоқларда капиталистик табақланишга имкон бермайди. Бундай ҳолатда маҳсулот асосан оммавий товар сифатида эмас, балки жамоанинг бевосита истеъмоли учун индивидуал ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилади. Деҳқонларнинг асосий қисми эркин ижарачи майда хўжаликлардан иборат бўлган. Чунки, улар ўтирган ер—амлок ери давлат мулки ҳисобланган, хирож эса солиқ характеридаги тўлов эди.

Ўрта Осиё шароитида «бегар» деб аталган деҳқонларни сув иншоотлари қурилишида, шаҳар қалъаларини тиклашда, кўприклар ва йўллар қурилишида ва ҳоказоларда бекорга ишлаб бериш мажбурияти бўлган. Бу мажбурий ҳашар типидagi мажбурият бўлиб, ҳашарни ташкил этиш ва бошқариш қишлоқ оқсоқолларига, миробларга, аминларга, шаҳарларда маҳалла бошқармасига юклатилган. Шу йўл билан давлат аҳамиятига эга бўлган магистрал каналлар қурилиши, шаҳар қалъаларини тиклаш ва таъмир қилиш, ташки душманга қарши мудофаа иншоотларини қуриш каби катта ишлар мажбурият солиғи сифатида бажарилган.

Ўзаро феодал урушлар, ташки душман ҳужуми, айниқса, Чингизхон истилоси мамлакат иқтисодига жуда катта зарар келтирди<sup>1</sup>. Ҳар бир истило вақтида кўпгина феодал мулклар йўқотилиб, ерлар олий ҳокимлар—давлат қўлига ўтди.

<sup>1</sup> История Узбекской ССР. Том I, первая книга, Т.: 1955. С. 295—300.

Истилочилар томонидан хусусий мулк эгаларининг ерлари тортиб олиниб, давлат ерига айлантирилди. Натижада асосий ишлаб чиқариш ўзаги майда деҳқон хўжалиги бўлиб қолаверган.

Истилочи кўчманчиларнинг камбағал қисми вақт ўтиши билан аста-секин ўтроқлашиб, деҳқонларга айланар эдилар. Бироқ бу кўп вақтни талаб қилар ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиш суръати бирмунча пасаяди. Агар бунга тинимсиз давом этиб келган ички феодализм урушлари кўшсак, ўзбек халқининг суғорма деҳқончилигига асосланган хўжалиги ва узлуксиз ривожланишда давом этиб келган хунармандчилиги бўлишига қарамай, кейинги мингйилликда Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи натурал хўжалик юритишдан чиқа олмай, Оврўпа халқидан камида 100 йилга орқада қолди.

Натижада, Ўрта Осиёнинг биронта ҳам вилояти ёки ўлкаси XX аср бошларигача ўз атрофига бутун ўзбек ерини жипслаштира оладиган даражада иқтисодий ва сиёсий кучга, марказга айлана олмади, унда миллий буржуазия муносабатлари туғилиб, ўса олмади. Бу Ўрта Осиёда феодализм тарқоқликнинг жуда узоқ давом этишига сабаб бўлди<sup>1</sup>. Ўрта Осиёда шундай вазият вужудга келдики, то XIX аср охиригача капиталистик тараққиёт йўлига дадил ўтиб кетиш мумкин бўлмади.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё ўрта асрларда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан феодализм бирикликда яшаб келишига қарамай, унинг халқлари, жумладан, ўзбек халқи шу феодализм муносабатлар доирасида иқтисодий-хўжалик ва анъанавий маданиятни бирмунча ривожлантира олди. Шаҳарларда халқ хунармандчилиги ва савдо тараққий этиб, дунёвий саройлар, масжид ва мадрасалар қуриш давом этди. Санъат гўзаллигига бурканган меъморий ёдгорликлар Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва бошқа шаҳарларда қад кўтарди. Уларнинг ҳайратомуз маҳобати ҳозиргача кишини лол қолдириб келмоқда.

Бой маънавий маданият, оғзаки ва ёзма адабиёт, илм-фан, мусика ва тасвирий санъатда прогрессив анъаналар шакллана борди. Ўзбек халқининг ўрта асрлар даври тарихи ва этник ҳаёти ана шундай анъаналар, ривожланишлар, турғунликлар ҳамда иқтисодий ва сиёсий қолоқликнинг мавжудлиги билан характерланади.

V. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг бешинчи даврини «Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври» деб аташ мумкин. Унинг даврий chegarasi – подшо Россияси босқинидан то 1917 йил Октябрь тўнтаришига қадар давом этган даври ўз ичига олади. Бу даврда уч хонликка бўлинган Ўрта Осиё ҳудудларининг Кўқон хонлиги ўрнида Россиянинг Туркистон ҳарбий генерал-губернаторлиги ташкил топади. Туркистон ҳарбий генерал-губернаторлиги таркибида мулк эгаларининг давлат ва хусусий мулк тартиби сақлаб қолинади. Шулар каторида маҳаллий аҳоли хонаки уй ҳайвонларини боқиш учун ўтлов – анъанавий кишлоқ жамоа ерлари сақланади.

<sup>1</sup> Ваҳобов М.Ф. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: 1960. – 27-бет.

Губернаторлик ҳудудларига Россия капиталининг кириб келиши муносабати билан ўлкада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб боради, ишлаб чиқаришдаги янги муносабатлар туфайли клерикал феодал тартиблари ва анъанавий халқ ҳунармандчилигининг заминига зил кетиб, жамият ижтимоий таркибида ёлланма меҳнат ресурслари ва маҳаллий буржуалар ҳамда миллат ва ватан тақдири тўғрисида қайғурувчи миллий зиёлилар табақаси (жадидлар) пайдо бўлади. Бу даврда маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётининг мафқураси сифатида ислом ортодоксал йўналишида давом этади. Жадидчилик тимсолида ўрта асрлар даври феодал биқиклигидан чиқишга интилиш, Фарб дунёси билан алоқа қилиш, улар таъсирида авом халқни маърифатга тортиш ҳаракатлари бошланади. Мамлакат ер ости ва ер усти бойлик захираларини шаклланиб келаётган маҳаллий ишбилармонлар ташаббусида капиталистик ишлаб чиқариш йўналишига солиб юбориш фойдадан холи эмаслигига тушуниб етиш ҳаракатлари кўзга ташлана боради.

Бироқ, Ўрта Осиёни арзон хомашё бозорига айлантириш, унинг ер ости ва ер усти бойликларига эгаллик қилиш мақсадида подшо Россияси бирин-кетин Бухоро амирлиги (1868 йил) ва Хива хонлигини (1873 йил) ўзига тобе давлатларга айлантиради, Туркистон ҳарбий генерал-губернаторлигини эса бошқариш тизимини ишлаб чиқади. Бунга кўра, ўлкага темир йўл олиб кириш, рус деҳқонларини кўчириб, янги посёлкалар ташкил этиш, пахта хомашёсининг янги навини олиб кириш, суғориш тизимини тубдан ўзгартириш учун каналлар қуриш, янги ерларни ўзлаштириш ва у ерларда пахта плантацияларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилади ва улар амалга оширилади.

Асосий мақсад йўлида бутун феодал жамият даврида ҳукм суриб келган руҳонийларга тегишли вақф ерлари ва амлок ерларини бекор этиб, уларни ҳам давлат мулкига айлантирилади. Маҳаллий аҳоли қўлида фақат ерга эгаллик қилиш ҳуқуқий ҳужжати бор бўлган ер эгаларининг қўчмас мулки мусодара қилинмай, сақлаб қолинади. Йирик феодал ерлари, одатда ерсиз деҳқонларга ижарага берилиб, улар жамият ишлаб чиқариш кучларининг асосини ташкил этган. Эндиликда у ерлар ижарачи майда деҳқонларнинг хусусий мулки деб эълон қилинади.

Мақсад, уларни иқтисодий манфаатдор қилиб, у ерлардан пахтадан юқори ҳосил олишлик кўзда тутилган эди. Чунки, деҳқонлар у ерлардан олган пахта хомашёсини фақат подшо Россияси буржуалари ва савдо магнатларига сотиш ҳуқуқига эга эдилар. Хомашёга баҳо белгилаш эса мустамлакачилар қўлида эди. Ҳатто, эндигина ўсиб келаётган маҳаллий буржуалар ҳам ўз ерида етиштирган хомашёсини бевосита жаҳон бозорига олиб чиқиш ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Ижарага олган ердан фойдаланиш йўлидаги анъанавий феодал ва исломий тартиблар қон-қонига сингиб кетган авом халқ, ҳатто бу борада давлат томонидан майда деҳқон хўжаликларига берган кичик имтиёзлардан ҳам фойдалана олмайдилар. Улардан Россиядан кўчириб келтирилган рус мужиклари ва маҳаллий феодаллар фойдаланиб, майда деҳқон хўжаликлари зарарига судхўрлик яна авж олади. Чоризм сиёсатини тўғри тушунган, аммо, мулкдор сифатида ҳақ-ҳуқуқлари

мустамлакачилар томонидан топталган маҳаллий буржуазия ва уларнинг илғор зиёлилар қатлами – жадидлар қанчалар халқ орасида маърифий ва маданий ишлар олиб бормасинлар, маҳаллий аҳолини иқтисодий жиҳатдан миллат атрофида жипслаштириш, ҳеч бўлмаганда Туркистон генерал-губернаторлиги доирасида ҳам сиёсий жиҳатдан мустақил давлат ҳокимиятини барпо этиш имконияти бўлмади. Уч ҳокимиятга бўлинган ўзбек элати ягона халқ сифатида миллат даражасига ўсиб чиқа олмади. Давлат ҳокимияти подшо Россияси ҳарбийларидан сўнг динсиз Советлар ҳокимияти қўлига ўтиб кетди. Буларнинг барчаси Ўрта Осиёда феодал биқиклик турмуш тарзининг халқ ҳаётига, унинг қон-қонига, маънавий онгига сингиб кетиши бўлди.

VI. Ўзбекистон тарихининг олтинчи даври «Советлар ҳокимияти даври» бўлиб, бу даврда Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудий доирасида дастлаб, Туркистон мухтор автоном республикаси ташкил топди. Сўнг, Россия империясидаги барча эзилган миллат, элат ва этник гуруҳларнинг гўёки миллий манфаатларини тўла қондириш баҳонасида миллий давлатлар барпо этиш компанияси бошланиб кетди. Ленинча миллий сиёсатга кўра, Россия фуқаролигидаги ҳар бир миллат ва элат ўз миллий этномаданий ва маънавий анъаналари, иқтисодий-хўжалик омиллари асосида мустақил давлат тизимини шакллантириш ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлларини танлаб олишлари керак эди. Шу мақсадда Ўрта Осиёда 1924 йилда миллий давлат чегаралаш сиёсати амалга оширилиб, уч давлат ҳудудий доирасида парчаланган ўзбек халқи Ўзбекистон социалистик Республикаси таркибида бирлаштирилди. Ўша кезларда ўтказилган миллий-худудий чегаралаш амалиётида қўйилган қатор хатоларга қарамасдан, бу тадбир ўзбек халқининг ягона миллат бўлиб шаклланишида прогрессив воқелик эди. Аммо, ленинча миллий сиёсат шиори остида олиб борилган бу тадбир, оқибатда берилган баландпарвоз ваъдаларнинг акси бўлиб чиқди. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари яккаҳоқимлик мафқураси ғоялари асосида қурилди, жамият ижтимоий таркиби ишчи ва деҳқон синфи ҳамда уларнинг авангард отряди зиёлилар табақасидан иборат бўлди. Мулкчиликнинг анъанавий шакллариغا хос мазмун ва маъно тубдан ўзгариб кетди. Мулкчиликда табақаланиш барҳам топиб, унинг ижтимоий характери таъкидланса-да, аммо амалда мулкчиликнинг давлат монополистик капитализми ҳукмронлик қилган. Давлат қонунлар мажмуасида (конституцияда) дин эркинлиги қайд қилинса-да, амалий ҳаётда атеистик дунёқараш жамият маънавий ва мафқуравий асосини ташкил этди.

Тўғри, иқтисодий хўжалик ва этномаданий соҳаларда олиб борилган мунтазам қаттиқ сиёсат туфайли қатор ютуқларга эришилди. Йўқсиллар учун кенг йўл очилиб, миллатнинг ишбилармон саралари йўқ қилинди. Серқуёш диёримизнинг меҳнаткаш халқи туфайли барча қийинчиликлар, қувғин ва қатағонликларга қарамасдан, ўзбек жамияти ривожланишдан тўхтамади. Ўзбек ўғлонлари ҳукмрон жамиятнинг барча жабҳаларида доимо олдинги сафда бўлиб келдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи фронтларда жасорат кўрсатиб, ўзга юртлар-

да қолиб кетди. Ўзбек халқи иктисодий кийинчиликларга қарамай, миллионлаб етимларни ўз бағрига олди, миллат манфаатига хизмат этмайдиган юзлаб оғир саноат ва ҳарбий заводларни қисқа муддатда ишга тушириб, фронт оғирлигини енгиллаштиришда собиқ Иттифокда намуна бўла олди. Соғлиқни сақлаш, таълим тизимида олдинги даврларга нисбатан маълум бир ютуқларга эришилди. Буларнинг барчаси собиқ шўро жамияти, мафкураси доирасида амалга оширилди. Охир-оқибатда, пахта яккахокимлиги учига чиққан кезларда ҳам тиним билмай, хукмрон жамиятга садоқат билан хизмат қилган ўзбек халқи «пахта иши» номи остида мамлакат иктисодиётини бошқаришда ожиз бўлиб қолган марказ сиёсатининг қурбонига айланди. Ўзбекистон тарихининг собиқ «Советлар ҳокимияти даври» мана шулар билан характерланади.

VII. Ўзбекистон тарихининг еттинчи даври ўз мазмун ва моҳияти билан «Миллий истиклол, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври» деб аташликни тақозо этади. Бу давр ўзбек халқи ва давлатчилигининг янги саҳифаси, миллий бойликлар ва ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари бўйича эришилган ютуқларни халқ манфаатига йўналтирилган даври, миллий истиклол ва миллий кадриятларининг қайтадан тиклаш даври, дунё харитасида «Ўзбекистон Республикаси» деб аталувчи суверен давлатни жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилиги томонидан тан олинган даври сифатида тарихга киради. Ижтимоий йўналтирилган сиёсат, майда ва ўрта хусусий мулк эгаллигининг жамият ижтимоий таркибини мутлақ асосига айлантириш, мустақиллик мафкураси ва уни жамият аъзолари томонидан чуқур идрок эттириш қурилаётган ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамият мазмунини ташкил этади. Ўзбекистон фуқаролари учун диний эркинлик, диний бағрикенглик, нафақат қонунда, балки амалий ҳаётда ҳам ўз аксини топади.

Ҳозирги кунда Истиклол даврининг 23 йиллиги яқунланди. Мана шу 23 йил давомида мустақил Ўзбекистон ҳар жабҳада асрларга тенг ютуқларга эришдики, бу ҳақда ушбу тадқиқотнинг XX бобида тегишли маълумотлар берилади.

## ЎРТА ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ АҲОЛИСИ ЁЗМА МАНБАЛАРДА

## IV. 1. Авесто ва Ахоманийлар даври қоятош битикларида Ўрта Осие аҳолиси ҳақидаги маълумотлар

Ўрта Осие халқлари тарихи жуда қадимий. У қадимги тош даврининг ашелъ босқичига (бундан 1 миллион – 200 минг йил оралиғи) бориб тақалади. Бу даврга тегишли археологик обидалар Ўзбекистон ҳудудларида Сел-Унғур ва Кўлбулок ёдгорликлари мисолида ўрганилган. Сел-Унғурда ҳатто илк аждодларимизнинг меҳнат қуроллари билан бирга одам суяк қолдиклари ҳам топилган. У тарихда Фергантроп номи билан маълум бўлиб, унинг йил санаси I миллион йил, ҳатто ундан ҳам қадимийроқ сана билан белгиланмоқда.

Ўрта Осие, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида кишилик тарихининг Фергантроп одамидан кейин ўтган аждодлар тарихининг барча давр ва босқичларига оид ёдгорликлар ҳам топиб ўрганилган. Бу кўп асрлик тарихнинг юздан тўқсон тўққиз фоизи археологик манбалар асосида ўрганилади. Чунки, у даврларда ёзув бўлмаган. Ўрта Осие халқлари қадимги тарихи ҳақида илк маълумот берувчи дастлабки манба – Авесто бўлиб, биринчи бор унинг «Видевдат» китобида Ўрта Осиенинг қадимги вилоятлари ва халқларининг номлари тилга олинади.

Ўрта Осиенинг қадимги халқлари ҳақида Ахоманий подшоларининг қоятошларга битилган битикларида ҳам тегишли маълумотлар учрайди. Ўрта Осие халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, кийим-кечаги ва кўп қиррали ҳаёти ҳақида қизиқарли материаллар юнон муаллифлари ва Хитой ёзма манбаларида кўпроқ учрайди. Булардан ташқари археологик изланишлар давомида турли давр ва йилларда топилган маҳаллий аҳолининг хоразмий, боҳтарий, суғдий, парфяний ва «номаълум ёзув» деб аталмиш ёзма манбалари ҳам борки, улар қисқа ва кам бўлишидан қатъи назар, Ўрта Осие халқлари, жумладан, ўзбек ва тожик халқлари этногенези учун ноёб маълумотлар беради. Араб, форс ва турк ёзма манбаларида ҳам ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи учун қимматли маълумотлар учрайди. Ўрта Осие халқларининг келиб чиқиши масалаларини ёритишда уларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Бу ёзма манбалар ичида энг қадимгиси, Ўрта Осиеда яшаган халқлар номини илк бор тилга олган ёзма манба – бу Авестодир.

а) Авесто<sup>1</sup>. «Авесто» ўлкамизда ислом дини ёйилгунига қадар (милодий VIII асргача) аждодларимиз эътиқод қилган зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган. Бу китоб аждодларимиз яққахудоликка иймон келтиргунларича узоқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи хрестоматияси. 1-жилд. Энг қадимги ёзма манбалар. Авесто. «Фан» нашриёти. - Т.: 2014. 124–146-бетлар.

ўтмишдан бошлаб маънавий изланиш, ўзликни англаш йўлида босиб ўтган тафаккур такомиллашуви босқичларининг меваси сифатида бизгача етиб келган буюк меросдир.

Зардуштийлик дини одамларга бу дин ҳақида хушxabар келтирган пайғамбар Заратуштра номи билан боғлиқ ҳолда шартли равишда шу ном билан аталиб келинади. Аслида «Авесто» китобида бу дин «маздаясна дини» деб аталган. Бу сўз «Маздага сиғинмоқ» деб таржима қилиниб, Мазда сўзи «донишманд, ақлли» маъносини англатади.

Барча эзгу борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган, деб эътиқод қилинган. Мазда сўзи олдига Ахура – «улуғлаш» сўзи қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳи–худоси – Ахура Мазда номи пайдо бўлган. Маздаясна (зардуштийлик) дини ўлкамизда ислом дини ёйилиши жараёнида, хусусан, VIII асрдан кейин расмий дин сифатида сўна бошлаган. Унинг муқаддас китоби, аждодларимиз исломга қадар яратган кўплаб китоблар қатори, йўқола ва унутила бошлаган. Айниқса, VIII аср бошларидан бошлаб араблар томонидан фатҳ этилган барча ўлкаларда араб ёзуви ва тилининг қатъий жорий қилиниши, суғд, эфталий, паҳлавий, моний, сурёний ва бошқа ёзувларнинг расман ман этилиши қадимий ёзув маданиятининг унутилиш жараёни янада тезлатди.

Лекин «Авесто» ҳақида гап кетганда, унинг тарихий тақдирида ўзига хос воқеалар даври бошланди. Аввало, араблар илк ҳарбий юришлари билан VII аср ўрталарида Сосонийлар Эрони, сўнгра Марказий Осиёнинг жанубий ўлкаларига кириб келгандаёқ аждодларимизнинг қадимий дини зардуштийлик билан юзма-юз келган эди. Кейинчалик фатҳ ишлари поёнига етиб, ислом дини ёйилган паллада зардуштий жамоалари ялпи таъқиб остига тушди. Бу ҳол Эрону Турон ўлкаларида аёвсиз давом этди. Шу вазият тақозоси билан зардуштийларнинг бир қисми хавфсиз ўлкаларга кўчиб кетишга мажбур бўлди. Оқибатда VIII–XIII асрлар давомида бу жамоалар Ҳиндистоннинг Бомбай ва Гужарот вилоятларига келиб ўрнашди. Бу қавмлар, асл келиб чиқишидан қатъи назар, маҳаллий халқ орасида форслар (парслар), деб атала бошланди. Муҳими шундаки, айти шу зардушт жамоалари қадимий динларига эътиқодни сақлаб қолганликлари туфайли умуман унутилишга маҳкум этилган зардуштийлик дини, унинг урф-одатлари, ақидалари ва ниҳоят, муқаддас китоби «Авесто»нинг асосий, қундалик амалиёт учун энг зарур ва муқаддас ҳисобланган қисмлари сақланиб қолди. Ҳозирги кунда ҳам ўша қавмларнинг авлодлари – қарийб 150 миң зардуштий Ҳиндистоннинг мазкур ўлкаларида ўз динларини сақлаб яшаб келмоқда.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашларича, зардуштийлик динининг илк ватани Турон ўлкалари бўлган, деб тан олинган. Чунки, «Авесто»да акс этган мифологик қатламлар, тарихий-географик мағзаралар асос-эътибори билан Турон ўлкаларига, ашиқроғи, Бактрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Хоразмга хосдир. Қолаверса, «Авесто»га асос бўлган тил, ҳозирги форс тилининг аждоди бўлмиш қадимги жануби-ғарбий эроний тилдан фарқли равишда, шимоли-шарқий эроний тилларга, хусусан, Ўзбекистоннинг қадимги ҳудудларида амал қилган тилларга қариндошдир.

Аксарият олимларнинг фикрича, Зардушт тарихий шахс бўлган. Зардушт анъанавий тасаввурларга кўра, милоддан аввалги VII–VI асрлар оралиғида яшаган (И.М.Дьяконов, В.И.Абаев, Б.Ф.Гафуров). Аммо, Авесто маълумотларига асосланиб олимлар Заратуштрани милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида (XIII–XII асрларда – Мэри Бойс), милоддан аввалги I мингйилликнинг бошларида (X–IX асрлар оралиғида – И.М.Стеблин – Каменский) ўтган, деган фикрлар ҳам ўртага ташланган.

Хўш, Зардушт қачон яшаган? Бу масалада, бизнингча, милоддан аввалги II мингйиллик – ўлкамизда бронза асри гуллаб-яшнаган, суғорма дехқончилик ва хонаки чорвачилик муқим ривожланган, жамиятда ҳокимлар, рухонийлар, ҳарбийлар, хунар аҳли, чорвадорлар, дехқонлар каби табақалар юзага келиб, меҳнат тақсмоти ва ижтимоий табақаланиш чуқурлашган давр – зардуштийлик яхлит дин сифатида шаклланган давр, дейишга тўла асос бор. Ана шу даврда ибтидоий диний-мафкуравий, мифологик тасаввурлар сақланиб, маълум бир тизимга келтирилган. Дунёнинг яхлитлиги, ҳаёт тарзининг муқим ва тадрижийлиги турли-туман илоҳларга эътиқодни сўндириб, яхлит, ягона сабабкорни излашга, уни танишга, унга иймон келтириш ва эътиқод қилишга ундаган. Демак, милоддан аввалги иккинчи мингйиллик ўлкамизда кучли тафаккур изланишлари даври сифатида, халқни таниш, пировардида яқка худони танишда аждоқларимиз учун ўзига хос маънавий тараққиёт босқичи бўлган.

Шарқда тарихий манбалар «Авесто» китоби мавжуд бўлгани ҳақида икки минг йилдан зиёд вақт давомида кўплаб маълумотларни сақлаган. Оврўпада эса «Авесто» китоби ҳақида илк маълумотлар ўрта асрлардагиша пайдо бўлган, яъни инглизлар Ҳиндистонни истило қилгач, бу маълумот янада бойиган. 1750 йилларнинг бошларида ёш француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон «Авесто»ни ўрганиш иштиёқи билан ёниб, инглиз ҳарбий қисмларига кўшилиб Ҳиндистонга боради. Зардуштий жамоалар орасида узоқ муддат бўлиб, уларнинг ишончини қозониб, диндорларгина тафсир қила оладиган «Авесто» тилини ўрганеди, «Авесто» матнларини сотиб олади. Сўнгра 1761 йили Францияга қайтиб келиб, 1771 йили «Авесто» матнларини нашр эттиради.

Кўп ўтмай «Авесто» ҳақидаги маълумотлар янада кўпайиб, унга илмий кизиқиш ортди. Дюперроннинг буюк илмий жасорати ва фан олдидаги хизмати тан олинади. У таржимада йўл қўйган хатолар, талқиндаги камчиликлар тузатилади. «Авесто» билан ҳинд халқининг улуғ асотирий асари «Ригведа»нинг тили яқин экашлиги маълум бўлади. А. Дюперрон «Авесто» тили Ҳиндистоннинг бошқа тилларига ҳамда юнон ва латин тилларига яқинлигини англаб, тарихда биринчи бўлиб фанга «ҳинд-оврўпа тиллари» тушунчасини киритди.

«Авесто» ўз ватани Туронзаминда қадимдан илмий дунё диққат марказида бўлиб келган. Аввало, бу масала «Авесто» китобининг тўпланиши, унинг таркибий бўлақларига силсилавий тартиб берилиши ва ниҳоят, энг мукаммал ишончли шакли юзага келиши узоқ аждоқларимизнинг китобатчилик маданияти ҳамда қадимий матншуносликнинг буюк намунасиридир. Колаверса, ўрта аср



илмида «Авесто» ҳақида батафсил маълумотларни улуғ аллома Абу Райҳон Беруний асарларидан ва бошқа манбалардан олиш мумкин.

Авесто бизгача тўлиқ етиб келмаган, унинг Ясна, Яшт, Виспарад, Видевдат деб аталган китобларидан парчалар етиб келган. «Авесто»нинг «Видевдат» китоби 22 боб бўлиб, Авесто қисмлари орасида бирмунча ёш, лекин тўлиқ сақланган китобдир. Унинг боблари «фрагард» деб аталган. Фрагардларда Ахурамазда яратган 16 та вилоятлар, жумладан Хваризам (Хоразм), Гава Суғуда (Суғд), Моури (Марв), Бахди (Балх) ҳақида, деҳқончилик ва чорвачиликнинг савобли шарофатлари ҳақида маълумотлар берилган<sup>1</sup>.

Авестонинг «Виспарад» китобида зардуштийларнинг байрам ва диний маросимларда ижро этиладиган мадҳиялари тўпланган. Яшт китоби «Авесто»нинг энг қадимий қатлами бўлиб, 22 бобдан иборат. Ҳар бир боб Ахурамаздан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган гимн (алқов)лардан иборатдир. Демак, Яшт боблари қадимги қабилалар оғзаки ижоди асосида пайдо бўлган.

«Авесто» қадимий тарих, дин, этнография, ахлоқий-фалсафий қарашлар, астрономия, космогония, илоҳиёт ва бошқа кўплаб соҳалар учун қизиқарли маълумотлар бера олади. Шу билан бирга, «Авесто» моҳиятан илк бадиий ижод ва адабиёт обида-сидир. Унинг таркибида энг қадимги асотирларимиз, ривоятлар, қахрамонлик дostonлари мавжуд. «Авесто»нинг асогирий образлари тизимидан ўрин олган Хушанг, Тахмурас, Жамшид, Каюмарс, Фаридун, Захҳок ва бошқалар ўрта аср дostonчилиги ва адабиётига ҳам кириб келган. Кайхусрав, Афросиёб, Сиёвуш, Рустам, Суҳроб ва бошқа сиймолар асрлар оша яшаб келмоқда.

«Авесто»да зардуштийликнинг энг муҳим ахлоқий ғояси бундай ифода топган: агар эзгу борликни яратган Ахурамазда қабоҳат дунёсини яратувчи Аҳриман устидан ғолиб бўлиб, инсоният абадий бахту саодатга эришсин десанг, эзгу фикр юргиз, эзгу сўзнигина сўзла, эзгу ишлар билан банд бўл. Ҳаётида шу уч қоидага амал қилган одам қабоҳат, ёвузлик йўлига оғиб кетмайди. Бу эса энг оддий ҳаётий мақсад – ҳақ йўлдаги ягона мақсад бўлмоғи керак. Зардуштийликда инсон эркин танлаш орқали эзгулик ёки қабоҳат томонида туриши мумкин, дейилади. Инсоннинг бу масалада тутган йўли ҳақиқат ва эзгулик билан ёлғон ва ёвузлик ўртасидаги курашда эзгуликнинг ғалабаси учун ғоят муҳим. Эзгулик йўли эса ҳақ йўл бўлиб, Ахурамазданинг хабарини келтирган Зардушт одамларни шу йўлга етаклайди. Иймонли, эътиқодли одамларнинг ялпи эзгу ҳаракатлари ёмонликни, қабоҳатни маҳв этади. Шунда эзгу амалда турган барча одамлар адолатли салтанатда абадий яшайдилар. Зардушт одамларга абадий фароғатли жаннат ҳаётини ваъда қилади. Бунинг номи «беҳишт», яъни «Авесто»ча ваҳу-хишта – «яхши ҳаёт» демакдир. Зар-

<sup>1</sup> Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал. «Авесто китоби–тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2000, 14, 17-бетлар; Сагдуллаев А.С. Авесто тарихий географияни ўрганиш манбаи сифатида. «Авесто китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи» мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. Тошкент, 2000, 35–39-бетлар.

душтийлар анъанаси бу жаннатни 3000 йилдан кейин келади, деб ҳисоблайди. Ўшанда Зардушт тухумидан пайдо бўлган халоскор Саошйаната муқаддас сув остидан чиқиб, савобга дохилларнинг ҳаммасини Аҳриман яратган даужвах ( дўзах) хуружларидан кутқаради. Саошйаната келгач, эзгулик узил-кесил ғалаба қилади, дейилади.

Авестодаги қадимги географик ҳудудий тушунчалар – этник қабилалар ва вилоят номлари, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар, Авесто жамиятининг ижтимоий таркиби Ўрта Осиё халқлари этногенези ва илк давлатчилик тарихи учун ноёб манбадир. Унда ўзбек ва тожик, форс ва афғон, озарбайжон ва бошқа халқларнинг ибтидоий ва қадимий илоҳий тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ тушунчалар, афсона ва ривоятлар, фалсафий – ахлоқий қарашлар ўз аксини топган.

**Авестода ижтимоий-иқтисодий муносабатлар<sup>1</sup>.** Авесто жамияти тўрт ижтимоий босқичдан иборат: патриархал оила жамоаси – нмана, патриархал уруғ жамоаси – вис, қабила жамоаси – занту ва қабилалар иттифоқи – дахью. Дахью вилоят, мамлакат маъносини ҳам англатган. Оила, уруғ, қабила бошлиғини англатиш учун «пати» (ота) сўзи ишлатилган. Демак, оила бошлиғи – нманapati, уруғ оқсоқоли – виспати, қабила бошлиғи – зантupati, мамлакат сардори – дахьюпати деб юритилган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави», яъни диний, дунёвий ҳокимият эгаси бўлиб, унинг ҳарбий саркардасига «састар» сўзи ишлатилган. Састар одатда дахью пойтахтининг ҳокими бўлган, мамлакат ҳарбий ҳолатда бўлган кезларда унинг зиммасига ҳарбий қўмондонлик вазифаси юклатилган. Авестода ёзилишича, састар дахью округларидан бирини бошқариши ҳам мумкин бўлган. Унинг вазифасига мамлакат ҳарбий кучларига қўмондонлик қилиш ва пойтахт ёки ўлкани бошқариш кирган.

Састар ва кави атамалари иқтисодий ҳаёти дехкончилик хўжалиги асосида қурилган мамлакатлар бошқарув тизимида учрайди. Чорвадорлар жамоасида эса кави ва састар вазифаларини қабила жабғуси бажарган. Авесто жамияти таркибининг энг юқори босқичи – дахью этногенез нуктаи назаридан ёндашилса – бу нафақат йирик ҳудудий бирлик, балки маълум бир этник бирликнинг маъмурий ҳудуди ҳамдир. Шундай ҳудудий этник бирликлардан 16 тасини номлари Авестода тилга олиниб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида, муайян халқлар номи билан боғлиқ этник бирликлардир.

Авесто жамиятининг ҳудудий таркибида бир неча дахьюларни сиёсий жиҳатдан уюштирган дахьюлар конфедерацияси бўлган. Уларнинг тепасида дахью састи турган. Дахью састи – бу дахьюнинг давлат даражасига ўсиб чиққан бўғини. Масалан, Ахоманийларга қадар хорасмийлар етакчилик қилган сиёсий уюшмани (Яшт, 10 боб) дахью састи конфедерацияси дейиш мумкин. Марквард мана шу сиёсий уюшмани «Катта Хоразм» деб аташни таклиф қилган эди.

Ёзма манбаларда Ахоманийларга қадар «Қадимги Бақтрия подшолиги» бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳатто, унинг таркибига Марғиёна ва

<sup>1</sup> Муқаддас Авесто маълумотларининг ўзбек халқи этногенези ҳамда бевосита археологик объектлар билан боғлиқ таҳлил ва талқинлари ушбу сатрлар муаллифига тегишlidir.

Сугдиёна вилоятлари ҳам кирганлиги ҳақида қарашлар мавжуд. Бу сиёсий давлат уюшмасига Бактрия етакчилик қилган. Аммо, дахью састии қўл остидаги подшолик ҳали мутлақ ҳокимият эгаси эмас эди, унинг ҳуқуқлари дахьюпатилар томонидан чекланган эди. У фақат дахьюпатилардан ташкил топган кенгаши раиси, дахью састии уюшмасининг ҳуқуқи «ханчамана» томонидан чекланган подшоси. Бу сиёсий уюшманинг тепасида диний раҳбари, олий судьяси бор. У заратуштроэма деб аталади. У пайғамбар Заратуштра даражасидаги олий диний бошлик. Унинг розилигисиз дахьюпатилар ва дахью састилар ҳокимият тепасига кела олмайдилар.

Эзгулик худоси Аҳурамазда яратган мамлакатларда оқсоқоллар кенгаши «варзана», «ханчамана», умумжамоа мажлиси эса «въяха» деб юритилган. Авестода шаҳар ёки шаҳар жамоаси деган тушунчалар учрамайди. Авесто қадимги жамият аъзоларини тўрт тоифага бўлади: кохинлар, жангчи аскарлар, чорвадорлар ва хунармандлар (Ясна китоби, 19-боб). Авестода тилга олинган «баланд уйлар», «устунлар» иборалари Авесто жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосида бронза даври деҳқончилик жамоаларининг ҳаётини манзараси ётади.

Дарҳақиқат, агар ўша давр жамияти аъзолари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, қадимги деҳқончилик минтақаларида дастлаб бошқарув тизимининг тепасида кохинлар турган. Улар «чорва ва кенг яйловлар эгаси» ҳисобланган. Жангчи аскарлар бу орийлар бўлиб, кохинлардан кейинги мулк эгалари бўлганлар. Авестода асосий бойлик чорва ҳисобланган. Заратуштра ўз таълимотида «Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва эгаларига мен эркин юришни ва эркин ҳаётни таъмин қиламан» дейди (Ясна, 24. Гатлар). Ана шу эркин ҳаёт эгалари орийлар эди. Авестодаги чорвадорлар тоифаси эса кохинлар ва жангчи орийлар бойлиги – чорва мол-қўйлари ва йилқиларини боқувчи чўпонлардир.

Хунармандлар тоифасига келсак, улар меҳнат ва ҳарбий қурооллар, заргарлик, кулолчилик ва тўқимачилик касбини зироатчиликдан ажралмаган ҳолда олиб боровчи, яъни хўжалик юритувчи деҳқончилик жамоаларидир. Аммо, Авестонинг Ясна ва Яштларида деҳқончилик ҳақида маълумотлар учрамайди. Бундай маълумотлар Авестонинг Видевдат китобига киритилган (Видевдат, 3-боб).

**Авестода диний ва ахлоқий фалсафий қарашлар.** Заратуштранинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб, табиатда ва инсонлар ҳаётида ҳам давом этади. Аҳоли жойлашган дунёни зардуштийлар 7 та табиий қисмларга бўлганлар. Бу дунёнинг тарихи 12 минг йил давомида ривожланади, деб фараз қилганлар. Улар дунё ривожини тўрт босқичга бўлиб, ҳар бир босқич 3 минг йилни ўз ичига олган. Биринчи босқич – кўринмас маънавий дунё; иккинчиси – ерда одамзод ҳаётини бошланиши, яъни Гавамард (исломда Одамато)нинг пайдо бўлиш даври; учинчиси – «Олтин давр», яъни орийларнинг тарих майдонига чиқиш даври; тўртинчиси – пайғамбар Заратуштра вафотидан кейинги давр. Дунё тарихининг иккинчи босқичида ёвузликлар илоҳи Аҳриман (исломда Шайтон) фаолияти бошланади. Аҳриман Гавамардни ўлдиради, аммо ундан тарқалган эркак ва аёл инсонни-

ят уруғини давом эттиради. Авестога кўра, орийлар Гавамард фарзандларидан ташкил топган. Орийларни Авесто турларининг аслзодалари сифатида тасаввур қилиш мумкин. Учинчи босқич Йима (Жамшид) подшолик қилган «олтин» давр бўлиб, бу даврда одамлар бахтли ҳаёт кечирганлар. Дунё аҳолиси бир неча бор кўпайган, қушлар ва ҳайвонлар яшаши учун сайхон (одам оёғи етмаган) ерлар қолмаган. Ахурамазда маслаҳатига кўра, Йима ҳар 300, 600 ва 900 йил давомида инсонлар яшайдиган ерлар чегараларини кенгайтириб борган. Йима совук ва сув тошқинига қарши «вара» – тўртбурчакли қалъа қуришга асос солган. Демак, бу давр археологик даврий тизимда бронза ва илк темир даврига тўғри келади. Дунё тарихининг тўртинчи босқичида инсониятни ёвуз қучлардан халос этувчи, қутқарувчи Саошйаната исмли шахс пайдо бўлади, ер юзини ёмонликлардан тозалайди, гуноҳ иш қилган ва қилувчи одамларни йўқ қилади. Айнан шу даврда баҳодирларга ҳамду санолар тўқиш, ҳаёт ва ўлим фалсафаси, халқ оғзаки ижодиёти келиб чиқади. Бу давр кишилик тарихида «ҳарбий демократия даврига» тўғри келади. Тўртинчи даврнинг сўнгида «охирги замон» бошланади.

Заратуштрининг диний-ахлокий фалсафасида иймонли бўлиш, бунинг учун доимо тоза, пок юриш, иблисларга қарши ҳаракатлар қилиш, гуноҳ қилмаслик, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амаллар билан яшаш ҳар бир зардуштийнинг кундалик ҳаёт фаолиятининг мазмун ва моҳиятини ташкил этиш керак. Ахурамазда башоратларида жаҳаннам «ҳаётнинг энг ёмон онлари», осмон эса «руҳнинг энг юксак ҳолати» сифатида ифодаланади. Оламдаги ёмонлик ва ёвузликлар одамларнинг иймонсизлигидан келиб чиқади. Уларни бартараф этиш, бу истикболдаги вазифа бўлиб, иймонли кишилар буларни бартараф этишда фаоллик кўрсатишлари керак, дейилади.

Зардуштийлик динида иймон уч таянчга асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлигидир. Авестода «берган сўзнинг удасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-соғик ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш иймонлилик аломатидир» дейилган. Заратуштра фалсафасига кўра, одам ўлгач, унинг руҳи 3 кун ўз танасида бўлади, тўртинчи кунида гўзал қиз киёфасидаги фаришта кузатувида нариги дунёга «чинвот» (қил кўприк) кўпригидан ўтиб жаннатга кетади. Гуноҳкорлар эса чинвотдан ўтолмай жаҳаннамга ғарқ бўладилар. Яхшилар эса яна янги таналарда яшашни давом эттирадилар.

Авесто бу борлиқ дунёни одам учун синов майдони, деб тушунтиради. Зеро, инсоният, дастлаб, Йима подшо бўлган даврларда азалий-абдий бахт-саодат маконида касаллик ва ўлим кўрмай, олтин асрни бошидан кечирган. Йима минг йил подшо бўлиб, жаннатмакон юртни яратган. Унда мағрурлик ғолиб келиб, Ахурамазда ман этган таом – қорамол гўштини еб кўяди ва жазога тортилади. Натижада, унинг авлодлари, яъни барча одамзод тирикчилик дарди – ташвишларига гирифтор бўлади, яъни ейиш-ичиш заруриятига, касалликлар ва ўлимга юзма-юз бўлади. Аҳриман Ахурамазда танасидан ажраб чиқиб, ёвузликлар яратишга тутинади. Энди, дунёни азалий эзгулик бағрига қайтаришнинг бирдан-бир

йўли пок ҳаёт, ҳалол меҳнат, яратувчилик, ёвузликни қалбдан чиқариб ташлаш, иймон-эътиқодли бўлиш, мискинларга ёрдам бериш, яхши ният, яхши сўз ва яхши амалларга қўл уришдир. Шундай қилиб, Авесто дунёдаги энг қадимги дин – зардуштийлик таълимотини ахлоқий фалсафаси, бу китоб нафақат диний, балки кенг маънода тарихий ва адабий манба, ажодларимизнинг узоқ ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йиғиндисидир.

Авесто таҳлилига яқун ясаб шуни айтиш мумкинки, бу илоҳий, тарихий, адабий манба ўзида бир неча давр тарихини қамраб олган. Унинг энг қадимги қатлами «Гатлар» (муқаддас кўшиқлар) Заратуштрагача ўтган замонда таркиб топган. «Гатлар»да баён этилган воқеалар таҳлили, уни бронза даврида яратилганлигидан гувоҳлик беради. «Яшт»ларда архаика ва илк темир даври ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси мужассамлашган бўлиб, унинг таркибига «Гатлар» даври воқеалари омухталаштирилган. Давр жиҳатдан улардан ёш ҳисобланган Видевдат эса сосонийлар даврида (Шопур I даврида) таҳрир қилиниб китоб ҳолига келтирилади. Бунда анъанавий диний, фалсафий ва ахлоқий қарашлар давр руҳи билан омухталашган. Ҳар қалай, Авестони бир бутунликда таҳлил этганда шуниси аниқки, Заратуштра яшаган замонга қадар ибтидоий ажодларимиз турли қабилавий диний тасаввурларга амал қилиб келишган. Энди эса ибтидоий муносабатлар ўрнини дастлабки синфий жамият эгаллаётган давр бошланди. Бу даврнинг шаклланиши учун кучли мафқуравий ғоя зарурлиги сезила бошланди. Чунки, маҳаллий қабилавий динлар жамият тараққиётининг янги босқичга кўтарилишига тўсқинлик қилувчи кучга айланган эди. Бу мураккаб замонда ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириш, бу орқали уларни илк давлатчилик ғояси атрофига уюштириш зарурияти туғилди. Ана шундай заруриятни тўғри тушунган ўз замонасининг илғор кишилардан бири сифатида Заратуштра тарих майдонига чикди.

Ўз кавми, юрти Туронзаминда ўзига издошлар топа олмаган Заратуштра шимоли-шарқий Эрон вилоятларидан бири Бахдида, унинг кависи Виштасп ва унинг бутун хонадони ва аъёнлари томонидан яхши кутиб олинади ва шундан сўнг асоси бронза даврининг оташпарастлик диний тасаввурлари билан боғлиқ бўлган қарашларни аниқ бир тизимга солган дин шаклландики, бу диний ислоҳот тарихий шахс Зардушт номи билан боғлиқ бўлгани боис, зардуштийлик деб аталди. Ҳақиқатда, Зардушт диний ислоҳотчи сифатида ўша давр диний ва маънавий дунёсини яхлит бир тизимга солди. Бу яхлит диний тизим фанда Зардуштийлик дини номи остида ривож топади.

Биз юқориде Авесто жамияти нмана, вис, занту ва дахъюлардан ташкил топганини кўрдик. Ана шу қадимги жамият тизимининг энг юқори босқичи дахъюга этногенез нуктаи назаридан ёндашилса, дахъю нафақат йирик ҳудудий бирлик, балки маълум бир этник бирликнинг маъмурий ҳудуди ҳамдир. Шундай ҳудудий этник бирликлардан 16 тасини, масалан, Гава Суғуда, Бахди, Моури, Хороева, Тур ва бошқаларни номлари Авестода тилга олинади. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, муайян этник жамоалар номлари билан бевосита боғлиқ этник бирлик-

лардир. Айнан, ана шу Авесто манбаси туфайли қадимда Ўрта Осиё ҳудудларида туб жойли суғдий, бохтарий, хоразмий, марғуш, тур (сак) қабилалари яшаганлигини биламиз. Демак, Авесто маълумотлари ўзбек халқи этногенезини ўрганиш учун ҳам ноёб ёзма манба ҳисобланади. Чунки ўзбек халқи аجدодларининг икки ўқ илдизининг бири қадимги шимоли-шарқий эроний қавмлар, яъни суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар, Чоч ва қадимги Фарғонанинг туб жойли аҳолисидир.

**б) Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси Эрон Ахоманийларининг қоятош битикларида.** Авесто ривоятларига кўра, милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида Евроосиё даштларидан Ўрта Шарқнинг Форс кўрфази районларига кириб борган чорвадор орийлар аккад манбаларида тилга олинган «Эламту» («Тоғли мамлакат») мамлакатига жойлашадилар. Эламитлар ўз юртларини «Ҳотамту» деб атаганлар. Қадимги «Ҳотамту» («Эламту») ҳозирги Эроннинг жануби-ғарбий қисми ҳисобланади. Бу жойларда орийлар макон топгач, «Ҳотамту» Ориёна деб аталадиган бўлди. Авестода улар «арья» деб юритилган, яъни озод, эркин чорвадор қабилаларнинг суворий харбийлари бўлган. Улар шиддат билан маҳаллий парс (форс) дехқон жамоалари устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатиб, жануби-ғарбий эрон ҳудудларининг тўлақонли хўжайинига айланадилар. Мил. авв. VIII асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида уларнинг нуфузли сардорларидан бири Ахоман ўз сулоласига асос солади. Милоддан аввалги VII асрда унинг ўғли Чишпиш парс қабилаларининг иттифоқини тузади. Тахминан милоддан аввалги 640 йилга оид миҳхатларда Парсумаш, яъни Парсуа мамлакатининг подшоси сифатида Кир I тилга олинган. У бир неча маҳаллий подшоликларни бирлаштириб, ягона давлат барпо этган. Милоддан аввалги 559 йилда парс Кир II ҳокимиятга келади. Бу ҳақда милоддан аввалги 550 йилга оид Вавилон хроникасида Кир II Парсуани ҳукмдори сифатида тилга олинади.

Кир II нинг подшолик даврида Яқин Шарқда Мидия, Лидия, Вавилония ва Миср каби йирик давлатлар мавжуд эди. У аввал Мидияни босиб олиб, Эламини тўлиқ ўзига қаратди. Сўнг Вавилония ва Лидияни қўшиб олди. Сўнг Кир II нинг ҳужумлари Бактрияга ва сакларнинг ерларига қаратилди.

Милоддан аввалги 545–540 йилларда Ахоманийлар Бактрия, Партава, Марғиёна ва Суғдиёна вилоятларини бўйсундирадилар. Милоддан аввалги 530 йилда Кир II массагетлар юртига бостириб қиради. Кир II дастлаб Партава ва Каспий бўйи саклари устига юриш қилди, кейин Бактрия ва Амургия саклари устига, ниҳоят Орол бўйи саклари (массагетлар–А.А.) устига юриш қилади. Милоддан аввалги 530 йили Орол бўйи саклари (массагетлар) устига уюштирилган уруш Кир II учун муваффақиятсиз яқунланган.

Ахоманийларнинг истилочилик юришлари Доро I даврида янада авж олиб, милоддан аввалги 518 йилда Доро I Орол бўйи сакларини ўзига қаратади. Доро I даврида (милоддан аввалги 522–486 йилларда) Ахоманийлар сулоласи Ҳинд водийсидан то Ўрта Ер денгизига қадар ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Ана шу истилочилик урушларининг натижалари, яъни Ахоманийларга ўлпон (солик) тўловчи мамлакат ва халқлар номи Ахоманий подшоларининг Персеполь

шаҳридаги шоҳ саройига кўтарилувчи пиллапоя деворларида, Суза шаҳрида қад кўтарган Доро I ҳайкал ёзувларида келтирилган. Улар ҳақида В.В. Струвье, В.В. Бартольд, М.М. Дьяконов, И.М. Дьяконов, В.И. Абаев, М.А. Дандамаев, Э.А. Грантовский ва бошқалар кўп ёзганлар. Улар томонидан келтирилган маълумотларга кўра, Ахоманий подшоларининг битиклари қадимги форс тилида ёзилган турли ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларга доир подшо буйруқларидан ва нутқларидан иборат. Уларда Ўрта Осиё қадимги аҳолисининг этник номлари келтирилган. Бу этник номлар бутун бир вилоят ва қадимги подшоликда ҳозирги замон ўзбек ва тожикларининг аجدодлари қандай номлар билан аталганликлари ҳақида маълумот беради.

**Бихистун ёзувлари.** Бу Доро I даврида Кирманшоҳ ва Ҳамадон шаҳри ўртасидаги йўлда баланд қоятошда қадимги форс, элам ва аккад тилларида битилган. Ёзувда шоҳ Доро I номидан хабар берилади: «Мен—Доро, улуғ подшо, шаҳаншоҳ, мамлакатлар подшоси, Виштасп ўғли, Аршан невараси, Ахоманий. Ахурамазда иродаси билан қуйидаги давлатларни қўлимга киритиб, уларнинг подшоси бўлдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Лидия, Мония, Арманистон, Каппадокия, Партава, Дрангиана, Арья, Хваризам, Бактрия, Суғдиёна, Гандхара, Сака, Саттагадия, Арахозия, Мака. Ҳаммаси бўлиб 23 давлат». Шоҳ Доро I давом этиб, «Мен Бобилда бўлганимда, қуйидаги давлатлар мендан ажралиб чиқиб кетганлар: Парс, Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Партава, Марғиёна, Саттагодия, Сака». Бихистун ёзувида яна қуйидаги хабарларни ўқиймиз: «Марғиёна номли давлат мендан ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир одам ўзини вилоятнинг ҳокими деб эълон қилди. Кейин мен, Бактрия сатрапи, бўйсунувчи одамим парс Дадаршишни чакириб, унга гапирдим: «Менга бўйсунмаганларни тор-мор қилиш керак». Дадаршиш кўшинлари билан отланиб, марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам кўрсатди. Ахурамазда иродаси билан менинг кўшинларим қўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди... Мана мен Марғиёнада нималарни қилдим». Подшо Доро I яна ўз ютуқлари ҳақида сўзлашни давом эттириб, дейдики: «Бундан сўнг мен сакларга қарши улар юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўкки қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим. Уларнинг сардори Скунха исмли одамни тутиб, менинг хузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остига ўтди».

**Нақши Рустам.** Ахоманийларнинг Нақши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхатида Мидия ва Эламдан сўнг шарқий вилоятлар номлари бошланади. Доро сўзи: «Мен — Доро, улуғ подшо, шаҳаншоҳ, кўп қабилалар, мамлакатларнинг подшоси, кенг сайхон ерларнинг подшоси, Виштасп ўғли, Ахоманий, парс, парсининг ўғли, орийлар уруғидан келиб чиққан орий. Парсуа вилоятидан ташқари қуйидаги мамлакатларни мен бўйсундирганман, менга хирож тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунимга асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Арья, Бактрия, Суғдиёна, Хоразм... Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда... денгиздан нариги ердаги саклар» каби хабарлар битилган.

**Суза ёзуви.** Доро I нинг Суза шаҳридаги подшоҳ саройида ўрнатилган ҳайкалидаги ёзувларда Бактрия, Суғдиёна ва Хоразмдан ташқари «балчиқ ва тупрок ўлкаси саклари» тилга олинади. Сузадан топилган яна бир ёзувда Доро I эълон қилади: «Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узок юртлардан олиб келинган. Уака ёғочи – Ганхарадан, олтин – Сард ва Бактриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард – Суғдиёнадан, феруза – Хоразмдан, кумуш ва бронза – Арахозиядан, тош устунлар – Эламдан етказиб берилган».

**Персепо́л деворларидаги бўртма расмлар.** Персепо́л (Тахти Жамшид) шаҳрида Доро ва Ксеркс саройига олиб борувчи тош пиллапоё деворларига Эрон Ахоманийларига тобе мамлакатлардан хирож олиб келган вакиллар суратлари бўртма услубда ишланган. Ҳайкалтарош ҳар бир мамлакатдан келган вакилларни совға-саломлари билан шунчалар аниқ тасвирлаганки, уларнинг қайси бир халққа тегишли эканлигини аниқлаш қийин эмас. Чунки, суратларда уларнинг қиёфаси, кийим-бошлари, қуроллари, ҳатто, уларга хос анъанавий хайвон суратлари ҳам ўз аксини топган. Масалан, Суғдиёнадан келганлар деворий суратларда сакқизинчи қаторни ташкил этади. Улар етти кишидан иборат бўлиб, шоҳга кумуш идишлар, ипак матолари, номаълум хайвон териси (шер бўлса керак) ва икки кўйни етаклаб келаётгани тасвирланган. Ўн биринчи қаторда чўкки қалпоқ кийган тиграхауда саклари тасвирланган. Улар кийим-бошларни кўтариб, дашт отини етаклаб бормоқдалар. Ўн бешинчи қаторда бактрияликларнинг беш вакили асл металлдан ишланган қимматбаҳо идишларни кўтариб ва икки ўрқачли туяни етаклаб бормоқда. Ўн еттинчи қаторда хоразмликлар, уларнинг қўлларида дудама ханжар, жанговар ҳарбий болта, билагозук ва жайрон отни етаклаб бормоқдалар.

Шундай қилиб, Персепо́л суратлари Суғдиёна, Бактрия, Хоразм халқлари ва сак қабилаларининг нафақат кийим-бошлари ва уларга хос хунармандчилик ҳақида, балки бизни қизиқтирган жабха – Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари этник таркиби тўғрисида ноёб маълумотлар беради. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг туб жойли аҳолиси тўғрисидаги тасаввурларимизни бойитади. Умуман олганда, Ахоманий битикларида қадимда яшаган юртимиз халқларининг вилоятлари, халқларининг номлари, сиёсий жараёнлар (Фрада кўзғолони), саклар юртига қарши юришлар, иқтисодий ҳаёт ва моддий маданият тўғрисида илмий-манбавий маълумотларга эга бўламиз.

#### **IV. 2. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ҳақида юнон муаллифлари**

Қадимги дунё тарихида Шарқ билан Ғарбни бир-бирлари билан боғлаб турган қарвон йўллари (улар тарихда «Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», «Буёқ ипак йўли», «Нефрит йўли» ва бошқалар) мамлакатлар иқтисодий ҳаётида катта ўрин тутган. Ана шу йўлларнинг муайян қисмини назорат қилиш ва назорат ҳудудларини кенгайтириш мақсадида турли баҳоналар ва сабаблар қидирилиб, асосий мақсад йўлида мамлакатлараро урушлар бўлиб турган. Ана шундай жангу жадаллардан бири милоддан аввалги VI–IV асрларда қадимги форслар билан юнонлар ўртасида



олиб борилган урушлар эди. Қадимги дунёнинг бу икки буюк империялари (Ахоманийлар ва Юнонистон) ўртасида бошланган урушларда Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳам қатнашганлар. Шу муносабат билан юнон муаррихлари Ўрта Осиё халқлари ҳақида тарих учун қимматли маълумотлар қолдирганлар. Айниқса, қадимги Юнонистоннинг юксак илмий ва маданият марказларидан бўлган Кичик Осиё шаҳарлари, улардан чиққан олиму фузалолар: тарихчилар, географлар ва тарих билан қизиққан турли соҳа йилномачилари Эрон ва Турон-заминнинг қадимги халқлари ҳақида кўп қизиқарли маълумотлар берадилар. Манбалардан маълум бўлишича, қадимги юнонлар тарихи Иониянинг Милет шаҳрида шаклланиб, тарих сўзи иония тилида «тадқиқот», «изланиш» маъноси-ни беради. Милет тарих мактабининг милоддан аввалги VI асрда ўтган вакиллари-дан бири Гекатей бўлиб, у ўзининг «Ер куррасининг тасвири» асарини Осиёга бағишланган қисмида хорасмийлар ҳақида биринчи бор маълумотлар берган. Шунингдек, Гекатей маълумотларига асосланиб, хорасмийлар ва уларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига кўчиб борган авлодлари ҳақидаги илк хабарларни Кичик осиелик тарихчи Геродотнинг «Тарих» асарида ўқиймиз<sup>1</sup>. Бу ҳақда Афинея, Степан ва бошқалар ҳам ёзишган. Масалан, Афинея ёзади: «Милетлик Гекатей Осиёни тасвирлаб шундай дейди: «... парфларнинг шарқида текисликлар ва тоғларни ишғол қилган хорасмийлар яшайди. У тоғларда ёввойи дарахтлар, тол, юлғун, тиканлик кинара ўсади». Степан эса «Хорасмия: парфларнинг шарқидаги шаҳар. Гекатей Осиёни тасвирлаб, шундай дейди: «Уларнинг шаҳри Хорасмия»<sup>2</sup>.

Геродот (мил. авв. 484–425 йиллар оралиғида яшаган) Кичик Осиё шаҳарлари, Вавилон, Финикия, Кипр ороли, Македония, Марказий Греция (Афина), Қора денгиз соҳиллари, Эгей денгизи ороллари, умуман қадимги дунё мамлакатлари ва шаҳарларининг кўпчилигида бўлган. У ўзининг 10 йиллик саёҳати давомида (мил.авв. 455–445) Ливия, Миср, Осурия, Бобил, Экбатанада бўлиб, тўплаган барча материаллари асосида 9 жилдди «Тарих» асарини ёзган. Геродотнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақидаги маълумотлари «Тарих» асарининг I, III, VII, IX жилдларида ўз аксини топган. Асарда тарихий воқеа ва ҳикоялар кетма-кет, афсона, миф, нақл, ривоят, эртак, масал ва уларнинг асосий мазмуни орасига киритилган қистирма ҳикоялар тарзида берилади<sup>3</sup> (Масалан, Тўмарис ва Кирнинг ҳалокати ҳақидаги ҳикоя ва бошқалар).

Геродотнинг «Тарих» асарида бизни қизиқтирган масала сак (скиф), массагет, хорасмий ва Хоразм, исседон ва дай, фарф ва маргуш, суғд ва парикан каби Ўрта Осиёда қадимда яшаган ўтроқ ва кўчманчи халқлар ҳақидаги маълумотлардир. У Кирнинг массагетлар устига юриши ва ҳалокати сабабларини ёритади<sup>4</sup>. Скиф халқлари ҳақидаги маълумотлар «Тарих» китобининг 4-жилдида берилади. У Шарқ халқларини менсимай, «варвар» деб қарамайди. Унинг учун Шарқ ин-

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих», том III, 117-бет.

<sup>2</sup> Пьянков И.В. Хорасмий Гекатей Мимлетского. ВДИ, № II, 1972. С. 6.

<sup>3</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. – Т.: 1997. – 48-бет.

<sup>4</sup> Геродот. «Тарих», том I. 201, 204–215-бетлар.

соният маданияти, донишмандликнинг ўчоғи<sup>1</sup>, унинг фикрича геометрия, офтоб соати, қонуният, қуроллар, ёзув маданияти кабилар Шарқдан келган<sup>2</sup>.

Геродотнинг қадимги Ўрта Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, Ахоманий ҳарбий кўшинлари сафида аждодларимиз жангчиларининг фаол иштироки, уларнинг қурол-аслаҳалари, йўлбошчилари, жангларда уларнинг кўрсатган жасоратлари, аждодларимизнинг Ахоманийлар асоратига тушиб катта хирож тўлашлари, Акес дарёси сувларидан фойдаланиш масаласида туғилган можаролар ва бошқалар ҳақида боради. Геродот ҳеч қачон Ўрта Осиё вилоятлари ва шаҳарларида бўлмаган. Шунинг учун унинг Ўрта Осиёни тарихий географияси ҳақидаги маълумотлари илмий изланишларни талаб қилади. Масалан, Геродот массагетларнинг ҳудудий жойлашуви ҳақида бундай ёзади: «Улар шарқда, куёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида жойлашганлар... Аракс дарёси Матиёна тоғларидан бошлаб оқади». Тадқиқотлардан маълумки, Аракс – бу Амударё. Матиёна тоғлари – Помир ёки Ҳиндикуш тоғларидир. Чунки, Геродотнинг ёзишича, Матиёна тоғларида Ҳинд дарёси бошланади.

Геродот «Тарих» асарининг III китобида (117-боб) Акес суви можаросида Скилак ва Гекатейдан олган маълумотларига асосланиб куйидагиларни хабар қилади: «Осиёда ҳар тарафидан тоғ билан қуршалган бир водий бор, тоғда бешта дара бор. Бир вақтлар бу ерлар хорасмийларга қараган ва хорасмийлар гиркан, парфян, саранг ва фаманейларга чегарадош бўлган. Ана шу водий атрофидаги тоғлардан Акес деб аталувчи катта дарё оқиб тушган. Шу дарё беш ирмоқка бўлиниб, юқоридаги халқлар ерларини суғорган... Аммо, форсларга қарам бўлгандан кейин бу халқлар мана қандай аҳволга тушдилар. Шоҳ тоғ дараларини беркиттириб, тўғон дарвозалар қурдиради. Водийда сунбий кўл ҳосил бўлади. Илгари шу сувлардан фойдаланиб келган қабилалар энди бу имкониятлардан маҳрум бўлиб, даҳшатли ҳолатга тушадилар. Қишда, албатта, бошқа жойлардагидек, илоҳият уларга ҳам намгарчилик юборади, ёзда эса улар экадиган тарик ва кунжут доим сувсиз қолади. Мутлақо сувсиз қолганда улар хотин, бола-чақалари билан Парсуага борадилар, шоҳ саройи қаршисига туриб олиб баланд овозлар билан ачинарли ҳолда фарёд қиладилар. Улардаги сув танқислигини кўрган шоҳ арзғўйлар томонидаги тўғон дарвозаларини очишни буюради. Ерлар суғорилгач, яна тўғонни беркитишни буюради, энди бошқа сувга ташна қabila ерларига сув очадилар. Бироқ, мен билдимки, тўғон дарвозасини очиш учун шоҳ катта пул (божлардан ташқари) олар экан. Ишлар ана шундай»<sup>3</sup> Геродот асарида келтирилган бу эпизоддан Ахоманийлар ҳукмронлиги остида аждодларимиз, айниқса, оддий меҳнатқаш жамоалар аҳволи қанчалик оғир бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Геродот келтирган мана шу эпизоддан келиб чиқиб, Тарн, Альтхайм, Хеннинг, Пьянков, Гафуров ва бошқалар хоразмликлар дастлаб Марв – Хирот атрофида

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих» I том, 4; II том, 4-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, II том, 109, 177-бет; IV том, 180-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, III том, 117-бет.

яшаганлар, кейинчалик Ахоманийлар сиқуви натижасида ҳозирги жойларига кўчиб келган бўлсалар керак, деб фикр юритганлар. Тадқиқотчилар, айниқса В.А. Лившиц қадимги Хоразм тили Авесто тилига яқин, деган хулосага келади. Шу фикрдаги олимлар (В.В. Струве, И.М. Дьяконов, В.Г. Луконин, М. Мэри Бойс, С.П. Толстов, М. Исҳоқов ва бошқалар) Авестонинг энг кўхна қисмлари, яъни Гат мадҳиялари Хоразмда яратилган, дейдилар. Эҳтимол, Гат гимнлари Хороевада (Ҳиротда) яратилиб, хорасмийлар уни ўзлари билан (милоддан аввалги VI асрнинг охири чорагида) Амударё куйи ҳавзаларига олиб келган, дейиш тўғрироқдир. Бу вариантда ҳам Авестонинг «Гатлари» хоразмликлар жамоасида яратилганлигини тасдиқлайди.

Геродот Бактрияни кўп тилга олади. Кир II нинг ҳарбий юришларига «Бобил, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар» деб ёзади Геродот<sup>1</sup>. Геродот маълумотларида берилган «Бактрия халқи» тушунчаси маълум бир этник бирликни англатади. Халқ маъносини берувчи «этнос» сўзи Геродот «Тарих»ида кўп учрайди.

Геродотнинг ёзишича, Доро I Ахоманийлар давлатини 20 та сатрапликларга бўлиб бошқарган. Шундан 3 таси Ўрта Осиё ҳудудлари билан боғлиқ жойлардир. Масалан, «Тарих» китобида қуйидагиларни ўқиймиз: «Бактрияликлардан элларгача бўлган халқлар 300 талант (бир талант 33,655 кг кумушга тенг – А.А.) солиқ тўлаганлар. Бу – ўн иккинчи ўлка»<sup>2</sup>. «Саклар ва каспийлар 250 талант тўлаганлар. Бу ўн бешинчи ўлка. Парфянлар, хорасмийлар, суғдлар ва арийлар 300 талант тўлаганлар. Бу ўн олтинчи ўлка»<sup>3</sup>. Геродот аждодларимизнинг этник таркиби, уларни кийим-боши, ҳарбий қуролилари ҳақида ҳам маълумотлар беради, яъни «Бактрияликларнинг бошларига кийган қалпоқлари мидияликларникига жуда ўхшаган, улар тростникдан ясалган ўк ва калта найзалар билан қуролланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун чўққили қалпоқлар кийган. Улар кенг шалвар кийганлар, сак камони ва ханжарлари билан қуролланганлар. Булардан ташқари уларда яна сагарислар, яъни икки тигли жанговар ойболталар бўлган. Ушбу қабила (айнан скиф қабиласи) амюргия саклари деб номланган. Форслар скифларнинг ҳаммасини саклар деб атайдилар. «Парфянлар, хорасмийлар, суғдлар, гандарийлар ва дадиклар бактрияликларнинг қуролирига ўхшаган яроғ-аслаҳалар билан ҳарбий юришга кирганлар. Уларнинг йўлбошчилари: парфян ва хорасмийларда Фарнакнинг ўғли Артабаз; суғдларники – Артей ўғли Азан бўлган»<sup>4</sup>. «Бактрия чавандозларининг қуролири пиёда аскарлар қуролирига ўхшаган, худди каспийларникини ўзи эди... Каспийлар ва париканийлар ҳам худди пиёда аскарлардек қуролланган эдилар. Араблар ҳам худди пиёда аскарлардек қуролланган эдилар, аммо уларнинг барчаси туяларда шундай тез чопар эдиларки, улар тез юришда сипоҳийлардан қолишмас эдилар»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих», I том, 153-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, III том, 92-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, III том, 93-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар, VII том, 66-бет.

<sup>5</sup> Ўша асар, VII том, 86-бет.

Геродот 9 жилдли «Тарих» асарининг I китобида Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақидаги ҳикояларини айнан массагетлардан бошлайди: «Бу халқларни ўзига тобе қилгандан сўнг, – дейди Геродот – Кир массагетларни истило қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу массагетлар, айтишларича, жасур ва беҳисоб қабиладир. Улар шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёғида исседонларга рўпара бўлиб жойлашганлар. Баъзилар уларни скиф қабиласи деб ҳисоблайдилар»<sup>1</sup>. «Баъзиларнинг айтишига кўра, Аракс Истрадан катга; бошқалар эса, аксинча, бу дарёни кичик деб ҳисоблайдилар. Аракс дарёсида ороллар кўп... Бу оролларда яшовчи одамлар ёзда мевали дарахт ҳосилини йиғиб, кишга қуритадилар... Массагетлар гулхан атрофига йиғилишиб, пишган меваларни оловга отадилар. Улардан чиққан хиддан, эллилар вино ичиб маст бўлганларидек, кайф қиладилар. Оловга қанча кўп мева ташланса, ундан чиқадиған хид кўпайиб, бадмаст бўладилар. Сўнг, ўринларидан туриб ўйнашадилар, ашула айтишадилар. Бу қабилаларнинг турмуш тарзи ҳақида шундай ҳикоя қиладилар. Араксининг бир ўзани ...Каспий денгизига қуйилади. Каспий денгизи бошқа сув омборлари билан боғланмаган денгиздир<sup>2</sup>. «Массагетларнинг кийим-кечаклари скифларникига ўхшайди ва турмуш тарзи ҳам ўхшаш. Улар отда ва пиёда юрадилар. Одатда, уларнинг қуролилари камон, найза ва жанговар ойболталардан иборат. Уларнинг ҳамма нарсалари олтин ва мисдан ишланган. Аммо, барча санчик, ўқ ва ҳарбий болталарнинг металл қисми мисдан ишланган (бронзадан демоқчи – А.А.), бош кийимлари, бел камари олтин билан нақшланган. Улар отларининг эгар-жабдуқларини ҳам уст-бошлари каби олтин билан безатадилар. Темир ва қумушдан ясалган буюмлар уларнинг рўзғорида ишлатилмайди, чунки бу металллар массагетларнинг ерларида умуман учрамайди. Аммо, уларда олтин ва мис жуда кўп»<sup>3</sup>.

Массагетлар буғдой экмайдилар, чорвачилик ва балиқчилик билан шуғулланадилар (Араксда балиқ ҳаддан ортик) ҳамда сут ичадилар. Массагетларда улуғланган ягона худо – бу Қуёшдир. Қуёшга улар отни қурбонлик қиладилар. Чунки, худога дунёдаги энг чакқон, тез чопар жонликни қурбон қилиш лозим деб ўйлайдилар»<sup>4</sup>.

Милоддан аввалги 530 йилда Кир II массагетлар устига юриш қилади. Геродотни ёзишича, шу кезларда массагетлар подшоси ўлган бўлиб, унинг ўрнига бева хотини – Тўмарис подшолик қиларди. Геродот ушбу воқеани қуйидагича ҳикоя қилади: «Массагетларнинг подшоси ўлган шохнинг беваси эди. Унинг номи Тўмарис эди. Кир II уни хотинликка олиш баҳонасида, унга совчилар юборади. Аммо, Тўмарис Кирни унга уйланиш учун эмас, балки массагетлар подшогини эгаллаш учун шундай қилганини тушуниб қолади ва унга рад жавобини беради. Кир айёрлик йўли билан ўз мақсадига ета олмагач, массагетлар юртига очик уруш эълон қилади. Дарёдан (Араксдан) қўшинни ўтказиш учун

<sup>1</sup> Геродот, «Тарих», I том, 201-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, I том, 202-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, I том, 215-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар, I том, 216-бет.

подшо сол-кўприк (понтонный мост) куришга буюради, кўприк устига эса минора курдиради. Кир қўшинлари бу ишлар билан бандлигида Тўмарис Кирга вакил юбориб, «Мидияликлар подшоси! Кўприк куришни тўхтат! Сен олдиндан билмайсан-ку, бу ишларинг сенга фойда келтирадимми ёки йўқ. Шаштингдан қайт, ўз мамлакатинга подшолик қилавер, бошқалар юртига кўз олайтирма. Лекин сен, албатта, маслаҳатимга кўнмайсан, тинчликни ўйламай, ўз билганингдан қолмайсан. Агар сен массагетлар устига ҳарбий юриш қилишни жуда истаётган бўлсанг, дарёга кўприк куришни тўхтатгинда, дарёдан биз томонга бемалол кечиб ўтавер, мен қўшинларимни соҳилдан уч кунлик йўл нарига олиб кетаман. Агар сен истасанг, соҳилдан уч кунлик йўл нарига қўшинингни олиб кет, мен дарёдан кечиб ўтай, сенинг юртинг чегараларида жанг қилайлик». Шундан сўнг Кир амалдорлари билан маслаҳат кенгаши ўтказди ва Тўмарисни қўшинлари билан ўз ерларида қарши олишга келишадилар.

Аммо, йиғинда катнашганлардан бири – лидиялик Крез бундай қарорга келиш қатта хатоликка йўл қўйиш билан баробар эканлигини шохга исботлайди ва дейди, «Агар душманни ўз еринга киритсанг, сенга қатта хавф туғилади: мағлубиятга учраб, мамлакатинг бошига офатлар келтирасан. Чунки, массагетлар ғалабадан сўнг ўз юртларига осонликча қайтиб кетмайдилар, аксинча мамлакатинг ичкарасига босиб бораверади. Агар сен ғолиб чиқсанг, сенинг ютуғинг унчалар қатта бўлмайди. Бу ютуқ уларнинг ерларида юз берса, сен уларни ўз юртларида қувлайсан. Мен ҳар икки ҳолатни таҳлил қилиб, шундай хулосага келдимки, сен душманни ўз ерида енгиб, тўғридан-тўғри Тўмарис юртига кириб борасан. Менимча, дарёдан ўтиб, улар юртига кириб олайлик, қани душманларимиз қанчага чекинади экан, сўнг улар устидан ғолиб чиқиш йўлларини ўйлайлик» деб, Крез ўз режасини баён қилади. «Билсам, массагетлар аслзодаларга хос форс турмуш тарзидан мутлақо беҳабар ва улар (массагет жангчилари – А.А.) шохона дастурхон кўрмаган эканлар. Ҳарбий лагерда кўпгина кўйлар сўйилиб, тўкин дастурхон тўзаб, кичик бир гуруҳ билан керагидан ортиқ вино ичимликлари қолдириш режалаштирилади. Асосий қўшин эса дарё томон чекиниши керак. Агар мен адашмасам, – дейди Геродот, душман лагерида қолдирилган қисмни массагетлар енгиб, лагерда тузалган тўкин дастурхонга ташланадилар, маишат бошланиб кетади. Мўл-қўл винолардан бадмаст бўлган душман устига Кир қўшинлари ёпирилиб ташланадилар ва буюқ ғалабага эришиш имкониятлари яратилади»<sup>1</sup>.

«Кир биринчи маслаҳатдан воз кечиб, Крез таклифини қабул қилади. Сўнг, шох Тўмарисга хабар юбориб, уни чекинишга, дарёдан ўтиб олиб, унинг ерида жанг қилишга тайёр эканлигини билдиради. Малика ваъдасига биноан ўз қўшинлари билан чекинади. Кир эса ўғли Камбизни валиаҳд қилиб тайинлаб, унга Крезни ҳурмат қилишга ва (урушда бирон ҳол юз бергудек бўлса) доимо ғамхўрлик қилиб юришни топширади. Шундан сўнг, Кир Крез билан Камбизни Персидага жўнашга руҳсат беради, ўзи эса қўшинлари билан дарёдан кечиб ўта бошлади.

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих», I том, 205–207-бетлар.

Араксдан ўтгач, массагетлар ерида Кир туш кўради. Тушида у ўз лашкарбошиларидан бири Гистаспни катта ўғли елкасида қанотлар ва у қанотларни бири Осиёни, иккинчиси Оврўпани ёритиб турган эмиш. Арсам ўғли Гистаспнинг энг катта фарзанди, Ахоманийлар уруғидан бўлган Доро ўша вақтда 20 ёшларда бўлгани учун ҳарбий хизматга олинмай Персуада қолиб кетган эди. Уйғониб Кир кўрган туши устида ўйлай бошлайди. Сўнг, у ҳузурига Гистаспни чақириб, гувоҳларсиз дейди: «Гистасп! Сенинг ўғлинг менга ва менинг давлатимга хавф солмоқда. Бу менга аниқ маълум бўлди. Чунки, худолар менинг ҳақимда қайғурмоқдалар. Хуллас, тушимдан маълумки, сенинг ўғлинг менинг жонимга қасд қилмоқчи. Шунинг учун Персуадага тезроқ қайтгинда ўғлингни жазога торт, мен массагетлар юртини таслим этгач, уйга қайтаман» дейди<sup>1</sup>.

Кирнинг тушида илоҳларнинг маълум қилишича, массагетлар билан бўладиган жангда унинг ҳалокати, подшолик эса Дорога ўтиши аён бўлади. Каттик ташвишга тушган Кирни кўнглини кўтариш мақсадида, «эй олам-паноҳ! Сени ўлимнинг истаган кимсани форс бўлиб туғилгандан кўра, тезроқ ўлгани яхши эди. Сен форсларни қулликдан озод этиб, барча халқлар устидан ҳукмронлик қилишни таъминладинг. Агар сенинг тушларинг менинг ўғлимни исёнкор эканлигини аён қилган экан, мен уни сенинг кўлингга топшираман, уни нима қилишликни ўзинг ҳал қил!»<sup>2</sup> деб, Персуадага жўнайди.

Кир эса ўз кўшинлари билан Араксдан ўтиб, бир кун йўл босади ва Қрез маслаҳатига кўра, лагерь қуриб, энг заиф кўшинларидан бир қисмини тўкин дастурхон билан қолдириб, ўзи яна асосий кўшин билан Аракс бўйига қайтади. «Массагетлар армиясининг учдан бир қисми билан Кир II қолдирган кўшин ўртасида каттик жанг бўлади. Жангда форслар кўшини енгилади. Ғалабадан хурсанд массагетлар тузаб кўйилган тўкин дастурхонга ташланадилар, майшат бошланади. Массагетлар бадмаст бўлишиб, барчаси уйкуга кетган пайтда, Кир кўшинлари пайдо бўлиб, бир қисм массагетларни киради, қолганларини осонгина асир оладилар. Асирлар орасида малика Тўмариснинг ўғли, массагетлар сардори Спаргалис ҳам бўлган эди»<sup>3</sup>.

Геродот ўз ҳикояларини давом эттириб: «Малика Тўмарис ўз кўшини ва ўғли билан юз берган воқеадан хабар топгач, Кирга элчи юборади ва: «Қонхўр Кир! Қувонма, бу ютуғинг билан. Узум виносини ичганда сизлар ҳам эс-хушингизни йўқотасиз, сўзлаганда маънисиз, нолойик иборалар ишлатасиз, ҳалол жангда қурол кучи билан эмас, балки шундай ифлос йўллар билан ўғлимни қўлга олдинг. Энди менинг сўзимга қулоқ сол: ўғлимни бер ва яхшиликча менинг ерларимдан кет, кўшинимни учдан бир қисмини яксон қилишга эришдинг. Агар сен шундай қилмасанг, массагетлар илоҳи – Қуёш худоси олдида қасамёд қиламанки, мен сени – қонхўр жаллодни, қонингга тўйдираман»<sup>4</sup>, дейди. Аммо, Кир элчи

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих», I том, 208–209-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, I том, 210-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, I том, 211-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар, I том, 212-бет.

сўзларига эътибор бермади, жангга отланди. Малика Тўмарис ўгли Спаргапис эса мастликдан ҳушига келгач, ёмон аҳволга тушиб қолганини тушунади, занжирбандликдан озод қилишликни Кирдан илтимос қилади. Валиаҳд қўллари кишандан озод этилгач, нодонлик қилиб қўйганлигидан орият қилиб, ўзини ўзи ўлдиради»<sup>1</sup>.

«Кир Тўмарис таклифини эътиборга олмагач, малика бор кучи билан форслар устига ташланди. Бу жанг, менинг назаримда варварлар билан бўлган тўқнашувларнинг энг дахшатлиси эди. Жангни бориши билишимча бундай бўлган. Аввало, ҳар икки томон бир-бирларига қарама-қарши туриб олиб, узоқдан камондан ўқ отишган. Ўқдонлар бўшагач, найза ва ханжарлар ёрдамида олишув бошланган. Томонлар узоқ олишадилар, ҳеч ким чекинишни истамайди. Ниҳоят, массагетларнинг қўли баланд келади. Деярли форс қўшинлари ва Кир ҳам жангга ҳалок бўлади. У 29 йил подшолик қилган эди. Тўмарис Кир танасини ўликлар ичидан топтириб, унинг калласини одам қонига тўлдирилган чарм мешга солишни буюради. Сўнг, мағрур она ўз қўшини ва асирлар олдида нутк сўзлайди: «Сен ўғлимни ҳийлаю найранг ишлатиб қўлга туширдинг ва нобуд қилдинг. Мен эса ҳаётман ва сени жангга енгдим. Шунинг учун сенга мен айтган эдим, қонингга тўйдираман»<sup>2</sup>. Бу хабарларнинг охирида Геродот бундай хулосага келади: «Кирнинг ўлими ҳақидаги кўпдан-кўп ҳикоялар орасида менимча, бу ҳикоя энг ишончлидир»<sup>3</sup>.

Геродотдан аввал аждоқларимиз ҳақида илк хабарлар келтирган бошқа бир юнон тарихчиси милетлик Гекатей бўлиб, у милотдан аввалги VI–V асрларда яшаб, юртимиз қадимги халқлари ва Ахоманий империяси ўлкалари рўйхати ҳақида хабар берган. Унинг маълумотларидан Геродот ва Ктесийлар ўз асарларида фойдаланганлар. Хорасмийлар ва уларнинг Амударё қуйи хавзаларига кўчиши ҳақидаги маълумотларни эса у Скилакнинг «Саёҳатнома»сидан олиб, ўзининг «Ер куррасининг тасвири» асарида баён этган.

**Ктесий.** Геродотнинг тарихий анъаналарини давом эттирган Кичик Осиёдаги Книд шахридан чиққан юнон тарихчиси. У милотдан аввалги V аср охири ва IV асрнинг биринчи ярмида Ахоманийлар саройида шох Артаксеркснинг шахсий табиби сифатида 17 йил хизмат қилган. Қадимги юнон афсоналари таъсирида тарбияланган Ктесий подшо саройида Шарқ халқлари дostonлари ва тарихи билан жуда қизиққан. Шунинг учун у қадимги Шарқ давлатлари, шаҳарлари ва халқлари ҳақида талай маълумотлар тўплаб, «Ҳиндистон тасвири», «Персика», «Осиё солиғи ҳақида», «Ер тасвири», «Тоғ ҳақида», «Дарёлар ҳақида» асарларини ёзган. Аммо, уларнинг биронтаси ҳам бизгача тўлиқ сақланиб қолмаган, кейинги давр муаррихлари баёнида, айниқса, Диодорда келтирилган парчаларда сақланган. Ктесий айниқса, Ҳиндистон ва Бақтрия тарихига тегишли маълумотларга катта эътибор беради. Чунки Ҳиндистон ва унга чегарадош Қадимги

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих», I том, 213-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, I том, 214-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, I том, 214-бет.

Бақтрия подшолиги юнон тарихчиларининг фикрига кўра, дунёнинг шарқий чегараларидаги охириги давлат бўлган. Унга чегарадош Қадимги Бақтрия эса олтин ва лаъли ложувард тош конларига бой ўлка бўлиб, унинг найзабоз ва камончи чавандозлари Эронда машҳур эди.

Ктесий асарида тарихий воқеалар, ривоятлар билан аралашган бўлса-да, айниқса, Бақтрия, бақтрия халқи, унинг тарихига қизиқувчилар кўламининг кенглиги билан қимматлидир. Ктесий Оссурия подшоси Нин ва Бақтрия подшоси Оксиарт (бошка манбаларда Заратуштра) урушлари ҳақида, Кир II нинг бақтрияликлар билан тўқнашуви тўғрисида ҳикоя қилади; Бақтриянинг жуда кўп истехкомлари ва қалъалари тўғрисида, унинг баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган пойтахти Бақтра номли шаҳар бўлгани, унда подшо қасри жойлашгани тўғрисида маълумотлар келтиради ҳамда шу шаҳарни қамал қилган Оссурия подшоси Нин тўғрисида куйидагиларни ёзади: «Нин бақтрияликларга қарши юришни бошлаган. У Бақтриянинг қалъалари, аҳолисининг кўплиги ва жасурлиги ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсундирган халқлардан кўп сонли кўшинларни йиғиб олган. Шу кўшинларга сардор бўлиб, Нин Бақтрия юртига бостириб кирган, аммо вилоятдаги хилма-хил тоғ даралари ва йўллар уни кўшинларини бир неча қисмларга бўлишга мажбур қилган». Матн мазмунидан маълумки, Нин кўшинлари Бақтра шаҳри деворларини бузиб, қалъа ичига кира олмаган.

Кўп тадқиқотчилар томонидан шубҳа остига олинган Ктесий маълумотлари археологик тадқиқотларда ўз тасдиғини топмоқда. Ҳозирги кунда Бақтрия тупроғида милоддан аввалги I мингйилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ қишлоқ-кўрғонлар, қалъалар ва шаҳар қолдиқлари топиб ўрганилган. Биргина Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Пшактепа, Бешкўтон, Талашкан, Жондавлат, Бандихон, Бўйрачи, Қизилча, Обишир, Шўртепа каби ёдгорликларни эслаш кифоя. Улар мудофаа деворлари, мудофаа буржлари билан мустаҳкамланган қалъалар ва кўрғонлардир. Қадимги аҳоли у даврларда суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Уй қурилиши, диний ва дунёвий монументал бинолар қурилиши, кўп тармоқли ҳунармандчилик ва савдо-сотик, айниқса, унинг кулолчилик, металлургия, заргарлик, тўқимачилик ва кўнчилик соҳалари Бақтрияда юксак даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Агар Авестода Бақтрияни «энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири бўлган, баланд байроқли, гўзал ўлка» деб таърифланса, юнон муаллифлари «минг шаҳарли давлат» деб атайдилар. Геродотдан олдин «бақтрия халқи» тушунчасини буюк Эсхил «Форслар» трагедиясида ишлатади ва форсларда ёш бақтриялик жангчилардан Тенаган ва Аритом исмларини тилга олиб, уларни Саламин жагида (милоддан аввалги 480 йилда) қаҳрамонларча курашиб ҳалок бўлганини эслайди.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида аниқ ва ишонarli маълумотлар Искандар тарихчилари ва улардан кейин ўтган юнон муаррихлари каламига мансубдир. Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандарнинг Бақтрия ва



Суғдиёна ерларига ҳарбий юришларида, унинг қўшини билан бирга бўлажак тарихчилар – Птолемей, Аристовул, Онесикрит, Каллисфен ва Харесслар хизмат қилиб, турли хил сиёсий ва маданий воқеликларни ёзиб борганлар. Аммо, бу маълумотлар уларнинг ўзлари томонидан ёзилган махсус асар сифатида бизгача етиб келмаган бўлса-да, у маълумотлардан сўнгги давр юнон тарихчилари ва географлари кенг фойдаланганлар. Масалан, Диодор (мил. авв. 90–21 йиллар) «Тарихий кутубхона», Страбон (мил. авв. 64–24-йиллар) «География», Помпей Трог (мил. авв. I–милодий I аср) «Филипп тарихи» асарини, Плутарх (милодий 46–127 йиллар), Клавдий Птолемейлар (милодий II аср) ўз ҳикояларини, Плиний (милодий I аср) «Табиий тарих» номли китобини яратдилар. Аммо, Искандар ҳарбий юришлари ҳақида кенг ва тўлиқ маълумотлар римлик Квинт Курций Руф (милоддан аввалги I асрнинг охири – милодий I аср ўрталари) ва юнон тарихчиси Арриан (милодий 90/95–175 йй.) асарларида бизгача етиб келган. Арриан «Искандар юришлари», Квинт Курций Руф эса «Македониялик Искандар тарихи» асарларини яратган. Қуйида уларнинг асарларидан М.Е. Сергеенко ва В.С. Соколовлар томонидан рус тилига таржима қилинган қисмидан парчалар келтирамыз.

**Арриан.** Македониялик Искандарнинг Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юришлари ҳақида ёзган антик дунё тарихчиларидан бўлиб, юртимиз қадимги халқлари, уларнинг урф-одатлари, жанговар мард ўғлонлар эканлиги ҳамда енгилмас Искандар қўшинига қутилмаганда пайдо бўлиб, илк бор зарба берган жасур халқлар эканлиги ҳақида ноёб маълумотлар беради. Арриан хикоя қилади: «Искандар яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб, Бесс Окс дарёсидан кечиб ўтади ва кемаларини ёндириб, Наутака – суғдийлар ерига йўл олади»<sup>1</sup>. Спитамен ва Оксиард билан бирга суғд чавандозлари ҳамда Танаис дайлари унга эргашдилар. Бактрия чавандозлари Бесснинг қочишидан хабар топиб, ҳар томонларга қараб ўз уйларига йўл оладилар. Искандар Драпсакка етиб келади, қўшинларга дам бериб, уларни Бактриядаги энг йирик шаҳарлар – Аорн ва Бактра томонга юргизади. Бу шаҳарларни хужум қилиб забт этади... Ҳимоясиз таслим бўлган бактрийларга ҳоким қилиб форс Артабоз тайинланади»<sup>2</sup>.

«Искандар чавандоз қўшинларини маҳаллий отлар билан таъминлаб Суғдиёна пойтахти Мароқандага йўл олади»<sup>3</sup>. «Шу жойдан Танаис дарёсига қараб юради. Танаис ҳам Кавказ тоғларидан бошланади, Аристовул сўзларига кўра, варварлар (юнонлар ўзга халқларга нисбатан одатда «варвар» иборасини ишлатишга одатланганлар – А.А.) уни Орксант дарёси дейдилар»<sup>4</sup>; «Шу ерда озиқ-овқатлар ғамлашга чиққан македонлар маҳаллий аҳоли томонидан қириб ташланади, кейин уларнинг ўзлари тик ва чиқиб бўлмайдиган қояга қочиб бекинадилар. Улар 30 мингга яқин бўлган»<sup>5</sup>. «Македонлар қояга чиқиш учун бир неча марта ҳаракат

<sup>1</sup> Арриан. Искандар юришлари. III китоб, 27, 9.

<sup>2</sup> Ўша асар, III китоб, 27, 10.

<sup>3</sup> Ўша асар, III китоб, 30, 6.

<sup>4</sup> Ўша асар, III китоб, 30, 7.

<sup>5</sup> Ўша асар, III китоб, 30, 10.

киладилар; дастлаб улар варварлар ўқлари остида ортга чекинадилар; кўп аскарлар ярадор бўлади; Искандарнинг сонига ўқ тегиб, суягининг бир қисмини учириб кетади. Шунга қарамасдан қоядаги қалъа ҳужум билан олинади. Македонлар варварларнинг бир қисмини жойида қириб ташлайдилар, уларнинг кўплари ўзларини қоялардан ташлаб ҳалок бўладилар, шунинг учун ҳам 30.000 дан 800 киши тирик қолади»<sup>1</sup>. «Спитамен ўз жангчилари билан Мароқанда қалъасини кўриқлаётган македонларга ҳужум қилади»<sup>2</sup>... «Искандар Мароқандага ёрдамчи кўшин юборганидан хабар топиб, Спитамен қалъа камалини тўхташиб, Суғдиёнадаги Басилейа – подшо шахрига отланади»<sup>3</sup> (Басилейа Пойариқдаги Кўктепа бўлса керак – А.А.). «Спитамен яна 600 та скиф отлиқларини ўз кўшинига кўшиб олади ва скиф иттифоқдошларидан кўнгли кўтарилиб, ҳужум қилаётган македонларга қарши жанг қилишга қарор қилади. Скиф даштларининг текислигида туриб у душманнинг ҳужумини ҳам кутмади, душманга ҳужум ҳам қилмади; фақат унинг чавандозлари пиёда македонларнинг атрофида от чоптириб юрдилар ва уларга ўқ отдилар»<sup>4</sup>. «Фарнухнинг аскарларидан улар осонгина қутулдилар, чунки, уларнинг отлари чакконрок бўлиб, ўша пайтда ҳали чарчамаган эди, Андромах кўшинларидаги отлар эса олис йўлларда чарчаб, емиш камлигидан заифлашганди. Скифлар жанг майдонида турган ва чекинаётган македонларга ғайрат билан ҳужум қиладилар»<sup>5</sup>. «Кўпдан-кўп македонлар яраланади ва ҳалок бўлади; хуллас аскарлар тўртбурчак ўрамида бир қатор сафланиб, Политимет (Зарафшон) дарёси томонга чекинадилар; бу ерда ўрмон бўлиб, ўрмондаги чангалзорлар варварларнинг ўқларига тўсиқ бўлади ва пиёда аскарларнинг ҳаракатларига кўпроқ фойда келтиради»<sup>6</sup>. Арриан шу ерда Искандар кўшинларини кечувдан ўтиш вақтидаги тартибсизлик, улар орасида юз берган кўркув ҳақида гапириб, сўнг ҳикоясини давом эттиради: «Македонларнинг хатоларини сезиб қолган отлиқ варварлар ҳар иккала кирғоқдан отлари билан дарёга ташланадилар... Македонларнинг баъзилари дарёдан кечиб ўтган эдилар ва узоклашганларнинг ортидан варвар суворийлари қувадилар, бошқа бирлари дарёни кечиб ўтаётганларнинг қаршисидан чиқиб, уларни ортга, сувга улоқтирадилар, ўқ отадилар ёки дарёга келаётганлар ортидан ҳужум қиладилар. Оғир аҳволга учраган македонлар дарё ўртасидаги кичик оролга ташланадилар. Спитамен аскарлари уларни ўраб олиб, ҳаммасини қириб ташлайдилар; бошқа бир кичик қисмини асирликка олиб, ҳаммасини ўлдирадилар»<sup>7</sup>. (Аррианинг бу ҳикояси Зарафшон дарёсининг Пайариқ туманида Оқдарё ва Қорадарё каби ирмоқларга бўлинган жойида, Миёнкол номли кичик бир оролда юз берган – А. А.). «Шу мағлубият ҳақида Искандарга хабар етиб кел-

<sup>1</sup> Арриан. Искандар юришлари. III китоб, 30, 11.

<sup>2</sup> Ўша асар, IV китоб, 5, 2.

<sup>3</sup> Ўша асар, IV китоб, 5, 3.

<sup>4</sup> Ўша асар, IV китоб, 5, 4.

<sup>5</sup> Ўша асар, IV китоб, 5, 5.

<sup>6</sup> Ўша асар, IV китоб, 5, 6.

<sup>7</sup> Ўша асар IV китоб, 5, 8.

ганда у аскарларнинг аччиқ тақдирларидан қайғуга тушади ва Спитаменга қарши шиддатли ҳужум қилишга қарор қилади. У ўзи чавандозлар кўшинининг ярмига ва тез юрар пиёда аскарларга бош бўлиб, Марокандага йўл олади, ўша кезларда Спитамен шаҳарга қайтиб қалъани яна қамал қилган»<sup>1</sup>. Арриан ҳикоясини давом эттириб хабар қиладики, Искандар уч кун узоқ йўл босиб, тўртинчи куни тонгда Марокандага етиб келса, ундан хабар топган Спитамен аллақачон шаҳарни ташлаб саҳрога чекинади. Искандар уни кетидан изма-из қувиб, йўл-йўлакай учраган маҳаллий аҳолини аёвсиз қиличдан ўтказиб, кишлоқ ва шаҳарларни вайрон қилади. «У Политимет дарёси сувларидан фойдаланувчи бутун мамлакат ерларидан ўтди»<sup>2</sup>, дейди Арриан. Демак, Спитамен Бухоро томон чекиниб, Қизилкум ичкарасига кириб кетган. Самарқанд ва Бухоро оралиғидаги аҳоли турар-жойларининг деярли барчаси Искандар кўшинларидан азият чеккан.

Аррианни ёзишича, Искандар Спитаменга етолмай, аламида Зариаспада қишни ўтказди. Шу пайтда Искандар ҳузурига Хоразмдан колхлар ва Амазонка қабилаларига кўшни бўлиб яшаганлиги ҳақида ҳикоя қилиб подшо Фарасман келади ва унга Хоразмдан шимолда яшовчи қабилаларни истило қилиш ниятида бўлса, ҳар қандай ёрдамга тайёр эканлигини билдиради. Искандар Фарасманга миннатдорчилик билдириб, у билан дўстлик иттифоқи шартномасига имзо чекади ҳамда у томонларга юриш қилишга ҳозирча вақти йўқлигини билдириб, Фарасманни Бактрия сатрапи форс Артабоз ҳузурига юбориб, ватанига жўнатади. Ўзи эса Суғдиёна шаҳарларида қолдирган ишончли одамларига – ҳокимларига қарши чикқанларга жазо бериш ва Суғда тартиб ўрнатишни режалаштиради<sup>3</sup>. Ниҳоят, Искандар махсус кўшин билан бир неча яқинларини Бактрияда қолдириб, «уларга шу давлатни назорат қилиб туриш билан бирга, варварларнинг ғалаёнлар кўтаришига йўл кўймаслик ва бошланган кўзғолонларни бостириш ҳақида буйруқ бериб» ўзи Марокандага отланади<sup>4</sup>. «Искандар шу ишлар билан банд бўлган пайтда, Спитамен скиф-массагет ерларида 600 та отлиқ сипоҳийларга бош бўлиб, Бактриядаги бир қалъага етиб келади. Қалъа кўриқчиларининг бошлиғи Фрурах ва унинг аскарлари ҳам душман томонидан ҳужум хавфини кутмаганлар, аскарлар қирилади. Фрурах асирликка олинади. Шу қалъани қўлга киритишганларидан кўнгли кўтарилиб, улар бир неча кундан сўнг Зариаспада етиб келадилар, аммо шаҳарга ҳужум қилмадилар ва катта ўлжани қўлга олиб ортга қайтишга қарор қиладилар»<sup>5</sup>. «Кратер бу ҳақда хабар олиб, массагетларга қарши шиддатли юриш бошлади. Улар бундан хабардор бўлиб, чўлга чекинадилар. Кратер Спитаменнинг изидан қувиб, унга саҳро чегараларида етиб олади; унинг (Спитаменнинг – А.А.) бошчилигида яна мингта отлиқ массагетлар бор эди. Македонлар ва скифлар ўртасидаги кучли жангда македонлар ғалаба қозонадилар. Скифлар-

<sup>1</sup> Арриан. Искандар юришлари. IV китоб, 6, 3-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, IV китоб, 6, 5-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша асар, IV китоб, 7, 1, 15, 4, 5, 7-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша асар, IV китоб, 16, 1, 2-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша асар, IV китоб, 16, 4-бетлар.

нинг 150 та чавандозлари ҳалок бўлади. Бошқалари осонлик билан чўлга беркинадилар; уларнинг кетидан кувиш македонлар учун оғир бўлади»<sup>1</sup>. Жангда катта талафот кўрган Спитамен айғокчилари орқали билдики, македонлар уларни ҳар томондан қуршаб, сиқувга олган. Қутулишнинг ягона йўли Македон лашкарбошиларида бири Кен бошчилигидаги кўшинларига қарши шиддатли хужум билан ғалаба қозониб, қуршовдан чиқиш эди. У кўшинларини Гава Суғуда юрти чегараларига йиғиб, отрядидаги 3000 кўчманчи чавандозларини Суғдиёна томонга юришга кўндиради<sup>2</sup>. «Бу скифлар, – Аррианни ёзишича, – жуда ҳам қашшоқ аҳволда яшаганлар; бойлик мулкларидан ажраб қолишдан кўркмас эдилар, шунинг учун уларни ҳар қандай урушларга рози қилиш осон эди. Кен Спитамен отрядининг унга яқинлашиб келишини сезиб, унга қарши чиқади». «Шиддатли жанг бошланиб, у македонлар учун ғалаба билан яқунланди; бу жангда душманнинг 800 та отлик чавандозлари, Кен кўшинидан эса 25 та чавандоз ва 12 та пиёда аскар ҳалок бўлади. Кўпчилик бактрияликлар Спитаменни ташлаб, уни ёлғиз қолдирадилар ва Кен олдига етиб келиб, асирга тушадилар». «Мағлубиятга учраган кўчманчи чавандозлар ўзлари билан жангда қатнашган қурулдошлари – бохтарийлар ва суғдийларни от-араваларидаги юкларини талаб, Спитамен билан дашт ичида ғойиб бўладилар. Кўчманчи массагет чавандозлари Искандарни ўзи улар изидан қувиб келаётганлигини билгач, ўз сардорлари – Спитаменни бошини кесиб Искандарга юборадилар»<sup>3</sup>.

**Квинт Курций Руф.** Қадимги Римнинг антик давр тарихчилари мактабининг вакилларида бири бўлиб, у ўзининг «Македониялик Искандар тарихи» асарида қадимги Бактриянинг ранг-баранг табиати ва Искандар ҳарбий юришлари ҳақида яхши маълумотлар қолдирган. Масалан, у Бактрия мамлакатининг табиати ҳақида шундай ёзади: «Бактриянинг табиати бой ва турли-тумандир. Баъзи жойларда кўпдан-кўп дарахтзорлар ва ток новдаси сероб ширин мева ҳосил қилади; унумдор ерларни кўп сонли булок, дарёлар суғорадилар; ҳосилдор тупроғида бугдой экилади; бошқа ерлар ўтлоқлар учун қолдирилади». «Мамлакатнинг катта бир қисмини ҳосилсиз даштлар эгаллайди; сувсизлик туфайли ташлаб қўйилган вилоятларда на одамлар, на мевалар бор. Понтдан (денгиздан – А.А.) эсаётган шамоллар текисликларга кумларни учуриб келтиради; олис масофадан кум уюмлари катта тепаликларга ўхшаб кетади; шу ерда йўлларнинг излари йўқолиб қолади»<sup>4</sup>. Курций Руф Искандарнинг Осиёга уюштирган ҳарбий юришлари ҳақида, айниқса, унинг Ўрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирган. Улардан парчалар келтирамиз: «Искандар Бактрия вилоятини бошқаришни тажрибали лашкарбошиларида бири Артабозга топшириб, унинг билан бирга кўрикчи кўшин ва от-аравалар қолдиради. Ўзи эса ҳаракатдаги кўшинларга бош бўлиб, Суғдиёна саҳросига йўл олади»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Арриан. Искандар юришлари. IV китоб, 17, 1–2-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, IV китоб, 17, 4-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша асар, IV китоб, 17, 5, 6–7-бетлар.

<sup>4</sup> Квин Курций Руф. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, IV боб, 26–27-бетлар.

<sup>5</sup> Квин Курций Руф. Ўша асар, VII китоб, V боб, 1-бет.

«Хуллас, кечки пайт у Окс дарёсига етиб келади. Аммо, унинг изидан келаётган кўпдан-кўп аскарлар унга ета олмайдилар ва орқада қоладилар. Шунинг учун ҳам у баланд тоғ устида ўт ёндиришга буйруқ беради, орқада қолганлар учун аланга нури лагерга яқинлаб қолганликларини билдиради»<sup>1</sup>. Македонлар дарёдан соллар орқали барча қўшин ва уларнинг юк-тоқларини 6 кунда ўтказиб, сўнг узоқ йўл босиб, «Искандар Мароқандага етиб келади. Унинг мудофаа деворлари узунлиги 70 стадий; шаҳар кўргони иккинчи девор билан ўраб олинган»<sup>2</sup>. «Танаис ортидаги скиф мамлакатининг подшоси македонлар томонидан дарё бўйида асос солинган шаҳарни вайрон қилиш ва македонларни дарё қирғоғидан узоқ масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлик қўшинга бош қилиб акаси Каратазисни юборади. Танаис дарёси боқтарийларни оврўпалик скифлардан ажратиб туради»<sup>3</sup>. «Искандар тайёргарлик кўрмасдан биринчи бўлиб жанг қилишга эришади, унинг кўз ўнгида душман чавандозлари отда чопадилар, у эса ярадорликдан бутунлай тузалмаган... Хуллас, у дўстларини маслаҳатга чакиради». «У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан кўрққан эди. Бақтрияликлар исён кўтардилар, скифлар безовта қилдилар; унинг ўзи зўрға оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади»<sup>4</sup>. Курций Руф Искандар билан Спитамен қўшинлари ўртасидаги жангу жадаллар ҳақидаги ҳикояларида буюк ғалабаларга ўрганган Искандарни Спитамен ҳарбий усуллари чўчитиб қўйганлиги, унга қарши қўшинга тажрибали саркардалар ва кўп холларда шахсан ўзи бош бўлиб жангга кириши, душманнинг «ҳар бир отларида икитадан қуролланган чавандозлар бўлиб, қутилмаганда улар навбат билан отдан тушиб, отликлар жангида душманга тўсқинлик қилишлари», аскарларнинг эпчиллиги отларнинг чаққонлигига ўхшаб кетиши ва уларнинг душманларга қарши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужумга ўтиб, душманни доводиратиб қўйишлари ҳақида ёзади<sup>5</sup>. Спитамен билан македон қўшини кўмондони Менедем ўртасидаги жангга тажрибали Менедем қанчалар ўз қўшини жангчиларини мардликка ва жасоратга чақириб, уларни руҳлантирмасин, ёмғирдек ёғиб турган Спитамен жангчилари сиқувига бардош бера олмайди, Менедемнинг душман устига даҳшат солиб ташланишлари ҳам фойда бермайди, ниҳоят у «саноксиз яралардан заифлашиб, жонсиз от устидан йиқилади»<sup>6</sup>. Македонлар «бу жангларда 2000 та пиеда, 300 та отлик чавандозларидан ажрайди. Жанг майдонидан чиқиб келган аскарларни ўлим жазоси билан кўрқитиб, Искандар бу мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиётлик билан сир сақлади»<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> *Квин Курций Руф*. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, V боб, 13-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, VII китоб, VII боб, 6,17-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша асар, VII китоб, VII боб, 1-2-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша асар, VII китоб, VII боб, 5-6-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша асар, VII китоб, VII боб, 30-31, 32-33-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша асар, VII китоб, VII боб, 34-35-36-бетлар.

<sup>7</sup> Ўша асар, VII китоб, VII боб, 39-бет.

Курций Руф ўз асарида Бактрия каби Суғдиёна ҳақида ҳам маълумотлар қолдирган. Унинг ёзишича, «Суғдиёна – кенг ҳудудий масофадаги даштли мамлакатдан иборат, чўлларининг кенглиги 80 стадийга яқинлашади. ...маҳаллий аҳоли томонидан Политимет деган дарё мамлакат бўйлаб шиддатли оқади. Сув йўли ўзани торайиб, дарё қум ичига оқади ва қумга сингиб кетади»<sup>1</sup>. Курций Руф Искандар Спитамен билан уч йил давом этган машаққатли урушда ғолиб чиққач, кўзғолончиларни жазолаш учун уларни тирик қолган етакчиларини талаб қилади, деб ёзади. Шунда «суғдийлар асирлардан подшога 30 та кучли эрларни олиб келадилар, улар подшо буйруғига биноан ўлим жазосига берилишини эшитиб, мағрур ҳолатда ғоят хурсанд бўлишиб куйлайдилар». «Подшо уларнинг мардлигидан ажабланиб, ортга қайтаришга буйруқ беради ва ўлим олдидан уларнинг шодланиш сабабларини суриштиради. Улар айтадиларки, агар улар ўзларига бошқа биров ўлим жазосини берганда, қайғуланиб ўлардилар, аммо ўз аждодларининг ёнига уларни ҳамма қабиалар устидан ғолиб чиққан улуг подшо юборганлигидан хурсанд бўлишиб, ўз жонажон кўшиқларини айтдилар ва бутун жасурлар орзуси бўлган фахрли ўлимни байрам қилдилар»<sup>2</sup> деб жавоб қилган эканлар.

**Страбон** машҳур «География» асарининг муаллифи. У Ўрта Осиё қадимги халқларининг урф-одатлари, шаҳарлари ва дарёлари ҳақида маълумотлар беради: «Олдинги замонларда бохтарийлар ва суғдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бохтарийларнинг анъанавий маданияти анча юқори бўлган; лекин улар ҳақидаги Онесикритнинг фикри мақтовга сазовор эмас. Бохтарийлар пойтахти деворларидан ташқари жойлар тоза бўлган, лекин мамлакат ичкарасидаги ҳудуднинг катта бир қисми одамлар суяклари билан тўлдирилган; Искандар бу урф-одатни йўқ қилди. Шунга ўхшаган ҳикояларни каспийлар ҳақида ҳам айтиб берадилар: улар 70 ёшдан ошган ўз ота-оналарини қамаб қўядилар ва оч қолдирадилар»<sup>3</sup>. Страбон юртимиз қадимги шаҳарлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Айтишларича, Искандар Бактрия ва Суғдиёнада 8 та шаҳарга асос солган ва кўпларини вайрон қилган. Вайрон қилганлари жумласидан Бактриядаги Кариата (бу ерда Каллисфен қўлга тушиб камокқа олинган), Суғдиёнадаги Мароқанда ва Кира – Яксарт дарёсидаги Кир томонидан қурилган охириги шаҳар; бу форс давлатининг чеккаси бўлган. Искандар Кирни иззат-ҳурмат қилган бўлса ҳам, бу шаҳар аҳолисини кўпдан-кўп кўзғолонлари сабабли уни вайрон қилишга буйруқ берган...»<sup>4</sup>. «Суғдиёна ичидан оқаётган дарёни Аристулнинг айтишича, македонлар Политимет деб аташган. Орийлар еридан оқаётган Арий дарёсига ўхшаб бу дарё ҳам мамлакат ерларини суғориб, дашт ва чўл ўлкаларига интилади ва қумлар ичида йўқолиб кетади»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> *Квин Курций Руф*. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб, X боб, 1-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. VII китоб, X боб, 4–5-бет.

<sup>3</sup> *Страбон*. География. XI китоб, XI боб, 3-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар, XI китоб, XI боб, 4-бет.

<sup>5</sup> Ўша асар, XI китоб, XI боб, 5-бет.

Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё ҳудудларига ҳарбий юриши муносабати билан кўп мамлакатлар, жумладан Ўрта Осиё қадимги халқлари сиёсий ва этномаданий тарихида туб ўзгаришлар юз берди. Авваламбор, Искандар Наутакада Бессни қўлга киритгач, унинг асосий мақсади Доро III учун ундан ўч олиш эмас, балки Суғдиёна ва унга тугаш ўлкаларни босиб олиш эканлиги маълум бўлди. Шундан сўнг аслзода саркарда Спитамен бошлиқ мамлакатни химоя қилиш ҳаракати бошланиб кетди. Жанглр давомида Спитамен бошлиқ халқ ҳаракати Искандарни бир қадар чўчитиб, уни маҳаллий аҳоли билан яқинлашиш сиёсатини олиб боришга мажбур этди. Натижада Искандар ва унинг ҳарбий саркардаларидан тортиб, то оддий аскарларгача маҳаллий аҳоли аёлларига уйланиш сиёсати олиб борилди. Бу сиёсатнинг оқибати ўлароқ, мил. авв. III аср ўрталарига келганда Юнон-Бактрия давлатини барпо этилиши юз берди. Юнонларнинг маҳаллий аҳоли билан маълум нисбатда қоришувига, яъни этногенетик жараёнларга таъсир этди.

Шу билан бирга, бу этносиёсий жараёнлар Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдосотик ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Бу жараёнларнинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчиликда, кулолчилик ва тасвирий санъатда, янги алифбо ва ёзувларнинг тарқалишида, тангашунослик ва диний эъгикодларда кўриш мумкин. Юнонлар Қадимги Шарқнинг кўплаб маданий-хўжалик ютуқларини қабул қиладилар ва ўзларининг маданий таъсирларини ҳам маҳаллий аҳолининг маданиятига жорий қиладилар. Ўрта Осиё марказий ва жанубий вилоятларида омухта маданият шаклланади. Бу маданият илмий адабиётларда эллинилашган маданият номи билан тарихга кирган. Шунингдек, Ўрта Осиё қадимги халқлари тарихида янги ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий жараёнлар бошланади.

#### IV. 3. Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи ҳақида Хитой манбалари

Жаҳон халқлари тарихидан маълумки, Ўрта Осиё жуда қадим-қадим замонлардан Шарқнинг Ғарбга томон дарвозаси, иқтисодий ва маданий алоқалар узатувчи нукта ролини ўйнаб келган. Шарқ халқлари Ғарбга томон турли мақсад сари интилишларида ҳеч қачон Ўрта Осиё ҳудудларини чеклаб ўтмаганлар. Қадимда ва ўрта асрларда Евроосиё даштлари аҳолиси, айниқса, Олтой, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой ҳудудлари нафақат иқтисодий, балки этномаданий жиҳатдан ҳам Ўрта Осиё билан ўзаро узвий алоқада бўлган. Бу ҳақда археологик манбалар кўп далилий маълумотлар беради.

Археолог А.В. Виноградов бу алоқа натижаларини неолит ва энеолит даври Ўрол орти районлари, Шимолий ва Шарқий Қозоғистон ёдгорликлари материалларини қадимги Хоразмнинг Калтаминор маданияти ёдгорликлари материаллари билан қиёсий ўрганишда яхши кузатади. Бронза даврига келганда, айниқса,

йилкичилик ривожланиб, от ва туядан тез юрувчи транспорт ҳайвони сифатида фойдаланиш кашф этилгач, Жанубий Сибир ва Ўрта Осиё қабилалари ўртасидаги алоқалар жонланиб кетди.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё туб жойли аҳолисининг айнан икки қутб билан, яъни шимоли-шарқ ва жанубий минтақалар билан анъанавий узвий боғлиқлигининг заминида муҳим бир омил ётади. Бу ҳам бўлса, улар ўртасида қадим-қадим замонлардан давом этиб келган этник алоқалар эди. Дарҳақиқат, Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси хитой ёзма манбаларига кўра, туркий тилли бўлган. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхтаб ўтамиз. Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларида эса қадимдан эроний тилли аҳолилар яшаб келган. Бу икки тилли аҳолининг учрашув нуқтаси, чегара ҳудудлари қадимда Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзалари бўлса, илк ўрта асрлардан бошлаб бу чегара Амударёнинг ўрта ҳавзаларига кўчди. Бу тарихий жараёнда туркий қабилаларнинг фаоллиги, уларнинг мунтазам равишда давом этган миграцияси бош ролни ўйнаган. Айнан шу даврдан бошлаб, жанубий Турон ҳудудлари аҳолисининг этник таркибида аксарият кўпчилик туркий халқлардан ташкил топганлиги учун Туркистонга айланди.

Туркистон тарихининг қадимги давлари, унинг халқи ва ҳўжалиги, турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида, айниқса, Кангуй (асли Қангжюй, маҳаллийча Кангкия) давлати ва қадимги Даван (асли Дайюан, маҳаллийча Парғана) ҳақида ҳамда Дахя (қадимги маҳаллийча Дайғиа) тўғрисидаги маълумотлар қадимги Хитой тарихчилари Сима Цяннинг (милоддан аввалги II–I асрлар) «Тарихий хотиралар» ва Бан Гунинг (милоддан аввалги I аср) «Биринчи Хан династиясининг тарихи» асарлари орқали етиб келган. Ушбу манбалардаги маълумотига кўра, Хан сулоласи даврида Хитой империяси билан Хунлар ўртасида муносабатлар ёмонлашиб, Хан ҳукмдори Уди (милоддан аввалги 140–87 йиллар) хунларга қарши харбий иттифокчи қидириб, мил. ав. 138 йилда Юечжи<sup>1</sup> қабилалари ҳузурига харбий зобит, айғокчи Чжан Цянни юборади. Чжан Цяннинг ўз императорига ёзган ҳисоботномасига қараганда, у Шарқий Туркистонда хунлар томонидан кўлга олиниб, 10 йил асирликдан сўнг қочишга улгуриб, ўз саёҳатини давом эттиради. У Қошғар орқали Қадимги Парғана (Фарғона) хитойча Дайюан, Бичурин

---

<sup>1</sup> Хитойшунос олим Аблат Хўжаев маълумотларига кўра, хитой тили манбаларининг Н.Я. Бичурин таржималарида Юечжилар аслида қадимги «Рузие» (Ғуз-йер, ўғуз-йер) этнонимининг ҳозирги хитой адабий тилида ўқилиши бўлиб, мил. ав. XI–II асрнинг биринчи чорагида ўтган «Дай-рузие» давлати аҳолисининг номи бўлган. Қадимда Дай-рузие давлати ҳудудларига Тангритоғ (Тянь-Шань) этаклари, Шарқий Туркистон, Ўрол тоғининг жануби-шарқий ёнбағирлари кирган. Дай-Рузие давлати хунлар билан тўқнашувда (мил. ав. 176–174 й.) енгилиб шарчаланиб кетгач, юечжи қабилаларининг катта қисми Дайюан орқали Амударё юқори ҳавзаларига кўчиб кетадилар, қолган қисми эса Шарқий Туркистоннинг жануби-ғарбий ўлкаларида қолиб кетадилар (А.Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар. «Фарғона» нашриёти 2013, 181–192-бетлар).



таржималарида Даван<sup>1</sup>) давлатига келади. Парғаналиклар (дайюанликлар) уни яхши кутиб олишиб, Хитойдек буюк давлат билан савдо-сотик қилиш, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, дўстлик алоқаларини ўрнатишга тайёр эканликларини баён қилишиб, улардан шимолда қудратли Кангуй<sup>2</sup> давлати борлиги ва улар билан тинч-тотув яшаётганликларини билдирадидлар. Агар лозим бўлса элчи жанобларини Кангкия (Кангжюй) чегарасигача кузатиб қўйишларини билдирадидлар. Парғаналикларнинг (дайюанликларнинг) илиқ муомала, илтифотларидан манмун бўлган зобит Чжан Цян Дайюанлик ҳамроҳ кузатувида Кангкияга (Кангжюйга) жўнайди. Аммо, Кангкия (Кангжюй) ҳукмдори билан тил топа олмай, Юечжиларни қидириб, саёҳатини давом эттиради.

Милоддан аввалги 126 йилгача Юечжи қабилалари Бактрия (Хитой манбаларида «Дахя»)<sup>3</sup>га бориб жойлашиб олган эдилар. Юечжиларнинг Гуйшуан қабиласи етакчилигидаги ҳукмдори билан учрашувда: «Биз поёни йўқ жангу жадаллардан чарчадик, энди унумдор ерларга бой мамлакатда тинч-тотув яшамоқчимиз» деб, ундан рад жавобини олади. Ниҳоят, Чжан Цян ўз мақсадига эриша олмай, Бадахшон ва Помир орқали ўз юртига қайтиб кетади. У Шарқий Туркистонда хунлар томонидан яна қўлга олиниб, бир йил асирликда бўлиб, сўнг Хитойга етиб боради.

Хитой ёзма манбаларига кўра, Чжан Цян милоддан аввалги 114 йилда император топшириғи билан Ўрта Осиёга иккинчи марта саёҳатга руҳсат олади. Энди, у 300 кишидан иборат карвонга бош бўлиб, йўлга чиқади. Карвонда бир неча минг пулга тенг олтин ва кумуш, қимматбаҳо шойи-атласлар Ўрта Осиё подшоликларига совға-салом учун олиб келади. Сафар қатнашчиларининг озиқ-овқатлари учун ўн мингдан ортиқ сигир ва қўйлар карвон билан жўнатилади. Сафардагиларнинг ҳар бирига иккитадан от берилади. Чжан Цяннинг ўзи Усун, Кангкия ва Парғанага йўл олган карвонга бош бўлади. У Ҳиндистон ва Араб мамлакатларигача борадиган карвонлар ажратиб, уларни ҳам кўп моллар билан таъминлаб, махсус элчиларни юборади<sup>4</sup>. Улар Иссиккўл орқали усунларга бориб, у ердан ғарбий мамлакатларга махсус топшириқлар билан ўз айғоқчиларини карвонларга

<sup>1</sup> А. Хўжаев маълумотларига кўра, Қадимги Фарғона хитой манбаларида Дайюан бўлиб, бу топоним маҳаллий Парғана атамасининг хитойча таржимасидир. Парғана қадимги шарқий эроний тилда «атрофи тоғлар билан ўралган водий, пастлик, текислик» маъносини англатиб, хитойча Дайюан ҳам айнан шу маънони беради. Дайюан ҳозирги хитой адабий тилининг иероглифида Даван тарзида ўқилгани боис, Н.Я. Бичурин таржималарида Дайюан Даван бўлиб кетган. Аслият Дайюан хитойлар қўйган ном бўлиб, маҳаллий аҳоли ўз она юртларини ҳеч қачон Дайюан ёки Даван деб атамаган. Парғана топоними араб ёзма манбаларида илк бор Фарғона кўрипишида талаффуз этила бошлаган (А.Хўжаев. Ўша асар, 128–129-бетлар).

<sup>2</sup> Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» номли асарида «Кангкия» (Kangkia, замонавий ўқилиши Кангжюй) давлати сифатида илк бор тилга олинган топоним Н.Я. Бичурин асарларида «Кангуй» деб нотўғри транскрипция қилинган. Манбавий аслият Кангжюй ушбу хатолик туфайли илмий адабиётларда «Кангуй» деб ёзилиб келмоқда. Эндиликда бу топонимни манбавий аслиятга қайтариш даври келди (А.Хўжаев. Ўша асар, 144–150-бетлар).

<sup>3</sup> Дахя топоними (қадимги Хитой манбаларида маҳаллийча Дайғиа, унинг ҳозирги хитойча ўқилиши Дашя).

<sup>4</sup> Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. Ханнома. Урумчи. – 1994. – 452-бет.

кўшиб юборади. Унинг айғокчилари Парфиягача кириб борадилар ва турли маълумотлар олиб келадилар. Чжан Цяннинг ёзишича, ўша кезларда Кангкия давлатининг жанубий чегара ҳудудлари Бактрияни эгаллаган Юечжилар таъсирида, унинг шимоли-шарқий чегара ҳудудлари эса хунлар таъсирига тушиб қолган эди. Зобит берган маълумотлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, милоддан аввалги II асрнинг охирларида Кангкия давлатида иқтисодий ва ҳарбий танглик юз беради. Чунки, Хитой билан хунлар ўртасида бошланган жангларга Кангкия ҳам (хунлар томонида) тортилган бўлиб, бу урушда хунлар енгиледи, аммо Кангкия, ҳар қалай, ўз мустақиллигини сақлаб қолган эди.

Милоддан аввалги I асрдан бошлаб Кангкия яна ўзини ўнглаб олади. Мана шу воқеалар таъсири бўлса керак, Хитой элчиси Чжан Цян император саройига юборган ҳисоботида Кангкия ҳақида шундай ёзади: «Кангжюй мағрур ва кўрс. У бизнинг элчиларимиз олдида таъзим қилишни ўзига эп кўрмади ва бутун феъл-атвори билан ҳоким номидан унинг олдига юборилган бизнинг амалдорларимизни кўпгина давлат элчиларидан, ҳатто усун элчиларидан ҳам куйига ўтказди». Чжан Цян маълумотларига асосланиб, Си Ма Цян ўзининг «Тарихий хотиралар» асарида кангкияликларнинг турмуш тарзи ҳақида фикр юритиб, «улар урф-одатлари бўйича юечжиларга ўхшаб кетади», деб ёзади.

Хуллас, хитойликлар айғокчи дипломат, собиқ ҳарбий зобит Чжан Цяннинг ҳар икки саёҳати давомида император саройига юборган ҳисобатидан сўнг, Ўрта Осиё, айниқса, қадимги Парғана (Фарғона) ва Кангкия давлати, бу давлатлар аҳолисининг урф-одатлари, турмуш тарзи, хўжалиги ва ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар.

**Кангкия (Кангжюй) давлати.** Хитой манбаларида Кангкия давлати Кангжюй деб аталган. Хитой тарихчиси Сима Цян ўз хотираларида кангжюйларнинг жойлашиши, ҳарбий кучи, урф-одати, уларга кўшни халқлар ҳақида қисқача маълумот беради. Кангкия (Кангжюй)лар ҳақида батафсил маълумот Бан Гу асарида ва бошқа хитой муаллифларининг асарларида берилган.

Кангкия (Кангжюй)ларнинг хўжалиги, маданияти ва турмуш тарзи ҳақида археолог олимларнинг Қовунчи маданиятига оид ёдгорликларда олиб борган илмий тадқиқот ишлари таҳсинга сазовордир. Кангкия (Кангжюй) давлати ва унинг ташкил топган ҳудуди масаласида яқингача С.П.Толстов фикрига суянган ҳолда Ўзбекистон тарихида нотўғри тасавурлар ҳукмрон бўлиб келди. Аммо, кейинги йилларда Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистонда олиб борилган кенг кўламли археологик қазишмалар Кангкия (Кангжюй) давлатининг жойлашган ҳудуди ҳақида тарихий ҳақиқатни юзага чиқарди. Масалан, археологик манбалар таҳлилига кўра, Турон подшоларининг бош шаҳри Қанғдиз – ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган Қанқа шаҳар харобаси эканлиги аниқланди. Хитой манбаларига кўра, қанғарларда давлат бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Искандар ҳарбий юришларидан кейин Ўрта Осиёнинг қадимги эрксевар кўчманчи қабилалари жанубда Юнон-Бактрия давлати ташкил топгач, дарҳол шимолда кўчманчи қабилалар ва ўтроқ аҳоли маҳаллий ҳокимликлари

иттифоки асосида ўз давлатини тузадилар. Бу давлат ярим ўтrock, ярим кўчманчи қабилалар конфедерацияси сифатида ташкил топган Кангкия давлати эди. Мунтазам ҳарбий кучга эга бўлган бу давлат Ўрта Осиё жанубида таркиб топган юнонлар ҳукмронлигига қарши қаратилган эди.

Шуниси алоҳида таҳсинга сазоворки, бу давлат аҳолиси икки тилда (суғдий ва прототуркий) сўзлашувчи қabila ва элатлардан ташкил топган бўлиб, бу заминда яшовчи қадимги эроний тилларда сўзлашувчи туб жойли қабилаларнинг Жанубий Сибир, Олтой, жануби-шарқий Ўролорти, Шарқий Туркистон ва Етти-сув вилоятларида яшовчи прототуркий қабилалар билан алоқалари, яқинлашиш жараёнлари жадаллашади. Натижада, милoddан аввалги III асрдан бошлаб Сирдарёнинг ўрта оқими ҳудудларида прототуркийда сўзлашувчи янги этнос (Қанғар элати) вужудга кела бошлайди. Милодий эрнинг бошларига келганда бу янги этнос сон жиҳатидан кўпайиб, Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари оралиғида ва уларнинг теварак-атроф ҳудудларида ўз устунлигини таъминлайди ва улар алоҳида қанғар элати бўлиб шаклланади. Ана шу элат бирлиги асосида таркиб топган сиёсий уюшма, яъни ўзбек давлатчилиқ тизимининг бошланғич куртаги мана шу – Қангкия давлати эди.

Қадимги манбаларда Қангкия давлатининг қандай идора қилинганлиги, давлат тузилиши қандай бўлганлиги тўғрисида маълумотлар етиб келмаган. Аммо, тўнғич Хан сулоласи тарихида (милoddан аввалги II–I асрларда) Қангкия подшоҳи ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутиши ҳақида эслаб ўтилади. Осиёча ишлаб чиқариш усуллари асосида ташкил топган Қангкия давлатида оқсоқоллар кенгаши катта роль ўйнаган. Бу кенгашда қabila бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашиб, муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал этилган. Подшоҳ қоқимияти маслаҳат мажлиси (анчумана) билан ҳамнафасликда иш юритган. Бундай бошқарув услуби тарихда ҳарбий демократия тамойиллари асосида ташкил топган давлат тизими деб ном олган.

Қадимги Хитой манбаларига кўра, Қангкия давлатига қарашли ерлар бир неча вилоятлардан ташкил топган эди. Улар агар чорвадор қабилаларга тегишли минтақалар бўлса, уларни бошқариш жабуу (ябуу)ларга топширилган. Қангкия ҳоқонлари мамлакатни ана шу жабууларга таяниб бошқарар экан, улар, одатда, ҳоқонларга яқин кишилардан, уларнинг қавму қариндошларидан, йирик уруғ ва қabila бошлиқларидан тайинланган. Қангкия давлати таркибида бўлган ўтrock аҳоли вилоятларини бошқариш эса маҳаллий ҳоқимликлар тасарруфида қолдирилиб, улар ҳоқон томонидан тайинланган тудунлар назоратида марказий ҳоқимиятга мунтазам равишда солиқ (бож) тўлаб турган. Ана шундай тобе вилоятларга Қадимги Хоразм, Суғд вилоятлари, Ўрол тоғолди ҳудудлари (аланлар, ян қабилалари) кирган.

Қадимги Хитой манбаларида Қангкия давлатининг чегаралари аниқ кўрсатилмаса-да, аммо милoddан аввалги II асрда Қангкия давлати Парғананин шимолий-ғарбида бўлганлиги эслатиб ўтилади, яъни «Қангжюй Дайюан билан чегарадош» дейилган. Милодий I–III асрларга оид кичик Хан сулоласи тарихида

эса Шарқий Туркистон вилояти шимолда «кангжюйлар билан чегарадош» дейилган. Хитой элчиси Чжан Цян берган маълумотларда ғарбий меридионал йўли ҳақида гап кетганда, бу йўл аввал Дайюандан, сўнгра Кангжюйдан ўтиб, Янцай (аланлар) ерига ўтиб боради, дейилган. Хитой манбаларига кўра, Кангжюй давлатининг асосий ерлари Тошкент воҳаси, Жанубий Қозоғистон, Талас водийси, Чу дарёсининг куйи оқимлари, ундан то Сарисув дарёсигача бўлган худудларни ўз ичига олган.

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида ёзилишича, Кангжюй давлатининг пойтахти иккита бўлган. Манбада хабар берилишича, Кангжюйнинг пойтахти Битьянда бўлган дейилади. С. П. Толстов уларни дастлаб, Қадимги Хоразмдан кидирди. Аммо, ёзма манбаларни археологик ёдгорликлар билан қиёсий ўрганиш натижасида, олимлар Битьян (Қанғдиз) Хоразмда эмас, балки Тошкент воҳасида жойлашганлигини исботладилар. Дарҳақиқат, Кангкия давлатининг қишки пойтахти сифатида Битьян айнан Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган Канкатепа шаҳар харобаси эканлиги аниқланди.

Канка, яъни қадимги Қанғдиз (Битьян) қадимги ипак йўли йўналишида жойлашган, милoddан аввалги III асрда қад кўтарган йирик шаҳар бўлиб, унинг бизгача сақланиб қолган майдони 150 га. Унинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шаҳар майдонида Кангкия ҳоконининг ўрдаси, шаҳар ибодатхонаси, савдо-сотик ва хунармандчилик мавзелари, йўллар, ҳовузлар, бозор майдонлари, турар-жой массивлари очиб ўрганилган. V аср ўрталарига келиб Кангкия давлати парчаланиб кетади, Канка эса энди Чоч маликларининг пойтахти бўлиб қолади. Бундай ҳулосага келишга гувоҳлик берувчи қўлимизда ашъвий далиллар бор, яъни Канкадан V асрга оид Чоч маликларининг расми туширилган тангалар, лойга Чоч маликларининг сурати босилган буллалар топилган. Хитой манбаларида Кангжюй давлати ҳоконларининг қишки пойтахти Битьяндан бошқа ёзги қароргоҳи ҳам бўлган, дейилади. Кангжюй давлатининг ёзги қароргоҳи манбаларда эслатиб ўтилган Тарбанд (ҳозирги Ўтрор шаҳри харобаси) шаҳри эди. Тарбанд топоними VIII асрга оид туркий тош ёзувида «Қанғу-Тарбанд» деб эслатилади. Тарбанд (Ўтрор) Кангкия давлати парчаланиб кетгач (V аср бошлари), Чоч давлатининг таркибида қолади.

Шундай қилиб, Кангкия давлатининг иккита маркази бўлган. Улардан бири Канка (Қанғдиз) бўлиб, у Тошкент воҳасида, Сирдарёга яқин ерда жойлашган. Бу шаҳар археологик тадқиқот натижаларига кўра, милoddан аввалги III асрда бунёд этилган бўлиб, у Кангкия подшоларининг доимий қароргоҳи бўлган. Арис дарёсининг куйи оқимида жойлашган Ўтрор (Тарбанд) эса Кангкия давлати ҳоконларининг ёзги қароргоҳи бўлган.

Қадимги Хитой манбаларида қанғарларга қарашли 5 та вилоят тилга олинади. Улар Сусие, Фуму, Юни, Ги, Юеган бўлиб, бу номлар Хитой тарихчилари томонидан берилган маҳаллий номларнинг хитойча таржималаридир. Тарихий жойлар ва шаҳарлар номларини хитойлаштириш (шундай ҳолат юнон тарихчиларида ҳам учрайди) хансуларга хос улуг Хитой шовинизмининг асосий мақсади

эди. Афсуски, маҳаллий номлар бизгача етиб келмаган. Улар ҳақидаги маълумотлар хитойча ном билан қадимги Хитой манбаларида учрайди.

Милоддан аввалги I аср ўрталарида тўнгич Хан сулоласига мансуб Хитой императорлари Буюк ипак йўлининг барча бўғинларида ўз назоратини ўрнатиш мақсадида аввало, хунларни, сўнгра усунларни ўзига бўйсундириш йўлида сиёсат юритадилар. Милоддан аввалги 59 йилга келиб, улар Тянь-Шань орқали ўтган шимолий йўлнинг Ёркендгача бўлган қисмини эгаллайдилар. Худди шу кезларда усун ва хун муносабатлари кескинлашган эди. Бундан фойдаланган Хитой усунларни ўзига иттифоқчи қилади. Қанғарлар эса хунлар билан иттифоқда бўлиб, усунлар устига қўшин тортиб боради. Натижада, Хитой-Кангкия муносабатлари янада ёмонлашади. Чунки, бу адоват милоддан аввалги II аср охиридан бошланган, яъни Кангкия давлати ўз ташқи сиёсатида Хитойнинг Парғанага уюштирган (милоддан аввалги 104 ва 101 йиллар) ҳар икки юришида Парғанага мадад бўлиб турган.

Милоддан аввалги 65 йилги Ёркенд кўзғолончиларига ҳам қанғарлар ёрдам қиладилар. Ўша кезларда қанғарларга халқаро майдонда оғир йиллар бўлди. Кейинроқ қанғарлар билан хунлар ўртасидаги дўстлик иттифоқига зил кетади. Бунга хун ҳукмдорининг парфёнлар билан дўстлик аҳдини тузилиши сабаб бўлади. Чунки, парфёнлар билан қанғарлар ўртасидаги алоқа ёмон эди. Натижада, хунлар қанғарларнинг ашаддий душманига айланади. Энди, қанғарлар Хитойга яқинлашиш йўлини қидиради. Аммо, Кангкияга келган Хитой элчисига кўрсатилган муносабатни эслаб, Хитой сиёсатдонлари Хитой-Кангкия ўртасида дўстлик алоқаларини тиклашга йўл қўймайдилар. Ҳатто улар қанғарларнинг хунлар билан иттифоқини ҳам бузишга муяссар бўладилар.

Хитой императорларининг қанғарларга нисбатан олиб борган ташқи сиёсатининг заминида қудратли Кангкия давлатининг халқаро мавқеини заифлаштиришга қаратилган эди. Буни яхши тушунган қанғар аслзодалари хитойликларнинг босқинчилик ташқи сиёсатига доимо қарши турадилар. Милодий асрнинг 80-йилларида Хитой қўшинлари Кангкия ва Парғанани эгаллаш учун юриш бошлайди. Парғаналиклар Кангкия подшоларига ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Кангкия ҳарбий қўшинлари душманни Қошғарда кутиб олади ва орада қаттиқ жанглар бўлади. Жангда қанғарларнинг қўли баланд келади. Саросимага тушган Хитой дарҳол ёрдам сўраб қушонларга чопар юборади. Худди шу кезларда қанғарлар қушонларга хирож тўлар эдилар. Ушбу можарога қушонлар аралашгач, қанғарлар Қошғарни ташлаб чикиб кетадилар. Хитой эса шармандаликдан қутулиб қолади. Биринчи асрда қанғарлар Бухоро ва Хоразмни эгаллайди. Аммо, бу вилоятлар тезда Кангкия давлати таъсиридан чикиб, Қушон салтанаги таркибига ўтади. Фарбда эса қанғарлар Парфиянинг кучсизланиб қолишидан фойдаланиб, Янцайни (аланлар юртини) эгаллайди.

Кангкия давлатини иқтисодий ҳаётга келсак, Хитой тарихчиси Сима Цян уни кўчманчилар давлати деб ёзади. Аммо, милодий эранинг бошларига оид тўнгич Хан сулоласининг тарихида кангжойларни ўтроқ халқ эканлигига ишо-

ра қилинади. Кангкияларда қорамол ва қўйлар кўп бўлган, улар зотли отларни кўплаб етиштирганлар, чорва молларининг кўпчилиги Кангкия подшолари ва уларнинг яқинларига қараган, деб эслатилади хитой манбаларида. Шунинг учун бўлса керак, Кангкия хоқони ва унинг уруғлари баҳор келиши билан кишки қароргоҳдан ёзги қароргоҳга кўчиб юрган. Чорваси кам авом аҳоли эса воҳадан чиқиб кета олмаган. Бу вазият қанғарларнинг камбағал қисмини ўтроқ ёки ярим ўтроқ ҳаёт кечиришга мажбур этган. Хитой манбалари таҳлилига асосланган бундай хулосалар Қовунчи ва Жети-асар маданиятлари ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар билан ҳам тасдиқланади.

**Парғана (Дайюан, Даван) подшолиги.** Қадимги Хитой манбаларида Кангкия давлатига нисбатан ҳам Парғана (Дайюан, Даван) подшолиги ҳақида кўпроқ маълумотлар келтирилади. Қадимги Хитой тарихчиси Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида ёзишича: «Дайюан Хан сулоласидан 10 минг ли (ли қадимда тахминан 0,5 км га тенг бўлган, ҳозир эса – 576 м. деб қабул қилинган) олисда бўлиб, хунларнинг ғарбий-жанубига, Хан (сулоласи)нинг айнан ғарбига тўғри келади. Дайюанликлар авлоддан авлодга ўтроқ ҳаёт кечириб келган экан. (Улар) деҳқончилик билан шуғулланиб, шоли, буғдой экар экан. Узум шароби чиқарар экан. Дайюанда асл отлар кўп бўлиб, мазкур отларнинг ҳаммаси тулпор отлардан экан. Баданидан қизил тер томчилари (ялтираб) чиқиб турар экан. (Дайюанда) шаҳар, қалъа, уй-иморатлари бор, қатта-кичик 70 дан ортиқ шаҳарлар бор экан. Уларда 60 минг оила (300 минг одам) яшар экан. Бу давлат аскарлари ўк-ёй, найза ишлатар экан ва улар отга минишга, ўк-ёйдан фойдаланишда моҳир мерган экан. Шимолда Кангжюй, ғарбда Да-юечжилар, жанубий-ғарбда Бактрия, шимолий-шарқда Усун, шарқда Дандан уйлик, Удун бор экан»<sup>1</sup>.

Бу асарда Дайюаннинг иккита пойтахти бўлганлиги, уларнинг бири Эрши бўлса, иккинчиси Ю (Ю-чен) эканлиги тилга олинади. Бу икки шаҳарнинг локализацияси масаласида олимлар ўртасида ҳозиргача илмий мунозара ва баҳслар давом этади. Ўзбекистон тарихининг 1950 йилда чоп этилган нашрида Дайюан хукмдорининг қароргоҳи Гушан (Ю-чен)ни Ўзган шаҳри билан таққосланади, Эршини эса А.Н. Бернштамга асосланиб Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган Мингтепа деб кўрсатилади<sup>2</sup>. Ўз даврида Н.Я.Бичурин томонидан Эрши (Ю-чен) шаҳри Кўкон бўлиши керак, деган ғояни ўртага ташлаган. Э. Шаванн таҳлилига кўра, Эрши шаҳри Ўратепа ёки Жиззах бўлиши керак. Эрши шаҳрининг локализацияси масаласида А.Н.Бернштам таҳлилининг тарафдорлари кўпроқ<sup>3</sup>. Аммо, кейинги йилларда Эршини локализацияси масаласида А. Анорбоев янги ғоя билан чиқиб, Эрши бу Ахсикентдир<sup>4</sup>, деган асосли хулосага

<sup>1</sup> Сима Цян. Фарғона тазкираси. Тарихий хотиралар («24 тарих» даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). Урумчи, 1989. – 489–490-бетлар.

<sup>2</sup> История народов Узбекистана, том I, Т.: 1950. С.110.

<sup>3</sup> Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. – Т.: 2001. – 35–36-бетлар.

<sup>4</sup> Анорбоев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент. «Ўзбекистон тарихида Қадимги Фарғона» тўплами. – Т.: 2001. 10–11-бетлар.

келади. Гушан (Ю-чен) эса Дайюан подшосининг ёзги қароргоҳи сифатида Косон ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган фикрга кўпчилик олимлар келган.

**Дахя.** Н.Я.Бичурин таржималарида Дахя топоними билан тилга олинган юртда Қадимги Бактрия подшолиги жойлашган бўлиб, милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида бу заминга Шаркий Туркистондан 5 та жабуликка бўлинган юечжи қабилалари кириб келадилар ва маҳаллий аҳоли устидан сиёсий-ҳарбий ҳукмронликни ўрнатадилар. Юечжилар 100 йил яна жабуликда яшаб, ниҳоят мил. авв. I асрнинг охириги чорагида беш жабуликнинг бири – Гуйшуан (маҳаллий номи тўхор) қабиласи етакчилигида бирлашиб, Дахя (Тохаристон) давлатига асос солинади (Дахя маҳаллийча Дайғи, унинг ҳозирги хитойча ўқилиши Дашя бўлиб, у Н.Я.Бичуринда хато транскрипция қилинган)<sup>1</sup>.

Юечжиларга қадар бу юрт, юқорида таъкидлаганимиздек, Бактрия подшолиги бўлиб, Ахоманий подшоларининг қояларга битилган китобларида Бактрия сатраплиги номи билан Эрон Ахоманийлар империяси таркибида бўлган. Македониялик Искандар Ахоманийлар империясини тор-мор этгач, Бактрия вилояти унинг империяси таркибига ўтди. Искандар ўлимидан сўнг эса унинг ворислари – Салавкийлар, кейин Юнон-Бактрия давлати ташкил топиб, бу юрт эллинизмнинг маҳаллий марказларидан бирига айланди.

Шундай қилиб, милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярмида кўчманчи сакларнинг Да-юечжи қабила уюшмаси Юнон-Бактрия давлатини ағдариб, Бактрияда сиёсий ҳокимият тохар қабиласи етакчилигидаги юечжилар қўлига ўтгач, мамлакат «Тохаристон» номини олди. Тохаристон қадимги эронийча «тохар», «дахар» бўлиб, хитойшунос олим А.Хўжаев таъкидлашича, Хитой манбаларининг Н.Я.Бичурин таржималарида у «Дахя» деб нотўғри талаффуз этилди.

Хитой манбаларига кўра, юечжилар дастлаб Амударёнинг ўнг соҳилини эгаллайдилар. Айнан мана шу жойда милоддан аввалги 126 йилда Хитой элчиси Чжан Цян юечжи қабилалари бошлиқлари билан учрашиб, хунларга қарши биргалашиб курашиш таклифига рад жавоб олган эди.

Чжан Цян ўз ҳисоботида уларнинг давлат чегараларини қуйидагича белгилайди: «Дайғи ғарбга томон, Дайюандан 2–3 минг ли жанубда жойлашган. Ундан ғарбда – Аньси (Парфия), шимолда эса Кангжюй жойлашган»<sup>2</sup>.

Чжан Цяннинг таъкидлашича, Да-юечжи қабилалари аслида кўчманчи қабилалар бўлиб, янги жойлар аҳолиси маданий-хўжалик таъсирида ўтроқлашган ва қисман чорвачилик хўжалиги билан ҳам шуғулланадилар. Юечжилар ҳақидаги Чжан Цян хабарлари мил. авв. 126 йилгача бўлган маълумотлар бўлиб, у кезларда юечжилар Гуйшуан (Тўхор) қабиласи етакчилигида хали ягона давлатга бирлашмаган эди. Шунинг учун элчи келтирган маълумотларда: «Дайғида ягона давлат бошлиғи йўқ, ҳар бир шаҳар ўз ҳокими томонидан бошқарилади». «Дайғида 5та патриархал князлик хонадонлари (Хюми, Шуанми, Гуйшуан,

<sup>1</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – 2013. – 31-бет.

<sup>2</sup> История народов Узбекистана. Том I. 1950. С. 112.

Хисе ва Дюми) мавжуд»<sup>1</sup>. Чжан Цян Дайғиа (Дахя) ва Дайюан (Даван)да: «Эр-каклар ўз қарорларида хотинлари билан маслаҳатлашадилар»<sup>2</sup> деб хабар беради. Аҳолининг турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида: «Дайғидада ўтроқ ҳаёт кечирадилар, шаҳарлари бор ва уйларда яшайдилар, урф-одатлари бўйича дайюанлиларга ўхшаб кетади; кўшини кучсизроқ, лекин жангда чакқон ва чапдаст. Аҳолиси савдода устомон. Дайғидада аҳоли сони миллионга етади. Пойтахти Ланьши деб аталади. Бу шаҳарнинг хилма-хил товарларга бой бозори бор»<sup>3</sup> деб ёзади.

Дайғиа (Дахя) ҳақида Чжан Цян кўриб, билиб ёзган маълумотлар бу заминда олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқотларда тўлиқ ўз аксини топган. Чжан Цян сафаридан сўнг, Да-юечжи қабилалари Гуйшуан (Тўхор) жабғуси Кудзула Кадфиз ўзини Гуйшуан (Кушон) подшоси деб эълон қилади. У Аньси (Парфия) билан уруш бошлаб, Ҳиндикуш жанубидаги Пуду (Паропамисада – қадимги Кашмир)ни босиб олади ва Гибин (Кобул вилояти) ерларини ҳам эгаллайди. Хитой манбалари ва археологик материаллар (биринчи навбатда нумизматика материаллари) таҳлилига кўра, Кудзула (Кадфиз I) 80 йил яшаб, милодий эранинг биринчи ярмида подшолик қилган.

Рабатак сулолавий рўйхатига кўра, унинг ўғли Вима Такто «номаълум шоҳ» Сотер Мегас номи остида подшолик қилади. У узоқ ҳукмдорлик қилмаган кўринади. Чунки, милодий 51 йилда ҳокимиятга Кудзула Кадфизнинг бошқа ўғли – Вима Кадфиз (милодий 51–78 йиллар) келиб, Ҳиндистонни Банораста қадар ерларини босиб олади ва юнонларнинг (Юнон-Бақтрия подшолиги емирилгандан кейинги) энг сўнгги ҳукмронлигига барҳам беради. Шунингдек, у пул ислоҳоти ўтказиб, олтин тангалар зарб эттиради ва уларни муомалага киритади. Мамлакат пойтахтини эса Пешоварга кўчиради.

Кушонлар империяси Канишка даврида (милодий 78–123 йиллар) гуллайди. Канишканинг ҳокимиятга келиши билан Кушон давлати тарихида янги давр бошланади. Биринчи навбатда давлат чегаралари шарққа, Ҳиндистон ҳисобига кенгайиб, мамлакатни бошқарув тизими мустаҳкамланиб, кушонлар давлати империяга айланади. Канишка қатор давлат аҳамиятига молик ислохотлар ўтказди: 1. Пул ислоҳоти ўтказди, яъни Канишка номидан юнон тангаларига тақлид қилинмай, подшо сурати туширилган тангалар зарб этила бошлади; 2. Тил ислоҳоти, яъни маҳаллий аҳолининг она тили – бохтарий грек тили ўрнига давлат тили деб эълон қилинади; 3. Ёзув ислоҳоти, яъни юнон ёзуви бекор қилиниб, давлат ва маҳкама ишлари ва ҳужжатлари бохтарий ёзуви ва тилида олиб борилади; 4. Диний бағрикенгликка путур етказилмаган ҳолда буддавийлик дини умумдавлат дини деб эълон қилинади.

Канишка Сугдиёна, Хоразм, Чоч ва Парғана билан иқтисодий ва маданий алоқаларга катта эътибор беради. Иқтисодий муносабатларда у Ғарб мамлакатларини ҳам четда қолдирмади. Милодий 99 йилда Римга элчи юборади. Айниқса,

<sup>1</sup> Там же, стр. 112.

<sup>2</sup> Там же, стр. 112.

<sup>3</sup> История народов Узбекистана. Том I. 1950. С. 112.



милодий II асрнинг биринчи ярмида Кушон элчилари катта-катта савдо карвонлари билан Римга кириб борганлар. Бу ҳақда Рим солномачилари (уларни Бактрия элчилари номи билан) хабар берадилар. Римдаги машҳур Траян колонналари бўртма безакларида кушон элчиларининг тасвирини акс этиши ҳам бу хабарларини тасдиқлайди. Шунингдек, Рим империяси тангаларини Кушон подшолиги худудларида кўплаб учраши эса Рим элчилари ва савдогарларининг жавоб ташрифи сифатида бир неча бор Дайғиа (Дахя) га келиб кетганлигидан далолат беради. Кушон тангаларининг шимоли-шарқий Қора денгиз соҳилларида, Кама дарёси ҳавзасида учраши эса кушонларнинг Шарқий Оврўпа билан яқин алоқада бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Кушонлар антик даврнинг қудратли давлатларидан бири сифатида Хувишка, Васудева (Васишка) даврида ҳам Канишка олиб борган давлат сиёсатини давом эттирадилар. Бирок, Кушон империясининг III–IV асрлар давридаги сиёсий ҳаёти ҳақида ёзма манбалар деярли маълумотлар учрамайди. Археологик манбаларни камёб ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш натижаларига асосланиб, тарих фанида кушонлар III асрдан бошлаб орқага кета бошлайди, деган тасаввур шаклланди. IV аср охирларига келиб, бир томондан сосонийлар, иккинчи томондан хионийлар ва кидарийлар томонидан берилган зарбалар натижасида кушон давлати парчаланиб, фақатгина Марғиёнадаги сосоний ҳукмдорида «кушоншоҳ» унвони сақланиб қолди, холос.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, Қадимги Бактрияда бошланган кушонлар даври тарихи милoddан аввалги I аср охирларидан (жабғу Қудзула Кадфиз ўзини Гуйшуан подшоси деб эълон қилгандан) милодий IV аср охирларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр икки босқичдан иборат. Биринчи босқич илк кушонлар (Кадфиз I, Вима Такто ва Кадфиз II) даври бўлиб, бу даврдаги кушонлар тарихи асосан Ўрта Осиё худудлари билан боғлиқ. Иккинчи давр – Канишка ва унинг ворислари даври бўлиб, кушонлар тарихининг сиёсий майдони асосан Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми бўлиб қолади.

#### **IV. 4. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маҳаллий ёзма манбалар**

Ўрта Осиёда араблар босқинига қадар ҳам қадимги ёзувлар бўлган. Улар асосан археологик изланишлар давомида турли йилларда топилган маҳаллий аҳолининг хоразмий, парфиёний, бохтарий, суғдий, туркий ва «номаълум ёзув» деб аталмиш ноёб ёзма ёдгорликларидир. Улар Парфия давлатининг пойтахти Эски Нисодан топилган подшо архиви, Тупроққалъадан топилган қадимги Хоразм подшоларининг архиви, Муғқалъа қасридан топилган суғд ҳужжатлари, Бактрия худудларидан топилган диний, ахлоқий-фалсафий мазмундаги ибодатхона ҳужжатларидир. Улардан ташқари қадимги самарқандликларга тегишли Дунгуандан топилган оилавий хатлар, Афросиёбдан топилган савдо қарз тилхати ва элчилик номалари, тангаларга ёзилган ёзувлар, «номаълум ёзув» сифатида бизгача етиб келган қадимги туркий ёзувлардир. Улар тош, сопол, чарм, ёғоч, металл, қоғоз ва бошқа буюмларга битилган матнлар, шахсий мактублар, хўжалик,

хукукий ва дипломатик ҳужжатлар, диний, ахлокий-фалсафий матнларнинг парчалари ҳамда кўплаб нумизматика материаллари, яъни танга ёзувлари бўлиб, улар қисқа ва жуда кам бўлишидан қатъи назар, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи тарихи ва маданиятини ўрганиш учун қимматли маълумотлар беради.

Хўш бу ёзув намуналари Ўрта Осиёда қачон пайдо бўлган, умуман инсоният қачон ёзувни кашф этиб, цивилизациялар тарихини бошлаб берди? Тарихдан маълумки, ёзув кишилик жамияти ҳаётида 5 мингйиллик тарихга эга. Ёзув дастлаб суратли ёзув сифатида Мисрда пайдо бўлди, яъни грамматик ва семантик аниқлагич белгилари (детерминативлар)дан иборат иероглифлар яратилди. Сўнг, қадимги Шумерда сўз ва бўғин ифода этувчи миҳхат ёзув тизими шаклланди. Милоддан аввалги II мингйиллик ўрталарида Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилларида таркиб топган давлатларда савдо ривожланади. Савдо-сотик ишларида ёзувга бўлган талаб ошади. Айниқса, Ўрта Ер денгизи Шарқида, Шом (Сурия) ўлкаларида милодий эрадан аввалги XIII–XII асрларгача қўлланиб келинган бўғинлаб ёзишга мўлжалланган миҳхат ёзувлар тажрибасидан фойдаланиб, финикияликлар жаҳон аҳамиятига молик ёзувни ихтиро қиладилар. Бу ёзув тарихда биринчи бўлиб, инсон нутқи айрим товуш бирликларидан иборат эканлигини, шу товушлар бирикмасидан сўзлар ҳосил бўлишини тушуниб етадилар. Улар ҳар бир нутқ товушини алоҳида, лекин доим бир шаклда чизиладиган ҳарф-белги орқали ифодаланишини ҳаётга олиб киришади. Шундай қилиб, финикияликлар алифбони ишлаб чиқишди. Аммо, улар алифбосида унли белгилар учун махсус ҳарфлар йўқ эди. Бу анъана қадимги Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, арабларда эса бу ҳозиргача бор.

Ана шу ёзувдан тахминан милоддан аввалги 1000 йиллар атрофида оромий ёзуви ажраб чиқиб, ўзининг илк босқичида (милоддан аввалги X–VII асрлар) финикия ёзуви чизма шакллари оромий тили доирасида катта синовдан ўтади. Бу ёзув намуналари тошларга битилган Ахоманий подшоларининг (мил. авв. VI–IV асрлар) китобалари бўлиб, бу битиклар оромий ёзувида катта нуфуз беради. Бу нуфуз Ахоманийлар давлати доирасида маҳкама тили ва ёзуви сифатида кўзга ташланади, яъни оромий ёзувининг халқаро нуфузи Биҳистун қоятош битикларининг машҳур «70 банди»да ўз аксини топган. Ушбу тош китобада Доро I, унга тобе мамлакатларга оромий ёзувида буйруғини тарқатган. Бу буйруқ оромий ёзуви ҳақида бўлиб, унда «битикни бошқа қилиб орийча туздим, бунақаси илгари бўлмаган эди. Кейин эса бу ёзувни (барча) юртларга тарқатдим. Уни халқлар қабул қилди», дейди. Оромий ёзувида ҳам унли товушлар йўқ. Ундош товушларни ёза оладиган ибодатхона ходимлари сўзлардаги унлиларни ҳаёлан тиклаб ўқийдилар. Бундай ўқиш ёзув тарихида квазиалфавит дейилиб, оромий квазиалфавитидан парфия, хоразмий, бохтарий, суғдий ёзувлари пайдо бўлади. Демак, уларда ҳам унли товушлар йўқ. Оромий ёзуви ва унга асосланган бошқа ёзувлар алфавити 22 та ҳарф-белги асосида қурилган.

Фақат Панжикент сарой харобасидан топилган сопол тахтачада, яъни алифбода 23 та ҳарф-белги кўрсатилган.

Қадимги юнонлар Финикия ёзувига асосланиб, улардан фарқ қиладиган ўз алифбосини ишлаб чиқишган. Юнон алифбоси 25 ҳарфдан иборат. Юнон алифбосини Финикия алифбосидан муҳим фарқи шундаки, юнон ёзувида унли ҳарфлар ҳам бор. Юнон ёзуви асосида римликларнинг латин алифбоси ишлаб чиқилди ва кейинчалик дунё халқлари латин алифбоси асосида ўз ёзувларини ишлаб чиқадилар. Оромий ёзуви эса Шарқнинг узок ўлкаларигача кириб бориб, кўпгина халқларнинг ёзувига асос бўлган. Қадимги турк ёзувини пайдо бўлишига суғдий ёзув туртки бўлган. Ундан уйғур, мўғул ва манжур ёзувлари ўсиб чиққан. Уйғур ёзуви доирасида квазиалфавит хусусияти йўқотилиб, сўз тузилишида унлиларни ифодалаш бошланди. Бу тажрибадан мўғул ва манжур ёзувлари фойдаланиб, ўз ёзувларига унли товушларни киритишган.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари оромий алифбоси асосида ўз ёзувларини кашф этгач, маҳаллий аҳолининг маънавий-ахлоқий қарашлари, хўжалик ва ҳуқуқий ҳужжатлари, оилавий ёзишмалар, савдо-сотик ва танга пулларига ёзувлар шу ёзувларда олиб борилган. Афсуски, уларнинг аксарияти турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаган. Буюк Абу Райҳон Беруний ўзининг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида таъкидлаганидек, у ёзувларда битилган асарлар динийми ёки дунёвий араблар истилоси даврида йўқ қилинган. Уларнинг борлиги ҳақидаги маълумотлар эса археологик қазишмалар вақтида ахён-ахёнда учраб турадиган топилмаларга асосланган. Улар қуйидаги ёзувлардир:

**а) Қадимги Хоразм ёзуви.** Шимолий Хоразмда «Қатта Ойбуйир қалъа» ёдгорлигидан хум қорнига ёзилган оромий ёзуви нусхаси топилган. Бу Ўрта Осиёдаги оромий ёзувининг энг қадимги намунаси бўлиб, ушбу хум милоддан аввалги V асрга оид. Унга нима ёзилганлиги номаълум, чунки у ўқилмаган. Маҳаллий аҳоли оромий алфавитидан фойдаланиб, қадимги Хоразм тилига мослаб кашф этган хоразмий ёзувининг намунаси милоддан аввалги IV асрнинг охири – III аср бошларига оид ёдгорлик Қўйқирилган қалъадан топилган, у атиги битта сўздан, яъни сопол парчасига ёзилган «ASPABARAK» сўздан иборат бўлиб, у отлик аскар, сипоҳий деган маънони беради. Хронологик жиҳатдан навбатдаги хоразмий ёзуви милодий I–VIII асрлар оралиғида зарб этилган қадимги Хоразм тангаларида учрайди. Тангаларда «Вазамар», «Артамах» деган қадимги Хоразм подшоларининг номлари ёзилган. Учинчи гуруҳ ёзувлар Тупроққалъадаги қадимги Хоразм подшоларининг архивидан топилган. Улар терига, ёғочга ва ғишт тахтакачларга ёзилган 114 парча хўжалик ҳужжатлари, яъни теварак-атроф қишлоқлардан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдорий рўйхати, қирим-чиқим ҳисоби ва бошқалар бўлиб, улар милодий III–IV асрларга тегишли эди. Қадимги Хоразм ёзувининг тўртинчи гуруҳи VI–VIII асрларга оид бўлиб, булар қумуш қадахчалардан иборат. Уларнинг сиртига уста ва эгасининг номи битилган. Бешинчи гуруҳ ёзувлар Тўққалъадан топилган оссуарийлар сир-

тига ёзилган. Тўққалъа ёзувлари бутун бир кутубхонадир. Ниҳоят, олтинчи гуруҳ ёзувлар Миздахкан ёдгорликлар мажмуасидаги Говур қалъадан топилган.

**б) Парфия ёзуви.** Парфия давлатининг пойтахт шаҳри Михрдаткирт қалъадан (Эски Нисо) сополакка ёзилган 2700 дан кўпроқ сопол парчалари топилган. Ушбу ёзув парчалари асосан хўжалик хужжатлари бўлиб, уларда кўпроқ вино ҳақида, вино келтирилган қишлоқ номлари, вино миқдори ва бошқалар ёзилган. Парфия ёзуви оромий ёзуви асосида подшо Митридат I даврида (милоддан аввалги II аср ўрталарида) ишлаб чиқилган, у 22 та ҳарфлардан иборат. Бу ёзув милоддан аввалги III–II асрларда мамлакат бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, шу даврда Михрдаткирт шаҳрида давлат архиви ташкил топган. Парфияда ўз тилида ёзилган ёзувдан ташқари, юнон тили ва ёзуви ҳам муомалада бўлган. Парфияда мутахассислар таъкидлашича, 2800 га яқин оромий тилида ёзилган ёзув парчалари топилган.

**в) Бохтарий ёзуви.** Милоддан аввалги IV аср охиригача Қадимги Бактрия худудларида оромий ёзуви ишлатиб келинган. Кейин Бактрияда маҳкама тили ва ёзуви юнонча бўлган. Тахминан, милоддан аввалги III–II асрлар чегарасида оромий ёзуви асосида бохтарий ёзуви ишлаб чиқилади, деган илмий фаразлар мавжуд. Чунки, Ойхонимда милоддан аввалги II аср биринчи ярмига тегишли бохтар ёзуви топилган. Қадимги Бактрияда ўша асрларда бир вақтнинг ўзида бохтарий ва юнон тили ёзуви, брахми ва кхорашти ёзувлари ҳам муомалада бўлганлиги ҳақида ёзма ва нумизматика материаллари топилган.

Нумизматика материаллари орасида Юнон-Бактрия подшолари расми ҳамда юнон ёзуви битилган кўплаб тангалар топилган. Дастлабки кушон подшолари Евкратид ва Гелиокл тангаларига тақлид қилиб танга зарб қила бошлайдилар. Бу тангаларнинг олд томонида номаълум шоҳнинг боши, орқа томонида юнонлар худоси Зевснинг ҳайкали тасвирланган. Мухими шундаки, бу тангаларнинг асосий қисми Сурхондарё ёдгорликларида топилган. Материаллар таҳлилига кўра, бу тангалар Далварзинтепада зарб қилинган. Тахмин қилинишича, бу тангалар Гуйшуан ҳокимлари томонидан зарб эттирилган. Дастлаб, бу тангаларнинг орқа томонида юнон худоси Зевс тасвирланса, текширишлар шуни кўрсатдики, вақт ўтиши билан танганинг орқа томонига энди Зевс ўрнига отнинг сура-ти зарб қилина бошлади. Тангага жойлаштирилган от сура-ти янги давлат пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бундай тангалар ҳозиргача асосан Сурхондарё ёдгорликларидан топилмоқда. Демак, дастлабки кушон давлати шимолий Бактрияда ташкил топган, унинг пойтахти эса айнан Далварзинтепа бўлган. Тангаларда отнинг тасвирини пайдо бўлиши билан унинг олд томонидаги номаълум шоҳ сура-ти ўрнида аниқ шоҳ тасвири пайдо бўлади. Унинг юз қиёфаси Холчаёнда топилган хайкалларга ўхшаб кетади. Танганинг орқа томонида энди отнинг ўзи эмас, отлик, от минган киши тасвири туширилган. Бу ерда юнон ҳарфлари билан битилган тўртта сўз ҳам бор. Биринчи сўз – ҳукмдор, иккинчи сўз – Герай, учинчи сўз – ҳалигача ўқилмаган, тўртинчи сўз – кушон деб ўқилади. Шундай қилиб, гуйшуан-кушон уруғидан бўлган биринчи ҳукмдорнинг номи маълум бўлди. Афсуски, ҳозиргача Герайнинг ҳукмдорлик вақти аниқланмаган. Тахмин

килинишича, у мил. авв. I асрнинг иккинчи ярмида ҳукмронлик қилган. Хитой манбаларида Кудзула Кадфизнинг подшолиги юечжи қабилалари Бақтрияга келиб, юз йилларча вақт ўтгач, Гуйшуан 5 та юечжи қабилаларини бирлаштириб, Гуйшуан подшолигини ташкил этганлиги ҳақида хабар берилади. Демак, Герай Кудзулагача Гуйшуанга ҳокимлик қилган. Кудзула Кадфиз эса унинг ўғли ёки набираси бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, кушонлар давлат тепасига келгач, бохтар тили ва ёзувига қатта йўл очилади. Канишка даврида бохтарий тилига давлат мақоми берилиб, бохтар тили ва ёзуви барча соҳаларга кириб боради ва юнон тили ва ёзувини сиқиб чиқаради. Будда дини ибодатхоналари пештахталарида бохтар тили ва ёзувида Канишка ва унинг ворисларининг фармонлари ўз аксини топади. Масалан, сулолавий ибодатхоналар ҳисобланган Сурх-котал ва Рабатак ибодатхона пештахталаридаги ёзувлар бунга мисол бўла олади. Ҳатто, Канишка Рабатак ибодатхонаси деворларида ажлодлари ва ўзини суратини ишлатган ва уларнинг номлари келтирилган. Ажлодлар рўйхатида (Кудзула Кадфиз, Вима Такто, Вима Кадфиз) унинг бобоси сифатида Вима Такто исми келтирилади. Рабатак сулолавий ибодатхонада Канишканинг бобоси Вима Такто номини биринчи бор келтирилиши тарих фани учун янгилик эди. Унгача кушон тангаларининг орасида исмсиз шоҳ Сотер Мегас номи билан тангалар мавжудлигини биламиз. Аммо, у тангалар Вима Тактога тегишлими ёки Вима Кадфизгами? Бу муаммо эди. Бизнингча, номсиз шоҳ тангалари Вима Тактога тегишли бўлса керак. Чунки, Вима Кадфиз номида зарб этилган тангалар бор. Шундай ҳам бўлсин, у ҳолда нима учун Вима Такто ўз исми билан танга зарб эттирмай, исмсиз шоҳ номи билан пул чиқартирган. Бу масала ҳам ҳозирча муаммо бўлиб қолади. Рабатак ёзувининг яна бир муҳим жиҳати борки, у ҳам бўлса, Кушон подшоси Канишка ўзи ва сулолавий ажлодларининг келиб чиқишини орийлардан эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу маълумот ўзбек халқи этногенези учун жуда муҳим далилдир.

**г) Суғдий ёзув.** Милоддан аввалги III–II асрларда оромий ёзуви асосида шакланган суғдий ёзув ўлкамиз маданияти тарихида муҳим роль ўйнади. Бу ёзув ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланган. Суғд тили ва ёзуви Суғдиёна ҳудудларидан ташқари Фарғона водийсида, Тошкент воҳасида ва Етти-сувда кенг ёйилган. Суғдий ёзув орқали бизгача эрамиз бошларидан то XI аср биринчи чорагига қадар ёзилган кўплаб ноёб ёзма ёдгорликлар етиб келган. Улар орасида кўплаб нумизматика материаллари (танга ёзувлари), металл, сопол, ёғоч, чарм, қоғоз ва бошқа буюмларга битилган матнлар, шахсий мактублар, хўжалик ва молия ҳисоботи ҳамда ҳуқуқий ва дипломатик ҳужжатлар, никоҳ гувоҳномалари, айқоқчилик мактублари, диний, ахлоқий-фалсафий матнларнинг парчалари бор.

Суғдий ёзув 22 та ҳарф-белгидан иборат. У бир неча босқични ўз бошидан кечирган. Унинг илк босқичи Юнон-Бақтрия тангаларига тақлид қилиб чиқарилган Суғд тангаларида учрайди. Шунингдек, суғдий ёзувнинг намуналари Афросиёбдан топилган эрамизнинг I–III асрларга тегишли сопол парчаларида ва терракота ҳайкалчаларда учрайди. Милодий II асрда Суғдиёнада кумуш тангалар зарб

этила бошлайди ва у жаҳон бозорига чиқади. Бу тангалар то милодий V–VII аср биринчи ярмигача Кеш пойтахти бўлган Суғд конфедератив давлати ташкил топгунга қадар (650–655 йилларгача) давом этади. Сўнг, VII аср ўрталаридан Суғд конфедерациясининг пойтахти Самарқандга кўчгандан кейин (Авархуман–Вархуман давридан бошлаб) суғдий ёзувнинг ташқи шакли янада такомиллашиб, унинг ички тил товуш мазмуни аниқ ифодалаш томон ўсади ва муайян орфографик нормалар вужудга келади.

Суғдда кумуш тангалар зарб этилиб, жаҳон бозорига чиққач, суғд савдогарларининг савдо карвонлари Шарқда узок ўлкаларга кириб боради. Жануби-шарқий Ўрол орти ўлкаларида, Энасой ҳавзалари ҳудудларида, Жанубий Сибир ва Ангара дарёси ҳавзаларида, шимолий Хитой ва Мўғулистонда суғд савдо факториялари (савдо карвонсаройлари) ва қишлоқлари пайдо бўлади. Суғд савдогарлари узок ўлкаларга ҳам кириб борганлар. Улар каерга кириб борса, ўша жойга суғдий ёзув ҳам кириб борган. Фикримизнинг далили сифатида 1889 йилда Мўғулистонда топилган суғдий ёзув ёдгорлиги – XI асрда ҳукмронлик қилган уйғур хоқони ша-рафига қабр устидаги плитага ёзилган ёзувни келтириб ўтиш мумкин.

Қадимда йирик халқаро савдо марказларидан бири шимоли-ғарбий Хитой шаҳри Дунгуанда бўлиб, айлан мана шу шаҳарда 3 минг самарқандлик савдо аҳли жойлашган Самарқанд квартали ташкил топган. Дунгуан савдо факторияси савдогарлари она шаҳри Самарқанд билан узвий алоқада бўлиб, Самарқандга карвонлар орқали хатлар юбориб туришган. Ана шундай хатлардан 9 таси эгасига етиб бормаи, Дунгуан почта-минорасида қолиб кетган. У хатлар милодий 313–317 йилларда ёзилган бўлиб, уларни ўтган асрнинг бошларида инглиз археологлари топиб ўрганганлар. Суғд тилида ёзилган бу хатлар тарихда «Кўҳна хатлар» номи билан машҳурдир.

Ана шундай ёдгорликларнинг катта гуруҳи 1933 йилда Хайробод қишлоғи яқинида Муғ қалъа қасри харобаларидан топилган суғдий ҳужжатлардир. Муғ қалъа суғд архиви деб юритилган бу ёзма ҳужжатлар мажмуаси VIII асрнинг дастлабки ўн йиллигига оид (712–722) 89 та ҳужжат бўлиб, улардан 74 таси суғд тилида (шундан 29 таси терига, 22 таси коғозга, 23 таси ёғочга) ёзилган эди. Суғдий ҳужжатлари ичида араб, хитой, қадимги туркийда ёзилган намуналари ҳам учрайди. Давлат ҳужжатларини Суғд подшосига тобе Панч (Панжикент) ҳокимлиги саройидан Муғ қалъа қасрига бориб қолишининг боиси шундаки, араблар босқини даврида Панжикент ҳокими Деваштич араб истилочиларига қарши Суғд–Чоч–Парғана–Турк хоқонлиги ҳарбий иттифоқини тузиш мақсадида, у ўлка ва мамлакат бошлиқлари билан дипломатик ёзишмалар олиб боради. Самарқанд Суғди ихшиди (подшоси) Тархуннинг қатъиятсизлигидан норози бўлиб, бир вақтни ўзида ўзини Самарқанд тахти даъвоғари деб эълон қилади ва арабларга қаршилиқ кўрсатишни бошлаб юборади. Аммо, араблар кучли келиб, Деваштич қўшинлари бир неча зарбалардан сўнг, тоғ томон чекинадилар ва тоғдаги Муғ қалъага оила ва барча яқинлари билан жойлашиб оладилар. Деваштич Муғ қалъага чекинганда сарой архивини ҳам бирга олиб кетган бўлган.

Араб қўшинлари мудофаачиларни у ерда ҳам тинч қўймади. 722 йилда икки орада қаттиқ жанглар бўлган, қалъа эса вайрон қилинган. Араб қўмондонлиги Деваштични Хуросондаги халифалик ноибни ҳукмига юборди. Деваштич Хуросон ноибни қўйган шартларни қабул қилгач, уни Суғдга гўё қайтариб юборди. Аммо, хуфия буйруқ асосида Рабинжон (Қаттақўрғон шаҳри яқинидаги илк ўрта асрлар шаҳар харобаси) зардуштийлар қабристониди оёқ-қўлларини ёғочга михлаш йўли билан қатл қиладилар.

Муғ қалъасида қолиб кетган суғд архиви орадан 1210 йил ўтгач, 1932–33 йилларда топилди. Мутахассис олимлар Муғ қалъа ҳужжатларини ўрганиб бир неча туркумларга ажратганлар. Ана шу тадқиқотларга кўра, А-14–ҳужжат Суғд элчиси Фатуфарнинг Чочдан жўнатган мактуби бўлса, В-8 – ер харид қилиш ҳақидаги суғдча ҳужжат, В-4 – тегирмон ижараси ҳақидаги ҳужжат, Nov.3 – суғдча никоҳ гувоҳномаси, Nov.4 – куёвнинг келин томон олдидаги мажбуриятлари, А-9 – қўшни ҳокимликлардаги аҳвол тўғрисида Деваштичга унинг айғоқчиси ёзган мактуб ва бошқалар.

Суғд тили ва ёзуви ҳақидаги яна бир ҳужжат Афросиёбдан, Самарқанд ихшиди Вархуман (Авархуман) саройи деворидан топилган. Вархуман (Авархуман) 651 йилда ҳокимият тепасига келиши шарафига шоҳона сарой қурдирган. Сарой қалин пахсадан қурилган монументал (11х 11 м.) бино бўлиб, унинг деворлари рангбаранг деворий суратлар билан безатилган эди. Сарой деворининг бир томонида Чоғаниён мамлакатидан Самарқандга ташриф буюрган элчилар ва уларнинг карвони чизилган бўлса, саройнинг иккинчи деворида Узоқ Шарқдан (эҳтимол Хитойдандир) денгиз сувида елканли улкан кемада сузиб келаётган элчилар тасвирланган. Учтинчи девор ўртасида эшик бўлиб, унинг ўнг томонида муқаддас Варуқаша денгизида болаларини сузаётганлигини тиззасидан сувга кириб, томоша қилаётган гўзал аёллар, сузиб юрган балиқ ва тошбақалар тасвирланса, эшикнинг чап томонида эркакларни от устида човгин ўйини ўйнаётганликлари тасвирланган.

Яна бир деворда 3 ярусда суратлар, суратларнинг юқори яруси тўлиқ сақланмаган. Унинг иккинчи ярусиди подшо Вархуман (Авархуман) тахти равонда ўз аёёнлари, унга тобе ихшид ва ихридликларнинг ҳокимлари билан (улар 11 ҳокимлик бошлиқлари бўлса керак, чунки, тахтиравон яқинида 11 та байроқ туғ сифатида боғланган ҳолда турибди) элчи меҳмонларни кутмоқда. Саройнинг биринчи қаватидан иккинчи қаватга, қўлларида қимматбаҳо совғалари билан пиллапоядан юқорига кўтарилаётган элчилар тасвири туширилган. Биринчи ярусда (қаватда) қабулга навбат кутаётганлар қаторида, бир чеккада, узун халат кийган мусаввир сурати ҳам бор. Унинг халати этагига 11 қаторли суғдча хат битилган. Хатда Самарқандга келган элчилар ҳақида маълумотлар бор. Элчиларни Чоғаниён ва Чочдан келгани аниқ. Чунки, хатда улар ёзилган. Хатнинг бузилган, укаланиб кетган жойларида яна нималардир ёзилган. Хатда Самарқанд – Смараканса талаффузида берилган. Шундай талаффуздаги Самарқанд номи Дунгухан мактубларида ва Муғ қалъа ҳужжатларида ҳам бор. Демак, суғдийлар ўз тилларида Самарқандни «Смараканса» деб атаган эканлар.

XX асрнинг 70-йилларида милодий IV асрга тегишли ёғочга битилган суғдча хужжат Афросиёбдан топилган. Суғдшунос М.Исҳоқовнинг маълумотларига кўра, бу хат Самарқандлик бир савдогарни ўз ҳамкасбига қарзга берган пуlining тилхати экан. Хат мазмуни ва қарз шартларининг таҳлилига кўра, қарз олувчи қарз берувчига судхўрлик шартлари қўймай, қайтариш муддати келганда, қарзга олган пул киймати баробарида қарзни қайтариш қайд қилинган. Бунинг учун қарз берувчи қарз олувчи билан бозорга бориб, берилаётган пулга қанча сўйишга тийёр новвос келишини аниқлаганлар. Қайтариш вақтида ҳам худди шундай қилиниб, қарз қайтарилган. Ушбу тилхат ана шу ҳақда бўлган.

Суғдий ёзув кўп соҳаларга кириб борган. Масалан, Паҳлавон Рустам тўғрисидаги халқ достонида «Калила ва Димна» тўғрисидаги иккита парча суғдча баён қилинган, VIII–IX асрларга доир диний мазмундаги бир неча буддавий, христиан, манухей матнлари, будда илоҳияти, будда адабиёти асарларини ўз ичига олган бир гуруҳ хужжатлар суғд тили ва суғд ёзувида битилган. Хуллас, юқорида қайд қилинган ёзув намуналарида, гарчи уларнинг деярли барчаси айрим суғд ёзуви парчаларидан иборат бўлишига қарамай, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи қадимги тарихи ва маданияти ҳақида қимматли ва ноёб маълумотлар беради. Шунингдек, уларни илмий таҳлили асосида ўзбек этногенези ва этник тарихини ўрганиш учун ҳам тегишли маълумотлар олиш мумкин.

**д) Қадимги туркий ёзув.** Қадимда суғдий, бохтарий ва хоразмий ёзувлари қаторида оромий алифбоси асосида туркий ёзув ҳам кашф этилган. Ҳозирги вақтда Осиё ва Оврўпанинг турли минтақаларида бу ёзувга доир топилган ёзма ёдгорликларнинг сони 300 га яқинлашиб қолди. Дастлаб, улар Энасой ва Ўрхун дарёлари ҳавзаларидан топилиб, белгиларнинг ўзига хос рунийсимон шаклига кўра, «Ўрхун-Энасой руний ёзуви» деб атала бошлади. 38 та ҳарфдан иборат бу ёзув Жанубий Сибир, Марказий Осиёнинг туркийзабон қабилалари ва элатлари ўртасида кенг тарқалган. Руний ёзувларининг каттагина қисми қояларга, қабртошларига, тошдан ясалган одам ҳайкалларига ўйиб ёзилган. Бир қисм хатлар эса металлдан ишланган идишларда – сопол, танга, қоғоз ва ёғочда учрайди.

Қадимги туркий ёзуви асосан будда тарихий биографик лавҳалардан иборат бўлиб, турк, уйғур, қирғиз аслзодалари, ҳоқон уруғидан чиққан машхур кишиларнинг хизматлари ва уларнинг қаҳрамонлик хатти-ҳаракатларини мақташга бағишланган. Қадимги туркий ёзувининг энг йирик ёдгорлиги «Ирк битиги» (Фолбинлик китобчаси) бўлиб, у қарийб 100 саҳифадан иборат. Билга ҳоқон, Култегин шарафига битилган ёдгорликлар, Ўнгин ёзуви, Тўнюқуқ, Мўйин чура ва Кули чура шарафига битилган ёдгорликлар уларнинг энг машхурларидирлар. Сибир ва Шимолий Мўғулистондан ташқари руний ёзуви ёдгорликлари Шарқий Оврўпада, Шарқий Туркистон ва Олойда, Ўрта Осиё ва шимоли-шарқий Қора денгиз ҳавзаларида ҳам учрайди. Б.Х.Матбобоевнинг гувоҳлик беришига қараганда, кейинги йилларда Фарғона водийсида олиб борилган археологик изла-нишлар вақтида сополларга ёзилган туркий ёзувнинг 30 тадан ортиқ намуналари



топилган. Марказий Осиёда туркий ёзувнинг пайдо бўлиши милoddан аввалги I мингйилликка тўғри келади, деган фаразлар бор<sup>1</sup>.

**«Номаълум ёзувлар».** Бу ёзувга тегишли дастлабки маълумот 1954 йилда француз археологи А. Марик томонидан бир идиш парчасидаги ёзувдан бошланди. Бу биринчи «номаълум ёзув» намунаси эди. 1966 йилда Г.А. Пугаченкова Холчаёндан «номаълум ёзув» лавҳасини топади. Бу ёзув ҳам ўқилмай номаълумлигича қолди. 1967 йилда Дашти Навур (Афғонистон)да қояга ёзилган шундай ёзув намунаси топилди. У эрамининг I асрига тегишли бўлиб, у уч тилда, яъни кхарошти, юнонча графика асосидаги бохтарийча ва номаълум тилда ёзилган эди.

Тилшунос олим Ж.Фюсман бу хат ўнг томондан чап томонга қараб ёзилишини, Сурх-Котал ва Холчаён ёзувлари билан бир эканлигини исботлайди. 1972 йилда археолог К. Акишев машҳур «Иссик» кўрғонидан қумуш қосага ёзилган, милoddан аввалги IV–III асрга тегишли ёзувни топади, тилшунослар эса уни «номаълум ёзув» сирасига қўшадилар. Уни ўқишда мутахассислар ўртасида ҳар хиллик бўлса-да, аммо «Иссик» кўрғони милoddан аввалги III асрдан кам эмаслиги масаласида мутахассислар ўртасида иккиланиш йўқ. Яна «иссик» ёзуви «номаълум ёзув»и тарқалган тарихий-маданий минтақалар географиясига аниқлик киритди. Бу ёзув намуналари жанубий Ўзбекистоннинг Хотинрабод, Қоратепа, Фаёзтепа, Тўққизтепа, Кампиртепа каби ёдгорликларидан, Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум ёдгорлигидан ҳам топилган. «Иссик» ёзуви («номаълум ёзув») ёдгорликларини академик Э.В. Ртвеладзе юечжи қабилалари билан боғлайди. В.А. Лившиц эса уни сакларга тегишли дейди. Шу билан бирга, «иссик» ёзувини кушон империяси ёзув тизимининг расмий шаклларида бири деган хулосага келади. Кейинги йилларда тадқиқотчилар бу ёзувни энг қадимги туркий ёзув бўлиши керак, деган фаразларни ўртага ташламоқдалар. Масалан, А. С. Омонжолов «иссик» ёзуви туркий ёзув эканлигига шубҳа қилмайди. Биз ҳам шу фикрдамыз. Э.В. Ртвеладзе «номаълум ёзув» тилини аниқлаш муайян этносни ёзув атрибутикасига узил-кесил тузатишлар киритади. Ҳар ҳолда «номаълум ёзув»нинг тарқалиш географияси ҳам уни юечжи қабилаларига мансублигига шубҳа уйғотмайди, дейди. Дарҳақиқат, бу ёзув Ўрта Осиёнинг жануби-шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий ғарбида шаклланган кўринади. Ёзув ёдгорликларининг тарқалиш минтақаси «Иссик» кўрғони ҳудуди ва Еттисувдан жанубда то Ҳиндикушгача ва шарқда шимолий Афғонистондан ғарбда то Шарқий Туркманистонгача ёйилган. Фаолият доираси милoddан аввалги III асрдан то милoddий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Омонжолов А. С. Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Алма-Ата, 1975. С. 61–65.

## V боб

### ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК АСОСИНING БРОНЗА ДАВРИ ҚАДИМГИ ДЕХҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўзбек халқининг келиб чиқиш этник илдизи, ўк томири иккита, яъни туркий ва қадимги эроний тилларнинг шимоли-шарқий лаҳжаларида (суғдий, хоразмий, бохтарий, сак) сўзлашувчи этник бирликлардан иборат бўлган. Уларнинг бир қисми яшаб турган ҳудуднинг табиий-географик шароитига кўра, асосан деҳқончилик билан шуғулланса, иккинчи қисмининг хўжалик асоси чорвачилик бўлган. Демак, ўзбек халқининг этник шаклланишида ҳар иккала хўжалик соҳибларининг узоқ асрлар давомида ўзаро иқтисодий хўжалик, этномаданий ва сиёсий алоқалари уларнинг ўзаро аралашиб, этник жихатдан қоришиб кетишига олиб келган. Бу қоришувнинг дастлабки нуқтаси аввал турк хоконлиги, сўнг эса антик давр билан боғланиб келинди. Истиклол туфайли, бу қарашлар, эндиликда, бирламчи манбалар асосида қайта кўрилиб, ўзбек этногенезининг илк босқичи, бошланғич нуқтаси сўнгги бронза давригача (мил.авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми) қадимийлаштирилди<sup>1</sup>. Бу нафақат ўзбек этногенези, балки ўзбек миллий давлатчилиги тарихини ўрганиш учун ҳам катта кашфиёт эди. Чунки, собиқ шўро даври тарихшунослигида ўзбек халқининг этник асоси ҳақида гап кетганда урғу асосан туркчиликка қаратилиб, унинг этник асосида муҳим ўрин тутган эронзабон суғдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар ҳақида тегишли маълумотлар берилмас эди. Ўзбек давлатчилиги билан боғлиқ Мовароуннахрнинг шаҳарсозлик маданияти Эрон Ахоманийлари ва Юнон истилочилиги билан боғланиб, бронза даврининг суғформа деҳқончиликка асосланган Сополли маданияти ҳали кашф этилмаган эди. Сополли маданияти ёдгорликларини очиб ўрганилиши бу хатоликларни тuzатилишига олиб келди.

Сополли маданияти ёдгорликлари бағрида чорвадор аждодларимиз моддий ва маънавий маданияти изларини топилиши эса, ўзбек халқи этногенезининг бошланиш даврий санасини бронза даври билан белгилашни тақозо этди. Шу боис, ушбу бобда аждодларимизнинг зироатчилик билан шуғулланган ўтроқ қатлами ҳақида, унинг бронза даври моддий маданият обидаларида акс этиши ҳақида маълумот бериш лозим топилди (зарварақдаги 1-расмга қаранг).

<sup>1</sup> Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналі, № VI. Т.: 1996, 71-бет; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: тарихий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» Республика семинари материаллари. Т.: 2004, 9-бет; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: 2007. 67, 240-бетлар.

Маълумки, Ўзбекистон хуудларида кенг кўламда олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар ва уларни қадимги ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш туфайли ўзбек халқининг этногенез тарихи қатор хронологик босқичларга (бронза ва илк темир даври босқичи, антик давр босқичи, илк ўрта асрлар даври босқичи, ўзбек аждодларининг алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланиш босқичи) бўлинган. Унинг биринчи босқичи сўнгги бронза ва илк темир даврларига тегишли бўлиб, айнан шу даврдан бошлаб ўзбек халқи икки этник илдиз асосида ривожлана бошлайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг биринчи илдизи ўтроқ деҳқончилик маданияти этник компонентларидан иборат бўлса, иккинчи илдизи бронза ва илк темир даврининг чорвадор қабилалари этник компонентларидан таркиб топган.

Ўрта Осиёнинг минтақавий ривожланиши асосида ибтидоий уруғ жамоаларининг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши, яъни деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ётади. Оддий қилиб айтганда, деҳқончилик ва чорвачиликнинг кашф этилиши минтақавий ривожланишнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этган. Бу ибтидоий аждодларимиз ҳаётидаги туб маънодаги инқилобий ўзгаришлар Ўрта Осиё минтақасида, унинг ранг-баранг табиий-географик шароитига кўра, мил.авв. VII–V мингйилликлардан бошланди, яъни Ўрта Осиёда неолит давридан бошлаб ривожланишнинг минтақавий йўли шаклланиб борди. Бу жараённинг бошланишидан далолат берувчи дастлабки объект Жойтун археологик ёдгорлиги бўлиб, айнан мана шу объектда Ўрта Осиё минтақасининг илк бор қадимги деҳқончилик маданияти таркиб топган. Шу кезларда унинг шимолий сарҳадларида бу даврда ибтидоий жамоалар ҳали овчилик билан кун кечирар эдилар (Калтаминор маданияти)<sup>1</sup>.


Жойтун маданияти маданий-хўжалик аънаналари асосида таркиб топган энеолит ва бронза даврининг Анов-Номозга маданияти Ўрта Осиё жанубининг шимолий-шарқий минтақалари томон, шимолий Копетдоғ бўйлаб кенг ёйилди<sup>2</sup>.

Энеолит ва бронза даврининг бобо деҳқонлари Зарафшон водийсига, Анов-Номозгоҳ маданиятининг Номозга V–VI босқичларида Мурғоб воҳасига, Қадимги Бақтрияга кириб боради. Уларнинг иктисодий-хўжалик ва этномаданий таъсирида бронза даврига келганда қадимги деҳқончилик маданиятининг қабилалари Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларга кенг ёйилди.

**а) Саразм ёдгорлиги.** Айнан ана шу кезларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида ибтидоий жамоаларнинг хўжалик ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлайди, яъни Зарафшон водийсининг юқори қисмида, Ўзбекистон билан Тожикистон республикалари чегара районида қадимги деҳқончилик маданиятининг фавкулудда янги маскани пайдо бўлади. Бу маскан Тожикистон Республикасига қарашли Саразм қишлоғида, унинг жануби-шарқий, куёшга ўнгай томонида қад кўтаради. Саразм қишлоғи Зарафшон дарёсининг Туркистон ва Зарафшон

<sup>1</sup> *Виноградов А. В.* Древние охотники и рыбаковы среднеазиатского междуречья. Москва, 1981.

<sup>2</sup> *Массон В. М.* Средняя Азия и Древний Восток. Москва–Ленинград, 1964. С. 123–187.



1-расм. Саразм археологик комплекси (Зарафшон водийси).

тоғ тизмалари оралиғидан чиқиб, кенг водийга юз тутган энг қадимги ўтrock дехқончилик маданиятига тегишли аҳоли пункти бўлган.

«Саразм» суғдшунос олим В.А. Лившицнинг фикрига кўра, «сари-замин» яъни ернинг бошланиши, аниқроғи Зарафшон водийси – ҳавзасининг бошланиши маъносини англатади<sup>1</sup>. Саразм маданияти номи билан фанга кирган бу ёдгорлик археологик материаллар комплексига кўра, Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари – Копетдоғ тоғ этакларида энеолит даврида таркиб топган Номозга маданияти қабилаларининг бу заминга кўчиб келган бир гуруҳ уруғ жамоаларига тегишли эди<sup>2</sup> (1-расм).

Археологик тадқиқот натижаларига қараганда, қадимги саразмликлар бу жойларга Жанубий Туркманистоннинг қадимги Геоксюр (Кўк майсазор) воҳасидан бизнинг назаримизга кўра, икки мақсадни кўзлаб, келиб ўрнашганлар. Биринчиси дехқончилик хўжалиги учун қулай экин майдонларини қидириш бўлса, иккинчиси, қадимги бободехқон аждолларимизга маълум бўлган бу жой яқинида раңгли металл – маъдан конлари мавжуд бўлган. Бизнинг фаразимизга кўра, маъдан конлари кўк майсазорликларнинг бир гуруҳини бу жойга кўчишига сабаб бўлган. Чунки, кўк майсазорлик дехқон жамоалари дехқончилик хўжалиги учун қулай, унумдор, сувга сероб ерларни қидириб келган бўлганларида, биринчи навбатда, Зарафшон водийсининг қуйи оқимларини ўзлаштираган бўлар эдилар. Чунки, биринчидан, Зарафшон дарёсининг этакларида узок асрлар давомида сув окизиб келган чириңдиларга бой, дехқончиликка қулай унумдор тузроқ-ер майдонлари кўп. Иккинчидан, ҳозиргача, бу минтақада XX асрнинг 50-йилларида академик Я.Фуломов топиб ўрганган<sup>3</sup> ибтидоий дехқончиликнинг илк босқичига доир Замонбобо маданиятидан (2-расм) бошқа қадимги дехқончилик маданиятига тегишли ёдгорликларни билмаймиз. Учинчидан, Замонбобо маданияти сохибларининг хўжалик асосини, саразмликлардан фаркли ўлароқ, хонаки чорвачилик ва мотиға дехқончилик ташкил этади. Тўртинчидан, Замонбобо маданиятининг келиб чиқиши Қалтаминор типигаги неолит даври маданиятининг маҳаллий Дарвозақир варианты билан боғлиқ<sup>4</sup>.

Бу жойнинг табиий-географик иқлим шароити кейинчалик Замонбобо қабилаларини ўтrock дехқончилик билан эмас, балки чорвачилик билан шуғулланишларига йўналтираган. Шу боис, дастлаб, Ўрта Осиё жанубий ҳудудларининг қадимги дехқончилик маданияти таъсирида илк бронза даврида таркиб топган Замонбобо маданияти асосида ўтrock аҳоли кишлок ва илк шаҳарлари қад кўтармади.

Саразм маданияти ёдгорликлари таҳлилига қайтсак, шунини таъкидлаш жоизки, Зарафшон водийсида Саразм маданиятига тегишли биронта ёдгорлик ҳозиргача

<sup>1</sup> Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. Душанбе, 1991. С. 5.

<sup>2</sup> Там же. С. 100–102.

<sup>3</sup> Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. Тр. Института истории и археологии АН Уз ССР, вып. VIII. Т.: 1956.

<sup>4</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Т.: 1966. С. 166–170.



топилмади. Тўғри, археолог Н.А. Аванесова Зарафшон водийсида Саразм типидagi ёдгорликлар бўлганлигига (Тугайное) ишора қилади<sup>1</sup>. Аммо, уларнинг барчаси воҳани кейинчалик хўжалик жиҳатидан жадал ўзлаштирилиши муносабати билан йўқолиб кетган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Маълумки, тахминан минг, бир ярим минг йил Саразмда давом этган ибтидоий ҳаёт милоддан аввалги II мингйиллик ўрталарида тўхтади. Чунки, Саразм макони нафақат қадимги деҳқончилик маданиятининг ноёб ёдгорлиги, балки минтақада энеолит ва бронза даврининг металлургия марказига айланган эди. Бироқ мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида бу марказга тегишли маъдан конларининг янги эгалари пайдо бўлиб қолади, яъни Юқори Зарафшон тоғ тизмаларидаги маъдан конлари яқинидан, «Дашти-Қазо» мавзеида, чўл минтақаси бронза даври чорвадор қабилаларига тегишли қабристон топилиб, у Москва ва Тожикистон археологлари ҳамкорлигида ўрганилади. Демак, милоддан аввалги II мингйиллик ўрталарида бир гуруҳ дашт қабилалари юқори Зарафшон тоғ тизмаларидан топилган маъдан конлар (Ёри, Кончач, Жилоу) атрофига кўчиб келиб ўрнашадилар. Натижада Саразмдаги металлургия билан боғлиқ қайноқ ҳаёт инқирозга учрайди. Тоғ саноати ва металлургиядан келадиган мўмай даромаддан маҳрум бўлган саразмликлар, бу жойда қолишликнинг иложи йўқлигидан Саразмни тарк этадилар.

Шимоли-шарқдан кириб келган чорвадор дашт қабилалари учун эса конлар яқинида, Дашти Қазода макон топиш асл муддао бўлган.

Яна Саразм масаласига қайтадиган бўлсак, шунини таъкидлаш жоизки, бу масканда, бу ерга кўчиб келган геоксюр (кўк майсазор)ликларнинг анъанавий деҳқончилик хўжалигини олиб бориш учун тегишли қулайликлар мавжуд эди. Қадимги замонлардан Зарафшон тоғ тизмаларидан оқиб чиққан Отчопар сой, Чумали сой ва Шўрнова сой этакларида Ойимкўл таркиб топган бўлиб, унинг атрофида суғорма деҳқончилик учун қулай унумдор ерлар ҳосил бўлган. Деҳқончилик маданиятининг илк босқичларида ана шу жойларда бободеҳқонларнинг қишлоқлари қад кўтарган. Археолог А. Исоқовнинг хабар беришига қараганда, бу жойда ҳаёт энеолитнинг ривожланган босқичидан то илк бронза даврига қадар (яқин 1,5 минг йил) давом этган. Бизнингча, ёдгорликнинг бузилиб кетган энг юқори қатламлари материалларига қараганда, бу жойда ҳаёт ривожланган ва сўнгги бронза даврида ҳам давом этган. Ёдгорликнинг умумий майдони 90 га. У катта ва кичик, ҳар хил баландликдаги 10 та тепаликлардан иборат. Ҳар бир тепалик қадимги бободеҳқонларимиз ҳовли-жойлари, диний масканлари, хунармандчилик билан боғлиқ хўжалик объектларининг қолдиқлари бўлган. Ёдгорликни анчагина қисми кейинги даврларда қурилган аҳолининг ҳовли-жой ва томорқалари туфайли бузилиб кетган.

<sup>1</sup> Аванесова Н.А. Межкультурные взаимодействия степного населения Евразии и урбанизированных земледельцев Средней Азии. Тез. докл. «Цивилизация Центральной Азии: земледельцы и скотоводы, традиции и современность». Самарканд, 2002. С. 17.

Саразмда олиб борилган археологик изланишлар давомида қадимги қишлоқ ҳаётининг 4 та тарихий босқичи аниқланди. Биринчи босқич (Саразм I) А. Исоқовнинг даврий тизимига кўра, милоддан аввалги 3500–3300 йил билан белгиланади. Унинг тўртинчи босқичи (Саразм IV) милоддан аввалги 2300–1900 йиллар билан белгиланди<sup>1</sup>. Бу саналарнинг охириги босқичи баҳсли бўлиб, ёд-горликнинг бузилиб кетган юқори қатлами материаллари ичида Чуст маданияти (мил. авв. XV–VIII) керамикасига ўхшаш рангли сопол парчалари ҳам учрайди. Бунга А. Исоқовнинг ўзи ҳам ишора қилиб ўтади<sup>2</sup>.

Саразм I даври уй-жой комплекслар «мудофаа» деворлари билан ўраб олинган. Шу даврга оид уруғ-оила жамоасига тегишли хилхона очилган. Хилхонанинг марказий қабри аёлга тегишли, ундан рангли нақшинкор сопол парчалари, мис ойна, олтин ва қумушдан ясалган такинчоклар, лазурит ва сердолик тошлардан ясалган мунчоқлар топилган. Саразм I даври материаллари кўп жиҳатдан Жанубий Туркманистоннинг қадимги кўк майсазор воҳаси материалларига ўхшаб кетади (Зарварақдаги I-расмга қаранг).

Саразм II даври уй-жойлар комплекси тор кўчалар билан ажратилган кўп хонали ҳовли-жойлардан иборат. Уй-жой комплекслари орасида доира шаклида қурилган оилавий топиниш маскани – алтарлар учрайди. Қадимги қишлоқнинг икки жойида эса оташпарастилик ибодатхоналари қолдиғи очиб ўрганилган. Ибодатхона деворларига кизил рангда нақш берилган ва ибодатхона қоқ ўртасида квадрат шаклида алтарь жойлашган. Саразм керамикаси кўк майсазор сополларидан фарқли ўлароқ, сиртига оч кизил рангда ангоб берилган. Баъзан ангоб устида ранг-баранг нақш солинган сопол парчалари ҳам учрайди.

Саразм III даврида ижтимоий характердаги монументал бинолар пайдо бўлади. Уй-жой комплексларининг ҳовли майдонларида баъзан кулолчилик хумдонлари ва металл эритиш ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахоналари учрайди. Бу босқичда ишлаб чиқаришнинг қатор соҳаларида ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича ихтисослашув жараёни жадал кечади. Кулолчиликда ичи ва сирти пардозланган сополлар кескин камаяди. Уларнинг ўрнини маҳаллий анъанавий шаклдаги нақшлар эгаллайди. Маҳаллий хомашё базасида металл эритиш ва металлдан турли хил қурооллар ясаш кучаяди. Тошга ишлов бериш, тошдан меҳнат ва ҳарбий қурооллар ясаш ривожланади. Бу босқичда саразмликлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўладиги, бу давр тараққиётини Анов маданиятининг Номозга V босқичи билан қиёслаш мумкин. Иқтисодий ва маданий алоқалар доираси кенгаяди. Бундай юксалиш Саразм IV босқичида ҳам давом этади (Зарварақдаги I-расмга қаранг). Гарчи, А. Исоқов ўз кузагувларига асосланиб, бундай ҳулоса чиқаришга ботинмаган бўлса-да, аммо, Саразм IV даврига оид бронза даврининг мил. авв. II мингйилликнинг

<sup>1</sup> Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. Душанбе, 1901. С. 112–113.

<sup>2</sup> Там же. С. 115.



ўрталарига оид Зарча Халифа<sup>1</sup>, Сазагон<sup>2</sup> ва Жом<sup>3</sup> мозорларидан топилган Сополли маданиятига тегишли бронза буюмлар ва кулолчилик маҳсулотлари Саразм IV даврида ҳам юксак даражада ривожланишда давом этганлигидан гувоҳлик беради. Афсуски, Саразмнинг ўзида бу давр маданий қатламлари давр тақозоси билан ёмон сақланган. Саразм маданиятига тегишли қадимги деҳқончилик жамоалари Зарафшон водийсида кам учратилса-да, аммо, бу реал тарихий ҳақиқат Ўрта Осиёда минтақавий ривожланиш жараёнларининг ўтроқ деҳқончилик жамоалари фойдасига кенгайиб бораётганлигидан далолат берар эди.

Бронза даврига келганда (милоддан аввалги II мингйиллик) ибтидоий аждодларимиз ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришларнинг илдизи милоддан аввалги III мингйилликнинг охири чорагида ҳар икки дунёда, яъни қадимги деҳқончилик ва овчи-балиқчи қабилалар жамоаларида бир вақтда юз беради. Қалтаминор маданиятининг сўнгида, аниқроғи Оролбўйи энеолит даври ёдгорликлари – (саксовул мавсумий макони) да чорвачилик хўжалиги таркиб топа бошлайди<sup>4</sup>. Анов маданиятининг Номозга V босқичида эса илк шаҳарлар қад кўтара бошлайди. Қадимги деҳқончилик қабилалари жамоаларида иқтисодий-хўжалик соҳасидаги юксалишлар ижтимоий табақаланишга юз тутиб, Қадимги Шарқ цивилизациясининг янгидан-янги маҳаллий марказлари пайдо бўла бошлайди.

Мана шу ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар натижаси сифатида қадимги деҳқончилик маданияти минтақаларининг чегараси Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий томон кенгайди, яъни бирин-кетин Мурғоб водийсида<sup>5</sup>, Бақтрияда<sup>6</sup> Қадимги Шарқ цивилизациясига хос шаҳарсозлик маданиятининг янгидан-янги ўчоқлари таркиб топади. Жумладан, Қадимги Бақтриянинг шимолий сарҳадлари ҳисобланган жанубий Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик ва юксак даражада ривожланган ҳунармандчилик хўжалигининг бронза даврига оид Сополли маданияти шаклланади.

**б) Сополлитепа ёдгорлиги.** Милоддан аввалги II мингйилликнинг биринчи ярмида Мурғоб воҳасини қадимги деҳқончилик жамоалари томонидан ўзлаштирилиши ва ушбу маконда Аучиндепа, Келелидепа, Гонурдепа каби қатор аҳоли пунктларини пайдо бўлиши Авестода «Моури» деб номи зикр этилган ви-

<sup>1</sup> *Бобомуллоев С.Б.* Верховья Зарафшана во II тыс. до н.э. Душанбе, 1998. Его же. Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зарафшане. *Stratumplus*, № 2. СПб.: 1999.

<sup>2</sup> *Аванесова Н.А.* Новые материалы эпохи бронзы Зарафшанской долины. «Археологические исследования в Узбекистане – 2001 год». С. 20–21.

<sup>3</sup> *N. Avanesova, S. Sajdullaev, A. Yorkulov.* Gzam-ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana. «Archäologische mitteilungen aus Iran und Turan». Berlin-2001. p. 63- 72.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР, том I. Т.: 1967. С. 46.

<sup>5</sup> *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура Маргианы. Москва, 1959; *Сарианиди В.И.* Некрополь Гонура и Иранское язычество. Москва, 2001. Его же. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат, 2002.

<sup>6</sup> *Сарианиди В.И.* Древние земледельцы Афганистана. Москва-1977; *Аскарлов А.* Сапаллитепа. Т.: 1973. Его же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т.: 1977.

лоятни таркиб топишига олиб келади. Унинг ўтроқ аҳолиси эса маргуш номи билан тарихда ўз ўрнини топади. Айни замонда худди шундай тарихий жараён Мурғобдан шимолий-шарқда, шимолий Афғонистоннинг Ахча дарё куйи хавзаларида (Дашли воҳаси) ва Жанубий Ўзбекистоннинг Уланбулоқсой ва Бўстонсой хавзаларида ҳам юз беради. Бу заминда Сополлитепа ва Жарқўтон каби ўтроқ аҳоли пунктлари қад кўтаради. Авестода «муқаддас Бахди» деб номи зикр этилган ушбу маданий-хўжалик вилояти – Қадимги Бактрия, унинг ўтроқ аҳолиси эса бохтарийлар эди. Шундай қилиб, бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида Бактрия ва Марғиёна қадимги Шарқ цивилизациясининг иккита маҳаллий ўчоғи, янги маданий-хўжалик марказлари ташкил топиб, деҳқончилик минтақаларининг худудий чегараси кенгайди, маргуш ва бохтар элатлари шакллана бошлайди.


1960-йилларда жанубий Ўзбекистонда (Шимолий Бактрияда) жойлашган Шеробод чўлининг ўзлаштирилиши муносабати билан қадимги деҳқончилик маданиятининг ноёб ёдгорлиги Сополлитепа топилди.

Сополлитепа Амударё яқинида, Кўхитанг тоғи оралиғида таркиб топган Пашкурт микровоҳасидан Шеробод чўлига олиб чиқувчи даралардан бирида отилиб чиққан Қайнарбулоқ асосида таркиб топган Уланбулоқсой ёқасида жойлашган. Ана шу сой сувлари базасида мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи чорағида Уланбулоқсой куйи хавзасида қадимги бободехқонларимизнинг қишлоғи қад кўтаради. Ана шу қишлоқ харобалари маҳаллий аҳоли орасида Сополлитепа деб ном олган<sup>1</sup>. Сополлитепа майдонининг катта қисми замонамиз пахтакорлари томонидан ўзлаштирилиб, фақат унинг марказий қалъа қисмигина сақланган. Қалъа атрофидаги ёдгорлик майдонида сочилиб ётган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, урчуктош ва ҳайвон суяклари, турли хил меҳнат қуролларига караганда, Сополлитепанинг умумий майдони ўз даврида 4–5 гектардан кам бўлмаган<sup>2</sup>. Бу ерда ўтказилган археологик казишма ишлари натижаларига кўра, ёдгорлик фавқулудда ноёб ва уй-жой мажмуаларининг меъморий қурилиши ҳамда мудофаа иншоотларининг мукамаллиги билан ажодларимиз муҳандислик илмининг юксак намунаси бўлиб чиқди.

Ёдгорликнинг қалъа қисми квадрат шаклида бўлиб, майдони 82x82 м, атрофи уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Деворларнинг қалинлиги 2 м дан ортиқ. Деворлар мураккаб меъморий режа асосида қурилган. Қадимги муҳандисларнинг ғоясига кўра, дастлаб мудофаа тизими тузоқ усулида ишланган бўлиб, аниқ ўлчамдаги коридорсимон блокларга бўлинган. Ташқи блоклар дахлиз типидagi хоналар орқали қалъа ичидаги уй-жой комплекслари билан бирлаштирилган (3-расм). Ички блоклар мудофаа тизимида қалқон ролини ўйнаган. Ташқаридан караганда гўё улар қалъа ичига олиб кирувчи дарвозаларни эслатади. Бундай квадрат шаклдаги қалъанинг ҳар томонида биттадан жойлашган. Аслида

<sup>1</sup> А. Шаров А. Сапаллитепа. Изд. «Фан», Т.: 1973. С. 5–6.

<sup>2</sup> А. Шаров А. Сапаллитепа. Изд. «Фан», Т.: 1973. С. 9–171.



3-расм. Сополнитепа протошахар калъа-қўрғонининг режаси.

қалъага кириш дарвозаси битта, қалъанинг жанубий томонида жойлашган. Қалъа майдони ва унинг яқин атрофи тўлиқ очилгач, унинг режаси маълум бўлди.

Қазишмалар давомида олиб борилган стратиграфик кузатувларга кўра, уй-жой комплекслари учта хронологик қурилиш босқичларидан иборат эканлиги аниқланди. Мудофаа тизимини ташкил этган ички ва ташқи блоклар аслида махсус мудофаа мақсадида қурилган бўлса-да, аммо минтақада ҳеч бир ташқи хавфнинг йўқлиги улардан ҳар хил мақсадларда (уруғ хилхонаси, уй-жой хоналари, кулолчилик устахоналари) фойдаланишга олиб келган.

Режага кўра, қалъанинг ички майдони бир-бирларидан тор кўчалар билан ажратилган 8 та уй-жой комплексларидан иборат бўлган. Дастлаб уй-жой комплекслари қалъа ички деворига ёпиштириб қурилиб, кузатилган учта қурилиш давомида улар қалъа марказий майдони билан боғланган тор кўчалар бўйлаб кенгайиб борган. Қазишмалар жараёнида топилган турли хил археологик материаллар таҳлили ҳамда ёдгорликнинг аниқ режасига кўра, Сополлитепа 8 та бронза даври патриархал уруғ – жамоаларининг кишлоғи бўлган<sup>1</sup>.

Авесто тили билан айтганда, Сополлитепани 8 та «нмана»ларни бирлаштирган «вис» сифатида тасаввур этиш мумкин. Ҳар бир уруғ – жамоасининг, яъни катта патриархал оиланинг патриархи – нманапатиси, уларни (нманаларни) бирлаштирган висни (қишлоқ уруғ – жамоасининг) виспатиси бўлган. Ҳар бир патриархал уй-жой комплекслари кўп хонали уйлардан (мўрили ўчоқ, даҳлиз, сандалли ётоқхона, оилавий алтарь, галла омбори, тўқимачилик дастгоҳига мўлжалланган кенг ва узун хона) ташкил топган бўлиб, бундай катта патриархал оила Сополлитепа нманаларини ташкил этган.

Қалъа марказий майдонида ҳайвон суяклари, сопол парчалари, қалин кул қатлами – уюми ҳосил бўлганлиги, кейинроқ қалин маданий қатлам уюми текисланиб, унинг усти қалин сомонли лой билан сувалиб, кенг супага айлантирилганлиги аниқланди. Бу майдон, ҳар қалай, жамоа йиғинларини ўтказадиган мажлис (анчумана) майдони бўлиши мумкин.

Сополлитепа аҳолиси Жанубий Ўзбекистон ҳудудининг энг қадимги деҳқонлари эди. Бу ердан топилган жуда бой ва хилма-хил материаллар таҳлили, уларнинг бошқа ўлка ва тарихий маданий вилоят ёдгорликлари билан қиёсий ўрганиш Сополлитепа аҳолисининг Қадимги Бактрияга қўшни Марғиёнадан деҳқончиликка қулай янги ерлар қидириб келиб ўрнашган қабилалар эканлигини кўрсатади.

Сополлитепани қазиш вақтида хом ғиштдан қурилган кўп хонали уй-жой қолдиқлари, тошдан, бронзадан, суякдан ясалган турли хил шакл ва кўринишдаги меҳнат ва ҳарбий қуроллари, уй-рўзғор асбоб-ускуналари, хўжалиқда, кундалик ҳаётда, ов вақтида, зироатчилик ва ҳунармандчиликда ишлатиладиган қуроллар, нафис, хушбичим, икки ярусли хумдонда яхши пиширилган турли хил сопол идишлар, турли тақинчоқ ва безаклар, уруғ ва қабила муҳрлари,

<sup>1</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. «Фан», Т.: 1977. С. 13–32.

лух, камиш ва кўга, буғдой ва арпапоядан тўқилган саватчалар, терини ишлаш меҳнат куруллари, тош ва бронзадан ясалган идишлар топилдики, уларнинг ишланиш техникасига қараб Сополлитепа аҳолисининг ўз даврида қанчалар юксак маданий-хўжалик ривожига, санъат даражасида юксакликка эришган, ихтисослашган ҳунармандчилик тармоқлари соҳиблари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Сополлитепа деҳқонлари ғўза навли пахта экишган, ипакчилик, боғдорчилик ривожланган. Такрорий суғорма деҳқончилик иктисодий хўжаликнинг асосини ташкил этган.


Сополлитепа аҳолиси дастлаб ҳаётдан кўз юмган уруғдошларини ўзлари яшаган уй-жой хоналари поли остига, аёлларни кўп ҳолларда ўчоқ қаршисига, эркакларни эса хонага кириш эшиги остонаси олдига, мудофаа ва хона деворлари остига кўмганлар<sup>1</sup>. Кейинроқ ҳар бир квартал доирасида жамоа хилхоналари пайдо бўлган.

Сополлитепа қабрлари ёдгорлик худудий доирасида жойлашганлиги туфайли, улар ўзга этнос ўғрилари томонидан ўғирланмаган. Шу боис, Сополлитепада топилган 138 та қабрларга ўз даврида нима қўйилган бўлса, уларга қўйилган барча артефактлар тўлалигича сақланган.

Қабрлар асосан айвонли лаҳад тузилишида бўлиб, қабрларнинг айвони доимо шарқда, унинг ғарбий девори остида лаҳадга кирувчи эшиги бўлган. Қабр тўрига мурдалар ётқизилган. Қабр лаҳадининг айвон томонига эса сопол идишларда турли хил овқатлар, марҳум ва марҳумага тегишли шахсий буюмлари, меҳнат ва уй-рўзғор асбоблари, аниқроғи ҳаётлик давридаги касб-корига, жинсига тегишли буюмлар қўйилган (4-расм). Чунки, улар абадий ўлимга ишонмаганлар, «нариги дунё» тушунчаси уларда кучли бўлган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, қабрга ўлган кишини ўз шахсий мулки ва уруғдошлари келтирган идиш-товоқлардаги овқатлар билан кузатганлар. Қабрлардаги ашъвий далилларнинг таркибига қараб, марҳумнинг дурадгор уста, мато тўқувчи, кулол, подачи, овчи, зироатчи, жангчи, табиб, чилангар, доя, мубод (коҳин), бой ва камбағаллигини аниқлаш мумкин бўлган. Баъзи қабрларда бедарак йўқолган жамоа аъзосининг руҳи кўмилган. У ҳолда қабрга бедарак йўқолган шахснинг схематик ҳайкалчаси (лой, матодан ясалган фигура) ёки бойроқ бўлса, унинг ўрнига қўй ёки эчки кўмилган. Бундай қабрлар фанда «кенотаф» деб аталган (4-расм, а). Кенотаф қабрларда лаҳадга қўйилган ашъвий далиллар фақат дафн маросимида қатнашган уруғдошлар томонидан сопол идишларда келтирилган овқатлардан иборат бўлган. Шу боис, кенотаф қабрларда сопол идишлардан бошқа ҳеч бир ашё деярли учрамайди.

Қабрда эркаклар ўнг томони билан, аёллар эса чап томони билан, она қорнида ётган ҳолатда, оёқ-қўллари букилган, бошлари шимолга, шимоли-ғарбга қаратилиб кўмилган. Қабрлардан топилган ашъвий далилларнинг бойлиги ёки камлиги, уларнинг ҳаётлик давридаги жамоада тутган ўрни ва мавқеидан келиб чиққан.

<sup>1</sup> Асқаров А. Сапаллитепа. Изд. «Фан», Т.: 1973. С. 42–70. Его же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. «Фан», Т.: 1977. С. 38–46.



a)



б)

4-расм. Сополлитепа қабрлари: а-жасадли қабр; б-кенотаф қабр.

Сополлитепа аҳолиси оташпарастрлар бўлган. Олов уларда асосий сиғиниш, топиниш объекти бўлган. Зардуштийликда (унинг илдизи оташпарастрликда) олов каторида ер, она замин мукаддас бўлгани боис, оташпарастр қоҳинлар мурдаси хумларга, уларнинг фарзандлари эса хумчаларга солиб кўмилган.

Сополлитепа даврида тотемизм, анимизм каби тотемларга сиғиниш учрамайди. Аммо, уларнинг тошга, терракота ва металлга ишланган сиймолари (шаклшамойили) тумор, тош мунчоқ нақшларида, катта патриархал оила (нмана) ва қишлоқ (вис) муҳрларида рамзий маънода учрайди. Масалан, Сополлитепада илон, бургут, туя, тўқай мушуги, архар, тоғ такаси, йўлбарс, тўнғиз каби жонзотлар, турли хил гиёҳлар тумор ва жамоа муҳрларида кенг акс этган. Сополлитепада ҳатто 8 уруғ – жамоасини бирлаштирувчи бронзадан ишланган вис (қишлоқ жамоасининг) муҳри топилган (5-расм). Унинг бир томонида 4 хил илон тасвирланса, иккинчи томонига 4 та ёввойи йирткич (тўнғиз, йўлбарс, тўқай мушуги ва тоғ такаси) сурати туширилган. Сополлитепа топилмалари орасида гилтошдан ишланган тумор учрайди. Унинг юз томонида одам сурати, орқа томонида эса икки ўрқачли бактриана туяси акси туширилган. Бу туморда Зардушт ва у билан боғлиқ бактриана туясининг рамзи акс этган (5-расм, 1).


Сополлитепада ҳаёт тахминан икки юз йил давом этган. Қишлоқ аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб борган. Ер ва экинзорлар учун сув танқислиги сезила бошлагач, Сополлитепа аҳолисининг бир қисми янги ерлар қидириб, ҳозирги Шеробод дарёси қуйи ҳавзаларига келиб жойлашадилар. Бу жой тоғ дараларидан окизиб келинган унумдор тупроқ ҳисобига ҳосил бўлган кенг ва текис, экинбоп қоқ ерлардан таркиб топган. Бу жойларни Шеробод дарёсининг қуйи ирмоғи – Бўстонсой сув ресурслари базасида суғориш мумкин бўлган. Ҳозирги кунда маҳаллий аҳоли бу жойни Жаркўтон деб аташади.

**в) Жаркўтон ёдгорлиги.** Ана шу жойда, Бўстонсойнинг чап соҳилида бундан 3,5 минг йил аввал Жаркўтон кўҳна қишлоғи қад кўтаради. Унинг катта қисми ҳозирги кунда пахта ва сабзавот экин майдонларига айлантирилган. Ўзлаштирилиши қийин бўлган қолган қисми Бўстонсой соҳили бўйлаб, жарликлар туфайли сақланиб қолган.


Ёдгорликнинг бизгача етиб келган тарихий топографиясига кўра, у икки қисмдан иборат: мудофаа деворлари билан ўралган кўҳандиз, унга туташиб кетган протошаҳристон майдони<sup>1</sup>. Уларнинг жанубида, қадимги ариқ изининг орқа томонида, бир неча табиий тепаликларга жойлашган некропол (қабристон) жойлашган<sup>2</sup>. Протошаҳристон майдонида 20 га яқин катта ва кичик ҳажмдаги тепаликлар кузатилади. Улар устида ётган сопол парчалари, тош ёрғучоқ ва бошқа меҳнат қуролларининг сочилиб ётишига қараганда, уларнинг ҳар бири бир уруғ

<sup>1</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. «Фан», Т.: 1977. С. 46.

<sup>2</sup> Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. (К проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана). Изд. «Фан», Т.: 1983. С. 8–9.



1



2

5-расм. Сополлитепа: 1—қишлоқ сардорининг муҳри; 2—Зардушт ва Бақтриана акси тушган тумор.



жамоасига тегишли уй-жой қолдиқлари ёки ишлаб чиқариш объектлари эканлигидан гувоҳлик беради.

Ёдгорликда археологик қазишма ишлари ушбу сатрлар муаллифи раҳбарлигида 1973 йилда бошланиб, унинг шоғирдлари ва касбдошлари томонидан ҳозиргача давом этади. Унинг ўрганиш ишида турли йилларда чет эллик мутахассислар ўзбек археологлари билан ҳамкорликда қатнашиб келмоқда. Топилган артефактларнинг даврий санасини аниқлашда Россия, Германия, Франция илмий лабораториялари хизматидан фойдаланилди.

Қазишма ишлари кўҳандизда, протошаҳристон худудий доирасида, унинг қабристон қисмида олиб борилди. Жарқўтонда олиб борилган кенг кўламли қазишмалар, стратиграфик шурфлашлар, хронологик кузатувлар таҳлилига кўра, ёдгорликда ҳаёт 500–600 йилдан кам бўлмаган. Шу давр ичида юз берган ҳаёт динамикаси кузатилди. Жарқўтоннинг оддий кишлоқ жамоасининг маконидан Республика худудидаги энг қадимги илк шаҳар даражасига ўсиб чиқиш жараёнлари кузатилди. Унинг 3 гектардан кам бўлмаган кўҳандиз (Арки аъло) майдонидан шаҳар сардорининг (ҳокими) монументал сарой қолдиқлари<sup>1</sup>, металл эритиш ва металлдан меҳнат ва ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш устахонаси (чилангарлик устахонаси), уй-жой комплекслари очиб ўрганилди. Унинг қалин мудофаа девори, қалъага кириш дарвозаси ўрганилди.

Протошаҳристонда олиб борилган археологик қазишмаларнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир тепаликда жойлашган уй-жой комплекслари хом ғиштлардан кўтарилган платформа устига қурилган.

Тарихий таҳлил тақозосига кўра, ўтмиши узок, тарихи ва маданияти бой ўтрок халқнинг дастлабки давлатчилиги заминида шаҳарсозлик маданияти ётади. Бу хулоса ер қуррасида, биринчи бор энг қадимги давлатлар ташкил топган қадимги Шарқ минтақалари мисолида илмий жиҳатдан исботланган<sup>2</sup>.

Қадимги Шарқ цивилизациясининг илк бор ватани ҳисобланмиш Месопотамияда мил. авв. IV мингйилликнинг охири ва III мингйиллик давомида, яъни бундан 5–5,5 минг йил аввал Шумер, Лагаш, Ур, Суза каби шаҳарлар ташкил топган. Ана шу шаҳарлар базасида митти давлатлар шаклланиб, улар тарихда шаҳар-давлатлар номи билан машҳурдирлар<sup>3</sup>. Қадимги шаҳар-давлатларининг ташкил топишида ўтрок аҳолининг деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари асосий иқтисодий омил бўлиб, улар дастлаб, атроф аҳоли жойларининг хўжалик маркази, туман, вилоят ёки маълум бир ўлканинг сиёсий ва диний ўз-ўзини идора этувчи табақалашган жамоаларининг ижтимоий бошқарув маркази, яъни илк давлати бўлган. Шаҳарларнинг ташкил топишида асосан аҳолининг ўтрок хўжалик ҳаёти

1 Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993, С. 99–104.

2 Масон В. М. Алтын-Дене. Ленинград, 1981. С. 119–128.

3 Adams R. Heartland of Cities. Chicago, 1982; Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. Москва, 1956. С. 162; Дьяконов И. М. Города-государства Шумера. История древнего мира. Том I. Москва, 1983. С. 49–63, 64–74; Варга Д. Древний Восток. Будапешт, 1979. С. 10–44.

ва у билан боғлиқ яна уч омил мавжудлиги тарихан зарур ҳисобланади. Уларнинг биринчиси – қулай табиий шароит, сув ва бошқа географик омиллар, иккинчиси – ҳосилдор суғорма дехқончилик ва уни таъминловчи агротехникадир. Булар қадимги шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги иқтисодий омиллар ҳисобланади. Учинчиси, ана шу иқтисодий омиллар асосида вужудга келган табақалашган жамиятнинг диний, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан бошқарув тизими туғилишига шароит етилган бўлиши керак, яъни иқтисодий ҳаётда юз берган туб ўзгаришлар (деҳқончиликда сунъий суғориш тизимининг кашф этилиши, дарёлардан магистрал каналлар орқали янги ерларга сув чиқариш, ерни ишлашда омоч ва ҳайвон кучидан фойдаланиш, хунармандчиликнинг тўқимачилик соҳасида йигирув ва тўқув дастгоҳининг кашф этилиши, кулолчиликда чархнинг ва мураккаб икки ярусли хумдоннинг кашф этилиши, металл эритиш ва қуйиш технологиясининг кашф этилиши, уй ҳайвонларидан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтиш, қурилишда режа асосида уй-жой ва монументал бинолар қуришга ўтиш, атроф-муҳит ҳақида тўпланган билимлар асосида астрономия, астрология, қуёш соати, календарь, мураккаб ҳисоблаш системасини ихтиро этиш ва бошқалар) туфайли ижтимоий ҳаётда табақаланиш юз беради. Ана шу табақаланиш жараёни маълум нуқтага етгач, жамиятни бошқариш зарурияти туғилади. Бу ижтимоий омил эди. Қачонким, бу уч омил диалектик яхлитликда мавжуд бўлиши учун тарихий шароит туғилгандагина қадимги шаҳарлар ва улар базасида шаҳар-давлатлар пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Ана шу уч омил Ўрта Осиёда, жумладан, жанубий Ўзбекистонда, Сурхондарё вилоятининг Шеробод чўли ҳудудида, мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида, Жарқўтон ёдгорлиги мисолида мавжуд эди.

Одатда, жаҳон фанида қабул қилинган илмий ишланмага кўра, бир аҳоли яшаш жойини қадимги шаҳар деб аташ учун юқорида зикр этилган омилларнинг этилиши талаб этилади. Улар қуйидагилар: ҳудуди 5–6 га ва ундан кам бўлмаган майдонда аҳолининг зич жойлашган бўлиши, аҳоли жойлашган майдоннинг чор атрофи қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши, шаҳар юқори табақа ва ҳокимларининг турар-жойлари оддий фуқаролар турар-жой массивларидан ажралиб туриши, шаҳар ҳокимининг баланд пойдевор (платформа) устига қурилган монументал қасри, яъни шаҳар ўрдаси бўлиши, шаҳар майдонида, яъни шаҳристонда шаҳар аҳолисининг барча қатламлари учун хизмат қилувчи муқаддас диний марказ-маҳобатли ибодатхона мажмуаси ташкил топган бўлиши, шаҳар иқтисодий асосини кўп тармоқли ихтисослашган хунармандчилик ва савдо-сотик ташкил этган бўлиши, шаҳар рамзи ва белгиси ҳисобланмиш шаҳар муҳри ва туғросининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган катор ёдгорликлар жумласига кирувчи Жарқўтон ёдгорлиги ана шу талабларнинг барчасига жавоб берувчи энг қадимги ва

<sup>1</sup> Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993. С. 14–24.

ягона шаҳар қолдиғи ҳисобланади<sup>1</sup>. Юқорида таъкидлаганимиздек, Жарқўтонда 1973 йилдан то ҳозиргача археологик қазилма ишлари давом этмоқда. Шу давр ичида майдони 100 гектардан кам бўлмаган бу қадимги шаҳарда кўхандиз (шаҳар ўрдаси, Арки аъло), унинг протошаҳристон деб аталмиш қисмидан турар-жой массивлари, кўп тармоқли шаҳар ҳунармандчилигининг объектлари, оташпа-растлар ибодатхонаси, Ўрда майдонидан шаҳар ҳокимининг маҳобатли сарой комплекси, юксак даражада ривожланган кулолчилик ва бронза металлургия-си корхоналари, заргарлик, чилангарлик устахоналари, пахта ва ипак хомашёси маҳсулотларига асосланган тўқимачилик қолдиқлари топиб ўрганилди<sup>2</sup>. Қадимги шаҳарнинг беш босқичли даврий санаси ўрганилди<sup>3</sup>. Шундай қилиб, Жарқўтон ёдгорлиги материаллари мисолида Ўзбекистон ҳудудида умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган энг қадимги шаҳар-давлат тарихи ўрганилди.

Жарқўтон ёдгорлигининг протошаҳристон деб шартли номланган қисмида, 5-тепаликда уч минг квадрат метрли майдон тўлиқ очилди. Натижада, 50 га яқин хоналар ва уларнинг поли остидан, хоналарга кириш эшиклари остонаси остидан, айрим хоналарнинг деворлари остидан қабрлар очилди. 5-тепада очил-ган уйлар 1,5 метр қалинликдаги платформа устига қурилган бўлиб, улар кўп хонали ҳовлилардан иборат бўлган. Ҳар бир ҳовлида ўчоқларни жойлашиши-га қараганда, камида икки-уч жуфт оила яшаган. Платформа устига қурилган ҳовли-жойлар дастлаб мудофаа девори билан ўраб олинган. Кейинроқ эса девор ташқарисидаги бўш майдонлар ҳам секин-аста ўзлаштирила бошлаган. Улар кўп хонали ҳовлилардан иборат бўлиб, улардан бирида айвонли лаҳад тузилиши-даги қабила оқсоқолининг қабри топилди. Қабр топилган хонадон 4 хонали уй бўлиб, унинг ётоқхонасининг ғарбий деворида мўрили ўчоқ жойлашган. Хонага қудуқли хона орқали кирилган. Қудуқли хонадан, унинг жанубий девори бўйлаб, шарқ томонга кетган тор йўлакча орқали учинчи хонага, яъни оила алтархонасига ўтилган. Алтарли хонадан жанубда оила омбори жойлашган. Ушбу тўрт хонали уй жануб ва шарқ томондан платформа айланаси бўйлаб ўтган мудофаа деворига ёпиштириб қурилган. Унга кириш эса, унинг ғарбига жойлашган ҳовли орқали бўлган<sup>4</sup>.

Мана шу уй-жой комплексининг эгаси, унинг қабридан топилган ашёвий да-лиллар таркибига кўра, ҳаётда бой турмуш тажрибасига эга заргарлик ва металл ҳунармандчилиги соҳасининг билимдон пиру устози, ўз жамоасининг диний ва дунёвий сардори бўлган. Чунки, бу қабр жамоа турар-жой массивидан топилган 50 та қабрлардан фарқли ўлароқ, жуда бой (50 дан ортиқ) ва у ердан топилган

<sup>1</sup> Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993. С. 46–132.

<sup>2</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. «Фан», Т.: 1977. С. 13–57.

<sup>3</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура. С. 89–105; Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. Автореф. канд. дисс. Самарканд, 1987. С. 16–17.

<sup>4</sup> Аскарлов А. Энг қадимги шаҳар. – Т.: «Маънавият». 2001. – 11-бет.

буюмлар хилма-хил эди. Топилган буюмларнинг 17 таси унинг касбига тегишли шахсий буюмлар бўлса, қолганлари унга қабиладошлари томонидан олиб келинган идишлардаги овқат қолдиқлари эди.

Қадимги аждодларимиз диний тасаввурига кўра, одамзод ўлса-да унинг рухи ўлмайди. Энди у бошқа танада нариги «дунёда» яшайди ва ўз касбини у ерда давом эттиради, деган тасаввур мавжуд бўлган. Шунинг учун унинг қабрига унга тегишли буюмлардан қўшиб кўмиш одат ҳисобланган. Шунингдек, қабрдан 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлар топилди. Уларда ҳайвон суяклари ёки қорайиб кетган қуюқ овқат қолдиқлари бўлиб, қадимги одатларга кўра, мархум рухи нариги «дунёга» толикмай, дадил етиб бориши керак, деб тушунилган. Қабрга қўйилган идишлар сони мархумнинг ҳаётлик чоғида жамоадаги ижтимоий мавқеи ҳақида гувоҳлик беради. Демак, қабрда қанча идиш кўп бўлса мархумнинг ҳаётлигидаги ижтимоий ўрни ҳам шунча юқори бўлган, дейиш мумкин.

Энди, мархум шахсий мулкани таркибига келсак, 5 кв.м.дан кўпроқ жойни эгаллаган бу қабр, 50 ёшлардаги эркак шахси бўлиб, у ўнг ёни билан оёқлари букилган ҳолда гужанак қилиб ётқизилган. Унинг қулоқ бўшлиғида бронза ҳалқа, ияги яқинида ҳукмдорлик белгиси – АСО (жезл)нинг зўғатали бронза қисми (зўғатада унинг ёғоч дастасидан парча сақланган), унинг яқинида 6 та буюм (бир бўлак лазурит хомашёси, 3 та тош қайроқчалар, бронзадан ишланган порма ва болғача) бир жойда жам эди. Улардан сал нарида бронза ханжар ва бронза коса, мархумнинг оёқ томонини 30 дан ортиқ турли хил сопол идишлардан ташқари, 2 та бронза коса, сурмадон ва 2 та тўғноғич эгаллаган эди. Қабр ашёларининг таркиби унинг ҳаётлик чоғида профессионал заргар ва металлург бўлганлигидан далолат беради. Чунки, қабр айвонидан 3 та археологик бутун тигел парчалари топилиб, улар ушбу қабрга алоқадор ўспирин мозорига, сардор шогирдига тегишли эди. Қабр топилган хонани қазिश вақтида, деярли полга яқин маданий қатламдан мергелий тошидан ишланган муҳр ҳам топилганини ҳисобга олсак, ушбу уй-жой комплекси, жамоа оқсоқолига тегишли эканлигига ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Демак, 5-тепа номи билан ўрганилган ушбу турар-жой массивини бошлиғи (кадхудоси) бир вақтни ўзида нафақат бир жамоанинг диний ва дунёвий сардори, балки заргарлик ва металлургия соҳасининг пиру устози бўлган кўринади. Чунки, кадхудот ховлисида оташпарастликка тегишли муқаддас сув рамзи – қудуқ ва олов рамзи – оташқаланинг жойлашиши, унинг диний раҳнамо сифатида белгиси бўлса, сардор қабрининг ўчоқ (муқаддас олов) қаршисида жойлашиши, унинг кадхудот эканлигидан аломат эди. Қабрдаги махсус ашёвий далиллар эса, унинг хунармандчиликнинг маълум бир йўналиши бўйича пиру устозлигидан далолат беради.

5-тепада олиб борилган казишмалар жараёнида маълум бўлдики, ушбу тепалик бир неча қурилиш даврида шаклланиб борган. Дастлаб унинг шимоли-ғарбий қисми ўзлаштирилган. У бир неча уй-жой комплексларини бирлаштирган катта патриархал оилага тегишли бўлиб, патриарх турар-жой комплексида кат-

та патриархал оиланинг олов маъбуди билан боғлиқ меҳроби жойлашган. Давр ўтиши билан ушбу турар-жой массиви майдони ҳар томонга кенгайиб, уни уч (ғарбий, шарқий ва жанубий) томондан ўраб олган мудофаа деворлари ўз вазифасини ўтаб, ҳатто унинг устида ҳам уй-жой комплекслари ва янги диний объектлар қад кўтаради. Ана шундай объектлардан бири мудофаа иншоотининг жанубий ва шарқий линияси харобалари устида қурилган, кўзали қурилиш босқичига тегишли жамоавий ибодатхона бўлиб, у меҳроб, ибодатхона зали ва унга туташ тош йўлакчадан иборат. Ибодатхона зали бузиб ташланган шарқий мудофаа девори устида қад кўтарган. Зал полига зичлаб майда (тухум катталигидаги) тошлар териб чиқилган. Зал ибодатхона деворлари вайронага учраб, хонада фақат меҳробнинг қулга тўла, думалоқ резерувари сақланган холос. Зал марказида диаметри 1,5 м., чуқурлиги 1 м.дан кам бўлмаган думалоқ шаклли меҳроб жойлашган. Унинг деворлари оловда кизариб пишиқ ғишт рангига кириб кетган. Ибодатхонага, унинг жануби-шарқий томонидан кенглиги 70 см. ли тош йўлакча келиб тақалган. Тош йўлакча жанубий мудофаа девор устига қурилган хоналар оралаб, ғарбга томон кетган. Унинг узунлиги 25 м. У ғарбий девор чегарасидан ўтгач йўқолган. Тош йўлакча, полига тош терилган хона ва унинг қоқ ўртасига жойлашган қулга тўла меҳроб 5-тепаликнинг иккинчи қурилиш даврида қад кўтарган жамоавий ибодатхона комплекси сифатида 5-тепанинг мўллали босқичида ҳам фаолият кўрсатган бўлиши мумкин.

Юқорида тавсиф этилган жамоавий ибодатхонанинг бош объекти доира шаклидаги қулга тўла меҳроб бўлиб, у кўзали даври жамоавий ибодатхонанинг муқаддас оташкадаси бўлган. Ибодатга келган жамоа аъзолари муқаддас тош йўлакча орқали муқаддас залга кириб, оташкада атрофида тегишли расм-русумларини ўтказиб, кўнгли таскин топгач, уйга қайтган. Муқаддас тош йўлакчанинг ҳар икки томонига параллел қалин (кенглиги 80 см) девор барпо этилган бўлиб, у деворлар фундаментига харсангтошлар териб чиқилгани аниқланди. Бу параллел деворлар 3 жойда перпендикуляр деворлар билан бўлиниб, тош йўлакча уларни оралаб ўтган. Жанубий параллел девор орқасида юпқа плита тошлардан қурилган (узунаси 4 м. кенглиги 0,70 см) 4 та тош яшиқлар очилди. Тош яшиқлар усти плита тошлар билан ёпилган эди. Ҳар бир яшиқда оловда қуйиб, деярли қуқунга айланган қул аралаш одам суяк парчалари учратилди. Яшиқлардан бирининг тош қопқоғи синдирилган. Яшиқлар ичида ёмғир ва қор сувларидан ҳосил бўлган тоза лойқа қатлами топилди. Тоза лойқа қатлами остидан эса оппоқ қул аралаш қуйган суяк қолдиқлари ва икки парча даштликлар сополи бор эди.

Тош яшиқда бундай топилмаларнинг учраши ушбу қурилма чорвадор ўзга этник гуруҳларга тегишли эканлигидан далолат беради. Тош яшиқларнинг тўртинчиси устидан перпендикуляр девор кесиб ўтган. Эҳтимол, бу девор мўллали ёки бўстон даврига тегишли бўлиши мумкин. Чунки, девор лойи ичида Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари сопол парчалари учрайди. Ушбу жамоавий ибодатхона ва унинг атрофини қазиб вақтида шу нарса маълум бўлдики, тош яшиқлар, ибодатхона комплекси ва тош фундаментли деворлар кўзали даврига

тегишли бўлиб, айнан шу даврда қадимги деҳқончилик жамоалари қишлоқ ва шаҳарларига шимолнинг дашт чорвадорлари кириб келадилар ва сиёсий-ҳарбий устушликни қўлга киритиб, маҳаллий аҳолининг диний-маънавий руҳиятига ўз таъсирини ўткази бошлайдилар. Бу ҳақда кўзали даврига келиб тақиқланган турар-жой масканларида ўзга этник гуруҳларнинг қабрларини пайдо бўлиши, ҳатто маҳаллий аҳоли яшаш маконларида Андроново маданиятига хос кучукчалар қабрининг учраши бундан далолат беради. Яна бир далил, ушбу тепа майдонида, тош яшиқлардан бир неча метр нарида чуқур тош ҳовуз очилди.

Ҳовуз майдони 2x3 м. резеруварининг ички деворига зич қилиб дарё тошлари териб чиқилган, остига эса йирик плита тошлар терилган. Ҳовузнинг чуқурлиги 1 м.га яқин. Тошлар юзасида олов излари яққол кўзга ташланади. Ҳовуз деворининг юқори қисми унинг ичига йиқилиб, ҳовуз ичи куйган тошлар, тупроқ аралаш кул, сопол синиқлари ва бошқа чиқиндиларга тўла. Бу жойни чорвадор орийлар жасади куйдирилган «крематория» сифатида талқин қилиш мумкин. Демак, тош яшиқларга кўмилган даштликлар жасади айнан мана шу «крематория»да куйдирилган бўлиши мумкин.

**Жарқўтон ибодатхонаси.** Кенг кўламли археологик қазилмалар шаҳристон майдонининг 6-тепасида ҳам олиб борилди<sup>1</sup>. Бу жойдан илк зардуштийлик динининг монументал ибодатхонаси очилди.

Кейинги йилларда Ўрта Осиёнинг қатор археологик ёдгорликларида ибодатхона, диний марказ ва муқаддас саждагоҳ деб аталган монументал характердаги иншоотлар очилган. Булар, Олтинтепада диний марказ мажмуаси<sup>2</sup>, Дашли-3 да ибодатхона<sup>3</sup>, Саразмда диний саждагоҳ маркази<sup>4</sup>, Мурғоб воҳасида Тўғолок ва Гонур ибодатхоналари<sup>5</sup> деб аталган. Жарқўтон ибодатхонаси эса ана шулар қаторидаги қуёш ибодатхонаси эди.

Жарқўтон ибодатхонаси тўғри тўртбурчак шаклда (44,5 x 60 м.), томонлари ёруғликка мослаштирилиб қурилган. Чор атрафи хом ғиштли қалин (4,5 м.) мулоффа деворлари билан ўраб олинган. Функциясига кўра, у икки қисмдан, яъни муқаддас саждагоҳ ва ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисмидан иборат. Комплекснинг муқаддас саждагоҳ қисми унинг шарқий томонини (35 x 35 м.) эгаллаган (6-расм).

Ибодатхонанинг муқаддас қисмида ёпиқ коридорлар, мажусий оташпараст мубодлар хонаси, муқаддас кулхона, супали кутиш зали, кенг ва баланд тагкурси (платформа) майдони ва унинг устида 4 колоннали айвон остида бош оташгоҳ, очик ховли ва унда тор (70 см) тош йўлакча ва йўлакча томонлари бўйлаб қудук


1 Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993. С. 7-24, 47.

2 Массон В.М. Алтын-Депе. Ленинград, 1981. С. 56-80.

3 Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. Москва, 1977. С. 34.

4 Исаков А. Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зеравшанской долины. Раскопки 1977-1983 гг.). Душанбе, 1991. С. 72-73.

5 Сарияниди В.И. В поисках страны Маргуш. Москва, 1993. С. 245-292; Его же. В поисках Маргуш. Москва, 1993. С. 293-356.



6-расм. Жаркўтон ибодатхонасининг режаси.

ва доира шаклида ишланган алтарлар жойлаштирилган. Тош йўлакча очик ҳовлининг шимол томонида жойлашган оташгоҳга бориб яқунланади. Йўлакчанинг ғарбга томон бурилган тармоғи эса очик ҳовлининг ғарбида жойлашган муқаддас кулхонага кириш эшиги олдида тўхтаган.

Ибодатхонага кириш дарвозаси комплекснинг жанубий томонида, унинг хўжалик-хизмат қисми томонига жойлашган. Илоҳий эътиқоди бўйича руҳини пок этишга келган зиёратчиларни дарвоза қаршисидаги очик ҳовлида ибодатхона хизматчилари кутиб олишган. Зиёратчилар, ўз навбатида, келтирган назр-ниёзларини уларга топшириб (чунки худди шу очик ҳовли шимолий томонида ибодатхонанинг назр-ниёз сифатида оладиган ғалла омбори жойлашган бўлиб, қазичма вақтида у хонада қорайиб кетган бир талай буғдой донлари учради), ўзлари ибодатхона хизматчилари кузатувида, ибодатхонанинг жанубий мудоффа девори ости бўйлаб кетган усти ёпиқ коридорга киришган. Коридорга кираверишда, ерга, бўғизига қадар кўмилган сопол баркашдаги қандайдир суюқ ичимликдан (эхтимол, хаома бўлса керак) тановул қилишиб, гўёки ўзларини ички аъзоларини поклашган. Сўнг, зиёратни давом эттирганлар. Зиёратчилар ёпиқ коридор охирида пиллапоя орқали очик ҳовлига кўтарилиб, унинг ўртасига ётқизилган тош йўлакча орқали ҳовлининг шимолий қисмида жойлашган йирик оташгоҳ томон

йўл олишган. Уни тавоф қилишгач, сўнг саждагоҳнинг энг баланд қисми – кенг супа устига қурилган бош оташкада томон йўл олган. Таъкидлаш жоизки, очик ҳовлидан ўтган тош йўлакчанинг ўнг томонида муқаддас қудуқлар, чап томонида эса қатор алтарчалар жойлашган.

Муқаддас саждагоҳ ҳудудий доирасидаги ибодатлар муқаддас олов ёниб турган бош оташгоҳда яқунланган. Зиёратчилар бош оташгоҳ жойлашган кенг супа майдонида бош оташгоҳни тавоф қилиб бўлгач, ибодат яқунланган. Ибодат яқунлангач, зиёратчилар аста-секин, бош алтарь майдонининг жануби-ғарбий бурчагида, киши назари тушмайдиган тор (кенглиги 80 см) йўлакча орқали ибодатхонани тарк этишган. Айнан шундай манзара Эроннинг мил. авв. VIII асрга тегишли муқаддас Барде Нишонда ва Масжиди Сулаймон ибодатхоналарида ҳам кузатилади. Бу ибодатхоналарнинг бош оташкадага олиб борувчи зинапоялари тантанали характерга эга бўлиб, ибодат яқунлангач, зиёратчилар тантанали зинапояларга параллел қилиб қурилган тор ва оддий йўллар орқали саждагоҳдан чиқиб кетишган.

Эроншунос археолог олим Р. Гиршман ибораси билан айтганда, зиёратчиларнинг ибодатхонадан чиқиб кетиш йўллари шунчалар оддийки, «ибодатхонада бир марта юрган зиёратчи, ибодат жараёнида улардан бошқа фойдаланмаган»<sup>1</sup>.

Жаркўтон ибодатхонасининг муқаддас платформада қад кўтарган марказий культ объектининг қурилиш режаси ва функционал характери Эроннинг юқорида номлари зикр этилган ибодатхоналарга яқин туради<sup>2</sup>, яъни Эрон зардуштийлик ибодатхоналарининг тарихий илдизлари Жаркўтон ибодатхонасига бориб тақалади. Таъкидлаш жоизки, кенг платформа майдонида (70х40х6 м.) эга бўлган ибодатхоналар Пасаргадидаги ва Мидиянинг бошқа ибодатхоналарида ҳам учрайди<sup>3</sup>.

Очик ҳовли майдонида учратилган тош йўлакча, қудуқ ва алтарчалар ибодатхонага илоҳий характер бағишлайди.

Муқаддас платформа майдонида жойлашган Чахартак остидаги бош алтарь билан очик ҳовли ўртасида квадрат шаклида чуқур хона очилиб, у қалин тоза кул қатлами билан тўлғазилган эди. Унинг кул қатламини кўздан кечирилганда, у ердан кўплаб сополдан ишланган алтарь чироқлари (переносной алтарь) ва сопол қадаҳларнинг парчалари топилди. Бу хона муқаддас кулхона бўлиб, у ибодатхона алтарларида ёнган олов куллари сақланадиган махсус жой бўлган. Муқаддас кулхонадан топилган бақал парчалари эса, ибодат маросимлари давомида қандайдир муқаддас ичимлик (Хаома) ичиш ибодат удумларининг ажралмас қисми бўлганлигидан далолат беради. Ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмидан топилган муқаддас хумо шаклидаги сопол идиш эса, фаразимизни тўғри эканлигини тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Гиршман Р. М. Религия Ирана от VIII в. до н.э.до периода ислама. «Культура Востока. Древность и средневековье. Ленинград, 1978. Его же. Происхождение «Чахартака». Культура Востока. Древность и Средневековье. Ленинград, 1978. С. 69.

<sup>2</sup> Гиршман Р. М. Terrasses Sacres de Bard-e Nechander et Masjed-I Solomanb. Paris, 1976. p.67.

<sup>3</sup> Всеобщая история архитектуры. «Архитектура древнего мира». Том I, Москва, 1970. С. 311.



Мукаддас кулхонанинг шимолий ва жанубий томонларида биттадан хоналар очилиб, уларнинг бирини шимолий деворида ўчоқ ва унинг деворлари бўйлаб эса супа жойлашган. Бу хонани мубодлар хонаси деб атадик.

Мукаддас саждагоҳнинг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган 8 та супали зал эса, амалда бош оташгоҳни зиёратчилар гуруҳи тавоф қилишаётган кезларда навбат кутиб ўлтирган зиёратчилар учун кутиш зали вазифасини ўтаган. Уларга кириш эшиги ибодатхонанинг мудофаа деворлари ости бўйлаб кетган коридор орқали бўлган.

Ибодатхонанинг шарқий мудофаа деворини шимолий қисмида доира шаклда қурилган ягона бурж жойлашган. Унга коридор томондан мудофаа девори ичига жойлаштирилган квадрат шаклдаги хона орқали ўтилган. Ушбу бурж оташпарастларни ибодатга чақириш буржи бўлса ажаб эмас.

Энди, ибодатхона қошидаги хўжалик-хизмат қисмига келсак, у комплекснинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмида, юқорида эслатиб ўтилган ғалла омборидан ташқари, бронзадан митти буюмлар тайёрлаш устахонаси, кенотаф мозорлар учун буюртма асосида ҳайкалчалар тайёрлаш устахонаси, мукаддас ичимлик тайёрлаш «цехи» ва уларни сақлаш омборлари топилди. Бу ишлаб чиқариш пунктлари ва уларга тегишли ашёвий далилларга қараганда, жарқўтонликларнинг дафн маросими билан боғлиқ бўлган барча урф-одатларнинг амалий ечими оташпараст мубодлар назоратида бўлиб, уларнинг фаол иштирокида дафн маросимлари ўтказилган кўринади.

Ибодатхона қошида хўжалик-хизмат комплексининг ташкил этилиши эса, ажодларимизнинг маънавий олами ва диний тасаввурларидан келиб чиққан бўлиб, улар қуёш култи билан боғлиқ илоҳий қарашларнинг маълум қонун ва қоидаларига, тартиб ва мафкуравий тизимига бўйсундирилган. Ибодатхоналар қошида махсус ишлаб чиқариш – хўжалик бўлимининг ташкил этилиши Қадимги Шарқда зардуштийлик ибодатхоналарининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Жарқўтоннинг энг кўркем баланд жойида, шаҳарнинг кунчиқар томонида монументал иншоот – оташпарастлар ибодатхонаси шаҳар ва атроф аҳоли пунктлари жамоаларининг мукаддас саждагоҳи сифатида савлат тўкиб турган бўлса, унинг кунботиш томонида, арки аълода жойлашган ҳукмдорнинг қошона қасри – қароргоҳи ўзининг монументал бўй-басти билан кўзга ташланиб турган. Бу монументал икки иншоот, бир томондан қадимги шаҳарнинг диний ва дунёвий бошқарув тизимидаги асосий шаҳарсозлик маданиятининг кўрки бўлса, иккинчи томондан, ушбу иншоотлар йирик аҳоли пунктининг шаҳар деб аталишига мазмун ва маъно бериб турувчи ноёб икки омил эди.

Сополитепа ва Жарқўтон ҳамда шу туркумга кирган 20 дан ортиқ бошқа ёдгорликларда олиб борилган археологик изланишлар туфайли ўзбек халқининг ўтроқ этник қатлами иктисодий-хўжалик ва маданиятини характерловчи жуда бой,


<sup>1</sup> *Stronach D.B. TepeNush-i Jan: Excavation in Iran. Oxford-1972, p. 296.*

ноёб археологик материаллар олинди (7-расм). Бу маданиятга тегишли минглаб қабрлар ашёлари асосида бронза даври аждодларимизнинг дафн маросимлари ва диний эътиқодини ўрганиш имконияти туғилди. Стратиграфик кесма материалларини қабр ашёлари билан қиёсий ўрганиш асосида Сополли маданиятининг даврий санаси ва унинг хронологик босқичларини аниқлаш имконияти туғилди. Маълум бўлдики, Сополли маданиятида дастлаб қабрларни ҳовли ичига, уйларнинг поли остига ёки уларнинг деворлари тагига ва хонага кириш эшиги остонаси остига кўмиш кенг тус олган. Шунингдек, баъзи ҳолларда катта патриархал оила истиқомат қилаётган ҳовлининг харобага айланган қисми уруғ жамоаларининг хилхоналарига айлантирилган. Бундай ҳолларда қабрларга қўйилган меҳнат ва ҳарбий қурооллар кундалик ҳаётда фойдаланиб келинган яроқли қурооллардан иборат бўлган.

Бу манзарани кўп йиллик фаолиятимиз давомида Сополли маданиятининг дастлабки (Сополли ва Жарқўтон) босқичларида бевосита кузатдик. Кўмиш маросими билан боғлиқ бу урф-одат ушбу маданиятнинг кўзали босқичидан эътиборан тубдан ўзгарди. Чунки, айнан худди шу даврда катта патриархал оила оташкадаларидан ташқари бутун бир шаҳар ёки шаҳар-давлат масштабида хизмат қилувчи монументал ибодатхоналар пайдо бўлдики, эндиликда улар жамиятни бошқариш тизимидаги асосий омиллардан бирига айланди, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг мафкуравий маркази, аҳолига рухий мадад ва таскин берувчи бош саждагоҳ ташкил топди.

Дарҳақиқат, археологик материалларнинг қиёсий таҳлилига кўра, Жарқўтон ибодатхонаси милоддан аввалги XIV ёки XV асрда қадимги қалъа ўршида қад кўтарган. Айнан шу асрнинг сўнгида жарқўтонликлар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Эндиликда ҳаётдан кўз юмган одамларни улар яшаган хоналарга кўмиш барҳам топди. Шаҳар ташқарисид алоҳида барча учун тенг қабристонлар пайдо бўлди. Масалан, Жарқўтон шаҳар харобасининг жанубида, юқорида таъкидлаганимиздек, қадимги шаҳардан ташқарида, бир неча табиий тепаларни эгаллаган, умумий майдони 20 га дан кам бўлмаган қабристон ташкил топган. Уларда ўтказилган археологик изланишлар натижасида қўлга киритилган ашёвий далилларга қараганда, марҳумларни яшаб турган ўз ҳовли-жойларига кўмиш урф-одати жарқўтон босқичининг сўнги давларида барҳам топган. Жарқўтон шаҳристонининг кўзали босқичида ўзлаштирилган жанубий томонини, яъни қабристонга чегарадош қисмини ҳисобга олмаганда, биринчидан, Жарқўтон ва шу маданиятга тегишли бошқа ёдгорликларнинг уй-жой массивларини бирортасида на кўзали, на мўлали, на бўстон комплексларига оид биронта ҳам қабр учратилмади. Иккинчидан, Сополли маданиятининг сополли ва жарқўтон босқичларида бирор кимса оламдан ўтса, анъанавий урф-одатга кўра, унинг қабрига, унинг ҳаётлик давридаги касб-корига тегишли меҳнат ва ҳарбий қуроолларини қўшиб кўмиш одат бўлган. Ундан ташқари, дафн маросимида қатнашган ҳар бир оила номидан сопол идишларда марҳум қабрига суюқ ёки қуюқ овқат қўйилган. Мана шу анъанага кўзали босқичидан бошлаб, қатъий равишда баъзи бир ту-





7-расм. Сополли маданияти археологик мажмуаси.

затишлар киритилди, яъни эндиликда меҳнат қуролларининг асл нусхалари ўрнига у қуролларнинг ибодатхона қошида тайёрланган махсус митти нусхалари қўйиладиган бўлди. Эҳтимол, бу ўзгаришлар у вақтда меҳнат қуроллари асосан бронзадан ясалгани учун металл хомашёсини тежаш мақсади билан боғлиқ бўлгандир. Эҳтимол, бу ўзгариш замида қандайдир диний-ғоявий маъно ётар? Ҳар қалай, бу ўзгариш айнан ўша давр оташпарастилар мафқурасида патриархал оилавий оташкадаларнинг умумшаҳар ибодатхонаси даражасига ўсиб чиқиш жараёнида содир бўлди. Учинчидан, умумшаҳар ёки маълум бир воҳа миқёсида монументал бош ибодатхонанинг шаклланиши муносабати билан оташпарастилар мафкура оламида қандайдир ўзгаришлар юз берди. Масалан, марҳумни «нариги дунё»га кузатиш билан боғлиқ маросимлар эндиликда, ибодатхона мубодлари назоратида бўлиб, улар тартибга солган меъёрий ўлчамларда ўтказилган. Чунки, ибодатхонанинг хўжалик-хизмат қисмини қазिश вақтида марҳумни дафн этиш билан боғлиқ баъзи бир масалалар ечимини ибодатхона ўз зиммасига олган кўринади. Бундай ҳулосага келишимизга қуйидаги далиллар ишора қилади:

1. Ибодатхонага кириш дарвозаси қаршисидаги очиқ ховли ёнидан махсус металлургия устахонаси очилди. Устахона шарқий деворига ёпиштириб (кенглиги 0,70 см, баландлиги 1 м.) қурилган супа устига қатор (5та) ўчоқчалар ўрнатилган. Ўчоқчаларнинг баъзи бирларида бронза хомашёси эритиладиган тигел (қозон) парчалари топилди. Қозон тагида кўкимтир тус олган бронза эритмаси сақланган. Устахонанинг ғарбий деворига ёпиштириб (баландлиги 1 м.) квадрат шаклда (1,5x1,5 м.) қурилган яна битта супа очилди. Супанинг шимолий қисмига усти текис ёрғучоқ сифат ишчи майдони текис тош сандон ўрнатилган. Унинг устида бронзадан қандайдир асбоблар тайёрланганлигидан гувоҳлик берувчи кўкимтир металл заррачалари сақланган. Супа ёнидан 7 м. чуқурликда қудуқ очилди. Устахона ичидаги маданий қатламни қазिश вақтида эса металл эритмасининг парчалари, металл ошқоллар, бронза митти пичоқлар, болта, теша ва бошқа уй-рўзгор асбоблари топилди. Устахонадан топилган бронза буюмлари орасида биронта ҳам хўжаликда ишлатилишга яроқли асбоб-ускуна учратилмади. Демак, ушбу устахонада фақат марҳумлар учун, уларнинг касб-корига мувофиқ буюртма бажарилган. Бошқача қилиб айтганда, жарқўтон босқичининг сўнгги дамларидан бошлаб қабрларда учратилаётган митти бронза буюмлари марҳум эгалари томонидан, унинг касб-корига кўра, махсус тайёрлатилган меҳнат ва жанговар қуролларнинг имитацияси бўлган.

2. Ибодатхона хўжалик қисмининг жануби-ғарбий бурчагида тенг иккига ажратилган коридорсимон хона жойлашган. Уларни қазिश вақтида девор остидан лойдан ишланиб, қуйдирилмай қизил рангга бўялган бир неча одам ҳайкалчалари топилди. Одатда, бундай ҳайкалчалар кенотаф мазорларда (қадимда бедарак йўқолган қабиладошларининг майити ўрнига матодан ясалган кўғирчоқ ёки лойдан ишлаган ҳайкалча ёки бўлмаса, қабрга йўқолган одам жасади ўрнига марҳум мулкидан кўзичоқ кўмиш одати бўлган. Мана шундай мазорлар, одатда, кенотаф

мозорлар, деб юритилади) учратилади. Улар ибодатхона ҳузурида буюртма асо-  
сида махсус тайёрланган.

Ибодатхона хўжалик-хизмат қисмини қазिश вақтида, унинг икки жойидан муқаддас ичимлик тайёрлайдиган «цех» излари топилди. Биринчи «цех» (ибодат-  
хонанинг 2-боскичига тегишли) 9-хонани тўлик эгаллаган. Хона поли ва унинг де-  
ворлари оч-қизил юпқа гипс сувоқ билан сувалган. Хонанинг бироз пасайтирил-  
ган қоқ ўртасига, бўғзига қадар полга чўктирилган хум ўрнатилган. Хумга икки  
томондан қалин гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Ҳар иккала ариқча бошида  
гипсланган чуқурчалар бўлиб, уларга сопол баркашлар қўйилган. Сопол баркаш-  
ларнинг ичи ҳам ярмигача қатлам-қатлам гипс билан сувалган. Полга чўктирилган  
хум тагида қорайиб қотиб кетган қандайдир суюқлик қолдиғи, узум уруғлари ва  
жийда данаги учратилди. Хум яқинидан ҳумо куши қиёфасида ишланган сопол  
идиш (мурғобий) топилди. «Цех» ёнида яна бир хона (10) бўлиб, унинг девор-  
лари остидан бир неча синган хумлар учратилди. Агар 9-хона муқаддас ичим-  
ликлар тайёрлаш «цехи» бўлса, 10-хона «цех» қошидаги омборхона бўлиши мум-  
кин. Худди шунга ўхшаш бошқа бир «цех» қолдиғи ибодатхонанинг (3-боскич)  
11-хонасидан топилди. Бу жойда хонанинг шимолий қисмини икки томони супа  
қилиб кўтарилган, унинг ўртаси эса пол сатҳида қолдирилиб, унга катта сопол  
баркаш ўрнатилган. Супалар устига думалоқ резервуарлар ясалиб, уларни ичи  
гипсланган. Улардан сопол баркаш томон гипс сувоқли ариқчалар тортилган. Хо-  
нанинг жануби-шарқий бурчагидан қорнига қадар полга чўктирилган хум топил-  
ди. Хонанинг қоқ ўртасига эса айлана шаклда қурилган алтарь ўрнатилган.

Гарчи бу икки «цех»да қандай ичимликлар тайёрланганлиги ҳақида гувоҳлик  
берувчи аниқ ашёвий далиллар бўлмаса-да, аммо, уларда оташпарастларнинг  
муқаддас ичимлиги тайёрланганлигига билвосита ишора қилувчи далиллар  
йўқ эмас. Масалан, Қадимги Бактриянинг жанубида (Шимолий Афғонистон)  
ҳамда кўшни Марғиёнада проф. В.И. Сарияниди бронза даври ёдгорликларида  
изланишлар олиб бориб, жанубий Бактрия ёдгорликларининг учтасида (Даш-  
ли-3, Тиллагтепа ва Кутлуктепа) ва Марғиёнада уч жойда (Гонуртепа, Тўғолоқ-1  
ва Тўғолоқ-21) оташпарастларнинг ибодатхоналарини очган. В.И. Сарияни-  
ди Гонуртепада гипс сувоқли хона очиб, уни оташпарастлик ибодатхонаси би-  
лан боғлайди. Шунингдек, ибодатхона қошидаги ёрдамчи хоналарнинг бири  
тўлалигича гипсланганлигини қайд этиб, унда (оқ хонада) кишини кайфиятини  
кўтарувчи муқаддас ичимликлар тайёрланган, деган хулосага келади. Унинг бун-  
дай хулосага келишида қуйидагилар асос бўлган: 1. «Оқ хона» девори остидан  
учта ичи қатлам-қатлам гипсланган сопол идишлар топилган. Уларни Москва  
давлат университети қошидаги махсус лаборатория текширувидан ўтгазилганда,  
идиш ичидаги гипс қатламлари орасидан, қутилмаганда, эфедра ўсимлиги излари  
ҳамда кўп миқдорда кўкнор ва наша уруғининг излари топилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Сарияниди В.И. В поисках страны Маргуш. Москва, 1993. С. 333. Его же. И здесь говорил Зарагустра. Москва, 1992. С. 101–102.

2. Худди шундай «оқ хона»лар Марғиёна воҳасининг бош ибодатхонаси Тўғолок-21 да ва «қишлоқ ибодатхонаси» Тўғолок-1 да ҳам учратилади. Бу хоналарда, худди Жарқўтон ибодатхонасида учратилганидек, таги тешик конуссимон идиш – сопол сузгичлар топилганки, улардан хаома ёки кишини кайфиятини кўтарадиган махсус ичимлик тайёрлашда фойдаланганлар. Жарқўтонда узумчилик бўлганлиги хақида гувоҳлик берувчи далилларни эслар эканмиз, бунга шубҳа қолмайди.

3. Жарқўтон ибодатхонасининг хўжалик қисми, умуман жарқўтонда кўплаб учрайдиган меҳнат қуролларидан бири – кумтошлардан ишланган ҳар хил катта-кичикликдаги ёрғучоқлару, гранит ва чакмоқтошлардан ясалган уларнинг устки тоши-янчиғичлардир. Бу хилдаги қуроллар Дашли-3, Тўғолок-21, Тўғолок-1 ва Гонуртепада ҳам кўплаб топилган. В.И. Сарияниди уларнинг бир қисмини Москва давлат университетининг махсус лабораториясида биноккуляр микроскоп ёрдамида текширтирганда, уларда (ишчи қисмида) кўкнор уруғининг заррачалари учратилган. Шунингдек, қорайиб кетган кўкнор уруғининг ўзи эса ибодатхона топилмаларидан бири, сиртига аниқ қилиб одам кўзлари туширилган найчасимон суяк ичидан топилган<sup>1</sup>.

В.И. Сариянидининг кузатувларига кўра, Марғиёна оташнарастларини диний маросимларида эфедра ёғидан тайёрланадиган муқаддас ичимлик – хаома билан бирга (ҳозиргача Ҳиндистон зардуштлари ўзларининг хаома типидagi махсус муқаддас ичимликларини тайёрлаш учун Эронга келиб, эфедра мойини олиб кетадилар) кўкнор ва ёввойи нашадан ичимлик ёки чекимлик тайёрлаш ва улардан диний эътиқод меъёрлари даражасида фойдаланганлар<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Қадимги Бактрия ва Марғиёнада топилган бронза даврининг оташпараствлар ибодатхоналари зардуштийлик динининг илдишлари айнан мана шу вилоятларда яратилганлигидан гувоҳлик беради. Тўғри, баъзи бир фаразларга кўра, Зардушт милoddан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми ва VI асрнинг бошларида ёки undan аввал яшаган тарихий шахс сифатида янги динни яратмади, балки у қабиладашлари қадимдан топиниб келаётган оташпараствлар динини ислоҳ қилди. Бошқача қилиб айтганда, у эски диний эътиқод ва тасаввурлар тизимига ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз қарашларини, концепциясини киритди.

Заратуштрага қадар бунёд этилган диний эътиқод масканлари ўзларининг монументал маҳобати ва диний маросимларининг бой ва ҳашамлиги билан ажралиб турган. Эфедра, кўкнор, каби гиёҳванд ўсимлик қолдиқларини ибодатхона комплексларида кўплаб учраши, Авесто ва Веда анъаналарида хаома ичимлигига меъерий ўлчамларда ўрин беришга олиб келганлигидан далолат беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, Марғиёнада Зардушт ислоҳига қадар оловга топиниш ва хаома ичимлигини илоҳийлаштириш кучли бўлган. Бу эътиқод объектлари Зардушт таълимотида ҳам ўзгариб бораётган замон талаби асосида ўз ўрнини топган.

<sup>1</sup> Сарияниди В.И. И здесь говорил Заратуштра. Москва, 1992. С. 89.

<sup>2</sup> Сарияниди В.И. И здесь говорил Заратуштра. С. 89–90.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган археологик изланишлар ва қазिशмалар жараёнида топилган ашёвий далиллар таҳлилидан келиб чикиб, қуйидаги яқуний хулосага келиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида милоддан аввалги II мингйилликнинг биринчи ярми давомида Қадимги Шарқ цивилизациясига хос урбанистик тарихий шароитда юксак ривожланган илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ушбу илк шаҳар маданиятининг иктисодий, ижтимоий ва этномаданий асослари Сурхондарё вилоятининг Шеробод воҳасида қад кўтарган ноёб ёдгорликлар – Сополлитепа ва Жарқўтон мисолида ўрганилди.

2. Агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яъни Авестода тилга олинган Вара қалъа – кўрғонини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор таркиб топган том маънодаги энг қадимги илк шаҳар эди. Жарқўтон ёдгорлиги тарихий топографияси ва кенг майдони жиҳатидан ҳам Қадимги Шарқ илк шаҳарларидан фарқ қилмайди.

3. Жарқўтондан топилган ашёвий далиллар уни мил.авв. II мингйилликнинг ўрталарига таалуқли эканлигини тасдиқлайди. Шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар бутун Жанубий Ўзбекистон бўйлаб ва Тожикистоннинг унга туташ ҳудудларидан топиб ўрганилган. Улар орасида майдони ва ички топографик таркиби жиҳатидан шаҳар талабига жавоб бериши мумкин бўлган ёдгорлик Жарқўтон бўлиб, у ўз даврининг нафақат йирик шаҳри, балки, Шимолий Бактрия ҳудудида биринчи бор ташкил топган илк давлат – Қадимги Бактрия подшолигининг бош шаҳри бўлган, бўлиши ҳам мумкин<sup>1</sup>.

4. Жарқўтон ёдгорлигида узок йиллар давомида изланишлар олиб бориш туфайли, уни дастлаб Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги сифатида тавсиф этилган бўлса<sup>2</sup>, кейинги тадқиқот натижалари Жарқўтонни илк шаҳар<sup>3</sup> сифатида изоҳлашга имкон берди.

5. Жарқўтон ибодатхонасида олиб борилган тадқиқот натижалари зардуштийлик динининг илк куртаклари мил.авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлаганлигини тасдиқламоқда. Шунингдек, бу ерда очилган монументал ибодатхона ва оташгоҳлар бронза даврида қадимги деҳқон жамоаларининг илк шаҳарлар таркибида қад кўтаргани, бу дин ўзбек илк давлатчилигининг мафкуравий асосини ташкил этганлигини кўрсатмоқда. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да акс этган жамиятнинг ижтимоий таркиби ва рамзий белгилари бронза даври ибодатхоналарида, айнан, Жарқўтон ибодатхонасида ва шу давр дафн маросимлари билан боғлиқ удумларда яққол аксини топган.

Маълумки, зардуштийлик дини маълум тартиб-қоидалар, удумлар асосида муайян бир даврда шаклланди. Диннинг пайдо бўлиши, унинг махсус тизим асо-

<sup>1</sup> Асқаров А. Тарихимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янгича мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – № V, – Т.: 2000. – 24-28-бетлар.

<sup>2</sup> Асқаров А. Древнеземледельческая культура..... 1977.

<sup>3</sup> Ширинов Т. Ранняя городская культура .... автореф. дис... д-ра. ист. наук.

сида шаклланиши жамиятда инсонларнинг ишонч-эътиқодини қозонишига ва мафқуравий-сиёсий ҳокимиятни мустахкамлаш учун зарур восита ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маълумот берувчи илк ёзма манба «Авесто»да жамиятнинг тузилиши ва унинг таркиби ҳақида ҳам маълумот берилган. «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари «Гатлар» деб аталиб, унда пайғамбар Заратуштранинг бешлик кўшиқлари, олий худо Ахурамазда ва унинг маъбудалари ҳақидаги олқишли мадҳи батафсил келтирилган<sup>2</sup>. Гатларда кўтарилган ғояларда бронза даври жамияти муносабатларини Қадимги Бактрия ва Марғиёнада давлат тузилмалари шаклланишга қадар бўлган даври ёритилган<sup>3</sup>. Чунки, Қадимги Бактрия ва Марғиёна бронза даври аҳолиси зоолатрик диний қарашларидаги жониворлар тасвири, гатларда мадҳ этилган худо ва маъбудаларнинг диний-руҳий оламидан моддийликка кўчган кўриниши бўлиб, «Авесто» жамиятининг илк белгилари шакллана бошлаганлигидан далолат беради<sup>4</sup>.

«Авесто» жамиятининг ижтимоий-таркибий тузилиши ҳақида А.Асқаров<sup>5</sup>, А.Сагдуллаев<sup>6</sup>, Ш.Шайдуллаев<sup>7</sup>лар ўз ишларида изоҳлаб ўтадилар. Бунга кўра, «Авесто» жамиятини тўрт қатламга ажратиб кўрсатадилар. Булар – катта патриархал оила – «нмана», уруғ жамоаси – «вис», қабила – «занту», вилоят, мамлакат – «дахью» ларга бўлинади. Бу ижтимоий тузилишнинг биринчи, иккинчи ва учинчиси Сополли маданияти материалларида бевосита кузатилади.

Археологик белгиларни кузатар эканмиз, Сополлитепа калъа-кўрғони 8 та кварталдан иборат бўлса, шу кварталларнинг ҳар бири, биттадан нманани ташкил этган. Вис – бу нафақат кичик жамоаси, балки хусусий ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, бутун қишлоқ жамоаси маъносини англатиб, Сополлитепа қишлоғини висга қиёслаб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, Сополлитепа нманалардан ташкил топган виснинг қароргоҳидир<sup>8</sup>. Қишлоқ жамоаси тепасида нмананатилар орасидан сайлаб кўйилган уруғ оқсоқоли Виспати турган бўлиб, бутун сополлитепаликлар Виспати назорати остида бўлганлар<sup>9</sup>. Давлатчилигимизнинг энг дастлабки бўғини ана шу вислар, яъни қишлоқ жамоаларидан бошланган<sup>10</sup>.

«Авесто»нинг қадимги қисмида акс этган давлатчилик атамасининг яна бир кўриниши – занту бўлиб, у қабилавий уюшмани англатади. Қабила уюшмаси бир

<sup>1</sup> Эсанов М. «Авесто» жамиятининг археологик материалларида ... // Т.ф.н. дис. –Т., 2007. – 52-бет.

<sup>2</sup> «Авесто» Аскар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарк. 2001. – 8–34-бетлар.

<sup>3</sup> Эсанов М. «Авесто» жамиятининг археологик материалларида... // Т.ф.н. дис. –Т., 2007. – 52-бет.

<sup>4</sup> Эсанов М. Бронза даврида Қадимги Бактрия ва Марғиёна аҳолисининг зоолатрик диний қарашлари // Ўзбекистон моддий маданият ёзма манбаларида. – Т.: Фан. 92–97-бетлар.

<sup>5</sup> Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий танқид. 1994. – № VI. 31–35-бетлар.

<sup>6</sup> Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларида. – Т.: 2002. – 22–25-бетлар.

<sup>7</sup> Шайдуллаев Ш. «Авесто» ва моддий маданият // Ўзбекистон тарихи. 2004. № III. 3–12-бетлар.

<sup>8</sup> Асқаров А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд. 1993. С. 119.

<sup>9</sup> Эсанов М. «Авесто» жамиятининг археологик материалларида ... // Т.ф.н. дис. –Т.: 2007. – 48-бет.

<sup>10</sup> Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг тарихий илдилари // Давлатчиликнинг илк босқичлари – Ўзбекистон. (Республика илмий-амалий конференция материаллари). – Т.: 2010. – 10-бет.



неча висларни бирлаштирувчи, бир неча уруғ жамоалари устидан назорат қилиб турувчи бошқарув органи ҳисобланган. Жарқўтон ҳудудида жойлашган шаҳар ибодатхонаси ушбу илк шаҳар-давлатнинг бошқарув органи бўлиб, бошқарув тизимида диний раҳнамоликнинг ўрни катта бўлган. Қишлоқ жамоаларини бирлаштирувчи зантуни бошқаришда диний-мафкуравий жихатдан Жарқўтон шаҳар ибодатхонаси муҳим роль ўйнаган. Ҳар бир уруғга юқори обрўга эга, юксак ибрат соҳиби, ўз ишининг устаси бўлган кишилар сардорлик қилганлар<sup>1</sup>.

Сополли маданиятининг Жарқўтондек ноёб ёдгорлиги мисолида ўзбек давлатчилигининг илк илдизлари кузатилар экан, ушбу ёдгорликдан топилган топилмаларнинг тарихий таҳлиliga кўра, Сополли маданиятида пайгамбар Зардушт ислохотига қадар оловга топиниш, уни муқаддас билиб, эътиқод даражасига кўтариб эъзозлаганлар. Зардуштийлик дини эътиқоди билан боғлиқ бўлган диний маросим ва байрамларда муқаддас ичимлик сифатида истеъмол қилинган хаома ичимлигини илоҳийлаштириш муқаддас ҳисобланган.

Сўнги йилларда ибодатхона жойлашган тепаликда Ўзбек – Олмон экспедицияси казишма ишларини олиб бориб, ибодатхона қурилишига қадар ҳам бу тепаликда маҳобатли иншоот бўлганлигини аниқладилар. 6-тепаликнинг энг қуйи қатламида жойлашган ушбу бино Жарқўтон даврида қайта тикланган ва бизгача у бинонинг бир қатор ғишт баландлигидаги қолати сақланган. Ўрганган бино тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, 0,90 метр қалинликдаги девор билан ўралган. Ушбу бино ичида томонлари 7 метрдан иборат квадрат шаклидаги зал, атрофида эса, йўлаксимон хоналардан иборат бўлган мажмуа очилган. Мажмуа деворлари ва поллари гипс билан сувалган ва бевосита бронза даври шоҳона саройи, яъни «оқ сарой»ни эслатади<sup>2</sup>. Бу монументал бинони ишонч билан сарой деб аташ мумкин, деган илмий хулосага келинди.

Жарқўтон ибодатхонаси мажмуасида тадқиқотчилар томонидан жами тўртта қурилиш даври кузатилган бўлиб, унинг энг қуйи қатлами юқорида айтиб ўтилган «оқ сарой» ҳисобланади<sup>3</sup>. Ш.Шайдуллаев ўз тадқиқотларида Жарқўтон шаҳар-давлатининг асосий бошқаруви «Жарқўтон олов ибодатхонаси»дир<sup>4</sup>, деб эътироф этади. Бизнингча ҳам 6-тепаликда жойлашган ушбу маҳобатли иншоот Жарқўтон босқичида дастлаб, «оқсарой» мавқеидаги қалъа, сўнг унинг қайта қурилишидан кейин бош оташқада жойлашган ибодатхона вазифасини ўтаган. У иншоот 7x7 метрли шоҳона саройдан иборат бўлиб, унинг атрофи йўлаксимон хоналар билан ўраб олинган, хоналар оқ гипс билан сувалган. Фараз қилиш мумкин, бу белгилар Жарқўтон ибодатхонаси ўрнида ибодатхона қурилишидан аввал жамият бошқарув маҳкамасига ўхшаш махсус марказ бўлганлигини тасдиқлайди.

<sup>1</sup> Эсанов М. «Авесто» жамиятининг археологик материалларда... // Т.ф.н. дис. – Т.: 2007. – 49-бет.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш., Хуффа Д., Рахимов К. Жарқўтон – 2002 // Археологические исследования в Узбекистане в 2002 году. Т.: 2003. С. 202–204.; Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши. Т.ф.д. дис. автореф. – Самарканд, 2009. – 23-бет.

<sup>3</sup> Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993. С. 63.

<sup>4</sup> Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши. Т.ф.д. дис. автореф. – Самарканд, 2009. – 23-бет.

Сополли маданиятининг Жаркўтон боскичидан бошлаб динга эътибор, диннинг илк марказлашув жараёнлари бошланган даврларда, жамият бошқаруви тепасида турган шахслар диний раҳнамоликни ҳам ўз қўл остига олган бўлишлари табиий ҳолдир. Шу сабабли, бу жой кейинги боскичларда жамият аъзоларининг эътиқоди орқали бир жойга тўпловчи масканга, аниқ режали ибодатхонага айланган.

Тарихдан маълумки, бу даврларда зардуштий мубодларининг жамиятдаги мавқеи анча юкори бўлган. Ибодатхона инсонларнинг ишонч, эътиқод масканига айланган ва муқаддас саждагоҳ сифатида улуғланиб, бу ерда турли хил диний маросимлар ўтказилган. Зардуштийликнинг энг муқаддас тимсоли олов – бронза давридан эътиборан илк шахар-давлатнинг диний бошқаруви коҳинлар қўлида бўлганлигини ва улар илк шахар-давлатнинг маънавий-илохий ҳукмдори эканлигини англатади. Ибодатхона инсонлар учун муқаддас масканга айлангач, унинг тасарруфида унумдор ерлар кўпайиб, уларни бошқариш ҳам коҳинларнинг назорати остида бўлган.

Ҳукмдор илк сиёсий уюшма – шахар-давлат тепасида турган шахс бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ҳарбий ишларни ўз қўлида бирлаштирган кави мавқеига эга бўлган. Унинг тўлиқ ҳукми остида давлат ишлари амалга оширилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, Жаркўтон ибодатхонаси ва унинг хронологик қатламларидан топилган ашёвий далиллар унинг сарой – ибодатхона вазифасини бажарган объект сифатида қарашликни тақозо этади.

Жаркўтон ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида, бу ерда илк шахарга хос бўлган хусусиятлар, яъни арки аъло, унинг худудий доирасида ҳукмдор саройи, мудофаа қурилиши, хунармандчилик иншоотлари, протошаҳристон доирасида ибодатхона, аҳоли яшайдиган турар-жой массивлари ва шу ерлардан топилган моддий маданият намуналари Жаркўтон ёдгорлигини илк шахар тоифасига киритиш имконини беради.

Агар у ёки бу ёдгорликни қадимги шахар деб аталиши учун қўйиладиган илмий талаблардан келиб чиқилганда ҳам Жаркўтон у талабларга жавоб бериши мумкин бўлган ноёб ёдгорликдир.

Қадимги шахарларга хос бўлган биринчи аломат – шахар майдонида арки аъло ва шаҳристонни таркиб топган бўлиши бўлса, Жаркўтонда бу содир бўлган, яъни 100 гектарли Жаркўтонни 3 гектари арки аълоси ва унга туташ кенг протошаҳристон бор.

Иккинчи аломат – ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолиси зич жойлашган маскан мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши керак. Сополлитепа ва Жаркўтонда бу мудофаа иншооти ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Учинчи аломат – шахарнинг арк қисмида монументал маҳобатли бино яъни шахар ҳокимининг ўрдаси-қароргоҳи бўлиши керак. Жаркўтон кўҳандизи майдонининг жанубий-ғарбида шундай монументал бино қад кўтарган. Бу ҳукмдор қароргоҳи Жаркўтонда ўз аксини топган.

Тўртинчи аломат – шахар майдонида барча учун баробар хизмат қилувчи бош саждагоҳ жойлашган ибодатхона – диний мафкура маркази шаклланган бўлиши

керак. Жаркўтонда шундай бош саждагоҳ – маҳобатли монументал ибодатхона таркиб топган.

Бешинчи аломат – қадимги шаҳарда хунармандчиликнинг турли тармоклари профессионал даражада таркиб топган бўлиши керак. Сополлитепа ва Жаркўтонда бу йўналиш юксак даражада ривожланган. Бу икки объектда айниқса, кулолчилик, металлургия, тўқимачилик, амалий санъат, уй-жой қурилиши соҳалари бўйича ихтисослашиш жараёни профессионал даражада бўлганлиги яққол кўзга ташланади.

Шаҳар хунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Улар ўта нафис, хушбичим, чиннидек жарангдор, товар характериға эға (8-расм). Масалан, ушбу қадимги шаҳар маданиятиға тегишли кулолчилик маҳсулотларини узоқ Хитой ҳудудларигача кириб борганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар мавжуд. Демак, бу ўша давр шаҳар аҳолиси таркиби ҳақида фикр юритишға ишора бўлиб, қадимги Жаркўтон шаҳар аҳолиси эркин дехқон жамоалари-кашоварзлардан, шаҳарнинг хунар ва савдо аҳли «озодкор» ва «гувокор»лардан иборат бўлган. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосида қурилган. Шаҳар ҳукмдорининг монументал қошонасининг арки аълода барпо этилиши бунга далолатдир.

Юқорида санаб ўтилган археологик белгилар Жаркўтон ёдгорлигида ўзининг тўлик аксини топган. Ушбу белгиларға қўшимча сифатида ёзувни бўлишлиги тадқиқотчилар томонидан шаҳарларнинг асосий белгиларидан бири сифатида тан олинган<sup>1</sup>.



Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борган Ш.Шайдуллаев илк шаҳарлар, шаҳарлар билан бир тарихий жараёнда вужудға келадиган илк давлатларда бошланғич ёзув усулини бўлишлиги зарурий белгидир, зеро, инсон ўз фикрини ифода этишисиз давлатнинг ҳам вужудға келиши мумкин эмас. Бойликнинг ортиши санокқа, хўжалик бошқарувидаги мураккаблашган ёзувға бўлган эҳтиёжни туғдиради, деб таъкидлайди. Сополлитепа ёдгорлиги сополларидан топилган 29 та белги ва кейинги тадқиқотлар натижасида Жаркўтон ёдгорлигидан топилган 52 хил белги-ёзув бронза даврида илк ёзув пайдо бўла бошлаганини кўрсатади. Қадимги дехқончилик маданияти жамоаларининг сўнгги бронза ва илк темир давриға тегишли Ғоз ёдгорлигидан эса пиктографик ёзувни тош кели топилган. Бу белгиларни пиктографик ёзув, деб аташ ҳақиқатға яқин эканлиги асосланади<sup>2</sup> (9-расм).

<sup>1</sup> Childe V.G. The urban revolution // Towh planning Review. Vol. 21. 1950, - P.9-16; Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – Москва. 1979. С. 19.

<sup>2</sup> Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши. Т.ф.д. дис. 137-бет; Асқаров А. Сополли маданияти пиктографик ёзув белгиларини ўқишдаги дастлабки изланишлар. «Марказий Осиё халқлари тарихи, манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари». Китоб V, қисм 2. – Т.: 2013. – 12–38-бетлар.



8-расм. Сополли маданияти керамика мажмуаси.



9-расм. Ғоз ёдгорлигидан топилган пиктографик ёзувли тош кели.

Ҳақиқатан ҳам илк шаҳарга хос бўлган барча омиллар шаклланган ҳудудда ўз даври учун ёзувнинг бўлиши муҳим омил ҳисобланади. Чунки юқори даражада ривожланган ҳунармандчилиги, сарой иншоотлари, ибодатхонаси, савдотикнинг ривожланганлигини кўрсатувчи далилларга эга бўлган ҳудуднинг ўзлари учун муомалада бўладиган ёзуви бўлмаслиги мумкин эмас. Шундай экан, бу маданият айрим тадқиқотчилар айтганидек, сўнгги бронза даври илк шаҳар ёдгорликлари «бронза даврининг урбанизациялашган қишлоқлари» ва яна бошқа олимлар «шаҳармонанд» (протогород) деб айтганларидек эмас, балки тарихий далиллар, моддий маданият намуналари асосида сўнгги бронза даври илк шаҳар ёдгорликлари дейишга ҳақли тарзда имкон беради.

Ўзбек давлатчилигининг илк боскичларида дастлаб, жамоанинг бошқарув тизимида диний-илоҳий қудрат катта нуфузга эга бўлганлиги туфайли, маҳкамачилик ишлари шаҳар бош ибодатхонаси қошида мужассамлашган. Шунинг учун ҳам илк шаҳарларнинг бош ибодатхоналари монументал характерга эга бўлиб, шаҳарнинг Бош оташгоҳи ибодатхона мажмуасини ташкил этган. Шу билан бирга жамиятни бошқариш ҳам ибодатхона билан боғлиқ бўлган. Бош оташкада қоҳинларнинг илк давлатчилик жараёнларида фаол қатнашиб, диний-дунёвий ҳокимият эгаси бўлганлигига ишора қилади. Чунки, муқаддас кулхонада бош оташкада кулларининг сакланиши, ибодатхона саждагоҳининг бош ибодат маркази эканлиги, диний маросим, култ билан боғлиқ удумларнинг ибодатхона бошқарувида ўтказилиши, муқаддас ичимлик ибодатхона қошидаги «цех»ларда, «оқ хона»ларда тайёрланиб, шахсан мубодлар назоратида бўлганлиги буни исботлайди<sup>1</sup>.

Шулардан келиб чикиб, хулоса қилиш мумкинки, археологик ёдгорликлар ва уларнинг тарихий таҳлилига кўра, Шимолий Бактрия жумладан, ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади. Айнан шу даврдан бошлаб, мулкчиликдан ерга ва чорвага эгалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга эгалик қилиш, жуфт оилаларнинг пайдо бўлиши ва уларни катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари патриархал оилалардан бошланиб, уларни мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари – вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг тарихий илдизларини ташкил этади. Вислар илк давлатчилик куртаги ҳисобланса, «Авесто» жамиятининг занту боскичида вислардан ташкил топган илк шаҳар шаҳар-давлатчилигининг асосини ташкил этган. Шаҳар-давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган «воҳа давлатчилиги»нинг бош шаҳри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Шундай экан, Жарқўтон нафақат шаҳар-давлат, балки Сурхон–Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа илк давлатчилигининг диний бошқарув маркази ҳамдир.

<sup>1</sup> «Авесто» жамиятининг археологик материалларда... т.ф.н. дис... – Т.: 2007. – 71-бет.

Мана шу марказнинг бош ёдгорлиги Жаркўтонни казиш вақтида, унинг Кўзали ва Мўдали боскичлари маданий қатламларидан кўплаб сопол парчалари учратилдики, уларнинг юзаси турли хил геометрик чизиклар билан нақшланган эди. Бу усул Сополли маданияти кулолчилик анъаналарига зид бўлиб, нақшлар композициясига кўра, улар чорвадор дашт қабилалари керамикасини эслатар эди (10-расм). Бу сопол парчаларининг асоси кулолчилик чархида ясалиб, икки ярус-ли хумдонда пиширилган сополлардан иборат. У сополлар сиртига терматехника жараёнига қадар (хумдонгача) чизма нақшлар солиниб, сўнг хумдонда пиширилган. Шу билан бирга, Жаркўтон кулолчилик комплексида жуда оз миқдорда бўлса ҳам даштликларнинг нақшинкор сополлари ҳам учрайди. Улар лойининг таркиби, терматехникаси жиҳатидан жаркўтонликлар сополларидан тубдан фарқ қилади. Жаркўтон керамика комплексида учратилган бу ҳолат аслида мил. авв. II мингйилликнинг ўрталаридан орийларнинг жанубга миграцияси билан боғлиқ бўлиб, Жаркўтондан топилган даштликлар керамикаси орийлар келтирган сопол идишлар парчалари бўлиши ҳам мумкин. Нақшли сополларни эса сиёсий ва ҳарбий ҳукмронликни жойларда қўлга киритган даштликлар таъсирида ясалган сополлар туркумига киритиш айнан тарихий ҳақиқатдир. Бу тарихий ҳақиқат Жаркўтон ва Бўстон қабристонларининг қатор мазорларидан топилган дашт қабилаларига тегишли керамика парчалари ва митти бронза меҳнат ва ҳарбий қуроллар топилмалари билан ҳам тасдиқланади<sup>1</sup>. Демак, фактларга асосланган бу қиёсий ва таҳлилий хулосалар ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтасини бронза даврига бориб тақалишидан далolat беради.

Шимолий Бақтрияда бронза даври деҳқон жамоалари учун хизмат қилувчи ноёб диний марказ—монументал иншоот—Жаркўтон ибодатхонаси ва унинг қошида диний маросимлар учун керак бўладиган ишлаб чиқариш хўжалик-хизмат қисмини ташкил этилиши ва унинг фаолияти ўз даври учун муҳим аҳамият касб этади. Диннинг марказлашув жараёни юз бера бошлайди. Диний дунёқарашда олов муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли олов билан боғлиқ қурилмалар, оловнинг рамзлари инсонлар диққат марказида бўлганлиги моддий маданиятда кузатилади. Жаркўтон ибодатхонаси фаолият кўрсатиши билан бирга жамоавий алтархоналар ҳам эътиборда бўлган. Булардан ташқари, ҳали одамларнинг онгида ибтидоий диний қарашларнинг айрим кўринишлари, яъни зоолатрик диний қарашларга эътикод сақланиб қолган бўлиб, маълум вақт ўтгач, деҳқон жамоалари ҳаётида олов, ер, сув ва ҳаво энг зарур ҳаёт манбаи эканлигини тушуниб етгач, зоолатрик характердаги ҳайвонлар фақат туморларда, муҳрларда сақланиб қолади. Уларнинг ҳаётида табиатнинг тўрт унсурини эъзозлаш биринчи даражага кўтарилади. Бу тўрт унсур эса зардуштийлик динининг муҳим устун-

<sup>1</sup> *Аванесова Н.А.* Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Т.: 2010. С. 116–21; *Аскарлов А., Абдуллаев Б.* Джаркутан. Т.: 1983. табл. XIV, 17.



10-расм. Сополли маданияти керамикасига дашт қабилалар таъсири.



лари, асосий белгисидир. Тўрт унсурнинг учтаси (олов, ер, сув) Жарқўтон ибодатхонасида ўз аксини топган. Аҳоли яшаш манзилдан шаҳар кабристонининг четда вужудга келиши зардуштийликдаги табиатнинг тўртинчи унсури – ҳавони муқаддаслаштириш расмий тус олганлигидан далолат беради. Бирок, бу зардуштийлик дини узил-кесил шаклланди, дегани эмас. Шу сабабли, бу даврни зардуштийлик динининг шаклланиш жараёни бошланган давр, яъни илк зардуштийлик, дейилса тўғрироқ бўлар эди. Жарқўтон нафақат диний марказ, балки жамиятнинг бошқарув маркази ҳам бўлган. Бу эса илк подшолик, яъни Қадимги Бақтрия подшолиги давридаги кавининг қўл остида диний, дунёвий ҳокимиятнинг жамланиши билан қиёслаш мумкин. Бу ибодатхона мубодларининг обрўси ортиб боришига, уларнинг қўлида унумдор ерларнинг тўпланишига олиб келади. Илк шаҳар ҳокимиятининг бошқарув маркази бўлганлигини кўрсатувчи факт Жарқўтон ибодатхонасининг қуйи қатламида олиб борилган изланишлар туфайли исботланди. Бу ерда ибодатхона қурилишигача қандайдир бошқарув маркази «сарой»га ўхшаш иншоот бўлганлигига ишора қилувчи ашёвий далиллар топилган. Бундан кўриниб турибдики, бу иншоот аввал жамиятнинг бошқарув маркази бўлган. Кейинроқ, дин марказлашиб борган сари, кейинги қурилиш даврларида бу ерда ибодатхона қад кўтарган ва шу ердан жамият ҳам диний, ҳам сиёсий томондан бошқарилган. Бу далиллар нафақат Шимолий Бақтрияда, балки Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик илдиzlари мил.авв. II мингйилликнинг ярмига бориб тақалишига асос бўлади.

## VI боб

# ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК АСОСИНING СЎНГГИ БРОНЗА ВА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ҚАДИМГИ ДЕХҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудларида олиб борилган кенг қўламли археологик изланишлар натижаларига караганда милoddан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида, ибтидий жамоа тузуми замида, туб ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар юз беради.

Ўша кезларда, бир томондан, Евроосиё даштларидан Ўрта Осиёга гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Авестода номи зикр этилган прототурк тур уруғ жамоалари кириб келадилар ва маҳаллий чорвадор сак қабилалари каби минтақанинг маъдан конларига яқин тоғ ёнбағирларига, сувга яқин адир ва чўлларига, дарё ва сой ҳавзаларига жойлашиб, бронза даврининг туб жойли зироатчи қабилалари билан иқтисодий ва маданий алоқада бўладилар. Албатта, икки хўжалик соҳиблари ўртасидаги алоқалар ҳар доим ҳам тинч ва асоийшта ўтмаган. Гарчи қабилалараро манфаатли зиддиятлар бўлганлиги ҳақида у даврлар учун аниқ ёзма маълумотлар бўлмасда, уларнинг излари археологик ёдгорликларда баъзида учраб туради. Қадимги чорвадор қабилаларнинг манфаатли мақсад сари ҳарбий омилкорлик билан янги ўтловлар ва маъдан конларини эгаллаш йўлида нафақат ерга боғланиб қолган деҳқон жамоалари билан, ҳатто, ўз қабилadoшлари – маҳаллий саклар билан ҳам жангу жадаллар қилишга бориб етган чорвадорларга хос пассионарлик кайфияти ўша давр жамияти учун хос эди.

Иккинчи томондан, маҳаллий саклар ва Евроосиё даштларидан кириб келган прототурк тур уруғ жамоаларининг бир қисми деҳқончиликка қулай, қуёшга ўнғай тоғ сойларининг қуйи ҳавзалари ва булоқ сойлари ёқаларига жойлашиб, зироатчилик билан шуғуллана бошлайдилар. Сўнги бронза ва илк темир даврида бундай ҳолатни бутун Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб кузатиш мумкин бўлган. (зарваракдаги 3- расмга қаранг) Ана шундай манзара, биринчи навбатда, қадимги Фарғонада яхши кузатилади.

### VI. 1. Қадимги Фарғона

XX аср давомида Фарғона водийсида олиб борилган кенг қўламли археологик изланишлар натижаларига қўра, бу минтақа ҳудуди бронза даврида Қадимги Шарк цивилизацияси маданий-хўжалик таъсиридан йироқ ва биқик ўлка ҳисобланган. Мил. авв. II мингйилликнинг биринчи ярмида Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий ҳудудларида Саразм ва Сополли каби қадимги деҳқончилик маданиятлари гуллаб-яшнаб турган кезларда Фарғона водийси ва Тошкент воҳаси, ҳатто, Аму-

дарёнинг қуйи ҳавзалари ҳам чорвадор тур ва сак қабилалари кенг тарқалган ўлкалар эди. Шу боис, Сирдарёнинг юкори ва ўрта ҳавзалари, яъни Фарғона водийси ва Тошкент воҳаси то мил. авв. II мингйилликнинг охиригача қадар чорвадор сак қабилалари кенг тарқалган ҳудудлар бўлиб қолаверди. Аммо, Фарғона водийсининг шарқий ҳудудларига хос географик муҳит, яъни Қорадарё сув ресурсларини таъминлаган минглаб булоқ сувлари, унумдор қора тупроқли экинбоп майдонлар, ўлка тоғ ёнбағирларининг ёввойи бошоқли ўсимликларга бойлиги ва ниҳоят, чорвачилиқдан бахти чопмай камбағаллашиб бораётган сак ва турларнинг талай қисми ўтроқлашиб, ҳавза деҳқончилиги билан шуғуллана бошлаганлар. Худди ана шу жараёнларнинг натижаси сифатида қадимги Фарғонанинг шарқий ва шимолий вилоятларида илк деҳқончилик маданияти пайдо бўлади (зарварақдаги 2-расмга қаранг). Ана шу бободеҳқонларимизнинг дастлабки кишлокларидан бири 1950 йилда М.Э.Воронец томонидан Чуст шаҳри яқинидаги Буванамозор деб аталган булоқ ёқасида топиб ўрганилди. Археологлар бу ёдгорликка Чуст маданияти деб ном берганлар. Шундан сўнг тарихий ва археологик асарларда, Ўзбекистон тарихининг қадимги харитасида Чуст маданияти ўз ўрнини топди<sup>1</sup>.

Чуст маданияти Фарғона водийсида ўрганилган энг қадимги деҳқон жамоалари маданиятидир. Унинг йирик ва яхши ўрганилган ёдгорлиги Шарқий Фарғонанинг Далварзинтепа ёдгорлигидир<sup>2</sup>. Унга қадар бу ўлкадан Қадимги Шарк цивилизацияси туркумига кирувчи Афлотун ва Ҳақ хазиналари топилган бўлиб, улар энеолит ёки ривожланган бронза даврига тегишли эканлиги аниқланган. Бирок, уларнинг бевосита бирор археологик объект билан боғлиқ эканлиги маълум эмас. Шунинг учун водий ҳудудларида деҳқончилик уруғ жамоаларининг пайдо бўлиши Чуст маданияти билан боғлиқ эканлиги фанда тан олинган.

Фарғона водийсида Чуст маданияти қачон пайдо бўлди, қайси бир этник асосда таркиб топди ёки водийга бирор томондан келиб жойлашиб олдимми? Бу масалалар атрофида ҳам археолог олимлар орасида аниқ бир тўхтамга ҳозиргача келинмаган. Аммо, масалага мантиқан ёндашилса шуниси аниқки, Чуст маданияти бу заминга тайёр ҳолда қаердандир келиб қолмаган. Қадимги Фарғонанинг шимолий ва шарқий вилоятларида серсув булоқларнинг кўплиги, у жойларнинг унумдор қора тупроқли замини, қулай экологик имкониятлари, аксинча, туб жойли маҳаллий аҳолининг бир қисмини шак-шубҳасиз зироатчилик билан шуғулланишга, ўтроқ ҳаёт кечиришга олиб келган. Ана шу асосда Чуст маданияти таркиб топган. Унинг даврий санаси эса илмий адабиётларда мил. авв. II мингйилликнинг охири ва I мингйилликнинг биринчи чораги билан белги-

<sup>1</sup> *Спришевский В.И.* Чустская стоянка эпохи бронзы в Узбекистане. СЭ № III, Москва, 1954. С. 69–76.

<sup>2</sup> *Заднепровский Ю.А.* Древнеземледельческая культура Ферганы. Москва–Ленинград, 1962. МИА № 118. Его же. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. док. дисс. Москва, 1978.

ланиб келинди<sup>1</sup>. Аммо бу сана кейинги йилларда мил. авв. II мингйилликнинг ўрталаригача қадимийлаштирилмоқда<sup>2</sup>. Чуст маданиятининг эталон ёдгорликлари Далварзинтепа, Ашқалтепа ва Буванамозор объектларида сақланган маданий қатламларнинг қалинлигига қараганда, Чуст маданияти Ўрта Осиёнинг шу типдаги ёдгорликларга нисбатан энг қадимийсидир.

Ҳозирги кунда Чуст маданиятига оид ёдгорликлар водий бўйлаб 80 дан ортиқ пунктларда топиб ўрганилган. Улар асосан сой этакларида, булок сувларининг бошида, булоқлардан ҳосил бўлган қорасув ҳавзаларида жойлашган (11-расм). Уларнинг аксарият кўпчилиги 1, 1,5, 2, 3 гектарли патриархал уруғ жамоаларининг кишлоқларини ташкил этади. Улар орасида умумий майдони 4,5 га (Чуст макони), 13 га (Ашқалтепа) ва 25 га (Далварзинтепа) келадиган илк шаҳар харобалари ҳам учрайди. Чуст маданияти ёдгорликларида 1,5–3 метргача қалинликда маданий қатламли объектлар бўлиб, уларнинг энг юқори қатламларида пахса ва хом гиштлардан тикланган мудофаа иншоотлари кўзга ташланади (Далварзинтепа, Ашқалтепа, Чуст макони ва бошқалар).

Чуст маданияти жуда бой археологик комплексга эга. Унинг кулолчилик маҳсулотлари чархсиз қўлда ясалган турли хил идишлардан (сфероконус шаклли косалар, ним косалар, банкасимон хурмачалар, хумча ва тоғоралар, ошхона сопол қозонлари, митти идишлар ва бошқалар) иборат. Коса ва хурмачалар ташки сиртига оч сарик, жигарранг ва тиниқ оқиш ангоб берилган. Улар устига қора (Далварзинтепа), оч кизил (Чуст макони) рангда геометрик нақш солинган (11-расм). Чуст маданияти ёдгорликларининг даврий санаси аниқ хронологик босқичларга стратиграфик кузатувлар асосида ишланмаган бўлса-да, Далварзинтепа Чуст маконига нисбатан қадимийроқ бўлиши керак, деган тахминлар йўқ эмас<sup>3</sup>. Чуст маданияти ёдгорликларининг бронзадан ишланган меҳнат қуроқларининг типологик ва кимёвий таркиби ҳам бу фикрни тасдиқлайди<sup>4</sup>.


Чуст маданияти ёдгорликлари тарихий-топографик таркибига кўра, икки типга бўлинади. Биринчиси – майдони кичик, мудофаа иншоотларисиз ёдгорликлар. Уларнинг ҳар бири бир уруғ жамоасига тегишли кишлоқ маконлари бўлса, иккинчиси – майдони 10 га ва ундан ортиқ гектарга тенг ёдгорликлар. Улар ҳар бир суғорма дехқончилик худудида биттадан учрайди. Шунингдек, уларнинг атрофи-

<sup>1</sup> *Заднепровский Ю.А.* Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. Докт. дисс. Москва, 1978. С. 28–34; *Спришевский В.И.* Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы). Ташкент, 1963. С. 11–12; *Матбабаев Б.Х.* Локальные варианты чустской культуры Ферганы. Ленинград, 1985. С. 7–8.

<sup>2</sup> *Заднепровский Ю.А.* Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек, 1997. С. 67–81; *Рузанов В.Д.* Еще раз о хронологии чустской культуры Ферганы. «Российская археология» № IV, Москва, 1999. С. 24–35.

<sup>3</sup> *Заднепровский Ю.А.* Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. док. дисс. Москва, 1978. С. 28–34; *Матбобоев Б.Х.* Локальные варианты чустской культуры Ферганы. Автореф. канд. дисс. Ленинград, 1985. С. 5–16.

<sup>4</sup> *Рузанов В.Д.* Еще раз о хронологии чустской культуры Ферганы. «Российская археология» № IV, Москва, 1999. С. 24–35.



11-расм. Чуст маданияти археологик мажмуаси (Фаргона водийси).

да ўнлаб майда қишлоқларни кузатиш мумкин. Ана шундай йирик, воҳа маркази бўла олиш мавқеига эга бўлган Ёдгорликни Далварзинтепа ва Ашқалтепа мисолида кўриш мумкин. Улар Фарғона водийсининг илк шаҳарлари бўлган. Чуст маданияти ёдгорликларидан топилган комплекс материаллар таҳлилига кўра, унинг иккита қуйи қатламлари сўнгги бронза даврини характерласа, учинчи юқори қатлам илк темир даврига тегишлидир. Бу даврда Чуст маданияти қишлоқларида оташпарастлик диний қарашлари расмий динга, умум аҳолининг эътиқод култига айланади. Айнан шу даврда Далварзинтепада унинг ўрдаси, деҳқон жамоалари ҳукмдорининг қароргоҳи шаклланади. Ўрда деворларининг қалинлиги 3 м.дан кам эмас, баландлиги эса 3,5 метргача сақланган.

Чуст маданияти ёдгорликларини қазиб жараёнида, уларнинг қуйи қатламларидан доира шаклида қурилган кўплаб ўралар топилган. Масалан, Чуст маконида 60 дан ортиқ ўралар борлиги аниқланган. Чимбой маконида эса 16 та шундай ўралар топилган. Уларни баъзилар одам яшайдиган жуфт оила кулбалари, деб талқин этишса (Спришевский), бошқалар Фарғона водийсида яқингача кенг тарқалган ғалла омборлари – ўралари, деб ҳисоблайдилар (Я.Ғ. Гуломов, А. Аскарлов, Ю.А. Заднепровский, Б. Матбобоев). Бу хулоса ҳақиқатга яқин бўлиб, уларнинг майдончаси кулба учун ноқулай ва аниқ кириш эшиклари йўқдир.

Чуст маданиятининг қуйи бронза даври қатламларида гувала ёки хом ғиштлардан қурилган кулбалар учратилмаган. Улар юқорида таъкидлаганимиздек, Чуст маданияти тарихининг илк темир даврига тегишли босқичида пайдо бўлган. Дастлаб, қадимги Фарғонанинг бободехқонлари ярим ертўла типига кулбаларда истиқомат қилишган. Бу эса уларнинг насл-насаби ва келиб чиқиши жиҳатидан қадимги чорвадор сак қабилаларидан ажралиб чиққанликларидан гувоҳлик беради.

Чуст маданиятининг кашф этилганига яқин 65 йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, ҳали бу маданият аҳолисига тегишли махсус қабристонлар очилмади. Унга тегишли қишлоқ ва шаҳармонанд объектларни қазиб жараёнида вайронага учраган уйлар атрофидан бир неча тартибсиз кўмилган мазорлар очилган. Бу мазорларга одамлар она қорнида ётгандек оёқ-қўллари букилган ҳолда ён бикини билан кўмилган. Бу аслида бронза даврига хос кўмиш одати бўлиб, аёллар чап бикини, эркеклар эса доимо ўнг бикини билан кўмилган. Водийнинг шарқий минтақалари ёдгорликларида, жумладан, Далварзинтепа қабрларида одам скелетлари боши билан шарққа қаратилган, шимолий Фарғона ҳудудларида (Чуст маконида), Тошкент воҳасида, ҳатто Шимолий Бақтриянинг Кучуктепа ёдгорлигида скелетларнинг боши ғарбга қаратиб кўмилган<sup>1</sup>. Баъзи ҳолларда одам суяқлари қишлоқ майдонидаги ахлатхона чуқурчаларида сочилиб ётар эди. Кўп ҳолларда бир чуқурчада ўнлаб одам бош чаноғининг ўзи учрайди. Скелети анатомик тартибда ётган мазорларда (улар жуда кам учратилган) ҳам сопол идишлар, ҳар хил тақинчоқ ва уй-рўзгор буюмлари деярли учрамайди. Лекин, ёш болаларни хумчаларга солиб кўмиш одати кузатилади.

<sup>1</sup> Матбобаев Б.Х. Локальные варианты чустской культуры Ферганы. Автореф. канд. дисс. С. 15–16.

Чуст маданиятида металл билан боғлиқ хунармандчилик яхши ривожланган. Масалан, Чуст маконидан 80 та, Далварзиндан 60 та металл буюмлар топилган. Металл буюмлар (ойна, ўрок, пичок, бигизлар) тош қолипларда қуйилган. Металл эса сопол қозонларда (тигелларда) эритилган. Чуст маданияти ёдгорликларини юқори қатламидан темир пичок ва темир тошқоллари топилган. Чуст ва Далварзинтепани қазиш вақтида от узангилари ва сувлиги, ойна ва билагузук, ҳалқа ва қармоқлар ҳамда икки парракли бронза пайконлари топилган (11-расмга қаранг).

Чуст маданиятида тошдан меҳнат қуроллари яшаш давом этади. Тош ёрғучоқлар, тош ўғирча ва тош кели соплари кўплаб топилган. Тош қурооллар орасида қумтошдан ясалган ўроксимон пичоқлар яшаш алоҳида диққатга сазовордир. Далварзинтепада шундай тош пичоқлардан 400 таси топилган. Суяқдан қурол яшаш кенг йўлга қўйилган. Суяқдан тарок, моки, бигиз, урчук ва бошқа буюмлар ишланган. Суяк буюмлар орасида қўй ва эчки ошиқлари ниҳоятда кўп. Уларга махсус чуқурчалар ясаб, уларнинг ичига бронза қуйилган. Ошиқларнинг деярли кўпчилиги жуда силлиқ, устки қисми тўқ қизил, уларга берилган пардоз туфайли ошиқлар товланиб туради. Бу эса маданияти аҳолиси ҳаётида қимор-ошиқ ўйини бўлганлигидан далолат беради.

Чуст маданиятида хунармандчиликнинг кенг ривожланган соҳаси қулолчилик эди. Лекин, сопол идишлар ишлаб чиқаришда ҳали қулолчилик дастгоҳидан фойдаланишга ўтилмаган. Идишлар кўлда ясалган. Демак, Чуст маданияти аҳолиси қулолчилик чархини билмаганлар.

Чуст маданияти аҳолисининг хўжалиги сунъий суғоришга асосланган дехқончилик бўлган. Иккинчи ўринда хонаки чорвачилик турган. Хўжалиқда от, қорамол сақлаган. Дехқончилик экинларидан буғдой, арпа, шоли, тарик экилган. Чуст маданияти аҳолисининг ғаллалари юқорида қайд қилинганидек, ерга ўйиб ишланган ўраларда сақланган. Ўралар остига ва деворларига қамишдан тўқилган бўйра ёпилган. Ҳар бир ўрада 200 кг дан то 2 тоннагача ғалла сақлаш мумкин бўлган. Дехқончилик ишларида, ер ҳайдашда, экин-тикинларни янчишда ҳайвонлардан фойдаланилган. Масалан, Фарғона водийсининг Саймалитош қоя суратларида кўшга кўшилган хўкизларнинг тасвири бор. Бу қоятош суратлари Чуст маданияти даврига оиддир.

Чуст маданияти аҳолисининг ҳаётида хунармандчиликнинг тўқимачилик йўналиши юксак даражада ривожланган. Ёдгорликларни қазиш жараёнида тўқимачилик дастгоҳига тегишли урчуктошлар, моки ва суяк тароклар кўплаб топилган.

Шундай қилиб, мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми ва I мингйилликнинг биринчи чорагида Фарғона водийсида Чуст маданияти мисолида ўзбек халқининг туб жойли аجدодларини қадимги дехқончилик маданияти билан шуғулланганлигини кўраимиз. Бу маданият соҳиблари антропологик юз тузилиши жиҳатидан европаликлар типига мансуб эди. Уларнинг ижтимоий ҳаёти ибтидоий жамоа тузумининг охириги босқичи ва унинг емирилиш даври билан характерланади. Чуст маданият типигаги ёдгорликлар Ўрта Осиёда кенг ёйил-

ган. Уларни Қадимги Бактрия, Сугдиёна, Чочда учратиш мумкин (зарварақдаги 3-расмга қаранг). Чуст маданияти улар орасида ҳар жиҳатдан энг қадимийси бўлиб, эҳтимол у минтақалардаги чуст маданияти типидagi ёдгорликларининг тарқалишида асос бўлгандир. Бу масаланинг илмий ечими келажакда махсус тадқиқот олиб боришликни тақозо этади.

Археологик изланишлардан маълумки, Чуст маданиятидан сўнг қадимги Фарғонада, уларнинг ворислари сифатида Эйлатан маданияти шаклланади. Унинг даврий санаси мил. авв. VII–IV асрларига тегишли бўлиб, бу даврда бутун Фарғона водийси бўйлаб суғорма деҳқончилик маданияти кенг ёйилади. Уларнинг излари Фарғона водийсининг Шўрабашот, Мингтепа, Симтепа, Пиллолтепа, Суфантепа, Қорақўрғон каби ёдгорликлари мисолида кенг ўрганилган (зарварақдаги 3-расмга қаранг). Водийнинг бу давр аҳолиси воҳаларда яшаб, асосан деҳқончилик хўжаликлари билан шуғулланган. Уларни ўраб олган тоғолди адир ва дашт аҳолиси (Октом, Суфан, Кунгай, Валик, Ниёзботир, Тулайкан каби ёдгорликлар) – саклар эса яйлов чорвачилиги билан шуғулланишда давом этадилар. Улар ўртасидаги иқтисодий ва этномаданий алоқаларнинг жадал кечиши доимий характер тусини олади. Улар ўртасидаги иқтисодий ва этномаданий алоқалар қадимги Фарғона ҳудудларида ўзбек халқи этногенез тарихининг асосларини ташкил этган.

## VI. 2. Шимолий Бактрия

Қадимги Бактрия Амударё юқори окимининг ҳар иккала соҳили хавзаларида жойлашган. Ҳозирги замон этногеографик тасаввурида унинг сарҳадлари Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Жануби-ғарбий Тожикистон ҳудудларига тўғри келади.

Книдик Ктесий (мил. авв. 430–354 й.), сицилиялик Диодор (мил. авв. 90–21 й.) ва бошқа антик давр муаллифларининг берган маълумотларида айтилишича, Бактрия қадимда қудратли ва бой давлат бўлган. Унга қарши Оссурия подшоси Нин ҳужум қилиб, унинг пойтахти Бактра шаҳрини узоқ вақт қамалда сақлайди, аммо қалъани ола олмайди. Ниҳоят, Семирамида (унинг хотини) ҳийла ишлатиб, шаҳар қалъасига кириб олгач, Бактра шаҳри таслим бўлади. Жангда Бактрия подшоси Оксиарт ҳалок бўлади, «Нин Бактриянинг жуда бой олтин ва қумушдан иборат хазинасини эгаллайди»<sup>1</sup>.

Қадимги юнон муаллифларининг Бактрия ҳақидаги маълумотларига асосланиб, XIX ва XX асрда қатор олимлар (В. Гейгер, Э. Райш, Т. Нольдеке, Ж. Прашек, кейинроқ В.В. Бартольд, С.П. Толстов, М.М. Дьяконов, И.М. Дьяконов, В.М. Массон, В.А. Лившиц) Ўрта Осиёда Ахоманийларга қадар Қадимги Бактрия давлат уюшмаси бўлганлигини қайд қилдилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Кузьмина Е.Е. К вопросу о формировании культуры Северной Бактрии («Бактрийский миф» и археологическая действительность). ВДИ. № I, 1972. С. 131–132.

<sup>2</sup> Кузьмина Е.Е. К вопросу о формировании культуры Северной Бактрии. С. 132.



1921 йилда қудратли Бактрия хазинасини топиш илинжида Афғонистонга А. Фуш бошчилигида француз археологик экспедицияси уюштирилади. Аммо, Бактра шаҳар харобасида олиб борилган археологик қазилмалар давомида қадимги шохона сарой қолдиқлари, хазина бойликлари ва турли хил ҳайкаллар билан безатилган ибодатхоналар топилмайди. А. Фуш эса кенг кўламли археологик қазилмаларни давом эттириш ўрнига қудратли Бактрия подшолиги ва унинг бой маданияти ҳақидаги маълумотлар ёлғон, хомхаёл (мираж) ва номаълум ривоятдан бошқа нарса эмас экан, аксинча Бактрия тарихининг илдизлари Эрон Ахоманийлари ва македониялик Искандар босқини даврида келтирилган маданиятлар қоришмасидан иборат. У ҳам кўчманчилар зарбаси туфайли вайронага учраган<sup>1</sup>, деган хулосага келади. А.Фушдан кейин бу ўлкада топиб ўрганилган антик даврнинг ноёб археологик ёдгорликлари ва юксак даражада ривожланган қадимги санъат асарлари Эрон Ахоманийлари ва юнонистонлик эллинлар туфайли таркиб топди, деган ғайриилмий тасаввурни ёлғон эканлигини тасдиқлади. Бироқ, шунга қарамай, шўро даври тарихшунослигида яна узоқ йиллар тарихий ва археологик тадқиқотларда, мана шу ажнабий мустамлакачиларнинг ўрни ва ролини қидириш давом этди. Ўтган аср бошларида евроцентрик тарихшуносликда ҳукм сурган бундай қарашнинг асосsizлиги юқорида (V бобда) бронза даврининг Сополлитепа ва Жарқўтон каби ноёб ёдгорликлари мисолида фош этилди.


Сополли маданияти ўзининг Бўстон босқичида гуллаб-яшнаб турган кезларда, Бактрия сарҳадларига Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типидagi этник гуруҳлар кириб келадилар. Уларнинг моддий маданият излари ибтидоий уруғчилик жамоасининг бронза босқичидан илк темир босқичига ўтиш даври маданияти сифатида Қадимги Бактрия ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалади.

Уларга тегишли моддий маданият излари Жарқўтон ёдгорлигининг Арки майдонида кенг ўрганилди. Жарқўтон Арк майдонидан уларга хос турар-жой массивлари, ертўлалар, ғалла ўралари, чархсиз қўлда ишланиб, юзасига рангли нақш солинган сопол идишлар, қайроқтош ва бронзадан ясалган ўроқсимон пичоқлар ва бошқа ашёвий далиллар топилдики, бободехқон аждодларимизнинг Кучук I (12-расм), Қизил I, Тилла I каби шартли номлар билан юритилган бу маданияти Сополли маданиятининг узвий давоми ҳисобланган Қадимги Бактрия маданияти таркибига сингиб кетган. Улар Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида 40 тадан ортик пунктларда топиб ўрганилди<sup>2</sup>. Бу ёдгорликларнинг аксарият кўпчилигининг куйи қатлами (Кучук I) сўнги бронза (мил. авв. X–VIII асрлар) комплексларини ташкил этса, юқори қатламлари (Кучук II, Кучук III, Кучук IV) илк темир, яъни Қадимги Бактрия маданияти даврининг (мил. авв. VII–IV асрлар) қатламларини ташкил этади (13-расм).


Т. Ширинов ва Ш.Шайдуллаевларнинг таъкидлашича, бронза даврининг финал босқичи ва илк темир даврига тегишли ёдгорликлар Жанубий Ўзбекистон

<sup>1</sup> Кузьмина Е.Е. К вопросу о формировании культуры Северной Бактрии ..... С. 132.

<sup>2</sup> Ширинов Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия минг шаҳарли мамлакат. «Термиз: тарихий тадқиқотлар. илмий хулосалар». – Т.: 2001. – 10-бет.



12-расм. Кучук I даври археологик мажмуаси (Сурхондарё вилояти).



13-расм. Қадимги Бактрия маданияти археологик материаллар мажмуаси  
(Сурхондарё вилояти).

худудларида асосан учта қадимги деҳқончилик воҳаларида (Шеробод деҳқончилик воҳаси, марказий шаҳри Жондавлаттепа; Бойсун деҳқончилик воҳаси, марказий шаҳри Қизилтепа; Сурхон деҳқончилик воҳаси, марказий шаҳри Ҳайитободтепа) жойлашган. Ҳар бир қадимги деҳқончилик воҳасида биттадан марказий шаҳардан ташқари, ҳарбий истехком-қалъа, ибодатхона ва 8–12 тагача кишлоқ ва катта патриархал оила қўрғонлари мавжуд. Ҳар бир деҳқончилик воҳаси воҳа давлатчилигининг асосини ташкил этган<sup>1</sup>. Улар ўзбек халқи этник таркибининг туб жойли маҳаллий ўтроқ қатлами бўлиб, уларнинг маданий хўжалик кашфиётлари таъсирида минтақанинг чорвадор аҳолиси ҳам аста-секин ўтроқлашиб, ўзбек халқининг туб жойли ўтроқ қатлами ҳаёт тарзини таркиб топишига олиб келган. Уларнинг моддий ва маданият излари Жанубий Ўзбекистоннинг Жондавлаттепа, Бандихонттепа, Талашконттепа, Қизилтепа (Қизил II, Қизил III, Қизил IV), Кучуктепа (Кучук II, Кучук III, Кучук IV), Ҳайитободтепа, Қизилча 6, Миршоди, Поёнқўрғон, Қўрғонзол каби ёдгорликлари мисолида ўрганилган. Улардан Поёнқўрғон ва Қўрғонзол қалъалари Суғдиёнадан жанубга кетган Эрон Ахоманийлари давридаги қадимги «шоҳ йўли»нинг Бактрия ўлкасига ўтиш шимолий чегарасида қурилган ҳарбий истехкомлар эди<sup>2</sup>.

Илк темир даврига оид ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликлари Ўзбекистон худудларида кенг ўрганилган. Айнан шу даврда Қадимги Бактрияда бронза даврида илк бор илдиз отган давлатчилигимиз бутун Республика худудлари бўйлаб кенг ёйилади, Қадимги Шарқ цивилизацияси асосида қурилган юксак маданият ўчоқлари, яъни илк шаҳарлар таркиб топади. Улар орасида мукамал ўрганилган ва замондош ёдгорликларига хронологик эталон ролини ўйнаши мумкин бўлган ёдгорликлардан бири – Кучуктепадир.

**а) Кучуктепа ёдгорлиги.** Кучуктепа Жанубий Ўзбекистоннинг сўнгги бронза ва илк темир даври кишлоқ қалъа-қўрғони бўлган. У Шеробод деҳқончилик воҳасининг Уланбулоксой йўналишида таркиб топган Музробод микровоҳасида жойлашган. Унинг майдони 0,5 га, баландлиги 8 м. Тепа юзасида мил. авв. VI–V асрларга тегишли сопол парчалари териб олинган. Кучуктепада 1963, 1965, 1967, 1977 йилларда стратиграфик шурфлар солинган ва кенг қўламли археологик қазишмалар олиб борилган<sup>3</sup>. Стратиграфик шурфлар (шурф №1) материккача (7,25 см) олиб борилиб, унинг микростратиграфияси 29 ярусларга бўлиб ўрганилди.

Ёдгорлик маданий қатламларини синчковлик билан ўрганиш туфайли, 1–18 яруслар Қадимги Бактрия (илк темир даври), 19–29 яруслар эса сўнгги бронза

<sup>1</sup> *Ширинов Т., Шайдуллаев Ш.* Бактрия минг шаҳарли мамлакат. «Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар». – Т.: 2001. – 10-бет.

<sup>2</sup> *Абдуллаев К.* Историко-географическая справка. «Археологическое исследование Джандавлаттепа и Шерабадского района». Прага, 2013. С. 14.

<sup>3</sup> *Альбаум Л.И.* Поселение Кучуктепа в Узбекистане. «Материалы сессии, посвященной итогам археолого-этнографических исследований 1964 года в СССР» Тезисы докладов. Баку, 1965. Его же. К датировке верхнего слоя поселения Кучуктепа. ИМКУ № 8, Изд. «Фан» УзССР. 1969; *Аскарлов А., Альбаум Л.И.* Поселение Кучуктепа. Изд. «Фан», Т.: 1979. С. 5–85.

даврига тегишли эканлиги аниқланди. Шунингдек, шурф материалларини хронологик кетма-кетликда таҳлил этиш Кучуктепа маданий қатламларининг 4 та хронологик босқичга (Кучук I, Кучук II, Кучук III, Кучук IV) бўлиб ўрганиш имкониятини берди.

Кучуктепани хронологик босқичларга бўлишда у ердан топилган керамика маҳсулотлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар хронологик жиҳатдан икки даврни ўз ичига олган. Ёдгорликнинг куйи қатламлари сопол буюмлари чархсиз қўлда ясалган, мўрт, сиртига рангли нақш солинган сопол идишлар бўлса, юқори қатлам керамика маҳсулотлари чархда ясалган, икки ярусли хумдонда яхши пиширилган, ўта сифатли, нақшсиз идишлардан иборат.

Чарх ёрдамисиз қўлда ясалган идишлар асосан Кучук I даври (сўнгги бронза) га тегишли бўлиб, унинг даврий санаси мил. авв. X–VIII асрларни ўз ичига олади. Бу даврнинг характерли сополлари ярим айлана, конуссимон, цилиндр шакли, жўмракли ва қулокли, оғзи кенг чуқур косалар, хумча ва тоғоралардан иборат. Сополлар сиртига гардиши бўйлаб рангли нақшлар солинган. Нақшлар жуда оддий, оч қизил ангоб устига солинган геометрик гуллар, яъни ичи штрихланган ва чаплама учбурчак, ромб, горизонтал эгри чизиқларни ташкил этади (12-расмга қаранг). Сополлар орасида 20 % гача қулоқчилик чархида ясалган идишлар учрайди. Улар шакли ва сифати жиҳатидан Сополли маданиятининг бўстон босқичи керамикасидан фарқ қилмайди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Кучук I даврида Бактрия сарҳадларига Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типигаги этник гуруҳлар кириб келадилар. Улар баъзи жойларда Сополли маданияти шаҳар ва қишлоқларига, аксарият ҳолларда зиратчиликка қулай бўш жойларга келиб жойлашиб, секин-аста ерли Сополли маданияти аҳолисининг таркибига сингиб кетадилар, уларга хос монументал меъморий ва маданий анъаналарини қабул қилади. Натижада, Жанубий Ўзбекистон тарихида янги давр бошланади. Бу давр фанда Қадимги Бактрия даври номи билан аталиб<sup>1</sup>, бу давр кейинги йилларда Кучук II, Кучук III ва Кучук IV комплекслари сифатида талқин этилмоқда. Авваллари улар «Ахоманийлар даври», «Ахоманийлар керамикаси», «Ахоманийлар маданияти» сифатида талқин этилиб келинар эди. Кучуктепа материаллари Қадимги Бактрия маданияти комплексларини бундай аталиб келиниши тарихий ҳақиқатдан узоқ эканлигини исботлади<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Қадимги Бактрия маданияти ўзининг келиб чиқиш тарихий илдишларига кўра, бронза даврининг Сополли маданиятига бориб тақалади. Демак, Кучук I маданияти ворисларининг Қадимги Бактрия ҳудудларига кириб келиши ва бу типдаги ёдгорликларнинг Ўрта Осиё жанубий вилоятлари бўйлаб кенг ёйилиши, бу заминда қадимдан давом этиб келаётган Номозга VI ва Сополли маданиятларининг инкирозга олиб келмаган, аксинча туб жойли аҳолининг Қадимги Шарқ цивилизациясига хос иқтисодий ва маданий хўжалик анъаналари ривожланишда давом этади. Бу давр маданияти Жанубий Ўзбекистонда Кучукте-

<sup>1</sup> Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. СА, XIX, 1954. С. 130.

<sup>2</sup> Аскарлов А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Т.: 1979. С. 6–18.

падан бошқа Қизилтепа, Жондавлаттепа, Ҳайитободтепа Бандихонттепа, Талаш-кантепа каби 40 дан ортиқ ёдгорликларида ўз аксини топган.

Кучуктепада олиб борилган стратиграфик изланишлардан маълумки, Кучук II боскичи (куйдан юқорига) 13–18 ярусларни ташкил этиб, унинг қалинлиги 1,5 м., белгиланган йил санаси мил. авв. VIII аср ўрталари – VII асрни ўз ичига олади. Бу қатламнинг асосий ашёвий буюмлари чархда ясалган сопол идишлар бўлиб, улар орасида икки ва уч парракли йирик бронза пайканлар учрайди. Сопол идишларнинг аксарият кўпчилиги цилиндроконус шаклли хум ва хумчалардан, танаси биконик шаклли коса ва мискалардан иборат. Хум ва хумчаларнинг ёқаси қармоқсимон шаклда, баъзида идиш ёқаси ости бўйлаб тарновсимон шакл берилган. Идишлар орасида конус шаклли жом ва тоғоралар, ярим айлана шаклли идишлар ҳам учрайди. Ушбу қатламнинг қуйи ярусларида Кучук I даврининг кўлда ясалган идиш парчалари ҳам учратилган.

Стратиграфик шурфнинг 9–12 яруслари (маданий қатлам қалинлиги 1 м.) Қадимги Бактрия маданиятининг Кучук III боскичини ташкил этади. Унинг даврий санаси мил. авв. VII асрнинг охири–VI асрлар билан белгиланади. Бу боскичнинг характерли керамикаси Кучук II керамикаси каби цилиндроконик, биконик шаклли идишлардан иборат. Бу боскичнинг идишларида қармоқсимон ёқалар ўрнини кичик ёқали идишлар эгаллайди. Идиш ёқаларининг гардиши ўтмаслашади ҳамда текис гардишли идишлар пайдо бўлади, ёқа остидаги тарновчалар эса кенгайди ва баъзида кўшалоклашади, ёқаси ташқарига бироз қайрилган идишлар пайдо бўлади. Қадимги Бактрия даврининг сўнгги боскичини 1–8 яруслари ташкил этади. Унинг қалинлиги 2 м. Даврий санаси мил. авв. VI асрнинг охири–V асрга тўғри келади. Керамикасининг асосини кенг ёқали цилиндроконик ва биконик идишлар ташкил этади. Идиш гардиши ўткирлашиб, идиш ичига томон бироз қайрилади. Ёқа усти оваллашиб, Кучук III боскичига хос ёқа ости тарам-тарам новчалар йўқолади. Боскич охирида идиш гардиши яна ўтмаслашади, кенг ёқали идишлар кўпаяди.

Кучуктепа мудофаа иншоотлари ва меъморий уй-жой қурилиш комплекслари ҳам ўрганилди. Маълум бўлишича, Кучук I даври керамика комплексида Чуст маданияти кулолчилик анъаналари сақлаб қолинган бўлса-да, аммо мудофаа иншоотлари ва уй-жой қурилиши масаласида маҳаллий аҳоли меъморчилигига хос анъаналар давом этади, яъни дастлаб, Кучуктепанинг марказий қисмида материк устига 4 м. қалинликда платформа қурилиб, унинг устида бронза даврининг мудофаа иншоотлари ва уй-жой комплекслари қад кўтаради. Дастлаб, платформа уч томондан (шимол, ғарб, жануб) мудофаа девори билан ўраб олинади ва платформанинг 60 квадрат метрли майдонида 4 хонадан иборат уй-жой комплекси қурилади. Комплексга кириш эшиги шарққа, кунчиқишга қаратилган. Хоналар ичида сопол парчаларга бой кул аралаш юмшок маданий қатлам ҳосил бўлган, қалинлиги 0,50 см. Сополлар асосан кўлда ишланган, улар орасида қисман чархда ясалган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар ва бошқа далилий ашёлар ҳам учрайди. Деворлар тўғри тўртбурчак шаклли хом ғиштлардан (50x30x8 см) тикланган ва сомонли лой билан сувалган.

Кучуктепа ёдгорлиги дастлаб битта патриархал оилага тегишли турар-жой маскани бўлиб, унинг иккинчи қурилиш босқичида мудофаа девор ташқарисида асоси пахса блоклардан ташкил топган иккинчи мудофаа иншооти қад кўтаради. Мудофаа деворлари юқорига кўтарилган сари конуссимон қисқариб, икки девор оралиғида ҳосил бўлган бўшлиқ эса пахса лойи билан тўлдириб борилган. Бронза даврининг иккинчи қурилиш босқичида хоналар коридор ва платформанинг шарқий майдони ҳисобига кенгайиб, уларнинг сони 7 тага етади. Қурилмалар билан банд майдон 90 квадрат метрга етади. Мана шу майдоннинг атрофи икки қатор мудофаа деворлари билан ўралиб, Кучуктепа энди катта патриархал оила қўрғонига айланади. 1-хонага кириш эшигининг ҳар икки томонида девор ости супалар пайдо бўлади. 3-хонанинг жанубий девори иккита мирзадевор билан мустақамланади. Хоналарнинг ҳовлига қаратилган деворларида, 70 см баландликда ёритгич туйнукчалари қўйилган. Шундай ёритгич тешикчаси 7-хонанинг шарқий деворининг жанубий қисмида ҳам учратилди.

Агар биринчи қурилиш даврида хоналар поли платформа юзасида бўлса, иккинчи қурилиш даври уй-жой комплексларининг поли ундан 50 см баландликда қузатилган. Хоналар ичида қалин маданий қатлам ҳосил бўлган. Қатламда аввалгидек кўплаб турли хил тош ва бронза буюмлари, қўлда ясалган сопол парчалари, баъзи идишлар гардиши бўйлаб рангли гул излари сақланган. Сопол буюмлари орасида қисман чархда ишланган сопол парчалари ҳам учрайди.

Учинчи қурилиш даврида уй-жой комплекслари платформанинг жанубий ва шарқий майдони ҳисобига кенгайиб, бу томонларда қад кўтарган янги мудофаа деворлари комплексни шимолий ва ғарбий томондан ўраб олган иккинчи қурилиш даврининг мудофаа девори билан уланиб кетади. Натижада, қурилиш билан банд уй-жойлар майдони 125 квадрат метрга етади. Уй-жой комплекслари ичида қайта қурилишлар ўтказилиб, хоналар сони 11 тага етказилади; Комплекс ичра юз берган ўзгаришлар ва уни уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олиниши ҳовли деворларидаги ёритгич туйнукларини кераксиз ҳолга келтиради. Шарқий мудофаа деворларда 1 м. баландликда учбурчак шаклида шинаклар пайдо бўлади. Очилган хоналар ичида 7-хона алоҳида аҳамият касб этади. Унинг деворлари бир неча бор сомонли лой билан сувалган, устидан текис қилиб каолин лойи билан пардоз берилган, сувоқлар юзаси кўкимтир оқ ва ҳаво рангда, баъзи жойларида кора тутун излари сақланган. Хонанинг марказий қисмида, учинчи қурилиш даврига тегишли пол юзасида алтарь – ўчоқ жойлашган. Унинг қаршисида, жанубий деворда тўғри бурчакли чуқур токча бўлиб, унинг юқорисида 2 та ёритгич туйнуклар жойлашган. Алтарь-ўчоқли хонада учратилган манзара уни оташпарастлик култи билан боғлиқ катта патриархал оила ибодатхонаси бўлганлигидан далолат беради.

Қазишмалар давомида маълум бўлдики, ушбу комплексда учинчи қурилиш даврида хоналарда 1 м.гача турли хил ашъвий буюмларга бой маданий қатлам ҳосил бўлган. Топилган артефактларнинг барчаси, биринчи навбатда, сополлар юқорида тавсифланган материаллардан деярли фарқ қилмайди. Аммо, бронза

даври қатламларининг учинчи қурилиш даврида чархда ясалган сополлар сони кескин кўпаяди.

Уй-жой комплексларининг тўртинчи қурилиш босқичида, Кучуктепада, сўнги бронза даврига тегишли ҳаёт яқунланади. Бу босқичда комплексни яхлит ўраб олган учинчи мудофаа девори қад кўтаради. У комплекснинг жанубий ва шарқий томонидан ўраб олган бўлиб, ярим айлана башнялар билан мустаҳкамланган. Аммо, бу даврда олдинги босқичлардан қолган уй-жойлар вайронага учраб, тепа юзаси текисланади. Фақат қалъани ўраб олган учинчи мудофаа деворининг устки қисми баъзи жойларда кўзга ташланади. Тўртинчи босқичда 250 квадратли қурилиш майдони ҳосил бўлади. Унинг юзасида, қалин маданий қатлам устида қатта ва кичик ҳажмдаги 23 та хоналар қад кўтаради. Аммо, уларнинг сақланиш ҳолати жуда ёмон, аввалги хоналар уларга бевосита фундамент ролини ўйнамаган. Уларнинг вайроналарини баъзи бир жойларидагина бешинчи қурилиш даврининг излари (деворлари) 2–3 ғишт баландлигида сақланган. Бу қурилиш босқичи Қадимги Бактрия даврини характерлайди. Кучуктепанинг марказий қисмида, мудофаа деворлари билан ўраб олинган қисми юзасида Кучук II, Кучук III, Кучук IV даври керамикаси аралашиб кетган эди. Шу боис, юқорида таъкидлаганимиздек, Кучуктепанинг мудофаа деворлари ташқарисида стратиграфик шурф солинган. Чунки, у жойда тўпланган маданий қатлам жуда қалин ва топилмаларга бой бўлиб, ёдгорликнинг хронологик кетма-кетликда ўрганиш учун асос бўлган. Бу ҳақда, юқорида, 29 ярусли стратиграфик шурф мисолида Қадимги Бактрия даври яхши ўрганилган.

Юқорида баён этилган далилий топилмалар ва уларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, шу хулосага келиш мумкинки, Кучуктепада ўрганилган Қадимги Бактрия даври маданияти Эрон Ахоманийлар босқинининг натижаси эмас, балки бу давр маданияти келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, Қадимги Бактрия ва Марғиёнанинг Номозга VI ва Сополли маданиятларига бориб тақалади. Шунингдек, ўзбек халқининг бир бутун элат, халқ бўлиб шаклланишида, унинг ўтрок, туб жойли аجدодларини ташкил этади (13-расм). Шундай фикрни Шимолий Бактриянинг Қизилтепа, Жондавлаттепа, Талашкантепа, Бандихонттепа, Хосияттепа каби 40 дан ортиқ ёдгорликларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

#### **б) Қизилтепа ёдгорлиги ва Қизилча 6 қишлоқ қўргони.**

Ушбу ёдгорликлар Бойсун деҳқончилиқ воҳасининг Хўжаипак дарёчаси қуйи ҳавзасида, Миршоди маданий-хўжалиқ районида жойлашган. Бу жойдаги Қизилжар, Қизилсув ва Ёйилма сойлари бўйлаб 18 пунктда сўнги бронза ва илк темир даврига тегишли ёдгорликлар топиб ўрганилган бўлиб, улар орасида Қизилтепа шаҳар харобаси ва Қизилча 6 қишлоқ макони алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар икки ёдгорликни қазиниш жараёнида 4 тадан қурилиш горизонтлари очилган. Ҳар бир қурилиш горизонтини характерловчи археологик комплекслар олинган. Улардаги маданий қатламлар қалинлиги 3 метрдан кам эмас.

Тадқиқотчи А. Сағдуллаевнинг маълумотларига кўра, ёдгорликларнинг қуйи қатлами Қизил I (Кучук I) даври археологик комплекси билан характерланади.



Улар асосан чархсиз қўлда ясалган сопол идишлар, қайроқтош ва бронзадан ясалган ўроқсимон пичоқлар ва бошқа артефактларни ташкил этади. Сополларнинг 97 % қўлда ясалган, рангли нақшинкор, мўрт, кизғиш ангобли, ярим айлана. конуссимон, цилиндрик шаклли коса ва ним косалардан, хумча ва тоғоралардан ҳамда жўмракли ва қулоқли, оғзи кенг чойнаксимон косалардан иборат.

Қизил II (Кучук II) қатламида чархда ишланган сополлар 70 % ни ташкил этади. Сопол идишларнинг аксарият кўпчилиги цилиндроконус шаклли хум ва хумчалардан, биконик коса ва ним косалардан иборат. Хум ва хумчаларнинг ёқаси қармоқсимон, қорнидан пасти кескин қайрилиб, конус шаклини олган. Идишлар орасида йирик конус шаклли жом ва тоғоралар, ярим айлана шаклли идишлар учрайди.

Қизил III (Кучук III) керамикаси тиник-сарик ангобли, Қизил II даврига хос ранги нақшинкор керамика ва қармоқсимон ёқали йирик биконик танали идишлар йўқолиб, улар ўрнини кенг ёқали идишлар эгаллайди. Ҳар хил ўлчамли цилиндроконик идишлар қулолчилик маҳсулотларини асосини ташкил этади. Уларнинг аксарияти майда кубоқлар, биконик косалар, йирик (1–1,2 м) хумлардан иборат бўлиб, уларнинг ўткир қовурғаси тана айланаси бўйлаб бўртиб чиққан, қовурғаси ости эса қисқа коник шаклини олган.

А. Сағдуллаев тўлиқ ўрганган Қадимги Бактрия даври ёдгорликларидан бири Қизилча 6 қишлоқ макони бўлиб, у ерда 4 та қурилиш даври кузатилган. Ёдгорликнинг асоси квадрат шаклида (30x30 м.) қурилган қўрғон-ҳовли бўлиб, унинг қалин девори айланаси бўйлаб 8 та коридорсимон хоналар жойлашган. Улар бир-бирлари билан боғланмаган, ҳар бири ҳовли ичидан мустақил эшикка эга. Ҳовлининг ўртаси бўшлиқ, у жойда уй-жой комплексларининг излари учрамайди. Комплексга кириш дарвозаси битта, унинг жануби-шарқий бурчагида жойлашган.

Қўрғон-ҳовли режаси иккинчи қурилиш даврида деярли ўзгармайди. Ҳовлига кириш дарвозаси олдида қўшимча девор пайдо бўлади ва ҳовли жанубида, унга параллел равишда иккита йирик хоналардан иборат ташқи ҳовли пайдо бўлади. Комплексга кириш дарвозаси шарқий томонга кўчирилади. Агар, биринчи қурилиш горизонтининг поли материк устида бўлса, иккинчи қурилиш даври хоналарининг поли маданий қатлам устида, шиббаланган қатлам юзасида, сомонли лой билан сувалган бўлган. Иккинчи қурилиш горизонти уларининг деворлари жуда ёмон сақланган, хоналар ичи хом ғишт парчаларига тўла, унинг шиббаланган юқори қатлами учинчи қурилиш даврининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Иккинчи қурилиш горизонти артефактларга бой, улар чархда ишланган қармоқсимон ёқали сопол парчалари, тош ёрғучоқлар, ўроқсимон тош ва бронза пичоқлари, тошкели-соплар, урчуктошлар, бронзадан ишланган идиш парчалари, мих ва икки парракли зўғотали бронза пайконлардан иборат.

Учинчи қурилиш горизонтида уй-жойлар режасида ўзгаришлар юз беради, яъни ташқи ҳовли майдони 300 кв.м.гача қисқаради. 5,7,8-хоналар иккитадан хоналарга бўлинади, уларнинг баъзи бирларида девор ости супалар ва шаббодда тешиклари пайдо бўлади, 7-хона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлайдиган

хумхонага (топилган 15 та хумдан 4 тасида қорайиб кетган буғдой колдиклари учратилган) айлантирилади, ҳовли майдонида ўчок ва тандирлар, сопол буюмлар, тош ва бронзадан ясалган меҳнат ва ҳарбий қуроолларга бой қалин маданий қатлам ҳосил бўлади.

Тўртинчи қурилиш горизонтида қалъа-қўрғон режасида деярли ўзгаришлар бўлмаса-да, унинг мудофаа деворлари қалинлашади, ички ҳовлидаги 4-хона иккига бўлинади, жанубий ташқи ҳовли деворлари текисланиб ташланади, хоналарда қалин маданий ва яроксиз қурилиш қатлами ҳосил бўлади.

А. Сағдуллаев Қизилча 6 маданий қатламларидан топилган археологик комплексларни Қизилтепа топилмалари билан киёсий ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосага келади: Қизилча 6 нинг I–II қурилиш горизонтларидан топилган керамика Қизил II даври керамикаси билан бир хил. Уларнинг аксарият кўпчилиги кулолчилик чархида ясалган қармоксимон ёқали цилиндроконик, биконик ва сфероконик идишлардан иборат. Қизилча 6 объектининг учинчи қурилиш горизонти Қизил III даври материалларини беради. Бу давр керамикасида қармоксимон ёқали цилиндроконик хум ва хумчалар кескин камаяди, сопол идишлар майдалашади, кубок ва банкасимон хурмачалар кўпаяди, ёқали хум ва хумчалар сопол идишларнинг асосини ташкил этади, идишларнинг факат цилиндр қисми ангобланади.

Қизилча 6 нинг тўртинчи қурилиш горизонти Қизил IV даври сополларини эслатади. Улар асосан учбурчак ёқали хумчалар, цилиндроконик ва биконик шаклли майда қосалар, банкасимон идишлардан иборат. Қизилча 6 ёдгорлигининг III–IV қурилиш горизонтлари сополларини шартли равишда Ахоманийлар даври сополлари сифатида тавсифлайди.

**в) Жондавлаттепа ёдгорлиги.** Жанубий Ўзбекистоннинг илк темир даврига оид қадимги шаҳар харобаси. У Шеробод воҳасининг шимоли-шарқий томонида жойлашган. Унинг майдони 7,5 га. Тарҳи жануби-ғарбдан шимоли-шарққа томон чўзилган тўғри тўртбурчак шаклида, атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ёдгорликнинг шимоли-ғарбий бурчагида Арк жойлашган. Мил. авв. VIII–IV асрларда Кўхитанг тоғ этаклари ва Шеробод дарёси қуйи ҳавзаларини ўз ичига олган Шеробод деҳқончилик ўлкасининг пойтахти–марказий шаҳри бўлган.

Ёдгорлик Шеробод воҳасининг йирик археологик объекти сифатида ўтган асрнинг 70-йилларидан маълум<sup>1</sup>. Унинг даврий санасини аниқлаш мақсадида 1993 йилда ўзбек–олмон археологик экспедицияси бир неча жойда, жумладан, унинг шарқий қисмидаги жарлик ёқасида стратиграфик шурф солиб, ёдгорлик Қадимги Бактрия давридан то қушон-сосонийлар давригача қалин маданий қатламларга эга эканлигини аниқлайдилар. Аммо, ёдгорликка солинган стратиграфик шурфлар бирор жойда материккача етказилмаган.

<sup>1</sup> Пидеев Ш.Р. Раскопки святилища «ахеменидского» времени на холме Джандавлаттепа в Северной Бактрии. «Древний город Средней Азии». Ленинград, 1973. С. 27–28. Его же. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. «Древняя Бактрия» вып I, «Наука». Ленинград, 1974. С. 32–42.

2002 йилдан бошлаб, ўзбек-чех археологик экспедицияси ёдгорликнинг шарқий қисмида, жарлик ёқасида (шурф 2а) стратиграфик шурф солиб, уни 2009 йилда материккача етказди ва шурф сатҳидан 14–15 м. чуқурликдан мил. авв. X–VIII асрларга тегишли археологик комплексни очишга муяссар бўлиниди. Шурфнинг энг қуйи горизонтдан Кучук I даврига тегишли рангли нақшинкор сопол парчалари топилади. Шурфда калин Қадимги Бактрия даври қатламлари (мил. авв. VII–IV асрлар) ва улардан кейинги давр қатламлари то илк ўрта асрларгача узлуксиз давом этган.

Таъкидлаш жоизки, Сополли маданиятининг энг сўнги босқичи Бўстон даврида Қадимги Бактрия худудларига Кучук I босқичи аҳолиси кириб келадилар ва бронза даврининг илк шаҳар ёдгорлиги Жарқўтовнинг «Чимқўрғон» деб аталган Аркига келиб ўрнашадилар.

Кейинги йилларда Арк майдонида олиб борилган қазинмалар давомида маълум бўлдики, Аркнинг энг юқори қатламида 30–35 см.гача калинликдаги Кучук I даврининг маданий қатламлари сақланган. Бу қатлам ўз даврида янада қалинрок бўлганлигига шубҳа қилмас ҳам бўлади. Бу қатламда Сополли маданиятининг уй-жой комплексларидан фарқли ўларок, бир неча ертўла қолдиқлари, археологик артефактларга бой ўралар очиб ўрганилди. Ертўла ва ўраларнинг кул аралаш тупроққа тўла майдонидан топилган сопол парчалари, бронза ва тошдан ясалган баъзи бир меҳнат қуроллари Сополли маданиятининг Бўстон босқичи археологик комплекслари билан аралашиб кетган эди. Бу ҳолатлар Жарқўтонда шаҳар ҳаёти инкирозга юз тутиб, унинг аҳолиси сувга сероб унумдор ерлар кидириб, Жарқўтонни ташлаб кетганлигидан гувоҳлик беради.

Жондавлаттепанинг Қадимги Бактрия даври керамикаси Жарқўтон сополлари каби мутлақо кулолчилик чарҳида ясалган турли шаклдаги идишлардан иборат. Айниқса, унинг цилиндроконус шаклли идишларининг қорнидан пастки конус қисми Сополли маданияти кўза ва чойнақларида ёрқин ўз ифодасини топган<sup>1</sup>. Сополли маданиятининг Бўстон босқичида цилиндроконус шаклли косачалар кўплаб учрайди<sup>2</sup>. Айнан шундай шаклли идишлар Жондавлаттепанинг Қадимги Бактрия маданияти керамикасига ҳам хосдир. Бу ўхшашликларнинг қиёсий таҳлилидан келиб чиқадиган муҳим тарихий хулоса шундаки, бронза даврининг Сополли маданияти аҳолиси моддий маданияти базасида Жондавлаттепа каби илк темир даврининг шаҳарлари пайдо бўлди. Бу икки давр ёдгорликлари орасида узлуксиз тарихий ва маданий ворислик кузатилади. Бу Жондавлаттепада ўтказилган стратиграфик шурфда тасдиқланди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы. табл. XXI, рис. 1–15; табл. LI, рис. 1–3; табл. LIV, рис. 4, 8; табл. LV, рис. 1, 2, 9; табл. LIX, рис. 6, 7; табл. LXV, рис. 6, 10, 11, 14, 15.

<sup>2</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы. табл. LXI, рис. 12, 14; табл. LXVI, рис. 11, 12, 13, 15.

<sup>3</sup> Абдуллаев К. Историко-географическая справка. «Археологическое исследование Джандавлаттепа и Шерабадского района». Прага, 2013. С. 16–17.

г) **Талашкантепа ёдгорлиги.** Шимолий Бактриянинг илк темир даврига оид Жанубий Ўзбекистон худудида мукамал ўрганилган ҳарбий истехком-қалъаларидан бири Талашкантепадир. Бу ёдгорлик Шеробод туманининг Бойкишлоқ ёнида жойлашган. У доира шаклида, диаметри 135м. Қалинлиги 5 м.дан кам бўлмаган мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мудофаа девори 15 та ярим айлана шаклидаги буржлар билан мустаҳкамланган. Девор ва буржларга икки қатор шинаклар ўрнатилган. Қазималар муаллифлари Э.В.Ртвеладзе ва Ш.Р. Пидавларнинг ёзишича, қалъада асосий изланиш ишлари унинг мудофаа девори устида олиб борилган<sup>1</sup>. Қалъага кириш дарвозаси ёдгорлик шимоли-ғарбида, узун йўлак шаклида қурилган. Қалъанинг ичида мудофаа девори бўйлаб уй-жойлар қурилган. Қалъанинг марказий қисми эса очик ҳовли бўлиб, у ерда кундузлари ҳарбий машқлар ва турли тадбирлар ўтказилган, кечалари эса, ҳайвон сақланган. Қазим жараёнида қалъада жуда кўп дон сақлаш хумлари топилди. Қалъа деворлари остида, буржлар ичида беҳисоб бронза ва суякдан ясалган ўқ-ёй учлари, сопол парчалари топилди. Бу топилмалар нафақат Қадимги Бактрия маданияти даврига хос эканлигини, балки қалъанинг функционал характерини ҳам белгилайди<sup>2</sup>.

Биз юқорида Шимолий Бактрияда бронза ва илк темир даврида яшаган ўтрок аждодларимизга тегишли баъзи бир ёдгорликлар устида тўхтадик. Улар ўзбек элатининг халқ сифатида илк бор шаклланиш даврининг моддий маданияти бўлиб, уларга ўхшаш моддий маданият обидалари илк темир давридан бошлаб, Суғдиёнада ҳам кенг тарқалган.

### VI. 3. Суғдиёна

Қадимда Суғдиёна деб номланган тарихий-маданий ўлка ҳозирги кунда Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларини ташкил этади<sup>3</sup>. Бу она заминнинг таркиб топиши, ривожланиши ва гуллашида Зарафшон ва Қашқадарё дарёларининг ўрни беқиёс ва беназирдир. Ана шу икки дарё сувлари асосида жуда қадим замонларда Суғд бободехқонларининг қишлоқлари ва шаҳарлари қад кўтарган. Зарафшоннинг юқори ва ўрта ҳавзаларида илк темир даврига келиб, Авесто турлари (маҳаллий сак қабиалари)нинг бир қисми жойларда хўжалик имкониятларига кўра, секин-аста ўтрок ҳаётга ўта бошлайдилар. Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида ўтроклашган бу саклар Саразм маданияти авлодлари билан қоришиб, Авестога «Гова Суғуда» деб аталган тарихий вилоятнинг ўтрок суғдийлар аҳолисини ташкил этган. Улар яшаган воҳалар эса тарихда «Суғдиёна» деб аталди. Шундай қилиб, сўнгги бронза ва илк темир даврида яна бир маданий-хўжалик маркази, яъни Суғдиёна вилояти таркиб топади, унинг қадимги

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В., Пидав Ш.Р. Древнебактрийская крепость Талашкантепа. «Российская Археология», № 2, Москва, 1993. С. 133-147.

<sup>2</sup> Широков Т., Шайдуллаев Ш. Бактрия - минг шаҳарли мамлакат. 12-13-бетлар.

<sup>3</sup> Аслида қадимги Суғд уч қисмдан иборат бўлиб, унинг марказий ва ғарбий қисмлари Зарафшонийсига жойлашган бўлса, унинг жанубий қисми Қашқадарё ҳавзаларида таркиб топган.

деҳқончилик хўжаликлари билан шуғулланган этник қатламининг излари Зарафшон водийсининг Кўктепа, Афросиёб, Хўжа Бўстон, Қозимонтета ёдгорликларининг қуйи қатламлари, Қалқон ота мазор қўрғонлари, Қашқадарё воҳасида Узункир, Даратепа ва Сангиртепа каби ёдгорликлар мисолида ўрганилган.

Яқингача Суғднинг бош шаҳарлари Самарқанд ва Бухорони илк шаҳар маданиятининг тарихий илдизлари қайси давр ва қандай ёдгорликларга бориб тақалиши фанда номаълум эди. Шунинг учун собиқ шўро даври тарихшунослигида Ўрта Осиёга илк шаҳар маданияти Эрон Ахоманийлар ва Искандар бошлик юнонлар томонидан олиб келинган. Бу заминнинг туб жойли аҳолиси саклар эса, ўтовларда яшаб кўчманчи чорвачилик билан шуғулланар эдилар, деб тушунтирилар эди. Аммо, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб олиб борилган археологик изланишлар бундай ғайриилмий қарашларни асоссиз эканлигини юқорида номлари зикр этилган қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари мисолида исботлади. Ана шу ноёб ёдгорликларнинг кенг ўрганилган объектларидан бири Кўктепа қадимги шаҳар харобасидир.

**а) Кўктепа ёдгорлиги.** Милоддан аввалги II мингйиллик ўрталарида Саразмда юз берган иқтисодий ва сиёсий инқироздан сўнг, Зарафшон водийсида илк бор қад кўтарган қадимги деҳқончилик маданияти Кўктепа бўлиб, у Пойарик туманида 1988 йилда топилган, уч дала мавсуми давомида археологик қазишмалар ва кузатувлар олиб борилган<sup>1</sup>.

Ёдгорлик деярли квадрат шаклида бўлиб, унинг майдони 23 гектарни ташкил этади. Ёдгорлик топорельефига кўра, уни ўраб олган мудофаа девори чизиклари ва дарвоза ўринлари яққол кўзга ташланади. Унинг Булуғур каналига параллел эгарсимон шаклида етиб келган жанубий дарвозаси қаршисида монументал бино қолдиқлари сақланган. Шарқий деворнинг жанубий қисмида яна бир дарвоза ўрни бўлиб, бу эшик ўрни тўппа-тўғри қандайдир монументал бинолар қолдиғига олиб боради.

Ёдгорликнинг шимоли-ғарбий бурчагида иккита минора, марказий дарвоза яқинида яна иккита минора ўрни сақланган. Ёдгорлик шимолий деворининг марказида жойлашган дарвоза иккита йирик миноралар билан мустаҳкамланган. Шимолий дарвоза шаҳарни сув билан таъминлаб турган канал билан боғланган. Шаҳарга шимол томондан сув олиб кирган канал бўйлаб йўл ўтган. Буларнинг барчаси ёдгорлик рельефида аниқ кўзга ташланади.

Ёдгорлик майдонида айниқса, иккита тепалик ўзининг қатталиги билан ажралиб туради. Улардан бири қалъа марказида жойлашган бош оташгоҳ ўрни бўлиши мумкин. Унга ёдгорликдан экин майдони сифатида фойдаланган маҳаллий аҳоли зарар етказган. Натижада, разрез кесмасида 2 метр баландликда сақланган платформа ғиштлари очилиб қолган. Шундай ғиштлар Афросиёбнинг қуйи қатламида ҳам учрайди. Гарчи тепаликнинг аниқ ўлчами бизгача сақланган бўлмаса-да, у

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Изд. «Фан» Т.: 2002. Джурақулова Д.М. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. «Фан». – Т.: 2011. – 51–61-бетлар.

гахминан 70x70 квадрат метрни ташкил этади. Марказий дарвоза билан ушбу объект оралигида ҳеч қандай монументал бино қолдиғи учрамайди, аксинча, жанубий дарвозадан тепалик томон бир текисда кўтарилиб борган пандусни кузатиш мумкин.

Ёдгорлик марказини эгаллаган бино қолдиғи казишма муаллифи М.Х. Исамиддиновнинг таҳлилий хулосасига кўра, зардуштийлик ибодатхонаси бўлиши мумкин. Чунки, у ёдгорлик марказида жойлашган баланд платформанинг устида қад кўтарган. Бу жойда ўтказилган казишма натижаларига кўра, платформа остидан олов билан боғлиқ қандайдир қурилма қолдиқлари сақланган бўлиб, уни диний характерида далолат беради.

Ёдгорлик майдонида кўзга ташланган иккинчи йирик тепалик унинг жануби-шарқида жойлашган бўлиб, у икки ярусли, майдони 200x100 м. Унинг шарқий томонида баландлиги 10 м дан кам бўлмаган қандайдир монументал бино қолдиғи учрайди. У тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчами 100x80 м., унга ғарб томондан тахминан шунча катталиқдаги майдон туташган. Унинг мудофаа характерини аниқлаш мақсадида солинган шурфлар кесмасида монументал бино атрофи 2–2,5 м. калинликдаги девор билан ўраб олинганлиги маълум бўлган. Казишма муаллифи М.Х. Исамиддинов ушбу объектни шаҳар ҳокимиянинг қароргоҳи бўлса керак, деган тўғри хулосага келади. Ўтган асрнинг 70-йилларида космосдан олинган аэрофото суратларида ҳам бу икки тепалик аниқ кўзга ташланади.

Булардан ташқари, ёдгорлик майдонида унча баланд бўлмаган ёлғиз ва яхлит, узлуксиз давом этувчи тепаликлар мавжудки, улар айниқса, шаҳар мудофаа деворлари яқинида яхши ажралиб туради. Булар аҳолининг турар-жой массивлари, ҳунармандчилик устахоналарининг қолдиқларидир. Қалъага кириш дарвозалари яқинида пастлик-майдонлар, улардан тепаликлар томон кетган кўча излари ҳам яққол кўзга ташланади.

Кўктепа атрофини ўраб олган мудофаа деворлари ташқарисида кенг хандак излари сақланган. Унинг ғарбий томонида, хандак чизикларига туташ учбурчак шаклида ясси тепалик мавжуд. Афсуски бу тепалик замонамизнинг миришқор деҳқонлари томонидан ўзлаштирилиб, текислаб ташланган. Экин майдонларидан териб олинган сопол парчаларига қараганда, бу тепалик Кўктепага замондош бўлган. Иккита шундай ясси тепаликлар ёдгорлик шарқий томонида ҳам учрайди. Улар ҳам давр жиҳатидан Кўктепа комплекси билан бир даврга тегишли.

Қадимги шаҳар ички ва ташқи мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб<sup>1</sup>, унинг ички девори ташқарисида, ундан 500 метрлар чамаси ташқарида ташқи девор излари кўтарма девор (вал) сифатида сақланган. У шимол ва ғарб томондан Булунгур каналига бориб такалади. Бу мудофаа иншоотининг излари эски топографик харитада Кўктепанинг шарқий томонида ҳам мавжуд. Бу кўтарма девор Кўктепанинг жанубий томонида алоҳида тепаликларни ўраб олган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Т.: 2002. С. 38.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Указ. работа, стр. 38.

Юкорида кайд этилган далилларга асосланган ҳолда муаллиф Кўктепа Суғдиёна худудидаги энг катта қадимги шаҳарлардан бири бўлган<sup>1</sup>, деган тўғри хулосага келади.

Дарҳақиқат, Кўктепа Суғдиёнада Саразмдан кейин ташкил топган йирик илк шаҳар бўлиб, унга антик даврда қурилган Булунгур каналига асос бўлган табиий ўзан орқали сув келтирилган. Кўктепанинг шимол ва ғарбида яна бир девор бўлиб, у дастлаб эски ўзанга бориб такалган. Ички ва ташқи деворлар ўртасида бўшлиқ кузатилади. Бу эса қадимги шаҳарлар қурилиши амалиётида учрайдиган табиий ҳолдир. Бу бўшлиқ зонасида пайдо бўлган айрим тепаликлар шаҳар қурилишининг секин-аста ташқи девор доирасига кўчганлигидан далолат беради. Худди шундай ҳолатни Қалаи-Зохаки-Маронда ҳам кузатилган<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, Қалаи-Захоки-Мароннинг марказий қисми қалин уй-жой массивларидан иборат, лекин иккинчи мудофаа чизиғи доирасида бўшлиқлар кўп.

Агар, Кўктепа майдонини иккинчи мудофаа чизиғи доирасида белгиланса, унинг майдони 100 гектардан кам бўлмайди. Бу қадимги илк шаҳарлар қурилиши амалиёти билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, худди шунга яқин ҳолатни бронза даврининг йирик ва илк шаҳри Жарқўтон мисолида ҳам кузатилади<sup>3</sup>.

Ташқи мудофаа деворини ўрганиш мақсадида унинг бир неча жойидан девор кесмаси олинади. Кўтарма девор дсб аталган мудофаа чизиғи катта бичимдаги ғиштдан урилган ҳақиқий девор бўлиб чиқди. Ташқи девор қалинлиги 9 м. Девор кесмасига кўра, у бир-бирларига қадаб қурилган уч қатор мустақил деворлардан иборат. Улардан ташқи деворига анча путур етган, унинг қалинлиги яқин 3 м. Ўрта девор қалинлиги 2 м. 60 см, учинчисини қалинлиги 3 м. дан кенгроқ. Уларнинг қурилишида ишлатилган ғиштлар бир хил, катта бичимли (45x25x10, 45x27x9, 50x34x9 см), қалин ғиштлардан иборат. Ғиштларнинг ўлчами ва улар орасидан топилган керамика материалларига қараганда, Кўктепанинг ташқи девори қадимги Суғдиёна даврида қад кўтарган, яъни унинг санаси милoddан аввалги VII асрда қурилган.

Уч мавсум ичида олиб борилган дала тадқиқотлари давомида Кўктепанинг 5 жойида стратиграфик шурфлар қазилди ва 6 пунктда кенг кўламли қазинмалар ўтказилди. Ёдгорликда олиб борилган стратиграфик шурфлар ва маданий қатламлардан олинган археологик комплекслар Кўктепани уч хронологик даврга бўлиб ўрганиш мумкинлигини кўрсатган. Биринчи давр Кўктепа I (сўнгги бронза даври), иккинчи давр Кўктепа II (илк темир даври Суғдиёнаси), учинчи давр Кўктепа III (антик даври).

Биринчи қазилма объекти ёдгорликнинг марказида, ибодатхона мажмуаси деб фараз қилинган баланд тепалиқда, 70x70 м. Аэросурат материалларига кўра, ушбу марказий тепаликка шимол ва шимоли-шарқий томондан тўғри тўртбурчакли

<sup>1</sup> Исамиддинов М.Х. Указ. Работа. С. 38.

<sup>2</sup> Исамиддинов М.Х. Указ. Работа. С. 39. Сулайманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т.: 2000. С. 26–28.

<sup>3</sup> Аскаров А. Древнеземледельческая культура Южного Узбекистана. Т1.: 977. С. 46–48.

ясси тепалик ёндашган. Бу ёнма-ён жойлашган икки объектнинг ясси тепаси монументал ибодатхонанинг ҳовлиси бўлиб чиқди.

Афсуски, баланд тепаликнинг 80 % шарқий томондан бузиб ташланган, ясси тепаликнинг асосий бинога туташган қисмидан ҳар йили чим кўчирилиб, унга ҳам анча путур етказилган. Баланд тепанинг қолган қисмини очиб кўрилганда, унинг кесмасида блок-блок қилиб тик урилган ғишт девор аниқланган. Режада ҳар бир блок икки ёки уч қатор дев ғиштлардан ташкил топган. Ғиштларда «0» ва «Ф» кўринишида тамғалар босилган. Шунга ўхшаш тамғалар Афросиёбнинг куйи қатламлари ғиштларида ҳам учрайди. Бирок, Афросиёб тамғалари орасида «8» сонли тамғалар кўпроқ. Блокли ғишт деворининг сакланган баландлиги 2 метрдан зиёд.

Қазишма майдонининг жануби-шарқий қисми ғишт қатламларидан тозаланганда, унинг остидан бино поли очилди. Пол юзасида платформа асоси ва унинг остидан бир неча рангли нақшли сопол парчалари топилди. Пол остида қалинлиги 2 м.дан кам бўлмаган юмшоқ кулли тупроқ қатлами, унинг остида кучли ёнгида куйган пол очилди. Иккинчи пол сатҳидан пастга томон ўра (яма) кетган, ўра ичи органик чириндилар билан тўлиб қолган. Ўрани тозалаганда, у ердан тош ўроқ парчаси, қайроқтош ва кўпгина рангли нақшли сопол парчалари топилди.

Шундай қилиб, Кўктепанинг марказий қисмида олиб борилган изланишлар натижасида, бу жойда қандайдир монументал бино қолдиғи, яъни Зардуштийлик ибодатхона комплекси бўлганлиги аниқланган. Унинг ғишт платформаси остидаги қалин кулли юмшоқ куйган тупроқ қатламининг топилиши бу жойда оташпарастлик ибодатхонаси бўлганлигидан далолат беради.

Ибодатхонадан шарқда ёдгорлик микрорельефида икки ярусли тепа ажралиб туради. Унинг майдони 200x100 м. Афсуски, унинг ғарбий томони қачонлардир замонавий техника ёрдамида кесилган. Айнан шу жой разрезни тозаланганда, разрез кесмасининг юқори қисмида қалин девор қолдиғи учратилди. Бу девор йирик монументал бино девори бўлиб, бино поли остида икки қатор ғишт терилган девор очилди.

Ушбу монументал бинони тўлиқ очиш ва унинг стратиграфиясини аниқлаш мақсадида ушбу объектда олиб борилган қазилма майдони 10x7 м.га кенгайтирилди ва уни ярусма-ярус қазиш давом эттирилди. Натижада, ушбу монументал бино поли остидан 2–2,5 м. қалинликдаги кулли юмшоқ қатламга дуч келинди. Бу қатламдан қазишма доирасида кўплаб рангли нақшинкор сопол парчалари ҳамда материкка ўйиб туширилган учта ярим ертўла қолдиқлари топилди. Тўртинчи ертўланинг бир бурчаги кўрина бошлади. Ертўлалар ичида кўкимтир кулранг маданий қатлам тўпланган бўлиб, у икки горизонтдан иборат. Горизонтлар ертўлада иккита пол бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, биринчи ертўлада иккита пол очилди. Ертўланинг биринчи поли қазишма сатҳидан 3 м. чуқурликда, пол остида яна чамаси 30–35 см қалинликда кўкимтир кулранг қатлам давом этади. Материк юзаси ертўланинг




иккинчи поли вазифасини бажарган. Ҳар икки горизонт пол устида сопол парчалари, ҳайвон суяклари, қайроқтошлар, ёрғучоқ ва бошқа тош қуроқлари учратилиб, улар нақшинкор ранги сопол соҳиблари маданиятига тегишли эди. Топилмалар орасида сопол хумдондан дарак берувчи тошқол (шлак) парчалари ҳам учрайди. Бу ноёб топилма сопол идишларни очик гулханларда эмас, балки махсус икки ярусли сопол пишириш хумдонларида тайёрланганлигидан гувоҳлик беради.

Иккинчи ертўла овал шаклида, узунлиги 3,2 м., икки қисмдан иборат. Унинг шимолий чеккасида диаметри 130 см.дан кам бўлмаган «омборхона» очилган. Ертўла полининг чуқурлиги ертўла сатҳидан 295 см. Худди биринчи ертўладек, унинг полидан тош ва керамика комплекси орасида хумдон тошқоллари (шлаклар) учрайди. Ертўла ичидаги маданий қатлам таркибига қараганда кучли ёнғин бўлган. Чунки, ундан далолат берувчи қалин қора куйинди қатлами сақланган. Кул қатламининг характерига қараганда, ертўла ёпинчиғи бўлган кигизлар куйиб, улардан ёғли юмшоқ кул сақланиб қолган.

Учинчи ертўла узун (370x200 см) овал шаклида, сопол парчалари, ҳайвон суяклари, тош ёрғучоқ ва тош ўроқ синиклари уч горизонтга бўлинган юмшоқ маданий қатламда учрайди. Тўртинчи ертўладан атиги унинг шарқий қисми сақланган. Уни қолган қисми бузилиб йўқ бўлиб кетган.

Шундай қилиб, икки ярусли баланд тепада олиб борилган қазилмалар натижасида очилган ертўлалар маданий қатламининг стратиграфияси ва археологик материаллар характерига кўра, Кўктепа илк бор нақшинкор рангли сопол маданияти соҳиблари томонидан ўзлаштирилган. Дастлаб, улар ярим ертўлаларда яшаганлар. Бизга номаълум сабабларга кўра, нақшинкор рангли сопол маданияти даврида кучли ёнғин юз беради. Бу давр маданий қатлами устида ёнғин асорати сифатида 10–15 см.лар чамаси қора кул қатлами сақланган. Маълум бир қисқа муддат ўтгач, Кўктепада ҳаёт яна давом этади, яъни ушбу кул қатлами устида янги маданий қатламлар ҳосил бўлади. Унинг қалинлиги 100–120 см, баъзи жойларда 150 см гача боради. Бу юқори қатламдан топилган археологик материаллар қуйи қатлам материалларидан ҳеч фарқ қилмайди. Ўша-ўша нақшинкор рангли сополлар, тош ўроқча парчалари, қурол чархлаш қайроқтошлар бўлиб, улар бир тарихий даврнинг иккинчи хронологик босқичи сифатида таҳлил этилди.

Аммо, бу горизонтдан ярим ертўла излари топилмади. Бу босқич маданий қатлами қуйи босқич комплекслари каби бузилмаган, яхши сақланган. Нақшинкор рангли сопол маданияти санасини аниқлаш мақсадида ҳар икки босқич маданий қатламлари устига қурилган деворлар фундаменти остидан радиокарбон анализи учун намуналар олиниб, француз миллий марказининг илмий тадқиқотлар лабораториясида таҳлил қилинганда, ҳар икки босқич материали бир хил ёш, яъни 2690±50 йилни берган. Кўктепа тадқиқотчиси М.Х. Исамиддинов нақшинкор рангли сопол маданияти даврига ёдгорлик хронологик шкаласида Кўктепа I деб ном берди (14-расм). Кўктепа I қатламлари устида қад кўтарган монументал бино қолдиғи тарҳига кўра, ўртаси коридорли икки қатор девор билан ўраб олинган. Пухта ишланган режа асосида қурилган бу бино яхлит фундамент ва ягона полга




14-расм. Кўктепа I археологик мажмуаси (Самарқанд вилояти).

эга. Қаср супачасини баланд қилиб, икки ярусли тепа устига жойлаштирилишига караганда, бу монументал бино шаҳар ҳокими ёки илк суғд ихшидларининг резиденцияси бўлган.

Шундай қилиб, Ёдгорликнинг деярли квадрат шаклда таркиб топиши, унинг ички ва ташқи муҳофаа деворлари, ички деворнинг монументал характери, марказий кириш дарвозасининг миноралар билан расмийлаштирилиши, шимол томондан шаҳарга олиб кирилган канал изларининг сақланиши, шаҳар марказида қад кўтарган бош оташгоҳнинг монументал характери, уни қалин платформа устига қурилиши, унга марказий дарвозадан пандус орқали кўтарилиши, унинг остида Кўктепа I даври ибодатхонасини жойлашиши, Ёдгорлик майдонининг жануби-шарқда 200x100 м.ли иккинчи йирик тепаликни бўлиши, унинг майдонида баландлиги 10 м. дан кам бўлмаган 100x80 м.ли тўғри тўртбурчак шаклида бошқа бир монументал бинонинг қад кўтариши (Кўктепа II), унинг 2–2,5 м. қалинликда муҳофаа девори билан ўраб олинishi, булардан ташқари, қадимги шаҳар майдонида ёлғиз ва яхлит, узлуксиз давом этган аҳоли турар-жой ва ҳунармандчилик массивларининг мавжудлиги, ички шаҳар девори ташқарисида кенг хандақ изларининг яхши сақланиши ва ниҳоят, буларнинг остидан 1–1,5 м. қалинликда Кўктепа I даври материалларининг топилиши, буларнинг барчаси Кўктепа ўз вақтида сўнгги бронза ва илк темир даврининг йирик илк шаҳри бўлганлигидан далолат беради. Афсуски, Кўктепа III даврида шаҳар вайронага учрайди. Бу давр материаллари Кўктепа II даврининг юқори горизонти топилмаларига аралашиб кетган керамика парчалари сифатида учратилган. Гуллаб-яшнаб турган бу шаҳарнинг инқирозга юз тутиши мил. авв. IV асрнинг охири чорагида Исқандар Зулқарнайнинг (Александр Македонский) ҳарбий юришлари билан боғлиқ бўлса керак.

Марказий Суғдада илк темир даврига оид илк шаҳар маданияти қадимий Самарқанд – Афросиёба, Самарқанднинг эски шаҳри ва атрофида таркиб топган Қўрғонча ва Лолазор қишлоқ маконларида ва бошқа жойларда ҳам топиб ўрганилган<sup>1</sup>. Лолазорда мил. авв. VII аср охирига тегишли канал излари ҳам топилган. Канал эски шаҳарнинг Регистон майдони орқали Сиёб бозорига, ундан Афросиёб тепалигига ўтиб, Ҳазрати Хизр масжиди ёнидан уч тармоққа: шимолга, шимоли-ғарбга ва жануби-шарққа бўлиниб, Афросиёб I давридан бошлаб бутун шаҳарни сув билан таъминлаган. Афросиёбнинг турли жойларида олиб борилган археологик изланишлар давомида қадимги шаҳарни ўраб олган монументал муҳофаа девор (мил. авв. VI аср) қолдиқлари, улар таркиби ва девор асоси атрофидан кулолчилик чархида ишланган қадимги суғд даври сопол парчалари топилган. Буларнинг барчаси Кўктепа II комплекслари билан бир даврни, яъни

<sup>1</sup> Шишкина Г.В. Самарқанд во второй половине I тысячелетия до новой эры. «Античная культура Средней Азии и Казахстана». Тезисы докл. Т.: «Фан», 1979. С. 11–13; Буряков Ю.Ф. Поселение Лолазор – предшественник на Афрасиабе. «К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда». Т.: «Фан», 1981. С. 7–22.



15-расм. Қадимги Сугд маданияти керамика археологик материаллар мажмуаси (Сугдиёна).

марказий Суғдда қадимги суғд маданияти, яъни илк шаҳар маданиятини характерлайди (15 расм).

**б) Қашқадарё водийсида илк темир даври ёдгорликлари.** Қашқадарё воҳаси, юқорида таъкидлаганимиздек, жанубий Суғд сарҳадларини ташкил этади. Бу ўлкада қадимги деҳқончилик маданият ёдгорликлари 32 жойида топиб ўрганилган. Уларнинг айримлари ўтган асрнинг 50-йилларида С.К. Кабанов томонидан Яккабоғ ва Танхоздарёларнинг қуйи хавзаларида очилган<sup>1</sup>. 1970-йилларнинг бошларида Чимқўрғон сув омбори соҳилларида<sup>2</sup> ва Чироқчители<sup>3</sup> қишлоқ маконлари топиб ўрганилади. Илк темир даври моддий маданият қолдиқлари Ерқўрғон қадимги шаҳар харобасининг қуйи қатламларида<sup>4</sup> мавжудлиги аниқланади. 1976–1979 йилларда А.Сағдуллаев Қашқадарё водийсининг иккита маданий-хўжалик воҳасидан 9 та қадимги деҳқончилик қабилаларининг қишлоқ маконларини топади ва улардан бири – Даратепада кенг қўламли қазилмалар олиб боради<sup>5</sup>. Қуйи қатламлари сўнгги бронза ва илк темир даврига тегишли ёдгорлик Тўрткўлттепада ўрганилди<sup>6</sup>. 1986–1992 йиллар давомида А. Сағдуллаев бошчилигидаги археологик отряд Узунқир ва Сангиртепа ёдгорликларида кенг қўламли қазилмалар олиб боради.

Шундай қилиб, илк темир даври ёдгорликларининг илмий таҳлили асосида Жанубий Суғдда қадимги деҳқончилик маданиятининг келиб чиқиши ва унинг тарқалиш географияси, илк темир даври ёдгорликларининг даврий саналари, муҳофаа иншоотлари ва уй-жой комплекслари, илк урбанистик жараёнлар ва Қадимги Суғд даври давлатчилигининг иқтисодий ва маданий асослари ҳақида қатор муҳим хулосаларга келинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, Жанубий Суғдда худди Шимолий Бактрия каби ўтроқ аҳолининг қишлоқлари Қашқадарёнинг ўрта ва қуйи хавзаларида, тоғолди худудларда, сой этакларида ташкил топган. Улар 7 та (Қайрағоч, Гулдарё, Шўробсой, Танхоздарё, Қизилдарё, Ерқўрғон, Нишон) қадимги деҳқончилик

<sup>1</sup> Кабанов С.К. Археологические разведки в Шахрисабзском оазисе. ИАН УзССР, № 6, Ташкент, 1951. С. 61–68. Его же. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи. ТИИААН УзССР, вып. 7, Т.: 1955. С. 77–114.

<sup>2</sup> Усмонова З.И. К вопросу о ранней античной керамике древней области Кеш. ИМКУ, вып. 10, Т.: 1973. С. 52–57.

<sup>3</sup> Дуже Х. Чиракчинское поселение. ИМКУ, вып. 17, Т.: 1982. С. 19–29.

<sup>4</sup> Исамиддинов М.Х. Стратиграфия древнейших слоев Еркургана. ИМКУ, вып. 17. Т.: 1982: С. 60–77; Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). Т.: 1984; Сулайманов Р.Х. Древний Нахшаб. Изд. «Фан», Т.: 2000. С. 24–26.

<sup>5</sup> Сағдуллаев А.С. Древнесогдийские памятники. АО 1978 года. Москва, 1979. С. Его же. Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи. СА № III, 1984. С. Его же. Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа (некоторые итоги исследований в 1976–1986 гг). «Культура юга Узбекистана в древности и средневековье» Т.: 1987. С. 3–16.

<sup>6</sup> Исамиддинов М.Х., Райимкулов А. Турткульттепа – новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согде. «Археологические работы на новостройках Узбекистана». Изд. «Фан», Т.: 1990. С. 30–38.

воҳаларини ташкил этади<sup>1</sup>. Улардан учтаси (Шўробсой, Қизилдарё, Гулдарё) мил. авв. I мингйилликнинг бошларида ташкил топган. Қишлоқ маконларининг баъзилари қалъа-қўрғон ва унга туташ бир неча тепачалардан иборат. Улар атрофи яхлит мудофаа девори билан ўралмаган (Янгитепа, Чирокчители. Тўрткўлтөпа) қишлоқ маконлардир. Бу тепаларнинг куйи қатламларида чархсиз қўлда ясалган сопол парчалари учрайди.

Қадимги Суғд даврига келиб воҳани зироатчи жамоалар томонидан ўзлаштириш давом этади ва яна тўртта қадимги деҳқончилик воҳалари шаклланади. Сангиртепа майдони кенгайиб, унинг атрофи пахса деворлари билан ўраб олинган Арк (3 га) ва атрофи яхлит мудофаа девори билан ўралмаган бир неча патриархал уруғ жамоаларининг мулки-оддий тепачалар кўринишида бизгача етиб келган.

Сангиртепа яқишида (650 м. нарида) Шўробсой соҳилида Узунқир қалъасининг харобалари жойлашган. Уни ўраб олган мудофаа девори 61 м. узунликда ўрганилди. Дастлаб, у 1,85 см қалинликда тўғри бурчакли хом ғиштлардан (50–52x24 25x16–18 см) қурилган ва башнялар билан мустақамланган. Мудофаа деворлар ва башня ичидаги хоналар пилястралар билан безатилган ҳамда шинаклар билан таъминланган. Узунқир II даврида мудофаа деворининг ички томонидан унга ёпиштириб, 1,6 м. қалинликда иккинчи девор қурилади. Натижада, биринчи девор шинаклари ёпилиб, фақат башнядаги шинаклар фаолияти давом этади. Узунқир III даврида қалъа ички деворига ёпиштириб, 1,2 м. қалинликда пахса девор тикланади. Натижада, Авесто вари шаклида қад кўтарган Узунқир қалъасининг мудофаа деворини қалинлиги 4,65 м.га етиб, унга монументал характер бағишлайди. Қалъа деворлари бўйлаб жойлашган уй-жой комплексларини ўрганиш имконияти бўлмаган. Чунки, Узунқир ҳовлиси қишлоқ хўжалик экин майдонларига айланиб кетган.

Жанубий Суғднинг яна бир ноёб ёдгорлиги Даратөпа бўлиб, у арки аёло (майдони 0,5 га) ва атрофи яхлит девор билан ўралмаган «шаҳристон»дан иборат (майдони 10 га). Даратөпа Аркида ва «шаҳристон»нинг шимоли-ғарбий қисмида олиб борилган қазинмалар давомида монументал бино (Аркда) қолдиқлари ва уруғ жамоаларининг пахса ва хом ғиштдан қурилган турар-жойлари ўрганилган.

Бу ёдгорликларни (Сангиртепа, Даратөпа ва Узунқир) ўрганиш натижасида қадимги Суғд маданиятининг меъморий қурилиш режаси, ўзига хос қурилиш усуллари ва тузилиш хусусиятлари аниқланди ва Қашқадарё водийсида яшаган илк темир даври аждодларимизнинг ўтроқ ҳаёти ва юксак даражада ривожланган маданияти ўрганилди<sup>2</sup>.

Уларнинг ҳар бири ўзига хос хронологик ва махсус хусусиятларга эга. Тадқиқотчилар Сангиртепа маданий қатламларини икки хронологик босқичга

<sup>1</sup> Лушпенко О.Н. Раннежелезный век Южного Согда. Автреф. Канд. Дисс. Самарканд, 1998. С. 7–8.

<sup>2</sup> Там же. С. 8–11.

(Сангир I, II), Узунқир ва Даратепани эса учтадан (Узунқир I, II, III, Дара I, II, III) хронологик босқичга бўлинишини аниқлаганлар<sup>1</sup>. Сангиртепа ва Узунқир дастлаб, Сангир I ва Узунқир I босқичида ўзлаштирилган, уларнинг йил санаси мил. авв. IX асрнинг охири – VIII аср билан белгиланади. Бу даврнинг керамикаси асосан чархсиз, қўлда ясалган Кўктепа I даври сопол идишларни эслатади. Сангир I керамика комплексида чархда ясалган юкори сифатли хум ва хумчалар, ярим сфера шаклли косалар учрайди. Узунқир I қатламида эса, чархда ясалган сопол идишлар учрамайди. Демак, Сангир I қатлами Узунқир I босқичининг сўнгги фазасига тўғри келади.

Сангир II босқичида чархсиз қўлда ясалган сопол идишлар кескин камаяди, Узунқир II босқичида чархда ясалган сопол идишлар пайдо бўлади. Улар цилиндроконус шаклли хум ва хумчалар, тоғора ва биконик шаклли косалардан иборат. Баъзида уларнинг гардиши айланаси бўйлаб тиниқ жигарранг ангоб берилган. Хум ва хумчалар тўлқинсимон ёқали ишланган. Сангир I даврининг чархда ясалган ярим сфера шаклли косалари Сангир II ва Узунқир II босқичида кенг ёйилган. Узунқир II керамика комплексида биконик мискалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ёқаси қармоксимон шаклда расмийлаштирилган. Узунқир II ва Сангир II комплекслари мил. авв. VII–VI асрларга тегишлидир. Узунқир III босқичи комплекси (керамикаси) асосан, девор харобалари устидан териб олинган кўтарма материаллар бўлиб, унинг йил санаси мил. авв. V–IV асрлар билан белгиланган. Бу керамика материаллари (Узунқир II, III, Сангир II) Қадимги Суғд маданияти даврини характерлайди (15-расмга қаранг).

Кейинги йилларда М.Хасанов Узунқир, Сангиртепа ва Даратепа ёдгорликларида қўшимча қазишмалар олиб бориб, уларни илк темир даври шаҳарсозлик маданияти ҳақида кўп янгиликлар киритди. Бу янгиликлар қадимги Суғд даври ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланиши билан боғлиқ.

Яккабоғ тоғлари ёнбағирларида жойлашган Даратепада гишт ва пахсадан қурилган уй-жой комплекслари очилган. Хоналарнинг марказий қисмида оппоқ кули билан сандал ўринлари кузатилади. Дара I керамика комплекси Сангир II ва Узунқир II қатламларининг бошланғич фазасига тегишли эканлиги аниқланган. Дара I керамика чархли ва чархсиз сопол идишлардан иборат. Дара I босқичининг сопол қозонлари Узунқир II босқичининг қозонлари билан бир хил кулоқлидир. Чархда ясалган Дара I керамика комплекси хум ва хумчалар, кубоклар, биконик коса ва банкасимон идишлар билан характерланади. Дара II босқичининг кубоксимон идишлари Сангир II даврининг шундай идишларига ўхшашлиги қайд қилинади. Даратепанинг ўзига хос бўйдор ёки паст танали биконик косалари Сан-

<sup>1</sup> Сағдуллаев А. Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа (некоторые итоги исследований в 1976–1986 гг.). «Культура юга Узбекистана в древности и средневековье» Т.: 1987. С. 3–16. Его же. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. Док. Дисс. Москва, 1989. С. 45. Лушпенко О.Н. Раннежелезный век. С. 11–15.

гиртепа ва Узункирда учрамайди. Уларни Дара III керамикаси сифатида талқин этиш мумкин. Аммо, Дара II қатламининг юқори горизонтида учрайдиган ярим сферали косалар Сангир II, Узункир II ва ҳатто, Узункир III боскичида ҳам кенг учратилади. Даратепа археологик комплексининг йил санаси мил. авв. VI–IV асрларга тегишли эканлиги аниқланган.

Сангиртепа, Узункир ва Даратепа сополларининг қиёсий ўрганиш натижасида, шу нарса маълум бўлдики, Даратепа айнан Узункир II ва Сангир II даврида ўзлаштирилиб, бу ерда илк шаҳар ҳаёти мил. авв. V–IV асрларда ҳам давом этади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Узункир, Сангиртепа ва Даратепалар Жанубий Суғднинг илк шаҳарлари бўлиб, улар орқали Самарқанддан Бактрияга қадимги савдо карвон йўли ўтган. Шу боис, бу шаҳарлар вилоятнинг ҳарбий истехкомлари, ҳунармандчилик марказлари ва савдо-сотик аҳамиятига молик шаҳарлари бўлган.

Македониялик Искандар ҳарбий юришлари муносабати билан тилга олинган Наутака ва Ксениппа ўз даврида Жанубий Суғднинг нафақат йирик шаҳарлари, балки шарқ аъёнасига кўра, улар вилоятлар номини ҳам англаганлар. Агар биз Кеш вилоятини Наутака деб фараз қилсак, унинг ҳудудий доирасидан ташқари Сангиртепани сарой шаклидаги монументал иншоот қолдиқлари билан Наутака шаҳри билан локализациялаш мумкин. Узункир эса Наутака вилоятининг йирик ҳарбий истехкоми бўлган. Сангиртепа билан Узункирнинг бир-бирларига жуда яқин (650 м.) жойлашиши фикримизнинг асосли эканлигини тасдиқлайди.

Ксениппа Жанубий Суғднинг Нахшоб вилояти ҳудудида жойлашган. Ерқўрғон куйи Қашқадарёнинг даштлари билан боғланиб кетган вилоят ҳисобланади. Бу вилоят ҳудудий доирасида, ҳозирги Қарши билан Косон шаҳарлари ўртасида қадимги Ерқўрғон харобалари жойлашган. Проф. Р.Х.Сулаймоновнинг тадқиқотлари гуруҳи Ерқўрғонда кенг кўламли изланишлар олиб бориб, илк темир даврига тегишли шаҳарни очиб ўргандилар. Бу жойдан монументал сарой қолдиқлари, ибодатхоналар, аҳолининг уй-жой комплекслари, юксак даражада ривожланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқаларни топиб ўрганганлар. Жанубий Суғднинг илк шаҳарлари ва давлатчилиги бўйича таникли мутахассис проф. А.Сагдуллаев мудофаа деворлари билан ўралган ва алоҳида ҳоким кўрғонига эга бўлган Ерқўрғон Ксениппа шаҳри ва Ксениппа вилоятининг маркази бўлганлигини эътироф этади<sup>2</sup>.

#### VI. 4. Қадимги Хоразм

Қадимги Хоразм Амударёнинг куйи ҳавзалари, яъни Ўзбекистон Республикаси, унинг таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда қўшни Туркманистон Республикасининг Топловуз вилоятини ўз ичига олади. Бу заминга урбанистик жараёнлар Бактрия ва Суғдиёнага нисбатан анча кейин кириб боради.

Амударё куйи ҳавзаларида, унинг ўзанлари этақларида жуда қадим-қадимлардан ҳосил бўлган сернам, унумдор қоқ ерлар то илк темир даврининг мил.

<sup>1</sup> Лушпенко О.Н. Раннежелезный век. С. 14–15.

<sup>2</sup> Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: 1996. – 78–80-бетлар.



авв. VI асрига қадар чорвадор сак-массагет аждодларимизнинг макони бўлиб келди. Қадимги Хоразмда илк давлатчиликнинг куртаклари Амиробод маданияти (милоддан аввалги X–VIII асрлар) давридан ниш ура бошлаган бўлса-да, аммо, деҳқончилик ҳали қўлтиқ зироатчилиги характерида эди. Амиробод маданияти бутун ўлка бўйлаб кенг тарқалмаган. Амударё куйи ҳавзаларининг бошқа ерларида Якка-Парсон 2 типидagi ёдгорликлар учрамайди. Куйи Амударё ўлкаси ҳамон чорвадор сак-массагетлар маданияти кенг тарқалган бепоён мамлакат сифатида ривожланишда давом этади. Демак, мавжуд тасаввурларга зид ўлароқ, Амиробод маданияти даврида Амударё куйи ҳавзаларида туб маънодаги такрорий суғорма деҳқончиликка асосланган Қадимги Хоразм цивилизацияси ҳали ташкил топмаган эди.

Бу минтақанинг унумдор қоқ ер массивлари Куйисой маданияти чорвадор қабилаларининг чорва яйловлари бўлиб хизмат этишда давом этар эди. Шу боисдан бўлса керак, Қадимги Хоразм тарихининг чуқур билимдони С.П. Толстов бу минтақани орийлар ватани «Арьянам Вайчаҳ» деб бежиз айтмаган.

Арьянам Вайчаҳ ўз табиий иқлим шароитига кўра, авестошунос лингвистларнинг таъкидлашича, кўчманчи чорвадор жамоаларнинг муқаддас ватани бўлган. Мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида уларнинг жанубий минтақаларга кириб бориши асосан чорва подалари учун янгидан-янги майсазор яйловларга эгалик қилиши билан боғлиқ бўлиб, бу миграциялар натижасида, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари ва уларнинг теварак-атрофларида этногенетик жараёнларнинг бошланиши юз беради. Қадимги халқлар миграцияси заминида турлича объектив, ҳаётий сабаблар ётган ва улар ҳар хил йўналишда, узлуксиз давомийлик характерида эга бўлган. Кўчманчи чорвадорларга хос ҳарбий психологик руҳият қабилалараро тўқнашувларга, уларни ўтроқ деҳқончилик маданияти минтақаларига эрта кириб боришига олиб келган. Баъзида табиий офатлар, тажовузкор кайфиятли ҳукмдорларнинг сиёсати туфайли ҳам ўтмишда фавқулодда юз берган миграцияларни кузатиш мумкин.

Ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда хўжаликнинг минтақалараро ихтисослашуви ҳам қадимги қабила ва элатлар ўртасида миграцион жараёнларни фаоллашишига олиб келган. Юқорида келтирилган сабабларга кўра, Ахоманий подшоларидан Доро I сиёсати туфайли мил. авв. VI асрнинг охириги чорагида Херирут (Хирот) водийсидан хорасмийларнинг Амударё куйи ҳавзаларига миграцияси юз беради. Бу ҳақда Доро I саройида хизматда бўлган қариялик Скилак ўзининг 7 йиллик сафари (мил. авв. 519–513 йиллар) тўғрисида ёзган «Саёҳатнома»сида маълумот қолдирган. Унинг «Саёҳатнома»си билан милетлик Гекатей (мил. авв. VI аср) танишиб, «Ер куррасининг тавсифи» асарининг Осиёга бағишланган қисмида хорасмийлар ҳақидаги Скилак маълумотларидан фойдаланади.

Геродот эса «Тарих» асарида Гекатейга асосланиб, хорасмийлар ҳақида шундай ёзади: «Осиёда ҳар тарафидан тоғ билан ўралган водий бор, тоғларда бешта дара бор. Бир вақтлар бу ерлар хорасмийларга қараган ва хорасмийлар гиркан, парфлар, саранг ва фанамейларга чегарадош бўлган. Ана шу водий атрофида-

ги тоғлардан Акес деб аталувчи катта дарё оқиб тушган. Шу дарё беш ирмоққа бўлиниб, юкоридаги халқлар ерларини суғорган... Аммо, эронийларга қарам бўлгандан кейин бу халқлар мана шундай аҳволга тушдилар. Шох тоғ дараларини беркитиб, тўғон дарвозалар курдирди. Водийда кўл хосил бўлди. Ер суғориш учун бу сувдан фойдаланган қабилалар энди, оғир аҳволга тушадилар. Қишда, албатта, бошқа жойлардагидек, илоҳиёт уларга ҳам намгарчилик юборди, ёзда эса улар экадиган тариқ ва кунжут доим сувсиз қолади. Мутлако сувсиз қолганда, улар хотин бола-чақалари билан шох қасрига борадилар. шох саройи қаршисида туриб, баланд овоз билан ачинарли ҳолда фарёд қиладилар. Улардаги сув танқислигини кўрган шох арзғўйлар томонидаги тўғон дарвозаларини очишни буюради. Экинзорлар суғорилгач, яна тўғонни беркитишни буюради. Энди, сувга ташна бошқа қабила ерларига сув очадилар, бироқ мен билдимки, тўғон дарвозасини очиш учун шох катта пул (божлардан ташқари) олар экан. Ишлар ана шундай»<sup>1</sup>.

Хорасмийларнинг дастлабки ватани, унинг жойлашиш ўрни ҳақида Степан. Страбон, Афинея ҳам ёзган. Уларнинг ёзишича, хорасмийлар Бактриядан Жанубда, Парфлардан Шарқда, Херирут-Тажан дарёларининг юқори ҳавзасида, ҳозирги Ҳирот водийсида бўлган. Ёзма манбалар таҳлилига кўра, сув оқиб тушадиган даралар беркитилгач, хорасмийлар юрти сув остида қолиб, аҳолининг катта қисми Амударё қуйи ҳавзаларига кўчиб кетган. Оқибат натижада, хорасмийларнинг массагетлар мамлакатаида макон топиши Амударё қуйи оқимида Хоразм этнопонимининг пайдо бўлишига олиб келган.

Хорасмиянинг омилқор деҳқон жамоалари суғорма деҳқончилик бобида бронза даври маргушлари ва бохтарийлардан қолишмас эдилар. Хорасмийлар стакчилигида, таникли манбашунос олим И.Маркварт фаразига кўра, Эрон Ахоманийлари империясига қадар шимоли-шарқий Хуросанда Сейстон (саранглар юрти), Арахосия (фаманейлар юрти), парфлар ва Гиркания билан биргаликда «Катта Хоразм» давлат уюшмаси ташкил топган бўлиб, унинг шимолий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзалари билан чекланган. Уларда илк шаҳар маданияти бронза давридаёқ шаклланган. Улар Қадимги Хоразмда такрорий суғорма деҳқончилик маданияти таркиб топмасдан роса минг йил бурун, қадимги Шарқ цивилизациясининг маҳаллий ўчоқларидан бирига айланиб бўлган эди.

Суғорма деҳқончилик хўжалигини юритишда бой тажриба ва малакага эга бўлган хорасмийларнинг Амударё қуйи ҳавзаларида пайдо бўлиши, уларнинг омилқор деҳқонлари томонидан Амударё дельтасидаги ҳар бир дарё ва сой тармоқлари – ўзанлари бўйлаб ерларни ўзлаштириши, янгидан-янги қишлоқ жамоаларини (Авестода «вис»ларни) ташкил топишига олиб келди. Ҳар бир дарё ўзанлари бўйлаб дастлаб қад кўтарган аҳоли пункти – «вис» атрофида секин-аста бошқалари пайдо бўла бошлайди.

<sup>1</sup> Геродот. «Тарих». III том, 117-бет.

Мана шу жараённинг жадал кечиши туфайли Қадимги Хоразмда ўнлаб урбанистик аҳоли пунктлари – илк шаҳарлар, такрорий суғорма деҳқончиликка асосланган маҳаллий маданий-хўжалик марказлари ташкил топади. Агар Амиробод маданияти даврида зироатчи аждодларимиз ертўлаларда яшаб ўтроқ ҳаётга ўта бошлаган бўлсалар, қуйи Амударё ҳавзаларида хорасмийларнинг пайдо бўлиши муносабати билан атрофи монументал дворлар билан ўраб олинган қалъалар пайдо бўлади. Қадимги Хоразмнинг Амиробод даври аҳолиси хорасмийлар билан қоришиб, улар таъсирида пахса ва хом гиштлардан қурилган уй-жойларда, қишлоқ ва шаҳарларда яшай бошлайдилар. Бу жараён Амударё қуйи ҳавзаларида мил. авв. VI асрдан бошланди. Энди, Амиробод маданияти даврининг дарё ва сой этакларидаги ерларга дамбалар ёрдамида сув чиқариш асосида ташкил топган «қўлтиқ деҳқончилиги» эмас, балки архаик даврига хос кенг ва саёз ариқлар тизими асосида қурилган суғорма деҳқончилик маданияти шаклланди. Амударёнинг сертармок ўзанларидан чиқарилган Калтаминор, Тозабөгёб, Сувёрган, Амиробод, Чирманёб, Полвонёб, Ҳазорасп, Ёрмиш, Савкан ва бошқа катта-кичик сунъий суғориш иншоотлари бўйлаб ўнлаб микровоҳалар ташкил топади. Бу кичик воҳаларнинг ҳар бирида бир неча шаҳармонанд қишлоқларни ўз атрофига бирлаштирган марказий шаҳар пайдо бўлади. Демак, мил. авв. VI асрдан Қадимги Хоразмда аниқ ҳудудий чегарага эга бўлган қатор маданий-хўжалик марказлари ва улар асосида таркиб топган митти деҳқончилик воҳаларининг вужудга келиш жараёни бошланади. Бу заминга кўчиб келган хорасмийларнинг ўзига хос кулчилик хунармандчилиги таркиб топди, Амударё қуйи ҳавзаларида Қадимги Хоразм цивилизациясига асос солинди (16-расм). Бу Қадимги Хоразм цивилизацияси излари ва ҳудудий жойлашувини кузатган Х.Х.Матякубов<sup>1</sup>, уларни хронологик жиҳатдан икки босқичга бўлади: 1). Мил. авв. VI асрда вужудга келган деҳқончилик микрооазислар: Кўзалиқир<sup>2</sup>, Ҳазорасп<sup>3</sup>, Қанҳақалъа<sup>4</sup>, Бутентов<sup>5</sup>, Қўшқалъа<sup>6</sup>, Одойтепа<sup>7</sup>, Хумбустепа<sup>8</sup>; 2). Мил. авв. V асрда Қадимги Хоразмда

1 *Матякубов Х.Х.* Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Хоразм. Номзодлик дисс. Автореферати. – Т.: 2012. – 14–15-бетлар.

2 *Толстов С.П.* По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962. С. 96–104; *Вшневская О.А., Рапопорт Ю.А.* Городище Кюзелигыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма. ВДИ № 2, Москва, 1997. С. 150–173.

3 *Воробьёва М.Г., Лапиро-Скобло М.С.* Археологические работы в Хозараспе в 1958–1960 гг. «МХЭ», вып. 6. Москва, 1963. С. 137–180; *Мамбетуллаев М.М., Абдиримов Р.* Исследование Хозараспа. «Культурное наследие Средней Азии», Т.: 2002. С. 165–167.


4 *Дурдыев Д.* Археологическое исследование на территории Ташаузской области. «Каракумские древности», вып. V, Ашхабад, 1977. С. 137–138.

5 *Бижанов Е.Б., Ходжаниязов Г.Х.* Археологический комплекс Бутентоу. «Археология Приаралья», вып. VI, Нукус, 2003. С. 32–60.

6 *Пилишко В.Н.* Раскопки в Дейнауском районе Чарджовской области. АО 1974 года. Москва, 1975. С. 527.

7 *Пилишко В.Н.* Раскопки в Дейнауском районе. С. 528.

8 *Болезов С.Б.* Некоторые итоги археологических работ на Хумбустепе. ОНУ № IX–X, Т.: 1999. С. 85–90.



16-расм. Қадимги Хоразм маданияти керамика мажмуаси.

вужудга келган деҳқончилик микровоҳалар: Қалъалиқир<sup>1</sup>, Тузқир<sup>2</sup>, Ойбуйир<sup>3</sup>. Хива<sup>4</sup>, Дингилжа<sup>5</sup>, Бозорқалъа<sup>6</sup> ва бошқалар.

Мил. авв. V аср охири – IV аср бошларида деҳқончилик микровоҳалари атрофида янгидан-янги ёдгорликлар қад кўтариб, уларни ягона магистрал суғориш каналлари орқали ўзаро боғлаган яхлит суғориш – деҳқончилик массивлари таркиб топди. Бу жараён ўнг соҳил Оқчадарё хавзасида айниқса, кенг кўлам олди. Масалан, Бургутқалъа, Тупроққалъа, Якка-Парсон, Катқалъа, Тошхирмон ва бошқалар.

Қадимги Хоразмнинг яхши ўрганилган энг қадимги шаҳар харобаларидан бири Кўзалиқир ҳисобланади. С.П. Толстов Кўзалиқир даврий санасини мил. авв. VII–VI асрлар билан<sup>7</sup>, В.М. Массон эса мил. авв. V–IV аср бошлари билан<sup>8</sup> белгиллаган эдилар. Ёдгорликни бевосита қазииш ишлари билан маҳсус шуғулланган Ю.А. Рапопорт ва О.Г. Вишневскаялар шаҳар ҳаётини мил. авв. V асрнинг биринчи ярмига тегишли<sup>9</sup> эканлигини асослайдилар. Кўзалиқир С.П. Толстов тахмин қилинганидек, «Катта Хоразм» давлатининг пойтахти бўлган эмас, балки мил. авв. VI асрда Чирмонёб деҳқончилик марказининг бош шаҳри вазифасини ўтаган. Авваллари Хоразмда илк шаҳарсозлик маданияти Кўзалиқирда бошланган, деган тасаввур ҳукмрон эди. Кейинги йилларда унинг қаторига Ҳазорасп, Қанҳақалъа, Бутентов, Қўшқалъа, Одойтепа, Хумбустепа каби ёдгорликлар ҳам қўшилиб, қадимги деҳқончилик маданияти Амударёнинг қуйи хавзаларида кенг ёйилганлигидан гувоҳлик беради. Кўзалиқирда монументал муҳофаа иншоотлари кузатилса-да, аммо, унинг ички қисмида ҳукмдор саройининг қурилиши тўхтаб қолади<sup>10</sup>. Эҳтимол, бу Қадимги Хоразм давлатининг

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древности верхнего Хорезма. ВДИ № 1 (14). Москва, 1941. С. 178; Его же. Городище с жилыми стенами. КСИИМК, вып. XVII. Москва, 1947. С. 3–8; Рапопорт Ю.А., Латиро-Скобло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Кальгалигыр I в 1958 г. «МХЭ», вып. 6. Москва, 1963. С. 141.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Работы Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции в 1949–1953 гг. «ТХАЭЭ», том II, Москва, 1948. С. 26; Низовья Амударьи, Саркамыш и Узбой (История формирования и заселения). «МХЭ», вып. III, Москва, 1960. С. 167; Юсуфов Х. Путеводитель по археолого-архитектурным памятникам Ташовузской области. Ашхабад, 1989. С. 21–22.

<sup>3</sup> Мамбетуллаев М.М. Городище Большая Айбуйирқалъа (Раскопки 1976–1977 и 1981 гг.). «Археология Приаралья», вып. IV, Т.: 1990. С. 91–110.

<sup>4</sup> Мамбетуллаев М.М. Хива антик даврда (мил. авв. VI милодий II асрлар). Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Т.: 1997. – 170 171-бетлар.

<sup>5</sup> Воробьева М.Г. Дингильже. Усадьба I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. «МХЭ», вып. IX. Москва, 1973.

<sup>6</sup> Толстов С.П. Древности верхнего Хорезма. Москва, 1941. С. 160–166. Его же. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962. С. 60–64.

<sup>7</sup> Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1949–1953 гг. Труды ХАЭЭ, том II, Москва, 1958. С. 146–149.

<sup>8</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА № 73, Москва–Ленинград. 1959. С. 52–53.

<sup>9</sup> Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзелигыр. С. 163.

<sup>10</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962. С. 107–117; Рапопорт Ю.А., Латиро-Скобло М.С. Раскопки дворцового здания. С. 141.

мил. авв. V асрда Ахомапийлар таъсиридан кутулиб, мустақил давлат сифатида ўз фаолиятини бошлаганлиги билап боғлиқдир.

Ўнг соҳил Хоразмда архаик даврининг энг мукаммал ўрганилган шаҳри Бозорқалъа<sup>1</sup> ва Дингилжа кўрғонидир<sup>2</sup>. Бу зонада архаика даврининг 53 жойида кишлоқ ва кўрғон харобалари мавжудлиги қайд қилинган.

Мил авв. V асрда Қадимги Хоразм Ахоманийлардан мустақил давлат сифатида ажралиб чиққач, деҳқончилик хўжалиги бутун воҳани камраб олади. Бу эса Амударё қуий ҳавзаларида урбанистик жараёнларни авж олишига олиб келади. Хива, Катта Ойбуйиқалъа, Бозорқалъа ва Ахчахонқалъа каби йирик шаҳарлар пайдо бўлади<sup>3</sup>. Буларнинг барчаси илк темир даврида мил. авв. VI асрдан бошлаб) Амударёнинг қуий ҳавзаларида қадимги деҳқончилик маданияти кенг ривожланганлигидан далолат беради.

### VI. 5. Тошкент воҳасида қадимги деҳқончилик маданияти

Милоддан аввалги II мингйилликнинг охири ва I мингйилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар Тошкент воҳаси аҳолиси ҳаётида ҳам юз берди. Бу минтақа чорвадор сак қабилалари орасида ҳам секин-аста ўтроклашиб, деҳқончиликка қулай жойларда зироатчилик билан шуғулланишга ўтиш жараёнлари кузатила бошлади. Чирчик, Оҳангарон ва уларнинг ирмоқлари бўлган Катта ва кичик сой ҳавзалари Тошкент воҳасидаги илк деҳқончилик маданияти таркиб топган ҳудудлар бўлиб қолди. Бундай манзара авваламбор, археолог А.И. Тереножкин дарёсининг ўрта оқими ирмоқларидан бири бўлган Бурғулуқсой ёқаларида кузатилди, яъни 1940 йилда археолог А.И. Тереножкин Бурғулуқсой йўналиши бўйлаб қурилаётган Тошкент канали трассасида археологик кузатув ишларини олиб борар экан, қадимда деҳқончилик хўжалиги билан шуғулланиб келган уруғ жамоаларининг бир неча жойларида кишлоқ маконларини топди<sup>4</sup>. Унгача бўлган мавжуд тасаввурларга кўра, Тошкент воҳаси – қадимги Чоч кўчманчи чорвадор сак қабилаларининг ўлкаси сифатида талқин этилиб келинар эди. Зироатчилик билан шуғулланган қадимги чочликларнинг деҳқончилик маданиятига тегишли ёдгорликлар топиб ўрганилмаган эди. А.И.Тереножкин очган қадимги кишлоқ қолдиқлари эса, Тошкент воҳасининг илк бор деҳқончилик хўжалиги билан шуғуллана бошлаган жамоаларига тегишли маконлар эди. Бу кишлоқ маконларининг барчаси Бурғулуқсой бўйлаб жойлашган, шунингдек, улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ягона

<sup>1</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962. С. 60–64.

<sup>2</sup> Воробьева М.Г. Раскопки архаического поселения близ Дингильже. МХЭ. вып. I, Москва, 1959. С. 70–80.

<sup>3</sup> Мамбетуллаев М.М. О формировании и развитии городской культуры в Хорезме. «Приаралье на перекресте культур. Археология древнего Ташкирманского оазиса». Нукус–Бустан–Беруни, 2007. С. 63–65.

<sup>4</sup> Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. «Известия Уз ФАН СССР, № 9, 1940. Его же. Согд и Чач. КСИИМК, вып. XXXIII. Москва, 1950.

умумийликка эга эди. Шунинг учун А.И.Тереножкин бу ёдгорликларга Бурғулуқ маданияти деб ном берди. Бурғулуқ маданияти Тошкент воҳасининг қадимги зи-роатчи қабилалари ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаётини ўрганиш тари-ҳида буюк кашфиёт эди.

А.И. Тереножкин Бурғулуқ маданияти даврий санасини ишлаб чиқди ва уни икки босқичга бўлиб ўрганди. У аввал Бурғулуқ маданияти ёшини мил. авв. III–I асрларга тегишли бўлса керак деб топди<sup>1</sup>. Аммо, кейинроқ эса бу сана-ларга аниқлик киритиб, унинг ёшини мил. авв. IV–III асрлар билан белгилади. Аммо, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан топилиб, уларнинг археологик ком-плексларидаги архаик давр артефактларининг учрашини ҳисобга олиб, Тошкент воҳасининг илк деҳқончилик маданияти янада қадимийроқ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Масалан, Тошкент воҳасининг йирик шаҳар типигадаги Қанқа ёд-горлиги қуйи катламларида шаҳарсозлик маданиятининг белгилари мил. авв. ги IV–III асрларга тегишли эканлиги аниқланди. Маълумки, шаҳар маданияти-нинг илдизлари қадимги деҳқончилик маданияти асосида қурилган. Демак, Тош-кент воҳасида, айнан Оҳангарон дарёси қуйи ҳавзаларида илк шаҳар мадания-ти мил. авв. IV–III асрларга тегишли эканлиги илмий исботланган бўлса, унинг деҳқончилик маданияти янада қадимий эканлигига шубҳа қолмайди. Шу боис, А.И. Тереножкин Бурғулуқ маданиятининг ёшига учинчи бор аниқлик киритиб, унинг ёшини мил. авв. VI–IV асрлар билан белгилади<sup>2</sup>.

А.И. Тереножкиндан кейин узоқ йиллар Бурғулуқ маданияти тарихи билан ҳеч ким шуғулланмади. Ниҳоят, 1972 йили бу ишга археолог Х. Дуке жалб этилди. У 1974–1977 йилларда Туябўғиз сув омбори зонасида кенг кўламли археологик изланишлар олиб бориб, Бурганлисой соҳилларидан 14 та кишлоқ ва 60 га яқин ярим ертўла ва чайла типигадаги кулбаларнинг қолдиқларини очиб, чорвадор про-тосак уруғ жамоаларининг ўтроқлашиш жараёнлари механизмини очиб берди<sup>3</sup>.

Туябўғиз кишлоқ маконларида ўрганилган 60 га яқин ертўлалар асосан бир хонали кулбалар бўлиб, уларнинг ҳар бири биттадан патриархал жуфт оилага мўлжалланган. Уларнинг пастки пойдевор қисми ерга чўктирилиб, устки синчли девори гувалақдан тикланган, ичи ва сирти эса қалин сомон сувоқ қилинган енгил кулбаларни эслатади. Ҳар бир кулбаю вайронада 1–2 тадан дон ўра учрати-лади. Дон ўралар кулбалар ташқарисида, шарққа қаратилган кулба эшигининг яқинида ҳам учрагилади. Бундай режали кулбалар Чуст маданияти типигадаги бар-ча ёдгорликларга хос бўлиб, уларни нафақат Тошкент воҳаси ва Фарғона водий-сида, ҳатто жанубий минтақаларнинг Кучуктепа, Қизилтепа, Тиллатепа, Яздепа каби ёдгорликларида ҳам учратиш мумкин.

Бурғулуқ маданияти кишлоқ маконлари мудофаа иншоотлари билан мустаҳ-камланмаган. Аммо, Туябўғиз кишлоқ маконларидан бирида (Поселение № 1),

<sup>1</sup> Тереножкин А.И. Археологические наблюдения на строительстве Ташканала. Госархив ГУ-ОПМК Уз.ССР, Т.: 1940. С. 18–19.

<sup>2</sup> Тереножкин А.И. Согд и Чач. С. 153.

<sup>3</sup> Дуке Х.И. Туябугузские поселения Бургулукской культуры. Т.: 1982. С. 3–93.

унинг ғарбий томонида 20 м. узунликда хом ғиштдан тикланган девор қолдиқлари учратилади. Девор ғиштарининг ўлчами 42x24x12 см, девор кенглиги 2 м., 2–3 ғишт баландлигида сақланган. Девор ўз пайтида она ер – материк устига курилган. Бу мудофаа иншоотининг қолдиқлари Бурғулук маданий катлами билан аралашиб кетган. Деворга параллел, унинг орқа томонида, шимолдан жанубга қараб хандақ излари сақланган. Аммо, тепаликнинг шарқий томони бузилиб, девор излари учрамайди<sup>1</sup>. Шунга ўхшаш мудофаа девор излари кўтарма шаклида Заркент кишлоқ маконида ҳам учратилади<sup>2</sup>.

Бурғулук маданият кишлоқ маконларини қазини вақтида беҳисоб сопол парчалари, кумтошдан ясалган ўроқсимон пичоқлар, бронзадан ясалган ўроқ ва пичоқлар, бигиз ва игналар, мис ойна топилган. Топилмалар орасида икки парракли, зўғотали пайкон ҳам бор. Тошдан ясалган меҳнат қуроллари беҳисоб, улар ичида ёргучоқлар, тош ўғурча ва кели соплар кўплаб учрайди (17-расм). Х. Дукен кузатувида кўра, Туябўғиз кишлоқ маконларидан топилган парчаларининг 99 % гулсиз, гуллилари эса жуда оз, атиги 1 % ни ташкил этади<sup>3</sup>. Айнан шу хилдаги нақшлар композицияси чорвадор Андронова маданияти сополларида ҳам учрайди. Аммо, улар рангсиз чизма ва босма нақшлардан иборат.

Тошкент воҳасининг қадимги дехқонлари ва хунармандлар аҳли Бурғулук маданияти замонида сопол идишлар ишлаб чиқаришда қулоччилик чархидан фойдаланишни билмаганлар. Сополлар бир ярусли хумдонларда пиширилган. Шунинг учун улар кўпол, мўрт, бир текисда жарангдор қилиб пиширилмаган. Сопол идишларнинг турлари ва хили ҳам унча кўп бўлмаган. Улар асосан ости ясси қилиб ишланган сфера-коник шакли кесалар, банкасимон тувакча ва хурмачалар, қулоқли сопол қозонлардан иборат. Сопол идишларнинг аксариятини (сопол қозонлардан ташқари) сиртига оч қизил ангоб берилган, сўнг пардозланган. Унинг устидан идишларнинг ғардиши бўйлаб оч қора ёки оч қизил рангда гул солинган. Сополларга туширилган гуллар жуда оддий геометрик шакллардан иборат, яъни рангли учбурчаклар, синик чизиклар ва параллел хошиялардан иборат бўлиб, учбурчакларнинг ичи қуйма ва штрихли чизиклар билан тўлдирилган.

Сополлар ўз ташқи кўриниши жиҳатидан Чуст маданияти сополларига, биринчи навбатда, Шимолий Фарғона худудлари ёдгорликларига ўхшаб кетади. Шундай рангли ва нақшли сополлар Жанубий Ўзбекистоннинг Кучуктепа, Қизилтепа, Миршоди ёдгорликларини эслатади.

Х. Дукен сополлардаги бу аломатларни, шунингдек, икки парракли бронза пайконлар, баъзи бир Бурғулук ёдгорликларида учраган мудофаа иншоотларининг қолдиқларини ҳисобга олиб, Бурғулук маданияти ёшини қайта кўриб чиқади ва уни мил. авв. IX–VII асрлар билан белгилайди<sup>4</sup>. Бирок, кейинги йилларда археолог М.И.Филанович Чирчиқ дарёсининг ўрта ҳавзасида, «Катта Тошкент» шаҳрининг


1 Дукен Х. И. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т.: 1982. С. 20.

2 Буряков Ю. Ф. Культурно-хозяйственные процессы. С. 174.

3 Дукен Х. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т.: 1982. С. 44–50, рис. 12.

4 Дукен Х. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т.: 1982. С. 57–71.





17-расм. Бурғулук маданияти археологик мажмуаси (Тошкент воҳаси).

жанубий чегара районида Шоштепада кенг кўламли археологик казишмалар олиб бориб, Шоштепанинг куйи қатламлари Бурғулуқ маданиятига бориб тақалишини асослади. Шоштепанинг куйи қатламлари материаллари асосида Бурғулуқ маданиятининг даврий санаси қайта кўриб чиқилиб, уни икки хронологик босқичга бўлиниши исботланди. Шоштепанинг энг куйи қатламлидан олинган археологик комплекс – Шош I айнан Бурғулуқ маданиятининг биринчи босқичи (мил. авв. IX–VII асрлар) материалларини берган бўлса, Шош II археологик комплекси Бурғулуқ маданиятининг иккинчи босқичига (мил. авв. VI–IV асрлар) тегишли эканлиги аниқланди<sup>1</sup>. Шоштепанинг Шош III қатламлари Ковунчи маданиятига тегишли бўлиб, унинг остида ўтиш даврига хос артефактлар учратилиши қайд қилинади. Демак, Шоштепада олиб борилган стратиграфик характердаги изланишлар Ковунчи маданияти Бурғулуқ маданиятининг генетик давоми эканлигини исботлайди.

Шундай қилиб, Қадимги Тошкент воҳасининг сўнгги бронза ва илк темир даври Бурғулуқ маданиятининг иқтисодий хўжалик асосини микровоҳаларда таркиб топган қадимги деҳқончилик маданияти ташкил этади. У икки тарихий хронологик босқични босиб ўтди. Унинг биринчи босқичи мил. авв. IX–VII асрлар, сўнгги босқичи эса мил. авв. VI–IV асрларга тегишлидир. Бурғулуқликлар ўз тараққиётининг биринчи босқичида ярим ертўла ва чайла типига кулбаларда яшаб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Иккинчи босқичда эса уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Энди улар гувала ва хом ғиштдан кулба қуришни билиб олдилар. Деҳқончиликда сунъий сўғоришдан фойдаланилди, уларнинг этник асоси ўтроқлашиб бораётган чорвадор протосаклардан иборат бўлган. Протосаклар Ўрта Осиёнинг туб жойли қадимги аҳолиси бўлиб, улар илмий адабиётларда тил жихатидан қадимги эроний тиллар оиласининг шимоли-шарқий лаҳжаларида сўзлашган сўғдийлар эканлиги қайд қилинади<sup>2</sup>. Улар антропологик тип жихатидан Ўрта Ер денгизи типининг зақасний вариантини ташкил этади. Тошкент воҳасида биринчи бор вужудга келган шаҳарлар ва илк давлатчилик асосида Бурғулуқ маданияти деҳқонлари ва хунармандлари яратган иқтисодий ва маданий асос ётади.

Юқорида қайд этилганидек, яқингача Қадимги Тошкентнинг Чоч топоварианти эронийча, унинг туб жойли аҳолиси ҳам қадимги эроний тилда сўзлашган деб келинди. Аммо, мустақиллик даври илмий тадқиқотларида Тошкент топонимининг қадимги Чоч варианты ҳам туркий илдизга эга эканлиги аниқланиб<sup>3</sup>, унинг аҳолиси таркибида бронза давридан бошлаб, прототуркий тилли этник гуруҳлар ҳам

1 *Филанович М.И.* Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Т.: 2010. С. 115.

2 *Литвинский Б.А.* Древние кочевники «Крыши мира». Москва, 1972; *Лукин В.Г.* Культура Сасанидского Ирана. Москва, 1968. С. 62, 126.

3 *Яйленко В.П.* Енисейцы-кеты в этнической истории древней Средней Азии. «Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии» Вып. 1, Москва, 1990. С. 37–49; *Камолiddин Ш.С.* К этимологии названия Чач (Шаш). Материалы научной конференции «Чач–Бишкат–Ташкент: историческое прошлое и современность» Т.: 2007. С. 49.

бўлганлиги илмий исботланди. Демак, ўзбек халкининг Тошкент воҳасида, умуман Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида бронза давридан истиқомат қилиб келаётган аждодлари асосан икки тилли, яъни прототуркий ва эроний тилли этник қатламлардан иборат бўлиб, узоқ давом этган ўзаро этномаданий алоқалар, этник қоришувлар туфайли воҳа аҳолиси таркибида туркийлик устуворлик касб этиб борган.

**Яқуний хулоса.** Ўзбекистон ҳудудларида бронза ва илк темир даврининг қадимги деҳқончилик маданияти унинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) ҳавзалари бўйлаб икки йўналишда ривожланган. Биринчи йўналиш (Амударё ҳавзалари) маданияти келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, Қадимги Шарк минтақалари билан этномаданий боғлиқ бўлиб, бу ҳудудда урбанистик жараёнлар ва илк давлатчилик бронза даврига бориб тақалади ва юксак даражада ривожланган моддий маданият характерига эга. Меъморчиликда моддий маданият монументал характер касб этади. Хунармандчиликда (кулолчиликда) техникавий кашфиётлардан (икки ярусли хумдонларнинг кашф этилиши, кулолчиликда чарх ёрдамида идиш ясаш) кенг фойдаланиш ривожланган бўлиб, хунармандчилик маҳсулотлари товар характерини олади. Ўзбек халқи деҳқончилик маданиятининг бу йўналишини таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Археологик ёдгорликлар ва уларнинг даврий кетма-кетликда таркиб топиш жараёнлар таҳлиliga кўра, Ўрта Осиё, жумладан, ўзбек халқи ва давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади.

2. Айнан шу даврда ерга ва чорвага эғалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга хусусий эғалик қилиш моногамик жуфт оиланинг катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Айнан шу шароитда жамоа мулкчилигининг ижтимоий характери тагига зил кетиб, унинг ўрнини патриархал хусусий мулкчилик эгаллайди. Ерга ва чорвага хусусий эғалик қилишликнинг пайдо бўлиши давлатчиликнинг келиб чиқишига олиб келади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари катта патриархал оилалардан бошланиб, уларнинг мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари – вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг дастлабки куртақларини, тарихий илдизларини ташкил этади.

3. Қадхудотлар, яъни виспатилар давлатчиликнинг илк куртаги бўлса, Авесто жамиятининг занту босқичида, вислардан ташкил топган илк шаҳар-давлатчилигининг асосини ташкил этган. Шаҳар-давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган воҳа давлатчилигининг бош шаҳри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Масалан, Жарқўтонни шу мақомда таҳлил этиш мумкин. Демак, Қадимги Бактриянинг бронза даври ёдгорлиги Жарқўтон нафақат шаҳар-давлат, балки Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа давлатчилигининг диний бошқарув марказидир. Бу илк давлатчилик тизимининг биринчи бўғини ҳисобланади. Бу бўғин Шимолий Бактрия Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилчатепи, Бандихон I, Жондавлаттепа, Хосияттепа, Талашкантепа каби илк темир даври ёдгорликлари мисолида ривожланишда давом этади, Жанубий ва Марказий Сугдда Узунқир, Сангиртепа, Даратепи, Ерқўрғон, Кўктепа, Афросиёбнинг қуйи қатламлари, Лолазор ва бошқа ёдгорликлар мисолида илк темир

даврида юз берди. Фарбий Суғда эса Хўжа-Бўстон, Қалқон ота, Қозимонтепа куйи қатламлари мисолида илк темир даврининг сўнги фазасида, Қадимги Хоразмда Кўзалиқир, Ҳазорасп, Хумбустепа, Қалъалиқир ва бошқа ёдгорликлар мисолида илк темир даврининг мил. авв. VI–IV асрларда юз берди.

Ўзбек халқи ва давлатчилигининг иккинчи йўналиши Сирдарё хавзаларини ўз ичига олган бўлиб, бу ҳудудда қадимги деҳқончилик (Чуст маданияти) дастлаб, Қорадарё сув ресурсларини таъмин этган булоқ сувлари базасида таркиб топади. Бу иккинчи йўналишнинг бронза даври деҳқончилик маданияти келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, маҳаллий уруғ жамоаларининг булоқ сувлари базасида таркиб топган ҳавза деҳқончилик хўжалиқларидан иборат.

Бу зонада моддий маданият бронза даврида асосан патриархал жамоавий характерда, уруғ жамоаларининг уй-жой комплекслари монументал характер тусини олмаган, патриархал оилалар ҳамон ертўла типдаги кулбаларда яшайди. Хунармандчиликнинг кулолчилик соҳасида техникавий кашфиётларга ўтилмаган, сопол идишлар ҳамон чархсиз қўлда ясалади, улар ҳали товар характерини олмаган. Гувала ва хом ғиштлардан уй-жой ясаш, мудофаа иншоотларини қуриш эндигина қуртак ота бошлайди. Илк темир даврига келганда (Эйлатан маданияти) уй-жой ва мудофаа иншоотларининг қурилишида ғишт, гувалак, пахсадан фойдаланишга ўтилади, Авесто Вараси типдаги шаҳарлар қад кўтаради. Бу ҳудудда давлатчилик тизими антик даври билан боғлиқ бўлиб, кўпроқ ташқи маданий таъсирларсиз, мустақил ривожланиш характерини касб этган. Кулолчиликда секин-аста чархдан фойдаланишга ўтиш илк темир давридан бошланади. Аммо, уларнинг оммавий характер тусини олиши антик даврига хосдир.

## VII боб

### ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНИК АСОСИНING ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАРИ МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қадимги ёзма манбалар ва археологик ёдгорликларнинг илмий таҳлилига кўра, ўзбек халқининг этник асоси фақат ўтроқ аҳолининг қадимги деҳқончилик маданиятлари ёдгорликларидан иборат эмас, балки унинг шаклланишида чорвадор этник гуруҳлар ҳам фаол қатнашган (зарварақдаги 5-расмга қarang).

Чорвадор аجدодларимизнинг аксарияти бронза даврида Авестода тилга олинган тур уруғ жамоаларини ташкил этган. Турлар кенг тарқалган миштакалар, уларнинг асосий хўжалик характеридан келиб чиқиб, Евроосиё даштлари, Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғолди минтақалари ва чўл худудлари бўлган. Аслида турларнинг авлодлари Ахоманий подшоларининг қоятош китобаларида саклар номи билан, антик давр юнон муаллифларининг асарларида киммерийлар, скифлар, савраматлар, массагетлар, сарматлар каби номлар билан, қадимги Хитой манбаларида хулар, дилар, тиеклар хунлар, юечжилар каби номлар билан бизгача етиб келган.

Ўрта Осиё турларининг авлодлари – сакларнинг бир қисми сўнгги бронза ва илк темир даврига келганда ўтроқлашиб, Саразм ва Сополли маданиятлари воқислари билан қоришиб, Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк темир даври ўтроқ деҳқончилик маданиятларини таркиб топишида фаол иштирок этганлар.

Авесто китобининг лингвистик таҳлилига кўра, расмий тарихда, ана шу маданият соҳиблари қадимги эроний тилларнинг шимоли-шарқий лаҳжаларида сўзлашганлар, деган тасаввур фанда устувор мавқега эга эди. Бундай тасаввур археологик, антропологик ва лингвистик топилмаларда ҳам ўз тасдиғини топганлиги таъкидланиб келинди. Шу билан бирга, Қадимги Шарқнинг суғорма деҳқончилик ва сертармоқ хунармандчилиқка асосланган юксак маданиятининг ривожланишига қатта таъсир ўтказганлиги қайд этиб келинди.

Аммо, кейинги йилларда қадимги Хитой ёзма манбаларининг кенгрок ва чуқуррок ўрганилиши ва уларнинг танқидий таҳлилига кўра, эндиликда бронза даврида Евроосиё даштларидан кириб келган қабилаларнинг аксарияти прототурклар эканлиги аниқланди ва уларнинг маҳаллий прототурк ва шимоли-шарқий эроний тилли қabila ва қавмлар билан илк бор аралашиб яшаши ва қоришуви ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуктаси сифатида талқин қилинмоқда. Бундай талқиннинг заминида минтақада неолит давридан икки этник қатлам жамоалари яшаб келганлиги археологик ва палеоантропологик материалларда ўз аксини топган. Кенг қўламли археологик изланишларга кўра, Ўрта Осиёнинг ши-

молий ва шимоли-ғарбий, ҳамда Зарафшон водийсининг ўрта ва қуйи ҳавзаларида Қалтаминор маданиятининг кенг тарқалиши, унинг тарихий илдиэлари маҳаллий ва Евроосиё даштлари мезолит, неолит ва энеолит даври ёдгорликлари билан бир эканлиги ўз исботиши тошган<sup>1</sup>.


Ўрта Осиёда Бу минтақанинг чорвадор автохтон прототурк аждодлари сафига мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида, яъни сўнгги бронза даврида орилар номи остида кириб келган қабила ва уруғ жамоалари қадимги Хитой ёзма манбаларига кўра, ўзбек халқининг прототурк чорвадор аждодлари бўлиб, уларнинг излари Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб кенг ўрганилган (18-расм). Улар, ўз навбатида, минтақанинг қадимги эроний аҳолисини иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ҳаётида антик давридан бошлаб қатта роль ўйнаганлиги археологик материалларда ўз аксини топган. Бу ҳақда кейинги бобларда тегишли маълумотлар берилади. Бироқ, совет даври тарихшунослигида Авесто матнлари, Ахоманийларнинг қоятошларга битилган китобалари, суғдий, хоразмий, бохтарий ва сак тилларида ёзилиб, бизгача етиб келган қадимги ёзма манба парчалари, этнотопоним, этногеографик атамаларга асосланиб, бронза, илк темир даври, ҳатто антик давр аждодларимизнинг излари фақат эроний қабила ва қавмларга тегишли эди, ўзбек халқи этник таркибида прототурклар антик даврида бошланди. Шу боис, ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси милодий эра арафасидан бошланди, деган тасаввур фанда устувор эди. Аммо, ўзбек халқи прототурк аждодлари Ўрта Осиё ҳудудлари доирасида азалдан бор эдики, уларнинг излари бронза давридан бошлаб Республика ҳудудлари бўйлаб кенг ўрганилган.

## VII. 1. Қадимги Хоразм

Археологик тадқиқотлардан маълумки, чорвадор аждодларимиз от ва хўкиздан транспорт воситаси сифатида фойдалана бошлаган кезлардан бошлаб (бу бронза даврида юз берган эди) Евроосиёнинг бронза даври уруғ жамоалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайдилар. Улар археологик илмий адабиётларда Андроново ва Сруб маданияти номлари билан аталиб, уларга тегишли археологик ёдгорликлар илк бор С.П.Толстов томонидан 1938 йилда қадимги Хоразм ҳудудларида аниқлаган (Тешик қалъа I, Тешик қалъа II манзилгоҳлари). Улардан топилган сопол парчаларининг геометрик нақшларига қараб, С.П.Толстов «бу сопол парчалари қуйи Волга ҳавзаларида тарқалган Сруб маданияти ва Қозоғистон ва Жапубий Сибир даштларида ўрганилган Андроново маданияти сополларини эслатади»<sup>2</sup>, дейди. Икки йил ўтгач, С.П. Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедиция айнан шундай сопол буюмларни

<sup>1</sup> *Виноградов А.В.* Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. Москва, 1981. С. 160–168.

<sup>2</sup> *Толстов С.П.* Древнехорезмийские памятники в Каракалпакии. ВДИ, 1939. № III. С. 174–175, рис. 2.



18-расм. Бронза даври дашт қабилалари маданияти мажмуаси.

Ангқа қалға яқинидан топади ва бу жойни Ангқа I манзилгохи деб номлайди. Бу мавсумий манзилгоҳлар архаика даврининг Тозабогёб канали массивидан илк бор топилагани учун «Тозабогёб маданияти» номи билан аталиб, уларнинг даврий санаси мил. авв. II мингйилликнинг ўрталари билан белгиланган<sup>1</sup>. С.П. Толстовнинг археологик изланишларига кўра, Тозабогёб маданияти аҳолисининг моддий маданияти Қадимги Хоразмнинг маҳаллий, туб жойли аҳолиси – Сувёрган маданиятидан тубдан фарк қилади. С.П.Толстовнинг Тозабогёб маданияти сохибларининг келиб чиқиш тарихий илдишларини топиш йўлида олиб борган тадқиқотларига кўра, тозабогёбликлар мил. авв. II мингйиллик ўрталарида Евроосиё даштларидан кириб келган бронза даврининг Сруб-Андроново маданиятлари аҳолиси бўлиб чиқди.

Ҳозирги кунда Қадимги Хоразм ҳудудларида 100 дан ортиқ жойларда Тозабогёб маданиятига тегишли минглаб мавсумий манзилгоҳлар топиб ўрганилган. Улар асосан, Жанубий Оқчадарё ҳавзаларида кенг тарқалган. Шунингдек, улар Сирдарёнинг Инкордарё қуёи ҳавзаларида ҳамда Сарикамиш массивида, Ички Кизилқумдаги қадимги ўзан этақларида ҳам учрайди. Тозабогёб маконларининг кенг тарқалган ҳудудлар одағда, Жанубий Оқчадарёнинг қуриб бораётган ўзанлари ҳавзалари бўлиб, уларнинг кўпчилигида тақирга ўйилган 50 га яқин ярим ертўлалар очилган.

М.А. Итина Жанубий Орол бўйларида топиб ўрганилган Тозабогёб маконларини уч гуруҳга бўлади: 1) Жонбос-Кўкча гуруҳи; 2) Ангқа-Бозор гуруҳи; 3) Қават гуруҳи. Улар Оқчадарё жанубий дельталарининг маълум бир ўзанлари ҳавзаларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган.

Жонбос-Кўкча гуруҳи ёдгорликлари асосан Оқчадарё ўзанларининг ўрта ва шарқий ҳавзалари оралиғида жойлашган. Бу гуруҳнинг айрим маконлари Оқчадарёнинг ўрта ўзанидан ғарброкда, унинг шарқий соҳиллари ва Шарқий ўзан оралиғида ҳам учрайди.

Ангқа-Бозор гуруҳи ёдгорликлари Оқчадарё ўрта ўзанидан шарқда, асосан Оқчадарё ўзанларининг ўрта ва шарқий дельталари оралиғида жойлашган. Учинчи гуруҳ эса Жанубий Оқчадарёнинг ғарбида жойлашган бўлиб, улар Қават ёдгорликлар массивини ташкил этади.

Жонбос-Кўкча гуруҳи ёдгорликлар комплексини Жонбос 30, Жонбос 4, Жонбос 6, Жонбос 7, Жонбос 21, Жонбос 22, Жонбос 33, Жонбос 33а, Жонбос 34, Кўкча 15, Кўкча 15А, Кўкча 16, Кўкча 17, Кўкча 18, Кўкча 19, Барам-Қазған 2 каби манзилгоҳлар ташкил этади. Улар атрофида яна 40 та нуқталарда кўтарма (подъёмный) сопол парчалари учратилган.

Жонбос-Кўкча гуруҳи ёдгорликлари орасида яхши ўрганилган манзилгоҳ Кўкча 15 бўлиб, унинг майдонида 7 та ярим ертўла излари ўрганилган. Шундай ертўлалар Кўкча 12А, Кўкча 16, Жонбос 30, Жонбос 33, Байрам-Қазған 2 манзилгоҳларида ҳам битта ёки иккитадан ертўлалар топиб ўрганилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древний Хоразм. Москва, 1948. С. 68.

<sup>2</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. - Москва, 1977. С. 44-94.



Анҗа-Бозор ёдгорликлар массивида Тозабөгёб маданияти манзилгоҳлари етарли даражада топилган. Биргина Анҗа қалъа атрофида 7 та макон, Бозорқалъа массивида 10 та макон ва Кўкча 3 қабристонни топиб ўрганилган<sup>1</sup>. Булардан ташқари, уларнинг оралиқларида 20 га яқин нукталарда кўтарма сопол шарчалари териб олинган.

Қават гуруҳи ёдгорликлари Жанубий Оқчаларё хавзасининг ғарбий худудида жойлашган<sup>2</sup>. Бу атрофда Қават 3, Қават 4, Қават 6 манзилгоҳлари топилиб, улар ичида Қават 3 макони археологик артефактларнинг бойлиги билан бошқалардан фарқ қиларди. Бу маконда корни чиққан, қисқа ва тор бўғизли идишлар билан бирга, биконик шаклдаги идишлар ҳам учрайди. Улар Сувёрган маданияти учун характерли бўлиб, Тозабөгёб маданиятининг Бозор 2, Кўкча 2, 4, 6 ҳамда Кўкча 15, Кўкча 15А, ва Кўкча 16 манзилгоҳларида ҳам учраган. Шунинг учун уларни соф Тозабөгёб маконлари туркумига эмас, балки Сувёрган-Тозабөгёб материаллари аралаш комплексларга киритиш мумкин.

М.А. Итина Жонбос 34 ва Кўкча 19 манзилгоҳларини соф Андроново маконлари сифатида талқин этади. Унинг ёзишича, бу ёдгорликларнинг сополлари тарок гулли ва ичи тўғри чизиклар билан тўлдирилган эгри учбурчаклар ҳамда тўғри чизиклар билан тўлдирилган меандрсимон нақшлар билан копланган. Идишларнинг шаклида тўғри деворли туваклар бўлиб, улар Тозабөгёб маданияти учун характерли эмас, деган хулосага келади<sup>3</sup>.

Юқорида қайд этилган манзилгоҳлардан ва Кўкча 3 қабристонидан (қабристонда 74 та қабрлар очилган) топилган сопол идишлар маҳаллий Сувёрган маданияти сополларидан фарқ қилиб, уларнинг кўпчилигини елка қисми нақшланган. Нақшлар идиш сирти бўйлаб солинган зигзаглар, ҳар хил кўринишдаги штрихланган чизма ва босма учбурчаклар ва меандрлардан иборат. Сопол идишларнинг шакли ва нақшлари таркибига кўра, Тозабөгёб маданияти жамоалари Андроново маданиятининг Фёдоров босқичи топилмаларини эслатади (18-расмга қаранг). Тозабөгёб маданияти комплексида металлдан ишланган буюмлар кам учрайди. Улар бир тигли пичоқлар, бигиз, дастали бронза кўзгу, исирға ва билагузуклардан иборат. Билагузуклар сирти кесма чизикчалар билан нақшланган, қайрилган учи илон бошини эслатади. Бундай билагузуклар Сруб ва Андроново маданиятлари ёдгорликларида тез-тез учраб туради.

Тозабөгёб маданияти (Кўкча 3 қабристони асосида) одамларининг антропологик типи иккига ажралади. Биринчи тип одамларнинг бош чаноғи катта, долихоқран – узун овал бошли, иккинчи тип одамларнинг боши кичикроқ, брахицефал – юмалоқ бошли, дашт одамларига хос протоевропеид, бронза даврининг андронид типининг ўзгинасидир. Улар узок вақт, то антик даврининг сўнгги босқичига қадар (милодий III–IV асрларигача) маҳаллий автохтон (Ўрта Ер ден-

<sup>1</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. – Москва, 1977. С. 95–100.

<sup>2</sup> Итина М.А. Раскопки стоянки тазабагыбской культуры в 1957 г. МХЭ, № IV, 1960. С. 82–103; Ўша муаллиф. Новые стоянки тазабагыбской культуры (работы 1956 г.) МХЭ, т. I, 1959. С. 52–69.

<sup>3</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. – Москва, 1977. С. 101–109.

гизи типи) аҳолиси билан қоришуви натижасида янги антропологик тип, яъни «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланган. Бу типга ҳозирги замон ўзбек халқи ва воҳа тожиклари киради.

Қадимги Хоразм бронза даври ёдгорликларини ўрганишда М.А. Итина усто-зи С.П. Толстов тадқиқотларини давом эттириб, Тозабоғёб маданияти ёдгорлик-ларини 3 та хронологик босқичларга бўлади. Тозабоғёб маданиятининг илк босқичининг типик ёдгорлиги сифатида Кўкча 15А манзилгоҳини кўрсатиб, унинг йил санасини мил. авв. XV–XIV асрларга тегишли эканлигини таъкидлай-ди. Ўрта босқич ёдгорликларига Кўкча 15, 16, Қават 3, Жонбос 30, 33, Байрам-Қазгон 2 ва Кўкча 3 қабристонини тегишли эканлигини қайд қилиб, унинг йил сана-сини мил. авв. XIV–XIII асрлар билан белгилайди. Сўнги босқич ёдгорликларига Ангқа 5, Жонбос 25, Кўкча 19 каби манзилгоҳларни тегишли топиб, унинг ёшини мил. авв. XIII–XI асрлар билан белгилайди<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Тозабоғёб маданиятининг сопол буюмлари, меҳнат қуро-лари ва зебу зийнат буюмлари Андроново (унинг ғарбий Қозоғистон варианты) ва Сруб маданиятлари билан генетик жиҳатдан ўхшашлиги ва яқинлиги билан харак-терланади. Бу ўхшашлик уларнинг бошқа жиҳатлари, биринчи навбатда, уй-жой қурилиши, хўжалик ҳаёти ва дафн маросимларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Тозабоғёб маданиятини шаклланишига олиб келган мураккаб этномаданий жараёнлар антропологик материалларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Андроново ва Сруб маданияти аҳолиси мутлақо протоевропеоидлардан иборат. Тозабоғёб аҳолиси таркиби эса, андронидлар ва Ўрта Ер денгизи типларининг қоришувидан ташкил топган<sup>2</sup>. Бу эса шимоли-шарқий минтақалардан Қадимги Хоразмга кириб келган ўзга этник гуруҳларнинг маҳаллий сувёрғанликлар билан қоришиб кетганлигидан далолат беради. Шунинг учун Тозабоғёб аҳолисини соф Андроново ва Сруб маданиятлари аҳолиси деб бўлмайди. Бу масалада, ўз вақтида академик Я.Ф. Ғуломов ҳам ўз мулоҳазаларини билдирган эди, яъни Сувёрған ма-даниятининг келиб чиқиш тарихий илдизларини Қалтаминор неолит ёдгорликла-ри билан боғлайди<sup>3</sup>. Унинг бу илмий қарашлари кейинги тадқиқотларда ўз таҳлил ва илмий талқинини топмоқда. Масалан, А.В. Виноградов Қалтаминор мадани-ятининг яқундовчи босқичига оид Қават 7 манзилгоҳи топилмаларини Қамишли мақошлари материаллари билан киёсий солиштириш асосида Я.Ф. Ғуломов қарашларини тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди<sup>4</sup>. Шунингдек, Қамишли ком-плексини таркиб топишида жанубнинг деҳқон жамоаларини маданий-хўжалик таъсири сезиларли бўлганлиги инкор этилмайди<sup>5</sup>. Сувёрған маданияти идишлари

<sup>1</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. Москва, 1977. С. 139–146.

<sup>2</sup> Трафимова Т.А. Череп из могильника тазабагыбской культуры Кокча 3. МХЭ, № V, 1961. С. 47–146.

<sup>3</sup> Гулямов Я.И. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т.: 1957. С. 51–54.

<sup>4</sup> Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. МХЭ, № 8, Москва, 1968. С. 172–177.

<sup>5</sup> История таджикского народа. Том I, Москва, 1963. С. 108–110.

орасида қорни чиққан, сиртига силлиқ жило берилган, қизғиш бўёқли, қисқа ва тор бўғизли идишларнинг ва биконик шакли идишларнинг пайдо бўлиши айнан жануб таъсирининг натижаси эди.

Агар, биз Андроново қабилаларининг Қадимги Хоразм ҳудудларида илк бор пайдо бўлиш сапасини Беруний келтирган маълумот асосида белгилайдиган бўлсак, у ҳолда прототуркий тилли қабилаларнинг илк бор Қадимги Хоразм ҳудудларига кириб келиши мил. авв. XIV асрда юз берган бўлиб чиқади. Айнан шу асрдан бошлаб прототуркий тилли Андроново жамоалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб нафақат қадимги Хоразмга, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларига кириб кела бошлайдилар.

Сирдарё қуйи ҳавзаларининг Тегискен мавзеида дашт чорвадорларининг бир қанча мозор-қўрғонлари очиб ўрганилган. Улар орасида чорвадор қабилалар сардорининг монументал мозор-қўрғони бўлиб, у шимолий Тегискен мозор-қўрғонлари таркибида бўлган<sup>1</sup>. Унинг материаллари сўнгги бронза даври маданиятини характерлайди (зарварақдаги 4-расмга қаранг). Бундан ташқари, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларида илк темир даврига тегишли жанубий Тегискен ва Уйгарак мозор-қўрғон комплекслари ўрганилган. Улар мил. авв. VII–V сак қабилалари маданиятини характерлайди.<sup>2</sup>

## VII. 2. Зарафшон водийси

Мил. авв. II мингйиллик ўрталарида Зарафшон водийсига кириб келган прототуркий тилли чорвадор қабилалар минтақада бошланган мунтазам иқтисодий ривожланишни издан чиқариб юбормаса-да, аммо сиёсий ва ҳарбий ҳукмронлик улар қўлига ўтгач, узоқ йиллар давомида Саразмдан бошланган урбанистик ривожланишни бутун водий бўйлаб вақтинча тўхтаб қолишига олиб келди. Унинг Зарафшон водийси бўйлаб кенг ёйилиши анча вақт кузатилмайди. Улар мавжуд археологик топилмаларнинг таҳлилига кўра, дастлаб, Зарафшоннинг қуйи ҳавзаларида туб жойли қабилалар (Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичи жамоалари) билан яқин, кўп қиррали алоқада бўладилар. Оқибат натижада, қуйи Зарафшонда энеолит ва бронза даврига тегишли Замонбобо маданияти (2-расмга қаранг) таркиб топади.

**а) Замонбобо маданияти.** Зарафшон водийсида топиб ўрганилган чўл минтақаларга хос моддий маданият обидалар комплексининг энг қадимгиси Замонбобо маданиятидир<sup>3</sup>. Бу маданиятга тегишли илк бор очилган ёдгорлик Замонбобо

<sup>1</sup> *Итина М.А., Л.Т. Яблонский.* Мавзолеи Северного Тегискена. Поздний бронзовый век Нижней Сирдарьи. «Восточная литература» РАН, Москва, 2001.

<sup>2</sup> *Вишневецкая О.А.* Культура сакских племен Низовьев Сирдарьи в VII–V вв. до н.э. по материалам Уйгарака. Изд. «Наука», Москва, 1973.

<sup>3</sup> *Гудимов Я.Г.* Археологические работы к западу от Бухарского оазиса (предварительный отчет о работе за 1950–1953 гг.). Труды Института истории и археологии АН Уз ССР, вып. VIII, Т.: 1956; *В.М. Массон.* Изучение энеолита и бронзового века Средней Азии. СА, 1957, № IV. С. 48–49; *Латыпин Б.А.* О южных границах ойкумены степных культур эпохи бронзы. СА, 1958, № III. С. 49–53.

кабрисони бўлиб, у 1950–1953 йилларда Я.Ф.Фуломов томонидан ўрганилди. 1961–1962 йилларда ушбу сатрлар муаллифи унга тегишли маконни топиб ўрганди.

Замонбобо маданиятининг келиб чиқиш тарихий илдизлари Калтаминор маданиятининг Зарафшон водийсига хос Дарвозақир вариантга бориб тақалади. Замонбобо маданиятининг сўнги Калтаминор маданиятига бориб тақалиши куйи Зарафшоннинг энеолит даврига тегишли Катта тузкон 35. Каптарни куми, Бешбулок ва Лавлякан манзилгоҳлари материалларида ҳам кузатилади. Замонбобо маконининг шимоли-шарқий бурчагида солинган шурфда, тақир сатхидан 160 см чуқурликда юпқа маданий қатлам борлиги аниқланган. У ердан топилган сопол идишлар лойининг таркиби ва тухумсимон идишлар шакли Замонбобо маданиятининг сопол буюмларини эслатар эди. Унинг шаклланишида Жанубий Туркменистоннинг Номозга IV маданияти ва Саразм маданиятининг хўжалик таъсири дастлаб катта бўлган.

Замонбобо қабристонидан 46 та қабрлар очиб ўрганилган, манзилгоҳда эса майдони 170 кв. метр бўлган ярим ертўла типигаги бир уруғ жамоасининг қўлбаси очилган. Ертўла ичида тўпланган маданий қатлам уч горизонтдан иборат бўлган. Уларнинг энг пастки горизонтдан топилган турли-туман археологик материаллар ичида қорамтир, ясси тубли сопол парчалари, юқори горизонт сополлари таркибида эса, қизғиш гишт рангли қўл чархида ишланган сопол парчалари учрайди.

Манзилгоҳ майдонидан бузилган ўчоқ ўринлари, уй-рўзгор буюмлари, хўжалик асбобларининг парчалари, терракота ва тош урчуктошлар, схематик антропоморф фигуралар, тош кели соплар, хонаки ва ёввойи ҳайвон суяк парчалари, қорайиб кетган бугдой ва арпа донлари, лой сувоқларда сомон излари, қўлбаси ва унинг ташқарисидан тош ёрғучоқлар, чақмоқтошдан ясалган қистирма ўроқ парчалари ва бошқалар топилган.

Замонбобо қабрлари айвонли лаҳад тузилишидаги мозорлар бўлиб, скелетларнинг оёқ-қўллари букланган, эркаклар ўнг ёни, аёллар эса чап ёни билан ёткизилган.

Қабристоннинг аёллар қабрларида сопол идишлардан ташқари, турли хил қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар, упа-элик буюмлари, бронза сурмадон, мис ойна, урчуктошлар, тошдан ясалган кели соплари, терракота аёл хайкалчаси ва олтин мунчоқлар, қизил ёки сариқ рангли оҳра излари, митти куракчалар: эркаклар қабрларидан эса, чақмоқтошдан ясалган лавра барги шаклида ишланган камон ўқ учлари, бронза пичоқлар, сопол идишлар топилган. Топилмаларнинг таркибига кўра, Замонбобо аҳолиси қўлтиқ деҳқончилиги ва хонаки чорвачилик билан шуғулланганлигидан далолат беради (2-расмга қarang).

Бироқ, бу маданият таркиб топган минтақанинг (жануби-ғарбий Қизилкум) табиий-географик шароити Замонбобо маданияти базасида суғорма деҳқончилик хўжалигининг ривожланишига, Замонбобода монументал меъморчилик ва деҳқончилик хўжалигининг устувор йўналишга айланишига олиб келмади. Турли хил этник маданиятлар қоришуvidан таркиб топган Замонбобо маданиятининг

иктисодий-хўжалик асосини чўл минтақалари такозо этган. Ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг илк босқичларига хос хонаки чорвачилик ва қўлтиқ деҳқончилик хўжаликларининг параллел ривожлантириш йўлидан борган эди.

Аммо, жануби-ғарбий Қизилқумнинг чорвачилик хўжалигини ривожлантиришга мослашган чўл шароити ҳамда бронза даврида бу ерга катта тўлқин билан кириб келиб, сиёсий ва ҳарбий ҳукмронликни қўлга киритган чорвадор уруғ жамоалари Замонбобо маданияти хўжалигининг деҳқончилик йўналишида ривожланишига имкон бермайди. Натижада Замонбобо маданияти аҳолиси мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида Ўрта Осиёга унинг шимоли-шарқий ҳудудлари томонидан кириб келган Евроосиёнинг чорвадор дашт қабилалари таркибига сингиб кетади.

**б) Зарафшон водийсида чорвадор дашт қабилалари макон топган мавсумий манзилгоҳлар.**

Сўнги бронза даврида Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудлари томонидан кириб келган даштлик Андроново қабилалари Қадимги Хоразм сарҳадлари билан чекланмади. Уларнинг катта гуруҳи бронза ва илк темир даврида Амударёнинг қуйи ҳавзаларидан жанубий Қизилқум орқали Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий ҳудудларига, Зарафшон водийсининг Моҳондарё хавзалари бўйлаб келиб ўрнашадилар. Улар таркибига бу заминнинг Замонбобо маданияти аҳолиси аста-секин сингиб кетади.

Андроново уруғ жамоалари тезда бутун Зарафшон водийси бўйлаб кенг тарқалади. Уларнинг моддий маданият излари Зарафшон водийсининг деярли барча ҳудудларида мавсумий манзилгоҳлар, қабристон ва ёлғиз қабрлар кўринишидаги ёдгорлик сифатида бизгача етиб келган.

Улар Қоракўл туманининг шимоли-ғарбий чегараларида, кўчма кумликлар оралаб ўтган Моҳондарёнинг Гужайли (Гурдуш) ўзани соҳилларида, Замонбобо кўлидан то Кичик тузкон, Катта тузкон ва Каптарни кумигача ёйилган тошқин сув чегараларида, шунингдек, Қашқадарёнинг Моҳондарё томон ирмоқ отган қуйи ўзанларининг Қумсултон чегарасигача чўзилган даштларда 30 та пунктда мавсумий манзилгоҳлар сифатида бизгача етиб келган<sup>1</sup>. Улардан бирида (Гужайли 9) ҳатто, маданий қатлам сақланган. Маданий қатламда сопол парчалари, чакмоқтошдан ясалган микролит меҳнат қуроллари, тош ёрғучок ва бронзадан ишланган бир тиғли пичок, бигиз ва ҳайвон суяклари учрайди. Манзилгоҳ майдонида учта ўчоқ ўрни қул қатлами билан топилган. Эҳтимол, айнан шу жойда чайла қурилган бўлиши мумкин.

Мавсумий манзилгоҳлар Кичик тузконда 2 та, Катта тузконда 4 та, Каптарни куми ҳудудида эса 4 та пунктда топилган. Чорвадор жамоалар сопол буюмлари

<sup>1</sup> Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана. // ИМКУ, Вып. III, Т.: 1962. С. 28–35; Ўша муаллиф. Археологическая поездка в северо-западную часть Каршинской степи. // ИМКУ, Вып. V, Т.: 1964. С. 28–36; Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первообытная культура в низовьях Зарафшана. Т.: 1966. С. 187–207.

Мохондарёнинг Газли ва Қамишли кудуклари оралиғида 4 та нуктада учратилган<sup>1</sup>. Мавсумий манзилгоҳлар Қашқадарёнинг Пойкент шаҳар харобаларигача яқинлашган қадимги ўзан бўйлаб 4 та пунктда топилган<sup>2</sup>.

Замонбобо кўлидан 3 км.лар чамаси шимолий-ғарбда, Моҳондарёнинг Гужайли ўзани ёқасида 1953 йилда Я.Ғ. Ғуломов томонидан 5 та қабрдан иборат бронза даври қабристонни ўрганилган. Уларда 5 та сопол идишлар, жез кўзгу, 40 дан ортиқ мрамардан ишланган цилиндр, биконик ва ромб шаклидаги мунчоклар, 20 та яқин биконик шаклидаги бронза мунчоклари териб олинган<sup>3</sup>. Қабрларда ётган скелетларнинг деярли барчаси аёлларга тегишли, ғужанак ҳолатда, чап бикини билан ётқизилган, бошлари эса ғарбга қаратилган. Қабрларда ашёвий далиллар жуда кам, битта ёки иккитадан илон бошли бронза билагузук, саккиз рақами шаклидаги сирға, мис ва тош мунчоклар ва ҳар бир қабрда ётган скелет бош чаноғи яқинида биттадан сопол идиш топилган<sup>4</sup>. Идишлар сирти чизма нақшлар билан безатилган. Безаклар чизма ва чекич гулли услубда эгри ва кесилган чизиклар каторидан, арчасифат тик ва эгри қиска чизиклардан то очик ва ёпик учбурчак, мураккаб меандрлар, ичи чизиклар билан қопланган ромб ва томчи гулли нақшлар композициясидан иборат (19-расм).

Бронза даври чорвадор уруғ жамоаларига тегишли яна бир қабр 1958 йилда антик даври ёдгорлиги – Қизилқир I паҳса деворлари остидан топилган. Қабр жуда бой бўлиб, саккиз рақам шаклида бронза балдоқ, скелетнинг кўкрак қисмидан сон-саноксиз олтин ва қимматбаҳо тошлардан ишланган мунчоклар ва қабрнинг ғарбий қисмида 2 та сопол идиш топилган<sup>5</sup>.

Бронза даври манзилгоҳлари Зарафшоннинг ўрта оқими хавзаларидан (Новқатепа, Сазагон 2), Самарқанддан Қаршига олиб борувчи Жом дашт йўли адирларидан 1994–2002 йиллар оралиғида (Галашерик қабристонини) топиб ўрганилган<sup>6</sup>. Қабристонда 4 та қабр очилган. Қабрларда скелетлар ғужанак ҳолатда, ўнг томони билан ётқизилган. Уларнинг бош чаноғи ғарбга қаратилган. Қабрлардан бирида (қабр 1) ўроқсимон бронза қуроли, дисксимон бронза кўзгуси ва баргсимон шаклли бронза тўғноғич топилган<sup>7</sup>. Иккинчисида (қабр 2) кулолчилик чархида ясалган шарсимон хурмача, дастаси ва кўзгуси айланаси бўйлаб нақшланган бронза ойна ва шохдор оху хайкалли бронза тўғноғич, бўғзи остида иккита те-

<sup>1</sup> Гулямов Я.Ғ. и др. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Т.: 1966. С. 187.

<sup>2</sup> Гулямов Я.Ғ. и др. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Т.: 1966. С. 194–196.

<sup>3</sup> Гулямов Я.Ғ. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. // Тр. ИИА АН УЗ. ССР, Вып. VIII, 1956. С. 157.

<sup>4</sup> Гулямов Я.Ғ. Первобытная культура. .... С. 188–189.

<sup>5</sup> Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Еркулов А. К вопросу о культурной принадлежности **жамских древностей** эпохи палеометалла. «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарканд–Бишкек, 2005. С. 13–15.

<sup>6</sup> Там же. С. 13–15.

<sup>7</sup> Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Еркулов А. К вопросу о культурной принадлежности **жамских древностей** эпохи палеометалла. «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарканд–Бишкек, 2005. С. 15.



19-расм. Бронза даври дашт қабилалари маданияти мажмуаси.

шикли биконик шаклида яна бир сопол идиш учратилган. Учинчисида (қабр 3) дисксимон бронза кўзгуси, чакмоктошдан ишланган пайкон, бир қанча чархда ясалган сопол парчалари учратилган. Тўртинчисида (қабр 4) бир неча дағал сопол парчалари, бронзадан ишланган билагузуклар ва мунчоклар, карнайгул шаклида ишланган 2 та бронза балдоқ топилган. Қабрларда ётган скелетлар ғужанак ҳолатда, ўнг томони билан ётган. Уларнинг бош чаноғи ғарбга қаратилган.

Галашерик қабристонини археологик материаллар комплексига кўра, олатдаги бир уруғ жамоаси қабристони эмас. Бу жойда турли этник гуруҳлар вакиллари-нинг қабристони бўлса керак. Биринчи қабр материаллар таркибига қараганда (ўроқ тигисимон қурол ва қизғиш ангибли сопол парчалари) Кўктепа I топилмаларини эслатади. Иккинчи қабр айнан Сополли маданиятининг мўлали босқичи топилмаларининг (дастали бронза кўзгуси нақшлари) даштлаштирилган вариантини ўзгинаси. Учинчи мазорга тегишли ашёвий далиллар эса (чакмоктош пайкон, қўл чархида ясалган ғишт рангли сопол парчалари) Замонбобо ёки Тўқайли манзилгоҳининг қадимги деҳқончилик маданияти билан боғлиқ этник илдиридан гувоҳлик беради. Тўртинчи қабр айнан дашт қабилалари маданиятига тегишли бўлган.

Шундай қилиб, Жом қишлоғининг Галашерик қабристони ҳамда унинг тева-рак-атрофидан топилган бронза меҳнат қуроллари, тақинчоклар ва сопол парчалари Жом қишлоғи қадимда савдо қарвон йўлида қад кўтарган қарвонлар тўхтаб ўтадиган жой бўлганлигидан далолат беради. Бу жойдан топилган ашёвий далиллар уч хил этник гуруҳларга тегишли бўлиб, улар ўртасида узок асрлар давом этган иқтисодий ва маданий алоқалар ҳақида гувоҳлик беради.

Самарқанд шаҳридан 9 км.лар чамаси ғарбда, Зарафшон дарёсининг соҳилидан 1975 йилда Чакка қабристони топилган<sup>1</sup>. Бу ерда 4 та қабр бўлиб, уларнинг иккитаси бу жойда ер қазийётган бульдозерчилар томонидан бузиб ташланган. Қолган иккитаси аёлларга тегишли бўлиб, уларнинг бирида (қабр 2) марҳуманинг бош томонида 2 та сопол идиш, олтин суви юргизилган бештадан спиралсимон бронза кокила, билак суякларидан учтадан, ҳаммаси бўлиб 6 та билагузуклар, скелетининг белида юпка ялпоқ тасмасимон бронза парчалари (букилган ҳалкачалар) тизмасидан иборат белбоғ ва скелетнинг болдир суяги атрофида (ўнг оёқда 38 та, чап оёқда 41 та) майда бронза мунчоклар топилган. Иккинчи қабрда (қабр 3) марҳума бош томонида 2 та сопол идиш, бош чаноғи устида олтин суви юргизилган 6 дона спиралсимон безаклар, бош чаноғининг остидан эса, олтин суви юргизилган ичи ғовак ҳалқа, скелет қовурғалари ораларидан 3 та чиғанок, холшедондан ясалган квадрат шаклидаги маржон, 2 та ялпоқ цилиндр шаклидаги ложувард ва 1 та эллипсимон шаклдаги ақиқ мунчок, тоз суяги ва умуртқа суякларини устида бронзадан ишланган мунчоклар, бел суякларини устида икки қатор тасмасифат мунчок шодаси, болдир суягининг атрофида, ҳар иккала оёқда 82 тадан икки шода мунчок тизмаси, улар орасида ромб шаклида ишланган 2 та бронза тумор-тақинчок, марҳуманинг билакларидан, ҳар бирида тўрттадан

<sup>1</sup> Жўрақулов М., Аванесова Н.А., Амиркулов Б.А. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд. 1994. – 107-111-бетлар.



билагузуклар учратилган. Қабрлардан топилган сопол буюмларнинг туваксимон шакллари ва улардаги учбурчак, синиқ чизиқлар ва меандр гулли нақшлар эса дашт кабилаларининг Андроново маданияти, аниқроғи, Қадимги Хоразмнинг Тозабоғёб сополларини эслатади. Шунингдек, юқорида тавсифи келтирилган қабр материаллари таркибига қараганда, Чакка қабристонни худди Қизилкир I ёлғиз мозори сингари чорвадор кабилаларнинг орий аслзода аёлларига тегишли бўлган бўлиши мумкин.

1977 йилда Афросиёб тепалигининг шарқий дарвозаси яқинидан Сиёб ёқасидан оёқ-қўллари букланиб, чап бикини билан ётган аёл скелети топилади. Унинг бош чаноғининг қулоқ қисмида бир жуфт саккиз сонига ўхшаш бронза балдоқ, қўл суякларида бронза билагузуклар, бармоғида бурама кўзли узук, бўйин бўшлиғи ва кўкрак қафасида феруза, ақиқ ва гилтошдан ясалган мунчоқлар сочилиб ётган. Бош чаноғи яқинидан дашт кабилаларига хос сопол идишлар топилган. 1987 йили Самарқанд шаҳридан 16 км шарқда Тўқайли манзилгоҳи топилиб, унинг Зарафшонга тугаш майдонидан, 2,4 м. чуқурликда деворлари тошдан ясалган ертўла-кулба учратилган. Ертўла ичида сақланган маданий қатлам 70 см.гача боради<sup>1</sup>. Ертўла ичи чорвадор дашт уруғ жамоаларига хос ашёвий далилларга тўла бўлган. Ертўладан 20 м. наридан металл эритиш қўраси ҳам топилган. Қўра деворлари тошқолга айланган. Қўранинг атрофи мис тошқоллар, оксидланган руда қолдиқлари, металл эритиш қозонларининг парчалари, тош болға ва ҳовонча дасталарининг синиқлари, рудани майдалаш учун гранит тагтошлари, рудани янчиб майдаловчи тош қуроқлар топилган<sup>2</sup>. Тўқайли археологик комплексида даштликлар маданиятига хос суякдан ясалган тўқа ҳам бор. Тўқайли сопол парчалари орасида даштликларнинг дағал, қўлда ясалган идиш парчалари орасида чархда ясалган сопол синиқлари ҳам учрайди. Бу ҳолат чорвадор туркий тилли даштликларнинг Зарафшон водийсининг суғдийзабон қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари билан илк бор араланиб, қоришиб янаи бошлаганликларидан далолат беради.

Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ҳудудий доирасидан аجدодларимизнинг Сайғус (1980 йилда) ва Мўминобод<sup>3</sup> (1965 йилда) номлари бронза даври қабристонлари топилган. Сайғус мазоридан аёл скелетининг билак суягида бронза билагузуклар, кўкрак суяги устида, оёқларида бронза мунчоқлар, жез ойна ва бош чапоғи яқинида сопол тувакча топилган<sup>4</sup>. Мўминобод қабристонидан эса 5 та мазор очилган. Қабрларга скелетлар бир ёни билан, оёқ-қўллари букланган ҳолатда, боши ғарбга қаратилиб кўмилган эди. Ҳар бир қабрда скелетларнинг бош томонида 2–3 тадан сопол идишлар учратилган. Бир қабрда аёл бош

<sup>1</sup> Жўрақулов М.Ж. ва бошқалар. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд, 1994. 111-бет.

<sup>2</sup> Жўрақулов М.Ж. ва бошқалар. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд, 1994. 112–113-бетлар.

<sup>3</sup> Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде. ИМКУ, вып. 8, Ташкент, 1968, с. 56–62.

<sup>4</sup> Жўрақулов М.Ж. ва бошқалар. Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд, 1994. 165-бет.

чаногининг кулоқ қисмида карнайгул шаклида ишланган бронза балдоқ, мозор майдони бўйлаб майда мунчок подалари сочилиб ётган. Қабрнинг бир жойида 7 та бронза билагузук бир-бирларига қоришиб кетган. Улар буғдой поядан тўқилган саватчада бўлиб, мархуманинг бисотидан бўлган. Мозорларнинг бирида тош ёргучоқ, бошқа бирида яна карнайгул шаклида ишланган олтин балдоқ, бошқа шундай олтин балдоқ скелетнинг бурун тешигида бўлган. Унинг хар иккала қўл суяклариди учтадан бронза билагузук, оёқ суяклари устида цилиндр ва биконик шаклидаги бронза мунчоклардан иборат маржонлар шодаси топилган. Мархума скелети қўйма бронза мунчоклар билан қопланган бўлиб, улар кийимга ип билан қадаб чиқилган гул вазифасини ўтаган. Чунки, уларнинг тешигида чириган ип қолдиқлари сақланган. Ушбу қабрда ётган мархума скелетининг чап кўкрак бўшлиғидан (бу унинг кийимидаги чўптак ўрни бўлса керак) суякдан ишланган мусиқа асбоби – най топилган. Найнинг ўрта қисмида ромб шаклида тешикчаси бор. Тешикча ўткир тигли қурол билан кесилган. Унинг икки учи қияроқ кесилиб, устига ойнадек силлиқ сайқал берилган. Най тешикчалари атрофида тиниқ қизил ранг излари учрайди. Бу най Ўрта Осиё ҳудудида бронза даври ёдгорлигида илк бор топилган мусиқа асбоби бўлиб, уни биринчи санъат асбоби сифатида илмий аҳамияти бекиёсдир. Қабр ашъвий далиллари орасида бронзадан ясалган билагузуклар аксарият кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг учлари илон боши сифат шаклида ишланган. Олтин суви берилган карнайгулли сирғалар Жанубий Сибир ва Қозоғистон даштларининг чорвадор қабилалари мозорларида кенг кўламда учрайди<sup>1</sup>. Бундай шаклдаги сирғалар Андроново маданияти учун характерлидир.

Мўминобод қабристонидан топилган одам бош чаноклари Ўрта Осиёнинг неолит ва энеолит даври одамлари билан генетик жиҳатдан яқин эканлигини кўрсатади<sup>2</sup>. Чунки, ўрганилган бош чаноклар узунчоқ овал шаклида, уларнинг юз тузилиши ҳам узунчоқ ва ўртача қирра бурун ҳамда бодомқовокли бўлиб, бу тип Замонбобо ва Чуст маданиятлари одамларига хосдир. Европоид irqининг Андронид типни эса, улардан фақат думалоқ бош чанокли эканлиги ва қўй кўзлиги ҳамда жуссасининг катталиги билан фарқ қилади. Неолит даври Калтаминор маданияти ва бронза даври Сополли маданияти аҳолисининг бурни учи учли тик қирра бурунли бўлган. Қадимги туб жойли аҳолининг учи учли тик қирра бурунликдан ўртача қирра бурунликка ўтиши Андронид типининг этник қоришув таъсири бўлиши керак. Чунки, Мўминобод мозорларига қўйилган артефактлар мутлако Андроново маданияти ашъвий далиллари эди. Мўминобод қабристонининг палеоантропологик материаллари мисолида кузатилган бу далиллар икки этник гуруҳ одамларининг илк бор қоришувидан нишона эди.

<sup>1</sup> Грязнов М.П. Погребения эпохи бронзы в Западном Казахстане. Материалы особого комитета по обследованию союзных и автономных Республик АН СССР. Вып. XI. Ленинград, 1927. Рис. 25, 7; Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. // МИА 88, 1960. табл. XXVII; Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Москва, 1951. С. 80.

<sup>2</sup> Аскарлов А. Могильник эпохи бронзы в Муминабаде. КСИА АН СССР, Вып. 122. Москва, 1970. С. 65.

Таниқли антрополог Т.А. Трофимова Тозабогёб маданиятига тегишли Кўкча 3 қабристони антропологик сериясини ўрганганда, унинг ичида Андроново маданиятига хос протоевропеоидлар билан Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисига хос Ўрта Ер денгизи тили аралаш учраганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Буларнинг барчаси бир томондан, Ўрта Осиё бронза даври маданиятлари аҳолисининг этник таркиби қанчалар мураккаб эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, турли этник гуруҳлар ўртасида иқтисодий хўжалик ва этномаданий алоқаларнинг кўлами кенгайиб, чуқурлашиб бораётганлиги хақида тахлилий хулосаларга олиб келади, яъни ўзбек халқи этногенезининг бошланиши бронза даврига бориб тақалишига асос беради.

Ўзбек халқи этногенезининг илк босқичларига хос антропологик тип элементлари Дашти-Қазо қабристони топилмаларида ҳам ўз аксини топган. Дашт қабилаларининг маъдан конларига бўлган ҳаётий эҳтиёжи юқори Зарафшонда очилган мис ва кўрғошин конлари яқинида, Дашти-Қазо деб аталмиш нуқтада, Андроново уруғ жамоаларини макоп топишига олиб келган.

Дарҳақиқат, Зарафшон тоғ тизмаларининг водийга яқин жойида, қадимдан Канчач, Ёри ва Жилау полуметалл конлари мавжуд бўлиб, археологик маълумотларга кўра, ана шу маъдан конлари энеолит ва бронза даврида Саразм металлургия марказини таркиб топишига олиб келган. Қадимги Саразм аҳолисининг анъанавий машғулоти деҳқончилик бўлиб, улар Отчопар сойи ҳосил қилган Ойимкўл атрофида зироатчилик билан шуғулланганлар. Ойимкўлнинг шимоли то Зарафшон дарёсининг соҳилига қадар бободехқонларнинг экин майдонлари бўлиб, кейинчалик бу жойларда ўзбек ва тожикларнинг ёнма-ён ва аралаш Авазали, Гурач ва Соҳиб Назар қишлоқлари қад кўтаради. Уларнинг жанубий ва шарқий қисмида адирликлар бўлиб, бу жойлар Авазали ва бошқа қишлоқ аҳолисининг лалмикор деҳқончилик далалари бўлган. Ана шу адирликлар майдонида энеолит ва бронза даврларида бободехқонларнинг қишлоқлари жойлашган. Бу жойлар қадимда «Сари-замин» аталиб, ёдгорлик суғдча «Саразм», яъни Зарафшон дарёси водийсининг бошланиши маъносини аңлатган.

Саразм металлургия марказларининг доврўғи нафақат жанубий минтақалар, балки шимолий чорвадор жамоаларигача етиб боради.

Мил. авв. II мингйиллик ўрталаридан Евроосиё чорвадор орийларининг жанубга миграцияси муносабати билан бу маъдан конлари улар кўлига ўтиб, Дашти-Қазода, яъни бевосита конлар яқинида чорвадор орийларнинг мапзилгоҳлари ва қабристони пайдо бўлади. Ана шу тарихий воқеликлардан ёдгорлик сифатида бизгача маъдан конида ишлаган тутқунларнинг қабристони сақланиб қолган.

1987 йилда Дашти-Қазо қабристонида 27 та қабр очилади<sup>2</sup>. Ҳар бир қабрда 1 та, баъзан 2 тадан, ҳатто 3 киши кўмилган эди. Бир қабрда бир вақтни ўзида кўмилган 7 кишини скелетлари учратилган. Эҳтимол, 3 ёки 7 кишилиқ қабрлар

<sup>1</sup> Трофимова Т.А. Древнее население Хорезма по данным антропологии. МХЭ, Вып II. Москва, 1959. С. 15–29.

<sup>2</sup> Исаков А., Потемкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане. // СА. 1989. № I. С. 145–167.

конда юз берган ўпирилиш вақтида ўлганлар билан боғлиқдир. Одатда жамоавий қабрларда болалар скелети ҳам учрайди. Аммо, Дашти-Қазода эса қабрга қўйилган скелетлар фақат қатта ёшдагиларга тегишли бўлган. Боз устига, 7 киши кўмилган 25-қабрда биронта ҳам ашъвий далиллар учратилмаган. Қолган қабрлардан даштликлар маданиятига тегишли бир донадан оддий сопол идиш, мархумани шахсий тақинчоқлари: бронза билагузук, оддий мунчоқ ва сирға, паста мунчоқлар топилган<sup>1</sup>. Дашти-Қазо сополарида қўлда ясалган соф Андроновно маданияти сополлари орасида кулолчилик чархида ясалган Сополти маданиятининг мўлали боскичига доир хурмача учратилган<sup>2</sup>. Бу сопол ва бронзадан ишланган тақинчоқлар тахлилига кўра, бу қабристонни мил. авв. XIII–XI асрлар оралиғи билан даврий санасини белгилашга имкон беради.

Дашти-Қазо қабристониди 25-қабр, уни ўрганган муаллифларнинг таъкидлашича, дафн удумлари билан бошқа қабрлардан фарк қилади, яъни қабр устига диаметри 2,3м. айлана шаклида тош ғов қилиниб, қабр устига Зарафшон дарёси тошларидан 2 қатор қилиб териб чиқилган. Қабр лаҳади майдаланиб кетган кўмир, бўр ва қизғиш оҳра бўлакчалари аралаш туپрок билан тўлдирилган. Қабр устидаги тош қурилма очилгач, қабр айвони ашъвий далилларга бойлиги, аммо, суяклари эзилган аёл кўмилганлиги аниқланди. Қабрнинг чуқурроқ шарқий лаҳад қисмида чап ёнбоши билан букчайтириб ётқизилган 7 та скелет топилган. Уларнинг тоз суяклари ва оёқлари остида кўмир, бўр ва қизғиш оҳра бўлакчалари кўплаб учрайди<sup>3</sup>.

Ушбу қабрга хос яна бир жиҳат шундаки, 7 киши кўмилган қабрга ашъвий далиллар қўйилмаган. Антрополог Т.К. Хўжаев бу қабрда ётган скелетларнинг учтаси (№ 2, 7, 8) аёлларга тегишли бўлиб, улар антропологик тип жиҳатидан қадимги Ўрта Ер денгизи типига, қолган скелетлар (3, 4, 5, 6-қабрлар) эркакларга тегишлилиги аниқланди. Уларнинг иккитаси (3, 5-қабрлар) андронид. қолган иккитаси (4, 6-қабрлар) Ўрта Ер денгизи типига киришини аниқлаган<sup>4</sup>.

Антропологик материалларнинг тахлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, қонлар мил. авв. XIII асрда Зарафшон водийсига кириб келган туркий тилли чорвадор орийлари томонидан уларнинг эгалари саразмликлардан тортиб олиниб, уларни қонда ишлашга мажбур этадилар. Қонда юз берган ўпирилиш туфайли бирдан 7 киши ҳалок бўлади. Улар орасида 2 киши орииларнинг хизматидаги мулксиз оддий туркий уруғ жамоаларидан бўлиб, уларнинг қисмати ҳам тутқин саразмлик қон ишчиларидан фарк қилмаган.

### VII. 3. Тошкент воҳаси

Бронза даврида қадимги Хоразм ва Зарафшон водийси ҳудудларига кириб келган шимолнинг туркий тилли чорвадор дашт қабилалари, ўз навбатида, Тошкент воҳасига ҳам кириб келадилар. Уларнинг моддий маданият излари илк бор

1 Исаков А., Потемкина Т.М. Могиляник эпохи бронзы в Таджикистане. Т. СА. 1989. № I. С. 147–157.

2 Там же. С. 163.

3 Там же. С. 159–160.

4 Там же. С. 160.

1898 йилда Чирчиқ дарёсининг юқори ҳавзасида, Чимбойлик қишлоғидан топилиб, бу топилма Тошкент тарих музейи коллекциясида Чимбойлик хазинаси сифатида сақланади<sup>1</sup>. Хазина таркибида 4 та топилма бўлиб, улар зўғотали бронза болта, икки тиғли баргсимон пичоқ, тўрт қиррали мис бигиз ва бронза ёмбилардан иборат<sup>2</sup>. Топилмалар Тошкент тарих музейи коллекциясига қабул қилиниб. «Чимбойлик хазинаси» сифатида музей фондида сақланади<sup>3</sup>.

М.Э. Воронецнинг тахмин қилишича, Чимбойлик хазинаси топилмалари қадимги мозор-қўрғонга тегишли бўлган. 1945 йилда «Чимбойлик хазинаси» изидан борган музей археологлари Турди Мирғиёзов ва М.Э. Воронецлар экин даласига айланган қадимги қабристон майдонида изланишлар олиб бориб, бронза билагузук топишга муяссар бўладилар<sup>4</sup>. Шунингдек, улар аҳоли орасида сўров ўтказиб, Юқори Чирчиқ ҳудудидаги Обираҳмат руда қонида портлатиш ўтказиш вақтида яна бир қабр топилгани, қабрдаги скелет қўл суякларида 4 та бронза билагузуклар бўлганлигидан хабар топадилар<sup>5</sup>. Музей коллекциясида сақланаётган бу уч комплекс топилмалар М.Э. Воронец томонидан мил. авв. III мингйилликнинг охири ва II мингйилликнинг бошларига тегишли деб топилган<sup>6</sup>. Аммо, улар билан танишиш жараёнида, уларнинг барчаси сўнгги бронза даврига тегишли экани, яъни йил санаси мил. авв. XII–XI асрлар эканлигини қайд этиш мумкин. Чимбой пичоғига ўхшаш икки тиғли бронза пичоқнинг тиғ учи Тошкент вилоятининг Ўртасарой қишлоғидан ҳам топилган<sup>7</sup>.

1927 йилда Тошкент шахрининг ўша кезларда «Никифоров ерлари» деб юритилган шарқий четидан муҳандис И.А. Анбосв ер қазиш ишлари туфайли бузилган қабрдан чиққан битта сопол идишни қўлга киритиб, Тошкент шаҳридаги Тарих музейи фондига топширади. Қабрдан топилган бу сопол идиш бронза даври дашт чорвадорларига тегишли эканлиги шак-шубҳасиздир<sup>8</sup>. 1937 йили Т.Г. Оболдуева Чирчиқ дарёсининг Янгийўл шаҳри яқинидаги сак қабиалари тупроқ қўрғонларида қазишмалар олиб бораётганида, қўрғон № 3 остидан бронза даврига тегишли қабрга дуч келади. Шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа чўзилган овал шаклидаги қабрда, чамаси 9–10 ёшли ўғил бола оёқ-қўллари букилган, боши жанубий-

<sup>1</sup> *Оболдуева Т.Г.* Погребения эпохи бронзы в Ташкентской области. КСИИМК, Москва, 1955. Вып. 59. С. 147.

<sup>2</sup> *Воронец М.Э.* Браслеты бронзовой эпохи Музея истории АН Уз.ССР. «Тр. Ин-та истории и археологии АН Уз.ССР», т. I. Т.: 1948 г.; *Оболдуева Т.Г.* Ўша асар, рис. 62, 5, 6, 7.

<sup>3</sup> *Воронец М.Э.* Браслеты бронзовой эпохи Музея истории АН Уз.ССР. «Труды Института истории и археологии АН Уз.ССР» том I. Т.: 1948. С. 69; *Оболдуева Т.Г.* Погребения эпохи бронзы в Ташкентской области. КСИИМК, вып. 59. С. 147, рис. 62, 5, 6, 7. Москва, 1955.

<sup>4</sup> *Мирғиёзов Т. и Воронец М.Э.* Дневник археологической рекогносцировки в верховьях р. Чирчиқ и по ее правому притоку Чимбайлик. Рукопись Музея истории АН Уз.ССР. С. 12.

<sup>5</sup> *Воронец М.Э.* Браслеты бронзовой эпохи Музея истории АН Уз.ССР. «Труды Института истории и археологии АН Уз.ССР» том I. Т.: 1948. С. 65–66, рис. 1.

<sup>6</sup> *Воронец М.Э.* Там же. С. 69.

<sup>7</sup> Археологическая коллекция с Ташкентского канала. Сборы Музея истории АН Уз.ССР: *Оболдуева Т.Г.* Погребения бронзовой эпохи. Рис. 62, 8.

<sup>8</sup> *Зубруева А.В.* Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья. ВДИ № III, Москва, 1946. С. 186–187, рис. 4.

шарққа қаратилиб, ўнг биқини билан ётар эди. Унинг бош чаноғи яқинига чорвадор дашт қабилалар маданиятига тегишли битта сопол идиш қўйилган. Идиш остида олов излари бор, унинг ичи эса моғор босган. Эхтимол, марҳумнинг уруғдошлари дафн урф-одадларига кўра, идишда бўтқа пишириб, идишни овқати билан қабрига қўйган. Скелет оёқ суякларининг тўпиқ қисмида кизил ранг излари сақланган<sup>1</sup>. Ушбу қабр нафақат Тошкент вилоятида, балки бутун Ўрта Осиёда илмий асосда археолог томонидан илк бор очилган қабр эди.

1940 йилда А.И. Тереножкин Тошкент қапалини қазини вақтида археологик назорат олиб бориб, Орехово қишлоғидан шарқроқда канал трассасида очилган қабрдан топилган иккита сопол идишни қўлга киритади. Бирок, хашарчилар бузиб ташлаган қабрда ётган одам скелетини ётиш ҳолатини кузата олмаган. Аммо, ҳар иккала сопол идиш ҳам бронза даври дашт қабилалар маданиятига тегишли бўлиб, идишларнинг сиртига, бўғзи ости бўйлаб синиқ чизикли нақшлар солинган<sup>2</sup>. Ҳудди шакли шуларга ўхшаш сопол идиш, лекин нақшсиз Охангарон дарёсининг ўнг соҳилидан, Тошкент каналидан юқорироқда топилган<sup>3</sup>. Бу топилмаларнинг барчаси шимол даштликларининг Андроново маданиятига тегишли эди. Шунинг учун улар Қадимги Хоразмнинг Тозабоғёб маданияти<sup>4</sup>, Жапубий Сибирь<sup>5</sup> ва Қозоғистон даштларининг чорвадор қабилалар маданияти сополларига ўхшаб кетар эди<sup>6</sup>.

Шу тоифадаги сопол идишлар туркумига 1947 йилда М.Э. Воронец томонидан Вревский темир йўл бекати яқинидан топилган сопол парчаларини ҳам киритиш мумкин. Бу сопол парчаларидаги нақшлар бир томондан, Янгийўл шаҳри яқинидан топилган идишларни эслатса, иккинчи томондан, улар Тозабоғёб маданияти сополларини<sup>7</sup> ва Волга қуйи ҳавзаларининг Сруб маданияти сополларига айнан ўхшаб кетар эди<sup>8</sup>.

1954 йилда Бурчмулла қишлоғи атрофининг бир жойдан 6 та бронза буюмлар топилади. Улар 4 дона икки парракли зўғотали пайконлар ва 2 дона бўртма нақшли жез безак парчалари эди. Безакларда тасмага қадаш миҳчаси ҳам сақланган. Бу «Бурчмулла хазинаси»ни ўрганган А.И.Тереножкин уларни даврий санасини мил. авв. II–I мингйилликлар оралиғи билан белгилаб, улар Андроново

<sup>1</sup> *Оболдуева Т.Г.* Погребения эпохи бронзы в Ташкентской области. КСИИМК. вып. 59, Москва, 1955. С. 145.

<sup>2</sup> Там же. С. 146.

<sup>3</sup> Там же. С. 146.

<sup>4</sup> *Итина М.А.* История степных племен Южного Приаралья. Москва, 1977, рис. 65.

<sup>5</sup> *Грязнов М.П.* История древних племен Верхней Оби. Москва–Ленинград, 1956. табл. III.

<sup>6</sup> *Грязнов М.П.* Погребения бронзовой эпохи в Западном Казахстане. Сборник «Казакки». вып. № XI, Ленинград, 1927. Рис. 19,2; *Сорокин В.С.* Могильник бронзовой эпохи Тасды-Бутак I в Западном Казахстане. Москва–Ленинград, 1962. Табл. LVII, 85, 86, Табл. LVIII. 100–108; *Черников С.С.* Восточный Казахстан в эпоху бронзы. Москва–Ленинград, 1960. Табл. XI. Табл. XLI.

<sup>7</sup> *Толстов С.П.* Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма. В. III. № 1, 1946, рис. 3. Его же. Древний Хорезм. Москва, 1948. С. 67, рис. 6, Табл. 17, 5–9; *Итина М.А.* Могильник бронзового века Кокча III. Москва, 1961. Рис 18, 19, 20.

<sup>8</sup> *Мерперт Н.Я.* Раскопки в Нижнем Поволжье. «Памятники эпохи бронзы юга Европейской части СССР. Киев, 1967. С. 89, рис. 4, 5.

маданиятига тегишли, деган хулосага келган<sup>1</sup>. Икки парракли зўғотали пайконлар Андроново маданияти ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>2</sup>. Бўстонлик тумани Юқори Чирчиқ хавзасида, маҳаллий аҳоли хўжалик ер ишлари билан шуғулланаётган вақтида қадимги қабрга дуч келади. Афсуски, археологлар қабр топилмаларидан фақатгина биконик шаклли бир неча бронза мунчоқларни аҳолидаш олишга мурассар бўладилар. Бундай хилдаги мунчоқлар худди «Бурчмулла хазинаси» топилмалари каби, аслида чорвадор дашт қабилалар маданиятига хос бўлиб, улар Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Жанубий Сибир Андроново маданияти ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>3</sup>.

Чорвок сув омборини қурилиши муносабати билан сув остида қолиб кетиши мумкин бўлган ёдгорликларни ўрганиш мақсадида 1964 йилда Ю.Ф.Буряков бошчилигида археологик қутқарув гуруҳи тузилади. Гуруҳ Чотқол сойининг қуйи хавзаларида, Бурчмулла қишлоғи ҳудудида бир неча мозор-қўрғонлар топади. Қўрғонлардан бирининг тупроқ уюми орасидан Андроново маданияти сопол парчалари учратилади<sup>4</sup>. 1965 йили Х.И.Дуке кидирув отряди таркибида Қўрғон № 2 тупроқ уюми остидан ҳар хил даврларга оид ўғирланган қабрларни очади. Қазилма давомида чириб қуқунга айланган суяк парчалари орасидан икки парракли зўғотали бронза пайкон топилади. Қазилган мозор-қўрғонлар орасида қўрғон № 5 сақланиши жиҳатидан бошқалардан фарқ қилиб, қабр бўйлаб сочилиб ётган одам суяклари орасидан кийим-бошга осиладиган шилдиरोқли кумуш туморлар, кумуш билағузук, бронза сирғалар ва паста мунчоқлар топилади. Кумуш тумор юзаси бир-бирларига учи билан параллел икки қатор учбурчак шаклида чекма услубда ишланган. Улар ости бўйлаб бир неча қатор дур қадалган. Шилдиरोқли кумуш тумор безагига қараганда, улар аслзода аёл бош кийимидан далолат беради. Ушбу топилмалар таркиби ва улардаги нақш услубига кўра, Бурчмулла мозор-қўрғонлари илк темир даври сак қабилалари маданияти комплексини эслатади, нақшлардаги композиция илдизлари эса Андроново маданияти анъаналарига бориб тақалади<sup>5</sup>.

Тошкент вилояти ҳудудидан топилган яна иккита бронза пичоқлар бўлиб, уларнинг топилган жойи ва йили номаълум. Аммо, улар Тошкент шаҳар тарих музейи коллекциясида сақланади. Бу пичоқлар ҳам «Чимбойлик хазинаси» пичоғи каби икки тигли, қуйма металл дастали бўлиб, уларнинг келиб чиқиш тарихий илдизлари Евроосиё дашт қабилалари маданиятига бориб тақалади.

<sup>1</sup> Тереножкин А.И. Клад андроновских бронзовых предметов из с. Бурчмула близ Ташкента. СА № III, 1962. С. 270–281.

<sup>2</sup> Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Т.: 1991. С. 38–47, рис. 40.

<sup>3</sup> Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Т.: 1991. Рис. 1, 33; Рис 3, 27, 37; Рис 5, 27; Рис 61; Кузьмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века в Средней Азии. Москва, 1966, табл. XV, рис. 3, 4, 6, 10, 11.

<sup>4</sup> Древности Чарвака. Т.: 1976. С. 36.

<sup>5</sup> Буряков Ю.Ф. Культурно-хозяйственные процессы в контактной зоне древнего Яксарта. «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарканд–Бишкек, 2005. С. 173.

Тошкент воҳасида шимолий дашт чорвадор кабилаларининг излари нафақат воҳанинг дашт ҳудудларида, балки тоғли минтақаларида ҳам учрайди. Ушбу сатрларнинг муаллифи 2009 йил баҳорида Ўралитепа ёдгорлигини казишда қатнашиб, Эртош қишлоғининг ҳозирги замон қабростонидан топилган, дашт чорвадорлар маданиятига тегишли бронза буюмлар билан танишишга муяссар бўлди. Эртошлик қишлоқ гўркови янги қабр казиш вақтида, ер сатҳидан яқин 2 м. чуқурликда оёқ-қўллари букланган скелетга дуч келади. Скелет бош томонида иккита сопол идиш бўлган. Скелет қўл суякларида бронза билагузуклар, кулок бўшлиғида карнайгул шаклида иккита балдоқ, кўкрак қафаси қисмида эса биконик шаклдаги бронза мунчоқлар бўлган<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Тошкент воҳасида шимолий дашт кабилалари моддий маданият изларининг аксарият кўпчилиги турли хил ер казиш ишлари муносабати билан тасодифан топилган ёлғиз мазорлардан чиққан сопол идишлар, бронза тақинчоқ ва айрим меҳнат қуроллари бўлиб, уларнинг Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг ёйилиши мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмида Евроосиё дашт минтақаларида юз берган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Дарҳақиқат, археологик топилмалар таҳлилига кўра, илк бор ишлаб чиқариш хўжалигига асосланган Тошкент воҳасининг аксарият кўпчилик ёдгорликлари бронза даврига тегишли бўлиб, уларнинг даврий санаси мил. авв. II мингйилликнинг охириги чораги билан белгиланади. Топилган моддий маданият ашъвий далилларининг ўзга этник гуруҳларни материаллари билан қиёсий солиштирилари Қозоғистон даштлари, Жанубий Сибир, Ўролорти ҳудудлари, Тоғли Олтой ва Енисей ҳавзалари томон етаклайди (18-расмга қаранг). Бу даврда Ўрта Осиё ва Евроосиё дашт ҳудудларида юз берган иқтисодий ва этномаданий алоқалар бир ёқламали эмас эди. Жанубнинг қадимги дехқончилик минтақаларининг этник гуруҳлари бронза даврида, айниқса, мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб, шимолий минтақа жамоалари ичига кириб борадилар. Бугунги кунда бу ҳақда далолат берувчи бой ашъвий далилларга эгамиз<sup>2</sup>.

#### VII. 4. Қадимги Фарғона

Милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярми давомида Евроосиё дашт кабилалари Фарғона водийсининг жанубий ва ғарбий ҳудудларига ҳам кириб келдилар. Бу ҳақда дастлабки хабарни археолог А.Н. Бернштам берган. У 1940 йилда Сулаймон тоғининг жанубидан топилган сопол парчалари билан танишиб, бу сополлар бронза даврининг Андроново маданиятига тегишли эканлигини таъ-

<sup>1</sup> Барча топилмалар эртошлик тарих ўқитувчиси Усмонали Исабеков хонадонидида сақланиб, улардан фақат бронза тақинчоқларгина қўлга киритилиб, улар ҳозирги кунда Низомий номидаги ТДПУ қошида ташкил этилган «Археология ўқув музейи» экспонатлари сафидан жой олган. Сопол идишлар изи топилмади.

<sup>2</sup> Кузьмина Е.Е. Откуда пришли арийцы? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. Москва, 1994; Асқаров А., Жураев И. К вопросу о взаимоотношениях населения степей Евразии и Средней Азии в эпоху бронзы. Самарканд, 2011. С. 37–40.



кидлайди ва уни мил. авв. II мингйилликнинг охири ва I мингйилликнинг бошлари билан белгилайди<sup>1</sup>. Н.Г. Горбунова ва Б.З. Гамбурглар 1950-йилларда Жанубий Фарғонанинг адирлик жойларидан бронза даврининг Водил ва Карамкўл ёдгорликларини топадилар.

Водил қабристон майдонидан 273 та тош қўрғонлар борлигини аниқлаб<sup>2</sup>, улар уч типдаги тош қўрғонлар эканлигини аниқлайдилар: биринчи тип қўрғонлар тувроқ аралаш йирик тошлардан қурилган, иккинчи тип – майда тош аралаш тувроқ қўрғонни эслатади. Учинчи тип – майда шағал аралаш ясси тош қўрғондан иборат.

1954 йилда археологик қазишмалар учинчи тип қўрғонларда олиб борилди. Улар остидан овал шаклидаги тош яшиқлар очилади. Ана шундай тош яшиқли қўрғонлар Водил қабристонидан 70 дан ортиқ бўлган. Улардан 12 таси очилган. Тош яшиқларда мархумлар ғужанак ҳолатда ётқизилган. Очилган қабрларнинг 11 тасида мархум бош чаноғи ғарбга, 1 тасида жанубга қаратиб қўмилган. Қабрлар жуда камбағал, уларнинг деярли барчаси ўғирланган, одам суяклари қабр бўйлаб сочилиб ётибди. Улардан фақат иккитасидагина скелетлар анатомик тартибда, сополлар ўз жойида топилган.

Бронза даврининг Андроново чорвадорларини излари сопол парчалари, шохдор билагузуклар сифатида Ўш ва Ўзганда ҳам топилган<sup>3</sup>. Водил қабристонидан қазиш ишлари 1955 йилда давом эттирилиб, яна 31 та мозор-қўрғонлар очилади. Тош яшиқлар устига тош плиталар ётқизилганлиги кузатилади. Бу ҳолат Жанубий Сибир ва тоғли Олтой бронза даври Андроново маданияти ёдгорликларини эслатади<sup>4</sup>. Шу хилдаги бронза даврига оид қабрлар Тянь-Шанда, Арпа дарёси водийсида учрайди<sup>5</sup>. Водил қабристонидан топилган бронза мунчоклар, бронза узуклар, сопол идишлар шакли ва уларнинг нақшларига кўра, Ғарбий Қозоғистон<sup>6</sup> ва Жанубий Сибир<sup>7</sup> Андроново маданиятини айнан ўзидир. Водил қабристонидан топилган антропологик материаллар В.В. Гинзбург тадқиқотига кўра, долихокефал европаликлар типининг андронид вариантга тегишли эканлиги аниқланган. Водил қабристони санасини Андроново маданиятининг Фёдоров босқичи даври билан белгилаш мумкин.

<sup>1</sup> Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Москва-Ленинград, 1952. С. 186.

<sup>2</sup> Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине. КСИА, Вып. 63. Москва, 1956. С. 85-93; Ўша муаллифлар. Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. // СА, № III, 1957. С. 130-133.

<sup>3</sup> Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Москва-Ленинград, 1952. С. 186; Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине. КСИИМК, 63, 1956. С. 92.

<sup>4</sup> Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Москва, 1951. С. 68-70.

<sup>5</sup> Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. МИА, № 26, Москва, 1952. С. 19-22.

<sup>6</sup> Грязнов М.П. Погребения эпохи бронзы в Западном Казахстане. Сб. «Казакки», Вып. № XI. Ленинград, 1927. Рис. 20, 2.

<sup>7</sup> Киселев С.В. Ўша асар, табл. VIII, 15.

Водил қабристонидан 40 км.лар чамаси шимоли-шарқда, Карамқўл адирлигида 16 та қўрғон очилган<sup>1</sup>. Улар худди Водил қабристони қўрғонлари каби майда тош ва шағал аралаш тупроқ қўрғонлардан иборат. Улар остида скелетлар тош яшиқларга чап ёки ўнг ёни билан, боши ғарбга қаратилган ҳолда кўмилган. Мозорларнинг барчаси ўғирланган, ашёвий далиллар деярли учрамайди. Фақат бир мазорда (№ 2) пастадан ишланган атиги битта безак топилган бўлиб, унга ўхшаш тақинчоқлар Қадимги Хоразмнинг Кўкча 3 қабристонидан учрайди<sup>2</sup>. Водил ва Карамқўл ёдгорликларининг аҳолиси этник жиҳатдан нафақат Ўрта Осиёнинг бронза даври дашт қабилалари билан қон-қориндош, балки уларнинг келиб чиқиш тарихий илдизлари шимолнинг дашт қабилаларига бориб тақалади.

1956 йилда Фарғона вилоятида тошқўрғонлардан Япаги ва Чек қабристонлари топилиб, ўрганилган<sup>3</sup>.

Япаги қабристонидан 12 та мазор очилган, уларнинг ички тузилиши катакомба шаклида бўлиб, лаҳадга кириш тешиги—дромос икки-уч зинали, лаҳад овал ёки тўғри бурчак шаклида қурилган. Мозорларнинг барчаси ўғирланган, суяқлар қабр бўйлаб сочилиб ётибди. Қабрларда ашёвий буюмлар жуда оз топилган. Бир қабрда (қабр №8) 1 та сопол идиш ва мис ойнача топилган. Бошқа бирида (қабр № 2) майда мис ва аргелит мунчоқлар, кўйнинг ошиғи, иккита мис узук ва иккита сирға парчалари топилган, холос. Унинг даврий санаси мил.авв. XIII—XII асрлар билан белгиланади<sup>4</sup>. Чек қабристонидан 11 та мазор очилган. 11 та мазордан 6 тасида жасадлар тош яшиқларда кўмилган. Мозорлар ўғирланган, одам суяқлари қабрда сочилиб ётибди. Фақат битта мазорда скелетнинг жойлашиши анатомик тартибда, оёқ-қўллари букланиб, кўмилган марҳум боши билан ғарбга қаратилган. Бир мазорда дашт қабилалари маданиятига хос сопол парчаси, бошқа бир мазордан бронзадан ясалган ҳалқа топилган. Бошқа мазорларда ҳеч бир зот топилмади.

Фарғона ўлкашунослик музейи ходимлари 1972 йилда Жанубий Фарғона адирларидан Арсиф қабристонидан археологик қазилмалар олиб борган. Қабристон 26 та тош ҳалқалардан иборат бўлиб, уларнинг 19 тасида қазил ишлари олиб борилди. Тош ҳалқаларнинг ташки диаметри 3—4 м. Тош ҳалқа бир қатор ер юзасига терилган силлик тошлардан ясалган. Уларнинг бурчакларида йирик ва узун тошлар тик ўрнатилиб, ташки тош ҳалқага қандайдир меъморий маҳобат берилган. Тош ҳалқа марказида овал шаклида қия тик ўрнатилган тошлар бўлиб, улар ички тош ҳалқа қурилмасини ташкил этади. Ички ҳалқа овал ёки тўғри тўртбурчак шаклида, у йирик ва узун ясси тошлардан ясалган қабр камераси бўлган. Барча тош мазорлар ўғирланган, одам суяқлари камера бўйлаб

<sup>1</sup> Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. // СА № III, 1957. С. 133—135.

<sup>2</sup> Итина М.А. Раскопки могильника Тазабагыябской культуры Кокча III. «МХЭ», Вып. V, Москва, 1961. С. 3—96, рис. 28,3.

<sup>3</sup> Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы Ферганы. «Археологический сборник Гос. Эрмитажа» № 32, Санкт-Петербург, 1995. С. 13—30.

<sup>4</sup> Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы. С. 15.

тартибсиз ётибди. Атиги бир мазорда скелет анатомик тартибда сақланган. Қабр ашёлари сопол парчалари ва иккита бронза буюмлардан иборат. Арсиф топилмалари Қадимги Фарғонанинг сўнгги бронза даври дашт қабилалари маданияти таркибига киради<sup>1</sup>.

1986 йилда Фарғона шаҳридан 6 км шимолда, Қашқарча массивига сув қувири ўрнатиш вақтида қадимги қабристонга дуч келинади. 1986 йилда Фарғона шаҳар атрофларини, шу жумладан, Қашқарчи массивини ўзлаштириш муносабати билан қадимги мазорлар очилиб қолади. Мазорлар ички тузилишига кўра, катакомба шаклида бўлиб, уларнинг дромоси ер сатҳидан 30 см чуқурликда кўрина бошлайди. У узун коридор шаклида, кенлиги 150 см, шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа чўзилган, ер сатҳидан 140 см чуқурликда бўлган. Дромоснинг шимоли-шарқий томонида диаметри 50 см.ли қабр камерасига кириш тешикчалари бор. У тешикчалар харсанг тошлар билан беркитилган.

Яхши сақланган дромосларнинг жойлашиш тартибига кўра, қабрлар бир-бирларига яқин, бир йўналишда, занжир ҳалқасимон тартибда жойлашган. Археолог Г.П. Иванов берган маълумотларга кўра, очилган 6 қабр бир линияда, уларнинг чуқурлиги ер сатҳидан 370 см. Очилган мазорларнинг барчаси қувур ўрнатиш пайтида бузилган. Фақат, қабр № 1 ўз асл ҳолатида сақланиб қолган. Қабрда скелет чап биқини билан, ғужанак ҳолатда, боши ғарбга қаратилган ҳолда ётибди. Қабрларда учратилган одам суяклариди кизил охра излари кузатилади<sup>2</sup>.

Қабр № 1да сурматош, олтин зирак, бронза тугмача топилган. Қабр № 1 ва қабр № 2 оралиғида учта сопол идиш, мис бигиз, яна битта олтин зирак топилган. Қабр № 2 майдонидан тош қирғич, қўш тигли бронза пичоғи ва сопол парчалари топилган. Қабр № 3да икки тигли бронза пичок, мис бигизча, 6 та бронза мунчоқлар, каттагина олтин зирак топилган. Қабр № 4да бронза зирак ва бир неча бўлак сопол идиш парчалари топилган. Қабр № 5да 20 дан ортиқ бронза мунчоқлари ва сопол идиш парчалари, иккита кумуш зирак ҳамда иккита сопол идиш парчалари топилган. Қабр № 6да бир неча сопол парчалари, бронза билагузук ва митти тош қайроқ топилган<sup>3</sup>. Қабрлардан 3 та олтин зирак ва 2 та кумуш зиракни топилишини ўзи Қашқарча қабристони қадимда қабр ўғрилари хуружларига учрамаганлигидан далолат беради. Қашқарча қабристони сополлари шакли ва бронза билагузуқлар таркибига кўра, Андроново маданиятининг Фёдоров босқичини эслатади. Унинг йил санасини мил. авв. II мишгйилликнинг охириги чораги билан белгилаш мумкин<sup>4</sup>.

Жанубий Фарғонадан топилган қабристонлар ашёвий далиллари орасида топилган карнайгул шаклидаги бронза балдоқлар алоҳида аҳамият касб эта-

<sup>1</sup> *Пиотровский Ю.Ю.* Памятник эпохи поздней бронзы в Ферганской долине. «Археологические открытия 1972 года». Москва, 1973. С. 465–466.

<sup>2</sup> *Иванов Г.П.* Кашкарчинский могильник – новый памятник эпохи поздней бронзы в Фергане. // ОНУ, № X, Т.: 1988. С. 44–47.

<sup>3</sup> Там же. С. 45.

<sup>4</sup> Там же. С. 47.

ди. Н.А. Аванесова Андроново маданиятининг металл буюмларини комплекс таҳлилдан ўтказар экан, шундай сирғаларни Ўрта Осиё ёдгорликларида мил. авв. XIII–XII асрларга тегишли эканини исботлаган<sup>1</sup>. Карнайгул шаклидаги сирғалар Япаги ва Арсиф қабристонларида ҳам топилган. Қашқарча қабристониди ҳам олтин ва қумушдан ясалган шундай сирғалар топилган<sup>2</sup>. Япаги қабристони археологик комплекси таркибига кирган бронза ойнаси Қайроққум маданияти археологик комплексида ҳам учрайди<sup>3</sup>. Олтиндан ясалган шундай сирғалар Самарқанд вилоятининг Мўминобод қабристонидан ҳам топилган<sup>4</sup>. Шуларни ҳисобга олганда, Япаги ва Чек қабристонларини ёшени мил. авв. XIII–XII асрлар билан белгилаш мумкин.

Қадимги Фарғонанинг ғарбий қисмида, Қайроққум сув омбори қурилиши муносабати билан, ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталаридан Б.А. Литвинский раҳбарлигида кенг кўламли археологик изланишлар олиб борилди. Натижада. 1954–1956 йиллар давомида 60 дан ортиқ жойларда бронза ва илк темир даври чорвадор дашт қабилаларининг манзилгоҳлари, Дахана, пункт № 22 қабристонлар топилди ва уларда археологик қазималар ўтказилди<sup>5</sup>.

Маълумки, Фарғона водийсининг шарқий туманларида қадимги дехкон аҳолисининг Чуст маданияти ёдгорликлари топилган. Водийнинг ғарбий туманларида бронза даврининг чорвадор дашт қабилалари ёдгорликларини топилиши Б.А. Литвинскийга уларни муштарак жойлашган маконлари номи билан «Қайроққум маданияти» деб аташга имкон берган.

Қайроққум ҳудудларининг катта қисми тақирликлардан иборат. Айнан. мана шу тақирликлар юзасида сопол парчалари кўплаб учрайди ва уларнинг маълум майдонда қалинлашиши, бронза металлургиясининг тошқоллари, бронза ва тошдан ясалган хўжалик асбоб-ускуналари, тош ёрғучоқ ҳамда меҳнат ва харбий қуроқлар яшаш қолиплари, оловда куйган тош уюмлари, тақир юзасида

<sup>1</sup> *Аванесова Н.А.* Проблемы истории андроновского культурного единства (по металлургическим изделиям). Автореф. канд. Дисс. Ленинград, 1979. С. 17, 24.

<sup>2</sup> *Иванов Г.И.* Кашкарчинский могильник – новый могильник эпохи поздней бронзы в Фергане. ОНУ. Ташкент, 1988. № X. С. 44–47.

<sup>3</sup> *Литвинский Б.А.* и другие. Древности Кайрак-Кумов. Душанбе, 1962. том XXIII. С. 224. табл. 49, 1.

<sup>4</sup> *Аскарлов А.* Могильник эпохи бронзы в Муминабаде. С.б «Археологическое изучение Средней Азии». // КСИА, 122. Москва, 1970.

<sup>5</sup> *Литвинский Б.А.* Бронзовый и раннежелезный век, в книге Э. Гулямова и другие. «Археологические и этнографические коллекции Музея Института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР. Душанбе, 1956. С. 11–13; Ўша муаллиф. Работы отряда по изучению памятников бронзового века в Кайраккумах в 1955. Тр. АН Таджикской ССР, т. LXIII. –Душанбе, 1956. С. 27–34; Ўша муаллиф. Изучение памятников эпохи бронзы и раннего железа в Кайраккумах в 1956 г. Тр. АН Таджикской ССР, т. XCI. –Душанбе, 1959. С. 39–51; Ўша муаллиф. Памятники эпохи бронзы и раннего железа в Кайраккумах. Материалы Всесоюзное совещание археологов и этнографов Средней Азии. Москва-Ленинград. 1959. С. 191–196; Ўша муаллиф. Даханский могильник эпохи бронзы в Западной Фергане. КСИИМК, Вып. 80. 1960. С. 47–52; Ўша муаллиф. О топорах эпохи бронзы из Таджикистана. «Известия Общественных наук АН Тадж. ССР. Вып. I (24). 1961. С. 59–66.

Водил қабристонидан 40 км.лар чамаси шимоли-шарқда, Карамқўл адирлигида 16 та кўрғон очилган<sup>1</sup>. Улар худди Водил қабристони кўрғонлари каби майда тоқ ва шағал аралаш тупроқ кўрғонлардан иборат. Улар остида скелетлар тош яшиқларга чап ёки ўнг ёни билан, боши ғарбга қаратилган ҳолда кўмилган. Мозорларнинг барчаси ўғирланган, ашёвий далиллар деярли учрамайди. Фақат бир мазорда (№ 2) пастадан ишланган атиги битта безак топилган бўлиб, унга ўхшаш тақинчоқлар Қадимги Хоразмнинг Кўкча 3 қабристонидан учрайди<sup>2</sup>. Водил ва Карамқўл ёдгорликларининг аҳолиси этник жиҳатдан нафақат Ўрта Осиёнинг бронза даври дашт қабилалари билан қон-қориндош, балки уларнинг келиб чиқиш тарихий илдизлари шимолнинг дашт қабилаларига бориб тақалади.

1956 йилда Фарғона вилоятида тошкўрғонлардан Япаги ва Чек қабристонлари топилиб, ўрганилган<sup>3</sup>.

Япаги қабристонидан 12 та мазор очилган, уларнинг ички тузилиши катакомба шаклида бўлиб, лаҳадга кириш тешиги–дромос икки-уч зинали, лаҳад овал ёки тўғри бурчак шаклида қурилган. Мозорларнинг барчаси ўғирланган, суяқлар қабр бўйлаб сочилиб ётибди. Қабрларда ашёвий буюмлар жуда оз топилган. Бир қабрда (қабр №8) 1 та сопол идиш ва мис ойнача топилган. Бошқа бирида (қабр № 2) майда мис ва аргелит мунчоқлар, қўйнинг ошиғи, иккита мис узук ва иккита сирға парчалари топилган, холос. Унинг даврий санаси мил.авв. XIII–XII асрлар билан белгиланади<sup>4</sup>. Чек қабристонидан 11 та мазор очилган. 11 та мазордан 6 тасида жасадлар тош яшиқларда кўмилган. Мозорлар ўғирланган, одам суяқлари қабрда сочилиб ётибди. Фақат битта мазорда скелетнинг жойлашиши анатомик тартибда, оёқ-қўллари буқланиб, кўмилган марҳум боши билан ғарбга қаратилган. Бир мазорда дашт қабилалари маданиятига хос сопол парчаси, бошқа бир мазордан бронзадан ясалган ҳалқа топилган. Бошқа мазорларда ҳеч бир зот топилмади.

Фарғона ўлкашунослик музейи ходимлари 1972 йилда Жанубий Фарғона адирларидан Арсиф қабристонидан археологик қазишмалар олиб борган. Қабристон 26 та тош ҳалқалардан иборат бўлиб, уларнинг 19 тасида қазиш ишлари олиб борилди. Тош ҳалқаларнинг ташки диаметри 3–4 м. Тош ҳалқа бир қатор ер юзасига терилган силлиқ тошлардан ясалган. Уларнинг бурчакларида йирик ва узун тошлар тик ўрнатилиб, ташки тош ҳалқага қандайдир меъморий маҳобат берилган. Тош ҳалқа марказида овал шаклида қия тик ўрнатилган тошлар бўлиб, улар ички тош ҳалқа қурилмасини ташкил этади. Ички ҳалқа овал ёки тўғри тўртбурчак шаклида, у йирик ва узун ясси тошлардан ясалган қабр камераси бўлган. Барча тош мазорлар ўғирланган, одам суяқлари камера бўйлаб

<sup>1</sup> Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. // СА № III, 1957. С. 133–135.

<sup>2</sup> Итина М.А. Раскопки могильника Тазабагъябской культуры Кокча III. «МХЭ», Вып. V, Москва, 1961. С. 3–96, рис. 28,3.

<sup>3</sup> Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы Ферганы. «Археологический сборник Гос. Эрмитажа» № 32, Санкт-Петербург, 1995. С. 13–30.

<sup>4</sup> Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы. С. 15.

тартибсиз ётибди. Атиги бир мазорда скелет анатомик тартибда сақланган. Қабр ашёлари сопол парчалари ва иккита бронза буюмлардан иборат. Арсиф топилмалари Қадимги Фарғонанинг сўнгги бронза даври дашт қабилалари маданияти таркибига киради<sup>1</sup>.

1986 йилда Фарғона шаҳридан 6 км шимолда, Қашқарча массивига сув қувири ўрнатиш вақтида қадимги қабристонга дуч келинади. 1986 йилда Фарғона шаҳар атрофларини, шу жумладан, Қашқарчи массивини ўзлаштириш муносабати билан қадимги мазорлар очилиб қолади. Мазорлар ички тузилишига кўра, катакомба шаклида бўлиб, уларнинг дромоси ер сатҳидан 30 см чуқурликда кўрина бошлайди. У узун коридор шаклида, кенлиги 150 см, шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа чўзилган, ер сатҳидан 140 см чуқурликда бўлган. Дромоснинг шимоли-шарқий томонида диаметри 50 см.ли қабр камерасига кириш тешикчалари бор. У тешикчалар харсанг тошлар билан беркитилган.

Яхши сақланган дромосларнинг жойлашиш тартибига кўра, қабрлар бир-бирларига яқин, бир йўналишда, занжир ҳалқасимон тартибда жойлашган. Археолог Г.П. Иванов берган маълумотларга кўра, очилган 6 қабр бир линияда, уларнинг чуқурлиги ер сатҳидан 370 см. Очилган мазорларнинг барчаси қувур ўрнатиш пайтида бузилган. Фақат, қабр № 1 ўз асл ҳолатида сақланиб қолган. Қабрда скелет чап бикини билан, гужанак ҳолатда, боши ғарбга қаратилган ҳолда ётибди. Қабрларда учратилган одам суяклариди кизил охра излари кузатилади<sup>2</sup>.

Қабр № 1да сурматош, олтин зирак, бронза тугмача топилган. Қабр № 1 ва қабр № 2 оралигида учта сопол идиш. мис бигиз, яна битта олтин зирак топилган. Қабр № 2 майдонидан тош қирғич, кўш тигли бронза пичоғи ва сопол парчалари топилган. Қабр № 3да икки тигли бронза пичоқ, мис бигизча, 6 та бронза мунчоқлар, каттагина олтин зирак топилган. Қабр № 4да бронза зирак ва бир неча бўлак сопол идиш парчалари топилган. Қабр № 5да 20 дан ортиқ бронза мунчоқлари ва сопол идиш парчалари, иккита кумуш зирак ҳамда иккита сопол идиш парчалари топилган. Қабр № 6да бир неча сопол парчалари, бронза билагузук ва митти тош қайроқ топилган<sup>3</sup>. Қабрлардан 3 та олтин зирак ва 2 та кумуш зиракни топилишини ўзи Қашқарча қабристони қадимда қабр ўғрилари хуружларига учрамаганлигидан далолат беради. Қашқарча қабристони сополлари шакли ва бронза билагузуқлар таркибига кўра, Андроново маданиятининг Фёдоров босқичини эслатади. Унинг йил санасини мил. авв. II мингйилликнинг охириги чорағи билан белгилаш мумкин<sup>4</sup>.

Жанубий Фарғонадан топилган қабристонлар ашёвий далиллари орасида топилган карнайгул шаклидаги бронза балдоқлар алоҳида аҳамият касб эта-

<sup>1</sup> Пиотровский Ю.Ю. Памятник эпохи поздней бронзы в Ферганской долине. «Археологические открытия 1972 года». Москва, 1973. С. 465–466.

<sup>2</sup> Иванов Г.П. Кашкарчинский могильник – новый памятник эпохи поздней бронзы в Фергане. // ОНУ, № X, Т.: 1988. С. 44–47.

<sup>3</sup> Там же. С. 45.

<sup>4</sup> Там же. С. 47.

ди. Н.А. Аванесова Андроново маданиятининг металл буюмларини комплекс таҳлилдан ўтказар экан, шундай сирғаларни Ўрта Осиё ёдгорликларида мил. авв. XIII–XII асрларга тегишли эканини исботлаган<sup>1</sup>. Карнайгул шаклидаги сирғалар Япаги ва Арсиф қабристонларида ҳам топилган. Қашкарча қабристониди ҳам олтин ва кумуздан ясалган шундай сирғалар топилган<sup>2</sup>. Япаги қабристони археологик комплекси таркибига кирган бронза ойнаси Қайроққум маданияти археологик комплексида ҳам учрайди<sup>3</sup>. Олтиндан ясалган шундай сирғалар Самарқанд вилоятининг Мўминобод қабристонидан ҳам топилган<sup>4</sup>. Шуларни ҳисобга олганда, Япаги ва Чек қабристонларини ёшини мил. авв. XIII–XII асрлар билан белгилаш мумкин.

Қадимги Фарғонанинг ғарбий қисмида, Қайроққум сув омбори қурилиши муносабати билан, ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталаридан Б.А. Литвинский раҳбарлигида кенг кўламли археологик изланишлар олиб борилди. Натижада, 1954–1956 йиллар давомида 60 дан ортиқ жойларда бронза ва илк темир даври чорвадор дашт қабилаларининг манзилгоҳлари, Дахана, пункт № 22 каби қабристонлар топилди ва уларда археологик қазималар ўтказилди<sup>5</sup>.

Маълумки, Фарғона водийсининг шарқий туманларида қадимги деҳқон аҳолисининг Чуст маданияти ёдгорликлари топилган. Водийнинг ғарбий туманларида бронза даврининг чорвадор дашт қабилалари ёдгорликларини топилиши Б.А. Литвинскийга уларни муштарак жойлашган маконлари номи билан «Қайроққум маданияти» деб аташга имкон берган.

Қайроққум худудларининг катта қисми тақирликлардан иборат. Айнан, мана шу тақирликлар юзасида сопол парчалари кўплаб учрайди ва уларнинг маълум майдонда қалинлашиши, бронза металлургиясининг тошқоллари, бронза ва тошдан ясалган хўжалик асбоб-ускуналари, тош ёрғучок ҳамда меҳнат ва ҳарбий қуроқлар яшаш қолиплари, оловда куйган тош уюмлари, тақир юзасида

<sup>1</sup> Аванесова Н.А. Проблемы истории андроновского культурного единства (по металлическим изделиям). Автореф. канд. Дисс. Ленинград, 1979. С. 17, 24.

<sup>2</sup> Иванов Г.П. Кашкарчинский могильник – новый могильник эпохи поздней бронзы в Фергане. ОНУ. Ташкент, 1988. № X. С. 44–47.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. и другие. Древности Кайрак-Кумов. Душанбе, 1962. том XXIII. С. 224, табл. 49, 1.

<sup>4</sup> Аскарлов А. Могильник эпохи бронзы в Муминабаде. С.б «Археологическое изучение Средней Азии». // КСИА, 122. Москва, 1970.

<sup>5</sup> Литвинский Б.А. Бронзовый и раннежелезный век, в книге Э. Гулямова и другие. «Археологические и этнографические коллекции Музея Института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР. - Душанбе, 1956. С. 11–13; Ўша муаллиф. Работы отряда по изучению памятников бронзового века в Кайраккумах в 1955. Тр. АН Таджикской ССР, т. LXIII, –Душанбе, 1956. С. 27–34; Ўша муаллиф. Изучение памятников эпохи бронзы и раннего железа в Кайраккумах в 1956 г. Тр. АН Таджикской ССР, т. ХСІ. –Душанбе, 1959. С. 39–51; Ўша муаллиф. Памятники эпохи бронзы и раннего железа в Кайраккумах. Материалы Всесоюзное совещание археологов и этнографов Средней Азии. Москва-Ленинград. 1959. С. 191–196; Ўша муаллиф. Даханинский могильник эпохи бронзы в Западной Фергане. КСИИМК, Вып. 80. 1960. С. 47–52; Ўша муаллиф. О топорах эпохи бронзы из Таджикистана. «Известия общественных наук АН Тадж. ССР. Вып. I (24). 1961. С. 59–66.

ўйилган ўчоқ ўринлари ва бошқалар учрайдики, ҳар бир шундай ашёвий далиллар қалин сочилиб ётган маконлар бронза ва илк темир даври уруғ жамоаларининг манзилгоҳлари бўлган. Бўлажак сув омбори майдонидан, Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб (яъни Сирдарё билан Қорамозор тоғ тизмалари оралиғи) чўзилган Тақир Ягана майдонидан 60 дан ортиқ жойда бронза ва илк темир даври уруғ жамоаларининг манзиллари топилди. Улар жойлашиш ўринларига кўра, уч қисмга (шарқий, марказий ва ғарбий) бўлиб ўрганилди. Топилган қадимги манзилгоҳларнинг аксарият кўпчилигида маданий қатлам сақланмаган, улар ўз вақтида ёгингарчилик ва шамоллар таъсирида емирилиб, нураб, бузилиб кетган.

Изданишлар давомида ҳисобга олинган 60 дан ортиқ пунктнинг 15 таси қадимги чорвадор ажодларимизнинг ҳунармандчилик фаолиятидан далолат берувчи металлургия устахоналари бўлиб чиқди. У жойлардан кўплаб тошқоллар, металл эритиш кўраларининг харобалари, металл эритиш қозонларининг парчалари, умуман, металлургия ҳунармандчилиги билан боғлиқ ашёлар билан тўла эди.

Сирдарё ўзининг баҳорги тошқин вақтларида тез-тез чап соҳилига, яъни Қайроққум массивига лойқа ташлаб турган. Шу боис, баъзи бир манзилгоҳларда маданий қатламлар сақланиб қолган. Бундай манзилгоҳлар Қайроққум массивининг пастқам жойларига жойлашган манзилгоҳларда (макон №6, 16, 30) маданий қатлам сақланган. Уларда ўчоқ (металл эритиш кўралари) ўринлари ҳам сақланган<sup>1</sup>. Улар бир қатор бўлиб, маълум жойда тўпланган. Бир-бирларига занжирдай боғланган учтадан то 7 тагача ўчоқ (металл эритиш кўра)ли маконлар 6, 16, 26, 27, 30, 35-пунктларда учратилган<sup>2</sup>. Бундай ҳолатлар бронза даври дашт қабилалар маданиятининг бошқа ёдгорликларида ҳам учрайди<sup>3</sup>. Ўчоқлар (кўралар)ни занжир ҳалқаларидек, маълум масофа майдонида бундай жойлашиши, биринчидан, уларнинг ҳар бири жуфт оиланинг металл эритиш ўчоқлари (кўралари) ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётда уруғ жамоачилик аънаналари ҳали давом этаётганлигидан далолат берар эди. Иккинчидан эса, уларнинг бир-бирларига яқин қурилиши бир оилавий металлургия устахоналари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, №16 маконда занжирдек бир-бирларига яқин қурилган 7 та ўчоқ (кўралар)нинг жойлашиш тартибига қараганда, ертўла майдонининг узунлиги тахминан 20 метр, кенлиги 12 метрдан кам бўлмаган. №13 маконнинг майдони ҳам ундан кам бўлмаган. К.В. Сальниковнинг ёзишича, Жанубий Сибирнинг Замараева маконида кўп ўчоқли ертўласи майдони 26x11 м.га тенг бўлган<sup>4</sup>, Кипельский маконининг ертўласи 8,5–10x9–11 м. бўлган<sup>5</sup> дейди.

Қайроққум ўчоқлари тош ёки лойдан қурилган. Тош ўчоқлар тақир устида, лой ўчоқлар тақир ўйилиб, чуқурча деворига тош терилиб, уларнинг юқори

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. и др. Древности Кайракумов. Душанбе, 1962. С. 150.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. и др. Ўша асар. С. 150–151.

<sup>3</sup> Сальников К.В. Андроновские поселения Зауралья. // СА, XX. Москва, 1954. С. 239; Гуммель Я.И. Раскопки поселения I на западе от Ханлара (1939–1941 г.г.). КСИИМК № XXIII. 1948. С. 70.

<sup>4</sup> Сальников К.В. Андроновские поселения. С. 239.

<sup>5</sup> Сальников К.В. Кипельские селища. // СА, XXVII. Москва, 1957. С. 194.



кисмини девори лойдан ясалган. Шунинг учун ўчоқлар (қўралар)нинг тош кисми Қайроққум маконларида яхши сақланган. Уларнинг шакллари доира ёки овал кўринишида бўлган. Тош ўчоқлар ертўла ичида, лой ўчоқлар эса ертўла ташқарисида қурилган. Шу боисдан бўлса керак, лой ўчоқлар тош ўчоқлар каби бир жойда занжирдек тизилмаган. Улар одатда маконларда кам учрайди. Ўчоқлар майдони бир хил эмас. Лой ўчоқларнинг ўлчами кичик, тош ўчоқлар майдони икки хил, кичикларининг диаметри 0,6–1 бўлса, катталариники 1–2 м.га тенгдир<sup>1</sup>.

Қайроққум маконларида ертўлалар конструкцияси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш қийин. Биргина макон № 16 да қазилмалар вақтида сомонли лой сувок парчалари учраган. Аммо, макон №16 да ёки бошқа Қайроққум маконларида тақирга ўйилган ертўла ёки ярим ертўла излари учратилмаган.

Аммо, қайроққумликлар уй-жой қурилишида тошдап, яъни сланц тош плиталаридан (бу ҳудудда қатламли сланц тошлар етарлича бор эди), худди Дахана қабристонини мисолидагидек, кенг кўламда фойдаланишлари мумкин эди-ку. Бироқ, дашт қабилаларига таниш бўлган бу тажриба Қайроққумда кузатилмайди.

Биз юқорида, Қайроққум маконларининг 15 тасида маъдан эритиш, металл хомашёсидан меҳнат ва жанговар ҳарбий қуроқлар, уй-рўзғор ва хўжалик асбоблари ишлаб чиқариш билан боғлиқ устахоналар топилганлиги ҳақида эслаб ўтдик. Агар дашт қабилаларининг хўжалигида чорвадан кейинги иккинчи ўринда металлсозлик туришини ҳисобга оладиган бўлсак, Андроново уруғ жамоаларининг катта гуруҳини ғарбий Фарғонага, Қайроққум массивига келиб жойлашиши бежиз эмас эди. Чунки, бу ердаги Қорамозор тоғ тизмалари турли хил маъданга бой конлари билан кўчманчи даштликлар эътиборини ўзига қаратган. Айниқса, Навқат мис конлари Қайроққум металлурғларини металл хомашёси билан таъминлаб турган. Қорамозор тоғ тизмаларида мис конлари Учкатли, Турунгли, Жийдачамирсой, Чоқадамбулоқ, Қизилкотан, Варзик каби пунктларда учрайди<sup>2</sup>. Навқат мис кони бевосита Қайроққум маконларининг шарқий гуруҳи яқинида жойлашган. Макон №16 Навқат руда конининг Супатов пунктидан атиги 5–6 км узокликда жойлашган. Супатовда 3–4 м чуқурликда қадимги кончилар излари (выработка) учратилган<sup>3</sup>. Геолог П.С. Назаров коллекциясида Супатов руда конидан топилган бронза болта ва руда қазил киркасининг дастаси топилган<sup>4</sup>. Топилмалар Ўз.ФА Тарих музейи фондида сақланади<sup>5</sup>. Супатов мис конининг бронза лаврида фойдаланилгани ҳақида археологик изланишлар ҳулосаси мавжуд<sup>6</sup>. Супатов маъдан конида фойдаланилган бронза киркалари Қайроққум устахонала-

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. и др. Древности Кайракумов. Душанбе, 1962. С. 151–152.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. и др. Древности Кайракумов. Душанбе, 1962. С. 170–174.

<sup>3</sup> Вебер В.Н. Полезные ископаемые Туркестана. Санкт-Петербург, 1913. С. 119.

<sup>4</sup> Назаров П.С. Дополнение к статье И.Т. Пославского о находках каменных орудий в Средней Азии и Б.Я.Королькова о бронзовом веке. ПТКЛА, т. XI, т. 1906. С. 79.

<sup>5</sup> Фонд коллекции Музея истории народов Узбекистана. Инвентарь № 3464.

<sup>6</sup> Массон М.Е. Археологические материалы к истории горного дела в Средней Азии. «Бюллетень № II Среднеазиатского районного геологоразведочного управления». Т.: 1930.

рида ясалган. Шундай бронза қуроллари уларнинг тош қолиплари билан бирга пункт №16 устахонасидан топилган. Ана шу топилмаларга асосланиб Супатов мис қоши мил. авв. II мингйилликнинг охириги чорагида Қайроққум металлурглари томонидан ўзлаштирилган, деган хулосага келиш мумкин<sup>1</sup>.

Қайроққум худудида руда эритиш кўралари кўплаб топилган. Деярли барча маконларда руда тошқоллари учрайди. Баъзи жойларда тошқоллар уюми катта микдорда сақланган. Бундай пунктлар албатта, руда эритиш устахоналари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Пункт № 32 да кулранг, писта кўмирдек майдаланган кўкимтир ялтироқ заррачалар уюми учрайди. Улар бир квадрат метрдан то тўққиз квадрат метргача жойни эгаллаган. Улар ялтироқ мис заррачали кукунлар бўлиб, эритишга тайёрланган мис маъдани хомашёси эди. Улар яқинида 30x40 м. ва ундан ҳам ортиқ майдонда маъдан тошқоллари тўпланган. Тахминий ҳисобларга кўра, бундай жойларда тўпланган тошқоллар 1,5–2 тоннагача боради.

Одатда маъдан уюмлари майда ва йирик бўлақлардан иборат бўлиб, улар кўкимтир кулрани; ораси ялтироқ материаллардир. Қайроққум маконларининг шарқий гуруҳида (пункт № 28) мис хомашёсининг йирик уюми учратилган. Шундай маъдан уюмлари марказий гуруҳнинг ғарбида уч пунктда (№14, 33, 36), унинг шарқий қисмида 4 пунктда (№56, 57, 60, 61) учратилган. Улар марказий гуруҳ маконларининг қоқ марказида 8 пунктда (пункт №23, 24, 42, 43, 44, 45, 46, 47), уларнинг биринчи учтаси манзилгоҳлар майдонида учратилган. Уларнинг атрофларида майдаланган маъдан уюмлари мавжуд. Ана шундай эритишга олиб келинган маъдан парчалари 4–5 га майдонни эгаллайди<sup>2</sup>. Бундай жойларни бутун бир металлургия заводи билан қиёслаш мумкин. Маъдан намуналарини кимёвий таҳлили навқат мис хомашёси полиметалл характерда эканлигини кўрсатган, яъни Супатов маъдани таркибида мисдан ташқари темир, рух, сульфид, кўрғошин бўлган.

Қайроққумда металл эритишдан ташқари, эритилган металл хомашёсидан турли хил меҳнат ва ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш яхши ташкил этилган. Бу хилдаги ишларнинг излари кенг кўламда №10, 12, 16, 63 пунктларда ташкил этилган. Пункт №16 да тошдан металл қуйиш қолиплари топилган. Уларда жанговар зўғотали бронза болталари қуйилган<sup>3</sup>.

Бронза ишлаб чиқаришда сопол қозон (тигел) лардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Масалан, пункт №10, 63 каби маконларда сопол қозонча (тигл) парчалари учратилган. Уларнинг тагида мис эритмаси сақланган<sup>4</sup>. Қайроққум металл буюмларининг кимёвий таҳлилида кўрсатилишича, мис 83, 62%, кўрғошин 10,23% (ханжар), мис 97, 08%, кўрғошин 0, 24% (пичоқ) бўлган. Уларда етишмаган қоришмаларни сурма ва рух ташкил этган. Демак, Қайроққумда металлургиянинг мисга мослаштирилган маркази ривожланган.

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. и др. Древности Кайракумов. Душанбе, 1962. С. 173.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Древности Кайракумов. Душанбе, 1962. С. 179.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. Ўша асар, С. 191–192, табл. 35 и 36.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Ўша асар, С. 192.

Ғарбий Фарғонада чорвадор дашт аждодларимизнинг макоп ва металлургия устахоналаридан ташқари, бир неча пунктларда қабристон ёдгорликлари ҳам топиб ўрганилган. Масалан, Қайроққум ёдгорликларининг шарқий гуруҳ маконлар орасида, пункт № 22да Хўжа Ягона мозори яқинида, тош яшиқларда учта қабр топилган. Мозорлар жойлашган маконда тақир юзаси вақт ўтиши билан емирилиб, сланц тош яшиқларнинг тепа қисми очилиб қолган<sup>1</sup>. Уларнинг биттаси (қабр 3) қадимда дўнгликроқ жойга кўмилгани учун бузилиб кетган. Қолган иккитаси тақирликнинг пастроқ жойига кўмилгани боис, улар сақланган.

Улар тўғри бурчакли тош яшиқларга кўмилган мозорлар бўлиб, яшиқлар трапеция шаклида. Қабр ўғирланган, одам суяқлари парчаланиб кетган. Қабрда 3 та бронза мунчоқлар, овал шаклида бронза безак, графит тошнинг парчаси ва нақшсиз сопол синиқлари учратилган.

Иккинчи қабр ёш болага тегишли бўлиб, суяк парчалари яшиқ ичида сочилиб ётибди. Унинг қўл суяқлари яқинида бронза билагузук топилган. Яшиқ ичида 18 та паста мунчоқлар, сопол парчаси ва 2 та пардозланган қайроқчалар топилган.

Қайроққум маконларининг шарқий гуруҳидан 35 км шимолда Дахана қишлоғи атрофида гуруҳ-гуруҳ тош уюмларидан иборат курумлар жойлашган. Маҳаллий аҳоли уларни «қора курум» деб атайдилар. Улар икки гуруҳга бўлиниб, шимолий гуруҳ 1–4 тош қурилмаларни ташкил этса, иккинчи жанубий гуруҳ 5–8 қурилмаларни ташкил этган. Улар ерга ўра қазилиб, ўралар девори бўйлаб тош терилиб, тош яшиқлар ясалган. Яшиқларни ўра чуқурчаси бўйлаб тик терилган тошларни учи жойларда ер юзасига чикиб ётган. Шулардан 7 тасида археологик қазилмалар олиб борилган.

Қабрлар тўртбурчак шаклида, ости шағал, деворига тош терилган. Тош деворни пастки қисмида катта тош плиталар ўрнатилган. Тош яшиқлар ўз вақтида бойлик қидирувчи ўғирлар томонидан ўғирланганлиги боис, уларнинг тош копоқлари улоқтирилган.

Яшиқ ичидан бир неча сопол синиқлари, парчаланган одам суяқлари, карнайгулсимон зиракнинг парчаси ва дисксимон тош ғилдиракча топилган.

Дахана қабристонидан ҳаммаси бўлиб, 7 та сопол парчалари 1 та дисксимон ғилдиракча ва карнайгулсимон зиракнинг парчаси топилган. Сопол парчалари мўрт, очиқ гулханда пиширилган, сиртига ичи штрихланган учбурчак шаклидаги геометрик нақш берилган. Улардан бири горизонтал чекма нақшланган, қолганлари сифатсиз чизиклардан иборат. Тикланган идиш шакли ва уларнинг нақшига кўра, Дахана қабристони Андроново маданиятининг Фёдоров босқичини эслатади. Комплекснинг тахминий санаси мил. авв. II мингйилликнинг охириги чораги бўлиши мумкин<sup>2</sup>.

Ғарбий Фарғонанинг Қорамозор тоғ тизмаларини жанубий тоғолди даштида, Ашт қишлоғидан жанубий-ғарбда Ашт қабристони топилган. Бу жойда 500 га яқин ярим айлана шаклида тош қўрғонлар бўлиб, уларнинг диаметри 4–12 метр-

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. Древности Кайраккумов. Душанбе, 1962. С. 117.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Древности Кайраккумов. Душанбе, 1962. С. 164.

гача боради, баландлиги 0, 4–1,5 м. Булар орасида ясси тош кўрғонлар ҳам учрайди.

Дашти Ашт қабристонини XIX асрнинг 80-йилларида Н.И. Веселовский томонидан очилган<sup>1</sup>. 1957 йилда 20 га яқин кўрғонлар Б.А. Литвинский раҳбарлигида ўрганилган<sup>2</sup>. 1967, 1971–1974 йилларда Ашт археологик отряди ходимлари томонидан 200 га кўрғонлар очилди. Улардан 48 таси кенотаф мазорлари бўлиб чиқди. Уларнинг деярли кўпчилиги ўғирланган. Умуман, Ашт кўрғонларини 4 та хронологик гуруҳларга бўлиш мумкин. Уларнинг энг қадимгилари ёлғиз скелетли қабрлар эди. Скелетлар уларда бели билан, оёқ-қўлларини узатиб, боши ғарбга қаратиб кўмилган. Қабрлар овал ёки тўғри тўртбурчак шаклида, қабр камераси овал шаклидаги тош яшиқларда кўмилган. Қабрларни ости ғрунтли. Болалар қабрлари худди Дахана қабристонидек тош яшиқлардан иборат. Б.А. Литвинский уларни илк темир даври билан йил санасини белгилаган бўлса-да, аммо, шундай тузилишдаги қабрларни А.М. Мандельштам Жанубий Туркменистон ёдгорликлари мисолида сўнгги бронза даври билан даврий санасини аниқлайди. Дашти Ашт қабрларидан бронзадан ишланган бигиз, зирак ва тутмачалар, сопол идишлар топилган. Сопол идишлар банкасимон шаклда, қизғиш-қора ангоб билан пардозланган. Бир қисм сополлар тароқсимон, арчасимон чизма, чекма гуллар билан нақшланган. Сопол идишлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ сополлари дашт қабилалар маданиятини эслатса, иккинчи гуруҳ сополлар Чуст маданияти сополларини эслатар эди.

Дашти Аштда икки маданият сополларини биргаликда учраши қадимги Фарғонада икки этник гуруҳларни илк консолидациясидан гувоҳлик берар эди<sup>3</sup>. Шундай қилиб, тавсифи келтирилган бу ёдгорликлар сўнгги бронза ва илк темир даврига тегишли чорвадор прототурк аждодларимизнинг ёдгорликлари бўлиб, улардан топилган ашёвий далиллар ўзбек халқи чорвадор қабилалари этник таркибини ташкил этарди. Улардан қолган керамика комплекси Ўрта Осиё худудларининг барча ёдгорликларида ўзаро ўхшашликларга эга.

## VII. 5. Шимолий Бақтрия

Милoddан аввалги II мингйилликнинг учинчи чораги бошларида Евроосиё даштларининг чорвадор қабилалари Қадимги Бақтриянинг шимолий худудларига ҳам кириб келадилар. Уларнинг излари илк бор 1941 йида Душанбе шаҳрининг шарқий чегарасидан топилган. Бу, боши шарққа қаратилиб, ғужанак ҳолатда ётган одам скелети бўлиб<sup>4</sup>, унинг катакомбали қабридан чархсиз қўлда ясалган 10 та

<sup>1</sup> Веселовский Н.И. ОАК за 1882–1888 г. СПб., 1991.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. В кн. «Археологические работы в Таджикистане». Т. V. Душанбе, 1959. С. 109–129; Ўша муаллиф. Курганы и курумы Западной Ферганы. Москва. 1972.

<sup>3</sup> Салтовская Е.Д. О погребениях ранних скотоводов в северо-западной Фергане. // КСИА АН СССР, Вып. 154, Москва, 1978. С. 95–99.

<sup>4</sup> Смоличев П.И. Погребения со скорченными костями в районе города Сталинабада. ИТФ, АН СССР № XV, 1949. С. 75–82.

сопол идиш топилган<sup>1</sup>. Ўша йили Душанбедан жанубда, Шаршара қишлоғидан 3 дона сопол идиш билан яна бир қабр топилган<sup>2</sup>. Чақалоқ она қорнида ётган ҳолатда кўмилган яна бир қабр сопол идишлари билан Душанбе тўқимачилик комбинати майдонини қазииш вақтида учратилади<sup>3</sup>. Душанбе шаҳар сув омборини қуриш вақтида худди шундай яна бир қабр учратилади<sup>4</sup>. Бронза даврининг тасодифий топилган яна бир топилма – дастасига қадама нақш берилган ханжар топилиб, унинг йил санаси мил. авв. II мингйилликнинг охири билан белгиланди<sup>5</sup>. Ҳисор воҳасининг антик даврига тегишли Тупхона қабристонида иккита бронза даврига оид қабрлар очилди. Улардан бирида қўй суяклари ва асоси чакмоқтошдан ишланган нуклеус учратилган. Б.А. Литвинский мана шу нуклеусга асосланиб, бу иккала бронза даври қабрларини илк бронза даври билан белгилайди<sup>6</sup>. Аслида улар мўлали даврига тегишли сўнгги бронза қабрлари бўлган.

М.М. Дьяконов қушонлар даври қабристонини ўрганиш чоғида бронза даврига тегишли мазорга дуч келади<sup>7</sup>. Жанубий Тоҷикистоннинг тоғли Сангвор қишлоғи яқинидаги Тавил Дарадан понасимон, зўғотали болта, яна бир шундай болта 1957 йилда Варзоб яқинидаги Аракчин қишлоғидан<sup>8</sup> топилган. Буларнинг санаси III мингйилликнинг охири ва II мингйилликнинг бошларига оид деб топилган<sup>9</sup>.

Жануби-ғарбий Тоҷикистон худудларидан Андроново маданиятига тегишли ёдгорликлар Ҳисор водийсида Қумсой қабристони<sup>10</sup>, Қўрғонтепа шаҳри яқинида Киров совхозини манзилгоҳи<sup>11</sup>, Андроново маданияти керамикаси Жиликул яқинидан<sup>12</sup>, Андроново керамикаси ва бронза қуроллари Туткаул ва Сай-Сайёд неолит даври манзилгоҳининг юқори қатламида<sup>13</sup>, Андроново сопол парчалари

<sup>1</sup> Тереножких А.И. Археологические находки в Таджикистане. // КСИИМК, Вып. 20, 1948. С. 76.

<sup>2</sup> Там же. С. 75–76.

<sup>3</sup> Смоличев П.И. Погребения со скорченными костями. С. 82.

<sup>4</sup> Кузьмина Е.Е. К вопросу о формировании культуры Северной Бактрии («Бактрийский мараж» и археологическая действительность). ВДИ № 1, 1972. С. 139.

<sup>5</sup> Кузьмина Е.Е. Металлические изделия. С. 52–53.

<sup>6</sup> Литвинский Б.А. О топорах эпохи бронзы из Таджикистана. ИАН Тадж. ССР, № 1, Душанбе, 1961. С. 62.

<sup>7</sup> Дьяконов М.М. Работы Кафирниганского отряда. // МИА, 15, 1950. С. 157–162.

<sup>8</sup> Литвинский Б.А. О топорах эпохи бронзы. С. 59; Кузьмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века. С. 8.

<sup>9</sup> Кузьмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века. С. 8.

<sup>10</sup> Виноградова Н.М., Пьянкова Л.Т. Могильник Кумсай в Южном Таджикистане. «Информ. Бюллетень // МАИКЦА, Вып. XVII, 1990. С. 98.

<sup>11</sup> Литвинский Б.А., Соловьев В.С. Стоянка степной бронзы в Южном Таджикистане. «Успехи Среднеазиатской археологии, Вып. I, Ленинград, 1972. С. 41.

<sup>12</sup> Пьянкова Л.Т. Энеолит и бронзовый век. «История таджикского народа» Т. I, Душанбе, 1998. С. 170.

<sup>13</sup> Ранов В.Н., Коробкова Г.Ф. Туткаул-многослойное поселение гиссарской культуры в Южном Таджикистане. // СА, № II, 1971. С. 146.

Пархар шаҳри яқинидаги Саксанохур антик давр макони остида учратилган<sup>1</sup>. Андроново маданиятига тегишли ёлғиз қабрлар Данғарадан топилган<sup>2</sup>. Жанубий Тожикистоннинг Ховалин худуди Туён кишлоғидан Андроново маданияти қабристонни топилди<sup>3</sup>. Андроново керамикаси Бешкент-Вахш маданиятига тегишли Тошгузар маконида учратилган. Андроново сопол парчалари Шарқий Помирда, Вахш дарёси чап соҳилида, Қора Бўри атрофларида учратилган<sup>4</sup>.

Чорвадор дашт Андроново жамоаларига тегишли бу топилмалар жануби-ғарбий Тожикистон худудлари бронза даври кабилалари томонидан кенг кўламда ўзлаштирилгани ҳақида далолат берувчи топилмалар бўлиб, бундай топилмалар Жанубий Ўзбекистон худудларида ҳам учрашини қайд этиш мумкин. Масалан, Андроново маданиятига тегишли сопол парчалари ва ёлғиз қабрлар Жарқўтон ёдгорлигининг 5-тепалигида, Жарқўтоннинг юқори қатламида, Бўстон VI қабристонидан учратилган<sup>5</sup>.

Сополли маданиятининг мўлали босқичида бу ўзга этник гуруҳлар Шимолий Бактриянинг маҳаллий ўтроқ деҳқончилик маданияти кишлоклари ва чорвадор кабилалари жамоалари ичигача кириб борадилар. Бу ҳолат Жарқўтон, Тегузак, Кангурттут, Каримберди, Илк Тулхар, Илк Аруктов, Тигровая Балка, Вахш, Макони-мор, Бешкент I, II, III, Ойқўл, Жарқўл қабристонлари мисолида яхши ўрганилган. Шунингдек, Шимолий Бактрияга хос табиий-географик муҳит минтака этник гуруҳлари хўжалик шакллариининг ривожланиш йўлларини олдиндан белгилаб берган.

Кумсой қабристонидан 1987–1988 йилларда олиб борилган археологик казишмалар вақтида бу жойда 21 та мазор очилган<sup>6</sup>. Қабр ички тузилиши айвонли лаҳад шаклида бўлиб, унинг айвон қисми тош билан тўлдирилган. Лаҳад томи йиқилиб, скелетлар тупроқ остида қолган. Улардан бирида (1-қабр) скелетнинг кўкрак қафаси ва тоз суяги бўйлаб 70 та бронза мунчоқлар, оёқларида 30 дан ортик биконик шаклда бронза мунчоқлар топилган. Камера майдонида сопол парчалари сочилиб кетган. Кулоқ бўшлиғида 2 та кумуш суви юргизилган зираклар, 3 та паста мунчоқ, бош чаноқ ва бўйин остидан бир шода мунчоқлар топилган. Бошқа бир қабрда (3-қабр) одам скелети тартибсиз сочилиб ётибди. Қабрда бронза ва паста мунчоқлар, чархда ясалган сопол идиш парчаси топилган.

<sup>1</sup> Литвинский Б.А., Мухитдинов Х. Античное городище Саксанохур (Южный Таджикистан). // СА, –№ II, 1969.

<sup>2</sup> Пьянкова Л.Т. Степные компоненты в комплексах бронзового века юго-западного Таджикистана от Балкан до Гималаев». Время цивилизаций. № II, С–П., Кишинев, Одесса, 1999. С. 291.

<sup>3</sup> Виноградова Н.М. Исследования контактов земледельческого и степного населения на юге Средней Азии (Южный Таджикистан) в эпоху поздней бронзы. Археология, палеоэкология и палеодемография Евразии. Москва, 2000. С. 105.

<sup>4</sup> Виноградова Н.М. Юго-Западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. Москва, 2004. С. 77–85.

<sup>5</sup> Аванесова Н.А. Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Т.: 2010. С. 6, 7, 116, 117.

<sup>6</sup> Виноградова Н.М. и Пьянкова Л.Т. Могильник Кумсай в Южном Таджикистане. «Информ. Бюллетень // МАИКЦА, Вып. XVII, Москва, 1990. С. 98.

4-қабрнинг айвони зинали, лаҳадда ёш аёл қўмилган. Унинг қўл суяклариди бронза билагузуклар, бош чаноғи яқинида майда бронза, кумуш ва паста мунчоклар, бўйнида майда бронза мунчоклар, тоз суяғи яқинида бронза мунчоклар ва бош чаноғи яқинида геометрик чизиқли босма нақшли сопол идиш топилган. Бошқа қабрларда сопол парчалари, бронза ва паста мунчоклар, сопол ликопча (9-қабр), сопол қадах ва бронза зирак (10-қабр) учратилган. Қумсой қабристонининг қолган 11 та қабрларида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Юқорида баён этилган топилмалар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, Қумсой қабристониди қабрларнинг ташқи ва ички тузилишида бир хил тузилиш кўзга ташланади. Қабристонда болалар қабрлари алоҳида бир жойда жамланган. Кўпчилик қабрлар айвони тош уюмларига тўла ҳолатда учратилган. Лаҳадлар қабр айвонининг шимоли-ғарбий девори томонида, скелетлар ғужанак ётган ҳолатда қўмилган, уларнинг бошлари шимоли-шарққа қаратилган, скелетлар юзи билан лаҳад эшигига қаратиб ётқизилган. Эркаклар ўнг, аёллар чап томони билан ётқизилган. Қабрларда биттадан сопол идиш, мархумаларнинг қўл суяклариди билагузуклар, оёқ ва кўкрак юзасида шода мунчоклар учрайди. 1997 йили археологик қидирув давомида Қизилсув ҳавзасида бирипчи бор Андроново маданиятига тегишли қабристон топилди<sup>1</sup>. Бу қадимги қабристон Туён қишлоғи номи билан аталиб, у жойда 2 та қабр ўрганилган. Қабрлар катакомбали бўлиб, улардан бирининг лаҳад камерасида чап ёни билан ғужанак ҳолда ётган ўспирин қизча скелети топилган. Скелетнинг қулок бўшлиғида бронза зирак, паста мунчоклар, оёғида биконик шаклдаги бронза мунчок шодаси, бош чаноғи яқинида сопол идиш бўлиб, қабр ашёларининг таркибига кўра, Туён қабристони Андроново маданиятининг Фёдоров босқичига тегишли эканлигидан гувоҳлик беради.

Вахш дарёсининг юқори террасасида, Қўрғонтепа шаҳридан 12 км нарида 1971 йилда манзилгоҳ топилган<sup>2</sup>. Ёдгорлик икки маданий қатламли бўлиб чиқди. Унинг қуйи қатламдан тош ўчоқ қолдиқлари, сопол парчалари, пичоқ, ойнанинг қуйма тош қолишлари ва ёргучоқлар топилган. Сопол идишлар шакли Андроново маданиятининг сўнгги босқичи – алексеевка керамикасини эслатади. Сопол нақшлари чекма услубида ясалган учбурчақлардан иборат. Бундай нақшли сополлар Кангурттут маконида кўплаб учрайди. Сополлар орасида Кучук I типидиги сопол парчалари ҳам учрайди. Б.А Литвинский манзилгоҳнинг қуйи қатламини бронза даври билан белгиласа, унинг юқори қатлами Яз I даври билан тенгдош эканлигини таъкидлайди.

Археолог М.А. Бубнова археологик материаллар асосида Андроново дашт чорвадорларининг Шарқий Помирғача кириб борганлигини асослади<sup>3</sup>. Бу жой-

<sup>1</sup> *Виноградова И.М.* Исследования контактов земледельческого и степного населения на юге Средней Азии (Южный Таджикистан) в эпоху поздней бронзы. Сб. «Археология, палеоэкология и палеодемография Евразии» Москва, 2000. С. 105.

<sup>2</sup> *Литвинский Б.А., Соловьев В.С.* Стоянка степной бронзы в Южном Таджикистане. «Успехи Среднеазиатской археологии», Вып. I, Ленинград, 1972. С. 41.

<sup>3</sup> *Бубнова М.А.* Раскопки и разведки древних и средневековых памятников в долине Большого Марджаная и на озере Яшикуль (работы 1984 г.) АРТ, Вып. XXIV (1984). Душанбе, 1993. С. 312.

да тош уюмлари остидан тош ғов топилган. Тош ғов ичида тош яшиқда болалар суяклари, отнинг бош чаноғи, қабр марказида гулхан куллари, унинг орасида хайвон суяклари ва сопол парчалари учрайди. Битта сопол парчаси чекма нақшли, меандр шаклида, Андроново маданиятининг Фёдоров босқичи керамикасини эслатади. Айнан шундай сопол парчалари Шарқий Помирнинг Жартигумбаз қабростонидан ҳам топилган<sup>1</sup>.

Шимолий Бактрия худудларида Андроново маданияти таъсирида ривожланган маҳаллий чорвадорларнинг ёдгорликлари ҳам кенг ўрганилган. Улар асосан, Шимолий Бактриянинг тоғли минтақаларидан топиб ўрганилган. Улардан бири Вахш маданиятига тегишли Тошгузар манзилгоҳи бўлиб, унинг керамика комплекси орасида Андроново сопол парчаси учратилган<sup>2</sup>.

Шимолий Бактрия худудлари доирасида бронза даврига тегишли чорвадор қабилаларнинг ёдгорликлари келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, учта этник гуруҳларга бориб тақалади. Биринчиси, чорвадор Бепкент ва Вахш маданияти этник гуруҳлари бўлса, иккинчиси, Сополли деҳқончилик маданияти этник гуруҳлари, учинчиси эса Евроосиё даштларининг Андроново маданияти этник гуруҳларидир. Демак, Шимолий Бактрия худудлари сўнгги бронза даврида турли этник гуруҳларнинг ўзаро иқтисодий ва сиёсий ҳамда этномаданий алоқалар маркази бўлган.

Шимолий Бактрия худудларидан топилган археологик ашёвий далиллар таҳлилига караганда, бу заминга шимолий дашт (Андроново) қабилаларининг илк бор кириб келиши Сополли маданиятининг кўзали босқичида юз беради. Сополли маданиятининг кўзали босқичининг йил санаси милоддан аввалги XIV–XIII асрлар билан белгиланган бўлиб, айнан шу асрларда Евроосиё даштларидан чорвадор орий қабилалари Ўрта Осиё икки дарё оралиғига кириб келадилар. Шимолий Бактрияда Жаркўтон ёдгорлигидан топилган Андроново маданияти сопол парчаларини учратилиши, уларнинг қадимги деҳқончилик жамоалари орасига илк бор кириб келишидан далолат беради<sup>3</sup>. Худди шу даврга тегишли сополларнинг энг қадимгиси, масалан, Жаркўтон ибодатхонасининг муқаддас буюмлар сакланадиган коридордан, Жаркўтон қалъа-кўрғонининг кўзали маданий қатламида учратилган<sup>4</sup>. Шу даврга тегишли яна бир сопол парчаси Жаркўтон оралаб ўтган жар ичидан топилган<sup>5</sup>. Унинг сиртидаги нақш қияли учбурчак ва меандр шаклида бўлиб, сопол нақшига кўра Андроново маданиятининг Фёдоров босқичи илк фазасига тегишли эди. Жаркўтон ибодатхонасининг муқаддас кул-

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. Археологические открытия на Восточном Памире и проблема связей между Средней Азией, Китаем и Индией в древности. Москва, 1960.

<sup>2</sup> Виноградова Н.М. Поселение эпохи поздней бронзы. С. 8–9.

<sup>3</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. Москва. 1977. С. 145.

<sup>4</sup> Аскарлов А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации. «Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. С. 160–166; Аватесова Н.А. Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Т.: 2010. С. 110–111.

<sup>5</sup> Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы Средней Азии. Самарканд, 1993. С. 77–78.



хонасидан ҳам даштликларга тегишли бир неча сопол парчалари топилган. Улар орасида йирик сопол гардиши бўлиб, унинг нақшлари илк Фёдоров боскичи керамикасини эслатар эди. Шимолий дашт қабилаларининг илк Фёдоров боскичини эслагувчи сопол парчалари Бўстон VI қабристониди ҳам учратилган<sup>1</sup>.

Жарқўтонда дашт қабилаларининг кулолчилик анъаналари таъсирида ишланган сопол парчалари ҳам кўп (10-расмга қаранг). Улар гарчи кулолчилик чархида ясалган бўлса-да, улар сиртига ишланган чизма нақшлар, идишларнинг шакллари, ранги, лойининг таркиби айнан тозабоғёб идишларини эслатар эди. Жарқўтонда улар кўшлаб учрайди. Масалан, Бўстон VI қабристониди II та шундай сопол парчалари учратилган<sup>2</sup>. Бўстон VI қабристониди соф тозабоғёб керамикаси ҳам етарли даражада топилган<sup>3</sup>.

Сополли маданиятининг қабрларида шимол чорвадорларини тақинчоқ ва турли хил безак буюмларининг митти нусхалари учратилган<sup>4</sup>. Уларнинг аксарияти, Мўлали ва Бўстон қабрларига тегишлидир<sup>5</sup>. Бу ҳолатлар мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмидан эътиборан, шимолий дашт чорвадор қабилаларининг Ўрта Осиё ҳудудларига жадал кириб келганлигидан гувоҳлик беради. Бу жараёнлар «Авесто» ривоятларида баён қилинган Андроново орийларининг мил.авв. II мингйилликнинг ўргаларидан жанубга қилган миграциялари билан узвий боғлиқ эди.

Уларнинг излари нафақат Жарқўтон ва Бўстон ёдгорликларида, балки Жанубий Тожикистон ҳудудларидан топиб ўрганилган қадимги қабристонлар Нурек ГЭС ҳудудида<sup>6</sup>, Ҳисор водийсидаги Тандирйўл ва Заркамар<sup>7</sup> қабристонларида, Дахана<sup>8</sup> ва Тегузак<sup>9</sup> маконларида, Таирсув дарёси ҳавзасида Кангурттут қабристони ва макони ҳамда Бараки-Курут маконида<sup>10</sup> ва ниҳоят яна бир ёдгорлик – Хўжа Ғойиб<sup>11</sup>

<sup>1</sup> *Аванесова Н.А.* Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Т.: 2010. С. 116–117.

<sup>2</sup> *Аванесова Н.А.* Указ. Работа. С. 120.

<sup>3</sup> *Аванесова Н.А.* Указ. Работа. С. 121.

<sup>4</sup> *Аскарлов А., Абдуллаев Б.* Джаркутан. Т.: 1983. табл. XLV, 17.

<sup>5</sup> *Аванесова Н.А.* Указ. Работа. Рис. 10–3.

<sup>6</sup> *Пьянкова Л.Т.* Нурекский могильник эпохи бронзы. Археологические открытия 1974 года. Москва, 1975. С. 542–543. Ее же. Отчет о работе Нурекского археологического отряда. АРТ, вып. XIV (1974). Душанбе, 1979. С. 78–92.

<sup>7</sup> *Виноградова Н.М.* Могильник Тапдырйул в Южном Таджикистане. // МАИКЦА, вып. XVIII. Москва. 1991. С. 68–88.

<sup>8</sup> *Пьянкова Л.Т.* Работа Байпазинского отряда на поселении бронзового века Дахана (1985). АРТ, Вып. XXV. Душанбе. 1994. С. 157–165.

<sup>9</sup> *Пьянкова Л.Т.* О раскопках на поселении бронзового века Тегузак в 1980 году. АРТ, вып. XX (1980). Душанбе, 1987. С. 117–125.

<sup>10</sup> *Виноградова Н.М.* Новые памятники эпохи бронзы на территории Южного Таджикистана. Центральная Азия. Новые памятники письменности и искусства. Москва. 1987. с. 76–91; *Vinogradova N.M.* The Farming Settlement of Kangurtut: in the Late Bronze Age. AMI, B.27, Berlin. 1994. p. 29–47; *Vinogradova N.M.* Kangurtut: The Ancient Agricultural Burial Ground in Southern Tadjikistan. Inform. Bulletin IASCCA, Вып. XX. Moskov. 1996. p. 171–194.

<sup>11</sup> *Виноградова Н.М., Гетцельт, Пьянкова Л.Т.* Археологическая разведка в бассейне реки Кызылсу (Южный Таджикистан). РА, Москва, 2003. С. 103.

(Кўлоб водийси)да ёдгорликларида ҳам учратилган. Хуллас, Шимолий Бактрия худудларида 30 дан ортиқ нукталарда Андроново маданияти қабилаларининг моддий маданият излари учратилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг 5 та йирик тарихий-маданий минтақалари (Қадимги Хоразм, Зарафшон водийси, Тошкент воҳаси, Қадимги Фарғона ва Шимолий Бактрия) худудларига бронза ва илк темир даврида Евроосиё даштларидан кириб келган туркий тилли чорвадор қабилаларга тегишли ёдгорликлар 230 дан ортиқ жойларда топилган. Улар кириб бормаган ва ўз ҳарбий-сиёсий ҳукмронлигини ўрнатмаган жойлар қолмаган. Улар дастлаб, маҳаллий туб жойли ўтроқ аҳоли экин майдонларидан четроққа келиб жойлашадилар. Дастлаб, бу икки хўжалик соҳиблари ўртасида ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатилади. Бу иқтисодий-хўжалик алоқалари секин-аста этник алоқалар тусини ола бошлайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги Ўзбекистон худудлари ва теварак-атроф худудларда унғача қадимги эроний тилларнинг шарқий лаҳжаларида сўзловчи ўтроқ деҳкон ва чорвадор саклар яшар эдилар. Улардан қолган археологик ёдгорликлар Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган. Бу икки этник қатламнинг бронза давридан бошлаб бир худуд доирасида, бир-бирлари билан иқтисодий ва этномаданий алоқалар ривожига асосида яшаши ва секин-аста ўзаро этник яқинлашишларининг бошланиши айнан бронза давридан бошлаб юз берди.

Маълумки, Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ёзма манбаси Авесто китобининг лингвистик таҳлилига кўра, бронза ва илк даврида туб жойли маҳаллий аҳоли қадимги эроний тилларнинг шимоли-шарқий лаҳжаларида сўзлашганлар<sup>1</sup>.

Бундай тасаввур археологик, антропологик ва лингвистик топилмаларда ҳам ўз тасдиғини топган. Чунки, бу заминда унға қадар, яъни энеолит ва бронза даври аҳолисининг тарихий илдишлари Ўрта Шарқ минтақалари билан узвий ва бевосита боғлиқ бўлган<sup>2</sup>. Ўз навбагида, Қадимги Шарқнинг суғурма деҳкончилик

<sup>1</sup> *Массон В.М.* Средняя Азия и Древний Восток. Москва Изд. «Наука», М. Л., 1964; *Грантовский Э.А.* Ранняя история иранских племен Передней Азии. М., 1970; Он же. «Срая керамика», «расписная керамика» и индоиранцы. «Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности» (II тыс. до н.э.). М., 1981; *Бонгард-Левин Г.М., Грантовский Э.А.* От скифии до Индии. Москва, 1983; *Дьяконов М.М.* Очерки истории древнего Ирана. Москва. 1961; *Гамкрелидзе Т.В., Иванов В.В.* Древняя Передняя Азия и индоевропейская проблема. Временные и ареальные характеристики общеиндоевропейского языка по лингвистическим и культурно-историческим данным. ВДИ, № 3. Москва. 1980. Они же. Индоевропейский язык и индоевропейцы. Т. I–II. Тбилиси, 1984; *Кузьмина Е.Е.* Откуда пришли индоиранцы? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. Москва, 1994; *Смирнов К.Ф., Кузьмина Е.Е.* Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических открытий. Москва, 1977; *Гафуров Б.Г.* Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Москва, 1972; *Ораский И.М.* Иранские языки в историческом освещении. Москва, 1979; *Yu. Bregel.* Notes on the study of Central Asia. Журнал «Восток», № VI, Москва, 1997; *Абаев В.И.* К вопросу о прародине и древнейших миграциях иранских народов «Древний Восток и античный мир» Москва, 1972; *Масов Р.* История топорного разделения. Душанбе, 1991. Он же. Таджики: история под грифом «совершенно секретно». Душанбе, 1995. Он же. Таджики: вытеснение и ассимиляция. Душанбе, 2003.

<sup>2</sup> *Массон В.М.* Средняя Азия и Древний Восток. Москва. Изд. «Наука», М. Л., 1964.

ва сертармоқ хунармандчиликка асосланган юксак урбанистик маданияти Ўрта Осиё туб жойли аҳолисининг этномаданий ривожланишига катта таъсирини ўтказиб келган.

Ана шу таъсир нафақат автохтон аҳолининг иқтисодий-хўжалигига, балки унинг тилини шаклланишида ҳам катта роль ўйнаган. Бу Авесто матнларида, Ахоманийларнинг қоятошларга битилган китобаларида, суғдий, хоразмий, бохтарий ва сак тилларида ёзилиб, бизгача етиб келган қадимги ёзма манба парчаларида, этнотопоним, этногеографик атамаларда ўз аксини топган. Шу боисдан, Ўрта Осиёнинг туб жойли аҳолисининг тили бронза даври ва унга қадар қадимги шарқий эроний тиллар оиласининг турли лаҳжаларидан бўлишини тарих тақозо этади.

Узоқ асрлар давомида прототуркий қабилалар маҳаллий эронзабон суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар ва Ўрта Осиё сак қабилаларининг аجدолари билан ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий ва этномаданий алоқалар туфайли бир-бирларига яқинлашадилар. Бу ҳолатлар Қадимги Хоразмнинг Сувёрган ва Тозабоғёб маданиятлари мисолида, Қадимги Фарғонанинг Чуст ва Қайроққум маданиятлари мисолида, Қадимги Бактриянинг Сополли ва Андроново маданиятлари мисолида ўз аксини топган. Қадимги Хоразмда икки этник гуруҳлар маданиятининг қоришуви асосида сўнгги бронза даври (Ковунчи босқичи)да улар (икки этник гуруҳлар)нинг этномаданий компонентлар симбиози кузатилса, Шимолий Бактрияда Сополли маданиятининг Кўзали ва Мўлали босқичлари топилмаларида прототуркий тилли аجدодларимизнинг излари моддий маданиятда яққол кўзга ташланади. Бу ҳолатлар ўзбек халқи икки этник (эроний ва туркий тилли) қатламлар қоришуви асосида таркиб топганлиги ва бу қоришув илк бор сўнгги бронза давридан бошланганлигидан гувоҳлик беради.

VIII боб

**ТУРКИЙ ҚАБИЛАЛАРНИНГ ИЛК ВАТАНИ ВА  
ОРИЙЛАР МУАММОСИ**

Собиқ совет даври тарихий тилшунослик фанида Тоғли Олтой туркий халқларининг ватани, туркий аҳоли айнан ана шу ўлкада таркиб топиб, сўнг бошқа юртларга тарқалган, деган тасаввур шаклланган эди. Бундай тасаввурни пайдо бўлишида турк этноними остида Тоғли Олтой ҳудудларида хоқонликнинг илк бор таркиб топиши ҳам катта роль ўйнаган. XVIII–XIX асрлар давомида Тоғли Олтой минтақасида олиб борилган этнолингвистик тадқиқотлар ҳам бундай илмий фаразни асосли эканлигини тасдиқлайди. Шундай қилиб, Тоғли Олтой туркий халқларнинг илк ватани сифатида тилга олиниб, жаҳон тарихий тилшунослигида «Олтой тиллар оиласи» деган атама пайдо бўлади. Бундай тушунчани илмий асосланишида этнограф ва тилшуносларнинг бу ерда олиб борган изланишлари ва улар томонидан туркларнинг келиб чиқиши ҳақида тўпланган ривоятлар ҳам катта роль ўйнаган.

Масалан, Олтой турклари орасида ўзларининг келиб чиқиши ҳақида ҳозиргача оғиздан оғизга ўтиб келаётган ривоятлардан иккитаси оғзаки ва ёзма адабиётларда тилга олинади. Биринчи ривоятда Атилла бошчилигида ғарбга кетган хунларни, унинг ўлимидан кейин, анча вақт ўтгач, маҳаллий аҳоли бутунлай кириб ташлайди. Оёқ-қўллари кесилиб, ботқоқликка улоқтирилган 9 ёшли бола тирик қолади ва ботқоқли тўқайзорда ундан урғочи бўри ҳомиладор бўлиб қолади. Бола тириклигини билиб қолган унинг душманлари, болани ўлдирдилар, ҳомиладор бўри эса Олтой тоғларининг ғорларидан бирига жойлашиб, 10 та ўғил туғади. Улар ҳам ўз навбатида бола-чақали бўлиб, кўпайиб кетадилар ва бўридай чакқон, табиатақ ҳарбийлашган бўри уруғи бўлиб етишадилар.

«Бир неча авлод ўтгач, уларнинг сардори Асаншод ўз аймоқлари билан ғордан чиқиб, ўзларига Олтой ўлкасининг эгалари жужанлардан яшашга ер сўрайди. Жужанлар хоқони эса бунинг эвазига уларга (тобе сифатида) маъдан конларида ишлаб беришликни талаб қилиб розилигини олади». Шундай қилиб, «Олтой турклари ривоятга кўра, ғарбий хунлардан келиб чиққан, яъни туркларнинг она уруғи бўридан таркаган»<sup>1</sup>. Иккинчи ривоятга кўра, «турклар маҳаллий «Со» қабиласи ҳам бўри уруғидан келиб чиққан. Ривоятга кўра, қабила сардори Абанбуни 17 та оға-инилари бўлган. Улардан бирини поми Ичасин Ишид, яъни «бўри боласи» деб аталган. Со қабиласи «ўзларининг айби билан» деярли кирилиб кетади, улар-

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Москва, 1993. С. 23.

дан атиги тўрт ўғлон тирик қолади. Биринчиси, окқуш (лебед)га айланиб учиб кетади, иккинчиси, Кама дарёси соҳилига жойлашади, учинчиси, Чуса дарёси соҳилига, тўртинчиси, энг каттаси – Нудули шод Фарбий Саян тоғ ёнбағирларига бориб жойлашади. Нудули шоднинг кенжа хотинидан ўғил бола – Ашин туғилиб, мусобақада барча оғаларини енгиб, уруғнинг сардори бўлиб олади. Шундан бошлаб бу уруғ *Ашина уруғи* деб атала бошлайди. Ашиннинг ботирлиги ва ишбилармонлиги туфайли унинг уруғини қудрати ошиб, у Ашин қабила бошлиғига айланади. Энди қабила номи Асаншод бўлиб қолади. Ашиннинг набираси Тумин (Бумин) милодий 551 йилда ўзини туркларнинг хоқони деб эълон қилади<sup>1</sup>.

Агар юқорида зикр этилган ҳар иккала ривоятнинг мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, гап қадимги туркларнинг Олтойдан келиб чиққанлиги тўғрисида эмас, балки Тоғли Олтойда князь Ашина атрофида тўпланган жанговар сипохий ёшлар гуруҳининг «турк» номи остида бирлашиши ҳақида боради. «Улар турк тилида сўзлашардилар. Аммо, қўшни қабилалар, гарчи улар тилида сўзлашсалар-да, ўзларини асло турклар деб атамас эдилар»<sup>2</sup>. Асаншод, унинг ўғли Туу ва набираси Тумин даврида Ашина уруғи ўзига теле, жужан ва бошқа қабилаларни бўйсундиргач, нафақат Тоғли Олтой, балки бутун Марказий Осиёда яшовчи туркий тилли қабилалар ўзларини турклар деб атайдиган бўлдилар.

Тоғли Олтой райониарида олиб борилган этнолингвистик материаллар ва Олтой туркларини келиб чиқишини бўри уруғи билан боғлашга қаратилган ривоятлар таъсирида тарихий тилшунослик фанида, менимча, бир ёқламали тасаввурлар пайдо бўлдики, бунга кўра, Тоғли Олтой қадимги туркларнинг илк ватани бўлиб қолди, кейинчалик (антик даврдан бошлаб – А.А.) туркий халқлар Тоғли Олтойдан чиқиб, Марказий Осиёнинг барча ҳудудларига, жумладан бутун Жанубий Сибир, жануби-шарқий Ўролорти минтақалари, Қозоғистон даштлари, қуйи Волга, Дон, Днепр дарёларининг қуйи ҳавзалари, Ўрта Осиёга ёйилди. Совет тарихшунослигида унга қадар бу ҳудудларда (Шимоли-шарқий Қора денгиз бўйларидан то Байкалгача) эроний тиллар лаҳжаларида сўзлашувчи қабилалар яшар эдилар, деган тасаввур шаклланган.

Бу ҳудудларда олиб борилган археологик тадқиқот натижалари, яъни бронза ва илк темир даврларига оид Тоғли Олтой ёдгорликларидан топилган археологик материалларнинг Жанубий Сибир, бутун Қозоғистон даштлари, Ўралорти, Ет-тисув районлари материаллари билан қиёсий-типологик таҳлили бу минтақалар моддий ва маънавий маданияти бир, улар ўртасида этногенетик узвийлик кучли ва этнографик турмуш тарзида айнан ўхшашлик кузатилади. Бу хилдаги типологик қиёсий тадқиқотлар антропологик сериялар мисолида ҳам ўтказилиб, улар ҳам ушбу минтақалар дашт қабилаларининг бир-бирлари билан этногенетик жиҳатдан бир эканлигини тасдиқлайди.

Қуйи Волгадан шарққа томон чўзилган чўлларда истиқомат қилган бронза даврининг бу қабилалари археологик адабиётларда *Андроново мадания-*

<sup>1</sup> Рахмонов Н. Турк хоқонлиги. – Т.: 1993. – 42–43-бетлар.

<sup>2</sup> Гумилев Л.Н., Указ. лит. С. 24.

*ти соҳиблари* деб юритилади. Андроново маданияти ёдгорликлари ғарбий Қозоғистондан то жануби-ғарбий Байкалгача чўзилган даштларда учрайди.

Маълумки, шўро даври тарихшунослигида хунларни прототурк кабилалари эканлиги тан олинган. Таниқли тарихчи Л.Н.Гумилев ўзининг «Хуну» асарида хунлар Хитой тарихида биринчи бор милоддан аввалги 1764 йилда, сўнг милоддан аввалги 822 ва 304 йилларда тилга олинганини эслайди<sup>1</sup> Проф. А.Хўжаевнинг ёзишича, кейинги йилларда хитой ва япон олимлари ҳамкорликда Хитойнинг 24 жилдди тарихи (Эр си ши) устида жиддий тадқиқотлар олиб бориб, ана шу изланишлар жараёнида прототурк атамаси хитой манбаларига бундан камида 4 минг йил аввал кириб келганини таъкидлайди<sup>2</sup>.

А.Хўжаевнинг хитой манбаларига асосланиб берган маълумотларига кўра, милоддан аввалги III мингйилликнинг охириги чорагидан бошлаб Шимолий Хитой князликларининг тарихи ўша даврнинг йилномачилари томонидан ёзила бошлаган, яъни қадимги Хитой кичик подшоликларида «ши» деб аталган йилномачилар бўлиб, улар Шимолий Хитой подшоликларининг шимолий, шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий чегараларида чорвадор прототурк кабилалар яшаганликларини тасдиқлайди. Ана шу кичик ҳокимликлардан бири Шя подшолиги бўлиб, у Шимолий Хитойда (милоддан аввалги 2205–1766 йилларда) ҳукмронлик қилган. Сўнг милоддан аввалги 1766–1122 йилларда «Шонг» номли кичик ҳокимлик ҳукм сурган. Уларнинг ҳар иккаласи девонида «ши»лар фаолият кўрсатиб, нафақат ўз подшоликлари тарихини тошга, суякка ва хитой қашишига ёзиб борган, балки у ҳокимликларга чегарадош кабилалар ва элатлар ҳақида ҳам маълумот қолдирганлар.

Тарихда ана шундай «ши»лардан Са Же ва Рюй Сунг номли йилномачиларнинг номи бизгача етиб келган. Милоддан аввалги I мингйилликда «ши» лавозимидаги йилномачиларнинг сони кўпаяди, улар ёзадиган иш ҳажми ҳам кенгайди. Хотиралар ҳукмдорлар истаги асосида битилиб, ҳукмдорлар «Тангри фарзанди» сифатида илоҳийлаштирилади. Уларнинг фаолияти қонун, ахлоқ нормалари Тангри таолонинг амри сифатида қабул қилинади. Сима Цян ана шу хотиралар асосида ўзининг «Тарихий хотиралар» асарини ёзган.

Милодий 319 йилдан бошлаб нафақат тарихга оид хотиралар, балки тарихшуносликка доир асарлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Танг сулоласи даврида (милодий 618–907 йй.) тарихий воқеаларни ёзиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу иш давлат монополиясига айланади. Йилномачи «ши»лар ёзиб борган расмий сулолалар 24 та бўлганлиги учун сулолалар тарихи «24 тарих», яъни «Эр си ши» номини олган. «24 тарих»нинг биринчи жилди Сима Цян қаламига мансуб «Тарихий хотиралар» бўлса, унинг охиригиси Минг сулоласи (милодий 1368–1644 йй.) тарихидан иборат. Хронологик жихатдан ушбу 24 сулола тарихи 3,5 минг йилдан кўпроқ давр тарихини (мил.авв. 2205 – милодий 1644 йиллар) ўз

<sup>1</sup> Гумилев Л.Н. «Хуну». Москва, 1960. С. 23.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларида: тарих ва маданият». Тошкент–2003. 178-бет.

ичига олади. Ана шу тарихнинг қадимги ва илк ўрға асрлар даври воқеаларини ўз ичига олган жилдларида хитойшунос олим Аҳаджон Хўжаевнинг таъкидлашича, бевосита Турон ва Туркистон тарихи учун кўп қимматли маълумотлар бор<sup>1</sup>.

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар»ига асосланиб ёзилган «Хитой тили катта иероглифлар луғати»да Шимолий Хитой «Шя» ҳокимлигининг шимоли-ғарбий чегараларида хунларнинг аждоди «ху», «тиек» (ўқилиши «ди», «ривем» (ўқилиши «рунг»), «ғуз» деб аталган чорвадор прототурк қабилалар яшаганлиги тилга олинган<sup>2</sup>. Бу маълумотлар «Шя китоби» ёки «Шя сулоласи тарихи» (хитойча «Зуочжуан») номли манбада бўлиб, унда келтирилган воқеалар баёни мил. авв. XXI–XVI асрларда ўтган Шя кичик подшолиги тарихига тегишли. Худди шундай маълумот Си Юаннинг «Сўзлар этимологияси» луғатида ҳам учрайди<sup>3</sup>.

«Кейинги йиллардаги тадқиқотларимиз жараёнида, дейди хитойшунос олим А.Хўжаев, тиек ва тиук этнонимлари турк, ху-ғуз, хун атамаларининг хитойча транскрипцияси, ривем (рунг) эса, хитойлар томонидан туркларга (аниқроғи прототуркларга – А.А.) қўйилган ном эканлиги ва у «от минувчи жангчилар» ёки «от мишувчилар» маъносини билдирганлиги аниқланди». Тиек (тиук) бир тоифадаги қавмларнинг умумий номи бўлса, гуз ва хун уларнинг айрим қисмларига тегишли бўлган»<sup>4</sup>.

А. Хўжаевнинг ёзишича, хитой тилида ундош «р» товушини талаффуз этиш мумкин бўлмаганлигидан хитойликлар «хур» атамасини «ху» иероглифи билан ифода этишган. Кейинроқ, шарқий «ху»лар хитойчада «дунгху» аталиб, ушбу атама рус адабиёти орқали ҳозирги замон тилимизга «тунгус» талаффузи билан кириб келган. «Ди»лар, ўз навбатида, қизил ди («чи ди»), катта ди (жонг ди), оқ ди («бай ди»)ларга бўлинган. «Рунг»лар ҳам ғарбий рунг («ши рунг»), тоғли рунг («шан рунг»), ўрмонли рунг («линг рунг») каби қисмларга бўлиниб, Жанубий Сибир чўлларида яшаган.

Хан сулоласи тарихининг «Хунлар тазкираси»ни иккинчи қисмида «жанубда буюк Хан мавжуд, унинг шимолида кучли «ху» мавжуд» деб хунларга ишора қилинган. Шарқий Хан тарихчиси Чженг Шюан «ху» ҳозирги сюнну», яъни хун деб ёзган<sup>5</sup>.

«Ди»лар баъзи бир қадимги хитой ёзма манбаларида «динглинг» деб ёзилган. «Шя» (мил. авв. 2205–1766 йй.), «Шонг» (мил. авв. 1766–1122 йй.) ва «Чжоу»

<sup>1</sup> Хўжаев А. Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрға асрларда: тарих ва маданият». Тошкент–2003. 178–184-бетлар.

<sup>2</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. Фарғона, 2013. 7-бет; Хитой тили катта иероглифлар луғати. 3-жилд, 2057 бет. Чэнгду, 1990.

<sup>3</sup> Си Юан. Сўзлар этимологияси. 1218 бет. Пекин, 1979.

<sup>4</sup> Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. «Фарғона нашриёти», 2013, 8-бет; Хўжаев А. О самой ранней китайской транскрипции этнонима тюрк. «Актуальные проблемы китайоведения: вопросы филологии, политики, экономики и философии». Ташкент, 2006. С. 12–17. Еро же. Древнейшая китайская иероглифическая транскрипция этнонима тюрк. Shygys Kazakhstan № 1, 2008. С. 7–26. Еро же. Из истории древних тюрков (Сведения древнекитайских источников). Ташкент, 2010. С. 1931. С. 19–31.

<sup>5</sup> Хитой тили катта иероглифлар луғати, 3-жилд, 2057 бет.

(мил.авв. 1122–771 йй.) кичик подшоликлари давридаги «гуйфанглар» динглинглари ўзи эди, деб ёзади, хитой тарихчиси Дуан Лянчин<sup>1</sup>. Хитой тарихчиси Люй Симян эса «илгари динлин ёки динглинг деб номланган қабилалар кейинчалик чиле, теле деб аталган. Ҳозир биз уларни умумлаштириб уйғур деб атаيمиз, ғарб мамлакатларида уларни турк деб аташади деб ёзади. Аслини олганда турк ва уйғур динглинглари таркибидадирлар...Чилеларни хитойликлар «Гавчэ» (қангли) деб аташган. Мазкур номлар бир-бирларига ўхшамаса ҳам, уларнинг келиб чиқиши бир. Буларнинг теле ва гавчэ деб аталиб қолишининг сабаби шу бўлганки, қумликнинг шимолида яшаб Вэй хонадонига (милодий 220–260 йй.) итоат қилганлар гавчэ, қумликнинг шимолида яшаб жужанлар итоатида бўлганлар теле деб аталган<sup>2</sup>.

А. Хўжаевнинг таъкидлашича, қадимги Хитой ёзма манбаларида «д» товуши «т» товуши билан алмашиб, «динглинг» атамаси «тинглинг» деб талаффуз қилинган. Кейинроқ, «нг» товуши тушириб қолдирилиб, «тинглинг» «теле» бўлиб кетган. «Т» товуши эса «ч» товуши билан алмашиб, «теле», «челе» ёки «чиле» деб талаффуз қилинган. Демак, ди, динглинг, тинглинг, теле, челе, чиле қабилалари «ху»нинг авлодларидир.

Милодий III–VI асрларда улар «туро» номи остида юритилган. «Теле» ва «туро» аслида битта қабиланинг номи эмас, балки улар туркий тилли қабилаларнинг турли уруғидир. Чунки кўчманчи қабилалар анъанасига кўра, қайси бир уруғ ёки қабила бир неча қабилалар сиёсий уюшмасига етакчилик қилса, қабилалар иттифоқига кирган барча қабилалар ўз уруғи ва қабиласи номи унутмаган ҳолда, ўша етакчи қабила номи билан юритилаверади. Масалан, бир замонлари прототуркий қабилалар сиёсий уюшмасида етакчи қабила «ху»лар бўлган бўлса, кейин шундай етакчилик роли «ди»ларга ўтди. Кейинроқ, прототурк қабилалар сиёсий уюшмаси – қабилалар иттифоқига хунлар етакчилик қилганлар. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, хунлар ҳокимияти емирилгандан кейин Атилла билан Ғарбга кетмай, ўз жойларида қолиб кетган прототурк қабилаларга «туро» қабиласи бош бўлиб, улар таркибида 44 та қабила бўлган, уларнинг номлари шимолий сулолалар тарихида келтирилади<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, юқорида номлари келтирилган қадимги Хитой ёзма манбаларига кўра, Шимолий Хитой кичик подшоликларининг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий чегараларида милоддан аввалги III–II мингйилликлар давомида «тиек», «ху», «ди», «хун» номлари остида чорвадор прототурк қабилалар жамоалари яшаган. Улар Хитой иероглифларида даврига қараб турлича талаффуз этилган бўлса-да, уларнинг туркий этносга тегишли эканлиги тарихий ҳақиқатдир.

Археологик тадқиқот натижалари айнан мана шу ҳудудларда бронза даврида Андроново маданияти соҳиблари яшаганлигини тасдиқлайди. Андроново мада-

<sup>1</sup> Дуан Лянчин. Динглинглари, қанглилар ва туролари. 1-жилд, Урумчи–1996, 115-бет.

<sup>2</sup> Люй Симян. ХХР халқлари тарихи. Шанхай–1987, 87-бет.

<sup>3</sup> Кўхна Танг сулоласи тарихи. 2-қисм, 199 боб, 15393 бет.



нияги ёдгорликлари Жанубий Сибирнинг ғарбидан то Ўрол тоғ тизмаларининг жануби-шарқий минтақаларигача ёйилган.

С.В. Киселев милоддан аввалги XVIII асрда Минусинский пасттекислиги ва Енисейгача ёйилган Андроново маданияти ёдгорликларини қуйи Волга, Дон ва Днепр чўлларининг сруб маданияти билан кўп жиҳатдан яқинлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Улар кенг тарқалган минтақалар қуйи Волгадан то Монголиягача, жануби-шарқий Ўролдан то Ўрта Осиёгача чўзилган чўл минтақалари эди<sup>2</sup>. Демак, қадимги хитой ёзма манбаларида тилга олинган «тиек», «ху», «ди», «гуйфанг», «туфанг», «рунг», «хун» ва бошқа чорвадор қабилаларни қадимги прототурк тилида сўзлашувчи Андроново маданияти соҳиблари бўлган дейиш мумкин.

Андроново маданияти қабилаларининг прототурк этноста тегишли эканлиги ҳақидаги фаразлар авваллари ҳам мавжуд эди<sup>3</sup>. Аммо, Авесто ва Веда манбаларининг лингвистик таҳлили бундай қарашларни тасдиқламади, аксинча Сруб ва Андроново қабилалари билан саврамаат ва саклар (мил.авв.VII–Vасрлар) ўртасидаги генетик алоқаларни археологик материалларда кузатилиши антик ва қадимги форс ёзма манбалари томонидан тасдиқланади, деган хулосага келадилар<sup>4</sup>. У пайтларда буюк турк чўлининг чорвадорлари прототурк тили бўлганликларини тасдиқловчи ёзма манбалар йўқ эди. Қадимги Хитой ёзма манбаларининг Н.Я. Бичурин таржималарида Андроново маданияти соҳибларини прототуркийда сўзлашардилар, дейишга айрим ишоралар бўлса-да, собиқ совет даври тарихшунослигидаги «евроцентристик» қарашларнинг салмоғи бунга имкон бермай келди.

Айнан истиқлол туфайли тарихий ҳақиқат рўёбга чиқа бошлади. Қадимги Хитой ёзма манбаларининг объектив таҳлили, энди уларни бронза ва ундан ҳам олдинги даврлардан бошлаб Днепр дарёсининг қуйи ҳавзаларида шарққа томон чўзилган ҳудудлар: Дон, Волга дарёларининг қуйи ҳавзалари, Об, Енисей дарёлари ҳавзалари, Ўрол тоғ тизмаларининг ҳар иккала тоғолди районлари ҳозирги замон туркий халқларнинг прототурк аجدодлари кенг ёйилган ҳудудлар бўлган. Бу ҳудудларнинг бир қисми илк ўрта асрлардан бошлаб, ғарбдан шарққа томон славянлар томонидан «ўзлаштирила» бошланди. Милодий XVII–XVIII асрлар да-

<sup>1</sup> Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. Москва, 1951. С. 100.

<sup>2</sup> Грязнов М.П. Племена Сибири и Казахстана в эпоху бронзы. «Очерки истории СССР». Москва, 1956; Кузьмина Е.Е. Древнейшие скотоводы от Урала до Тянь-Шаня. Фрунзе, 1986; Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Ташкент, 1991.

<sup>3</sup> Черников С.С. Восточный Казахстан в эпоху бронзы. М-Л, 1960. С. 112; Аманжолов А.С. Рунообразная надпись из сакского захоронения. «Вестник АН Каз.ССР», № 2, Алмата, 1971. С. 64–66. Его же. Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Автореф. Докт. Дисс. Алмата, 1975. Его же. Тюрская руническая графика, Алмата, 1980.

<sup>4</sup> Бернштам А.Н. Спорные вопросы истории кочевых народов в древности. КСИЭ, вып. XXVI, – 1957; Смирнов К.Ф. Проблема происхождения ранних сарматов. Москва, 1957; Кузьмина Е.Е. Сложение скотоводческого хозяйства к производящему и особенности развития общественного строя. Москва, 1974; Акишев К.А. Саки азиатские и скифские. «Археологические исследования в Казахстане. Алмата, 1973.

вомида марказлашган Россия давлатининг шарққа томон «харбий-ўзлаштириш» сиёсати то Ўрол тоғ тизмаларигача етиб борди. XVIII–XIX асрнинг биринчи ярми давомида Россия империясининг харбий ишбилармонлари Ўрол тоғларини ошиб, то Курил ороллари ва Камчаткагача кириб бордилар.

Унгача славянларнинг илк аждодлари. (мил. авв. II – милодий II асрлар) Днепр дарёсининг ўрта оқимларида яшаганлар. Улардан шарқда сарматлар, Днепр ва Дон дарёларининг қуйи оқимларида эса скиф-аланлар яшар эдилар<sup>1</sup>. Шаркий славянларнинг қадимги рус илк давлати (пойтахти Киев ш.) милодий IX–XII асрларда Днепрнинг ўрта ҳавзаларида ташкил топгани сир эмас. У шарққа томон ҳудудини кенгайтириб, XIII аср охири – XIV аср давомида Волга дарёсининг ўрта оқимига қадар чўзилган ҳудудларда ягона рус давлатига айланади. Ўша кезларда Днепр, Дон ва Волга дарёларининг қуйи ҳавзаларида бижанақлар, Волга дарёсининг ўрта оқими районларида мордвалиқлар жойлашган эдилар<sup>2</sup>. Бу минтақалардан топилган археологик, антропологик комплекслар ва уларни қадимги Хитой ёзма манбалари билан қиссий таҳлили кенг Евроосиё даштларининг аҳолиси қадимги ва ўрта асрлар даврида прототуркийда сўзлашганлар, деган фикрни дадил ташлашга имкон бермоқда<sup>3</sup>. Чунки, бу ўлкаларда энеолит ва илк бронза даврларида, қадимги Хитой манбаларига кўра ху, хули деб аталган чорвадор прототурк қабилалари яшаганлар. Уларнинг шимоли-ғарбидан то шимолий Ўролгача бўлган ҳудудларда фин-угор тилли қабилалари тарқалганликлари ҳақида маълумотлар учрайди<sup>4</sup>.

Зардуштийлик динининг эзгуликлар худоси Ахурамазда оламни яратганда, одамлар учун ҳар хил иқлимли ўлкалар ва мамлакатларни яратди. Биринчи бўлиб, кенг яйловларга бой, чорвага қулай муқаддас Арьянам Вайчаҳни яратиб, унга орийларни жойлаштирди. Арьянам Вайчаҳ атамасининг туб маъноси ҳам орийлар мамлакати демакдир. Олимлар Авесто мадхиялари таҳлили асосида Арьянам Вайчаҳни Эрон ҳудудларидан, Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм, Ҳирот воҳаси, Эрон Озарбайжони ҳудудларидан кидирдилар. Бирок, Арьянам Вайчаҳ табиати, табиий-географик иқлим шароитлари, аҳолисининг турмуш тарзи, машғулоти ва асосий бойлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳамду санолар, таърифлар менимча уни кўпроқ Евроосиё даштларидан кидиришни тақозо этади. Чунки бу юрт аҳолиси

<sup>1</sup> Очерки истории СССР. Москва, 1956, см. по карту «Северное Причерноморье во II в. до н.э.-в. н.э.

<sup>2</sup> Археология СССР. Том «Древняя Русь. Город, замок, село». Москва, 1985, Табл. 2, 3, 4. С. 32–36.

<sup>3</sup> Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», №6, Тошкент – 1996, 71-бет; Ўша муаллиф, Об исконной родине расселения древних тюрков. ИМКУ, вып.32, Ташкент–2001, стр. 69–72; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, №4, Тошкент – 2002, 55-бет; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент 2004, 4 6-бетлар.

<sup>4</sup> БСЭ, Москва, 1956, том 45. С.196–197; ЎЗМЭ., Тошкент – 2005, том 9, 250–251-бетлар.

кўчманчи чорвадорларга хос сахройн турмуш кечирганлар. Уларнинг маъбудлари «кенг яйловлар эгаси», «ажойиб отлар юборувчи илохлар» бўлган. Улар худоларга илтижо қилиб, улардан яйловларга осмондан ёмғир юборишни, кўплаб отлар ва ҳўкизлар ато этишни сўрайдилар, маъбудларга атаб отлар, новвос ва кўйларни қурбонлик қиладилар. Уларда Тваштар биринчи губчакли аравани яраттувчи илоҳ ҳисобланган. Гилдиракли транспорт турининг барчаси, икки гилдиракли арава (золотая колесница), унинг қисмлари, от-абзали, дангликларнинг барча кийим-бошларини номларигача чорвадор аҳолига тегишли бўлиб, аммо, уларни «хинд-оврўпа назарияси» асосчилари ва уларнинг издошлари қадимги эроний тилли қабила ва қавмлар туркумига киритадилар.

Авесто ва Веда манбаларининг лингвистик таҳлили асосида пайдо бўлган «хинд-оврўпа назарияси» тарафдорлари Евроосиё дашт ва чўлларининг чорвадор қабилаларини қадимги эроний тилли этнослар сифатида таърифлаб, уларнинг илк ватани Марказий ва Шарқий Европа худудлари эди, улар қадимги эроний тилни Евроосиё даштларидан орийларнинг жанубга миграцияси туфайли Ўрта Осиё ва Ўрта Шарққа олиб келиб, маҳаллий эламитлар ва хурритларни эронийлаштирди, деган фаразни жаҳон расмий тарих фанига сингдирдилар. Бундай лингвистик фараз Евроосиёнинг дашт минтақаларида Тоғли Олтой худудларидан бошқа жойларда прототурк этносига ўрин қолдирмайди. Ҳатто, унинг теварак-атроф районлари аҳолиси ва ундан Фарбада то Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларигача, Шарқда то Байкалгача чўзилган минтақаларнинг дашт аҳолиси ҳам эрон забон эди, деган тасаввур шаклланиб, у ҳозиргача давом этмоқда.

Илмий, илмий-этнографик асарларда дашт кўчманчиларини дастлаб «варварлар», «варварларнинг жанубга оккупацияси» каби иборалар ишлатиб келинди. Қачонким, Авесто терминлари илмий асосда ўрганила бошлагач, ана шу «варварлар»нинг жанубга миграцияси туфайли Эрон тоғолди районларида Ориана таркиб топгач, «варвар» атамаси «орий» атамасига алмаштирилди. Орийлар жамиятнинг аслзодалари, эркин ва озод тоифаси, эл-юрт бошқарувчилари, хўжайини сифатида талкин этила бошланди. Бошқача қилиб айтганда, Европа давлатларининг Осиё ва Африкага мустамлакачилик сиёсатининг қуртаклари орийлар билан боғлиқ эканлиги, ҳатто гитлерчилар Германияси ўз даврида ўзларини орий ирки, тоза ирк, ҳақиқий ирк, деб эълон қилганликларини ҳеч ким унутмаган.

Савол туғилади, орийлар ўзи кимлар? Улар этник келиб чиқиш жиҳатидан азалдан эроний тилли этносларга тегишлими ёки прототурк этнос вакилларими? Ёзма манба – Авестога кўра, улар ижтимоий ҳаётда жамоанинг эркин, озод, жанговар мулкдорлар тоифаси бўлиб, мана шу табақа ва унинг оила аъзолари ўз уруғ-аймоқларидан фарқли ўлароқ, Авестода «озодлар» («азады»), яъни «орийлар» деб юритилган. Улар яшаган юрт орийлар ватани, орийлар кенглиги (арийский простор), яъни «Арьянам Вайчах» деб номланди. Бу юрт халқининг асосий бойлиги чорва, яъни майда ва йирик шохли ҳайвонлар, от, туя ва қорамол (йирик шохли ҳайвонлар) ҳисобланади. Уларнинг кундалик турмуш тарзи дашт аҳолисига хос кўчманчи чорвачилик асосида қурилган.

Маълумки, чорвадан келадиган бойлик дехқончиликка нисбатан жуда тез кўпаювчан бўлади. Бадавлат мулк эгаси иштаҳасининг эса чеки бўлмайди. Ибтидоий жамоа тузумидан дастлабки синфий жамиятга ўтиш босқичи ҳисобланган ҳарбий демократия даври имкониятлари қабилалараро тўқнашувларни тез-тез содир бўлишини такозо этади. Кўп ҳолларда кўчманчилар орасида ўзаро бўладиган ҳарбий тўқнашувлар доимий характер тусини олади. Бундай шароитда қўшинга чакқон ва абжир, бақувват ва мард ўғлонлар, ташаббускор ва тадбиркор ҳарбийлар керак. Қачонким, чорвадор қабилалар ҳаётида кўчманчилик турмуш тарзи қарор топгач, жанговар ҳарбийларни тарбиялашга кенг имкониятлар ва эҳтиёж очилади.

Давр тақозосига кўра, Евроосиё дашт аҳолиси орасида абжир ва чакқон чавандоз, мохир мерган ва чайир ва чапдаст жангчи бўлишга интилиш ҳар бир ёшнинг кундалик ҳаракат дастурига айланиб боради. Оқибат патижада ўтиш даврининг ана шу жанговар ҳарбий руҳияти асосида суворий орийлар таркиб топиб, улар томонидан ўзга юртларни босиб олиш чорвадор қабилаларнинг муҳим даромад манбаига айланади. Ана шу чорвадор қабилаларнинг суворий ҳарбийлари ҳаётда ўзларини озод ва эркин, ҳеч кимга қарам ва тобе ҳис этмас, улар ўзларини доимо ҳаётда иқтисодий ва сиёсий мустақил ҳис этувчи озодлар-орийлар эдилар. Уларнинг уруғ-аймоқлари ҳам қабил аънарасига кўра, ўзларини орийлар деб билишган. Чунки, ўша давр чорвадор жамоаларида ҳарбий демократия тизимига ҳос тартиб-қоидалар ҳукмрон эди. Ҳар бир оилада туғилган фарзанд ёшлигидан қабила удумларига содиқлик руҳида тарбияланади. Тарбиянинг мақсад йўналиши эса ҳар бир нуфузли чорвадор сиймосида орийни шаклланиши билан яқунланади.

Авесто ва Ригведага кўра, дастлаб орийлар маҳаллий аҳолига нисбатан «бегона», «бошқа ерлик», «босқинчи» маъносини аниқлаган. Кейинчалик, улар «хўжайин», «аслзода» маъно ва мазмунни касб этган. Чорвадорларнинг дехқонларга нисбатан тезда бойиб кетишига чорвачиликда йилқичиликнинг таркиб топиши, яъни от, туя, хўкиз ва эшакдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтиш асосий ролни ўйнайди. Айнан шу вақтда кўчманчи чорвачиликка ўтишга кенг имкониятлар яратилади. Бу жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Ана шу туб ўзгаришларнинг меваси сифатида ибтидоий чорвадор жамоалари таркибида бадавлат мулк эгалари: ўнлаб, юзлаб отар мол-қўйга эга жамоа сардорлари етишиб чиқади.

Демак, орийлар Марказий Осиё чорвадор қабилаларнинг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор қатлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар тоифаси (табақаси) эди.

Ёзма манбалардаги орийларга берилган бу тавсифлар археологик ёдгорликлар мисолида ҳам ўз аксини топган<sup>1</sup>. Ҳатто, археологлар орийларнинг археологик тавсифини ишлаб чиққанлар. Бунга кўра, орийлар ўз уруғ-аймоқлари ичида

<sup>1</sup> Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. Москва, 1994.

энг нуфузли, бадавлат, эркин ва озод суворийлар бўлиб, улар вафот этганда: биринчидан, ўша даврнинг урф-одатларига кўра, чуқур ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида кабиладошлари уларга атаб маҳобатли мозор-қўрғонлар бунёд этганлар (Тегискен, Солоха, Аржан, Салбик, Кулобо, Синташта, Башадар, Пазирик ва бошқалар); иккинчидан, орий жасади кўмилган мозор-қўрғонга унинг ҳаётлик чоғидаги жанговар қурол-аслаҳалари ва бойлиги билан кўмилади; учинчидан, марказий жасад (орий жасади) теварак-атрофига, қўрғон остига, марҳумнинг тириклик чоғидаги жамиятда тутган ўрнига қараб, 10–15 тадан то 70–80 тага-ча отлар мажбурий ўлим излари ва эгар-жабдуқлари билан кўмилган бўлади; тўртинчидан, орий жасадининг оёк ёки ён томонига унинг ҳарамидида хотинларидан бирини канизаклари ҳамда унга тегишли зеб-зийнат ва олтин арава (золотая колесница)лари билан бирга (заҳар бериш йўли билан ўлдирилиб) кўмилган бўлади. Бундай мозор-қўрғонлар сўнгги бронза ва илк темир даврларига хос бўлиб, улар Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан то Байкалгача чўзилган Евроосиё чўлларида учрайди. Ўрта Осиёда топиб ўрганилган ана шундай мозор-қўрғон Тегискент объектги эди.

Милоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталарида Евроосиё чўлларининг орийлари ўз чорваларига янгидан-янги яйловлар кидириб, жанубга томон, яъни Ўрта Осиёнинг ички районларига (жануби-ғарбий Турон ўлкасига), Амударёдан ўтиб, Херирут (Ҳирот) водийсига, ҳозирги Эрон ҳудудларига, Ҳиндикуш тоғларидан ошиб, Ҳинд дарёси хавзаларигача кириб борадилар. Уларнинг Ўрта Осиё ҳудудларидан ўтганлиги бронза даври археологик ёдгорликларида яхши кузатилади. Милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярми давомида Ўрта Осиёда улар кириб бормаган дашт ва чўл минтақалари қолмаган бўлса керак (зарварақдаги 5-расмга қаранг). Милоддан аввалги II мингйилликнинг охириги чорагида ҳатто уларнинг бир қисми маҳаллий аҳолининг шаҳар ва қишлоқларига ҳам кириб борадилар.

Чорвадор орийларнинг шимолий минтақалардан келиб Эрон адирларида ўрнашиб қолган жойлар Авестода «Ориана» номини олган. Аслида, қадимги тарихда Ориана атамаси нафақат ҳозирги Эрон ҳудуди, балки қадимги эроний тиллар тарқалган географик кенглик маъносида тушунилади. Шундай қилиб, «орий» термини дастлаб ижтимоий маънода, кейинроқ эса улар маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетгач, янги этник маъно ва мазмун касб этди ва улардан сон жиҳатидан бир неча марта кўп бўлган маҳаллий аҳоли тил муҳити таъсирида секин-аста ўз прототурк тилларини унутиб эронийлашиб кетадилар.

Тарихий тилшуносликка кўра, қадимда Ўрта Шарқ минтақаларида, орийлар (прототурклар)нинг пайдо бўлгунларига қадар, хуррит ва элам тилларида сўзлашувчи жамоалардан ташқари, қадимги форс тили она тили бўлган форс жамоалари мавжуд бўлишини тасдиқловчи фактлар бор. Масалан, бу зонада, яъни Аравия денгизининг шимоли-ғарбида Форс кўрфазининг мавжудлиги бунга ишора қилади. Демак, Эроннинг жануби-ғарбида жойлашган Форс кўрфазини ана шу форс жамоаларининг номи билан монанд бўлиб, қадимги форс тили ана

шу жамоаларининг она тили бўлган. Чорвадор орийлар (прототурклар) дастлаб шу заминда макон топгач, улар маҳаллий форс жамоалари устидан ўз сиёсий ҳокимиятини ўрнатадилар. Бу ҳокимият кадхудот Ахоманий авлодлари Чишпиш давридан бошлаб нафақат иқтисодий, балки сиёсий-маъмурий бошқарув тизимининг таркиб топишига олиб келган, яъни жанубий Эрон доирасида маҳаллий ҳокимлик Парсуа шаклланади. Ахоманий Кир II ва Доро I даврида бу ҳокимлик подшолик, ҳатто империя даражасига кўтарилади. Форс тилининг давлат тили сифатида мавқеи ва ёйилиш доираси кенгайди. Сосонийлар даврига келганда қадимги порс (форс) тили Амударёнинг ўрта ҳавзаларигача кириб келади. Унгача шимоли-шарқий Хуросон ва Мовароуннахрнинг автохтон аҳолиси қадимги эроний тилларнинг суғдий, хоразмий, бохтарий ва сак лаҳжаларида сўзлашганлар.

Шундай қилиб, милоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталари I мингйилликнинг бошларида юз берган тарихий жараёнларнинг мантикий ҳулосаси шуки, Ахоманийларнинг сулолавий аслзодалари келиб чиқиши жиҳатидан бу заминга мил. авв. II мингйиллик ўрталарида Еврооёсиё даштларидан кириб келган прототурк орийлар билан боғлиқ бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо, бу жойда кечган кейинги этномаданий жараён қуйидагича бўлганлиги тарихий ҳақиқатдир: маҳаллий форс жамоалари устидан ҳарбий ва сиёсий ҳукмронликни ўрнатган босқинчи орийлар кўп ўтмай маҳаллий аҳоли аёллари билан оила қурган. Янги туғилиб вояга етган фарзанднинг тили албатта форсийда чиқиши табиий ҳол. Орийлар учун янги жойнинг устувор форсий тил муҳити ва форс жамоаларининг маданий-хўжалик таъсирида Парсуада икки-уч авлод ўтгач, орийларнинг форсий тилли янги авлоди шаклланади. Ана шу қонида прототурк қони оққан, аммо аллақачон порслашган аслзода Ахоманийлар ҳокимияти пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Ахоманий авлодларидан бўлган Кир II ва Доро I қоятошларга битилган китобаларида ўзларини «орий» эканликларини алоҳида таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Нафақат улар, ҳатто қушон подшолари (масалан, буюк Канишка) Рабатак ибодатхонасининг пештоқига ёздирган битигида ўзларини келиб чиқиш илдизлари прототурк орийларга бориб тақалишига ишора қилади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, туркий халқларнинг илк ватани жуда кенг минтақаларни ўз ичига олган. Ана шу кенг минтақалар таркибига Ўрта Осиё худудлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон сарҳадлари ҳам кирган. Ҳозирги тасаввурларда бу қадимги прототуркий ва туркий этномаданий майдон адабиётларда Еврооёсиё чўллари деб номланади. Унинг худудий доираси жуда кенг. Фарбда Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан Шарқда то жанубий Байкалгача, ички Монголиягача чўзилган чўл ва дашт минтақалардан иборат. Унинг шимолий чегараси Ўрол дарёси ва ундан ҳам шимолроққа, фин-угор қабилалари ўрмонларигача кириб боради. Ўрол тоғи ва унинг жануби-шарқий тизмалари қадимдан то сўнгги ўрта асрларгача туркий қабилаларга тегишли бўлган.

<sup>1</sup> Дьяконов М.М. Очерки истории древнего Ирана. Москва, 1961. С. 67.

Подшо Россияси даври тарихчилари берган маълумотларга кўра, сўнгги ўрта асрлардан бошлаб Россия империясининг ишбилармонлари Ўрол тоғ тизмаларида жойлашган маъдан конларини ўзлаштириш баробарида у жойларда харбий истеҳкомлар барпо этиб ўрнашиб оладилар. Қадимда прототурк қабилаларга тегишли худудлар жануби-шарқда Шимолий Хитой, жануби-ғарбда Ўрта Осиё худудларигача кириб борган. Археологик манбалар ва халқ ёдномаларига кўра, прототурк қабилаларнинг Ўрта Осиёга илк бор кириб келиши бронза даврига бориб такалади<sup>1</sup>. Айнан мана шу даврдан бошлаб ўзбек этногенези бошланади<sup>2</sup>, яъни унинг хар иккала (эроний ва прототуркий) тарихий илдизининг илк бор коришуви бошланади.

Фанда узок ваклар хукм сурган тасаввурларга зидли ўларок, аслида чорвадор прототурк қабилаларнинг аслзода суворий харбийлари орийларни ташкил этган. Орийлар Евроосиё чўл ва дашт минтақалари чорвадор қабилаларининг иктисодий юксалишидаги кўчманчилик хаёт боскичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббускор ва ишбилармон, тадбиркор ва жанговар қатлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар тоифасидир. Улар тарихий тилшунослик ва археологик тадқиқотларга кўра, аслида этник келиб чиқиши жиҳатидан эроний тиллар соҳиблари эмас, балки Қадимги Хитой кичик подшоликлари «ши»ларининг йилномалари таҳлилига кўра, прототуркийда сўзлашганлар. Уларнинг милоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталаридан хаёт тақозосига кўра, жанубий ўлкаларга, айниқса Ўрта Осиё минтақаларига оммавий равишда кириб келганликлари археологик материалларда ҳам кузатилади. Улар кенг кўламда таркалган ва доимий кириб келиб ўрнашиб қолган худудларда (жанубий Туронда) илк ўрта асрларга келиб турк-сугдий ижтимоий этномаданий майдон таркиб топди. Натижада, бу тарихий майдон доирасида ўзбек ва тожик халқлари шаклланди.

Эрон, Афғонистон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон худудларига орийларнинг кириб бориши археологик материалларда яхши кузатилмаса-да, баъзи бир олимлар (С.П.Толстов, М.А. Итина) хинд водийси цивилизациясининг ҳалокатини орийларнинг хужуми билан асослашга уринадилар. Бошқа гуруҳ олимлар эса (Г.М. Бонгард-Левин, Г.Ф. Ильин) Хараппа цивилизацияси ҳалокати билан орийларнинг Ҳинд водийсига кириб келиш вақти тўғри келмаслигини таъкидлайдилар.

Бизнингча, милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярми бошларида орийларнинг қайси бир бўлаги Эрон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон худудларига кириб борганлар. Буни қадимги ёзма манбалар – Ригведа ва Авесто ҳам тасдиқлайди. Аммо, прототурк аجدодларимиз у кезларда қадимги эроний тилли аҳолига нисбатан бир неча бор озчиликни ташкил этганликлари боис, на Шимолий Ҳиндистон, на Шарқий Хуросон ва умуман, Эроннинг маҳаллий

<sup>1</sup> *Асқаров А.* Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, №6, Тошкент–1996, 71-бет.

<sup>2</sup> *Асқаров А.* Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих». Республика семинари материаллари. Тошкент–2004, 9-бет.

аҳолиси тилини ўзгартириб юбора олмаган. Аксинча, маҳаллий эроний тиллар таъсирида эронийлашди. Улар жанговар суворий прототуркий аслзодалар сифатида маҳаллий эроний жамоалар устидан сиёсий ҳукмронликни ўрнатсалар-да, устувор эроний тиллар муҳити таъсирида, асрлар давомида юз берган яқин этномаданий алоқалар ва этник қоришувлар туфайли эроний этник қатламга айланиб кетадилар. Ана шу эроний этник тил муҳитида Веда ва Авесто манбалари вужудга келади. Эронийлашган ҳарбий-сиёсий ҳокимият этник келиб чиқиши жихатидан туркий орийларга бориб тақалувчи кадхудот Ахоманий ва Чишпиш авлодлари Парсуада сиёсий-маъмурий бошқарув тизимни ўрнатиб, қадимги тарихда «Ахоманийлар подшолиги» деб аталган давлатни барпо этилишига олиб келган. Ахоманийлар подшолигининг давлат сиёсати туфайли нафақат мамлакат ҳудудий чегаралари, балки унинг давлат тилини географик доираси ҳам кенгайди. Демак, Эронда эроний тил, евроцентристлар айтганидек, ташқаридан кириб келмади, аксинча ўзга юртларнинг истилочиларини тили маҳаллий аҳоли тили томонидан ютиб юборилди, ассимиляция қилинди.

Айнан шу даврда, яъни Ахоманийлар подшолиги даврида Ўрта Осиё ҳудудларининг каттагина қисми Ахоманийлар давлати таркибига кирган эди. Аммо, маҳаллий аҳолининг тили ёзма манбаларнинг таҳлилига кўра, ҳамон шимоли-шарқий эроний тилда (суғдий, хоразмий, бохтарий, сак) эди. Бу ҳолат антик (мил. авв. IV – милодий IV асрлар) ва илк ўрта асрларда ҳам (милодий V–VIII асрлар) давом этади. Лекин, бу даврда Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий вилоятларида (Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаси, Исиккўл ва Тянь-Шань тоғ тизмалари районларида) туркий тил кенг халқ оммасининг жонли тилига айланиб бормоқда эди. Агар, антик даврида прототурк ва суғдий тилларнинг чегараси Сирдарёнинг қуйи ҳавзалари бўлган бўлса, илк ўрта асрларга келганда туркий этноснинг жадал кириб бориши Амударёнинг ўрта оқимларигача кенг ёйилиб улғирди. Оқибат натижада минтақада жонли туркий тилнинг мавқеи ошди. Ўз навбатида, форсий тил Сосонийлар давлатининг (милодий III–VII асрлар) тилига айланиб, унинг шимолий чегараси Амударёнинг ўрта оқимларигача кириб борди, илк ўрта асрларга келганда Амударёдан ўтиб, Сурхон водийсига ҳам кириб боради.

Авестода зардуштий аждодларимизнинг пайғамбари Зардуштни «илохийлаштирилган мадҳиялари», одоб ва ахлоқ ҳақидаги диний насихатлар мажмуаси китоб ҳолига келган кезларда (мил.авв.VII–VI асрлар), келиб чиқиши прототуркий бўлган орийлар аллақачон эронийлашиб бўлган эди, минтақада сиёсий ва диний руҳият эроний эди.

Эроний тилли кўчманчи скиф (сак)ларнинг бир қисми Шимолий Қора денгиз бўйларига қайта келганларида (мил. авв. VII аср) эронийлашган тилда сўзлашган бўлишлари илмий асосланган. Аммо, Евроосиёдаги маҳаллий прототуркий тил муҳити, уларнинг ҳам 2–3 авлод ўтгач, туркийлашиб кетишларига олиб келганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки, бунга минтақадаги кейинги тарихий ва этник жараёнлар мисол бўла олади.



Шундай қилиб, бронза даврида Евроосиё даштларининг прототуркий тилли чорвадорлари ҳўжалигида йилқичилик таркиб топиб, одан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилиши муносабати билан кўчманчи чорвачилик бошланди, прототуркий қабила ва уруғ жамоаларининг миграцияси оммавий характер тусини олди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, нбтидоий чорвадор жамоалар таркибида бадавлат мулк эгалари: ўнлаб, юзлаб мол-қўйга эга жамоа сардорлари етишиб чикади. Евроосиё даштларида тўда-тўда хайвонларни боқиш учун яйловлар танқислиги бошланади. Натижада, кўчманчи чорвадорлар орасида кўкаламзор яйловлар таллашиб, ҳатто қабиладош этник бирликлар орасида ўзаро бўладиган ҳарбий тўқнашувлар доимий характер тусини олади. Жанговар ҳарбий қўшинга эга бўлган катта мулк эгалари янги ўтловлар кидириб, ғарбга ва жанубга томон ҳарбий юришлар уюштирадидлар.

Мил. авв. II мингйиллик ўрталаридан уларнинг Ўрта Осиё ва Закавказия ҳудудлари орқали жанубга – Эрон сарҳадларига, ундан Ҳиндикуш тоғ тизмаларини ошиб, Шимолий Ҳиндистонгача кириб борганликлари ҳақида Авесто ва Ригведа ривоятлари далолат беради. Авестода улар орийлар деб аталса, Ригведада ҳинд-орийлар деб номланади.

Ўрта Осиё ҳудудларидан топиб ўрганилган 1000 дан ортиқ дашт чорвадорларига хос ёдгорликларнинг даврий саналари мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмига тегишли бўлиб<sup>1</sup>, уларнинг Ўрта Осиёга илк бор кириб келиши ҳатто халқ ёдномаларида ҳам ўз аксини топган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древнехорезмийские памятники в Каракалпакии. ВДИ, 1939, № 3. С. 174,175, Рис. 2. Его же. Древний Хорезм. М., 1948. С. 66-68; Его же. Итоги двадцати лет работы Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции (1937-56). СЭ, 1957, № 4. С. 39-41; Итина М.А. Первобытная керамика Хорезма. Тр. ХЭ, вып. IV М., 1959. С. 35-62, табл. I. Ее же. Раскопки могильника тазабакъябской культуры Кокча 3. Материалы ХЭ, вып 5. М., 1961. С. 71-92. Ее же. История степных племен Южного Приаралья. М., 1977. С. 13-237; Литвинский Б.А. Древности Кайраккумов. Душанбе, 1962. С. 117-192; Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана. ИМКУ, вып. 3, Ташкент, 1962. С. 28-35; Гулямов Я.Г., Аскарлов А. и др. Первобытная культура в Низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966. С. 187-223; Аскарлов А., Джураев И. К вопросу о взаимоотношении населения степей Евразии и Средней Азии в эпоху бронзы. «Марказий Осиё деҳқончилиги ва дашт цивилизациясининг ўзаро муносабатлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари». Самарқанд, 2011. С. 27-40; Жўрақулова Д. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. Тошкент, 2011. Б. 66-79, Б. 110-114; Оболдуева Т.Г. Погребения эпохи бронзы в Ташкентской области. КСИИМК вып. 59, М., 1955. С. 145-149; Виноградова Н.М., Пьянкова Л.Т. Могильник Кумсай в Южном Таджикистане. МАИКЦА, вып. 17, Москва, 1990; Виноградова Н.М. Поселение эпохи поздней бронзы Ташгузар в Южном Таджикистане. Сб. «Древние цивилизации Евразии». Москва, 2001. С. 142-168; Аванесова Н.А. Проявление степных традиций в Сапаллипской культуре. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Ташкент, 2010. С. 6, 7, 116, 117, рис. 3,8,15; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. Москва, 1994. С. 35, 45, 48, 114, 140-143, 155 и т. д.

<sup>2</sup> Беруний Абу Райхон. Памятники минувших поколений. Пер. с арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Том 1, Ташкент, 1967. С. 47.

Археологик изланишлар туфайли ўрганилган бу ёдгорликлар даврий саналарига кўра, Евроосиё даштликларининг жанубга миграцияси бир неча бор юз берган. Авесто ва Ригведа маълумотларига кўра, уларнинг биринчи йирик тўлқини мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида содир бўлган. Аммо, Ўрта Осиёда кенг ўрганилган археологик ёдгорликлар даврий таҳлиliga кўра, прототуркийларнинг оммавий тус олган йирик миграцияси мил. авв. II мингйилликнинг XIV–XIII асрларида юз берган. Археологик материаллар таҳлиliga кўра, прототурк қабилаларнинг иккинчи кучли миграцияси мил. авв. II мингйилликнинг охири чорагига тўғри келади. Унинг излари Амударё ўрта қавзаларигача бўлган ҳудудларда яхши кузатилади. Илк темир (мил. авв. VII–IV асрлар) ва ундан кейинги даврларда уларнинг Амударёгача узлуксиз кириб келишининг чеки бўлмаган.

Турк хоқонлиги даврида ўз қабилadoшларининг изидан Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларга кириб келган туркий аждодларимизнинг Ўрта Осиё ҳудудларининг бирор нуқтасига кириб бормаган жойи қолмаган. Бу ҳақда нафақат археологик ва антропологик материаллар, балки турфа хил ёзма манбалар ҳам далолат беради. Бу этномаданий жараёнлар Фарбий Турк хоқонлиги даврида Мовароуннаҳрда турк-суғд этномаданий майдонни таркиб топишига олиб келади.

## АНТИК ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДА ЭТНОГЕНЕТИК ЖАРАЁНЛАР

IX. 1. Ўрта Осиё антик давр этномаданий ҳаётида  
юз берган туб ўзгаришлар

Сўнгги бронза ва илк темир даврида Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари (Амударё ва Сирдарё) ҳавзалари бўйлаб бошланган минтақавий ривожланиш ва маданий-хўжалик вилоятларининг таркиб топиши антик даврида ҳам давом этади.

Маълумки, Амударёнинг қуйи ҳавзаларига Ўрта Осиёнинг бу азим дарёси бир неча юз минг йиллар давомида унумдор лойқа тупроқ окизиб келиб, жанубий Орол бўйларида суғорма деҳқончилик маданиятининг ривожланиши учун замин ҳосил этган.

Аммо, бу ҳосилдор она замин – Қадимги Хоразмда на неолит, на энеолит ва на бронза даврларида, тарих тақозосига кўра, қадимги бободехқон аждоларимиз томонидан ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик маданиятининг Марғиёна ва Бактрия сингари макони бўла олмади. Дастлаб, бу замин, унинг анъанавий чорвачилик ва зироатчиликнинг ибтидоий мотиға деҳқончилик хўжалиги асосида табиий равишда таркиб топган макони бўлиб шаклланди ва шу асосда ривожланишда давом этди (Сувёрган ва Тозабоғёб маданиятлари)<sup>1</sup>.

Сўнгги бронза ва илк темир даврига хос шу заминда таркиб топган Амиробод маданияти аҳолиси эса Амударё қуйи ҳавзасининг дарё ўзанлари бўйлаб барпо этилган кенг ва саёз каналлари ёрдамида зироатчиликка қулай жойларида (масалан, Яқка Парсон II ҳудудида) деҳқончилик қила бошлайдилар, ўтроқ ҳаёт аста-секин уларнинг кундалик турмуш тарзига айланиб боради<sup>2</sup>. Аммо, Амударёнинг қуйи ҳавзалари, унинг тўқайзор ва қамишзор кенг майдонлари, серунум майсазор яйловлари чорвачилик хўжалигининг таракқий этиши учун жуда қулай эди. Шунинг учун ҳам архаик Хоразмда Қуйи Сирдарё саклари – чорвадорларнинг Қуйисой маданияти кенг ривожланган.

Кўчманчилик ҳаёти асосига қурилган Қуйисой маданияти аҳолиси аслида сак-массагет қабилалари бўлиб, улар қуйи Амударё ва Орол бўйларининг туб жойли аҳолиси эди<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам С.П.Толстов томонидан ўз даврида бу ўлкани эзгулик маъбудаси Ахурамазда яратган Арьянам Вайчаҳ билан локализациялаши бежис эмас эди.

<sup>1</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962. С. 47–68.

<sup>2</sup> Там же. С. 68–77.

<sup>3</sup> Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII–V вв. до н.э. Москва, 1973; Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962. С. 77–87.

Милоддан аввалги VI асрда Қадимги Хоразм тарихида кутилмаганда туб маънодаги тарихий воқеа юз берди. Эрон Ахоманийлари империясининг подшоиси Доро I нинг солиқ сиёсати туфайли, Авесто хоразмийлари ўз ватанларини ташлаб, Амударё куйи оқими томон кўчишга мажбур бўладилар. Бу воқеа Скилак-Геродот маълумотларига кўра, милоддан аввалги 513 йилдан сўнг юз берган. Кема ва солларда сак-массагетлар юртига биринчи бор кириб келган хоразмийлар, бўлғуси Хоразм воҳасининг Хумбузтепа, Ҳазорасп ва Кўзалиқирда илк бор макон топиб, суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлайдилар. Унгача, хоразмийлар ўз ота юртлари – Ҳирот водийсида яшаб, ўтроқ ҳаёт кечирган, суғорма деҳқончилик маданиятини ривожлантиришда юксак ва бой тажрибага эга бўлганлар. Хоразмийларнинг Амударёни куйи ҳавзаларига кириб келиши билан сак-массагетлар ватанида янги этнопоним – Хоразм атамаси пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, хоразмийлар дастлаб воҳанинг ғарбий ва жануби-ғарбий ҳудудларини ўзлаштирадилар. Янги жойларнинг ҳужумкор чорвадор эгаларидан чўчиган янги зироатчи этник гуруҳлар ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида дастлаб қалъа-қўрғонларини (Кўзалиқир, Қалъалиқир) воҳа жануби-ғарбинини ўраб олган қирлар тепасига курадилар. Хоразмни суғориш тарихида ўз ўрнини топган Чармонёп ва Даудон каналларининг асоси ўша кезларда барпо этилган бўлса, ажаб эмас.

Чорвадор аҳоли билан савдо-сотик ва мол айрибошлаш алоқаларини изга солиб олган зироатчи хоразмийлар маҳаллий муҳитга тезда мослашадилар. Уларнинг янгидан-янги турар-жой масканлари энди қир ости пасттекикликларида, сув олиб келишга қулай жойларда ҳам қад кўтара бошлайди. Чап қирғоқ Амударё ҳавзаларида қадимги деҳқончилик микровоҳаларининг янгидан-янги ўчоқлари барпо бўлади. Масалан, Сарикамиш ҳавзасини ўзлаштирилиши, Полвонёп, Чарманёп, Гавҳари, Дарёли, Даудан, Ҳазорасп, Савкан каби каналларни архаик ва антик даврларида қурилиши мана шу тарихий хўжалик жараёнлари билан боғлиқ эди.

Милоддан аввалги VI аср охири ва V аср давомида чап қирғоқ Амударё ҳавзасида Ҳазорасп, Ичан қалъа, Бозор қалъа, Қўшқалъа-Одойтепа каби микровоҳа марказлари қад кўтардики, уларнинг ҳар бири Қадимги Хоразм маҳаллий шаҳар-давлатларини ташкил этарди. Бу жараён антик даврида ҳам жадал давом этган. Натижада, чап қирғоқ Амударё ҳавзасида Дингилжа, Қанқа қалъа, Катта Ойбуйир қалъа каби ўтроқ аҳоли пунктлари пайдо бўлади. Буларнинг барчаси Амударё куйи ҳавзасига, машҳур массагетлар қабила иттифоқи юртига қадимги шарқ тараққиётига хос, юксак даражада ривожланган қадимги деҳқончилик маданиятининг кириб келишидан далолат берар эди.

Милоддан аввалги IV–III асрлардан бошлаб, Қадимги Хоразм тарихида, унинг маданий хўжалик ҳаётида улкан юксалишлар юз беради. Милоддан аввалги IV

<sup>1</sup> *Асқаров А.* Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар» – Т.: 2004. – 76–84-бетлар.

милодий III асрлар давомида урбанистик жараён Қуйи Амударёнинг ҳар икки соҳили ҳудудларида ривожланади. Ўлкада катта ва кичик ҳажмдаги юзга яқин қалъалар қад кўтарди. Мамлакатда сиёсий вазият барқарорлашади, янги ерларни ўзлаштириш, шаҳарларнинг маълум даражада йириклашиб бориши, марказлашиш бошланади. Милоддан аввалги I аср бошларидан Хоразм маҳаллий подшолари сурати туширилган ўз пулларини зарб эта бошлайди. Бу пулларда милодий III асрдан бошлаб, Хоразм подшоларининг номлари учрай бошлайди. Масалан, Афригийлар сулоласининг илк подшоси Арсамух-1 номи, Хоразмда подшолик қилган Вазамар номлари учрайди. Милоддан аввалги III асрда оромий алифбоси асосида мустақил хоразм ёзуви кашф этилади, хайкалтарошлик, тасвирий санъат, мусиқа билими ривожланади. Милодий I–II асрлардан бошлаб, воҳада майдони кичикроқ бўлган янгидан-янги шаҳарлар қурилиши авж олади.

Архаика даврида Амударёнинг чап соҳилида шаҳар ҳаёти таркиб топиб, шаҳар ва кишлоқлар аҳолига гавжум бўлган бўлса, антик даврига келиб, гавжумлик унинг ўнг соҳилига ҳам ўтади. Экин майдонларини сув билан таъминлаши деҳқончилик хўжалигининг кон томирига айланади. Ўнг қирғоқ Амударё ҳавзасида Амиробод, Тозабоғёб ва Калтаминор каби каналлар барпо этилиб, воҳада деҳқончилик экин майдонлари янада кенгайди, ҳар бир суғориш каналининг қурилиши янгидан-янги шаҳарларнинг барпо этилишига, янгидан-янги деҳқончилик массивларининг таркиб топишига олиб келади.

Воҳада маҳаллий шаҳар-давлат ҳокимликларининг Бозор қалъа, Тупроқ қалъа, Жонбос қалъа, Ақчахан қалъа, Кўна-Уаз, Кўхна Урганч, Ичан қалъа, Кат қалъа каби дунёвий характердаги қалъаларидан ташқари, йирик диний марказлар (Ҳазорасп, Қўйқирилган қалъа, Шовот тупроқ қалъаси, Чилпик қалъа, Тўқ қалъа ва бошқалар) қад кўтаради. Монументал ибодатхоналар, пиллапо्याли стилобат устида қад кўтарган оташгоҳлар, диний марказ ролини ўйновчи қалъаларнинг айлана шаклида қурилиши ва бошқалар зардуштийлик дини Қадимги Хоразмда давлат дини даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Агар архаика даври ёдгорликларида асосий қурилиш материали сифатида тўғри тўртбурчакли хом ғиштлар ишлатилган бўлса, милоддан аввалги IV асрдан бошлаб, қурилишда квадрат ғиштлар кенг қўлланилди. Бу даврлар муҳандислик билими раванк топди. Бу давр меъморчилик ва муҳандислик билимининг муҳим хусусиятларидан бири қалъаларнинг мудофаа иншоотларини мукамал ва монументал қурилиши ва асосий дарвоза олди қурилмаларининг мураккаблиги билан ажралиб туриши бўлди.

Хоразмшунос археологларнинг фикрича Қадимги Хоразм қалъалари мудофаа иншоотларида: унинг пастки қисми (1–1,5 метргача) пахсадан, устки қисмини эса хом ғишт билан тиклаш анъанага айланди. Аммо, бизнинг кузатувларимиз, бу масалада ўзгача фикр-мулоҳаза юритишни тақозо этади, яъни пахса деб аталмиш «девор» қолдиғи улкан мудофаа иншоотининг фундаменти, платформаси, тақкурсиси бўлиши ҳам мумкин. Чунки, одатда, Ўрға Осиё шароитида, айниқса, қадимги даврларда, шаҳар атрофини ўраб олган мудофаа иншоотларини қурилиш

амалиётида, тош ёки бошқа бир қаттиқ қурилиш материали ишлатиб, махсус фундамент қилиш тажрибаси бўлмаган. Амалда, монументал девор ости лой қилиниб, қалин лой қатлами пишмагунча отга тегирилган, сўнг паҳса сифат лой ҳолатига келтирилган. Фундамент қуриб тайёр бўлгач, унинг устидан дев гишт босилган. Бундай муҳандислик тажрибаси қадимги деҳқончилик маданиятлари минтақаларида бронза ва илк темир давридан (Жарқўтон, Кучуктепа, Қизилтепа, Кўктепа, Тиллатепа, Афросиёб) мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, Хоразмнинг бу давр тарихида қалъаларни асосан тўғри тўртбурчак шаклида қуриш анъанага айланади; квадрат, айлана, учбурчак режали қалъалар эса кам учрайди. Антик давр шаҳарлари орасида ҳарбий характердаги қалъалар (Жонбос қалъа, Катта Гулдурсун, Қизил қалъа, Калажик ва Аёз қалъа-1) ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан воҳаларнинг қумликлар билан чегара ҳудудларида қад кўтарган.

Дунёвий характердаги антик давр қалъалари ички тузилишига келсак, улар деярли бир хил бўлиб, бу давр қалъаларининг меъморий топографик кўриниши Жонбос қалъа мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Жонбос қалъа (3,5 га) С.П. Толстов маълумотларига кўра, милoddан аввалги IV асрда қурилиб, бу маконда шаҳар ҳаёти то милoddий IV асргача давом этади. Унинг қуёшга қаратиб қурилган ягона дарвозасидан тўғри кетган кенг кўча шаҳар ички тузилишини тенг икки қисмга бўлади. Кенг кўчани икки ён томонлари бўйлаб қатор тор кўчалар кетган. Бу тор кўчалар шаҳарни маҳаллаларга бўлган. Дастлаб, Кўзалиқир, Қалъалиқир каби илк шаҳарларда арк ва буржлар бўлмаган, улар Авесто вари кўринишида қурилган. Аммо, уларнинг мудофаа деворларида шахмат услубида жойлаштирилган икки қатор шинақларни кузатиш мумкин. Милoddан аввалги V асрдан бошлаб, Хоразм шаҳарларида ҳам арк ва буржлар пайдо бўлади (Ҳазорасп, Дингилжа). Шаҳар дарвозаси бир неча йўлақлардан ташкил топган тўғри тўртбурчакли мураккаб иншоотга эга. Мудофаа девори ташқи томондан ҳақдақ билан ўраб олинган. Қалъа майдонининг мудофаа девори ости бўйлаб аҳоли уй-жойлари жойлашган.

Хоразмшунос археолог Е.Е.Неразикнинг ҳисобига кўра, қалъанинг аҳоли турар-жойлари билан банд 1 гектар майдонида ўртача 200 киши жойлашган. Шундан келиб чиқиб, археолог Қ. Собиров Жонбос қалъада 1400 киши яшаган бўлиши керак ва улар зарур бўлганда шаҳар мудофаасига сафарбар қилинган. Шунинг учун бундай типдаги қалъалар кўчманчилар билан чегара ҳудудларда жойлашиб, улар, биринчи навбатда, ҳарбий чегара пункти вазифасини ўтаган, деган тўғри ҳулосага келади.

Жонбос қалъа тарихий топографиясига кўра, у воҳада илк бор қурилган ҳарбий қалъалардан бирига ўхшайди, ёки бундай тузилмали қалъа қурилиши Қадимги Хоразмга хос урбанизация хусусияти бўлиши мумкин.

Диний характердаги қалъаларга хос Қадимги Хоразм анъанаси Кўйқирилган қалъа мисолида яхши кузатилади. Қалъа марказида айлана шаклидаги икки қаватли иншоот мавжуд бўлиб, қалъанинг меъморий тарҳи ва қурилиш жиҳатидан ўзига

хос мудофаа хусусиятини намоиш қилади. Қалъа атрофидан кўплаб статуэткали остодонлар топилган. Улар зардуштийлик дини аломатларини эслатади. Қалъа кичик ҳажмда бўлса ҳам такомиллашган, меъморий-ҳарбий жиҳатдан талабга тўла жавоб берадиган мудофаа тизимга эга. Демак, Қўйқирилган қалъа меъморий вазифа жиҳатидан икки хусусиятга эга: биринчиси – у том маънодаги диний-маъмурий марказ; иккинчидан, у Ўрта Осиёда илк бор қурилган, энг қадимги, ягона расадхонадир. Унинг ҳар иккала функцияси бир-бири билан мантиқан боғланиб кетган.

Маълумки, илк шаҳарларнинг маъмурий бошқарув тизими дастлаб, диний раҳнамолар зиммасида бўлган. Улар ўз даврининг диний файласуфлари, илғор маърифатли кишилари ҳисобланган. Осмоний жисмларни ўрганиш, улардан жамиятни, иқтисод ва ҳўжаликни бошқаришда қандай фойдаланиш йўллари устида изланишлар олиб борганлар. Осмоний жисмлар билан «сўзлашишни» илмий асоси Қўйқирилган қалъа қурилмасида ўз аксини топган.

Шундай қилиб, Қадимги Хоразм маданий ҳаётида шарқ меъморчилигининг анъанавий тантанаси ўз ифодасини топди. Хоразм воҳасининг табиий-географик шароитига хос ва мос йўналиш ишлаб чиқилди. Меъморчилик ва муҳандислик илмида Хоразм мактаби шаклланди. Зардуштийлик дини ҳар жиҳатдан мукаммаллашган тизимга кирди. Қўйқирилган қалъа. Тўқ қалъа каби ноёб ёдгорликлар мисолида зардуштийлик диний эътиқодининг асосий мазмуни ва туб моҳияти Қадимги Хоразм ёдгорликлари мисолида ўз аксини топди. Антик давр ўтроқ Хоразми учун хос бу тарихий манзара Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари оралиғида жойлашган барча қадимги ўтроқ тарихий-маданий ўлкалар учун характерли эди.

Ўрта Осиё қадимги дунёсида ўтроқ аҳолининг қадимги деҳқончилик маданияти кенг кўламда ривожланаётган бир пайтда македониялик Искандарнинг Шарққа ҳарбий юришлари бошланади. Бу ҳарбий юришлар туфайли Ахоманийлар империяси тарих саҳнасида кетди. Ҳарбий ғалабалардан «маст» бўлган Искандар ўз қўшинлари билан милоддан аввалги 329 йилда Окс (Амударё)дан ўтиб, Жанубий Турон ҳудудларига кириб келди.

Аммо, Жанубий Туронда Искандар ва унинг истилочи кўшинига осон бўлмади. Улар Ўрта Осиё икки дарё оралиғида, унинг эркесвар халқининг қаттиқ қаршилиқларига учради ва катта талафотлар эвазига уни босиб олди. Искандар қанчалар кучли ва тажрибали кўшин ва лашкарбошиларга эга бўлишига қарамай, она заминимиз халқидан чўчиб қолади. Чунки, Ўрта Осиёнинг эркесвар маҳаллий туб жойли аҳолисининг ташқи душманга қарши нафрати кучли эди. Шунинг учун юнонлар мустамлака ўлкаларни бошқаришда барча зарурий чораларни кўришга киришадилар.

Биринчи навбатда, истилочилар маҳаллий аслзодалар билан тил топишиш, улар билан қон-қориндошлик ипларини боғлаш, шу йўл билан маҳаллий аҳолига яқинлашиш чораларини кўриш зарурий эканлигига катта аҳамият берадилар. Бу масалада Искандарнинг ўзи бошқаларга намуна бўлди. Унинг буйруғи билан барча ҳарбий бошлиқлар, ҳатто, оддий жангчигача маҳаллий аҳоли қизларига уйла-

ниб, қон-қариндошлик ришталарини боғлашлари зарур эди. Тўғри, кўпчилик, айниқса, оддий аскарлар узок давом этган ҳарбий юришларда чарчаган, она ватани ва оиласини соғинган, тезроқ уйларига қайтишни истар эдилар. Бу масалادا бўйин товлаганлар дастлаб жазоланганлар.

Яқинлашишнинг яна бир зарурий чораси сифатида маҳаллий аҳоли маънавий дунёсига юнон худолари таъсирини олиб кириш, диний ва дунёвий сиёсатни маҳкама химоясида олиб бориш, эллин маданиятини ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боришини таъминлашни давлат сиёсатининг бош йўли қилиб олдилар. Ўрта Осиёнинг жанубида, Шимолий Афғонистон ва Шимоли-ғарбий Ҳиндистон худудларини ўз ичига олган географик кенгликда Юнон-Бақтрия давлатининг тузилиши бу муаммоларни греклар фойдасига ҳал этилишида муҳим роль ўйнади.

Бу воқеликларнинг оқибати ўларок, милоддан аввалги III–II асрларда Ўрта Осиёда туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз берди. Қадимги Фарғонада маҳаллий каҳхудоғлар, виспати ва зангупати мавқеидаги ҳокимликлар сиёсий уюшмасидан иборат Даван (Дайюан, Парғана) давлати таркиб топди.

Маълумки, Қадимги Фарғона саклари бронза давридаёқ булоқ сувлари асосида таркиб топган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида суғорма деҳқончилик маданиятини кашф этадилар. Бу ажлодларимизнинг хўжалик кашфиёти «Чуст маданияти» номи билан маълум ва машҳур. Археолог олимлар Қадимги Фарғонанинг шимоли-шарқий худудларида Чуст маданиятига тегишли 15 та микроҳоҳалардан 80 дан ортиқ ёдгорликларни топганлар. Бу маданиятга тегишли илк шаҳар излари (Чуст маданиятининг сўнгги босқичига тегишли) Далварзинтепа (Андижон вилояти, Ойим тумани) ва Буванамозор (Наманган вилояти, Чуст тумани)да ўрганилди. Илк темир ва антик даврига келганда, Чуст маданияти хўжалик аънавалари асосида ривожланаётган қадимги деҳқончилик маданиятлари (Эйлатон, Шўрабашат маданиятлари) бутун водийни камраб олади ва водийда аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзи жамият иқтисодий асосини ташкил этади.

Водийда милоддан аввалги III асрдан бошлаб, шаҳарсозлик маданияти водий бўйлаб кенг ёйилади. Водий орқали ўтган ипак йўли трассаси бўйлаб қатор шаҳарлар қад кўтаради (Ахсикент, Кубо (Қува), Марғилон, Боб (Поп) ва бошқалар).

Шундай қилиб, милоддан аввалги III–I ва милодий эра бошларида ривожланган Фарғона (Парғана) халқи, унинг Хитой манбаларида Даван деб аталган илк давлати ташкил топади. Даван аслият манбада «Дайюан» бўлиб, «тоғлар орасидаги водий» маъносини англатади. Дайюаннинг маҳаллий номи Парғана бўлиб, у ҳам «Тоғлар орасидаги водий, атрофи берк сойлик» маъносини беради. Демак, хитойлар Қадимги Фарғона давлати номини хитойча таржима қилиб Дайюан (Даван) деб аташган.

Ўрта Осиёда антик даврда таркиб топган яна бир вилоят «Чоч» эди. Чоч ўлкасида юз берган урбанизация жараёнлари заминида ерли ўтроқлашаётган аҳолининг Бурғулук маданияти ётади. Бурғулук маданияти соҳиблари қадимги



дехқончилик хўжалиги билан илк бор шуғуллана бошлаган Чочнинг қадимги аҳолиси ҳисобланади. Милоддан аввалги III асрга келганда бу ўлкада қадимги дехқончилик қишлоқлари асосида илк шаҳарлар қад кўтара бошлайди. Атрофи мудофаа инпоотлари билан ўраб олинган ана шундай қишлоқлар дастлаб, Чирчиқ дарёсининг куйи ҳавзаларида пайдо бўлиб, унинг аҳолиси таркибини суғдий ва туркий тилли қабилалар ташкил этар эди. Икки тилли аҳоли симбиозидан, қоришувидан ташкил топган этномаданий ҳосила археологик адабиётларда Қовунчи маданияти номини олган. Шу даврнинг илк ёдгорликлари Тошкент воҳасининг Оққўрғон туманидаги Қанқатепа, Янгийўл шаҳридаги Қовунчитепа, «Катта Тошкент» доирасидаги Шоштепа (Чочтепа) ва бошқалар бўлиб, бу масканларда қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос белгилар милоддан аввалги III–II асрларда таркиб топа бошлайди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, дастлаб қадимги шаҳарлар Чочнинг жануби-ғарбида, Чирчиқ дарёсининг ўрта ва куйи ҳавзаларида, ўнг қирғоқ Сирдарё бўйлаб қад кўтаради. Милоддан аввалги II–I асрлар Тошкент воҳаси учун қадимги шаҳар маданиятининг гуллаган даври бўлди. Бу даврда воҳанинг пойтахт шаҳри Қанқа қаторига Қовунчитепа (25 га), Қавардон (75 га), Кулота (45 га), Киндиктепа (25 га), Банокат (22 га), Далварзинтепа (13 га) ва бошқалар қўшилди. Милодий эранинг бошларида қадимги шаҳар маданияти ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудларига кириб келади ва ана шу асосда Мингўрик шаҳри қад кўтарди. Илк ўрта асрлар бошларига келганда шаҳарсозлик маданияти Охангарон водийсига, унинг ўрта окимига ҳам кириб боради.

Антик давридан бошланган урбанистик жараён илк ўрта асрлар бошларига келганда Чочнинг деярли барча ҳудудларини қамраб олади. Шунингдек, антик даврининг ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий ривожини асосида қадимги шаҳарсозлик маданиятининг Чоч ва Илоқда таркиб топиши Ўрта Осиёда яна бир цивилизация ўчоғини, маданий хўжалик марказини, Чоч ўлкасини шаклланганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларнинг якуний хулосаси шуки, Ўрта Осиё қадимги жамоаларининг урбанизациялашуви икки йўлдан борди. Биринчиси, Амударё ва унинг ирмоқлари ҳавзаларида ташкил топган цивилизация ўчоқлари; иккинчиси, Сирдарё ва унинг ирмоқлари ҳавзаларида таркиб топган цивилизация ўчоқлари. Амударё ҳавзалари билан боғлиқ маданий-хўжалик марказларининг шаклланиш жараёни бронза давридан бошланган ва уларнинг таркиб топишида Қадимги Шарқ цивилизациясининг таъсири кучли бўлган. Биринчи йўлга хос урбанизация жараёни Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбидан унинг шимоли-шарқи томон кенгайиб, бу минтақада сўнгги бронза давридан бошлаб, бирин-кетин тарихий маданий-хўжалик вилоятлари шаклланиб боради. Ўрта Осиё ҳудудида дастлаб, бронза даврида (милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида) Парфия, Марғиёна ва Бактрия вилоятлари

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 108–110.

таркиб топади. Сўнг уларнинг маданий-хўжалик таъсирида илк темир даврида (милоддан аввалги VII–IV асрлар давомида) Суғдиёна маданий-хўжалик маркази ташкил топди. Суғдиёна маданий-хўжалик марказининг уч ўчоғи мавжуд бўлиб, уларнинг шаклланиши Суғдиёнанинг барча ҳудудларида бир вақтда, бир хил ривожланишда бўлмаган. Агар бу жараён жанубий Суғдда милоддан аввалги IX–VI асрларда юз берган бўлса, у марказий Суғдда милоддан аввалги VII–V асрларда содир бўлди. Ғарбий Суғд, яъни Бухоро вилоятида шаҳарсозлик маданияти улардан кейин, милоддан аввалги V–IV асрларда юз берди. Айнан шу асрларда Амударёнинг қуйи ҳавзаларида Қадимги Хоразм цивилизация маркази ҳам шаклланди.

Сирдарё ҳавзалари билан боғлиқ цивилизация марказларининг шаклланиши, улардан анча кеч, антик даврида юз берди. Қадимги Фарғона ва Чочда шаҳарсозлик маданияти, урбанизация жараёни Қадимги Шарқ цивилизация ўчоқларининг бевосита эмас, балки билвосита таъсиридан баҳраманд бўлганлар, холос. Бу минтақада чорвадор сак қабилаларига хос ҳаёт тарзи кучли эди. Турон сакларининг ўтроқлашиш жараёни анча суст кечди. Сирдарё ҳавзалари аҳолиси ҳаётида маҳаллий анъана, тарихий миллийлик кучли эди. Ўрта Осиёда македониялик Искандар ҳарбий юришларидан кейин, Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоликлари даврида юнон маданиятининг таъсири сезила бошлайди. Қадимий маданий-хўжалик анъаналари асосида шаклланган Парғана ва Чоч маданий хўжалик марказлари таркиб топади. Бир вақтни ўзида ана шу маданий-хўжалик марказларининг, цивилизация ўчоқларининг ўтроқ, турғун аҳолиси – бохтарий, суғдий, хоразмий, Чоч ва Парғана халқи шаклланиб боради. Илк ўрта асрларга келганда Санғзар ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларига ҳам урбанизация жараёни кириб боради ва унинг натижаси сифатида Уструпона ва Илок тарихий-маданий марказлари шаклланади.

Антик даври ўзбек этногенезини ўрганишда муҳим муаммолардан яна бири – бу Даюечжи қабилаларининг Ўрта Осиё ички ҳудудларига, айниқса, унинг жанубий минтақаларга кириб бориши билан боғлиқдир. Мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг шимолий даштларида яшовчи асианлар, пасианлар, тохарлар, сакаварақа қабилаларининг сак-массагетлар конфедерацияси таркиб топиб<sup>1</sup>, ўз даврида Эрон Ахоманийлари ва македониялик Искандар қўшинларига қарши мардонавор курашганликлари тарихдан маълум. Аммо, Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва Суғдиёна ҳудудлари юнонлар тасарруфига ўтгач, Ўрта Осиё сак-массагет қабилалар иттифоқи ташвишга тушиб қолди.

Айниқса, Юнон-Бақтрия давлати ташкил топгач, унинг тажовузкорлик сиёсатидан чўчиган конфедерация қабилаларининг катта бир қисми Шарқий Туркистон томон кўчиб кетадилар. Улар асосан, Тянь-Шань (Таигритоғнинг) тоғларининг жануби-ғарбий қисмига жойлашадилар ва Шарқий Туркистоннинг туркий тилли дунёсида қадимги хинд-оврўпа халқларининг бири бўлмиш тўхорларга қўшилиб, эроний ва туркий этнослар билан узвий этномаданий алоқада бўлганлар. Ўша кезларда Турфан, Қорашаҳр ва Куча каби воҳа ҳукмдорликларидаги шаҳар

<sup>1</sup> Страбон. География в 17 книгах. Кн. XI. 88.

аҳолисининг катта қисмини тўхор-эроний тилли этнослар ташкил қилган. Бу ерлар ўша даврда ҳатто, «тўрт Тўхор ўлкаси» деб аталган<sup>1</sup>, яъни Тангритоғнинг марказий ва жануби-ғарбий қисмлари, хусусан, ушбу тоғ тизмасининг жанубий этаклари мил. авв. III–II асрлардан бошлаб, тўхорлар яшайдиган ўлка бўлган. Тил масаласида улар икки тилли, яъни прототуркий ва эроний тилда сўзлашганлар. Шу боис, юечжи-тўхорлар Шарқий Туркистондан чиқиб, Парғана, Уструшона ва Суғдиёна вилоятларини оралаб, дастлаб шимолий Бактрияни, сўнг Жанубий Бактрия ва то Шимолий Ҳиндистонгача кириб борганларида, улар прототуркийда сўзлашганлар, деган фаразлар ҳам йўқ эмас. Бундай фараз тарафдорлари Юечжи-тўхорлар Бактрия худудларига кириб келганларида, бу заминнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида эроний тил муҳити ўзининг етакчилик мавқеига эга бўлгани боис, улар тил жиҳатидан энди мутлақо эронийлашадилар, деган хулосага келганлар.

Бактрияда ташкил топган кушонлар давлати мамлакатни бошқаришда қадимдан давом этиб келаётган маҳкамачилик ва унинг эллинлар таъсирида мукаммаллашган тизими билан уйғунлашиб, ўзбек халқи этногенези ва давлатчилик тарихида улкан ютуқларни қўлга киритади. Этносиёсий ва этномаданий ривожланишда илк бор ўзликни англаб етишликнинг пойдевори курилади. Кушонлар подшоси буюк Канишка сулолавий аждодларидан фарқли ўларок, мамлакатда ҳукм сурган юнон тилини бекор этиб, маҳаллий боҳтарий тилни давлат тили деб эълон қилади, маҳкамачиликда юнон ёзуви ўрнига боҳтарий ёзувини қўллашга фармон берган, муомаладаги танга пуллар илк бор Канишка сурати (Кушон подшолари) ва туркий халқларга хос символика-самовий тулпор расми билан зарб этила бошлаган. Кушонлар узоқ аждодлари тилини унутиб, эронийлашган бўлса ҳам, улар ўз келиб чиқиш насли-насабларини унутмаганлар. Рабатак ибодатхонаси ёзувида Канишка ўзи ва аждодларини орий эканлигини эслаб ўтади.

Ёзма манбаларда Ўрта Осиёнинг қадимги туркий этнослари ҳақида етарли маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, аммо, археологик материаллар антик даврида бу ўлкада туркий этник гуруҳлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, юқорида таъкидлаганимиздек, Кангкия давлати доирасида, унинг марказий минтақалари – Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, Тошкент воҳасида янги этнос-қанғар элати таркиб топа бошлайди. Унинг этник асосини маҳаллий суғдийлар ва Сирдарё бўйи туркий қабилалари ташкил этарди. Улар таркибига ҳунларни кириб келиши туркий этнос қатламини қалинлашувига олиб келади. Ана шу қурама этноснинг моддий маданияти «Қовунчи маданияти» номи билан фанда ўрин олган (21-рasm, зарварақдаги 6, 7-рasmларга қаранг).

## **IX. 2. Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари қадимги ёзма манбаларда ва уларнинг қисқача талқини**

Бугунги кунда Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларида Чирчиқ, Оҳангарон ва Арис дарёлари ҳавзаларида таркиб топган Чоч, Илок ва Ўтрор тарихий-маданий ўлкалари сифатида маълум. Унинг агрофини ғарбий

<sup>1</sup> *Henning W. B. The Name of the «Tokharian» Language // AM. London, 1950. – Vol. I. p. 158–162.*

Тангритоғ этаклари, Чотқол, Курама, Қорамозор, Барактинтов, Қаржантов ва Қоратов тоғ тизмалари ўраб олган бўлиб, улардан айниқса, Курама ва Қорамозор тоғ тизмалари ранг-баранг ва турли-туман табиий маъдан конларига бойдир. Бу ўлкаларнинг теварак-атрофида қад кўтарган тоғлар бағрида турли маъдан конлари, шу жумладан, феруза тош конларининг кўплиги геологик ва археологик тадқиқотларда ўз аксини топган<sup>1</sup>. Воҳа ферузасининг донғи бутун Шарк дунёсида қадимдан маълум ва машхур бўлиб, қимматбаҳо тошларга бой бу мурувватли, фазилагли замин қадимдан турли ёзма манбаларда «Чоч», яъни «тош», «феруза тош мамлакати», деб бежиз тилга олинмаган.

Воҳада одамзод жуда қадимдан яшаб келади. Унинг аجدодлар томонидан илк бор ўзлаштирилиши археологик ёдгорликлар мисолида кишилик тарихининг қадимги тош даврига бориб тақалади (Кўлбулоқ, Қизилолмасой, Гиштсой, Жарсой, Оби-Раҳмат, Оқтош, Палтау, Хўжакент, Бўзсув ва бошқалар).

Аммо, бу тарихий-маданий ўлкалар ва уларнинг аҳолиси ҳақидаги ёзма манба маълумотлари сўнгги бронза ва илк темир давридан нарига бормайди. Бу ўлкалар Сирдарёнинг ўрта ҳавзасини ташкил этиб, унинг таркибига қадимда ва ўрта асрларда ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудлари ҳам кирган ва ягона тарихий-маданий минтақани ташкил этган.

Ушбу тарихий-маданий ўлка аҳолиси-саклар ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар Эрон Ахоманий подшоларининг қоятошларга битилган китобаларида учрайди. Қадимги ёзма манбаларда сак номи остида тилга олинган туб жойли кўчманчи қабилалар жойлашиш ҳудудларига кўра, уч гуруҳга бўлинган (Тиграхауда саклари, Яксарт орти саклари, Хаумаварга саклари). Улардан Тиграхауда ва Яксарт орти саклари Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари даштларида кенг тарқалган. Уларнинг моддий маданияти археологик адабиётларда яхши қайд қилинган<sup>2</sup>.

Юнон тарихчиларининг отаси Геродот «Саклар скифларнинг ўзгинасидир» дейди. Шунингдек, «форслар барча скифларни саклар» деб атайдилар<sup>3</sup>, деб ёзади. Тарихий тилшунослик фанининг даргалари сак атамаси «қудратли, кучли, чакқон, чапдаст маъносини беради, саклар ҳақиқатда ҳар нарсага қодир мард кишилардир»<sup>4</sup>, деб таъриф берадилар. Геродот ва антик давр муаллифлари ха-

<sup>1</sup> *Беруний А.Р.* Собрание сведений для познания драгоценностей (минералогия). Перевод А.М. Беленицкого. Ленинград, 1963. С. 159; *Массон М.Е.* К истории горного дела на территории Узбекистана. Т.: 1953; *Буряков Ю.Ф.* Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района (К истории горного дела и металлургии средневекового Илака. Автореф. Канд. Дисс. Т.: 1966. С. 10–11, 15. Его же. Горное дело и металлургия средневекового Илака. Москва, 1974. С. 43, 44, 54, 56, 87, 112; *Пругер Е.Б.* Бирюза Илака и Илакский рудник бирюзы. СА, 1971, № 1. С. 118–126.

<sup>2</sup> *Литвинский Б.А.* Древние кочевники «Крыша мира». Москва, 1972; *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана в древности. Москва, 1999.

<sup>3</sup> *Геродот.* История в девяти книгах, кн. VII. Ленинград, 1972. С. 333.

<sup>4</sup> *Bailey H.W.* Languages of the Saka. «Handbuch der Orientalistik, I,4, I Linguistik. Keiden, 1958, S. 133.

умаварка саклари амюргий сакларининг ўзгинаси эканлигини таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Страбон Яксарт (Сирдарё)ни сакларни суғдийлардан ажратиб турувчи дарё<sup>2</sup> сифатида тилга олади. Птолемей эса саклар билан суғдийлар ўртасидаги чегарани янада аниқроқ белгилайди, яъни унингча, саклар билан суғдийлар ўртасидаги чегара Яксартнинг бурилиш жойидан то унинг юқори оқимига қадар давом этади<sup>3</sup>. Страбон эллинлардан Бактрияни тортиб олган «варварлар» айнан Яксарт бўйларида борган саклар эди. Улар орасида кўзга кўринганлари осийлар, пасианлар, тўхорлар ва сакаравалар бўлган<sup>4</sup>, – деб ёзади.

Ҳинд эпоси «Махабхарата»да «Ашвамедха»га қурбонлик қилувчи ёввойи қабилалар орасида саклар, тохарлар ва канкилар бўлиб, улар пешоналарини хайвон шохлари билан безаб, ашвамедхага қўллари тўла совға келтирувчи одамлар эди<sup>5</sup>, – деб ёзади. Канкилар Сирдарё ўрта ҳавзасида яшовчи қадимги қабилалар бўлиб, Махабхаратада уларни тилга олиниши муҳим аҳамият касб этади. Чунки, улар археологик изланишлар натижаларига кўра, Тошкент воҳасида, антик даврда таркиб топган Қовунчи маданияти қабилалари эди.

Македониялик Искандар ҳарбий юришлари тарихчиларнинг хабар беришига қараганда, Яксарт ўтрок бободехкон жамоалари билан кўчманчи саклар ўртасидаги чегара чизиги ҳисобланган. Яксартнинг ўнг томонида жанговар саклар яшаса, унинг чап томонида савдо ва хунармандчиликда мохир Чоч суғдийлари яшар эдилар. Улар этномаданий ривожланишда ҳам бир-бирларидан фарқ қилиб, Яксартнинг сул қирғоқ ҳудудлари-суғдийларда бир неча шаҳарлар қад кўтаргани ҳақида антик муаллифлар хабар беради. Масалан, Киропол шаҳар пункти. У дастлаб, мил. авв. IV асрнинг охири чорагида Искандар ҳарбий қурувчилари томонидан кўчманчи сакларга қарши ҳарбий истехком сифатида қурилган<sup>6</sup>. Сирдарё чап ҳавзасида қад кўтарган Қанка шаҳар харобасининг кўҳандиз қисмини қазийш жараёнида эллинистик режа асосида қурилган ҳарбий истехком қолдиқлари топилган. Кейинчалик, бу қалъа майдони кенгайди ва мил. авв. III–II асрларга келиб, у йирик шаҳарга айланади<sup>7</sup>.

Кўчманчи чорвадорлар билан ўтрок аҳоли ўртасидаги янада чуқурроқ алоқалар ҳақида Авесто матнларида учратиш мумкин.

Авестонинг «Яшти»да данай турлари ҳақида гап боради. Авестошунос В.И. Абаев мана шу данай (Данай Сирдарёнинг қадимги номларидан бири) турлари Яксарт саклари бўлиши керак, деган фикрни олға суради<sup>8</sup>. Кўпчилик олимларга маъқул бўлган бу ғоя изидан борган Б.А. Литвинский эса Заратуштра

<sup>1</sup> Геродот. История в девяти книгах, кн. VII. С. 64.

<sup>2</sup> Страбон. География в 17 книгах. Кн. XI.VIII, 8. Москва, 1964.

<sup>3</sup> Ptolemy. Geography of Claudius Ptolemej. New York. VI,12,1, 1932.

<sup>4</sup> Страбон. География в 17 книгах... Кн. XI. VIII, 2. С. 483.

<sup>5</sup> Бичурин Н.Я. Древние авторы о Средней Азии (VI до н.э. – III в. н.э.) 1940. С. 134.

<sup>6</sup> Григорьев В.В. О скифском народе саках. С. 342

<sup>7</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1983. С. 101–113.

<sup>8</sup> Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. Archiv Orientalni, XXIV, 1956, № I. С. 44–45..

билан боғлиқ эпизодларни таҳлил этиб, турларнинг баъзи бир уруғ жамоалари маҳаллий деҳқон жамоаларининг таъсирида бўладилар<sup>1</sup>, яъни анъанавий турмуш тарзини ташлаб, зироатчилик қилишга ўтадилар, деган тўғри хулосага келади. Агар биз Авесто матилари ва унинг қисмларини турли даврларда шаклланганлигини эътироф этадиган бўлсак, Авесто Яштининг илоҳ Анахитага бағишланган жойида Қанҳани нафақат Турон сардорларининг дастлабки резиденцияси сифатида тилга олинади, балки муқаддас Қанҳани Турон қабилаларининг қайсидир бир гуруҳини сиёсий ва диний маркази сифатида эслаб ўтилади<sup>2</sup>. Демак, Яксарт саклари (турлари) хақидаги дастлабки ёзма хабарлар илдизи Авестога кўра, бронза даврига бориб тақалади.

Авестонинг илк қатламларида учраган Қанҳани локализацияси масаласида С.П. Толстов уни Қадимги Хоразм ҳудудлари билан боғлашга уриниб кўрди<sup>3</sup>. Аммо, сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар муаммо ечимини Чоч ўлкаси фойдасига ҳал этмоқда<sup>4</sup>. Бу ҳақда илк бор В.В. Бартольд Авесто Қанҳасини Сирдарёнинг ўрта хавзасига жойлаштириб<sup>5</sup> тўғри иш қилган эди.

Авестода канқа, қанға, қандиз топонимлари ҳам учрайди<sup>6</sup>. Аслида, Авестодаги бу топонимлар мил. авв. II– милодий II асрларга тегишли бўлиб, айнан шу асрларда Сирдарёнинг ўрта хавзасида канкилар бунёд этган Қанқа шаҳри пайдо бўлади<sup>7</sup>. Сирдарёнинг ўрта хавзасида, унинг шимолидаги туманларда яшовчи саклар антик даврининг тарихчи ва географлари асарларида ўз аксини топган. Масалан, улар хақида юнон тарихчи ва географлари Полибий (мил. авв. 204–122 йиллар), Страбон (мил. авв. 64–24 йиллар), Квинт Курций Руф (милодий I аср), Плутарх (милодий 45–127 йиллар), Арриан (милодий 95–175 йиллар), римлик Плиний Старший (милодий 23–79 йиллар) ва бошқалар ҳам ёзганлар. Плиний саклар хақида қўйидагиларни ёзади: «форслар уларни (скифларни – О.И.) ўзларига яқин яшовчи қабиланинг номи билан саклар деб атайдилар<sup>8</sup>. Птолемей маълумотларига кўра, Яксарт ўрта оқимларида яшовчи қабила «Қатта Яксарт» ёки «Қандар» деб ҳам аталган<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. Древние кочевники «Крыша мира». Москва. С. 150–156.

<sup>2</sup> Гимн Ардвисуре (Яшт 5 «Ардвисур яшт»). Авеста. Избранные гимны. Из Видевдата. Перевод И. Стеблин-Каменского. Москва, 1993. С. 36.

<sup>3</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва, 1948. С. 21; Его же. По следам древнехорезмийской цивилизации. Москва–Ленинград, 1948. С. 145.

<sup>4</sup> Кляшторный С.Г. Кангуйская этнотопонимика в орхонских текстах. СЭ, № III, 1951. С. 54–63. Его же. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. Москва, 1964. С. 155–179; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 107–108; Шониезов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғиллар. – Т.: 1990. – 5–24-бетлар; Филианович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Т.: 2010. С. 17–24.

<sup>5</sup> Бартольд В.В. Иран, исторический обзор. Соч., том VII, Москва, 1971. С. 231.

<sup>6</sup> Беруний А.Р. Индия. Избранные произведения. Том II, Т.: 1963. С. 274.

<sup>7</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 106.

<sup>8</sup> Бичурин Н.Я. Древние авторы о Средней Азии. Т.: 1940. С. 126.

<sup>9</sup> Бичурин Н.Я. Древние авторы о Средней Азии. Т.: 1940. С. 125, 130.

Қадимги Чоч, яъни ҳозирги Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистон даштларида яшаган аҳоли ва унинг давлати қадимги Хитой ёзма манбаларида Кангкия (Кангжюй) деб тилга олинади. Солномаларда кангжюй атамаси ҳақидаги дастлабки маълумот Хитой тарихчиси Сима Цяннинг (мил. авв. 145–86 йилларда яшаган) хотираларида учрайди<sup>1</sup>. Сима Цян ўзининг «Тарихий хотиралар» асарида кангжюйларнинг жойлашиш ўрни, урф-одатлари, ҳарбий кудрати, уларга кўшни яшовчи халқлар ҳақида қисқача маълумот беради. Кангжюйлар ҳақида батафсилроқ маълумотлар қадимги Хитой тарихчиси Бан Гунинг «Биринчи Хань сулоласи тарихи» асарида баён этилган. Бу асарда кангжюй (канғар) ларнинг жойлашган ерлари ва ҳарбий кучларидан ташқари, уларнинг сони, яъни қанча оиладан иборат эканлиги, марказий шаҳри, чорва бойлиги, уларга тобе 5 та ҳокимлик мулкининг номлари (Сусе, Фуму, Юни, Ги, Юеган) ҳамда уларга кўшни халқлар ва давлатлар билан муносабатлари қисқа ва лўнда қилиб берилган<sup>2</sup>.

Дастлаб, Сирдарёнинг ўнг соҳилида яшаётган саклар (К.Ш.Шониёзов уларни канғарлар деб атайди) «Қатга Яксарт» қабила иттифоқини тузадилар. Бу иттифок кучайиб, мил. авв. II асрда Кангкия подшолигига айланади ва унинг сарҳадлари кенгаяди.

Мил. авв. II аср – милодий III асргача ва ундан сўнг ҳам канғарлар Фарғопанинг шимоли-ғарбида, унга чегарадош ҳудудларда яшагани эслатилади<sup>3</sup>. Элчи Чжан Цзян маълумотиغا кўра, мил. авв. 128 йилда «Кангжюй Дайюан (Даван) билан чегарадош дейилган<sup>4</sup>. Кичик Хань сулоласи тарихида (25–265 йй.) Аньси (Шарқий Туркистон) шимолда кангжюйлар билан чегарадошдир<sup>5</sup>. Кангкия шимоли-ғарбда аланлар (Янцай) билан чегарадош. Кангкия давлатининг чегаралари шимолда Сирдарёнинг куйи оқимларининг шимолигача, шимоли-ғарбда то Сарисув дарёсигача бориб етган.

Хитой ёзма манбаларининг маълумотларида Кангкия давлатига қарашли вилоятлар эслаб ўтилади. Уларнинг номлари хитойча талаффузда бизгача Сусйе, Фуму, Юни, Ги, Юегянь кўринишида етиб келган бўлиб, В.В. Бартольд<sup>6</sup>, М.Е. Массон<sup>7</sup>, С.П. Толстов<sup>8</sup> уларни қуйидагича таърифлайдилар: Сусйе–Кеш, Фуму–Зарафшон водийсининг Каттакўрғон ҳудудидаги Қушания, Юни–Тошкент воҳаси, Ги–Бухоро ва Юегянь–Урганч<sup>9</sup>. А.Н. Бернштам эса Жанубий Қозоғистон ва Шимолий Қирғизистонда олиб борган кенг кўламли археологик изланишларига суяниб, Сусйени Арис водийси, Гини Сирдарёнинг куйи оқими ва Фумуни эса

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех томах. Том II, Москва–Ленинград, 1950. С. 150–151.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. С. 184–188.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Древние авторы о Средней Азии. Т.: 1950. С. 150, 167, 170, 190, 264.

<sup>4</sup> Бичурин Н.Я. Ўша асар, 150-бет.

<sup>5</sup> Бичурин Н.Я. Ўша асар, 225-бет.

<sup>6</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Соч. Том II, часть I. С. 177.

<sup>7</sup> Массон М.Е. Ахангаран. Археолого-топографический очерк. Т.: 1953. С. 108–109.

<sup>8</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва, 1947. С. 20–21.

<sup>9</sup> Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғилар. – Т.: «Фан», 1990. – 41-бет.

Янгиқўргондан то Казалинск вилоятигача бўлган даштлар билан боғлайди. Юегянь эса Урганч билан маъносини ифодалайди. Бироқ, С.Г. Кляшторний уларни ҳар иккисидан фарқ қилиб, Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг шимолий қисми Кангкия давлатига қараган, деган хулосага келган. Буларнинг ҳар бирини ҳудудида бир нечадан туман мулклари бўлиб, улар К.Ш. Шониёзовнинг «Қанг давлати ва қанглилар» номли асарида яхши берилган<sup>1</sup>.

Булар ҳақидаги маълумотлар, яъни Кангкия вилоятларига тегишли баъзи бир маълумотларни Хитойнинг VII аср тарихчиси Ли Ян Шоу асарида (Бейши) учратилади. Бейшида милодий 386–581 йиллар ичида Хитойда юз берган тарихий воқеалар баён этилиб, лекин Кангжюйга тобе ҳокимликлар номи бошқачароқ берилган, яъни Тошкент воҳаси – Чжеси, Ши, Самарқанд – Кан, Бухоро–Ань, Китоб–Шы, Кушония–Хэ тарзида тилга олинган. Улар ҳудудларида яшовчи халқларнинг хўжалиги ва маданияти ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд<sup>2</sup>. Кангкия халқи ва Кангжюй вилоятлари ҳақидаги маълумотлар Суй сулоласининг (581–618 йиллар) тарихи (Суйшуда)<sup>3</sup> ҳамда Тан сулоласининг (618–907 йиллар) тарихи Тханьшуда<sup>4</sup> ҳам учрайди. Бироқ, бу икки сулола тарихчилари Кангкия ҳақидаги маълумотларни Бейшидан сўзма-сўз кўчириб олиш билан чегараланган. Бироқ, бу асарларда фақат Кангкияга тобе вилоятлар ва уларнинг марказий шаҳарларининг кейинги даврлардаги номлари маълум қилинади. Шунингдек, бу маълумотлар Кангкияга қарашли қадимги вилоятларнинг қаерда жойлашганликларини аниқлаш борасида аҳамиятлидир. Масалан, Тханьшуда Ги ёки Ансининг кейинги номи Бухо ёки Бухэ деб берилган. Демак, уни Бухоро шаҳри билан локализациялаш мумкин. Яна, Ши (Тошкент ва Тошкент воҳаси) Чжеси тарзида, Хэ эса Гуйшуан эканлиги таъкидланади.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Қанқа (Қанга) Туронзаминнинг марказий шаҳри сифатида бир неча бор тилга олинади<sup>5</sup>.

Араб географи Ибн Хордатбех Сирдарёнинг номларидан бири сифатида «Қанғардарё»ни эслаб ўтади. Сирдарёнинг ўрта оқими ўрта асрларда (VIII–IX асрларда), ундан ҳам анча олдин қанғар этноними билан аталган. Бу табиий ҳол. Этнонимлар ўзидан дарё ва вилоят номларини қолдирган. Ҳатто, этносларнинг кичик гуруҳлари ҳам жойларда ўз номларини қолдириб, янги этнопонимларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлганлар. Масалан, Ал-Идриси (XII аср) Орол денгизи яқинида, унинг шимолий ва шимолий-шарқда жойлашган қабилалардан бирини Хангакиши, яъни Қанг кишилари деб ўз асарида тилга олади.

Демак, бу сўзларнинг туб маъноси «қанг кишилари», яъни Қанг дарёси ёқаларида, соҳилларида, ҳавзаларида яшовчи халқ маъносини англатган. VII аср

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Қанг давлати ва қанглилар. – Т.: «Фан», 1990. – 41–65.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Древние авторы о Средней Азии. Т.: 1950. С. 264, 271–275.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Указ. Работа. С. 280–287.

<sup>4</sup> Бичурин Н.Я. Указ. Работа. С. 310–316.

<sup>5</sup> Фирдавсий. «Шоҳнома». И.В. Бону Лохутий таржимаси. Том II, Москва. 1960, С. 153, 179, 200, 203.



хитой манбаларида «қан-хэ-ли» этноними учрайди. Мазкур этнонимни хитойча транскрипцияси «қанғарлик» деб ўқилади. Хитой ёзма манбаларида келтирилган бу ном қангли этносининг энг қадимий вариантларидан бири бўлган дейишга асослар бор<sup>1</sup>.

Қанг сўзининг келиб чиқиши бўйича, унинг асоси прототуркий ёки эроний эканлиги ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, Е.Пуллейблэнк хитой ёзма манбаларида учрайдиган «қанға» топоними тўхор тилидаги «тош» сўзидан олинган. Шунингдек, у «қанға» тили ҳам тўхор тилининг бир тури бўлган», – деб ёзади. Б.А.Литвинский эса Пуллейблэнк фикрини келтириб, қанг этноними эрон-хотан тилидаги «қанда» сўзидан олинган. «Қанда» сўзи эса «чарм кийимли кишилар» маъносини англатади<sup>2</sup>, деган хулосага келади. Раулинсон «қанг» сўзини пахлавийча ҳисоблаб, у «осмон» сўзини англатади<sup>3</sup>, дейди. В.Томашек ҳам «қанг» сўзини Раулинсон изидан бориб, қадимги эронча, деб ҳисоблайди. Аммо, у «қанг» сўзини кўчманчилар ўз тилларига ўзлаштириб олишиб, кейинчалик у уйғурларнинг «қанг», «қанғаш», «қангра» сўзига айланиб кетган,<sup>4</sup> деб тушунтирмакчи бўлади. Аслида, Раулинсон ва Томашеклар ҳамда замонамизнинг йирик эронпараст олими Б.А.Литвинский «қанг» сўзини қадимги эроний сўз сифатида талқин этишиб, хатоликка йўл қўйганлар.

Француз шарқшуноси Э. Шаванн ўз вақтида хитойча Ши, Ши-го атамаси луғавий жиҳатдан қадимги прототуркча «тош», «тош мамлақати» маъносини англлатишига эътибор бериб<sup>5</sup>, бу сўз қадимги хитой ёзма манбаларида учрайдиган иероглиф «Ши» «тош» маъносини беришини ёзади<sup>6</sup>. Хитой манбаларида Тошкент воҳасига нисбатан қўлланилган «Ши» атамасини прототуркийча «тош» сўзи билан боғлаш мантиқан тўғри эканлигини оврупалик хитойшунослар – А. Аальто, К. Е. Босворт, К.Пужоль, М. Компаратилар ҳам қўллаб-қувватлаб чиқадилар.

Демак, бир қатор лингвистика тадқиқотчиларининг (Э. Шаванн<sup>7</sup>, А.Аальто<sup>8</sup>, К.Е. Босворт<sup>9</sup>, К.Пужал<sup>10</sup>) фикрича, мил. авв. III асрда марказий ҳудуди Тошкент воҳаси бўлган «Қангкия давлати» иборасидаги «қанг» сўзини асосида «тош» сўзи

<sup>1</sup> Зуев Ю.А. Тамги лошадей из вассальных княжеств. Труды ИИАЭАН Каз. ССР, т. VIII, 1960. С. 127.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты конгюйской проблемы. СА № II, 1967. С. 35, 68-илова.

<sup>3</sup> Reinaud M. Geographie d, Abul fed. t. I, Paris, 1848, II. CCXXXIII.

<sup>4</sup> Thomaschek W. Centralasiatische Studien. Sogdiana, SBAM, (Bdnd. LXXXVII), Wien, 1877, p. 125–136.

<sup>5</sup> Chavannes E Documents sur les Tou-Kiue(turks) occidentaux. Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. VI. СПб., 1903, p. 140 -141.

<sup>6</sup> Aalto P. The name of Tashkent. CAJ. Vol XXI, Wiesbaden, 1977. p. 194.

<sup>7</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue(turks) occidentaux. Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. VI. СПб., 1903, p. 140.

<sup>8</sup> Aalto P. The name of Tashkent. CAJ. Vol XXI, Wiesbaden, 1977. p. 193–198.

<sup>9</sup> Bosworth C. E. Chach. «Encyclopaedia Iranika. Vol. IV, London, New York, 1990, p. 604 -605.

<sup>10</sup> Poujol C. Tashkent. «Enciclopedia de I, Islam. T. X.

ётиши ўз даврида исботланган<sup>1</sup>. Фин тадқиқотчиси Пентти Аальто Чоч сўзини Енисей туркларининг «тош» маъносини англлатувчи Чоч сўздан олинган, дейди. Хуллас, Чоч воҳасининг номлари қадимги ёзма манбаларда турлича берилса-да, уларнинг туб маъноси туркийлик томон устувор характер олишидан келиб чиқиб, XI асрда Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида Чоч – Тошкент, Тош шаҳри деб аталгани қайд этилади.

Маркази Чоч воҳаси бўлган мазкур давлат тез орада шимоли-шарқда Етти-сувгача, ғарбда Қадимги Хоразмгача, жанубда эса Зарафшон водийсигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган йирик давлатга айланган. Бу давлат халқи туркий ва сугдий этник қатламлардан иборат бўлиб, уларнинг ёзув маданияти эроний асосда қурилгани қайд этиб келинди. Бунга воҳанинг «Чоч» номи Сосонийлар ҳукмдори шоханшоҳ Шонур I (милодий 262 й.) ғалабаларига бағишланган «Қаб-баи Зардушт» битикларида «Қух-и Чоч» (Чоч тоғлари), милодий III–IV аср Канг-кия ҳукмдорлари зарб эттирган тангаларда, айнан шу асрлар кумуш идишлар-нинг сиртига ёзилган сугдий ёзувда «Чоч жамоаси», «Чоч халқи» ибораларини учраши каби фактлар асос бўлиб хизмат қилган. Яқинда Арис дарёси яқинида Қултоба деган ёдгорликда милодий III–IV асрларга оид лойдан ясалган ёзувли лавҳа тошилди. Унда сугдий ёзувда чочликларнинг кўчманчиларга қарши ҳарбий горнизон сифатида шаҳар барпо қилганлиги ҳақида хабар берилади. Ушбу лавҳа шаҳар дарвозасининг пештоқиға ёзилган бўлиб, унда «Чоч халқи», Чоч жамияти» каби тушунчалар учрайди<sup>2</sup>. Худди шу асрларга тегишли кумуш идишлар сиртида ва мис тангаларда «чачан напч» (Чоч халқи, Чоч жамияти) сўзлари учрайди. Де-мак, милодий эра бошларидан маълум бир ҳудуд доирасида яшовчи қабилаларда жипслашиш, уюшиш бўлганки, уларда ўзларини чочликлар деб аташ анъанаси шаклланган. Айнан шу кезларда Чочни бошқарган ҳукмдорлар маҳаллий суло-лалардан бўлган. Канка қадимги шаҳар харобасининг Арк (Кўҳандиз) қисмида, ибодатхона комплексини қозиш вақтида Чоч маликлари қиёфасини акс эттирган «булла»лар (пиширилган лой қолиплари) топилган (20–расм). Буллада ўз аксини топган ҳукмдорлар портретлари галереяси IV–V асрлар Чоч аҳолисининг ўтрок қатлами ҳақида аниқ маълумотлар беради. Аммо, антик ва илк ўрта асрларда Чоч аҳолиси фақат эроний қабила ва қавмлардан иборат бўлмаган.




### **IX. 3. Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари археологик манбаларда ва Қовунчи маданияти**

Бу ўлкани археологик жиҳатдан ўрганиш ишини 1884 йилда Н.И.Веселовский бошлаб берди<sup>3</sup>. У ўша йили Тўйтепа қадимги шаҳар харобасида икки ҳафталик қозишмалар олиб бориб, Оҳангароннинг қадимги металлургия ишлаб чиқариши

<sup>1</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. – Т.: 2010. – 14-бет.

<sup>2</sup> Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe. «Shygy», 2006, 1. p. 95–111.

<sup>3</sup> Отчеты Археологической Комиссии за 1882–1888 гг. СПб., 1891.



20-расм. Илк ўрта аср Чоч маликлари ҳайкалларининг терракотада акс этган портретлар галереяси.

билан боғлиқ шахарлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни тўплаган<sup>1</sup>. Аммо, унғача 1876 йилда Д.М. Граманицкий Тошкент воҳасида, унинг Оҳангарон водийсининг Сирдарёга яқин тоғ ёнбағирларида қадимги даврларга оид мозор-қўрғонлар борлигига эътибор қаратган<sup>2</sup>. Таъкидлаш жоизки, Чоризм мустамлакачилик даврида Оҳангарон водийсининг археологик жиҳатдан ўрганиш иши анча суст борган. Чунки, Россия империясини кўпроқ унинг табиий ер ости маъдан конлари қизиқтирган<sup>3</sup>. Аммо, геолог С.Ф.Мошковцев Кухисим ҳақидаги мақолаида Қорамозор руда конлари қадимги металлургия эътиборини ўзига тортгани ҳақида ҳам эслаб ўтади<sup>4</sup>.

Оҳангарон водийсини археологик жиҳатдан ўрганиш иши 1929 йилдан жонланиб кетди, яъни шу йили А.А. Потапов Чоч воҳаси ёдгорликларини мунтазам тизимли ўрганишни бошлаб берди<sup>5</sup>. Шу йили Ўрта Осиё маъдан конларини қидириш бошқармаси руда конларини қидириш ишига тарихчи-археологларни кенг кўламда жалб этишни, улар олдида руда конлари ҳақидаги қадимги ва ўрта аср ёзма манбаларидаги маълумотларни тўплаш ҳамда руда конлари билан боғлиқ археологик ёдгорликларни ўрганишни жонлантириш масалалари кўйилди. Шундан сўнг, Қорамозор руда конларини қидириш учун махсус Тожик-Помир геологик қидирув экспедицияси тузилиб, унинг таркибида М.Е.Массон бошчилигида археологик отряд ташкил этилди. Бу отряд зиммасига Оҳангарон водийсининг Қорамозор конлари ҳудуди ҳақида ўрта аср ёзма манбаларини тўплаш ва бу ҳудудда жойлашган қадимги руда конлари, руда эритиш печлари ва улар билан боғлиқ қадимги шахар ва қишлоқларни режага тушириш, уларнинг жойланиш нуқталарини хариталаштириш ва археологик материаллар асосида ёшини аниқлаш масалалари юклатилди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч. II. СПб. 1900. С. 169, 172–175.

<sup>2</sup> Граманицкий Д.М. Заметки о древних урочищах Туркестанского края. «Туркестанские ведомости» № XII, 1879.

<sup>3</sup> Томлин В.Н. Месторождение медных и свинцовых руд в предгорьях Могол-Тау и Карамазара в Туркестане. «Записки Горного института» 1912, т. IV, вып. I; Вебер В.Н. Полезные ископаемые Туркестана. СПб., 1913; Наследов Б.Н., Королев А.В. Месторождения Алтын-Тапкана, Табошарского участка, Кансая и Капимансура в Карамазарском районе. В кн. «Путеводитель экскурсий III Всесоюзного геологического съезда» Ленинград, 1928.

<sup>4</sup> Мошковцев С.Ф. Кухи-сим. («Геологический вестник» № I–III, 1926. С. 66–69.

<sup>5</sup> Потапов А.А. Обзор тепе Среднего Чирчика и археологических развалин вокруг Ташкента. Рукопись, архив ГУОПМК Уз. ССР. Т.: 1929; Массон М.Е. Историческая археология на службе геологической разведки. («Народное хозяйство Средней Азии», № II, Т.: 1930. С. 55.

<sup>6</sup> Массон М.Е. К истории горной промышленности Карамазара. «Труды Таджикской базы АН СССР», т. IV, Ленинград, 1935. Его же. Археологические материалы к истории горного дела в Средней Азии. Горные инструменты. «Бюллетень», № II. Т.: 1930. Его же. Из истории горной промышленности Таджикистана. Былая разработка полезных ископаемых. «Материалы Таджикско-Памирской экспедиции», вып. XX. Ленинград, 1934. Его же. Из истории добычи меди в Средней Азии в связи с прошлым Алмалыка. «Труды Таджикско-Памирской экспедиции», вып. XXXVII. Москва–Ленинград, 1936.

1930-йилларда Юкори Чирчиқ хавзаси археологик ёдгорликларини системалаштириш иши билан В.Д. Жуков шуғулланди<sup>1</sup>. Г.В. Григорьев эса 1934 ва 1935 йилларда Қовунчитепада стратиграфик характердаги археологик казишмалар ўтказди<sup>2</sup>. Г.В. Григорьевнинг Қовунчитепада олиб борган археологик казишмалари Тошкент археологияси тарихида муҳим кашфиётларга олиб келди, яъни Г.В. Григорьев Қовунчи археологик маданиятини фанга олиб кирди ва уни иккита хронологик босқичга ажратди. Аммо, Г.В. Григорьев Қовунчитепани казиш вақтида унинг қуйи қовунчи қатламларида темир буюмлари учрамагани боис, у қатламлардан топилган археологик комплексни Қовунчи I босқичига киритса-да, аммо, унинг даврини сўнги бронза, яъни мил. авв. II миңгйилликнинг охири ва I миңгйилликнинг бошларига тегишли бўлиши мумкин деган хулосага келади. Қовунчи II босқичини эса мил. авв. I миңгйилликнинг ўрталари билан белгилаб, у давр аҳолисини сак қабилалари маданияти билан боғлайди<sup>3</sup>.

Тошкент канали қурилишини археологик назорат қилиш вақтида А.И. Тереножкин томонидан 1940 йилда ўнг қирғок Охангарон дарёсидан тортилган Тошкент каналини казиш вақтида, унинг Бурғулук ўзани участкаси (нуқтаси)дан Қовунчи маданиятидан археологик артефактлар ва хронологик жихатдан фарк қиладиган ноёб комплекс топиб, уни «Бурғулук маданияти»<sup>4</sup> деб аташни таклиф қилди.

Дастлаб, А.И. Тереножкин Бурғулук маданиятининг йил санасини мил. авв. III-асрларга тегишли бўлса керак, деган хулосага келади<sup>5</sup>. Сўнг, Г.В. Григорьевнинг Қовунчитепада олиб борган стратиграфик характердаги изланишларини кўргач, А.И. Тереножкин Бурғулук маданиятининг санасини қадимийлаштириб, унинг санасини мил. авв. VI-IV асрлар билан белгилайди<sup>6</sup>. Чунки, Қовунчитепанинг қуйи қисмидан Бурғулук II қатлами устида икки асрлик бўшлиқ бўлиб, унинг юқорисида Қовунчи I комплекси борлиги кузатилади<sup>7</sup>. Қовунчитепанинг Қовунчи I қатламларида илк бор хом гиштдан бунёд этилган қурилиш қолдиқлари учрайди. Шундай ҳолатни Шоштепанинг қуйи қатламларида (18 горизонт устида), Бурғулук II босқичидан Қовунчи I босқичига ўтиш даври горизонтларида М.И. Филанович

<sup>1</sup> Жуков В.Д. Результаты археологического осмотра участка правобережья реки Чирчик в 1935 г. Рукопись, архив ИИА АН Уз.ССР, № 75.

<sup>2</sup> Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе Уз ССР в 1934 г. Т.: 1935. Его же. Каунчитепа (раскопки 1935 г.) Т.: 1940.

<sup>3</sup> Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе Уз ССР в 1934 г. Т.: 1935. С. 39. Его же. Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. Т.: 1940. С. 9. Его же. Келесская степь в археологическом отношении. «Изв. АН Каз ССР». № I, Серия археологическая. Алмата, 1948. С. 49.

<sup>4</sup> Тереножкин А.И. Археологические наблюдения на строительстве Ташканала. Госархив ГУ-ОПМК Уз ССР. С. 18-19. Т.: 1940. Его же. Рец. на работу Г.В. Григорьева на Каунчитепа. Уз ФАН СССР, вып. VIII, 1940. С. 81, 84.

<sup>5</sup> Тереножкин А.И. Археологические наблюдения на строительстве Ташканала. Госархив ГУ-ОПМК Уз ССР, Т.: 1940. С. 18-19.

<sup>6</sup> Тереножкин А.И. Согд и Чач. С. 153.

<sup>7</sup> Тереножкин А.И. Согд и Чач. С. 155.

кузатган. 1,5 метрли кул аралаш юмшок маданий қатлам устида қалинлиги 4,8 м., баландлиги 4 метргача сақланган, турли ҳажмдаги хом гиштлардан қурилган мудофаа деворини учратган<sup>1</sup> ва бу ўтиш даври комплексининг санасини мил. авв. III–II асрнинг бошлари билан белгилайди<sup>2</sup>. Аммо, Шоштепанинг ўтиш даври қатламларида Қовунчи маданиятининг Қовунчи I босқичига хос зооморфли дастали кружкалар, кўчқор бошли қозон таққурсилари учрамайди<sup>3</sup>. Шоштепани ўтиш даври шу жиҳати билан Қовунчитепадан фарқ қилади. Қовунчи I босқичи Шоштепада унинг учинчи горизонтга тўғри келади, яъни Шоштепа III ўтиш даврининг якуновчи босқичи ва Қовунчи босқичининг бошланиши бўлиб, бу босқични мил. авв. II–I асрлар билан йил санасини белгилаш мумкин<sup>4</sup>.

Тошкент воҳасида Қовунчи маданияти ёдгорликларини мунтазам ўрганиш иши билан 1960-йиллар охиридан бошлаб, Ю.Ф. Буряков шуғуллана бошлади<sup>5</sup>. У Г. Дадабоев билан Қулоқчинтепа, Ниёзбошитепа, Шоштепа, Чўнгтепа, Аҳмадтепа ва Қовунчитепа каби ёдгорликларда изланишлар олиб борди. Ниёзбошитепа, Қовунчитепа, Қулоқчинтепа, Шоштепа ва Аҳмадтепаларда стратиграфик кузатувлар ўтказди. 1971–1972 йиллардан бошлаб, бутун воҳа бўйлаб кенг кўламли археологик тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Ю.Ф. Буряков шогирдлари ва касбдошлари билан биргаликда Тошкент воҳасининг энг қадимги шаҳарлари Қанқа, Кавардон, Қулога, Киндиктепа, Банокат, Тўртқўлттепа, Шаматтепа, Чордара, Далварзинтепа, Окқўрғон, Оқаттепа каби шаҳар ва шаҳармонанд аҳоли пунктларида кенг кўламли археологик изланишлар олиб борилди. В.А. Бўлатова ва М.И. Филанович раҳбарлигидаги гуруҳ Шоштепа, Нўғайтепа, Мингўрик, Чилонзор Октепаси, Юнусобод Октепаси каби ёдгорликларда кенг кўламли қазишмалар олиб бориб, Қовунчи маданиятини характерловчи ноёб археологик комплексни қўлга киритди (21- расм). Ҳар хил йилларда Қовунчи маданиятига тегишли катакомба тузилишидаги қатор мазор-қўрғон мажмуалари, яъни Пискент мингтепа мазор-қўрғонлари, Олмалик ва Хонобод тупроқ қўрғонлари, Кавардон қўрғонлари, Қизилолма, Апартак, Дўланабулоқ каби 40 дан ортик мазор-қўрғонлар топилиб тадқиқ этилган. Бу ёдгорликлардан бой археологик материаллар комплекси қўлга киритилди (зарварақдаги 6, 7- расмларга қаранг).

Кейинги йилларда комплекс асосда олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар Қовунчи маданиятининг тарқалиш географияси Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларининг нафақат Тошкент воҳаси, балки Жанубий Қозоғистон ҳудудларига ҳам кенг кўламда ёйилганлиги<sup>6</sup>дан далолат беради. Чордара археологик экспе-

<sup>1</sup> Филанович М.И. Шаштепа – древнейшее поселение оседлых земледельцев на территории Ташкента. Кн. «У истоков древней культуры Ташкента». Т.: 1982. С. 96.


<sup>2</sup> Филанович М.И. Там же. С. 117

<sup>3</sup> Филанович М.И. Там же. С. 119.

<sup>4</sup> Филанович М.И. Там же. С. 120

<sup>5</sup> Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе. ИМКУ, № X, Т.: 1973. С. 38–51.

<sup>6</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва. 1971. С. 90–193.



21-расм. Қовунчи маданияти археологик мажмуаси.

дициясининг (1959–1963 йиллар) Октоба I ва Октоба II, Шовшукумтоба шаҳар харобалари ва Жамантўғай, Октоба, Шовшукумтоба, Тўрабой Тумшиқ каби қадимги қабристонларида олиб борилган археологик изланишлар бунга мисол бўла олади. Бу ёдгорликлар Қовунчи маданиятига тегишли бўлиб, айниқса, уларнинг мазор-кўрғонларидан топилган материаллар қанғарларнинг урф-одатлари ва мафкуравий қарашларини Тошкент воҳаси аҳолиси билан бир эканлиги билан характерланади<sup>1</sup>. Ўрта ва юқори Арис ҳавзасига жойлашган бу ёдгорликлар Қовунчи маданияти аҳолисининг хўжалик ва этномаданий ҳаёти, унинг ривожланиш йўлини аниқлашда катта аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Л.М. Левина Ўтрор воҳаси ёдгорликларининг даврий санасини аниқлашда бир томондан, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси ёдгорликлари (Жети-Асар маданияти) га, иккинчи томондан, Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти ёдгорликларига мурожаат қилади. Ўтрор-Қоратов маданияти жамоаларининг ривожланиш йўлини аниқлаб, уларни уч хронологик босқичга бўлади. У ўрта Арис ҳавзаси ёдгорликларининг даврий санасини белгилашда Октоба II, Мингўрик, Чоштепа, Алимбойтепа ва Қўғайиттепа керамикасига асосланади. Унинг даврий санасида Қовунчи I мил. ав. I–милодий III аср билан, Қовунчи II милодий III асрнинг охири – V аср билан, Қовунчи III милодий VI–VIII аср бошлари билан белгилади<sup>3</sup>.

Л.М. Левина Жанубий Қозоғистоннинг Қовунчи тишидаги ёдгорликларини Ўтрор-Қоратов маданияти деб атаб, унинг этномаданий ва хўжалик асосини белгилашда Олтинтов, Тарсатоба, Тиктурмастоба, Октоба ёдгорликлари материалларига асосланган. Л.М. Левина материаллар комплекси таҳлилидан келиб чиқиб, Сирдарё ўрта ва қуйи ҳавзалари аҳолиси мил. ав. III милодий VIII аср давомида ўзининг асосий этник таркибини ўзгартирмай ўтроклашиш ва ривожланишда давом этган, деган хулосага келади. Бироқ, Л.М. Левинанинг Қовунчи маданиятининг даврий санаси ҳақидаги мулоҳазалари Ю.Ф. Буряков таклиф этган Қовунчи маданиятининг даврий санасидан қисман фарқ қилади.

Ю.Ф. Буряков Тошкент воҳаси ёдгорликлари материаллари таҳлилига асосланиб, унинг даврий санаси ва хронологик босқичларига (Қовунчи I, II, III) аниқликлар киритади. Ю.Ф. Буряков шкаласига кўра, Қовунчи I милоддан аввалги II асрдан то милодий II асргача, Қовунчи II милодий II – IV асрнинг биринчи ярми, Қовунчи III милодий IV асрнинг иккинчи ярми – VI асрнинг бошларига тўғри келади<sup>4</sup>. Биз Тошкент воҳаси учун Ю.Ф. Буряков таклиф этган Қовунчи маданиятининг даврий саналарини асосли деб ҳисоблаймиз.

Бу маданиятга характерли барча жиҳатлар шу давр керамикасида ўзининг ёрқин ифодасини топган (зарварақдаги 6, 7-расмларга қаранг). Ана шу кера-

<sup>1</sup> Максимова А.Г., Мерциев М.С., Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Древности Чардары. Алмага. 1968. С. 8.

<sup>2</sup> Подушкин Н.П. Ранние оседлое поселение долины Арыса (I–VIII вв.) Автореф. Канд. дисс. Алма-Ата, 1970. Его же. По следам древней культуры Казахстана. Алма-Ата, 1970. С. 73–107.

<sup>3</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи. Москва, 1971.

<sup>4</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 65–80.



мика комплекслари таҳлилига асосланган Л.М.Левина Қовунчи маданияти материалларини илмий тизимга солиб чиққан<sup>1</sup>. Унинг ўзига хос белгиларини Б.А.Литвинский ишлаб чиқди<sup>2</sup>, археологик даврий санаси ва аҳолиси этник таркибини С.С.Сорокин<sup>3</sup>, А.И.Тереножкин<sup>4</sup>, С.П.Толстов<sup>5</sup>, Т.Н.Книпович<sup>6</sup>, К.Ш.Шониёзов<sup>7</sup> Ю.Ф.Буряков<sup>8</sup> ва М.И.Филановичлар<sup>9</sup> ишлаб чиқдилар.

Г.В. Григорьев ўз даврида Қовунчи маданиятини икки хронологик босқичга бўлган бўлса, Б.А. Литвинский<sup>10</sup>, Т.Г. Оболдуева<sup>11</sup> ва А.И. Тереножкинлар<sup>12</sup> унинг таркибидан Жун маданиятини келтириб чиқарадилар. Л.М. Левина эса Жун маданияти ёдгорликларига Қовунчи маданиятининг бир варианты сифатида қаради ва ўз нуктаи назарини илмий исботлади<sup>13</sup>. Шунингдек, Жун ёдгорликларига Қовунчи маданиятининг учинчи босқичи (Қовунчи III) сифатида қарашни илмий асослади<sup>14</sup>.

Ҳозирги кунда Тошкент воҳасининг ўзида Қовунчи маданиятига тегишли 100 дан ортиқ ёдгорликлар маълум. Улар орасида айниқса, Қовунчитепа, Чордара, Канка, Банокат, Кавардон, Кулоқчинтепа, Ниёзбошиттепа, Чўнгтепа, Аҳмадтепа, Қулога, Киндиктепа, Тўрткўлттепа, Оқататтепа каби қадимги шаҳар ва шаҳармонанд аҳоли пунктлари ҳамда Пискент мингтепаси, Кавардон, Олмалик, Апартак, Хонобод, Қизилолма, Тайпан, Дўланабулок каби 40 дан ортиқ мозор-кўрғонлардан ноёб археологик комплекслар олинган бўлиб, улар Қовунчи маданиятини мукамал ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу объектлар материаллари асосида Ю.Ф.Буряков ўз издошлари билан биргаликда Тошкент воҳаси комплекс-

<sup>1</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 90–193.

<sup>2</sup> Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн. Душанбе, 1968.

<sup>3</sup> Сорокин С.С. Некоторые вопросы происхождения керамики катакомбных могил Ферганы. СА, вып. XX, Москва, 1954. С. 134.

<sup>4</sup> Тереножкин А.И. Рец. на работу Г.В. Григорьева на Каунчитепе. Уз ФАН СССР, вып. VIII, 1940. С. 81, 84. Его же. Согд и Чач КСИИМК, вып. XXXIII, Москва, 1950.

<sup>5</sup> Толстов С.П. К вопросу о датировке культуры Каунчитепе. ВДИ № I, Москва, 1946. С. 175–176.

<sup>6</sup> Т.Н. Книпович. Некоторые вопросы датировки среднеазиатской керамики домусульманского периода. КСИИМК, вып. XXVIII, Москва–Ленинград, 1948.

<sup>7</sup> Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғилар. – Т.: «ФАН», 1990; Ўша муаллиф. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001.

<sup>8</sup> Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе. ИМКУ, вып. X. С. 38–51; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: «ФАН», 1982. С. 70–80.

<sup>9</sup> Филанович М.И. Шаптепа – древнейшее поселение оседлых земледельцев на территории Ташкента. Кн. «У истоков древней культуры Ташкента». Т.: 1982. С. 91–124.

<sup>10</sup> Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы. СА № II. 1967. С. 29–37.

<sup>11</sup> Оболдуева Т.Г. Курганы каунчинской и джунской культуры. КСИИМК, вып. XXIII. Москва–Ленинград, 1948.

<sup>12</sup> Тереножкин А.И. Согд и Чач. С. 159–160.

<sup>13</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 90–193. 181–182.

<sup>14</sup> Левина Л.М. Там же. С. 184–186.

ларини чуқур илмий таҳлиллардан ўтказиб, уларни илмий тизимга солди. Ана шу материаллар асосида Тошкент воҳасида урбанистик жараёнлар қандай кечганлигини хронологик кетма-кетликда асосли ёритиб берди (22-расм). Шунингдек, воҳада қадимги шаҳар маданиятининг тарихий илдиэлари, уларнинг ривожланишига таъсир этган ички ва ташқи омиллар очиб берилди<sup>1</sup>.

Л.М. Левина ҳуш қабилалар иттифоқининг парчаланиши мупосабати билан Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида милодий эранинг бошларидан этник жиҳатдан бир-бирларига яқин учта йирик тарихий-маданий хўжалик марказлари ва уларга хос археологик маданиятлар шаклланганлигини эътироф этади<sup>2</sup>. Булар Жетиасар, Ўтрор-Қоратов ва Қовунчи маданиятлари бўлиб, айниқса уларнинг сўнгги иккитаси ҳар жиҳатдан бир-бирларига жуда яқиндир. Қовунчи маданиятининг биринчи босқичида ўрта Сирдарё ҳавзаси қабилаларининг (Қовунчи ва Ўтрор-Қоратов) қуйи Сирдарё (Жетиасар) қабилаларига маданий-хўжалик таъсири кўзга ташланади. Қовунчи маданиятининг Қовунчи II босқичида унинг акси юз беради, яъни Тошкент воҳасида Жетиасар элементларининг фаоллашганлигини кузатиш мумкин<sup>3</sup>.

Қовунчи маданиятининг учинчи босқичида (Қовунчи III) бу археологик маданиятларнинг биринчидан, ўз ҳудудлари доирасида этномаданий локализацияси кузатилса<sup>4</sup>, иккинчидан, Ўтрор ва Тошкент воҳаси маданиятлари орасида этномаданий генетик бирлик кучли эканлиги кўзга ташланади. Дарҳақиқат, илк ўрта асрлардан эътиборан, Ўтрор Чоч маликлиги таркибида, унинг шимолий чегара ҳудуди ҳисобланган. Сирдарё ўрта ҳавзасининг шимолий ҳудудлари Туркистондан то Янгикентгача Қовунчи ва Жетиасар маданиятларининг контакт зонаси ролини ўйнаган. Бу ҳақда Маслаҳаттепа, Шўрюктепа, Суяктепа, Туркистон Оқтепаси, Содиқат ва Ўрдакеттепа материаллари гувоҳлик беради<sup>5</sup>.

Таъкидлаш жоизки, қадимги Тошкент воҳасида туркий этник қатлам айнан Қовунчи маданиятидан бошлаб жонлапа бошлайди, унинг акс садоси сифатида туркий этноснинг сезиларли излари Қовунчи маданияти ёдгорликларида яққол кўзга ташланади. Бунинг боиси, биринчидан, аҳолиси икки тил соҳиблари бўлган Кангкия давлатининг маркази, ядроси Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси бўлса, иккинчидан, бу минтақа қадимдан суғдий ва туркий тилли қабилаларнинг мунтазам алоқа ҳудуди бўлиб келган; учинчидан, юнон муаллифлари эътироф этганларидек, Сирдарёнинг қуйи ҳавзалари икки тил соҳибларининг чегара райони эди. Буларнинг барчаси Кангкия давлати таркиб топгач, ўз мевасини бера бош-


<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 65–121; Филанович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Т.: 1983. С. 36–152. Ее же. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Т.: 2010. С. 41–128.

<sup>2</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 241–242.

<sup>3</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 72.

<sup>4</sup> Буряков Ю.Ф. Ўша асар. 80-бет.

<sup>5</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 198–212.



22-расм. Илк ўрта асрлар даври керамика мажмуаси (Чоч, Илок).

лади, яъни туркий этноснинг тобора ортиб боришига олиб келди. Янги этник гуруҳларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши нағижасида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаси ҳудудларида туркий тилнинг жонли халқ тилига айланиб бориши кузатилади. Элшунос К.Шониёзов таъбири билан айтганда, Кангкия давлати доирасида сугдий ва туркий тилли этник бирликлар асосида янги этнос-қанғар элати таркиб топади.

Антик даври этногенетик жараёнларининг таҳлилига кўра, давр охирларига келганда қанғар элатига хос 4–5 этник омиллар шаклланади яъни, биринчидан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, Кангкия давлатининг марказий ҳудудларида этнохудудий бирлик таркиб топади; иккинчидан, ана шу этнохудудий бирлик доирасида бир хил ривожланиш даражасидаги иқтисодий хўжалик бирлиги вужудга келади; учинчидан, таркиб топган худудий бирлик доирасида деярли бир хил ривожланишдаги этномаданий бирлик майдони қарор топади; тўртинчидан, ўзбек халқига хос антропологик тип – «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланади; ва ниҳоят, бешинчидан, янги этнос-қанғар элати атрофида жипслашган Кангкия давлат конфедерацияси, яъни сиёсий давлат уюшмаси таркиб топади. Демак, ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичида ўзбек элатига хос қатор омиллар таркиб топади.

Милодий эранинг бошларидан Қовунчи маданиятининг таъсири бир томондан, Сугд ерларига, иккинчи томондан, Шимолий Фарғонага кириб боради (23-расм). Хоразм воҳаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки, Сирдарё бўйларидан Амударё дельтасига туркий этносни кириб бориши антик давр Хоразм тангаларида, кулолчилик маҳсулотларида яққол кўзга ташланади. Қовунчи маданиятига хос анъаналар таъсирида милодий IV–V асрларда Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий даштларида туркий тилли қабилаларнинг «Қизилқир маданияти» шаклланади<sup>1</sup>. Қизилқир маданиятининг шаклланиши хионийларни Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Дарҳақиқат, милодий IV асрнинг охири ва V аср бошларидан минтақа моддий ва маданий дунёсида Қовунчи маданиятининг кучли таъсири кўзга ташланади. Кулолчилик маҳсулотлари анча сифатсиз, анъанавий нафис, хушбичим, хилма-хил бозоргир товар сополлар ўрнини дағал ва қўпол, сирти сайқалланмаган сопол идишлар эгаллайди. Сиртида кизгиш-қорамтир оқизма ранг тарамлари билан копланган сопол идишлар, улар дасталарида, кулоқларида, қозон туширғичларида ҳайвонлар рамзи акс эттирилади. Қовунчи ва Қизилқир маданиятлари ёдгорликлари комплексларида қўй култи, айникса, қўчқор сиймоси кенг кўламда тасвирланган. Сополларда, тош туморларда туркий илохий оламга хос чизги-белгилар учрайди. Керамика маҳсулотларига хос бу белгилар илк ўрта асрларга келганда бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалади.

С.П. Толстов илк ўрта асрлар даврининг дастлабки босқичида моддий маданиятда юз берган бу ўзгаришларни қулдорлик жамиятининг инкирози билан

<sup>1</sup> Уроков Б. Культура Бухарского оазиса второй половины I тыс. до н.э. и первой половины I тыс. н.э. Автореф. Канд. дисс. Москва, 1982. С. 14–19.



23-расм. Илк ўрта асрлар даври керамика мажмуаси (Паргана).

боғлайди. Шунингдек, Маркварт ва С.П. Толстовнинг аниқлашича, ҳокон Муқан билан канизакдан туғилган турк шахзодаси Або валиаҳдлик ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, милодий VI асрнинг 80-йилларида Ғарбий Суғдда қўзғолон кўтаради ва кўпчилиги камбағаллашган аҳолидан иборат турклар билан Бухоро томон йўл оладилар. Йўл-йўлакай деҳқончилик қилувчи аҳолининг мулксиз қисми билан бирлашиб, маҳаллий аристократияни мамлакатдан ҳайдаб юборади ва Пойкент шаҳрини қўлга олиб, ўз давлатини таъсис этадилар<sup>1</sup>. Шу воқеа муносабати билан А.Ю. Якубовский ёзма манбаларга асосланиб муҳим бир фикрни ўртага ташлайди, яъни Пойкентда ўрнатилган Або зулми муносабати билан Бухоро ҳудудларига бир талай туркларнинг кириб келиши юз берди<sup>2</sup>, дейди. С.П. Толстов эса Або қўзғолонини Ўрта Осиёда қулдорлик тузумининг инқирозидан далолат берувчи «Бухоро воҳаси йўқсилларининг маҳаллий аристократияга қарши демократик ҳаракати» деб баҳолайди. Дарҳақиқат, бир қарапда, милодий IV–V асрларга келиб антик даврининг йирик шаҳар майдонлари торайиб кетади, қалъа-қўрғонлар, қасрлар типидagi майда шаҳарлар пайдо бўлади. Йирик шаҳарлардаги анъанавий жўшқин ҳаёт сусаяди.

Аслида шундайми? Аммо, бу ўзгаришлар билан боғлиқ тарихий жараён чуқурроқ ва ҳар томонлама таҳлил қилинса, бизнинг назаримизда, бу ўзгаришлар қулдорлик тузумининг инқирози эмас (чунки, Ўрта Осиёга хос анъанавий жамоа мулкчилиги қулдорлик жамияти даражасига олиб келмаган), балки бу заминда туркий кабилалар этник қатламининг янада қалинлашиши билан боғлиқ қизгин этногенетик жараёнлардан далолат берар эди.

Шундай қилиб, Қовунчи маданияти археологик комплекслари ўзбек этногенези учун ниҳоятда ноёб манбаларки, улар нафақат Тошкент воҳаси, балки, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ва унинг теварак-атрофларида юз берган этномаданий ва этногенетик жараёнларда, шунингдек, ўзбек халқи этногенетик тарихида бебаҳо бирламчи моддий маданият манбаларидир.

#### **IX. 4. Сирдарё ҳавзаларини ўзлаштирилиши ва Қовунчи маданиятининг тарихий илдизлари**

Маълумки, Ўрта Осиёнинг табиий-географик ҳолати хилма-хил ландшафт-ли, тоғли ва тоғолди ҳудудлари, шўр, кумлоқ ва унумдор тупроқли текисликлардан ташкил топган. Иқлими ўзгарувчан, кескин континентал ландшафтларини шаклланиши биринчи галда унинг сув ресурслари билан боғлиқ. Бу масалада Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари – Амударё ва Сирдарё алоҳида аҳамият касб этади.

Сирдарё Ўрта Осиёнинг сув ресурслари жиҳатидан иккинчи, Амударёдан кейинги дарёси ҳисобланади. У Норин ва Қорадарёнинг Фарғона водийсида қўшилишидан таркиб топган, қадимда Орол денгизигача бориб етган.

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. – Т.: 1941. – 6-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 6–7-бетлар.

Унинг юқори оқими доирасидаги ирмоқлари (Норин, Қораларё ва қатор сойлари) Қадимги Фарғона цивилизация марказини таркиб топишида асосий омил бўлган бўлса, унинг ўрта оқимини ирмоқлари (Чирчик, Оҳангарон, Келис, Арис каби дарёлари) қадимги Тошкент воҳасини ҳамда (Арис ва Қаржантов ва Қоратов тоғ тизмаларидан оқиб тушган 30 дан ортиқ сойлар) Ўтрор воҳасини таркиб топишига олиб келган.

Палеогеографик изланишларга кўра, қадим замонларда Сирдарё Оролга етиб бормай, ўзининг қуйи оқимларида жанубий Қизилқум томон бурилиб, Амударёнинг қуйи ўзанларига қўшилиб кетган. Кейинроқ, ўзанларини шимолга йўналтириб, Орол денгизининг жағуби-шарқий томонидан унга келиб қўшилган. Шундан бошлаб, Сирдарё қуйи ҳавзаларининг шарқий ва жануби-шарқий Орол бўйлари аста-секин одамзод томонидан ўзлаштирилиб, Осиё ва Европа даштларини бирлаштирувчи кенг текисликлар минтақаси ҳосил бўлган. Сирдарё эса, ўз навбатида, ўзининг қуйи ҳавзалари минтақаларини ўрта ҳавзалари билан бевосита боғловчилик ролини ўйнаган.

Палеогеограф А.С. Кесьнинг кузатувларига кўра, Сирдарёнинг қуйи ҳавзалари ғарбдан шарққа чўзилган улкан учбурчакни эслагаяди. Унинг учбурчак учигача узунлиги 400 км. гача боради. Дарё ўзани шимолда Қоратов ва жанубда Қизилқум ясситоғ ораларидан тор йўналишда ёриб ўтиб, Турон пасттекислигига кириб боради<sup>1</sup>. Сирдарёнинг Турон пасттекислигига қадимда селдек оқиб борган дайди сувлари тўрт ўзанга бўлиниб, Инкордарё, Қувондарё, Жанидарё ва Эскидарёлик ирмоқларини ҳосил қилган.

Археологик ва палеотопографик тадқиқотларнинг кўрсатишича, улардан Инкордарё ва Жапидарё ҳавзалари мил. авв. III мингйилликдан бошлаб ўзлаштирила бошлайди. Мил. авв. I мишйилликда бу минтақада катта ўзгаришлар юз беради. Жанидарё ўз ўзанини шимол томон йўналтиришда давом этиб, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари учун кенг массивлар таркиб топади.

Маълумки, милоддан аввалги V–IV асрлар давомида, бу минтақага, бир томондан, Амударёнинг қуйи ҳавзаларидан қадимги деҳқон жамоаларининг кириб келиши кузатилса, иккинчи томондан, Шарқдан, Ўрол тоғ тизмаларининг Жануби-шарқий минтақаларидан туркий тилли сарматоид қабилалар кириб келиб, бу этник гуруҳлар иктисодий, хўжалик ва этномаданий синтези (қоришуви) асосида мил. авв. IV–III асрлар давомида Сирдарё қуйи ҳавзаларида Жетиасар маданияти шаклланади<sup>2</sup>. Бу маданият жамоаларининг иктисодий хўжалиги ҳавза деҳқончилиги ва яйлов чорвачилиги асосида таркиб топган бўлиб, унинг аҳолиси кучли мудофаа тизимли шаҳармонанд (Чирикработ, Бобишмулла ва бошқалар) қишлоқларни барпо этадилар ва оламдан ўтган уруғ-аймоқларини анъанавий урф-одағлар асосида (Уйғарак, Жанубий Тегискен ва бошқалар) дафн этганлар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Кесь А.С. Природные факторы, обуславливающие расселение древнего человека в пустыне Средней Азии. КСИЭ, вып. XXX, Москва, 1958. С. 172.

<sup>2</sup> Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962.

<sup>3</sup> Левина Л. М. К истории исследований Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в Восточном Приаралье. «Приаралье в древности и средневековье». Москва, 1998.

Археологлар бу минтақада 660 дан ортиқ турли даврларга тегишли ёдгорликларни очиб, Сирдарёнинг қуйи ҳавзалари бронза давридан бошлаб Ўрта Осиёни Евроосиё минтақалари билан маданий ва этник алоқалар майдонига айланган, деган хулосага келадилар<sup>1</sup>. М.А. Итинанинг ўз устози С.П. Толстов изидан бориб, Сирдарё қуйи ҳавзалари археологик материалларига асосланган ҳолда бундай илмий хулосага келишида катта тарихий ҳақиқат бор эди. Чунки, унинг заминида ўзбек халқи этник тарихининг бошланғич нуқтаси билан боғлиқ далилий маълумотлар қалашиб ётар эди<sup>2</sup>.

Маълумки, Сирдарё ўрта ҳавзаларида таркиб топган Қовунчи маданиятининг этник асоси эроний ва прототуркий этник уруғ жамоаларининг асрлар давомида бир ҳудудий доирада, ўзаро иқтисодий алоқалари ва этномаданий ривожининг ҳосиласидир. Қовунчи маданиятининг эроний (суғдий) этник қатлами автохтон асосга эга бўлса, унинг прототурк этник қатламининг катта гуруҳи мил. авв. II мингйилликнинг ўрталаридан орийларнинг жанубга миграцияси муносабати билан кириб келиб, Ўрта Осиёнинг маҳаллий прототурк этник қатламини қалинлашига олиб келган.

Дарҳақиқат, Авестода номи зикр этилган орийлар ватани – Арьянам Вайчаҳ ҳудудий жиҳатдан жуда кенг Евроосиё даштликларини ташкил этган бўлиб, Ғарбда шимоли-шарқий Қора денгиз соҳилларидан, Шарқда то Байкалгача чўзилган минтақаларни ўз ичига олган. Бу ҳудудий кенглик мил. авв. III мингйилликнинг иккинчи ярмидаёқ чорвадор уруғ жамоаларининг иқтисодий хўжалик манбаига айланган эди.

Археологик материаллар таҳлилига кўра, жануби-шарқий Ўрол орти ўлкалар ва Енисей ҳавзалари мил. авв. II мингйилликнинг биринчи ярмида прототурк тилли кўчманчи чорвадорларнинг марказий ўрдасига айланган. Аммо, собиқ совет даври тарихшунослигида Евроосиё даштларининг бронза даври аҳолиси тарихий лингвистика фаразларига кўра эронзабон ҳисобланиб, бу заминнинг фақат Тоғли Олтой ўлкасигина туркий этнос билан боғланиб келинди.

Таъкидлаш жоизки, шимоли-шарқий Евроосиёдан прототуркий уруғ жамоаларининг ўз қабиладошлари изидан Ўрта Осиё томон кириб келишининг чеки бўлмаган. Айниқса, мил. авв. VII–III асрлар давомида бу миграцион жараёнлар ўзининг юксак чўккисига кўтарилди, оқибат натижада, Сирдарёнинг қуйи ҳавзалари бронза ва архаика даврига келиб, икки тилли (суғдий ва прототуркий) этник гуруҳлар чегара майдонига айланди.

Мил. авв. III–II асрлар давомида Хитой билан хунлар ўртасидаги тинимсиз ҳарбий можаролар туфайли хунларнинг ғарби-жанубий ҳудудлар томон чекиниши реал воқеликка айланиб, палеогеографларнинг кузатувиغا кўра, айнан шу кезларда Сирдарёнинг сув захиралари ҳам кескин камайиб, Сирдарё қуйи

<sup>1</sup> *Итина М.А.* Ранние саки Приаралья. «Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время». Москва. 1992. С. 31–37.

<sup>2</sup> *Асқаров А.* Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: 2007. – 5-бет.



ҳавзаларидан, унинг ўрта ҳавзалари томон прототуркий этник гуруҳларнинг кўчиши оммавий тус олади.

Сирдарё ўрта ҳавзасининг жанубий қисми ҳисобланган Тошкент воҳаси эса, ўзига хос табиий-географик ва экологик имкоиятларига кўра, минтақанинг марказига айланади. Демак, антик даврига келганда прототуркий ва сугдий этник қатламларнинг ўзаро қоришув майдони Сирдарё куйи ҳавзаларидан унинг ўрта ҳавзаларига кўчади. Бу тарихий ва этномаданий жараён, ўз навбатида, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида Қовунчи маданиятини шаклланишига олиб келган.

Қовунчи маданияти илк бор, айнан, Тошкент воҳасида, унинг Чирчик ва Оҳангарон дарёларининг куйи ҳавзаларида шаклланди. Бугунги кунда ундай илмий хулоса чиқаришга асос берувчи юзлаб ёдгорликлар ўрганилган<sup>1</sup>.

Бироқ, тадқиқотчилар дастлаб, Жанубий Қозоғистонда, мил. авв. I – милодий VI асрлар оралигида Арис ва Толос водийлари учун характерли Қапгуй-Қоратов археологик маданияти шаклланишини таъкидлайдилар<sup>2</sup>.

1969 йилдан бошлаб, қозоғистонлик олимлар Ўтрор воҳасининг Арис дарёси ва унинг ирмоқлари ҳавзаларида антик ва илк ўрта асрларга доир кўплаб мазор-кўрғонларда кепг кўламли изланишлар олиб бориб, бу жойда йирик деҳқончилик ва чорвачилик маданияти массиви таркиб топганини ва уни «Ўтрор-Қоратов маданияти» деб аташни маълум қиладилар<sup>3</sup>. 1979 йилда бу материалларнинг археологик классификацияси ва илмий таҳлилига бағишланган К.М. Байпаков ва А.Н. Подушкинларнинг монографияси чоп этилди<sup>4</sup>. Бу асарда ва унчага чоп этилган Л.М. Левинанинг фундаментал монографиясида Ўтрор ва Тошкент воҳаси маданиятлари орасида этномаданий генетик бирлик кучли эканлиги алоҳида қайд этилади<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, Тошкент воҳасида топилган бронза даврига тегишли ёдгорликлар асосан, чорвадор аждодларимизга тегишли бўлиб, уларнинг даврий санаси мил. авв. XII–XI асрлардан нарига бормайди. Улар этник келиб чиқиш жиҳатидан маҳаллий саклар ва Евроосиё даштларининг Андроново ва Сруб маданияти қабиалари билан алоқадордирлар.

Архолог олима Е.Е. Кузьмина Тошкент воҳаси дашт қабиалар маданияти материалларини таҳлил этар экан, уларнинг аксарият кўпчилиги Евроосиёнинг бронза даври чўл минтақаси қабиалари билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъ-

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 9–113. Карты распространения памятников Кауночской культуры: Рис. 1, 3, 4, 13.

<sup>2</sup> Бернитам А.Н. Древний Отрар. Известия АН Каз. ССР. Серия археологическая, вып. III, № 107. Алма-Ата, 1951. С. 81–97; Агеева Е.И., Пацевис Г.И. Из истории оседлых поселений Южного Казахстана. «Тр. ИИАН Каз. ССР» т. V. Алма-Ата, 1958. С. 210–214.

<sup>3</sup> Акишев К.А., Байпаков К.М., Ерзакович И.М. Древний Отрар. Алма-Ата, 1972.

<sup>4</sup> Байпаков К.М., Подушкин А.Н. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. Алма-Ата, 1979.

<sup>5</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 198–212.

кидлайди<sup>1</sup>. Аммо у Сирдарё ўрта ҳавзаларининг автохтон сак қабилалари ҳақида гап очмайди.

Сўнги бронза ва илк темир даврига келганда уларнинг бир қисми Тошкент воҳасининг Чирчиқ ва Оҳангарон водийси ҳавзаларида аста-секин ўтроқлашиб, дехқончилик хўжаликлари билан шуғуллана бошлаганлиги кузатилади. Уларга тегишли ёдгорликлар дастлаб, Оҳангарон дарёсини ўнг ирмоғи – Бурганли сой ҳавзасида тошилгани боис, бу ёдгорликлар Бурғулуқ маданияти номи билан аталди<sup>2</sup>.

Бугунги кунда Бурғулуқ маданияти ёдгорликлари Тошкент воҳасининг тоғ-олди худудининг шимоли-шарқий қисмида 20 дан ортиқ пунктларда, яъни Кавардон қадимги шаҳар харобасининг қуйи қатламларида, Тошкент вилоятининг Заркентсой ҳавзасида, Оҳангарон дарёсининг қуйи ҳавзаси – Пскент шаҳри яқинида, Қовунчитепани қуйи қатламларида топилган<sup>3</sup>. Уларнинг катта гуруҳи Оҳангарон водийсининг ўрта оқими худудида, ҳозирги Туябўғиз сув омбори худудида жойлашган.

Археолог Х. Дуке 1974–1977 йиллар давомида бу худудда кенг кўламли археологик изланишлар олиб бориб, Бурганлисой соҳилларидан 11 та ясси тепаликлар шаклида Бурғулуқ маданияти қишлоқ маконларини топди ва улар худудий доирасидан 50 дан ортиқ ертўлалар очиб, чорвадор протосак уруғ жамоаларининг ўтроқлашиш жараёнлари механизмини очиб берди<sup>4</sup>.

Бурғулуқ маданияти қишлоқ маконлари мудофаа иншоотлари билан мустаҳкамланмаган. Аммо, Туябўғиз қишлоқ маконларидан бирида (Поселение № 1), унинг ғарбий томонида 20 м. узунликда хом ғиштдан тикланган девор қолдиқлари борлиги аниқланди. Бу мудофаа иншоотининг қолдиқлари Бурғулуқ маданий қатлами билан қалашиб ётибди. Деворга параллел, унинг орқа томонида, шимолдан жапубга қараб хандақ излари сақланган. Аммо, тепаликнинг шарқий томони бузилиб, девор излари учрамайди<sup>5</sup>. Шунга ўхшаш мудофаа девор излари кўтарма шаклида Заркент қишлоқ маконида ҳам учрайди<sup>6</sup>.

Туябўғиз қишлоқ маконларини ўрганиш вақтида 50 дан ортиқ ертўлалар очилган. Туябўғиз кулбалари бир хонали ва кичкина майдонларига кўра, битта

<sup>1</sup> Кузьмина Е.Е. Металлические изделия энеолита и бронзового века Средней Азии. «Свод археологических памятников». Вып. В-4-9. Москва, 1966. С. 93-94; Виноградова Н.М., Кузьмина Е.Е. Контакты степных и земледельческих племен Средней Азии в эпоху бронзы. «Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока». Москва, 1986. С. 129.

<sup>2</sup> Тереножкин А.И. Археологические наблюдения на строительстве Ташканала. Госархив ГУ-ОПМК Уз ССР, Т.: 1940. С. 18-19. Его же. Рец. на работу Г.В. Григорьева на Каунчитепе. Уз ФАН СССР, вып. VIII, 1940. С. 81, 84.

<sup>3</sup> Байпаков К.М., Подушкин А.И. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. Алма-Ата, 1979. С. 174.

<sup>4</sup> Дуке Х.И. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т.: 1982. С. 3-93.

<sup>5</sup> Дуке Х.И. Туябугузские поселения.... С. 20.

<sup>6</sup> Буряков Ю.Ф. Культурно-хозяйственные процессы. С. 174.

патриархал жуфт оилага мўлжалланган. Уларнинг пастки пойдевор қисми ерга чўктирилиб, устки сингли девори гуваладан тикланган, ичи ва сирги эса қалин сомон сувоқ қилинган сингил кулбаларни эслатади. Ҳар бир кулбаю вайронада 1–2 тадан доп ўра учради. Дон ўралар кулбалар ташқарисида, шарққа қаратилган кулба эшигининг яқинида жойлашган. Бундай режали кулбалар Чуст маданияти тишидаги барча ёдгорликларга хос бўлиб, уларни нафақат Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида, ҳатто жанубий минтақаларнинг Кучуктепа, Қизилтепа, Тиллатепа, Яздепа каби ёдгорликларида ҳам учратиш мумкин.

Шундай қилиб, қадимги Тошкент воҳасининг сўнги бронза ва илк темир даври Бурғулуқ маданиятининг иктисодий хўжалик асосини микровоҳаларда таркиб топган қадимги деҳқончилик маданияти ташкил этади, уларнинг этник асоси ўтrockлашиб бораётган чорвадор протосаклардан иборат бўлган. Протосаклар Ўрта Осиёнинг туб жойли қадимги аҳолиси бўлиб, улар совет даври илмий адабиётларида тил жиҳатидан қадимги эроний тиллар оиласининг шимоли-шарқий лаҳжаларида сўзлашган суғдийлар эканлиги қайд қилинади. Улар антропологик тип жиҳатидан Ўрта Ер денгизи типининг Закаспий тармоғини ташкил этган.

Совет даври тарихшунослигида нафақат бронза даврининг Андроново маданияти қабилалари, балки юнон манбалари орқали бизгача киммерий, скиф, савромат, сармат номлари остида етиб келган чорвадор қабилалар ҳам қадимги эроний тилли уруғ жамоалари туркумига киритилиб келинди. Аслида улар қадимги Хитой ёзма манбалар таҳлилига кўра, прототурк этник жамоалар бўлган.

Илк темир даврининг сўнги босқичи ва антик даврига келиб, Чоч икки тил этник гуруҳларининг контакт зонасига, ўзаро қоришув, ассимиляция майдонига айланади. Антик давридан Сирдарё қуйи ҳавзаларидан янги прототурк тилли хун этник гуруҳларининг кириб келиши муносабати билан минтақада аҳолининг устуворлик мавқеи прототурк қавмлар фойдасига ўзгарди. Бу ўзгаришларни юз беришида шимолнинг сармат қабилалари ва уларга хос Прохоров маданиятининг таъсири катта бўлди. Бу тарихий жараёнлар мил. авв. III асрдан бошлаб юз берганлиги Тошкент воҳасининг Шоштепа ёдгорлиги мисолида яққол кўзга ташланади.

М.И. Филановичнинг таъкидлашича, Шоштепани Бурғулуқ маданияти соҳиблари ташлаб кетгач, унинг харобаларида чорвадорларга хос ўзга этник гуруҳларнинг қабрлари пайдо бўлади<sup>1</sup>. Қабр комплекслари сарматларнинг Прохоров маданиятига тегишли бўлиб, бу маданиятнинг тарихий илдизлари Қуйи Сирдарёнинг Чирикработ, Жетиасар ва сармат қабилалари маданиятига бориб тақалади. Мил. авв. III асрдан бошлаб уларнинг бир қисми Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларидан унинг юқори оқими томон, Арис ва Тошкент воҳаси ички хулудларигача кириб келадилар.

Шоштепа қабрларининг стратиграфиясига кўра, Шоштепа харобалари Бурғулуқ II босқичидан сўнг, камида 50–60 йил ўзга этник гуруҳларнинг қаб-

<sup>1</sup> Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Т.: 2010. С. 86–88.

ристонни бўлган. Ўзга этник гуруҳлар Чочнинг маҳаллий аҳолиси билан иқтисодий ва этномаданий алоқада Қовунчи маданияти шаклланишида фаол иштирок этганлар. М.И.Филановичнинг таъкидлашича, Шоштепа марказида хоч шаклидаги монументал бинонинг қад кўтариши айнан Қуйи Сирдарё ҳавзаларидан кириб келган сармат ва жетиасар қабилалари меъморчилиги билан боғлиқ бўлиб, бу Қовунчи маданиятини бошланишидан далолат берар эди<sup>1</sup>.

Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида бу даврга оид қабилалар дафн маросимларидаги ҳар хиллик ҳам қадимдан контакт зонаси бўлиб келган бу минтақанинг мураккаб этномаданий ҳаётидан дарак беради. Албатта, бу мураккаб этномаданий манзара прототуркий тилли уруғ-жамоаларнинг миграцияси билан боғлиқ эди. Бу миграцион жараёнларнинг Қуйи Амударё ҳавзаларидаги тафсили Б.И. Вайнберг томонидан кенг ёритилган<sup>2</sup>. Муаллиф ушбу асарида маҳаллий аҳолининг мил. авв. IV–III асрлардаги этногенезида савромат ва сармат қабилаларининг фаол иштироки бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, В.Н. Ягодин ҳам уни қўллаб-қувватлаб чиқади<sup>3</sup>.

Б.И. Вайнберг асарида Қадимги Хоразм воҳаси маданиятининг Сирдарё қуйи ҳавзалари қабилалари маданиятига таъсири ҳам кўрсатилиб, улар орасидаги иқтисодий ва маданий-хўжалик алоқалари минтақа этномаданий ҳаётида туб ўзгаришларга олиб келишига сабаб бўлган. Шу билан бирга, бу туб ўзгаришлар, ўз навбатида, Ўрта Осиёнинг умумий этник харитасида юечжиларга қадар бўлган мураккаб этномаданий ҳолатни характерлайди.

Мил. авв. V–II асрларда аксарият тадқиқотчиларнинг таҳлилий хулосаларига кўра, Жануби-шарқий Ўрол орти худудлари, аввалгидек, чорвадорлар концентрациясининг ўзаги, сарматларнинг Прохоров маданияти маданий-хўжалик комплексининг маркази бўлиб қолаверди. Бу жойда чорвадорларнинг концентрацияси демографик портлашларга олиб келди. Бунинг оқибати ўларок, сарматларнинг бир тўлқини Ғарбга томон – Қуйи Волга, Шимолий Кавказ, Дон, Днепр ва Днестр дарёлари қуйи ҳавзаларига, бошқа бир йирик тўлқини эса, жануби-шарққа – Ўрта Осиё томон қаратилди. Волга-Дон савромат ва сармат дунёсини ўрганган А.С. Скрипкин, сарматларнинг бир гуруҳи Ўрта Осиёда юз берган тарихий воқеаларда катнашганлар<sup>4</sup>, дейди. К.Ф. Смирнов эса Юнон-Бактрия давлатини ағдаришда сарматларнинг қайси бир уруғлари катнашган бўлиши керак<sup>5</sup>, деган фикрни ўртага ташлайди. Б.Я.Стависский Юнон-Бактрия давлатини ағдаришда Марказий Осиёдан чиққан кўчманчилар ҳал қилувчи ролни ўйнадилар<sup>6</sup>, деган хулосага келади. Бу фикр-мулоҳазаларнинг асосида тарихий ҳақиқат ётади.

<sup>1</sup> Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента. С. 98–128.

<sup>2</sup> Вайнберг Б.И. Этнография Турана в древности. Москва, 1999.

<sup>3</sup> Ягодин В.Н. Памятники кочевых племен древности и средневековья. «Древняя и средневековая культура Устюрта». Т.: 1988. С.191.

<sup>4</sup> Скрипкин А.С. Нижнее Поволжье в первые века н.э. Саратов, 1984.

<sup>5</sup> Смирнов К.Ф. Кочевники Северного Прикаспия и Южного Приуралья скифского времени. «Этнография и Археология Средней Азии». Москва, 1979. С. 76.

<sup>6</sup> Стависский Б.Я. Кушанская Бактрия. «Проблемы истории и культуры». Москва, 1977. С. 106–107.

Бу масалада А.М.Мандельштам ҳам ўз нуқтаи назарини очиқ баён этади, яъни жануби-шарқий ҳудудлардан кириб келган кўчманчиларни дахлар билан локализациялаштиради. Дахлар ёзма манбаларга кўра, мил. авв. I мингйиллик ўрталарида йирик чорвадор қабилалар уюшмаси бўлган. Геродот уларни даилар, деб атайди (Геродот, I, 125). Ксеркснинг Перссполь битикларида дахларни Ахоманийларга дан (солиқ, ўлпон) тўлаб турувчи энг йирик қабилалар иттифоқи сифатида тилга олинади<sup>1</sup>. Авестода дахлар савромат ва турлар билан бир қаторда эслаб ўтилади<sup>2</sup>.

Искандар ҳарбий юришларининг тарихчилари дахларни даи номи остида Доро I қўшини таркибида массагет ва Бактрия суворийлари билан биргаликда Гавгамел жанглирида фаол иштироки ҳақида ёзадилар. Арриан даи қабилаларини «Танаис» (Сирдарё) орти даштларида яшашларини қайд қилиб, улар форслар қўшини таркибида бўлиб, Бесс армияси талафотга учрагач, Спитамен, Оксартлар билан биргаликда Суғдиёнага, унинг шаҳри Наутакага чекинганликлари ҳақида хабар беради<sup>3</sup>. Страбон Каспий денгизининг шарқий соҳилларида яшовчи скифларни даилар деб атайди<sup>4</sup>. Улар дастлаб, Танаис (Сирдарё) бўйлаб яшганлар<sup>5</sup>. Мил. авв. III асрдан бошлаб, дах қабила иттифоқини бир қисми турли томонларга тарқаб кетадилар. Дах қабила иттифоқининг парн қабиласи Аршак бошчилигида жанубга кетиб, янги давлат тузадилар. Бу давлат асосини парфлар ташкил этиб, тузилган янги давлат Парфиёна деб аталади.

Парф қабилаларининг, умуман дах қабилалари иттифоқининг тарқалиш географияси ҳақида илмий адабиётларда турли хил фаразлар мавжуд. Масалан, Б.И.Вайнберг дахларни Қадимги Хоразм воҳасидан Шарққа, Қуйи Сирдарё ҳудудларига жойлаштиради ва уларни Чирикрабод маданияти билан боғлайди<sup>6</sup>. Уларни бир қисми шаҳармонанд қишлоқларда яшаб, суғорма дехқончилик ва яйлов чорвачилиги билан шугулланиб, ўз жойида қолиб кетсалар, уларнинг соф чорвадорлари эса жанубга кўчиб, Аршак бошлиқ Парфия давлатини тузган эдилар<sup>7</sup>.

Демак, Ўрол тоғ тизмаларининг жануби-шарқий вилоятларидан мил. авв. IV–III асрлар давомида жануби-ғарбга томон силжиган сарматларнинг бир қисми Сирдарё қуйи ҳавзаларини эгаллаб, бу ернинг Чирикрабод ва Жетиасар маданиятлари қабилалари билан аралашиб, тарих тақозосига кўра, мил. авв. III–II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқими томон – Арис ва Тошкент воҳасига кириб келадилар. Тошкент воҳаси уларнинг концентрация марказига айланади. Бу ўзга

<sup>1</sup> Антидевская надпись Ксеркса из Персополя. Пер. В.И. Абасва. «Хрестоматия по истории древнего мира». Том I, Древний Восток. Москва, 1950. С. 276–277.

<sup>2</sup> Алиев И. История Мидии. Баку, 1960. С.101, примечание 7.

<sup>3</sup> Арриан (III, 28,9–10). Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. I. Душанбе, 1989. С. 117–118.

<sup>4</sup> Страбон, XI, VIII, 2.

<sup>5</sup> Страбон, XI, IX, 2.

<sup>6</sup> Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Чирикратская культура. Москва, 1993.

<sup>7</sup> Пьянков И.В. К вопросу о маршруте похода Кира II на массагетов. ВДИ, № III. 1964. С. 124–

этник гуруҳлар, бир томондан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида прототурк этник қатламни қалинлаштиришга олиб келса, иккинчи томондан, улар маҳаллий аҳоли билан қоришиб, мил. авв. II – I асрлар давомида Қовунчи маданиятини шаклланишида қатнашадилар. Ўзга этник гуруҳларнинг кўчманчи даҳларга алоқадор парф қабилалари мил. авв. III асрда Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларигача кириб бориб, минтақанинг жануби-ғарбида Аршак бошлиқ Парфия давлатиши ташкил этадилар. Бу Даёочжиларгача, Ўрта Осиё этник харитасида, ёзма манбаларда акс этган миграцион жараёнлар бўлиб, Юнон-Бақтрия давлатининг инқироzi маша шу илк этник тўлқинлар билан боғлиқ эди, дейишга асос беради.

Мустақиллик йилларида кучли миллий эҳтиросларга берилиш мустақил Қозоғистонда ҳам бошланди. «Жанубий Қозоғистон ҳудудлари азалдан қозоқларнинг она замини бўлган» деган ақидани асослаш мақсадида мавжуд илмий қарашларга зидли ўларок<sup>1</sup>, А.Н.Подушкиннинг буюртмали, ғайриилмий хулосалар билан суғорилган иши эълон қилинди<sup>2</sup>. Бу асарда мил. авв. I милодий VI асрлар оралигида Ўтрор воҳасининг тарихий топографияси, қадимги меъморчилиги, умуман бу тарихий-маданий вилоятнинг моддий маданияти ёритилиб, козоқ халқининг ўтроқ маданияти, шаҳарсозлик маданияти шу ердан бошланди. Қозоқларнинг аجدодлари нафақат кўчманчи чорвадор, балки ўтроқ цивилизация соҳиблари ҳам бўлган. деган хулосага келади. Аслида Ўтрор водийси аҳолисининг этник келиб чиқиши ўзбек халқининг шаклланиш жараёнлари билан боғлиқ минтақалардан бири бўлиб, шўро даврининг миллий-худудий чегаралаш сиёсати туфайли Қозоғистон Республикаси таркибига кириб қолган.

Бугун асар муаллифининг хулосасига эътироз билдириш фойдасиз. Аммо, у Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари–шимолий Ўтрордан то Тошкент воҳасининг жанубига қадар чўзилган худудий кенгликда жойлашган антик ва илк ўрта асрлар даврининг барча археологик ёдгорликларини бир маданиятга бирлаштириб, уни «Арис маданияти» деб аташши кечириб бўлмайди. Чунки, бу илмий масала. Афсуски, ушбу таклиф муаллифи Тошкент воҳаси ва Арис ҳавзаси ёдгорликларининг меъморчилик маданиятида, сопол идишларнинг баъзи бир шакллари уни ўзига хослигида, ёдгорликларнинг топографик жойлашиш характерида, ўтроқлашиш жараёнининг хронологиясида муайян фарқлар борлигини сезмаган кўринади. Унингча, Арис маданияти Қовунчи маданиятининг шаклланишига асос бўлган эмиш. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига зидли ўларок, А.Н. Подушкиннинг асоссиз илмий фаразига кўра, Кангуй давлатининг марказий ўзаги Арис воҳаси бўлиб, Кангуйнинг пойтахт шаҳри ҳам Арис водийсида жойлашган<sup>3</sup>. Унинг қарашлариши яна бир заиф томони шуңдаки, Сирдарё ўрта ҳавзаларининг йирик урбанистик маркази, минтақа шаҳар маданиятининг энг қадимги шаҳар

<sup>1</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971.

<sup>2</sup> Подушкин А.Н. Арысская культура Южного Казахстана IV в. до н.э. – VI в. н.э. Туркестан. 2000.

<sup>3</sup> Подушкин А.Н. Арысская культура. С. 164.

пунктларига бой Тошкент воҳаси ушбу цивилизация ўчоғининг чеккаси. атрофи бўлган эмиш.

Аммо, миллий эҳтирослар ҳосиласи сифатида туғилган бундай карашларнинг пайдо бўлишига карамай, Тошкент воҳаси Қовунчи маданиятининг асосий ўзаги, дастлаб шаклланган марказий ҳудуддир. Унинг туб жойли аҳолисига айланган қадимги прототурк-суғдий этник қатлам таркибига Сирдарёнинг қўйи ҳавзаларидан антик даврида оммавий равишда кириб келган прототуркий қабилаларнинг янги тўлқини минтақа аҳолиси этник таркибини туркийлар фойдасига янада бойитди. Бу Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларига хос, биринчи навбатда қадимги Тошкент воҳасига хос антик даврда юз берган тарихий ҳақиқатдир.

Ушбу банднинг хулосавий қисми сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Чоч воҳаси қадимдан тигиз этник алоқаларга бой майдон вазифасини бажарган. Ёзма манбалар, нумизматик материаллар ва топонимик маълумотлар шундан дарак берадики, антик ва илк ўрта асрларда воҳа маҳаллий аҳолисининг асосини ўтрок туркийлар ва суғдийлар ташкил этган. Шунингдек, Чоч воҳасига доимий равишда яқин қўшни ҳудудлардан, яъни Марказий Осиё минтақасининг шимол ва шимоли-шарқий қисмларидан кўчманчи қабилалар кириб келиши кузатишга бўлиб, улар орасида туркий қабилаларнинг нуфузи баланд эди. Турк хоқонлиги даврида эса Чочда туркий сулолаларнинг ташкил топиши ва воҳанинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши натижасида, туркий қабилаларнинг бу ерга келиб жойлашиши кучайиб, мавжуд туркий қатламнинг янада ошишига сабаб бўлади. Айнан хоқонлик даврида воҳанинг туркий нуфузи ўсишини кўрсатадиган омиллардан бирини бу ерда туркийча асосли ўшлаб жой номларининг пайдо бўлиши мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, илк ўрта асрларга тааллуқли моддий-маданий ашё ва буюмларда акс этган инсон тасвирларида ҳам туркийларга хос қиёфа етакчилик қила бошлагани яққол кўзга ташланади. Жумладан, VI–VIII асрларда зарб қилинган Чоч тангаларининг аксариятида кўпроқ шарқий туркларга хос қиёфа; бодомсимон ёки қисик кўз, соқолсиз, кенг, юмалоқ юз, жингалак бўлмаган соч шакллариининг акс этганлигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, маданий-мафкуравий ҳаётга алоқадор турли хил буюмларда, ҳайкалча, муҳр ва бошқа ашёларда ўрин олган инсон тасвирларида ҳам юқорида санаб ўтилган аломатлар кўзга ташланади. Жумладан, воҳанинг қадимги аҳоли манзилларидан бўлмиш Қанқа ва Сигиртепа харобасидан топишган отлиқ тасвирли камар тўқаларида бунинг мисолини кўриш мумкин<sup>1</sup> (зарварақдаги 8-расмга қаранг). Гарчи воҳанинг туркий ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган тангаларнинг тили суғдий бўлса-да, Тошкент вилояти ва унга яқин ҳудудлардан топилаётган қадимги турк-рун ёзуви сопол буюмлар туркий тилининг бу ерда ўзига хос мавқега эга бўлганини кўрсатади. Воҳада қадимдан туркий тил мавжуд бўлганлигини тасдиқлайдиган омиллардан бири, юқорида таъкидлаганимиздек, – бу воҳанинг бош номи бўлмиш «Чоч» сўзининг

<sup>1</sup> Богомолов Г.И. Изображения всадников с городища Канка // ИМКУ, № 20, 1986. С. 69–79.

прототуркий асосли эканлигидир<sup>1</sup>. Шунингдек, илк ўрта асрларда воҳанинг қатта бир қисми поми бўлмиш Илоқ (ҳозирги Оҳангарон водийси) ва унинг марказий шаҳри Тунқатнинг ҳам туркий ном сифатида изоҳланиши<sup>2</sup> Чоч воҳасининг муҳим бир қисмини туркий аҳоли ташкил қилганлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда воҳада Жабғукат, Хотунқат, Итлик, Сойлик, Абрлиғ, Арпалиғ, Барскат, Ардлонқат (Арслонқат), Намудлиғ (Йағузлиғ), Некалик (Йақалик), Ажиг (Ачиғ), Жадғал (Чатқал) ва бошқа ўнлаб жой номларининг туркий асосдалиги бу даврда Чочнинг муҳим бир қисми туркий аҳолидан ташкил топганини кўрсатади. Дарҳақиқат, ушбу топонимларнинг қатта бир қисми илк ўрта асрларда пайдо бўлганлиги ўз тасдиғига эга.

### **IX. 5. Қовунчи маданиятининг этник асоси ва унинг таркибида туркий этник компонентларнинг ролини ортиб бориши**

Археологик ва ёзма манбаларнинг таҳлилий хулосаларига кўра, Қовунчи маданиятининг этник илдизи ўта мураккаб этномаданий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, бу ўзбек халқи этногенезининг фундаментал этник асосини ташкил этади. Ана шу фундаментал этник асос нималардан иборат? Археологик ва қадимги ёзма манбалар таҳлиliga кўра, у иккита тарихий этник асосга эга. Унинг биринчиси ушбу заминнинг ўтроқ сўғдий этник асоси бўлса, иккинчиси, чорвадор туркий илдизи бўлган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам автохтон илдизга эга. Шундай экан, энг аввало, уларнинг илк бор қоришув, бошланғич нуктаси қачон ва қандай омиллар асосида характерланади?

Ушбу тадқиқотнинг юқоридаги боб ва параграфларида ўзбек халқи икки этник асосдан, икки тилда (сўғдий ва туркий) сўзлашувчи этник бирликлардан таркиб топгани ҳам айтиб ўтилди. Эндиги вазифа, бу муаммони Қовунчи маданияти ёдгорликлари мисолида акс этишини кузатишдир.

Маълумки, Тошкент воҳасининг туб жойли маҳаллий аҳолиси, ёзма манбаларга кўра, саклар ва уларнинг ўтроқлашган қатлами – Чоч сўғдийлари бўлган (20-расмга қаранг). Чоч сўғдийларининг моддий маданияти Бурғулук маданиятида ўз аксини топган.

Бу давр уй-жой қурилишида монументал характер кўзга ташланмайди. Аксарият аҳоли ертўла ёки ярим ертўла типидagi кулбаларда яшайди. Бурғулук маданиятининг сўнгги босқичида (мил. авв. VI–IV асрларда) уй-жой қурилишида аста-секин гуваладан фойдаланиш бошланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ҳудудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари, 1-қисм. Т. 2005. – Б. 123–124; Бурақов Ю. Ф. К динамике развития городской культуры древнего и средневекового Чача // Материалы научной конференции «Чач – Бинкет – Ташкент (историческое прошлое и современность)». Т., 2007. С. 8–9; Максудов Ф., Бабаяров Г. К этимологии топонима Чач. «Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет». Труды международной научной конференции. Т.: 2009. С. 2003–2005.

<sup>2</sup> Умаров Э. Этюды по древней ономастике // Transoxiana: История и культура. Т., 2004. С. 114



Археологик топилмалар таҳлиliga кўра, мил. авв. XIII–IX асрлар оралигида Чоч худудларига прототурк этник гуруҳларнинг катта гўлқини кириб келади. Бу прототурк этник гуруҳлар янги жойнинг кенг яйловларида ўз чорва молларини боқиб, маҳаллий аҳоли билан иқтисодий алоқада бўлсалар-да, аммо уларни то антик даврга қадар маҳаллий аҳоли билан этник қоришиб кетганлиги ҳақида ҳеч бир ёзма манбаларда маълумотлар учрамайди, археологик материалларда ҳам тегишли аниқ ишоралар кўзга ташланмайди.

Антик даврга келиб, бу миграцион жараёнлар Сирдарё ўрта ҳавзаларини, биринчи навбатда, қадимги Тошкент воҳасини ҳам камраб олади. Бу эса ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичи бошланганлигидан далолат берувчи тарихий ҳақиқат бўлиб, бу босқичда юз берган илк этногенетик жараёнлар айнан Тошкент воҳаси, унинг Қовунчи маданиятининг шаклланиши билан узвий боғлиқ эди.

Бу этник гуруҳларнинг моддий маданияти ерли сак ва суғдларнинг моддий маданиятидан тубдан фарқ қилиб, уларнинг кулолчилик маҳсулотлари кўпол, оғир ва очик гулханларда пиширилган дағал сопол идишлардан иборат эди. Аммо, уларнинг кундалик турмуш тарзи, жанговар ҳарбий салоҳияти юксак бўлиб, уларнинг омилкор, ташаббускор ва талбиркор қатлами жойларда ҳарбий-сиёсий ҳокимиятни кўлга олиб, маҳаллий аҳолининг маданий-хўжалик ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, янги этник маданиятни шаклланишида фаол қатнашадилар, яъни уларнинг туб жойли чоч саклари ва сакларнинг ўтrockлашган қатлами—Чоч суғдийлари билан қоришуви натижасида, янги этнос шакллана бошлади. Унинг излари, юқорида таъкидлаганимиздек, илк бор Қовунчитепада ўрганилгани учун бу янги этнос «Қовунчи маданияти» номи билан аталди.

Бу янги этноснинг моддий маданиятида туркий қавмларга хос жиҳатлар устувор кўринишга эга. Қовунчи маданияти аҳолиси ўзига хос этномаданий шаклланиш омилларига, этнографик ва этнопсихологик хусусиятларга, тил бирлиги ва антропологик юз тузилишига эга. Бу маконга, юқорида таъкидлаганимиздек, милoddан аввалги III–II асрларда Сирдарёнинг қуйи–Жанадарё ва Қувондарё тармоқларида сув захираларининг кескин камайиши туфайли Жетиасар маданияти аҳолисининг катта қисми Сирдарё бўйлаб, унинг ўрта ҳавзалари томон – Арис, Келес, Чирчик ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларига кириб келадилар. Сирдарё ўрта ҳавзаларида шаклланган табиий ландшафтларни ўзлаштиришига қараб, уларни уч зонага, яъни тоғлик зоналар, тоғолди зоналар ва текисликларга бўлиш мумкин.

Минтақанинг тоғлик ва тоғолди зоналари асосан чорвачилик хўжаликлари учун қулай имкониятларга эга бўлса, унинг сув таъминотига бой текислик зоналари суғорма дехқончилик хўжалигига асосланган ўтrock аҳоли маданият марказларига айланган. Шу боис, бу жойларда мудофаа иншоотли шаҳармонанд кишлоқлар ва қадимги шаҳарлар қад кўтарган. Ана шундай суғорма дехқончилик марказлари Тошкент ва Ўтрор воҳалари бўлиб, антик даврида бу масканлар ягона маданий-хўжалик ва бир бутун этник маконни ташкил этган.

Қовунчи маданиятининг шаклланишида прототуркий хун қабилаларининг ўрни бекиёсдир. Хитойшунос олим А. Хўжаевнинг таъкидлашича, қадимги Хи-

той ёзма манбаларида хунлар турли даврларда 32 хил номда (масалан, ху, хули, тиек, куйфан, суюнну ва бошқалар) келтирилган. Баъзан улар бэйди (шимолий прототурк) деб ҳам аталган<sup>1</sup>.

Мил. авв. III аср ўрталарида ташкил топган Хун давлати доимо Хитойнинг Хань империяси билан рақобатда бўлиб келган. Мил. авв. II аср бошларида Хун давлати кучайиб, ғарбидаги 26 та давлатни, шу жумладан, Қанғ давлатини ҳам ўз тобелигига олади, ҳатто улар билан куда-андачилик ришталарини ҳам ўрнатадилар. Шу кезларда хунларнинг Қанғ давлатини ички туманларига тинч-осойишта кириб бориши фаоллашади.

Мил. авв. 73–48 йиллар оралиғида хун ябғулари ўзаро очиқ рақобатлашиб юрган кезларда, Марказий ҳокимият заифлашиб, Хань сулоласи ҳукмдорлари хунлар устига ҳарбий юриш уюштирадилар. Икки давлат ўртасидаги жангларда хитойликларнинг қўли баланд келиб, хунлар Қанғ давлати ҳудудларига чекинишга мажбур бўладилар.

Одатда, чорвадор қабилаларда яйлов талашиб ўзга қабилалар билан бўлган урушларда, мағлуб тарафнинг қўшини ўз уруғ-аймоқлари билан бирга чекинишга мажбур бўладилар. Чунки, кўчманчиларда ўз қабилadoшларини душман қўлига асирга тушиши уруғни парчаланиб, йўқ бўлиб кетиши билан баробар эди. Шу боис, хунларни мил. авв. I асрнинг иккинчи чорағида Қанғ давлати ҳудудларига оммавий равишда кириб келиши табиий бир ҳол эди. Натижада, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси вилоятларида прототурк этник қатлам янада қалинлашди. Чоч ва Ўтрор водийси маҳаллий аҳолисининг турклашиш жараёни жадаллашди. Бу ҳолат нафақат тилда, балки моддий маданиятда ҳам ўз аксини топган. Бу ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий туб ўзгаришлар Қовунчи маданиятини шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Дарҳақиқат, Тошкент воҳаси қадимги аҳолиси этник таркибида юз берган бу ўзгаришлар Марказий Осиё хун қабилалари иттифоқининг сиёсий инкирози туфайли бир неча прототуркий этник гуруҳларнинг жанубга миграцияси билан боғлиқ эди.

Демак, Қовунчи маданиятининг этник асоси маҳаллий эроний тилли сугдийлар ҳамда саклар ва минтақанинг шимоли-шарқий ўлкаларидан кириб келган прототуркий тилли хун қабилаларидан таркиб топган бўлиб, антик даврида уларнинг мутаносиблиги (пропорцияси) деярли бир хил эди. Уларнинг тарихий илдизларига келганда, Чоч сугдийлари туб жойли сакларнинг ўтроқлашган қатламини ташкил этса, антик даврида бу заминга кириб келган прототуркий тилли хунлар ва уларнинг ажлодлари – орийлар бронза ҳамда унғача ҳам бу ўлкада яшаб келар эдилар.

Л.М. Левина хун қабилалар иттифоқининг парчаланиши муносабати билан Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида этник жиҳатдан бир-бирларига яқин учта йирик тарихий-маданий хўжалик марказлари ва уларга хос археологик маданиятлар шаклланишини эътироф этади<sup>2</sup>. Булар Жетнасар, Ўтрор-Қоратов ва

<sup>1</sup> Хўжаев А. Хунлар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. № XI. – Т.: 2005. – 394-бет.

<sup>2</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва. 1971. С. 241–242.

Қовунчи маданиятлари бўлиб, айниқса уларнинг сўнгги иккитаси ҳар жihatдан бир-бирларига жуда яқиндир, дейди. Қовунчи маданиятининг биринчи босқичида ўрта Сирдарё ҳавзаси қабилаларининг (Қовунчи ва Ўтрор-Қоратов) куйи Сирдарё (Жетиасар) қабилаларига маданий хўжалик таъсири кўзга ташланади. Қовунчи маданиятининг Қовунчи II босқичида эса унинг акси юз беради, яъни Тошкент воҳасида Жетиасар элементларининг фаоллашганлигини кузатамиз<sup>1</sup>.

Қовунчи маданиятининг учинчи босқичида (Қовунчи III) бу археологик маданиятларнинг биринчидан, ўз худудлари доирасида этномаданий локализацияси кузатилса<sup>2</sup>, иккинчидан, Ўтрор ва Тошкент воҳаси маданиятлари орасида этномаданий генетик бирлик кучли эканлиги кўзга ташланади<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, илк ўрта асрлардан эътиборан, Ўтрор, Чоч маликлиги таркибида, унинг шимолий чегара худуди ҳисобланган Сирдарё ўрта ҳавзасининг шимолий худудлари Туркистондан то Янгикентгача Қовунчи ва Жетиасар маданиятларининг контакт зонаси ролини ўйнаган. Бу ҳақда Маслаҳаттепа, Шўрюктепа, Суяктепа, Туркистон Оқтепаси, Содикат ва Ўрдакеттепа материаллари гувоҳлик беради.

Қовунчи маданиятига хос этномаданий мерос, унга қадар бу заминда таркиб топган суғдий тилли маҳаллий аҳоли маданиятдан тубдан фарқ қилади. Масалан, кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кескин ўзгаришлар юз беради. Энди анъанавий, сирти тиниқ қизил ангобли, юпка ва нафис сополлар ўрнини, нисбатан қалин деворли дағал ва қўпол, сирти оқизма ранг тарамлари билан қопланган сопол идишлар эгаллайди. Кулолчилик маҳсулоти комплексида дастаси турли хил ҳайвон тумшукли қадаҳлар пайдо бўлади. Сопол қозонларнинг тагкурсисини ҳайвон фигуралари билан расмийлаштириш анъанага айланади.

Қовунчи маданиятининг муҳим характерли хусусиятларидан бири, уруғ-жамоалар култининг кулолчилик маҳсулотларини тайёрлашда рамзий қўлланишидир. Бу ҳолат ошхона рўзғор буюмлари таркибида сопол қозон тагкурсиларини ясашда кенг қўлланилган. Қозон тагкурсиси одам оёқлари ва шохдор қўчқор бошли ўчок шаклида ясалиб, мазкур уруғнинг келиб чиқиши (тогеми) шохдор қўчқор култи билан боғлиқ эканлигига рамзий ишорадир.

Қовунчи маданияти кулолчилигида турли хил ҳайвонларнинг, биринчи навбатда, майда шохли ҳайвон суратларини дастурхон кружкалари, бўғзи тор кўза ва хурмачаларнинг дасталарида акс этишида ҳам рамзий маъно ётади, яъни кружка ва хурмачалар мазкур маданият аҳолиси таркибида туркий этник қатламнинг жамиятда нуфузли мавқеига эга эканлигига ишора қилади. Чунки, кулолчиликда, чилангарликда, айниқса ҳарбий қурол-аслаҳаларни ясашда, уларга чизилган нақшларда ҳайвон суратларини кенг қўлланиши қадим-қадим замонлардан прототуркий этник жамоалар санъатида ҳайвоний услубда санъат асарлари яратиш, айниқса илк темир даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилган. Ҳайвон

<sup>1</sup> Бурыков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 72.

<sup>2</sup> Ўша асар. 80-бет.

<sup>3</sup> Левина Л. М. Керамика пизней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва. 1971. С. 198–212.

культини ишлаб чиқаришнинг кулолчилик ва металлургия хунармандчилигида кенг қўламда қўллаш анъанаси Қовунчи маданиятининг илк боскичларига (Қовунчи I, Қовунчи II) хос бўлиб (зарварақдаги 7-расмга қаранг), кейинги боскичларда кўчқор култи кулолчиликда деярли учрамайди. Чунки, антик даврнинг сўнгги боскичлари ва илк ўрта асрларга келганда, Қовунчи маданияти аҳолисининг таркибидаги унинг илк боскичларига хос хўжалик характери тубдан ўзгариб, икки тил ва икки хил хўжалик соҳибларининг ўзаро қоришуви асосида таркиб тошган қанғар элати вужудга келади. Унга хос ягона худудий, иқтисодий хўжалик, этномаданий, ҳатто антропологик тип шакллашади.

Аслида, Қовунчи маданиятига хос белгилар Бургулуқ маданиятининг сўнгги боскичи археологик комплексларида намоён бўла бошлайди. Масалан, Қовунчитепа, Қулоқчинтепа, Шоштепадаги Бургулуқ комплекслари керамикаси стандартлашади, уларни вариантларга ажратиш имконияти туғилади, сопол идишларга гул солиш кескин қисқаради, ясси тубли мискалар, товалар пайдо бўлади, яримсферик косалар жўмраги трубадимон шакли олади, идишлар сиртига берилган анғоб оч қизиллашиб, улар юзасида оқизма ранг тарамлари пайдо бўлади<sup>1</sup>. Буларнинг барчаси Қовунчи маданиятига хос жиҳатлар бўлиб, улар Бургулуқ маданиятининг яқунловчи боскичи бағрида ниш ура бошлаган эди.

Бугунги кунда Тошкент воҳасида Қовунчи маданиятига тегишли 100 дан ортик ёдгорликлар ўрганилган. Улар Ю.Ф. Буряковнинг «Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг ривожланиш боскичлари ва генезиси» номли монографиясида ўзининг археологик тавсифини, тизимли анализини, хронологик кетмакетликда даврий классификацияси ва чуқур илмий таҳлилини тошган<sup>2</sup>. Қовунчи маданиятини очган Г.В. Григорьевдан кейинги тадқиқотларда янги объектлар асосида унинг хронологик даврий санасига аниқликлар киритилди ва моддий маданият материаллари чуқурроқ таҳлил этилди<sup>3</sup>. Ниҳоят, Қовунчи маданияти тарки-

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе. ИМКУ. вып. № X. Ташкент, 1973. С. 48–49.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 3–189.

<sup>3</sup> Агзамходжаев Т. Погребальные сооружения Чирчику-Ангренской долины I–VIII. Автореф. Канд. Диссертации. Т.: 1966; Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г. Памятники античного времени в Ташкентском оазисе. ИМКУ, вып. X, Т.: 1973; Воронец М.Э. Отчет археологической экспедиции Музея истории АН УзССР о раскопках погребальных курганов первых веков возле ст. Вревской в 1947 г. В. сб. Труды истории народов Узбекистана вып. № I, Т.: 1951; Григорьев Г.В. Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. Т.: 1935; Григорьев Г.В. Каунчитепа (раскопки 1935 г.) Т.: 1940; Григорьев Г.В. Келесская степь в археологическом отношении. «Изв. АН Каз. ССР». Серия археологическая. Алма-Ата, 1948, № 1; Крашениникова Н.И. Археологические наблюдения на Чантепе. В. сб. Труды ТашГУ «Археология Средней Азии», вып. V, Т.: 1960; Крашениникова Н.И. К вопросу об изучении древних могильников Ташкентского оазиса. В. сб. ТашГУ. «Археология Средней Азии», вып. № VII, Т.: 1966; Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы. СА, № II, 1967; Максимова А.Г., Мерциев М.С., Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Древности Чардары Алма-Ата, 1968; Терепожкин А.И. Согд и Чач. КСИИМУ. вып. XXXIII, Москва, 1950.

бида Қовунчи III босқичи реал тарихий ҳақиқат эканлиги тўғрисида изланишлар олиб борилди<sup>1</sup>. Аммо, унинг этник асослари, генезиси ва таркиб топган марказий ядроси ҳақидаги масалаларда илмий баҳслар давом этмоқда.

Археологик комплекслар таҳлилига кўра, Қовунчи маданиятининг Қовунчи I босқичида миграция йўналиши Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидан шимол ва шимоли-шарққа томон қаратилган бўлиб, унинг оқибати ўлароқ, Жетиасар маданиятида ўрта Сирдарё маданиятларининг элементлари кузатилади. Қовунчи II даврида эса уни акси юз беради, яъни Жетиасар маданиятининг таъсири яққол кўзга ташланади. Қовунчи маданиятининг учинчи босқичида, унинг таъсир доираси дастлабки этномаданий майдон доирасидан чиқиб, маҳаллий маданиятлар локализацияси юз беради, яъни Тошкент воҳасида Жун маданияти<sup>2</sup>, Арис водийсида Ўтрор-Қоратов<sup>3</sup>, шимоли-ғарбий Бухоро воҳасида Қизил-қир<sup>4</sup> маданиятлари шаклланади. Аммо, улар этник жиҳатидан Қовунчи маданияти билан алоқадор бўлиб, Қовунчи этномаданий жамият асосини ташкил этади.

Қовунчи маданияти учун ривожланган муҳофаа иншоотлар қуриш, монументал турар-жойлар, шоҳона сарой ва қасрлар, маҳобатли ижтимоий ва диний бинолар барпо этиш характерлидир. Айнан шу даврда Бактрия ва Марғиёнада, Суғд ва Хоразмда монументал бинолар қуришда антик даврининг стандарт квадрат гиштлари ишлатилган бўлса, Қовунчи маданияти иншоотларини тиклашда тўғри тўртбурчакли хом гиштлар ва пахсадан кенг фойдаланилган. Қовунчи I даври меъморчилигида ҳар хил конструкцияли арка тизими, яъни бино томларини гумбаз ва равоқлар ёрдамида ёпиш анъанага айланади.

Қовунчи I даври қабристонлари асосан тупрок қўрғонлар ва устига тош уюлган катакомба қабрлардан иборат бўлиб, уларнинг қабр камералари ҳам гумбазли, кенг ва ер сатҳидан анча чуқурликда жойлашган. Ҳар бир катакомба лаҳадида 2–3 ва ундан ортиқ чалқанчасига ётқизилган скелетлар учрайди. Скелетлар бош ва оёқ томонида сопол идишлар, эркакларнинг қўл яқини ва бел қисмида темирдан ишланган меҳнат ва ҳарбий қуроллар, орқа томонида эса уч парракли ва бигизсимон қуйма асосли темир пайконлар учрайди. Аёл скелетларининг оёқ-қўл суяклариди, кўкрак қафаси бўшлиғида, бош чаноғида турли хил тош ва металл тақинчоқлар учрайди.

Тош уюмли мозорлар орасида Қовунчи материали билан ёрма ва подбой қабрлар ҳам учрайди. Аммо уларнинг қабр инвентарлари катакомба қабрларига нисбатан жуда камбағал, улардан топилган сопол идишлар дағал, мўрт ва кўпол бўлиб, улар асосан чархсиз қўлда ясалган кружкалар ва туваклардан иборат. Бундай қабрлар асосан тоғли ҳудудларда, чорвачилик хўжалигини юритиш учун

<sup>1</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 184–186.

<sup>2</sup> Оболдуева Т.Г. Курганы каунчинской и джунской культуры. КСИИМК, вып. XXIII, Москва-Ленинград, 1948.

<sup>3</sup> Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971.

<sup>4</sup> Ураков Б. Культура Бухарского оазиса второй половины I тыс. до н.э. и первой половины I н.э. Автореф. канд. дисс. Москва, 1982. С. 14–19.

кулай зоналарда жойлашган. Тупрок кўрғонли катакомба қабрлардан топилган ашёвий далиллар нисбатан бой ва хилма-хил сопол идишларга тўла. Уларда албатта Қовунчи I даврига хос дастаси ҳайвон фигурали кружкалар кўплаб учрайди. Бундай мазорларда металл буюмлар ва тақинчоқлар ҳам кўплаб топилган. Тошкент воҳасида архаика даврининг Бурғулуқ маданияти антик даврига келиб, Қовунчи маданияти билан алмашади.

Қовунчи археологик комплексининг оммавий материали сополлар бўлиб, улар Қовунчи маданиятини хронологик босқичларга ажратишда катта аҳамият касб этади. Масалан, Қовунчи I керамикаси, Бурғулуқ сополларига зидди ўлароқ, асосан ясси тубли, чархсиз, қўлда ясалган сопол идишлардан иборат. Унинг турли хил идишларини сиртига тиниқ ангоб берилиб, устидан жигарранг ёки қорамтир-жигарранг ранг тарамлари оқизилган. Сопол идишлар сиртини бундай оқизма ранг тарамлари услубида бўяш Бурғулуқ керамикаси нақшсозлигида учрамайди. Демак, Қовунчи маданиятининг аксарият кўпчилик сопол идишлари, айниқса хум ва тухумсимон хумчалар, дастаси ҳайвон фигурали кружка ва хурмачалар Бурғулуқ керамикаси билан генетик жиҳатдан боғланмаган. Қовунчи маданиятининг хум ва хумчалари бўғзи остида учбурчак, илон изи, схематик ҳайвонсифат расмлар ва хоч шаклидаги тамғалар учрайди. Хум ва хумчаларнинг елкаси нишаб, ташқарига қайрилган гардиши юмалоқ ёки учбурчаксимон шаклда яқун топган. Елка ва бўғзини бирлаштирувчи дастаси баъзида ҳайвон шаклида ишланган. Унинг қарама-қарши томонида трубадимон жўмраги жойлашган. Қовунчи маданияти хурмачалари ва кружалари жўмраксиз, аммо дасталари ҳайвон шаклида ишланган. Сопол идишлар таркибида катта ва кичик ҳажмдаги мискалар, флягалар, товалар, чироқдонлар, кўчқор бошли сопол қозон тагкурсилари, қозон ва идиш қопқоқлари учрайди.

Қовунчи I даври сополлари юпка деворли, ҳажми кичикроқ, асосан кулол-созликнинг секин айланувчи чархда ишланган. Бу давр керамикаси—хум ва хумчалар ҳамда хурмачалар сиртида тўқ жигарранг оқизма ранг тарамларини пайдо бўлиши билан характерланади. Хумча ва хурмачаларнинг аксарияти кўшқулокли. кружкалар дастаси ҳайвон фигураси кўринишида ишланган. Кўза ва хурмачалар орасида қатор нов шаклли чизгилар билан безатилган Жетиасар маданиятига хос идишлар, ҳайвон дастали, жўмракли кўзалар учрайди. Қовунчи I керамика комплекси учун кўчқор бошли тагкурсилар, сопол қопқоқлар, това ва флягалар ҳам характерлидир. Буларнинг барчаси Қовунчи I босқичи йил санасини мил. авв. II — милодий II аср бошлари билан белгилашни тақозо этади.

Қовунчи II керамика комплексида Жетиасар II керамикаси учун характерли идишлар кенг тарқалган. Улар жўмракли, тарнов гардишли хумча ва хурмачалардан иборат бўлиб, уларнинг қулоқлари ҳайвон фигуралари ёки бурама арқон кўринишида ясалган. Идишлар орасида оғзи кенг, бўғзи қатор нов шаклли тарамчалар билан безатилган хурмачалар кўп бўлиб, улар айнан жетиасарликлар таъсири Қовунчи маданиятига кучли бўлганидан гувоҳлик беради. Қовунчи II

даврида Қовунчи I даврига нисбатан сопол қопқоқлар кўшайди, бироқ, улар кўполроқ ишланган.

Қовунчи маданиятига Жетиасар таъсирли идишлар бўғизида фигурали ва тарам-тарам новли жўмрақларни пайдо бўлиши билан характерланади. Бундай хилдаги идишлар милодий IV–V асрларга тегишли<sup>1</sup>. Шундай идишлар Фарғона водийсининг Тошкент воҳаси билан чегарадош худудларида учрайди<sup>2</sup>. Қовунчи кўзаларига хос вергулсимон нақшлар, Қадимги Фарғонанинг Ғайраттепа керамикасида ҳам учрайди<sup>3</sup>. Унинг қора ва тўқ жигарранг ангобли илгаксимон дастали кружкаларини Б.А. Литвинский милодий II–III асрлар учун характерли эканлигини таъкидлайди. Буларни барчаси Қовунчи II даврини милодий II–IV асрлар билан белгилашни тақозо этади.

Қовунчи маданиятининг якунловчи босқичи – Қовунчи III даврида қизилга бўялган, қисман қорайтирилган кулранг пардозли сопол идишлар, жумладан, юмалоқ тубли, илгак кулоқли хурмачалар, диск оёкли, чекма нақшли чироқдонлар ва сопол қопқоқлар терракота ҳайкалчалар пайдо бўлади. Қўшқулоқли, бўғзи остида тарам-тарам новча нақшли Жетиасар хумчаларини яшаш давом этади, кўчқор бошли тагкурсилар ўрнини хўкиз бошли тагкурсилар эгаллайди. Мозор қурилиши амалиётида ер юзасида қад қўтарган сағаналар пайдо бўлади. Айнан шу даврда Тошкент воҳасида мурдаларни останадонларга солиб кўмиш одати бошланади.

Терракотасозликда даҳшатли, ташланувчан ҳолатдаги йиртқич ҳайвонлар ҳайкалларини ишлаш, монументал бинолар интерьерларида эркак ва аёл фигураларини бўртма услубда акс эттириш кенг авж олади.

Масалан, шундай бўртма услубда ишланган фигуралар Канка шаҳар харобасининг шимолий тепалигида топилган<sup>4</sup>. Унинг ўлчами 34x16 см, бошига тож кийган, қанотлари ёйиқ Артемида қиёфасида, кўзлари бодомсимон овал юзли, кулимсираб тик турган аёл тасвирланган. У салгина бургут бурун, Чоч тангаларидаги тасвирга ўхшайди. Кичкина кулоқларида ҳалқа сирга, қисқа ва енгил кийинган, устидан оғир матодан ёпинчик ташлаб олган. Кўйлак этагида чоғиб бораётган эчки тасвирланган. Оёғида қўнжи қайрилган этикча, қўлларида уд типидagi торли чолғу асбоби бор. Бу фигура, эҳтимол, мусиқачиларнинг яхлит бир бутун терракота ҳайкалларининг қисми бўлса, ажаб эмас.

Археологик санъат асарларининг шайдоси Козим Абдуллаев ушбу топилмани милодий I миңгйилликнинг ўрталарига тегишли эканлигини тасдиқлайди<sup>5</sup>. Қанкада овал шаклда яна бир терракота тахтакач топилган. Унинг текис юза то-

<sup>1</sup> Левина Л.М. Керамика и вопросы хронологии памятников джетиасарской культуры. В. сб. Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. Москва, 1966. С. 89.

<sup>2</sup> Чуланов Ю.Г. Некоторые новые памятники Северной Ферганы. СА, № II, 1967. С. 245, 247. рис. 2, 12.

<sup>3</sup> Козенкова В.И. Ғайраттепа. СА № III, 1964. С. 232, рис. 6, 12.

<sup>4</sup> Бураков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 78.

<sup>5</sup> Абдуллаев К. Уникальная находка терракотового фриза. ОНУ, № II, 1974. С. 45-48.

монида терракота қолипда арка рельефи остида қўлларида торли чолғу асбобини тутиб ўтирган аёл фигураси тасвирланган<sup>1</sup>.

Қанкадан топилган яна бир терракота қолипда қўлида камон ушлаган суворий найзали арка рамкасида тасвирланган. Бу сзда мусаввир отлиқ фигурани жангга дадил кириб бораётган ҳаракатда тасвирлаган. Суворий отдан йирикрок, от устига тик ўтказилган, юзи салгина узунчоқ, кўзлари чуқур ва чўкки соколдир. Бошидаги патли диадема уч шохли жиғали тожни эслатади. Салгина букилган ўнг қўлида камон, чап қўлида эса тизгин, орқасида найзаларга тўла ўқдон тасвирланган. Суворий оёқлари олдинга қаратилиб, фигура гўёки орқага ташланган ҳолатда тасвирланган. От кичкина бошли, тасвирда унинг барча оёқлари аниқ кўрсатилган.

Бундай тасвири терракота тахтачалари Сугдиёнада милодий V–VI асрга тегишли ёдгорликларда кенг учрайди<sup>2</sup>. Бу давр археологик комплексларида кўкламзор тасвири ва йирик шохли эчки тасвири туширилган, диаметри 2,5–4,5 см.ли цилиндрик керамика муҳрлари кўплаб учрайди. Бундай тасвири санъат асарлари илк ўрта асрлар Туркистонда шунчалар кўнайдики, уларнинг таҳлилий ва талкинний заминида минтақада туркий этник қатламнинг Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг илдиз отиб бораётганидан далолат берар эди.

Бу ҳақда нумизматик материаллар ҳам гувоҳлик беради. Масалан, VI–VIII асрларда Чочда зарб этилган тангаларда шаркий туркларга хос қиёфа: қисик кўзли, кенг юмалок юзли, соколсиз, узун сочли одам шакллари учрай бошлайди. Бадий санъат асарлари-ҳайкалча, муҳрларда акс этган суратларда туркларга хос аломатлар мавжуд. Қанқа ва Сигиртепа харобасидан топилган отлиқ тасвири камар тўқаларида буни тимсолини кўриш мумкин. Воҳада қадимги туркий тил мавжуд бўлганлигини таъминлайдиган яна бир омил бу воҳанинг бош номи бўлмиш «Чоч» сўзининг туркий асосли эканлигидир<sup>3</sup>. Тошкент воҳасининг ажралмас таркибий қисми бўлган Оҳангарон дарёсининг номи ва Илокнинг бош шаҳри Тункат ҳам туркий ном сифатида изоҳланиши мумкин.

Илк ўрта асрларда Чоч воҳасида турк-суғд асосли Абрлиғ, Арпалиғ, Сойлиқ, Иглиқ, Хотункат, Барскат, Жабғукат, Арсланкат, Намудлиғ, Йағузлиғ, Йақалиқ, Ачиғ, Жадғал (Чатқол) ва бошқа ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар қад кўтардики, бу жой номлари Чоч аҳолисининг қатга бир қисмини туркийлар ташкил этганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бироқ, Чоч топоними воҳада жуда қадимдан маълум. Эҳтимол, бу ном Енисей даштларидан прототуркий Андроново маданияти соҳибларининг қатга бир гуруҳи сўнгги бронза даврида бу заминга кириб келиши билан боғлиқдир. Чунки, чорвадор Андроново қабилалари хўжалиқ ҳаётида

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития. С. 78.

<sup>2</sup> Мешкерис В.А. Керамика Согда. Душанбе, 1977. С. 59–60.

<sup>3</sup> Буряков Ю.Ф. К динамике развития городской культуры древнего и средневекового Чача. «Материалы научной конференции «Чач- Бинкет- Ташкент (историческое прошлое и современность)» Т.: 2007. С. 8–9; Максудов Ф., Бабаяров Г. К этимологии топонима Чач. «Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет» Труды международной научной конференции. Т.: 2009. С. 2003–2005.



нафақат чорвачилик, балки тоғ саноати, маъдан қазини, металлургия ҳамда қимматбаҳо тошлардан турфа хил тақинчоқлар яшаш бадий санъати муҳим аҳамият касб этган. Агар, биз юқорида таъкидлаганимиздек, воҳани ўраб олган тоғлар қимматбаҳо феруза тош конларига бой эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда бутун Шарқда феруза тошлари билан машҳур бўлган Тошкент воҳаси ва унга нисбат этиб берилган Чоч (тош) атамаси, ўзининг тарихий илдизларига кўра, сўнгги бронза даврига бориб тақалади.

Кейинги йилларда Шоштепада олиб борилган археологик изланишлар натижасида аниқланишича, Шош-1 ва 2 горизонтлари Бурғулук маданияти босқичларини ифодаласа, Шоштепа-3 горизонти унинг ўтиш даври сифатида характерланади. Унинг бағрида савроматларга хос баъзи бир артефактлар учраса-да, аммо Шоштепада ҳаёт барҳам топиб, унинг вайроналари мил. авв. III асрда қуйи Волгадан кириб келган Прохоров маданияти чорвадорларининг қабристонига айланади. Ёдгорликнинг Шоштепа-4 горизонтида Қовунчи-1 қатламлари ҳосил бўлиб, унинг атрофи мудофаа девори билан ўраб олинади, марказида эса хоч шаклида қурилган монументал сарой қад кўтаради. Шундай қилиб, Шоштепа-4 даврида бунёд этилган мудофаа девори ва монументал бинони Қовунчи маданиятини бошланиши билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Шош-3 ва 4 горизонтларида учрайдиган баъзи бир Бурғулук элементларини янги маданиятда учраши табиий ҳолдир. Аммо, улар Қовунчи маданиятини таркиб топишида ҳал қилувчи ролни ўйнамаган.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Қовунчи-1 керамикасини шаклланишида бир томондан, Прохоров маданияти сарматларининг таъсири бўлса, иккинчи томондан, Сирдарё қуйи ҳавзаларининг Жетиасар маданияти таъсири катта бўлган. Бу тарихий ҳақиқат Ўтрор-Қоратов маданиятининг Октепа-2<sup>1</sup> ва Шоштепа-4<sup>2</sup> комплексларида яхши кузатилади. Шу боис, Қовунчи-1 даврининг қуйи чегарасини мил. авв. II аср, юқори чегарасини эса милодий II аср бошлари билан белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қовунчи-II даврида қорни кенг, кулоқли сопол қозонлар, Жетиасар маданиятининг милодий III-IV асрларга характерли керамика комплекси кенг ёйилади<sup>3</sup>. Шуларни ҳисобга олиб, Қовунчи-II босқичини милодий II-IV асрлар билан белгилаш мумкин<sup>4</sup>.

Қовунчи маданияти ёдгорликларининг Қовунчи-III горизонти унинг яқунловчи босқичи бўлиб, унинг даврий сапасини милодий IV-VI асрнинг биринчи ярми билан белгилаш мумкин<sup>5</sup>. Қовунчи-II ва Қовунчи-III ёдгорликлари Қовунчи-1 даврига нисбатан жуда кенг тарқалган.

Илк ўрта асрларга келганда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидаги аҳоли масканлари туркий тилнинг мавқеи юқори бўлган. Маҳаллий суғдийларда турклашув жа-

<sup>1</sup> Левина Л. М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 96.

<sup>2</sup> Аскарлов А., Филанович М. И. Новые данные о зарождении городской культуры на территории Ташкента. ОНУ, 1980, № VI. С. 28-29.

<sup>3</sup> Левина Л. М. Керамика нижней и средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971. С. 15, 55-74.

<sup>4</sup> Бураков Ю. Ф. Генезис и этапы развития. С. 79.

<sup>5</sup> Бураков Ю. Ф. Генезис и этапы развития. С. 79.

раёнининг кучайиши айнан илк ўрта асрларга тўғри келишини тасдиқлайдиган маълумотлар баъзи хитой йилномаларида учрайди. Йилномаларда баъзан суғдийлар туркларнинг бир қабиласи сифатида тилга олинаши<sup>1</sup> ҳам шу каби жа- раёнлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

723–726 йилларда ғарбий ўлкаларга, яъни Марказий Осиёнинг маълум бир қисми (асосан, Шарқий Туркистон, Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон)га сафар қилган хитой сайёҳи Хой Чао Ху халқларидан шимолда то «Шимолий денгиз»гача, ғарбда «Ғарбий денгиз»гача, шарқда эса Хитойгача бўлган ҳудудда кўчманчи туркийлар яшашини кайд қилади<sup>2</sup>. У келтирган маълумотларни таҳлил қилган А.Н. Бернштам, «Ху» атамаси остида минтақанинг ўтроқ аҳолиси назарда тутилганини, «Шимолий денгиз» – Орол денгизи, «Ғарбий денгиз» эса Каспий бўлиши мумкинлигини ёзиб, Хой Чао келтирган маълумот асосан, Сирдарё ҳавзаларида яшовчи кўчманчи туркийлар билан алоқали эканини таъкидлайди<sup>3</sup>. Худди шу даврларга тааллуқли бошқа бир маълумот Табарий асарида учрайди. Унга кўра, Хоразм ҳукмдори 712 йилда шимолга қочиб, туркларга сиғинади ва 728–729 йилларда улар ёрдамида мусулмонларга қарши кураш олиб боради<sup>4</sup>. Тадқиқотчилар фикрича, ушбу маълумотда келтирилган турклар Хоразмга яқин ҳудуд бўлмиш Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларида яшовчи аҳоли бўлиши керак<sup>5</sup>. Бундан кўринадики, нафақат Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, яъни Ўттор – Кангу-Тарбан аҳолиси, балки, ундан анча ғарбдаги ҳудудлар аҳолисининг ҳам катта қисми туркийлардан ташкил топган эди. Шунингдек, илк ўрта асрларга тааллуқли воҳанинг шимолий қисми топонимиясининг муҳим бир қисмини туркий номлар ташкил қилиши ҳам бу ҳудуд аҳолисининг салмоқли бир қисми туркийлардан иборат бўлганини тасдиқлайди. Булар сирасига Сайрам, Янгикент, Ўттор (Турарбанд), Сутқанд, Қорачук, Сугнак, Хурлуғ, Жумишлага, Атлах, Талас, Бинг-йул (Минг-булок) ва бошқа жой номларини келтириш мумкин<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. № II. Тошкент, 2002. 40–43 бетлар; Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi. № I. Т.: 2004. 52–61-бетлар.

<sup>2</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. № I. Москва, 1952. стр 194.

<sup>3</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. № I. Москва, 1952. С. 192–195.

<sup>4</sup> История ат Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). Т.: Фан, 1987. С. 143, 217 (1253, 1525).

<sup>5</sup> Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien // Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum. Stuttgart, 2002. S. 386, p. 133.

<sup>6</sup> Байтанаев Б. Древний Испиджаб. Шымкент–Алматы, 2003. С. 38–40; Бобоёров Ф. Ўзбекистон ҳудудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги топонимлар. Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари. 1-қисм, Т., 2005, 124–125; Камолитдин Ш. С. Древнетюркская топонимия в Средней Азии. Т.: Шарк, 2006. С. 80; Байтаков К. М. Западно-Тюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степи и города // Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук. Алматы, 2009. № I.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи тадқиқотчилар юқоридаги тарихий далилларга қарамасдан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари аҳолисининг этник таркиби ҳақида бир ёқламали фикрлар билдираётган ҳоллар ҳам учраб туради. Жумладан, А. Акишев Чочнинг шимолидаги ҳудудларни, яъни Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида яшовчи аҳоли масканларини илк ўрта асрларда туркий нуфусдан холи ҳудуд сифатида талкин қилади. Унинг ёзишича, «бу ерга (Сирдарёнинг ўрта ҳавзасига демоқчи *муал.*) алоқали равишда Кангу Тарман шаклида Ўрхун битиктошларида тилга олинган жой туркийлар маскани эмас, К. Байпаков С.Г. Кляшторнийнинг нуфузига таянган ҳолда бу жойларни туркийлар яшаган ҳудуд, деб ногўғри фикрга борган», дейди. Унингча, битиктошлардаги маълумотлар Кангу Тарманнинг туркийлар маскани эмаслигини аниқ кўрсатади<sup>1</sup>. Бироқ, А. Акишевнинг бу фикрларига қўшилиб бўлмайди. Аввало, бу ҳудудларда илк ўрта асрлардагина эмас, балки милоддан аввалги мингйиллик ва милодий мингйилликларда ҳам прототуркий этнослар яшаганини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд. Хусусан, В.В. Бартольд милодий II асрга оид юнон манбаларида Волга дарёси ҳавзалари аҳолиси тили билан алоқали ўларок, дарё номи сифатида *Дайх* сўзи учраши ва унинг ўрта асрларда Ўрол дарёсига нисбатан ишлатилган *Йайиқ* гидроними билан алоқадор эканлигини ёзади<sup>2</sup>. Айниқса, милодий IV–VI асрларда Каспий ва Қора денгиз оралиғидаги кенгликларда истикомат қилган *утигур* (ўттиз ўғур), *қутригур* (тўккиз ўғур), *ҳун*, *барсил*, *савир*, *булғор*, *хазар* каби туркий қабилалар яшаган бўлиб, уларнинг тили туркий тилларнинг қадимий ёндош тармоғи бўлмиш *огур* (ўғур) туркчаси эканлиги борасида аксарият тадқиқотчилар яқдилдирлар<sup>3</sup>. Бу эса нафақат Сирдарёнинг ўрта ёки қуйи ҳавзаларида, балки ундан анча ғарбдаги ҳудудларда ҳам ўрта асрлардагина эмас, ундан анча олдин ҳам туркий этнослар гавжум яшаганини кўрсатади. Қолаверса, Кул Тегин битиктошида «қуриғару Кангу Тарманқа теги турк будунуғ анча қўнгуртимиз – ғарбда, Кангу Тармангача турк халқини шу ҳолда қўндирдик (жойлаштирдик)» мазмундаги маълумотни<sup>4</sup> «бу ерда туркийлар яшамаганини аниқ кўрсатадиган далил» тариқасида талкин қилиб, кескин хулоса чиқариш ярамайди. Шуни эътиборга олиш керакки, битиктошларда «турк» ёки «турк будун» (турк халқи) ибораси остида ҳар доим ҳам барча туркий этнослар тушунилмаган, аксинча, асосан Турк хоқонлигига асос солган уруғ ва унга яқин туркий қабилалар пазарда тutilган. Шу боис юқорида битиктошлардан келтирилган «ғарбда, Кангу Тармангача турк халқини шу ҳолда

<sup>1</sup> *Аальто П.* Имя «Ташкент» (Перевод и комментарии А.К. Акишева) // *Shygys.* № 1. Алматы, 2005. С. 109; қар. *Байпаков К.М.* Средневековые города Казахстана на Шелковом пути. Алматы, 1998. С. 39–42.

<sup>2</sup> *Barthold V. V.* Orta Asya Türk Tarihi Dersleri. Ankara, 2004. s 29.

<sup>3</sup> *Golden P. B.* Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. Ankara: KarAm, 2002. 8187. *Плетнева Л.* Древние болгары в восточноевропейских степях // *Татарская Археология.* 1997, №1. С. 31; *Кочмар А.* Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // *Мәдени мұра. Культурное наследие. Астана, 2009.* № 1. С. 100–101.

<sup>4</sup> *Абдурахмонов Ф., Рустамов А.* Қадимги туркий тил. Т.: Ўқитувчи, 1982. – 106-бет.

қўндирдик» шаклидаги маълумотдан бу ерларда туркий халклар яшамаган, деган мазмун келиб чиқмайди. Қолаверса, илк ўрта асрларда айнан Чочнинг шимолида, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ва Арис дарёси ҳавзасида туркий *Теле* (Тўлас) қабилалар иттифоқига мансуб ўнлаб уруғлар яшагани қайд этилади.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган бой археологик материаллардан шундай хулосага келиш мумкинки, Тошкент воҳасида антик даврида шаклланган Қовунчи маданияти сўнгги антик ва илк ўрта асрлар давомида Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари бўйлаб кенг тарқайди. Бу ҳолат Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ва уларнинг теvarак-атрофларида юз берган этномаданий ва этногенетик жараёнларда, шунингдек, ўзбек халқи этногенетик тарихида Қовунчи маданияти ва унинг аҳолиси қанчалар муҳим ўрин тутганлигидан гувоҳлик беради.

### **IX. 6. Қовунчи маданиятининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва унга хос дастлабки этник омилларнинг шаклланиши**

Этнология фанининг илмий-методологик ва илмий услубий ишланмаларидан маълумки, халқ тарихининг этногенез босқичи муайян этносни шакллантирувчи омилларни таркиб топишидан иборат. Улар ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий ва этнопсихологик бирлик, ўзликни англаш ва тил бирлиги, этник ном ва антропологик тип бирлиги ва ниҳоят, сиёсий уюшма бирликларидан иборат бўлиб, бу этносни шакллантирувчи омиллар юз бермаса, этносни тўлиқ ва узил-кесил шаклланди, деб бўлмайди. Улар узок асрлар давомида, маълум ички ва ташқи омиллар таъсирида, бирин-кетин содир бўладиган этногенетик жараёнлар ҳосиласидир. Бу босқичда қўшни, ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин, турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қabila ва элатларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари асосида этномаданий яқинлашиш, аралашуш ва этник коришув, яъни этногенетик жараёнлар кечади. Бу ҳодиса ҳар бир халқ тарихида жуда узок давом этадиган объектив тарихий жараён бўлиб, унинг яқуни айнан олинган халқнинг шаклланишига олиб келади<sup>1</sup>.

Бу жараён диёримизнинг барча вилоятларида бир вақтда юз бермаган. Улар дастлаб, Ўрта Осиёнинг қайси минтақаларида, қачон ва қайси омиллар муштараклигида таркиб топди, бу борада изланишлар олиб борилди. Ўрта Осиё минтақалараро олиб борилган комплекс тадқиқот натижаларига кўра, Сирдарёнинг ўрта оқими минтақалари, биринчи навбатда, Тошкент воҳаси бу масала ечи-мида илмий истиқболли ўлка бўлиб чиқди.

Археологик ва антропологик материаллар ва уларнинг қадимги ёзма манбалар билан қиёсий таҳлилига кўра, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, хусусан Тошкент воҳаси, айниқса антик даврида суғдий ва туркий тилли қабилаларнинг мунтазам

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -- Т.: 2007. -- 58-бет.

алоқа майдони, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий коришув майдонига айланади.

Академик К. Шониёзов таъбири билан айтганда, бу ҳудудда таркиб топган Қанғ давлати доирасида суғдий ва прототуркий тилли этник бирликлар асосида янги этнос – қанғар элати таркиб топади.

Демак, Тошкент воҳаси ўзбек халқининг дастлабки фундаменти – қанғар элати таркиб топа бошлаган макон экан, бу маконда қачон ва қайси даврда ўзбек этносини шакллантирувчи омилларининг қайси бирлари юз берди? Этногенетик омилларнинг шаклланиши эса қадимги жамиятда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этномаданий туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг тарихий илдишлари, бошланиши хусусий мулкчиликка бориб тақалади. Тошкент воҳаси ҳудудий доирасида ерга, ишлаб чиқариш воситалари ва объектларга хусусий эгаллик қилишликнинг пайдо бўлиши археологик ва ёзма манбалар таҳлилига кўра, антик даврида юз беради.

Айнан шу даврда минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида майда ва ўрта мулк эгаллиги шаклланади. Улар жамиятнинг аксарият кўпчилигини ташкил этган эркин деҳқон жамоалари – кашоварзлар бўлиб, уларнинг қишлоқ жамоаси атрофида жипслашган катта патриархал оилалар илк давлатчиликнинг дастлабки куртаклари эди. Ишлаб чиқариш асосида таркиб топган кашоварзларнинг бу жамоалари иқтисодий асосини ерга хусусий мулкчилик ташкил этган. Бундай жамоавий бошқарув куртаклари нафақат деҳқончилик хўжалигида, балки улар яйлов чорвачилиги, савдосотикда, хунармандчиликнинг турли хил тармоқларида ҳам юз беради.

Бундай иқтисодий-хўжалик юритиш тизими Тошкент воҳасида антик давр учун характерли бўлиб, сўнгги антик даврга келганда улар орасида мулкий табақаланиш жараёнлари бошланди. Кашоварзлар (эркин деҳқон жамоалари) орасидаги мулкий табақаланиш жамият ижтимоий таркибида катта мулк эгалари – деҳқонзодалар ва ср-мулкдан ажралиб, деҳқонзодаларга қарам ижарачи – кадиварларни келтириб чиқарди. Демак, антик даври Тошкент воҳаси жамиятининг ижтимоий таркибини асосан кашоварзлар ташкил этарди. Бу давр сўнгги босқичида жамият ижтимоий таркибида янги табақалар – катта мулк эгалари – деҳқонзодалар ва уларга тобе ерсиз кадиварлар табақаси пайдо бўлди.

Диний-маданий ҳаётда оташпарастликнинг ғоявий устунлиги кўзга ташлансада, аммо диний бағрикенглик Сирдарё ўрта ҳавзалари жамияти маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга эди. Қовунчи маданияти моддий ва маънавий дунёсига қараганда туркий этник жамоаларига хос Тангри култи, тотемизм ва унинг от, кўчқор култи, сеҳр-жодуга ишониш кенг омма орасида давом этар эди.

Қовунчи маданияти иқтисодий-хўжалик асосини яйлов чорвачилиги ва ўтроқ деҳқончилик ташкил этган. Антик даврида деҳқончилик марказлари ва улар ривожланиши асосида шаклланган шаҳарсозлик маданияти дастлаб воҳанинг жанубий ҳудудларида, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг қуйи ҳавзаларида таркиб топса (Қанқа, Банокат, Чинанкат, Тўрткўлтөпа–2, Далварзинтепа, Оқтепа–2, Оқкўрғон

ва бошқалар), Қовунчи I босқичини охири–Қовунчи II босқичида урбанистик жараёнлар минтақа дарёларининг ўрта ҳавзаларига (Ковунчитепа, Тўрткўлттепа–I, Шаматепа, Мингўрик, Сариагачтепа, Оҳангаронттепа, Кулога, Кавардон, Киндиктепа, Тункат ва бошқалар), сўнг уларнинг юкори оқимлари (Ғазалкент, Бурчмулла ва бошқалар), ҳатто тоғ сойлари ҳавзаларига қадар кириб боради.

Чочда Қовунчи маданиятига хос ўтрок деҳқончилик ва хунармандчилик юксак даражада ривожланди; Оҳангарон водийсида тоғ саноати ва металлургия, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг тоғли сой ҳавзаларида яйлов чорвачилиги ва боғдорчилик ривожланди. Воҳанинг ҳар бир зонасига Қовунчи маданияти уруғ-жамоалари кириб бормаган жойлар қолмади.

Шундай қилиб, антик давр археологик ва антропологик материаллар илмий асосланган этногенетик жараёнларнинг таҳлилига кўра, давр охирига келганда қанғар элатига хос қатор этник омиллар шаклланади: Биринчидан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, Қанғ давлатининг марказий ҳудудларида этноҳудудий бирлик таркиб топади; иккинчидан, ана шу этноҳудудий бирлик доирасида бир хил ривожланиш даражасидаги иктисодий-хўжалик бирлиги вужудга келади; учинчидан, таркиб тонган ҳудудий бирлик доирасида деярли бир хил ривожланишдаги этномаданий майдони қарор топади; тўртинчидан, ўзбек халқига хос антропологик тип – «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланади ва ниҳоят, бешинчидан, янги этнос-қанғар элати атрофида жипслашган Қанғ давлат конфедерацияси, яъни сиёсий давлат уюшмаси таркиб топади<sup>1</sup>. Бу сиёсий давлат уюшмасини таркиб топишида милoddан аввалги II – милodий I–II асрлар оралиғида Тангри тоғ шимоли-шарқий ҳудудларидан усунларнинг айрим гуруҳлари, Хитойнинг шимоли-ғарбий минтақалари ва жанубий Сибирда яшаган ди, тиек, динлин, теле, хун ва бошқа прототуркий тилли кўчманчи этносларнинг кўплаб гуруҳларини Қанғ давлати ҳудудига кириб келиб ўрнашини ҳам катта аҳамият касб этди<sup>2</sup>.

Қанғ давлати таркибига бу этник гуруҳларнинг келиб қўшилиши ва ўзаро жипслашиб бориши «этносларнинг ички жараёни» сифатида, жипслашган этнослар тили ва маданиятини бир-бирларига яқинлаштирди ва ўзаро бирлашиш жараёнини жадал кечишига туртки берди. Бу жараёнлар антик ва илк ўрта асрлар даври Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти материалларида яққол кўзга ташланади.

Этнос шаклланишининг энг муҳим аломатларидан яна бири мазкур этносна мансубликни идрок этиш, яъни этник ўзликни англаш ҳиссидир. Этник ўзликни англаш ҳисси Қовунчи маданияти аҳолисида шаклландими, деган савол туғилади. Афсуски, ҳозирча бу ҳақда бирор фикр айтиш қийин. Чунки, ўзбек этноснага хос, этносни шакллантирувчи барча омиллар бу даврда, ҳатто илк ўрта асрларда ҳам яққол кўзга ташланмайди. Миграцион жараёнлар, яъни милodий IV аср-

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -- Т.: 2007. - 231-бет.

<sup>2</sup> Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Москва–Ленинград, 1950, т. I. С. 92–93; т. II. С.196–198.

да хионийларнинг; V асрда кидарийларнинг ва VI асрнинг бошларида эфталийларнинг Ўрта Осиёга кириб келиб, минтақада туркий этник қатламни қанчалар қалинлашишига туртки бўлса ҳам, аммо уларнинг бир қисми бу жойларда макон топиб, ўтроқлашиб кетсалар-да, бу тарихий воқеалар ҳам ўзбек халқи этногенезини яқун топишига олиб келмади.

Аммо, шу давр ичида минтақада қадимги туркий этник қатлам мустаҳкам илдиз отди ва туркийлик руҳият устувор, қанқилар деб аталган қанғар элати таркиб топди. Қанғарлар аниқ худудий бирлик доирасида ўтроқ деҳқончилик ва яйлов чорвачилик хўжаликлари билан шугулландилар. Уларга хос этномаданий кийёфа Қовунчи маданияти мисолида шаклланди. Этносга хос омилларнинг дастлабкилари-ягона худудий бирлик, шу бирликнинг иқтисодий-хўжалик асоси унга хос этномаданий ҳаёт шаклланди, ҳаттоки ҳозирги замон ўзбек халқига хос антропологик тип таркиб топди. Бирок, улар туркий аجدодларига хос кўчманчилик турмуш тарзидан мутлақо қутула олмайдилар. Натижада, милодий IV асрдан бошлаб, мамлакат шимоли-шарқидан кириб келган туркий кўчманчи чорвадор қабилаларнинг сиқуви туфайли, Қанғ давлати инқирозга юз тутди, унинг қанғар элати эса муайян халқ сифатида узил-кесил шакллана олмай, араблар босқинининг дастлабки йилларида парчаланиб кетади.

### **IX. 7. Сўнгги антик ва илк ўрта асрларда Қовунчи маданияти таъсир доирасининг кенгайиб бориши ва ўзбек этногенезининг жадал кечиши**

Сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даврида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз беради. Ижтимоий-иқтисодий соҳада маҳаллий майда мулк эгалари – кашоварзлар орасида мулкий табақаланиш жадал кечади. Мулкчиликнинг йирик шакллари чорвадор жамоаларида, хунармандчиликнинг қатор жабҳалари ва савдо-сотик жамоалари орасида ҳам кузатилади. Катта ер эгаларининг шаҳардан ташқаридаги мулки баланд мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, улар ўртасида шоҳона қаср ва қалъа-қўрғонлар пайдо бўлади. Илк ўрта асрлар ижтимоий ҳаётининг ҳосиласи сифатида кечаги кашоварзларнинг камбағаллашган қисми – қадиварлар – ерсиз ижарачи кўшчилар қатлами пайдо бўлади. Кашоварзларни бойиб бораётган ишбилармон тадбиркор қисми йирик мулк эгаларига–деҳқонзодаларга айланади. Илк ўрта асрлар даврининг деҳқонзодаси аслида катта мулк эгалари бўлиб, Оврўпада шу тоифа кишилар феодал, яъни катта мулк эгаси маъносини аниқлаган. Шунинг учун бу давр тарихда илк феодализм даври номини олган.

Илк ўрта асрлар Ўрта Осиёсининг деҳқонзодалари майда мулк эгалари–кашоварзлар, озодкорлар ва гувакорлар биргаликда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этганлар. Улар жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучлари, жамоалари ҳисобланган. Унгача Ўрта Осиё шароитида катта мулк эгаллиги бўлмагани учун Ўрта Осиёда қулдорлик жамияти бўлмаган, деган хулосага

келинмоқда. Муҳими шундаки, жамиятда ҳарбий ҳокимият ўрнатган туркий сиёсий кучлар, яъни Ўрта Осиё шимоли-шарқидан тўхтовсиз янгидан-янги туркий этник гуруҳларни кириб келиши тезлашади. Жойларда бошқарув тизимини турк аслзодалари таъсирга ўтиши ҳам минтақада этногенетик жараёнларни туркийлар фойдасига хизмат этишга олиб келади. Оқибат натижада, Турон заминда туркий этник қатламнинг қалинлашув ҳосиласи сифатида бу юрт ёзма манбаларда Туркистон деб атала бошлайди. Бу тарихий ва этногенетик жараёнлар нафақат ёзма манбаларда, балки илк ўрта асрлар даври археологик материалларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб олиб борилган кенг кўламли археологик изланишларга кўра, ўзбек халқи этногенезининг фундаментал асосини ташкил этган Қовунчи маданиятининг таъсир доираси сўнгги антик даврдан бошлаб, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари доирасидан чиқади. Энди, у минтақавий тарихий жараён эмас, балки бутун Ўзбекистон ҳудудларида юз берган тарихий воқеликка айланади. Илк ўрта асрларга келганда туркий этник мансублик устувор шароитида шаклланган Қовунчи маданияти милодий эранинг II–III асрларидан бошлаб, Тошкент воҳаси доирасидан чиқиб, унинг таъсир доираси янада кенгайди.

Археологик материалларнинг таҳлилига кўра, Қовунчи маданиятининг таъсири шарқда то Чатқол<sup>1</sup>, Пскам ва Толос водийларигача<sup>2</sup> кириб боради. Ундан Фарғона водийсининг шарқий ҳудудлари орқали то жанубий Қирғизистонгача<sup>3</sup> ёйилади (23- расм).

Дастлаб, Қовунчи маданияти таъсиридан баҳраманд бўлган ёдгорликлар Шимолий Фарғона ҳудудларида пайдо бўлади<sup>4</sup>. 1960 йилда Е.Д. Салтовская Ашт районининг Қизилтепа ёдгорлигининг антик давр қатламларидан сиртига қизил ангоб берилган, дастаси ҳайвон шаклидаги кружкаларни учратади<sup>5</sup>. Худди шундай зооморф дастали кружкалар Ашт яқинидаги муғ кўрғонлари ва қурумларида учрайди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Кибиров А.К. Археологические памятники Чаткала. В сб. «Труды КАЭЭ». Т.П, Москва, 1959. С. 9–62.

<sup>2</sup> Кожомбердиев И. Катакомбные памятники Таласской долины. В сб. «Археологические памятники Таласской долины». Фрунзе, 1963. С. 33–77.

<sup>3</sup> Брыкина Г.А. Раскопки усадьбы Кайрагач. (Южная Киргизия) «АО 1969 года» Москва, 1970. С. 436. Ее же. Раскопки усадьбы Кайрагач. «АО 1970 года». Москва, 1971. С. 447–449; Брыкина Г.А., Николаенко Т.Д. Раскопки в Кайрагаче. «АО 1976 года». Москва, 1977. С. 579–580; Брыкина Г.А. Раскопки в Кайрагаче. «АО 1977 года». Москва, 1978. С. 566–567.

<sup>4</sup> Литвинский Б.А. Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. В сб. «Археологические работы в Таджикистане в 1957 г.» Вып. V, Сталинабад, 1959. С. 128–129; Салтовская Е.Д. Раскопки на Тудои-Калон в 1961 г. В сб. «Труды ИИА АН Тадж ССР». Вып. IX. Душанбе, 1964. С. 52.

<sup>5</sup> Салтовская Е.Д. Раскопки на Кызылтепе в 1960 г. Археологические работы в Таджикистане. Вып. VIII. (1960). С. 49.

<sup>6</sup> Литвинский Б.А. Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. В сб. Археологические работы в Таджикистане в 1957 г. Вып. V, Сталинабад, 1959. С. 128–129.



1966 йилда Е.Д.Салтовская Қадимги Фарғонанинг Қаълаи Афросиёб тепалигида стратиграфик қазिशмалар олиб бориш чоғида ёдгорлик керамикаси таркибида нафис ва жарангдор, тиниқ фон устига қорамтир жигарранг гул солинган турли-туман хушбичим сопол идишлар орасида қизил ангоб устига тарам-тарам жигарранг нақш солинган хум ва хумчалар, юқори қисми юпқа, тиниқ ангобли қадах (кружка) ва банкасимон човгунлар учратади. Бундай идишлар Ковунчи маданиятига хос керамика комплекси бўлиб, улар Тўдаи Калон ёдгорлигининг V–VI аср қатламларида ҳам кўплаб учратилади<sup>1</sup>.

1950- йилларнинг бошларида М.Э. Воронец Фарғона водийсига уюштирган археологик кидирув ишлари вақтида Ашт даштларида қадимги мозор-қўрғонлар қалашиб ётганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Археолог Б.А.Литвинский Ашт мозор-қўрғонлари билан танишиб, уларнинг аксарият кўпчилиги тош уюмларидан иборат қурумлар эканлигига эътибор қаратади<sup>3</sup>. 1971 йилда Е.Д. Салтовская Хўжанд-Ашт йўли бўйлаб тоғолди даштларда Ашт қабристонидан 41 та қурумларни очиб ўрганишга муяссар бўлади<sup>4</sup>. Қурумлар тузилишига кўра, қум-тошли ер юзаси бироз чуқурлатилиб, унга ётқизилган мурда устига тупроқ тортилмай, тош уюмлари терилиб, устига шағал ёпилган. Қурумлар ташқи кўринишда айлана шаклда, бироз ўйилган тўрт бурчакли скелет камерасининг атрофига тош герилиб, қутисимон қабр (тош қутича) ясалган. Қабрлар асосан бир кишилик, баъзан жамоавий қабрлар ҳам учрайди. Скелетлар бош чаноғи камеранинг шимолий, шимоли-ғарбий ва ғарбий томонида. Аёллар қабрида сопол идишлар, урчуктошлар, бронзадан ишланган билагузуклар, узуклар, симдан ясалган сирғалар, турли хил паста ва рангли тошлардан ясалган мунчоқлар, косметик тош қаламчалар учрайди. Эркалар мозорларида эса сопол идишлардан ташқари темир пичоқлар, темирдан ясалган уч парракли ўқ учлари, митти тош қайроқчалар, бел камарининг темир тўқалари ва суякдан ишланган буюмлар учрайди.

Ашт қабристонининг биринчи гуруҳ қабрлари тош яшиқлардан иборат бўлса, иккинчи гуруҳ қабрларнинг скелет камералари овал шаклида бўлиб, камера атрофига тошлар терилиб, тош қутича, яшиқ ясалмаган. Камерада скелетлар боши билан шимол ёки ғарбга қаратиб кўмилган.

Учинчи гуруҳ қабрларнинг тош уюми айлана шаклда, айлана диаметри юқоридагилардан анча кенг (8–12 м.), баландлиги ҳам улардан анча баланд, тош уюми марказида 70–90 см.гача боради. Скелетлар жойлашишига кўра, ғарбга ва жануби-ғарбга қаратилган.

<sup>1</sup> Салтовская Е.Д. Тепа Калаи Афросиёб в Аште (Северо-Западная Фергана). Материальная культура Таджикистана, вып. III. Душанбе, 1978. С. 99–100.

<sup>2</sup> Воронец М.Э. Археологические исследования Института истории и археологии и Музея истории АН УзССР на территории Ферганы в 1950–1951 годах. Тр. Музея истории УзССР. Вып. II, Т.: 1954.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. «Археологические работы в Таджикистане в 1957 г.» Вып. V, Сталинабад, 1959.

<sup>4</sup> Салтовская Е.Д. О раскопках Аштского могильника в 1971 г. «Археологические работы в Таджикистане. Вып. XI. Душанбе, 1975. С. 59–79.

Шундай қилиб, уч гуруҳ қурумлардан топилган ашёвий далиллар таркиби ва қурумлар ички тузилишига кўра ҳам, Ашт қурумлари кўчманчи туркий қабилалар моддий маданиятини эслатади. Улар хронологик жиҳатдан бир неча босқичларга бўлинган. Ашт атрофидаги қурумларининг бир қисми милодий эранинг I–II асрларига тегишли бўлса, бошқалари милодий VI–VII асрларга тегишлидир<sup>1</sup>. Уларнинг ҳар иккиси ҳам кўп жиҳатдан Қовунчи маданияти комплексларига ўхшаб кетади. Тиник қизғиш ангобли коса ва ним косалар, оқизма рангли хумча ва хурмачалар, кружкалар Қовунчи маданиятини эслатса, уларнинг сиртига солинган нақшлар-синик чизиклар, штрихланган бир қатор учбурчакли геометрик композициялар келиб чиқиш тарихий илдизларига кўра, сўнгги бронза даврининг туркий этник қатламларининг анъанавий нақшларига бориб тақалади.

Қовунчи маданиятига хос типик ёдгорликлар Шимолий Фарғонада, Қорамозор тоғ тизмаларининг жануби-ғарбида кенг тарқалган. Улар Тиркаштепа, Чугэхона, Лангари Хожиён, Танги Сурх, Хўжаи Сўф қабристонлари бўлиб, уларда академик Н.Н.Негматов бошчилигида Тожикистон археологлари кенг кўламли археологик қазишмалар олиб борганлар.

Шишоб сойининг ҳар иккала соҳили бўйлаб жойлашган Чугэхона қабристонини ўтган асрнинг 30- йилларида М.Е. Массон кўздан кечириб, уларни турли хронологик диапазондаги ярим кўчманчи-ярим ўтроқ қабилаларга тегишли экапигини таъкидлаган<sup>2</sup>. 1981 йилда Е.Д. Салтовская ва У.П.Пўлатовлар улардан 13 тасини очиб ўрганишди<sup>3</sup>. Уларнинг барчаси ҳар хил катта-кичикликдаги мозор-қўрғонлар бўлиб, айлана шаклидаги тош уюмлари остида бироз чуқурлатилган овал шаклидаги «тош яшик»лар ва улар ичида эса қадимда ўғирланган скелет парчалари ётар эди. Қабрларни ички тузилиши ва унинг кўмиш технологияси Ашт қабрларидан фарқ қилмайди.

Қабр ашёвий далилларига келганда, улар сопол идишлар, сопол урчуктошлар, мис ойна ва темир пичоқлар, уч парракли камон ўқ учлари, паста ва тош мунчоқлар ва бошқалардан иборат. Сополлар орасида чархсиз қўлда ясалган қалаҳлар (кружкалар), тиник қизғиш ангобли устига тарам-тарам ранг оқизилган кўза ва хурмачалар бўлиб, улар Қовунчи маданияти керамика комплексини эслатади. Ўрганилган қурумлар орасида қурум №3 тадқиқотчиларнинг айтишича ўғирланмаган. Топилмалар таркибида кўлда ясалган ясси тубли саёз косалар (мискалар), кулолчилик чархида ясалган сферасимон қоринли, бир дастали бўғзи тор тиник ангобли кўзалар, бир тигли темир пичоқ ва билагузуклар учрайди. Тош қутилларга (яшикларга) дафн этилган марҳум ва марҳумаларнинг барчаси боши билан шимолга қаратиб кўмилган. Қурумлар кўриниши водийнинг шимоли-

<sup>1</sup> *Спришевский В.И.* Некоторые находки из Мугхана в собрании Музея истории. Тр. Музея истории АН УзССР вып III. Т.: 1956; *Литвинский Б.А.* Курганы и курумы Западной Ферганы. Москва, 1972; *Салтовская Е.Д.* О раскопках могильников Ашт и Дашти-Ашт в 1973 г. «Археологические работы в Таджикистане. Вып. XIII (1973 год). Душанбе, 1977. С. 63.

<sup>2</sup> *Массон М.Е.* Ахангаран. Археолого-топографический очерк. Т.: 1953. С. 15-24, 118-120.

<sup>3</sup> *Салтовская Е.Д., Пулатов У.П.* Раскопки могильника Чугэхона в Табашаре. «Археологические работы в Таджикистане. Вып XXI. Душанбе, 1981. С. 32-43.

ғарбий худудларига хос ёдгорликлар тузилишини эслатади. Уларнинг санаси Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти даврий саналаридан фарқ қилмайди<sup>1</sup>.

Бундай мозор-қўрғонлар Қадимги Фарғонанинг барча худудий доирасида кенг тарқалган<sup>2</sup>. Уларда ҳам Қовунчи маданиятига хос бир дастали бўғзи тор кўзалар, қадах (кружка) ва хумчалар, уч парракли темир камон ўқлари, дисксимон керамика урчуктошлар, бир тигли темир пичоқ ва билагузуклар қабр ашёвий далилларини ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги Қадимги Фарғона курумларида милодий эра бошларидан то V–VI асрларгача кенг учрайди<sup>3</sup>. Қовунчи маданиятига хос керамика комплекслари нафақат Қадимги Фарғонанинг мозор-қўрғонларида, балки водийнинг кўп қатламли Тиркангтепа ёдгорлигининг III–IV асрларга тегишли горизонтларида ҳам учратилади<sup>4</sup>. Тиркаштепа яқинидан бир неча мозор-қўрғонлар очилиб, улардан иккитаси (қўрғон №5 ва қўрғон №6) Ашт курумларидан фарқли ўлароқ, катакомба типида бўлган. Улардан топилган қабр ашёлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг камерага кириш айвони (дромос) овал шаклида, шимолдан жанубга чўзилган. Дромос катта тошлар ва шағал билан тўлдирилган. Дромоснинг ғарбий девори остида лаҳадга кириш тешиги жойлашган. Дромос поли лаҳад томон қияли пиллапоялар орқали пастлаб боради. Катакомба тешигига плита тошлар билан беркитилган. Катакомба лаҳади бўш, унинг шағал полига орқаси билан, боши шимоли-шарққа қаратиб одам дафн этилган. Қабрда қўлда ясалган бир нечадан сопол идишлар: оғзи кенг коса ва хурмачалар, аёл қабрида мис ойна, терракота урчуктошлар, ақиқ тош, шиша ва пастадан ясалган мунчоклар, эркак қабрида эса сопол идишлардан ташқари, темир буюмлар: темир пичоқ, қилич, уч парракли камон ўқ учлари, камар тўқалари ва ёғоч сопли темир ханжар учратилган. Бу икки катакомбали қабрлардан топилган ашёвий далиллар ҳамда қабрларнинг катакомба типида қурилиши Қовунчи маданиятига хос белгилар бўлиб, уларнинг даврий санаси милодий эранинг II–IV асрлар билан белгиланади<sup>5</sup>.

Қовунчи маданиятининг таъсири Шимолий Фарғонанинг У.П. Пўлатов материалларида ҳам яққол кўзга ташланади. Лангари Хожийн қабристони Туркистон тоғ тизмаларининг куёшга ўнгай томонида, Чорку қишлоғи билан Чашмаи Моҳийн булоғи оралиғида жойлашган. 1954 йилда Б.А. Литвинский бу жойлар-

<sup>1</sup> *Салтовская Е.Д., Пулатов У.П.* Раскопки могильника. С. 43; *Литвинский Б.А.* Курганы и курумы Западной Ферганы. Москва, 1972. С. 137–213.

<sup>2</sup> *Воронец М.Э.* Археологические исследования Института истории и археологии. С. 59–61, рис. 10–12; *Литвинский Б.А.* Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. V. Сталинабад, 1959. С. 121–126.

<sup>3</sup> *Тереножкин А.И., Дуке Х.* Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса. Сб. Древняя и средневековая культура Чача. Т.: 1979. С. 23–32, рис. 7, 10; *Алимов К.* Памятники скотоводов Чача. Т.: 1979. С. 52–58, рис. 15–18.

<sup>4</sup> *Салтовская Е.Д., Пулатов У.П.* Раскопки могильника. С. 45.

<sup>5</sup> *Салтовская Е.Д., Пулатов У.П.* Раскопки могильника. С. 54–55; *Литвинский Б.А.* Об извещении в 1955 г. погребальных памятников в Карамазарских горах. Археологические работы в Таджикистане. Вып. III. Сталинабад, 1956. С. 43–44.

да бўлиб, унинг қисқача ташқи тавсифини берган<sup>1</sup>. 1981 йилда А. Мирбобоев турли тузилишдаги 19 та мазорни очишга муяссар бўлади<sup>2</sup>. Қабрлар асосан грунтли, ички тузилиши катакомба ва подбой шаклида, баъзида лаҳад камера-сида ёғоч тобут колдиклари ҳам учрайди. Лаҳадга асосан бир киши қўйилган, баъзида оилавий (эр-хотин ва фарзанди) катакомбалар ҳам учрайди. Барча ёлғиз мазорларда ётган скелетлар боши билан жанубга қаратилган. Ёғоч тобутларга солиб қўмилган қабрлар подбой тузилишида бўлиб, скелетларнинг боши шарққа қаратилган. Қабрлардан топилган сопол идишлар: узунчоқ ноксимон кўзалар, бўғзи тор жўмракли офтоба, хушбичим оғзи кенг хурмачалар ва суворий флягаларидан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти кулолчилик чархида ясалган<sup>3</sup>. Ёлғиз қабрлардан топилган ва от жабдуқ-эгарлари, юган ва улар билан боғлиқ темир тўқалар, турли хил безаклар, темир ханжар ва килич, темир пичок ва ўрок, уч парракли камон ўқ учлари ва бошқа буюмларнинг кўплигига қараганда, Лангари Хожиён қабристонини ярим ўтрок, ярим кўчманчи туркий этник гуруҳларга тегишли бўлган<sup>4</sup>. Бундай хулосага келишда, темирдан ясалган суворий ҳайкалчаларининг антропологик қиёфаси, тўқа ҳалқаси ичига шохдор кўчқор фигурасини жойлаштирилиши ҳам гувоҳлик беради<sup>5</sup>. Бундай фигура-амулет ва тўқалар қадимги турк дунёсининг антик ва илк ўрта асрлар даври ёдгорликларида кенг тарқалган<sup>6</sup>.

Ғарбда Қовунчи маданиятининг қорвадорлари Зарафшон водийси ва Қарши воҳасигача кириб борадилар<sup>7</sup>. Қовунчи маданиятининг таъсири айниқса, Марказий ва Ғарбий Суғд адир ва тоғолди ҳудудларида кенг тарқалганини кўрамиз. Бу ҳақда Оқжар, Сазағон, Қизилқир<sup>8</sup>, Лавандак, Хазара кўрғонлари далолат беради<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> Литвинский Б.А. Археологический очерк Исфаринского района. Тр. АН ТаджССР, т. XXXV. Сталинабад, 1955. С. 141.

<sup>2</sup> Мирбобоев А. О работах Чоркуйского хоздоговорного отряда в 1981 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. XXI. Душанбе, 1981. С. 56–72.

<sup>3</sup> Мирбобоев А. Указ работа. С. 58, рис. 1.

<sup>4</sup> Мирбобоев А. Указ работа. С. 62–63, рис. 3, 4.

<sup>5</sup> Мирбобоев А. Указ работа. С. 65, рис. 5.

<sup>6</sup> Баруздин Ю.Д. Археологические памятники Баткена и Лайляка. Фрунзе, 1962. С. 49; Литвинский Б.А. Археологическое изучение Таджикистана Советской наукой. Сталинабад, 1954. С. 51; Левина Л.М. К вопросу об антропоморфных изображениях в Джетиасарской культуре. В кн. «История, археология и этнография Средней Азии». Москва, 1968. С. 169; Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. Ленинград, 1980. С. 118.

<sup>7</sup> Кабанов С.К. Археологические данные по истории Нахшеба в III–V вв. н.э. ВДИ, № II. С. 16. Его же. Археологические данные к этнической истории Южного Согда в III–VI годах. СА № I, 1963. С. 82. Его же. Руины поселения III–V вв. в долине Кашкадарья. ИМКУ, вып. VI, Т.: 1965. С. 71–86; Кабанов С.К. и Шахурин К.А. Археологическая разведка в верховьях р. Кашкадарья. ИМКУ, вып. VII. Т.: 1966. С. 119; Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.). Т.: 1977. С. 68–86.

<sup>8</sup> Нильсен В.А. Кызыл-кыр (результаты раскопок 1955 г.). ИМКУ, вып. I, Т.: 1959. С. 60–78.

<sup>9</sup> Обельченко О.В. Могильник Акджаргеле. ИМКУ, вып. III. Т.: 1962. С. 58–70; Его же. Курганы около с. Хазара. ИМКУ, вып. IV. Т.: 1963. С. 57–65. Его же. Сазаганские курганы. ИМКУ, вып. VII. Т.: 1966. С. 71–86. Его же. Лявапдакский могильник. ИМКУ, вып. II. Т.: 1961.

1956 йилда Самарканд вилоятининг Пойарик туманида бошланган археологик қидирув вақтида Челак қишлоғидан шарқда, Оқжар тепалигида қадимда чорвадор уруғ жамоаларининг қабристони бўлганлиги аниқланади. Бироқ, уларнинг кўпчилигини устки қисми давр тақозоси билан текисланиб кетган. Улардан 7 таси 1959 йилда О.В.Обельченко томонидан очилган<sup>1</sup>. Қабрлар ташки кўринишда тупроқ қўрғонни эслатади. Улар айлана шаклда, диаметри 7 м.дан то 22 метргача боради. Улар асосан, катакомба қабрлар бўлиб, уларнинг деярли барчаси ўғирланган. Қазилар жараёнида олиб борилган қузатувларга кўра, мурдалар қамиш бўйрага ўраб, бошлари шарққа қаратиб, лаҳадга ётқизилган. Скелетнинг ўнг томонига сопол идишлар, меҳнат ва ҳарбий қуроллар, аёллар қабрларига тош ёрғучоқ қўйилган. Дромосдан лаҳадга кириш тешиги хом ғишлар билан беркитилган. Лаҳад камерасининг шифти кулаб тушмаса, скелет усти тупроққа тўлмаган. Дромос эса тупроқ билан махсус тўлдирилган.

Оқжар қабристонида икки хил тузилишдаги (ёрма ва катакомба) қабрлар аниқланган. Уларда скелетлар жойлашиши ҳам ҳар хил. Катакомба қабрларда скелетлар боши билан шарққа қаратиб қўйилган, ёрма гўрларда эса жанубга қаратиб қўйилган. Жанубий ориентацияли қабрлар (кўрғон № 4 ва 5) Жанубий Ўрол<sup>2</sup>, Қуйи Волга<sup>3</sup> ва Шимолий Кавказнинг сармат қабилалари орасида<sup>4</sup>, Жанубий Қозоғистоннинг Томди қабристонида<sup>5</sup>, Қуйимозор кўрғонларида<sup>6</sup> кўпроқ учрайди. Уларнинг даврий санаси мил. авв. III–I ва милодий эра бошлари билан белгиланади. Шарқий ориентацияли қабрлар (№ 1,2,7) эса Тошкент воҳасининг Қовунчи маданиятига хос бўлиб, улар Пискент қабристонида, Фарғона водийсининг Кенқўл<sup>7</sup>, Бўр-Кўрбаз<sup>8</sup>, Хангиз<sup>9</sup> ва Қаландархона<sup>10</sup> қабристонларида учрайди. Уларнинг барчаси милодий II–IV асрларга тегишли катакомбали қабристонлар бўлган<sup>11</sup>. Бу гуруҳ мазорларидан топилган керамика комплекси Тошкент ва

<sup>1</sup> Обельченко О.В. Могильник Акджартепа. ИМКУ, вып. III. Т.: 1962. С. 57–70.

<sup>2</sup> Граков Б.И. Пережитки матриархата у сарматов. ВДИ, 1947, № III. С. 143.

<sup>3</sup> Синицын И.В. Памятник Нижнего Поволжья скифо-сарматского времени. Тр. Саратовского областного музея краеведения, вып. I, Саратов, 1956. С. 27.

<sup>4</sup> Андимов Н.В. Месото-сарматский могильник у станицы Усть-Лабинской. МИА № XXIII. Москва, 1951. С. 169.

<sup>5</sup> Маловицкая Л.Я. Тамдинский курганный могильник III–I вв. до н.э. «Известия АН Каз ССР», Алма-Ата, 1949, № 67. С. 120.

<sup>6</sup> Обельченко О.В. Куюмазарский могильник. Тр. ИИА АН Уз ССР, вып. VIII, Т.: 1956. С. 229–220.

<sup>7</sup> Бернштам А.Н. Кенкольский могильник. Ленинград, 1940. С. 3.

<sup>8</sup> Сорокин С.С. Некоторые вопросы происхождения керамики катакомбных могил Ферганы. СА, XX, Москва, 1954. С. 131.

<sup>9</sup> Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Археологические работы Ферганского областного краеведческого музея в 1953–1954 гг. ИМКУ, вып. I, Т.: 1959. С. 16–18.

<sup>10</sup> Литвинский Б.А. Раскопки могильника в Исфаринском районе в 1956 г., вып. IV. Сталинабад, 1959. С. 77.

<sup>11</sup> Обельченко О.В. Могильник Акджартепа. ИМКУ, вып. III. С. 66.

Фарғона водийсида кенг тарқалган, улар милодий II–III асрларга тегишли комплексларда кенг учрайди<sup>1</sup>.

Самарқанд шаҳридан жанубда, қадимги Дарғом канали бўйлаб чўзилган даштлар, Оғалик ва Сазағон тоғолди қишлоқларининг оралиғи қадимда чорвадор уруғ жамоалари кенг тарқалган яйловлари ҳисобланган. Бу ҳудуднинг сой ёқалари бўйлаб ана шу чорвадорларнинг мазор-қўрғонлари қалашиб ётибди. Қўрғонлар асосан Миронқўл ва Тепакўл қишлоқлари оралиғида, уларнинг катта гуруҳи, яъни 20 га яқин қўрғонлар Сазағон қишлоғи шарқидан топиб ўрганилди<sup>2</sup>. Қўрғонларнинг ички тузилиши дромос ва лаҳаддан иборат, лаҳадга кириш тешиги тошлар, баъзида хом гиштлар билан беркитилган. Қабрларда скелетлар оёқ-қўлларини узатиб, чалқанчасига, боши шарққа қаратиб ётқизилган. Бундай катакомба қабрлар Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида, юқорида таъкидлаганимиздек, Зарафшон водийсида ҳам кенг тарқалган. Улар милодий II–IV асрларга тегишли бўлиб, уларнинг археологик материалларида Қовунчи маданиятининг иктисодий-ҳўжалик ва этномаданий таъсири яққол кўзга таппланиб туради. Масалан, Сазағон керамика комплекси – қорни кенг, бўғзи тор кўзалар, суворий сопол флягалари, сопол чилимдонлар ва хурмачалар айнан Қовунчи –II босқичи керамикасини эслатади.

О.В. Обельченко Сазағон қўрғонларини милодий III–IV асрлар билан ёш санасини белгилайди. Сазағон археологик комплексида қўрғон № 1 ичидан топилган мис танга бўлиб, унинг юз томонида сак юз қиёфали ҳукмдор тасвири туширилган. У қирра бурунли, киска някли, кичкина соқоли бироз олдинга чиққан, жинглак сочлари орқа бўйинини ёпган ҳукмдорнинг сиймоси эди. Ҳукмдор бошининг чап томони устида қандайдир ривоят битилган суғд ёзуви бор. Танганинг орқа томонида, унинг четларига уч томондан афсонавий қушлар суратининг контури чизилган. Сурат айланасининг тўртинчи томони бир қатор чекма нақш билан ўраб олинган.

Академик М.Е. Массон ушбу ноёб топилмани Гиркода тангалари типига киврувчи Суғд ихшиди Уркодага тегишли деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Қушонлар сулоласи вакиллариининг Суғд ерларида рустак ҳокимлари сифатида милодий III–IV асрларда давом этишини назарда тутганда, бу танганинг Сазағон қўрғонида учраши тасодифий эмас эди. М.Е. Массоннинг таъкидлашича, бундай типдаги тангалар то V асргача зарб этилиши мумкин. Қушонларнинг этник келиб чиқишини туркий қавмларга бориб тақалишини ҳисобга олганда, Сазағон қўрғонларида кашкушонийлар тангасини бўлиши табиий ҳол эди.

1964–1965 йилларда Миронқўл атропофларида 17 та қўрғон очиб ўрганилган<sup>4</sup>. Улар асосан, тупроқ-қўрғонлардан иборат бўлиб, қабрларда скелетлар чириб ку-

<sup>1</sup> Обельченко О.В. Могильник Акджартепа. С. 66–67.

<sup>2</sup> Обельченко О.В. Сазаганские курганы. ИМКУ, вып. VII, Т.: 1966. С. 66–81.

<sup>3</sup> Массон М.Е. Нумизматика Средней Азии. Курс лекций, прочитанных в САГУ в 1955–56 гг.: Обельченко О.В. Сазаганские курганы. С. 80.

<sup>4</sup> Обельченко О.В. Мирапкульские курганы. ИМКУ, Вып. VIII, Т.: 1969. С. 80–90.

кунга айланган бўйра ёки кигизга ётқизилган. Уларнинг боши асосан шимолга ёки шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Ҳар бир қабрда сопол идишлар—хумча ва хурмачалар, сопол флягалари, темир ханжар ва пичок, камар тўқалари ва бошқалар учрагилган. Бундай таркибдаги меҳнат ва ҳарбий қуроллар, сопол фляга ва темир тўқалар Миропкўл кўрғонларига чорвадор туркий уруғ жамоалари дафн этилганлигидан гувоҳлик беради. Уларнинг йил санаси Сазагон кўрғонларидек, милодий III–IV асрларга тегишлидир<sup>1</sup>. Қовунчи маданиятининг таъсири Марказий Суғднинг маҳаллий туб аҳолиси шаҳарларигача кириб боради (зарварақдаги 9-расмга қаранг). Қовунчи маданиятига хос қорни кенг, буқа бошли жўмракли хумчалар Панжикентнинг милодий VII–VIII асрларига тегишли қатламларида ҳам учрайди<sup>2</sup>.

Марказий ва Ғарбий Суғд ерларини ажратиб турувчи табиий чегара тарихда машҳур Малик чўли бўлиб, унинг шимолидан Зарафшон дарёси ўтган. Зарафшон дарёсининг жанубий соҳилида Хазара қишлоғи таркиб топган бўлиб, у Бухоро воҳасининг даштларига бориб такалади. Ана шу чегара худудида, чўл зонасида воҳа чегаралари бўйлаб, шарқдан ғарбга томон мазор-кўрғонлар жойлашган. Бу ҳол Малик чўлининг шимолий чегаралари бўйлаб то Томдигача, Абу Муслим қирларигача давом этади. Айнан мана шу чизиқдан Кампир девор ўтган. Барча мазор-кўрғонлар мана шу Кампир девор жанубида, воҳа чегара худудида уюшган.

1960 йил баҳорида учта кўрғон очиб кўрилди. Улар шарқдан ғарбга қаратиб жойлашган катакомба қабрлари ва жанубдан шимолга қарагилган айвонли қабрлар бўлиб, катакомба лаҳадига кириш тешиги хом гиштлар билан беркитилган эди. Қабрларда боши шарққа қаратилган скелетлар ёғоч тобулларда ётган. Скелетлар бош томонига 2–3 тадан сопол идишлар—бир қуюқли кўза ва қадаҳлар қўйилган. Айвонли қабрларга қўйилган сопол идишлар қуюқчилик чарҳида, катакомба қабрлар сопол идишлари эса қўлда ясалган. Муаллиф айвонли қабрларини ўтроқ аҳолига тегишли деб ҳисоблаб, уларни йил санасини милодий эранинг бошлари билан белгилайди, катакомба қабрларини эса чорвадорларга тегишли эканини таъкидлаб, уларни даврий санасини милодий II–IV асрларга тегишли эканини асослайди<sup>3</sup>.

Куйимозор станциясидан жануби-шарқда, Кампир девор полосаси худудида Лавандак қишлоғи жойлашган. Қишлоқдан 3 км. ча жанубда Карнаб чўли бошла-нади. Ана шу чўл худудида Лавандак номи остида 130 дан ортиқ тупроқ кўрғонлар икки гуруҳ бўйлаб ётар эди. Ана шу Лавандак қабристонидан О.В. Обельченко В.А. Шишкин билан биргаликда 1952 йили археологик кидирув ишларини олиб боради, келгуси йил баҳор ойида эса мазор-кўрғонларни қазилари бошлади. Ҳар икки гуруҳ кўрғонлар гуруҳидан дастлаб биттадан кўрғон очилди<sup>4</sup>. Биринчи гуруҳ кўрғон айвонли лаҳад тузилишидаги қабр бўлиб, унинг лаҳад камера-

<sup>1</sup> Обельченко О.В. Миракульские курганы. С. 86–88.

<sup>2</sup> Беленицкий А.М. О работе Пянджикентского отряда ТАЭ в 1959 году. Археологические работы в Таджикистане, вып. VII (1959). С. 84–85, рис. 7, 8.

<sup>3</sup> Обельченко О.В. Миракульские курганы. С. 63–65.

<sup>4</sup> Обельченко О.В. Лавандакский могильник. ИМКУ, вып. II. Т.: 1960. С. 98–100.

сида иккита скелет – эркак ва аёл ётар эди. Аёл скелети боши билан шимолга, эркак эса жанубга қаратиб кўмилган. Эркак бош томонидан хум парчалари, сопол чилимдон ва камар тўқаси, аёл бош томонидан эса чархда ясалган қадах, яна қандайдир занглаб кетган темир буюм, тоз суяги остидан темир буюм топилган. Иккинчи гуруҳ кўрғонлари катакомбали қабрлар бўлиб, скелет камерасининг тешиги хом ғиштлар билан беркитилган. Қабрдан мажақланган скелетдан ташқари, хум парчалари, чилимдон, кўза ва ангобланган хурмача, кул ва кўмир парчалари, темир пичоқ, кўйнинг олдинги оёғи ва курак суяги топилган. Яна бир катакомбали қабрдан (боши жанубга қараган эркак), скелет ёнидан темир қилич, бош томонидан хум ва чилимдон, кўйнинг олдинги оёғи ва курак суяқлари, темир пичоқ топилган.

Булардан ташқари, Лавандак қабристонидан яна 7 та кўрғон очиб ўрганилган<sup>1</sup>. Улар айвонли ва катакомба қабрларидан иборат бўлиб, лаҳад қабр айвонининг ғарбий девори остига жойлашган. Бундай тартиб Ўрта Осиё шароитида бронза давридан Сополли маъданидан маълум<sup>2</sup>. Антик даврда Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Лавандак қабристонининг айвонли қабрларида ҳам лаҳад айвонининг ғарбий девори остида, айвон кенг ва лаҳадга томон 2–3 пиллапоялидир. Шундай тузилишдаги айвонли қабрлар Қуйи Волга<sup>3</sup> ва Жанубий Ўрол<sup>4</sup> даштларида кенг тарқалган.

Ўрта Осиёда ўрганилган айвонли қабрлар милодий II–IV асрларга тегишли бўлиб, уларнинг айвонлари одатда турли хил тошлар билан тўлдирилган. Лавандак кўрғонларида эса лаҳадга кириш тешиги дастлаб, қамиш билан ёпилган. Айвон ва лаҳад полига ҳам қамиш бўйра тўшалган, унинг усти эса шағал аралаш ок гипс қопланган. Бу Лавандак қабристони учун характерли бўлиб, Ўрта Осиёнинг қолган айвонли қабрларда лаҳадга плита ётқизиблиб, унинг устига бўйрага ўралган мурда ётқизилган.

Лавандак ва Ўрта Осиёнинг шу даврга оид бошқа катакомба қабрларида лаҳад дромосга писбатан перпендикуляр тузилишга эга. Бу ҳолат Тошкент воҳаси Қовунчи қабрлари учун характерлидир. Лавандак қабристонининг айвонли қабрлардан чархда ясалган кубоклар (қадахлар), бўрти ташқарига қайрилган конуссимон косалар, бир қулокли кўзалар, қорни кенг бўғзи тор флягалар топилган. Катакомбали қабрлардан эса хум ва хумча парчалари, чилимдон, кружкалар топилган. Скелетлар боши билан жанубга, жануби-шарққа қаратиб кўмилган. Сопол идишлар скелетнинг оёқ томонига ёки бош томонига кўйилган. Қабрларнинг кўпчилиги эркакларга тегишли бўлиб, улардан уч парракли темир пайконлар, уч ташқарига қайрилган бир тўғли темир пичоқлар, темир ханжар ва қиличлар, те-

<sup>1</sup> *Обельченко О.В.* Лавандакский могильник. С. 103–176.

<sup>2</sup> *Аскарлов А.* Сапаллитепа. Т.: 1973. С. 42–70. Его же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т.: 1977. С. 38–63.

<sup>3</sup> *Синицин И.В.* Археологические раскопки на территории Нижнего Поволжья. Ученые записки СГУ, т. XVII. Саратов, 1947. С. 12.

<sup>4</sup> *Сальников К.Ф.* Древнейшие памятники истории Урала. Свердловск, 1952. С. 95.



мир тўқалар ва чилим кулдонлари, аёл қабрларидан кумуш узук ва сирғалар, бош кийимга осилган қўнғироқсимон безаклар, одам сиймоси туширилган тумор-медальон ва бошқалар топилган. Лавандак қабристонининг кўрғон № 6 қабридан топилган олтин медальонга аёл сурати туширилган. У 1886 йилда Тобол губернаси-дан топилган кумуш медальонни эслатади. Атрофи патларга ўралган бу аёл—илоҳ овчи ёки суворий аскар ҳомийсининг рамзидир. Медальон скелетнинг кўкрак қисмида жойлашган. Илоҳ қиёфаси медальонда тўлиқ, мукамал тасвирланган. Бу Деметрий тангаларидаги Артемида суратини эслатади. Деметрий тангалари эса мил. авв. II асрнинг учинчи чорагига тегишлидир<sup>1</sup>. Бухоро кашкушонлари ўз даврида Деметрий тангаларига таклид қилиб, тангалар зарб этганларидек, Артемида сиймоси туширилган бу қадимги медальон Бухоро Суғдида чорвадор қабилалар орасида авлоддан-авлодга ўтиб келган ўлжа сифатида унинг эгаси қабрида макон топган бўлиши, эҳтимолга яқиндир.

Демак, Лавандак қабристони Куйимозор қабристони каби айвонли лаҳад ва катакомба қурилмаларидан иборат бўлиб, муаллиф уларни Жанубий Ўрол ва Куйи Волга бўйи даштларининг скиф-сармат қабилалари билан генетик боғлиқлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Аммо, муаллиф сармат қабилаларининг Бухоро Суғдига кириб келишини мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмида юечжиларнинг Ўрта Осиё ички вилоятларига кириб келиши билан боғлайди<sup>3</sup>. Аммо, сарматлар Ўрта Осиё ҳудудларига унғача, юечжилардан аввалроқ, куйи Сирдарё орқали Арис ва Тошкент воҳасига кириб келиб, Қовунчи маданиятини таркиб топишида фаол қатнашган эдилар. Юечжилар эса Шаркий Туркистондан Ўрта Осиё ҳудудларига Қадимги Фарғона, Жиззах, Самарканд ва Қашқадарё орқали Жанубий Ўзбекистон ҳудудларига ўтиб кетдилар ва мил. авв. I милодий аср бошларида Қадимги Бактрия ҳудудларида Кушонлар империясига асос соладилар.

Қовунчи маданиятининг таъсири айниқса, Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий ҳудудларида яққол кўзга ташланади. Бу ҳудудда ўтган асрнинг 50-йил ўрталарида академик Я.Ф.Фулумов бошчилигида Мохандарё экспедицияси кенг камровли археологик изланишлар олиб борди. Экспедиция таркибида В.А.Нильсен гуруҳи Қизилқир тепалигида археологик қазилмалар ўтказди. Тепалик устида кумлар орасида дағал, қалин деворли хум парчалари, хумча ва кўзалар қалашиб ётади. Кўза ва хумчалар усти тарам-тарам қора ва қизғиш қорамтир оқизма ранглар билан қопланган эди. Улар орасида сон-сапоксиз айлана, шарсимон хурмачалар кўч учрайди. Аммо, улар орасида кушонлар даври керамикаси ёки VI–VII асрларга тегишли керамика комплекслари йўқ эди. Қизилқир тепалигида 1953 йили Я.Ф. Фулумов кичикроқ майдонда қазилмалар олиб бориб, кенглиги 3 метрли коридор очган ва уни «отхона» деб атаган. Тепалик марказий қисмида квадрат

<sup>1</sup> Тревер К.В. Памятники греко-бакрийского искусства. Москва–Ленинград, 1940. С. 63–64.

<sup>2</sup> Обельченко О.В. Куйимазарский могильник. С. 225. Его же. Лявандакский могильник. ИМКУ, вып. II. Т.: 1960. С. 163; Его же. Курганные погребения первых веков н.э. и кенотафы Куйи-Мазарского могильника. Тр. САГУ, вып. CXI. Археологии Средней Азии, IV, Т.: 1957. С. 1–9.

<sup>3</sup> Обельченко О.В. Лявандакский могильник. С. 173–176.

шаклида катта ҳовли очилган. 1955 йилда В.А. Нильсен гуруҳи Я.Ғ. Ғуломов қазиишмаларини давом эттириб, Қизилқирнинг марказий қисмини тўлик очади ва стратиграфик кузатувларга асосланган ҳолда объект аниқ иккита қурилиш босқичларига бўлиниши аниқланади<sup>1</sup>. Марказий катта зал атрофи коридорсимон хоналар билан ўралган бўлиб, деворлари қалин пахсадан тикланган. Бир пахса устига квадрат хом ғишт терилиб, устидан яна пахса босилган. Деворлар баландлиги 3 м. гача сақланган. Буларнинг барчаси биринчи қурилиш босқичига тегишли бўлиб, Қизилқир-2 хоналари марказий бинонинг жанубида қад кўтарган. Улар ҳам бир неча хоналардан иборат бўлиб, улар орасида майдопи катгарок, унинг ғарбий, шимолий ва шарқий деворлари бўйлаб супа жойлашган. Хона марказида узоқ ёниб турган олов излари бор. Бу хона олов култига топиниш хонаси бўлган кўринади.

Археологик комплекслар хона поллари устида аралашган ҳолда учрайди. Улар чархсиз қўлда ясалган хумлар ва хумчалар, кўза ва хурмачалар, коса ва чилимдонлар кўп бўлиб, хоналардан тош ёрғучоқлар, керамика урчуқтошлар ҳам топилган. Хум ва хумчалар, кўзалар сиртида оч қизил ангоб устидан окизма рангли нақшлар билан қопланган. Қизилқир сопол комплекси орасида шарсимон суворий флягалари, сопол чилимдонлар, жўмракли ва бир кулоқли чойнақлар, баланд яхлит оёқли чироқдонлар, иккита шохдор кўчқор бошли чироқдон, қўй тумшукли сопол қозон курси, қайирма шохли қўй кулоқли кўзалар учратилади. Археологик комплексида икки илон тасвири туширилган бронза тумор ва қиличнинг суякдан ишланган қини ҳам топилган.

Буларнинг барчаси Қовунчи маданиятига тегишли энг муҳим белгилар бўлиб, керамика комплексининг бу жиҳатлари Ғарбий Бухоро даштларининг чегара туманларида ўтроқ ҳаёт тарзига мослашган туркий уруғ жамоаларининг «Қизилқир маданияти»дан далолат беради<sup>2</sup>.

1972–1975 йилларда Р.Х. Сулаймонов раҳбарлигида Бухоронинг шимоли-ғарбий чўлга чегарадош ҳудудда Сеталак–I диний комплекси ўрганилган<sup>3</sup>. Унинг меъморий қурилиш марказини Жетиасар ва Шоштена ёдгорликларига хос монументал бино ташкил этади. Бино уч қурилиш босқичидан иборат бўлиб, унинг биринчи ва иккинчи қурилиш босқичида хочсимон меъморий режа ёдгорлик асосини ташкил этган.

Учинчи босқичда бинонинг хочсимон меъморий режаси тубдан ўзгаради. Кулът характеридаги бино хоналари хом ғиштлар ва уларнинг парчалари билан тўлдирилиб, унинг майдони текисланади ва унинг ўрнида кенг майдонли квадрат платформа таркиб топади. Платформа юзасига қурилган хоналар бузилиб кетган, уларнинг қолдиқлари бўйича қандайдир режа асосидаги хона ва коридорларни тасаввур этиш кийин. Эҳтимол, платформа устки юзаси мангу олов – бош оташ-

<sup>1</sup> Нильсен В.А. Кызыл-кыр (Результаты раскопок 1955 г.) ИМКУ, вып. 1. Т.: 1959. С. 60–78.

<sup>2</sup> Ураков Б. Культура Бухарского оазиса второй половины I тыс. до н.э. и первой половины I тыс. н.э. Автореф. канд. дисс. Москва, 1982. С. 14–19.

<sup>3</sup> Ураков Б. Культура древнебухарского оазиса III–VI вв. н.э. Т.: 1983. С. 66–110.

када майдони бўлгандир. Ёки бўлмаса, платформа марказий қисмида тўрт минорали монументал бино қад кўтарган бўлиши ҳам мумкин. Умуман олганда, Сеталак–1 комплексининг учинчи қурилиш даври хоналари ўзларининг оддийлиги билан характерланади.

Сеталак–1 маданий қатламлари ёдгорликнинг культ характерига кўра, кулга бой, хайвон суяклари ва сопол парчалари кўп. Сопол синиқлари асосан хайвон қиёфасида ишланган қозон тагкурсилари, хумлар, бир томони текис флягалар, хумчалар, бир қулоқли кўза ва хурмачалар, конуссимон косалар, сопол чилимдонлар, товалар ва сопол урчуктошларидан иборат. Уларнинг деярли катта қисми кўлда ясалган. Шу билан бирга улар орасида кулолчилик чархида ишланган хум ва кўзалар, конуссимон косалар, шарсимон суворий флягалари, хумчалар, юпка деворли косалар ва конуссимон қопқоқлар учрайди.

Сеталак–1 комплекси кўп жиҳатдан Қизилқир материалларига ўхшайди. Унинг хоч типигаги меъморий комплекси Қовунчи маданияти култи билан бир этнотарихий илдизга эга. Уларнинг даврий санасини III–V асрлар билан белгилаш мумкин.

Қадимги Суғдиёнанинг жанубий худудлари Қарши воҳаси бўлиб, айниқса унинг шарқий худудлари ўтган асрнинг 60- йиллардан бошлаб оммавий равишда янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ қурилиши майдонига айланиши муносабати билан археологик изланишлар бошланади. Шу муносабат билан бу минтақада С.К.Кабанов бошчилигида кенг кўламли археологик тадқиқотлар олиб борилди. Натижада, 100 га яқин қадимги шаҳарлар, шаҳармонанд қишлоқлар ва майда мулк эгаларининг кўрғонлари очиб ўрганилди<sup>1</sup>.

Ёдгорликларда олиб борилган археологик изланишлар туфайли воҳанинг тарихий топографияси ва оммавий равишда ўзлаштириш даври аниқланди. Воҳада Ерқўрғон, Шуликтепа, Қалаи Заҳҳоки Марон, Мўдинтепа каби ёдгорликлар милодгача шаклланган қадимги аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, уларнинг қуйи қатламларида қадимги шарқ маданиятига хос иқтисодий-хўжалик ва этномаданий анъаналар кўзга ташланади. Бу давр моддий маданияти кўп жиҳатдан юксак даражада ривожланган нафис, хушбичим ва жарангдор кулолчилик маҳсулотига бой, сифат кўрсаткичи юқори бўлган. Бу юксаклик милодий III асрдан бошлаб, ўзининг аввалги сифатини йўқотади. Бу кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда яққол кўзга ташланади. Демак, милодий III асрдан бошлаб, воҳа хаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлайди. Бу ўзгаришлар археологик ёдгорликлар мисолида уч хронологик боскичларга бўлиб ўрганилган<sup>2</sup>. Биринчи боскичда Қарши воҳасига оммавий равишда янги этник гуруҳлар кириб келади. Уларнинг моддий маданият излари Пирмаматтепа, Қўштепа–2, Негузтепа, Каджартепа ва Дагайтепанинг қуйи қатламлари, Мўдинтепанинг ўрта қатламларида топилган.

<sup>1</sup> Кабанов С.К. Нахшаб на рубеже древности и раннего средневековья (III–VII вв.). Т.: 1977. С. 4–135.

<sup>2</sup> Кабанов С.К. Там же. С. 90–97.

Бу ёдгорликларда деҳқонзодалар қасри кўзга ташланмайди, уларда унча баланд бўлмаган тепалик сифатида кашоварзларнинг ҳовли-жойлари ажралиб туради.

Аммо, кулолчилик маҳсулотлари дағаллашади, идишлар девори қалин, қўлда ясалган Қовунчи маданиятига хос сопол қозонлар, хум ва хумчалар, зооморф ручкали сопол чилимдон ва пилта чироқдонлар пайдо бўлади. Кулолчилик чархида ишланган идишлар таркибида ҳам ўзгаришлар юз берди. Кундалик ҳаётда кенг қўлланиб келинган нафис кадаҳчалар мутлақо йўқолади, улар ўрнига дастали кружкалар пайдо бўлади. Сопол сиртини кизил ва қора охра ёрдамида пардозлаш йўқолади. Қадимги керамика комплексида учрамайдиган, Қовунчи маданиятига хос юпка деворли кўза ва хурмачалар пайдо бўлади.

Уй-жой қурилишида тўғритўртбурчакли хом ғиштлар ишлатила бошлайди. Илк бор қўл тегирмони (жернова) пайдо бўлади. Бу ҳолатлар хунармандчиликнинг сифатини пасайишига таъсир этса-да, аммо ишлаб чиқаришни юксаклик даражасига салбий таъсир этмайди. Аксинча, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ривожининг янги даражага кўтарилишида прогрессив роль ўйнайди. Жанубий Суғд жамиятининг бу юксалиш даври милодий III–V асрлар билан белгиланади.

Қарши воҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг иккинчи босқичида (V–VI асрлар) янада олға силжишлар юз беради. Бу ўзгаришлар минтақада туркий этник қатламнинг тобора қалинлашиб бориши билан боғлиқ бўлиб, бу археологик объектларнинг типологик характерида ҳам ўз аксини топган. Бу даврда Қарши воҳасида икки ярусли турар-жой массивлари кенг қўламда қад кўтаради. Бундай топографик кўринишдаги тепаларнинг баланд қисми мулкдор деҳқонзодаларнинг икки қаватли қилиб қурилган маҳобатли қаср харобаларини ўрни бўлса, унга бир томондан қадалиб таркиб топган кенг очик майдон эса, энгил девор-ғовлар билан ўралган ҳайвон кўралари вазифасини ўтаган. Уларнинг майдонида ўта юмшоқ гумусли қалин тупроқ қатламлари ҳосил бўлган бўлиб, ҳақиқатда улар ҳайвон кўралари вазифасини ўтаганлигидан далолат беради.

Археологик изланишлар кузатувларига кўра, бундай таркибли турар-жой массивлари, маҳаллий суғдий аҳоли таъсирида жадал ўтроклашиб бораётган Қовунчи маданияти қабилаларга хос шаҳарлар бўлган. Бундай типдаги қатта мулк эгаларининг қасрлари антик даврининг йирик шаҳарлари ташқарисида, V–VI асрларда деҳқонзодаларнинг ер-мулкида пайдо бўлган майда шаҳарлар типини ташкил этади. Улар атрофи мудофаа деворлари билан ўралиб, улар доирасида секин-аста кадиварларининг (ижарачи қўшчиларнинг) турар-жой массивлари пайдо бўлади ва улар илк ўрта асрлар даврининг майда шаҳарларига айланиб боради.

Қарши воҳасида ўрганилган бу давр шаҳарларини Шўртепа, Чауқайтепа, Кичик Қизтепа<sup>1</sup> ва бошқа археологик объектлар мисолида кўриш мумкин. Бу тепаларнинг гумусга бой тупрогидан яқингача атроф кишлоқ деҳқонлари экинга ўғит сифатида фойдаланиб келишган<sup>2</sup>. Бундай типдаги шаҳарларнинг пайдо бўлиши

<sup>1</sup> *Кабанов С.К.* Нахшаб на рубеже древности и средневековья (III–VII вв.). Т.: 1977. С. 92. Его же. Руины поселения III–V вв. В долине Кашкадарьи. ИМКУ вып. VI. Т.: 1965. С. 71–86.

<sup>2</sup> *Кабанов С.К.* Там же. С. 91–92.

фақат Қарши воҳасига хос бўлмай, балки илк ўрта асрларда бутун Ўрта Осиёда кенг тарқалган янги шаҳарлар типини ташкил этади. Албатта, бу тарихий жараён минтақада туркий руҳиятнинг устуллашиб бораётганлигидан далолат берар эди.

Бу давр кулолчилигига тегишли сополларнинг маълум қисми типи ва таркибига кўра, қадимги суғд кулолчилиги анъаналарига бориб тақалмайди, аксинча улар кўпроқ Қовунчи маданияти кулолчилигини эслатади. Масалан, сопол чилимдонларнинг ёпиштирама пистон гулли нақшлари Кўштепа-2 ёдгорлигининг маҳаллий суғдий чилимдон гулларига нисбатан дағал ва соддалиги билан фарк қилади. Кўл чархида ясалган қорни кенг ва бўғзи тор бир ручкали кўзалар, жўмракли хумчалар, қалин деворли сопол қозон ва иссиққа чидамли товалар яшаш давом этади.

Қарши воҳаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг учинчи босқичида (VI–VII асрлар) шаҳарсозликда икки ярусли қасрлар қуриш амалиётида давом этади.

Янги пайдо бўлган шаҳарлар орасида Култепа каби қасри мустаҳкам ва маҳобатли, иккинчи яруси кенг ва қалин деворлар билан ўралган аҳоли манзиллари қад кўтаради. Шунингдек, ҳудудий майдони қайта қурилган Ойтуғди ва Пишактепа каби қадимий шаҳарлар ҳам ривожланишда давом этади. Аммо, айлана шаклида таркиб топган алоҳида катта патриархал оила кўрғонлари камайиб, бундай типдаги аҳоли манзиллари жуда оз қолади. Бунга Кичиктепани мисол қилиш мумкин.

Бу давр моддий маданиятнинг асосини темирдан ишланган меҳнат қуроллари ва мисдан ишланган кундалик турмуш буюмлари ташкил этади. Кулолчилик маҳсулотларининг таркиби ўзгаради, косасимон қадахлар, юпка деворли кўзачалар, ёпиштирама нақшли идишлар йўқолиб, оғзи кенг ним косалар, қорни чиққан хумчалар ва обдастасифат хушбичим кўзачалар кўпаяди. Бундай керамика комплекси Каджартепанинг ўрта қатламларига хос бўлса, бунинг аксини воҳанинг бошқа бир ёдгорлиги – Култепада кузатиш мумкин. Демак, илк ўрта асрлар даврининг VI–VII асрларида кулолчиликда икки йўналиш, икки мактаб анъаналарини кузатиш мумкин. Агар, Каджартепада воҳанинг туб жойли қадимий ўтрок аҳолисига хос ривожланиш кузатилса, Кўштепада туркийгўй чорвадорлар, яъни уларнинг ўтрок ҳаётга ўтиш ҳолати кузатилади<sup>1</sup>.

Археологик тадқиқотлар таҳлилига кўра, Қовунчи маданиятнинг таъсир доираси Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари – Сурхон водийсигача кириб борган (24-расм). Бу ҳақда археолог Т. Аннаев қаламига мансуб «Шимолий Тохаристоннинг илк ўрта асрлар керамикасини бир гуруҳи» ҳақидаги мақоласидан билиш мумкин. Т. Аннаев ўз мақоласида минтақада кенг тарқалган сопол кружкалар классификациясини берган<sup>2</sup>. Чизмада Қовунчи маданиятига хос бир кулокли ва кўшалок кулокли кружкаларнинг ёдгорликлар бўйича тарқалиш географиясини ишлаб чиққан. Кружкалар корпуси пиёласимон, қорни бўртиб чиққан, конусси-

<sup>1</sup> Кабанов С.К. Там же. С. 93.

<sup>2</sup> Аннаев Т. Дж. Об одной группе раннесредневековой керамики Северного Тохаристана. ИМКУ, XXI, Т.: 1987. С. 73.

мон, цилиндроконус, хурмачасимон шаклларда бўлиб, деярли уларнинг барчаси кулолчилик чархида ясалган. Улар бир ёки кўш кулокли бўлиб, бир кулоклилари Хосияттепа, Болаликтепа, Кулоклитепа, Ажинатепе, Заргартепе, Мунчоктепа, Далварзинтепада учратилган. Кўшкулукли кружкалар эса Кулоклитепа, Ойсари-тепа, Куёвқўрғон, Зартепада учратилган. Улар топилган маданий қатламлар милодий V асрнинг иккинчи ярми – VII асрга тегинли, деб топилган. Улар орасида дастаси зооморфли тўғри корпусли бўйдор кружкалар ҳам учрайди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган маълумотлардан маълумки, Қовунчи-II давридан бошлаб, Қовунчи маданияти ва унинг Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб тарқалиши археологик материалларда яхши кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, сўнгги антик ва илк ўрта асрларда туркий этник гуруҳларнинг бутун Ўрта Осиё ҳудудларида кенг ёйилиши ва антик ҳамда илк ўрта асрлар давомида ўзбек этногенезининг жадал кечишидан гувоҳлик беради.

### **IX. 8. Ўзбек халқи антропологик типни дастлаб таркиб топган макон ва унинг тарқалиш географияси**

Ҳар бир халқнинг таркиб топишидаги дастлабки зарурий этник омиллардан бири унинг археологик маданияти ва ана шу маданият таркиб топган ҳудудий бирлик, унинг доирасида шаклланган ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлиги, этномаданий ва тил бирлиги билан бирга, унинг аксарият аҳолисини антропологик тип бирлигидир. Унинг дастлаб таркиб топган макони ва замонини аниқлаш ўзбек этногенезининг зарурий омилларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудларида яшаб келаётган маҳаллий аҳолининг сиймосини ўрганиш уларнинг бош чапоғини биологик ва антропологик жиҳатдан тадқиқ қилиш билан боғлиқдир. Улар асосан 3 типни ташкил этади. Масалан, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлар асосан «Жанубий Сибир» типини ташкил этса, тоғли тожиклар ва туркманлар «Закаспий типини»га киради. Ҳозирги замон ўзбеклари ва воҳа тожиклари эса «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини»ни ташкил этадилар<sup>1</sup>.

Ана шу типлардан учинчиси ҳозирги замон ўзбекларига хос экан, бу тип Ўзбекистон ҳудудларининг қайси жойида, қачон таркиб топди?

Ўзбек ва тожикларга хос тип сифатида антрополог А.И.Ярхо «Помир-Фарғона» типини таклиф қилади<sup>2</sup>. Аммо, ҳозирги замон ўзбеклари антропологик тип жиҳатидан воҳа тожиклари билан бир бўлса-да, аммо, улар Помир тожикларидан фарқ қилар эди. Илмий ижодини Ўрта Осиё антропологиясини ўрганишга

<sup>1</sup> *Ошанин Л.В.* Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов. Части I–III. Ереван, 1957–1979; *Гинзбург В.В.* Основные вопросы палеоантропологии Средней Азии в связи с изучением этногенеза ее народов. КСИЭ, вып. 31, Москва–Ленинград, 1959; *Гинзбург В.В.* Теория происхождения расового типа Среднеазиатского междуречья. Тезисы докладов «Этнографических исследований за 1967 год». Ленинград, 1967; *Ошанин Л.В.* Этногенез народов Средней Азии в свете данных антропологии. СЭ, VI–VII. Москва, 1947.

<sup>2</sup> *Ярхо А.И.* О некоторых вопросах расового анализа. Антропологический журнал. 1934, № 3, С. 3–21.



1. Сополлитепа, Кичиктепа, Култепа
2. Жарқўтон 1, 2, 3, 4 а, б, в
3. Тиллабулок, Арабулок
4. Бўстон 1, 2, 3, 4, 5, 6
5. Мўлали макони
6. Мўлали қабристони
7. Сартепа (қуйи қатлам)
8. Олтинсой
9. Кангурттут
10. Тандирйўл
11. Саразм
12. Жом
13. Зарча Халифа
14. Афлотун
15. Ҳак

16. Теғузак
17. Дахана
18. Бараки-куруғ
19. Нурек
20. Қорапичок
21. Заркамар
22. Хўжа Ғойиб
23. Пархар
24. Тигровая балка
25. Ойқўл
26. Вахш 1
27. Жарқўл
28. Гелат
29. Гулистон
30. Обкух

**Ўрта Осиёда бронза даври ўтрок деҳқончилик маданияти  
ёдгорликларининг харитаси.**




1. Чуст (Фарғона водийсида Чуст маданиятига тегишли 80 та ёдгорликлар топилган. Улар 15 та микровоҳа деҳқончилик оазислардан иборат)

2. Ашқолтепа
3. Далварзинтепа
4. Ўш макони
5. Бурғулук маданияти
6. Афросиёб-1а
7. Кўктепа-1
8. Тўрткўлттепа-1
9. Янгитепа

10. Еркўрғон-1 а
11. Жаркўтон арк
12. Кучук-1
13. Жондавлаттепа қуий қатлами
14. Бандихон-1 қуий қатлами
15. Қизил-1
16. Қизилча-6
17. Бўйрачи-1,2
18. Миршоди
19. Қизилча 1, 2, 3 ва бошқалар
21. Бобиртепа қуий қатлами

Ўзбекистон ҳудудидаги Чуст маданияти типидagi ёдгорликларнинг харитаси.






- |                           |                      |                      |
|---------------------------|----------------------|----------------------|
| 1. Пшактепа               | 19. Гулдарё          | 37. Қангхақалъа      |
| 2. Кучук–II               | 20. Нишон            | 38. Буқантов         |
| 3. Талашкан               | 21. Шўробсой         | 39. Қўшқалъа         |
| 4. Жондавлат–II           | 22. Танхоздарё       | 40. Одайтепа         |
| 5. Бандихон 1, 2, 3, 4, 5 | 23. Қизилдарё        | 41. Тузқир           |
| 6. Қизил–II               | 24. Кўктепа–II       | 42. Ойбуйирқалъа     |
| 7. Қизилча 6              | 25. Лолазор          | 43. Дингилжа         |
| 8. Ҳайитободтепа          | 26. Афросиёб–I       | 44. Бозорқалъа       |
| 9. Поёнқўрғон             | 27. Қўрғонча         | 45. Жанубий Тегискен |
| 10. Қўрғонзол             | 28. Хўжабўстон       | 46. Уйгарак          |
| 11. Ромит                 | 29. Қозимонттепа     | 47. Эйлаган          |
| 12. Қалан-мир             | 30. Қалқон ота       | 48. Шўрабашот        |
| 13. Узунқир               | 31. Кўзалиқир        | 49. Мингтепа         |
| 14. Даратепа              | 32. Қалъалиқир       | 50. Симтепа          |
| 15. Сангиртепа            | 33. Қўйқирилганқалъа | 51. Пиллолттепа      |
| 16. Ерқўрғон–II           | 34. Ичанқалъа        | 52. Суфантепа        |
| 17. Тўрткўл–II            | 35. Ҳазорасп         | 53. Қорақўрғон       |
| 18. Қайроғоч              | 36. Хумбузтепа       |                      |

**Ўзбекистон ҳудудидаги илк темир даври ўтрок дехқончилик маданияти ёдгорликларининг харитаси.**



Шимолій Тегискен монументал мазор-қўрғонининг  
керамика мажмуаси.




- |   |                                 |  |                      |
|---|---------------------------------|--|----------------------|
| 1. Тешиккалга 1, 2  | 18. Сазагон 2                   | 37. Карамкўл                               | 58. Ойкўл            |
| 2. Ангка-бозор гурухи:<br>Ангка 1,2,3,4,5,6,7<br>Бозор 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10           | 19. Жом-галашерик               | 38. Арпа                                   | 59. Вахш 1           |
| 3. Жонбос-Кўкча гурухи:<br>Кўкча 3,12,15,16,19<br>Жонбос 30,33,34;<br>Байрам козгон 2 | 20. Чакка                       | 39. Япаги                                  | 60. Жаркўл           |
| 4. Кават 3,4,6,7  | 21. Сиёб                        | 40. Чек                                    | 61. Маконимор        |
| 5. Сарикамиш мақонлари  | 22. Сайгус                      | 41. Арсиф                                  | 62. Гелат            |
| 6. Ички Қизилқум мақонлари  | 23. Мўминобод                   | 42. Қошгарча                               | 63. Гулистон         |
| 7. Қуйи Сирдарё мақонлари   | 24. Дашти-казо                  | 43. Қайроққум мақон-<br>лари (60 та мақон) | 64. Обқуҳ            |
| 8. Замонбобо мақони   | 25. Чимбайлик                   | 44. Даҳана                                 | 65. Тандирйўл        |
| 9. Замонбобо  | 26. Юқори Чирчик                | 45. Тақир яғана                            | 66. Заркамар         |
| 10. Гужайли   | 27. Никифоров ерлари            | 46. Хўжа яғана                             | 67. Хўжа Ғойиб       |
| 11. Қизилқир 1  | 28. Чирчик соҳили               | 47. Ашт                                    | 69. Дангара          |
| 12. Гужайли 1,2,3,4   | 29. Тошкент канали              | 48. Жаркўтон                               | 70. Шарқий Помир     |
| 13. Кичик тузкон 1,2  | 30. Охангарон ўнг<br>соҳили     | 49. Бўстон                                 | 71. Октом            |
| 14. Катта тузкон 1,2,3,4  | 31. Вревский станци-<br>яси     | 50. Теғузак                                | 72. Суфан            |
| 15. Каптарникуми 1,2,3,4  | 32. Бурчмулла                   | 51. Даҳанин                                | 73. Қунгай           |
| 16. Пойкент 1,2,3,4   | 33. Бурчмулла мазор-<br>кўрғони | 52. Бараки-қуруғ                           | 74. Валик            |
| 17. Новкат  | 34. Эрташсой                    | 53. Қумсой                                 | 75. Ниёзботир        |
|   | 35. Сулаймонтов                 | 54. Туюн                                   | 76. Тулайкан         |
|   | 36. Водил                       | 55. Киров совхози                          | 77. Уйгарак          |
|   |                                 | 56. Тошғузар                               | 78. Жанубий Тегискен |
|   |                                 | 57. Тигровая балка                         | 79. Султон Увайс     |
|   |                                 |  | 80. Қалқонсой        |


**Бронза ва илк темир даври чорвадор қабилалар маданияти  
ёдгорликларининг харитаси.**




Ковунчи маданияти археологик мажмуаси.



Ковунчи маданияти керамикаси.



Илк ўрта асрлар даври этник сиймолари аке этган санъат намуналари.



Илк ўрта асрлар даври керамика мажмуаси (Суғдиёна).



Тегин (1-4), тудун (8) ва элтабар (5-7) титулли тангалар.








Жабғу, жабғу-хоқон ва хоқон унвонли тангалар.




Илк ўрта асрлар даври этник сиймолари акс этган деворий суратлар.



ХІ–ХІІ асрлар керамикаси (Фарғона водийси).



XI–XII асрлар керамикаси (Тошкент вилояти).



ХI–ХII асрлар керамикаси (Зарафшон водийси).



XVIII асрда Ўрта Осиё худудлари Uzbekia деб аталгани хақидаги сиёсий харита.

бағишлаган Л.В. Опанин, В.В. Гинзбург ва В.Я. Зезенковалар ўз тадқиқотларида ҳозирги замон ўзбеклари билан воҳа тожиклари бир типни ташкил этишларини илмий исботлаб, бу типни «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи», деб атадилар<sup>1</sup>. Бу тип нафақат Ўрта Осиё икки дарё оралиғида, балки жуда кенг ҳудудларга тарқалган. Унинг асоси долихокефал (бош чаноғи тухумсимон шаклда) бўлиб, бронза даврида Андроново қабилаларининг кенг ёйилиши муносабати билан (Андроново типи брахикефал, яъни думалоқ бош чанокли) Ўрта Осиё аҳолиси брахикефаллашиб борган<sup>2</sup>. Масала шундаки, долихокефал бош чанокли одамлар Ўзбекистон ҳудудининг энг қадимги аҳолиси бўлиб, уларнинг юзи узунчок, бодомқовок, ияги тор шаклда бўлган. Ўрта Осиёга бронза даврида кириб келган Андроново типи одамларининг эса бош чаноғи катта, юзи кенг бўлган. Уларнинг ҳар иккаласини қоришуvidан «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланганлиги антропологик сериялар асосида илмий исботланган. Аммо, «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг таркиб топиш замони ва макони масаласида мутахассис олимлар орасидаги баҳслар давом этарди.

Академик, антрополог олим В.П. Алексеев «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»ни таркиб топишини Жанубий Сибир бронза даври қабилалари билан боғлашни таклиф қилади. Аммо, жанубий Сибир даштларида бронза даври ёдгорликларидан топилган антропологик материаллар гарчи тиш жиҳатидан «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»га яқин популяция (генетик яқинлик) берса-да, аммо, Жанубий Сибирнинг илк темир ва антик даври краниологик серия материаллари таркиби ўзининг бронза даври қиёфасини сақлай олмаган эди. Чунки, Шимолий Хитой минтақаларидан Жанубий Сибирга кириб келган Карасук маданияти аҳолиси этник таркибида мўғул қиёфали элементлар кучли бўлиб, улар Жанубий Сибирнинг сўнгги бронза даври европеоид аҳолиси этник таркибини ўзгартириб юборади. Илк темир ва антик даврига келганда Жанубий Сибир ва Қозоғистон чўлларининг аҳолиси таркибида «Жанубий Сибир типи» хукмронлик қилар эди. Энди улар милoddан аввалги VI–V асрлардан бошлаб, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларига, унинг деҳқончилик воҳаларига чегара ҳудудларга кириб кела бошлайдилар. Улар дастлаб антик даврига келганда, тарихий манбаларда сарматлар, археологик материалларда «Прохоров маданияти» номи остида Сирдарёнинг ўрта хавзаларига, айниқса қадимги Тошкент воҳасига кириб келадилар.

Улар маҳаллий долихокефал бош чанокли аҳоли билан узоқ асрлар давомида иқтисодий-ҳўжалик ва этномаданий алоқалар қилсалар-да, аммо, маҳаллий аҳоли типи билан дарҳол араллашиб, қоришиб кетмаган эди, яъни «Ўрта Осиё икки

<sup>1</sup> Опанин Л.В. Данные к географическому распределению главнейших антропологических признаков населения Средней Азии и опыт выявления основных расовых типов Средней Азии. Тр. IV Всесоюзного съезда зоологов, анатомов и гистологов. Киев, 1931. С. 312–314; Опанин Л.В., Зезенкова В.Я. Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. Ташкент, 1953. С. 9–56; Гинзбург В.В. Теория происхождения расового типа Среднеазиатского междуречья. Тезисы докладов «Этнографических исследований за 1967 год». Ленинград, 1967.

<sup>2</sup> Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К. Историческая антропология. Узбеки. «Наука». Москва, 2011. С. 14.

дарё оралиғи типи» бронза даврида минтақанинг бирор вилояти доирасида ҳали таркиб топмаган, яъни ерли долихокефал бош чанокли тип сўнги бронза даврида бу замишга кириб келган думалоқ бошли протоевропеоидлар билан иқтисодий алоқада бўлсалар-да, қоришиб кетмаган, алоҳида яшашда давом этган. Тўғри, Шимолий Бактрия, яъни Жанубий Ўзбекистон ва Жануби-ғарбий Тожикистоннинг бронза даври ёдгорликларининг археологик комплексларида (Масалан, Жарқўтон, Бўстон, Тегузак каби ёдгорликларда) икки этноснинг қоришув излари яққол кўзга ташланади, бу излар айниқса сопол ва бронза меҳнат қуролларида ўз аксини топган. Аммо, бу ҳолат антропологик материалларда кузатилмайди.

Яқингача бир гуруҳ олимлар «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг таркиб топишини Ўрта Осиёда ғарбий Турк хоқонлигини ташкил топиши билан боғлашга уриниб келдилар. Чунки, бундай ғояни кўтарилишида А.Ю. Якубовскийнинг ўзбек этногенезини бошланиши Турк хоқонлигидан бошланади, деган ғояси асос бўлган эди.

Бирок, археологик тадқиқотлар кўламининг Ўрта Осиё ҳудудларида кенгайиб бориши ва шу билан боғлиқ янгидан-янги краниологик (одам бош суяклари) материаллар сериясининг кўпайиши, «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг келиб чиқиш илдизлари бундан қадимги эканлигидан далолат беради.

Антропологлар орасида узок давом этган баҳслардан сўнг, бу масала билан мунтазам шуғулланиш В.В. Гинзбургнинг шогирди антрополог Т.Қ. Хўжайов зиммасига тушди. У республика ҳудудларида иш олиб бораётган 30 дан ортиқ археологик отрядлар ишида бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлиб, 500 дан ортиқ краниологик серия материалларни кўлга киритди<sup>1</sup>. Улар ҳар хил археологик маданият ва уларнинг босқичларига тегишли бўлиб, уларнинг хронологик доираси неолит давридан то сўнги ўрта асрлар даврини қамраб олган эди. Тўпланган палеоантропологик материаллар нафақат Ўзбекистон вилоятларидан, ҳатто кўшни республика ҳудудларидан ҳам келтирилган эди. Ана шу антропологик материалларни чуқур ўрганиш туфайли «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»ни таркиб топиш даврини аниқлаш ва унинг дастлаб таркиб топган маконни белгилаш имконияти туғилди. Бу имкониятга йўл очган тарихий макон Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, унинг маркази – қадимги Тошкент воҳаси бўлиб чиқди<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, тўпланган материалларни комплекс илмий таҳлили, уларни ҳар бир маданий, хўжалик ва тарихий ўлкалар бўйича археологик комплекслар билан узвий боғлиқликда қиёсий ўрганиш туфайли «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг макон ва замонини аниқлашга эришилди. «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» антик даврда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида таркиб топ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг раҳбарияти ташаббуси ҳамда институт илмий жамоасининг бевосита кўмаги туфайли роса 20 йил давомида бу улкан краниологик серия материаллари тўпланган.

<sup>2</sup> Ходжайов Т.Қ. К палеоантропологии древнего Узбекистана. Т.: 1980. Его же. Палеоантропология Средней Азии и этногенетические проблемы. Рукопись докторской диссертации. Москва. 1981. С. 19, 37.



ганлиги аниқланди. Бу, биринчи навбатда, ўзбек халқи этногенезини ўрганишда буюк кашфиёт эди. Бу заминда антик даврда Қовунчи маданияти таркиб тошган бўлиб, унинг этник таркиби суғдий ва туркий тилли қабила ва элатлардан иборат бўлган. Уларнинг узоқ давом этган этномаданий қоришуви натижасида, милoddан аввалги III–милодий эранинг бошларида «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг жадал таркиб топиш даври бўлди. Махаллий суғдийлар антропологик тип жиҳатидан долихокефал бош чанокли аجدодларимиз бўлиб, улар асосан ўтрок, кўпрок суғорма дехқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланган. Мана шу типга брахикефал бош чанокли европеоид аҳоли келиб қўшилган.

Қовунчи маданияти Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, айнан Тошкент воҳасининг антик даври ўтрок ва чорвадор қабилалари учун характерлидир. Унинг марказий вилоятлари Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистоннинг Чордара сув омборига қадар бўлган ҳудудлар бўлиб, унинг таъсири Шарқда Еттисув ва Шимолий Фарғонагача, Ғарбда Бухоро воҳаси, Жанубда Қашқадарё ҳавзаларигача ёйилган. Археологлар унинг хронологик даврий санасини (милoddан аввалги III милодий VI асргача) аниқлаганлар. Қовунчи маданияти аҳолисининг қабрларини тузилиши айвонли лаҳад ва катакомба типига бўлиб, этномаданий ривожининг сўнгги босқичида мазор-кўрғонлар билан бирга оилавий хилхоналар (ноуслар) пайдо бўлади. Қадимги давр мазор-кўрғонлари Оҳангарон воҳасида, айниқса унинг юқори ҳавзалари районларида кўп бўлиб, уларни археологик жиҳатдан ўрганиш ўтган асрнинг 30-йилларидаюқ бошланиб кетган. Дастлабки қазилмалар Тўйтепада, Пискент ҳудудларида олиб борилди. Ўтган асрнинг 50-йилларида Туябўғиз, Мингтепа ноуслари ўрганилди. Бирок, уларни қазилма жараёнида олинган краниологик материаллар ўрганилмай йўқолган.

Сўнгги бронза ва илк темир даврига тегишли краниологик материаллар Тошкент воҳасида етарли эмас. У давр аҳолисини бу минтақадан топиб ўрганилган сўнгги бронза даври ёдгорликларига асосланиб, брахикефал европеоид ва долихокефал европеоидлар бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, милодий I асрга тегишли калла суяклар орасида долихокефал бош чанокли, брахикефал андронид ва мўғул қиёфали одамлар суяклари аралаш учрайди.

Антик даврга оид калла суяклар Бўзсув бўйлари; Ниёзбоши (Янгийўл) қабристонидан топилган. Улар сунъий деформация қилинган брахикефал бош чаноклардан иборат. Умуман олганда, Тошкент воҳасининг ҳам ўтрок, ҳам чорвалдор аҳолиси орасида турли тип вакиллари учрайди. Айниқса, воҳанинг чорвалдор аҳолиси суяклари Қозоғистон чўлларининг сак ва усун қабилалари серияларига ва Бухоро воҳаси брахикефал европеоидлари билан кўпроқ ўхшашликка эга.

Ўтган асрнинг 70-йилларида «Тошкент денгизи» теварак-атрофидан Қовунчи маданиятига тегишли йирик қабристон очиб ўрганилди. Краниологик материаллар милодий I–II асрларга оиддир<sup>1</sup>. Бош суяклардаги ирқий белгилар брахикефал

<sup>1</sup> Буряков Ю. Ф., Алимов К., Бурякова Э. Ю. Исследования в зоне Туябугузского водохранилища. С. 45–65.

европеоид бўлиб, уларда мўғул иркига хос белгилар ҳам бор. Милодий I–II асрларга тегишли 30 дан ортик қабрлар Қавардон қабристониди очилди. Уларнинг барчаси европеоид – монголоидга хос ирқий белгилар билан характерланади. Қавардонда эркакларга нисбатан аёлларда европеоид типга хос белгилар кучли. Тошкент воҳасига мўғул қиёфали типнинг кириб келиши тахминан милодий I асрдан кучайган кўринади.

1977 йилда қадимги Тункет шаҳар харобалари яқинидан милодий I асрларга тегишли Кулота қабристони ўрганилган. Унинг краниологик серияси брахикефал бош чанокли, калланинг орқа қисми эзилган, суякларда мўғул ирқи белгилар кучли. Бош суяклар орасида битта долихокефал европеоид учрайди. Кулота краниологик сериясида ўтроқ ҳаётга ўтаётган брахикефал европеоидлар кузатилади. Бундай сериялар Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти аҳолисига хос характерли тип бўлиб, бу тип Туябўғиз, Хонтепа, Янгийўл, Вревск, Қавардон краниологик материалларида ҳам яхши кузатилади. Ўрта Осиёда мўғул қиёфали ирқий белгиларнинг бошланиши илк темир давридан бошланган бўлса, унинг аниқ кўриниши Қовунчи маданияти аҳолисида яққол кўзга ташланади.

Шундай қилиб, антик даврга келганда Тошкент воҳасида илк бор ҳозирги замон ўзбекларига хос антропологик тип – «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» Қовунчи маданияти аҳолиси мисолида узил-кесил шаклланади. Қовунчи маданиятининг таъсир доираси нафақат маданий, балки антропологик тип жиҳатдан ҳам қўшни Фарғона водийсига, айниқса унинг шимолий минтақаларига кучли таъсир қилганлиги, эҳтимолдан узоқ эмас.

Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг йирик суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган минтақаларидан бири бўлиб, қадимда турли хил хўжалик юритувчи этносларнинг ўзаро алоқа майдони бўлган. Милоддан аввалги II асргача ёзма манбалар водий ҳақида деярли маълумотлар бермайди. Аммо, милоддан аввалги II асрдан бошлаб, Қадимги Фарғонани Қанкия (Қанг) давлати билан иқтисодий ва сиёсий ҳамда этномаданий алоқалари ривожланиб кетганлиги ҳақида Хитой ёзма манбалари маълумотлар қолдирган.

Археологик тадқиқот натижаларига кўра, Қадимги Фарғонанинг шарқий ва шимолий минтақалари (Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудуди), яъни Қора дарё ҳавзаси ва тоғ сойлари этакларида бронза ва илк темир даврида деҳқончилик маданияти (Чуст маданияти) ривожланганлиги, унинг жанубий ва ғарбий қисмининг адирлик минтақаларида асосан чорвадор аҳоли яшаганлигидан далолат беради. Аммо, милоддан аввалги IV асрдан бошлаб, Қадимги Фарғонанинг жануби-ғарбида ҳам суғорма деҳқончилик хўжаликлари таркиб топа бошлади. Антик даврида бутун водий бўйлаб, воҳаларда деҳқончилик, тоғолди ва адирлик минтақаларда ярим кўчманчи чорвачилик тараққий этади. Шу муносабат билан водий ўтроқ аҳолисининг аксарият кўпчилиги долихокефал европеоид бўлса, дашт аҳолисининг этник таркиби турлича эди.

Масалан, милоддан аввалги V–III асрларга тегишли Оқтом қабристонидан топилган калла суяклари асосан маҳаллий мезо-брахикран европеоид аҳоли

бўлиб, улар бронза даврининг долихо-мезокран қабидаларнинг авлодлари эди. Улар Андроново маданияти аҳолиси таъсирида брахикефаллашган. Ўзган тева-рак-атрофи аҳолиси эса (мил. авв. III–I асрлар) мўғулий иркий белгили европеоидлар бўлиб, улар билан бир типли аҳоли эрамизнинг бошларида Еттисув ва Тангритоғда кенг тарқалган. Ғарбий Фарғонанинг милодий II–IV асрларига тегишли Ширинсой қабристонини аралаш краниологик материал берди. Унинг таркибида Хуросон, Ўрол-Олтой ва европеоид дравидоидлар аралашиб кетган. Хўжанд яқинидаги Қайрағоч қабристонидан топилган суяклар эса «Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи»ни эслатади. Исфара атрофидан 6 та қабристон мўғулий белгиларсиз соф «Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи»ни берган. Милодий I–III асрларга тегишли Куvasой аҳолиси маҳаллий ўтрок аҳолининг долихокефал ва брахикефал бош чаноклардан ташкил топган европеоид типини берди. Шимолий Фарғона чорвадор аҳолиси таркиби (антик давр) мўғулий қўшилмали европеоидлар бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, Қадимги Фарғонанинг асосий аҳолиси «Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи»нинг мезо-брахикран европеоид варианты билан характерланади. Аҳолининг таркибида долихокефал бош чанокли «Ўрта Ер денгизи типи» ва «Жанубий Сибир типи» вакиллари ҳам учрайди. Европеоид типлар қисман мўғулий иркий белгилардан ҳам холи эмас. Қадимги Фарғонанинг краниологик материаллар таҳлилига қараганда, Европеоид иркий белгилар водийнинг ғарбий худудлари аҳолисида кучли, жануби-шарқий Фарғона худудларида эса европеоид тип орасида қисман мўғулий башара одамлар ҳам учрайди. Шимолий Фарғона худудларида европеоид аҳоли орасида мўғулий иркий белгилар водийнинг бошқа минтақаларига қараганда анча кучли эканлиги кузатилади<sup>1</sup>.

Т.Қ. Хўжайовнинг таъкидлашича, «Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи»нинг таркиб топиш жараёни хронологик жиҳатдан милoddан аввалги VI асрдан то милодий V асргача давом этган. Худди шу даврга оид Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан (34 та археологик ёдгорликларидан) янги краниологик сериялар олиниб, таҳлил қилинган ва ҳар бир вилоят материалларининг ўзига хос хусусиятлари, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари билан шугулланувчи аҳолига хос иркий белгилар, уларнинг антропологик типлари таҳлил қилинган.

Жанубий Орол бўйининг қадимий аҳолиси неолит давридан (Қалтаминор маданияти) европеоид бўлиб, маҳаллий ирк белгиларини ўзида мужассамлаштирган, яъни долихокефал бош чаноклидир. Бу минтақага бронза даврида маҳаллий Сувёрган маданиятидан қисман фарқ қилувчи этнос вакиллари кириб келадилар. Улар С.П. Толстов томонидан Тозабоғёб маданияти аталиб, унга тегишли Кўкча–3 қабристонидан олинган антропологик сериянинг қиёфаси европеоид (андроноид) бўлиб, уларнинг бош чаноғи брахикефал шаклида бўлган. Кўкча–3 одамлари икки хил бош чанокга эга. Биринчиси, ўзларининг иркий хусусиятлари бўйича

<sup>1</sup> Ходжайов Т.Қ., Ходжайова Г.К. Историческая антропология. Узбеки. «Наука». Москва. 2011. С. 14–18.

Қуйи Волга, Қозоғистон, Олтой ва Минусинск пасттекислиги даштлари бронза даври аҳолисига яқин турса, иккинчи гуруҳ одамлар ўз ирқий белгиларига кўра, Калтаминор маданияти аҳолисининг авлодларига ўхшаб кетади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам европеоид иркининг турли типларини ташкил этади<sup>1</sup>.

Илк темир даври Жанубий Орол бўйи аҳолиси таркибида бронза даврига хос ирқий белгилар сақланади. Бироқ, баъзи бир калла суякларида икки хил ирқ вакилларининг бир индивидуумда мужассамлашган вариантлари ҳам учрай бошлайди. Аммо, маҳаллий анъанавий ирқ белгилари ҳали кучли эди. Қадимги Хоразмда милоддан аввалги V–IV асрларга оид антропологик серия Султон Увайс мозор-кўрғонларидан топилган. Археологларнинг айтишича, улар чорвадор қабилаларига тегишлидир. Бу ерга кўмилган одамлар ўзбекларга хос брахикефал европеоид тип билан характерланади<sup>2</sup>. Аммо, дафиналар орасида бир аёл борки, у бошқалардан тубдан фарқ қилиб, мўғул башара – Жанубий Сибир типини эслатади. Эҳтимол, у асирадир ёки қадимги хоразмликларга келин бўлиб тушгандир. Шу даврга оид Устюртдан топилган антропологик серияларда Андроново типидан (брахикефал европеоид типидан) «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типига» ўтиш ҳолати кузатилади. Булар орасида (жануби-шарқий Орол бўйида) бир гуруҳ материаллар ҳам борки, улар орасида монголоид қоришманинг хиссаси каттароқ.

Қадимги Хоразмнинг Сарикамиш дельтаси атрофи аҳолиси антик даврда асосан европеоид бўлиб, улар орасида ҳам қисман Жанубий Сибир типига хос одамлар учрайди. Демак, милодий эранинг бошларидан жанубий ва жануби-шарқий Орол бўйларида мўғул башара одамлар хиссаси кўпая боради. Жетиасар маданиятига тегишли «Олтин асар» шаҳар харобалари атрофида бир неча мозор-кўрғонлар ўрганилган бўлиб, Қуйи Сирдарё аҳолиси аралаш, антропологик типнинг асосини маҳаллий европеоид узун бошли қабилалар ташкил қилса, улар орасида Хоразм воҳасига ҳунлар билан бирга кириб келган «Жанубий Сибир типига» ҳам учрайди. Мўғул башара одамлар кўпроқ Қувондарё ҳавзасига жойлашган. Қалъалиқир шаҳар қабристонини антропологик сериясининг аксарият кўпчилигини Закаспий типигаги европеоид одамлар ташкил қилади.

Жанубий Орол бўйи аҳолисининг ирқий таркиби ривожланишининг кейинги икки мингйиллик тарихи Миздахқан қабристонини материаллари асосида кузатилади. Бу ердан топилган краниологик материаллар таҳлилига кўра, эрамизнинг биринчи мингйиллигида Жанубий Орол бўйи аҳолиси асосан европеоид бўлиб, улар орасида «Закаспий типига» кўпроқ қисмини ташкил қилган. Милодий I мингйилликнинг иккинчи ярмида узун бошли аҳолининг брахикефаллашиш (думалок бошли бўла бориш) жараёни кузатилади. Шунинг натижасида I мингйилликнинг охири ва II мингйиллик бошларида Жанубий Орол бўйи ҳудудининг ҳамма қисмида асосий этник қатламни «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типига» таш-

<sup>1</sup> *Ходжайов Т.* Жанубий Орол бўйида яшаган қадимги халқлар. – Т.: 1978. 3–4-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 4-бет.

кил қила бошлайди. Лекин, қорипма сифатида Хоразм ўзбеклари таркибида узун бошли «Закаспий тип» аломатлари ҳозиргача сақланиб келмоқда<sup>1</sup>.

Маркази қадимги Тошкент воҳаси бўлган Қанғ давлати милодий эра бошларида ҳам мунтазам ривожланишда давом этади. Унинг бағрида таркиб топган Қовунчи маданияти, унинг антик давр аҳолисига хос «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип» нафақат Шарққа (Фарғона водийсига), Шимолий-Ғарбга (Қадимги Хоразмга), балки Суғдиёнага ҳам ўз таъсир доирасини кенгайтиради. Бу ҳақда Хитой ёзма манбаларида ҳам маълумотлар келтирилади.

Суғдиёна Ўрта Осиёнинг Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида таркиб топган тарихий-маданий цивилизация марказларидан бири бўлиб, тарихий манбаларда милоддан аввалги I мингйилликнинг биринчи ярмидан тилга олинади. Археологик изланишлар натижаларига кўра, бу минтақа аҳолиси қадимдан суғорма деҳқончилик, кўп тармоқли хунармандчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келадилар. Ёзма манбаларга қараганда ўлканинг ўтроқ аҳолиси эроний тилларнинг суғдий лаҳжасида сўзлашганлар.

Антропологик тип жиҳатдан унинг антик давр ўтроқ аҳолиси долихокефал европеоидлар бўлган. Аммо, Суғдиёнанинг қадимги чорвадор аҳолиси этник жиҳатдан ҳар хилдир. Чорвадор аҳолининг мозор-қўрғонлари асосан Марказий (Самарқанд) ва Ғарбий (Бухоро) Суғд даштларида кўпроқ ўрганилган. Масалан, милоддан аввалги V–III асрларга тегишли Қалқонсой мозор-қўрғонларидан топилган краниологик материаллар европеоид ва монголоид ирқларининг турли вариантларини ташкил этади<sup>2</sup>. Милоддан аввалги II–I асрларга оид Лавандак кабрисони эса европеоидлар типини беради. Чорвадор қабилаларнинг милодий эранинг бошларига тегишли Хазара ва Қизилтепа ёдгорликлари аралаш краниологик материал берди. Милодий III–IV асрларга оид Қизилқир мозорларидан «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип»нинг брахикефал бош суяклари ва мўғулий тип аралашмали «Шаркий Ўрта Ер денгизи тип» учратилади. Панжикент атрофидан, юқори Зарафшонда эса милодий I мингйилликнинг биринчи ярмига тегишли «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип»нинг брахикран европеоид варианты учратилади. Улар ўзларининг ирқий белгиларига кўра, «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип»нинг брахикефал европеоид вариантини ташкил қилар эди<sup>3</sup>.

Ҳозирги кунда Бухоро воҳасининг Конимех чўлларидан 800 дан ортиқ мозор-қўрғонлар топиб ўрганилган. Улар ёрма, лаҳадли, хумларга кўмилган гўрлар ва кремацияли мозорлардан иборат бўлиб, лаҳадли мозорлардан бирида Варахраннинг кумуш тангаси (милодий V асрнинг биринчи чораги) топилди. Хумларга солиб кўмилган мозорлардан милодий III–IV асрларга оид сопол идишлар учратилади. Уларнинг краниологик материаллари бир типли бўлмай, балки улар ора-

<sup>1</sup> *Ходжайов Т.* Жанубий Орол бўйида яшаган қадимги халқлар. – Т.: 1978. – 6-бет.

<sup>2</sup> *Зезенкова В.Я.* Некоторые краниологические данные курганов Калкансая. ИМКУ вып. VIII. Т.: 1969. С. 161–168.

<sup>3</sup> *Гинзбург В.В.* Антропологические материалы из окрестностей древнего Панджикента. МИА. Т.: 1958. С. 281–289.

сида маҳаллий сакларга хос долихокефал одамларининг Андроново типи билан қоришган брахикефал европеоидлар ва улардан таркиб топган «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» вакиллари ҳам учрайди.

Афросиёб қадимги шаҳар харобасидан топилган (милоддан аввалги V асрга оид) калла суяклари бор. Улар долихокефал европеоидлар бўлиб, уларнинг илдизлари бронза даврининг Замонбобо, Мўминобод, Чакка материалларига генетик жиҳатдан ўхшаб кетади. Милоддан аввалги III–II асрларга тегишли калла суяклар Ерқўрғондан, милодий II–IV асрларга тегишли калла суяклар Ургут худудидан топиб ўрганилган. Уларнинг хронологик сана оралиғи қатта бўлишига қарамай, улар брахикефаллашиш жараёнини секин-аста давом этаётганлигидан гувоҳлик беради. Милодий IV–V асрларга келиб, воҳа аҳолисининг аксарият кўпчилиги брахикефал европеоидлашган эди.

Суғдиёнада милоддан аввалги II–I асрларга тегишли бир гуруҳ бош суяклар борки, улар Шимолий Бактриянинг кушон уруғларига тегишли чорвадор аҳолисини эслатади. Юечжи қабилалари асосан брахикефал европеоидлар бўлиб, улар Бактрияга Суғдиёна орқали ўтганлиги туфайли уларнинг краниологик изларини Суғдда ҳам учраши бежиз эмас эди. Кушонлар даври Суғдиёнасининг ўтрок аҳолиси аввалгидек «Шарқий Ўрта Ер денгизи типи»да эди. Суғдиёнанинг маҳаллий чорвадор аҳолиси ҳам улардан фарқ қилмас эди. Аммо, Бухоро воҳаси чорвадор қабилалари (милоддан аввалги V–III асрлар) типиди мўғул башара ирқий белгилар худди шимоли-шарқий Орол бўйи аҳолисидагидек кучли эди. Шу ҳолат Орол бўйи усунларида, Тангритоғ, Етгисув аҳолисида ҳам кузатилади. Демак, Ўрта Осиёнинг ғарбий минтақалари орқали мўғул башара типларнинг Бухоро воҳасига кириб келиши юз берган<sup>1</sup>.

Қадимги Бактрия Амударёнинг юқори ва ўрта оқимида жойлашган вилоят, унинг худудлари ҳозирги шимолий Афғонистон, жануби-ғарбий Тожикистон ва жанубий Ўзбекистон худудига тўғри келади. Шимолда Суғдиёна билан, жануб ва Жануби-шарқда Арахосия ва Ганхара билан, ғарбда Марғиёна билан чегарадош. Бактрия Ўрта Осиёда қадимги деҳқончилик маданияти ва давлатчилик тизими эрта илдиз отган цивилизация марказларидан биридир. Иқтисодий-хўжалик ва табиий-географик жиҳатдан Бактрия иккига бўлинган: анъанавий суғорма деҳқончилик ва чорвадор қўчманчилик минтақаларидир. Улар ўртасидаги муносабатлар жамият ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланишини таъминлайди.

Антик даври Бактриясининг антропологияси яхши ўрганилмаган. Бир қадар яхши текширилган объектлар Бишкент воҳасининг чорвадор аҳолиси бўлиб, бу ерда иккита кабристондан 30 дан ортик калла суяклар ўрганилган.

Милоддан аввалги I ва милодий I–III асрларга тегишли антропологик материаллар Ҳисор худудининг Тупхона ёдгорлигидан топиб ўрганилди. Улар, асосан, Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг қисман мўғул аралаш европеоид типига тегиш-

<sup>1</sup> *Ходжайов Т.К.* К палеоантропологии древнего Узбекистана. Т.: 1980. С. 43–44.

ли бўлиб чиқди. Шу ҳудуддан топилган милодий I мингйилликнинг ўргаларига оид бир неча калла суяклар ҳам борки, уларнинг баъзи бирларида мўғулий иркий белгилар яхши кузатилади<sup>1</sup>.

Қушонлар даврининг ўтроқ аҳолисига тегишли антропологик материаллар Кофирниган дарёси яқинидаги Шохтепадан топиб ўрганилди. Шохтепа материалларининг антропологияси асосан европеоид типига тегишлидир. Аммо, улар орасида ҳам аралаш типлар учрайди. Умуман олганда, Шимолий Бактриянинг антик даври ўтроқ шаҳар аҳолиси Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ҳудудларига хос европеоид типи билан характерланади.

Шимолий Бактриянинг чорвадор аҳолисининг антропологияси анчагина яхши ўрганилган. Оруктов, Тулхар, Кўккум қабристонларидан олинган материаллар (мил. авв. II асрдан то милодий I аср) европеоидларнинг мезокран вариантыга тегишли. Юзлари кенг, ўртача узунчок, кирра бурун. Қисман мўғулий қиёфадаги одамлар ҳам учрайди. Умуман, Шимолий Бактрия чорвадорлари генетик жиҳатдан қуйи Волга, Сирдарё бўйи сақлари, Қозоғистон даштларининг аҳолисига ўхшаб кетади.

Антик даврга тегишли краниологик сериялар Айргом ва Далварзинтепадан, унинг ноусидан топилди. Улар икки хил антропологик тип берган. Биринчи маҳаллий ўтроқ аҳолига хос долихокран европеоидлар бўлса, иккинчи гуруҳ одам бошлари юечжи қабилаларига хос андронид белгиларга эга. Бундай антропологик тип Бишкент чорвадорларининг типини эслатади. Шаҳар аҳолиси орасида брахикефал европеоидлар борлиги яққол сезилиб туради. Демак, Қадимги Бактрия ҳудудларида архаика давридан маҳаллий долихокефал европеоидлар орасига брахикефал европеоидларнинг кириб келиши, антик даврга келганда уларнинг сонини ортиб бораётганлиги кузатилади. Бу жараёнларнинг археологик материалларда илк бор кўриниши Шимолий Бактрияда сўнгги бронза давридан бошланган бўлиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган аҳолининг ассимиляцияси бошланади. Бу манзара «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг жанубий минтақаларда пайдо бўлишига қаратилган илк этногенетик жараёнлар ҳақида маълумотлар беради.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган антропологик тавсиф ва таҳлиллар қуйидаги хулосага олиб келади: Ҳозирги замон ўзбекларининг этник таркибининг бир хиллиги нисбий маънода. Этнографик изланишлар натижаларига қараганда Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларининг қишлоқ аҳолисини аксарият кўпчилиги ўз қabila ва уруғларини, этник келиб чиқишларини эслайдилар, шаҳар аҳолисининг таркибида бу ҳолат кўзга ташланмайди. Шаҳарлар аҳолиси, шунингдек Фарғона водийси, Жанубий Хоразм қишлоқ аҳолиси ҳамда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига тутшиб кетган қишлоқ аҳолиси ҳам уруғ-аймоқчилик етти пуштини аллақачон унутганлар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Гинзбург В.В. Первые антропологические материалы к проблеме этногенеза Бактрии. МИА XV. 1950. С. 241–250.

<sup>2</sup> Коллектив авторов. Материальная культура Узбеков. В кн. «Узбеки». Москва, 2011.

Т.К.Хўжайовнинг узоқ изланишлар туфайли эришган палеоантропологик кузатишларига кўра, неолит давридан бошлаб аجدодларимиз икки хил антропологик типлардан иборат бўлган. Биринчиси, протоевропеоидлар бўлса, иккинчиси, шарқий Ўрта Ер денгизи типини ташкил этган. Брахицефал европеоидлар Ўрта Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий вилоятларида кенг тарқалган. Ўрта Ер денгизи типи эса Ўрта Осиёнинг жанубий ва жануби-ғарбий вилоятларида кенг ёйилган. Неолит даврида шимолнинг протоевропеоидлари Калтаминор маданияти мисолида ўрганилган бўлса, жанубга ҳос Ўрта Ер денгизи типи Жойтун ва Гиссар маданиятлари мисолида ўрганилган. Бу палеоантропологик манзара энеолит ва илк бронза даврида ҳам сақланади (Анов-Номозгаҳ, Саразм, Замонбобо материаллари мисолида). Бронза даврида иккала антропологик тип комплекслари минтақа бўйлаб кенг ёйилишда давом этади. Аммо, шимолий протоевропеоидлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Минтақада улар кириб бормаган бирор жой қолмаган. Улар Волга-Дон дарёлари қуйи ҳавзаларининг Сруб маданиятига, Қозоғистон ва Жанубий Сибир даштларининг Андроново маданиятларига тортали. Зарафшон водийси бронза даври аҳолиси молдий маданиятда шимолий протоевропеоидларга тортса, аксарият антропология материаллари жанубий ирсийетни эслатади.

Бир пайтлар В.В.Гинзбург ва Т.А.Трофимовалар археологик материалларда шимолий протоевропеоидларнинг жанубий минтақаларга кириб борганини ҳисобга олишиб, палеоантропологик материалларда ҳам бу миграциялар ўз аксини топган, деган хулосага келишган эдилар. Аммо, кейинги йилларда тўпланган қатта ҳажмдаги палеоантропологик сериялар таҳлили бундай хулосани деярли тасдиқламади. Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари ҳатто илк темир даврида ҳам авваллари қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолган.

Мил. авв. I мингйилликнинг ўрталарида Ўзбекистон аҳолисининг этник таркибида антропологияда туб ўзгаришлар сезилмайди. Аммо, шимол протоевропеоидларининг қатта бир гуруҳи Шимолий Бактриянинг тоғолди районларига, жануби-ғарбий Туркمانистон ҳудудларига кириб боради. Ўрта Ер денгизи типи аҳолиси эса, Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсида кенг тарқалади. Бундай манзара Амударё қуйи ҳавзаларида Қадимги Хоразм цивилизациясининг бошланиши билан боғлиқ бўлса, Фарғона водийсида Чуст ва Эйлтан маданиятлари ёдгорликларининг кенг ёйилиши билан характерланади. Мил. авв. V асрдан бошлаб Хоразм воҳасида бу ҳолат янада ривож топади. Бу албатта хорасмийларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига миграцияси билан узвий боғлиқ эди.

Шимолий протоевропеоид типли аҳолининг бутун Зарафшон водийси ва Қашқадарё водийсига, Бактрия, жануби-шарқий Туркманистон ҳудудларигача кириб борадилар. Бу даврда миграцион жараёнлар бир неча йўналишда юз беради. Биринчи йўналиш, савромаг ва сарматларнинг шарқий Каспий бўйи ва Узбойга ёйилиши билан боғлиқ. Иккинчи йўналиш, шарқий Орол бўйларидан марказий Қизилқум орқали Шимолий Бактрияга, ундан Афғонистон орқали Туркманистон ҳудудларигача бориб ёйилди. Уларнинг излари сўнгги Аруктов,



сўнги Тулхор, Тиллатепа қабрлари мисолида ўрганилган. Учинчи йўналиш Шаркий Орол бўйларида Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларига сарматларнинг Жанубий Қозоғистон ва Тошкент водийсига кириб келиши билан боғлиқ. Уларнинг излари Қовунчи, Ўтрор-Қоратов маданиятлари мисолида яхши ўрганилди. Бу чорвадор қабилаларнинг аксарият кўпчилиги антик ва илк ўрта асрларда ўтроқлашиб, жанубий вилоятларнинг Ўрта Ер денгизи типи билан қоришиб кетадилар. Оқибат натижада ўтроқ ўзбекларга хос европеоид иркининг «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» таркиб топади<sup>1</sup>.

Таркибида қисман мўғулий компонентлар бўлган брахикефал европеоидларнинг қатта гуруҳининг Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларга кириб келиши IX асрдан кучаяди, XI–XII асрларда эса кескин тус олади. Бу жараёнлар маҳаллий аҳолининг жисмоний типига брахикефаллашувни мутлақ сингиб кетишига, «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг ўзбек ва воҳа тожикларига хос типга айланишига олиб келади<sup>2</sup>. «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» таркибида мўғулий элементларни кўпайиши XIII–XIV асрлардан сезила бошлайди. XV асрнинг охири ва XVI–XVII асрларда мўғулий компонент ўзбек халқи этник таркибининг сезиларли элементларидан бирига айланди. Ўз навбатида, аҳоли этник таркибида брахикефал европеоид қатлам «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг мутлақ асоси бўлиб қолди. XVIII–XX аср бошларида ўзбек халқининг антропологик таркибида ўзгаришлар сезилмади<sup>3</sup>.

**Яқуний хулосалар.** Ёзма манбалар ва археологик материаллар таҳлилига кўра, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ва унинг теварак-агроф туманларида қадимдан эроний тилларнинг турлий лахжаларида сўзлаб, чорвадор саклар ва суғорма деҳқончилик ва сертармоқли ҳунармандчилик хўжалиги билан шуғулланиб келган маҳаллий суғдий, хоразмий, бохтарий аجدодларимиз яшаб келган. Шунингдек, бу заминга бронза давридан эътиборан, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий томонидан прототуркий тилли Андроново чорвадорлари, милоддан аввалги III асрдан сарматлар, хунлар, милоддан аввалги II аср иккинчи ярмидан юечжилар, улардан сўнг хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва турк хоқонлиги кириб келди. Уларнинг аксарият кўпчилиги Ўрта Осиё табиий-географик ва иқлим шароитига мослашиб, бу жойларда қолиб кетадилар ва маҳаллий аҳоли маданий-хўжалик таъсирида ўтроқлашадилар.

Уларнинг этник асосини туркий этник қатлам ташкил этиб, айниқса антик ва илк ўрта асрлар давомида минтақанинг ўтроқ суғдий, бохтарий ва хоразмий аҳолиси орасида туркийлашиш жараёни жадал кеча бошлайди. Бундай жараён дастлаб, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларида юз берди. Уларнинг нагжаси

<sup>1</sup> *Ходжайов Т.К.* Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья. Ташкент, 1987; *Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К.* Историческая антропология. Кн. «Узбеки», Москва, 2011. С. 15–

<sup>2</sup> *Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К.* Указ. лит. С. 17.

<sup>3</sup> *Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К.* Историческая антропология. В кн. «Узбеки», Москва, 2011. 17–18.

ўлароқ, Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларида Жегисар, ўрта ҳавзаларида эса Қовунчи маданиятлари таркиб топди. Қовунчи маданиятининг таъсир доираси кенгайиб, дастлаб Арис водийсида Ўтрор-Қоратов маданияти шаклланади.

Милодий эра бошларидан Қадимги Тошкент воҳасининг Қовунчи маданияти таъсир доираси жанубий, жануби-шарқий, шимоли-ғарбий вилоятлар ҳисобига кенгайди, яъни иктисодий-хўжалик асоси ярим ўтроқ, ярим кўчманчи бўлган туркий этник асосли Кангкия (Қанғ) давлати Суғдиёнанинг барча вилоятларига кириб боради. Улар катта-катта гуруҳ бўлиб кириб борган жойларда, масалан, Бухоро водийсининг шимоли-ғарбий қисмида сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даврининг бошларига келганда (милодий III–V асрлар) туркийларга хос Қизилқир маданиятини шаклланишига олиб келади.

Жойларда сиёсий-ҳарбий ҳокимиятни кўлда маҳкам тутган туркий руҳиятдаги бошқарув тизими, бир томондан, маҳаллий аҳолининг турклашиш жараёнини тезлаштиради, иккинчи томондан, минтақада туркий этник қатламнинг қалинлашига, дастлаб (антик даврида) Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимлари ҳавзаларида, сўнг эса (илк ўрта асрлар давомида) Ўрта Осиё икки дарё оралиги ва унинг теваарак-атроф вилоятларида турк-суғдий этносиёсий майдонни таркиб топишига олиб келади. Бу минтақа ўзининг географик жойлашуви жиҳатидан ҳам ранг-баранг этносларни ўзига жалб қилиб келган макондир. Бу ҳақда нафақат турли хил қадимги ёзма манбалар, балки археологик изланиш натижалари ҳам гувоҳлик беради.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг қайси бир ҳудудларида қадимги этнослардан бири кенг ёйилган, этномаданий ва этносиёсий жараёнларда нисбатан фаолроқ катнашган бўлсалар, уларнинг бошқа бири минтақанинг бошқа қисмида худди шундай роль ўйнагани тарихдан маълум. Масалан, қадимда Ўрта Осиё минтақасининг шимоли-шарқий қисмларида туркий тилли этнослар умумаҳолининг жуда катта қисмини ташкил этган бўлсалар, минтақанинг жануби-ғарбий ўлкаларида эроний тилли этнослар аҳоли қатламининг кўпчилигини ташкил этиб келганлар.

Аммо, улар ҳеч қачон биқик ҳолда, ўзаро алоқаларсиз яшамаган. Улар ўртасидаги турли характердаги алоқалар дастлаб, маълум бир ҳудудий доирада уларни секин-аста этномаданий қоришув майдонига айланиб борган. Ана шундай этномаданий қоришув майдонида уларнинг дастлабки сиёсий уюшиш маркази, қадимги давлатчиликнинг ўзига хос куртаклари таркиб топган. Антик даврида ана шундай сиёсий уюшиш маркази, яъни Марказий Осиёнинг этнослараро қоришув контакт зонаси Тошкент воҳаси бўлиб, унинг иктисодий-хўжалик ва этномаданий характери бу заминда ярим ўтроқ, ярим кўчманчи Кангкия (Қанғ) давлатини таркиб топишига олиб келди. Кангкия (Қанғ) давлатининг этник асоси ва дастлабки ҳудудий доираси унганча прототурклар оламида ташкил топган ху, ди, тиек, теле, туро, хун каби соф чорвадор туркий қабилалар иттифоқидан фарқли ўлароқ, минтақанинг асосан ўтроқ аҳолиси яшайдиган воҳаларга тўғри келган ва унинг пойтахт шаҳри монументал характерда қад кўтарган. У Тош-

Демак, Тошкент воҳасида туркий этник қатламнинг кенг миқёсда ёйилиши сўнги бронза даврига бориб тақалса, унинг этнохўжалик, этномаданий ва этносиёсий жиҳатларда устувор нуфузга кўтарилиши антик даврида юз берди;

6. Собиқ шўро даври тарихшунослик руҳига зидди ўлароқ, воҳага этник нисбат берган Чоч атамаси қадимги туркийча «tas», унинг таржимаси сифатида хитой иероглифларида дастлаб Кангжюй, Юни, милодий V асрдан бошлаб Чжеши, Ши деб тилга олинган воҳанинг номи тош, феруза тоши маъносини англатган. Бугун Шарқ дунёсида қадимги ёзма манбаларда ўзининг феруза тош конлари, кимматбаҳо тош захиралари билан маълум ва машҳур бўлиб тилга олинган бу замин, унинг аҳолиси тилида «Чоч мамлакати» номини олишга мушарраф бўлган. Милодий XI асрдан бошлаб эса Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида Чоч воҳаси, унинг бош шаҳрининг номи ўзининг аслиятига кўра, Тошкент воҳаси, Тошкент шаҳри деб тилга олинди;

7. Демак, қадимда унинг халқи суғдий ва прототурк тилли бўлиб, антик даврдан эътиборан, воҳа аҳолисининг суғдий қатлами орасида тил жиҳатидан туркийлашиш жараёни жадаллашади. Унинг натижаси ўлароқ, илк ўрта асрларга келганда, Сирдарё ўрта ҳавзаларида турк-суғдий этномаданий, этносиёсий майдон таркиб топади, унинг ўтроқлашган қанғар элати тимсолида ўзбек халқининг фундаментал асоси қурилади;

8. Айнан Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ўзининг туркий ва суғдий тилли аҳолиси коришуви асосида ўзбек халқига хос антропологик тип -- «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланади, туркий руҳиятида ривожланиш йўлига кирган қадимги маҳаллий давлатчилик асосида Қангкия (Қанг) давлат уюшмаси таркиб топади. Бу ўзбек давлатчилиги таркибидаги ўта муҳим тарихий босқичлардан бири эди.

X 606

**ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДА  
ЭТНОГЕНЕТИК ЖАРАЁНЛАР**

**X. 1. Турк хоқонлигининг ташкил топиш арафасида  
Марказий Осийдаги этносиёсий ҳолат**

Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осийнинг сиёсий аҳволига назар солинса, қуйидагича ҳолат кўзга ташланади: Тангритоғнинг шимоли-шарқий қисми, Олтой тоғларининг шарқий этаклари ва Жанубий Сибир ҳамда Мўғулистонни ўз ичига олган ҳудудларда жуан-жуан ёки Авар хоқонлиги деб аталган йирик давлат мавжуд эди. Минтақанинг Амударё – Сирдарё оралиги ва унга шимоли-жанубдан туташ бўлган ҳудудлар, шунингдек, Шимолий Ҳиндистон (Покистон ва Афғонистон) ва қисман Хуросонни ўз қўл остида бирлаштирган Эфталитлар давлати мавжуд эди. Хитой йилномаларида таъкидланишича, *Йэда* (Эфталит) давлати куч-қудратга эришган пайтда (450-йилларда) унга Ғарбий ўлкалардаги Канжюй (Чоч), Хўтан, Сулэ (Қошғар), Куча, Аньси (Қорашахр) каби 30 га яқин кичик ҳукмдорликлар бўйсунган<sup>1</sup>. Ҳар иккала давлат минтақанинг Шарқий Туркистон ва Етгисув ҳудудларини эгаллаган эдилар. Айни пайтда Марказий Осийнинг шарқида Хитойнинг Шимолий Вэй (385–556) сулоласи ҳукмрон эди. Минтақанинг жануби-ғарбида – Сосонийлар давлати мавжуд бўлиб, Хуросонда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун доимо эфталитлар билан рақобатда эди. Сосонийлар тез орада Турк хоқонлиги билан алоқа ўрнатиб, унинг эфталитларга қарши сиёсатини қўллаб-қувватлай бошлади.

Бу даврда Марказий Осий аҳолисининг асосан, воҳаларда истиқомат қилувчи ўтроқ зироаткорлар ҳамда дашт ва чўлларда чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчилар ташкил этган. Демак, минтақанинг деярли ҳамма жойида ҳар иккала хўжалик шакли муайян даражада мавжуд бўлиб ривожланишда давом этарди.

Минтақанинг шимоли-шарқий қисмлари – Евроосий даштларида (ҳозирги Қозоғистон, Олтой ва Тангритоғ этаклари, Мўғулистон ва Шимолий Хитойда) кўпроқ кўчманчилик ҳаёт тарзи устувор бўлса, минтақанинг жануби-ғарбий қисмларида (Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиги, Шимолий Ҳиндистон (Покистон), Афғонистон, Хуросон ҳудудларида) ўтроқ воҳалар мавжуд бўлиб, аҳолининг аксарияти шаҳар ва кишлоқларда истиқомат қилишиб, уларнинг хўжалик ҳаётида суғорма деҳқончилик, хунармандчилик ва савдосотик катта ўрин тутган.

Марказий Осийнинг ҳар иккала қисмида ҳам серсув дарёлар, дашт ва чўллар бўлиб, улардан бири доимий равишда ўтроқ аҳолини ўзига жалб қилса, иккин-

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений, II. С. 269.

чисида эса қадимдан чорвачилик хўжаликлари устувор йўналиш ҳисобланиб. унинг аҳолиси доимо ўз чорвалари билан кўчиб юриб тирикчилик қилишган. Мазкур минтақанинг Или, Иртиш, Чу, Талас каби дарёлари ҳавзаларида аҳолининг бир қисми кўчманчилик билан бирга хўжаликка қўшимча даромад келтирувчи қўлтиқ деҳқончилиги билан ҳам шуғулланишган.

Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи ва Хуросонда ҳам бирмунча даштлар ҳамда Ҳиндикуш тоғи этакларида яйловларнинг борлиғини ҳисобга олганда, бу минтақаларда ҳам аҳолининг бир қисми чорвачилик билан, аксарият аҳоли водийларида юксак даражада ривожланган суғорма деҳқончилик билан шуғулланганликларини қайд этиш мумкин.

Бу даврда Марказий Осиёнинг аҳолиси этник таркибига келганда, минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудларида асосан, олтой тил оиласига мансуб халқлар: аксарияти туркий этнослар ва қисман мўғулларнинг аجدодлари бўлса, мазкур минтақанинг жануби-ғарбий минтақаларида аҳолининг катта қисмини шарқий эроний тилли халқлар: суғдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар, хўтан саклари ташкил қиларди. Улар билан ёнма-ён, қўни-қўшни бўлиб туркий тилли қабила ва элатлар ҳам яшашар эди.

**Қадимги турклар.** Қадимги турклар Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан то шимоли-шарқда Байкал, жануби-шарқда «Буюк Гоби чўли»га қадар чўзилган даштли зоналарда, яъни Қозоғистон даштлари, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой, Олтой ва Тангритоғ оралиғидаги ҳудудлар, Шарқий Туркистон, Еттисув, Қадимги Фарғона, Ўрта ва Қуйи Сирдарё ҳавзалари, Оролбўйи, Волга – Ўрол бўйлари<sup>1</sup>, Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимоли-шарқий<sup>2</sup> районлари аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилувчи этнос бўлган. Шунингдек қадимги турклар Хуросон, Шимолий Афғонистон ва Тўхористон нуфузининг сезиларли бир қисмини ташкил этувчи этнос сифатида ўз мавқеига эга эдилар.

Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий минтақалари аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этувчи кўчманчи туркий этнослар бир неча қабила ва уруғлардан иборат бўлиб, улар орасида теле қабилалар иттифоқи энг йириги эди. Ушбу иттифокка уйғур, ўғуз каби йирик қабилалар ҳам кирар эди.

Турк хоқонлигининг асосчи хонадони Ашина қабиласи ва қарлуқлар қадимдан тоғ муҳитига мослашган ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган<sup>3</sup>. Ўнлаб уруғлардан ташкил топган ўғузлар эса кўпроқ чўл шароитида чорвачиликнинг йилқичилик йўналиши билан бсвосита шуғулланганликлари боис, уларнинг турмуш тарзи типик кўчманчи характерга эга эди.

<sup>1</sup> *Barthold V.V. Orta Asya Türk Tarihi Dersleri*. s. 29; *Мамбабаев Б.Х.* Раннесредневековая культура Ферганы (на основе исторического анализа археологических источников V–VIII вв.). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. док. ист. наук. Самарканд, 2009. С. 42.

<sup>2</sup> *Комар А.* Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // *Мәдени мұра. Культурнос наследие.* Астана. 2009. № 1. С. 100–101.

<sup>3</sup> *Абулғозий.* Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. Т.: Чўлпон. 1992. – 32-бет.

Таъкидлаш жоизки, *қарлуқ ва халаж* каби қабилалар Ҳисор ва Ҳиндикуш тоғлари этакларида, ўғуз қабилалари Амударё – Сирдарё оралиғи ва Хуросоннинг чўл ҳудудларида, қипчоқ қабилалари эса Қримдан то Ўролгача бўлган кенг даштларда яшай бошлашгани маълум<sup>1</sup>.

Бу даврда Ёйиқ (Урал) ва Итил (Волга) ҳавзалари, Шимолий Кавказ ва Шимолий Қора денгиз бўйлари аҳолисининг катта қисмини туркий тилли этнослар ташкил қилиб, улар Турк хоқонлиғи ташкил топгунга қадар ҳам бу ерларда яшаб келар эдилар. Византия ва арман манбаларида *хун, оногур, кутригур, утургур, савир, булгор, авар, хазар* каби номлар билан тилга олинган қабилалар<sup>2</sup> ушбу этносларнинг асосийлари бўлиб, уларнинг туркий тилда сўзлашгани кўпчилик тадқиқотчилар томонидан эътироф этилади<sup>3</sup>. Улардан бир қисми, шу жумладан, булғорлар милодий II–IV асрлардаёқ Шимолий Кавказда истиқомат қилишарди<sup>4</sup>. Мазкур этнослар фақат кўчманчи бўлмасдан, ўзларининг ўнлаб шаҳарларига ҳам эга бўлгани ёзма манбалар ва археологик топилмалар асосида ўз исботини топган.

Тўғри, мазкур шаҳар ва ўтроқ аҳоли масканларининг катта бир қисми Турк хоқонлиғи даврида, яъни VI аср иккинчи ярми – VIII асрлар оралиғида пайдо бўлган, бошқа катта бир қисми хоқонлик ташкил топгунга қадар ҳам йирик аҳоли масканлари сифатида маълум эди. Чунончи, Турк хоқонлиғи ташкил топганининг илк ўн йилликларида унинг марказий ҳудудларига ташриф буюрган Византия элчиларининг маълумотларига асосланилса, мазкур ҳудудлардаги шаҳарлар аҳолисининг асосий қисмини туркийлар ташкил қилгани аён бўлади.

VII асрнинг 30-йилларида Ғарбий Турк хоқонлигининг Еттисув-Тароз-Исфижоб-Чоч йўналиши бўйлаб жанубга йўл олган хитой роҳиб Сяоань Цзан (629–645) ва Шарқий Туркистоннинг жануби орқали йўлга чиққан сайёҳ Хой Чао (726) эсдаликларидан бу ҳудуддаги аҳоли манзилларида туркийлар ва сугдийлар кўпчиликни ташкил этгани баён этилган<sup>5</sup>. Аммо, баъзи бир тадқиқотчилар, масалан қозоқ археологи К.А. Акишев П. Аальтога суяниб, ушбу ҳудудларни илк ўрта асрларда туркий этнослардан холи вилоятлар сифатида талқин қилади. Бироқ, К.А. Акишевнинг бу фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки, бу ҳудудларда илк ўрта асрлардагина эмас, балки милoddан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб, прототуркий этнослар яшаганини тасдиқлайдиган маълумотлар

<sup>1</sup> *Ахунжанов С.М.* Кыпчаки в истории средневекового Казахстана. Алматы: Гылым, 1995. С. 4, 14–15.

<sup>2</sup> *Чичуров И.С.* Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. Москва. Наука, 1980. С. 51, 56–57, 97, 108, 161.

<sup>3</sup> *Golden P. B.* Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karataş. Ankara, 2002. – S. 81–87; Комар А. Наследие тюркских каганатов. С. 100–101.

<sup>4</sup> *Плетнева С.А.* Кочевники Средневековья. Поиски исторической закономерности. Москва. Наука, 1982. С. 31.

<sup>5</sup> *Бернштам А.Н.* Тюрки и Средняя Азия. Стр. 194; *Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre.* S. 117.

мавжуд<sup>1</sup>. Хусусан, В.В. Бартольд милодий II асрга оид юнон манбаларида Волга дарёси ҳавзалари аҳолиси тили билан алоқали ўлароқ, дарё номи сифатида *Дайх* сўзини учраши ва унинг ўрта асрларда Ўрол дарёсига нисбатан ишлатилган *Йайиқ* гидроними билан алоқадор эканлигини ёзади<sup>2</sup>. Айниқса, милодий IV–VI асрларда Каспий ва Қора денгиз оралигидаги кенгликларда истиқомат қилган *утигур* (ўтгиз ўғур), *қутригур* (тўккиз ўғур), *хун*, *барсил*, *савир*, *булғор*, *хазар* каби туркий қабилалар яшаган бўлиб, уларнинг тили туркий тилларнинг қадимий *огур* (ўғур) туркчаси эканлиги борасида аксарият тадқиқотчилар яқдилдирлар<sup>3</sup>. Бу эса нафақат Сирдарёнинг ўрта ёки қуйи ҳавзаларида, балки ундан анча ғарбдаги ҳудудларда ҳам ўрта асрлардагина эмас, ундан анча олдин ҳам туркий этнослар гавжум яшаганини кўрсатади.

Юқорида келтириб ўтилган Хуросон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари аҳолисининг бир қисми туркийлардан иборат эканлиги эса бу ерларда милоднинг илк асрларидан Кушон салтанати, Хионитлар ва Эфталитлар давлатлари мавжуд бўлганлиги, ушбу давлатларга асос солган этносларнинг эса туркийлар билан у ёки бу даражада алоқадорлиги билан изоҳланади<sup>4</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Турк хоконлиги ташкил топиши арафасида Марказий Осиёнинг, айниқса, ушбу минтақадаги баъзи ўтроқ воҳалар маҳаллий аҳолисининг қайси тил гуруҳига мансублиги масаласи ҳалигача баҳсли қарашлар мавжуд. Жумладан, Чоч ва Фарғона водийси аҳолисининг тилига доир келтирилган баъзи маълумотлар уларнинг тили туркий ёки шарқий эроний, ё бўлмаса бошқа бирор тил гуруҳига тегишли эканлиги масаласини кўндаланг кўяди. Кангкия (Қанғ) давлати ҳукмронлиги (мил. ав. III – мил. III асрлар) давриданок ушбу ҳудудлар. хусусан, Чоч аҳолисининг муҳим қисмини туркий ва суғдий тилли этнослар ташкил қилганини тасдиқлайдиган маълумотлар етарлидир.

**Суғдийлар.** Суғдларнинг азалий ватани Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари бўлиб, улар илк ўрта асрларда Марказий Осиёнинг бир қанча ҳудудларида савдо-сотиқ, маданий-хўжалик ва бошқа сабабларга кўра кенг тарқалган, улар туркий қабил ва элатлар каби нафақат Суғдиёнада, балки Уструшона, Сирдарёнинг ўрта

<sup>1</sup> *Асқаров А.* Мустақиллик йилларида тарих, архология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», № VI, Т.: 1996, 71-бет; Ўша муаллиф, Об исконной родине расселения древних тюрок. ИМКУ, вып.32, Т.: 2001, стр. 69–72; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № IV, Т.: 2002, 55-бет; Ўша муаллиф, Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Т.: 2004, 4–6 бетлар; *Хўжаева А.* Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият». – Т.: 2003. – 176–184-бетлар.

<sup>2</sup> *Barthold V.V.* Orta Asya Türk Tarihi Dersleri. Ankara, 2004. S. 29.

<sup>3</sup> *Golden P. B.* Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. Ankara:М, 2002. 8187 s; *Илетнева С.* Древние болгары в восточноевропейских степях // Татарская Археология. 1997, № 1. С. 31; *Комар А.* Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // Мәдени мұра. Культурное наследие. Астана, 2009. № I. С. 100101.

<sup>4</sup> *Бонград-Левин Г. М., Ильин Г. Ф.* Индия в древности. Москва. Наука, 1985. С. 420–421.

хавзалари, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Шимоли-ғарбий Хитойда ҳам сезиларли миқдорда истиқомат қилар эдилар<sup>1</sup>.

Бу даврда Сирдарёнинг ўрта хавзалари (Чоч, Ўтрор, Исфижобдан тортиб) то Еттисув (Тароз, Суяб ва Иссиқкўлнинг ғарби)га қадар ҳудудларда ўнлаб қатта-кичик шаҳарлар қад кўтариб, уларнинг аксарият аҳолисини туркийлар ва суғдийлар ташкил этарди<sup>2</sup>. Бунга ўша даврдаги Хитой ва Византия манбаларидаги маълумотлар ҳамда уларнинг туркий ва суғдий ёки туркий-суғдий асосли жой номлари гувоҳлик беради<sup>3</sup>.

Бу даврга хос хусусиятлардан бири – айна пайтнинг ўзида бирор аҳоли маскани ёки тоғ, дарё ва шунга ўхшаш масканларнинг номи муайян жойда яшаган этносларнинг турфа хиллигидан қслиб чиқиб турлича аталган. Шунингдек, бир тилдаги атаманинг иккинчи бир тилга айнан мазмунига қараб муқобиллаштирилиши (қалъка қилиниши) ўша пайтга хос хусусият эди. Хусусан, Ўтрорнинг шимолидаги тоғлар суғдийча Шавғар (луғ. «Қора тоғ»), туркий тилда эса *Қорачук* деб юритилган. Шунга ўхшаш *Сайрам* шаҳри туркий тилда *Сайрам (Сарйам)* (луғ. «Сийрак сув ёки оқ сув») деб юритилганидек, суғдий тилда ҳам *Исфижоб* (луғ. «Оқ сув») номланган<sup>4</sup>. Талас водийсидаги юзлаб булоқларга эга жой бир вақтнинг ўзида хитой манбаларида туркий *Бинг-йул* (луғ. «минг булоқ») номи билан баъзан таржима қилинмасдан, аслиятга яқин *Бин-йу* тариқасида, баъзан эса *Цянь-цюань* («Минг-булоқ») шаклида хитойчага ўгирилган ҳолатда қайд этилган бўлса, араб географлари асарларида худди шу ер *Азар-хаҳ*<sup>5</sup> тарзида зикр этилган бўлиб, унинг луғавий маъноси суғдий тилда *азар* – «минг» ва *хаҳ* – «булоқ», яъни «Минг-булоқ» бўлган<sup>6</sup>. Бу эса, илк ўрта асрларда ушбу ҳудудларда ҳам туркий, ҳам суғдий аҳолининг истиқомат қилганлиги изоҳланиши билан бирга, бу ерда икки тиллилик мавжуд бўлганидан дарак беради.

Бу даврда минтақанинг қатор ҳудудлари, хусусан, Еттисув, Сирдарёнинг ўрта хавзалари туркий ва суғдий этнослар жадал симбиозга киришган ҳудудлар эди. Шу боис, илк ўрта асрларга тааллуқли жой номларининг бир қисмини суғдий асосли топонимлар ташкил этса, иккинчи қисмини туркий топонимлар ташкил этар эди, ёки кўшима жой номлари ҳар икки тилда бўлиб, улар аҳолиси икки этник гуруҳлардан ташкил топганлигидан далолат берар эди.

Арис дарёси ҳавзасидаги (Чимкент) Култобе харобасидан топилган сопол лавҳанинг тили суғдий эканлиги ва ушбу лавҳа Чоч лашкарбошиси томонидан

<sup>1</sup> *Отахўжаев А.* Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч. «O‘zbekiston tarixi». – Т.: 2009. – № I. 17-бет.

<sup>2</sup> *Бернштам А.Н.* Тюрки в Средняя Азия... С. 194; *Лубо-Лусиченко Е.И.* Сведения китайских письменных источников о Суябе (городище Ак-Бешим) // Суяб. Ак-Бешим. – СПб., 2002. С. 115–116.

<sup>3</sup> *Байтанаев Б.* Древний Испиджаб. Шымкент–Алматы, 2003. С. 38–40.

<sup>4</sup> *Байтанаев Б.* Древний Испиджаб. Шымкент–Алматы, 2003. С. 5–7.

<sup>5</sup> Ушбу жой номи баъзи араб географлари асарларида Абаржож, Абаржох шаклларида қайд этилади. Бу ҳолат араб графикасида нукталар ўрни алмашиб қолганлиги билан изоҳланади.

<sup>6</sup> *Лурье П.Б.* Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. Бишкек, 2005. Вып. I. С. 82.



ўрнатилганлиги бу масалага анчагина ойдинлик киритади. Қадимги ёзувлар билимдони Н. Симс Вильямс фикрича, мазкур лавҳа милоннинг дастлабки асрларига мансуб<sup>1</sup>. Бу эса мазкур тилнинг воҳа худудида анъанавий маъмурий тили вазифасини бажарганидан дарак беради. Бу анъананинг илк ўрта асрларда ҳам давом этганини кўрсатадиган жиҳатлардан яна бири эса, воҳада ҳукм сурган туркий сулолалар ганга-пулларнинг тили суғдий эканлигидан далилат беради.

Илк ўрта асрларда суғдийлар кенг ёйилган бўлиб, бу ҳолат хитой роҳиби Сюань Цзан (627–645) минтақага ташрифи мобайнида ёзиб қолдирган куйидаги маълумотларида ўз аксини топган:

«Су-йе шуй (Суёб) шахридан Цзе-шуан-на (Кешания, Кеш) мамлакатигача чўзилган ўлкага Су-ли (Суғд) номи берилган. [Ушбу ўлка] аҳолиси ҳам худди шу ном билан аталади. Ёзув ва тили ҳам ушбу ном билан юритилади»<sup>2</sup>.

Агар мазкур маълумотдан келиб чиқилса, ўша пайтда Етгисувдан то Кеш (Шахрисабз)гача бўлган худудлар хитой сайёҳи томонидан Суғд деб тушунилган. Яъни Етгисувдаги Суёб (Тўқмоқ), Тароз каби шаҳарлардан бошланиб, Исфижоб (Сайрам) – Чимкент – Чоч – Уструшона – Самарқанд – Кеш каби шаҳар ва воҳалар занжири бўйлаб суғдий тил кенг ёйилгани учун уларни ўз ичига олган худудга нисбатан Суғд топоними ишлатилган. Бироқ, баъзи далиллар Хитой роҳибининг мазкур маълумотини том маънода тушунишга йўл қўймайди. Чунки, мазкур географик тушунча остида Чоч билан бир қаторда Фарғона ҳам тушунилиши керак эди. Бунинг аксига фарғоналиклар тили ҳақида Сюань Цзаннинг ўзи «[Фей-хан мамлакати аҳолиси] тили бошқа мамлакатларникидан фарқлидир» деган маълумотни келтиради. Ундан қарийб юз йил кейин минтақага ташриф буюрган бошқа бир хитой сайёҳи Хой Чао (726) ҳам Фарғона ҳақида «Тили бошқача бўлиб, ўзга мамлакатликларникига ўхшамайди» деб ёзган<sup>3</sup>. Бундан келиб чиқадики, фарғоналиклар тили расмий суғдий тилдан тубдан фарқ қилган. Акс ҳолда, юқорида келтирилган маълумот Етгисув ва Жапубий Суғд (Қашқаларё) воҳаси оралиғида жойлашган барча ўлкалар учун ҳам тааллуқли бўлиб, битта манбанинг ўзида бу каби тафовутли фикрлар баён қилинмасди.

Шунга ўхшаш маълумотни Чоч аҳолисининг тилига доир араб манбаларида, шахсан араб географи ал-Муқаддасий (X аср)да ҳам учрайди, яъни Чоч аҳолисининг тили Суғд (Самарқанд) ва унга яқин қўшни Бухоро рустаклари аҳолиси тилларидан алоҳидалиги таъкидланади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe. «Shygy», 2006, 1. p. 95-99.

<sup>2</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003. s 113; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies – Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10). Leiden – Boston: Brill, 2005. 116 p.

<sup>3</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. Москва, 1952. № 1. стр 193; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003. s 123.

<sup>4</sup> Al-Moqaddasi, Abu 'Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslemici. Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 3. Lugduni-Batavorum, 1967. s 335; Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre Türkler ve Türk ülkeleri. Ankara: TTK, 2001. 269 s.

Демак, фарғоналикларга ўхшаб чочликларнинг маҳаллий тили ҳам суғдий тилдан фарқ қилган. Лекин, Ўрта Осиё маҳаллий ўтрок аҳолисининг антропологик юз тузилишида айнан ўхшашлик яққол кўзга ташланади (зарвараыдаги 12-расмга қаранг). Ҳар ҳолда, Сюань Цзан муайян бир ўлка, аҳоли, ёзув ва тил номи сифатида эътироф этган Су-ли (Суғд) ибораси асосан Зарафшон ва Қашқадарё хавзаларига, яъни асл Суғд ўлкасига тегишли бўлиб, шу билан бирга суғдийлар кейинчалик кўчиб бориб жойлашиб, ўтроклашиб кетган Еттисувнинг зироатчи, хунарманд ва савдо аҳлига нисбатан ҳам ишлатилган бўлиши мумкин.

XI асрда яшаб ижод қилган туркшунос олим Маҳмуд Кошғарий ҳам айнан Чочнинг шимолидаги Исфижоб (Сайрам)дан то Тароз ва Боласоғун (Еттисув) гача бўлган ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳам суғдийча, ҳам туркча сўзлашишлари ҳақида гапириб, уларни Самарқанд ва Бухоро томонлардан кўчиб келганликларини таъкидлаши бежиз бўлмаса керак<sup>1</sup>.

Мазкур ҳудудларнинг Буюк Ипак йўли шимолий тармоғи йўналишида жойлашиши табиатан тижорага моҳир суғдий аҳоли эътиборини ўзига тортган. Суғд савдо аҳли билан у ўлкаларга суғдий тил ва ёзувнинг тарқалишига сабаб бўлган омиллар ҳам ўша даврда Марказий Осиёнинг расмий-маъмурий ёзма тили суғдий бўлганлиги билан ҳам изоҳланади.

Ўтмиш тарихдан маълумки, ўша кезларда Марказий Осиёнинг ҳукмдор сулолалари ўзларининг этник келиб чиқиши қандай бўлганидан қатъи назар, суғдий ёзувдан ўз бошқарувида ёзма тил сифатида фойдаланишган. Бу худди Турк хоқонлигининг деярли барча ҳудудида, ҳатто, суғдий муҳитдан узоқ жойларда ҳам жонли туркий тил билан баробар суғдий тил кенг истеъфода этилганига<sup>2</sup> ўхшаш бир ҳол.

Маълумки, Турк хоқонлигининг расмий ёдномалари бўлмиш Бугут битиктоши (588 йилда ўрнатилган), Шарқий Туркистондан топилган 599 йилга тааллуқли Или битиктошларининг тили суғдий бўлиб, улар хоқонлар тарафидан махсус ўрнатилган<sup>3</sup>.

Суғдий тилнинг бу қадар катта мавқе эгаллашида, албатта, Шимоли-ғарбий Хитой ва Шарқий Туркистонга бориб жойлашган суғдий савдогарлар гуруҳи ёки суғдий аҳоли масканларининг хизмати беқиёс бўлган. Демак, ушбу тилнинг иккала хоқонлик (Шарқий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк хоқонлиги) билан бирга, бир қатор воҳа ҳукмдорликларида давлат миқёсида ўрин эгаллашини ҳам худди шу каби омиллар билан изоҳлаш мумкин.

**Тўхорлар (Тоҳарлар).** Мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг шимолий даштларида яшовчи асианлар, пасианлар, тоҳарлар, сакава-зака қабилаларининг сак-массагетлар конфедерацияси таркиб топиб<sup>4</sup>, ўз даври-

<sup>1</sup> Кошғарий, Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва напирга тайёрловчи С. М. Муталлибов. Т.: Фан, 1960–1963. I том. 66-бет.

<sup>2</sup> Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. М.: 1981. С. 369–370.

<sup>3</sup> Кляшторный С.Г. Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута // СНВ. Москва, 1971. – Вып. 9. С. 121–146; Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığı'nıdaki Aşınash Bir Kağan'ın Şeceresine ait Bir Kaynak TÜRKLER. Ankara, 2002. Cilt 2. s. 79-88.

<sup>4</sup> Страбон. География в 17 книгах. Кн. XI. С. 88.

да Эрон Ахоманийлари ва македониялик Искандар қўшинларига қарши мардондор курашганликлари тарихдан маълум. Аммо, Парфия, Марғиёна, Бактрия ва Суғдиёна ҳудудлари юнонлар тасарруфига ўтгач, Ўрта Осиё сак-массагет қабилалар иттифоқи ташвишга тушиб қолди.

Айниқса, Юнон-Бактрия давлати ташкил топгач, унинг тажовузкорлик сиёсатидан чўчиган конфедерация қабилаларининг катта бир қисми тўхор қабиласи етакчилигида Шарқий Туркистон томон кўчиб кетадилар. Улар асосан Тангритоғнинг жануби-шарқий қисмига жойлашадилар ва Шарқий Туркистоннинг туркий тилли дунёсида қадимги ҳинд-оврўпа халқларининг бири бўлмиш тўхорлар маконини вужудга келтириб, теварак-атроф қўшнилари бўлмиш туркий этнослар билан узвий этномаданий алоқада бўлганлар. Турфон, Қорашаҳр ва Куча каби воҳа ҳукмдорликларидаги шаҳар аҳолисининг катта қисмини тўхор-эроний тилли этнослар ташкил қилиб, бу ерлар ўша даврда ҳатто «тўрт Тўхор ўлкаси» деб аталган<sup>1</sup>, яъни Тангритоғнинг марказий ва жануби-шарқий қисмлари, хусусан, ушбу тоғ тизмасининг жанубий этаклари мил. авв. III асрдан бошлаб тўхорлар яшайдиган ҳудудларга айланади.

Ўрта асрларга келиб этнос сифатида тарих сахнасида тушиб, асосан, туркий халқлар таркибига сингиб кетган тўхорлар тилидан қолган ёзма ёдгорликлар XIX аср охирилари – XX аср бошларида Шарқий Туркистоннинг қадимий шаҳар харобаларидан топила бошлагач, бу этноснинг тили, тарихи ва маданиятига доир дастлабки тасаввурлар пайдо бўлди. Айниқса, Турфон, Қорашаҳр ва Куча шаҳарларининг қадимий харобаларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида милодий V–VIII асрларга оид санскрит ёзувининг бошқа бир варианты – брахмийда ёзилган ҳужжатлар топилган бўлиб, дастлаб, немис олими Э. Лойман ушбу ёзувлар тилини «Қошғарча» деб атади. Немис олимларидан Э. Зиг ва В. Зиглинг 1908 йилда ушбу ҳужжатлар тили устида олиб борган тадқиқотлари натижасида мазкур шаҳарлар жойлашган ўлка аҳолиси тили ҳинд-оврўпа тил оиласининг кентум гуруҳига<sup>2</sup> оидлигини аниқлаб, унинг иккита лаҳжада ёзилганини аниқлайди, уларни шартли равишда «А лаҳжаси» ва «В лаҳжаси» деб номлайдилар<sup>3</sup>. 1913 йилда француз олими С. Леви тўхор тили устида изланишлар олиб бориб, «В лаҳжаси» Куча аҳолисининг тили бўлганини исботлайди. Кейинги тадқиқотлар «А лаҳжаси» Қорашаҳр – Турфон қадимий аҳолисининг тили эканлигини тасдиқлашган<sup>4</sup>. Демак, марказий Тангритоғнинг жанубий ҳудудларида яшаган тўхорлар қадимда эроний тиллар оиласига кирган. Тангритоғнинг шимо-

<sup>1</sup> Henning W. B. The Name of the «Tokharian» Language // AM. – London, 1950. Vol. I. P. 158-162.

<sup>2</sup> Кентум гуруҳи – Сўз бошида *c*- ундоши билан бошланадиган сўзлар ўрнида *k*- ундоши ишлатиладиган тиллар гуруҳи. Ҳинд-оврўпа тил оиласига мансуб тиллар асосан кентум ва сентум гуруҳларига бўлинади.

<sup>3</sup> Тохарские языки. Москва, 1959.

<sup>4</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – 91 s.

лий ҳудудларида туркий қабила ва элатлар яшаб, минтақада уларнинг ҳарбий-сиёсий мавқеи кучли бўлган.

Марказий Тангритоғнинг шимолий этакларида туркийлар, жанубида эса тўхорлар нисбатан кўпчиликни ташкил этиши ва ҳар иккала этнос орасида қадимдан яқин қўшнилик алоқаларини мавжудлиги, то Хун империяси даври (мил.авв. III–мил. II асрлар)да Турфон, Куча, Қорашаҳр каби тўхор ҳукмдорликларининг хунлар қўл остида бўлиши ва ўша даврда, ҳатто, ундан анча аввалги пайтларда, хусусан, Юечжи, Усун каби сиёсий уюшмалар даврида прототурк этнослар мазкур ҳудудлар аҳолисининг катта қисмини ташкил қила бошлаши тўхорларни туркий этник гуруҳлар билан аралаш яшашларига олиб келган. Бу эса, ўз навбатида, тўхорларни бир вақтни ўзида туркий тил соҳиблари бўлишида катта роль ўйнаган.

Келиб чиқиш этник илдизлари Юечжи қабилалари билан боғлиқ бўлган тўхорлар Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида, асосан, ўтроқ ҳаёт кечиришиб, бир неча ўнлаб шаҳар ва қишлоқларга эга эдилар. Тўхорлар эътиқодида ҳинд буддизми устуворлик қилганлиги сабабли ҳинд маданияти, хусусан, ҳинд тили ва ёзуви улар орасида кенг тарқалган, шу билан бирга уларнинг қадимги ҳинд ёзувиغا асосланган она тилидаги ёзма адабиёти мавжуд эди.

Таъкидлаш жоизки, Қадимги Бактрия (Тўхористон) ҳудудида юечжи қабилалари томонидан асос солинган Кушон империяси бошқарувчи тоифасининг этник қиёфасида, бошқарув анъаналарида, унвонлар, ҳукмдор исмлари ва ҳоказоларда туркий, тўхор ва бохтарий элементлари устуворлик қилиши ушбу қадимий алоқалар билан изоҳланиши мумкин.

**Эфталитлар.** Эфталитлар кенг ҳудудларда, турли-туман этник бирликлардан ташкил топган давлат бўлганлиги боис, ёзма манбаларда ҳар хил номлар остида тилга олинган. Хитой манбалари ва адабиётларида эфталитлар йеда, ида ёки яда, улар томонидан ташкил этилган давлат эса Йеда-гуо, Ида-гуо, ёки Яда-гуо деб номланган. 8 жилдди Хитой тили ёзувининг катта луғатида «Еда Марказий Осиёдаги қадимий халқ ва давлат номидир, бай-шюнну (оқ хунлар) деб ҳам аталади. Аслида улар кўчманчи халқ бўлган»<sup>1</sup> дейилган.

Айниқса, улар аксарият манбаларда хун ёки хунларнинг бир уруғи сифатида кайд этилган бўлиб, бу лотин, юнон, форс манбаларида уларни ифодаловчи этник атама сифатида *Huon*, *Huni*, *Hunni*, *Khuni*, *Unnoi*, *Ounnoi*, *Hyaona*, *Chionitai*, *Huoni* номлари остида учрайди<sup>2</sup>. Хитой манбаларида уларнинг тўлиқ варианты *Yen-tai-i-li-t'o* (*Yen-tha-li-tha*) шаклидадир. Хитойли сайёҳ Сюань Цзан эфталитлар номини *Hsi-mo-ta-lo* тарзида келтирган<sup>3</sup>. Эфталитлар сурёний манбаларда *Eptalit*, *Abdel* номлари остида учраса, юнонча асарларда *Leukoī Hunnoy* «Оқ

<sup>1</sup> *Хўжаев А.* Хитой тили ёзувининг катта луғати (Ханной даздиян). 1-жилд, 696 бет. Чэнгу, 1986–1990,

<sup>2</sup> *Копицки Е.* *Akhunlar // TÜRKLER. Cilt I. Ankara, 2002. S. 827.*

<sup>3</sup> *Копицки Е.* *Akhunlar // TÜRKLER. Cilt I. Ankara, 2002. S. 827.*

хун», Abdalai ва Eftalilai тарикасида зикр этилади<sup>1</sup>. Арман манбаларида Нер't'al (Нер't'alk)<sup>2</sup>, классик ва ўрта форс адабиётида эса Heftal, Heftalit, Hebtal «Оқ хун шаклларида учрайди. Ҳиндистонда шимолдан келган ғайриҳинд гуруҳлар орасида эфталитлар Huna тарзида тилга олинган. Ҳиндларда баъзида Sveta Huna «Оқ хун», Hara-Huna «Қизил хун» тарзида қайд этилиб, улар яшайдиган худуд «Huna-desa» (луғ. «Хун диёри») тарикасида кўрсатилган<sup>3</sup>. Араб манбаларида эса Nautil (кўплиги Науātila) шаклида зикр қилинган. Эфталит ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган бохтарий ёзувли тангаларда «алҳово» – Ол-хун (Қизил хун?), «ouvo» (хун), бохтарий ҳужжатларида эса «эбдал» (ηβαδαλο) тарикасида учрайди<sup>4</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ўрта форс (пахлавий) манбаларида баъзи тадқиқотчилар эфталитларнинг Hyon (Spet-Hyon, Karmir Hyon) шаклларида учрашидан келиб чиқиб, ушбу этнонимнинг асли хун эмас, хион бўлганини қайд қиладилар<sup>5</sup>. Аммо, худди шундай атамаларнинг параллеллари хинд манбаларида Huna (Sveta-Huna, Hara Huna) шаклида учраши ва юнон манбаларида қайд этилган Leukoī Hunnoу иборасининг луғавий маъноси «Оқ хун»дир.

Шимолий Ҳиндистон (Покистон, Афғонистон) ва қисман Хуросонни ўз қўл остида бирлаштирган Эфталитлар давлати (420–565) куч-қудратга эришган пайтда (450-йилларда) унга Ғарбий ўлкалардаги Чоч, Хўтан, Кошғар, Қуча, Аньси каби 30 га яқин кичик ҳукмдорликлар бўйсунганлар<sup>6</sup>.

Эфталитларнинг тили қайси тил гуруҳига мансублиги масаласи ҳалигача старли даражада ўз счимини топганича йўқ. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи эфталитларни шарқий эроний тилли қабилалар деб ҳисоблашса<sup>7</sup>, бошқа гуруҳи уларни туркий тилли этнос бўлган, деб таъкидлашади<sup>8</sup>. Ҳатто, тадқиқотчилар орасида

<sup>1</sup> Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1992. P. 81; Litvinsky B.A. The Hephthalite Empire // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris, 1996. P. 135.

<sup>2</sup> Litvinsky B.A. The Hephthalite Empire // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris, 1996. P. 135.

<sup>3</sup> Biswas A. The Political History of the Hunas in India ... P. 27, 49, 67, 133.

<sup>4</sup> Sims-Williams N. From the Kushan-shahs... P. 254–255.

<sup>5</sup> Ghirshman R. Les Chionites – Hephthalites//MDAFA. – Le Caire, 1948. – Т.ХIII. P.10–14, 19 – 21; Кляшторный С.Г., Савинов Д.Г. Степные империи древней Евразии. С. 40; Исоматов М.М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени д.и.н. Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. С. Айни, 2009. С. 19, 27, 37.

<sup>6</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва - Ленинград. Изд. АН СССР. Т. II. С. 269.

<sup>7</sup> Enoki K. On the nationality of Eptalites // Memories of the research department of Toyo Bunko. – Токуо, 1959. – № XVIII. – P. 34–40; Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. – Т.: 1999. – С. 271; Исоматов М.М. Ирано-среднеазиатские взаимоотношения по «Таърих-и Табарӣ» Балъами. Душанбе–Бишкек, 2006. С. 47; Ўша муаллиф. Ирано-Среднеазиатские взаимоотношения по «Таърих-и Табарӣ» Балъами. – Душанбе- Бишкек: Эҷод, 2006. С. 21–25.

<sup>8</sup> Frye R. N., Sayılı A. Selçuklulardan evvel Orta Şark'ta Türkler // Belleten. – Ankara, 1946. Cilt. 10. – S. 179–192; Бонград-Левин Г.М., Ильин Г. Ф. Индия в древности. Москва. 1985. С. 420–421.

эфталитларни жуан-жуанлар билан қариндош этнос эканлиги. протомўғул тилида сўзлашган, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас<sup>1</sup>.

Хитой йилномаларида эфталитларнинг келиб чиқишини юечжи, сюнну, гаоче каби Марказий осийлик кўчманчи этнослар билан боғланса<sup>2</sup>, мусулмон (араб, форс) манбаларида эфталитлар «хайатила» (хайталлар) шаклида келтирилиб, халаж, кумижи<sup>3</sup> ва канжина турклари уларнинг авлоди эканлиги қайд этилади<sup>4</sup>. Жумладан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар қалтиги») асарида қуйидагича маълумотлар ўрин олган:

«Хайатила – Тўхористонни бошқарган қудратли кишилар гуруҳи, халаж ва канжина турклари уларнинг авлодидир»<sup>5</sup>. Арман манбаларида эса «камичик хепталк» ибораси учраб<sup>6</sup>, у араб манбаларидаги «кумижи турклар» билан ҳамоҳанг келади. Хитой манбаларида колоита этноними учраб, Ж. Клосон уни туркий асосда «қора хебдал» шаклида тикласа<sup>7</sup>, тибет манбаларида хебдал туркларнинг 11- қабиласи сифатида келтирилади<sup>8</sup>. Хуллас, ўрта асрларда ҳам, ҳозирги пайтда ҳам, айрим туркий ва эроний халқлар таркибидаги уруғлардан бири сифатида абдал-абдел номи қайд этилиши<sup>9</sup>, шунингдек, ҳозирги кунда минтақанинг бир неча жойларида абдал, қора-абдал<sup>10</sup>, яфтал<sup>11</sup> каби этнопонимларнинг учраши мазкур этнонимнинг илк шакли абтал ёки ҳабтал бўлганлигидан дарак беради. Дарвоқе, айрим тадқиқотчиларнинг ушбу этноним абт+ал тарзида икки исмдан иборатлиги ва унинг иккинчи қисми туркийларга хос анъана – этнос номи ясашда ҳам қўлланилган «эл» сўзига алоқадорлиги ҳақидаги фикрлари диққатни жалб қилади<sup>12</sup>.

Маълумки, араб манбаларидаги «хайтал» атамаси асосан Эфталитлар давлатига нисбатан ишлатилган бўлиб, Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисми

<sup>1</sup> Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara, 2002. – S. 61, 88.

<sup>2</sup> Ходжаев А. Из истории древних тюрков. С. 189–190.

<sup>3</sup> Кумижи – Вахш дарёси ҳавзалари ва Кофирниҳон дарёсининг юқори ҳавзасида жойлашган Кумед вилоятининг қадимий аҳолиси (Гардизий, с. 73, 150).

<sup>4</sup> Doerfer G. Lexik und Sprachgeographie des Chaladsch. Wiesbaden, 1987. S. 411-417; Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. – Т.: 2009. № XIV. – С. 114.

<sup>5</sup> Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. Т.: 2009. № 14. – С. 114.

<sup>6</sup> Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938. S. 9.

<sup>7</sup> Clouston G. À propos du manuscrit Pelliot tibétain 1283 // Journal Asiatique. Paris, 1957. p. 18.

<sup>8</sup> Czeglédi K. On the Numerical Composition of the Ancient Turkish Tribal Confederation // Acta Orientalia. T. XXV. Budapest, 1972. P. 280.

<sup>9</sup> Бушаков В.А. Тюркская этнонимия Крыма. Дисс. канд. ист. наук. М., АН СССР ИЯ, 1991. – С. 86. Приложения. С. 3–4.

<sup>10</sup> Қора-абдал – Жиззах вилояти Фориш туманидаги қишлоқлардан бирининг номи.

<sup>11</sup> Яфтал – Бадахшондаги қишлоқлардан бирининг номи (Исоматов М.М. Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени д.и.н. Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. С. Айни, 2009. С. 17).

<sup>12</sup> Толстов С.П. По следам древнего Хорезма. Москва, 1948. С. 220.

маълум муддат (V–VI асрлар) ушбу давлат таркибида бўлган. VI аср иккинчи ярмига келиб, минтақада Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилгач, мағлуб эфталитлар фақат Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистонда хоқонликка тобе сулолалар сифатида бир муддат ўз бошқарувини давом эттиришган. Шу сабабли, араб тилли манбаларга эфталитлар минтақанинг ҳоким бир тоифасининг номи ва сиёсий маънога эга худудий тушунча сифатида кириб қолган. Демак, Муқаддасийда учрайдиган «ҳайтал тиллари» иборасини писбий маънода тушуниш лозим.

Эфталитларнинг юқори даражали унвонлари сифатида хитой йилнома-ларида тегин, бохтарий ҳужжатларида ябғу унвонлари ўрин олган<sup>1</sup>. Япон сўғдшуноси Ю. Ёшида хитой йилномалари, қадимги турк битиктошлари ва сўғдий ҳужжатда учрайдиган «лашкарбоши, кўшин нозими» маъносида учрайдиган чабиш унвонини эфталитлар тилига хос сўз деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Э. де ла Вессьер эса эфталит ҳукмдорларига алоқадор равишда бохтарий ҳужжатларида учраб, Н. Симс-Виллямс томонидан протобулғорча «*золаво*» (чўпон) унвони билан тенглаштириладиган «*солано*» унвонининг<sup>3</sup> оғур (ўғур) турклари муҳитига алоқадорлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, мазкур тадқиқотчи Покистондан топилган Самарқанд ҳукмдорларига тааллуқли V асрга оид муҳрда бохтарий ёзувли битикда акс этган «*оғулагучо воваво рао*» хун оғлар [оғурлар] ҳукмдори жумласини ҳам ўғур туркларига, пировардида эфталитларга алоқадор, деб талқин қилади<sup>4</sup>. Ё. Ютака Турк хоқонлиги бошқарувига хос чўр унвонини ҳам эфталитлар билан боғлайди<sup>5</sup>.

Тадқиқотчилар эфталит ҳукмдорларининг ушбу исмларидан бир қисмини эроний, бир қисмини эса туркий асосда изоҳласалар, уларнинг мазкур унвонлари эса туркийлар ёки уларга билвосита алоқадор юечжи-кушонлар ва хунлар муҳити билан боғланади.

Эфталитлар бошқарувига бевосита ёки билвосита алоқадор бохтарий тилли битиклар ва муҳрларда шарқий эроний тилларга, хусусан, бохтарий тилига хос «бузург, улуғ» (*oazorko*), «фармондор» (*fromaloro*), *hazaroxto* ва *asbarobido* («отлик кўшин бошлиғи») каби маҳаллий унвонлар учрайди, бироқ улар нисбатан куйи, яъни эфталит ҳукмдорларнинг бош унвони сифатида эмас, амалдорлар унвони сифатидадир<sup>6</sup>. Бохтарий ёзувли эфталит тангаларида эса «ҳукмдор» маъ-

<sup>1</sup> *Малаякин А. Г.* Танские хроники. С. 283; Sims-Williams N. From the Kushan-shahs, – P. 254–255. Göhçe S. İlkçağda Hindistan'da Türk varlığı // The Journal of Indo-Turcica. – İstanbul, 2008. – S. 19.

<sup>2</sup> *Yoshida Y.* Some reflections about the Origin of *čamūk* // Papers on the Pre-Islamic Documents and Other Materials Unearthed from Central Asia. Ed. T. Moriyasu. Kyoto, 2004. P. 131–132.

<sup>3</sup> *Sims-Williams N.* Ancient Afghanistan and Its Invaders: Linguistic Evidence from the Bactrian Documents and Inscriptions // Indo-Iranian Languages and Peoples. Ed. N. Sims-Williams. Oxford, 2002. P. 234.

<sup>4</sup> *Vaïssière E.* de la. Is There a «Nationality of the Hephthalites»? // Bulletin of the Asia Institute. New Series/Volume 17, 2003. P. 129.

<sup>5</sup> *Yoshida Y.* Some reflections about the origin of *čamūk* // Papers on the pre-Islamic documents and other materials unearthed from Central Asia. Ed. T. Moriyasu. Kyoto, 2004. P. 131–132.

<sup>6</sup> *Litvinsky B.A.* The Hephthalite Empire // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris. 1996. P. 146.

носидаги ХАНО ва ХОАДНО каби маҳаллий тилга оид унвонлар жой олган. Бу ҳолат эфталитларнинг Тохаристонда жойлашгач, бу ерликларнинг тили ва ёзувидан ўз иш юритишларида фойдаланганлиги ва маҳаллий бошқарувга хос анъаналарни ҳам қисман ўзлаштирганликлари билан изоҳланиши мумкин.

Демак, туркий тилли эфталитларнинг бир қисми жануби-ғарбга – Тохаристон ва унинг атрофларига кўчгач, бу ернинг маҳаллий аҳолиси бохтарийларнинг тилини қабул қилган ва уларнинг тилига оид мазкур маълумот шу тарика хитой манбаларидан жой олган.

Маълумки, кўпчилик олимлар ўрта асрларда Афғонистон худудида яшаган халаж туркларини эфталитларнинг кейинги авлодлари сифатида қарайдилар<sup>1</sup>. Таниқли турколог олим Г. Дёрфер ҳозирда Эронда яшовчи кам сонли этник гуруҳлардан бири бўлмиш халажлар тилининг архаик бир туркий тил лаҳжаси эканини ва ушбу тилнинг Турк хоконлиги даврида расмий тил сифатида қўлланилган Ўрхун–Энасой битиктошлари тилига яқинлигини исботлаб берди<sup>2</sup>. Бу эса эфталитларнинг қайси этносга тегишли эканлиги масаласининг янада чуқурроқ тадқиқ этилишини шарт қилиб қўяди. Чунки, олимлар орасида бир этнос ҳисобланган эфталитларни ҳам эроний тилли, ҳам туркий тилли, деб талқин қилиш айрим англашилмовчиликларни келтириб чиқаради.

Эфталитларнинг кейинги авлодлари сифатида халаж қабиласи араб манбаларида зикр қилиниши ҳам бу масалага бирмунча ойдинлик киритади. Тадқиқотчилар томонидан ҳозирги кунда сақланиб қолган энг архаик туркча сифатида Эрондаги туркий этнослардан бири – халажлар тилининг эътироф этилиши диққатга сазовордир<sup>3</sup>. Эронлик халажларнинг тили Турк хоконлиги даврида яратилган ўрхун битиктошларининг тилига яқин бўлиб<sup>4</sup>, бу эса уларнинг илк ўрта асрларда Етгисувдан Тохаристон ва Қобул водийсига, кейинроқ эса Эронга кўчган халаж қабиласи этник ва лаҳжа жиҳатидан ашина ва қарлуқ қабилаларига яқин бўлганлиги билан боғлиқ. Дарвоқе, бу масалада Муҳаммад ибн Нажиб Бакроннинг «Жаҳоннома» асарида ўрин олган қуйидаги маълумотлар диққатга сазовордир:

«Халажлар турк қабилаларидан бўлиб, халлух (қарлуқ) чегарасидан Зобулистон (Қандаҳор)га кўчишган»<sup>5</sup>.

Бир-биридан фарқли тиллардаги манбаларда эфталитларнинг кўпинча хун этноними билан тилга олиниши, уларнинг «оқ хун» ва «қизил хун» шакли-

<sup>1</sup> *Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A. D. // Zinbun. – Tokyo, 2005. – No. 38. – P. 10–16.*

<sup>2</sup> *Doerfer G. Lexik und Sprachgeographie des Chaladsch. – Wiesbaden, 1987. p. 410–420; Dani A. H., Litvinsky B. A., Zamir Safi M. Eastern Kushans, Kidarites in Gandhara and Kashmir, and Later Hephthalites // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris, 1996. P. 81.*

<sup>3</sup> *Doerfer G. İran'daki Türk Dilleri – Die Turkschprachen Irans // Türk Dili Araştırmaları Yıllığı. Belleten. Sayı 302. Ankara, 1969. S. 5, 17.*

<sup>4</sup> *Doerfer G. Mahmūd al-Kāşgarī, Arzu, Chaladsch // Ural-Altische Jahrbücher. Band 7. Wiesbaden, 1987. P. 105–114.*

<sup>5</sup> *Dani A. H., Litvinsky B. A., Zamir Safi M. Eastern Kushans, Kidarites in Gandhara and Kashmir, and Later Hephthalites // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. Paris 1996. P. 180.*



да иккита қабила (аслида, икки қанот)га бўлинишига доир маълумотларнинг бир-бирига ҳамоҳанг келиши ҳам уларнинг этник жиҳатдан қадимги туркларга алоқадорлигини кўрсатади. Маълумки, қадимги туркларда анъанавий равишда қабила ва уруғлар таркибида икки ва ундан ортиқ ранглар билан аталувчи этнонимлар мавжуд бўлиб, бу уларнинг географик жиҳатдан жойлашув ўрнини белгилаш билан биргаликда ҳарбий-сиёсий тузилишини ҳам ифодалар эди. Масалан, милoddан аввалги даврларга оид хитой йилномаларида қадимги туркларнинг аждодлари сифатида тилга олинган ди (динлип) теле қабилаларининг рунг-ди «қизил ди» ва бай-ди «оқ ди» каби номларда тилга олинаши<sup>1</sup>, Тургаш хоқонлиги (699–766) «қора тургаш» ва «сарик тургаш» қабилаларидан таркиб топганлиги<sup>2</sup>, *гешу* (қушу) қабиласи «қизил қушу» ва «қора гешу» каби икки тармоққа бўлиниши<sup>3</sup> ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади.

Баъзи бир тадқиқотчилар эфталитлар ва жуан-жуанлар келиб чиқиши жиҳатидан хун қабилаларига бориб тақалади, уларнинг умумий маҳаллий номи авар бўлган<sup>4</sup>, деб биладилар. Чунончи, авар этноними хитой тилида жуан-жуан шаклини олган бўлса, эфталитларнинг Тохаристондаги пойтахти Валвалиж (Варвализ – «Авар шаҳри») номи негизда ҳам ушбу этноним ётади<sup>5</sup>.

Хитой йилномаларида «хуа» атамаси Эфталитлар давлатининг номларидан бири сифатида учрайди<sup>6</sup> ва мазкур атама ҳам авар шаклида тикланиши мумкин. Эҳтимол, форсий тилли манбаларда Эфталит ҳукмдорларининг исми сифатида учрайдиган Ахшунвор, Ғатфар номларида ҳам Вар / Авар этноними ётса керак. яъни Ахшун–Вар, Ғат–Вар. Чунончи, улардан биринчиси Ахшунворнинг Ахшун қисми сугдча «хукмдор, подшо («хšywn»)»<sup>7</sup> сўзини англатади.

Қатор тадқиқотчилар Эфталитлар давлатини Жуан-жуан хоқонлигининг ғарбий (ўнг) қаноти деб тахмин қилишади<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, уларнинг пайдо бўлиш ва сиёсат саҳнасидан тушиш даврлари деярли бир вақтга тўғри келади. Шунингдек, уларни ҳудудий жиҳатдан ўзаро қўшни бўлганликлари каби омиллар назарда тутилса, бу фараз асосли бўлиб чиқади.

Уларнинг худуд талашиб, бир-бирига қарши жанг олиб борганлиги тарихда маълум эмас. Улардан биринчисидан олий ҳукмдор *хоқон* унвонига, иккинчиси

<sup>1</sup> *Ходжаев А.* Из истории древних тюрок. С. 29, 42–44, 192.

<sup>2</sup> *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва – Ленинград. Изд. АН СССР. Т. I. С. 300.

<sup>3</sup> *Bacot J.* Reconnaissance en haute asie septentrionale par cinq envoyes ouigours au VIIIe siècle JA. – Paris, 1956. – Vol. CCXLIV. – P. 147.

<sup>4</sup> *Golden P.* Hazar Çalışmaları. S. 54–55

<sup>5</sup> *Marquart J.* Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin, 1901. – S. 53–54, 68

<sup>6</sup> *Ходжаев А.* Из истории древних тюрок. С. 188.

<sup>7</sup> *Gharib B.* Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian – English. – Tehran: Farhang Publications. 1995. – P. 83.

<sup>8</sup> *Golden P.B.* An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz. 1992. P. 81.

ябғу унвонига эга бўлган<sup>1</sup>. Бу эса дастлаб, уларнинг аслида битта империя – хоқонлик бўлиб, уларнинг бири жуан-жуанлар шарқий (сўл) қанот, иккинчиси эса тобе ҳокимият мақомидаги ғарбий (ўнг) қанот бўлган деган тахмин қилишга имкон беради. Дарвоқе, битта давлатнинг иккита – сўл (марказий) ва ўнг (таркибий) қанотларга бўлиниш тартиби Марказий Осиёлик кўчманчи этносларга хос бўлиб, бу жуан-жуанлар ва эфталитлардан олдин ҳам, кейин ҳам мазкур минтақада кенг тарқалган анъана сифатида тарихда жой олган. Ўз салтанатини асосан ушбу давлатлар худудида барпо қилиб, икки қанотга бўлиб бошқарилган Турк хоқонлигида ҳам марказ – шарқий сўл қанотда хоқон, тобе – ғарбий ўнг қанотда эса ябғу идора қилган. Шу ўринда Турк хоқонлигининг ҳар иккала қанотининг меросий худудлари орасидаги чегара жуан-жуан ва эфталитлар ўртасида чегара худудни ташкил қилган жойларга бирмунча мос келиши ҳам диққатга сазовордир.

Хуллас, эфталитлар хунларнинг бир тармоғи бўлиб, оқ-хун, қизил-хун, авар, абдал этнонимлари билан манбаларда ўрин олганлиги тарихий ҳақиқатдир.

Шундай қилиб, Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий аҳволга доир маълумотларни яхлитлайдиган бўлсак, бу даврда минтақада иккита йирик сиёсий куч – шимоли-шарқда Жуан-жуанлар, жануби-ғарбда эса Эфталитлар давлати ҳукм суриб, биринчиси бир неча ўнлаб кўчманчи этносларни, иккинчиси эса, бир қатор воҳа ҳукмдорликларини ўзига бўйсундирган эди. Жуан-жуанлар қўл остида бўлган ашина турклари 550 йиллар атрофида ўз мустақиллигини эълон қилиб, қисқа муддат ичида бир неча қабилаларни бирлаштирган ҳолда ўз хўжайинларининг ҳокимиятига барҳам беради ва дастлаб, ўз она маконларидан бири бўлмиш Жанубий Олтойда, кейинроқ эса Ордос ва Ўтукан (Мўғулистон)да ўз қароргоҳини тиклайдилар. Орадан кўп ўтмай 555 йилга келиб, шимолда қирғиз (Жанубий Сибир), жанубда эса Шарқий Туркистон воҳа давлатларини қўлга киритган хоқонлик қўшинлари ғарбга юриш қилиб, 560 йилларда Эфталитлар давлатига барҳам беради. Шу тарика, ушбу давлатлар қўл остидаги бир неча ўнлаб қабил ва воҳа ҳукмдорликларини ўзига бўйсундирган хоқонлик минтақанинг энг йирик империясига айланади.

## **Х. 2. Ғарбий Турк хоқонлиги ва унинг ўзбек халқи этногенезида тутган ўрни**

VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё этносиёсий майдонида Ғарбий Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши минтақа халқлари, жумладан, ўзбек халқи этногенези ва давлатчилик тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, қарийб икки юз йил давомида Ғарбий Олтойдан то Қора денгизнинг шимолигача, Волга-Ўрол бўйларидан то Шимолий Ҳиндистонгача бўлган худудларда ўз ҳокимиятини

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва – Ленинград. Изд. АН СССР. Т. I. С. 228; Golden P.B. Türk Halkları tarihine Giriş. S. 119; Sims-Williams N. Turks and other peoples in the Bactrian documents // Ötüken'den İstanbul'a Türkçenin 1290 Yılı (720–2010) – From Ötüken to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720–2010). 3–5 Aralık, İstanbul / 3th – 5th December 2010. – İstanbul, 2011. – P. 17–18.

ўрнатган ушбу хоқонлик таркибига Амударё–Сирдарё оралигидаги Чоч, Қадимги Фарғона, Уструшона, Суғдиёна, Бухоро, Тохаристон ва Қадимги Хоразм каби воҳа ҳукмдорликлари кирган бўлиб, мазкур сарҳадларнинг аксарияти географик жиҳатдан бугунги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади.

Ғарбий Турк хоқонлиги 568–740 йиллар оралигида ҳукм сурган давлат ҳисобланади. У ҳақда қадимги турк битикларида (VII–VIII асрлар) бирламчи маълумотлар мавжуд бўлиб, уларда хоқонлик давлат тузумининг ўзига хос жиҳатлари акс этган<sup>1</sup>. Хитой йилномаларида (VI–X асрлар) хоқонликнинг сиёсий тарихи, шаклланиш жараёнлари, бошқарувда қўлланилган унвон ва атамаларга оид бирламчи маълумотлар ўрин олган<sup>2</sup>. VII–VIII асрларга тегишли суғдий тилдаги битиктош ва нумизматик материалларда хоқонликка доир ҳокимият рамзлари, айрим турк хоқонлари исми ва унвонлари сақланиб қолган<sup>3</sup>. Хоқонлик бошқарувига доир баъзи бир маълумотлар бохтарий тилидаги ҳужжатларда ҳам учрайди<sup>4</sup>. Юнон, сурёний ва арман манбаларида Турк хоқонлигининг Византия билан алоқалари, хоқонликнинг Шимолий Кавказдаги фаолиятига оид маълумотлар ўрин олган<sup>5</sup>. Ҳатто, хоқонликнинг ташқи алоқалари ҳақида тибет тилидаги ман-

<sup>1</sup> *Thomsen V. Orhon ve Yenisey yazitlannin ilk cozumu. İlk Bildiri. Cozulmus Orhun yazitlan (Turkce terc. V. Koken). – Ankara: TTK, 1993; Родлов В.В., Мелиоранский П.М. Древнетюркские памятники в. Коше-Цайдаме. – СПб, 1897; Бартольд В.В. Новые исследования об Орхонских надписях. Соч. т. V. Москва, 1968; Бернштам А.И. Социально-экономический строй Орхон-снисейских тюрок VII–VIII вв. «Восточно-тюркский каганат и киргизы». Москва–Ленинград, 1946; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. Москва, 1964. Малов С.Э. Памятники древнетюркской письменности. Москва–Ленинград, 1951; Orkun H.N. Eski Turk Yazitlan. Ankara: TTK, 1986; Айдаров Г. Язык Орхонского памятника Бильге-кагана. Алма-Ата, 1966; Абдурахманов Г.А., Рустамов А.Р. Қадимги туркий тил. Т.: 1982.*

<sup>2</sup> *Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I–III. Москва–Ленинград, 1950; Кюннер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири. Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва. 1961; Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. Введение, перевод и комментарии В.С. Таскина. Москва, 1984; Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turs) occidentaux. SPbg, 1903; Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost – Turken (Tukue). III – Wiesbaden, 1958; Togan I., Kara G., Baysal C., Cin kaynaklarda Turkler. Eski Tang Tanhi/ Ankara: 2006; Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Т.: 2001.*

<sup>3</sup> *Кляшторный С. Г., Лившиц В.А. Согдийская надпись из Бугута. «Страны и народы Востока». Москва. 1971, вып. X. С. 121–146; Согдийские документы с горы Муг. Чтение, перевод, комментарии В.А. Лившица. Вып. 2. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва, 1962; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб., 2008; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Москва, 1981; Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н.э.). Т.: 2006; Исхаков М. Унитилган подшоликдан хатлар. Т.: 1992; Баратова Л.С. Древнетюркские монеты Средней Азии VI–X вв. (типология, иконография и историческая интерпретация). Канд. дисс. Т.: 1995.*

<sup>4</sup> *Sims-Williams H. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. Oxford Univ. Press, 2000.*

<sup>5</sup> *Пигулевская Н.В. Сирийские источники по истории народов СССР. Москва–Ленинград, 1941; Тер-Мкртчян Л.Х. Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. Москва, 1979.*

баларда ҳам тегишли маълумотлар бор<sup>1</sup>. VIII–X асрларда араб босқинчиларига қарши маҳаллий ҳукмдорлар ва хоқонликнинг мардонавор курашлари ҳақида араб-форс манбаларида кўшлаб материаллар сақланган<sup>2</sup>.

Мана шу бирламчи манбаларнинг илмий таҳлили асосида Ғарбий Турк хоқонлиги давлат сифатида Ябғулик (VI асрнинг 60-йиллари ва шу асрнинг охирилари), Ябғу-хоқонлик (VII аср бошлари ва шу асрнинг 30-йиллари) ва хоқонлик (630–740 йиллар) каби уч босқични босиб ўтади. Дастлаб, у Шарқий Турк хоқонлигининг ғарбий қаноти сифатида шарқдаги марказий ҳокимиятга бўйсунган. Сўнги босқичда эса у хоқонлик мавқеига эришиб, тўла мустақил давлатга айланган. Аммо, 657–740 йиллар оралиғида эса Хитойнинг Тан сулоласи устунлигини тан олган<sup>3</sup>.

Ғарбий Турк хоқонлигининг пойтахт шаҳри Суяб (Оқ Бешим) бўлиб, Беш-балик (Турфан), Эқ-тоғ (Шарқий Туркистон), Минг-булоқ (Мерки), Жабғуқат (Чоч) каби шаҳарлар турли даврларда хоқонлик қароргоҳлари вазифасини ўтаган. Хоқон қурултойда сайланган. Номзод Ашина хонадонидан бўлиб, она томондан турк бўлиши шарт бўлган.

Ғарбий Турк хоқонлиги марказий ва унга тобе вассал ҳудудлардан иборат бўлиб, унинг марказий ҳудудларига Еттисув – Юлдуз водийси – Жунғория текислиги қиради, тобе ҳудудларни эса, Қора денгиз шимоли, Шимолий Кавказ, Волга-Ўрол, Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзалари, Ғарбий Сибир, Жануби-ғарбий Олтой қабила уюшмалари, Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон ҳудудларида таркиб топган воҳа ҳукмдорликлари ташкил этади<sup>4</sup>. Хоқонликнинг маъмурий-давлат бошқаруви «Ўн ўк» деб аталган 10 та қабила қўлида марказлашган. Улар икки қанотга: ўнг (нушиби) ва сўл (дулу) қанотларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири 5 тадан қабиладан иборат. Хоқонлик сиёсий-ҳарбий характердаги давлат бўлиб, маъмурий-бошқарув ва ҳарбий сафарларда «Ўн ўк»га суянган.

Хоқонлик ўз давлат мафқурасига кўра, «эл» деб аталиб, қадимги тарихда у билан боғлиқ «мангу эл», «тангри (илоҳий) эл», «турк эли» каби иборалар шаклланган. Эл ва хоқон ҳокимиятининг Тангри томонидан Ашина хонадонига «турк будун (ҳалқи)»га инъом қилинганига ишонилган. Қадимги турк жамиятида дунёнинг бирор бошқа сиёсий уюшмаси ҳукмдорига «худо-қирол» сифатида қаралмаган, чунки, бундай сиёсий иқтидор (неъмат) Тангри томонидан фақат

<sup>1</sup> Абдуҳолик Абдурасул ўғли. Туркий халқлар тарихига оид бир тибетча ҳужжат. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журнали, № VI, Т.: 1997. 72–77-бетлар.

<sup>2</sup> История ат-Табарий. Избранные отрывки (Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнение к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халилова. Т.: «Фан» 1987; Наршахий Абу Бакр. Бухоро тарихи. Форсчадан А. Расулов таржимаси. Т.: «Фан», 1966; Абу Райхон Бируний. Памятники минувших поколений. Перевод с арабского М.А. Салье. «Бируний. Избранные произведения. Т. I. Т.: 1957.

<sup>3</sup> Бобоёров Ф.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Док. автореферати. – Т.: 2012. – 7–8. 46-бетлар.

<sup>4</sup> Бобоёров Ф.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Док. автореферати. Т.: 2012. – 47-бет.

Ашина хонадонига инъом этилган, деган тасаввур ашина турклари тасаввурида хукмрон эди. Шу боис, Ашина хонадони ҳокимияти илоҳийлаштирилган. Агар Тангри берган сиёсий ҳокимият ишонччи оқламаса, яъни ўз иқтидорини кўрсата олмаса, ундай хукмдор ҳокимиятдан узоқлаштирилиб, «Тангри берган сиёсий ҳокимият яна Тангри томонидан қайтариб олинди», деб тушунилган.

Олий хукмдор (ябғу, ябғу-хоқон ва хоқон) давлат ва халқ тақдирига алоқадор масалаларда яқка ўзи қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмаган. Хукмдорни назорат қилувчи Олий орган (Курултой) бўлиб, бошқарувчи хонадонга (ашина ва ашида қабиласига) мансуб хоқон, ябғу, шад ва тегинлар Олий кенгашнинг доимий аъзолари бўлган. Шу категорияга хукмдорнинг аёлли-хотун ҳам кирган. Айғучи, буйрук, ўга деб аталувчи вазирлар ва давлат маслаҳатчилари, ҳамда бошқа бир қатор амалдорлар унинг аъзолари сифатида махсус кенгашда сиёсий масалаларни кўриб чиқишда қатнашган<sup>1</sup>. Уларнинг бир қисми Ашина ва Ашида хонадонларига тегишли бўлмаган амалдорлардан ҳам бўлиши мумкин бўлган.

Хоқонлик бошқарувининг барча бўғинларида лавозим эгалари ҳарбий унвонли бўлишган. Хоқонлик вассал воҳа хукмдорларига «элтабар» унвонини берган. Уларни назоратда тутиб туришлик учун эса ашина қабиласидан «тудун» унвонли вакил юборилган. Хоқонлик баъзи бир вассал вилоятлар (Куча, Гаочан, Қашғар, Хўтан, Самарқанд, Марв) элтабарларига қиз бериб, «кўрагонлик тизими»ни жорий қилган. Чоч, Фарғона, Тохаристон, Кабулистон каби вассал ҳокимликларида эса бошқарув бевосита Ашина хонадони вакиллари қўлида бўлган. Суғдиёнада, унинг Самарқанд, Панч, Нахшаб каби ҳокимликлари бошқарувида икки тил (суғдий ва туркий) вакилларида иборат амалдорлар бўлишига имконият берилган. Шунингдек, хоқонлик бошқарув тизимида ғайритуркий этнос вакиллари (масалан, суғдийлар, хитойлар) ҳам қатнашган<sup>2</sup>.

Ғарбий Турк хоқонлиги хун, юечжи, усун каби кўчманчи ва ярим кўчманчи сиёсий уюшмаларга хос бошқарув аъналарини давом эттиради. Шу билан бирга, хоқонлик улардан фарқли ўлароқ бошқарувни янада мукаммаллаштиради ва улардан устун бўлган тизимни яратади. Бу хоқонлик бошқарувида 40 га яқин катта-кичик унвонлар ва 50 дан ортиқ эпитетларни қўлланишида ўз ифодасини топган. Хоқонлик ўз эҳтиёжи ва ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб, вассал ҳокимликларга ўз назоратчи ноибларини (тудунларни) тайинлаши, ҳарбий ҳаракатларда «ўнлик тизим»ни яратиш, вассал ҳокимликлар ҳудудларида ўз қароргоҳларини барпо этиш, давлат бошқарувида қадимги тизимни бузиб ташламай, уларни давом эттиришга изн бериш ва бошқалар бошқарувни мукаммаллаштириш йўлидаги ижобий ёндашувлар эди.

Ғарбий Турк хоқонлигининг тангалари Чоч воҳасида зарб этилиб, уларда унвонлар исрархиясига амал қилинган, яъни дастлаб тангалар жабғу унвони билан.

<sup>1</sup> Бобоёров Ф.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Док. автореферати. – Т.: 2012. 47–48-бетлар.

<sup>2</sup> Togan I, Kara G, Daysal C. Çin kaynaklarında Türkler. s. 325; Liu Mau-Tsai. Çin kaynaklarına göre. s. 203.

кейинги боскичда жабғу-хоқон унвони билан зарб қилинган. Качонки, Шарқий Турк хоқонлиги давлат сифатида барҳам топгач, Ғарбий Турк хоқонлиги том маънода мустақил давлат-хоқонликка айлангач, тангалар хоқон унвонида зарб қилина бошлаган. Тангалардаги сугдий ёзувли жумлаларни «жабғу» (*ḫpḡw*), «жабғу-хоқон тангаси» (*srḡw x'γ'n pny*), «Тарду хоқон» (*trδw x'γ'n*) ва «Илохий Тун жабғу-хоқон» (*βḡu twn srḡw x'γ'n*) шаклида ўқилиши Ғарбий турк хоқонлари ўз номидан танга зарб қилдирганликларидан гувоҳлик беради. Тангаларда Тарду хоқон, Тун ябғу-хоқон каби аниқ ҳукмдор номларининг аниқланиши хоқонликнинг танга зарби масаласини ҳал этилишида яна бир қадам бўлди. Шу пайтгача аксарият тадқиқотларда VI–VIII асрларга тааллуқли Ўрта Осиё тангаларининг бир қисмини «Қадимги турк тангалари» эканлиги таъкидланса-да<sup>1</sup>, уларни қайси ҳукмдорларга ёки сулолаларга тегишлилиги масаласи ҳал қилинмаган эди. Ҳатто. «хоқонлик танга зарб қилдирганми ёки аксинча» мазмундаги фикр деярли ўртага кўйилмаган, кўнчилик тадқиқотчилар орасида эса илк туркий тангалар Турғаш хоқонлиги (699–766) томонидан зарб этилган мазмундаги фикр ўрнашиб қолган эди<sup>2</sup>. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар жараёнида Чоч воҳасида зарб этилган тангаларнинг катта бир қисми **хоқон** унвонли тангалар бўлган. Уларнинг иконографик ва тамға шакли (☉) кўринишида эканлиги аниқланиб, улар хоқонликнинг сўнги, учинчи босқич тангалари бўлганлигидан дарак беради. Бу эса Ғарбий қанотни Хоқонлик палласига ўтганлигидан далолатдир.

Демак, 630- йиллар бошида Тан империяси Шарқий Турк хоқонлигига барҳам бергач, Ғарбий қапот (яъни ябғу-хоқонлик) марказий ҳокимиятнинг вориси ўларок, мустақил хоқонликка айланади ва ҳукмдорлар энди «хоқон» унвони билан танга чиқара бошлайдилар.

Шундай қилиб, 560- йилларда шакллана бошлаган Ғарбий Турк хоқонлиги ўзининг *Ябғулик* ва *Ябғу-хоқонлик* мақомидаги дастлабки 60 йилини «юксалиш даври», 630–657 йиллар оралиғини «мустақил хоқонлик», 657–740 йиллар оралиғини эса «таназзул даври» ёки Хитой қарамоғидаги «кўғирчоқ хоқонлар ҳукмронлик қилган давр» шаклида таснифлаш мумкин.

Юксалиш даврида у худудий жиҳатдан кенгайди, янги ўлкаларни (Шимоллий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон) эгаллайди, вассаллар устидан ўз ҳокимиятини кучайтиради, маҳаллий ҳукмдорларга элтабар унвонини бериб, улар устидан ноиб тудун тайинлайди, ташқи алоқаларда муваффақиятларга эришади, яъни Сосонийлар Эронини бир печа бор мағлуб қилиб, Византия империяси билан иттифоқ тузади, Хитой билан суверен давлат сифатида дипломатик алоқалар ўрнатади. Бироқ, хоқонликнинг сўнги палласида у ўзаро ички низолар, тахт талашувлар кучайиб, баъзи чекка худудлар (Шимоллий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Шарқий Туркистон) назоратдан чиқиб, тобе қабилаларнинг (*се-янто*, *қарлук*, *турғаш* ва ҳ.к.) мустақилликка интилишлари

<sup>1</sup> *Смирнова О.И.* Сводный каталог. С. 5, 14, 59; *Baratova L.* Altürkische Münzen. – S. 281–283. *Salman H.* Türgişler. – Ankara: 1998. S. 131.

<sup>2</sup> *Salman H.* Türgişler. Ankara: ТТК, 1998. – s. 131.

реал вокеликка айланади. Оқибат натижада, Хоқонлик 657- йилдан Хитойнинг Тан сулоласи таъсирига тушиб қолади. Ҳатто, хоқонлар Хитой томонидан тайинлана бошлайди. Боз устига, араблар истилоси туфайли Хуросон ва Амударё – Сирдарё оралигида хоқонлик нуфузи кескин пасайиб, ички зиддиятлар кучайишидан фойдаланган тургашлар унинг марказий ҳудудларини босиб оладилар. Ниҳоят, 740 йилда Ашина сулоласининг сўнгги вакили Ашина Син тургашлар томонидан ўлдирилгач, Ғарбий Турк хоқонлиги барҳам топади.

Хоқонликнинг давлат мафқураси негизида «турк» этносини, яъни «мангу эл»нинг мустақиллигини сақлаб туриш билан бирга, унинг бошқа этнослар устидан ҳукмронлик қилишини ёки дўстона муносабатлар ўрнатишини таъминлаш ётган. Бу мафкура битиктошларда хоқонлар томонидан халққа мурожаат қилинганда «Турк будуни (халқи)», «Турк беклари ва будуни», «турк, ўғуз беклари, будуни», «турк сир будун» каби ибораларнинг жумла бошида жой олиши, унинг мустақил яшаши ва эгалланган ҳудудларда ҳоким табакага айланишини таъминлаган<sup>1</sup>.

Хоқонликнинг олий давлатчилик концепциясини асосий тамойилларидан бири давлатнинг асосчилари ва бошқарув тоифасига мансуб бўлган *турк* этносига алоҳида урғу берилганида кўринади. Хитой йилномаларида турк хоқонлари унвонларининг таркибий бир қисми сифатида *да тужюе* (луғ. «буюк турк») ибораси учрайди<sup>2</sup>. Бу эса, қадимги турклар ўз давлатини «*Буюк Турк қаганлиги*» шаклида намоён этилишини ифодалайди.

Хоқонликка нисбатан шунга ўхшаш ибора боғтарий тилли ҳужжатларда ҳам учратилади. Масалан, 710 йилга оид ҳужжатда *оторою торосанço оолою* ибораси бўлиб, Н. Симс-Виллямс уни «буюк турк маликаси» шаклида таржима қилади<sup>3</sup>. Бу ҳужжатдаги «буюк турк» ибораси остида хоқонлик назарда тутилган. Шунингдек, VII–VIII асрлар ёзма манбаларида «Туркистон» (арман, суғд. пахлавий), «Другу-йул» (*тибетча* «Турклар ўлкаси») атамалари учратилиб, уларнинг мазмунидан мазкур атама Ғарбий Турк хоқонлигини ифодаловчи этносиёсий ва географик ном бўлганлигини пайқаш мумкин.

Хоқонлик катта бир империя микёсидаги давлат эди. Унинг таркибига Шарқий Туркистон (Кумул, Турфон, Қорашаҳр, Куча, Кошғар, Хўтан), Мовароуннаҳр ва унга тугаш ҳудудлар—Чоч, Ўтрор, Исфижоб, Фарғона, Уструшона, Суғд (Самарқанд, Маймуғ, Кушония, Панч, Кеш, Нахшаб), Бухоро, Тўхористон, Хоразм, Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон (Кашмир, Кобулистон, Зобулистон), шимоли-шарқий Эрон – Жанубий Туркманистон (Дехистон, Гургон, Марв ҳудудлари кирган).

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. 103-6; Tekin T. Orhon Yazitlari. – S. 39, 63; Каржаубай С. Объединенный каганат тюрков в 745–760 годах. – Астана: Фолиант, 2002. С. 161–166.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва – Ленинград. Изд. АН СССР. Т. I. С. 237.

<sup>3</sup> Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern. – P. 98.

<sup>4</sup> Тер-Мкртчян Л.Х. Армянские источники. С. 60–61; Vaissière E. de la. Sogdian traders. – P. 169; Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast, and Shayast La-Shayast. Trans. by E.W. West. BSE. Delhi: 1987. – Part I. Vol. 5. – P. 37, 41, 120.

Ғарбий Турк хоқонлиги ўз вассалларини бошқаришда бевосита, яъни вассаллар назоратига шахзода – тегинлар юбориш ва билвосита, яъни воҳа ҳукмдорлигининг маҳаллий сулоласи устидан назорат қилиш, маҳаллий ҳукмдорларга элтабар унвонини бериш ва тудун тайинлаш усулларидан фойдаланган (зарварақдаги 10-расмга қаранг). Ушбу усуллар ҳар доим ҳам қутилгандек натижа бермаган чоғларда, хоқонлик нисбатан кучлироқ воҳа ҳукмдорлиги билан никоҳ муносабатларини йўлга қўйиш, яъни вассал ҳукмдорини куёв қилиш («кўрагонлик тизими»ни яратиш) чораларини ҳам кўрган. Масалан, Гаочан, Қуча, Қошғар, Хўтан, Самарқанд, Марв ҳокимликларига нисбатан шундай сиёсат олиб борилган. Стратегик аҳамиятга эга жойларда кўшин сақлаш, гарнизон қуриш, кичикроқ воҳа ҳукмдорлигининг бошқарувиغا, яъни маҳаллий ҳукмдор ўрнига бирор туркий қабила ёки уруғ вакилларини тайинлаш (Кумед, Панч, Хуттал) давлат бошқарув сиёсатининг туб мазмун ва моҳиятини ташкил этган.

Ёзма манбалардан маълумки, VII аср бошларига келгач, Ғарбий турк хоқонлари бир қатор воҳаларда бошқарувчи маҳаллий сулолаларга барҳам бериб, улар ўрнига ўз хонадони вакилларини тайинлай бошлаганлар. Жумладан, 605 йилда хоқонликда *шад* мартабасида бўлган Шегуй хоқон (611–618) Чочнинг маҳаллий ҳукмдорини ўлдиртириб, бу ерни ўз тасарруфига олади ва воҳанинг бошқарувиغا Теле Тянчжи (*турк.* Тегин Тянчжи) исмли шахзодалардан бирини тайинлайди<sup>1</sup>. «Тан шу» йилномасида келтирилишича, 609 йили Тянчжи Чочда туриб, Хитойга элчи юборади. Демак, мазкур шахзода бу пайтга келиб, Чоч ҳукмдорига айланган ва бу ердан туриб ўз элчиларини хорижий мамлакатларга юбориш ҳуқуқига эга бўлган. Шунингдек, хитой манбаларида Чоч ҳукмдорларидан бирини (Шу-жу шад) *шад* унвони билан эслатилиши, 740 йилларда эса Хитойга бир неча бор ўз элчиларини юборган Чоч ҳукмдорининг *тегин* унвонида тилга олинishi, воҳада хоқонлик билан алоқали *Тегинлар* сулоласи ташкил тошганидан дарак беради. VII–VIII асрлар мобайнида воҳада зарб қилинган мис тангаларнинг бир неча типиди сугдий ёзувда tk'yn c'synk xwβ («Чоч ҳукмдори Тегин») иборасининг учраши ҳам бу даврда Чочни *Тегинлар* сулоласи бошқарганини яна бир бор тасдиқлайди<sup>2</sup>.

Шунингдек, «Тан шу» йилномасида келтирилишича, 640–750 йиллар орасида воҳани бошқарган 4 нафар Чоч ҳукмдорини *тудун* унвонида учраши<sup>3</sup>, А–14 рақамли сугдий ҳужжатда (720 й.) *tdwn* унвонли шахс Чоч билан алоқали сиёсий масалаларни ҳал қилувчи амалдор сифатида тилга олинishi<sup>4</sup>, Табарий асарида «Тудун малик аш-Шош» («Шош ҳукмдори Тудун») иборалари қайд этилиши<sup>5</sup>, Беруний эса «тудун» сўзини Шошнинг қадим ҳукмдорлари унвони тариқасида кўрсатиши<sup>6</sup>, айнан *Тегинлар* сулоласи билан деярли бир вақтда воҳада *Тудунлар*

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва – Ленинград. Изд. АН СССР. Т. I. С. 313; Chavannes E. Documents sur les... – P. 141.

<sup>2</sup> Бабаёров Г. Древнестюркские монеты. С. 40–50.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений. I. С. 313–314.

<sup>4</sup> Согдийские документы. II. С. 82–83.

<sup>5</sup> История ат-Табари. С. 269.

<sup>6</sup> Бируни, Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А. Салье // Бируни. Избранные произведения. Т. I. Т.: 1957. С. 111.



сулоласи мавжуд бўлганидан дарак беради. Зотан, VII–VIII асрларга тааллуқли тангаларда *tdwп с'сунк хwβ* («Чоч ҳукмдори Тудун») ибораси учрашининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди. Хитой йилномаларида Чоч тегинлари тўғридан-тўғри *Ши-го ван* («Чоч давлати ҳукмдори»), Тудунлар эса баъзан *Ши-го Фу-ван* («Чоч давлатининг ҳукмдор муовини») шаклида тилга олиниши<sup>1</sup> биринчисининг бош сулола, бошқасининг эса иккинчи даражали сулола бўлганидан дарак беради. Шунга карамай, 640–750 йиллар мобайнида Чоч билан боғлиқ сиёсий воқеаларда тегинлар эмас, ҳал қилувчи шахс сифатида доимо тудунлар иштироки, уларнинг Чоч ҳокимияти жиловини ўз қўлларига олганини кўрсатади.

Шу ўринда, хоқонлик Чоч воҳаси бошқарувига шахзода – тегинларни тайинлаб, бу ернинг бошқарувини бевосита ўз қўлига олган бўлса, унда бу ерга тудун жўнатишга зарурат бормиди, деган савол туғилади. Юқорида кўриб ўтилганидек, Чоч воҳаси бошқарувига масъул қилинган шахзодалар бу ернинг бошқарувчи сулоласи сифатида Хитойга ўз элчиларини юборишгани ва танга-пул зарб қилдира бошлашгани, уларнинг ўз ички бошқарувида маълум маънодаги мустақиллигини ифода этар эди. Хуллас, Чоч тегинлари хоқонлик наздида бошқа вассал ҳукмдорликлардан унча фарқ қилмайдиган маҳаллий ҳукмдорларга айланиб улгурган чоғи, хоқонлар эндиликда ушбу сулола вакиллариغا *элтабар* унвони бериш билан бирга, уларни назоратда тутиб туриш мақсадида *тудун* унвонли ўз вакилларини жўнатишган. Бу фикр Чоч тегинларига тааллуқли тангаларда *с'сунк хwβw tk' ryttyр* («Чоч ҳукмдори Тегин-Элтабар») жумлаларининг учрашида ҳам ўз тасдиғини топади<sup>2</sup> (зарварақдаги 10- расмга қаранг).

Шунингдек, баъзи бир далиллар 605 йили Чочнинг маҳаллий ҳукмдори ўлдирилган бўлса-да, хоқонлик бу ернинг маҳаллий сулоласи фаолиятига чек қўймаганидан дарак беради. Гарчи улар *Тегин* ёки *Тудунлар* сулолалари билан тенг мавқеда бўлмаса ҳам, ўз ҳокимиятини номигагина давом эттирган кўринади. Чунончи, VI–VIII асрларга тааллуқли Чоч тангаларининг катта бир қисми *Тегинлар* (☉) ва *Тудунлар* (☐) сулоласи тангаларидан фарқли тамғалар (☋) билан зарб қилинган бўлиб, уларнинг баъзи типларида *с'сунк хwβ* («Чоч ҳукмдори») баъзиларида эса фақат *хwβу* («ҳукмдор») сўзи учрайди<sup>3</sup>. Ушбу тангаларнинг биринчи типи маҳаллий сулола томонидан воҳада *Тегинлар* сулоласи ташкил топгунгача чиқарилган, иккинчи типи эса мазкур маҳаллий сулоланинг аввалги мавқеи қўлдан бой берилган пайтда зарб қилинганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Балки, А–14 рақамли суғдий ҳужжатда *тудун* унвонли амалдор билан бирга, Чоч ҳукмдори сифатида тилга олинган шахс (*с'сунк хwβ*) ушбу сулола вакили бўлгандир. Мазкур ҳужжатнинг бош сатрларида *с'сунк хwβ* ҳақида баҳс юритилса ҳам кейинги сатрларида воҳа сиёсий ишларини ҳал қилувчи шахс сифатида фақат

<sup>1</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 142; Chavannes E. Notes additionnelles sur les Tourkies (Turcs) occidentaux // T'oung Pao. – Vol. II. – Leide, 1904. – P. 67, 69–70, 74, 92.

<sup>2</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты. С. 48, 49.

<sup>3</sup> Бабаяров Г. Древнетюркские монеты. С. 75, 76.

тудун тилга олинадики, бу эса амалдаги ҳокимият ушбу сулола вакилларида бўлмагани билан боғлиқ эмасмикин, мазмундаги фикрга туртки беради.

Ғарбий турк хоқонлари Чочда бўлганидек, ўзларининг марказий худуди – Етгисувга жануби-ғарбдан қўшни бўлган Фарғона ҳукмдорлиги бошқарувиغا ҳам яқиндан аралаша бошлайдилар. Жумладан, «Тан шу»да Чжен-гуань даврида (627–649) Ғарбий турклардан *Ган Мохэду* (\*Тўн Баходур), Боханна (Фарғона) нинг *Кибн* исмли ҳукмдорини ўлдиргани ва ҳокимият Ашина *Шуни* исмли шахс қўлига ўтгани таъкидланади<sup>1</sup>. Бир қатор тадқиқотчилар ушбу шахсни Ғарбий Турк хоқонлигига мансуб шахзода, деб ҳисоблашади<sup>2</sup>. Йилномада келтирилишича, Ашина Шуни ўлимидан кейин унинг ўгли Йебочжи ҳокимиятни қўлга олиб, марҳум Кибнининг қариндоши Аляоцан ҳукмдор қилиб тайинланади. Йебочжи *Гьесай* (Косон) шаҳрида, Аляоцан эса *Ху-мин* (Куба) шаҳрида туриб фаолият юрита бошлашади. Шундан кейин 656 йили Йебочжи Хитойга совға-саломлар билан элчи юборгани қайд этилади<sup>3</sup>. Демак, бу пайтда Фарғонада келиб чиқиши хоқонларга тақалувчи сулола ташкил топган бўлиб, хоқонлик водийни бевосита ўз вакиллари орқали бошқариши билан бирга маҳаллий сулоланинг фаолиятига ҳам барҳам бермаган.

Водийдаги Ашина сулоласи вакиллари ўз мавқеини анчагача сақлаб қоладилар. Хусусан, хитой сайёҳи Хой Чао (726) Фарғонада иккита ҳокимият мавжудлиги, бири Сирдарё шимолида (маркази Косон) *Тукюе* (турк)лар ҳокимияти, жанубида эса *Дашн* (араб)лар бошқаруви борлиги ҳақида маълумот беради<sup>4</sup>. «Тан шу» йилномасидан маълум бўлишича, Фарғонани 738–751 йиллар давомида *Асилань дагань-чжу* (Арслон тархон-чўр) исмли туркий ҳукмдор бошқаради<sup>5</sup>. Ушбу ҳукмдордан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона ҳукмдорлари исмининг таркибий қисми сифатида хоқонликка хос чўр унвони учраши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Табарий ўз асарида қароргоҳи Исфарада жойлашган тахт вориси Балаза ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканини қайд этади<sup>6</sup>. Мазкур исм аслида туркий чўр унвони билан алоқадор бўлиши мумкин.

Айни пайтда, VII–VIII асрларга тааллуқли Фарғона тангаларида «хоқон» унвони билан бирга, Турк хоқонлиги тамғасига ( **𐰉** ) ўхшаш архар шакли тамға жой олган ( **𐰊** ). Бу ҳар ҳолда водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сургани билан алоқалидир. Мазкур тангаларнинг ўртаси квадрат шаклда тешилган бўлиб, Ўрта Осиёда бу типдаги тангаларни зарб қилиш анъанаси асосан Ғарбий Турк хоқонлиги Хитойга бир муддат қарам бўлиб қолган пайтдан, аниқроғи, 657 йилдан бошлаб кенг ёйилган эди. Демак, Фарғонадаги хоқонликка алоқадор сулола вакиллари шу пайтдан эътиборан, хитой тангаларига тақлид

<sup>1</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений. II. С. 319.

<sup>2</sup> Chavannes E. Documents sur les... – P. 148.

<sup>3</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений. II. С. 319.

<sup>4</sup> Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия. С. 193.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений. II. С. 319; Chavannes E. Documents sur les... – P. 149.

<sup>6</sup> История ат-Табари. С. 185.

қилиб тангалар зарб қилдира бошлайдилар. Бунгача Фарғонада ҳам Чочда босиб чиқарилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эга тангалар зарб этирилган бўлиб, тамға шакллари тангаларнинг водийни бошқарган Ашина сулоласига оидлигини тасдиқлайди. Шунингдек, асли фарғоналик бўлган Миср ихшидийлари сулоласи (935–969) ҳукмдори Туғуч ибн Чук ибн Йелтегин Ахшид ибн Фурон ибн Фури ибн Хоғон шажарасида Бурон, Бўри каби туркий исмлар билан бирга, Йелтегин, Хоқон сингари исмлар учрайдики<sup>1</sup>, бу эса Фарғона ҳукмдорларининг келиб чиқиши Ғарбий турк хоқонларига такалади, деган тахминни ўртага ташлашга имкон беради.

Ғарчи Чочда бўлганидек, Фарғонада Ашина сулоласи қарор тошган бўлса ҳам, хоқонлик бу ерни назоратда тутиш учун бошқа воситалардан фойдаланган кўринади. Чунончи, *тархон* ёки *чўр* унвонли Фарғона ҳукмдорлари хоқонлик билан бевосита алоқали бўлмасдан, у билан билвосита боғлиқ бошқа бирор туркий кабилага мансуб бўлиши ҳам мумкин. А–14 рақамли суғдий ҳужжатда *br̄y'n'k twtk* («Фарғона тутуғи») иборасининг учраши ҳам<sup>2</sup> хоқонликнинг бу ерни бошқаришда ўз хонадон вакилларида кўра кўпроқ ноиб вазифасидаги *тутуқлар* хизматида фойдалангани билан боғлиқдир. *Тутуқ* унвони хоқонлик бошқарув тизимида асосан ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланилганини назарда тутадиган бўлсак, Фарғонадаги Ашина сулоласини ва маҳаллий сулолани назоратда тутиш учун водийда *тутуқлик* хизмати жорий қилинган бўлиб чиқали. Хусусан, бу уларнинг хоқонларга бевосита дахлдор амалдор бўлганини кўрсатадиган далил мазкур суғдий ҳужжатдаги «Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим»<sup>3</sup> шаклидаги маълумот асосида ўз тасдиғини топади.

Хоқонлик томонидан бевосита бошқарилган воҳа ҳукмдорликларидан яна бири Тўхористон бўлиб, бу ер бошқаларига нисбатан анча кенг ҳудудни ўз ичига олган. Жумладан, хитой йилномаларида *Тухоло* (Тўхористон) 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи *Хо* (Қундуз) да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб *шеху* (турк. ябғу) унвонли ҳукмдорга бўйсунуши таъкидланади<sup>4</sup>. Дарвоқе, Термиз, Чағониён, Шуман, Ахарун, Вашгирд, Рашт, Вахш, Кубодиён, Кумед, Хуттал, Шугнон, Вохон, Каррон, Балх, Ғарчистон, Руб, Ғаз, Самингон, Шубурғон, Гузгон, Бадғис каби ярим мустақил ҳукмдорликлардан ташкил топган Тўхористонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади<sup>5</sup>. Тўхористоннинг хоқонлик таркибига киритилиши бошқаларга нисбатан биров кейинроқ, 580 йилларда амалга оширилган бўлиб, бу ердаги назорат ҳам уларникидан анча фарқли эди. Хусусан, сиёсий бошқарув маркази анча узоқда – Еттисувда бўлган хоқонлик

<sup>1</sup> *Toğan Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş.* – S. 178–179.

<sup>2</sup> Согдийские документы. II. С. 80–85.

<sup>3</sup> Согдийские документы. II. С. 80–85.

<sup>4</sup> *Бичурий Н. Я. Собрание сведений.* II. С. 321.

<sup>5</sup> *История ат-Табари.* С. 124.

учун Тўхористонда барча майда ҳукмдорликлар бошини бириктириб, уларни итоатда тутиб турувчи, муайян бир сиёсий уюшмага эҳтиёжи бор эди. Шу тарика, собиқ Эфталитларнинг сиёсий марказлари Қундуз ва Балх хоқонлигининг таянч шаҳарларига айланади ва хоқонлар дастлабки йиллардан бошлаб, бу ерда ўз ноибларини жойлаштира бошлайдилар.

Юқорида кўриб ўтилганидек, 590- йиллар атрофида Тўхористон бошқарувиغا Тарду хоқон (576 – 603) *тегин* унвонли ўғлини юборган бўлса, 620 йилларда Тун ябғу-хоқон ўз ўғли Тарду шадни жўнатади. 620 йиллардан то 750 йилларга қадар Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари *Тарду шад* (620?– 630), *Тегин-шад* (630 – 645), *Ишбара ябғу* (645 – 650), *Ашина Учжебо* (653 – 660), *Гун Ишбара ябғу* (670 – 680 (?)), *Надунили* (700–720), *Қутлуг Тун Тарду* (720–730), *Сулайман? Қора* (*хит.* Шилимань Гяло (750) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга бўлиб, улар *Ябғулар* сулоласи номи остида қарийб 150 йил ҳукмронлик қиладилар<sup>1</sup>. Бу вақтда бевосита Ашина хонадонига тақалувчи сулолалар томонидан бошқарилган Чоч ва Фарғонадан фаркли ўлароқ, Тўхористон ҳукмдорларининг ябғу унвони билан ҳукм юритишлари хоқонлик учун бу ер алоҳида аҳамиятга эга бўлганидан дарак беради. Тўхористондаги мавжуд кичик ҳукмдорликлар аксариятида хоқонликка бевосита ва билвосита дахлдор сулолаларнинг вужудга келиши ҳам шу билан боғлиқ бўлса керак. Хусусан, Термиз, Чағониён, Балх, Бадхис, Хуттал, Воҳон, Вахш, Шуман, Ахарун, Кумед, Кубодиён ва ҳ. к. лар бошқарувида туркий сулолалар турган<sup>2</sup>.

Шуман ва Ахарун ҳокимликларини *хису* (ўғуз) қабиласига мансуб туркий сулола бошқаргани ҳақида Сюань Цзанда тегишли маълумотлар мавжуд<sup>3</sup>. Тўхористон жанубидаги майда ҳукмдорликлардан бири Рубда 639–757 йиллар оралигида тузилган бохтарий тилли бир неча ҳужжатда *υλιτοβηρο* (элтабар) унвони учрайди<sup>4</sup>. *Тудун* унвони эса Тўхористоннинг маркази Қундузга яқин мавзегга тегишли 702 йилга оид бир ҳужжатда *проторско* («Турклар ҳукмдори») ва *уаџо тадово* («Газ тудуни») иборалари ёнма-ён келади<sup>5</sup>.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Тўхористон ябғулиги моҳиятан Фарбий Турк хоқонлигига бирмунча ўхшаш бўлиб, хоқонликка ҳос *ябғу*, *шад*, *тегин* каби юқори даражали унвонлар унинг марказий бошқарувида, кичик ҳукмдорликлар бошқарувида эса элтабар, тудун, тархон, эркин сингари қуйи поғонадаги унвонлар жорий қилинган (зарварақдаги 10-расмга қаранг). Шу билан бирга, улар бошқарувидаги худот, шоҳ, шер каби маҳаллий эроний унвонлар қўлланилишда давом этган. Бу ернинг бошқаруви билан боғлиқ

<sup>1</sup> *Бичурин Н. Я.* Собрание сведений. II. С. 321–322; Chavannes E. Documents sur les... – P. 155–158; Harmatta J., Litvinsky V. A. Toharistan and Gandhara... – P. 373; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre. S. 138–139.

<sup>2</sup> *Гафуров Б. Г.* Таджики. С. 227; *Гоибов Г.* Ранние походы. С. 30–31; Бобоёров Ф. Турк хоқонлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. – Т.: 2002. – № IV. – Б. 10–11.

<sup>3</sup> *Гафуров Б. Г.* Таджики. С. 227; *Гоибов Г.* Ранние походы. С. 30–31.

<sup>4</sup> *Sims-Williams N.* Bactrian Documents from. – P. 74, 126.

<sup>5</sup> *Sims-Williams N.* Bactrian Documents from. – P. 94.

диққатга сазовор яна бир жихат шуки, ўлканинг бир қатор кичик ҳукмдорликлар бошқарувчилари *тардуш*, *халаж*, *қарлуқ* сингари хоқонликдаги юқори нуфузли туркий уруғларга мансуб эди. Хусусан, «Тан шу» йилномасидан маълум бўлишича, 642–643 йилларда Кумед ҳукмдори янто туркларига мансуб бўлса, бохтарий тилли ҳужжатларда халаж турклари Тўхористон ўлкасининг бир неча жойида бошқарувчи тоифа сифатида келади<sup>2</sup>. Араб ва форс манбаларида Сейстон ва унинг атроф ҳудудларининг ҳукмдорлари ғуз (ўғуз) ва халаж (ёки қарлуқ) турклари эканликлари қайд этилади<sup>3</sup>. Қарлуқ қабиласининг Тўхористон ва Бадахшонга силжиши эса айнан VII–VIII асрларга тўғри келади<sup>4</sup>.

Ғарбий Турк хоқонлигининг жануби-ғарбдаги энг чекка ҳудуди бўлмиш Кобулистон ҳукмдорлигини ҳам хоқонликнинг *Тегин-шоҳлар* ёки *Кобулошоҳлар* деб аталган сулола бошқарган. Ушбу ўлка VII аср охирларида хоқонлик таркибига киритилган бўлиб, то 630 йилларгача Тўхористон ябғулиги воситасида бошқарилган. 660 йиллар атрофида бу ерда туркий сулола ташкил топиб, у IX аср ўрталаригача ҳукм сурган<sup>5</sup>. Шимолий Ҳиндистондаги тарихий ўлкалар бўлмиш Гандхара, Пешовор, Удабандапур (Охинд), Удйана (Сват), Лампака (Ламган), Каписа вилоятларини ўз ичига олган Кобулистоннинг мазкур сулола вакиллари бутун тарихи давомида *тегин* унвонига эга бўлиб, ушбу унвон уларнинг бохтарий, қадимги ҳинд ва паҳлавий тилли тилга-пулларда акс этган.

Кобулга бўйсунувчи ва Руххаж, Сеистон, Давар, Буст каби хоқимликларни ўз ичига олувчи, маркази Газна шаҳри бўлган Зобулистон бошқарувчилари *элтабар* унвонига эга бўлишган. Жумладан, Зобулистон ҳукмдорлари араб манбаларида *рутбил*<sup>6</sup>, *браҳми ёзуви тангаларда hitivra*, хитой йилномаларида *силифа* шаклларида учраб, кўпчилик тадқиқотчилар уларни туркий *элтабар* унвони билан тенглаштиришади<sup>7</sup>.

Маълумки, Ғарбий турк хоқонлари томонидан маҳаллий сулола ҳукмдорларига туркий *элтабар* унвони берилар экан, бу унвон уларни хоқонликка васаллигининг ифодаси эди. Шу билан бирга, маҳаллий сулолалар ўз бошқарув тизимига хос анъанавий унвонларни (Фарғона ва Самарқандда *ихшид*, Кешда *ихрид*, Уструшонада *афшин*, Бухоро ва Чағониёнда *худот*, Хоразм, Термиз ва Хутталда *шоҳ*, Марвда *марзбон*) сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Худди шунга ўхшаш ҳолат Бухоро ҳудудларида ҳам кузатилади.

Хоқонликнинг ўз вассаллари бўлмиш кўчманчи ва ўтрок воҳа давлатларини бошқаришда қўллаган усулларида яна бири – бу никоҳ муносабатларидир. Бу масалада Хитой ёзма манбаларига асосланиб америкалик тарихчи Ж.К. Скэфф

<sup>1</sup> Бичурин И. Я. Собрание сведений. II. С. 324.

<sup>2</sup> Sims-Williams N. Bactrian Documents from. - P. 98.

<sup>3</sup> Marquart J. Eranshahr nach der Geographic. - S. 249–255.

<sup>4</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. 146, 186-бетлар.

<sup>5</sup> Esin E. Islamiyetten önceki Türk kültür târihi. - S. 236–238; Humbach H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute. New Series. - London, 1996. - Vol. 10. - P. 247–251.

<sup>6</sup> История ат-Табари. С. 133.

<sup>7</sup> Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara. - P. 377–378.

ва турк тарихчиси Э. Сариташлар махсус тадқиқотлар олиб борганлар<sup>1</sup>. Масалан, араб, форс ва арман манбаларида турк хоқонларидан бирининг кизи Факим (Қақум-Кайен)ни Сосонийлар шоҳи Хусрав Ануширвон (531–579)га узатгани кайд этилган<sup>2</sup>. Мазкур турк маликасида туғилган бола Хурмуз IV (579–590) лақабли «Туркзода» бўлган<sup>3</sup>. Яна бир Сосоний шоҳи Хусрав Парвиз (591–628) эса араб тарихчиси Жохизнинг маълумот беришича, турк хоқонининг кизига уйланади<sup>4</sup>. Самарқанд ҳокимлиги бошқарувчиларидан иккитаси Ғарбий турк хоқонларининг кизларига уйлангани ҳақида хитой йилномаларида кайд этилади. Манбада Самарқанд «шу вақтдан эътиборан туркларга бўйсунди» дея таъкидлаб ўтилади<sup>5</sup>. VI–VII асрларга тааллуқли Суғд тангалари орасида қўшалок портретли – ҳукмдор ва малика тасвири тангалар учрайдики, ушбу тангалар бу ернинг маҳаллий ҳукмдори ва унинг аёли бўлмиш турк хоқонининг кизи номидан зарб қилинган бўлиши мумкинлигини англатади<sup>6</sup>. Айниқса, ушбу тангаларнинг орка томонида туркий х'тwn – «хотун» унвонининг учраши диққатга сазовордир<sup>7</sup>.

Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида ўз анъанавий бошқарув тизимини саклаб қолган Турфон, Қорашаҳр, Куча, Кошғар ва Хўтан каби воҳа давлатларининг хоқонлик билан бўлган никоҳ муносабатлари ҳақидаги маълумотлар хитой манбаларида кўплаб учрайди. Хусусан, 590 йилларгача Гаочанни бошқарган ҳукмдор Кюй Гянининг хотини турк хоқонларидан бирининг кизи эди ва ушбу ҳукмдорлик туркларга бўйсунар эди. «Бэй ши» йилномасида учрайдиган маълумотга кўра, Гаочан ҳукмдори Кюй Гян ўлгач, ўгли Бо-я отасининг ўрнига тахтга ўтирган ва турклар улар урф-одатига биноан ўғай онасига уйланишини тавсия қилган. Чунки Бо-янинг ўғай онаси турк хоқонининг кизи эди<sup>8</sup>.

Бу каби мисолларни Марв ҳукмдорлигида ҳам кўриш мумкин. Араб тарихчиси Диноварий келтирган маълумотлардан VII аср ўрталарида Марв ҳукмдори Махуя турк хоқонининг куёви бўлгани ва хоқонликка тобе ҳукмдор эканлиги аён бўлади<sup>9</sup>. Манбаларда хоқонлар қизлари билан хоқонликка бўйсунувчи кўчманчи ҳукмдорликлар ўртасида ҳам никоҳ муносабатлари йўлга қўйилгани аён бўлади. Жумладан, Кул Тегин битиктошида (732) хоқонликка тобе қирғизлар ҳукмдори ҳақида ган борганда: «Барс бек эди. Хокон [деб] бунда биз унвон бердик. Синг-

<sup>1</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule. – P. 97106; Sarıtaş E. Göktürk Kültürünün Gaochanglılara etkileri. – S. 475–478.

<sup>2</sup> Таşaғил А. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 32; ТерМкртчян Л. Х. Армянские источники. – С. 57; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – 81; Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre. – S. 4.

<sup>3</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre. – S. 305.

<sup>4</sup> Şeşen R. Eski Araplar'a göre Türkler // Türkiyat Mecmuası. – Ankara, 1969. – Cild XV. – S. 13.

<sup>5</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений. II. С. 311; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre. – S. 305.

<sup>6</sup> Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri. – S. 33, 162–164.

<sup>7</sup> Смирнова О. И. Сводный каталог. С. 362–370, № 1482–1497.

<sup>8</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений. II. – С. 254; Chavannes E. Çin yıllıklarına göre. – S. 147; Skaff K. J. Western Turk Rule. – P. 101; Sarıtaş E. Göktürk Kültürünün Gaochanglılara etkileri. – S. 476.

<sup>9</sup> Esin E. Tarkhan Nizak or Tarkhan Tirek. – С. 326.

лим хоқонзодани бердик»<sup>1</sup>. 735 йилда ўрнатилган Билга хоқон битиктошида эса хоқонликнинг яна бир тобеси бўлимиш тургашлар билан йўлга қўйилган никоҳ муносабатлари ҳақида қуйидагича маълумотлар учрайди; «Мен Тургаш хоқонга қизимни бениҳоя улуғ маросим билан узатдим. Тургаш хоқоннинг қизини бениҳоя улуғ маросим билан ўғлимга олиб бердим»<sup>2</sup>.

Ушбу маълумотлардан маълум бўлишича, никоҳ муносабатлари хоқонлик ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, ундан асосан вассал ҳукмдорликларни бошқаришда унумли фойдаланилган. Никоҳ алоқалари воситасида сиёсий муносабат ўрнатиш (иттифок ташкил қилиш) кўчманчилар сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятидир. Ушбу усул бошқа қабилалар билан ўрнатилган никоҳ алоқаларига таянувчи кўчманчи уруғ ва қабилалар орасида ё ўзаро бир-бирига ҳужум қилмаслик сигнали ёки «кистилолар учун бир қўшимча чора» сифатида амалга оширилган.

Шу ўринда кўчманчилар одатига кўра, асосан келин берган томоннинг келин олган томондан устуи экапини кўзда тутганини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур<sup>3</sup>. Хоқонлар нафақат ўтроқ воҳа ҳукмдорликлари, балки кўчманчи давлатларни итоатда тутиш учун ҳам уларга қиз берганлар. Бунга юқорида келтирилган *қирғиз* ва *тургаш* қабилалари билан ўрнатилган никоҳ муносабатлари гувоҳлик беради.

Хоқонларнинг ўз вассалларига қиз бериб, уларни ўзларига тобе қилиш анъанаси замирида муайян бир тизим ётади. Бунинг яққол ифодасини хоқонликдан кейинги йирик дашт империяларидан бўлган Чингизхон империяси мисолида кўриш мумкин. Жумладан, Чингизий сулолалар айрим иттифокдош уруғ бошликлари ёки вассал ҳукмдорларга бошқарувчи хонадонга мансуб қизларни узатиш орқали уларни кўрагон, яъни куёв қилиб, махсус имтиёзлар берган. Мўғуллардаги бу анъанани тадқиқотчилар «кўрагонлик тизими» деб аташади<sup>4</sup>. Хоқонликдаги мазкур анъаналарни ҳам ушбу тизим билан алоқали, деб ҳисоблаш мумкин.

Демак, хоқонлар ўз қизларини вассал ҳукмдорларга узатиш орқали бир томондан, уларнинг тобелигини кафолатлаган бўлсалар, иккинчи томондан, улар билан қариндошлик ришталари боғлаб, гўё уларнинг Ашина хонадони «аъзоси»га айланиши ва шу тариха баъзи «имтиёз»ларни қўлга киритиш имкониятини яратганлар. Бироқ, «имтиёзли» вассал ҳукмдорлари (кўрагонлар) Чингизийлардан фарқли ўларок, марказий давлат бошқарувида иштирок эта олмасалар-да, ўз маҳаллий бошқарувларида қолишган.

Тўғри, Чингизхон ўз қизини ярим ўтроқ, ярим кўчманчи воҳа ҳукмдори бўлимиш Турфон Уйғур давлатининг идикут унволи ҳукмдори Барчукка узатиб, уни ўз ўғли сифатида кўришини таъкидлаб, унинг маҳаллий бошқарувда давом этишини таъминлаганига оид маълумот учрайди<sup>5</sup>. Шу билан бирга, Барчук

<sup>1</sup> Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. 106-бет.

<sup>2</sup> Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. 132–33-бетлар.

<sup>3</sup> Skaff K. J. Western Turk Rule. – P. 100.

<sup>4</sup> Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam, XXX. – Berlin, 1952. – S. 52–54.

<sup>5</sup> İzgi Ö. Çin elçisi Wang Yen-Te'nin Uygur seyahatnamesi. – Ankara: , 2000. – S. 30.

идикут ўз кўшини билан мўғулларга қўшилиб, уларнинг ғарбий ўлкаларни истило қилишида иштирок этгани маълум. Фақат бу ҳолат истисно бўлиб, мўғуллар воҳалардаги маҳаллий сулолаларга барҳам бериб, бошқарувга ўз хонадонига мансубларни ёки ҳамкор уруғ вакиллари тайинлашган. Чингиз хонадони ўз қизларини асосан нуфузли турк-мўғул уруғ вакиллари – амирларга турмушга узатишган ва улар хонадоннинг яқин аъзоси сифатида давлат бошқарувида иштирок этишган.

Демак, ушбу маълумотлардан никоҳ муносабатлари нафақат ҳоконликнинг ташқи сиёсатида, балки бошқарув тизимида ҳам муҳим ўрин тутгани маълум бўлади.

Шундай қилиб, VI асрнинг иккинчи ярмидан Турк ҳоконлиги, биринчи навбатда, Сирдарё ўрта ҳавзаларини, умуман, бутун Ўрта Осиё ҳудудларини эгаллаб олди. Аммо, бунинг оқибати ўлароқ, илк ўрта асрларга келганда Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари минтақаларида турк-суғд этномаданий, этнопсихологик ва этносиёсий майдон таркиб топди. Қовунчи маданияти асосида қанғар элати, унинг базасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос антропологик тип – «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» узил-кесил шаклланди.

Лекин, ўзбек халқининг этногенетик (шаклланиш) жараёни тадқиқот мавзусининг хронологик доирасида ҳали узил-кесил якунига етмай, давом этади. Чунки, Ўрта Осиё шимоли-шарқий томонларидан кириб келган хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ва Турк ҳоконлиги босқини туфайли антик ва илк ўрта асрлар бошларида таркиб топган қанғар элати ва унинг сиёсий давлат уюшмаси – ярим кўчманчи, ярим ўтроқ Қанғ давлати парчаланиб кетди. Унинг харобаларида милодий V асрда, илк давлатчилигимизнинг маҳаллий анъаналари асосида Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида, Чирчиқ ва Арис ҳавзаларини ўз ичига олган Чоч маликлиги таркиб топиб, кўчманчи чорвадор қабилалар иттифоқлари билан (хионийлар, кидарийлар, эфталийлар) келишган ҳолда, уларга ўз вақтида катта ўлпонлар (солиқлар) тўлаб, мамлакатни бошқаришда давом этадилар.

Бирок, бу сиёсат узоққа чўзилмади. Турк ҳоконлари дастлаб шундай сиёсатни қувватлаб чиқсалар-да, аммо секин-аста маҳаллий ҳокимликларни назорат қилишда икки йўл тутди. Биринчиси, жойларда маҳаллий сулолавий ҳокимликларга ўз назоратчилари – тудун (ноиб)ларни боғлаб қўйса, иккинчиси, жойларда сулолавий маҳаллий аслзодалардан ҳокимиятни тортиб олиб, уларни турк тегинлари (шаҳзодалари) билан алмаштирди<sup>1</sup>. Бундай ҳолатлар Чоч ва Уструшонада зарб этилган тангаларда ўз аксини топган.

Илк ўрта асрларга оид Чоч тангаларининг катта бир қисмида «жабғу», «жабғу-хоқон» ва «хоқон» унвонларини учраши (зарварақдаги II-расмга қаранг) ва уларда ёнма-ён турган ҳукмдор-хоқон ва малика-хотун тасвирларининг акс этганлиги ҳам буни тасдиқлайди<sup>2</sup>. Тошкент воҳасининг Охангарон водийсида ташкил топ-

<sup>1</sup> Бобоёров Г. Чоч тарихидан лавҳалар. Т.: 2010. 7–8-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 8-бет.



ган маҳаллий ҳокимликлар тепасида, аксарият кўпчиликни турк сулолаларидан чиққан тегинлар бошқаргани тарихий ҳақиқатга яқиндир. Чунки, Оҳангарон водийси, уни ўраб олган Қурама ва Қорамозор тоғлари турли хил маъдан конларига бой бўлиб, тоғ саноати бронза давридан бошлаб туркий халқларнинг иқтисодий-хўжалик ҳаётида чорвачилиқдан сўнг иккинчи ўринда металлургия хунармандчилиги турган.

Милодий V асрдан таркиб топган илк ўрта асрларнинг Тункат, Абрлиғ, Олмалик, Сойлик, Жабғукат, Хотункат, Барскат, Арсланкат, Сакокет, Баликкет каби турк-суғдий асосли шаҳар ва шаҳармонанд аҳоли жой номлари ҳам Илоқда туркий қатламнинг қалинлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрларда Илоқ маъдан конлари ва металлургия хунармандчилиги туфайли ўзини иқтисодий жиҳатдан қудратли ҳисоблаб, маълум вақт Илоқ деҳқонзодалари номидан кумуш тангалар зарб эта бошлайди. Мис танга ички бозор учун чиқарилса, кумуш тангаларни товар сифатида ўзга юртларга савдога чиқарилиши мумкин эди. Тункат пойтахт шаҳри бўлган Илоқда кумуш тангаларни ташқарига чиқарилиши, уни маълум вақт Чоч маликлигидан мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш даражасига кўтарилганидан далолат берар эди.

Тошкент воҳасида туркий этноснинг қалинлашиб бориши айниқса, Хоқонлик даврида жадал кечди. Воҳада туркий нуфузнинг ўсишини кўрсатувчи омиллардан бири ўнлаб туркийча номдаги жойлар, шаҳар ва қишлоқларнинг пайдо бўлишидан, сўнгги антик ва илк ўрта асрларга тааллуқли ашъвий буюмлар, санъат асарлари, тангаларда акс этган маҳаллий ҳукмдор портретларида яққол кўзга ташланади. Масалан, VI–VIII асрларда Чочда зарб этилган тангаларда шарқий туркларга хос қиёфа: қисик кўзли, кенг юмалоқ юзли, соқолсиз, узун сочли одам шакллари учрай бошлайди. Бадиий санъат асарлари – ҳайкалча, муҳрларда акс этган суратларда туркларга хос аломатлар мавжуд. Қанқа ва Сигиртепа харобасидан топилган отлик тасвирли камар тўқаларида буни тимсолини кўриш мумкин (зарварақдаги 8-расмга қаранг).

Илк ўрта асрларда Чоч воҳасида турк-суғд асосли Абрлиғ, Арпалиғ, Сойлик, Итлик, Хотункат, Барскат, Жабғукат, Арсланкат, Намудлиғ, Йагузлиғ, Йақалик, Ачиғ, Жадғал (Чатқал) ва бошқа ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар қад кўтардики, бу жой номлари Чоч аҳолисининг катта бир қисмини туркийлар ташкил этганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Тошкент воҳаси аҳолисининг катта бир қисми туркийғўй эканлиги ҳақида мусулмон ёзма манбалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Табарий «Тарих ар-русул ва-л мулук» (IX аср) асарида 806 йилда Самарқандда содир бўлган Рафъ ибн Лайс кўзғолонига ёрдамга келган чочликлар ҳақида сўз юритар экан, улар орасида «Шош ҳукмдори ва унинг турклари» иборасини ишлатади.

723–726 йилларда ғарбий ўлкаларга сафар қилган хитой сайёҳи Хой Чао «Ху» халқларидан Шимолда то «Шимолий денгиз» (Орол денгизи)гача, Ғарбда «Ғарбий денгиз» (Каспий денгиз) гача, Шарқда эса Хитойгача бўлган ҳудудларда кўчманчи туркийлар яшашини қайд қилади.

### Х. 3. Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даврининг асосий хусусиятларини шаклланишида қадимги турклар ва араблар сиёсати

Қадимги ёзма манбалар ва археологик изланишларнинг таҳлилига кўра, илк ўрта асрлар даврида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва этномаданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз беради<sup>1</sup>. Бу даврда маҳаллий мулк эгаллиги-деҳқонзодаларнинг пайдо бўлиши ва улар асосида қишлоқ ҳокимликларининг таркиб топиш жараёни жадал кечади. Феодал муносабатлари шаклланиб боради. Унинг хронологик доираси – милодий V–IX аср ўрталаригача; асосий хусусиятлари: ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш узил-кесил хусусийлашади, жамият ижтимоий таркибини кашоварзлар–ўрта ва майда мулк эгалари, бадавлат деҳқонзодалар – катта мулк эгалари – феодаллар ва уларга қарам қадиварлар – ижарачи қўшчилар ташкил этади. Маҳаллий ҳокимликлар тимсолида марказлашган феодал давлат бошқарув тизимининг асослари яратилади, жамият асосан зардуштийлик ва буддавийлик, қисман монийлик, насронийлик ва шомонизм мафқураси асосида курилади. Араблар босқинидан кейин эса, улар ўрнини секин-аста ислом мафқураси эгаллайди. Зардуштий ибодатхоналарига тегишли «вағнзе» мулки ислом масжид ва мадрасалари мулкига айланади. Мулкчиликнинг савдо ва ҳунармандчиликдаги табақавий шакллари кузатилади. Жамиятнинг ижтимоий таркибини катта мулк эгалари, ўрта ва майда мулк эгалари, зироатчи қадиварлардан ташқари, маҳаллий ҳокимликларнинг мудофаа таянчи – ёлланма чокарлар ва қисман қуллар ҳам ташкил этади.

Мулкчиликнинг йирик шакллари нафақат суғорма деҳқончилик хўжалигининг аслзодалари – деҳқонзодалар тимсолида, балки чорвадор жамоаларида, ҳунармандчиликнинг қатор жабҳалари ва савдо-сотик жамоалари орасида ҳам кузатилади. Катта ер эгаларининг шаҳардан ташқаридаги мулки баланд мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, улар ўртасида шоҳона қаср ва қалъа-кўрғонлар пайдо бўлади. Илк ўрта асрлар ижтимоий ҳаётининг ҳосиласи сифатида кашоварзларнинг камбағаллашган қисми-қадиварлар-ерсиз ижарачи қўшчилар қатламига айланди.

Илк ўрта асрлар даврининг деҳқонзодаси аслида катта мулк эгалари бўлиб, Европада шу тоифа кишилар феодал, яъни катта мулк эгаси маъносини англатган. Шунинг учун бу давр тарихда илк феодализм даври номини олган.

Илк ўрта асрлар Ўрта Осиёсининг деҳқонзодалари майда мулк эгалари-кашоварзлар, оздорлар ва гувакорлар биргаликда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этганлар, улар жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи, жамоалари ҳисобланган. Унгача Ўрта Осиё шароитида катта мулк эгаллиги бўлмагани учун Ўрта Осиёда қулдорлик жамияти бўлмаган, деган хулосага келинмоқда. Ўрта Осиёнинг қадимги суғорма деҳқончилик

<sup>1</sup> История таджикского народа. Душанбе, 1999, С. 44–46; Адылов Ш.Т. Административно-территориальное устройство западного Согда в раннем средневековье. ОНУ, VI. 1998 С. 18–30; Гривина А.А. Уструшанские были. Т.: 2000, С. 33–53.

минтақаларида бронза даврида пайдо бўла бошлаган кашоварзлар ер эгаллиги ва деҳқонзодалар жамият иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Нағижادا, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг барча жабҳаларида савдо-сотикда йирик мулк эгалари – деҳқонзодалар, ўрта ва майда мулк эгалари – кашоварзлар билан биргаликда жамият иқтисодий ҳаётининг асоси бўлиб қолди. Жамиятда ҳарбий ҳокимият ўрнатган туркий сиёсий куч эса Ўрта Осиё шимоли-шарқидан тўхтовсиз туркий этник гуруҳларни кириб келишини тезлатади. Жойларда бошқарув тизимини турк аслзодалари таъсирига ўтиши ҳам минтақада этногенетик жараёнларни ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Оқибат нағижادا, Турон заминда туркий этник қағламнинг қалинлашув ҳосиласи сифатида бу юрт ёзма манбаларда Туркистон деб атала бошлайди. Бу тарихий ва этногенетик жараёнлар нафақат ёзма манбаларда, балки илк ўрта асрлар даври археологик материалларида ҳам яққол кўзга ташланади.

Агар Мовароуннаҳр антик дунёсининг дастлабки бошқарув тизими қишлоқ ҳокимликлари асосида қурилган бўлса, феодал муносабатларининг шаклланиш даврига келганда, кечаги қишлоқ ҳокимликлари бугунга келиб туман, яъни рустак ҳокимликларига айланди. Улар маҳаллий сулолавий ҳокимликлардан иборат эди. Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларнинг барчасида шу манзарани кузатиш мумкин. Бундай маҳаллий сулолавий бошқарув тизимига на хионийлар, на кидарийлар, на эфталитлар ўзгартиришлар киритмади. Аммо, Ғарбий Турк ҳоконлиги даврида бошқарув тизимининг механизмига путур етказилмаган ҳолда, ҳоконлик бошқарув тизimini қаттиқ назоратга олди, яъни жойларга ўз вакиллари – тудунлар, тегинлар юбориб, туркий назоратни кучайтирди, маҳаллий сулолавий ҳокимларга элтабар, шод, бек унвонларини бериб, уларни ҳам ўз измига солди.

Араб истилосидан аввалги даврларда туркий қабилаларнинг келишлари қанчалик ва қайси тартибда содир бўлганлиги ҳақида ёзма манбалар сақланмаган бўлса-да, аммо археологик тадқиқотларга кўра, Шош ва Қадимги Фарғонада туркий этносни эроний тилли аҳолидан кўпроқ эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу ҳақда А.Ю.Якубовский шундай дейди: «Ҳар ҳолда, араблар VII–VIII асрларда Ўрта Осиёни истило қилишда фақат Балх билан Бадхиз атрофидаги турклар билангина эмас, балки Фарғона турклари билан ҳам тўқнашдилар». Манбаларда ёзилишича, Шошда ўғузларнинг қадимдан мавжудлиги, Фарғонада турк қабилаларидан ўғуз ва қарлуқларни кенг ёйилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳар ҳолда VII–VIII асрларда ўғуз ва қарлуқ турклари фақат Еттисувда эмас, ҳатто Тохаристонда, унинг Балх вилоятида яшаганлиги маълум. Араблар Мовароуннаҳрни босиб олгач, туркларни Сирдарё билан Амударё оралиғига бемалол кириб келишларини тўхтатиш мақсадида Еттисув устига юриш бошлайди ва у ерларнинг эгалари туркашларга қаттиқ зарба беради. Бу воқеа 737 йилда содир бўлган эди. Шундан кейин, турклар Суғдни бутунлай арабларга топшириб, Суғд ўлкаси ишига аралашмай қўйдилар.

Араб истилосига қадар, Суғд ва бошқа вилоятларидаги талай маҳаллий мулкдорлар турк хонларига қариндош-уруғлашиб, ғарбий турк ябғуси

хонадонлари билан куда-анда бўлиб кетган эдилар. «Шуниси ахамиятлики, суғд аслзодалари ўртасида турк номлари ва унвонлари (тигуллари) тез-тез учраб турадиган табиий ҳолга айланган. 710 йилда ўз жонига қасд қилган Самарқанд ихшиди Тархун помининг туркча «тархон» унвони билан боғлиқ эканлигига шубҳа йўқ<sup>1</sup>. Араблар Мовароуннаҳр ерларининг ҳукмдори бўлиб олсалар-да, аммо Еттисув турклари уларнинг доимий рақиб ва душмани бўлиб қоладилар. Бу душманлик айниқса, арабларга қарши Муқанна кўзғолони даврида яққол кўзга ташланиб қолди. Айнан шу даврда араблар Мовароуннаҳр воҳалари атрофини мудофаа деворлари билан ўраб олишга мажбур бўлганлар<sup>2</sup>. «Шуниси характерлики, дейди А.Ю. Якубовский – Еттисув вилояти VIII–IX асрлар ва ҳатто X аср мобайнида ҳам на аббосийлар халифалигига (VIII–IX аср), на тоҳирийларга (IX аср), на сомониёларга (IX–X асрлар) бўйсунмади. Аббосийлар ва улардан кейинги маҳаллий сулолаларнинг диққати бутунлай ғарбга, Мовароуннаҳрни Яқин Шарқ билан алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилди<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, милодий VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда Турк хоқонлиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши билан бу заминга туркий қабилаларнинг кириб келиши шу қадар жадаллашдики, оқибатда Ўрта Осиёнинг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий вилоятларида туркий этнос жамиятнинг ҳукмрон этник қатламига айланди. Шарқшунос олим А.Ю.Якубовскийнинг ёзишича, Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган хулудларида туркий қабилалар кириб бормаган бирор жой қолмаган эди. Дарҳақиқат, хоқонликнинг яқин 100 йил давом этган ҳукмронлик даврида жамиятнинг ижтимоий қиёфаси туркийгўй этник қатламлар фойдасига ишлади. Милодий III–IV асрдан эътиборан таркиб топа бошлаган ҳокимликлар аввал маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилган бўлса, Турк хоқонлиги сиёсий майдонга чиққач, улар турк сулолалари вакиллари билан алмаштирила бошланди. Баъзи бир вилоятларда, масалан Жанубий Қозоғистон ва Тошкент воҳасида маҳаллий ҳокимликлар деярли туркийлар қўлига ўтиб кетган эди. Бу ҳол, ёзма манбаларда таъкидланишича, Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига ҳам ёйилган эди.

Бу давр иқтисодий-хўжалик асосини тарихан таркиб топган этномаданий вилоятларда (Бактрия, Суғдиёна, Уструшона, Қадимги Фарғона, Чоч, Хоразм) суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик, дашт ва чўлли минтақаларда чорвачилик ташкил этади. Бу даврда илк ўрта асрларга хос ҳунармандчилик ривожланади. Ўрта Осиёнинг барча тарихий-маданий вилоятларида, биринчи навбатда, қўлолчиликда стандартизациялаш юз беради.

1. Бу ҳолат жанубий Ўзбекистонда яққол кўзга ташланади (24-расм). Ўзбекистоннинг жанубида Шеробод ва Сурхондарё хавзаларида, Сангардак ва

<sup>1</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. «ЎзФАН», нашриёти. Тошкент–1941. 7-бет.


<sup>2</sup> Мухаммедов Х. Из истории древних оборонительных степ вокруг оазисов Узбекистана. «Стена канпира» древнебухарского оазиса. Автореф. канд. дисс. Т.: 1961. С. 13–37.

<sup>3</sup> Якубовский А.Ю. Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида. «ЎзФАН», нашриёти. Тошкент–1941. 8-бет.

Хўжаипак этакларида, шимолий Тохаристонда илк ўрта асрларда Термизшоҳлар, Чағониён ва Гуфтан (Шеробод воҳаси) ҳокимликлари ташкил топди Бу ҳудудда илк ўрта асрлар даври кулолчилигида туркий элементларни ўзида акс эттирувчи ўзгаришлар юз беради (24- расм). Бу маҳаллий ҳокимликлар орасида орасида Чағониён йирик ҳокимлик бўлиб, унинг маҳаллий сулолавий ҳукмдорлари ўз номларидан мис ва кумуш тангаларни зарб этиш қудратига эга эдилар<sup>1</sup>. Маҳаллий ҳокимликлар номидан зарб этилган тангалар биринчи бор шимолий Тохаристонда, аниқроғи, Чағониёнда милодий V асрдан чиқа бошлаган. Бу мис тангалари бўлиб, унинг юз томонида маҳаллий ҳукмдорнинг портрети, орқа томонида эса якорсимон тамға чекилган эди. V асрнинг охири ва VI аср бошларидан эса сосонийлар подшоси Феруз тангаларига тақлид қилинган кумуш тангалар чиқарилди. VI асрнинг иккинчи ярмидан Хусрав драхмаларига тақлид қилинган Чағониён ихшидларининг кумуш тангалари зарб этила бошлади. VII асрнинг иккинчи ярмидан эса шимолий Тохаристонда маҳаллий феодал ҳокимликлари тангалари қаторида араб дирхам ва фелслари муомалада эди. VIII аср охирига келиб Тохаристонда маҳаллий ҳокимликларга араблар томонидан барҳам берилди. Кези келганда таъкидлаш зарурки, агар ҳукмдор металлдан пул зарб эта бошласа, демак, бу давлатнинг таркиб топганлигидан нишонадир. Пул (танга) ўтмишида давлат рамзлари – герб, байроқ (туғ) ва унинг мадҳияси бўлганлигидан нишонадир. Мис танга ички бозор муомаласининг эквиваленти. Агар, ҳукмдор кумуш танга зарб этишга жазм этса, демак, бу унинг иктисодий қудратли, мустақил давлат сифатида сиёсат олиб борганлигидан нишонадир. Бронза ва илк темир даври археологик ёдгорликларидан топилган муҳрлар эса туб маънодаги давлатни ташкил топганлигидан дарак бермайди. Бу қадимда қабила бошлиғи-этакчисининг диний-илоҳий раҳнамосининг, ҳарбий ва дунёвий сардори (эронийча кавийси, туркийча жабғуси) ва қишлоқ жамоаси бошлиқларининг ҳукмдорлик – сардорлик (Авестода нманапатийларнинг виспатийлик) белгиси бўлган. Шунинг учун уларда факат уруғ ва қабила тотемлари ўз аксини топган ва улар, ўз навбатида, протодавлат белгиси, давлатчиликнинг куртаклари таркиб топганлигидан, ўтроқ аҳоли ижтимоий-иктисодий ва маданий салоҳияти асосида маҳаллий илк давлатчалар шаклланиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Тангаларда эса албатта, ҳукмдор сиймоси, ёзув ва тегишли худолар рамзи ўз аксини топади.

2. Мовароуннахрнинг марказий қисмида Суғдиёна жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида илк ўрта асрларда учта мустақил тарихан таркиб топган йирик вилоят ҳокимликлари шаклланган. Панжикентдан то Карманагача бўлган жойлар Марказий Суғдни ташкил этиб, унинг бош шахри Самарқанд ҳисобланган. Зарафшон воҳасининг Карманадан ғарбда жойлашган туманлари Ғарбий Суғдни ташкил этган. Унинг бош шахри Бухоро бўлган. Қашқадарё хавзасида таркиб топган туманлар Жанубий Суғд ерларини ташкил этган. Жанубий Суғднинг юқори Қашқадарё туманлари, Кеш вилояти, қуйи Қашқадарё туманлари эса Нах-

<sup>1</sup> Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры. Древность и средневековье. Т.: 1990. С. 133–134.



24- расм. Илк ўрта асрлар даври керамика мажмуаси (Тохаристон).

шаб вилояти деб юритилган. Вилоят ҳокимликлари тепасида турган ҳукмдорлар Бухоро ҳудудида худотлар, Самарқандда ихшидлар ва Қашқадарёда ихридлар деб аталган. Илк ўрта асрларнинг дастлабки босқичида ҳар бир вилоят доирасида бир неча рустак худотликлари, ихшид ва ихрид ҳокимликларига бўлинган. Бу маҳаллий ҳокимликларнинг майдалари иқтисодий ва сиёсий қудратлилари томонидан аста-секин тинчлик ёки зўрлик йўли билан, тарих тақозосига кўра, ўз таъсир доирасига олиниб, йириклашиб борган. Масалан, Ғарбий Суғдда Бухорхудотлардан ташқари Варданхудот бўлганлиги маълум. Кейинчалик улар бирлашиб, араблар босқини арафасида Ғарбий Суғд ягона Бухорхудотлигига айланган. Шундай ҳолатни марказий ва жанубий Суғд ерларида ҳам кузатиш мумкин.

Суғдиёна ҳудуди тарихан таркиб топган рустакларга бўлинган. Аслида, рустак ҳудуд масштабидаги маҳаллий ҳокимликларнинг ўзгинаси эди. Масалан, Ғарбий Суғд ерларини 22 та рустаклардан ташкил топганлиги маълум<sup>1</sup>. Уларнинг 15 таси Бухоро воҳасининг мудофаа девори ичида, 7 таси эса воҳа девори ташқарисида жойлашган. Уларнинг номлари ёзма манбаларда суғдийча бўлиб, Тавовис, қуйи Харкана, Хитфар, Қоҳуштувон, Юқори Самжон ва Қуйи Самжон, Юқори Фаравиз ва Қуйи Фаравиз, Зар, Фаргидат, Пойкент, Фороб ва бошқа номларда бизгача етиб келган. Масалан, Марказий Суғдда, улар VII аср ўрталарида 11 та бўлган. Бу ҳақда нафақат ёзма манбаларда, балки қадимги Афросиёб деворий суратларида ҳам тегишли маълумотлар бор, яъни Самарқанд ихшиди Вархуманни қутлаб турли мамлакатлардан келган элчиларни қабул маросимига бағишланган шохона сарой деворида, унинг тахтиравонда ўтирган ҳолати ранг-баранг чизгиларда акс эттирилган. Вархуман атрофида унинг яқинлари, унга тобе 11 та рустак ихшидлари ва уларнинг туғлари (байроқлари) тасвири ҳам чизилган. Бир қатор қилиб, тик териб қўйилган 11 та байроқ дасталари кизил лента билан бир-бирларига рамзий боғлаб қўйилган. Ушбу манзара Марказий Суғдда 11 та ихшидликлар бўлганлиги ва уларнинг Самарқанд ихшиди (подшоси) Вархуман бошчилигида «Суғд давлат конфедерацияси» тузилганлигидан далолат беради.

Милодий III асргача Суғд шаҳар ҳаётида қандайдир иқтисодий таназзул бўлган кўринади. Фақат, III аср охири ва IV аср бошларидагина Ипак йўли билан боғлиқ иқтисодий юксалишлар Суғд ҳаётида юз беради. Бу ҳақда биринчи бор Дунгхуандан топилган ҳужжат – «Кўҳна хатлар» (Суғд эски ёзувлари) гувоҳлик беради. Илк ўрта асрларда Суғднинг савдо шаҳри номи билан ном чиқарган Пойкент шаҳрининг иқтисодий қудрати араб тарихчиси Табарийни лол қолдирган. Унинг ёзишича, «Пойкентда араблар томонидан шунчалар кўп олтин ва кумуш идишлар таландики, уларнинг кўплигидан саноғига ета олмайсан киши»<sup>2</sup>. Бундай юксакликни IV асрнинг охирида бутун Суғд бўйлаб кузатиш мумкин эди. V асрдан бошлаб, мустақил Суғд ҳокимликлари суратлари битилган тангалар зарб

<sup>1</sup> Адылов Ш.Т. Административно-территориальное устройство западного Согда в раннем средневековье. Общественные науки в Узбекистане, № VI, Т.: 1998. С. 18.

<sup>2</sup> Культура и искусство древнего Узбекистана. Москва, 1991. С. 31.

этила бошлайди. VII асрга келиб Суғд маҳаллий ҳокимликларининг кумуш тангалари жаҳон савдосида ўз ўрнига эга эди. Суғдиёна шундай юксакликларга эришишига қарамай, мамлакатда илк ўрта асрлар давомида ягона подшолик (марказий ҳокимият) бўлмаган. Бундай ҳокимиятни таркиб топишига дастлаб, хионийлар ва кидарийларнинг бу заминга кириб келиши бўлди. Суғдиёна VI аср бошларидан эфталийлар таркибида, 563 йилдан эса Турк хоқонлиги қўл остига ўтди. Гарчи уларнинг биринчиси маҳаллий ҳокимликлар бошқарув тизимига аралашмаган ҳолда, улардан қатта-қатта ўлпон (солиқ) олиш билан кифояланиш сиёсатини олиб борган бўлса, иккинчиси баъзи вилоятларда бошқарувни қўлга киритиш сиёсатини олиб борса-да, амалда марказлашган давлатни барпо бўлишидан манфаатдор эмас эдилар. Шу боис, Суғд маҳаллий аслзодаларининг бой тажрибаларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш илинжида, эфталий ва турк хоқонлари, уларни давлат бошқарув хизматларига фаол тортишни афзал кўрадилар. Бироқ, VIII аср бошларидан Суғдиёна халқи бошига ўзга этник ва ғайридин вакиллари бостириб келди. Босқинчилар эфталий ва турк хоқонларидан фарқли ўлароқ, янгича бошқарув тизимини ишлаб чиқдилар. Икки орада кучлар тенг бўлмаган жанглар бошланиб кетди. Умумий душманга қарши кучлар ҳарбий иттифоқини тузишга интилиш ҳар доим ҳам кутган натижани беравермайди. Ниҳоят, VIII аср охириларигача давом этган қаттиқ жанглар ва қўзғолонлардан сўнг, босқинчилар маҳаллий аслзодалар орасидан ўз таянчларини топиб, нафақат бутун Суғдиёна, балки Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришдилар.

3. Суғддан шарқда Сирдарё ҳавзасида илк ўрта асрлар даври Уструшона вилояти жойлашган. Унинг ғарбий қисмини ҳозирги Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ташкил этади. Унинг шарқий қисми – Хўжанд вилояти эса ҳозирги кунда Тожикистон ҳудудида жойлашган<sup>1</sup>. Биринчи бор Уструшона номи илк ўрта аср Хитой манбаларида учрайди (Шуайдушана, Судуйшана, Судушина). Бунга кўра, Уструшона IV–V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади. Унинг ёш, ташаббускор ҳукмдори VIII аср бошларида Самарқанд ихшидининг элчилари билан ўз элчисини Хитойга юборади. Араб географларининг хабарига қараганда, Уструшонанинг бош шаҳри Бунжикат (ҳозирги Шахристон Тожикистон ҳудудий доирасида) бўлган. Археологик тадқиқотлар буни тўлиқ тасдиқлайди<sup>2</sup>. Шахристондан топилган кумуш тангаларга кўра, Уструшонани дастлаб Чирдмиш, Сатачари, Раханч каби маҳаллий афшинлар бошқарган. VIII аср биринчи чорагидан Уструшонани туркий сулола вакиллари бошқара бошлаган. Дарҳақиқат, араб тарихчиси Истаҳрий 737 йил воқеалари муносабати билан Уструшона афшини турк Харабуға эканлигини эслайди (чунки ўша кезларда маҳаллий ҳукмдорлар турклар билан бирга арабларга қарши ҳарбий иттифок тузган эдилар). Ундан сўнг яқин 60 йил Уструшона афшинлигини турк Ханахара

<sup>1</sup> Грицина А.А. Уструшанские были. Т.: 2000. С. 33–34.

<sup>2</sup> Негматов Н.Н. Живопись Шахристана (проблемы и суждения). «Культурное наследие Востока». Проблемы, поиски, суждения. Ленинград, 1985.



эгаллайди. У машхур халиф Маъмун ибн Хорун хизматида бўлиб, Ироқ ва Мисрда кўтарилган кўзғолонларни бостиришда катнашган<sup>1</sup>.

4. Уструшонадан шимоли-шарқда, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида Қадимги Парғана (Фарғона водийси) жойлашган. У Геродотнинг «Тарих» асарида «париканийлар юрти» номи остида эслаб ўтилади<sup>2</sup>.

436 йилда император Вей элчиси Дунь Ваньнинг гарбга сафари муносабати билан Қадимги Фарғона «Полона» номи<sup>3</sup> билан собиқ Дайюан ўрнида ишлатилган. Қадимги Фарғона яна бир Хитой манбаси «Бей-ши»да (VII аср) «Бохан», «Фейхан» номлари билан тилга олинади<sup>4</sup>. «Бей-ши»да Фейханда «хукмдор тахти олтин кўчқор қиёфасида» ишланган дейилади<sup>5</sup>. Бошқа бир Хитой манбаси «Тан-шу»да (X аср) Қадимги Фарғонани «IV асрдан бошлаб то ҳокимият тепасига турклар келгунига қадар бир сулола бошқарган» дейилади<sup>6</sup>: 630 йили Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга сафарга отланган Хитой элчиси Сюань Цзан собиқ Дайюанда мамлакат ягона хукмдор тасарруфида эмас, у ерда майда маҳаллий хукмдорлар кўплигини таъкидлайди<sup>7</sup>.

Маҳаллий ёзма манбаларда то VIII асргача Фарғона мулки ҳақида ҳеч бир маълумот учрамайди. Араблар босқини муносабати билан Панжикент ҳокими ва бир вақтни ўзида Самарқанд подшоси Диваштич арабларга қарши маҳаллий ҳокимликларнинг бирлашган ҳарбий иттифоқини тузиш мақсадида ташаббус билан чиққан. У Чоч тудуни, Турк ҳокони ва Фарғона мулки хукмдорига тегишли хатлар билан ўз ишончли кишисини, улар хузурига юборган. Ана шу элчилик хатларининг Фарғона ихшидлигига тегишли номасида Фарғона номи суғдча «Парғана» шаклида берилган.

Илк ўрта асрларда Фарғона мулкининг «Парғана» ихшидлиги номи остида юритилишини араб тарихчилари ҳам тасдиқлайди. Араб тарихчилари Якут ва Қудамоларнинг хабар беришига қараганда, илк ўрта асрларда нафақат Фарғона мулки, балки унинг бош шахри ҳам Парғана деб аталган. Ибн Хордатбехнинг «Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб» асарида халифаликнинг шарқий вилоятларидан ўтган савдо қарвон йўлларини қайси бир шаҳарлар орқали ўтгани, улар орасидаги масофалар берилган. Шунда: «Самарқанддан Парғанагача (бу ерда у Қадимги Фарғонанинг бош шахрини кўзда тутуди) 53 фарсах (1 фарсах 6–8 км. га тенг), Баб (Поп)дан Парғанагача 4 фарсах»<sup>8</sup> дейилган.

<sup>1</sup> Грцица А.А. Уструшанские были. С. 43–45.

<sup>2</sup> История Узбекистана, том I, кн. первая. Т.: 1955. С. 39, 89.

<sup>3</sup> Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII н.э. М., Наука, 1989. С. 110.

<sup>4</sup> Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Фарғона. «Фарғона кеча, бугун ва келажакда». – Фарғона. 2003. – 3-бет.

<sup>5</sup> Асқаров А. Ўша асар, 3-бет.

<sup>6</sup> История Таджикского народа, т. I. Душанбе, 1999. С. 39.

<sup>7</sup> Beal S. Si-yu-Ki Buddhist record of the Westernworld. Vol. I. London, 1884. p-26.

<sup>8</sup> Ибн Хордатбех. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследования, указатели и карты Н. Велиховой. Баку, Элм, 1986.

Дарҳақиқат, Ибн Хордатбех асарида кўрсатилган Попдан кейинги 4 фарсах масофада жойлашган шаҳар пункти аслида Ахсикент бўлиб, у суғдий манбаларда арабларга «Парғана» топоними сифатида маълум бўлган<sup>1</sup>. Биз келтирган кейинги икки манба (Диваштич ва Ибн Хордатбех) маълумотларига кўра, VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII аср бошларига келганда, Фарғона водийсининг майда маҳаллий ҳокимликлари Парғана ҳокимлиги кўл остида бирлашиб, ягона Фарғона мулкига айланган кўринади. Бу ҳолат археологик материаллар мисолида яхши кузатилади.

Қорадарё хавзасида олиб борилган археологик тадқиқот натижаларига кўра, агар антик даврида кишлоқ жамоаси масканлари кўпчиликни ташкил этган бўлса, илк ўрта асрларда шаҳар ҳокимликларининг қасрлари кўпчиликни ташкил этади<sup>1</sup>. Демак, илк ўрта асрларга келиб, мулкый табақаланишнинг бадавлат деҳқонзодалар фойдасига ишлаётганлиги кузатилади. Ҳар бир ирригацион районда, унинг иктисодий ва сиёсий маркази сифатида шаҳар типигаги ёдгорлик қайд қилинади, микровоҳаларда эса, уларнинг бош қароргоҳи сифатида кишлоқ ҳокимликларининг қасрлари кузатилади.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларга келганда, Қорадарё хавзасининг ҳар бир ирригацион райони доирасида туман ҳокимликлари, микровоҳалар базасида кишлоқ ҳокимликлари, умуман Қадимги Фарғонанинг йирик шаҳарлари таркибида эса шаҳар-давлатлар ташкил топган кўринади. Қорадарё хавзасида археологик материаллар асосида кузатилган бу тарихий жараён нафақат бутун Фарғона мулкига, балки Ўрта Осиёнинг деҳқончилик маданияти ривож топган барча вилоятларга хос бўлиб, ўзбек давлатчилигининг маҳаллий илдизлари айнан ана шуларга бориб тақалади.

5. Қадимги Фарғонадан шимолда жойлашган тарихий-маданий ўлка Чоч воҳаси бўлиб, бу ўлкада ҳам илк ўрта асрларда худди шу тарихий манзара кузатилади.

Милодий V аср ўрталарида Кангкия (Қанғ) давлатининг емирилиши билан унинг таркибидаги элат ва қабилалар тарқалиб кетди, янги сиёсий уюшмалар ва этник бириклар вужудга келади<sup>2</sup>.

Археологик тадқиқотлар таҳлилига кўра, милодий V асрдан Тошкент воҳасида шаҳар маданияти жадал ривожланади. Бу даврда воҳада 13 пунктда шаҳар ҳаётининг гуллаши кузатилади<sup>3</sup>. Уларнинг таркиб топиши Қовунчи маданиятининг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ бўлиб, этномаданиятда туркий жило кучли эди. Бу давр шаҳарлари Тошкент воҳасининг жануби-ғарбий қисмини эгаллаган эдилар. Уларнинг энг йириклари Қанҳа, Кавардан, Кулота, Киндиктепа,

<sup>1</sup> *Анорбоев А.* Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент. «Ўзбекистон тарихида Қадимги Фарғона». – Т.: 2001. – 14–15-бетлар.

<sup>2</sup> *Шониёзов К.* Қанғ давлати ва қанғлилар. Т.: «Фан», 1990, 6-бет.

<sup>3</sup> *Буряков Ю.Ф.* Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 109.

Қовунчитепа, Банокат ва бошқалар бўлиб, уларда шаҳар ҳаёти нафақат илк ўрта асрларда, балки ривожланган ўрта асрларда ҳам давом этади.

Хўш, илк ўрта асрларда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, айнан Чоч воҳасида шаҳарлар ҳаёти билан боғлиқ нималар юз берди?

Авваламбор, Чоч воҳаси Эфталлийлар давлати таркибига кўшиб олинди. Милодий VI асрнинг 60-йилларидан Чоч Турк хоқонлиги таркибига ўтди<sup>1</sup>. Бу воқеалар дастлаб, Чочнинг жануби-ғарбий шаҳарлари иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этмай қолмас эди. Айнан шу вақтда Илок ўзининг бой рангли металлургия саноатини интенсив ўсиши ҳисобига иқтисодий салоҳияти кўтарилиб, Чочдан ажралиб чиқади ва маълум муддатгача мустақил ривожланади<sup>2</sup>. VI аср охиридан кучайган турк аслзодаларининг ўзаро тахт учун курашлари даврида, Чоч мустақилликка интилиб кўрди. Аммо, VII аср бошларидан яна хоқонликка тобе бўлиб, Чочни Ғарбий турк хоқонлигининг ноиби-тудуни бошқарадиган бўлди. Ҳатто, тобе вилоятларни бошқариш ва улардан дан (солиқ) йиғиш масалаларини қаттиқ назоратда тутиш мақсадида хоқонликда иккита кичик хоқон лавозими жорий этилиб, уларнинг бирини қароргоҳи Чоч агрофида (Жабғукат бўлиб, у Мовароуннахрнинг Суғд ўлкаларини бошқарар эди. VIII аср бошларида араблар босқини туфайли Чоч арабларга қарши Суғд, Парғана ихшидлари ва турк хоқонлигининг ҳарбий иттифокига кўшилади. Бу иттифок 723–724 йилларда Сирдарё бўйида бўлган жангларда арабларга қаттиқ зарба беради. 739 йилда араблар Чоч ва унинг иттифокчиларига қарши янги ҳужум уюштирадilar. Жанг давомида араб лашқарбошиси Хорис ибн Сурайж суғдийлар томонига ўтиб кетади<sup>3</sup>. Турк хоқонлиги Хитой таъсирига тушиб қолган кезларда, араблар Чочга, уни мустақиллигига путур етказмаслик шарти билан ўз ноибларини юбориб, Хитойга қарши иттифок тузади. Аммо, бу шартнома узоққа чўзилмайди. Чоч ва Илок VIII аср давомида барча арабларга қарши чиқишларда фаол қатнашади.

Шундай қилиб, VI–VIII асрларда Чоч тарихининг кўп вақти ташқи душманга қарши курашлар билан ўтди. Бу курашлар Чоч иқтисодий ҳаётига салбий таъсир этмай қолмас эди. Шу муносабат билан йирик шаҳарлар майдони дастлаб қисқарди. Қачонким Чоч Турк хоқонлиги таркибига ўтгач, мавжуд этносиёсий вазиятда юз берган ўзаро иқтисодий манфаатдорлик пайдо бўлиб, шаҳарлар ҳаётида жонланиш бошланди. VIII аср бошларига келганда, Чочда шаҳарлар сони кўпайиб, улар 32 тага етди. Шаҳарлар нафақат дарё ҳавзаларининг қуйи оқимларида, балки уларнинг ўрта ва юқори ҳавзаларида ҳам таркиб топди.

Масалан, Охангароннинг ўрта оқимида Илоқнинг пойтахт шаҳри Тункат ташкил топди, унинг майдонида Илок ҳукмдорининг қасри қад кўтаради. Илок нафақат мис чақалар, балки иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланганлигидан қу-

<sup>1</sup> Шмидт А.Э. Материалы по истории Средней Азии и Ирана. ИИВ АН СССР, вып. XVI. Москва–Ленинград, 1958. С. 453.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. Москва, 1974. С. 101–102.

<sup>3</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 123; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Т. 1973. С. 32.

муш тангалар зарб этиш имкониятига эга эди. Ҳатто. Илок араблар қўл остига ўтиб, ўз сиёсий мустақиллигини йўқотса-да, кумуш танга зарб этишни давом эттирар эди. Тункат руда эритиш ва уни қайта ишлаш устахоналарига бой металлургиялар шахрига айланади. Унинг тоғ саноатини тез ривожланишида, Тункат яқинидан топилган олтин ва кумуш конлари катта роль ўйнайди. Натжижада, Тункатнинг тоғ саноати нафақат уни Илокнинг йирик иктисодий маркази, балки сиёсий пойтахтига айланишида муҳим роль ўйнайди. Илк ўрта асрларда Оҳангарон хавзасида Тункат (17,5 га), Қулога (15 га), Намудлик (12 га), Тепа (12 га), Ошхонатепа (11 га), Мунчоктепа (11,2 га) каби қатор шахар ва бошка аҳоли пунктлари вужудга келдики, уларнинг иктисодий негизини асосан тоғ саноати ташкил қиларди.

Илк ўрта асрларда шахарлар (Улкантойтепа – 20 га, Кавардан – 75 га, Чинозтепа – 12 га, Йўғонтепа – 20 га) воҳанинг марказий ва шимолий адирлик ҳудудларида ҳам ривожланади. Чочнинг энг йирик шахар марказларидан бири Чирчиқ дарёсини ўрта оқими бўлиб қолади. Бу жойда Солор ва Жун каналлари базасида Мингўрик (35 га), Нўғойқўрғон (11 га), Хонободтепа (34 га), Тўғойтепа (9,5 га), Қулоклитепа (14 га), Акататепа (18 га) каби шахарлар қад кўтаради.

Чоч аҳолисининг хўжалик маишулотларига келганда, улар кўп тармоқчилиги билан характерланади. Ўтроқ аҳолининг асосий хўжалиги суғорма ва лалмикор деҳқончилик ҳамда боғдорчилик, поллиз экинлари бўлган<sup>1</sup>. Чўл ва тоғолди адирлар чорвачилик хўжалиги учун қулай бўлган. Чорвачиликнинг яйлов тури ривожланган. Шахарларда ҳунармандчилик ва унинг турли тармоқлари кенг ривожланган. Айниқса, кулолчилик, терини ошлаш ва ундан эгар-жабдуқлар тайёрлаш, китоб муқовалаш, тўқимачиликда жундан тўқилган товарлар ишлаб чиқариш ривожланган<sup>2</sup>. Ҳунармандчиликнинг характери ва унинг маҳсулотларига бўлган катта талаб, Чоч шахарлари орқали бир неча савдо қарвон йўлларини вужудга келишига олиб келади. Айниқса, қарвон йўлларининг Илок шахарлари орқали ўтган тармоқлари Чоч иктисодиётида муҳим аҳамиятга эга эди. Бу йўллар бўйлаб янги савдо пунктлари (Чинақат, Тункат, Навкат) қад кўтаради<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда Чоч шахарларининг сон жиҳатидан ўсиши ва уларнинг иктисодий ихтисослашуви кузатилади. Бу жараён Чочдан Илокни маълум муддатга ажраб, мустақил иктисодий сиёсат юритишига олиб келди. Урбанизация жараёнлари Чочнинг адирли ҳудудларига жадал кириб бориб, ҳатто Чочнинг пойтахти Сирдарё соҳилларидан воҳанинг шимолий ҳудудларига, яъни ҳозирги Тошкент шахри районига – Мингўриққа кўчади. Илк ўрта асрларда Чочда юз берган урбанистик жараёнлар воҳада асосан кичик шахар пунктларини пайдо бўлиши ҳисобига юз берди.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Кн. II, Т.: 1950. С. 272.

<sup>2</sup> Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Москва. 1972. С. 254–258.

<sup>3</sup> Бураков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 134–135.


Илк ўрта асрларда воҳага туркий этник қатламларнинг тўхтовсиз кириб келиши, айниқса Чочнинг Турк хоқонлиги таркибида бўлиши, унинг маданиятига катта таъсир кўрсатди. Чоч эроний тилли аҳолининг турклашиш жараёни жадал кечган масканга айланди. Бу ҳолатлар айниқса, археологик материалларда яхши кузатилади ва ёзма манба материаллари эса тасдиқлайди.

6. Хоразм воҳасининг антик ва илк ўрта асрлар даври тарихи ўзига хос хусусиятларга эга (25-расм).

Милодий IV аср Хоразм тарихида карама-каршилиқларга тўла, Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқидан туркий қабилаларнинг тўхтовсиз кириб келиш жараёни билан боғлиқ бўлди. Албатта, бир неча асрлар давомида тинч-осойишта гуллаб-яшнаб келаётган воҳага дашт қабилаларининг кириб келиши бу ердаги маданий ҳаётни издан чиқишига, экин майдонларини пайҳон қилинишига олиб келиши табиий эди. Унинг устига кашоварзлар орасида юз бераётган мулкий табақаланиш ҳам йирик шаҳарлар зарарига ишлади. Чунки, кашоварзлардан ажралиб чиқаётган янги мулк эгалари – деҳқонзодалар қасрлар қуриб, ўз даласи тепасида яшашни афзал кўрадилар. Шунингдек, бу ҳаётини зарурият янги мулк эгалари (деҳқонзодалар) қалъа ва қасрлари атрофида секин-аста гавжум ҳаёт ривожланади. Натижада, антик даврнинг йирик империялари – кушонлар ва Қанг давлатининг сиёсий инкирози тезлашади, уларнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган кўпгина йирик шаҳарлари инкирозга юз тутади. Тупроққалъа, Қизилқалъа, Аязқалъа 2, Бургутқалъа, Тўкқалъа, Гаурқалъа. Ҳазорасп, Ичанқалъа, Вояган, Девқаскан каби шаҳарлар инкирозга юз тутиб, бу шаҳарлардаги қайнок ҳаёт сусайиб, ҳатто, Кат канали яқинидаги қалъа Фирда қурилиш тугалланмай қолади. Амударё ўнг ва сўл яқинидаги раванқ топган суғориш иншоотлари тўхтаб қолади.

Ўша кезларда шаҳар ҳаёти Амударёнинг чап соҳилидаги хулудларда қисман давом этади. Масалан, милодий IV–V асрларда Ичанқалъа, Ҳазорасп, Вояган, Дарғон, Девқаскан, Замахшар, Олмаотишган 2 каби шаҳар ва йирик қишлоқларда ҳаёт давом этади. Милодий VI асрдан бошлаб, секин-аста Қадимги Хоразм тупроғида майда ва ўрта ҳажмдаги шаҳарлар қурилиши авж олади. Илк ўрта асрлар шаҳарсозлик маданиятида антик давр шаҳарлари яқин атрофларига кичик ҳажмдаги «кўшк», «қўрғонлар» қуриш кенг тус олади. Масалан, араб ёзма манбаларидаги маълумотларга қараганда биргина Миздахкон атрофида 12 минг «кўшк» қурилган. Катта шаҳарлар атрофида «кўшк»лар қуриш марказлашган феодал давлатларнинг қурилиш соҳасидаги асосий фаолияти эди. Шаҳарларда таъмир иши кучайиб, Ичанқалъа мудофаа деворлари ва унинг аркида, қалъанинг жанубий-шарқида қурилиш ишлари олиб борилади.

Милодий V–VII асрлар давомида шаҳар ҳаётининг жонланиши Ҳазораспда юз берди. Унинг мудофаа деворлари таъмир қилиниб, қўшимча девор қурилди. Милодий VII–VIII асрларда Вояган шаҳрида юксалиш содир бўлди. Унинг деворлари таъмир этилиб, бу ерда ҳам мудофаа деворларига ёпиштириб, қўшимча девор қурилди. Бундай қурилиш ишлари Катқалъа ва бошқа шаҳарларда ҳам олиб



25- расм. Илк ўрта асрлар даври керамика мажмуаси (Хоразм).

борилди. Араб тарихчилари Белазурий, ал-Максудий, Табарийларнинг хабар беришига қараганда, илк ўрта асрларда Хоразм воҳасида эски шаҳарларнинг кенгайиши, янги шаҳарларни пайдо бўлиши кузатилади. Араб сайёҳи ал-Максудий Хоразмнинг 32 та шаҳри, улардаги қайноқ шаҳар ҳаёти ҳақида ёзар экан, у Кат шаҳрига алоҳида эътиборини қаратади. Хоразмнинг 13 та гўзал шаҳарлари ичида маданий ҳаётнинг юксаклиги жиҳатидан Кат биринчи сафда туришини таъкидлайди. «Худуд- ул- олам»да Кат (X аср) Хоразмнинг бош шаҳри, гўзал Туркистон дарвозаси, Мовароуннаҳр ва Хазарлар музофоти молларининг омбори, савдогарлар тўшланадиган, бойлиги катта шаҳар сифатида таърифланади. Унинг аҳолиси ҳақида эса, «аҳолиси жанговар, камондан ўк отиш санъатида тенги йўк машҳурдирлар» деб ёзади. VIII–IX асрларда Хоразм шаҳарлари атрофида, шаҳар деворларига туташтириб рабоблар қурилиши авж олганлиги эслаб ўтилади.

Шуниси аҳамиятлики, илк ўрта аср шаҳарларининг чегара ҳудудларга жойлашган қалъалари муҳофаа деворларида шинаклар қилиш катта аҳамият касб этган. Улардаги кўп сонли шинаклар ҳақиқий бўлган. Агар шаҳар воҳа ичкарасида бўлса, шинакларнинг бир қисми сохта шинаклардан иборат бўлган. Илк ўрта асрларда Хоразмда қурилиш материали сифатида пишиқ ғишт ишлатиш бошланади. Бу ҳолатни бутун Ўзбекистон ҳудудлари бўйлаб кузатиш мумкин бўлди.

Шундай қилиб, арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан анъанавий бошқарув тизими заминига зил кетди. Араблар Мовароуннаҳр ва Хуросонни халифаликнинг шарқий мулкига айлантириш йўлида сиёсат олиб борди. Чунки, ислом дини ғалабаси йўлида анъанавий дин зардуштийликка қарши, унинг уламою фузалолари, муқаддас китоби Авесто ва унинг ғоявий, диний-фалсафий қарашларига қарши, унинг мулкдор эътиқодчилари, барчага қарши аёвсиз кураш олиб борди. Диний эътиқод йўлида иқтисодий ва сиёсий мавқедан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари бирлашиб, диний эътиқодда қаттиқ турадилар. Дастлаб, араблар исёнкор минтақа аҳолисини қаршичилигини заифлаштириш учун барча ёвузликлар, турли найранг ва товламачиликларни қилиб кўради. Масалан, маҳаллий мулк эгаларидан Бармоқийлар хонадонини қириб ташлайди. Ислом диний ва дунёвий ҳокимият таъқибидан азият чеккан зардуштий руҳонийларининг катта қисми она юртарини ташлаб Ҳиндистон томон кўчиб кетиб, асосан Бомбей ва Куджарата вилоятларига жойлашадилар.

Араблар шарқий вилоятлар ноиблигида қаттиққўллик билан олиб борган сиёсатлари кутган натижани беравермагач, 806 йилда халифа Хорун ар-Рашиднинг форс хотинидан туғилган ўғли Абдулло-Маъмунни халифаликнинг шарқий вилоятлар ноибни қилиб тайинлайдилар. Маъмун Марвга келиши билан маҳаллий аслзодаларни ўзига яқинлаштириш сиёсатини олиб боради. Унинг барча хатти-ҳаракатлари унинг шахсий мавқеини мустаҳкамланишига хизмат қилади (Марвда олимлар уйини ташкил этиб, унга ўз даврининг машҳур олимлари ва маҳаллий аслзодалар фарзандларини тортади, маҳаллий аслзодалар, турк харбийларидан бошқарув ишларида кенг фойдаланиш сиёсатини юритади ва бошқалар). Маъмуннинг ноиблик ва халифалик даврларида олиб борган доно сиёсати Ўрта

Осиёда ислом динини кенг халқ оmmasининг ягона диний-ғоявий мафкурасига айланишига, жадал шаклланиб бораётган феодал жамиятининг (маҳаллий йирик мулк эгалари—деҳқонзодалар асосида) мустақкамланиб боришига хизмат килди. Минтакада маҳаллий ҳокимиятчиликка барҳам берилди, улар ўрнида IX аср иккинчи ярмига келганда марказлашган йирик феодал давлатнинг ташкил топишига олиб келди. Ўрта Осиёда ташкил топган биринчи йирик марказлашган феодал давлатнинг асосчилари сомонийлар сулоласи бўлиб, улар келиб чиқиши жиҳатидан сосонийлар давлатининг ҳарбий саркардаси турк Баҳром Чубиннинг форсийлашган авлодлари сомонийлар бўлган<sup>1</sup>. Баҳром Чубинга ўз даврида сосонийлар давлати олдидаги катта хизматлари учун Балх ва Термиз оралиғидаги ерлар икто сифатида берилган, у эса бу жойларга ўз яқинларини жойлаштирган. Сомонхудоёт Балх агрофишинг йирик мулк эгаси—аслзода-деҳқонзода бўлиб, унинг хонадони ноиб Абдулло-Маъмунга ҳалол хизмат қилган.

VIII аср бошларида араблар Ўрта Осиёни жуда кўп талафотлар бериш эвазига босиб олгандан кейин уларнинг олдида катор муаммолар пайдо бўлди. Дарҳақиқат, эркесвар маҳаллий аҳоли арабларга осонликча жон бермади. Биринчидан, араблар туркий сулола ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ, мамлакатни бошқаришни бутунлай ўз қўлларига олишга интилдилар. Маҳаллий ҳокимликларнинг ўз худудий доирасида мустақил ички ва ташки сиёсат олиб боришларига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, ҳокимиятни халифалик қўлида тўплашга интилдилар. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хуросонда бирин-кетин босқинчиларга қарши умумхалқ ҳаракати, кўзғолонлар бошланиб кетди.

Иккинчидан, араблар минтака худудларида илдиз отган туркий ҳукмрон сиёсий вазиятга барҳам бериш сиёсатини олиб борадилар. Чунки, жанговар туркий қабилаларнинг Мовароуннаҳрга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келишини охири кўринмас эди. Уларни Мовароуннаҳрга кириб келишини тўхтатиш ва минтақанинг ягона хўжайини бўлиб олиш учун араблар Мовароуннаҳр шимолий шарқига жойлашган деҳқончилик воҳалари чегаралари бўйлаб мудофаа деворларини кура бошладилар.

Учинчидан, Ўрта Осиёнинг оташпараст зардуштийлик диний муҳити шароитида аҳолининг барча табақалари бирдам бўлиб, ғайридин арабларга қарши курашганлар. Бу курашлар тепасида элнинг обрўли деҳқонзода ва диний раҳнамолари турардилар. Шунинг учун араблар дастлаб, маҳаллий аҳолининг барча табақаларига душман сифатида қараб, нафақат зардуштий мубодларини, балки маҳаллий аҳолининг бадавлат аслзодаларини ҳам қирғинбарот қила бошладилар. Аслзода-деҳқонзода Бармоқийлар хонадони бу сиёсатнинг қурбони бўлган эди. Арабларнинг бу сиёсати ҳам ўз самарасини бермагач, энди улар маҳаллий аслзода-деҳқонзодалар билан тил топиш йўлини кидира бошладилар. Бу масалада биринчи қадамни халифаликнинг шарқий вилоятлари ноиб Маъмуни ибн Хорун ар-Рашид бошлаб берди. У маҳаллий Тоҳирийлар ва Сомонийлар

<sup>1</sup> Мухаммад Наршахий. «Бухоро тарихи». – Т.: 1993. 56-бет.



билан тил топиб, улар ёрдамида арабларга қарши кўзғолонларини бостиришга эришди. Уларнинг халифалик олдидаги хизматлари учун Мовароуннаҳрнинг катор вилоятларининг бошқаришни уларга топширди.

Маъмуннинг яна бир доно сиёсати шу бўлдики, у ноибликнинг пойтахти Марвда олиму фузалоларни йиғиб, илмий таджикот марказини ташкил этди ва унга шахсан ўзи раҳнамолик қилди. Марвазийлар илмий марказига Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг иктидорли ёшларини тортди. Албатта ўша даврнинг иктидорли ёшлари аслзодалар фарзандлари бўлган. Уларни йиғиб, Марвазийлар мактабида таълим-тарбия беришликнинг халифалик учун канчалар фойдаси катта эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Биринчидан, улар орасидан Аҳмад Фарғоний сингари комусий олимлар етишиб, араб дунёсини оламга машхур этган бўлса, иккинчидан, аслзодаларнинг фарзандларини Марвда, халифалик назоратида тутиб туришликнинг ўзи маҳаллий деҳқонзодаларни халифалик фойдасига иккиланмай хизмат қилишларига қаратилган сиёсат эди.

Халифалик томонидан олиб борилган бу сиёсатларнинг ўзбек этногенези билан қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, бу табиий савол. Бу сиёсатларнинг заминидан биринчидан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ислом дини ва исломий маънавий-ахлоқий руҳиятни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса, иккинчидан, минтақада маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетган туркий ҳукмронлик муҳитини сиёсий майдондан улоқтириб ташлаш ва ягона ислом тартибларини ўрнатиш эди. Аммо, на воҳалар атрофини ўраб олган мудрофаа деворлари, на маҳаллий аҳолининг тил жиҳатидан араблаштириш сиёсати амалга ошмади, аксинча арабларгача бу жойларга келиб ўрнашиб қолган туркий этник бирликларнинг ўтrockлашиш жараёни жадал кечади, эронзабон сугдий, хоразмий ва бохтарийларнинг тил жиҳатидан туркклашиш жараёни давом этади. Мовароуннаҳр ва унинг теваарак-атроф ҳудудларида кенг халқ оммасининг жонли тили тобора туркий тиллар фойдасига ишлашда давом этиб, натижада минтақада илк ўрта асрлар давомида турк-сугдий этномаданий майдон таркиб топади.

#### **Х. 4. Антик ва илк ўрта асрларда ўзбек халқи аждодларининг тили масаласи ва унинг илмий таҳлили**

Ўрта Осиё, жумладан Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари қадимдан туркий ва эроний тилларда сўзлашувчи қабила ва элатлар маданиятининг ўзаро қоришуви фаол кечган ҳудуд сифатида алоҳида ўрин тутади. Бу минтақа ўзининг географик жойлашуви жиҳатидан ҳам ранг-баранг этносларни ўзига жалб қилиб келган макондир. Бу ҳақда нафақат турли хил қадимги ёзма манбалар, балки археологик изланиш натижалари ҳам дарак беради. Авесто ривоятлари, Беруний асарларида келтирилган халқ ёдномалари, уларни археологик ёдгорликлар билан қиёсий таҳлили бронза давридан бошлаб, минтақада рўй берган этномаданий ва этносиёсий жараёнларда туркий ва эроний тилли этносларнинг фаол иштирок этганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг қайси бир ҳудудларида ушбу этнослардан бири кенг ёйилган, этномаданий ва этносиёсий жараёнларда нисбатан фаолроқ қатнашган бўлсалар, бошқа бири эса минтақанинг қолган бир қисмида айнан шундай роль ўйнагани тарихдан маълум. Масалан, қадимда Ўрта Осиё минтақасининг шимоли-шарқий қисмларида туркий тилли этнослар умум аҳолининг жуда катта қисмини ташкил этган бўлсалар, минтақанинг жануби-ғарбий ўлкаларида эроний тилли этнослар аҳоли қатламнинг кўпчилигини ташкил этиб келганлар. Энди, Ўрта Осиёнинг ҳар иккала қисмида мазкур этносларнинг ўзаро қоришган ҳудуди контакт зоналари бўлиб, бундай ҳудудлар минтақанинг асосан ўтроқ аҳолиси яшайдиган воҳаларга тўғри келади. Бундай алоқа зоналари шимоли-шарқий Хуросон ҳудудлари, Амударё ва Сирдарё оралиғи, Еттисув ва Шарқий Туркистондаги воҳалар бўлиб, улар қадимдан эроний ва туркий элатларнинг ўзаро мунтазам этномаданий алоқа ва ўзаро қоришув майдонлари бўлиб келган<sup>1</sup>.

Шўро даврида ёзилган тадқиқотларда Сирдарёнинг ўрта ҳавзасининг тўб жойли аҳолиси эроний тилларда сўзлашувчи уруғ-жамоалар бўлган, деган тасаввур мавжуд эди. Агар воҳанинг қадимги ажлодлар томонидан ўзлаштирилиши тарихига назар ташласак, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида, жумладан Тошкент воҳасида қадимги тош даври (палеолит) ёдгорликлари етарли даражада мавжуд бўлса-да, аммо ундан кейинги неолит ва энеолит даврига тегишли ўтроқ аҳолининг қишлоқ маконлари топилмаган. Воҳа аҳолисининг ишлаб чиқариш хўжалиги билан боғлиқ ёдгорликлари фақат сўнгги бронза даврига оид бўлиб, уларнинг йил санаси мил. авв. XIII асрдан нарига бормайди. Улар протосаклар ва уларга хўжалик жиҳатдан яқин турган чорвадор қабилаларнинг мавсумий маконлари, қадимги қабристон ва ёлғиз қабрлар ҳамда воҳада илк бор зироатчилик билан шуғуллана бошлаган уруғ жамоаларининг Бурғулик маданияти ёдгорликларидан иборат. Бу икки хўжалик сохибларининг келиб чиқиш илдизлари ва этник мансублиги ҳозиргача ўз ечимини тўлиқ топмаган ва баҳсли илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Маълумки, кейинги йилларда Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилган археологик изланишлар ва уларни қадимги хитой ёзма манбалари билан қиёсий таҳлилига кўра, Чоч воҳасига унинг шимоли-шарқий чегаралари томонларидан сўнгги бронза ва илк темир давридан бошлаб кўплаб прототуркий этник гуруҳларнинг келиб жойлашиши кузатилади.

Антик ва илк ўрта асрларга келганда Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида туркий этник қағламнинг салмоғи шунчалар юқори эдики, бу заминда таркиб топган турксўғдий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий этномаданий майдонда суғд тилининг «Чоч лаҳжаси» шаклланди. Унинг археологик ёдгорликлар мисолида кўриниши Қовунчи маданиятини таркиб топишига, тарихий-сиёсий жабҳада Қанг (Қангкия) давлатининг ташкил топишига олиб келди<sup>2</sup>. Чоч воҳасига туркий тилли қабил ва элатларнинг минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудларидан кириб келиши айниқса,

<sup>1</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. – Т.: 2010. 72-бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Қанг давлати ва қанглилар. – Т.: 1990. – 3–158-бетлар.

Кангкия давлати даврида (мил.авв. III–милодий III асрлар) доимий характер тусини олди. Кангкия давлатининг айнан шу даврга оид Чоч аҳолиси тили масаласида гап кетганда тахминан қуйидаги илмий кузатувларни қайд этиш мумкин: Канглилар (Кангжюйлар) сулоласи асосчилари бўлмиш қанғарлар ёки хитой манбалари таъбири билан айтганда «кангюйлар»нинг тили ҳақида тадқиқотчилар орасида асосан икки хил қараш мавжуд бўлиб, бир гуруҳ олимлар «қанғар тили» эроний тиллар гуруҳига мансуб, деб ҳисоблайдилар<sup>1</sup>, бошқа бир гуруҳ олимлар эса, бу тилни туркий тилларга тааллуқли, деб қарайдилар<sup>2</sup>. Жумладан, М.И. Филанович кангюйларни мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги асрларида Сирдарёнинг қуйи оқимлари ва шимоли-шарқий Орол бўйидан Чоч воҳасига кўчиб келиб, бу ерда ўз давлати (Кангжюй)ни барпо этган сарматлар бўлган, деган фикрни олға суради<sup>3</sup>. Чунки, расмий тарихда сарматларни эроний тилли қабилалар сифатида талқин қилиш кенг ёйилган. Бироқ, қанғарларнинг сарматлар билан алоқадорлиги масаласи ҳали тўлақонли ўз исботини топганича йўқ.

Қанғарларни туркий тилли деб қаровчи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, воҳада туркий тилнинг кенг ёйилиши айнан Кангкия давлати ҳукмронлиги пайтига тўғри келади. Жумладан, элшунос К. Шониёзов дастлабки тадқиқотларида улар «дастлаб эроний тилли бўлиб, кейинчалик, аниқроғи мил. авв. I мингйилликнинг охири ва милодий эра бошларида туркийлашиб кетганлигини эътироф этади<sup>4</sup>. Хусусан, у ўзининг «Қанғ давлати ва қанглилар» номли монографиясида улар ҳақида «туркий тилнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида кенг тарқалишида қадимги хун ва усун қабилалари ҳамда уларнинг таркибига қирувчи бир қанча бошқа туркий қабилаларнинг ҳиссаси жуда қатта бўлган. Бу қабилалар таъсирида милоддан олдинги I аср ва милодий II асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи сак қабилаларидан бири – қанғарлар тил жихатидан туркклашганлар»<sup>5</sup>. Ҳатто, қанглиларни эроний тилли этнос сифатида қаровчи М.И. Филанович ҳам уларнинг тез орада туркклашиб кетгани ва кейинчалик Қангуй (Кангкия) давлати туркий тилли давлат сифатида намоён бўлганини таъкидлайди<sup>6</sup>. Н.Я. Бичурин асарида Қангуй давлатига асос солган этносларни *гаогюй* (уйғур) ёки *гавчэ* этнонимлар билан алоқадор эканлигини таъкидлаб, улар хитой йилномалари мазмунидан туркий тилли қабила эдилар<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Филанович М. Қангуй давлати // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарк, 2001. – 22–23-бетлар.

<sup>2</sup> Малякин А.Г. Танскис хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск: Наука, 1989. С. 201.

<sup>3</sup> Филанович М. Қангуй давлати // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарк, 2001. 16–22-бетлар.

<sup>4</sup> Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанглилар. – Т.: Фан. – 1990. – 154-б; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Шарк. 2001. – 84–85-бетлар.

<sup>5</sup> Шониёзов К. Ўша асар. 154-бет.

<sup>6</sup> Филанович М. Қангуй давлати // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарк. 2001. – 23-бет.

<sup>7</sup> Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва – Ленинград: Изд. АН СССР. Т. I. С. 214.

Тадқиқотчилар фикрича, қанг этноними қадимги туркчада «арава» маъносида бўлиб, *гавчэ* сўзи ҳам хитой тилида «баланд аравалилар» маъносини билдирган ва ушбу сўз туркий «қанг» (арава) ёки «теле» (тегрек – «арава») сўзларининг хитойча муқобили бўлган<sup>1</sup>. Ғарб олимлари орасида ҳам бу атамани қадимги туркча сўз ҳисобловчилар йўқ эмас<sup>2</sup>.

Ўрта асрларда туркий қабила сифатида намоён бўлган қанглиларни қадимги турк уруғларидан бири сифатида талкин қилиб, ушбу этнонимга туркий асосда изох берган муаррихлар учрайди. Жумладан, Абулғози Баҳодирхон (XVII аср) ўзининг «Шажарайи турк» асарида «қангли» сўзининг келиб чиқишини арава билан боғлаб, «(араба) юруганда «қаниқ-қаниқ» қилиб овоз қилур, ани ясаган кишини қаниқли тедилар», деб ёзади<sup>3</sup>. Тўғри, антик давр қангли-қанғар элатини шаклланишида сугдий этник гуруҳларнинг иштироки ҳам бўлган. Аммо, қадимги эроний тилли этносларнинг асрлар давомида турклашиб бориш жараёни бирламчи асоси сугдий бўлган қанғарларни ҳам туркий тилли қангли этносига айланиб кетишига олиб келганлиги тарихий ҳақиқатдир<sup>4</sup>. Шу боис, тарихда қанглилар IX–X асрларга келиб мутлақо туркий қабила сифатида маълум.

VIII–IX асрларда Марказий Осиёдаги этник манзара қандай бўлганини кўрсатувчи тибетча ҳужжатда (IX аср) *Другу йул* (луғ. «Турклар ўлкаси»)да яшовчи қабилалардан бири «гара ганглиг» шаклида қайд этилган. Тадқиқотчилар ушбу сўзни туркий «қора қанглиг» ёки «қора қангли» этноними билан тенглаштиришади<sup>5</sup>. XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам Сирдарёнинг ўрта хавзалари ва Тошкент вилоятида яшовчи ўзбек ва қозоқлар таркибида «қангли» уруғининг бир тармоғи «қора қангли», «қара қанғди» деб аталган, қирғиз уруғлари орасида ҳам «қара қанди» этноними мавжуд<sup>6</sup>.

«Қанг ҳукмдорлари тангалари» деб ҳисобланувчи, тахминан милодий III–V асрларга тааллуқли Чоч тангаларида ўрин олган ҳукмдор тасвирларига назар ташланса, уларнинг аксарияти илк ўрта асрларда зарб қилинган туркий тангалардаги тасвирлардан кескин равишда фарқ қилиб, европеоид киёфа (чўзиқ, узун юз, йирик ёки бодомсимон кўз, бургутсимон, қирғий бурун, жингалак соч)да бўлганликларига гувоҳ бўлиш мумкин<sup>7</sup>. Бу эса бир қатор олимларнинг қанглилар

<sup>1</sup> Ögel B. Sekel'lerin ataları hakkında (Sikil, Ezgil boyları) // Belleten. – Ankara 1945. – Sayı 36. – S. 469471; Ögel B. İlk Töles Boyları // Belleten. – Ankara 1948. Sayı 48. S. 796.

<sup>2</sup> Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. – Oxford, 1972. P. 638

<sup>3</sup> *Абулғозий*. Шажарайи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Т.: Чўлпон. 1992. – 21-бет.

<sup>4</sup> Togan A. Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. – Istanbul, 1981. – 537 s; Шониёзов. 1990:122–129.

<sup>5</sup> Vacot J. Reconnaissance en haute asie septentrionale par cinq envoyes ouigours au VIIIe siècle J.A. – Paris, 1956. – Т. CCXLIV. – P. 142, 146, 152; Абдухолик Абдурасул ўғли. Туркий халқлар тарихига оид тибетча ҳужжат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. – №6. – Б. 7277.

<sup>6</sup> Шониёзов К.Ш. Қанг давлати ва қанглилар. – Т.: Фан. 1990. –138–151-бетлар.

<sup>7</sup> Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. I. Т.: Media Land, 2002. С. 13–119; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III–VIII вв. Т.: Фан, 2006. С. 28–44.

европеоид қиёфали, эроний тилли этнос бўлган, деб талқин қилишларига асос берган. Гарчи, тангалардаги тасвирлар тадқиқотчилар фикрларида жон бор, деб хулоса чиқаришга асос берадигандек кўринса-да, айтиш жоизки, фақатгина шу каби аломатларга таяниб, бу борада кескин фикр билдириш бир ёкламаликни келтириб чиқаради. Аввало, Ш. Камолиддин таъкидлаганидек, бундай қиёфа фақат эроний этносларга хос бўлмай, қадимги туркларнинг бир қисмига, хусусан, ўғузларга ҳам хос бўлган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, ушбу тангалардаги тасвирлар реал бир ҳукмдорнинг тасвири бўлмай, ўзлаштирилган танга зарби анъанаси билан биргаликда келиб қолган ўхшашлик ҳам бўлиши мумкин. Айниқса, бу давр Чоч тангаларида парфийёларга хос элементлар бор, яъни Чоч тангаларида ҳукмдор тасвирлари чўзиқ бошли, долихокефал европеоид тип бўлиб, у ўша давр минтақа аҳолисига хос думалоқ бошли, брахикефал европеоид типдан, яъни Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типидан фарқ қилади.

Шу тарика лингвистик материалларнинг етарли эмаслиги боис, ҳозирча «Чочликлар тили» ёки «Чоч тили»ни суғдий тилнинг «Чоч лаҳжаси» сифатида узил-кесил бир тўхтамга келиш қўшимча материаллар ва махсус тадқиқотни талаб этади.

Аммо, Турк хоқонлиги даврида воҳада туркий нуфузнинг ўсишини ҳисобга олганда, илк ўрта асрларда суғд тилининг «Чоч лаҳжаси» эмас, балки қадимги турк тилининг «Чоч лаҳжаси» ҳақида гапириш тарихий ҳақиқатга яқиндир. Масалан, бундай фаразни асословчи омиллардан бири сифатида ўнлаб туркийча жой номларининг шаҳар ва қишлоқлар топонимида учраши, санъат асарлари ва тангаларда маҳаллий ҳукмдорлар суратларининг акс этишини кўрсатиш мумкин. Масалан, илк ўрта асрларда Чоч воҳасида турк-суғд асосли Абрлиғ, Арпалиғ, Сойлик, Итлик, Хотункат, Барскат, Жабғукат, Арсланкат, Намудлиғ, Йағузлиғ, Йақалик, Ачиғ, Жадғал (Чатқал) ва бошқа ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар қад кўтардики, бу жой номлари Чоч аҳолисининг катта бир қисмини туркийлар ташкил этганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Тошкент воҳасининг ажралмас таркибий қисми бўлган Оҳангарон дарёсининг номи ва Илокнинг металлурғлар шаҳри Тункет ҳам туркий ном сифатида изоҳланиши мумкин.

Ёки бўлмаса, VI–VIII асрларда Чочда зарб этилган тангаларда шарқий туркларга хос қиёфа: қисик кўзли, кенг юмалоқ юзли, соқолсиз, узун сочли одам шакллари учрай бошлайди. Бадий санъат асарлари–хайкалча, муҳрларда акс этган суратларда туркларга хос аломатлар мавжуд. Қанқа ва Сигиртепа харобасидан топилган отлик тасвирли камар тўқаларида буни тимсолини кўриш мумкин.

Воҳада қадимги туркий тил мавжуд бўлганлигини таъминлайдиган яна бир омил–бу воҳанинг бош номи бўлмиш, «Чоч» сўзининг туркий асосли эканлиги–

<sup>1</sup> Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Critica Э.В. Ртвеладзе «Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III – VIII вв.)». (Ташкент, 2006) // Archivum Eurasiae Medii Aevi. Tom 15 (2006/2007), Harrasowitz Verlag, Wiesbaden, 2008, pp. 214–218.

дир<sup>1</sup>. Чоч топоними воҳада жуда қадимдан маълум. Эҳтимол, бу ном Енисей даштларидан прототурк Андроново маданияти соҳибларининг катта бир гуруҳи сўнгги бронза даврида бу заминга кириб келиши билан боғлиқдир. Чунки, чорвадор Андроново қабилалари хўжалик ҳаётида нафақат чорвачилик, балки тоғ саноати, маъдан қазилар, металлургия ҳамда қимматбаҳо тошлардан турфа хил тақинчоқлар ясаш бадий санъати муҳим аҳамият касб этган. Агар биз, юқорида таъкидлаганимиздек, воҳани ўраб олган тоғлар қимматбаҳо феруза тош конларига бой эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда бутун Шарқда феруза тошлари билан машҳур бўлган Тошкент воҳаси ва унга нисбат этиб берилган Чоч (тош) атамаси, ўзининг тарихий илдизларига кўра, сўнгги бронза даврига бориб тақалади.

Лингвистик таҳлилларга кўра, воҳанинг катта бир қисмидан оқиб ўтувчи Сирдарёнинг қадимги номларидан бири, Рим тарихчиси Плиний (милодий I аср) асарида Сил (ис) деб тилга олинади<sup>2</sup>. Эҳтимол, «Силис» Сирдарёнинг қадимги прототуркча номидир. Унинг бошқа номи Яксард, яъни эронийча «ҳақиқий марварид, ишжу» маъносини аниқлаган. Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида антик даврида туркий ва суғдий тилли жамоалар яшаганлигини ҳисобга олганда, унинг туркий тилли аҳолиси Сирдарёни Силис, суғдий аҳолиси эса Яксард деб атаган бўлишлари мумкин.

Тошкент воҳаси аҳолисининг катта бир қисми туркийгўй эканлиги ҳақида мусулмон ёзма манбалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Табарий «Тарих ар-русул ва-л мулук» (IX аср) асарида 806 йилда Самарқандда содир бўлган Рафъ ибн Лайс кўзғолонига ёрдамга келган чочликлар ҳақида сўз юритар экан, улар орасида «Шош ҳукмдори ва унинг турклари» иборасини ишлатади<sup>3</sup>. Милодий 630 йилларда Чже-ши (Чоч) ҳудудидан ўтган Хитой роҳиби Сюань Цзян Чочнинг шимолий ҳудудларида хитойликлар савдо қарвон саройлари жойлашган қишлоқ манзиллари аҳолиси ҳақида ёзар экан, гарчи улар ўз тилларини сақлаб қолган бўлсалар-да, аммо уларнинг кийим-кечаги ва бошқа одатлари туркларникига ўхшаб қолганини таъкидлайди<sup>4</sup>. Бу эса илк ўрта асрларда Чочда сиёсий ва этномаданий жиҳатдан устунлик унинг туркий аҳолиси қўлида эканлигидан дарак беради.

Маҳмуд Кошғарий ҳам Чочнинг шимолидаги Исфижоб (Сайрам)дан то Тароз ва Боласоғун (Еттисув)гача бўлган ҳудудларнинг туркий аҳолиси орасида Самарқанд ва Бухоро томонлардан кўчиб келган суғдийлар ҳам яшашини таъкидлайди<sup>5</sup>. Суғдийларнинг турклашиш жараёни айнан илк ўрта асрларда, айниқса

<sup>1</sup> Буряков Ю.Ф. К динамике развития городской культуры древнего и средневекового Чача. «Материалы научной конференции «Чач–Бинокет–Ташкент (историческое прошлое и современность)». Т.: 2007. С. 8–9; Максудов Ф., Бабаяров Г.К. этимологии топонима Чач. «Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет». Труды международной научной конференции. Т.: 2009. С. 2003–2005.

<sup>2</sup> Древние авторы о Средней Азии. Т.: 1940. С. 85.

<sup>3</sup> История ат-Табари. Изд. «Фан», Ташкент, 1987. С. 369–370.

<sup>4</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. 76-бет. Экремга иктибос = Ekrem E., 2003: 117, Ankara.

<sup>5</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов). Том I. Т.: 1960. 30, 66-бетлар.

хионийлар, кидарийлар, эфталийлар ҳамда турк хоқонлиги даврида жадал кечди. Суғдларнинг турклашиш жараёни шунчалар жадаллашдики, илк ўрта асрлар даври йилномаларида баъзан суғдийлар туркларнинг бир қабиласи сифатида тилга олина бошлайди<sup>1</sup>.

723–726 йилларда ғарбий ўлкаларга сафар қилган хитой сайёҳи Хой Чао «Ху» халкларидан Шимолда то «Шимолий денгиз» (Орол денгизи)гача, Ғарбда «Ғарбий денгиз» (Каспий денгиз)гача, Шарқда эса Хитойгача бўлган ҳудудларда кўчманчи туркийлар яшашини қайд қилади<sup>2</sup>. Табарийга кўра, Хоразм ҳукмдори 712 йилда шимолга қочиб, турклардан паноҳ излайди ва 728–729 йилларда улар ёрдамида мусулмонларга қарши кураш олиб боради<sup>3</sup>. Табарий бу ибораларда Хоразмнинг шимоли, яъни Сирдарёнинг қуйи ҳавзалари турклар юрти эканлигига ишора қилади. Аслини олганда, нафақат Сирдарёнинг ўрта ҳавзасининг шимолий сарҳадлари, яъни Ўтрор ва унинг атроф аҳолиси, балки ундан ғарбдаги ҳудудлар аҳолисининг катта қисми туркийлардан ташкил топган эди<sup>4</sup>. Бу ҳақда этнотопонимлар ҳам гувоҳлик беради. Жумладан, туркий топонимларга қуйидаги жой номларини киритиш мумкин: Мингбулок, Ўтрор, Янгикент, Сутканд, Сайрам, Қорачуқ, Атлах, Хурлуғ, Жумишлагау, Сигноқ, Талас ва бошқалар.

Бу масалада ашаддий эронпараст В.В. Бартольд ҳам тарихий ҳақиқат олдида кўз юма олмаган. У милодий II асрга оид юнон манбаларида қайд қилинган «Daix» (Даикс) дарёси ўрта асрларда туркий тилда ишлатилган «Йайиқ» гидроними билан алоқадор эканлигини ёзади<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, милодий IV–VI асрларда Каспий ва Қора денгиз оралигидаги даштларда утиғур (ўттиз ўғуз), кутриғур (тўккиз ўғуз), хун, барсил, савир, булғор, хазар каби туркий қабилалар яшаб, уларнинг тиллари қадимги туркий тилларнинг тегишли лаҳжаларини ташкил этган<sup>6</sup>.

Тўғри, антик ва илк ўрта асрларда суғд тили ва ёзувининг нуфузи катта бўлган. Чочда суғдий тили расмий ёзув тили сифатида қўлланиб келинган. Ўша кезларда Турк хоқонлигининг дастлабки битиктош ёдномаларида (Бугут, Или каби битиктошлар), халқаро савдода, «Буюк ипак йўли» тармоқларида суғдий тилнинг мавқеи катта эди. Бу омиллар Чоч воҳасида суғдий тил давлат тили, унинг аксарият аҳолиси суғдийлардан иборат бўлган, деган тушунчага олиб келган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Хўжаев А. Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши. «Мозийдан садо» журнали, № 1, 40–43-бетлар; Ўша муаллиф. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. С тарихи. № 1. 2004. – 52–61-бетлар.

<sup>2</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726). ВДИ № 1, Москва. С. 194.

<sup>3</sup> История ат-Табари. Изд. «Фан», Т.: 1987. С. 143 (1253), 217 (1525).

<sup>4</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. – Т.: 2010. – 77-бет.

<sup>5</sup> Barthold V.V. Orta Asya Nurk Tarihi. Ankara. 2004, 29 sahifa.

<sup>6</sup> Golden. P.B. Turk halklari tarihine Giris. Cev. O. Karatray, Karam. Ankara, 2002, p. 8.

А. Наследие тюрских каганатов в Восточной Европе. «Культурное наследие» № 1 Астана. С. 100–101.

<sup>7</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. – Т.: 2010. – 84-бет.

Масалан, араб географу Муқаддасий (X аср) Чоч аҳолисининг тили ҳайтал тиллари орасида энг чиройлиси эканлигини қайд қилади<sup>1</sup>. Хитой йилномаларида «Йеда» (эфталий)ларнинг тили жужан, гаогюй (уйғур), ху (турк) тилларига ўхшамайдиган алоҳида тил сифатида қайд этилган<sup>2</sup>. Аслида, эфталлийлар тили эронийлашган турк тили бўлиб, бу масала олимлар орасидаги илмий баҳсларда ўз аксини топган. Бир гуруҳ олимлар эфталлийлар тилини эроний тиллар оиласига киритса (Еноки, Литвинский, Негматов, Лившиц ва бошқалар), бошқа гуруҳ олимлар уни туркий тиллар оиласига (Бернштам, Шониёзов, Аскарров, Азамат Зиё, Бобоёров ва бошқалар) киритадилар. Шуниси ҳам маълумки, кўпчилик олимлар ўрта асрларда Афғонистонда яшаган халаж туркларига эфталлийларнинг кейинги авлодлари сифатида қарайдилар<sup>3</sup>. Таникли тилшунос Г.Дёрфер эса ҳозирда Эронда яшовчи оз сонли халажларнинг тили Турк хоқонлиги давридаги туркий тилнинг архаик бир кўриниши эканлигини илмий исботлайди<sup>4</sup>.

Ҳозирги кунда чочликларнинг тилини эроний тиллар оиласига киритувчилар ўз позицияларида қатъий турсалар-да, аммо уни аниқ тасдиқлайдиган бирор сўз намунаси ҳалигача маъхум бўлиб қолмоқда. Оз миқдорда сақланиб қолган киши исмлари ва топонимлар эса бу ҳақда муайян бир хулоса чиқаришга имкон бермайди<sup>5</sup>. Чунки, бу масалага аниқлик киритувчи жой номлари эса ҳар икки тилда (туркий ва сугдий) учрайди.

Хитой йилномаларида Чоч ҳукмдорлари исми сифатида (VII–VIII асрларга тегишли) келтирилган Ган, Мохеду, Кюйлэ, Инйе Чабиши номларини тадқиқотчилар Тун, Баходур, Кулуг, Инал, Чабиш шаклида туркий асосда тиклаб, уларга эпитет ёки унвон сифатида қарашади<sup>6</sup>. Ҳатто, Ю.А. Зуев 605 йилда Чоч ҳукмдори бўлган хитойча Нйе исмини Инал шаклида туркий асосда тиклайди<sup>7</sup>.

Юкорида келтирилган илмий қарашлар, фаразлар ва уларнинг илмий таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Чоч воҳасининг сўнгги бронза давригача яшаган аҳолисидан ҳеч бир ёдгорлик қолмагани боис, у давр Чоч аҳолисининг тили масаласида бирор нарса дейиш қийин. Аммо, сўнгги бронза давридан эътиборан бутун Ўрта Осиё, жумладан Чоч воҳасига ҳам Евроосиё даштларидан прототуркий тилли этник гуруҳлар кириб кела бошлайдилар. Археологик ва ан-

<sup>1</sup> Moqaddasi. Descriptio Imperii moslemici, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni Batavorum, 1967, 333 sahifa.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В трех томах. Том II, Москва–Ленинград, 1950. С. 268.

<sup>3</sup> Inoba M. The Identity of the Turkish Rulersto the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A.D. Zinbun. 2005, No. 38. p. 10–16.

<sup>4</sup> Doerfer G. Lexik undSprachgeographie desChaladsch. Wiesbaden, 1987.p. 410–420.

<sup>5</sup> Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. – Т.: 2010. – 87-бет.

<sup>6</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue(turks) occidentaux. Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. СПб., 1903, p. 140; Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestans Oases in the Sixth through Eighth Centuries «The Turks, 2, Ankara, 2002, p. 103, n. 23; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). Т.: 2007. С. 59–60.

<sup>7</sup> Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. С. 94.



тропологик материалларнинг таҳлилига кўра, уларнинг мазкур минтакага кириб келишининг тўлқини бир ёки икки босқич билан чегараланмаган.

Минтаканинг шимоли-шарқидан унинг жануби-ғарбий томон этнослар миграцияси доимий характер тусини олган. Миграцион жараёнлари айниқса, антик даврида, яъни мил. авв. III–милодий IV асрлар давомида шунчалар кучайдики, бир томондан, бу заминга сарматларни кириб келиши кузатилса, иккинчи томондан, минтаканинг шимоли-шарқидан хунларнинг кириб келиши, ҳатто қадимги ёзма манбаларда ҳам ўз аксини топган. Археологик материаллар асосида уларнинг тасдиғи, Чоч воҳасида Қовунчи маданиятини таркиб топишида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Қадимги ёзма манбалар ва археологик адабиётларда Тошкент воҳасининг қадимги аҳолиси суғдийлар эканлиги қайд қилинади. Уларнинг хўжалик асосини антик даврида ўтроқ деҳқончилик ташкил этади. Уларнинг чор атрофида чорвадор сак қабилалари яшайдилар. Расмий тарихда яқингача уларнинг ҳар иккаласини ҳам келиб чиқиш жиҳатидан қадимги эроний этник гуруҳларга мансубдир, деган тасаввур ҳукмронлик қилиб келди. Антик ва илк ўрта асрларга тааллуқли жой номларининг муҳим бир қисмини суғдий асосли топонимлар ташкил қилиши ва уларнинг бутун воҳа ҳудудида учратилиши бунга асос бўлиб келган.

Дарҳақиқат, милонинг илк асрларига тааллуқли эпиграфик материаллар (танга-пуллар, сопол лавҳалар ва қумуш идишлар сиртидаги ёзувлар)нинг тили суғдий эканлиги<sup>1</sup>, Чочда бу тил соҳибларининг бу заминда анча аввал тарқалганига гувоҳлик беради.

Кейинги йилларда археологик казишмалар натижасида, Арис дарёси хавзасидаги Қултобе қишлоқ макони харобасидан топилган сопол лавҳанинг тили суғдий эканлиги ва ушбу лавҳа Чоч лашкарбошиси томонидан ўрнатилганлиги бу масалага анчагина ойдинлик киритади. Қадимги ёзувлар билимдони Н. Симс-Вильямс фикрича, мазкур лавҳа милонинг дастлабки асрларига мансуб<sup>2</sup>. Бу эса мазкур тилнинг воҳа ҳудудида кенг тарқалганлиги ва узок йиллар давомида Чочнинг анъанавий маъмурий тили вазифасини бажарганлигидан дарак беради. Бу анъананинг илк ўрта асрларда ҳам давом этганини кўрсатадиган жиҳатлардан бири эса воҳада ҳукм сурган туркий сулолалар танга-пулларининг тили суғдий эканлигида намоён бўлади. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда Чоч ва унинг шимолида жойлашган тарихий вилоятлардаги топонимларнинг муҳим бир қисмини суғдий номлар ташкил қилиши ҳам ушбу ҳудудда суғдий тилли аҳолининг нуфузи сезиларли бўлганидан дарак беради. Жумладан, *Бишкет*, *Фарикет*, *Нукат*, *Динфағнкет*, *Фороб*, *Шавгар*, *Исфижоб* ва бошқа ўнлаб жой номлари асли суғдий эди.

<sup>1</sup> Кубатин А. К вопросу о раннесредневековом согдийском диалекте Чача (на основе нумизматического материала Чачского оазиса VII–VIII вв.) // Академик У. Каримов номидаги ёлтир шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Т., 2008. С. 105.

<sup>2</sup> Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe. «Shygyz», 2006, I. p. 95–99.

Шу ўринда, суғдшунос олим А. Отахўжаевнинг Чоч воҳасида суғдий аҳолининг ёйилиши ҳақидаги куйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: «суғд тужжорлари, ишбилармонлари, хунармандлари ва дехқонлари куйидаги тарихий даврларда: 1) мил. авв. VI асргача; 2) мил. авв. IV – мил. III асрлар; 3) мил. III – VIII асрлар ва 4) VIII – IX асрлардан кейин Чочга кириб келганлар»<sup>1</sup>.

Бу даврга хос хусусиятлардан яна бири бир вақтнинг ўзида бирор аҳоли маскани ёки тоғ, дарё ва шунга ўхшаш жойларнинг номи муайян жойда яшаган этносларнинг турфа хиллигидан келиб чиқиб турлича аталган. Шунингдек, бир тилдаги атаманинг иккинчи бир тилга айнан мазмунига қараб муқобиллаштирилиши (калька қилиниши) ўша пайтга хос хусусият эди. Хусусан, Ўтрорнинг шимолидаги тоғлар суғдийча *Шавгар* (луг. «Қора тоғ»), туркий тилда эса *Қорачук* деб юритилган. Шунга ўхшаш *Сайрам* шаҳри туркий тилда *Сайрам / Сарйам* (луг. «Сийрак сув ёки оқ сув») деб юритилганидек, суғдий тилда ҳам *Исфижоб* (луг. «Оқ сув») номланган<sup>2</sup>. Талас водийсидаги юзлаб булоқларга эга жой хитой манбаларида бир вақтнинг ўзида туркий *Бинг-йул* (луг. «Минг булок») номи баъзан таржима қилинмасдан, аслиятга яқин *Бин-йу* тариқасида, баъзан *Цянь-цюань* («Минг-булок») шаклида хитойчага ўгирилган ҳолатда қайд этилган бўлса, араб географлари асарларида худди шу ер *\*Азар-хах*<sup>3</sup> тарзида зикр этилган бўлиб, унинг луғавий маъноси ҳам суғдий тилда *азар* – «минг» ва *хах* – «булок», яъни «Минг-булок» бўлган<sup>4</sup>. Бу эса илк ўрта асрларда ушбу худудларда ҳам туркий, ҳам суғдий аҳолининг истиқомат қилганлиги, яъни бу ерда икки тиллилик мавжуд бўлганидан дарак беради. Ана шу икки тиллилик асосида тадқиқотчи оlima М.И. Филанович таъкидлаганидек, қадимги ва илк ўрта асрларда воҳада суғд тилининг «Чоч лаҳжаси» шаклланади, айти пайтда туркий тилнинг нуфузи илк ўрта асрлардан эътиборан тобора ортиб боради<sup>5</sup>. Олиманинг бу борадаги фикрининг тарихий ҳақиқатга яқин эканлиги воҳа археологик материалларида, биринчи навбатда Қовунчи маданияти материалларида ўз аксини топган. Бизнингча ҳам минтақа аҳолисининг жонли тили суғд тилининг Чоч лаҳжаси бўлиб, суғд тили Чочда ҳамон расмий тил мақомида бўлишликда давом этади. Бироқ, ҳозирги вақтда Чочда суғд тилининг «Чоч лаҳжаси»ни тасдиқлайдиган бирор маҳаллий ёзма маълумот топилмаган. Аммо, Чоч суғдийлар аксарият кўпчиликни ташкил қилган ўлка бўлса эди, у ҳолда воҳа Самарқанд ва Бухоро каби суғдийларнинг асли макони сифатида ўша давр манбаларида тилга олинган бўларди. На араб

<sup>1</sup> Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // *O'zbekiston tarixi*. ... Т.: 2009. – № I. 17-бет.

<sup>2</sup> Байтанаев Б. Древний Испиджаб. Шымкент – Алматы, 2003. С. 5–7.

<sup>3</sup> Ушбу жой номи баъзи араб географлари асарларида Абаржож, Абаржох шаклларида қайд этилади. Бу ҳолат араб графикасида нукталар ўрни алмашиб қолганлиги билан изоҳланади.

<sup>4</sup> Лурье П. Б. Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // *Материалы и исследования по археологии Кыргызстана*. Бишкек, 2005. Вып. I. С. 82.

<sup>5</sup> Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней и средневековой истории города). Т.: Фан, 2001. С. 33.

географлари, на Маҳмуд Кошғарий суғдийларнинг ватани хусусида тўхталар экан, бу ҳақда оғиз очишмайди. Аксинча, юкорида ҳам кўриб ўтилганидек. Муқаддасий чочликларнинг маҳаллий тилини минтақанинг алоҳида бир тили сифатида кўрсатиб ўтади<sup>1</sup>. Муқаддасий Чоч аҳолиси тилининг бутун Ҳайтал тиллари орасида энг чиройлиси эканини таъкидлаш билан бирга, минтақанинг бошқа тилларидан, шу жумладан Суғд (Самарқанд) аҳолиси ва уларга тили яқин бўлган қўшни Бухоро рустак (туман) аҳолиси тилларидан алоҳида эканлигини ёзади<sup>2</sup>.

Муқаддасий келтирган «Ҳайтал тиллари» масаласи араб манбаларидаги Ҳайтал атамаси, яъни Эфталитларга нисбатан ишлатилган бўлиб, Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий қисми маълум муддат (V–VI асрлар) ушбу давлат таркибида бўлган, VI асрнинг иккинчи ярмига келиб минтақада Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилгач, мағлуб Эфталитлар фақат Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистонда хоқонликка тобе сулолалар сифатида бир муддат ўз бошқарувини давом эттиришган. Шу сабабли, араб тилли манбаларга Эфталитлар минтақанинг ҳоким бироқ тоифасининг номи ўларок, сиёсий маънога эга ҳудудий тушунча сифатида кириб қолган. Демак, Муқаддасийда учрайдиган «Ҳайтал тиллари» иборасини нисбий маънода тушуниш лозим. Чунки, хитой йилномаларида *йеда* (эфталит)ларнинг тили *жуужан*, *гаогюй* (уйғур), *ху*<sup>3</sup> (суғдийлар ёки минтақанинг ўтроқ аҳолиси) тилларига ўхшамайдиган алоҳида тил сифатида қайд этилади<sup>4</sup>. Демак, Эфталитларнинг тили том маънодаги қадимги туркий тил ҳам эмас.

Таникли тилшунос олим Г. Дёрфер ҳозирда Эронда яшовчи кам сонли этник гуруҳлардан бири бўлмиш халажлар тилининг архаик бир туркий тил эканини ва ушбу тилнинг Турк хоқонлиги даврида расмий тил сифатида қўлланилган Ўрхун-Энасой битиктошлари тилига яқинлигини исботлаб берди<sup>5</sup>. Бу эса Эфталитларнинг кимлиги масаласининг янада чуқурроқ тадқиқ этилишини шарт қилиб қўяди. Чунки, бир этнос (эфталитлар)ни ҳам эроний тилли ҳисоблаб, ҳам уларнинг авлодлари (халажлар)ни туркий, деб талқин қилиш илмий исботини топган эмас.

<sup>1</sup> *al-Moqaddasi, Abu 'Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslem.* Ed. M. J. de Goeje. BGA. Pars 3. – Lugduni-Batavorum, 1967. s 335.

<sup>2</sup> *al-Moqaddasi Abu 'Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslemic.* 1967. s 335; Şeşen İslam Coğrafyacılarına R. göre Türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara: TTK, 2001. S. 2.

<sup>3</sup> Аслида манбаларда Хитойдан ғарбда яшовчи, асосан Марказий осийлик ўтроқ халқлар ифодалаган «ху» атамасини Бичурин Н.Я. «тюрк» тарзида берган (Бичурин, II:268). Бичуриннинг таржималаридан фойдаланган кўпчилик тадқиқотчилар ушбу сўзни «туркий», «турклар» маъносида қабул қилишган (Зиё, 2001:85; Шониёзов, 2001:135). Бу эса бир қатор англашмовчиликлар сабаб бўлиб келди. Шуни назарда тутиш керакки, «турк» ёки «турклар» маъносига атамаси хитой манбаларида «тукюе» тарзида берилади ва у Бичурин таржималаридаги «тюрк»дан мазмун жиҳатидан фарқ қилади (муаллиф).

<sup>4</sup> *Бичурин Н. Я.* (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – Москва–Ленинград. Изд. АН СССР. том II. С. 268.

<sup>5</sup> *Doerfer G. Lexik und Sprachgeographie des Chaladsch.* – Wiesbaden, 1987. S. 410–420.

Чоч аҳолисининг тили масаласида шуни айтиш мумкинки, бу замин археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, қадимги тош даврида одамзод томонидан ўзлаштирилган. Аммо, қадимги тош давридан то сўнгги бронза даври оралиғида яшаган аждодлар ҳақида далолат берувчи ёдгорликлар ҳозиргача топиб ўрганилмаган. Воҳада чорвадор аҳолининг бронза даври ёдгорликлари учрайди. Улар протосаклар ва прототурк аждодларимизга тегишли бўлиб, уларнинг айрим гуруҳлари сой этакларида энг сўнгги бронза ва илк темир даврида қўлтик деҳқончилиги билан шуғуллана бошлайдилар. Ўша кезлардан бошлаб Чоч аҳолиси икки тилли этник гуруҳлардан иборат бўлган, деган тахмин қилинади. Воҳа аҳолиси тилини аниқлашга ёрдам берадиган бирдан-бир восита – жой номлари эса асосан туркий ва суғдий асосда бўлиб, уларнинг ўтrockлашиш жараёни антик давридан бошлаб кенг тус олади. Шундан бошлаб воҳада туркий этник қатламнинг нуфузи Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, яъни Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистон ҳудудларида орта боради. Антик даврида қадимги суғдий тилнинг «Чоч лаҳжаси» устувор бўлса, илк ўрта асрлар давомида Чочда туркий тилнинг «Чоч лаҳжаси» туркий ва суғдий тилларнинг ўзаро қоришуви, синкретизацияси асосида таркиб топади. Антик даврида таркиб топган Қанғ конфедератив давлати хитой йилномаларида Қангуй деб аталиб, унинг этимологик маъноси асосида туркий атама «Чоч» яъни «тош», «қимматбаҳо тош», «феруза тоши» каби сўзлар ётиши ўзининг илмий тасдиғини топди.

Демак, Тошкент воҳасида туркий этник қатламнинг пайдо бўлиши сўнгги бронза даврига бориб тақалса, унинг этнохўжалик, этномаданий ва этносиёсий жиҳатларда устувор нуфузга кўтарилиши антик даврида юз берди. Собик шўро даври тарихшунослиғида воҳага этник нисбат берган Чоч атамаси эроний эмас, балки қадимги туркийча «tas», унинг таржимаси сифатида хитой иероглифларида дастлаб Қангжюй, Юни, милодий V асрдан бошлаб Чжеши, Ши деб тилга олинган воҳанинг номи тош, феруза тоши маъносини англаган. Бутун Шарк дунёсида қадимги ёзма манбаларда ўзининг феруза тош қонлари, қимматбаҳо тош захиралари билан маълум ва машҳур бўлиб тилга олинган бу замин, унинг аҳолиси тилида «Чоч мамлақати» номини олишга мушарраф бўлган. Милодий XI асрдан бошлаб, эса Абу Райхон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асарларида Чоч воҳаси, унинг бош шаҳрининг номи ўзининг аслиятига кўра, Тошкент воҳаси, Тошкент шаҳри деб тилга олинди. Демак, қадимда унинг халқи суғдий ва туркий тилли бўлиб, антик давридан эътиборан воҳа аҳолисининг суғдий қатлами орасида тил жиҳатида туркийлашиш жараёни жадаллашади. Унинг натижаси ўларок, илк ўрта асрларга келганда Сирдарё ўрта ҳавзаларида туркий-суғдий этномаданий, этносиёсий майдон таркиб топади, унинг ўтrockлашган қанғар элати тимсолида ўзбек халқининг фундаментал асоси қурилади. Айнан Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ўзининг туркий ва суғдий тилли аҳолиси қоришуви асосида ўзбек халқига хос антропологик тип – Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи шаклланади, туркий руҳиятда ривожланиш йўлига кирган қадимги маҳаллий давлатчилик асосида Қанғкия давлат уюшмаси таркиб топади.

**IX–XIII АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК  
ҲОЛАТИ, ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ  
РИВОЖЛАНИШИ**

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда Марғиёна, Парфия, Суғдиёна, Тохаристон, Хоразм, Чоч, Фарғона ва Уструшона каби тарихий-маданий вилоятлар шаклланиб бўлган эди. Бу ҳудудларда эроний ва туркий тилли этнослар бир-бирларига яқин, ёнма-ён, қўшни ва аралашиб яшар эдилар. Бу тарихан таркиб топган цивилизация марказларининг шимоли-шаркида Етгисув, Шарқий Туркистон каби ўлкалар ҳам таркиб топган бўлиб, улар аҳолисининг аксарият кўпчилигини туркий қабила ва элатлар ташкил этган. Бу ҳудудлар аҳолиси ўртасида иқтисодий ва этномаданий алоқалар доимий характерда бўлиб, уларнинг тарихий тақдири бир-бирига узвий боғлиқ эди.

IX–XIII аср бошларида ҳам бу тарихий-маданий марказлар аҳолисининг этник таркиби бир хилда бўлмаган. Бу вилоятларнинг ўтроқ, турғун қисми қайси этносга (туркий ёки суғдий) тегишли бўлишидан қатъи назар, қадимдан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган. Элшунос К.Шониёзов кайд қилишича, уларнинг аксарият кўпчилиги бу асрларда туркий элатлар бўлган<sup>1</sup>. Араблар истилосидан кейин турғун аҳоли этник таркибида форслар кўпайиб, ҳатто араб этник гуруҳлари ҳам аҳоли таркибига сингиб кетади. Марказий Осиё воҳаларидан ташқарида асосан ярим кўчманчи, ярим ўтроқ ҳаёт кечирувчи туркий этносларнинг айрим қисмлари яшашда давом этади.

Археологик тадқиқотлар ва араб-форс тилли ёзма манбалар таҳлиliga кўра, ўтроқ аҳолининг аксарияти Мовароуннаҳр ва унинг теvarак-атрофларида жойлашган. Бу ҳудудларда суғорма деҳқончилик кенг ривожланган, қишлоқ ва шаҳарлари обод, оқар сувларга сероб, чорбоғларга тўла юртлар бўлган. Араб географи Истахрий ўзининг «Китоб масолик вал-мамолик» асарида «Суғдда. Уструшонада, Фарғонада ва Шошда шу даражада серобгарчиликки, улар (вилоят аҳолиси) хайвонларини мева бериб боқадилар» деб ёзади<sup>2</sup>.

А. Аҳмедовнинг ушбу ишга ёзган тақризида, араб географи Истахрийнинг юқоридаги асарининг Қоҳира нашридан парча олиб, Истахрий 920–922 йиллар-

<sup>1</sup> Шониёзов. К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 189-бет.

<sup>2</sup> Истахрий. Китоб масалик вал-мамалик. «Материалы по истории киргизов и Киргизии». Т. I. Москва, 1973. С. 26.

да Шошда ( Чочда) бўлганида «Шош аҳолиси асосан суғдлардан иборат. Лекин унинг шарқий қисмида турклар ҳам яшайди. Суғдлар кўчада дарийда, уйларида суғдча сўзлашадилар. Баъзилари эса уйларида ҳам дарийда гаплашяптилар. Турклар эса ўз тилларидан бошқа тилни билмайдилар. Шунинг учун суғдлар улар билан туркчада сўзлашадилар», деган маълумотни келтиради ва Истахрийнинг бу сўзларига катта урғу бериб, X асрнинг биринчи ярмида Чочда суғдийлар кўпчилик бўлишига қарамай, улар форсий ва туркийлар томонидан ассимиляция қилинади, деган хулосага келади. Бизнингча, Истахрий келтирган бу маълумот Чочдаги ҳақиқий этник ҳолатни акс эттирмайди. Чунки у араб географи, араблар Ўрта Осиёни фатҳ этган кезларда асосий қаршиликни турклардан кўрганлар. Туркларни ўзларига минтақадаги кучли сиёсий рақиб сифатида билганлар. Шунинг учун туркларни Чочда суғдлардан сон жиҳатидан кам эди, турклар суғдийда сўзлаша оладилар, Чоч суғдлари эса улар билан туркчада сўзлашарди. деган маълумоти аксинча туркларни сон жиҳатидан нафақат суғдлардан, ҳатто бу заминга кириб келган ва давлат тепасида турган форсийлардан устунлигини кўрсатади. Чунки, Истахрий ўзининг Чочга сафаридида форсий тилли тожик аслзодалари жамоасида макон топган кўринади. Мантиқан бу фикр ҳаётий ҳақиқатни эслатади.

Араб-форс тилли манбаларда Мовароуннаҳр вилоятларидан Фарғона ҳақида кўп маълумотлар келтирилган. X асрда Фарғона водийсида 40 та шаҳар бўлганлиги, унинг пойтахт шаҳри Сирдарё бўйида жойлашган Ахсикент эканлиги, унинг айланаси 3 фарсахдан (18 км) кам эмаслиги, шаҳарда боғларнинг кўплиги, каналлар ва бир қанча ҳовузлар мавжудлиги эслаб ўтилади<sup>1</sup>. Истахрий Фарғонада Ахсикентдан бошқа яна бир қанча шаҳар номларини (Қува, Ўш, Ўзган ва бошқалар) келтириб ўтади<sup>2</sup>. Ҳатто уларни туманларга бўлиниши, туманлар эса бир қанча қишлоқлардан ташкил топганини таъкидлайди. Масалан, Қорадарё билан Норин дарёси оралиғи Миёнруд аталиб, мазкур хулудда Ўзган, Бискон, Ҳафтдеҳ (Етти қишлоқ), Селат каби шаҳар ва қалъа-кўрғонлар бўлган<sup>3</sup>. Миёнрудда чигил қабилалари жойлашган бўлиб, уларнинг марказий шаҳри Хатлам (ҳозирги Кетмонтена) бўлган<sup>4</sup>. Водийда қишлоқларнинг кўплиги ва қалинлиги араб географларини ҳайратга солган. Масалан, Ибн Ҳавқал биргина Асбара мавзесида 60 та қишлоқ бўлганлигини қайд қилади. Истахрий эса «қишлоқларнинг кўплиги жиҳатидан Мовароуннаҳрда Фарғонага тенг келадигани йўқлигини, аҳолисининг кўплигидан қишлоқларнинг баъзилари ниҳоятда катта, уни ўтиш учун (айланиб чиқиш учун – А.А.) бир кун йўл юриш керак бўлади» деб ёзади<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> *Истахрий*. Указ. лит., МИКК. Т. 1. С. 30.

<sup>2</sup> *Истахрий*. Указ. лит., МИКК. Т. 1. С. 26–31.

<sup>3</sup> *Истахрий*. Указ. лит. МИКК. Т. 1. С. 20–31.

<sup>4</sup> *Истахрий*. Указ. лит., МИКК. Т. 1. С. 20–31.

<sup>5</sup> *Истахрий*. Указ. лит., МИКК. Т. 1. С. 31.

Академик К. Шониёзов ёзма манбалар таҳлилидан келиб чикиб, IX–X асрларда Фарғона шаҳар ва қишлоқларида 1,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлиши керак, деган хулосага келади. Бу даврга тегишли археологик ёдгорликларда олиб борилган изланишлар ҳам буни тасдиқлайди.

Фарғона водийсининг ғарбий чегараси Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги вилоятлар (Хўжанд, Уструшона, Чоч) билан уланиб кетган. Фарғонадан Уструшонага ўтишда Хўжанд шаҳри жойлашган. IX–X аср араб географлари уни Хўжанд вилоятининг маркази сифатида тавсиф этадилар. Уструшона вилояти эса, Хўжанд вилояти сарҳадларига тутшиб кетган бўлиб, унинг таркибига Мовароуннахрнинг жанубий ҳудудлари то Зарафшон тоғ тизмаларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган<sup>1</sup>.

Якубий берган маълумотларга кўра, Уструшона вилоятида IX–X асрларда 400 га яқин қишлоқлар, қалъа-қўрғонлар бўлган<sup>2</sup>. Уструшонада, унинг пойтахт шаҳри Бунжикетдан ташқари Буттам, Зомин, Жиззах каби шаҳарлар тилга олинади ва улар Ипак йўлида жойлашган шаҳарлар сифатида тавсифланади<sup>3</sup>. Сомонийлар (IX–X асрлар) даврида Мовароуннахрнинг маъмурий лавозимларида турклар ҳам хизматда бўлган. Улар вилоят ҳокимлари, ҳарбий саркардалар, ҳатто давлат бошлиқлари даражасига кўтарилган. Масалан, Самжурий, Алп-тегин, Тош, Файик ва бошқалар бўлиб<sup>4</sup>, улардан Алп-тегин аввал қул, кейинчалик йирик ҳарбий саркарда даражасига кўтарилган. У йирик феодалга айланиб, Хуросон ва Мовароуннахрнинг 500 та қишлоқларини сотиб олган. Алп-тегиннинг Нишопур бозоридан сотиб олган Сабук исмли қули кейинчалик Сабук-тегин номи остида йирик ҳарбий саркарда даражасига кўтарилади ва 977 йилда Ғазна шаҳрини қўлга олиб, Балх дарёси водийсини эгаллайди ва сомонийлар қарамлигидан чикиб. Хуросонда мустақил давлат барпо этиб, Ғазнавийлар сулоласига асос солади. Шундай қилиб, X аср охирида Осиёнинг марказий ҳудудларида турк ҳарбийлари бошқарган икки йирик давлат – Қорахонийлар ва Ғазнавийлар давлати вужудга келади.

Мовароуннахрнинг иқтисодий ва этномаданий жиҳатдан ривожланган тарихий-маданий ўлкаларидан бири Суғдиёнадир. Бу ўлканинг IX–X асрларда ривож топиши Сомонийлар давлати даврига тўғри келади. X–XII асрлар иқтисодий ва этномаданий тараққиёти эса Қорахонийлар даврига тўғри келади. Суғдиёнанинг бу давр тарихида аҳолининг аксарият кўпчилиги ўтроқ туркийлар ва суғдийлар бўлиб, ислом маданияти билан омухталашган ўзбек халқи элат сифатида шаклланади. Иқтисодий, хўжалик ва маданиятда ягона маънавий олам, яхлитлик шакл-

<sup>1</sup> Истахрий. Указ. лит. МИКК. Т. 1. С. 26–27.

<sup>2</sup> Ал-Якуби, ВГА, VIII; Материалы по истории туркменов и Туркмении. Т. I. Москва–Ленинград, 1939. С. 294.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана. Соч. Т. III. Москва, 1965. С. 119.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Москва, 1963. С. 287, 292, 298, 310–312.

ланади. Бу ҳолатлар минтақанинг моддий ва маънавий ҳаётида ўз исботини топган. Бу омилларнинг археологик исботини ўша давр кулолчилик маҳсулотларида ҳам кузатиш мумкин (зарварақдаги 15-расмга қаранг).

Сугдиёна табиий-географик жиҳатдан уч қисмдан иборат: 1. Марказий Сугд Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта ҳавзалари, яъни Панжикентдан то Карманагача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Малик дашти унинг ғарбий чегараси ҳисобланади. Унинг марказий шаҳри Самарқанд; 2. Зарафшон воҳасининг Карманадан ғарбда жойлашган ҳудудлар Ғарбий Сугдни ташкил этган. Унинг бош шаҳри Бухоро; 3. Қашқадарё ҳавзасида ташкил топган аҳоли пунктлари Жанубий Сугд ерларини ташкил этади. Унинг юқори туманлари – Кеш вилояти бўлса, унинг қуйи Қашқадарё туманлари Нахшаб мулкани ташкил этган.

Сугдиёнанинг иктисодий ва маданий ҳаётида Зарафшон ва Қашқадарё, улардан таралган канал-ариклар деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик хўжаликларининг ривожланишида муҳим омиллар бўлган. Ҳар иккала дарёлар атрофини ўраб олган тоғолди минтақалар ва даштликлар эса ҳосилдор латмикор экин майдонлари, йирик ва майда шохли ҳайвонлар учун ўтлов яйловлари бўлиб хизмат қилган. Улар ўртасидаги турфа хил алоқалар эса икки хил тилли этник гуруҳлар ҳаёт мазмунини ташкил этган.

Сугдиёнанинг жадал тараққий этишида унинг географик жиҳатдан халқаро савдо йўлида (Буёк ипак йўли) жойлашиши ҳам муҳим роль ўйнаган. Айниқса, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари халқаро савдода чорраҳа ролини ўйнаган ва йирик транзит шаҳарлари ҳисобланган. Бу минтақанинг Пойкентдек шаҳарларининг работ қисмида юзлаб савдо қарвон саройлари қад кўтарган эдики, уларнинг аниқ излари, вайроналари замонамиз археолог олимларининг дала тадқиқот лабораториясига айланган.

Сугд шаҳар ва қишлоқлари гавжум, ерлари обод ва унумдор, улар орабда ўтган канал ва ариклар тоза, сувлари зилолдек мусаффо, ҳар бир аҳоли пункти боғларга ўралган бўстон эди. «Сугдда канал бўйларида жойлашмаган, экин экилмайдиган, деҳқончилик билан шугулланилмайдиган, аҳоли зич яшамайдиган, улуғвор қасрлари ва мустаҳкам обод қишлоқлари бўлмаган биронта ҳам аҳоли манзили бўлмаса керак», деб ёзади Ибн Ҳавқал<sup>1</sup>.

Ўша кезларда, яъни IX–X асрларда Марказий Сугдда 12 та рустак бўлиб, уларнинг 6 таси (Панжикент, Варағсар, Маймурғ, Дарғом, Обгар, Савдор) Зарафшон дарёсининг чап ҳавзасида, қолган 6 таси (Яркег, Бурнамад, Бузмаджон, Кабуданжакет, Ведар, Марзбон) эса, ўнг ҳавзасида жойлашган эдилар. Улар маҳаллий кичик ҳокимликлар бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида ўнлаб қишлоқлар мавжуд эди. Самарқандга яқинлашган сари қишлоқлар қалинлашиб борган. Ибн Ҳавқал

<sup>1</sup> *Ибн Ҳавқал. Vial et regna. Descriptio dittonis moslemical antore Abul-Kasim I.n Haukal. BGA, 1873, II; «Материалы по истории туркменов и Туркмении». Тр. Института востоковедения АН СССР, источники по истории народов СССР. Т. I. Москва-Ленинград, 1939. С. 370.*



Самарканд аркига кўтарилиб, теварак-атрофга кўз ташлар экан, у ердаги ажойиб касрлар, уларни ўраб олган кўркам дарахтзорларни, окиб турган канал-ариқлар, кишлок ва бой маданий ҳаётни кўриб лол қолган эди<sup>1</sup>.

Мовароуннаҳр шаҳарларининг аҳоли сони масаласида ёзма манбаларда деражли маълумотлар учрамайди. Уларни катта шаҳар, ўртача катталиқдаги шаҳар, кичик шаҳар, қалъа-қўрғон каби категорияларга бўлиб ўрганилса-да, аммо аҳоли сони ҳақида маълумотлар учрамайди. Масалан, Марказий Суғдда X асрда 13та шаҳар бўлиб, Самарканд Марказий Суғднинг бош шаҳри ҳисобланган. Панжикент, Иштихон, Кушон, Дабусия ва Робинжон каби шаҳарлар ўртача катталиқдаги шаҳарлар туркумига киритилган. К.Шониёзовнинг тахминий ҳисоб-китобига кўра, ўша кезларда Самарканд шаҳрида 100–110 минг атрофида аҳоли яшаган деб фараз қилинса, Панжикентда 40 минг атрофида аҳоли яшаган. Ундан кейинги Иштихон, Кушон, Дабусия ва Робинжонда эса 10 мингдан ортиқ аҳоли яшамаган. Кичик шаҳарларда эса 6–7 мингдан ортиқ аҳоли яшамаган. Шунда Зарафшон ўрта оқимидаги барча шаҳарларда аҳолининг сони 230 мингдан ошмайди. Бу рақамга қалъа-қўрғонлар ва кишлок аҳолиси кирмайди<sup>2</sup>.

В.В. Бартольд араб ва форс манбаларига асосланиб, Зарафшон воҳасида мавжуд бўлган 223 та кишлок номларини келтиради. Шулардан 101 таси<sup>3</sup> Самарканд вилоятида бўлган<sup>4</sup>. Вилоятда аҳолининг тигиз яшашини ҳисобга олинса, у ҳолда Зарафшоннинг ўрта оқимида яна юздан ортиқ кишлоклар бўлган.

Ғарбий суғд асосан Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзаларини ўз ичига олади. Унинг марказий шаҳри Бухоро IX–X асрларда Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган. Араб географларининг маълумотларига кўра, Карманадан то Амударёгача бўлган ҳудудларда 35 та катта ва кичик шаҳарлар бўлган<sup>5</sup>. Улар ичида Бухоро, Пойканд, Ромитан, Тавовис ва бошқалар Ипак йўлида жойлашган бўлиб, IX–XIII аср бошларида юксак иқтисодий ва маданий тараққиётга эришган воҳанинг нуфузли шаҳарлари бўлган. Бухорода ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ва савдо-сотик ривожланган бўлиб, Муҳаммад Наршахий Бухорода «бир корхона бор эди; унда палослар, дарпардалар, ёзги кийимлар, ёстиқ жилдлари, жигарранг жойнамозлар ва уст кийимларни халифа учун тўқир эдилар: битта дарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф бўларди. Бағдоддан ҳар йили алоҳида бир амалдор келиб, Бухоро хирожининг эвазига шу кийимларни олиб кетар эди»<sup>6</sup> деб ёзади.

<sup>1</sup> *Ибн Ҳавқал*. *Vial et regna. Descriptio ditionis moslemical antore Abul-Kasim In Haukal*. BGA, 1873, II; «Материалы по истории туркменов и Туркмении». Т. I. Москва–Ленинград, 1939. С. 365.

<sup>2</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 200-бет.

<sup>3</sup> Араб географлари кишлоклар сонини аниқлашда, унда масжид ва бозор бўлишини ҳисобга олган.

<sup>4</sup> *Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. С. 173–187.

<sup>5</sup> *Istakhri*. BGA, 1870, I, 313–315; *Muqaddasi*. BGA, III, 266–268, 281, 282-бетлар.

<sup>6</sup> *Наршахий Муҳаммад*. Бухоро тарихи. – Т.: 1966. – 26-бет.

Муҳаммад Наршахий ўз ҳикоясини давом эттириб, «Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлар эдилар; вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар Зандонийчини олиб кетганларидек, у кийимлардан Шом ва Мисрга, Рум шаҳарларига олиб кетар эдилар. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай мато тўкий олмас эдилар», дейди.

Шаҳарнинг этник таркиби бир хил эмас эди. IX–X асрларда, Бухоро форсий-забон Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлиб турган кезларда ҳам унинг аҳолиси асосан суғдий ва туркийлардан иборат эди. XI–XII асрларда Наршахийнинг Бухорога туркий қавмларни келиб ўрнашиши ҳақидаги маълумотига зидди ўларок, бу заминда туркий этнос бронза давридан эътиборан яшаб келади. Або кўзғолонини бостириш учун Бухорога келиб ўрнашиб қолган туркийлар эса, мазкур этноснинг бу заминда пайдо бўлишининг навбатдаги босқичларидан бири, эди ҳолос.

Наршахий берган маълумотга кўра, Қутайба бинни Муслим вилоятга бостириб келган кезларда (VIII аср бошлари) Бухорхудотнинг вазири турк бўлган. Бу ҳақда Наршахий қуйидагиларни ёзади: «Бир вазир Туркистондан келган эди, номи Вардонхудот, Вардона ерлари унга тегишли эди. Қутайбага у билан уруш қилишга тўғри келган эди»<sup>1</sup>. Манбаларда Вардона ҳақида гап кетганда «у Туркистон чегарасида жойлашган» деган ибора ишлатилади<sup>2</sup>. Чунки, Вардона Бухоро воҳасининг шимолидаги энг чекка ҳудудлардан бири бўлиб, унинг чегараси турк элатлари гавжум яшаган ҳудудлар билан туташ бўлган.

Наршахий ўз асарида, Бухоро мисолида, суғдий этник қатламга туб жойли аҳоли сифатида қарайди. Туркий этносни эса ўзга юртлардан келиб ўрнашиб қолган деб талкин қилади. X аср Бухоро тарихчисининг бундай тасаввури таъсирида В.В. Бартольд ва унинг издошлари ҳам туркийларни ўз она юртлари – Туркистонга «келгинди» сифатида тасаввур этадилар. Маълумки, Бухорода яшовчи ҳар икки этноснинг бадавлат аслзодалари бўлиб, Наршахий туркий этнос орасидан келиб чиққан бадавлат кишиларни «кашқошонлар» номи билан атаб, уларни қуйидагича таърифлайди: «Бухорода бир қавм бор эдики, уни кашқошон дер эдилар. Улар ҳурматли, қадр-қийматли ва эътиборли одамлар бўлиб, Бухоро аҳолиси ўртасида зўр эътиборга эга эдилар; улар деҳқонлардан бўлмасдан (маҳаллий ер эгаларидан бўлмасдан демоқчи муаллиф – А.А.) четдан келган кишилар бўлиб, аслзода савдогар ва бой одамлар эдилар»<sup>3</sup>.

Қутайба Бухорони батамом эгаллагач, кашқошонларни ҳовли-жой ва улардаги анжомларини тортиб олиб, ўзларни шаҳардан чиқиб кетишга мажбур қиладилар. Чунки, араблар кашқошонларни Бухородаги сиёсий мавқеидан чўчир эдилар. Наршахийнинг хабар беришича, Бухоро шаҳридан ҳайдалган кашқошонлар

<sup>1</sup> *Наршахий*. Бухоро тарихи. – Т.: 1966. – 92-бет, 17- изох.

<sup>2</sup> Ўша асар, 23-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 36-бет.

шаҳар ташқарисидаги ерларда 700 та кўшк (ховли-жой) бино қиладилар ва шаҳарда қолган ўз хизматчиларини кўчириб келтирадилар<sup>1</sup>.

Наршахий Бухоро вилояти худудий доирасида таркиб топган 14 та шаҳарлардан 11 тасини (Нур, Кармана, Тавовис, Искажкат, Шарғ, Зиндана, Вардона, Афшина, Ромитон, Варахша) қишлоқ деб тилга олади. Аммо, улар Истахрий, Муқаддасий, Якубий асарларида иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган рустак марказлари сифатида тилга олинади. Масалан, Тавовис шахристонида ҳар йили куз фаслларида 10 кун бозор бўлади. Бозорга Фарғона, Чоч ва бошқа жойлардан савдо қилиш учун ҳар куни ўн мингдан ортиқ одамлар келган. Шу сабабли, бу қишлоқ одамлари бой-бадавлат эдилар. Чунки бойлик деҳқончилик билан эмас, балки тижорат орқали топилган. Тадқиқотчилар Тавовисни Бухородан кейинги йирик шаҳар деб таърифлаганлар<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жанубий Суғд сарҳадлари Қашқадарё ҳавзаларига жойлашган. Унинг қуйи оқимидаги худудлар доимо Бухоро хукмдорларига тобе бўлиб келишган. Шундай бўлишига қарамай, Қашқадарё воҳаси ўзига хос иқтисодий ва маданий ҳамда этник тараккиётга эга ўлка ҳисобланган. Араб географлари уни икки вилоятга, яъни Кеш ва Насаф вилоятларига бўладилар. Кеш таркибида 16 та рустак мавжудлиги қайд қилинади<sup>3</sup>. Кеш рустаклари кўп нуфузли бўлиб, чорва моллари мўл бўлган.

Вилоятнинг маркази Кеш атрофида 9 та қишлоқ бўлганлиги тилга олинади. Шунингдек, Навкат-Қурайш, Субах, Исфаги каби шаҳарлар тилга олиниб, улар Гузор рустагига қарашли эканлиги қайд қилинади<sup>4</sup>.

Насаф Бухородан Балхга ўтадиган карвон йўлида жойлашган. Унинг атрофида қишлоқлар кўп бўлган. Вилоят чегарасидаги йирик қишлоқлардан Базда, Касби ва Маймурғ тилга олинади<sup>5</sup>. Жанубий Суғдда Самарқанд ва Бухоро суғдларига нисбатан қишлоқ ва шаҳарлар камроқ. Бу унинг сув ресурсларининг чегараланганлигидан бўлса керак. Шу боисдан, Қашқадарё воҳасида аксарият аҳоли чорвадорлар бўлиб, улар ярим ўтроқ ва ярим кўчманчиликда ҳаёт кечирган.

IX–XIII аср бошларида Қашқадарё воҳаси аҳолисининг этник таркиби бир хилда бўлмаган. Кеш ва Насаф вилоятларида туркийзабон аҳоли билан ёнма-ён ва аралашиб суғдий-форсийзабон этник гуруҳлар ҳам яшаган. Улар орасида қисман араблар ҳам яшаган. Юқорида Кеш билан Насаф ўрталигида Навкат-Қурайш номли аҳоли пункти тилга олинди. Айнан ана шу аҳоли манзили VIII асрда Қашқадарё воҳасида ўрнашиб қолган арабларнинг қурайш қабиласи аймақлари

<sup>1</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: 1966. – 36-бет.

<sup>2</sup> Белицкий А.М., Бенатович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Ленинград. «Наука». 1973. С. 18.

<sup>3</sup> Истахри. BGA..., 1870, 1. С. 324-337; Ибн Ҳавқал, BGA...II. 378, BGA..., III. С. 282.

<sup>4</sup> Ибн Ҳавқал. BGA..., II. С. 376-377.

<sup>5</sup> Ибн Ҳавқал. BGA..., II. С. 378; Истахрий. BGA...I. С. 337; Муқаддасий. BGA..., С. 268.

эканлигидан гувоҳлик беради<sup>1</sup>. Ҳатто, Қашқадарёнинг Касби, Сурхондарёнинг Жейнов ва Бухоронинг Жўйғари қишлоқларида ҳозиргача ҳам ўз тиллари ва баъзи бир этник хусусиятларини сақлаб қолган арабларни учратиш мумкин<sup>2</sup>.

IX–XIII аср бошларида Мовароуннаҳр турғун аҳолисининг каттагина қисми Тохаристонда яшаган. Тохаристон Тоғли Бадахшон билан Балх ораллигидаги йирик ўлка бўлган. Уни Амударё иккига ажратиб туради. Шимолий Тохаристон ҳозирги Жанубий Ўзбекистон ва Жануби-ғарбий Тожикистон ҳудудларига тўғри келади. Шимолий Тохаристоннинг Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида Чағониён ва Гуфтан вилоятлари жойлашган. Уларнинг аҳолиси туркий ва форсий тилли этнослар бўлиб, бу зонанинг йирик шаҳарлари Термиз ва Чағониён (ҳозирги Денов шаҳри ўрнидаги шаҳар) ҳисобланган<sup>3</sup>. Термиз Амударё соҳилида жойлашган бўлиб, у Тохаристоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида катта роль ўйнаган. Термиз орқали ўтган Буюк ипак йўли Ўрта Осиё ўлкаларини Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон билан боғлаб келган.

Шимолий Тохаристоннинг Тожикистон қисмида Хуттал вилояти бўлиб, (марказий шаҳри Хулбук), унинг ҳудудида 15 дан ортиқ шаҳарлар бўлганлиги таъкидланади<sup>4</sup>. Сурхондарёнинг юқори оқимларида Ахарун вилояти, Панж ҳавзасида Хуттал ва Қубодиён вилоятлари, Ваҳон дарёси водийсида Ваҳон вилояти, Ёзғулом дарёси водийсида Рушон ва Дарвоз вилоятлари мавжуд бўлган. Бу минтақалар тоғлик водийлар бўлиб, бу ҳудудларда асосан қадимий эроний тилларда сўзлашувчи этнослар ва қисман туркий аҳоли яшаб келган. Чорвачилик ва тоғ боғдорчилиги аҳоли иқтисодий ҳаётининг асосини ташкил этган.

IX–XIII аср бошларида иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топган ўлкалардан яна бири Қадимги Хоразм воҳасидир. У Мовароуннаҳрни Азов ва Қора денгиз бўйлари мамлакатлари ва славян халқлари билан иқтисодий-маданий жабҳаларда боғлаб турувчи халқаро савдо-қарвон йўлига жойлашган. Ўша кезларда Хоразм халқаро бозорда катта мавқеига эга эди.

Унинг унумдор ерларида қад кўтарган шаҳар ва қишлоқлари суғориш иншоотларига бой, осмонўпар қалъа-қўрғонлари, ички ва ташқи шаҳар мудофаа деворларининг мустаҳкамлиги билан Мовароуннаҳрнинг бошқа тарихий-маданий ўлкаларидан ажралиб турар эди<sup>5</sup>. Унинг илк ўрта асрлар давридаги пойтахти Амударё ўнг соҳилида жойлашган Кат шаҳри бўлиб, ривожланган ўрта асрларда унинг пойтахт шаҳри Амударёнинг чап соҳилида жойлашган Гурганж

<sup>1</sup> *Бартольд В.В.* К истории орошения Туркестана. Соч. Т. III. Москва, 1965. С. 206.

<sup>2</sup> *Волин С.А.* К истории среднеазиатских арабов. Тр. Ин-та Востоковедения АН СССР, Москва-Ленинград, 1941. С. 111–126.

<sup>3</sup> *Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. Москва, 1965. С. 123. Его же. К истории орошения Туркестана. Соч. Т. III. Москва, 1965. С. 158.

<sup>4</sup> *Муқаддасий.* ВГА. III. Москва, 1965. С. 290–291.

<sup>5</sup> *Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. Москва, 1965. С. 161–84; *Ғуламов Я.Ф.* Хоразмнинг суғориш тарихи. – Т.: 1959. – 145–165-бетлар.

(Урганж) эди<sup>1</sup>. Амударё окин сувларининг Кат шахрини ювиб кетиш хавфи кучайиши муносабати билан 995 йилда пойтахт Гурганжга кўчирилади ва шу санадан бошлаб, бу шаҳар Хоразмшоҳлар сулоласининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди<sup>2</sup>.

Араб географларининг ёзишича, Хоразм воҳасидаги боғу роғларга бурканган қишлоқлар шу қалар кўп эдики, улар бир-бирлари билан улашиб кетган<sup>3</sup>. IX–XIII аср бошларида шаҳарлар Хоразм воҳасида гуллаб-яшнаган. Унгача деҳқонзода (феодал)ларнинг қасрлари ва уларга тобе қадиварлар яшайдиган майдонлар атрофи деворлар билан ўраб олиниб, феодал мулкани ташкил этган. Араб манбаларида ёзилишича, Хоразмнинг йирик шаҳарларидан бири Миздаххон атрофида 12 мингта мудофаа деворлари билан ўраб олинган қўрғонлар бўлган<sup>4</sup>. Ўтроқ аҳоли турар-жойлари (манзиллари) атрофидаги даштларда чорвадор ўғуз қабилалари яшар эдилар. Уларни фавқулодда яшиндек воҳаларга бостириб кириб келишидан хавфсираган Хоразм феодал деҳқонзодалари қирлар устига қалъалар қуриб, уларда олов ёқиб сигнал берувчи ҳарбий кўриқчилар сақлаган. Қоровул қалъаларда олов ёқилиши билан чегара кўриқчилари оёққа туришган<sup>5</sup>.

IX–X асрларгача Хоразм шаҳар ва қишлоқлари аҳолисининг қадимдан давом этиб келаётган ўзига хос тили бўлган. Бу тил Беруний замонасида илмий муомаладан чиқиб бораётганлигини кузатган буюк аллома ўзининг «Сайдана» номли асарининг 4-бобида: «дунёнинг барча мамлакатларидаги илм-фан араб тилига ўгирилган; улар бу тилни гўзаллаштирди ва юракка ёқимли бўлиб қолди. Тилнинг гўзаллиги эса, гарчи ҳар бир халқ ўз тилини гўзал деб билса-да, улар (араб тилида олиб борилаётган илм-фан – А.А.) юракнинг кизил ва кўк қон томирлари каби араб тилини гўзаллаштирди... Мен бу ўхшатишни ўзим мисолимда кўраман: менинг учун шундай тил гўзалки, агар унда (бу тилда – А.А.) бирор илм-фан абадийлашса. Акс ҳолда, у фан қаттиқ жаладан кейин ҳосил бўлган кўлмакка тушиб қолиб, чиқа олмай қийналаётган туя ёки жирафага ўхшаб қолади. Шундан кейин мен араб ва форс тилларини ўргандим, уларнинг ҳар бири мен учун она тил эмас, уларни қийналиб ўргандим. Аммо, араб тилини ўрганиш форс тилига нисбатан енгил кечди. Сўзларимнинг тўғрилигини билмоқни истаганлар, форс тилига ўгирилган бирор илмий китоб билан танишиб чиксалар, тушуниб етадилар: асар ўзининг ёрқин жилосини йўқотади, унинг туб мазмуни ва юксак чўққиси хиралашади, оқибат натижада, ундан фанга наф бўлмайди. Чунки, бу тил (форс тили-А.А.) фақат қиборларга хусровий қиссаларию ва тунги чўпчаклар айтиш учун ярайди»<sup>6</sup>, деб ёзади.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. Москва 1965, С. 201.

<sup>2</sup> Шошиёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 214-бет.

<sup>3</sup> Истахри. ВГА, I, с. 304; Муқаддаси. ВГА, III, С. 284.

<sup>4</sup> Муқаддаси. ВГА, III, с. 288; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. 1. Москва, 1965. С. 206.

<sup>5</sup> Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғориш тарихи. – Т.: 1959. – 61-бет.

<sup>6</sup> Абу Райхон Беруни. Сайдана. Избранные произведения, IV. Т.: 1973. С. 138.

Ҳақиқатда Абу Райҳон Берунийнинг она тили қадимги шимоли-шарқий эроний тилларнинг хоразм лаҳжаси бўлган. Бу тил Беруний замонасига келганда, форсий ва туркий тиллар билан қоришиб, маҳаллий аҳолининг жонли тили сифатида муомаладан чиқиб бормоқда эди. Беруний яна шу асарда хоразмликлар ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Энди хоразмликларга келсак, булар, гарчи эрон дарахтидан бир шох ва Эрон дарёсидан бир тармоқ бўлсалар ҳам, йил аввалларини белгилашда ва ортиқча кунларни қаерга (қайси ойга) қўйишда сўғдийларга эргашадилар»<sup>1</sup> дейди.

Беруний хоразмликларни фақатгина тили билан эмас, ҳатто келиб чиқишини ҳам эронликлар билан боғлайди. Аммо, у юқоридаги асарида ўзи ёзганидек, Искандар Зулқарнайндан роса 980 йил аввал бу заминда «турк подшолиги» бўлганлигини, шунингдек, унинг замонида бу юртда туркий ўғузлар қадимдан яшаб келаётганлигини негадир ҳисобга олмайди. Берунийнинг бундай тасавури Эроннинг афсонавий қахрамони Сиёвушнинг бу заминга кириб келиши билан боғлиқ ривоятга асосланган кўринади. Ҳақиқатда эса, IX–X асрларда Хоразмда хоразмий ва форсий тилларда сўзловчи этнослар билан бирга, туркий тилда сўзлашувчи ўғузлар ҳам яшар эдилар.

Хоразм воҳасини таркиб топishiда Жайхун дарёси (Амударё) муҳим роль ўйнаган. Жайхун Птолемей замонасида (милодий II асрда) Балхон (Балх) шаҳри орқали Земм (Карки) ва Амуя (Чоржў) оралигидан ўтиб, Хазар (Каспий) денгизига қуйилган. Беруний келтирган халқ ёдномаларига кўра, Балхдан то Хазар денгизига қадар бўлган ораликда қад кўтарган шаҳар ва қишлоқларни обод қилган Жайхун дарёси, ўз оқими йўналишида тўсиқликларга учраб, у ўз ўзанини Каспий ва Орол денгизлари оралигидаги ғузлар ерига бурилгани геоморфологик тадқиқотлардан маълум. Ана шундай тўсиқлардан бири Сикр аш-Шайтон (Шайтон тўсиғи) номли тоғ бўлиб, дарёнинг тошқин сувлари тоғ қояларини ёриб, Фороб томонга, сўнг қадимий Сарикамиш кўли томон йўналган. Берунийнинг ёзишича, бу зонада, дарёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб 300 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқлар қад кўтариб, уларнинг вайроналари ҳозиргача сақланиб қолган. Сарикамиш кўли томон йўналган дарёнинг ирмоқларидан бири, ҳатто бажанақлар еригача кириб борган. Бу жойлар узоқ вақт обод бўлган, сўнг яна харобага айланган, унинг аҳолиси аланлар ва аслар эса, Хазар денгизи соҳилларига кўчган<sup>2</sup>. Беруний маълумотларини таҳлил этган тадқиқотларда баён этилишича, алан ва ас қабиаларининг қатта қисми милодий I–II асрларда Дон дарёси бўйларига ва Азов денгизи атрофидаги чўлларга бориб жойлашадилар. IV–V асрларда хунларнинг бу ерларга келиши билан улар Кавказ тоғолди ҳудудларига кўчиб кетадилар<sup>3</sup>. Берунийнинг ёзишича, уларнинг бир қисми Хоразмда, Сарикамиш атрофларида қолиб кетган. VII–VIII асрларда улар Хазар (Каспий) денгизининг шарқий соҳилининг дашт-

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: 1968. – 44-бет.

<sup>2</sup> Абу Райҳон Беруний. Геодезия. Танланган асарлар. III. – Т.: 1982. – 72-бет.

<sup>3</sup> Калоев Б.А. Осетины. Москва, 1971. С. 13–15, 41–51.

ларида пайдо бўлади<sup>1</sup>. Афтидан алан-асларнинг ҳаммаси Хоразм ҳудудларидан кетиб қолмаган кўринади. Чунки, уларнинг Хоразм шаҳарларида қолиб кетган бир тармоғи Беруний даврида (X аср охири – XI аср биринчи ярми) ҳали туркийлашиб улгурмаган. Шунинг учун улар хоразмий тилида сўзлашсалар, бошқа бир тармоғи туркий бижанаклар (печенеглар) тилида сўзлашганлар<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам Беруний «алан ва асларнинг ҳозирги тили хоразмликлар ва бижанаклар тилидан ташкил топган» деб ёзган эди<sup>3</sup>, яъни Хоразм сартлари Беруний ибораси билан айтганда хоразмий тилида, ўғуз турклари мухитида яшаганлари бижанак тилида (туркийда) сўзлашганлар. Демак, аланларнинг Хоразм воҳасида ҳали туркийлашмаган қисмининг тили шимоли-шарқий эроний тиллар туркумида бўлган<sup>4</sup>. Бу тил аланларнинг кейинги авлодлари – осетинларда, бирмунча ўзгарган ҳолда ҳозиргача сақланиб келмоқда<sup>5</sup>.

Муқаддасий Хоразмда яшовчи халқлардан туркларни тилга олади<sup>6</sup>. Аммо, уларни қайси қабилага тегишли эканлигини аниқ кўрсатмайди. Элшунос К.Шониёзовнинг таъкидлашича, VIII асрда қарлуқлар Еттисувда ўз ҳукмронлигини ўрнатган кезларда, уларга тобе бўлишни истамаган айрим этнослар (сарик, аз, уз ва бошқалар) Еттисувни тарк этиб, Орол денгизи атрофидаги даштларга келиб жойлашадилар. Муқаддасий эслаб ўтган турклар ана шулар бўлиши мумкин, дейди<sup>7</sup>. Қадимдан Хоразм воҳасига туташ ҳудудларда, яъни Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Орол денгизининг шимоли ва шаркида яшаб келаётган ўғуз туркларининг бир қисми IX–X асрларда Орол денгизининг жануби-ғарбий ҳудудларига ўтиб жойлашадилар.

Истахрий Хоразм хақида гапириб, «унинг шимолий ва ғарбий ҳудудлари ғузлар чегарасига уланиб кетади», дейди<sup>8</sup>. Муқаддасий эса, Хоразм воҳасининг шимоли-ғарбидаги рустаклардан бири бўлган Житни (Гитни) тилга олиб, «бу ғузлар чегарасидаги мустақкамланган рустак, улар томон борадиган йўл шундан ( Гит рустаклигидан) ўтиб боради»<sup>9</sup>, деб таъкидлаган эди. Беруний маълумотларига кўра, ғузлар яна ҳам ғарбда Балхан тоғлари ва Копетдоғнинг ғарбида, тоғолди ҳудудларида яшаганлар<sup>10</sup>.

Истахрийни таъкидлашича, Журжония чегарага яқин жойда жойлашган йирик шаҳар бўлган. Журжония ғузлар билан олиб бориладиган йирик савдототиқ бозори ҳисобланган. Демак, шаҳар ва қаср, кўрғон ва қишлоқлар канчалар

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 217–218-бетлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 218-бет.

<sup>3</sup> Абу Райҳон Беруний. Геодезия. Танланган асарлар. III. – Т.: 1982. 72-бет.

<sup>4</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 218-бет.

<sup>5</sup> Абаев В.И. Осетинский язык и фольклор. Т. I, Москва, 1949. С. 338–348.

<sup>6</sup> Муқаддаси. BGA, III. С. 286.

<sup>7</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001. «Шарқ».219-бет.

<sup>8</sup> Истахри. BGA. I. С. 299.

<sup>9</sup> Муқаддаси. BGA, III, с. 286.

<sup>10</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қонуний Маъсудий. – Т.: 1973. – V жилд. 425-бет.

мустаҳкам бўлмасин, тинчлик вақтларида тижорат ишларининг ҳаётий зарурлиги туфайли, уларнинг дарвозалари доимо бир-бирларига очик бўлган.

Юқорида қайд этилган ёзма ва археологик манбалар таҳлилидан келиб чикиб айтиш мумкинки, XI–XII ва XIII аср бошларида Хоразм воҳаси Хоразмшоҳлар давлати даврида гуллаб-яшнади, ривожланган ўрта асрлар даврининг иқтисодий ва этномаданий жиҳатдан юксак даражада тараққий этган, туркий этник қатлам ҳукмрон минтақага айланади. Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятлари каби ислом маданияти билан омухталашган ўзбек халқи Хоразм мисолида ҳам шаклланади. Иқтисодий хўжалик ва маданиятда ягона маънавий олам, яхлитлик кўзга ташланади. Бу ҳолатлар минтақанинг моддий ва маънавий ҳаётида ўз исботини топган.

Мовароуннаҳрнинг этник тарихи Сирдарё соҳиллари ва бу дарёнинг шимолидаги ҳудудлар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Сирдарёнинг ўрта оқимларида Шош ва Илок воҳалари жойлашган. Уларнинг қон томирлари Парак (Чирчиқ) ва Илок (Оҳангарон)<sup>1</sup> дарёлари бўлиб, араб географлари бу ўлкаларни нақадар гўзал ва кўркем, оқар сувлари кўп, экинзор ерлари, боғларга ўралган қишлоқ ва шаҳарлари мўл вилоятлар сифатида таърифлайдилар<sup>2</sup>. Археологик изланишларга кўра, IX–XII асрларда Шош-Илоқда 46 та, ёзма манбалар бўйича 35 та шаҳарлар бўлган<sup>3</sup>. Шулардан 6 таси (Бинқат, Харашқат, Шутурқат, Навқат, Тунқат, Банокат) 140–400 гектаргача, 5 таси (Облик, Кавардан, Намудлик, Чиначқат, Тукқат) 50–80 гектаргача, 15 таси (Хонобод, Оққўрғон, Нўғайқўрғон, Киндиктепа, Тўрткўлттепа, Жабғуқат, Кўрғонтепа, Аката ва бошқалар) 11–34 гектаргача, 20 таси (Бўка, Фарнқат, Хотунқат, Қалъатепе, Майдатепе ва бошқалар) 5–10 гектаргача майдонга эга бўлган<sup>4</sup>.

Аҳолининг этник таркибига келганда, Сирдарёнинг ўрта оқимларида қадимдан қанғар-қанғиллар, хунлар, усунлар ва бошқа туркий тилли этник гуруҳлар яшаб келганлигини ҳисобга олинса, бу ўлка аҳолисининг аксарият кўпчилиги туркий бўлган. Шу билан бирга, Шош-Илоқда суғдийлар ҳам яшаган.

Тошкент воҳасини ўраб олган Қурама ва Чотқол тоғлари ёнбағирларида ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ туркий этник гуруҳлар яшаб келган. Араб географлари ҳозирги Оҳангарон дарёсини «Туркистоннинг бошланиши» деб ёзадилар<sup>5</sup>.

IX–XIII аср бошларида Келес чўлида, Оҳангарон ва Чирчиқ водийларида, Чотқол ва Ўғам тоғ ёнбағирларида ўғузларнинг айрим гуруҳлари ва улар билан ёнма-ён қарлуқларнинг қатта гуруҳи яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қарлуқларнинг қатта гуруҳи Тошкент воҳасига VIII аср бошларида кириб келса-да, улар бу ерда қадимдан яшаб келаётган туркий қабилалар билан тезда тил топишиб, ўтроқлашиб кетадилар<sup>6</sup>. Улар ислом динини қабул этиб, мусулмон бўлсалар-да, ўзларининг этник хусусиятларини сақлаб келмоқда эди-

<sup>1</sup> Ибн Ҳавқал бу дарёни турк дарёси деб атади (Қаранг: Ибн Ҳавқал. ВГА, II, с. 388).

<sup>2</sup> *Истахри*. МИКК, том I, с.19, 28; Ибн Ҳавқал. ВГА, II, с. 384–389.

<sup>3</sup> *Буряков Ю.Ф.* Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982. С. 141–165.

<sup>4</sup> *Буряков Ю.Ф.* Там же. С. 146.

<sup>5</sup> *Ибн Ҳавқал*. ВГА, II, с. 386; *Истахри*. МИКК, Т. I. С. 29.

<sup>6</sup> *Шониёзов К.Ш.* Узбеки-карлуки. Т.: 1964, С. 17–18.



лар<sup>1</sup>. Ўтроқлашган кишлок қарлуқлари асосан зироатчилик ва турфа хил ҳунармандчилик тармоқлари билан шугулланишса, тоғолди минтақалари туркий-ларининг ҳаётида чорвачилик ва тоғ сапоати-металлургия хўжалик тармоқлари ҳукмрон эди. IX–XIII аср бошлари давомида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, айниқса кулолчилик, темирчилик, заргарлик, кончилик кенг тараққий этган. Шош сопол маҳсулотлари нафис санъат даражасига кўтарилган. Шунингдек, сифат жиҳатидан Самарқанд ва Фарғона кулолчилик маҳсулотларидан қолишмас эди (зарварақдаги 14-расмга қаранг). Унинг харидор-мухлислари нафақат Шарқ минтақаларида, балки Ғарб давлатларида ҳам топилаётган эди (зарварақдаги 13, 14, 15-расмларга қаранг).

Танга пуллар зарб этишда ҳам Тошкент воҳаси Самарқанддан қолишмаган. Курама ва Чоғқол тоғларидан олинадиган асл металллар, яъни Илокнинг олтин ва кумуш конлари мамлакат иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Шош-Илокнинг маъдан конлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозорлар учун товар ишлаб чиқаришда, ташқи савдони жадал ривожланишида катта бойлик манбаси эди. Буюк ипак йўлининг марказий трассаси Фарғона водийсидан Кандир давони орқали Илокқа, унинг сиёсий-маъмурий маркази Тункатга<sup>2</sup> ўтган. Буюк ипак йўли Тункатдан Оҳангарон дарёсининг чап соҳиллари бўйлаб Обиздаги йирик металлургия марказига кириб борган. Бу қадимги шаҳарда олиб борилган изланишларимиз ва илмий кузатувларимиз, археологик адабиётларда Тункат деб аталиб келинган бу шаҳар харобаларини аслида Илокнинг пойтахти Тункат шаҳрининг ўрни эмас, балки юзлаб металлург ишбилармонларнинг ихтисослашган ишлаб чиқариш мулкларидан ташкил топган йирик металлургиялар шаҳри, яъни металлург хусусий мулк эгалликларининг ишлаб чиқариш корхоналари марказлашган шаҳар сифатида талқин этишни тақозо этади.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 222–223-бетлар.

<sup>2</sup> Илокнинг пойтахт шаҳри Тункат М.Е.Массон ва унинг издошлари томонидан Оҳангарон водийсининг ҳозирги Обиз кишлоғида жойлашган қадимги шаҳар харобаси билан локализация қилиб келинди. Аммо, унинг тарихий топографияси, у жойда таркиб топган юзлаб металлургия мулклари ва бошқалар Тункатни бошқа жойдан қидириш ҳолатини келтириб чиқарди. Кейинги йилларда Оҳангарон водийсида олиб борилган мақсадли археологик изланишлар Тункатни Илокнинг сиёсий ва маъмурий маркази шаҳри сифатида ҳозирги Қорабулоқ кишлоғида жойлашган Суюрлитепани локализация қилишликни тақозо этмоқда. Суюрлитепани майдони 80 га дан кам бўлмаган қадимги шаҳар харобаси. У Оҳангарон дарёсининг чап томонида, Курама тоғлари томон кўтарилиб боровчи қир-адирликлар устида жойлашган. Марказий қисмида 25 гектарли, атрофи мудофаа деворлар ва буржлар билан мустаҳкамланган шаҳар ўрдаси Арқ қад кўтарган. Арқнинг чор атрофида шаҳристон майдонлари таркиб топган. Жанубий шаҳристон атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шаҳарнинг шарқий ва ғарбий томонлари сойлик, шимолий томони Оҳангарон дарёсигача экинбоп текис пастликдан иборат бўлиб, айнан шу жойда ҳозирги Қорабулоқ кишлоғи жойлашган. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий қисмида мудофаа деворлари билан ўралган вағизе мулки жойлашган. Унинг шимолий-ғарбий бурчагида, пандус орқали кўтарилиб борган баланд тепалик устида зардуштийлик ибодатхонаси жойланган. Буларнинг барчаси Суюрлитепани комплексини айнан Илокнинг пойтахт шаҳри Тункат билан локализация қилишликни тақозо этади.

Бу йўл орқали Шош-Илокнинг металлургия маҳсулотлари Шарқда Хитой, шимоли-ғарбда Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Орол денгизи ва Волга бўйларига, жануби-ғарбда Афғонистон, Ҳиндистон, Ўрта ва Яқин Шарқ ҳамда Олд Осиё мамлакатларигача кириб борган.

Буюк ипак йўлининг шимолий йўналишида илк ўрта асрлар даврида қад кўтарган шаҳарлардан бири Исфижоб бўлиб (ҳозирги Сайрам), у Арис дарёси водийсида, Чимкентдан 12 км.лар чамаси шарқда жойлашган. Араб географларининг маълумотларига кўра, IX–XII асрларда унга қарашли ўндан ортиқ кичикроқ шаҳарлар, бир неча юз қишлоқ ва қўрғонлар бўлган. VI аср ўрталаридан Турк хоқонлиги таркибида, VIII аср бошидан Туркаш ҳукмронлигида, VIII аср 60-йилларидан қарлуқлар, IX аср 40-йилларидан Сомонийлардан Нух ибн Асад кўл остида бўлган<sup>1</sup>. Исфижоб ва унинг теварак-атроф ҳудудларида сўлим боғлар ва ҳосилдор ерлар кўп бўлиб, яйловлари серўтлиги билан ажралиб турган. Аҳолисининг этник таркиби асосан турклар бўлиб, уларни тезроқ мусулмонлаштириш мақсадида катта имтиёзлар берилган, ҳатто вилоят аҳолисидан ҳукумат фойдасига хирож олинмаган<sup>2</sup>. Вилоятда Фороб, Бискенд, Саврон каби шаҳарлар тилга олиниб<sup>3</sup>, Фороб билан Саврон оралигида Шавгар шаҳарчаси (Ясси-Туркистон) жойлашган. Бу жойларнинг аҳолиси ўғуз ва халажлардан иборат бўлган<sup>4</sup>. Фороб билан Шош оралигидаги даштларда турк қавмларидан 1000 оила кўчиб юрган<sup>5</sup>.

Тароз Исфижоб вилоятининг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, ўтроқ аҳоли билан кўчманчилар оралигидаги энг йирик чегара шаҳри бўлган. Аҳолиси асосан туркий этнослар бўлиб, шаҳарда қисман Самарқанд ва Бухоро томонлардан кўчиб келган суғдийлар ҳам яшаган<sup>6</sup>. Талас дарёси соҳилларида аҳоли асосан шаҳар ва қишлоқларда яшаган. Аммо, Арис воҳаси чегараларидан то Тарозгача бўлган ҳудудлар даштликлардан иборат бўлиб, бу жойларда чорвадор туркий уруғ жамоалари юрталарда яшаб кўчиб юришган.

Сирдарёнинг қуйи оқимларида илк ўрта асрлардан эътиборан Янгикент шаҳри таркиб топиб, IX–X асрларда у ерда ўтроқлашган ўғузлар макон топган эдилар. Янгикент Мовароуннаҳр ва Хоразм воҳаси, айниқса Шош ва Илок ҳамда Фарғона водийси шаҳарларини Волга бўйлари билан боғлаб турувчи транзит савдо шаҳарларидан бўлган. Хуллас, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари шаҳар ва қишлоқларининг аксарият кўпчилиги аҳолиси IX–XII асрларда ўтроқлашиб, турғун ҳаёт тарзини қабул қилган қарлуқ, чигил, туркаш, арғун, тухси, халаж, қанғар-қанғли каби этник бирликлардан иборат бўлган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> *Валин С.* Сведения арабских источников IX–XVII вв. О долине реки Талас и смежных районах. ТР. ИИАЭ АН Каз ССР, т. VIII. Алм-Ата, 1960. С. 75, 86, 88.

<sup>2</sup> *Истахри.* МИКК, том I, с. 29.

<sup>3</sup> *Ибн Хавқал,* ВГА, II, 391-бет.

<sup>4</sup> *Ибн Хавқал,* ВГА, II, 391-бет.

<sup>5</sup> *Ибн Хавқал.* ГА, II, 391-бет.

<sup>6</sup> Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. I-жилд. – Т.: 1963. – 31-бет.

<sup>7</sup> *Шопиёзов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 226–227-бетлар.

Араб ва турк манбаларида Талас воҳасида Чигил, Барсахон, Шелжи, Сус, Кул ва Такобкат каби шаҳарлар бўлганлиги тилга олинади<sup>1</sup>. Чигил шаҳри чорвадор чигилларнинг ўтроклашиш жараёнида таркиб топган бўлиб, улар шаҳар аҳолисининг асосини ташкил этган. Сус, Кул ва Такобкат аҳоли пунктлари эса, Талас дарёсининг юкори окимида тоғли зонада таркиб топган кичик шаҳарчалар бўлиб, улар аҳолисининг аксарияти кумуш конлари бўйича ихтисослашганлар<sup>2</sup>.

Талас дарёсидан ўтилгач, қарлуқларнинг яйловлари, яшаш жойлари бошланади. Чу водийсига киришда қарлуқлар асос солган шаҳарлар бошланади<sup>3</sup>. Улардан бири Кулон шаҳри бўлса, иккинчиси Мерки (Марки) эди<sup>4</sup>. Бу икки шаҳар аҳолиси IX–XII асрларда мусулмон динини нафақат Талас водийсида, балки Чу водийсида ҳам тарқалишида муҳим роль ўйнаганлар.

Кудама Чу водийсида таркиб топган бир қанча шаҳар ва қишлоқларни, жумладан Иузкент, Харанжувон, Жул, Сарик, Навкат, Суёб каби шаҳарларни номларини келтиради<sup>5</sup>. Уларнинг аҳолиси асосан туркийлар бўлиб, Сарик шаҳрида қисман суғдийлар ҳам яшаган. Улар орасида Турк хоқонлиги даврида вужудга келган Суёб иктисодий ва маданий жиҳатдан анча тараққий этган шаҳар эди. У Буюк ипак йўлининг шимолий йўналишида жойлашган бўлиб, Туркаш ва Қарлуқ хоқонларининг пойтахт шаҳри бўлиб хизмат қилган. Чу водийсида, унинг шимоли-шарқида, Иссиқкўл атрофларида IX–X асрларда яна бир қанча шаҳармонанд қишлоқлар таркиб топган бўлиб, улар Қарлуқ-Қорахонийлар даврида гуллаб-яшнаган. Улар орасида Боласоғун ўтроқ туркларнинг шаҳри сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бу шаҳар аҳолиси орасида қисман суғдийлар ҳам яшаган.

Боласоғун Хитойга ўтиб борадиган Буюк ипак йўлида жойлашганлиги боис, у ерда хитой, уйғур ва мўғул савдо аҳлининг қарвонсаройлари, кварталлари бўлган. Чунки, бу шаҳарда Будда маъбудаси<sup>6</sup> мавжуд бўлиб, унга хитой ва мўғул савдогар ва ҳунармандлар эътиқод қилишган.

Иссиқкўл атрофидаги йирик шаҳарлардан бири Барсахон бўлиб, «Худуд ал-олам»да қайд этилишича, унинг аҳолисини аксарият кўпчилиги IX–XII асрларда туркий этник бирликлардан ташкил топган. Таъкидлаш жоизки, Иссиқкўл атрофида яшовчи аҳолининг этник асоси дастлаб кўчманчи туркийлардан бўлиб, аср-

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк... 374 бет; Мукаддаси, ВГА, III, с. 274; Бартольд В.В. Соч. IV, Москва, 1966. С. 30–36.

<sup>2</sup> Мукаддаси, ВГА, III, с. 275; Массон М.Е. Из результатов поездки в долину Таласа для выявления истории горной промышленности. Бюллетень Среднеазиатского районного разведочного управления № II. Т.: 1930. С. 35–37.

<sup>3</sup> Волин С. Сведения арабских источников IX–XVII вв. О долине реки Талас и смежных районах. ТР. ИИАЭ АН Каз ССР, т. VIII. Алм-Ата, 1960. С. 79.

<sup>4</sup> Мукаддаси, ВГА, III, с.275; Бартольд В.В. Из истории культурной жизни Туркестана. Соч. Т. II, Часть 1. С. 242.

<sup>5</sup> Волин С. Сведения арабских источников IX–XVII вв. О долине реки Талас и смежных районах. ТР. ИИАЭ АН Каз ССР, т. VIII. Алм-Ата, 1960. С. 77.

<sup>6</sup> Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. Фрунзе, 1959. С. 76.

лар давомида уларнинг маълум қисми ўтроклашиб, қишлоқларда зироатчилик, шаҳарларда хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланганлар.

Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнида Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмида яшовчи туркий аҳолининг ўрни кам бўлмаган<sup>1</sup>. Маълумки, Шарқий Туркистоннинг энг ғарби (Оқсу, Қошғар, Ёркенд, Тошқўрғон, Хўтан шаҳарлари) ва Фарғона водийсининг шарқдаги тоғли районлар IX–XII асрларда қарлуклар қўл остида бўлган. Бу шаҳарларда шу даврга келиб ўтроклашиб кетган туркийлар ва туркийлашган суғдийлар яшаган. Улар катта савдо қарвон йўллари ёқасида жойлашганликлари туфайли, уларнинг бозорлари гавжум, доимо қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик маҳсулотларига тўла бўлиб, улар нафақат Олд Осий, Хоразм, Мовароуннахр, Ҳиндистон, Хитой мамлакатларидан келтирилган эди, балки шу жойнинг қишлоқ ва шаҳарларида етиштирилган маҳсулотлардан иборат бўлган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган барча тарихий ва археологик материаллар таҳлилидан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, IX–XIII аср бошларида Мовароуннахр ва Хоразм ўлкаларида ва уларга туташ минтақаларнинг аксарият кўпчилиги аҳолиси турғун туркий этник бирликлардан иборат бўлиб, улар биринчи навбатда ўзбек халқининг, қайси бир нисбатда тожик ва уйғур, қирғиз ва қозоқ, туркман ва қорақалпоқ халқларининг аجدодлари эди. Уларнинг сон жиҳатидан бирини кўп, иккинчисини камроқ дейишга ҳеч бир асосимиз йўқ. Чунки тарихий ёзма манбаларда улар ҳақида аниқ бир маълумотлар учрамайди. Археологик материаллар таҳлили асосида ҳам бирор аниқ рақам келтириш, амримахол. Айниқса, ўзбек ва тожик аجدодлари доимо ёнма-ён, кўп ҳолларда аралашиб яшаган, бир-бирлари билан аҳил, куда-анда бўлишган, қавм-қариндошлик ришталари билан боғланиб, иқтисодий ва этномаданий алоқада бўлиб келганликлари туфайли, уларнинг IX–XII аср моддий ва маънавий ҳаётларида умумийлик, ўхшашликлар ҳосил бўлган<sup>2</sup>.

Ҳатто, Сомонийлар давлати Ўрта Осийда илк бор ташкил топган марказлашган форсийзабон феодал давлат сифатида таҳлил этилса-да, аммо унинг этник асоси туркий ва форсий тили тожик ва ўзбекларнинг аجدодлари эди. Унинг Мовароуннахр ва Хоразм вилоятлари аҳолисининг жонли тили асосан туркий бўлиб, давлат маҳкамачилиги тили форсийда олиб борилган. Аксарият зиёлилар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси икки тилда сўзлашганлар. Мовароуннахр, Хоразм ва уларнинг теварак-атрофларини бириштирган марказлашган сомонийлар давлати таркибида ўзбек халқининг асоси, унинг ўтроқ негизи, икки тиллиликнинг тил жиҳатидан туркийлашган этник қатлами, қарлук-чигил лаҳжалари асосида юзага келди. Шунинг учун ҳам сомонийлар давлатини замонамиз тарихшунослигида қалчалар форсий давлат сифатида талқин этишга уринмасин, бу давлат кўп этносли давлат эди. Унинг IX–X асрлар даври давлатчилиги Ўрта Осийнинг туркий ва форсийзабон халқларига баб-баравар тегишлидир.

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 232-бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. 233-234-бетлар.

Мамлакатнинг ҳарбий жиҳатдан бошқарув тизгини турк генераллари қўлида, кўшин таркиби мутлақо турк суворийлари ва пиёда турк ғуломларидан ташкил топган эди. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан қудратли, ҳарбий жиҳатдан кучли, фан ва маданият қадимий анъаналар асосида юксак даражада ривожланган эди. X асрда сомонийлар давлати шунчалар юксак даражада ривож топдики, унинг таъсир доираси Ўрта Шарқ доирасидан чиқиб, Яқин Шарқ сарҳадларигача бориб етди. Унинг қудрати, ҳарбий салоҳиятида давлатнинг туркийлик характери яққол кўзга ташланади. Ўрта Осиёнинг ғарбида Сомонийлар давлати барқ уриб, ҳар жиҳатдан жадал ривожланаётган кезларда, шарқида Қарлуқлар давлати, унинг асосида қурилган Қорахонийлар давлати таркиб топган эди. Қорахонийлар давлати гарчи сомонийлар каби сулолавий феодал давлат бўлса-да, унинг этник асосини туркий тилли қавм ва элатлар ташкил этарди. Ўз элатдошлари билан бирлашишни маъқул топган Қорахонийлар X аср охирида Сомонийлар давлати сарҳадларига кириб келадилар ва XI асрнинг биринчи чораги давомида Қорахонийлар кўшини Амударё соҳилларигача етиб боради. Жуда қисқа муддат ичида буюк Сомонийлар давлати вайроналарида учта қудратли турк давлатлари – Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Салжукийлар давлати барпо этилади. Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ ривожланган ўрта асрлар даврида ва ундан кейин ҳам туркий сулолалар ва туркий ҳукмдорлар қўлига ўтади. Бу сиёсий жараёнларнинг таъсири минтақалар этник таркибида, ўзбек халқининг ўз ҳудудий доирасида узил-кесил шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

## XII боб

### ЎЗБЕК ЭЛАТИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ ХАЛҚ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

Ҳозирги замон элат ва миллатларининг келиб чиқиш масаласини ўрганишда, этнология фанининг назарий ва илмий-методологик ишланмаларидан келиб чикиб, тадқиқотчи биринчи навбатда, ўрганаётган муайян халқ ҳозирда яшаб турган ҳудудлар билан азалдан боғлиқми ёки йўқ? Иккинчидан, ушбу халқнинг тили азалий аجدодлари тили билан бирми ёки бир неча тиллар қоришмасининг маҳсулими? Изланувчи-тадқиқотчи аввал бу саволларга аниқлик киритиб олмоғи керак. Чунки, бу саволлар этнология фанида ҳар бир халқнинг этногенетик жараёнлар тарихини ташкил этади.

Этногенетик жараёнлар эса ижтимоий ўрамдаги реал борлиқ, тарихий кетма-кетликда жуда узоқ давом этадиган ижтимоий ҳодисадир. Муаммога кўпчилик мутахассис олимлар амал қилиб келган ушбу илмий ишланма нуқтаи назаридан ёндашилса, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни асосан икки тилли этник гуруҳларнинг жуда узоқ асрлар давомида ўзаро қоришуви асосида таркиб топган этнос бўлиб, ўзбек халқи ана шу жараёнларнинг якуний ҳосиласидир.

Юқорида, шу бобга қадар баён этилган археологик материаллар ва тарихий ёзма манбалар таҳлилида қайд этилдики, юқори палеолит ва мезолит даврларининг уруғ жамоалари неолит (янги тош) даврига ўтгач, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди, яъни қадимги аجدодларимиз ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқариш хўжалигига ўтишди. Бу дегани, Ўрта Осиё ҳудудларида ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик кашф этилди. Айнан шу кезларда Ўрта Осиё минтақаларида Жойтун, Калтаминор, Сазағон, Ҳисор каби неолит даври маданиятлари таркиб топади. Уларнинг даврий йил саналари археологик адабиётларда мил. авв. VII–III мингйилликлар оралиги билан белгиланмоқда.

Археологик адабиётларда Жойтун маданиятининг тарихий илдизлари Яқин ва Ўрта Шарқнинг этник гуруҳлари билан боғланса<sup>1</sup>, Калтаминор маданияти Шарқий Европанинг чўл ва ўрмон-чўл минтақалари билан боғланмоқда<sup>2</sup>. Сазағон маданияти Зарафшон водийсининг тоғолди минтақаларида кенг тарқалган, келиб чиқиш жиҳатидан бир томондан, Ўрта Осиё тоғли минтақаларнинг Ҳисор мада-

<sup>1</sup> Массон В.М. Средняя Азия и древний Восток. Изд. «Наука», М. Л., 1964. С. 11–39.

<sup>2</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. Изд. «Наука», М.: 1981. С. 160–168.

нияги билан боғланса, иккинчи томондан, Қадимги Хоразм ва Қуйи Зарафшоннинг Қалтаминор ва Дарвозақир қабилалари билан этник яқинликка эга. Ҳисор маданиятининг келиб чиқиш тарихий илдизларини В.А Ранов ва Ф. Брюнелар Жанубий Тожикистоннинг маҳаллий макролит мезолити ва Яқин Шарқнинг геометрик шаклли тош индустрияси асосида таркиб топган маданият сифатида кўрадилар<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёда тарқалган неолит қабилаларининг тили масаласида бирор нарса айтиш қийин. Аммо, улардан кейин таркиб топган энеолит ва бронза даври маданиятлари аҳолисининг этник таркибига кўра, Жойтун маданияти авлодлари – Номозгоҳ ва Саразм, Гонур ва Сополли маданиятлари аҳолисининг тили шарқий эроний тиллар оиласига тегишли эканлиги ҳақида илмий қарашлар мавжуд. Тарихий илдизлари Қалтаминор маданиятига бориб тақалувчи Замонбобо, Тозабөгёб, Қайроққум, Евроосиёнинг Сруб ва Андроново маданиятлари аҳолиси эса, кейинги йилларда олиб борилган хитой манбалари ва археологик изланишларга кўра, прототурклар бўлганлигига шубҳа қолмайди. Демак, прототурклар шарқий эроний тилли қабилалар каби Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларининг энг қадимги аҳолиси, уларнинг тарихий илдизлари нафақат бронза, балки неолит даврига бориб тақалади, деган ғоя асосида тарихий ҳақиқат бордир.

Бу ғоя палеоантропологик материалларда ҳам ўз аксини топган, яъни неолит даврида Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти, юқорида таъкидлаганимиздек, 3 та археологик маданиятлар билан характерланади (Жойтун маданияти, Қалтаминор маданияти ва Ҳисор маданияти). Улар 2 та маданий-хўжалик анъаналар билан боғлиқ бўлиб, улардан бирининг тарихий илдизлари Яқин ва Ўрта Шарқ ёдгорликлар билан боғлиқ бўлса, иккинчиси Шарқий Европа ва Осиёнинг дашт минтақалари ёдгорликларига бориб тақалади. Улар ўртасида анъанавий маданий ҳудудий чегаралар кўзга ташланмайди, аммо ўзаро маданий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу аҳолининг антропологик қиёфасида яққол ўз аксини топган, яъни улар протоевропеоид туркийлар ва шимоли-шарқий протоеронийлар бўлган.

Ватанимиз тарихий илдизларига чуқурроқ кириб борадиган бўлсак, аجدодларимизнинг энг қадимги излари 1988 йилда Фарғона водийсининг Селунғур ғоридан топилган ашель даври одамларининг суяк қолдиқлари бўлиб, улар 35–40 ёшлардаги эркак, 40 ёшлардаги аёл ва 10 ёшлардаги болага тегишли бўлган<sup>2</sup>. Улар антрополог олимларнинг хулосаларига кўра, одамзод илк аждоди, яъни архантроплардан палеоантропларга ўтиш даври одами сифатида характерланади<sup>3</sup>. Ундан кейинги босқич одамининг скелети (мустье даври) 1938 йилда Сурхондарё

<sup>1</sup> Brunet F. *Asie Centrale: vers une redefinition des complexes culturels de la fin du Pleistocene et des debuts de l'Holocene-Paleorient*, 28/2. Paris, 2002; *Ранов В.А. и др. Памятники Кангурттута в Юго-Западном Таджикистане (Эпоха неолита и бронзового века)*. Москва, 2008. С. 30–32.

<sup>2</sup> *Исламов У.И., Зубов А.А., Хаританов В.М. Палеолитическая стоянка Сельунгур в Ферганской долине. Вопросы антропологии*. Вып. 80. М., 1988, С. 38–49.

<sup>3</sup> *Зубов А.А., Ходжайов Т.К. Палеолитическая стоянка Сельунгур (Антропологическое исследование)* // *Вестник антропологии. Научный альманах*. Вып. 11. М., 2004, С. 21–27.

вилояти Бойсун тоғининг Тешик-Тош ғоридан топилган<sup>1</sup>. Тешик-Тош одамнинг суяқ қолдиқлари Селунгур одамига нисбатан анча ёш бўлиб, у неандерталлар даври одами типига киради<sup>2</sup>. Аммо, антрополог олимлар орасида узок йиллар илмий баҳсларга сабаб бўлган бу топилма ўзининг ривожланган морфологик қиёфасига кўра, Европанинг классик неандерталидан фарқ қилиб, у келиб чиқиш жиҳатидан одамзоднинг Яқин ва Ўрта Шарқ ўчоғига тегишли эканлиги билан характерланади<sup>3</sup>.

Мустье даврининг сўнги босқичига тегишли ноёб топилма 2003 йилда Тошкент вилоятидаги Оби-Раҳмат унгуридан топилди. Бу топилма майдаланиб кетган 9–12 ёшли бола бош чаноғи ва унинг юқори жағи бўлиб, унда 6 та тиш ҳам сақланган. Улар устида олиб борилган антропологик тадқиқотларга қараганда, бу индивидумда неандертал ва *Homo sapiens* (ақлли одам, замонавий одам типи) га хос хусусиятлар мужассамлашган. Уларни ўрганишда бир неча хорижий антропологлар қатнашди ва уларнинг берган хулосаларига кўра, Оби-Раҳмат боласи неандертал ва *Homo sapiens*лар оралиғидаги аждодларимиз бўлган<sup>4</sup>. Унинг радиокарбон санаси 40 минг йилдан қадимгирок, радиоуран санаси эса 80 минг йилдан кам эмас<sup>5</sup>. Навбатдаги кашфиёт 1962 ва 1966 йилларда юқори палеолит даврига оид Самарқанд манзилгоҳидан топилган эркак ва аёлга тегишли аждодларимизнинг иккита пастки жағ суяқларидан иборат эди. Ҳар иккала жағ суяқлари мутахассислар берган хулосаларга кўра, европсоид иркининг жанубий тармоғига тегишли<sup>6</sup>. Тишларнинг одонтологик анализи уларни европеоид ирқига хос *Homo sapiens* эканлигини тўлиқ тасдиқлайди<sup>7</sup>.

Ўтган асрнинг 40-йиллар бошларида Мачай ғоридан (Жанубий Ўзбекистон) сўнги мезолит ва илк неолит даври одамнинг 2 та бош чаноғи<sup>8</sup>, 1970–1971 йилларда эса, ўша ғордан яна бир неча одам суяқ қолдиқлари (пастки жағ суяқ, бош

<sup>1</sup> *Окладников А.П.* Исследование мустьевской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. М., 1949.

<sup>2</sup> *Рохлин Д.Г.* Некоторые данные рентгенологического исследования детского скелета из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан. «Тешик-Таш палеолитический человек». Изд. МГУ, 1949; *Герасимов М.М.* Основы восстановления лица по черепу. М., Наука, 1949; *Герасимов М.М.* Люди каменного века. М., Наука, 1964.

<sup>3</sup> *Алексеев В.И.* Положение Тешик-Ташской находки в системе гоминид. Антропологическая реконструкция и проблемы палеоэтнографии. Изд. Наука, Москва, 1973; Его же. Географические очаги формирования человеческих рас. Изд. «Мысль», М., 1985.

<sup>4</sup> *Виола Б., Зайдлер Х., Дитер цур Нэдден.* Изучение верхних краев пирамид височных костей OR-1 с помощью компьютерной томографии. Грот Оби-Рахмат. Новосибирск, Изд. ИА и ЭСО-РАН, 2004, С. 100–106.

<sup>5</sup> *Гланц (Глантз) М., Виола Б., Чикишева Т.* Новые останки гоминидов в гроте Оби-Рахмат. В кн. «Грот Оби-Рахмат». Изд. ИАЭ СО РАН. Новосибирск, 2004. С. 77–92.

<sup>6</sup> *Гинзбург В.В., Гохман И.И.* Костные останки человека из Самаркандской палеолитической стоянки «Проблемы этнической антропологии и морфологии человека». Ленинград, Наука, 1974.

<sup>7</sup> *Зубов А.А., Гохман И.И.* Некоторые дополнительные одонтологические данные в связи с описанием костных останков человека с палеолитической стоянки Самарканд. Вестник антропологии. Научный альманах. Вып. 10. М., 2003, С. 40–44

<sup>8</sup> *Гинзбург В.В., Трофимова Т.А.* Палеоантропология Средней Азии. М., Наука. 1972.



чаноғ ва унинг парчалари, оёқ-қўл суяклари) топилди<sup>1</sup>. Антрополог Т.К.Ходжайов хулосасига кўра, Мачайда яшаган аجدодларимиз катта европеоид ирқининг до-лихокефал европеоид тили вакиллари бўлган экан<sup>2</sup>.

1981 йилда Самарқанд вилоятининг тоғли зонасида жойлашган Сазағон қишлоғидан неолит даврига тегишли қабрдан 35–45 ёшлардаги эркак киши скелети топилган<sup>3</sup>. Ушбу скелет бош чаноғини ўрганган антрополог Т.К.Ходжайов фикрига кўра, Сазағон одами долихокефал европеоид, генетик жиҳатдан Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиёга хос катта европеоид ирқининг жанубий типига бориб тақалади. Неолит даври одамнинг бош чаноқлари Зарафшон водийсининг Уч-тут неолит даври шахтаси яқинидан ҳам топилган бўлиб<sup>4</sup>, аммо у морфологик жиҳатдан Сазағон одамидан фарқ қилиб, Евроазия даштларининг протоевропеоид антропологик типини эслатади<sup>5</sup>. Шундай типдаги антропологик комплекс неолит даврида Қадимги Хоразм хуудларида кенг тарқалган.

Маълумки, 1972–1974 йилларда Хоразм археологик экспедицияси томонидан Куйи Амударёнинг Сарикамиш дельтасида Тумек-Кичижик қабристонида 30 га яқин неолит даври қабрлари очиб ўрганилган<sup>6</sup>. Антрополог Т.А.Трафимова-нинг таъкидлашича, бу ердан топилган одам бош чаноқлари орасида Яқин Шарқ антропологик типига хос (Ўрта Ер денгизи типига хос) индивидумлар ҳам учратилган. Аммо, Тумек-Кичижик антропологик серияда шимолнинг протоевропеоид тили вакиллари кўпчиликни ташкил этади<sup>7</sup>. Тумек-Кичижик антропологик комплексини Л.Т.Яблонский ҳам мухтасар ўрганиб, Қалтаминор аҳолисининг жисмоний тузилишида протоевропеоид антропологик асос ётади, деган хулосага

<sup>1</sup> *Исламов У.* Новые материалы по каменному веку Южного Узбекистана. Сб. «Древняя Бактрия». Л., Наука, 1974; Его же. Пещера Мачай. Т., «Фан», 1975.

<sup>2</sup> *Ходжайов Т.К.* Черепа из пещерной мезолитической стоянки Мачай. Тезисы Всесоюзной археолого-этнографической сессии, посв. итогам полевых исследований в 1972 г. Т., Фан, 1973; *Ходжайов Т.К.* Палеоантропология Средней Азии и этногенетические проблемы. Автореф. Док. Дисс. М., Наука, 1981.

<sup>3</sup> *Джурракулов М.Дж., Холматов Н.У.* Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Изд. «Фан», Т., 1991.

<sup>4</sup> *Мирсаатов Т. М.* Хозяйство охотничье-рыболовецких племен Среднеазиатского междуречья поры мезолита-неолита (источники сырья, эволюция способов его добычи и хозяйственные комплексы). Автореф. дисс. докт. историч. наук. Новосибирск, 1989.

<sup>5</sup> *Ходжайов Т.К.* Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зарафшана. Вестник антропологии. Альманах. Вып. 2, Москва, 2004.

<sup>6</sup> *Вайнберг Б. И.* Новая культура раннего железного века в левобережном Хорезме. «АО 1971 года». М. Наука, 1972; *Виноградов А.В.* Работы на могильнике Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. «АО 1973 года». М., Наука, 1974; Его же. Могильник Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. «АО 1974 года». М., Наука, 1975.

<sup>7</sup> *Трафимова Т.А.* Краниологические материалы из могильника Тумек-Кичиджик. Тез. Докл. Археолого-этнографич. сессии по итогам полевых исследований в 1972 г. в СССР. Т., 1973; Её же. Краниологические материалы из могильника Тумек-Кичиджик. СЭ., № 5, 1974; Её же. Неолитические черепа кельгеминарской культуры из могильника Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. «Этнография и археология Средней Азии». М., Наука, 1979.

келади<sup>1</sup>. Т.А.Трафимова таъкидлаган Ўрта Ер денгизи типига хос элементларга келсак, улар аниқ кўзга ташланмайди, эҳтимол неолит даврида Ўрта Ер денгизи типининг қандайдир гуруҳи шимолга, протоевропеоидлар жамоасига кириб келган бўлиши мумкин. Аммо, улар маҳаллий протоевропеоидлар этник асосини ўзгартириб юбора олмаганлар<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларига хос шарқий Ўрта Ер денгизи типи неолит даврида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига кириб борган. Бу ҳақда нафақат Жанубий Туркменистоннинг Жойтун маданиятига тегишли Чўпонтепа, Қавшут, Овадонттепа, Чағиллитепа, Чақмоклитепа, Монжуклитепа палеоантропологик материаллари<sup>3</sup>, балки Тожикистон ҳудудидан топиб ўрганилган Ҳисор маданиятининг Туткавул антропологик комплекси ҳам гувоҳлик беради<sup>4</sup>. Туткавул маконига тегишли неолит даври қабристонидан 1966–1967 йилларда 4 та қабр очилган. Уларнинг бош чаноғини ўрганган антрополог Т. Кияткина Туткавул одамлари долихокефал европеоид иркининг жанубий тармоғига тегишли эканлигини аниқлаган. Туткавул ёдгорлигининг даврий санаси археологик материаллар таҳлилига кўра, мил. авв. VI мингйилликка тегишли деб топилган.

Шундай қилиб, антропологик манбалар Ўрта Осиё аҳолисининг илдизлари жуда қадимдан туб жойли, автохтон эканлигини кўрсатди, бу заминда мустақил, ўзига хос ирқий шаклланиш ўчоғи пайдо бўлганлигини тасдиқлайди. Бу ўчоқ қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ этномаданий дунёси билан кўп асрлар давомида яқиндан алоқада бўлиб келса-да, жанубий ва шимолий минтақалар аҳолисининг морфологик таркибида азалдан антропологик фарқлар мавжуд бўлиб, бу фарқлар уларнинг генетик келиб чикиши ва тилида ўз аксини топган. Ўрта Осиёнинг шимолий районларида яшаб келган автохтон аҳолининг Евроосиё даштлари аҳолиси билан генетик жиҳатдан яқинлиги, уларни Ўрта Осиё ҳудудларига мунтазам кириб келишларига ҳеч қачон халакит бермаган. Нагижада минтақада туркий этник қатламнинг тобора қалинлашиб боришига, ўлка аҳолисининг устувор этник қатламига кўра, дастлаб Туронзамин, илк ўрта асрлардан бошлаб Туркистон деб аталишига олиб келган.

Маълумки, аждоқларимизнинг уруғ, жамоа бўлиб шаклланиши юқори палеолит давридан бошланди (бундан тахминан 40 минг йил аввал). Айнан шу даврда географик муҳит таъсирида одамларнинг ирқларга (европеоид, негроид ва монголоид) бўлиниши юз берди. Мезолит (ўрта тош) даврида эса, ҳар бир ирқнинг минтақавий антропологик типларга бўлиниши содир бўлди. Неолит (янги тош) даврида эса ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик кашф эти-

<sup>1</sup> Яблонский Л.Т. К краниологии сельтеминарцев. Внутригрупповой анализ. СЭ, № 2, 1985.

<sup>2</sup> Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т. Древнейшее население низовий Амударьи (археолого-палеоантропологическое исследование). Тр. Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Том 15, М., Наука, 1986.

<sup>3</sup> Гинзбург В.В., Трофимова Т.А. Палеоантропология Средней Азии. М., Наука, 1972.

<sup>4</sup> Кияткина Т.П., Ранов В.Н. Первые антропологические находки каменного века в Таджикистане (неолитические черепа из Туткаула. «Вопросы антропологии». Вып. 37. Душанбе, 1971.

либ, минтақавий маданий-хўжалик зоналари таркиб топди. Аждодлар ҳаётида юз берган бу туб ўзгаришлар аҳолининг антропологик киефасида ҳам ўз аксини топди. Мана шу тарихий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек халқининг тарихий илдизларини неолит давридан бошлаб кидириш мумкин бўлади. **Тарихан таркиб топган икки илдизли ўзбек халқининг биринчи ўк илдизи туркий бўлса, иккинчиси шимоли-шарқий эроний, яъни суғдий, хоразмий, бохтарий ва сакдир, яъни ўзбек халқи этник таркибида маълум нисбатда туркий ва эроний этник қатламлар мужассамлашган.** Бу икки этник қатламлар Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлар учун автохтон тарихий илдизлардир. Бу тарихий илдизларнинг бири неолит даврида Калтаминор маданияти мисолида шаклланган бўлса, иккинчи илдизнинг генезиси Жойтун маданиятига бориб тақалади.

Юқорида қайд килинганидек, Жойтун маданияти аҳолиси антропологик тип жиҳатидан катта европа иркининг шарқий Ўрта Ер денгизи типи билан характерланади, яъни долихокефал бош чанокли, юзи узунчоқ, кўк кўз, малла соч. Калтаминор маданияти аҳолиси эса протоевропеоид типни ташкил этади, яъни брахокефал бош чанокли, юзи думалоқроқ, икки ёноғи бироз бўртиб чиққан, қўйкўз, танаси буғдойранг, жисмонан бақувват. Шу антропологик хусусиятлар уларнинг авлодларига ҳам ўтган, яъни Жойтун маданиятининг ворислари: энеолит (Анов-Номозғоҳ, Саразм), бронза (Гонур, Дашли, Сополли) даври одамлари антропологик типда ўз аксини топган. Калтаминор маданиятининг ворислари эса энеолит (Қамишли, Замонбобо), бронза (Сувёрган, Андроново, Қайроққум) даври одамлари антропологик типда ўз аксини топган.

Ўзбек халқи этногенезининг қадимги деҳқончилик маданияти билан боғлиқ илк босқичи Сополли ва Жарқўтон типдаги ёдгорликларда ўз аксини топган бўлса, унинг чорвадор этник қатлами Авестода тилга олинган турлар эди.

Турларнинг авлодлари қадимги эроний тилларда битилган манбаларда саклар номи билан бизгача етиб келган. Саклар ҳақида гап кетганда, ҳозиргача шўро даври руҳиятида ёзилган илмий адабиёт ва дарсликларда уларни фақат чорвадор қабилалар сифатида талқин қилинди. Аммо сакларнинг бир қисми, яъни тоғ сойларининг қуёшга ўнгай этақларида, булоқлар ва қорасув ҳавзаларида макон топган уруғ жамоалари аста-секин зироатчилик билан шуғуллана бошлайдилар. Сакларнинг ана шу этник гуруҳлари асосида Фарғона водийсида Чуст маданияти, Зарафшон водийсида Кўктепа-1, Тошкент воҳасида Бурғулук, Жанубий Ўзбекистонда Кучук-1, Жанубий Туркменистонда Яз-1 маданиятлари ташкил топдилар.

Улар орасида энг қадимийси Чуст маданияти бўлиб, унинг келиб чиқиш даври санаси бутунги кунда мил. авв. II мингйилликнинг ўрталаригача қадимийлаштирилмоқда. Демак, бу маданиятлар соҳиблари ўтроқлашган прототурк Авесто турлари бўлиб, уларнинг чорвачилик турмуш тарзидан воз кечмаган қисми прототурк саклар бўлиб қолаверадилар. Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида қолиб кетган сакларнинг қолган катта қисми Номозғоҳ,

рак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган»<sup>1</sup>. Бундан ўзбек халқи ҳам мустасно эмас. Шундай экан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида қадимдан яшаб келаётган ўзбек халқининг илк аجدодлари асосан икки тил – туркий ва эроний тиллар туркумидаги қабила ва элатлар бўлиб, уларнинг узок асрлар давомида аралашуви, қоришуви жараёнида XI–XII асрларга келиб ўзбек элати халқ бўлиб шаклланди. Булардан ташқари, узок давом этган этногенетик жараёнлар давомида, тарих тақозосига кўра, ўзбек халқи таркибига қайси бир нисбатда юнонлар, араблар, мўғуллар ва бошқа ўзга этник гуруҳлар ҳам келиб қўшилди ва унинг этник асосига сингиб борди. Камида 2,5 мингйиллик этногенетик тарихий давр ичида ўзбек халқи қабила ҳолатидан уюнган халқ даражасига ўсиб чиқади. Унга хос омухталашган моддий ва маънавий маданият шаклланди, халқ ҳунармандчилигининг турфа хил йўналишлари, айниқса кулолчилик ўзининг юксак чўққисига кўтарилди (Зарварақдаги 13, 14, 15-расмларга қаранг). Мана шу давр ичида аجدодларимиз бир неча этномаданий босқичларни босиб ўтади. Ҳар бир босқичда элатга хос этник омиллар ва белгилар бирин-кетин шаклланиб боради.

Ушбу монографиянинг I бобида этногенетик жараёнлар билан боғлиқ назарий ва илмий-методологик ишланмалар ишлаб чиқилиб, булар этноҳудудий бирлик, этноиктисодий хўжалик бирлиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги, тил бирлиги, ўзликни англаш бирлиги, этник ном бирлиги, сиёсий уюшма (политическая консолидация) бирлиги ва бошқалар эканлиги қайд этилди. Булар, бир вақтда, бирданига содир бўлмади, балки секин-аста, босқичма-босқич юз бериб борди. Мана шу илмий назарий концептуал қарашлардан келиб чиқиб, ўзбек халқининг шаклланиш босқичлари белгиланди.

Ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи – бошланиши бронза давридан бошланди, деган тезис ўртага ташланди. Бу босқич милоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталаридан то македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр, ўз навбатида, қатор тарихий воқеликлар билан характерланади.

Буюк турк чўлининг (Евроосиё чўлларининг) чорвадор аҳолиси ҳаётида от, ҳўкиз, туя ва эшакдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилгач, дашт аҳолиси янгидан-янги яйловлар қидириб, жанубга, ғарбга ва шарққа томон юриш бошлайди. Шу муносабат билан бир гуруҳ дашт аҳолиси милоддан аввалги II мингйилликнинг иккинчи ярмида (бронза даври) Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий томонидан Амударёнинг қуйи ҳавзаларига кириб келади ва уларнинг бир қисми Амударёнинг Окча дарё ўзанидан тортилган Тозабоғёб канали зонасига келиб ўрнашадилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, С. П. Толстов бу янги этник гуруҳга тегишли ёдгорликларни «Тозабоғёб маданияти» деб атади. У ушбу археологик маданият материалларини синчиклаб ўрганиб, «бу топилмалар ерли туб

<sup>1</sup> Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ, 1947. № VI–VII. С. 304.

жойли аҳолининг моддий маданиятига ўхшамайди, улар қандайдир янги этносга тегишли»<sup>1</sup>, деган тўғри хулосага келади. Шунингдек, шунга ўхшаш материаллар жануби-шарқий Ўрол тоғ тизмаларидан то Минусинск пасттектислигининг ички ҳудудларигача бўлган ҳудудий кенгликда учрашини таъкидлайди. Улар Андроново маданияти чорвадор қабилалари бўлиб, Жанубий Сибир, Тоғли Олтой, Қозоғистон чўллари, Қирғизистон тоғолди адирларида кенг тарқалган. Уларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши бир неча йирик этник тўлқинлар билан боғлиқ. Дастлаб, улар Ўрта Осиёда маҳаллий аҳоли ўзлаштирмаган жойларга жойлашиб, ерли аҳоли билан икисодий алоқада бўладилар. Улар археологик адабиётларда «Тозабоғёб», «Қайроққум», «Андроново маданиятининг Ўрта Осиё варианты» номлари билан юритилиб келинди. Кейинроқ, илк темир даврида ҳам уларнинг жуда катта гуруҳи кириб келиб, бу минтақалар тарихида Турон номини олади. Энди, улар Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик маданияти минтақаларигача кириб борадилар<sup>2</sup>. Бугунги кунда Тозабоғёб этносига тегишли ёдгорликлар Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида учрайди ( 18, 19-расмларга қаранг).

Собик шўролар даври тарихшунослигида Андроново маданияти аҳолисининг тили масаласида қачонким, «Веда» ва «Авесто» каби энг қадимги муқаддас китобларнинг тили ҳозирги замон Оврўпа халқларининг тиллари билан қариндош эканлиги аён бўлгач, улар, яъни Андроново маданияти аҳолиси ҳинд-оврўпа тилларида сўзлашганлар, деган ғоя фанда пайдо бўлди<sup>3</sup>. Натижада, тарихда XI асрдан бошлаб «Дашти Қипчоқ» номи билан машҳур бўлган «Буюк турк чўли»нинг Тоғли Олтойдан бошқа ҳудудларида туркчиликка ўрин қолдирилмади.

Шўролар даври тарихшунослигида ҳинд-оврўпаликларнинг илк ватанини кидириш бошланди. Ҳинд-Оврўпа назарияси тарафдорлари орасида уларнинг илк ватани сифатида (назариячиларнинг охириги фарази) Ўрол тоғининг жануби-шарқий ҳудудлари қабул килинди. Чунки, бу ҳудудларда милоддан олдинги II мингйилликнинг биринчи ярмига доир ёдгорликларда археологик қазилмалар ўтказилиб, улардан Андроново маданияти чорвадор қабилаларининг бадавлат ҳарбий аслзодаларига тегишли ашёвий далиллар топилди. Ҳинд-Оврўпа назариясига кўра, ана шу бадавлат аслзода ҳарбийлар ҳинд-оврўпаликлар аталиб, уларнинг бир қисми милоддан олдинги II мингйилликнинг иккинчи ярмида ўзларининг илк ватанларидан жанубга томон юриш қиладилар. Уларнинг бир қисми Ҳиндикуш тоғ тизмаларидан ошиб, Шимолий Ҳиндистон томон ўтиб, у жойларнинг ибтидоий деҳқон жамоалари устидан сиёсий ва ҳарбий ҳукмронликни ўрнатиб, аста-

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древнехоразмийские памятники в Каракалпакии. ВДИ, 1939. №3, –С. 174–175. Его же. Древний Хоразм. М.: 1948. С. 68.

<sup>2</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. М–Л. С. 116–118; Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана. ИМКУ №3, Ташкент, 1962. С. 28–41; Ўша муаллиф. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации. Сборник «Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций» Алма-Ата, 1989. С. 160–166.

<sup>3</sup> XVIII аср ўрталарида француз олими Дюперон Ҳиндистонда форс зардуштийлари жамоасида олиб борган изланишлари туфайли фанга илк бор «ҳинд-европа» атамасини киритган.

секин маҳаллий аҳоли билан қоришиб, улар таркибига сингиб кетадилар. Уларнинг иккинчи қисми эса Эрон тоғолди ҳудудларида қолиб кетадилар. Улар ҳам Шимолий Ҳиндистонга кириб борган ҳукмрон ўзга этник гуруҳлар сифатида аста-секин маҳаллий аҳолига аралашиб, қоришиб, уларнинг тил муҳити таъсирида эронийлашиб кетадилар. Улар Оврўпа ва шўро даври тарихий лингвистикасида дастлаб «варварлар», сўнг «орийлар» деб аталди. Шу боис, Эроннинг энг қадимги тарихида «Ориёна» мамлақати этнотопоними пайдо бўлди.

Мана шу концепция асосида шўролар даври тарихшунослигида Андроново маданияти қабилаларининг тили эроний тиллар оиласига тегишли, деган тушунча пайдо бўлди. Мана шу тушунча таъсирида С.П.Толстов Қадимги Хоразмда яшаган Тозабогёб маданияти соҳибларини Андроново маданияти аҳолиси билан бир халқ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, тозабогёбликларнинг тили ҳам эроний тиллар оиласига мансуб эди, деган хато хулосага келади.

Археологик тадқиқот натижаларига қараганда, бепоён Қипчоқ чўлининг туб аҳолиси ушбу заминнинг табиий-географик шароитига кўра, бронза давридан бошлаб кўчманчи чорвачиликка ўта бошлаган. Уларга тегишли ёдгорликлар Ғарбий Қозоғистонда, Ўрол тоғи тизмаларининг жануби-шарқий қисмида, Ўрол дарёси теvarак-агрофидаги даштларда, жанубда Амударёнинг ўрта ҳавзасигача, шарқда Байкалгача ёйилган бўлиб, шу географик кенгликнинг Марказий ва Шарқий Қозоғистон, Тоғли Олтой, Обь, Тоболь, Енисей дарёлари ҳавзаларида, бутун Жанубий Сибир ҳудудларида кенг тарқалган.

Қадимги Хитой ёзма манбаларида мана шу ҳудудларда милoddан олдинги III–II мингйилликларда прототуркий қабилалари яшаганлигига ишора қилинади<sup>1</sup>. Аммо, шўролар даври тарихшунослигида Андроново маданияти аҳолиси ҳинд-оврўпаликлар сифатида қаралиб келингани боис, туркшунослик фанида прототуркий этник қатламнинг Андроново маданияти қабилалари билан боғлаш мумкин бўлмади. Чунки, собиқ шўролар даври мафқурасининг тазйиқида ҳеч бир кимсага бундай фикрни ўртага ташлаш насиб этмади. Шундай фикрлаш йўлида қилинган дастлабки ҳаракатлар эса, ҳинд-оврўпа назарияси руҳида суғорилган шўро олимлари жамоаси орасида масҳара қилишгача бориб етди.

Таъкидлаш жоизки, бир замонлари Буюк турк даштларининг шимолий сарҳадларининг Днепр, Днестр, Дон дарёларининг ўрта ҳавзалари то Ока дарёсига қадар славян ва прототуркий қабилаларнинг ҳудудий чегараси бўлган<sup>2</sup>. Бу тарихий ҳақиқатни рус тарихчилари яхши биладилар. XVI–XVII асрлар давомида рус князликлари ягона рус давлати бўлиб бирлашгач, унинг ҳудудлари Ўрол тоғларига қадар кенгайди. XVII асрдан бошлаб, Ўрол тоғ тизмаларининг ер ости маъдан конлари Россия ишбилармон саноатчилари томонидан ҳарбий зобитлар ёрдамида секин-аста «ўзлаштирила бошланди». «Ўзлаштирилган» чегара

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлиқ маълумотлар ушбу асарнинг VII бобида берилган.

<sup>2</sup> Днестр, Днепр, Дон, Волга дарёларининг куйи ҳавзалари даштлар эса туркий этнослар кенг ёйилган ҳудудлар бўлган. Уларнинг юқори оқими, шимолий сарҳадлар эса то шимолий Ўрол тизмаларига қадар фин-угор тилли қабила ва элатлар яшаб келган ҳудудлар бўлган.

худудларда ҳарбий истехкомлар қурилиб, туркий тилли қабилаларнинг илк ватани—Жанубий Сибир XVII—XVIII асрлардан бошлаб Россия таркибига ўтиб борганлиги ҳақидаги маълумотлар мактаб ўқувчисига ҳам сир эмас. Бу жараёнлар кўҳна тарих тақозо этган туркий халқларнинг узок ўтмишидан лавҳалардир. Бундан баъзи бировлар ғараз ниятда фойдаланишга интиладилар, минтақада миллатлараро низолар чиқишига умид боғлайдилар.

Ўтмиш тарихга объектив, холисона ёндашиш принциpidан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, туркий халқларга илк она замин бўлган бепоён Евроосиё чўлидан атиги Тоғли Олтойни уларга қолдириб, унга асос сифатида, уларнинг афсонавий келиб чиқишини бўри тотеми билан боғлашнинг ўзи объектив илмийлик нуқтаи назаридан қараганда ғайритабиий эмасми? Аслида Тоғли Олтой худудлари қадимда туркий қабилалар яшаб келган бепоён худудий кенгликнинг атиги бир қисми бўлган холос. Туркий тилли аҳолининг ўша замон она тилларига оид ёзма манбаларни ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилинмай туриб, бронза даври Андроново маданияти қабилаларининг тили қадимги эроний тиллар оиласига тегишли, деган XIX—XX аср лингвистларининг фаризи эканлигини илмий ҳақиқат деб билиш, тарихни сохталаштириш эмасми? Ўз вақтида, қачонким қадимги Хитой манбалари Оврўпа илмий жамоатчилигига етарли даражада маълум бўлмаган кезларда, бундай фаразнинг пайдо бўлиши мумкин эди. Энди қадимги Хитой ёзма манбалари чуқур ўрганилиб, Андроново чорвадорларининг тили ҳақидаги янги илмий далиллар пайдо бўлгач, бу масалага аниқликлар киритишнинг даври келмадимикан?

С.П. Толстов Қадимги Хоразм ерларида Тозабоғёб маданиятини кашф этаркан, бу маданият соҳибларини ерли туб аҳоли — ерли сувёрганликлардан фарқ қилиб, уларни Амударё куйи ҳавзалари учун ўзга этник гуруҳлар эканлигини тан олган ҳолда, улар тил жиҳатидан хинд-оврўпаликлар эди, деб илмий сохталikka йўл қўйди. Аммо, С.П. Толстов томонидан Тозабоғёб маданияти қабилаларини этник жиҳатдан Қозоғистон чўллари ва Жанубий Сибир томонларидан келганлигини эътироф этилиши Тозабоғёб маданияти аҳолисининг прототуркийларга тегишли эканлиги ҳақидаги ғоя туғилишига ва қадимги Хитой ёзма манбаларига асосланиб, Андроново маданияти аҳолиси прототуркийлар эдилар, деган ғояни ўртага ташлашга ва бу жумбоқни ечишга қаратилган очкич бўлди.

Мана шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, Буюк Турк Чўли худудларида бронза даврида яшаган чорвадорларнинг «Андроново маданияти» номи остида бизгача етиб келган моддий маданият излари прототуркий қабила ва қавмларга тегишли эди, деган мантиқий хулосага келиш мумкин. Дарҳақиқат, Днепр ва Днестр дарёларининг куйи ҳавзаларидан то Жанубий Сибирнинг шарқий чегараларигача бўлган географик кенгликлар прототуркий қабилаларнинг илк ватани бўлган. Бронза давридан бошлаб, улар ичидан гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, прототуркий этник жамоалар Мовароуннаҳр ва Хоразм ерларига кириб кела бошлайдилар ва маҳаллий аҳоли билан ёнма-ён кўшилиб яшай бошлайдилар. Шу дамлардан бошлаб, ўзбек этносининг ҳозирги Ўзбекистон

худудлари ва унинг теварак-атроф худудлари доирасида этногенетик жараёнлари, яъни ўзбек халқининг ташкил топишида асосий ролни ўйнаган икки тилли этник қатламнинг аралашуви бошланади.

Демак, юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Мовароуннаҳр ва Қадимги Хоразмда прототуркий этносни пайдо бўлиши мавжуд тасаввурларга зидли ўлароқ Турк хоқонлиги ёки антик даврига эмас, балки анча аввал, бронза, ҳатто неолит даврига қадар бориб такалади. Бронза даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар туфайли, уларнинг катта гуруҳи прототурклар метрополиясидан бронза даврининг миграцион жараёнлари туфайли Ўрта Осиё худудлари бўйлаб кенг ёйилди. Улар Ўрта Осиёнинг шарқий эроний тилли Номозгоҳ, Саразм ва Сополли маданиятлари жамоалари қишлоқларигача кириб боришди. Айнан шу даврдан бошлаб икки тил (эроний ва прототуркий) соҳибларининг учрашуви, ўзаро ассимиляцияси бошланди. Бу ўзбек халқи этногенезининг бошланиши, бошланғич нуқтаси эди. Агар бу жараённи ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи деб қаралса, бу жараёнлар билан боғлиқ иккинчи босқич антик даврига тўғри келади.

Ўзбек этногенезининг иккинчи босқичи усун ва хунлар ҳамда да-юечжи қабилаларининг бу заминда пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу даврда туркий этнос фойдасига туб ўзгаришлар юз беради. Масалан, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида эллинлар таъсир доирасини кенгайтириб боришига қарши оппозицияда Кангкия (Қанғ) давлати ташкил топади. Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси худудларида икки тилли аҳоли этник гуруҳлари омукталашган моддий борлиқ – Қовунчи маданияти ва ўзбекларга хос антропологик тип – Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи шаклланади ва ниҳоят ўзбек халқи этник асосларининг дастлаб таркиб топган этномаданий майдон таркиб топади. Бу маданиятга тегишли дастлабки маҳаллий туркий этник қатлам қанғарлар бўлиб, улар хун ва усунлар тил таъсирида илк бор туркийлашган маҳаллий чочликлар эди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида, Бақтрияда ташкил топган Кушонлар давлати мамлакатни бошқаришда қадимдан давом этиб келаётган маҳкамачилик ва унинг эллинлар таъсирида мукаммаллашган тизими билан уйғунлашиб, ўзбек халқи этногенези ва давлатчилик тарихида улкан ютуқларни қўлга киритади. Этносиёсий ва этномаданий ривожланишда илк бор ўзликни англаб етишликнинг илк бор пойдевори қурилади. Кушонлар подшоси буюк Канишка сулолавий аждодларидан фарқли ўлароқ, мамлакатда ҳукм сурган юнон тилини бекор этиб, маҳаллий бохтарий тилини давлат тили деб эълон қилади, маҳкамачиликда юнон ёзуви ўрнига бохтарий ёзувини қўлланга фармон беради, муомаладаги танга пуллар илк бор Канишка сурати (Кушон подшолари) ва туркий халқларга хос символика – самовий тулпор расми билан зарб этила бошлайди. Кушонлар узок аждодлари тилини унута бошлаб, эронийлаша бошлаган бўлса-да, ўз келиб чиқиш насли-насабларини унутмаганлар. Масалан, Рабатак ибодатхонаси ёзуви-

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 85-бет.



да Канишка ўзи ва аждодларини орий эканлигини, яъни прототуркий эканлигини эслаб ўтади.

Ёзма манбаларда Ўрта Осиёнинг қадимги туркий этнослари ҳақида етарли маълумотлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, аммо, археологик материаллар антик даврида бу ўлкада прототуркий этник гуруҳлар анча қалинлашганлигидан гувоҳлик беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қанғ давлати доирасида, унинг марказий минтақалари – Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, Тошкент воҳасида янги этнос – қанғар элати таркиб топа бошлайди. Унинг этник асосини маҳаллий суғдийлар ва бронза давридан бошлаб яшаб келаётган Сирдарё бўйи прототуркий тур қабилалари ташкил этар эди. Улар таркибига хунлар ва усунларнинг кириб келиши прототуркий этнос қатламини қалинлашувига олиб келади. Ана шу курама этноснинг моддий маданияти «Қовунчи маданияти» номи билан фанда ўрин олган.

Ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичи давомида этник омилларнинг камида бештаси юз беради, яъни Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида, биринчидан, Қанғ давлатининг марказий ҳудудларида этнохудудий бирлик таркиб топади; иккинчидан, ана шу этнохудудий бирлик доирасида бир хил ривожланиш даражасидаги иқтисодий-хўжалик бирлиги вужудга келади; учинчидан, таркиб топган худудий бирлик доирасида деярли бир хил ривожланишдаги этномаданий майдони қарор топади; тўртинчидан, ўзбек халқига хос антропологик тип – «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланади ва ниҳоят бешинчидан, янги этнос – қанғар элати агрофида жипслашган Кангкия (Қанғ) давлат конфедерацияси, яъни сиёсий давлат уюшмаси таркиб топади<sup>1</sup>.

Бу даврда юз берган тарихий жараёнларга назар солар эканмиз, суғдшунос олим М.Исҳоқовнинг ўша давр сиёсий тарихининг таҳлилига боғлиқ мулоҳазаларини эслаш жоиз кўринади. Унинг таъкидлашича, милоддан аввалги I мингйилликнинг ўрталаридан Ўрта Осиё ҳудудларида Ахоманийлар давлатининг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилгач, унинг таркибига кирган эроний ва прототуркий тилли халқларнинг барчасига буюк Эрон давлати фуқароси сифатида қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ахоманийлар империяси худудий доирасида, унга тобе халқларнинг ўз тилларидан қатъи назар, улар учун ҳам умум эроний тил расмий давлат тили сифатида қонуний қилиб қўйилди. Нагжада, давлат маҳкамачилигида прототуркий тил мавқеи табиий равишда бекор қилинди. Шу шароитда Эрон давлатининг таъсиридан ташқарида қолган туркий халқлар дунёсида турк давлатчилигининг янги тўлқини вужудга келди. Туркий дунёнинг шарқий минтақасида прототуркий Хунлар империяси пайдо бўлди. Бу давлат ўзининг ташқи сиёсатини Туронга қаратди. Чунки, бу ўлкаларда хунлар билан қон-қариндошлик, тил ва турмуш тарзи бўйича хунларга яқин бўлган ҳамда сиёсий жиҳатдан Эрон анъанавий давлатчилигида сепарат руҳидаги прототуркий халқлар яшаб келар эди.

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: 2007. – 231-бет.

Собик шўро даври тарих фанида ёзма ёдгорликларга қараб бу заминда Турк хоқонлигига қадар эроний тилли қабила ва қавмлар яшар эди, сўнг турклар кела бошлади, деган сохта тушунча мустаҳкам ўрин олган эди. Лекин, М.Исҳоқов тўғри таъкидлаганидек, ёзма ёдгорликларининг тили (суғдий, хоразмий, бохтарий) билан туркий қабилаларни бу заминнинг қадимий аҳолиси эканлигини аралаштирмаслик керак. Чунки, бу заминга келиб ўрнашган кўпчилик туркий қабилалар хўжалик асосининг характери ва кундалик турмуш тарзига кўра, ҳали антик даврининг бошланишида саҳроийларга хос анъаналарни унутмаган ва уларнинг барчаси ҳам ўтроқ туб ерли аҳоли маданияти ва турмуш тарзига кўникиб улгурмаган эдилар, яъни туркий тилли қанғар элати таркибига сингиб кетмаган эдилар. Шунинг оқибатида бўлса керак, ҳали улар ўтроқ суғд ва хоразмийлар синғари ўз она тилларида ёзув маданиятини ишлаб чиқмаган кўринади. Шу боис, бизгача етиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликларни барчаси эроний тилли ўтроқ аҳолига тегишли бўлиб чиқмоқда.

Тўғри, кейинги йилларда сак қабиласи сардорининг қабридан (Иссиқ кўрғони) топилган хат намуналари ва Даштинавур қоятош лавҳасининг топилиши ҳамда унғача фанда «номаълум хат» сифатида ўқишга қалити топилмай келаётган қадимги ёзувларни прототуркий халқларга тегишли, деган фикрлар ҳам бор. Аммо, фанда бундай фикрларга шубҳа билан қаровчилар ҳам бор. Улар асосан хинд-овруна назарияси тарафдорлари бўлиб, бу хатларнинг қайси тилли этник гуруҳларга тегишли эканлиги масаласида тарихий лингвистика мутахассислари бир тўхтамга келганлари йўқ. Ушбу масала юзасидан илмий баҳслар давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ахоманийлар даврида ҳам давлат маҳкамачилигининг тили дастлаб оромий бўлиб, амалиётдаги жонли тил дарий эди. Яна бир мисол. Илк ўрға асрларда Мовароуннаҳр вилоятларида ҳокимият тепасида туркий халқлар вакиллари турган вақтларда ҳам расмий ҳужжат тили суғдча қолаверган. Ҳагто, Буюк турк хоқонлигининг дастлабки даврида хоқонликнинг давлат расмий ҳужжатлари ва монументал лавҳалар суғд тилида олиб борилди (Буғут лавҳаси). Бундай мисолларни кейинги даврлар тарихида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Демак, этногенез масаласини тўғри талқин этишда бизгача етиб келган ёзма ёдгорликларнинг тили асосида хулосалар чиқариш илмий чалкашликларга олиб келиши, эҳтимолдан узоқ эмасдир.

Биз юқоридаги бобларда, антик даврда, Ўрта Осиёнинг шимолида, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари, Еттисувдан то шимоли-ғарбий Ўролгача чўзилган кенг минтақада ярим ўтроқ, ярим кўчманчи Кангкия (Қанғ) давлатини ташкил топганини кўрдик. Бу давлат фуқароларининг аксарият кўпчилигини туркий қавмлар ташкил этса-да, мамлакат аҳолиси ҳали икки тилда сўзлашишда давом этарди. Аммо, давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётида туркчиликнинг мавқеи устунлигидан, унинг таъсир доираси мелодий эранинг бошларида Суғдиёнанинг то Амударёгача бўлган ҳудудларига бориб етди.

Туркий қавмларнинг моддий маданияти (Жетиасар, Қовунчи ва Қизилқир маданиятлари) ўтроқ суғдий ва хоразмийлар маданиятидан кескин фарқ қилиб, минтақада турк этносининг кенг тарқалаётганидан гувоҳлик беради. Демак, ўзбек халқи этник компонентининг асосий ўзаги ҳисобланган турк этноси унинг иккинчи этник қатлами – суғд, бохтар, хоразмийлар сингари, бу заминда қадимийдир.

Туркий тилли қабила ва элатларнинг учинчи йирик тўлқини Мовароуннахрнинг ички вилоятларига хионийлар, кидарийлар, эфталийларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Айнан шу кезларда юз берган тарихий жараёнлар ўзбек этногенезининг учинчи босқичини характерлайди. Кўчманчи хионийлар, кидарийлар ва эфталитларнинг Суғдиёна ва Бактрия ҳудудларидаги излари, айниқса IV асрнинг охири ва V аср моддий маданият ёдгорликларида яққол кўзга ташланади. Масалан, туркий аҳолига тегишли Қовунчи маданияти таъсирида Бухоро вилоятининг шимоли-ғарбида «Қизилқир маданияти» ташкил топган. Бу даврга келиб, Суғднинг ўтроқ аҳолисига хос ҳунармандчилик анъаналари ўрнини ярим ўтроқ чорвадор туркий қавмларга хос моддий маданият дунёси эгаллайди. Бундай ҳолат нафақат Суғдда, балки Қадимги Хоразм, Қадимги Фарғона, ҳатто Бактрия ҳудудларида ҳам кўзга ташланади.

Туркий этноснинг Мовароуннахр ва Хоразмга катта этник гуруҳ бўлиб кириб келишининг тўртинчи босқичи Буюк Турк ҳоконлиги ҳудудининг Амударё ўрта ҳавзаларигача кенгайиши билан боғлиқ. Бу даврда Ўрта Осиёда туркий қавмлар жадал кириб бормаган бироқ вилоят ва туман қолмади.

Археологик материалларнинг тасдиқлашича, Ғарбий Турк ҳоконлиги даврида (568–740 йиллар) Тошкент воҳасида ҳокимиятни турк тудун ва тегинлари (ҳоконликнинг жойлардаги ноиблари) бошқарар эдилар. Айнан шу даврда Чоч ҳокимлари суратлари ва қадимги турк тамғалари билан тангалар зарб этилди. Қадимги турк тангалари бундан анча аввал ҳам Чочда топилган. Илк ўрта асрларда турк тангалари нафақат Тошкент воҳасида, балки Қадимги Фарғонанинг археологик ёдгорликларида ҳам тез-тез учраб туради. Бундай жараённинг чўққиси ўзбек этногенезида Ғарбий Турк ҳоконлигини гуллаган даврига тўғри келади. Бу даврда ҳоконлик Ўрта Осиёнинг барча вилоятларини қамраб олган, туркий қабила ва қавмлар эса ерли туб аҳоли билан жадал қоришиш жараёни давом этмоқда эди. Ўзбек этногенезининг мана шу босқичида Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий вилоятлари ва Қадимги Хоразм ҳудудларида икки тил ва икки хўжалик укладининг яқинлашув жараёни кузатилади. Унинг оқибатида, аксарият кўпчилиги туркий тилли деҳқон ва ҳунар аҳлидан иборат йирик ҳудудий этномаданий бирлик ташкил топади. Бу ўзбек халқи этногенез тарихининг тўртинчи босқичига хос муҳим хусусияти сифатида характерланади.

Ўзбек халқи этногенезининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичларига хос этник омилларнинг тарихий кетма-кетликда юз бериши айниқса, Тошкент воҳаси археологик материалларида яхши кузатилади. Ўзбек этносини шакллантирувчи омиллар сифатида ҳудудий бирлик, иқтисодий-хўжалик бир-

лиги, этномаданий бирлик, антропологик тип бирлиги ва этносиёсий бирликлар дастлаб Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида антик даврда юз берди. Бу омилларнинг моддий маданиятдаги акс садоси Қовунчи маданиятида ифодаланади. Қовунчи маданияти шаклланган минтақалар айнан Тошкент воҳаси ва умуман Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари бўлиб, ўзбек халқининг этник асоси дастлаб, мана шу маконда таркиб топди ва сўнг ҳозирги Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ёйилди. Қовунчи маданияти асосида ўзбек этносининг туркий қатлами шаклланиб борди ва бронза даврига қадар асосан эроний тилли қабила ва элатларнинг макони бўлиб келган Жанубий Турон ўлкаси туркий этник компонентларнинг интенсив ортиб бориши туфайли илк ўрта асрлар охирига келганда, Туркистон аталмиш этнотопоним шакллана бориб, бу заминда турк-суғд этномаданий майдон таркиб топди. Бу ҳолатлар антик ва илк ўрта асрлар давомида ўзбек халқи этногенетик жараёнларининг жадал кечаётганлигидан ва бу жараёнларда Қовунчи маданиятининг ўрни ва роли жуда муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши туркий қабила ва қавмларни минтақа ички ҳудудларига жадал кириб келишини вақтинча тўхтатди. Натижада, унғача бу ерга келиб, ўрнашиб қолган туркий қавмларнинг ерли аҳоли билан аралашиб, қоришиб кетиш жараёни тезлашади. Айниқса, бу жараён Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий ҳудудларида яққол кўзга ташланади. Бу зонада VIII–IX асрларда туркий номдаги шаҳарлар барпо этилади. Масалан, Ангрен дарёси ҳавзасида Намудлиғ, Абрилиғ, Арпалиғ, Сойлик, Итлик, Хотункат, Барскаат, Жабғукат, Арсланкат, Ўағузлиғ, Ўақалиқ, Ачиғ, Жадғал (Чатқал) ва бошқа ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар қад кўтардики, бу жой номлари Чоч аҳолисининг катта бир қисмини туркийлар ташкил этганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий ҳудудларининг шаҳарларида эса унинг акси, яъни анча аввал бу томонларга келиб, кучли эроний тил муҳитига тушиб қолган туркий аҳоли эронийлашадилар. Аммо, бу ҳудуд қишлоқ ва даштларида аҳвол ўзгача эди. Аҳолининг у ёки бу тилни ўзлаштириб, ўз она тилини унутиб бориш ҳолати қайси тил муҳитининг устунлигига, қабила ва элатнинг ўзлигини англаш даражасига, ҳокимият эгаларининг давлат сиёсатига ҳам боғлиқ эди. Бундай сиёсат Ўрта Осиё халқлари тарихида илк бор Канишка томонидан олиб борилди. Сўнг минтақада туркий этник қатламни жамият ички ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боришида Ғарбий Турк хоқонлиги фундаментал асос яратиб кетди. Шулар қаторида IX асрнинг 40-йилларида Мовароуннахрдан шимоли-шарқда ташкил топган Қарлуқлар давлати ўзбек халқи этногенезида яна бир муҳим воқеа эди.

Қарлуқ турклари узоқ ўтмишда Олтойнинг ғарбий даштларида яшаганлар. Турк хоқонлиги ташкил топиши билан Ғарбий Олтойдан чиқиб, Иртиш соҳиллари, Жунғория, Ила дарёсининг шимолигача бўлган ҳудудларни эгалладилар. Қарлуқларнинг катта бир қисми (VI–VII асрларда) Шарқий Туркистон-

нинг ғарбий вилоятларига, Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ҳудудларига, ҳатто Тохаристоннинг айрим туманларига келиб ўрнашадилар<sup>1</sup>.

Қарлуқлар таркибидаги йирик қабилалардан бири чигил қабиласи бўлган. Еттисувга келишдан аввал Иртиш хавзаларида, Жунғорияда яшаган. Қарлуқ қабилаларидан яна бири халажлар бўлган. Уларнинг катта қисми VI–VIII асрлар давомида Афғонистон, Покистон ва Эрон ҳудудларигача бориб ўрнашганлар. Уларнинг бошқа қисми қарлуқлар таркибида бўлиб, Ила дарёсининг шимолий даштларида яшаган. 766 йилда қарлуқлар туркеш сиёсий уюшмасини тарқатиб юборгач, улар Чу дарёси водийсида қолиб, Суёб шаҳрини ўзларига қароргоҳ қилиб оладилар. Ана шу санадан бошлаб, қарлуқ ябғулари Жунғория тоғларидан Сирдарёгача бўлган жуда катта ҳудудда ўз ҳукмропликларини ўрнатадилар<sup>2</sup>.

Қарлуқларда, худди Турк хоқонлиги жамоаларида бўлганидек, уруғ бошлиғи – бек, қабила бошлиғи – жабғу деб аталган, бир қанча уруғ-аймоқни, аймақлар уюшмаси элни ташкил этган. Бу қабила-уруғ тузилиш тартиби (тизими) қарлуқларда VIII аср ўрталаригача сақланиб келган. Қарлуқлар Еттисувни эгаллагач (VIII асрнинг 60-йиллари), ябғунинг хизмат вазифаси кенгайди. Энди ябғу бир қабилани бошлиғи эмас, балки қарлуқлар эгаллаган ҳудудлардаги барча қабилалар ва ўтроқ аҳолини бошқаради. Энди, у қабилалар иттифоқининг ябғусидир. Авваллари ябғу уруғ ва аймақлар йиғинида сайланса, энди у ябғулар йиғинида, яъни қабила бошлиқлари томонидан сайланади. Иттифоқни бошқаришда унга тобе уруғ, аймақ ва ябғуларга, айниқса ўтроқ вилоятлар ҳукмдорларига элтабарлик унвони жорий этилади. Бек ва элтабарлар бир вақтни ўзида ҳарбий саркардалар ҳисобланган. Бу тартиб қарлуқларда то 840 йилгача, яъни Қарлуқ давлати ташкил топгунга қадар давом этган<sup>3</sup>.

VIII аср Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари тарихида арабларга қарши кураш билан ўтди. Уларга қарши тинимсиз маҳаллий аҳоли кўзғолонларининг охири кўринмас эди. Ғарбий Турк хоқонлиги дулу ва нушиби қабилалари орасидаги ҳокимият учун ички курашлар туфайли таназзулга учрагач (740 й.), Шарқий Туркистоннинг ғарбий вилоятлари (Қошғар, Хўтон, Ёркенд), Фарғона водийсининг шимоли-шарқий қисми қарлуқлар қўлига ўтди. 766 йилда қарлуқларнинг зарби билан Еттисувда ташкил топган Туркеш хоқонлиги (707–766 йй.) ҳам тугади.

Қарлуқлар Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг ғарбий вилоятлари ва Фарғона водийсининг шимоли-шарқий ҳудудларини эгаллагунларига қадар, бу жойларда қадимдан туркий арғун, тухси, қарлуқларнинг илк аждодлари, туркаш, аз, уз, яғмо қабилаларига тегишли этник гуруҳлар яшаб келардилар. Улар бу заминга кириб келган қарлуқларнинг янги қабила иттифоқи жамоалари билан ёнма-ён ва аралашиб яшай бошлайдилар. IX аср 40-йилларига келиб, юқорида қайд этил-

<sup>1</sup> Шониёзов К. Узбеки-қарлуқи. Ташкент, 1964, с. 12–36. Его же. О роли карлуцкого компонента в этногенезе узбекского народа. ОНУ, № 6, 1981. С. 28–35; Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. 157-бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарк», 2001. – 158–159-бетлар.

<sup>3</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарк», 2001. – 160–161-бетлар.

ган катга ҳудудий доирада Қарлуқлар давлати ташкил топади. Қарлуқлар давлати таркиб топган ҳудудларда (568–740) 200 йил давомида Ғарбий Турк хоқонлиги ҳукмронлик қилиб, туркий этник қатламнинг бу ҳудудларда қалинлашишига ва муқимлашишига асос ярағиб кетган эди. Араблар истилолари ва ўзаро ички жанжаллар туфайли тарқалиб кетган Турк хоқонлигининг тарихда изи ўчиб кетмади. Унинг вайронларида бир қанча туркий қабилаларнинг бирлашиб бориши натижасида йирик қабила иттифоклари (Қарлуқ, Қирғиз, Уйғур, Хазар, Ўғуз ва бошқа қабила иттифоклари) ташкил топди, кичик-кичик давлатлар (Дунгхуан, Қорашахр, Бешбалиқ, Куча, Қошғар, Турфан, Ёркенд ва бошқалар) вужудга келди<sup>1</sup>. Турк хоқонлиги ҳудудий доирасида яшаган қабила иттифокларида ва сиёсий уюшмаларда иқтисод, маданият ривожланди. Хоқонликнинг барча ҳудуд аҳолисига тушунарли ёзув ва тил шаклланди<sup>2</sup>. Хоқонликлар даврида ташкил топган айрим этник уюшмалар (ўғуз, уйғур, қарлуқ, қипчоқ, қирғиз, дулу (дуғлат) ва бошқалар) ўрта асрлар давомида вужудга келган қатор элатларни (ўзбек, уйғур, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ) шаклланишига асос бўлдилар.

Араб тарихчиси Табарийга кўра, VII–VIII асрларда Балх, Тохаристон, Бадхиз, Кўхистон, Серахс, Чағониён, Бухоро, Чоч ва Фарғона аҳолисининг асосини туркий қавмлар ташкил этарди. Уларнинг орасида эса қарлуқларнинг ўрни катга эди. Ёзма манбаларга кўра, Сомонийлар билан Қарлуқлар давлати ўртасида маълум чегара белгиланса-да, аммо ҳозирги замон тасаввуридаги аниқ чегара бўлмаган. Туркий қабилалар Мовароуннаҳрга Сирдарёнинг шимолий ҳудудларидан эркин кўчиб келаверар эдилар.

Туркий қабилаларнинг Мовароуннаҳрга тинч ва осойишта кириб келиши арабларгача ҳам, араблар ҳукмронлиги даврида ҳам, ҳатто Сомонийларнинг туркий қабилаларни кириб келишига қарши воҳалар чегараларида мудофаа деворларини барпо этишларига қарамай узлуксиз давом этар эди. Бунинг оқибатида уларнинг ўтроқ ҳаётга кўчиши ва туб ерли аҳолининг турклашуви тезлашди. Мовароуннаҳрнинг туркий қавм ва қабилалар кенг тарқалган ҳудудда турк ижтимоий-иқтисодий таркиби ва уларнинг этносиёсий жиҳатдан уюлиши таъминланди. Худди шундай тарихий шароит Ўрта Осиё туркий қавмлари ҳаётида IX асрга келганда ўзининг юқори чўққисига чиқди. Айни вақтда турк этник қатлами орасида феодаллашиш жараёни жадал кечмоқда эди. Бу жараён олий ҳокимиятдан мустақил сиёсат юритиш учун интилаётган юқори табақа вакиллариининг ўзаро узлуксиз урушлари, талончилик юришлари билан бирга содир бўлмоқда эди. Чорвадор минтақаларда бу фсодал бебошликларга барҳам бериш учун кучли давлат ҳокимияти керак бўлади. Ана шундай кучли давлат ҳокимияти маълум бир етакчи қабила асосида таркиб топади. Демак, этносларнинг ўзаро яқинлашиш жараёнларида маълум бир этник гуруҳ етакчи роль ўйнайди. Бошқа этник гуруҳлар шу етакчи гуруҳ (қабила) атрофида жипслашиб, у билан тил ва

<sup>1</sup> *Малаявкин А.Г.* Уйғурские государства в IX–XIII вв. Новосибирск, 1983. С. 215–223.

<sup>2</sup> *Шокиёзов К.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 151-бет.

этномаданий, худудий ва иқтисодий-хўжалик жиҳатдан яқинлашиб боради<sup>1</sup>. Этногенетик жараён ниҳоясига етганда, аниқ бир худудда жойлашган этник бирликлар маълум ривожланиш поғоналарини ўтиб, бир-бирлари билан қоришиб, бир тилда ёки бир-бирларига яқин лаҳжаларда сўзлашувчи, қарашлари қўп жиҳатдан умумий бўлган сиёсий уюшма ташкил топади. IX аср турк дунёсида ана шундай сиёсий уюшма Қарлуқ қабила иттифоқи эди. Бу туркий қабилалар иттифоқи худудий доирасида Қарлуқ давлати аҳолисининг тили шаклланиб борди. Таниқли тилшунос Н.А. Баскаков таъбири билан айтганда, айнан қарлуқ шеvasи асосида шаклланди<sup>2</sup>.

Махмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида туркий тиллар ҳақида гапириб, «Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил Ҳоқония ўлкасида яшовчи аҳоли тилидир»<sup>3</sup>, деган эди. Мазкур тил фақат туркий элатнинг жонли тили бўлибгина қолмасдан, балки қарлуқ Қорахонийлар давлатининг давлат тили ва адабий тили ҳам эди<sup>4</sup>. Бу тилда Аҳмад Юғнакийнинг (XII аср) «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар тухфаси) достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI асрнинг иккинчи ярми) «Кутадғу билиг» (Саодатга йўлловчи билим) асари, Аҳмад Яссавийнинг (XII аср) «Девони ҳикмат», «Ўғузнома» достони ва бошқалар ёзилган. Бу асарлар туркий тилнинг қарлуқ диалектида ёзилганлиги йирик тилшунос олимлар томонидан тан олинган<sup>5</sup>. Таниқли элшунос К.Шониевнинг таъкидлашича, қарлуқ шеvasига бошқа туркий қабила тилларига қараганда араб, суғдий, форс сўзлари олдинроқ кириб борган. Чунки, Қарлуқ-Қорахонийлар давлати таркибига кирган Етгисув, Шарқий Туркистоннинг ғарбий ўлкалари Мовароуннаҳрга туташ вилоятлар бўлиб, у ерларнинг қадимий ўтроқ аҳолисининг иқтисодий ва этномаданий таъсири бу тилда ўз аксини топишига реал ва кенг имкониятлар бўлган. Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий Фарғона қисми эса, унинг таркибида эди. Айнан мана шу тиллар муҳити таъсирида IX–X асрларга келиб, қарлуқ тили ўзининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари билан қадимги турк Ўрхун (Энасой битиклари тили) тилидан бирмунча фарқ қилган ва кейинчалик ўзбек этник помини олган туркий элатнинг тили бўлиб қолади<sup>6</sup>. Айниқса, бу тил Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида янада жадал ривожланиб, эски ўзбек тилининг шаклланишига ва ёзма ўзбек адабиётининг шаклланишига бошлашига олиб келади.

Қорахонийлар давлатининг илмий-маданий маркази Қошғарда фаи, адабиёт ва санъат ривожланди. Юқорида қайд этилган Махмуд Қошғарийнинг «Девону

<sup>1</sup> Шониев К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: «Шарқ», 2001. – 257-бет.

<sup>2</sup> Баскаков Н.А. Тюркские языки. Москва, 1961. С. 170–177; Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. «Народы Средней Азии и Казахстана». Москва, 1962. С. 117, 119, 128, 129.

<sup>3</sup> Махмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. (Таржимон ва пашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. – Т.: 1960. – 65–66-бетлар.

<sup>4</sup> Баскаков Н. А. Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. «Народы Средней Азии и Казахстана». Москва, 1962. С. 128.

<sup>5</sup> Щербак А.М. Огузнаме. Мухаббатнаме. Москва, 1959. С. 108.

<sup>6</sup> Шониев К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 89-бет.

луғотит турк» асари Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳаккойк» асарлари биргаликда туркий ёзма адабиётнинг тамал тошини қўйиш баробарида, унинг келажagini ҳам белгилаб берди.

«Девону луғотит турк» туркий тилшуносликка оид қомусий асар бўлиб, унда ўнлаб туркий халқлар тарихига оид қадимги афсона ва ривоятлар, 200 дан ортик мақол ва маталлар, хикматли сўзлар, бир неча юзлаб шеърый парчалар келтирилган. Уларнинг кўпчилик қисми туркий элатлар оғзаки ижодига хос тўртликлардан иборат. «Девон»да келтирилган шеърлар туркий шеърятнинг асосий ўлчови бармоқ вазни эканлигини кўрсатади. Бир қисм шеърлар эса ислом даври шеърятига хос байт шаклида бўлиб, бу туркий адабиётда арузга ўтиш бошланганлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

Маълумки, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг тил хусусиятлари кўпроқ Еттисув, Шарқий Туркистон ва Энасой ҳавзаларида яшаган туркларнинг мақол, ашула ва тилларидан намуналар асосида қурилган. Асарда Тошкент воҳаси, Фарғона ва Зарафшон водийсида яшаган турк аҳолиси тўғрисида мисоллар учрамайди. Мовароуннаҳр туркларининг қадимги шимоли-шарқий эроний ва арабийлашган тил лаҳжаларидан мақол ва мисоллар олинмаган. Шунга қарамай, ўзбек тилининг туркий ўзаги Маҳмуд Кошғарий асарида тўлик ўз аксини топган.

Масалан, Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асарида келтирилган туркий сўз ва атамалар (от, киши, сўз, юз, кўк, тоғ, темир, ўғил, оғиз, кўз, ёғоч, ош, туз, қўй, бугдой, арпа, тарик, бош, этик, эшик, юк, йигит, ёш, ой, бағир, кўнгил, юрак, тун, кун, қуш, қурт каби номлар, узун, қиска, курук, кенг, қора, қизил, қаттик, оғир каби сифатлар, бир, икки, минг, каби саноклар, кес, ўтмас, эгилмас, кўринур, чиқар, тепмас, дема, кўрди, борди, тингла, тизилди каби феъллар) ҳозирги ўзбек тилида кенг учрайди<sup>2</sup>. Бу атама ва сўзлар туркман, қозок, қирғиз бошқирд, уйғур, татар ва бошқа туркий тилларда ҳам учрайди. Аммо, улар ҳар тилда ҳар хил фонетик хусусиятларга эгадир. Бироқ, ҳозирги туркий тилларнинг биронтаси ҳам қадимий туркий тилнинг бевосита давоми бўла олмайди. Чунки, ҳозирги туркий тилларнинг деярли ҳаммаси қатор ўзига хос хусусиятлари билан қадимий туркий тилдан фарқ қилади. Уларнинг ҳар бирини шаклланишида табиий-географик ва сиёсий омиллар ҳамда муомалада бўлиб келган муайян тил муҳити ўз аксини топган. Демак, ўзбек тилининг улардан фарқ қилишида, қарлуқ-чигил лаҳжалари асосида қурилган Хоқония тилидан ажралиб чиқишида Мовароуннаҳрдаги ўша давр ижтимоий ва сиёсий тил муҳити катта роль ўйнаган.

Энг муҳими, XI–XII асрлар давомида Маҳмуд Кошғарийнинг «Хоқония тили» таркибидан ҳозирги замон ўзбек тилининг асослари ажраб чиқди. Шунинг учун ўзбек тили «Хоқония ўлкаси»да яшовчи туркий халқларнинг энг равон ва очик қарлуқ-чигил лаҳжаси асосида қурилган тилдан ва кейинроқ шаклланган бошқа

<sup>1</sup> *Очилов Э.* Ёзма адабиёт. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Т.: 2006. – 511-бет.

<sup>2</sup> *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. М. – Л.: 1951. С. 27. Л.: 1951. 27–33, 306–311.



қўшни туркий тиллардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади. Бирок, бу китобхонда ўзбек тилининг асосида туркий тилларнинг қарлук-чигил лаҳжаси ётмаган, деган маъно келиб чиқмайди. Чунки, ҳозирги замоннинг барча тиллари, тилнинг ривожланиш қонуниятига кўра, ўзга тиллар ҳисобига бойиб, мукамаллашиб боради. Ҳеч бир тил ўзининг қадимий ўзагидан бевосита, бошқа тиллар таъсирисиз ривожланмайди. Бундан қарлук-чигил лаҳжаси асосида таркиб топган ўзбек тили ҳам мустасно эмас. Шу боис, XI–XII асрларда муайян элат тили сифатида шаклланган ўзбек тили ўзининг бой луғат фонди билан фарқ қилиб, янги сўзларни яратилиши, яъни ўзга ўзакнинг туркийлашиши билан бойиб борди. Бу ажодларимиз орасида суғорма дехқончилик, хунармандчилик ва этномаданий хўжалик тараққиёти натижасида содир бўлди. Чунки, бу тараққиёт янги сўзларни топишга олиб келди. «Чи», «лик», «моқ», «сиз», «иш», «дош» каби сўз ясовчи суффикслар ёрдами билан айрим сўзлардан бир қанча янги сўзлар яратилди. Масалан, «йўл» сўзидан «йўлдош», «йўловчи», «йўлловчи», «юр» феълидан «юрмоқ», «юрадиган», «сув» сўзидан «сувчи», «сувлиқ», «сувсиз» каби сўзлар пайдо бўлди. Бу биринчидан.

Иккинчидан, ўзбек тилига бир қанча араб ва форс сўзлари кириб, улар ҳам ўзбек тилидаги умумхалқ элементларини маълум даражада кучайтирди. Бундай сўзлар ўзбек тили таркибида катта ўрин тутибгина қолмасдан, ўз шакллари саклаб қолган ҳолда, маҳаллий диалектлар таъсирига ҳам учради. Айни бир вақтда бу сўзлар ўзбек тили билан Ўрта Осиёдаги бошқа туркий тиллар ўртасидаги айирмани янада кучайтирди<sup>1</sup>. Учинчидан, бу даврда ўзбек тили ўзига хос грамматик тузилиш ва фонетикасига, морфология ва лексикасига эга бўлди. Ўзбек тилига хос муҳим хусусиятлардан бири сўз бошида «д», «г» фонемалари ўрнига «т», «к» фонемаларининг ўрнашиб олиши бўлди. Шу билан ўзбек тили туркман ва озарбайжон тилларидан фарқ қиларди. Масалан, туркман тилида «душ», «гўз» ёзилса, ўзбек тилида «туш», «кўз» ёзилади. Айрим сўзлар охирида «в», «у» фонемалари ўрнини «ғ» фонемаси эгаллаб олди. Масалан, «сов» ўрнига «соғ», «тов -тоу» ўрнига «тоғ» талаффуз қилинадиган бўлди. Шу билан бирга, яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳозирги ўзбек тилида қадимий туркий тилларнинг бошқа янги туркий тилларда учрайдиган айрим элементлари сақланмади, деган сўз эмас. Бундай атамалар шубҳасиз ўзбек тилида ҳам учрайди. Бирок, улар ўзбек тилининг асосий хусусиятларини белгилаб бера олмайди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. (Дорулфунунлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун дарслик) Тошкент «Ўқитувчи» нашриёти, 1995, 31–313-бетлар; Ваҳобов М.В. Ўзбек социалистик миллати. Тошкент, 1960. 36–37-бетлар.

<sup>2</sup> Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. (Дорулфунунлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари талабалари учун дарслик) Тошкент «Ўқитувчи» нашриёти, 1995, 37–44, 61-бетлар; Маллаев Н.М. Ўзбек адабий тили. Тошкент, 1976, 98-бет; Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожик-форсча ва арабча сўзлар. «Навойига армуғон» тўплам. Тошкент, «Фан», 1968, 123-бет; Ваҳобов М.В. Ўзбек социалистик миллати... Тошкент, 1960, 37-бет.

XI–XII асрлар давомида шаклланган ўзбек халқига хос тил ўз даврининг бошқа туркий тилларидан ўзининг луғат таркиби билан ҳам фарқ қилади. Чунки, унинг таркибида, юқорида кайд қилинганидек, араб ва форсча сўз ва атамалар кўпроқдир. Шу билан бирга, араб ва форсча суффикс ва аффикслар воситаси билан туркий ўзак сўзлардан янги сўзлар ҳам яратилган. Масалан, ўзбек тилида «одам», «китоб», «осмон», «нон» каби араб ва форсча сўзлар билан бир қаторда, айрим туркий ўзак сўзларга «бе» каби аффикслар, «дор», «зор» каби форсча суффикслар кўшилиб, янги сўзлар яратилди. Натижада, ўзак «сув» сўзидан «бесув», «қарз» сўзидан «қарздор», «бугдой», «арпа» сўзларидан «бугдойзор», «арпазор» каби янги сўзлар яратилиб, ўзбек тилининг луғат таркиби маънодор сўзлар билан бойиди. Айрим қадимий туркий сўзлар ўрнини, яъни туркий «очун» сўзи ўрнини «олам», «дунё», «жаҳон» сўzlари ишғол қилди, ёки туркча «кўк» сўзи қаторида «осмон», «фалак». туркча «куёш», «кун» қаторида «офтоб» каби сўзлар ҳам ишлатила бошланди.

Шундай қилиб, ўзбек тилининг луғат таркиби Мовароуннахр ва унга туташ вилоятлар доирасида қарлуқ-чигил туркий ўзакка араб ва форс аффикс ва суффиксларини кўшилиши натижасида бойиб борди ва ўзбек этносига хос тил хусусиятлари шаклланиб борди. Бунга XI–XII асрларда Ғарбий Қорахонийлар давлати худудий доирасидаги турк бўлмаган этник омиллар таъсири катта бўлган. Ўзбек тарихий тилшунослигида ҳозирги ўзбек тилининг грамматик тузилиши ва фонетикаси, морфология ва лексикасидаги асосий хусусиятлар XIII–XIV асрларда ёзилган асарларда илк бор учраганлигини асос қилиниб, ўзбек тили мустақил элат тили сифатида XIV асрда шаклланди, деган хулосага келинди.

Тарихий тилшуносликда Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида (Мовароуннахрда), фан араб тилида, адабиёт эса анъанавий равишда форс тилида олиб борилгани ҳисобга олинмади. Туркийзабон маҳаллий ўтроқ аҳоли сартлар ағалиб, турклар ва туркийлашган суғдийларнинг сарт тилида ёзилган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва Аҳмад Яссавийларнинг «Ҳикматлари» йўқ жойдан пайдо бўлмаган. XIII–XIV асрларда майдонга келган ўзбек тили ёзма асарлари ана шу жонли сарт тилида ўз ифодасини топган. Шу сабабли, ўзбек тилининг шаклланишини ёзма асарлар пайдо бўлган вақт билан белгилаш нотўғридир. Элат тили ёзма асарлар пайдо бўлишидан олдин шаклланиб ривожланиши мумкин, ёзма асарларнинг пайдо бўлиши элат тилининг шаклланиш белгиси бўла олмайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари исломий туркий адабиётни бошлаб берди, уни янги тараққиёт босқичига кўтарди. Бу асар нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналарини, балки форсий сўз санъати тажрибаларини ўзлаштирган ҳолда яратилди. Туркий ёзма адабиётнинг, биринчи навбатда, ўзбек ёзма адабиётининг яна бир ёрқин намунаси адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» достонидир. Асарга Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маънолари сингдирилган. У ислом ахлоқини ташвиқ қилиш, комил инсонни тарбиялаб етиштириш мақсади билан яратилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Очилгов Э. Ёзма адабиёт. ЎзМЭ, 12-жилд, 511-бет.

Туркий тилшунос олим Е.Э. Бертельс бу асар қадимги ўзбек адабий тилидан мумтоз ўзбек адабий тилига ўтишда бир кўприк бўлганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Асар тилида қадимги туркий сўзлардан кўра, араб ва форс сўзларининг кўп қўлланганлиги кўзга ташланади. Туркий ўзбек адабиётининг кейинги тараққиёти Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ. Унинг «Девони ҳикмат»ида Қуръон маънолари талқини, ислом аҳкомлари ва тариқат асослари шарҳи, илохий ишк мавзуси, насихат ва эзгу ахлоқ таърифи, нафс танқиди, фалсафий муҳокама-мушоҳада этиш ғоялари ставкчи ўрин тутди<sup>2</sup>.

Бу даврда туркий адабиёт араб ва форс тили, адабиёти, ислом дини ва тасаввуф фалсафаси таъсирида ривожланди. Бу даврда Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт юксак даражада ривожландики, бу даврни «илк Уйғониш даври» деб аташга ҳамма асослар етарли эди. Бу кўтарилиш, илк уйғониш тилда ва ёзма адабиётда ҳам кузатилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Қорахонийлар давлатининг таъсир доираси Етгисувдан то Қадимги Фарғонанинг шарқий ҳудудларигача, ундан Сирдарёнинг ўрта хавзаларигача чўзилган ҳудудларга ёйилган эди. Элшунос К.Шониёзов таъкидлаганидек, IX–X асрларда сиёсий ҳокимият Мовароуннаҳрда форсий тилли сомонийлар қўлида бўлса-да, унинг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий вилоятларида, Қарлук-Қорахонийлар давлати доирасида, ўзбек элтининг туркий асоси қурилиб бўлган эди. Бу эса, кейинчалик ўзбек номини олган халқнинг сиёсий жиҳатдан уюшиши учун IX–X асрларда қўйилган ўша туркий этник асос мустаҳкам пойдевор бўлди. Айнан шу йирик туркий этномаданий ҳудудий яхлитлик ўзбек халқи этногенези тарихида муҳим фундаментал асос, бешинчи босқич сифатида характерланади.

Агар ўзбек халқи этногенезининг Қорахонийлар даврига қадар ўтмишини яна бир бор эслайдиган бўлсак, тарихда туркий аҳоли қадимдан суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар, Чоч ва Парғаналиклар билан ёнма-ён, баъзида бир қишлоқ ва шаҳар ҳудудий доирасида бирга яшаб келганлар. Айниқса, уларнинг аксарият кўпчилиги Мовароуннаҳрда жойлашган эдилар. Суғдийларнинг айрим гуруҳлари оилалари билан IX–X асрларда Етгисувда, Шарқий Туркистон ва Жанубий Сибирда, ҳатто Хитой деворига қадар бўлган минтақаларга ёйилган эди. Тарихий манбаларга кўра, милодий VI–VIII асрларда мазкур ҳудудларда, ҳатто суғдийларнинг айрим тижоратчи жамоалари таркиб тошган эди. Хитой сайёҳи Сюань Цзянь Чу ва Талас водийларидан ўтганда (630 й.) бу ерларда яшовчи суғдиёналик жамоаларини учратган<sup>3</sup>. VII асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Мўғулистон ҳудудида яшовчи суғдийларга Турк ҳоконлиги томонидан уларга жамоа бўлиб яшашлари учун ҳатто, ер ажратиб берилган<sup>4</sup>. Унга дарёсининг Анга-

<sup>1</sup> Очилов Э. Ёзма адабиёт. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Т.: 2006. – 511-бет.

<sup>2</sup> Очилов Э. Ўша асар. 12-жилд, 511-бет.

<sup>3</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 260-бет.

<sup>4</sup> Pulleyblank E.G. Sogdiana colony in inner Mongolia, Toyang, vol. 417, 1952 p. 323–324.

ра дарёсига қўшилиш яқинида суғд савдогарлар жамоасининг VII асрга тегишли қабристови тошилган<sup>1</sup>. 758 йилда суғдлар хитойликлар билан биргалликда уйғур хони учун Селенга дарёси соҳилида Бой-Балиқ шахрини курганлар<sup>2</sup>.

Ишбилармон суғдийлар Мовароуннаҳрдан шарққа томон чўзилган ҳудудларга савдо-сотик ва хунарманд-талбиркор сифатида қанчалар чуқур кириб бормасинлар, сон жиҳатдан туркий этносларга нисбатан жуда оз бўлганлар. Уларнинг айрим ишбилармонлари турк хоқонларининг саройида хизматда бўлиб, ҳатто катта лавозимларни ҳам эгаллаганлар. Масалан, Ань-Суй Цзя исмли суғдлик савдогар Мўғулистон ҳудудини бошқарган турк хоқонларидан бири Дуланнинг энг яқин кишиларидан бири бўлган<sup>3</sup>. Шарқий турк хоқони Шибо (609–619 йй.) саройида, хоқонга маслаҳатчи бўлиб Шиши Хуси номли суғд ишлаган. VIII аср бошларида суғдиёналик Ань-Ян<sup>4</sup> Шарқий турк хоқонлиги ҳарбий қўшинларининг бош қўмондони бўлган ва Ашина аслзодаларидан бирига куёв бўлган<sup>5</sup>. Бундай мисолларни чеки йўқ.

Араб-форс тилли манбаларда қайд этилишича, туркий халқлар қайси ҳудудда яшамасинлар, ўша жойда суғдийлар турли нисбатда мавжуд эдилар. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Кошғарий ўз даврида кенг тарқалган қуйидаги халқ мақолини келтиради: «Тотсиз турк бўлмас, бошсиз бурк (қалпоқ–А.А.) бўлмас»<sup>6</sup>. IX–X асрларда чорвадор кўчманчиларнинг қабилавий тузумида, турмуш тарзида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Кўчманчи этносларда турғун ҳаёт кечиришга интилиш кучаяди<sup>7</sup>. Айниқса, бу жараён қарлуқ ва чигил қабилалари ҳаётида ёрқин кўзга ташланади. Чунки, бу икки қабила аргун, тухси, туркеш ва бошқа туркий этнослар билан иттифокликда суғдий, хоразмий, Тохаристон, Чоч ва Қадимги Фарғонанинг ўтроқ маҳаллий аҳолисига яқин, ёнма-ён яшаб келар эдилар. Булар орасидаги бир неча асрлар давомидаги тинч, осойишта иқтисодий ва маданий алоқалар, этнокоришув жиқслашишлар уларнинг ўтроқлашишига, бир жойда муқим яшовчи турғун туркларга айланишида катта роль ўйнади. X аср ўрталарида Қарлуқлар давлатининг давоми сифатида Қорахонийлар сулоласи ҳокимият тенасига келиб, X аср охирлари ва XI аср бошларида Мовароуннаҳр Қорахоний турклари тасаруфига ўтгач, бу жараён оммавий тус олди.

Бу масалада туркий уруғ ва қабилаларни ўзаро ва уларни ўзга этник гуруҳ аслзодалари билан бўладиган никоҳлар элатнинг шаклланишида муҳим роль

<sup>1</sup> *Окладников А.П.* Новые данные по истории Прибайкалья в тюркское время (согдийская колония на р. Унге). «Тюркологические исследования». М. – Л., 1963. С. 43.

<sup>2</sup> *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. М. – Л., 1959. С. 43; *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские рунические памятники. М., 1964. С. 120..

<sup>3</sup> *Pulleyblank E.G.* Sogdiana colony in inner Mongolia, p.318.

<sup>4</sup> Хитой тилига ўгирилган суғдларнинг номи олдида «Ань» қўшилса, Бухоролик суғдлардан бўлган. Агар «Кань» қўшилса, унинг келиб чиқиши Самарқандлик бўлган. Қаранг: *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древнейшие времена. Т. III. С. 161, 164, 165.

<sup>5</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарк», 2001. – 261-бет.

<sup>6</sup> *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғотит турк. 66-бет.

<sup>7</sup> *Шониёзов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарк», 2001. – 264-бет.

ўйнаган. Мовароуннахр ва Еттисувда яшовчи туркий қабила ва элатларнинг кўпчилиги, академик К.Шониёзовни таъкидлашича, бир уруғ ва жамоа аъзолари орасида жинсий муносабатларнинг бўлишини тақиқламаганлар, яъни эндогамик никоҳ ҳукм сурган. Никоҳнинг бу тури уруғ ва қабилаларнинг ҳамда турғун аҳолини бир-бири билан яқинлашиши учун муҳим омил ҳисобланади. Кези келганда нафақат бошқа қавм-қариндош бўлмаган туркий элатлар билан, ҳатто бошқа тилдаги ва диндаги кишилар билан қудабанд бўлишганлар. Шундай қилиб, никоҳ қудабандлик йўли билан элатлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қоришиб кетганлар<sup>1</sup>. Бу қудабандлик никоҳ анъанаси Турк хоқонлигининг бошқарувида вассал ҳукмдорлар учун «кўрагонлик тизими»ни жорий этишга олиб келган. Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида этнослараро бундай никоҳнинг мавжудлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бундай никоҳ жараёни Қорахонийлар даврида бўлмаган, деб ким ваколат бера олади. Аммо, этнослараро никоҳ, ўзга давлатлар аслзодалари билан бўладиган никоҳ ўта таъсирчан кучга эга бўлган. Бу никоҳ жараёни орқали кишилар, уруғ ва қабилалар, ҳатто давлатлар ўртасидаги зиддиятларни юмшатиш, олдини олиш мумкин бўлган.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида IX–X асрларда Сомонийлар давлати ҳукмрон эди. Исмоил ибн Аҳмад даврида (892–907 йиллар) Сомонийлар давлати марказлашган кучли феодал давлатга айланиб, унда иқтисод, маданият, илм-фан янада тараққий этади. Аммо, X асрнинг иккинчи яримидан ички зиддиятлар туфайли, сомонийлар ҳокимияти кучсизланиб боради. Унга тобе бўлган вилоятларда (хусусан Хуросонда) сомонийлар ҳокимиятига қарши кўтарилган исёнлар, ворислар ўртасида тахт учун бетиним курашлар, Сомонийлар давлатини заифлаштишга олиб келади. Бундай вазиятдан Қарлук-Қорахонийлар давлати фойдаланиб қоладилар<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, X асрнинг охири – XI асрнинг бошларига келиб, Мовароуннахрнинг барча ҳудудларида туркий Қорахонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди<sup>3</sup>. Эндиликда, Қошғардан Амударёгача, Шарқий Туркистоннинг катта қисми, Еттисув, Тошкент воҳаси, Қадимги Фарғона, Қадимги Суғд ва Бактрия-Тохаристонни ўз ичига олган катта ҳудудий географик кенгликда Қорахонийлар давлатини ташкил топиши ўзбекларнинг халқ сифатида узил-кесил шаклланишнинг кўрсатувчи этник белги эди.

X асрнинг охири ва XI асрнинг бошларида Сомонийлар давлати ағдарилиб, жанубий чегаралари Амударёгача бўлган ҳудудларда Қорахонийлар давлати барпо этилгач<sup>4</sup>, ўзбек халқи этногенези тарихида унинг халқ сифатида шаклланиши

<sup>1</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 260-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Арабские завоевания в Туркестан при Саманидах. Соч. Т. II, часть 2. С. 522–523; Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 235-бет.

<sup>3</sup> Ибн ал Асир. Китаб ал-Камил фи-тарих. Пер. с арабского К.Б. Старковой. «Материалы по истории киргизов и Киргизии». М., 1973. Т. I. С. 57.

<sup>4</sup> Ал-Утби. «Тарих-и Йамани». Пер. с перс. М.А. Салахитдиновой. В кн. материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. Ташкент, 1988. С. 26–27.

учун зарур бўлган деярли барча этник омиллар ва белгилар содир бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, маълум бир йирик худудий-географик доирада моддий ва маънавий маданият бирлиги, антропологик тип бирлиги, туркий этник асосда таркиб топган ўзликни англаш ва ҳукмрон туркий этник асос атрофида жипслашган ва икки тиллилик белгилари асосида қурилган сиёсий давлат уюшмаси ташкил топди.

Этнологик назарий қарашларда давлат сиёсий уюшмасини ташкил топиши муайян халқнинг узил-кесил шаклланганлигидан далолат беришини билдирган. Мана шу назарий қарашларга асосланган баъзи бир тарихчилар X асрнинг охири – XI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр ва Хоразм воҳаси худудларининг Қорахонийлар давлати таркибига кириши муносабати билан ўзбек элати халқ сифатида шаклланди, деган хулосага келадилар. Аммо, бу йирик сиёсий уюшма, яъни Қорахонийлар давлати буюк Туркистон элининг барча туркий халқларига тегишли, яъни ўзбеклар, козоқлар, туркманлар, уйғурларнинг ҳам бирлашган давлат уюшмаси эди.

Шу билан бирга, унинг худудий доирасида иқтисодий ва этномаданий таракқиёт даражаси ҳар хил, нотекис бўлган туркий элат ва қабилалар яшар эди. Бу давлат туркий тилларнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи элатларнинг сиёсий уюшмаси бўлгани боис, хоқонлик таркибидаги ҳар бир элатнинг иқтисодий-хўжалик характери, ўзига хослиги билан, этномаданий ва этнопсихологик жиҳатлар бўйича ҳам бир-бирларидан фарқ қиларди. Хоқонликнинг ғарбий худудларининг аксарият аҳолиси ўтроқлашган, унинг туркий аҳолиси тилининг арабий-форсий тиллар билан омукталашганлиги билан улардан тубдан фарқ қилар эди. Бу ҳолатни биз юқорида Хокония тили ва ёзма адабиёти мисолида кўрдик. Агар биз юқорида келтирилган мисоллардан келиб чиқиб, илмий асосли хулосага келадиган бўлсак, ўзбек халқининг узил-кесил шаклланиши учун зарур бўлган этник омилларининг энг муҳимларидан ҳисобланган тил бирлиги ва этносга монанд сиёсий давлат уюшмаси етишмас эди. Жонли эски ўзбек тилининг таркиб топиши, унинг умумтурк тилидан ажралиб чиқиши учун тегишли шарт-шароитлар ва вақт керак эди. Тарих тақозоси билан бу муаммо ҳам ўз ечимини топди, яъни XI асрнинг ўрталарида (1041 йилда) Қорахонийлар давлати иккига ажралиб, унинг Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида жонли эски ўзбек тилининг қарлуқ-чигил лаҳжалари асосида ривожланишига сиёсий ва этномаданий имкониятлар яратилди. Бу заминда қадимдан катта қисми ўтроқлашиб улгурган турк, калтагой, қарлуқ, чигил, тухси, арғун, мусабозори, туркаш каби туркий қабилалар сўғдийзабон аҳоли билан ёнма-ён ва бирлашиб яшаб, Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий тил муҳитининг устунлигини ташкил этган эдилар. Оқибат натижада, минтақанинг сўғдий, хоразмий ва бохтарий этник қатламларининг тил жиҳатидан туркийлашиш жараёнлари жадал кечади. Мавжуд туркий сиёсий ҳокимиятлар (Қарлуқ-Қорахонийлар ва Ғарбий Қорахонийлар давлати) ўз навбатида, икки тил жамоалари орасидаги иқтисодий, этномаданий алоқаларни туркийлар фойдасига хизмат эттириш сиёсатини олиб борадилар, бу алоқалар этник қоришувлар даражасига кўтарилади. Натижада, туркий тилнинг қарлуқ-чигил

лаҳжаси Ғарбий Қорахонийлар давлати даврида жонли эски ўзбек тили сифатида бошқа туркий тил лаҳжаларидан ажралиб чиқади. Бу объектив тарихий далиллар айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларининг барчасини камраб олган Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида юз беради.

Бу жараёнлар ўзбек этногенезининг якуний олтинчи босқичини англатар эди. Агар бу этногенетик жараёнларни бизгача етиб келган илмий ва бадиий асарлар тили асосида таҳлил этадиган бўлсак, у ҳолда Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиблар асарлари эски ўзбек тилининг шаклланиши учун биринчи фундаментал асос сифатида хизмат қилган бўлса, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавий асарларининг тили ўзбек халқи жонли тили асосида ривожлана бошлаган эски ўзбек адабий тилининг намунаси эди.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари ва унинг теваарак-атроф ҳудудларида камида икки ярим минг йил давом этган этногенетик жараёнлар натижасида, яъни сугдийлар, хоразмийлар, бохтарийлар ва сақларнинг шу заминда бронза давридан бошлаб, улар билан ёнма-ён яшаб келаётган туркийзабон қабила ва қавмлари билан аралашуви, қоришуви натижасида, ўзбек халқи XI асрда тўла-тўқис, XII асрда эса узил-кесил шаклланди, дейиш мумкин. Бу этногенетик жараёнлар ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятида ҳамда ҳозирги замон ўзбекларининг жисмоний қиёфасида ўз аксини топган.

Этногенетик жараёнларнинг жадал кечиши баробарида ўзбек тилининг луғат таркиби Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятлар доирасида қарлук-чигил туркий ўзақка араб ва форс аффикс ва суффиксларини қўшилиши натижасида бойиб борди ва ўзбек этносига хос тил хусусиятлари шаклланиб борди. Бунга XI–XII асрларда Ғарбий Қорахонийлар давлати ҳудудий доирасида эски ўзбек тилининг шаклланишида минтақанинг турк бўлмаган этник омилларини таъсири катта бўлган. Ана шу ҳолатни ўзида акс эттирган асарлар мавжуд. Масалан, А.Аҳмедов «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» китобининг қўлёзмасига ёзган тақризида, Умар Хайёмнинг XI асрни 70-йилларида Самарқандда бўлган кезларида ёзган «Наврўзнома» асаридан парча келтиради. Парчада туркларнинг афсонавий ҳоқони Афросиёбни от ҳақида айтган сўзи эслатилади: «Асп бар малик чунон астки, моҳ бар осмон» яъни «от эрга андоқким, кўкка Ой». «Андоқ» сўзи тилшуносларнинг таъбири билан айтганда бошқа туркий халқларда ишлатилмайди. Демак, эски ўзбек тили XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрда шаклланиб бўлган дейишга асос бор.

Аммо, ўзбек тарихий тилшунослигида ҳозирги ўзбек тилининг грамматик тузилиши ва фонетикаси, морфология ва лексикасидаги асосий хусусиятлар XIII–XIV асрларда ёзилган асарларда илк бор учраганлигини асос қилиниб, ўзбек тили мустақил элат тили сифатида XIV асрда шаклланди, деган хулосага келинди. Бундай хулоса XIII–XIV асрларда ёзилган асарларга асосланган. Аммо, унгача халқнинг жонли тилини ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам Умар Хайёмдан келтирилган парча муҳим аҳамият қасб этади.

Шундай қилиб, ўзбек тили алоҳида элат тили сифатида XI–XII асрларда шаклланди. Бу даврда Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм воҳаларида яшовчи аҳоли орасида қадимий суғдий, хоразмий ва Хоқония тилларининг ўрнини эски ўзбек тили эгаллади. Бунга XIII асрда Хоразмда туркий тил грамматикаси яратилганлиги, Тошкент шаҳрининг эски суғдийча номи «Бинкет» «Тошкент» атамаси томонидан суриб чиқарилгани, Мовароуннаҳр ҳудудларида жуда кўп шаҳар ва қишлоқларнинг номи – «Туркистон», «Намудлиғ, Абрлиғ, Арпалиғ, Сойлик, Итлик, Хотункат, Барскаг, Жабғукат, Арсланкат, Йағузлиғ, Йақалиқ, Ачиғ, Жадғал (Чатқал), Чимкент», «Сайрам», Ўзган», «Қумқўрғон», «Каттақўрғон» каби туркий атамалар билан ифода этилиши далил бўла олади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927. С. 83.



---

## XIII бoб

### XIII–XIV АСРЛАРДА МОВАРОУННАХР ВА УНГА ТУТАШ ХУДУДЛАРДА ЭТНОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Ғарбий Қорахонийлар (улуғ хонлар) давлати даврида шаклланган ўзбек халқи тарихида XIII аср бошларига келиб Мовароуннаҳрда сиёсий вазият бирмунча мураккаблашади. 200 йил давом этган Қорахонийлар ҳукмронлиги Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан тугатилди. Аммо, Муҳаммад Хоразмшоҳ бу билан чекланмади, энди у ўз ҳарбий тажовузларини Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларига қаратди. У жойларнинг чорвадор қабилалари устига ҳарбий юришлар қилиб, ғарчи уларни ўзига тобе қила олмаса-да, талончилик билан шуғулланиб, аҳоли тинчлигини бузди.

Худди шу кезларда Или дарёси соҳилларида яшовчи найманлар кучайиб, Қорахитойлар давлати харобаларида (яъни Хотан, Ёркенд, Қошғар, Етгисув ва Фарғона водийси ҳудудларини ўз ичига олган) Кучлукхон бошлиқ янги найманлар давлати ташкил топади. Найманлар Етгисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи қорақидан, қипчоқ, қарлук, қанғли ва бошқа туркий қабилалар устига ҳарбий юриш қилдилар, бу жойларда яшаб келаётган мусулмон аҳолини таладилар ва қишлоқларини вайрон қилдилар, мусулмонларни таҳқирлаб, қувғинга олдилар. Нажижада, Кучлукхон билан мусулмон аслзодалари ўртасида муносабат ёмонлашади, очик адоватга айланади. Ниҳоят мусулмонлар Кучлукхондан юз ўгирадилар ва найманларнинг шафқатсизлигидан хўрланган қипчоқ ва қанғли сардорлари ёрдам сўраб, Чингизхонга мурожаат қилишга мажбур бўладилар.

Худди шу кезларда, яъни XIII аср бошларида Осиёда икки давлат (ғарбда хоразмшоҳлар ва шарқда мўғуллар) ўз даврининг қудратли буюк империялари сифатида тарих майдонига кириб келган эдилар. Осиёда иккита қудратли, рақобатчи давлатларнинг пайдо бўлиши ҳар икки томонни бўлажак ҳарбий тўқнашувларга олиб келишини тақозо этарди. Уларнинг бири анъанавий ўтрок иқтисодий хўжалик тарихий илдизларига эга, этномаданий ҳаётда юксак даражада ривожланган, диний ва дунёвий маънавияти бой мамлакат бўлса, иккинчиси, кўчманчи чорвадор жамоаларнинг уруғ-аймоқчилик анъаналари асосида таркиб топган босқинчи ҳарбий фсодал империя эди.

Феодал жамияти тарихида, унинг иқтисодий қудрати ўсишида халқаро савдонинг ўрни ва аҳамияти улкан эканлигини ҳар икки томон ҳам яхши тушунар эди. Халқаро савдонинг асосий таянч пунктларини ўз тасарруфига олиш йўлида, уларнинг ҳар бири очиқ ва хуфийна, зимдан ўзаро рақобатда бўлиб, бўлажак ҳаёт-мамонт курашларини бошлаш учун баҳона кидиришар, бу айниқса, Чингизхон дипломатиясида яққол кўзга ташланиб қолган эди.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, Буюк Хоразм давлати, айниқса, Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати том маънодаги қудратли феодал давлат бўлиб, иқтисодиёт, илм-фан ва маданият ривожланган, қудратли мунтазам армияга, кучли ҳарбий салоҳиятга эга эди. Аммо, XIII асрнинг бошларида Осиёда юз берган мураккаб сиёсий вазиятда Ўтрор воқеаси содир бўлиб, бу икки буюк давлатлар ўртасида очиқ ҳарбий тўқнашувларнинг келиб чиқишига баҳона бўлди. Ушбу уруш баҳонаси тарихда қуйидагича ифодаланади: Хоразмшоҳлар давлати Мовароуннаҳр ва унинг теварак-атрофидаги ҳудудларини ўз таркибига қўшиб олгач, истилочилик ҳарбий юришларини Хитойга қаратмоқчи бўлади. Бироқ, буни амалга ошириш учун эса, Хитойга бориш йўлида тўғаноқ бўлиши мумкин бўлган Найманлар давлатини бартараф этиши керак эди. Кутилмаганда, Муҳаммад Хоразмшоҳга 1215 йилда Чингизхон Хитойнинг пойтахти Пекинни босиб олгани, унинг фавқулодда кучли ҳарбий қудрати, чексиз ҳарбий салоҳияти ҳақида хабар етиб келади. Бу хабарни хуфийна текшириш мақсадида дарҳол Хоразмшоҳ Муҳаммад катта совға-саломлар билан Хитойга элчи юборади. Чингизхон мусулмонлар билан савдо қилиш фойдадан холи эмаслигини ҳисобга олиб, элчиларга ҳурмат изҳор этади ва ўзини Шарқнинг ҳамма нарсага қодир буюк ҳукмдори эканлигини таъкидлаб, Муҳаммад Хоразмшоҳни эса, Ғарбнинг ҳукмдори сифатида кўришини элчига айтади.

Маълум вақт ўтгач, Муҳаммад Хоразмшоҳ Урганчдан Чингизхонга Кучлукхон давлатини четлаб, шимолий йўл орқали, катта совға-саломлар билан янги элчиларни юборади. Чингизхон бу сафар Хитойга тез-тез савдо қарвонлари билан бориб ном чиқарган Маҳмуд Ялавоч бошлиқ савдо қарвони билан жавоб элчисини юборади. Чингизхон Муҳаммадга йўллаган хатида Хоразмшоҳни қудратли давлат сифатида билишини, уни сеvimли ўғиллари қаторида кўриб, Хоразм давлати билан тинчлик сулҳи тузишга рози эканлигини изҳор этган. Аммо, Чингизхон мактубининг «Муҳаммад Хоразмшоҳни ўз ўғиллари қаторида кўриши» ҳақидаги банди Шарқ дипломатиясида унга вассал сифатида қарашликни англатар эди. Мактубнинг бу банди ўзини соний Искандар ва иккинчи Султон Санжар, деб ҳисоблагувчи Муҳаммад Хоразмшоҳга ёкмади.

XIII аср тарихиси Муҳаммад Насафийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ кечаси хуфийна элчини ўз ҳузурига чақириб, унга: «Агар сен ҳақиқий хоразмлик бўлсанг Чингизхонга эмас, балки менга хизмат этишинг керак», деб талаб қилади. Амалда эса, элчи Маҳмуд Ялавоч Хитойга қайтгач, ҳақиқий хоразмлик бурчини бажармаган, аксинча, Чингизхонга Хоразм давлати ҳақида кўпроқ маълумот берган.

Чингизхон соткин элчи келтирган маълумотлардан қониқиб, 1218 йилда 500 туяда юк билан 450 кишидан иборат элчилик савдо карвонини Урганчга юборади. Элчилик савдо карвонини аввалгидек, мусулмон савдогарлари бошқаради. Бироқ, карвон Урганчга етиб бормай, йўлда Ўтрор шаҳрида Хоразмшоҳ чегара қўшинлари томонидан қўлга олиниб, фавқуллода қочиб қутулган битта туякашдан бошқа элчилик карвонининг барча аъзолари қириб ташланади, савдо карвони эса таланади. Туякаш Мўғулистонга қайтиб, бўлган воқеадан Чингизхонни хабардор қилади. Ўтрорда отрядга шаҳар кальасининг комеданти Иналчик раҳбарлик қилган.

Муҳаммад Насафийнинг ёзишича, бундан Чингизхон қанчалар ғазабга келса-да, у Хоразмшоҳга элчи юбориб, Иналчикни унга топширишни талаб қилади. Хоразмшоҳ эса, аксинча, элчини ўлдириб, шерикларининг соқолларини қирдириб, қўйиб юборади. Шундан сўнг бу икки буюк давлатлар ўртасида уруш чиқиши муқаррар бўлиб қолди.

Хоразмшоҳ саройида душманни қапчалар айёр ва маккор, ваҳший ва қудратли эканлигини билишса-да, унга қарши тегишли чора ва тадбирлар ҳамда жанг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш, Олий бош қўмондон атрофида ватан фидойиларидан ташкил топган тажрибали, жасур ҳарбий қўмондонлар штабини тузиш ўрнига, Хоразмшоҳ онаси Туркон хотун қавмининг кизиққон, жиззаки қипчоқ ҳарбийларининг мавқеини оширди, армия бош штаби Қипчоқ қавмининг ҳарбий аслзодалари қўлига ўтиб, мамлакат ҳарбийлари орасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Мухолафатнинг аниқ ва жўяли таклифларига эътибор берилмади. Қипчоқлар раҳнамоси Туркон хотун ўз қавми вакилларини юқори лавозимларга кўтариш йўлида саройдаги барча фиску фасод ва ифволарга бошчилик қилади. Натижада Олий бош қўмондон томонидан душман ҳарбий қудратини баҳолай олмаслик, мухолафат томонининг амалий таклифларини камситиш оқибатида, уруш тақдирини унинг бошидаёқ душман фойдасига ҳал этиб қўйилган эди.

Инсоният тарихида XIII асрнинг 20-йилларида юз берган Чингизхон бошлик истилолар ва унинг оқибатлари бутун жаҳон тарихида энг мудҳиш давр бўлиб қолди. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари бошига тушган бир офат бўлди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган вайронгарчиликлар юз берди. Ўша даврлар тарихчиси Муҳаммад Насафийнинг ёзишича, 150 минглик қўшин билан Чингизхон ва унинг лашкар-бошилари Мовароуннаҳрнинг Самарқанд ва Бухорони, Урганч ва Хўжандни, Марв ва Термиз каби қатор шаҳарларини эгаллагач, беадад шафқатсизликлар бошланди. Улар мадраса ва масжидлардаги ҳужраларни ҳожатхоналарга айлантирадилар, муқаддас Қуръони карим ва бошқа диний китобларни сандиқлардан чиқариб, майдонларга улоқтирадилар, оёқ ости қиладилар, қуйдирадилар. Сандиқларни эса, отларига охур-емхона қилдилар. Барча уламою сайид имоми шайхларни мўғул аскарларининг отбоқарлари бўлиб ишлашга мажбур қиладилар. Бадавлат мусулмонларнинг мол-мулклари таланиб, бутун аҳоли қулларга айлантирилади, аёллар эса унинг ваҳший аскарларига улашиб берилади. Шаҳарларга бир

неча бор ўт қўйилади, илмлилар таҳқирланади. Самарқанд шаҳрида тирик қолган 50 минг эрқагу аёлни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, уларнинг ҳар бирини 200 минг дирҳамдан солиқ тўлашга мажбур қиладилар.

Ўрта Осиё халқлари устига уюштирилган мўғуллар босқини туфайли минтақада вайрон бўлмаган қишлоқ ва шаҳарлар қолмади, бу заминда асрлар давомида ривожланиб келаётган юксак деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданиятини бир неча йилларга издан чиқарди, шафқатсиз қирғинбаротлар туфайли мамлакат хувуллаб қолди. Душманга қаттиқ қаршилик кўрсатган айрим шаҳарлар (масалан, Самарқанд, Урганч, Хўжанд) аҳолисининг фақат тўртдан бири қолди, холос. Жон сақлаб қолган маҳаллий халқ (ўзбек ва тожиклар) оғир иқтисодий шароитда яшаганлар. Зироатчиликдан фидокорона меҳнат туфайли олинган ҳосил ҳам мўғуллар томонидан тортиб олинди. Воҳа атрофида кўчиб юрган чорвадорлар сони ҳам кескин камайиб кетди.

Чингизхон қўшинлари қайси қишлоқ ёки шаҳарга кириб бормасин, инсон ақли бовар қилмайдиган ваҳшийликларни амалга оширдилар. Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида бир бурда нон учун одам ўлдиришлар, ўғирлик авж олди. Мевазор боғлару узумзорлар, деҳқончилик далаларию, ҳунарманд дўконлари вайрон этилиб, ҳайвон боқиладиган далаларга айлантирилди. Азалдан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик издан чиқди, дарё ва сойларга солинган тўғонлар бузилиб, ариқ ва каналларга сув чиқмай қолди. Иқтисодиёт издан чиқиб, орқага кетди. Деҳқончилик майдонларининг ўндан тўққиз қисми ишдан чиқиб, ташландик ҳолга тушиб қолди. Ислоҳ дини ҳам ўз мавқеидан маҳрум этилиб, аянчли ҳолга тушиб қолган эди.

Мўғуллар босқинидан кейин Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси қарийб ярим аср давомида аввалги ҳолатини тиклай олмаганлар. Жон сақлаб қолган аҳоли эса ўз таркибига кўра, асосан, турғун туркий (ўзбек) ва сарт (тожик)лардан иборат бўлиб, ҳатто воҳалар атрофида кўчиб юрган чорвадорлар ҳам кескин камайиб, уларнинг кўпчилиги (мол-қўйларидан ажралиб, хонавайрон бўлганлари) шаҳар ва қишлоқларга иш қидириб кириб борадилар ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб, аста-секин турғун ҳаётга кўникиб яшашга мажбур бўладилар. Манбаларда ёзилишича, уларнинг кўплари ўз этник номларини ҳам унутиш даражасига бориб етадилар. Чунки ўз қавмидан ажралган этник гуруҳларнинг тақдири шундай тугагани тарихдан маълум.

Манбаларда 1219–1224 йиллардаги мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиёга кириб келган Чингизхоннинг 12 та қабила қўшинининг 4 таси (жалойир, барлос, арлот ва қавчин) мўғуллар бўлган<sup>1</sup>, дейилади. XIII асрнинг 60-йилларида ташкил топган Чигатой улусининг Ила дарёсининг жануби-шарқий

<sup>1</sup> Ушбу асар қўлёзма вариантининг А.Р. Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгашида муҳокамаси вақтида проф. А. Аҳмедов шу ҳақда гапириб, бу маълумот манбаларда келтирилган, деб ўтади. Бирок, уни қайси манбада тилга олингани ҳақида менинг изланишларим натижа бермади.

минтақаларидан то Амударёгача бўлган ҳудудларда ташкил топиши муносабати билан, уни ҳарбий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун ҳар бири минг уйли турк-мўғул қабилаларини кўчириб келтирилади. Улар айнан барлос, жалойир, қавчин ва арлот қабилалари бўлиб, жалойирлар Ангрэн ҳавзаси ва Хўжанд атрофида келиб ўрнашадилар.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг «Муқаддима»сида ёзилишича, мўғуллар наслидан бўлган жалойирлар ҳар бири минг оилали 70 уруғлардан ташкил топган Чингизхон салтанатининг кўчманчи қабилалар иттифокидан бўлган<sup>1</sup>. Рашидиддин ва Абулғозий Баҳодирхоннинг ёзишларича, жалойирларнинг илк аجدодлари Монголиянинг Онон дарёси ҳавзаларида яшаганлар. XIII асрнинг биринчи чорагида уларнинг бир қисми Ила дарёси ҳавзасига келиб ўрнашади. Шу асрнинг 60-йилларида эса, минг оилали жалойирлар Чигатой улусининг ҳарбий ҳимоячилари сифатида Мовароуннахрга кириб келиб, Оҳангарон водийси ва Хўжанд атрофларига келиб ўрнашадилар. Рашидиддин жалойирларни турклашган мўғуллар дейди, В.В.Бартольд<sup>2</sup> ва И.П.Петрушевский<sup>3</sup>лар эса жалойирларни мўғул тили халқ бўлган, дейдилар. Тилшунос олим С.А.Омонжолов эса, Рашидиддинга суяниб, жалойир қабиласи таркибида куриқип (бўри), тулангит уруғлари бўлганлигини қайд қилади<sup>4</sup>. К.Шониёзов куриқип ёкут ва Енисей (Энасой) қирғизларининг (хакаслар) илк аجدодлари турк тилида сўзлашувчи халқлар эдилар<sup>5</sup>, дейди.

Манбаларда ёзилишича, жалойирлар Амир Темур ва темурийлар давлатига хизмат қилган. Масалан, Баҳром жалойир дастлабки пайтларда Амир Темурга садоқат билан хизмат қилган, у билан Сейистондаги жангларда қатнашган. Амир Темурнинг набираси Жаҳонгир кўшини таркибида жалойирлар бошлиғи Баҳромнинг ўғли Одилшоҳ мулозим сифатида (ҳарбий кўшин бошлиғи) хизмат қилган<sup>6</sup>. Аммо, у хиёнат йўлига ўтиб, Сарибуга қипчоқ билан бирга Амир Темурнинг Хоразм юришлари чоғида Самарқандга юриш қилади. Темурзода Жаҳонгир уларни Кармана яқинида учратиб, қақшатқич зарба бергач, жалойирлар ва қипчоқлар Дашти Қипчоққа қочиб, жон сақлайдилар. Амир Темур эса, Мовароуннахрдаги жалойирлар улусини тарқатиб юборади. Бошлиқлари хиёнатидан норози бўлган бир қисм жалойирлар Ангрэн воҳасида қолиб, Амир Темурга сидқидилдан хизмат қилишда давом этадилар.

<sup>1</sup> Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-ҳудудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎЗМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 39-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Т. 5. С. 173.

<sup>3</sup> Петрушевский И.П. Рашидиддин асарига кириш сўзи. Қаранг: Рашидиддин, Сборник Летописей. 1952, т. 2, ч. 1. С. 29.

<sup>4</sup> Амонжолов С.А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. Алма-Ата. 1959. С. 43–45.

<sup>5</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 385-бет.

<sup>6</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий» – Т.: 1996. – 65-бет.

Амир Темур уруғи ҳисобланган барлосларга келганда, уларнинг ватани Онон ва Керулен дарёси ҳавзаларида бўлган. Чингизхон даврида улар ишончли ҳарбий кучга эга эдилар. Кубалай ва Қорачур барлослар Чингизхоннинг нуфузли амирларидан бўлганлар<sup>1</sup>. XIII асрнинг биринчи ярмида уларнинг бир қисми Ила дарёси соҳилларига, Шаркий Туркистоннинг ғарбий вилоятларига (Турфон ва унинг атрофларига) кўчиб келиб, шу асрнинг 60-йилларида Чигатой улусининг ҳарбий таянчларидан бири сифатида минг оила Кеш вилоятига кўчиб ўтадилар. Амир Темурнинг ота-боболари ана шу барлосларнинг бекларидан бўлган. XIV асрнинг ўрталарига келиб, барлослар тил жиҳатидан мутлако туркийлашиб кетадилар. Шу боис бўлса керак, Мовароуннаҳр барлослари энди ўзларини барлос турклари деб атайдилар. Барлос амирзодалари орасидан Амир Темурдек жаҳонгир етишиб чиқиб, барлослар Амир Темур давлати ва унинг ворислари даврида мамлакат сиёсий ҳаётида жуда катта нуфузга эга бўлганлар. Барлослар Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни чингизийзода мўғуллар (Туғлиқ Темур, Илёсхўжа) зулмидан озод қилиш учун курашларда фаол қатнашганлар. Шунинг учун уларнинг айрим гуруҳлари Темур ва Мирзо Бобур даврида Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Кашмиргача бориб ўрнашиб қолганлар.

Барлосларнинг этник таркиби ҳақида ҳам олимлар орасида баҳслар мавжуд. В.В.Бартольд барлосларни мўғул тилли халқлардан<sup>2</sup> дейди. Рашидиддин эса, барлосларнинг илк аجدодлари турк қавмидан бўлган эди. Кейин улар ёзма манбаларда мўғулларнинг нурун қабила иттифоқи таркибида тилга олинади<sup>3</sup>. Улар нурун мўғуллари қабила иттифоқи таркибида узок бирга бўлиб, мўғул тили ва урф-одатларини яхши ўзлаштирганлар. Ёзма манбаларни синчиклаб ўрганган хитойшунос олим А.Ю. Зуев барлослар келиб чиқиши жиҳатидан туркий халқ бўлган деган хулосага келади<sup>4</sup>. Амир Темур ва унинг ворислари ҳам ўзларини барлос турклари деб атаганлар. Шунинг учун ҳам Амир Темур 1370 йилги Балх қурултойида турк-мўғул анъанавий улумларига амал қилиб, Термиз сайидлари ва амирзода ҳарбийларининг хон сифатида давлат бошлиғи бўлишига розилик бермаган. Сўнг унинг таклифи билан Чингизийзода Туралмишхонни хон қилиб кўтарганлар. Барлослардан бўлган Мир Алишер Навоий, ота уруғи барлослардан, она уруғи дуғлат бўлган Мирзо Бобур ҳам ўзларини барлос турклари деб атаганлар ва туркий тилда ижод қилганлар.

Чингизийзода Чигатой улуси салтанатини ҳарбий кўриқчиларидан бири сифатида қавчинлар XIII асрнинг 60-йилларида Фарғона водийсига ва Қашқадарёнинг Гузар атрофларига келиб ўрнашадилар. Қавчинларнинг айрим гуруҳлари Қошғарда ҳам яшаганлар<sup>5</sup>. «Тарихи Рашидий»да қавчин қадимги тур-

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. «Зафарнома». – Т.: 1996. – 21-бет.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Том 5, С 178.

<sup>3</sup> Рашидиддин, ўша асар, 178, 198-бетлар.

<sup>4</sup> Зуев А.Ю. «Джами ат-таварих» Рашидиддина как источник по ранней истории жалойиров. «Письменные памятники востока, историко-филологические исследования» Ежегодник. Москва. 1972. С. 178–185.

<sup>5</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий». – Т.: 1996. – 373-бет.

кийда «ҳарбий» деган маънони англатади дейилган. Қавчинлар келиб чиқиши жиҳатидан туркий тилда сўзлашувчи қавмлар эканлиги тарихий ҳақиқатдир.

Мазкур этник гуруҳ ҳақида Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Чингизхоннинг Хитойга юриши воқеаларидан бошлаб маълумотлар бор. Амир Темур салтанатида ҳам барлослардан сўнг қавчинлар энг фаол қавм саналган ва қавчин уруғига мансуб шахслар исмлари XIV асрнинг иккинчи ярми тарихий воқеаларидан бошлаб, то Амир Темур вафотидан кейинги кечинмаларгача эслатилган<sup>1</sup>. Амир Темур 1370 йили Балх юришидан ғалаба билан қайтгач, юришда фидойилик кўрсатган бир неча қавчин ҳарбийлари (Алқа қавчин, Ардашер қавчин, Тамука қавчиннинг биродари Қимори Иноклар) лашкар амири унвонлари билан тақдирланади. Жангчи қавчиннинг ўғли Мусика қавчинга Хоразмни бошқариш топширилади. Бундай топшириқлар бошқа кўпгина қавчинларга ҳам насиб этган.

Чигатой улуси салтанатининг ҳарбий кўриқчиларидан бири сифатида арлотлар XIII асрнинг 60-йилларида Сурхондарё вилоятининг жанубига, Термиз атрофлари ва Шимолий Афғонистон худудларига келиб жойлашадилар. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, арлотлар Афғонистоннинг Хуросон вилоятида яшаган туркий уруғлардан<sup>2</sup>. Арлотларнинг илк ватани Мўғулистон бўлган<sup>3</sup>. XIII асрнинг биринчи чорагида улар Еттисувга келиб ўрнашадилар.

Улар дастлаб Чигатой улусини бошқарган Амир Қазаганга, сўнг Амир Темурга хайрихоҳ бўлганлар. Муҳаммад Хайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарига кўра, арлотлар Чигатой улусининг шарқий ва ғарбий қисмларида яшаб, XIV-XV асрларда Амир Темур ва темурийлар салтанатида анча кучли сиёсий мавкега эга бўлган. Арлот уруғи Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши ва ундан кейинги ҳарбий юришларида фаол қатнашганлар ҳамда уларнинг вакиллари амирлик унвонларига сазовор бўлганлар. Ҳатто, амир Муайяд арлот Амир Темурнинг синглиси Ширинбека оғанинг эри бўлган<sup>4</sup>.

Чигатой улусини ҳарбий жиҳатдан ҳимоя қилишга олиб келинган барлос ва жалойир, қавчин ва арлот қабилалари Мовароуннаҳр худудларига жойлашиб олгач, аста-секин маҳаллий аҳолига араллашиб кетадилар. Чигатой улусининг шарқий қисмида (Еттисув ва Шарқий Туркистонда) яшовчи мўғул қабилалари аллақачон тил жиҳатидан турклашган бўлишига қарамай, қадимги мўғул анъаналарини узок вақт унутмаганлар ва уларга анъанавий амал қилиб келганлар. Улар Чигатой улусининг Мовароуннаҳр вилоятларига аввалдан келиб ўрнашиб қолган ва бу жойларда қадимдан яшаб келаётган, ўз уруғ ва қабила номлари-

<sup>1</sup> Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 40-бет.

<sup>2</sup> Бўриев О. Ўша асар. 38-бет.

<sup>3</sup> Рашидиддин. Сборник летописей. Т. I. С. 78.

<sup>4</sup> Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 38-бет.

ни аллақачон унутиб, маҳаллий туб жойли этник бирликларга айланиб кетган кондош ва қариндошларини камситиб, қараунас (аралашган-метис) халқ деб атайдилар. Ўз навбатида, Мовароуннаҳрнинг ерли аҳолисига айланиб кетган туркийлар ва туркийлашган сартлар эса, Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи туркий тилли кўчманчи турк-мўғул қабилаларини масхара қилишиб, «жете» лар (босқинчилар) деб атайдилар<sup>1</sup>. Ҳатто, Мовароуннаҳрда яшовчи туркклашган мўғуллар ҳам маҳаллий аҳолига аралашиб, аста-секин мўғул атамасини унутиб, ўзларини «чиғатой» деб атай бошлайдилар. Кейинчалик бу ном, яъни «чиғатой» Мовароуннаҳрнинг ўзбек ва тожикларига тегишли ўтроқ аҳолига нисбатан ҳам ишлатилди.

Чиғатой улусининг ташкил этилиши муносабати билан бу заминга кириб келиб, унинг турли вилоятларида ўрнашиб қолган жалойир, барлос, қавчин ва арлот қабилалари ва уларнинг ўтроқлашиб кетган гуруҳлари ҳисобига, шаклланган ўзбек халқининг этник таркиби бирмунча бойиди. Шунингдек, мўғуллар хукмронлиги даврида (XIII–XIV асрнинг 60-йилларигача) Мовароуннаҳрда туркклашган мўғул қабилаларининг кириб келиши кузатилади. Антропологик материаллар таҳлилига кўра, мўғулларнинг Ўрта Осиё икки дарё оралиғига илк бор кириб келиши мил. авв. I мингйилликнинг ўрталарига тегишли эканлиги аниқланган<sup>2</sup>. Мўғул типли элементлар жануби-шарқий Орол бўйларида, Зарафшон водийсининг шимоли-ғарбида, Тангритоғ ва Олой тоғлари адирларида учрайди. Кейинги йилларда антропологик сериялар асосида уларнинг кириб келишининг уч босқичи аниқланган. Биринчиси мил. авв. I мингйилликнинг ўрталари материалларида, иккинчиси XI–XII асрлар, яъни қорахитой (кидан)ларнинг кириб келиши, учинчиси XVI–XVII асрлар краниологик материалларида кузатилади. Аммо, археологик материалларда бу миграцион жараёнлар кўзга ташланмайди. Биринчи ва иккинчи босқич антропологик материалларида кузатилган мўғулий қиёфа ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳудудларида кенг кўламда учрамайди. Аҳолининг асосий қисми, Оврўпа иркининг шарқий Ўрта Ер денгизи типининг протоевропеоид типини билан қоришувидан ҳосил бўлган Оврўпа иркининг «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини»да (Қорахонийларгача), учинчи босқич антропологик материалларида эса, мўғулий тип, яъни Жанубий Сибир типини сезиларли даражада кўзга ташланади. Булар Чингизхон истилолари ва Дашти Қипчоқдан XVI аср бошларида Шайбонийхон бошлиқ 92 бовли кўчманчи ўзбек этник гуруҳларининг кириб келиши билан боғлиқ эди. Бу этник манзара ёзма манбаларда тилга олинади<sup>3</sup>. Чунки Дашти Қипчоқ чўли,

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История Туркестана. Соч. Т. 2, часть 1. Москва, 1963. С. 154; Улугбек, его время. Соч. Т. 2. С. 36.

<sup>2</sup> Ходжаев Т.К. Краткие итоги изучения антропологии Средней Азии в связи с проблемами этногенеза узбекского народа. Сб. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Изд. «Фан», Т.: 1986. С. 93.

<sup>3</sup> Шаниязов К.Ш. Некоторые итоги этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV–XVII вв. Сб. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Изд. «Фан», Т.: 1986. С. 83–93.



айниқса, унинг шимоли-шарқий вилоятлари туркий ва мўғулий этник қабила ва қавмларнинг интеграция майдони бўлиб, туркий тилли аҳолининг антропологик қиёфасида мўғулий башара кучли эди. Худди шу ҳолатни Қозоғистон ва Қирғизистоннинг шимолий ва шимоли-шарқий вилоятларида ҳам кузатилади.

Айнан шу аср давомида олчин, дуғлат, мўғул, сулдуз, уйрот, бахрин, маркит, қўнғирот каби мўғул қавмларининг айрим гуруҳлари Мовароуннаҳр ва унга туташи вилоятларга эркин келиб ўрнашадилар ва уларнинг камбағал қисми маҳаллий аҳолининг маданий-хўжалик таъсирида ўтроқлашиб борадилар. XIV асрнинг иккинчи ярмига келганда уларнинг катта қисми шу қадар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган эдиларки, улар фақат туркийда сўзлашардилар<sup>1</sup>. Ибн Баттутанинг хабар беришича, Чигагой улуси ғарбий қисмининг султонлари Кебекхон (1318–1326) ва Тармаширин (1326–1334) турк тилида эркин сўзлашганлар<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, XIII–XIV асрлар ичида Мовароуннаҳрга кириб келган туркларнинг мўғул қабилалари бирданига Монголиядан чиқиб, бу заминга кириб келмаган. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, аввал Дашти Қипчоқнинг Енисей (Энасой) ҳавзаларида, Шарқий Туркистонда ва Еттисув вилоятларида туркий қабилалари билан ёнма-ён ва аралашиб яшаб, Мовароуннаҳрга кириб келганларида ўз тилларида эмас, фақат туркийда сўзлашардилар. Уларнинг катта қисми ўз она ватанларида, турли этносиёсий бирликлар таркибида қолиб кетганлар. Улардан ажралиб чиққан айрим гуруҳларгина Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги вилоятларга, Хоразм ва Тошкент воҳасига келиб ўрнашганлар. Мисол учун қипчоқлар тарқалган минтақаларни кўз ўнгимизга келтирсак, улар XIV–XV асрларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, Шимолий Кавказда, Қримда, Волга бўйларида, Ўрол тоғолди минтақаларида, Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида, Еттисувда яшар эдилар<sup>3</sup>. Амир Темур Сирдарёда яшовчи қипчоқларни Мовароуннаҳрнинг ички худудларига кўчирган. Аммо, бу чорвадор қабилаларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразмга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келиши бу заминда қадимдан яшаб келаётган туб жойли ўтроқ туркий ва форсий тилли аҳоли этник таркибини ўзгартириб юбора олмаган. Аксинча, бу жойлардаги этномаданий муҳит уларни ўз таъсирига олиб, ўтроқлашишини тезлаштирган. Келиб чиқиши туркий бўлиб, аллақачонлар ўтроқлашган муқим, турғун турклар ҳамда Мовароуннаҳрнинг «сарт» номи остида юритилган туркий тилли ўтроқ аҳолиси темурийлар даврида ҳозирги Ўзбекистон худудлари аҳолиси этник таркибининг асосини ташкил этарди.

Чингизхон истилолари туфайли Ўрта Осиё худудларига XIII–XIV асрлар давомида талайгина кўчманчи турк-мўғул қабилаларининг кириб келиши бир томондан ўзбек халқи этник таркибини бир мунча бойитди. Иккинчи томондан эса исломий тасаввуф илмининг Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби

<sup>1</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. М. – Л., 1950. С. 279.

<sup>2</sup> Ибрагимов Н. Ибн Баттута и его путешествие по Средней Азии. М., 1998. С. 84, 86.

<sup>3</sup> Шониёзов К. К этнической истории узбекского народа. Т.: 1974. С. 77–80.

намояндаларининг таълимоти, айниқса, Нақшбандийнинг «Дил ба ёру даст ба кор» таълимоти Ўрта Осиёда ҳар жабҳада қайтадан Уйғониш даврини очиб берди, мўғуллар истилоси туфайли она Ватани вайронага айланиб, руҳан тушган ўзбек халқини бирлаштиришга, амалий ва эркин ижодий меҳнат қилишга чорлаб, кенг халқ оммасининг қаддини қайта ростлаб олишга, вайронага учраган хўжаликни тиклаб олишга хизмат қилди.

Дарҳақиқат, ўша кезларда руҳан эзилган кенг халқ оммасини ҳаётий тушкунликдан чиқариш, ахлоқий пок, фикрий етук, маънавий юксак, умумбашарий ғояларга бой комил инсонларга жамиятда катта эҳтиёж туғилади. Ана шундай вазиятда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари жамиятни руҳий тушкунликдан ҳаётий тетикликка чорловчи «Дил ба ёру даст ба кор» (Дилинг Оллоҳда, қўлинг ишда бўлсин) таълимоти билан тарих майдонига кириб келди. Бу таълимот туб моҳияти билан халқчил, пок исломий ахлоқ қоидаларини амалиёт билан бирлаштириб, жамият манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилишга, қайғу-аламларни унутиб, келажакка интилишга чорловчи илоҳий қақирик эди<sup>1</sup>.

Бу таълимот туб маънода мавжуд дунёнинг сиру асрорларини билишга интилишдир, инсонни меҳнат орқали жамиятга фойда келтириш руҳида тарбиялашдир.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ислом маънавиятининг тасаввуф илмига асосланган. Тасаввуф инсонда орқага чекинмайдиган ирода кашф этади. Тасаввуф мақомлари инсонни доноликка, донишмандликка чорлайди. Ақл-идрок орқали кишилик ҳуқуқига эришиб, қулликдан, зулмдан ўзини озод этади, умуман олганда, инсонни руҳий эркинликка эриштиради. Тасаввуф фалсафасининг илми шариат, илми тариқат, илми маърифат ва илми ҳақиқат каби таълимотлари инсон руҳий дунёсини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Илми шариат ва илми тариқат амал қилиш шарт бўлган исломий қонунлар ва мужассамлашган қатъий одобу ахлоқ қоидалари бўлса, илми маърифат ва илми ҳақиқатлар тасаввуф авлиёларининг ўзларига хос йўлидир.

Шарқнинг буюк тасаввуф даргалари Муҳаммад Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Абдухалиқ Ғиждувоний, Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг илмий таълимотларига суяниб, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккирлар жамиятга бўлган ўз муносабатларини бадий асарларида баён этганлар. Бирок, у асарлардаги ғоявий йўналиш шўро даврида мистик, хурофий қараш деб тушунилди. Бу мутафаккирларнинг бадий ижоди замонамизнинг илм аҳли томонидан буюк истиқлол даврида тўғри тушунила бошланди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ҳамидхон Исломи. Ипор хид ила туғилган Ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. - 13-14-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳамидхон Исломи. Ипор хид ила туғилган Ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Т.: 1993. - 8-бет.

Тасаввуф фалсафасида илми маърифат, биринчи навбатда, ўзликни англаш-ни кўзда тутди, яъни инсон ўзини билиш оркали ўзидаги барча иллатларни йўқотишга интилноғи кераклиги уқтирилади. Гапнинг индаллосини айтганда, унинг туб моҳияти, мақсад ва вазифаси инсонни нафсни тийишга ўргатиш, ҳалол меҳнат билан яшашга чорлаш, ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бориш руҳида тарбиялашга қаратилган. Шахсий нафсни тийиш заминида халқ, ватан ва жамият манфаати туради. Бу борада Ф. Атторнинг «Маърифатнома» асарини эслаш мумкин<sup>1</sup>. Илми ҳақиқат кишиларни комил инсон бўлиб етишишга чорлайди. Бунинг заминида эса, яна фойдали меҳнат, жамиятга хизмат қилиш ётади. Исломиё тасаввуф фалсафасида Ватанни севиш, уни ардоқлаш ва даҳлсизлиги йўлида қатъиятли бўлишга интилиш алоҳида аҳамият касб этади. Ватанни севиш йўлида фидойилик қилишгача бориб етиш кераклигини амалда намоён этган Кубровийлик тарикатининг асосчиси Нажмиддин Кубро 76 ёшда бўлишига қарамай, бир қўлида қилич, бир қўлида ҳасса билан мўғул босқинчиларига қарши жангга чиққан. Авлиё Бобо Хокий 110 ёшида отга миниб, ёв билан жанг қилган<sup>2</sup>. Тасаввуф фалсафасида яна шуниси аниқки, Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалар таълимотида тарикатни амалий ҳаёт билан бирлаштиришга, боғлашга қаратилган ғоялар таълимотнинг туб маъно ва мазмунини ташкил этган.

Айниқса, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва мақом илмлари ўздан олдинги тасаввуф дарғаларидан фарқли ўлароқ, амалий ҳаёт билан узвий боғлиқ бўлиб, мусулмон аҳлини ўзлигини чуқур англаган ҳолда ҳалол меҳнатни шарафлашга, усиз ҳаёт мазмунсиз эканлигини асослашга хизмат қилган. Бу боисдан ҳам унинг «Дил ба ёру даст ба кор» таълимоти, унинг ватани Марказий Осиёда қайтадан Уйғониш даврини очиб берди<sup>3</sup>.

Маълумки, мўғуллар истилоси ва уларнинг дастлабки ҳукмронлик давридаги босқинчилик сиёсати туфайли кўплаб истеъдод соҳиблари ижод учун жой кидириб, турли томонларга тарқаб кетади. Бухоролик шоир ва адабиётшунос Муҳаммад Авфий, тошкентлик шоир Бадриддин Чочий, қапқақадарёлик шоир Зиё Нахшабий Ҳиндистондан, Носир Бухорий, Камол Хўжандийлар Эронга бориб, ўша ерда макон топдилар. Жалолиддин Румий Туркияга, Сайфи Саройи Мисрга ва яна бир неча адабиётимиз вакиллари Яқин Шарқ мамлакатларига бош олиб кетдилар. Шунга қарамасдан ўтроқ ўзбек халқи аждодлари – сартлар ўз ичидан ноёб истеъдодларни етказиб берди. Улар зулмат ичидаги нурдек Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа тасаввуф дарғалари таълимотидан илҳомланиб, ўзларининг дурдона асарлари билан ўша давр ўзбек адабиётини бойитдилар. Хоразмиёнинг «Муҳаббатнома» достони, Сайфи Саройининг лирик шеърлари, Аҳмад Хожа Са-

<sup>1</sup> Ҳамидхон *Исломиё*. Ипор ҳид ила туғилган Ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: 1993. – 14–15-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳамидхон *Исломиё*. Ипор ҳид ила туғилган Ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: 1993. – 16-бет.

<sup>3</sup> Ҳамидхон *Исломиё*. Ипор ҳид ила туғилган Ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: 1993. – 26-бет.

ройи, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Тугли Хожа, Аҳмад Урганжийларнинг шеърлари шу даврда яратилди<sup>1</sup>. XIII–XIV асрларда ўзбек адабиётида ғазал етакчи жанрлардан бирига айлана бошлайди (Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний). «Қисса-и Рабғузий», «Муҳаббатнома» айнан мана шу жанрдаги асарлар эди. Шу билан бирга, бу даврда форсий адабиётнинг ўзбек адабиётига таъсири кучли бўлган. Масалан, Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон» панднома асарлари, Хўжа Ҳофиз девони дарслик сифатида мадрасаларда ўқитилди. Ўзбек шоир ва ёзувчилари ҳар икки тилда баробар ижод қила олар эдилар. Низомий ва Хисрав Дехлавий «Хамса»лари, Санойи, Аттор ва Румийларнинг тасаввуфий руҳдаги асарлари ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди<sup>2</sup>. Ўзбек тилининг ривожланиб, маданий-адабий ҳаётда кўзга ташланишида, давр китобхонларининг талаб ва эҳтиёжлари Қутб Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарини ўзбек тилида ёзилишига олиб келди. Асарда 156 байт форс тилида ёзилган бўлса-да, асарнинг кўпчилик байтлари ва сарлавҳаларнинг барчаси ўзбек тилида ёзилган<sup>3</sup>. У форс адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоир бўлиш билан бирга, ўзбек адабиётида илк бор ўзбек тилида асар яратган адиб сифатида қадрланади. Хамсачилик аъёнасини бошлаб берган Озарбайжон шоири Низомий асарларини ўзбек тилига ағдаришда, замон талабига мослаб унга қўшимчалар киритишда Қутб Хоразмий XIV аср туркий сўз санъатининг етук намояндаси ҳисобланади. У ўзбек эпик шеърляти ва таржимачилик ривожига ҳам алоҳида ўрин тутди<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, XIII асрда мўғуллар истилоси туфайли вужудга келган маънавий таназзулдан сўнг XIV аср иккинчи ярмидан ўзбек адабиётининг қайта кўтарилиш даврига кириши, ижтимоий ҳаётда ўзбек тилининг мавқеини ошириш ва ўзбек адабиётининг мақомини тайин этиш учун кураш, диний ва тасаввуфий мавзуларнинг сўз санъатига кенг кириб бориши, бадий таржимачиликнинг пайдо бўлиши, дoston, қасида, ғазал каби жанрлар тараққиёти даври бўлди. Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба қор» таълимоти ўзбек адабий муҳити ҳам жонланишига ғоявий қуроли ва амалий туртки бўлди.

Шундай қилиб, Чингизхон истилолари туфайли бир томондан эндигина шакланган ўзбек халқининг талай қисми қирилган, ватанлари вайрон этилган бўлса, иккинчи томондан, Ўрта Осиё ҳудудларига XIII–XIV асрлар давомида талайгина кўчманчи турк-мўғул қабилалари кириб келди ва минтақанинг турли вилоят ва туманларига жойлашиб олдилар. Туб жойли ўтроқ аҳоли иқтисодий хўжалик ва этномаданият таъсирида аста-секин ўтроқлашиб, жойларда маҳаллий аҳоли билан қоришиб, ўзбек халқи этник таркибини бирмунча бойитди. Бу жараёнларнинг

<sup>1</sup> Очиллов Э. Ёзма адабиёт. ЎзМЭ, 12-жилд. – Т.: 2006. – 513-бет.

<sup>2</sup> Очиллов Э. Ёзма адабиёт. ЎзМЭ, 12-жилд. – Т.: 2006. – 513-бет.

<sup>3</sup> Очиллов Э. Ўша асар. ЎзМЭ, 12-жилд. – Т.: 2006. – 513-бет.

<sup>4</sup> Очиллов Э. Ўша асар. ЎзМЭ, 12-жилд. – Т.: 2006. – 513–514-бетлар.

юз беришида исломий тасаввуф илмининг Нажмиддин Кубро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби намояндаларининг таълимоти, айниқса Нақшбандининг «Дил ба ёру даст ба қор» таълимоти, Марказий Осиёда ҳар жабҳада қайтадан Уйғониш даврини очиб берди. Шу билан бирга, бу таълимот мўғуллар истилоси туфайли қирилган, она Ватани вайронага айланиб, қўли ишга бормаи, рухан эзилган ўзбек халқининг бирлаштиришга, амалий ва эркин ижодий меҳнат қилишга чорлаб, ўзбек ва тожик қардошларининг қаддини қайта ростлаб олишга хизмат қилди. Ўзбек этноси, унинг моддий ва маънавий бойлигини сайқал топишида Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиё ва анбиёларнинг исломий таълимотлари ўзларининг ҳаётийлиги билан кенг халқ оммаси қалбига жо бўлиб, ижтимоий меҳнат жамият тараққиётида етакловчи омил эканлигини яна бир бор кўрсатди.



## XIV боб

# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЭТНИК ЖАРАЁНЛАР ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### XIV. 1. Мовароуннаҳр ва унга туташ туманларда этник манзара

Амир Темур 1370 йилда Балх курултойида амалда ҳокимиятга келгач, мамлакатда мўғуллар ҳукмронлиги барҳам топди.

Амир Темур салтанатининг ўзаги ҳисобланган Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда маҳаллий суғдий, хоразмий, бохтарий ва сак қабилалари ҳамда бронза давридан эътиборан яшаб келаётган прототурк ажодларимизнинг талай моддий маданияти мавжуд эдики, бу этник қатламлар таркибига V–XIII асрлар давомида жуда кўп туркий элат ва қавмлар (қанғли, қарлук, чигил, халаж, турк, ўғуз, уз, арғун, тухси, яғмо, дуғлат, сулдуз, ясавурий, қипчок, барлос, жалойир, арлот ва бошқалар) кириб келиб, улар таъсирида минтақада қадимги эроний тилли (суғдий, хоразмий, бохтарий) ажодларимизнинг турклашиш жараёни тезлаштиради. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларига жойлашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшаганлар. Милодий XI–XIII асрларга келиб Мовароуннаҳрда этник ҳолат шу даражада ўзгардики, энди бу замин тўлақонли Туркистонга айланди, туркий этник қатлам минтақада ҳар жиҳатдан ҳукмрон этнос бўлиб қолди. Чингизхон босқини ва Чиғатой улусини ташкил этиш муносабати билан бу заминга кириб келган мўғулларнинг Дашти Қипчокда қолиб кетган уруғ-аймоқлари XIV–XV ва кейинги асрларда Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий воқеаларда фаол қатнашиб, туркийлашиб кетган эдилар.

К.Шониёзовнинг ёзишича, шу асрларда Мовароуннаҳрда яшовчи қарлук, чигил, халаж, арғун, барлос, жалойир, арлот, қавчин, ўғуз ва қипчок қавмларининг салмоқли этник гуруҳлари XIV–XV асрлар давомида ўтрокклашиб, маҳаллий аҳолига аралашиб кетган эдилар. Уларнинг фақат унча катта бўлмаган гуруҳлари ярим ўтроқликда яшаб, лалмикор деҳқончилик ва боғдорчилик билан бирга, анъанавий машғулотлари – яйлов чорвачилиги билан шуғулланиб келганлар<sup>1</sup>. Ана шундай турк ва турклашган мўғул қабилалардан баъзи бирлари ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топдик.

XIII асрнинг 60-йилларида ташкил топган Чиғатой улусининг Темур ва темурийлар салтанатининг таянч этник гуруҳларидан бири барлослар бўлган. Улар Амир Темур бошчилигида мўғуллар ҳукмронлиги Мовароуннаҳрда барҳам топишида фаол қатнашиб, мамлакат ички ҳаётининг барча жабҳаларида олдинги сафларда бўлганлар. Амир Темур ўғил ва набираларига у ёки бу юртни суюрғол

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарк», 2001. – 394-бет.

қилганда, у ерга энг ишончли кишилар сифатида барлослардан кўшиб юборган. Улардан маъмурий мансабларда ҳам фойдаланилган. Масалан, Тағай-буго барлос Бухорони, Додмалик барлос Ҳисори Шодмонни, Ғиёсиддин барлоснинг ўғли Карманни бошқарган.

Амир Темур вафотидан кейин барлослар унинг авлодларига садокат билан хизмат қилишда давом этади. Шоҳрух Мирзонинг давлат сиёсатини улар доимо қўллаб-қувватлаб келганлар, Улуғбек 14 йил Қошғарни ўз ҳукмида саклаб туришида кўпроқ уларга суянган, Пирмухаммад барлоснинг Қошғарни бошқаришида барлослар бош-кош бўлганлар<sup>1</sup>.

Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотларига кўра, XV асрда барлослар Темурийлар давлатининг турли вилоятларида яшаб, уларнинг вакиллари амир уновонида темурийзодаларга хизмат қилган<sup>2</sup>. Улар аввал жойларда этнографик уруғ жамоалари сифатида яшаб келдилар. Кейин маҳаллий аҳолининг тили таъсирида мутлақо туркийлашадилар. Аммо, Мовароуннаҳр ва унинг атроф вилоятларида Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, барлосларнинг аввалги мавқеи пасайиб кетди.

Маҳаллий суғдий тилли аҳоли ва ўзга этник гуруҳларнинг туркийлашиш жараёни аввал Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида жадал кечади. Бу минтақада туркийлашган қанғар-қанғли элати таркиб топади. Қанғар-қанғли элатининг этник таркиби кўп компонентли бўлиб, унда туркий жило устувор мавқега эга эди. Бироқ, Қанғкия (Қанғ) давлати парчалангач, К.Ш.Шониезов қайд қилганидек, кўп этник компонентли қанғар элати ҳам тарқаб кетди, яхлит элат сифатида ривожланишда давом этмади. Ўз даврида унинг таркибида бўлган қанғлилар Чингизхон босқинига қадар Хоразмда ва Самарқанд атрофида яшаганлар. Уларнинг асосий қисми Дашти Қипчоқда, Балхаш кўли атрофларида, Ила дарёси соҳилларида кўчиб юрганлар. Уларнинг Дашти Қипчоқ гуруҳлари Амир Темур даврида Зарафшон водийси ва Тошкент воҳасига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб ўтроқлашиб кетадилар<sup>3</sup>.

Ўзбек халқи этник таркибида устувор ўрин олган туркий аجدодларимиздан яна бири – қарлуқлардир. Қарлуқларнинг Ўрта Осиё худудларига кириб келиши бир неча хронологик босқичларда юз берган. Уларнинг биринчи гуруҳи милодий VI асрдан бошлаб Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Тохаристонга келиб ўрнашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, қоришиб, ўтроқлашиб кетган<sup>4</sup>. Иккинчи гуруҳ қарлуқлар мўғуллар босқини даврида Ила дарёси ҳавзаси ва Етгисувдан Тошкент ва Зарафшон воҳаларига, Шимолий Тохаристонга келиб ўрнашиб, бу ерларда олдиндан келиб қолган уруғ-аймоқлари билан қўшилиб ке-

<sup>1</sup> *Мирза Мухаммад Ҳайдар*. Тарихи Рашиди. Перевод с персидского А. Уринбасва. Т.: 1966. С. 43.

<sup>2</sup> *Абдураззоқ Самарқандий*. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, 1,2,3-қисмлар. Форс тилидан таржима ва изоҳлар А.Ўринбоевники. Т.: 2008. 631-бет II жилд, 1-қисм, 87, 120, 831-бетлар.

<sup>3</sup> *Шониезов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: «Шарқ», 2001. – 355–360-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша китоб. 394-бет.

тадилар<sup>1</sup>. Қарлуқларнинг учинчи гуруҳи XV асрда Дашти Қипчоқдан Фарғона водийсига кўчиб келган<sup>2</sup>. Қарлуқлар ва уларга қардош халаж ва чигил қабилалари XIV–XV асрларда Зарафшон воҳасида, Тохаристонда яшар эдилар. Улар Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаганлар. Дашти Қипчоқда қолиб кетган қарлуқлар гуруҳи Шайбоний қўшинлари билан бирга XVI аср бошларида Мовароуннаҳрга кириб келадилар<sup>3</sup>.

Ўзбек халқи этник таркибида аргунлар ўз ўрнини топган. Сирдарёнинг ўнг қирғоқ куйи ҳавзаларида яшовчи аргунларнинг айрим гуруҳлари VIII–XII асрлар давомида Тошкент воҳасига, Фарғона водийсининг Ўзган атрофларига, Зарафшон воҳаси ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб, уларнинг катта қисми ўтроқлашиб кетадилар. Уларнинг бир гуруҳи XI асрда Хуросон ҳудудларига бориб ўрнашадилар. XIV–XV асрларда аргунларнинг асосий қисми Фарғона водийсида, Жанубий Ўзбекистон ва Шимолий Афғонистонда яшаганлар. Улар борган жойларининг тил муҳитига кўра, ё маҳаллий аҳолини турклашишига ёрдам берган ёки улар таъсирида ўз этник номларини унутмаган ҳолда форсий тилли тожикларга айланган.

Аргунлар Амир Темур давлатининг таянчи бўлган қирқ ўзбек қавмларидан бири бўлган<sup>4</sup>. Улар имтиёзли катта ер эгалари – тархонлар ҳисобланган. Аргунлардан чиққан амирлар айрим вилоятларда ҳокимлик қилганлар. Масалан, Султон Ҳусайн аргун Қоракўл туманининг ҳокими<sup>5</sup>, Маҳмуд Муқим аргун Қобул ҳокими бўлган. Аргунларнинг юқори табақали кишилари Темурийлар хонадони билан қариндошлик муносабатида ҳам бўлганлар<sup>6</sup>. Мовароуннаҳрда Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, аргунларнинг мавқеи тушиб кетади. Улар, асосан, ўтроқлашиб, турғун аҳоли билан қоришиб кетадилар.

XIV–XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган йирик чорвадор қабилалардан яна бири – дуғлатлардир. Рашидиддин уларни мўғул қабила иттифокига кирган туркий қабила дейди<sup>7</sup>, В.В.Бартольд эса, уларни мўғул дейди<sup>8</sup>. Н.А. Аристов дулу ва дуғлат бир халқ деган ғояни ўртага ташлайди. Дарҳақиқат, Турк хоқонлиги инкирозга учрагач, унинг таркибида бўлган дулу қабилаларининг бир қисми она юртлари Ила водийси, Етгисувни ташлаб, бошқа юртларга кўчиб кетадилар, қолган қисми эса она юртларида яшаида давом этадилар.

Қачонки, бу юртларда Чингизийзода Чигатой улуси ташкил топгач, Чигатой улусининг шарқий ҳудудларида Манглай Суба (куёш томонга қараган ер) мулки ташкил топади. Бу мулкка Етгисувдан то Қошғаргача бўлган ерлар қараган ва уни

<sup>1</sup> Шошиёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 339-бет.

<sup>2</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: 1960. – 166-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. – Т.: 1960. – 166-бет.

<sup>4</sup> Темур тузуклари. – Т.: 1991. – 86–87-бетлар.

<sup>5</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: 1960. – 78-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар. – Т.: 1960. – 78-бет.

<sup>7</sup> Рашидиддин. Ўша асар. 78–193-бетлар.

<sup>8</sup> Бартольд В.В. Дуғлат. Соч. Т. V. Москва, 1968. С. 529–553.



бошқаришни Чиғатойхон дуғлатларга топширган. Дуғлатлар бошқарган юртлар манбаларда «Мўғулистон» деб аталиб, у хуудларнинг дулу туркийлари, ҳатто дуғлатларнинг ўзлари ҳам юрт номи остида дуғлат-мўғул бўлиб кетган. Бу фикр Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам ўз аксини топган<sup>1</sup>. Дуғлатларнинг айрим гуруҳлари XIV–XV асрларда Фарғона водийсида, Самарканд ва Ҳисорда, Қоратегин ва бошқа жойларда таркок ҳолда яшаганлар ва туркийда сўзлашганлар<sup>2</sup>. Ҳисор дуғлат султонлари Бобурга беғараз хизмат қилганлар.

XIV–XV асрларда Мовароуннаҳрда яшаган яна бир йирик қабила ўғузлар эди. Уларнинг бир гуруҳи Сирдарёнинг қуйи ҳавзаларидан X асрда Сомоний амирларидан илтимос қилиб, Нурота тоғ ёнбағирларига кўчиб келадилар. Ўғуз салжукларининг туркман гуруҳлари XI–XII асрларда Қорахонийлар даврида Бухоро атрофлари<sup>3</sup>, Шимолий Хуросонга, яъни ҳозирги Туркменистон хуудларига келиб ўрнашадилар.

XIV–XV асрларда Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси ва Дашти Қинчокдан Мовароуннаҳрга яна бир қанча ўғуз, салжук туркман гуруҳлари кириб келадилар. Асрлар давомида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келган ўғузлар ва салжук туркманларининг бир қисми ўз этник номларини унутмаган ҳолда ўтроқлашадилар. Уларнинг кейинги авлодлари ўзларини ўзбек туркманлари ёки «Нурота туркманлари» деб атаганлар.

Темурийлар даврининг туркий тилли қабилаларидан яна бири сулдуз қабиласи бўлиб, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида акс этган тарихий воқеалар баёнида улар XIV асрда Чағониён, Ҳисор водийси ва Шимолий Афғонистонда Балх вилоятида яшаганлиги қайд этилган. Ҳисори Шодмондаги сулдузларнинг амири Баён сулдуз Чиғатой улусининг ғарбий қисмида эътиборли амирлардан ва амир Қазағоннинг Ҳиротга юришида қатнашган. Амир Қазағоннинг ўлиmidан сўнг, унинг ўғли амирзода Абдуллоҳ Чиғатой улуси ғарбий қисмида ҳукмронликни эгаллайди ва Самарқандни ўзига пойтахт қилади. У Чингизийзода мўғул амирларидан аввал Баёнқулихонни, сўнг Темуршоҳ ўғлонни сохта хон қилиб кўтаради. Бундан норози бўлган Баён сулдуз лашқар йиғиб, Ҳисори Шодмондан Самарқандга юриш қилади. Унга Ҳожи барлос ҳам қўшилиб, улар икковлашиб Абдуллоҳни Самарқанддан қувиб чиқарадилар. Амир Темурни ҳокимиятга чиқиши олдидан Мовароуннаҳрда юз берган феодал таркокликнинг авж олишида Баён сулдузнинг роли бўлган. Чунки, у аввал Чингизийзода Туғлуқ Темурга хайрихоҳ бўлган, кейинчалик Амир Темурнинг мўғулларга қарши курашида унинг томонига ўтиб, 1370 йилги Балх жангларида ўз қўшинлари билан қатнашиб, Амир Темурнинг ишончли амирларига айланади<sup>4</sup>. Амир Темурни сулдузлар билан қариндошлиги ҳам бўлган, яъни Соҳибқирон Баён сулдузнинг қизи

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 3-жилд. – Т.: 2002. – 393-бет.

<sup>2</sup> Бобурнома. 21, 47, 70, 92, 116, 122-бетлар.

<sup>3</sup> Камалиддинов Ш. «Китаб ал-ансаб» Абу Сада Абдалқарима ибн Мухаммада ас-Самани» как источник по истории и культуре Средней Азии. Т.: 1993. С. 72, 125

<sup>4</sup> Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-хуудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎЗМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 39–40-бетлар.

Улусни ўз ҳарамига олган. Баён сулдузнинг ўгли Шайх Муҳаммад сулдуз дастлаб Амир Темурга садоқатли бўлган, бироқ кейинчалик Темурга қарши уюштирилган суиқасдда қатнашиб, қатл қилинган<sup>1</sup>.

Амир Темурга садоқат билан хизмат қилган қабилалардан яна бири ясавурий бўлиб, улар Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида тилга олиншига қараганда, Самарканд атрофидаги Сарипул ва Тотқанда яшаган. Уларнинг сардори Хизр Ясавурий вазиятга қараб сиёсат юргизувчи бўлгани боис, у гоҳ Туғлуқ Темурга, гоҳ Амир Темурга ён босиб, оғмачиликда ном чиқарган. У 1365 йилда вафот этади. Шундан сўнг ясавурийлар Ҳожи Маҳмудшоҳ бошчилигида тўлатўқис Амир Темурга бўйсуниб, унга садоқат билан хизмат қиладилар. Амир Темур ҳам Ҳожи Маҳмудшоҳнинг жангларидаги жасоратини ҳисобга олиб, 1370 йилги Балх юришидан қайтгач, Кешда мансаб тақсимлаганда уни лашкарбоши этиб тайинлайди ва у билан қариндошлик ришталарини боғлайди. Илёс Ясавурийнинг кизи Бахт Малик оғони Мирзо Жаҳонгирга олиб беради. Бу пикоҳдан Мирзо Пирмуҳаммад дунёга келади. Али Яздий Амир Темур ўлими олдидан уни ўзига тахт вориси қилиб тайинлагани ҳақида ёзган<sup>2</sup>.

Этник келиб чиқиши жиҳатидан турк қавмларига тегишли бўлган уз ва аз қабилалари ўзбек халқи этногенезида ўз ўрнига эга. Аммо, улар ҳақидаги маълумотлар хилма-хил қарашлар ва фаразлардан иборат. Масалан, XIX асрнинг 60–80-йилларида тарихий-этнографик асарларда (Г.З.Байер, Д.А. Хвольсон, Ф.Сум, С.М. Соловьёв ва бошқалар) узлар кипчоқларнинг бир уруғи сифатида тилга олинади. Н.М. Карамзин, М.П. Погодин, Ф. Брун, П. Голубовскийлар рус йилномаларига асосланиб, узларни торклар<sup>3</sup> таркибига киритадилар<sup>4</sup>. И.Н. Житецкий узларни бажанаклар қабиласига тегишли уруғ жамоаси деса<sup>5</sup>, Н.А. Аристов, В.В. Бартольд, С.А. Плетнева, С.Г. Агаджановлар узларни ўғузлар таркибига кирган қабилла сифатида талқин этадилар<sup>6</sup>. Д.А. Расовский узларни ўғузлар

<sup>1</sup> *Бўриев О.* Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 40-бет.

<sup>2</sup> *Шарафуддин Али Яздий.* Зафарнома. – Т.: 1997. – 296-бет (304 б).

<sup>3</sup> Хўш, торкларнинг ўзи кимлар? Торк этноними рус солномаларида учрайди. Унда ёзилишича, торклар ўзида бир неча этник гуруҳ элементларини мужассамлаштирган курама қабилла бўлиб, уларнинг таркиби берендейлар, бажанаклар, Каспий бўйи уруғ жамоалари, турпей каби курама уруғлардан иборат. Улар X–XII асрларда жанубий рус даштларида яшаганлар (Полное собрание русских летописей. Т. II, Москва, 1962. С. 235, 284, 398, 427, 507, 517).

<sup>4</sup> *Карамзин Н.А.* История государства Российского. СПб., 1833, т. I, прим. 87, 397; т. II, прим. 106; *Погодин М.П.* Исследования, замечания и лекции о русской истории. Т. V, Москва, 1857. С. 136; *Ф. Брун.* Черноморье. Одесса, 1870, часть I. С. 21; *Голубовский П.* Печенеги, торки и половцы до нашествия татар. Киев, 1884. С. 131–134.

<sup>5</sup> *Житецкий И.А.* Смена народностей в Южной Руси. Киев, 1883. С. 439.

<sup>6</sup> *Аристов Н.А.* Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и исследования об их численности. «Живая старина», вып. III–IV Б, СПб, 1896. С. 310; *Бартольд В.В.* Новый труд о половцах. «Русский исторический журнал», 1921, кн. 7. С. 141; *Плетнева С.А.* Печенеги, торки и половцы в южнорусских степях. «Материалы и исследования по археологии СССР». № 62. Москва, 1958. С. 164; *Агаджанов С.Г.* Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии в IX–XIII вв. Ашхабад, 1969. С. 129, 159–161.

таркибига киритишни асоссиз ҳисоблаб, уларни торклар қавмига тегишли уруғ жамоаларидан биридир<sup>1</sup>, дейди. М.М.Эрматов «аз» ва «уз» этнонимлари битта қавмга тегишли, «ўзбек» сўзи айнан ана шу атамалардан келиб чиққан<sup>2</sup>, дейди. Р.А.Агеева «ўзбек» этник номи «аз» ва «уз» этнонимларидан келиб чиққанини айтади<sup>3</sup>. Элшунос олим К.Шониёзовнинг таъкидлашича, «уз» ва «аз» этнонимлари алоҳида қабилалар бўлган<sup>4</sup>. Уларни на торклар, на қипчоқлар, на бажанаклар, на ўғузлар таркибидаги уруғ жамоалари деб аташ ҳаттодир. Мавжуд тарихий-этнографик материаллар таҳлилига кўра, узлар ўтмишда туркийда сўзлашувчи бир неча уруғ жамоаларининг мустақил қабила иттифоқи бўлган<sup>5</sup> дейди.

Тарихий-этнографик манбаларда ёзилишича, узлар VIII аср ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шу асрнинг 60-йилларидан уларнинг асосий қисми Орол денгизининг шимоли-ғарбий ҳудудларига кўчиб ўтадилар. Эхтимол, бу қарлуқларнинг Еттисув ўлкаларини босиб олиши ва Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларида ўғузлар қабила иттифоқини ташкил топиши билан боғлиқ бўлса керак. Аммо, уз қабиласининг маълум қисми ўз жойларида қолиб, дастлаб ўғузлар таъсирида, XI асрнинг биринчи чорагидан бошлаб, Сирдарё бўйи қипчоқлари таъсирида бўладилар. Бу ҳақда қипчоқлар таркибида уз этнонимининг қайд этилиши ҳам гувоҳлик беради<sup>6</sup>. Сирдарё бўйи узлари топонимда ҳам учрайди. Масалан, Сиғноқ билан Барчинликент оралиғида ўрта асрларда Узгенд номли шаҳар бўлган<sup>7</sup>. IX аср ўрталаригача узлар ўғузлар таъсирида бўлишган. IX аср ўрталаридан то XI аср биринчи чорагига қадар узлар ҳар жиҳатдан кучайиб, сиёсий майдонга чиқадилар, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳеч кимга тобе бўлмай, мустақил ҳаёт кечирадилар. Узлар ғарбий қўшнилари бажанаклар (печенеглар) билан кескин ҳарбий рақобатда бўладилар. Узларнинг кучайиб, сиёсий майдонга чиққан даври ҳақида Византия тарихчиси Константин Багрянородний (IX аср)<sup>8</sup>, Атталиат (XI аср), Скилица<sup>9</sup>, Анна Каминналар (XII аср)<sup>10</sup> ёзганлар. Узлар ҳақида араб муаллифи Масъуди (X аср)<sup>11</sup> ва

<sup>1</sup> *Расовский Д.А.* Половцы. Seminarium Kondakovianum, VII, Praha, 1935, P. 251.

<sup>2</sup> *Эрматов М.М.* К вопросу о происхождении названия «узбек». «Ученые записки Ташгоспед-института имени Низами, 1964. Серия 49. С. 151–191.

<sup>3</sup> *Агеева Р.А.* Страны и народы. Происхождение названий. Москва, 1990.

<sup>4</sup> *Шониёзов К.Ш.* «Уз» ва «аз» этнонимлари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар. Турон тарихи. – Т.: 1994. – 35–38-бетлар.

<sup>5</sup> *Шаниязов К.Ш.* Узы (из истории родоплеменных делений узбеков). «Общественные науки в Узбекистане». Т.: 1970, № II. С. 70.

<sup>6</sup> *Махмуд Кошгарий.* Девону луғотит турк. Т.1, С.М. Муталлибов таржимаси. – Т.: 1960. – 235-бет.

<sup>7</sup> *Бартольд В.В.* Соч. Т. III. Москва, 1965. С. 227–229.

<sup>8</sup> *К. Багрянородный.* Об управлении государством. Известия Государственной Академии истории материальной культуры. Москва–Ленинград, 1934. С. 10, 15, 16.

<sup>9</sup> *Василевский В.Г.* Византия и печенеги. Журнал министерства народного просвещения. 1872, № XI. С. 136, 137.

<sup>10</sup> *Анна Каминна.* Алксиада, Москва. 1965. С. 170, 214, 224.

<sup>11</sup> *К. D. ohsson.* Les peuples du Caucase, Paris, 1882, p. 117.

арман тарихчиси Матвей Эдесский (XI аср)<sup>1</sup>лар ҳам ёзишган. IX аср охири ва X аср бошларида узлар хазарлар билан иттифок тузиб, бижанақлар (печенеглар) ва қанғлиларни ўз юртларидан ҳайдаб чиқарадилар<sup>2</sup>. Бирок, узлар Итил ва Ёйиқ дарёлари оралигида узоқ қолиб кета олмайдилар. Чунки, X аср ўрталарида кипчоқлар уларга қарши тез-тез талончилик юришлари қилиб, уларни холижонига қўявермагач, узларнинг асосий қисми Волгадан ўтиб, Дон дарёсининг ўнг соҳилларига бориб жойлашадилар<sup>3</sup>. 1034 йилда узлар печенеглар билан тўкнашиб, уларни Днепр ва Дунай дарёлари оралигидаги даштлардан ҳайдаб, у жойларга ўрнашиб оладилар. Узларнинг Волга ва Ўрол дарёлари оралигида қолиб кетган қисмини эса, XI асрнинг биринчи чораги охирларида қипчоқлар жанубий рус даштларига кўчиб кетишга мажбур қиладилар. Днепр ва Дунай, Дон соҳилларига жойлашиб олган узлар ўз беклари етакчилигида чегарадош рус князликлари устига тез-тез ҳарбий юришлар қилиб, уларни холижонига қўймайди. Натижада, 1060 йили рус князликлари бирлашиб, узларга қаттиқ зарба беради. Ниҳоят, узлар 1064 йилда 600 минг оила Дунай дарёсидан кечиб ўтиб, Византия ерларига чекинишга мажбур бўладилар<sup>4</sup>.

Византия ерларига чекинган узлар, Византия императори Алексейга бўйсуниб, унинг армиясида хизмат қиладилар<sup>5</sup>. Кейинчалик улар усмонли туркларга аралашиб, Туркия турклари шаклланишида қатнашадилар. Бу ҳақда Усмонийлар империясининг XVI–XVIII асрларга тегишли архив ҳужжатларида қорауз этнонимининг учраши гувоҳлик беради<sup>6</sup>. Кейинги асрларда ғарбга кетган узларнинг қатта қисми Дунай бўйи этнослари таркибига сингиб кетадилар. Масалан, Молдавия, Руминия, Венгрия ва Болқон ярим ороли ҳудудларида яшовчи гагаузлар ана шу узларнинг авлодлари бўлиши тарихий ҳақиқатга яқиндир<sup>7</sup>.

XI асрнинг 30-йилларида жанубий рус даштларига кўчиб кетган узлар то мўғул босқинига қадар қипчоқлар таркибида бўлган. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида (XIII–XIV асрлар) қипчоқлар таркибида Волга дарёсининг шарқий соҳилларида яшаб, Дашти Қипчоқ ўзбеклари иттифокига қирадилар. XVI аср бошларида 92 бовли Шайбоний ўзбеклари қаторида қипчоқлар билан биргаликда Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келган. Зарафшон водийсига жойлашган қипчоқлар орасида қорауз уруғ жамоаларининг бўлиши бунга далолатдир.

Узларнинг мустақил уруғ жамоалари XVII аср охирларида қадар Дашти Қипчоқда кўчманчилик билан шуғулланиб келишган. XVII аср охирларида қозок бийларининг сиқуви остида уларнинг бир қисми шимолий Нурота тоғ тизмала-

<sup>1</sup> Бартольд В. В. Новый труд о половцах. С. 143.

<sup>2</sup> К. Багрянородный. Об управлении... С. 15.

<sup>3</sup> К. D. Ohsson. Les peuples du Caucase, Paris, 1882, p. 117.

<sup>4</sup> Василевский В. Г. Указ. литература. С. 137.

<sup>5</sup> Анна Каминна. Указ. литература. С. 214, 224.

<sup>6</sup> Еремеев Д. Е. Проникновение тюркских племен в Малую Азию. Доклад на международном Конгрессе антропологических и этнографических наук. Москва, 1964. С. 9, прим. 8.

<sup>7</sup> Губогло М. Н. Этническая принадлежность гагаузов. «Историография проблемы». Советская этнография. Москва, 1967. № III. С. 159–167.

ри ёнбағирларига келиб ўрнашадилар. Бу жойларнинг шароитига кўра, уларнинг камбағал қисми маҳаллий ўтроқ туркларга қўшилиб, улар билан сингиб кетадилар. Мулкдор чорвадор узлар эса, Қарши чўлига ўтиб кетдилар. Бу ҳақда амир Хайдар<sup>2</sup> ва ўзбек уруғларининг Н. Хаников ва Д.Н. Логофет келтирган рўйхатида уз уруғлари тилга олинади<sup>3</sup>. XX асрнинг 20-йилларида ўзбек лакайлари таркибида узлар бўлганлиги қайд этилади<sup>4</sup>.

1965–1966 йилларда К. Шониёзов Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларига этнографик экспедиция уюштириб, Қашқадарёнинг Косон, Чирокчи туманларида. Зарафшон водийсининг Каттакўрғон, Навоий, Пойарик туманларида узлар (яъни уларнинг кекса авлоди) ўзбек қипчоқларининг бир бўғини сифатида ўз уруғ номларини ҳозиргача унутмаганликларини қайд қилиб ўтади<sup>5</sup>.

Ўзбек халқининг шаклланишида «аз» этник бирлиги ҳам фаол қатнашган. Уларнинг аجدодлари Олтой ва Саян тоғ ёнбағирларида, Тува автоном республикаси худудларида яшаб, «теле» қабила иттифоқининг таркибида бўлишган. 709 йилда Шарқий Турк хоқони Магилан азлар ерини босиб олади, 716 йилда эса, унинг укаси Култегин азларга қақшатқич зарба беради. Шундан сўнг азлар ўз мустақиллигини йўқотиб бир неча гуруҳларга бўлиниб кетади. Уларнинг бир гуруҳи Чу водийсига келиб ўрнашадилар ва туркаш қабила иттифоқи таркибида бўладилар. Бу ҳақда Ибн Хурдодбек ва Гардизийлар (XI аср) ёзганлар. В.В.Бартольд азларни тургашларнинг азгиша аймақларига киритади.

766 йилда қарлуклар Еттисувни эгаллаган кезларда азларнинг бир қисми Чу водийсида қолиб, қарлуклар итоатида бўладилар, бошқа қисми Сирдарёнинг қуйи хавзаларига кўчиб, Орол атрофидаги даштларда қўним топадилар. Азларнинг бир қисми ўзларининг она юрти Олтой ва Саян тоғлари ёнбағирларида қолиб кетиб, тўрт-аз, етти-аз номлари остида Олтой элат ва қавмлари, аниқроғи олтой телеутлари таркибида қолиб кетадилар.

Аз этноними «аз», «уз», «ўз» шаклида Олтой ва Энасой дарёлари ва жой номлари сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Аз этноними ҳозиргача Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида этник гуруҳлар номи сифатида мавжуд. Юкорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аз, уз этнонимлари алоҳида иккита туркий этник компонентларнинг номи бўлиб, ўзбек халқи этногенезида ўз ўрнига эга бўлган.

<sup>1</sup> Шаниязов К.Ш. Узы. (из истории родоплеменных делений узбеков), «Общественные науки в Узбекистане. Т.: 1970. № 11. С. 72.

<sup>2</sup> Абдурайимов М. Вопросы феодалного землевладения и феодалной ренты в письмах эмира Хайдара. Т.: 1961. С. 56.

<sup>3</sup> Хаников Н. Описание Бухарского ханства. СПб, 1843. С. 60; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб, 1911. С. 156.

<sup>4</sup> Магидович И. Население. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. I, часть I. Бухара. Т.: 1926. С. 198.

<sup>5</sup> Шаниязов К.Ш. Узы (из истории родоплеменных делений узбеков), «Общественные науки в Узбекистане. Т.: 1970. № 11. С. 73.

Ўзбек халқи таркибига кирган турк қавмларидан яна бири чағроқ уруғ жамоалари бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» сида мавжуд, яъни Бобур XIV–XV ва кейинги асрларда Андижон вилоятининг тоғли ҳудудларида чағроқ (чиграк) деб аталган этник гуруҳлар яшаши ҳақида хабар беради<sup>1</sup>. Тахмин қилинишича, чағроқлар кипчоқларнинг бир бўғини бўлиб, XI–XII асрларда Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларига келиб ўрнашиб қолган<sup>2</sup>. Бобур Андижоннинг тоғли ҳудудларида чағроқлардан ташқари ашпор ва турк уруғлари чорвачилик билан шуғулланиб келишларини тилга олади<sup>3</sup>. Улар Бобур кўшинларини от ва чорва моллари билан таъминлаб турганлар. Умуман, темиррийларнинг ҳарбий юришларида от, чорва моллари ва кўшимча кўшин билан таъминлаб турганлар. Бу даврда кўшинни зотли отлар билан таъминлаб туриш жуда зарур бўлган. Зотли отларни фақат йилқиси кўп чорва билан шуғулланган қавмлар берар эди. Амир Темур бунга алоҳида эътибор берган. Амир Темур қармоғидаги 40 аймоқнинг 12 таси: барлос, тархон, жалоийр, арлот, арғун, тулқичи, дулдай, мўғул, сулдуз, тўғай, кипчоқ, тоторлар Соҳибқироннинг ишончли ҳарбий гвардияси ҳисобланган. Уларнинг ҳар бири йилқиси кўп чорва яйловларига эгалик қилганлар. Армиянинг асосий қисмлари ҳам шу қавмлардан тузилган.

Ўзбек халқининг таркибига мўғул тилли аҳолининг туркийлашган гуруҳлари ҳам кирган. Улар, асосан, Дашти Қипчоқда яшар эдилар. Уларнинг айримлари XIV–XV асрларда ўзбек номи билан эмас, балки ўз қабила ва уруғ-аймоқ номлари остида Мовароуннаҳрга кириб келган эдилар. XVI аср бошларидан уларнинг сони Мовароуннаҳрда кўпайди. Уларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли таъсирида ўтроқлашадилар ва Мовароуннаҳрнинг барча туркий аҳолиси қатори, ўзларини турк ёки турк-чигатой деб атайдилар. Бу эса, уларнинг ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради. Ана шулар ҳисобига ўзбек халқининг антропологик типиди мўғул киёфали этник гуруҳлар пайдо бўлади. Аммо, улар XI–XII асрларда шаклланган ўзбек халқига хос брахикефал европеоид типини, яъни «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини»ни тубдан ўзгартириб юбора олмайдилар.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда жойлашган турк ва мўғул этносларнинг жойлашуви бўйича қимматли маълумотлар келтирилади. Юқорида, баъзи бир қабила ва уруғларнинг жойлашиши, миграцияси, этник таркиби ва Амир Темур ва темиррийлар салтанатига садоқат ила хизмати ҳақида тегишли маълумотлар келтирилди. Ушбу асарда Марказий Осиёнинг шарқий қисмида, яъни Мўғулистонда жата, мўғул, дуғлат, бахрин, кераит, макрит, арканут каби мўғул қабилалари яшаганлиги қайд этилади. Улардан катта қисми мўғуллар истилолари даврида Ўрта Осиёга кириб келиб, қолиб кетган. Масалан, кўнғиротлар Хоразмга ўрнашиб, ҳокимиятни бошқарган. Мўғул қабилаларининг катта қисми, масалан, бахрин, манғит каби ўзбек уруғлари Дашти Қипчоқда қолиб ҳаёт кечирибди. Аммо, бу ўлкалардаги устувор туркий

<sup>1</sup> Бобурнома. – Т.: 1960. – 90-бет.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 398-бет.

<sup>3</sup> Бобурнома. – Т.: 1960. – 119–120-бетлар.

муҳит, оқибат натижада, уларнинг тил жихатидан туркийлашишига олиб келган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Мовароуннаҳр ва Хуросон худудларида, ҳатто шимолда Волга дарёсининг қуйи ҳавзаларига қадар чўзилган сарҳадларда жой, сув, шаҳар, тоғ ва доvonларнинг туркийда қарлуқ лаҳжасида помлари келтирилади. Бу эса XIV–XV асрлар туркий тил (эски ўзбек тили) кенг тарқалганлигидан далолат беради<sup>1</sup>. Ушбу нашрга сўзбоши ёзган муаллифлар Зафарномани туркийга ағдариб, Истанбулда Муҳаммадали ал-Бухорий таржимаси асосида чоп этилган (1519 йил) ушбу нусхасининг тили айнан эски ўзбек тилининг ажойиб бир намунаси, деб қайд қиладилар, шунингдек, бу тил қарлуқ қичқоқ ва ўғуз элементларини ўз ичига олган, ...уни ҳақли равишда ўзбек тили деймиз<sup>2</sup>, дейди. Ҳақиқатда бу тил XIV–XVI асрларда нафақат Мовароуннаҳрда балки Волганинг қуйи оқимидаги Царициндан (Волгоград) то Синд дарёси ҳавзасигача ораликда тарқалган эди<sup>3</sup>.

Яздий «Зафарнома»сида этносларнинг Амир Темур давлатидаги маъмурий-худудий ҳолати ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилади. Ушбу асарни у ёки бу этник гуруҳнинг бу заминда мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун, уларнинг таниқли вакилларининг сиёсий фаолиятини ўрганишнинг ўзи ҳам қатга аҳамият касб этади. Масалан, жалойирларда – Боязид жалойир, Баҳром жалойир; апарди қабиласида Зиндахалим; сулдуз уруғида Баён сулдуз ва унинг ўғли Шайх Муҳаммад, Пир Али сулдуз; ясавурийларда Хизр Ясавурий, Ҳожи Маҳмудшоҳ ясавурий, Сулаймон Ясавурий; арлот уруғида Пиримшоҳ арлот, Муаййид арлот машҳур саналган. Бу шахслардан баъзилари амир-лашқарбоши унвонига эга бўлиб, муайян худудда ўзига мансуб уруғ-қабилга ёки элатни бошқарган. Бундай мансабга тегишли шахсни баъзан Амир Темурнинг ўзи тайинлаган (Баҳром жалойир, Октемур баҳодир сулдуз). Амир Темур салтанатида аҳолининг ўзига хос миграцияси ҳақида ҳам Яздий «Зафарнома»сида тегишли маълумотлар учрайди. Масалан, сиёсий масалаларда жалойир қабиласи бошлиқлари Амир Темурга қарши бош кўтарганликлари учун яхлит қабилани уруғ-аймоқлар бўйича бошқа амирларга тарқатиб юборади. Шунга ўхшаш ҳолат бурилдой элатида ҳам юз бериб, улар қаттиқ таъқиб қилинган. Ўша даврдаги миграцияда кўпроқ четдан Мовароуннаҳрга аҳоли кўчириб келинишида кузатилади. Мовароуннаҳрга аҳолининг келиши бемалол бўлган бир вақтда, бу ердан чиқиб кетиш олий ҳукмдор Амир Темурнинг бевосита руҳсати билангина амалга оширилган<sup>4</sup>. Ҳатто, бу ҳақда Клавиҳо қуйидагиларни ёзади: «Бирор кишига, ҳатто кўшни мамлакатлардан бўлган тақдирда ҳам, Самарқанд подшоҳлигига дарё орқали бир

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг ўзбекча (туркийча) таржимасига Ашраф Аҳмедов ва Ҳайдарбек Бобобековларнинг сўзбошиси, Зафарнома, «Шарк» нашриёти. – Т.: 1997. – 6-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 7-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 7-бет.

<sup>4</sup> Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎЗМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 41-бет.

кирғоқдап бошқа кирғоққа ўтишга руҳсат этилмаган; фақат махсус ёрлик олгандан кейингина, қасрга бориши ҳақида ёрлиғи бўлгандагина (Жайхундан) ўтиши мумкин. Бошқа жойлардан Самарқанд подшоҳлигига ўтиш учун эса, ҳеч қандай ёрлик талаб этилмайди»<sup>1</sup>. Зарурият туғилган кезларда Олий ҳукмдор фармони билан салтанат ҳудудий доирасида ижтимоий табақаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш амаллари ҳам бўлиб турган. Масалан, Амир Темур фармонига кўра, Мозандарондан сайидларнинг бир қисмини Хоразмга, иккинчи қисмини эса, Тошкентга кўчирилган<sup>2</sup> ёки қоратоторлар ёппасига чорва моллари билан Туркиядан Марказий Осиёга кўчирилиб, Етгисувга жойлаштирилган<sup>3</sup>.

Юкорида номлари зикр этилган уруғ, қабила ва элатлар ҳамда манбаларда сарт номи остида юритиб келинган форсий ва туркий тилли ўтроқ аҳоли Амир Темур салтанати фуқароларининг асосий ўзағини ташкил этарди. Уларнинг аксарият катта қисми мамлакат аҳолисининг ўтроқ асосини ташкил этарди. Ўтроқ аҳолининг асосий машғулотни қишлоқларда суғорма деҳқончилик, тоғ сойлари ҳавзаларида боғдорчилик, лалми деҳқончилик, маъдан конларини кидириш, қазилар ва турли хил металл хомашёсини рудадан эритиб олиш бўлса, шаҳарларда, шаҳармонанд йирик аҳоли пунктларида ихтисослашган турфа хил хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни ички ва ташқи бозор учун товар сифатида етказиб бериш ва аксарият ҳолларда савдо-сотик билан банд эдилар. Салтанатнинг бошқа бир қисм аҳолиси эса, ярим ўтроқ, ярим кўчманчи чорвадорлар бўлиб, бу икки хўжалик соҳиблари бир-бирлари билан ўзаро иқтисодий боғлиқ эди. Улар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш Амир Темур давлатининг бош масаласи эди.

#### XIV. 2. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши

Дастлаб ўзбек тили туркий тиллар оиласининг қарлуқ-чигил гуруҳи асосида шакллана бошлаган. Аммо туркий тилларнинг морфологик классификацияси бўйича у агглютивнат (ўзакка ясовчи ва турловчи кўшимчалар қўшиш асосида сўз ясаш) тил ҳисобланади. XI асрнинг иккинчи ярми – XII аср давомида қадимги туркий тилдан ажралиб чиқиб, ўзбек этносининг тили сифатида ривожланишда, сайқал топишда давом этади. Амир Темур ва темурийлар даврида «турк тили»<sup>4</sup>, «чиғатой тили»<sup>5</sup>, «сарт тили» каби номлар билан аталиб, шўролар даври тилшунослигида у тил «эски ўзбек тили» деб номланди. Бирок, бу тилнинг

<sup>1</sup> Бўриев О. Клавиҳонинг Самарқандга саёҳати. Рус тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар О.Бўриевники. – Т.: 2004. – 6-бет.

<sup>2</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома (фотофаксимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳ А.Ўринбоевники. – Т.: 1972. 229.

<sup>3</sup> Бўриев О. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-ҳудудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎЗМУ хабарлари. – Т.: 2013. – 41-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Суждение о двух языках. Соч. А. Навои. Т. X, Ташкент, 1970. С. 107–139.

<sup>5</sup> Вамбери Г. Очерки о Средней Азии (прибавления к «Путешествию по Средней Азии»). Москва, 1868. С. 42.



мўғуллар билан ҳеч алоқаси бўлмаса ҳам, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари чингизийзода Чигатой улуси таркибига киргани боис Г. Вамбери шундай деб хато атаган. Аслида бу туркий тил Мовароуннаҳр аҳолисининг ўтроқ қатлами сўзлашадиган тил бўлгани учун уни «сарт тили» деб аташ ҳам бўлган<sup>1</sup>. Бу тил А.Навойи замонасида ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди<sup>2</sup>, 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилиши муносабати билан бу тил «ўзбек тили» деб аталадиган бўлди. Бу сиёсат нафақат мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётини мустаҳкамлашга, балки жамият этник таркибини барқарорлаштиришга қаратилган эди. Бу тилнинг барқарор ривожланишида Амир Темур олиб борган ички ва ташқи сиёсат ҳам катта роль ўйнаган, яъни мамлакатнинг иқтисодий ва этномаданий ҳаёти ривожланди, халқ фаровонлиги яхшиланди. Илму фан ва маънавий ҳаёт тараққий этди. Самарқанд ва Ҳиротда аниқ ва гуманитар фанлар йўналишида илмий мактаблар ташкил топди, оламга машҳур олим у фузалолар етишиб чиқди. Бугунги кунда ўзбек миллати деб аталган халқ жаҳонга танилди. Миллий муштараклик, ўзликни англаш, ўзбекка хос миллий менталитет асослари қурилди.

Ўзбек адабий тилининг олдинги асрларга нисбатан ривожланган туркий тилнинг форсий ва арабийлашган шакли таркиб топди. Бу адабий тил тилшуносликка доир адабиётларда «туркий» ёки «чигатой», яъни «эски ўзбек тили» деб номланган асли шаклидан<sup>3</sup>. XIV–XV асрларда шаклланган эски ўзбек адабий тили Алишер Навоий асарларида ўз аксини топган. Бу туркий тилнинг икки маданий маркази асосида, яъни шарқий қарлуқ-чигил-уйғур ва ғарбий ўғуз-қипчоқ диалект бирликлари асосида таркиб топган. Бу эски ўзбек адабий тили Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг қўлланилган<sup>4</sup>, у «эски ўзбек адабий тили» сифатида XX аср бошларигача давом этади<sup>5</sup>. Бу адабий тил сарт атамаси ижтимоий табақаси асосида қурилган. Аслида, сарт атамаси этник ном эмас. Бу ҳақда фанда турли қарашлар мавжуд бўлишига қарамай, унинг муайян бир этносга тегишли эканлиги маълум эмас. Шўро даври тарихшунослигида бу масалада В.В.Бартольд қарашлари эътиборда бўлиб келди. Унингча, сарт атамаси тожик маъносини беради. Аммо, у келиб чиқиши жиҳатидан туркийлашган суғдийлар бўлиб, тожик ва ўзбекларга тегишли муқим яшовчи аҳолининг, савдо-сотик ва ҳунарманд аҳлининг йиғинди номи эканлиги тарихий ҳақиқатдир.

Ўрта Осиёдан шарқий ўлкаларга савдо қарвони билан борган савдогарлар келиб чиқиши қайси этносга тегишли бўлишидан қатъи назар, улар сартлар деб аталган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида сарт қадимги туркчада савдогар маъносида берилган. Дастлаб, сартлар форсийда ва туркийда сўзлашган бўлсалар, XVI–XVII асрлардан улар фақат туркийда, эски ўзбек тилида сўзлашганлар. Демак, сарт атамасини бир халққа тегишли, деб айтиш хато ҳулосаларга олиб келади.

<sup>1</sup> *Мадвалиева А.П.* Тил. В кн. «Ўзбеки». Москва, 2011. С. 24–25.

<sup>2</sup> *Бартольд В.В.* Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. М., 1968. С. 508.

<sup>3</sup> *Щербак А.М.* Грамматика старо-узбекского языка. Москва-Ленинград, 1962. С. 12–16.

<sup>4</sup> *Мухторов А., Санақулов У.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1995. – 115-бет.

<sup>5</sup> *Мухторов А., Санақулов У.* Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: «Ўқитувчи», 1995. – 23-бет.

Ўрта Осиёда турғун, муқим аҳоли исмларига кўпроқ туғилган турар жойлари – шаҳар ва қишлоқ номларини қўшиб айтиш анъанага айланган. Масалан, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Яссавий ва бошқалар. Турк хоқонлиги даврида ташкил топган турк элати эса, хоқонлик инкирозга учрагач, тарқалиб кетган. Мазкур элатнинг озроқ қисмигина турк этник номини сақлаб қолган ва улар, асосан, Фарғона водийсида, Зарафшоннинг тоғолди адирларида яшаб, ўзбек халқи этник таркибига сингиб кетган. Уларнинг аксарияти шаклланган ўзбек халқи таркибига сингиб кетган бўлсалар-да, айрим гуруҳлари XIV–XV асрларда ўз этник номларини сақлаб қолганлар. Дарҳақиқат, Амир Темур ва унинг ворислари даврида ёзилган тарихий асарларда «турк», «турк элати» иборалари учрайди<sup>1</sup>.

Аммо, туркий халқнинг жонли тили кўп лаҳжали бўлиб, адабий тилдан бирмунча фарқ қилган. Ўзбек адабий тили таркибида айнан шу асрларнинг форсий ва арабий сўзлари кўп бўлган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий даврида шаклланган ўзбек адабий тили халқнинг жонли лаҳжа тилларидан фарқ қилиб, у аҳолининг ўқимишли зиёлиларининг тили сифатида ривожланган. Халқнинг жонли эски ўзбек тили эса, туркий тилларнинг уч лаҳжаси асосида қурилган. Улар қарлуқ-чигил, ўғуз ва қипчоқ диалектларидир.

Элшунос К. Шониёзовнинг ёзишича, Мовароуннаҳр ва Хоразмда ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқада ривожланди<sup>2</sup>. Бу тарихий ҳақиқат, тарихий аксиомадир. Чунки, Мовароуннаҳрнинг марказий ва жанубий шаҳарларида тожик этник муҳити анчагина кучли эди. Ўқимишли ўзбек ва тожиклар ҳар икки тилда сўзлаша олар ва эркин ёзардилар. Алишер Навоий айтганидек, туркийларнинг барчаси – ёшлар, қарилар, хизматчилар ва беклар сартлар тилини тушунганлар<sup>3</sup>. Алишер Навоий сарт тили деганда ўз замонасининг ўзбек адабий тилини тушунган, унинг мутлақ асосини эса, туркий тил лаҳжалари ташкил этган. Ўзбек (сарт) ёзма адабиёти XIV–XV асрларда (Рабғузийнинг «Қиссаи анбиё» асари, Бобо Мўчин ва Ғарибий шеърлари) ислом диний ахлоқ нормаларини тарғиб қилиш билан бирга, илк бор реалистик мотивларда майдонга келди. Реализм элементлари Ҳайдар Хоразмий (XIV аср), Саккокий (XV аср), Атоий (XV аср), Дурбек, Лутфий (XIV–XV аср), Алишер Навоийнинг (XV аср) «Муҳокамаат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарларида намоён бўлди. А. Навоий ўзбек бадиий адабиётига социал мотивлар киритиш билан тарихда катта роль ўйнади.

Таъкидлаш жоизки, эски ўзбек ёзма адабиётида ислом тасаввуфи ва гуманизм ғоялари билан суғорилган асарлар сарой адабиёти билан бирга пайдо бўлди ва ривожланди. Чунки, адабиёт ва илм-фан ҳомийликка доимо мухтож бўлиб, адабиёт ўша кезларда жамиятнинг илғор фикрли, диний-диёнатли мулкдорлар табақаси ёрдамисиз ривожлана олмас эди. Бироқ, шунга қарамасдан, уларнинг

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: 1996. – 109, 168, 229, 271, 282, 375-бетлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарқ», 2001. – 393-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Суждение о двух языках. Соч. Т. X. Т.: 1970. С. 110.

найдо бўлиши ўзбек халкининг маданий тараққиётида олға қараб қўйилган қатта қадам бўлди. Бу асарларнинг пайдо бўлиши ўзбек ёзма адабиётининг шаклланишидан иборат эди.

Шундай қилиб, ўзбек бадий адабиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, аввал диний мотивлардан реалистик мотивларга, кейин реалистик мотивлардан ижтимоий мотивларга ўтди. Бу адабиёт туркий тилда сўзловчи ўзбек (сарт) адабиёти эди. Кейинги асрларда туркий тилда сўзловчи сартлар ижтимоий табақасининг халқчил инсонпарвар адабиёти ва адабий анъаналари ўзбек халқи миллий адабиётининг шаклланиши учун негиз бўлди. Шу маънода туркий тилда сўзловчи ўзбек (сарт)ларнинг бадий адабиёти Мовароуннахр турклари ва кўчманчи ўзбеклар адабиёти тараққиётининг муштарак йўлини белгилаб берди.

XIV асрнинг охири XV аср бошларида ўзбек адабиёти ўзининг янги юксалиш палласига кирди<sup>1</sup>. Бу даврда Алишер Навоийдек буюк шоирнинг сўз санъати майдонига чиқишига замин тайёрлаган Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Хўжандий, Амирий, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Гадоий, Лутфий каби шоирлар етишиб чиқди ва ўзбек адабиёти ўз мавқеи ва мақомига эга бўлди<sup>2</sup>. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома», Саййид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» каби қатор асарлар дунёга келди. Эпик шеърят ривожланиб, Ҳайдар Хоразмийнинг «Сирлар гулшани» ва «Юсуф ва Зулайҳо» дostonлари вужудга келди. Туркий адабиётнинг истеъдодли намояндаси, ўзбек ғазалчилигининг кўзга кўрилган вакилларида бири Атоий бўлиб, унинг 260 ғазалдан иборат девони бизгача етиб келган. Алишер Навоий шоирнинг шеърлари ниҳоятда халқона бўлгани туфайли ўзбек қавмлари орасида шуҳрат тошганлигини таъкидлаб ўтади<sup>3</sup>. Саккокий ўзининг бадий юксак қасидалари билан ўзбек қасидачилигига асос солганлардан биридир. Саккокий қасидаларидан бирида ўзининг туркий адабиётдаги мақомини Улуғбекнинг шоҳлиги ва олимлиги билан тенг қўйилган. У ғазалларининг етуқлиги жихатидан Атоий ва Лутфийлар қаторида туради<sup>4</sup>. Туркий ва форсий тилларда ижод қилувчи Мавлоно Лутфий ўзбек адабиёти тараққиётига қатта таъсир кўрсатган. Навоий Лутфийни ўзига устоз деб билган ва унга эргашган. Навоий унинг ижодини юқори баҳолаб, ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида «Лутфий ...форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати қўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир» дейди.

Таъкидлаш жоизки, XV асрда Ҳирот энг йирик маданий марказлардан бирига айланди. Алишер Навоий даврида унинг мақоми ниҳоятда юксалди. Навоий ва унинг ҳукмдор дўсти Ҳусайн Бойқаро ўз даврининг илму ҳунар аҳлига ҳомийлик қилдилар. Бойқаронинг ўзи ҳам Ҳусайний таҳаллуси билан шеърлар

<sup>1</sup> Амир Темур ва темурийлар даври ёзма адабиётининг илмий таҳлили тўлалигича адабиётшунос Эргаш Очиловнинг ЎзМЭ учун ёзилган «Ёзма адабиёт» номли мақоласига асосланган.

<sup>2</sup> Очилов Э. Ёзма адабиёт. ЎзМЭ, 12-жилд. 514-бет.

<sup>3</sup> Очилов Э. Ўша асар. 515-бет.

<sup>4</sup> Очилов Э. Ўша асар. 515-бет.

ёзган ва девон тузган. Унинг «Рисола» асари адабий ҳаёт ва маданият хусусида фикр юритган. Камолиддин Биноий, Мавлоно Осифий, Шайхим Суҳайлий, Бадриддин Ҳилолий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирза Шоҳий ва бошқалар Навоий замонасининг етук шоирлари бўлган. Бу даврда туркий тил ва адабиётга ҳомийлик ҳамда рағбат кучайган. Бунда Навоийнинг роли ва хизмати бекиёс эди.

Алишер Навоий ўзбек маданияти, адабиёти ва адабий тили тарихида алоҳида ҳодиса. У Шарқ сўз санъати ўзигача эришган барча ютуқларни ўз ижодида мутасамлаштирди. Шарқ шеърятининг барча жанрларида бадиий юксак асарлар яратиб, эски ўзбек адабий тилининг бой имкониятларини намойиш этди, унинг жаҳон сўз санъатидаги мавқеи ва мақомини ўз ўрнига қўя билди. Навоийдан бошлаб ўзбек адабиёти жаҳоннинг буюк адабиётларидан бирига айланди. Бундай ютуқларнинг пойдеворини Амир Темур ва темурийлар салтанати яратиб берди.

Эски ўзбек тили соҳибларининг мусиқа санъати ҳам ўзбек миллий мусиқасининг шаклланишида катта роль ўйнади. Мовароуннаҳр ўтроқ аҳолиси қадимий замонлардан бери ўзларининг мураккаб мусиқа ва ашула санъатига эга эди. Ўтмишда, темурийлар ва А.Навоий яшаган даврларда, ҳозирги мусиқа ноталарига ўхшаш «мусиқа қонуни» маҳсус ёзилмаган. Эски ўзбек тили мусиқа ансамблининг чолғулари пуфлаб чалинадиган, камонча билан уриб ўйналадиган асбоблар мажмуасидан иборат бўлган эди. Ансамблда ҳамма бир овозда ашула айтар эди. Мусиқа асарлари ёлғиз оҳанглардан иборат эди. Ўзбек мусикасида гармонизация қилиш йўқ эди. Бироқ, оҳанглар ранг-баранг бўлиб, ўзининг лирик хусусиятлари ва мураккаблиги билан характерли эди. Мусиқа асарларининг айримлари фақат чалиниб, баъзилари ашулачилар томонидан куйланар эди. Чолғу билан жўр қилинмайдиган ашулалар «катта ашула» дейилар эди. Улар яқка ёки икки, уч ашулачи томонидан тўйлар ва чойхоналарда кўпчилик орасида ижро қилинар эди. Ашулалар бир неча хилда бўлиб, улардан халқ орасида кенг тарқалгани лапар эди. Бундан ташқари, бир неча мусиқа асарлари жараёнидан ташкил топган мақомлар мавжуд эдики, уларни маҳсус созандалар ижро қиларди<sup>1</sup>.

Ўзбек мусиқа асбоблари бир неча хил бўлиб, уларнинг айримлари фақат кўчаларда, одамлар кўп тўпланган сайлларда, тўйларда чалинар эди. Буларга қарнай, сурнай, най, ноғора каби асбоблар кирар эди. Одатда, бу мусиқа асбоблари ҳам маҳсус ансамблини ташкил қиларди. Ўтроқ туб жойли аҳоли орасида театр трушаси йўқ эди. Театр вазифасини кўғирчоқбозлар ва дорбозлар бажарар эди. Мусиқа бир овозли бўлиб, нотасиз ўрганилар ва ёддан ижро қилинар эди<sup>2</sup>.

Ўзбек мусиқа асбобларининг тарихий илдизлари жуда қадимий бўлиб, археологик топилмаларга кўра, энг қадимги мусиқа асбобининг келиб чиқиши бронза даврига бориб тақалади. У асбоб суякдан ишланган най бўлиб, Самарқанд вилоятининг Мўминобод кишлоғида ўрганилган бронза даври қабристонидан топилган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ваҳобов М.Ф. Ўзбек социалистик миллати. – Т.: 1960. – 65-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 66-бет.

<sup>3</sup> Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде. ИМКУ, вып. VIII, Т.: 1969. С. 62, рис. 2, 6.

Арфа деб номланган чолғу асбоби эса, кушонлар даврининг Айритом (Термиз шаҳри яқинида) ва Тупроккаля (Қадимги Хоразм) ёдгорликларидан топилган<sup>1</sup>.

Амир Темур ва темурийлар даври маънавий маданиятининг яна бир тармоғи тасвирий санъат бўлиб, санъатнинг бу тури ҳам жуда қадимий тарихий илғизга эга. Археологик тадқиқотларга кўра, дастлабки тасвирий санъат намунаси кушонлар даврининг Фаёзтепа (Термиз шаҳри яқинида) ибодатхонасидан топилган<sup>2</sup>. Бу санъат тури реалистик тасвирда илк ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида (Болаликтепа, Варахша, Афросиёб) кенг ривожланиб, жаҳон тасвирий санъати хазинасидан жой олди<sup>3</sup>. Аммо, Амир Темур ва темурийлар даврида реалистик тасвирий санъат ислом дини тартиб қоидалари туфайли ривожланмади. Шунинг учун бу давр тасвирий санъати, асосан, наққошлик ва ўймакорлик йўналишларида жадал ривожланди, тасвирий санъат эса, миниатюра рассомчилиги билан чекланиб қолди. Бу даврнинг ноёб миниатюра санъати, айниқса. Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий «Хамса»ларига ҳамда ҳинд миниатюра мактаби томонидан «Бобурнома»га XVI асрда Акбаршоҳ саройида чизилган расмларда ўз аксини топган.

Аждодларимиз темурийлар даврида ва унга қадар ҳам ўзига хос меъморчилик санъатини яратган. Жаҳон меъморий хазинасидан салмоқли ўрин олган Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива архитектура обидалари ҳозиргача ҳаммага манзур бўлиб келмоқда. Ўзбек халқи санъатининг бу дурдоналари унинг ўтрок деҳқончилик ва хунармандчилик фаолиятининг меваларидир.

XIII–XIV асрларда мўғуллар истилоси натижасида обод шаҳарлар Гурганж, Самарқанд, Бухоро, Термиз вайронага айланди. Фақат, Амир Темур даврига келиб Туркистон меъморчилик санъати янги сифат, янги нафосат билан ўз жамолини кўрсата бошлади. Соҳибкирон саъй-ҳаракати билан мисли кўрилмаган улкан меъморий иншоотлар қад кўтарди. XIV асрнинг охири XV аср бошларида меъморчилик ўзининг серқирра, ҳашаматлилиги, муҳандислик илмининг юксаклиги, серҳашам безатилиши билан ажралиб туради<sup>4</sup>. Кеш-Шаҳрисабз Амир Темур инояти билан қисқа муддатда ўзгариб, шаҳарда Оқсарой, Чорсу, Дор уссиёдат ва Дор ут-Тиловат ансамбллари ва бошқа маҳобатли бинолар барпо этилди. Кўхна Кешни зиёрат қилган испан элчиси Клавиho шаҳарни ўраб турган қалъа девори, атрофидаги чуқур хандақ ва осма кўприкларни, меъморий маж-

<sup>1</sup> История Узбекской ССР, том I, книга 1. Т.: 1955. С. 100–102, рис. 9; *Азимов И.* Росписи Узбекистана. Т.: 1987. С. 12.

<sup>2</sup> *Альбаум Л.И.* Раскопки буддийского комплекса Фаязтепе (По материалам 1968–1972 гг. «Древняя Бактрия»). Ленинград, 1974. С. 53–58. Его же. Исследование Фаязтепе в 1973 г. «Древняя Бактрия». Ленинград, 1976. С. 43.

<sup>3</sup> История Узбекской ССР, т. I, Т.: 1967. С. 160–161; *Культура и искусство древнего Узбекистана.* Т. I. Москва, 1991. С. 18; Т. II, рис. 452, 462; *Азимов И.* Росписи Узбекистана. Т.: 1987. С. 12, 24–29.

<sup>4</sup> Амир Темур ва темурийлар даври меъморий иншоотларининг илмий таҳлили тўғрисида меъморчилик санъатининг талантли олими проф. Пўлат Зоҳидовнинг ЎЗМЭ учун ёзилган «Меъморчилик» номли мақоласига асосланган.

муаларни тасвирлаб, уларнинг мафтунокор безаклари олдида лол қолган. Ҳозирги кунда муҳташамликда беқиёс улкан Оқсаройдан тахт пештоқининг вайрона икки рукнигина сақланган, холос. Оқсаройнинг ички таркиби ҳақидаги маълумотлар бизгача фақат Клавиҳонинг зиёратномаси ва Бобурнинг «Бобурнома» асаридан маълум.

Шахрисабздаги Дор ус-сиёдат (Улуғлар уйи) таркибида улкан мадраса қурилган, унинг қибла томонидаги конуссимон гумбазли бинога турли вақтда Соҳибқироннинг уч фарзанди – Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо ва Мироншоҳ мирзо дафн этилган. Мадраса тўридаги муҳташам хонақоҳ сардобасида тош қопқоқли ўймакор улкан тош сандиқ – давлат мулкининг яширин хазиналаридан бири сақланган<sup>1</sup>. Темурийзодалар қабристони чеккасидаги мураккаб меъморий мажмуа «Дор ут-Тиловат» (Тиловат қилиш уйи) Амир Темур томонидан тикланган. Аммо, у Клавиҳо зиёрати вақтида хали тўлиқ битмаган бўлиб, унинг пардоз ишлари анча кейин Мирзо Улуғбек томонидан тугалланган. Бу ҳақдаги тарихий битикда аксар қисми Улуғбек давригача тўкилиб кетгани ва таъмир ишлари ҳам Улуғбек томонидан бажарилгани учун бу бино фақат Улуғбек томонидан барпо этилган, деган нотўғри хулосага келинган<sup>2</sup>.

Амир Темур устоз пири шайх Шамсиддин Кулолға агаб жоме масжиди пештоғи қаршисида алоҳида мақбара қурдирган. Мазкур мақбарага тугаш қилиб ўтган ота-боболари учун алоҳида яна бир мақбара қурдиради. Бу аҳоли орасида Тарағайбек мақбараси ёки «Гумбази Саййидон» (Улуғлар мақбараси) номи билан машҳур. Улуғбек даврида бу мақбара таъмир этилиб, ичкарисига кошин безак берилган.

Самарқандда қурилиб, бизгача етиб келмаган меъморий ноёб мажмуалар ҳақида «Бобурнома»дан тегишли маълумотларни олиш мумкин. Бобур Бўстонсарой, Кўксарой кўчки атрофидаги чаманзор ҳақида, Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Бехишт, Дилкушо каби чорбоғлар ҳақида маълумот беради. Дилкушо боғидаги сарой деворида Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши тасвирланган. Самарқанд атрофи 8 метрли пахса девор билан ўралган бўлиб, шаҳар ичида Регистон ансамбли, Бибихоним масжид-мадрасаси, Гўри Амир мақбараси ва бошқа маҳобатли иншоотлар қурилган. Халқ орасида Бибихоним номи билан машҳур муҳташам жоме масжиди меъморий мажмуа лойиҳасини Амир Темур тасдиқлаб, унинг тамал тошини қўйиб берган. Масжид қаршисида жойлашган саккиз қирралик баланд хонақоҳ, усти кошинкор мовий гумбаз ва ичкаридаги нақшинкор зарҳал безакли бино XIX асрнинг охирларидан Бибихоним мақбараси деб нотўғри талқин этилган. Шарафуддин Али Яздийнинг хабар беришича, мазкур бино малика Туман оғо хонақоҳидаги турар хонаси бўлиб, Амир Темур малика ҳузурига таъриф буюрганда шу хонада Туман оғо билан дам олган. Соҳибқирон саройида «кичик оғо» номи билан машҳур бўлган Туман оға бегим меъморий

<sup>1</sup> Зоҳидов П. «Меъморийлик». ЎЗМЭ, 12-жилд, 535-бет.

<sup>2</sup> Зоҳидов П. Ўша асар. 535-бет.

«Шайбонийнома» асарида шахзода Убайдуллахон ўша Оқсаройда тўхтаганлигини ёзади. Амир Темур тарихининг чуқур билимдони академик А.Ю. Якубовский Соҳибкироннинг «улкан бинокорлик ишлари»нинг юксаклигини қайд этиб, уларнинг бари нафақат меъморий маданиятни юксалишига олиб келди, балки унинг шон-шавкати ва таъсирини кенг ёйган Марказий Осиё архитектурасида янги йўналишга бошлади, дейди. Ибн Арабшоҳ Самарқанд жоме масжидининг очилиш пайтида Амир Темурнинг сўзлаган нутқидан парча келтиради: «Чиндан ҳам обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат беради». Соҳибкирон ҳарбий юришлари даврида бирор манзилда узоқроқ тўхтаб қолса, ўша жойда энг камида бирон иморат қолдирган. Азиз-авлиёлар қабрлари устига мақбара, хонақоҳлар тиклатган. Масалан, Туркистонда Аҳмад Яссавий қабрига улкан меъморий мажмуа қурдирган. Жанубий Кавказда мўғуллар вайронага айлантирган манзилда лойиҳа асосида Бойлақон шахрини буёд эттирган. Кура дарёсидан Барлос номли канал қаздирган. Кобул шаҳри агрофидаги кишлоқларга канал орқали сув келтирган. Йўл ёқаларига карвонсаройлар қурдириб, халқаро савдо йўлининг хавфсизлигини таъминлаган.

Унинг бунёдкорлик ишларини набираси Мирзо Улуғбек ҳам давом эттирган. Улуғбек буюк астроном, серқирра олим бўлиш билан бирга, Самарқандда расадхона, Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувонда учта мадраса қурдирди. Бухоро мадрасаси пештоқига «Билимни эгаллаш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор» деб ёздириб ҳам қўйди. Улуғбек номи билан Самарқанддаги икки қаватли Чилстун кўшкни, Чиннихона кўшкни, Мирзои ҳаммоми, Боғи майдон, бир неча сардобалар ва боғу роғлар боғлиқ. Улуғбек Ғўри Амир мажмуасини тартибга солди, Шохизинда қабристонни зиёрат йўлини белгилади, бу йўлнинг кириш қисмида ўғли Абдулазиз номидан дарвозахона ва унинг таркибида масжид қурдирди. Шаҳрисабздаги Тарағайбек мақбарасини таъмир этди, жоме масжиди, Амир Темур мақбарасининг кўк гумбазининг қурилишини ниҳоясига етказди.

Шундай қилиб, Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий ва этник ҳолат барқарорлашди. Кишлоқларда суғорма дехқончилик, тоғ сойлари хавзаларида боғдорчилик, лалми дехқончилик, тоғли зоналарда маъдан конларини кидириш, казиш ва турли хил металл хомашёсини рудадан эритиб олиш ишлари изга тушди. Шаҳарларда эса, ихтисослашган турфа хил ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни ички ва ташқи бозор учун товар сифатида етказиб бериш ва савдо-сотик жадал ривожланди. Амир Темур ва темурийларнинг бу сиёсати нафақат мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётини мустаҳкамлашга, балки жамият этник таркибини барқарорлаштиришга олиб келди. Барқарор жамиятда илм-фан ва маънавий ҳаёт ривожланади. Самарқанд ва Ҳиротда аниқ ва гуманитар фанлар йўналишида илмий мактаблар ташкил этилиб, оламга машҳур олиму фузалолар етишиб чиқди. Бугунги кунда ўзбек миллати деб аталган халқнинг миллий муштараклик, ўзликни англаш, ўзбекка хос миллий менталитет асослари қурилди.

Мамлакатнинг икки маданий ўчоғи (Мовароуннаҳр ва Хуросон) негизида шарқий қарлук-чигил-уйғур ва ғарбий ўғуз-кипчок диалектлари асосида эски ўзбек адабий тили таркиб топди<sup>1</sup> ва у ривожланишда, мукаммаллашишда то XX аср бошларигача давом этди<sup>2</sup>.

Кенг халқ оммасининг этник асосини ташкил этган ўтроқ аҳоли ва унинг зиёлилар қатлами дастлаб кўпроқ форсийда сўзлашган бўлсалар, эндиликда аксарият кўпчилик туркийда сўзлаша бошлаганлар. Бу эса, темурийлар даврига келиб, минтақада ўтроқ аҳоли туркий қатламининг этник нуфузи ортганлигидан гувоҳлик беради. Шу боисдан, Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда «турк», «турк элати» иборалари учрайди<sup>3</sup>. Аслида бу иборалар мамлакатда кўпроқ туркий этник компонентларнинг жонли тилига тегишли бўлиб, улар эски ўзбек адабий тилидан бирмунча фарқ қилган, яъни унинг таркибида форсий ва арабий сўз ва атамалар кўп бўлиб, уни оддий аҳоли томонидан тушуниш бирмунча қийин бўлган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий даврида шаклланган ўзбек адабий тили халқнинг жонли лаҳжа тилларидан фарқ қилиб, у аҳолининг ўқимишли зиёлиларининг тили сифатида ривожланган.

Бунинг яна бир боиси шундаки, айниқса, Амир Темур ҳарбий юришлари даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўплаб ўзга этник гуруҳлар кўчириб келтирилган. Айниқса, Самарқанд атрофида кўчириб келтирилган ўзга этник гуруҳларнинг қатор қишлоқлари, аҳоли пунктлари қад кўтаради. Улар ҳам изсиз йўқ бўлиб кетишмаган. Аксинча, давр ўтиши билан улар ўзбек халқи таркибига сингиб кетди. Бу ҳолатлар темурийлар даври этник манзарасининг туб мазмунини ташкил этади, деган хулоса қилишга асос бўлади.

<sup>1</sup> Мухторов А., Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: «Ўқитувчи». 1995. – 115-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 23-бет.

<sup>3</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: 1996. – 109, 168, 229, 271, 282, 375-бетлар.



## ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ МОВАРОУННАХРГА КИРИБ КЕЛИШИ ВА ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ДАВРИДА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

Маълумки, Амир Темур ҳаётлик чоғидаёқ ўз қўл остидаги мамлакатлар ва вилоятларни идора этишни ўғиллари ва набиралари ҳамда садокатли амирларига бўлиб бериб, улар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб бошқарар эди. Амир Темур ўлимидан кейиноқ Соҳибқирон ўрнатган тартиб заминига зил кетди. Соҳибқирон васиятларини биринчи бўлиб, сеvimли набираларидан бири Халил Султон бузди. У валиаҳд Пирмуҳаммадни<sup>1</sup> Ҳиротдан Самарқандга етиб келишини кутмай, Самарқанд тахтини қўлга олди<sup>2</sup>. Шундан сўнг унинг ворислари ўртасида ўзаро зиддиятлар бошланиб, Марказий ҳокимият заифлашиб кетди.

Тўғри, 1409 йилда Ҳирот ҳукмдори Шохрух Мирзо Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, унга ўғли Улуғбекни ўтқазиб, сиёсий вазиятни бироз юмшати ва 40 йилга яқин мамлакатда тинчлик ўрнатилди. Аммо, на Шохрух, на Улуғбек мамлакатда Амир Темурдек тартиб ва интизомни ўрната олмаганлар. Шохрух Мирзо ўта художўй, такводор бўлса, унинг ўғли, Самарқанд ҳукмдори, том маънодаги олим эди. У олам сирларини илм орқали билишга бел боғлаган ҳукмдор эди.

Шохрух ўлимидан кейин темурийзода шахзодалар ўртасида марказий ҳокимиятга интилиш, уни қўлга киритиш илинжида, ҳатто, ўзларининг қўл остидаги мамлакат ва вилоятлар иқтисодий ва маданий ҳаёти билан, раият ташвиши билан шуғулланишдан узоқлашдилар. Темурийзодалар ўртасидаги зиддиятлар айниқса, XV асрнинг иккинчи ярмида шундай кучайдики, буни узоқ-яқиндан кузатиб турган Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари темурийлар мулкига тез-тез хужум қилиб, тинч аҳолини талаб кетардилар. Охир-окибатда, темурийлар салтанатни химоя қилишга ожиз бўлиб қолганлигини сезган Жўжихон авлодлари XVI аср бошларида Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга бостириб келди ва жуда қисқа муддат ичида бу заминда ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар.

Шундан бошлаб, Мовароуннаҳр ва Хоразмда «ўзбек» атамаси эл номи сифатида пайдо бўлади. Бу номнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида айнан XVI аср бошларида пайдо бўлишига Дашти Қипчоқ ўзбек элининг 92 бовли кўчманчи чорвадор қабила ва уруғларининг чингизийзода ҳукмдори Шайбонийхон бош-

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. – Т.: 1997. – 296-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 306-бет.

чилигида кириб келиши асос бўлди<sup>1</sup>. Унгача шимолий дашт чорвадорлари Ўрта Осиё ҳудудларига қабила-қабила ва айрим уруғ жамоалари сифатида тинч ва осойишта ўз қабила ва уруғ номлари билан кириб келиб, маҳаллий аҳоли эгалламаган жойларда макон топиб яшар ва ерли аҳоли билан иктисодий алоқалар ўрнатиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи этнографик гуруҳлар сифатида яшашда давом этар эдилар. Мовароуннаҳр ва унинг теварак-атроф туманларида азалдан яшаб келаётган ўтрок маҳаллий туркийлар ва туркийлашган суғдий, хоразмий, бохтарий, Чоч ва Қадимги Фарғонанинг кишлоқ ва шаҳарлар аҳолиси эса, тақририй суғорма ва лалми деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан банд бўлиб, улар бир-бирларини тил жиҳатидан яхши тушунсалар-да, аммо этномаданий жиҳатдан улардан юксак маданий турмуш тарзи билан фарқ қилар эди.

### Ўзбек уруғларининг манбаларда ифодаланиши

| № | «Мажмуат-таворих»да Сайфиддин Ахсикатий (XVI аср) | Аҳмад ибн Масрух «Насабномаи ўзбек»да (XIX аср) | «Тухфат ат-таворих»да Аваз Муҳаммад Атгор (XIX аср) | Ўз. Шарқшунослик институтидаги қўлёзмада (4330.3) | Заки Валидий «Ўзбек уруғлари»да («Ўзбегим тўплами» 1992) | Н.Хаников «Описание Бухарского ханства», СПб, 1843 | «Қитмир» китобида | «Асомий наваду ду фирқанай ўзбек» да |
|---|---|---|---|---|--|--|-------------------|--------------------------------------|
|   | 1   | 2   | 3   | 4   | 5  | 6  | 7                 | 8                                    |
| 1 | Минг  | Минг  | Минг  | Минг  | Минг   | Минг   | Минг              | Минг                                 |
| 2 | Юз  | Юз  | Қирғиз  | Юз  | Юз   | Юз   | Юз                | Юз                                   |
| 3 | Қирқ  | Қирқ  | Юз  | Қирқ  | Қирқ   | Қирқ   | Қирқ              | Қирқ                                 |
| 4 | Жалойир   | Ўзбек   | Қирқ  | Ўн  | Унжагит  | Ўн   | Ўн                | Ўн                                   |
| 5 | Сарой   | Ўнжагит   | Ўн  | Ўнжагит   | Найман   | Ўнжагит  | Ўнжагит           | Ўнжагит                              |
| 6 | Кўнғирот  | Жалойир   | Ўнжагит   | Жалойир   | Қипчоқ   | Жалойир  | Жалойир           | Жалойир                              |
| 7 | Олчин   | Сарой   | Жалойир   | Сарой   | Арғин  | Сарой  | Сарой             | Сарой                                |
| 8 | Арғун   | Кўнғирот  | Кўнғирот  | Хитой   | Бурлоқ   | Кўнғирот   | Кўнғирот          | Хитой                                |
| 9 | Найман  | Олчин   | Олчин   | Қипчоқ  | Буслоқ   | Манғит   | Найман            | Қипчоқ                               |

<sup>1</sup> Дашти Қипчоқдан 92 бовли кўчманчи ўзбек уруғларининг Мовароуннаҳр ва унинг теварак-атрофларига кириб келиши тарихий манбаларда ўз аксини топган. Улар, масалан, Сайфиддин Ахсикатийнинг «Мажмуат таворих» асарида (XVI аср), Аҳмад ибн Масрухнинг «Насабномаи ўзбек» ва Аваз Муҳаммад Атгорнинг «Тухфат ат-таворих» асарларида (XIX аср), Ўз.ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 4330.3 рақамли қўлёзмада, Н.Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства» (СПб, 1843) ва «Қитмир» китобида ҳамда «Асомий наваду ду фирқанай ўзбек»да, шунингдек, 1992 йилда «Ўзбегим» тўпламига киритилган Аҳмад Заки Валидийнинг «Ўзбек уруғлари» мақоласида ўз аксини топган. Бу материаллар Ўрол Носировнинг «Ўзбеклар шажараси» (Тошкент, 2012, 378–382 бетлар) асарида жадвал тарикасида берилган бўлиб, уларни ушбу бобга илова тарзида киритиш лозим топилди.

|    |                         |                    |                 |                     |          |          |                      |                   |
|----|-------------------------|--------------------|-----------------|---------------------|----------|----------|----------------------|-------------------|
| 10 | Қипчок                  | Арғин              | Арғин           | Найман              | Самарчиқ | Олчин    | Қипчок               | Найман            |
| 11 | Қалмоқ                  | Найман             | Сарой           | Чақмоқ              | Бұзай    | Арғун    | Қозоқ                | Чақмоқ            |
| 12 | Чақмоқ                  | Қипчок             | Найман          | Ўрмоқ               | Қитай    | Найман   | Қалмоқ               | Ўрмоқ             |
| 13 | Қирғиз                  | Чамок<br>(Чичоқ)   | Қипчок          | Тувадақ             | Жит      | Қипчок   | Қувдоқ               | Тўдоқ<br>(Тўғдоқ) |
| 14 | Қарлук                  | Азақ               | Чақмоқ          | Бўстон,<br>(бостон) | Жуют     | Уйрат    | Турлоқ               | Бўстон            |
| 15 | Турк                    | Қалмоқ             | Бурлат          | Самарчиқ            | Салжовут | Қалмоқ   | Самарчиқ             | Самарчиқ          |
| 16 | Туркман                 | Қарлуқ             | Самарчиқ        | Қалмоқ              | Манғит   | Бурлақ   | Қатағон              | Қалмоқ            |
| 17 | Бойовут                 | Тудак              | Булат           | Қарлук              | Қанғит   | Самарчиқ | Келайчи<br>(қалайчи) | Қарлук            |
| 18 | Бурлан                  | Бурлоқ             | Қатаған         | Қатаған             | Оймовут  | Қатагон  | Кенагас              | Қатаған           |
| 19 | Самарчиқ                | Самарчиқ           | Килачи          | Орлот               | Улажи    | Галаги   | Буйрақ               | Орлот             |
| 20 | Қабаша                  | Килачи             | Кенагас         | Арғун               | Гулаган  | Кенагас  | Уйрақ                | Арғин             |
| 21 | Нужин                   | Пинакаш            | Буйрақ          | Барлос              | Қишлиқ   | Бутра    | Ўроқли               | Барлос            |
| 22 | Килачи                  | Буйрақ             | Уйрайт          | Буйтай              | Томо     | Хитой    | Қиёт                 | Бўйтан            |
| 23 | Килакаш                 | Урат               | Қиёт            | Кенагас             | Месит    | Қанғли   | ?                    | Кенагас           |
| 24 | Бурат, бурят<br>(барот) | Қиёт               | Хитой           | Килажи,<br>килачи   | Кирдори  | Уз       | Қанғли               | Килачи            |
| 25 | Убрят<br>(убрыят)       | Хитой              | Қанғли          | Буйрақ              | Рамадон  | Тўпчи    | Тучағ                | Буйрақ            |
| 26 | Қиёт                    | (Тункли)<br>қанғли | Ур (авар)       | Ойрот               | Жуйрат   | Утарчи   | Увузи                | Уйрат             |
| 27 | Хитой                   | Узжуловчи          | Жуба-<br>лижи   | Қиёт                | Бўзажи   | Жит      | Ўрай                 | Қиёт              |
| 28 | Қанғли                  | Куйчи              | Туйжи,<br>тўйчи | Қўнғи-<br>рот       | Уйсун    | Жуют     | Чублач               | Қўнғирот          |
| 29 | Урюз                    | Ўтарчи             | Буймов          | Қанғли              | Татар    | Бўймовут | Қўшчи                | Қанғли            |
| 30 | Жунна-<br>лахи          | Пўлатчи            | Жийит           | Ўз                  | Тилов    | Уймовут  | Чуют                 | Ўз                |
| 31 | Қутчи                   | Жуют               | Жилжут          | Жулачи              | Ширин    | Оролт    | Чибит                | Жиловчи           |
| 32 | Отарчи                  | Жит                | Буйағ           | Жулачи              | Ағир     | Кераит   | Кармин               | Жуловчи           |
| 33 | Пўлотчи                 | Чулчут             | Ўймовит         | Куччи,<br>кучи      | Бузан    | Унгут    | Орлот                | Қатчи             |
| 34 | Жийит                   | Буймовут           | Арлай           | Ўтарчи              | Бузак    | Масад    | Чалчук               | Ўтарчи            |
| 35 | Жуют                    | Оймовут            | Керойит         | Фуладчи             | Баҳрин   | Маркут   | Манғит               | Қўрловчи          |

|    |                 |                              |                 |               |                |         |                              |               |
|----|-----------------|------------------------------|-----------------|---------------|----------------|---------|------------------------------|---------------|
| 36 | Жулжут          | Орот                         | Онгут           | Жуйут         | Мўғул          | Буркут  | Туркут                       | Жуют          |
| 37 | Турмаут         | Кераит                       | Тангут          | Жийит         | Нукус          | Қуралас | Тумалас                      | Жизт          |
| 38 | Ўймовут         | Укалан<br>(гулаган)          | Манғит          | Жалжут        | Жалойир        | Уғилон  | Миннит<br>(михит)            | Чилчўт        |
| 39 | Орлот           | Қори                         | Жалжаут         | Боязут        | Сарой          | Қишлик  | Ўклан                        | Боязид        |
| 40 | Керойит         | Араб                         | Масит           | Ўймо-<br>вит  | Ўнг            | Туркман | Керай                        | Ўймовут       |
| 41 | Онгут           | Илачи                        | Меркит          | Кероит        | Кўнғирот       | Дурман  | Уруб                         | Киройит       |
| 42 | Тангут          | Жубурғон                     | Буркут          | Баган         | Олчин          | Тобин   | Илоч                         | Бағон         |
| 43 | Мангут          | Тишлик<br>Қишлик<br>жаловут? | Қиёт            | Онгут         | Чичок          | Тама    | Чубирғон<br>(чўбир-<br>ғон)? | Анғит         |
| 44 | Жаловут         | Кероит                       | Қуралас         | Тангут        | Қалмок         | Герай   | Қутлин                       | Тангут        |
| 45 | Мамасит         | Туркман                      | Ўғлон           | Манғит        | Ойрат          | Қирғиз  | Туркман                      | Манғит        |
| 46 | Меркит          | Дўрмон                       | Қари            | Меркит        | Қорлук         | Жуйрат  | Дўрмон                       | Меркит        |
| 47 | Буркут          | Тобиш                        | Араб            | Буркут        | Тургавут       | Бўзачи  | Топман                       | Буркут        |
| 48 | Қият            | Томо                         | Илажи,<br>илачи | Месит         | Қатағон        | Сихтиён | Бийча                        | Модру         |
| 49 | Қуралаш         | Рамадон                      | Жубурган        | Қият          | Килечи         | Тилов   | Риндан                       | Укалан        |
| 50 | Ўғлон           | Муйтан                       | Қишлик          | Ўғлон         | Кенагас        | Қирдор  | Митан                        | Олчин         |
| 51 | Қари            | Уйшун                        | Гирай,<br>гирей | Олчин         | Буйрак         | Ўғлон   | Уйшун                        | Қарри         |
| 52 | Араб            | Базожи                       | Туркман         | Қари          | Қиёт           | Чилкис  | Бўйихауз                     | Ғариб         |
| 53 | Илажи           | Ҳофиз                        | Дурман          | Ғариб         | Қангли         | Уйғур   | Қирғиз                       | Шибир-<br>ғон |
| 54 | Шибирғон        | Қирғиз                       | Табин           | Шубур-<br>ган | Ўзже<br>бўлужи | Ёбу     | Уйрувчи                      | Қишлик        |
| 55 | Қишлик          | Можар                        | Тама            | Қишлик        | Упулачи        | Қахат   | Бадай                        | Туркман       |
| 56 | Гарай,<br>гирей | Кўчалик                      | Рамадан         | Туркман       | Гулун          | Қужалик | Тотар                        | Дурмон        |
| 57 | Дурмен          | Саврон                       | Митан           | Дурмен        | Боёвут         | Ширин   | Еттибош                      | Табъ          |
| 58 | Тобин           | Бохрин                       | Уйшун           | Тобин         | Ўтарчи         | Баҳрин  | Қатай<br>(кабаш)             | Тамо          |
| 59 | Тама            | Уйрис                        | Буря            | Там томо      | Арлот          | Некус   | Бошқурт                      | Тобин         |
| 60 | Рамадан         | Жуброт                       | Ҳофиз           | Рамадан       | Керайит        | Мўғул   | Сулдуз                       | Рамадан       |
| 61 | Уюшун           | Бидай                        | Уйуржи          | Митан         | Ўнгут          | Татар   | Тектуй                       | Метан         |

|    |                  |               |                 |         |         |         |                       |         |
|----|------------------|---------------|-----------------|---------|---------|---------|-----------------------|---------|
| 62 | Бадай            | Тотор         | Жуйраут         | Уйшун   | Қачат   | Уйшун   | Кирдор                | Уйшун   |
| 63 | Хафиз            | Тобиш         | Будай           | Бусе    | Меркат  | Герай   | Суктиян               | Бўлса   |
| 64 | Уюрчи            | Мичдир        | Баташ           | Ҳофиз   | Буркут  | Ҳофиз   | Қиркин                | Ҳафт    |
| 65 | Журат            | Сулдуз        | Татар           | Қирғиз  | Қуралаш | Қирғиз  | Ширин                 | Қирғиз  |
| 66 | Татар            | Тум-<br>бўйин | Бачикир         | Татар   | Қарлоп  | Уюрчи   | Фарход                | Тотор   |
| 67 | Йўрға            | Тилов         | Сулдуз          | Бочкир  | Ўғлон   | Жуйрат  | Жуначи                | Бочкир  |
| 68 | Баташ            | Кардори       | Азак            | Сулдуз  | Қудей   | Бўзачи  | Чилтки                | Сулдуз  |
| 69 | Ковчин           | Киркин        | Қалмоқ          | Қаливай | Туркман | Сихтиён | Уйғур                 | Қиловчи |
| 70 | Тумбай           | Ширин         | Қорақал-<br>пок | Дужир   | Дўрмон  | Бабаш   | Машорис               | Дужир   |
| 71 | Тилов            | Ўғлон         | Санвадан        | Жураг   | Тобин   | Ёғрин   | Чолик                 | Журбат  |
| 72 | Кардори          | Курлот        | Тубай           | Будай   | Мўмин   | Сулдуз  | Суврон                | Бадай   |
| 73 | Сахтиян          | Боғлон        | Тилов           | Ўғлон   | Адай    | Тумай   | Овган                 | Ўғлон   |
| 74 | Қирғин           | Чинбой        | Киради          | Қурлаут | Тўксабо | Кирдор  | Кубир                 | Чимбой  |
| 75 | Ширин            | Чилкас        | Сахтиян         | Чимбай  | Қирғиз  | Ўғлон   | Хабрин                | Махлий  |
| 76 | Ўғлон            | Уйғур         | Киркин          | Махди   | Уйуржи  | Гурлат  | Ялонсоз<br>(ялангсоз) | Махдий  |
| 77 | Чимбой           | Афшар         | Ширин           | Чилкас  | Жўрға   | Чимбой  | Ўрсун<br>урғун        | Чилкас  |
| 78 | Чехилькас,<br>ил | Ёбу           | Ўғлон           | Уйғур   | Баташ   | Чилкас  | Олчин                 | Уйғур   |
| 79 | Уйғур            | Торғил        | Курлат          | Афшар   | Қўйсун  | Уйғур   | Ябу                   | Агаркур |
| 80 | Анмар            | Тургак        | Боғлон          | Қур     | Сулдуз  | Ёбу     | Ўғлон                 | Нукус   |
| 81 | Ябу              | Қаҳат         | Чимбой          | Некуз   | Тумай   | Қаҳат   | Қиргий                | Қара    |
| 82 | Тарғил           | Унқут         | Чилкас          | Қара    | Кўрлаут | Можор   | Барлос                | Ёбу     |
| 83 | Тургак           | Танқут        | Уйғур           | Тушлуб  | Жилкаш  | Қўжалик | Кегиз<br>(чиз)        | Торғил  |
| 84 | Тейит            | Манғит        | Арнамар         | Ябу     | Юғур    | Бўзан   | Сандир                | Қоҳат   |
| 85 | Қоҳат            | Чилчиют       | Ябу             | Тарғил  | Ёбу     | Азак    | Кихрут                | Шаврон  |
| 86 | Факир            | Месчит        | Тарғил          | Қоҳат   | Мўйтан  | Қаҳат   | Жоми                  | Ширин   |
| 87 | Қўжалик          | Меркит        | Турган          | Шуран   | Мажор   | Ширин   | Қоли                  | Тама    |
| 88 | Шуран            | Буркут        | Қоҳат           | Ширин   | Қўжалик | Баҳрин  | Тангит                | Баҳрин  |
| 89 | Даражат          | Киёт          | Мажар           | Тама    | Чўран   | Нукус   | Турғун                | Кирай   |
| 90 | Кимат            | Қурлас        | Қўжалик         | Баҳрин  | Чурчут  | Мўғул   | Ўзбек                 | Сахтиён |
| 91 | Шужат            | Қорлик        | Суран           | Гирай   | Нўғой   | Қаён    | Чигатой               | Мўғол   |
| 92 | Ауган,<br>авган  | Турк          | Баҳрин          | Сахтиян | Қопорчи | Татар   | Қопорчи               | Қаён    |

Бу чорвадор аждодларимизнинг ҳаёт тарзи, уларни бир жойда муқим яшаши-ни тақозо этмас эди. Уларнинг азалий ватани Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларидан то Чукотка ва Курил ороллариғача чўзилган дашт минтақалари бўлиб, улар авваллари овчилик, хонаки ва яйлов чорвачилиги, бронза давридан бошлаб (мил. авв. XVIII–XI асрлар) кўчманчи чорвадорларга айланган эдилар. Кўчманчи чорвачилик ҳаёт тарзи уларни ўз чорва моллари учун янгидан-янги ўтлоқ яйловлар кидириб, ярим ҳарбий ҳолатда яшашга мажбур этарди. Шу боис улар қабилаларга, қабилалар уруғ жамоаларига, улар эса уруғ-аймоқларга бўлиниб, Дашти Қипчоқ чўл ва даштларида, тоғолди адирлар ва тоғ сойлари ҳавзаларида яшашга мажбур эдилар.

Дашти Қипчоқ ва унинг ҳар иккала (Кўк Ўрда ва Оқ Ўрда) ҳудудий майдонида кўчиб юрар, кези келганда уларнинг Ўрта Осиё сарҳадларига ўз подалари билан кириб келиши қадимдан одатий тус олган эди.

Тарихий-археологик маълумотларга кўра, уларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши илк бор мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида юз берди. Бу миграция тарихда ориларнинг шимолдан жанубга юриши номи билан маълум. Антик ва илк ўрта асрлардан бошлаб уларнинг жанубга, яъни жануби Туронга, тарих тақозосига кўра, шу қадар жадал кечдики, илк ўрта асрларга келганда, Амударё ўрта оқимларига қадар чўзилган Жанубий Турон ўлкалари том маънодаги Туркистонга, қадимги турклар ватанига айланди.

XIV–XV асрлар давоми Дашти Қипчоқда юз берган тарихий воқеалар туфайли, яъни бу заминда ҳарбийлашган чорвадор бекзодаларнинг «Ўзбек эли», «Ўзбек давлати»нинг ташкил топиши муносабати билан, у давлатнинг ҳукмдори Шайбонийхон етақчилигида турк-мўғул қабилаларининг қулаб бораётган темурийлар давлати устига XVI аср бошларида кўшин тортиб келиши реал воқеликка айланди, Мовароуннаҳрда ҳокимият Дашти Қипчоқ чорвадор кўчманчи ўзбеклари қўлига ўтди.

Тарихий манбалардан маълумки, Сирдарёнинг юқори оқими ва Тангритоғ тизмаларининг ғарбий ёнбағирларидан Днепр, Дунай, Дон ва Волга дарёларининг қуйи оқимиға қадар ёйилган даштлар XI–XV асрларға оид араб ва форс манбаларида Дашти Қипчоқ деб тилға олинади. Дашти Қипчоқ аҳолиси шарқ манбаларида – кипчоқлар, рус солномаларида – половецлар, Византия хроникаларида – куманлар, венгер манбаларида – кунлар деб аталган. Дашти Қипчоқ ҳудудлари XIII аср бошларида Чингизхон кўшинлари томонидан босиб олинган, у жойлар Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжихонға улус сифатида берилди. Жўжихон улуси доирасида (унга Шимолий Хоразм воҳаси ҳам кирган эди) «Олтин Ўрда» давлати барпо этилади. Бирок, XIV аср бошларида Жўжи улуси билан Чингизхон авлодлари ўртасидаги ўзаро тахт учун курашлар туфайли икки-та мустакил давлатларға (тарихда Олтин Ўрда деб ном олган Кўк Ўрда ва Оқ Ўрдаға) бўлиниб кетади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. Москва–Ленинград. 1950. С. 261; Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. Москва, 1965. С. 32.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Волгадан Днепргача чўзилган даштлар, Қрим, Шимолий Кавказ, Булғор ва Шимолий Хоразм Кўк Ўрдага қарашли худудлар бўлиб, бу жойлар аввалгидек Олтин Ўрда давлати деб номланишда давом этади. Ундан Шаркка томон чўзилган бепоён Дашти Қипчоқ чўллари, яъни Сирдарёнинг ўрта ва куйи оқимлари, Орол денгизининг шимол ва шимолий шарқидаги кенг даштлар Оқ Ўрда давлати худудларини ташкил этиб, улар ҳам Жўжиҳон авлодларидан Ўрда-Ичан ва Шайбонлар томонидан бошқарилса-да, расман Олтин Ўрда давлатига тобе ҳисобланар эди. Олтин Ўрдани эса Ботухон ва Туга – Темур авлодлари бошқарар эди.

XIV асрнинг 60-йилларига келганда Олтин Ўрдада Шайбон, Ўрда-Ичан ва Туга-Темур авлодлари ўртасида ҳокимият учун кураш авжига чиқади<sup>1</sup>. Олтин Ўрданинг Ўзбекхон (1312–1342 йиллар) давридаги сиёсий ва ҳарбий мавқеи тушиб кетади. XIV асрнинг 70-йилларида Олтин Ўрдада ички феодал жанжаллари янада кучайиб, бунда Шайбонлар алоҳида фаоллик кўрсатадилар. Ҳатто, уларнинг вакили Тулулбек-хонум ташаббуси билан Шайбонлар номидан танга пуллар зарб этилади<sup>2</sup>.

Амир Темур ёрдамида ҳокимиятни қўлга киритган Тўхтамишхон даврида (1380–1395 йй.) Оқ Ўрда кучайиб, ҳатто, у Олтин Ўрдани ҳам ўзига кўшиб олади. Тўхтамишхон даврида Дашти Қипчоқда нисбатан тинчлик ўрнатилади. Бироқ, 1395 йилги Терек дарёси бўйидаги жангда Тўхтамиш кўшинлари Амир Темур томонидан тор-мор этилгач, Оқ Ўрдада феодал низолари яна авж олади. Оқ Ўрда даштларида бадавлат аслзода бекларнинг ўзларини эркин, озод ва мустақил тутиш кайфияти кучаяди. Дашти Қипчоқнинг шарқий ўлкалари XIV аср иккинчи ярмидан тарихий манбаларда «ўзбеклар диёри», «ўзбеклар эли» номи остида тилга олина бошлайди. Унгача ҳам (XIII асрнинг 80-йилларида) бу жойларда яшовчи турк ва тил жиҳатидан турклашган мўғул қабилари ўзларини «ўзбеклар» номи билан атаганликлари тарихий асарлардан маълум. Унга қадар ҳам «ўзбек» деган атама айрим киши номлари сифатида учраб турган. Масалан, Озарбайжон атабекларидан бирининг номи (Илтегинлар сулоласидан (1210–1225 йй.) ҳамда Муҳаммад Хоразмшоҳнинг (1200–1220 йй.) амирларидан бирини номи Ўзбек эди<sup>3</sup>. Рашидиддин Жўжиҳон ўғилларининг еттинчи фарзанди Минкударанинг ўғли Ўзбек номи билан аталганини қайд қилади<sup>4</sup>. «Ўзбек» сўзи Ҳамдаллах Мустафа Казвини (1281–1350)нинг «Тарих-и гузидэ» (Избранная история) асари-

<sup>1</sup> Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. Москва–Ленинград, 1950; Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. Москва, 1965. С. 32.

<sup>2</sup> Френ Х.М. Монеты ханов улуса Джучиева или Золотой Орды с монетами разных иных мухаммедханских династий. Перевод с немецкого М. Волкова. СПб, 1832. С. 22; Савельев П.С. Монеты Джучидов, Джагатаидов, Джелаидов и другие, обращавшиеся в Золотой Орде в эпоху Тохтамышша. Часть I, СПб, 1858. С. 227–228, 237–238.

<sup>3</sup> Рашидиддин. Джами ат-таварих. Москва–К, 1952, Т. I, кн. 2. С. 159, 133, 194, 227, 242, 245 и т. д.

<sup>4</sup> Рашидиддин. Джами ат-таварих. С. 124.

да Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга тобе ерлар ва халклар хақида фикр юритилиб, бу қабилалар «ўзбекиён» (ўзбеклар), яъни «Мамлакат-и ўзбек» (Ўзбеклар мамлакати) ёки «Улус-и ўзбек» (Ўзбек улуси) деб эслайди. Тарихчи Рузбехон «Меҳмонномаи Бухоро» китобида Дашти Қипчоқ ўзбекларини уч тоифага бўлади. Улар шайбонийлар, қозоклар ва манғитлар бўлиб, Шайбон улуси манбаларнинг маълумотларига кўра, 1238 йилда ташкил топган ва Ўрол тоғининг этакларидан Тобол ва Сарисув дарёларигача бўлган ерларни ўз ичига олган.

Араб тарихчиси Калқашанди (1418 йилда ўлган) ўз асарида Тўхтамишхонни «малик билад ўзбек» яъни ўзбеклар мамлакатининг ҳукмдори деб атайди<sup>1</sup>. Низомиддин Шомий<sup>2</sup> (1404 йилда вафот этган), Шарафуддин Али Яздий<sup>3</sup> (1454 йилда вафот этган), Абдураззоқ Самарқандий<sup>4</sup> (1413–1482) ва Хондамир<sup>5</sup> (1475–1535) асарларида ўзбеклар хақида айрим лавҳалар келтирилади. Масалан, Низомиддин Шомий Тўхтамишни Самарқандга кириб келиши хақидаги ҳикоясида «Темур Тўхтамишга Ўтрор ва Саврон вилоятларини берди ва уни ўша ерларга жўнатди. Бироз вақт ўтгач, ўзбекларнинг подшоси Ўрусхоннинг ўғли Қутлуг Буға ўз кўшинларини (бу вилоятларга) бурди ва кўп жанг қилди. Қачонким, Тўхтамиш Темурга хоинлик қилганида, Темур 1389–90 йили унга қарши от қўйди. Қачонким, Темур кўшинлари Сарик-узун деган жойга етганида нўйонлар ва амирлар йиғилиб, Амир Темурга «Агар биз аввал Мўғулистон хони Хизр жўжанинг лашкарбошиларидан бири Инка-Тўрани тор-мор қилиб, унинг ёвуз ниятларини йўқ қилиб, сўнг «ўзбеклар юрти»га (диёри ўзбек) кириб борсак тўғрироқ бўларди» деб маслаҳат берадилар.

Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурни Тўхтамиш устига юришини гапириб, 1390 йили Амир Темур Мўғулистонга юриш қилди, унга йўл-йўлакай асирлар хабар бердики, Инка Тўра Мўғулистонга қочиб кетди ва у ўзбек даштларида (дар сахро-и ўзбек) яширинган, дейди. Хондамир 1389–1391 йил воқеалари хақида ҳикоя қилар экан, юкорида номи эслатилган Тўхтамиш кўшинини «ўзбеклар кўшини» (сипоҳ-и ўзбек) деб юритилади, дейди. Олтин Ўрданинг амир ва хонлари «ўзбеклар» вилоятининг ҳокимлари деб юритила бошлади. Хуллас, XIV аср бошларидан Дашти Қипчоқ аҳолиси, аниқроғи аввал Оқ Ўрда халқи «ўзбеклар» номи билан юритилган.

Бу юртнинг ҳарбийлашган суворийлари тез-тез Мовароуннаҳрга (асосан ҳозирги Ўзбекистон шимолий ҳудудига) ҳарбий талончилик юришлар қилиб турган. Бу ҳақда Амир Темурнинг «Тузуқлари»да шундай дейилган: Мовароуннаҳрда ўзбекларнинг жабру зулми ортиб кетди... Илёсхўжа бўлса (Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори Туғлук Темурнинг ўғли–А.А.), давлат ва сиёсат ишларида

<sup>1</sup> *Тизенгаузен В.Г.* Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды. «Извлечение из сочинений арабских», СПб, 1884. Т. I. С. 414.

<sup>2</sup> *Низомиддин Шомий.* Зафарнома.

<sup>3</sup> *Шарафуддин Али Яздий.* Зафарнома

<sup>4</sup> *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.

<sup>5</sup> *Хондамир.* Хабиб ас-сийар. Техрон, 1955.



лаёқатсиз бўлгани туфайли уларнинг зулми ситамига бардош беришга ожиз эди. Мен бўлсам салобатим ва ҳайбатим билан ўзбеклар устидан ғалаба қилдим ва мазлумларни золимлар жабридан халос қилдим»<sup>1</sup>. Ўзбекхон (1312–1342) икки Ўрда ерларини бирлаштиргач, Олтин Ўрда худудлари ҳам ўзбеклар элига айланди. Тўхтамиш (1376–1395) даврида бутун Дашти Қипчоқ аҳолиси ўзбеклар элининг фуқаролари деб аталадиган бўлди.

Шу ерда алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўрта Осиё республикалари илмий доираларида минтақа халқларининг келиб чиқиши, ўтмиш тарих масаласида ҳар хил миллий концепциялар кўтарилмоқда, социологик тадқиқотларга асосланиб, этногенез масалаларида тарихийлик принципини инкор этувчи конструктивистик назариялар пайдо бўлмоқда. Ўтмиш тарихга бундай ёндашувлар биринчидан, ташқи муҳолафат ёрдамида ўз халқи тарихини асоссиз чуқурлаштириш, Ўрта Осиё халқларининг барчасига тегишли тарихий ва маданий меросни «ўзлаштириш» кайфиятини кучайишига олиб келади; иккинчидан, миллий концепциялар учун назарий асосни миллий республикалар олий ҳокимият раҳбарларига иктисодий манфаатдорлик туфайли хизмат этишга тайёр Россиянинг айрим олимлари яратмоқдалар. Учинчидан, «конструктивизм» тарафдорлари минтақа халқларининг этногенез ва этник тарихини инкор этадилар ва Ўрта Осиёнинг барча ҳозирги замон халқлари (ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ ва бошқалар) тарихий илдизга эга эмас, уларнинг ҳозирги ҳолати совет ҳокимияти сиёсий тузумининг сунъий ҳосиласи, сиёсий структурасидир<sup>2</sup>.

Ўрта Осиё халқларининг этногенез ва этник тарихи масаласида бундай қарашларни тарихга зид қарашлар бўлиб<sup>3</sup>, бу ерда «ўзбек» номи остида, биринчи навбатда, Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтrock кишлоқ ва хунармандчилик ва савдо-сотик билан шаҳар аҳолисини, шунингдек XVI аср бошларида бу заминга кириб келиб, сиёсий ҳокимият тепасида турган Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбекларини тушунмоқ керак.

Аммо, баъзи бир таниқли шарқшунос олимлар «қадимда ва ўрта асрларда туркий тилли қабила ва қавмлар, ҳатто IX–X асрларга қадар чорвачилик билан шуғулланганлар»<sup>4</sup>, деган хулоса қилишгача борганлар.

Ўрта Осиёнинг қадимги туркий тилли аҳолисининг катта ўтrock катлами зироатчилик билан шуғулланганликлари ҳақида қадимги хитой манбаларида маъ-

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. – Т.: 1991. – 20-бет.

<sup>2</sup> Тишков В.А. Этнология и политика. – Москва, 2001 г.

<sup>3</sup> Алимova Д., Арифханова З., Камолiddин Ш.С. Каким не должен быть этнический атлас Узбекистана «O'zbekiston tarixi», 2004, № 1. С. 72–85. 4: 72–85; Shamsiddin Kamoliddin. The Notion of Ethnogenesis in The Ethnic Atlas of Uzbekistan // Anthropology & Archeology of Eurasia, vol. 44, Number 4 / Spring 2006, p. 42–46. Его же. О понятии этногенеза в «Этническом атласе Узбекистана» «Этнографическое обозрение». М., 2005, № 1. С. 23–101.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. История турецко-монгольских народов // Сочинение в 9 томах. Т. 5. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. М., 1968. С. 195–232.

лумотлар учрайди<sup>1</sup>. Кейинги йилларда Жанубий Козоғистон ва Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзалари, Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларида олиб борилган кенг кўламли археологик изланишлар урбанистик жараёнлар бу ўлкаларга антик даврида кириб борганлиги, айниқса илк ўрта асрларга келганда бу заминда юзлаб катта-кичик шаҳарлар ва шаҳармонанд қишлоқлар қад кўтарганлигидан гувоҳлик беради<sup>2</sup>.

Тарихий манбаларда эса Марказий Осиёнинг туб жойли туркий қабила ва элатлари қадимдан прототурк ва турк тилларида дехкончилик экинлари ва боғдорчилик меваларининг номлари тилга олинади<sup>3</sup>.

Ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини ўрганишда яна бир манба тури борки, у ҳам бўлса, ғарбий оврупа ва рус картографлари томонидан XVI–XVIII асрлар давомида тузилган 200 га яқин тарихий-сиёсий ва этник карталар ҳамда глобуслар мавжуд. Буларда «Ўзбек», «Ўзбекия», «Ўзбекистон» деган топонимик номлар учрайди. Масалан, XVIII асрнинг биринчи ярмида тузилган 2 та харитада (картограф Абрахам Мааснинг «Новая карта Каспийского моря и страны Узбек» ҳамда Василий Ватацийнинг «Карта Каспийского и Аральского морей») Ўрта Осиё ҳудудлари «Ўзбеклар мамлақати», «Ўзбек», «Ўзбекия», «Ўзбекистон» номлари остида тасвирланган<sup>4</sup>. Бу хариталарда Ўрта Осиё сарҳадлари Usbek (Usbec, Usbeck, Vsbek), Usbekia (Usbechia), унинг айрим қисмлари Usbek Bucharia, Usbek Bochara, Usbek Chowaresmia, Usbek Mawaralnahra, Usbek Turkistan, Usbek Turan,

<sup>1</sup> Давыдова А.В., Шилов В.П. К вопросу о земледелии у гуннов. ВДИ, 1953, № 2. С. 193–201. Исламова З.А. Названия продуктов питания в словаре Махмуда Кашгарского «Дивану лугат ат-турк». «Вопросы тюркского языкознания». Алма-Ата: Наука, 1985. С. 89–91.

<sup>2</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982; Григорьев Г.В. Каунчитепа (раскопки 1935 г.). Ташкент, 1940; Литвинский Б.А. Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы. СА. № II, 1967. С. 29–37; Левина Л.М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971; Филанович М.И. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Т.: 2010; Шониёзов К. Канг давлати ва канглилар. Т.: 1990; Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. Т.: 2010; Филанович М.И. Шаштепа-древнейшее поселение оседлых земледельцев на территории Ташкента. Кн. «У истоков древней культуры Ташкента». Т.: 1982; Максимова А.Г., Мерциев М.С., Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Древности Чардары. Алмата, 1968; Подушкин Н.П. Ранние оседлые поселения долины Арыса (I–VIII вв.) Автореф. канд. дисс. Алма-Ата, 1970; его же. По следам древней культуры Казахстана. Алма-Ата, 1970; Оболдуева Т.Г. Курганы каунчинской и джунской культуры. КСИИМК, вып. XXIII. Москва-Ленинград, 1948; Левина Л.М. К истории исследований Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в Восточном Приаралье. «Приаралье в древности и средневековье» Москва, 1998; Байтаков К.М., Подушкин А.Н. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. Алма-Ата, 1979; Байтаков К.М., Подушкин А.Н. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. Алма-Ата, 1979; Вайнберг Б.И., Левина Л.М. Чирикрабатская культура. Москва, 1993; Подушкин А.Н. Арысская культура Южного Казахстана IV в. до н.э. – VI в. н.э. Туркестан, 2000.

<sup>3</sup> Исламова З.А. Названия продуктов питания в словаре Махмуда Кашгарского «Дивану лугат ат-турк» «Вопросы тюркского языкознания». Алма-Ата: Наука, 1985. С. 89–91.

<sup>4</sup> Камолитдин Ш. Две карты Средней Азии первой половины XVIII века. Сборник «Новые источники по исторической этногеографии Средней Азии». Берлин, 2012.

Usbek Tartaria, Usbek Zagatay каби номлар остида қайд қилинган (зарварақдаги 16-расмга қаранг). Бу эса ҳозирги замон конструктивистларнинг ўзбек халқи давлатчилигининг тарихий илдишлари йўқ, Ўзбекистон республикаси советлар ўйлаб чиққан уйдирмадан бошқа нарса эмас, деган тарихга зид мафкурачиларнинг ташвиқотларига қарши жавобдир<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, XIV–XVIII асрлар ҳақида гап кетганда Дашти Қипчоқ худудлари кўчманчи ўзбеклар мамлакати сифатида тушунилган. XVI аср бошларига қадар Ўрта Осиё Туркистон, аҳолиси эса турк номи остида юритилган. XVI аср бошларида Ўрта Осиё худудларида Дашти Қипчоқ қабила ва қавмларининг сиёсий-ҳарбий ҳукмронлиги ўрнатилгач, бу юрт ҳам Дашти Қипчоқ ўзбеклари мамлакатининг таркибий қисми сифатида Оврўпа сиёсий хариталарида «Страна Узбек», «Узбекия», «Узбекистон» номлари остида учрай бошлайди. Бу заминнинг деҳқончилик вилоятларида, биринчи навбатда, Мовароуннаҳрда яшаган халқнинг аксарият кўпчилиги туркий тилда, озрок қисми форсийда сўзлашганлар. Ўрта Осиё туркий тилли аҳолисининг тили Дашти Қипчоқ ўзбекларининг тили билан бир бўлиб, фақат улар турк тилининг турли лаҳжаларида сўзлашганлар. Мовароуннаҳр турклари ва унинг туркийлашган сартлари ўзларини турк ёки Урганжий, Фарғоний, Самарқандий, Андижоний, Шоший, Термизий ва бошқалар деб билганлар. Масалан, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Захириддин Бобурлар ўзларини турк деб атаганлар.

Агар узок ўтмиш тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, тарихий манбаларда Буюк Турк чўлининг аслзода чорвадор ҳарбийлари ўзларини «бек» деб юритар эдилар. Бу атама Турк хоқонларининг битиктошларида ҳам учрайди. Масалан, илк ўрта асрларда Буюк Турк Хоқонлиги давридан бошлаб хоқонлар ўз халқига мафкуравий битиктошларга битилган мурожаатларида «турк будуни (халки)», «турк беклари ва будуни», «турк, ўғуз беклари, будуни» каби сўзларни ишлатганлари маълум. Демак, Хоқонлик даврида, эҳтимол ундан ҳам олдинроқ, турк қавмлари аслзода беклардан ва оддий чорвадор халқдан иборат бўлиб, беклар кўчманчи чорвадорлар жамиятининг бадавлат, эркин, озод суворий ҳарбийларини ташкил этган. Ўзлигини англаш, ўз қадрини билиш, ўзини ҳар жихатдан мустақил ва эркин, ҳеч кимга қарам эмаслигини ҳис этиш чорвадор аслзода беклар учун табиий бир ҳол эди. Дашти Қипчоқда, айниқса унинг шарқий қисмида бу кайфият XIII асрнинг охириги чорагида шунчалар кенг авж оладики, саҳройиларнинг ҳарбийлашган аслзода беклар табақаси ўзларини «Ўзбеклар», яъни «ўзига ўзи бек» деб аташ анъанага айланади.

Аслида, бу сўз икки бўғиндан, яъни «ўз» ва «бек»дан иборат бўлиб, бу сўзнинг «ўз» ўзаги ўзликни англаиб, унга туркча «бек» суффикси қўшилиб, «ўзбек» атамаси пайдо бўлади. Бу борада Г. Вамбери ҳам ўз вақтида ҳақ гапни гапирган.

<sup>1</sup> Камолитдин Ш. Две карты Средней Азии первой половины XVIII века. Сборник «Новые источники по исторической этногеографии Средней Азии». Берлин, 2012. С. 2.

яъни «Буквальное значение слова «узбек» – сам себе господин, самостоятельный. Замечательно, что это достоинства и звания, и в этом смысле оно находится в документах, относящихся к 1150 год»<sup>1</sup>.

«Ўзбек» атамаси дастлаб аниқ бир этник бирлик ном маъносини англатмаган, аксинча, Оқ Ўрда даштларида ҳарбий ўйинлар ва турфа хил боскинчиликлар билан шуғулланиб юрган сон-саноксиз беклар тўдасининг сиёсий-ҳарбий уюшмаси бўлган. Чунки, XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрдада Жўжихон авлодлари ўртасида бошланган ўзаро феодал урушлар шунчалар кучайиб кетдики, натижада кучли ва ягона Олтин Ўрда майда ҳокимликларга бўлиниб кетди. Улар орасида энг катта ва кучлиси Волга дарёси билан Ўрол дарёлари оралигига жойлашган Оқ Ўрда эди. Дастлаб, Оқ Ўрда Тўхтамишхон даврида (1380–1395) анча кучаяди. Хатто, у Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдани бирлаштирди. Бунга Амир Темур катта ёрдам берган.

Аммо, Тўхтамишхон кучайиб олгач, ташки сиёсатда Амир Темур ғашига тегадиган сиёсат олиб бора бошлайди, Хоразм ерларини босиб олади. Олтин Ўрдада Тўхтамишдан норозилар кўпайиб, унинг хатти-ҳаракатлари Амир Темурга етиб бора бошлайди. Оқибат натижада, улар ўртасида пайдо бўлган ички зиддиятлар туфайли 1391 йил июнь ойида Кундузча дарёси водийсида каттиқ жанглар бўлиб, Тўхтамиш жанг майдонидан енгилиб қочади<sup>2</sup>. Улар ўртасида бўлган 1395 йилдаги жангда эса Амир Темур уни янчиб ташлайди. Мағлۇб Тўхтамиш бир қисм тан соқчилари билан қалин рус князликларига қочиб жон сақлайди. 1395 йилги жанг туфайли Олтин Ўрда тамоман инкирозга учради. Шундан сўнг, XIV асрнинг 80-йилларида «ўзбек улуси» номини олган Оқ Ўрдада ҳам хонзода ва бекзодалар ўртасида ҳокимият учун жангу жадаллар бошланиб кетади. XV асрнинг биринчи чорагида тахт учун курашлар авжига чиқиб, бу жангларда Шайбонлар уруғидан Абулхайрхон ғолиб чиқиб, Шаркий Дашти Қипчоқда «Ўзбеклар давлати»ни қайта ташкил этди<sup>3</sup>.

«Ўзбек» сўзининг келиб чиқиши ҳақида фанда турлича қарашлар мавжуд. Масалан, Анвар Шукуров «Ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида» номи рисоласини чоп этган<sup>4</sup>. Муаллиф ушбу рисолада «Ўғуз» сўзини араб ва форс манбаларида ғузга айланиши, «ўзбек» сўзидаги «ўз» ўзаги ўғуздан келиб чиққанлиги, қадимги ўғуз+берк, ўғуз+бўка, бек сўзларидан ЎЗБЕК сўзи келиб чиққанлиги тарихий ҳақиқатдир<sup>5</sup>, «Ўзбек» сўзи Ўғузбек сўзининг қисқартирилган кўринишидир», дейди. «Ўғузларнинг аслзодалари орасида «Ўзбек» номи XIII аср бошларида ҳам учрашини, Олтин Ўрда хони Ўзбек-

<sup>1</sup> *Вамбери Г.* История Бухары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего времени. Перевод А.И. Павловского. СПб, 1873, т. II. С. 2.

<sup>2</sup> *Ахмедов Б.А.* Государство кочевых узбеков. С. 38–39.

<sup>3</sup> *Ахмедов Б.А.* Государство кочевых узбеков. Москва, 1965. С. 33.

<sup>4</sup> *Шукуров А.* Ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида. «Насаф» нашриёти. – Т.: 2010.

<sup>5</sup> Ўша асар. 31–33-бетлар.

хондан 60 йил аввал Озарбайжонда «Ўзбек» деган ҳоким бўлганлиги, ҳатто XI аср араб тарихчиси Усом ибн Мунқизнинг «Китоб ал эътибор» (Ибрат китоби) да Ўзбек исмли Мавсил ҳокими»<sup>1</sup> бўлганлигини қайд қилади.

Ўзбек номини киши номи сифатида қадимги бўлиши тўғри, аммо, ўғузни «ўз» ўзаги билан боғлаш ҳақидаги фаразлар баҳслидир. Масалан, «Ўзбек» номини келиб чиқиши масаласида, уни туркий халқларнинг «уз», «ўз» уруғи билан ҳам боғлаб, қуйидагича фараз қилиш мумкин: маълумки, тарихий-этнографик адабиётларда Дашти Қипчоқнинг ҳар жойларида VIII аср ўрталаридан «узлар» деб аталган туркий тилли қабиланинг уруғ жамоалари яшаб келганлиги, IX–XI асрлар оралиғида улар ҳарбий жиҳатдан кучайиб, уларнинг бекларидан «узбек» сўзи таркиб топгандир, деган фаразни ўртага ташлаш мумкин. Бироқ, «уз» қабиласининг Қипчоқ чўлида бошқа туркий тилли қабила ва қавмларга етакчилик қилганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Шу боис, Дашти Қипчоқда ўзбек атамасининг келиб чиқиши Шарқий Қипчоқ даштининг барча туркий тилли қабила ва уруғ жамоаларига тегишли бўлиб, бу сўз беклик ғурури баланд қабила беклари билан боғлиқ сўз эканлиги тарихий ҳақиқатга яқиндир. Дастлаб, аҳолининг аслзода беклар ижтимоий табақаси ўзларини «ўзбеклар» деб аташган бўлса, секин-аста уларга тобе уруғдошлари ҳам ўзларини «ўзбеклар» деб атай бошлаганлар.

Шундай қилиб, айнан Шарқий Дашти Қипчоқда XIII асрнинг охирлари ва XIV аср давомида «Ўзбеклар мамлақати», «ўзбеклар» деган этносиёсий атамалар пайдо бўлди. XVI аср бошларида Шайбонийхон кўчманчи ўзбекларининг Ўрта Осиёга кириб келиши билан «ўзбек» сўзи Мовароуннаҳр ва Хоразмда пайдо бўлиб, у кейинчалик ўзбек халқи этнонимига айланди.

Унғача, Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари (арлот, баҳрин, буркут, дўрман, ийжон, қтой, қарлук, можор, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, қурловут, манғит, найман, нукус, тангут, уйғур, маркит, қўшчи, ўтарчи, жот, чимбой, кенагас, уйшун, тубойи, тоймас, эчки, туман-минг, шодбахтли, шункорли ва бошқалар) орасидан жанговар суворийлар етишиб чиқиб, улар даштнинг эркин, ўзига хон, ўзига бек ҳарбий гуруҳларини ташкил этганлар. Улар XV аср бошларигача бепонён саҳронинг эркин қушлари, ўзига бек жанговар ҳарбийлашган бебош гуруҳлари бўлиб, улар ўзларини эркин ва озод беклардек тутганлар.

Юқорида қайд этганимиздек, XV асрнинг 20-йилларида, яъни 1428 йилда Жўжихон набираларидан бири Абулхайрхон, ана шу саҳройи аслзода-бекзодалардан ташкил топган ҳарбий гуруҳларни бирлаштириб, аслзода бекларнинг ҳарбий давлагини барпо этди ва бу ишда у асосан манғит қавмларига таянади. Демак, ўзбек атамаси дастлаб XIII аср охирларида Дашти Қипчоқнинг «Оқ Ўрда» деб аталган шарқий қисмининг ҳарбийлашган суворийлар уюшмасига нисбатан иш-

<sup>1</sup> Шукуров А. Ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида. 32-бет; Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. «Ўзбекистон» нашриёти. – Т.: 1994. – 42-бет; Зиётов З. Турон қавмлари. – Т.: 2008. – 189-бет.

латилган. Бу эркин, озод, мустақил суворийлар гуруҳининг асосини аслзода-бекзода ҳарбийлар ташкил этган эди<sup>1</sup>. Ўша кезларда «Ўзбек улуси»га Орол денгизининг шимолий қирғоқларидан то Иртиш дарёсининг ўрта оқимларигача, шарқда Сарисув ва Чу дарёларидан, ғарбда Ёйик (Ўрол) дарёсининг сўл соҳилларигача бўлган ерлар қараган.

Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр ва Хоразмдаги ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. 1510 йилда Эрон шоҳи Исмоил билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Шайбоний ўлимидан кейин мамлакатда парокандалик бошланди. Хуросонни Сафавийлар эгаллайдилар. Шайбоний авлодлари ва айрим қабила бошлиқлари алоҳида вилоятларни (Балх, Ҳисор, Балахшон, Самарқанд, Тошкент ва бошқалар) эгаллаб, марказий ҳокимиятга итоат қилмай мустақил бўлишга интиладилар. Шайбоний зурриётлари орасида ҳам тахт учун кураш авж олади. Мана шу жангларда Абдуллахон II ғолиб чиқиб, 1560 йилда Бухоро тахтини эгаллайди<sup>2</sup>, тахт даъвогарлари ва бебош амирларга қаттиқ зарба бериб, Бухорода марказлашган кучли феодал давлат тузишга эришади. Унинг даврида мамлакат ривожланади, деҳқон, чорвадор ва хунар аҳли ором топади. У мамлакатни иқтисодий жиҳатдан оёққа кўяди.

Бироқ, унинг ўлимидан кейин, унинг ворислари мамлакатни бошқаришга ожизлик қилдилар. Валиаҳд Абдул Мўмин тахтда атиги ярим йилгина ўтира олди. У отасининг сафдошлари томонидан ўлдирилди. Бухоро хонлигида яна тартибсизликлар бошланади. Ташқи вазият ҳам танг ҳолга тушиб қолган эди. Ички ва ташқи вазиятни кузатиб бораётган бир гуруҳ қабила бошлиқлари ва таъсирчан уламолар Шайбоний авлодларидан тахтга яроқли бирор кимса қолмаганлигидан (уларни ўз вақтида Абдуллахон II тинчитиб бўлган эди) хонга куёв ўғил аштархоний Дин Муҳаммад Султонни тахтга ўтказадилар. Шундай қилиб, Бухоро тарихида Аштархонийлар сулоласи мамлакатни бошқара бошлайдилар. Бироқ, Аштархонийлар хонадонидан бироз дурустрок хон чикмади, мамлакатда парокандалик, сарой ўйинлари, бебош амирларнинг ўзаро можаролари тўхтамади. Парокандалик Аштархонийлар сулоласининг охириги вакили Абулфайзхон (1711–1747) даврида янада жадаллашди. XVIII асрнинг 20-йилларида Балх вилояти Бухоро хонлиги таркибидан чиқиб кетди. Тошкент ва Тошкент воҳасини қалмиқлар (жунгарлар), кейин козоқлар эгаллаб олди. Шаҳрисабзни кенағаслар, Қаршини манғиллар, қтой ва қипчоқлар Мирзачўлни, Фарғонани минглар ва юзлар, Зарафшон водийсини найманлар эгаллайдилар. Ўта маишатга берилиб кетган Абулфайзхоннинг санокли кунлари қолди. Бухоро хонлигидаги бу аҳволни кузатиб келаётган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Бухорони босиб олиш учун Амударёдан ўтиб, Бухоро яқинидаги Чор-Бакрда тўхтади. Чор-Бакр таъсирчан сайдлар макони эди. Бундан хабар топган Абулфайзхон, унга пешвоз чиқиб, унинг ёрдамида атрофидаги таъсирчан амалдорларни Бухородан бошқа юртларга бадарға

<sup>1</sup> Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. Москва–Ленинград, 1950. С. 296.

<sup>2</sup> Бухоро шаҳри Шайбонийлар давлатининг пойтахти эди.

килмоқчи бўлади. Улар орасида Ҳаким Оталиқ манғитнинг ўғли Раҳимбий ҳам бўлган. Бундан хабар топган Раҳимбий уни изига тушиб, 1747 йилда ўлдиради ва унинг 9 ёшли ўғлини тахтга ўтказди<sup>1</sup>. Бир йил ҳам ўтар-ўтмас уни ҳам қатл этиб, ҳукмронликни ўз қўлига олади. Раҳимбий Оталиқ жуда устмонлик билан секин-аста ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, 1753 йилда манғит сулоласининг биринчи ҳукмдори сифатида Бухоро тахтига ўтиради. Шундай қилиб, Бухорода 1753 йилда хонлик тугатилиб, Бухоро амирлиги даври бошланади. Демак, кўчманчи Дашти Қипчоқ ўзбекларининг йирик манғит қабиласи уч ўзбек хонликларининг Бухоро амирлигига асос солади.

Манғитлар ҳақида этнографик асарларда маълумотлар учрайди. Уларда манғитларни мўғул қабиласи сифатида XIII аср бошларидан тилга олинади. Ана шу XIII аср давомида манғитлар Дашти Қипчоқда яшар эдилар. Уларнинг қатта қисми XIII–XIV асрларда Волга дарёси билан Ўрол дарёси оралиғида жойлашган эди. Шу давр ичида қипчоқларнинг таъсирида ўз мўғул тилларини унутиб, турк-қипчоқ диалектида сўзлашар эдилар. XIV аср охирларида ўз мустақил давлатини, яъни Манғитлар Ўрдасини туздиладар. XV аср ўрталарида манғитлар нўғайлар аталиб, уларнинг давлати энди Нўғай Ўрда деб аталадиган бўлди. XVI аср ўрталарида Нўғай Ўрда иккига, яъни Катта нўғай ва Кичик нўғайга бўлишиб кетди. Кейинчалик Катта нўғай манғитлари ўзбек, қорақалпоқ, қисман қозоқлар этник таркибига сингиб кетган, Кичик нўғай манғитлари эса асосан қозоқлар этник таркибига қўшилган. XVI аср бошларида Шайбонийхон етакчилигида 92 бовли кўчманчи Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга кириб келиши ҳақида Муҳаммад Солих ўзининг «Шайбонийнома» асарида шундай ёзади: «Ўзбеклар элидан келганлар орасида аскарлар кўп эди. Хўжа Гўги манғитлар уруғининг сардори эди. Бу сарда ўзбеклар 4000 бўлиб, уларнинг барчаси ўзаро қон-қориндош эдилар. Улар орасида қўнғиротлар, манғитлар, дўрманлар, ушунлар ва уйротлар ҳам бор эдилар»<sup>2</sup>.

Уларнинг бир қисми бу заминда қадимдан яшаб келаётган маҳаллий ўтроқ аҳоли иқтисодий хўжалик ва этномаданий таъсирида аста-секин дехқончилик билан шуғулланиб, ўтроқ аҳоли қатламига айланиб кетадилар, уларнинг бошқа қисми XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларигача ярим кўчманчи ҳаёт тарзини ўтаб, яйлов чорвачилик билан шуғулланишда давом этадилар<sup>3</sup>.

Ҳозирги вақтда манғитлар ўзбек халқи таркибига сингиб кетган, улар ўзларини ўзбек миллати эканликларидан фахрланадилар. Аммо, этник келиб чиқиши чорвадор бўлган аждодларимизнинг кекса авлоди ҳозиргача қабилавий

<sup>1</sup> Мирзо Абдал Азим Сами. Тарих-и-салотин – манғития. Перевод Л.М. Вфифановой. Москва, 1962. С. 44.

<sup>2</sup> Муҳаммад Салих. Шейбани-наме. 1989. С. 197.

<sup>3</sup> Материалы по районированию Средней Азии. Кн.1, ч. 1–2. Ташкент, 1926; Кубаков К. Этнический состав сельского населения Верхней Кашкадарьи в конце XIX – начале XX века. (Этнокультурные процессы). Т.: 1991.

этник номларини унутмаганлар. Бу халкнинг конига сингиб кетган етти пушт авлодни эслаш, шажарани унутмаслик билан боғлиқ туркона анъанадир.

Манғитлар жонли шева тилида ўзбек тилининг кипчок лаҳжасида сўзлашадилар. Ёзма ижодда ўзбек адабий тилида фаолият олиб борадилар.

Ўзбек халқининг таркибига кирган Дашти Қипчок кўчманчи ўзбекларидан яна бири кўнғиротлардир. Манбаларда хабар берилишича, кўнғиротлар илк ўрта асрларда Олтой, Мўғулистоннинг шимолий қисмида яшаганлар. Рашидиддин Фазлаллахнинг «Жом-и ат-таварик» ва Абулғози Баходирхоннинг «Шажараи турк» асарларида XIV аср кўнғиротларининг келиб чиқиши ҳақида кўп ривоятлар келтирилган. Кўп асарларда уларнинг келиб чиқишини мўғуллар билан боғлайдилар. Таниқли этнограф олима Б.Х.Кармишева кўнғиротлар мўғулми ёки турк муҳим эмас, XVI аср бошларига қадар Мовароуннаҳрга кириб келган кўпгина мўғул қабилалари қайси тилда гаплашишларидан қатъи назар, тили, маданияти ва этник таркиби бўйича турклашиб кетган эдилар<sup>1</sup>, деган ҳақ гапни айтган.

И.П. Магидовичнинг таъкидлашича, XVI асрга қадар Хоразм ўзбекларининг катта қисми кўнғиротлардан иборат бўлиб, Шайбонийхон билан Қадимги Хоразмга кириб келган кўнғиротларнинг катта қисми Дашти Қипчоқда қолиб кетган қозоқ кўнғиротлари билан эмас, балки аввалроқ бу заминга кўчиб келган кўнғиротларнинг яқин қabila ва уруғдошлари бўлган<sup>2</sup>. Улар азалдан чингизийлар билан куда-анда бўлиб боғланиб қетган<sup>3</sup>, улар Амир Темур ҳукмронлик давридаёқ Қадимги Хоразмда кўнғиротлар сулоласини мустақил давлат сифатида тиклашга интилиб, Амир Темурни Хоразм устига 5 марта ҳарбий юришлар қилишга олиб келган.

Кўнғиротларнинг келиб чиқиши ҳақида, улар орасида кенг тарқалган ривоятга кўра, Чингизийлар билан қариндошлик ришталарини ўрнатган кўнғирот қабиласининг сардори Кўнғирот ота биринчи хотинидан тўрт ўғил (Вахтамғали, Қўштамғали, Қонжиғали, Айнли), кичик хотинидан эса бир ўғил (Тортувли) кўрган. Уларнинг ҳар бири 6 тадан то 18 тагача ўғил кўришиб, улардан ташкил топган уруғлар сони 66 тага етган. Тилшунос олим Х.Д. Дониёров кўнғиротларнинг этник келиб чиқишини мўғуллар билан боғлайди ва «кўнғирот» сўзи мўғулчада «қорақарға» маъносини англатади<sup>4</sup> дейди. Сурхондарё вилояти кўнғиротларининг оксоқоллари аждоқларини айнан Хоразмдан кўчиб келган, деб билладилар<sup>5</sup>. Хоразм кўнғиротлари билан Қорақалпоқ, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё кўнғиротлари бир-бирлари билан генетик қон-қариндошдирлар. Улар таркибидаги уруғ номлари бундан далолат беради. Кўнғиротлар аллақачон

<sup>1</sup> Кармишева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976. С. 211.

<sup>2</sup> Материалы по районированию. Кн. 3, часть 1. Бухара, 189–190.

<sup>3</sup> Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности. «Живая страна» вып. 3 и 4. 1896. С. 370.

<sup>4</sup> Данияров Х.Д., Благова Г.Ф. Говоры «тюрков» Узбекистана. «Вопросы языкознания», 1966. №6. С. 86.

<sup>5</sup> Асрор Қайюмов. Дала материаллари. 1998 йил.



ўзбек халки таркибига сингиб, ўзларини ўзбек эканликларидан фахрлансалар-да, улар орасида ҳозиргача ўз уруғ номларини унутмаган кекса авлод вакиллари учраб туради.

Фарғона мулки эса XVIII аср бошларида Бухородан ажралгунича мустақил бўлиб олган эди. Фарғона давлатининг биринчи хони ўзбекларнинг минг қавмидан Шохрухбий бўлган. Унинг ўғли Раҳимбий даврида Қўқонга Марғилон ва Андижонни қўшиб олиниб, Самарқанд ва Каттакўрғонга ҳужум уюштирилади ва у шаҳарлар ҳам Қўқонга қўшиб олинади. Раҳимбийнинг валиаҳди Абдукаримбий даврида мамлакатда тинчлик ўрнатилиб, шаҳар ва қишлоқларда иктисодий юксалишлар бошланади. XVIII аср ўрталарига келганда Қўқон хонлиги ҳар жиҳатдан ўзини ўнглаб олган мустақил давлатга айланади. XVIII аср охирларида мустақил Тошкент ҳокимлиги Оҳангарон водийси, Сайрам, Чимкент ва Туркистон шаҳарларини ўз таъсир доирасига олади. Бирок, XIX аср бошларига келганда Тошкент ҳокимликларининг ўзаро феодал жанжаллари оқибатида Қўқон хонлиги таъсирига тушиб қолади. Қўқон хони Олимхон (1800–1809 й.й.) мамлакатда марказий ҳокимиятни кучайтириш борасида ҳаракатлар қилиб, Қўқоннинг аслзодалари норозилигига учрайди, ҳокимиятга эса энди унинг укаси Умархон келади. Унинг даврида маданият равнақ топади, марказий ҳокимият мустақамланади. Қозок бийларининг Чимкент, Сайрам каби шаҳарларини қўлга киритиш йўлидаги ҳарбий юришлари муваффақиятсизликларга учрайди. Қўқон Муҳаммад Али даврида (1822–1842 й.й.) ҳатто Қошғарга ҳарбий юриш уюштиради. Тожикларнинг Дарвоз вилоятига, Шугнан, Рошан ва Вахан каби аҳоли пунктларига қўшин тартади. Бирок, Муҳаммад Али сиёсатидан норози аслзодалар руҳонийлар билан тил бириктириб, Бухоро амири Насруллохон билан алоқа боғлайди. Насруллохон Қўқон устига ҳарбий қўшин тортиб, Хўжандни қўлга киритади ва уни қарам хонликка айлантириб, Тошкентни ҳам ундан тортиб олади. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги босқинчилик урушлари ва халқ кўзғолонлари гоҳ у томон, гоҳ бу томон устунлиги билан давом этса-да, XIX аср ўрталарига келганда ҳар иккала томонни ҳам тинкасини қуритган эди. Ниҳоят Қўқоннинг охириги хонлари (Худоёрхон, Маллахон, Пўлатхон, Насриддинбек) даврида мамлакат Россия империясининг тобе бир ўлкасига, Туркистон ҳарбий генерал-губернаторлигига айланади.

XVI–XVIII асрлар давомида Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий вазиятнинг бу қадар мураккаблигига қарамай, мамлакат аҳолисининг этник таркибида азалдан яшаб келаётган ўтрок этник қатламнинг мавқеи жуда катта эди. Қишлоқ аҳолиси асосан анъанавий суғорма деҳқончилик билан, шаҳар аҳолиси кўп тармоқли хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланишда давом этар эдилар. Адир ва даштга яқин аҳоли пунктлари аҳолиси эса яйловга ҳайдаб боқиладиган чорва подалари билан кун кечирар эдилар. Умуман, суғорма ва лалмикор деҳқончилик билан шуғулланувчи турғун аҳоли ҳаётида чорва ёрдамчи хўжалик манбаи ҳисобланган. Ёрдамчи чорва хўжалиги нафақат қишлоқ, балки шаҳарлик ҳар бир ўзбек хонадони учун ҳам зарурий хўжалик анъанаси ҳисобланган.

Мовароуннахр ва Хоразмга турли даврларда (XIII–XIV асрларда) келиб ўрнашиб қолган туркий кабилалар (абдал, карлук, қангли, аз, уз, калтатой, турк, тухси ва бошқалар) ўз уруғдошлари – Шайбоний ўзбеклари билан тезда қоришиб кетадилар. Уларнинг бадавлат қисмигина XVI–XVIII асрларда ўз кабилавий этник номларини сақлаб қолган ҳолда, ярим ўтроқликда ҳаёт кечирадилар. Кўчманчи ўзбекларнинг давлатманд асиздалари шаҳарларга жойлашадилар ва мамлакат сиёсий ҳаётида ҳукмронликни қўлга киритиб, маҳаллий аҳоли билан аста-секин қариндошлашиб, ўтроқ ҳаёт кечира бошлайдилар. Давлатманд чорвадорларнинг сиёсий ҳокимият билан боғлиқ бўлмаган аксарият қисми XVI–XVIII асрлар давомида Ўрта Осиёнинг тоғолди ҳудудларида адир ва даштларга жойлашиб, ўзларининг анъанавий чорвачилик хўжаликлари билан шуғулланишда давом этадилар. Уларнинг ҳаёт тарзи ярим ўтроқликда ўтган. Улар воҳага туташ адир ва чўлларда қапа ва юрталарда яшаганлар. Эрта баҳор чорва молларини ҳайдаб дашт-адирларга чиқиб кетадилар. Кузда дон ва полиз экинларини йиғиштириб олганларидан кейин, чорва молларини ҳайдаб қишлоқ жойларига қайтиб, кеч куз ва қишни ўтказадилар. Шундай ҳаёт эрта баҳорда яна қайтарилган. Этнограф К.Шониёзовнинг кузатувларига кўра, турли даврларда Ўрта Осиёга келиб ўрнашиб қолган туркий қавмларнинг аксарият кўпчилиги ўтроқлашиб, уларнинг ярим ўтроқ ва ярим кўчманчилик билан шуғулланган қисми XIII асрда тахминан 100 мингдан ошмас эди.

XIII–XV асрларда Ўрта Осиёга келиб қолиб кетган туркий ва туркийлашган мўғул кабилалари асосан Амир Темур ва Бобур кўшинларида хизмат қилардилар. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий юришлардан сўнг тобе мамлакатларда турли вазифаларда қолиб, у ерларда болалари билан яшаб қолардилар. Масалан, барлосларнинг айрим гуруҳлари Афғонистонда, Деҳли атрофларида, Кашмирда ўрнашиб қолган. Арлот, кипчок, найман, арғин, мўғул гуруҳлари Афғонистонда, жалоийрларнинг қатта қисми Эроннинг шимолида ва Озарбайжонда қолиб кетганлар.

Таъкидлаш жоизки, анъанага кўра, жангга отланган турк-мўғул чавандоз ўзи билан оила ва уруғ-аймоқларини бирга олиб юрган. Шайбонийхон Мовароуннахрга кўшин тортиб келганда, унинг армиясида 92 қавм чавандозлари хизмат қилган. Демак, ҳар бир қавмни минг оиладан иборат десак, ҳар бир оила ўртача 6–7 кишидан иборат бўлса, у ҳолда, XVI аср бошларидаги Шайбонийхошнинг ҳарбий юришлари мuposабати билан камида 500–600 минг Дашти Қипчок ўзбеклари Мовароуннахр ва Хоразмга кириб келган. Ўрта Осиё ҳудудларида уларнинг барчаси қолиб, туб жойли аҳоли билан қоришиб кетганда ҳам, бу рақам маҳаллий турғун этник қағламга нисбатан ҳеч нарса эмас эди. Шунинг учун ҳам антропологик тадқиқот натижаларига кўра, XVI аср давомида аҳоли этник таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Масалан, кўчманчи ўзбеклар кўпроқ кириб келган Хоразм ўлкасини олсак, XIV–XVI асрлар давомида маҳаллий Хоразм аҳолисининг маълум қисми Мовароуннахрга кўчиб келган. Амир Темур ўзининг Хоразмга охириги юришида (1388 й.) Урганчни олгач, шаҳар аҳолисининг кўпчилигини, биринчи навбатда, ҳунармандларни бола-чақалари

билан Самарқандга кўчириб, усталарни Оксарой қурилишида ишлатган. Шайбонийхон Хоразмни истило қилгач, Қиёт ва бошқа шаҳарлар аҳолисини мажбуран Мовароуннахрга кўчирган<sup>1</sup>. Бухоро амирлари ҳам Хоразм устига бир неча бор юриш қилиб, унинг талай аҳолисини Ҳисорга, Бухорога, Самарқанд ва Тошкентга кўчирган<sup>2</sup>. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Мовароуннахрнинг турли жойларида «Урганжи»лар этник номларини учраши ана шу кўчганларнинг авлодлари бўлса керак. Шунга қарамай, сўнгги ўрта асрларда Хоразм аҳолисининг асосини сартлар ташкил этарди. Хоразмнинг жанубида туркманлар ҳам яшаб, асосан чорвачилик билан шуғулланардилар. Бу заминга четдан кириб келган талайгина қабилалар: бажанақлар (печенеглар), кипчоқлар, ўғузлар, кўнғирот ва чаграқлар эса кўпроқ шимолий Хоразмда яшардилар.

Дашти Қипчоқлилар тилига келсак, улар туркий тилнинг «жўқиювчи» кипчоқ-ўғуз лахжасида сўзлашардилар. Маҳаллий туркийзабон аҳоли эса Мовароуннахрга мослашган «йўқиювчи» қарлуқ-чигил лахжасида гаплашган. Демак, Мовароуннахр туркийларининг қадимийлари қарлуқ лахжасида сўзлашса, Чингизхон босқинидан бошлаб бу заминга кириб келган туркий кўчманчилар туркий тилнинг кипчоқ ва ўғуз лахжаларида сўзлашганлар.

XVI аср бошларида Шайбоний ўзбекларининг бу заминга катта-катта гуруҳлар бўлиб кириб келиши билан кипчоқ ва ўғуз лахжаларида сўзловчи аҳоли янада қалинлашади. Чунки, унга қадар ҳам бу лахжаларда сўзлашувчи этник гуруҳлар Мовароуннахр ва Хоразмда кенг тарқалган эди.

Мовароуннахрда қарлуқ-чигил лахжаларида сўзлашувчи аҳоли ўтроқ туркий этноснинг асосини ташкил этарди. Кейинчалик кипчоқ ва ўғуз лахжаларида сўзлашувчи аҳолининг ўтроқ ҳаётга ўтганлари маҳаллий туб жойли аҳоли билан аралашиб, қоришиб кетгач, улар ҳам Мовароуннахрнинг барча қадимий туркий кавмлари каби қарлуқ-чигил лахжасида сўзлашадиган бўладилар. Ана шу уч туркий тил лахжаларининг қоришуви натижасида шаклланган тил ўзбек тилшунослик фанида шартли равишда «чигатой тили» ёки «эски ўзбек тили» деб аталадиган бўлди.

Ўзбек тилшунослигида, эски ўзбек тили Мовароуннахр ва Хоразмнинг барча аҳолисини умумхалқ тилига айланди<sup>3</sup>. Аммо, «эски ўзбек тили» ҳақида гап кетганда, аслида XI–XII асрларда Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида, айнан Мовароуннахрда умумтурк тилидан ажраб чиқиб, қарлуқ-чигил лахжалари асосида шаклланган туркий тилни тушунмоқ керак. Бу тил жуда қадим-қадим замонлардан суғдий ва хоразмий, VIII–IX асрлардан бошлаб араб ва форс-тожик сўзлари билан бойиб борди. Эски ўзбек тили таркибига XVI–XVIII асрлар давомида кипчоқ ва ўғуз лахжаларида сўзлашувчи этник гуруҳлар янада кўпроқ қўшилган ҳолда, у қарлуқ-чигил лахжалари асосида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди.

<sup>1</sup> *Абулғозий. Шажараи турк.* – Т.: 1992. – 134-бет.

<sup>2</sup> *Шарафуддин Али Яздий Зафарнома.* – Т.: 1997. – 119-бет.

<sup>3</sup> *Абдурахмонов Ғ.А., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.* – Т.: 1973. – 16-18-бетлар.

Хуллас, кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб ўрнашганларидан кейин вақт ўтиши билан маҳаллий аҳоли билан яқинлашиб, улар билан куда-анда бўлиб аралашиб, қоришиб муқим яшовчи туркий ўзбекларга хос моддий маданият, маънавий-ахлоқий ҳаётни, этник урф-одатлар ва ибратли удумларни ўзлаштира бошлайдилар. Ўтроқ аҳолига хос турмуш тарзи ва муштарак маънавий дунё фазилатлари уларнинг руҳига сингиб боради.

XVI–XVIII асрларда ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳудудида жонли халқ тили ўзбек тили эди. Тожик тили ўзбек аҳолисининг маълум қисми учун (хусусан Зарафшон водийсининг айрим шаҳар ва тоғли қишлоқларида) иккинчи тил ҳисобланган. Эски ўзбек тили Мовароуннаҳрда тожик-форс тили билан жуда яқин ва доимо узвий алоқада ривожланди. Шунинг учун бўлса керак, Мовароуннаҳр аҳолисининг талай қисми, айниқса, зиёлилар табақаси икки тилда: туркий ва тожик-форсий тилида сўзлашар ва ёзиша олар эдилар.

Бухоро амирлиги ва Кўкон хонлигида расмий маҳкама тили форсий ва қисман ўзбек тилида бўлгани ҳолда, Хоразмда Хива хонлигида нафақат жонли халқ тили, балки расмий маҳкама тили ҳам эски ўзбек тилида олиб борилар эди. Чунки, Хоразм тилида араб ва тожик тилларининг таъсири қамроқ эди<sup>1</sup>. Шунга қарамаздан хоразмдилар тилига ҳам ўзга тиллардан баъзи сўзлар кириб қолган<sup>2</sup>.

XVI асрда Дашти Қипчоқдан Хоразм воҳасига кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар минтақа аҳолисини нафақат сон жиҳатдан кўпайишига, балки этник жиҳатдан ранг-баранг бўлишига олиб келган. Кўчиб келган этник гуруҳлар экин-боп ер ва яйлов талашиб, бир-бирлари билан урушиб турганлар. Хукмронликни даъво қилишиб, баъзи қабила бошлиқлари хонлар билан рақобатлашиб, мамлакат тинчлигини тез-тез бузиб турардилар. XVII асрга келиб бу курашларга барҳам бериш ва мамлакатда осойишталикни ўрнатиш зарур бўлиб қолди. Хива хони Абулғози мамлакатда осойишта ҳаёт таъминлаш мақсадида 1646 йилда ислоҳот ўтказиб, бунга кўра, Амударё қуйи хавзаларида яшовчи ўзбек қавмларини ҳар иккитасини бир жамоага бирлаштириб, тўрт жуфт (қўнғирот-қиёт, қангли-кипчоқ, нукус-манғит, уйғур-найман) тўп ташкил қилган. Ҳар бир жуфтга экин майдонлари, ариқ ва каналлар ва яйловларни бўлиб берган. Уларга 14 та кичик этник гуруҳларни қўшиб қўйган<sup>3</sup>.

Лекин Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги ўзаро талончилик урушлари мамлакат иқтисодий ҳаётига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. XVIII асрнинг охири чорагига келиб, мамлакатда очарчилик, ундан кейин ўлат касали бошланиб, қўпчиликни ёстигини қуритди. Аҳолининг талай қисми ўзга юртларга кетишга мажбур бўладилар<sup>4</sup>. Хива хонлигида юз берган вазиятдан усталик билан

<sup>1</sup> Кононов А.А. Родословная туркмен. Соч. Абулгазихана Хивинского. Москва–Ленинград, 1958. С. 36.

<sup>2</sup> Щербак А.М. Граммати́ка узбекского языка. Москва–Ленинград, 1962. С. 15.

<sup>3</sup> Материалы по истории гуркмен и Туркмении. Т. II, Москва–Ленинград, 1938. С. 327–328.

<sup>4</sup> Ўзбекистон тарихи. – Т.: 1993. – 263-бет.

фойдаланган кўнғирот уруғидан бўлган Муҳаммад Амин тахтни осонгина эгаллайди. Хоразмда кўнғиротлар сулоласига асос солинади.

Шундай қилиб, XVIII аср давомида Ўрта Осиёда учта хонлик ташкил топиб, Хоразмда кўнғиротлар, Бухорода манғитлар, Қўқонда минглар ҳокимият тепасига келадилар. Улар Дашти Қипчоқнинг ўзбеклар элидан келган кўчманчи қавмлар бўлиб, иқтисодий-хўжалик, сиёсий ва этномаданий жиҳатдан юксак даражада ривожланган туб жойли маҳаллий аҳоли таъсирида вақт ўтиши билан ўтроклашиб кетадилар. Аммо, сиёсий ҳокимият улар қўлида бўлганлиги ва туб жойли аҳолининг аксарият кўпчилиги туркийда сўзлашганликлари учун Туркистонда туркий этносга хос ўзбек руҳи барча аҳоли қонига сингиб боради. XVIII асрда бу юрт ўтроқ ўзбеклар элига, ўзбеклар юртига айланади.

Волга ва Ўрол дарёлари оралиғида кўчиб юриб, Абулхайрхоннинг таянчи бўлган манғит қабилалари XV асрнинг иккинчи ярмида «Нўғой Ўрда» номи билан тарихга кирган давлатни барпо қилдилар. Нўғой Ўрдан шимолда мустақил «Сибир хонлиги» ташкил топади. Бир гуруҳ ўзбек қабилалари (200 минга яқин оила) Абулхайрхон давридаёқ Чу дарёси водийсига бориб, 1466 йилдан мустақил яшай бошлаган эдилар. Абулхайрхон ўлимидан кейин тахт учун курашларга қатнашишни истамаган Ок Ўрда ўзбекларининг айрим гуруҳлари Чу воҳасида яшовчи кўчманчиларга бориб қўшиладилар. Манбаларда қайд қилинишича, улар XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи чорагида ўзларини «ўзбек-қозоқ»лари деб атаганлар<sup>1</sup>. XVI асрнинг ўрталаридан, қачонким қозоқлар элат бўлиб шакллангач, улар тарихий манбаларда «қозоқи»лар деб тилга олинади<sup>2</sup>.

XVI аср охири ва XVII аср бошларида қозоқлар шундай кучайиб кетдики, ҳатто ўз яйловларини ҳимоя қила олишларидан ташқари, ўзбек шайбонийлари билан ҳам бемалол кураша олардилар. Улар XVII асрда Шайбоний ўзбекларидан қолган Шарқий Дашти Қипчоқ ерларини босиб олиш билан чегараланмай, ҳатто, Тошкентга ҳам ҳужум қилиб, жунғорлардан Тошкент ва Тошкент воҳасини тортиб олади.

Элшунос К. Шониёзовнинг ёзишича, Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчиб келган этносларнинг ҳаммаси ҳам кўп сонли бўлавермаган. Уларнинг айримларигина, масалан, қипчоқ, сарай, кўнғирот, юз, минг, найман, манғит, қтойлар бошқаларга нисбатан йирик этник гуруҳлар эди. Буларнинг ҳар бири 30–50 мингдан то 200 минггача бўлиши мумкин. Тилга олинган этнослар ичида энг кўп сонлиси қипчоқлар эди<sup>3</sup>. XVIII аср охири – XIX аср бошларида қипчоқлар 270 минг атрофида бўлган<sup>4</sup>. Таъкидлаш жоизки, Дашти Қипчоқ кўчманчи қабилаларининг ҳаммаси ҳам Мовароуннаҳрга кўчиб келмаган. Уларнинг бир қисми ўз она юртларида қолиб, кейинчалик қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, татар, бошқирд ва бошқа туркийгўй этносларнинг таркиб топишида фаол иштирок этганлар. Масалан,

<sup>1</sup> Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII веков. Алма-ата, 1969. С. 214.

<sup>2</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий». – Т.: 1996. – 147, 150, 180, 302-бетлар.

<sup>3</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 414-бет.

<sup>4</sup> Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа. Т.: 1974. С. 110.

кўнғиротларнинг катта гуруҳи қорақалпоқ, қозоқ, Хоразм аҳолисини; кипчоқлар қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, бошқирд, туркман халқини; найманлар қозоқ ва қирғиз халқини; қтойлар қорақалпоқ, қозоқ, бошқирд халқини таркиб топишида иштирок этганлар. Уларнинг Мовароуннаҳрга келиб, бу заминда қолиб кетганлари XVIII аср бошларида Ўзбекистон аҳолисининг тахминан 4/1 ни ташкил этган<sup>1</sup>. Кўчманчи ўзбеклар ўтрокликка ўтиши билан муҳим этник жараён юз беради, яъни келиб чиқиши ҳар хил бўлган қавмлар орасида ўзаро аралашиб бошланади. Айни вақтда улар маҳаллий ўтрок аҳоли билан ҳам аралашиб, қоришиб боради. Замон ўтиши билан бу жараёнлар туфайли аҳоли номида ҳам ўзгариш ҳосил бўлади<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, XVI аср бошларида Бухоро аҳолиси (кўчиб келган кўчманчи ўзбеклардан ташқари) «чиғатой» ёки «турк чиғатой» ва тожикка бўлинган. XVII аср охирига келиб эса бу аҳоли манбаларда фақат ўзбек ва тожикка бўлинган<sup>3</sup>. Демак, XVII аср охиридан бу далиллар ўзбек атамаси этник маъно ва мазмун касб эта бошлаганлигидан далолат беради.

XVI–XVII асрларга келиб «сарт» атамасининг ҳам мазмуни ўзгариб қолди. Маълумки, авваллари бу атама форс манбаларида фақат тожикка нисбатан қўлланилган бўлса, XVI–XVII асрлардан бу атама кўпроқ Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва Хоразмда турғун яшовчи муқим ўзбекларга нисбатан қўлланиладиган бўлди<sup>4</sup>.

Ўзбек халқи ўзининг XVI–XVIII асрлардаги этник тараққиётида олдинги даврлардагидек, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқлар билан яқин иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқада бўлиб келди. Айниқса, узоқ асрлар давомида бир ҳудудда яшаб келган ўзбек ва тожиклар ўртасидаги этномаданий тараққиёт ҳар икки халқнинг муштарак ривожланиши учун хизмат қилди ва уларни бир-бирларига янада яқинлаштирди. Натижада, айрим туркий тилли гуруҳларнинг тожиклар таркибига, тожикзабон гуруҳларнинг ўзбеклар таркибига кўшилиб, қоришиб кетишига олиб келди. Тожикзабон аҳолининг ўзбеклашиб жараёни, айниқса, Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасида яққол кўзга ташланади.

XVII асрнинг охири ва XVIII аср бошларида жунғорларнинг сиқуви остида Қозоғистон чўлларида Мовароуннаҳрга бир неча қабилавий этник гуруҳлар кўчиб келадилар. Мана шу этник тўлқинда қорақалпоқларнинг бир қисми Зарафшон воҳасига кўчиб келиб, Нурота тоғ тизмаларининг жанубий ёнбағирларига жойлашадилар. Шу тўлқинда кипчоқларнинг катта гуруҳи Зарафшон водийси, Тошкент воҳаси ва Мирзачўлга келиб жойлашадилар. Унгача Тошкент воҳасида туркий қабилалардан курама, дўрман, қирқ, юз, минг ва бошқа қабилалар яшаб келар эди. XVIII асрнинг 30- йилларида кипчоқларнинг бир қисми яйлов қидириб, шимолий Фарғонанинг тоғолди минтақаларига кўчиб ўтадилар. Ўша кезларда

<sup>1</sup> Мулладжанов И.Р. Демографическое развитие Узбекской ССР. Т.: 1988. С. 123.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 1996. – 415-бет.

<sup>3</sup> Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. Москва, 1958. С.69.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких... С. 189. Ёо же, «Сарт», Соч. Т. II, часть 2. С. 527–529.

қорақалпоқларнинг бир қисми Марказий Фарғонага келиб ўрнашадилар. Кейинчалик бу ерлар «қорақалпоқ чўли» номини олган.

**Хулоса.** Шундай қилиб, XVI–XVIII асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хоразм воҳасида сиёсий вазият жуда мураккаб кечган. Оқибат натижада, ягона Шайбонийлар – Аштархонийлар давлати учта ўзбек хонликларига бўлиниб кетди. Бу бўлиниш марказлашган давлатнинг этник ва иктисодий омилларга асосланмаган қабилавий-сулолавий парчаланиши эди. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хоразмда феодал бебошлиқлар авж олди. Юз берган бу зиддиятлар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг этник таркиби ва ривожланишига ҳам катта таъсир этди.

Дашти Қипчоқ ўзбекларининг этник таркибида ўз тилларини аллақачон йўқотиб, туркийда сўзлашувчи элатлар кўп эди. Уларнинг антропологик типи Жанубий Сибир типини эслатар эди. Уларнинг катта қисми Ўрта Осиё икки дарё оралиғига келиб ўрнашгач, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши оқибатида ўзбекларнинг антропологик типиди мўғул қиёфа этник гуруҳлар қатлами қалинлашади. Айниқса, ўзларини келиб чиқишини кўнгирот, дўрман, минг, арлот, катағон каби этник бирликлар билан боғловчи ўзбекларда бу яккол кўзга ташланади. Шунга қарамай, XVI–XVIII асрларда Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳр ва Хоразмга келиб жойлашиши XI–XII асрларда шаклланган ўзбек халқининг этник таркибини тубдан ўзгартира олмаса-да, «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типиди» таркибида XIII–XIV асрларда мўғулий элементларни кўпайиши сезила бошлайди. XV асрнинг охири ва XVI–XVII асрларда Дашти Қипчоқдан 92 бовли чорвадор ўзбек уруғларининг Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларга келиб ўрнашиши оқибатида ўзбек халқининг этник таркибида мўғулий элементларни сезиларли даражада юз беришига олиб келди. Аммо, аҳоли этник таркибида брахикефал европеоид қатлам «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типиди»нинг мутлақ асоси бўлиб қолаверди. XVIII–XX аср бошларида ўзбек халқининг антропологик таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмайди<sup>1</sup>.

Шайбонийхон етакчилигида Ўрта Осиёга бирга кириб келган Дашти Қипчоқ ўзбеклари маҳаллий туркийзабон ўтрок аҳолига «ўзбек» номини берди. Бу ном Ўзбекистон тарихининг бундан кейинги тараққиёт босқичларида маҳаллий аҳоли руҳига сингиб, ўзбек атамаси бутун бир халқнинг этник номига ва миллий ифтихорига айланди. Ҳозирги ўзбеклар орасида мўғулий қиёфа асосан айрим қишлоқ ўзбеклари (кўнгирот, мангит, минг, дўрман, қурама, жалойир каби ўзбек уруғлари) этник таркибида сақланган. Аммо, шаҳар аҳолисининг этник таркибида брахикефал европеоид қатлам мутлақ асос бўлиб қолаверган. XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида юз бераётган глобаллашув жараёнлар таъсирида Ўзбекистон халқининг катта шаҳарлар аҳолиси этник таркибида мўғулий қиёфали элементларнинг пайдо бўлиши кўзга ташланади.

<sup>1</sup> *Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К. Историческая антропология. В кн. «Узбеки», Москва, 2011. С. 17–18.*

## XVI боб

### ПОДШО РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА ЎРТА ОСИЁДА ИҚТИСОДИЙ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Жаҳонда капиталистик муносабатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўз ўрнини топаётган кезларда Ўрта Осиё худудлари ўзининг табиий-географик бойликлари ва арзон ишчи кучи чексиз бўлгани ҳолда, XIX аср ўрталаригача ҳеч кимга қарам бўлмаган, феодал мустабид тартиблари кенг илдиз олган худудлар эди. Бу имкониятга капиталистик иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланиб бораётган кўшни подшо Россияси бефарқ қараб тура олмас эди. Шу боисдан, Россия давлати подшо Иван Грознийдан бошлаб Ўрта Осиёни ўз мустамлакасига айлантиришни режалаштирган эди. Тарих тақозосига кўра, XVIII аср давомида катта, кичик ва ўрта Қозок жузлари бирин-кетин Россия тобелигига ўтиб, рус ишбилармонлари учун Ўрта Осиё томон жадал ҳаракат қилишга кенг имкониятлар очилди. Фақат XVIII асрда Қозок жузлари худудида 46 та катта, 96 та кичикроқ ҳарбий қалъа ва истехкомлар қурилиб, уларга ҳарбий қисмлар жойлаштирилди<sup>1</sup>. Ўрта Осиё ерларига кириб бориш айниқса, подшо Николай I даврида (1825–1855) кучайди. Подшо Россияси томонидан ҳар хил баҳоналар билан Ўрта Осиё худудларини босиб олишга интилиш, ҳарбий юришлар уюштириш авж олди. Россия – Қўқон, Россия – Хива чегараларида ҳарбий истехкомлар қуриш давом этди.

Россия босқини арафасида Ўрта Осиё уч хонликка бўлиниб, улар ўртасида ҳукм сурган феодал урушлари, чегара жанжаллари, ҳатто ҳар бир хонлик доирасида юз берган ўзаро ички феодал курашлар Подшо Россияси ҳарбийлари ва сиёсатдонларининг эътиборини ўзига тортмай қўймас эди. Афсуски, бу суронли йилларда Ўрта Осиё хонликлари бирлашиб, бўлажак ташқи хавфни олдини олиш ўрнига ўзаро ички урушлар, жангу жадаллар билан банд бўлдilar.

XIX асрнинг биринчи ярмида Англия ўз мақсадларини кўзлаган ҳолда Россияга қарши Туркистон хонликларини иттифоқини тузишга ҳаракат қилади. Бу йўлда Англия ўз айғоқчиларини (Конолли, Бернс, А. Тодд, Стоддарт, Аббот, Шекспир каби зобитларни) «сайёҳлар» сифатида Ўрта Осиёга юбориб, Россия ташқи сиёсатига халакит бера бошлайди. Улардан Стоддарт ва Коноллилар Бухоро расмийларига дипломат ваколатига тегишли ҳужжат кўрсата олмагач, улар Бухоро зиндонидида қатл қилинган. Англия ўз дипломатиясини Туркия орқали амалга оширмоқчи бўлиб, қанчалар ҳаракат қилмасин, аммо бу ҳам иш бермади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1-китоб. – Т.: 2000. 38-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар., 1-китоб. 54–55-бетлар.



Айни чоғда Россия дипломатияси хонликлар ўртасида тобора кучайиб бораётган зиддиятларни ҳисобга олиб, 1853 йилда Оқмачит калъасини босиб олди.

Оқмачитни олиниши муносабати билан маҳаллий тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкандий ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида қуйидагиларни ёзади: «Кўқонда Оқмачит воқеасини эсдан чиқариб айш-ишрат, кайфу сафо, ўйин-кулги ва парвосизликка берилиб, мамлакат ишидан кўз юмиб, Қозоғистондаги хирож, бож ва закотни ғайридин миллатларга топшириб, ҳукмронликни ғанимат билиб, ёмон одамларни, ўғриларни ва ҳаром кишиларни тўплаб амалдор қилиб ва валий белгилаб, ҳар бир шаҳарга юбора бошладилар. Айрим жоҳил муллалар ва нодон уламолар сўзига ишониб, аҳоли шариатдан узоқлашиб, илмсиз жоҳилларни мансабдор қилиб кози, раис, ҳоким, валий лавозимларига ўтқаздилар. Порахўрлик ва ҳаромлик ривожланди, ишни текширмай айтувчилар сўзига амал қилиб, порахўр, хушомадгўй ва умуман нобоб одамлар ҳоким ва мансабдор бўлдилар. Аксинча, доно, ақлли, фозил ва билимдон кишилар хўрланди ва оёқ ости қилинди. Кенгаш ва маслаҳат билан иш юритишга йўл берилмади»<sup>1</sup>.

Маҳаллий тарихчи Муҳаммад Солиҳ куйиниб юрган кезларда Подшо Россиясининг ҳарбий қўшинларига бирин-кетин Пишпак, Тўқмоқ қалъалари, Авлиёота, Туркистон ва Чимкент шаҳарлари таслим бўлди. 1864 йилнинг октябрида генерал Черняев Тошкентга кириб келди. Тошкент даҳаларида бошланган жанглар 1865 йил июлида якунланди. Босқинчиларга қарши Ёқуббек ва амир лашкар Алиқул каби маҳаллий қўшин сардорларининг қаҳрамонларча курашига карамай, Абдурахмонбек Шодмон, Муҳаммад Соатбой, Саид Азим Муҳаммад каби хоинларнинг хиёнатлари ҳам душманга ғалаба келтирди. Тошкентдан сўнг Кўқон хонлигининг бошқа шаҳар ва қишлоқлари ҳам ишғол қилиниб, 1867 йилда Туркистон ҳарбий генерал-губернаторлиги тузилди, унга Фон Кауфман бошлик қилиб тайинланди. Шундай қилиб, Кўқон хонлиги худудининг бир қисми бевоқиф Россия империяси таркибига қўшиб олинди. 1876 йилда эса Россия Кўқон хонлигини бутунлай босиб олиб, хонлик бекор қилинади.

Россия империясининг истилочилари Бухоро амирлигига қарши 1866 ва 1868 йилларда икки марта юриш қилиб, биринчи юришда амирликнинг Ўратепа, Жиззах ва Янгиқўрғон бекликларини босиб олади. Иккинчи юришда Самарқанд таслим бўлди. Бухоро ҳукмдори амир Музаффарнинг Туркия ва Англияга мурожаат қилиб мадад сўраши ҳам иш бермади. У мамлакат мудофаасига тайёр эмас эди. Умумхалқ сиқуви билан уюштирилган амирлик қўшинларининг қарши ҳужуми Черняев, Романовский қўшинларига бардош бера олмади, муваффақиятсиз чиқди. 1868 йил 1 майда Чўпонота тепалигида бўлган жангда амир Музаффар қўшинлари мағлуб бўлдилар. Шундан сўнг, рус қўшини генерал Кауфман бошлик Самарқанднинг соткин, кўрқоқ, хушомадгўй козиқалон, уламолари ва амалдорлари кузатувида шаҳарга тантана билан кириб келадилар. Амир Музаффар қанчалар уринмасин Зирабулоқ жанги уруш тақдирини ҳал қилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон янги тарихи. 1-китоб. 58-бет.

Аммо, амирликнинг жанубий бекликларини бирлашган қўшини амир Музаффарнинг валиаҳди Абдумалик етакчилигида кечагина қўлдан кетган Самарқандга юриш бошлайдилар. Бироқ, бу амир Музаффарга ёкмайди. Чунки, у қарам бўлсада, амирлик тахтини қўлда тутиб туриш илинжида Россия ҳарбий генераллари билан тил топишга, нима бўлса ҳам тахтни ўғлига топширмаслика ҳаракат қилади. Шунинг учун амир Музаффар яқинлари билан маслаҳатлашиб, Кауфманнинг асоратли сулҳ шартларига кўнади ва валиаҳд Абдумалик кўшинлари ичига айғоқчилар юбориб, Самарқандда Россия кўшинлари ғалабасига кўмаклашади. Ҳатто, Абдумаликни Қаршидаги қароргоҳига ҳужум уюштириб, унинг жанговар ватан ҳимоячиларини Қаршидан сиқиб чиқаради. Шундан сўнг, Абдумалик чавандозлари билан дўстлари—эрксевар беклар Жўрабек, Ёқуббек ва Султон Содиқлар билан бирлашади. Бу бирлашган кучлар Абдумаликни Шаҳрисабз Оқсаройида Бухоро амири деб эълон қиладилар. Ватан ҳимоячилари Шаҳрисабздан сўнг Қаршини қайта эгаллайдилар. Кармана, Чирокчи бекликлари ҳам тез орада улар кўлига ўтади. Музаффар ва генерал Абрамов кўшинлари билан ватанпарварлар ўртасида Қаршида қаттиқ жанглр бўлади. Кучлар тенг бўлмаган жангда ватанпарварлар Хива томонга чекинишга мажбур бўладилар. Шаҳрисабз ва Китоб беклари Ёқуббек ва Бобобеклар эса минтақада қолиб, то 1870 йил кузигача амир Музаффар ва Абрамов кўшинларига қаршилик кўрсатишда давом этадилар<sup>1</sup>.

Россия империяси Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлигини бартараф қилгач, энди навбатни Хива хонлигига қаратди. Шу масалада 1872 йилда Россия ҳарбий вазири Санкт-Петербургда махфий кенгаш чакириб, Хива хонлигини босиб олишга қарор қилинади. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Россия тажовузидан хавотирланиб, Ҳиндистон оркали Англиядан мадад сўрайди. Бироқ, Англия ўзининг Афғонистон ва Ҳиндистондаги манфаатига путур етиш эҳтимолидан чўчиб, Хивага ёрдам қўлини чўзмайди. Оқибат натижада, Россия кўшинлари хонлик ерларини уч томондан (Туркистон, Оренбург, Кавказ) қуршовга олиб, 1873 йилда Хивани таслим этади ва Гандимиён сулҳига кўра, Хива хонлиги Бухоро амирлиги каби Россиянинг ярим мустамлака протекторатига айланади.

Шундай қилиб, подшо Россияси ҳарбий юришлар йўли билан Ўрта Осиёда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олади. Энди, Россия ҳукуматининг асосий мақсади ушбу минтақани ўзининг хомашё бозорига айлантириши керак эди. Бунинг учун мамлакат иқтисодий имкониятларини ўрганиш, арзон ишчи кучи бозорини ташкил этиш, ўлкани бошқариш тизимини ишлаб чиқиш керак эди. Россия империяси жуда узокни ўйлаб иш тутди, яъни қандай қилиб бўлса ҳам ўлка бойлигини Россия манфаатига хизмат эттириш йўлларини қидириб топадиган иқтисодчи, молиячи, инженер-техник ва ирригатор мутахассисларни Туркистонга юбора бошлади.

Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатини давлат мулклари ва зироатчилик вазири А.В. Кривошейн уч сўзда ифодалайди. Бунинг биринчиси —

<sup>1</sup> Ўзбекистон янги тарихи, 1-китоб. 92–136-бетлар.

пахта, иккинчиси – суғориш, учинчиси – русларни кўчириб келтиришдир. Чунки, бизнинг ички бозоримиз, дейди у, сўнги 20 йил ичида Америка пахтаси учун фақат бож тарикасида 700 миллион рубль тўлашга тўғри келди. 1900 йилдан эса йилига 40 миллион рублдан тўлаб келмоқдамиз<sup>1</sup>. Олий лавозимли яна бир арбоб М. Бродовский «Туркистон ўлкаси империяга кўшиб олинган. Унга мустамлака сифатида қаралиши лозим... бу мамлакатда мануфактура саноати жуда паст ривожланган. Шунинг учун ҳам у табиий равишда Европа Россияси мануфактура маҳсулотлари чаккон сотиладиган бозорга айланади», дейди<sup>2</sup>.

Мана шундай мутахассислар фикрлари ҳисобга олиниб, Россия империяси ҳукуматида 1886 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича махсус «Низом» ишлаб чиқилди. Бунга кўра, пахтадан юқори ҳосил олиш мақсадида Америка пахта навини олиб келиш ва ўлка шароитига мослаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, суғориш каналлари қуриш, ўлкага темир йўл олиб келиш, Россия губерналаридан рус деҳқонларини кўчириб келтириш ва уларга 10 десятинадан кам бўлмаган ер билан таъминлаб жойлаштириш қонунлаштирилди. Ўлкадаги барча ерлар давлат хазинасига тегишли деб эълон қилинди. Ўтроқ маҳаллий аҳолига тегишли ерлар қозилар томонидан берилган васиқага қараб эмас, балки уни амалда ким фойдаланаётганлигига қараб, ер меросий якка хўжалик эгаллиги бўлади, деб кўргазма берилди. Туркистон Россия томонидан босиб олинганга қадар катта ер эгалари томонидан деҳқонларга ижарага берилган ерлар эндиликда ижарачиларга меросий тарзда фойдаланишга топширилди. Имтиёзли шахсий мулк ерларига бошқалар қатори солиқ солинадиган бўлди, энди улар хусусий мулк эмас, балки давлат ерлари деб эълон қилинди.

Ерга эгалик қилиш масаласида рус амалдорлари ўртасида икки хил фикр келиб чиқди. Биричиси дворян-помешчиклар манфаатини кўзловчи фикрлар бўлиб, бунга кўра, Туркистон ўлкасини подшо Россияси мустамлакаси сифатида қараш, яъни маҳаллий деҳқонларни крепостнойликда сақлаб ишлатиш; иккинчиси – Туркистон деҳқонларини эркин ер эгалари деб эълон қилиш, уларни ерга ўз шахсий мулклари сифатида қараб, шу йўл билан Туркистон кишлок хўжалигида капиталистик муносабатларга кенг йўл очиш кўзда тутилган. Бу йўл мустамлакачи Россия буржуазиясининг манфаатини кўзлаган фикр эди.

Подшо Россияси амалдорлари тузган ва жорий этган қонунларда ана шу икки қудратли синфлар манфаатлари тўқнашуви ўз аксини топган. 1882–1884 йилларда ўлкада тафтиш ўтказган императорнинг махфий маслаҳатчиси Гирс подшога тақдим этган қонун лойиҳасида рус буржуазиясининг манфаатларини ифодалайди. У Туркистон деҳқонлари ўз ерларига тўла эгалик қилсалар, империя саноатига кўпроқ хомашё етказиб беришлари мумкинлигини таъкидлайди. Унинг бирдан-бир тўғри фикрига кўра, анъанавий одат бўйича ҳар бир деҳқонга тўла

<sup>1</sup> *Кривошейн А.В.* Записка главноуправляющего земледелением и землеустройством о поездке в Туркестан. СПб, 1912. С. 72.

<sup>2</sup> *Бродовский М.* Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. Москва, 1891. С. 4.

хусусий мулк сифатида ер бириктирилса, «ерга бундай эгалик қилишдан халқ мамнун экан, бу шаклни сақлаб, уни қонунан тасдиқлаш керак»<sup>1</sup> дейилди. Аммо, дворян-помещиклар бунга қарши, Туркистон ерларини талон-торож қилишни истаганлар. Санкт-Петербургда Олий доирада ҳам ҳар икки томон фикрларини муҳокамасида баҳслар давом этган. Кўпинча император ҳукумати, Давлат кенгаши ва Вазирлар қўмитаси дворянларга ён босган. Улар Туркистонда капиталистик муносабатларни эркин ривожланишига тўсқинлик қилардилар.

Подшо ҳукумати сенатор К.К. Пален тақдимномасига кўра, Туркистон ўлкаси деҳқонларидан олинадиган солиқларни тўлашда қишлоқларга «жамоавий жавобгарлик»ни жорий этди<sup>2</sup>. Бунда рус амалдорлари Туркистонда қадимдан давом этиб келаётган жамоачилик анъаналарига кўра, қишлоқ камбағаллари учун уларнинг бой қишлоқдош қариндошлари ёки ҳамқишлоқлари, унинг тўлай олмаган солиғини тўлаб юборишини билиб, шу усулни қонунлаштирганлар. Унга қадар рус амалдорларининг солиқ йиғишдаги номаъқул хатти-ҳаракатлари ҳақида туманбошилар йиғинида (1898) шундай сўзлар янграгани маълум: «солиқлар камбағалларга кўп, бойларга эса кам тушади»<sup>3</sup>. Албатта, бу қишлоқларда суд-хўрликнинг кенг илдиз отиб, маҳаллий деҳқончиликнинг капиталистик асосда ривожланишига халақит берар эди.

Империянинг қора тупрокли марказий ҳудудларида ер танқислиги туфайли ҳамда рус капитализмининг таянчи сифатида Россиянинг марказий губерналаридан рус деҳқонларини кўчириш бошланиб кетди. 1875–1890 йиллар оралиғида Туркистонга 1300 оила кўчиб келиб, ўлкада 19 та рус қишлоқлари ташкил топди. 1891–1892 йиллардаги очарчилик туфайли кўчиб келувчилар сони ниҳоятда кўпайиб кетди. Натижада, яна 25 та рус қишлоқлари ташкил топди. 1886 йилдаги «Низом»нинг «бўш давлат ерлари» бандига кўра, маҳаллий деҳқонлардан турли баҳоналар билан ҳосилдор, сувга яқин ерлар тортиб олиниб, келгинди рус мужикларига берилди. Натижада, маҳаллий аҳоли билан рус деҳқонлари ўртасида ер-сув масаласида тўқнашувлар келиб чиқди. Чор ҳукумати 1889 йил 13 июлда қонун қабул қилиб, бунга кўра, барча масалада рус деҳқонларининг манфаатини ҳимоя қилди. Бу чоралар Туркистонни руслаштириш сиёсатида 1892 йилда кескин бурилиш бошланди. Ўз ихтиёри билан кўчиб келган рус деҳқонларининг ҳуқуқи маъмурият назорати билан келган деҳқонлар ҳуқуқи билан тенглаштирилди. Ўлкада махсус «кўчириб келтириш бошқармаси» ташкил этилди. Россия амалдорлари ўлкадан келадиган соф фойдани кўпайтириш мақсадида 1886 йилда қабул қилинган «Низом»га ўзгартиришлар киритиб, 1896 йилда янги «Низом» қабул қилди. Янги «Низом» лойиҳасини тайёрлашда икки қудратли қуч-дворянлар ва буржуазия тарафдорлари орасида жиддий баҳслар бўлиб, рус буржу-

<sup>1</sup> ЎЗР МДА, I-жамғарма, 12-рўйхат, 923-иш, 64-варак.

<sup>2</sup> Пален К.К. Всеподданнейшая записка, содержащая главнейшие выводы отчета о произведенной в 1908–1909 гг. по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом ревизии Туркестанского края. СПб, 1910. С. 47.

<sup>3</sup> ЎЗР МДА, XVIII жамғарма, I-рўйхат, 761-иш, 107-варак.

азияси Туркистонда мустамлака сиёсатини ўтказишда янги усулларни, яъни Ўрта Осиё иқтисодига капитал киритиш, деҳқонларга қарз бериш, концессиялар очиш, хомашё манбаларини қўлга киритиш каби усулларни қўллашни кўтариб чиқса, дворян-помещчиклар маҳаллий аҳоли ерларини тортиб олиш, уларни рус помещчикларига таксимлаб бериш, ҳаётда патриархал-феодал тартибларини сақлаб қолишга интилар эдилар. Бу курашларда рус буржуазияси ўз манфаатини ҳимоя қила олди. Чунки, Туркистондаги рус савдо-саноат ва молия буржуазиясига пахта, пилла ва қоракўл тери маҳсулотлари керак. Бунинг учун маҳаллий пахтакор, пиллакор ва чорвадор уларга сув ва ҳаводек керак. Улардан хомашёни жуда арзонга сотиб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам рус буржуазияси 1886 йилги «Низом»нинг 270-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги дворянлар харакатига катъий қарши туриб, ўз мақсадларига эришдилар. Вазир А.В. Кривошейн таҳлилига кўра, ўлкада пахта етиштиришни юксалтириш давлатга йилга 70 миллион рублни тежашга имкон беради. «Кўп миллионли ватан пахта толасини қайта ишлаш Россия саноатини хонавайрон бўлишдан сақловчи кафолат ролини ўйнайди. Мана шунинг ўзи Туркистонни Россияга кўрсатадиган буюк иқтисодий хизматидир»<sup>1</sup>. Шундай қилиб, 1896 йилги «Низом» Туркистонда пахта яккахокимлигига йўл очди. Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бож олинмайдиган бўлди. Солик олишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Бундай сиёсат Туркистонга Россиядан кўчиб келадиган рус деҳқонларини сонини кўпайишига туртки бўлди. Натижада, XX аср бошига келиб, Туркистондаги рус келгиндиларининг сони 197 мингдан ошиб кетди. Улар Туркистон умум аҳолисини атиги 5 фоизини ташкил этган ҳолда, ҳосилдор ерларнинг 60 фоизини эгаси бўлиб олган эдилар<sup>2</sup>. 1906 – 1915 йилларда Сирдарё ва Фарғона водийсида рус деҳқонлари учун маҳаллий аҳолининг 749,9 минг таноб ери мусодара қилинди. 1912 йилда вазир А.В. Кривошейн сафари ҳақида императорга йўллаган хатида ўлкадаги 3 миллион таноб суғориладиган ерларни рус хўжаликлари фойдасига мусодара қилишни таклиф қилган<sup>3</sup>. 1914 йилга келиб, Россиянинг Туркистондан оладиган даромади 300 фоизга ошди. 1916 йилда Россия Туркистон ўлкасидан 38329 минг соф даромад олди. Масалан, тўқимачилик саноати маҳсулотларининг қиймати 1900 йилда 150 фоизга ошди. Россия учун пахта экиладиган майдон 1885 йилда 41,4 минг таноб бўлса, 1915 йилга келиб, унинг миқдори 541,9 минг танобга етди. Айниқса, енгил саноати ривожланди. 1869–1896 йилларда империя хазинасига ўлкадан 158 миллион рубль даромад тушган<sup>4</sup>.

Ўлканинг биргина Фарғона вилоятида XX аср бошида маҳаллий, рус ва чет эл капиталига қарашли 157 та пахта тозалаш заводлари ишлар эди. Самарқанд

<sup>1</sup> ЎзР МДА, I-жамғарма, 5-рўйхат, 939- иш, 5- варақ.

<sup>2</sup> Исакаев Б. 20-летие восстания в Киргизии. «Революция и национальности», № IX. Москва. 1936. С. 32.

<sup>3</sup> Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: 2000. – 225-бет.

<sup>4</sup> Стеткевич А. Убыточен ли Туркистан для России. СПб, 1889. С. 7.

ва Сирдарёни ҳам қўшганда 1900 йилда уларнинг сони 170 тага етди. 1900–1910 йиллар давомида яна 220 та корхона қурилиб, ишга туширилди. 1910–1914 йиллар ичида яна 180 та корхоналар ишга туширилди<sup>1</sup>. Афсуски, «Низом»га кўра, Туркистонда метрополия саноати сиёсатини фақат рус буржуазияси белгилаши мумкин эди. Бу билан ишбилармон маҳаллий буржуазиянинг тадбиркорлик ва ташаббускорлик фаолияти бўғиб қўйилди, яъни хомашё ишлаб чиқаришдан келадиган мўмай даромад метрополия буржуазияси фойдасига хал этилди.

Рус иқтисодий сиёсатчиларидан князь Масальский Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш рус тўқимачилик саноати учун «яқин келажакда ҳаёт-мамонт масаласига айланади», деган эди<sup>2</sup>. 1884 йилда Туркистонга пахтанинг америка нави келтирилди. 1889 йилда америка нави 50 минг, 1895 йилда 100 минг таноб майдонга экилди. 1906 йилда Туркистон ўлкаси Россия тўқимачилик саноатига 566878 пуд пахта етказиб берган бўлса, 1915 йига келиб 2.426.298 пуд пахта етказиб берди. 1916 йилга келиб, Туркистонда пахтанинг америка нави экиш 7 марта кенгайди<sup>3</sup>.

Туркистон ўлкаси империянинг хомашё манбаи бўлишидан ташқари, у Россиянинг жаҳон бозорларида ракобат қила олмайдиган бозорига ҳам айланди. XX аср бошларида Туркистонга келтирилаётган темир, мис, чинни идишлар, газлама ва бошқа саноат маҳсулотларининг миқдори 8 мартага кўпайган<sup>4</sup>. Туркистонда Россиянинг чой сотиш фирмалари, чинни буюмлар сотиш фирмалари, савдо уйлари, катта мануфактура ва савдо-сотиқ ширкатлари ташкил этилиб, улар Туркистон бозорларида ҳукмрон мавқени эгаллаган эдилар. Туркистонда хусусий тижорат банклари ташкил этилиб, улар ўлка иқтисодиётида нуфузли ўриндан жой олган эдилар.

Туркистон иқтисодиётига рус капиталининг бундай кириб келиши ўлкада капиталистик муносабатларни жадал ривожланаётганлигидан далолат берар эди. Бу жараёнларга маҳаллий бойлар ҳам тортилди. Аммо, ўсиб келаётган Туркистон буржуазияси кўп жиҳатдан Россия буржуазиясига ракобатчи эмас, балки подшо Россияси қабул қилган «Низом»га кўра, унга хизмат қилувчи янги синфга айланиб бормоқда эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Туркистонга Россия саноат молларини киритилиши муносабати билан маҳаллий хунармандчилик заминига зил кетди. Чунки, уларга сарфланган меҳнатга кўра, улар рус саноат молларига нисбатан қиммат эди. Рус саноат моллари олдида уларнинг бозори синди. Масалан, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида 1890 йилда маҳаллий корхоналар сони 1099 та бўлса, 1913 йилга келиб, уларнинг сони 774 тага тушиб қолди. Уларда ишлайдиган ишчилар сони 1180 тадан 853 тага камайди. Улардан олинадиган даромад эса 250,4

<sup>1</sup> ЎзР МДА, 36-жамғарма, I-рўйхат, 3298- иш, 42-варақ.

<sup>2</sup> Туркестанский край. Т. XIX, СПб. 1913. С. 559.

<sup>3</sup> Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: 2000. – 231-бет.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, I-жамғарма, I-рўйхат, 2599-иш, 2-варақ.

минг рублдан 158, 2 минг рублга тушиб кетди<sup>1</sup>. Ўлка хунармандчилигининг маркази ҳисобланиб келган Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Андижон, Бухоро каби шаҳарларда оммавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикалар ҳали йўқ эди. 1841 йилда Бухорода атиги 6 та чўян эритиш цехи ишлаб турган. Туркистонда биринчи пахта тозалаш заводи 1874 йилда Тошкентда қурилган. 1880 йилда шундай завод Андижонда маҳаллий бой Олимхўжа Муҳаммаджонов томонидан қурилди. 1881 йили учинчи завод Каттакўрғонда қурилди. 1914 йилга келганда уларнинг сони 220 тага етди. Шундай заводлар 1905 йилда Бухоро амирлигида 9 та бўлган бўлса, 1913 йилга келиб, улар 26 та бўлди. Хива хонлигида эса февраль инқилоби арафасида 36 та пахта тозалаш заводи, 4 та ёғ заводи бор эди<sup>2</sup>.

Маҳаллий буржуазия вакиллари рус ва чет эл капиталистлари билан ҳамкорликда жаҳон бозорига чиқишга ҳаракат қиладилар. Ўлкада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат Россияга, балки Англия ва Германияга ҳам олиб кетилган. Масалан, Туркистон ёғ заводларининг кунжара маҳсулотларига четда талаб катта эди. XIX асрнинг охириларидан Туркистон иқтисоди капиталистик ривожланиш йўлига тушиб олди. Пахта заводларининг монопол бирлашмалари вужудга келди. Масалан, 1915 йилда 5 та йирик фирмани бирлаштирган «Бешбош» савдо-саноат ширкати ташкил этилди. Банк-молия капитали Ўрта Осиё иқтисодиётининг барча соҳаларига кириб борди. Туркистонга Россиядан ташқари бошқа хорижий фирмалар ва уларнинг маблағлари ҳам кириб келди. Масалан «Зингер» фирмаси.

Ўлкани Россия билан боғлайдиган темир йўл ишга тушгач, рус ва чет эл капиталининг Туркистонга кириб келиши янада жадаллашди. Ўлкада 1895–1914 йиллар оралигида 11 та уруғ заводи, ўнлаб кўн, ғишт, оҳак қиздириш, мис эритиш заводлари, жун ювиш цехлари, вино, пиво, фармацевтика, озиқ-овқат корхоналари ишга туширилди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистонда дастлабки электр станциялар пайдо бўлди. Масалан, «Чимён» нефтни ҳайдаш заводи дизель электр станциясидан қувват оларди. Қовунчи қанд заводи ўз хусусий ГРС сига эга эди. Бирок, бу завод ва фабрикаларда ишчиларнинг асосий қисми европаликлар бўлиб, маҳаллий аҳоли эса жуда камчиликни ташкил этган. Улар асосан кон қазииш саноати ва темир йўл қурилишида ишлашар эди. Маҳаллий ишчи хотин-қизлар пилла қуриши, пилла толасини чуваш, қурт уруғини олиш тармоқларида ишлаганлар.

XX аср бошларига келганда ўлка қишлоқ хўжалигида саноат учун пахта етиштириш бош масала бўлиб қолди: пахта майдонлари кенгайди, канал ва ариқлар қурилишига эътибор кучайди, аввал деҳқон пахтани ўз хўжалиги эҳтиёжини қондириш учун экса, энди пахтани бозор учун экадиган бўлди. Туркистон деҳқон хўжалигининг бозор муносабатларига мослашиш суръатлари Ғарбга нисбатан жуда тез юз берди.

<sup>1</sup> Ўша асар, 237- бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 238- бет.

Савдо-саноат буржуазияси, молия-банк олигархияси ночор майда деҳқон хўжаликларига давлат томонидан энгил шартлар билан кредит берадиган ширкатларни ташкил этилишига эришди. Майда деҳқон хўжаликлари 12 фоиз фойда тўлаш эвазига давлат ширкатларидан кредит олишлари мумкин эди. Кредит олиш шартларига кўра, кредит олувчи шахслардан мулкани гаровга қўйиш талаб этилган. Аммо, экин майдонлари чегарали бўлган майда деҳқон хўжаликлари ерларидан ажраб қолишликдан қўрқиб, бундай имкониятлардан фойдалана олмаганлар. Боз устига, мусулмон дунёсида маълум миқдорда фоиз тўлаш шarti билан кредит олиш ва бериш одати бўлмаган. Соддадил деҳқон хўжаликлари гарб дунёсидаги бу молиявий тартиб-қоида эса тушунмаганлар. Натижада, давлат кредит ширкатларидан асосан рус деҳқонлари ва ўзига тўқ маҳаллий мулк эгалари фойдаландилар. Маҳаллий майда деҳқон хўжаликлари билан давлат кредит ширкатлари ўртасида судхўр воситачилар пайдо бўлиб, улар 10–12 фоиз атрофида фойда тўлаш шarti билан кредитга олган маблағни 40–60 фоизгача фойда олиш шarti билан ночор майда деҳқон хўжаликларига берардилар. Бироқ, ширкатлар фаолиятидаги қонунбузарликларни олдини олиш ҳам қийин бўлган.

Давлат кредит ширкатлари нафақат деҳқон хўжаликлари доирасида, балки улар шаҳар хунармандлари, извошчилар учун ҳам тузилган. Ширкатчилик 1910–1917 йилларда аввалгиларига нисбатан 18 марта кўпайди, уларнинг аъзоларини сони 43 марта, молиявий ҳиссаси 243 мартага ошган.

XX аср бошларида хўжалик юритишнинг кооператив шакли Туркистондаги иқтисодий муносабатларнинг муҳим қисмига айланди. Майда деҳқон хўжалигининг анъанавий фаолияти сақланган ҳолда, бозор муносабатлари келтириб чиқарган муаммолар кооперация орқали ҳал қилинди. Бироқ, маҳаллий сармоя саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рус капитали томонидан сиқиб қўйилди. Пахта ва бошқа хомашёлар етиштириш асосан маҳаллий буржуазия ва майда деҳқон хўжаликлари қўлида бўлса-да, уларни четга чиқариш метрополия саноат эгалари қўлида эди. Мамлакат ичида чакана савдо қилиш жабҳаси тўла маҳаллий савдогарлар қўлида эди. Ўлка иқтисодий ҳаёти капиталистик муносабатларга кенг кўламда тортилди. 1917 йил февраль инқилоби арафасида ўлкада бу жараёнларга тортилган миллий буржуазия синфи шаклланди. Россиядан келтирилаётган моллар олдинги даврга нисбатан 8 марта ошган бўлса, ўлкадан Россияга чиқарилаётган товар маҳсулотлари 7 мартага ўсди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистон ўзаро савдо алоқаларига кенг жалб этилиб борди. Туркистонда ягона ички бозорнинг шаклланиши бошланди. Бироқ, Туркистон Россиянинг ягона хомашё бозорига айланиб борди. Унинг хомашё бойликларини кўп бўлишига қарамай, Россия савдо-сотик буржуазияси Туркистонда маҳаллий тўқимачилик саноатининг ривожланишига тўсқинлик қилишда давом этди. Шунга қарамай, Туркистон феодал биқиклик ва ғафлат уйқусидан уйғониб, ўлкада маърифий, сиёсий ва миллий тараққиётга интилиш кайфияти бошланди. Миллий буржуазия ва унинг илғор зиёлилар қатлами-жадидлар тарих майдонига чиқди. Улар Туркистонда-



ги социал-иқтисодий туб ўзгаришларни кузатиб борди ва бу жараёнлар тепасида туришга интилди. Жадидлар кенг халқ оммасини маърифатли қилмагунча жамият ҳаётида бирор ўзгариш қилиш мумкин эмаслигини биринчилар қаторида тушуниб етган ижтимоий ҳаракатнинг тепасида турди ва бу ишларда намуна бўлишчилик миллатга хос фазилат деб билдилар. Шунинг учун улар жойларда мактаблар очиш, унга кенг халқ оммасини тортиш зарурлигини тушундилар.

Туркистонда янги усул (жадид) мактабларини ташкил этишда Россия мусулмон мактабларининг буюк ислохотчиси Исмоил Гаспиринский ғояси асос бўлди. У Боғчасаройда эски қироат ўқиш усулидан фарқ қилувчи, дарсларни енгил ўзлаштириш усулида мактаб очиб, ўзи унда дарс берган, дарсликлар ёзган. Унинг бу янги усул мактаби ва подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини фош қилувчи асарлари Туркистон жадидлари дунёкарашига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди, Туркистонда ҳам янги усул мактабларининг очилишига туртки бўлди.

XX аср бошида Мунавваркори Тошкентда ўз ҳовлисида мактаб очади. Унинг «Намуна» мактаби Туркистонликлар ичида машхур бўлиб кетди. Янги усул мактаблари бутун Туркистон бўйлаб кенг ёйилди. Бундан Россия ҳукумати ташвишга тушади. Чунки, унинг талабалари подшо Россияси мустамлакачилик сиёсатини фош этувчи янги сиёсий кучга айланмоқда эди. Янги усул мактабларида нафақат маърифатпарварлик ғоялари, балки туркий-исломий ҳуқуқий меросни миллат ичида кенг ёйиш, ҳурфикрлилик, тараққиёт ва миллий истиклол ғоялари ўқитиларди. Жадидлар XX аср бошида мустамлакачилик заминини заифлаштирувчи куч сифатида тарих саҳнасига чиққан эди.

Маърифий ва сиёсий йўналишдаги бу ўзгаришлар Россия амалдорларини ташвишга солмай қўймас эди. Мустамлакачиларга маҳаллий аҳоли орасида ҳам ишончли таянч керак эди. Жадид мактаблари қаторида маъмурият томонидан маҳаллий ёшларни ўқишга тортган «рус-тузем» мактаблари ташкил этилди. Унинг номидан ҳам маълумки, «рус-тузем» мактабларида маҳаллий болалар рус болалари билан аралашиб бирга ўқийдилар. Маҳаллий болалар икки соат аниқ фан асосларини рус болалари билан бирга ўқиса, қолган икки соатда ислом шарияти, Куръон ва Ҳадисдан руслардан алоҳида дарс оладилар. Шундай қилиб, маҳаллий ёшлар ҳар икки мактабда ҳам дунё билан танишадилар, уларнинг сиёсий онги ўсиб боради.

XX аср бошида Оврўпа тараққиётда анча илгарилаб кетган эди. Осиё эса, жумладан, Туркистон илм-фан амалиёти ва техника тараққиётида орқада қолиб кетганди. Бу ҳол илғор фикрловчи зиёлилар ва маҳаллий буржуазияни ташвишга солмоқда эди. Жаҳолат уйқусидан уйғониш тарихий заруриятга айланган эди. Жадидлар бу аҳволни тўғри тушунган ва вазиятни тўғри таҳлил этувчи улкан ижтимоий-сиёсий оқим, ҳаракат эди.

Туркистонда жадидчиликни ривожланишида Туркиядаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-мафкуравий ислохотларнинг таъсири ҳам кучли бўлган. Жадидлар ўз ғояларини ташвиқот қилиш, авом халқ оммасини кўзини очиш йўлида газета ва журналлар ҳамда босмаҳоналар ташкил қилдилар («Садои Туркистон», «Са-

дои Фарғона», «Утро Ферганы», «Ферганская жизнь», «Туркестанский край», «Хуррият», «Ойна», «Ал-изоҳ» ва бошқалар).

Жадидларнинг фаолияти ўлкада аҳолини миллий уйғонишга қорлаб, подшо Россияси мустамлакачиларини ташвишга солиб қўйди. Ўлкада сиёсий вазиятни мураккаблаштириб юборди. Чунки, биринчи рус инкилобидан сўнг кўпгина халқлар, жумладан Туркистон аҳолиси ўртасида ҳам сиёсий ва маданий эркинликка эришиш умидлари пайдо бўлган эди. Аммо, дастлаб жадидлар ғоявий қурол қилиб олган пантуркизм умумтурк оламини амалда бирлаштира олмаслиги аниқ бўлиб қолди. Сиёсий курашлар ривожда анъанавий туркчиликдан воз кечиб, туркийчилик (туркизм) ғоясини илгари сурувчи янги авлод майдонга чиқа бошлади. Бу янги авлод орасида Туркистон халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий бирдамлиги асосида ривожлантиришга қаратилган бир қанча миллий давлатларни ташкил этиш ғояси пайдо бўлди. Бу ғоя тарафдорлари Туркистонни Туркия ҳимоясидаги қандайдир умумтурк давлатнинг таркибида эмас, балки туркий элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида ташкил топган ҳудудий мухтор федерация тарзида кўрдилар.

Ўша кезларда бу таълимотга мутлақо зид бошқа таълимот ҳам бор эдики, унинг асосчиси атоқли сиёсий ва диний арбоб Жалолоддин ал-Афғоний эди. Ал-Афғоний ва унинг сафдошлари 1888 йилда Россия мусулмонлари билан учрашувларида исломни ислоҳ қилиш, янгилаш ҳақида эмас, балки мусулмонларнинг фан ва техника ютуқларини эгаллашлари ҳаётий зарурият эканлигини таъкидладилар. Улар Шарқ ҳам Ғарб босиб ўтган йўлни босиб ўтади, бунинг учун ислом шиорлари мусулмонлар дунёсида жипслаштирувчи ролини ўйнашлари лозим, деган ғоялар билан чиқадилар. Шиорлар мусулмонларни умумий душман–мустамлакачиликка қарши курашда бирликка ва бирдамликка даъват этарди. Аммо, шу билан бирга, бу ғоя панисломизмни тарғиб қилувчи мусулмон халқларининг миллий тафовутларини инкор этиб, бутун жаҳон демократик теократияси – «Имомат» ғоясини ҳам олға сурарди.

Пантуркизм дастлаб панисломизмга ошқора қарши бўлмаса-да, бироқ, амалда панисломизм мафқураси теократик-клерикал-реакцион оқимларни вужудга келишига йўл очаётган, мусулмонлар дунёсида миллий мафқураининг пайдо бўлишига ва миллий ўзликни англашга ғов бўлаётган таълимот эканлиги маълум бўлиб қолди. Ҳатто, пантуркизм асосчиларидан бири Зиё Гўкқалп ўзининг «Туркчилик асослари» номли асарида панисломизм мусулмон халқларда «миллий ўз-ўзини англашга қаршилик кўрсатмоқда, уларнинг тараққиётига ғов бўлмоқда ва шу тариқа уларнинг мустақил миллатлар бўлишига халақит бермоқда» деб очик ёзди. Панисломистлар ғояси анча тор доирада, яъни Туркистон руҳонийлари, мутаассиб зиёлилар, савдо буржуазияси ҳамда деҳқонлар ўртасида оммалашган эди. Умумтурк ғоясига Туркистон зиёлилари ва буржуазиясининг анча тор доираси хайрихоҳлик билдирар эди. Аммо, туркизм намояндалари Туркистоннинг ижтимоий ҳаёт майдонига маданий-маърифий ҳаракат сифатида, таълим тизимини ислоҳ қилишни мақсад қилиб қўйган жадидлар эди.

Улар сафида вужудга келаётган ёш миллий зиёлилар намояндалари, мусулмон рухонийларининг илғор отряди, савдогарлар, диний мактаб муаллимлари ва талабалар, майда амалдорлар, илғор ноширлар, ёзувчи ва журналистлар эди. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Бурхонов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Убайдулла Хўжаев, Мунавваркори, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Таваллолар жадидларнинг энг таниқли намояндалари бўлиб, улар ўзларини «Тараққийпарварлар» деб атаганлар. Уларнинг маърифатчилик дастурида табиий фанлар асослари ўқитиладиган мактаблар очиш, газета ва журналлар нашр этиш, халқда тараққиёт, илм сари интилишни уйғотиш ва уларнинг барчасини инсоният ҳаёти билан боғлаш амалиёти ётар эди.

Илғор мамлакатлар таъсирида монархияга асосланган Бухоро ва Хива давлатларида ҳам жамиятни янгилаш учун ислохотчилик ҳаракати бошланиб кетди. Бу ҳаракат тепасида Бухоро ва Хиванинг демократик руҳдаги ёш зиёлилари турар эди. Бироқ, улар (яъни «ёш бухороликлар», «ёш хиваликлар») Туркистон жадидларидан фарқли ўлароқ, тактика соҳасида мўътадил ислохотлар ўтказиш тарафдорлари бўлиб, уларнинг пировард максоди конституцион монархия эди. Бироқ, «ёш бухороликлар» ва «ёш хиваликлар»нинг ана шу ўртамиёна талаблари ҳам каттиқ қаршиликка учрайди, ниҳоят улар ўта махфий ишлашга ўтиб, ўз фаолиятларини давом эттирадилар. Монархия тартиби Бухоро ва Хивада кучли эди. Амир ва хонлар, қабила сардорлари чекланмаган ҳокимиятга эга эдилар. Мусулмон рухонийлари монархия тартибининг муқаддаслиги ва илоҳийлигига ишонч туғдиришга ҳаракат қилардилар. Аммо, «ёш бухороликлар» ва «ёш хиваликлар» халқ орасида тегишли мавқега эга эмасликлари туфайли четдан, яъни Россия, Туркистон генерал-губернаторлиги, ҳатто, рус фуқароларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлганлар.

Подшо Россиясининг Бухоро ва Хива устидан ярим асрлик ҳукмронлиги бу замин иқтисодиётига рус капиталининг кириб келишига кенг имкониятлар очди. Ўрта Осиё ва Закаспий темир йўлининг қурилиши бу жараённи янада тезлаштирди. Бухоро ва Хива ҳудудларида ҳам рус капиталининг завод ва фабрикалари, банклари ва савдо фирмалари пайдо бўлди. Шу билан бирга, бу заминга Россия фуқаролари – амалдорлар, савдогарлар, саноатчилар, ишчилар, Россия ҳарбий горнизонларининг зобитлари, аскарлар, христиан рухонийлари келиб ўрнашиб, темир йўл ёқаларида ва дарё пристанларида рус қишлоқларини таркиб топишига, кўп ҳолларда у қишлоқларнинг шаҳарларга айланишига олиб келади. Масалан, Янги Бухоро, Янги Чоржўй, Керки, Янги Термиз, Янги Урганч ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу янги замон талаблари асосида таркиб топган шаҳар ва шаҳармонанд қишлоқлар Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида таркиб топган рус капитализми ва мустамлакачилигининг таянчлари эди. Шундай қилиб, янгиликка интилиш, анъанавий ҳаёт ва турмуш тарзидан узоқлашиш ва жаҳонда юз бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларга тортилиш нафақат Туркистонда, балки аста-секин Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида ҳам юз бера бошлаган.

Шундай қилиб, мустамлака Туркистонда, шунингдек, ярим мустамлака Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида, айниқса Туркистон харбий губернаси иқтисодий ва сиёсий ҳамда этномаданий ҳаётида юз берган ўзгаришларнинг барчаси ишлаб чиқаришда индивидуал қўл меҳнатини синдирди, махсулот ишлаб чиқаришнинг қатор жабҳаларида товар ишлаб чиқариш оммавий характер тусини олди. Бу эса, жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Аммо, Ўрта Осиё иқтисодий ҳаётида юз бераётган бу ўзгаришлар ажнабий мустамлакачилар фойдасига ишлар эди. Бироқ, маҳаллий аҳоли, биринчи навбатда, ишбилармон мулкдор тадбиркорларимиз кўз ўнгида содир бўлаётган бу ўзгаришлар, уларнинг мафкуравий дунёсида ҳам туб ўзгаришлар юз беришига олиб келди, яъни улар орасида янгиликка интилиш кайфияти туғилди, кенг халқ оммаси орасида ўзликни англаш ҳис-туйғулари кучайиб, миллий буржуазиянинг вужудга келишига олиб келди. Она Ватан ва унинг табиати, бойликларига муносабат ўзгарди. Натижада маҳаллий ишбилармон мулкдор тадбиркорлар ҳисобига миллий буржуазиянинг ишлаб чиқариш саноат корхона эгалари пайдо бўлди. Бироқ, мустамлакачилар кенг халқ оммасини, ҳаттоки туғилиб келаётган миллий буржуазияни ҳам иқтисодий ва сиёсий ҳақ-хуқуқ жиҳатидан ҳар томонлама қисиб қўйган эди.

Вазиятдан келиб чиқиб, маҳаллий мулкдорлар ўз фарзандлари, яқинлари ва қўл остидаги тиришқоқ хизматчиларини хорижий мамлакатларга фан ва техника янгиликлари билан таништириш мақсадида ўқишга юбора бошладилар. Миллий буржуазиянинг бу ташаббуси оқибатида Туркистонда тараққийпарварлар (жадидчилик) ҳаракати авж олди. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ барча саъй-ҳаракатлар (халқ оммасини саводхон қилиш, улар орасида маърифат тарқатиш, сиёсий ҳокимият учун кураш ва бошқалар) узок асрлар давомида феодал бикиқликда яшаб келган ўзбек халқининг миллий уйғониши, ўзликни англаш ҳис-туйғуларининг мавж уриши, миллат бўлиб уюшиши сари интилиши билан боғлиқ эди.

## XVII боб

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШКИЛ ТОПИШ АРАФАСИДА ЭТНИК ХОЛАТ ВА МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ МАҚСАД ВА МОҲИАТИ

XX асрнинг бошларига келганда Ўрта Осиёда қадимдан давом этиб келаётган этник мураккаблик анча тартибга тушиб қолган эди. Туркистон аҳолиси орасида икки тиллилик, яъни туркий-ўзбек ва форсий-тожик тиллари мавжуд бўлиб, аҳолининг аксарият кўпчилиги туркий-ўзбек тилида сўзлашар эди. Бу икки тилда сўзлашувчи элатлар ҳудудий жойлашиш жиҳатидан шунчалар бир-бирлари билан аралашиб кетган эдиларки, дастлаб миллий-ҳудудий чегаралаш даврида уларни иккига ажратиб ташлаш жуда оғир кечган. Бу ҳолат жуда қадим-қадимлардан давом этиб келаётган тарихий жараён ва этномаданий ҳақиқат эди. Ҳар иккала-сининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам бир хил бўлиб, антропологик тип жиҳатидан ҳам ўтроқ ўзбеклар билан воҳа тожиклари бир тип, яъни антик даврда шаклланган «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи тип»ни ташкил этарди.

Ўзбекистон Республикасини ташкил этиш арафасида туркий-ўзбек тилида сўзлашувчи Ўрта Осиё аҳолиси келиб чиқиши жиҳатидан уч тоифага бўлинар эди. Биринчи тоифа – бу Туркистоннинг «сарт» атамаси билан аталувчи ўтроқ аҳолиси; иккинчиси – қадимдан шу заминда ўтроқ ҳаёт кечириб келаётган муқим турклар; учинчиси – Дашти Қипчоқ ўзбеклари. Буларнинг иккигаси, яъни «сартлар» ва турғун муқим турклар шаҳарлар ва қишлоқларнинг муқим аҳолиси эди. Уларнинг шаҳарларда яшовчи қисми хунармандчиликнинг турли тармоқлари ва савдо-сотик билан шуғулланса, қишлоқларда яшовчи қисми суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, полиз экинлари маҳсулотларини етиштириш ва хошаки хунармандчилик билан шуғулланар эдилар. Аммо ўзбек тилида сўзлашувчи бу халқ XVIII, XIX, XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирилиги ва Хива хонлигига бўлиниб яшар эди. Бундай ҳолат узоқ асрлар давомида бир халқ бўлиб яшаб келган минтақа аҳолиси ҳаётида этник бирликни иккинчи даражага суриб юборган эди. Совет ҳокимиятининг миллий чегаралаш сиёсати туфайли 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилиб, уч давлат ўртасида бўлиниб кетган кўпчилик ўзбекларни битта республикада тўпланишига олиб келди. Бутун бир миллат ўзбек номи билан юритиладиган бўлди.

Ўзбек халқининг ўтроқ асосини ташкил этиб «сарт» атамаси билан юритилган туркий тилли ўзбек этник қатламининг келиб чиқиш илдизларига назар ташлайдиган бўлсак, унинг тарихий илдизлари илк ўрта асрларга бориб тақалади, яъни араблар босқини даврида Ўрта Осиёга истилочи араб кўшини билан бирга яна икки тоифа араблар кириб келишган. Уларнинг биринчиси пайғамбар ав-

лодлари—саидлар бўлса (булар асосан аҳоли орасида ислом динини ташвиқот-тарғибот қилиш билан шуғулланган), иккинчиси—тазик номи билан кириб келган араб савдогарлари бўлган. Ўша кезларда ва ун­гача ҳам Ўрта Осиёнинг туб жойли маҳаллий суғд аҳолиси савдо-сотикда жаҳонга маълум эдилар.

Шундай қилиб, ўша кезларда, савдо билан шуғуллану­чи тоифанинг этник келиб чикишидан қатъи назар, «тазиклар» деб аталган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида «сарт» савдогар маъносини англатади, дейилган. «Сарт» атамаси дастлаб араб ва суғд савдогарларига нисбатан ишлатилса, X—XI асрлардан бошлаб, умуман савдо билан шуғулланувчи аҳоли қатламига нисбатан ишлатилди, яъни савдо билан шуғулланувчи турклар ҳам сарт деб атала бошланди. Сарт атамаси биринчи бор XV асрнинг охирида Алишер Навоийда учрайди. Унга қадар бу сўз ёзма манбаларда «сартак», «сартаул» кўринишида учратилади. Масалан, Рашид-ад-диннинг (XIII аср) ёзишича, мўғулларга тобе бўлган қарлуқлар ҳукмдори Арслонхонни (эътиқоди мусулмон) Чингизхон «сартактой» деб атаган. Рашид-ад-диннинг бир ҳикоясида мусулмон давлатларидан бирининг вазири Абу Бакрни Хубилайхон (XIII аср) «сартаул одами» деб атайди.

Умуман, Ўрта Осиё худудларидан Мўғулистон томон келган мусулмонларни тили, этник келиб чикишидан қатъи назар «сартак», «сартактай», «сартаул» деб атаганлар. Бу сўзларнинг асосини «сарт» атамаси ташкил этиб, мусулмон ёзма манбаларида дастлаб бу сўз остида форс тилида сўзлашувчи тазиклар (тожиклар) тушуни­лган. Аммо, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар дав­рига келганда Ўрта Осиёда туркий тил мухити шунчалар устувор мавқега айланиб бордики, натижада, форсий-тожик тилли аҳоли қатлами орасида туркийлашиш тобора кенг тус ола бошлади. Чингизхон кўшинининг аксарият кўпчилиги ҳам туркий тилли қабила ва элатлардан иборат эди. Татар-мўғул босқинидан бошлаб Ўрта Осиё икки дарё оралиги ва унга туташ вилоятларга туркий тилли этносларнинг узлуксиз кириб келишининг чеки бўлмаган. Бу юз берган миграцион жараёнларнинг барчаси минтақа аҳолиси этник ҳолатига таъсир этмай қолмас эди. Буларнинг барчаси минтақада туркий тилнинг фойдасига хизмат қилди. Шунинг учун ҳам XVI—XVII асрларга келганда Ўрта Осиёнинг Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм воҳалари сартлари асосан туркийда сўзлашардилар, уларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг ўтроқ туркийлариникидан фарк қилмас эди.

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида сарт тилига форс тили сифатида қараб, уни турк тили билан солиштиради. Академик В.В. Бартольд А. Навоийнинг айнан шу икки тил қиёсий таҳли­лидан хулоса чиқариб, XV аср бошларида хали Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё сартлари тожик тилида сўзлашар эдилар, деб тушунган<sup>1</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса сарт билан тожикни тил жиҳатидан ажратади. Унинг ёзишича, Қобул ва унинг атрофидаги бир неча қишлоқларда сартлар

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Сарты. Соч. Т. 2, часть 2. С. 527–529.

яшайди, бошка вилоят ва қишлоқларда эса тожиклар яшайди<sup>1</sup>, дейди. Қозоқ ва қирғизлар учун ҳар қандай ўтроқ ҳаёт кечирувчи мусулмон сартдир. Айниқса, кўчманчи қозоқ учун ҳар бир шаҳарли ва қишлоқ дехқони сарт бўлган. Расмий маҳкама тилида сарт сўзи тожиклар эмас, балки туркийлашган ўтроқ аҳоли тушурилган. Академик В.В. Бартольд сарт атамаси туркийча «савдогар», «савдо қарвонбоши» маъносини англатишини ҳамда қозоқ ва қирғизлар, умуман олганда турк-мўғул қабила ва элатлар этник келиб чиқишидан қатъи назар «сарт» атамасини Туркистоннинг ўтроқ аҳолисига нисбатан ишлатишларини яхши билса-да, сарт бу форсийзабон этник бирлик – тожикдир<sup>2</sup>, деган хато хулосага келади.

Ҳозирги кунда фанда сарт атамаси масаласида асосан икки хил қараш шакланган. Биринчиси – сарт бу этнос, форсийзабон тожикдир, деган қарашдир. Дастлаб, Г. Вамбери, В. Радлов, Н. Остроумов<sup>3</sup>лар шундай фикр билан чиққан эдилар. Бундай қарашга академик В.В. Бартольд қўшилиб, уни илмий «асослаб», «сарт» алоҳида халқ, аниқ этник бирлик, аммо, замон ўтиши билан унинг мазмун ва моҳияти ўзгариб борган, уни на ўзбеклар, на тожиклар билан аралаштириб бўлмайди, дейди. Бу билан у, дастлаб, сартлар тил жиҳатидан эроний бўлиб, кейинчалик туркийлашиб кетганлигини таъкидлайди. Аммо, ҳозирги кунда В.В. Бартольд издошлари Индиана университетининг профессори Ю. Брегель<sup>4</sup>, Тожикистон ФАнинг академиклари Н. Нигматов, Ю. Якубов, Р. Масов ва бошқалар В.В. Бартольднинг «сартлар туркийлашган суғдийлар эди», деган ғоясига маҳкам ёпишиб олганлар. Айниқса, Ю. Брегель Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асарида XVII аср охирида Хоразм сартларини алоҳида этник гуруҳ сифатида ўзбек ва туркманлар қаторида эслаб ўтишини таъкидлайди. Бирок, Ю. Брегель Абулғози Баҳодирхоннинг «ўзбек» атамаси остида Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи ўзбекларни эътиборга олганини, «сарт» атамаси остида эса, Хоразмнинг туркий тилли ўтроқ аҳолисини тушунганлигини ҳисобга олмайди. Чунки, Ю. Брегель ва унинг издошлари ўзбек халқи ҳақида гап кетганда, фақат XVI аср бошларида Шайбонийхон билан бирга Ўрта Осиёга кириб келган Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбекларини тушунади ва ҳозирги замон ўзбеклари ана шулардан тарқалган, деган илмга зид панэронистик қарашда мулоҳазалар юритади.

«Сарт» масаласидаги иккинчи қараш асосан жадидларга тегишли бўлиб<sup>5</sup>, бу қарашга И. Магидович каби рус шарқшунослари ҳам хайрихоҳ эдилар. Бу қараш тарафдорлари томонидан «сарт»нинг алоҳида этник бирлик, этнос эканлиги инкор этилади. Ўша давр ижтимоий ҳаётининг фаолларидан бири қозоқ Серали Лапин «сарт» атамасининг келиб чиқиши масаласида В.В. Бартольд билан 1894 йилда матбуотда қаттиқ баҳслашади ва ўз қарашини аниқ ифодалайди. Унингча: «сарт» этник келиб чиқишидан қатъи назар, Ўрта Осиёнинг туб жойли аҳолиси;

<sup>1</sup> З.М. Бобур. Бобурнома. Тошкент–1958.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Сарты. Соч. Т. 2. С. 527–529.

<sup>3</sup> Остроумов Н.П. Сарты. Этнографические материалы. Ташкент, 1908.

<sup>4</sup> Yu. Bregel. The sart in the Khanate of Khiva. Journal of Asian History. V.12, №2. 1978.

<sup>5</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. «Маънавият», Тошкент–1997.

алоҳида «сарт» тили бўлмаганидек, «сарт» деган алоҳида этнос, махсус халк ҳам йўқ; сартлар маҳаллий форсийзабон ва туркийгўй ўтрок аҳолининг аралашувидан тарихан таркиб топган туркий тилли туркистонликлардир; уларнинг тили туркий тилнинг замонавий бир кўриниши бўлиб, у араб-форсий тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига бойиган янги ўзбек тилидир. Демак, сарт аниқ бир этнос, халк бўлмай, балки Туркистоннинг маҳаллий туркий ва суғдий этник қатламлари қоришувидан тарихан таркиб топган туркий тилли йирик ижтимоий тоифа.

Юқорида келтирилган таҳлилий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, «сарт» ва «тазик» атамалари синоним сўзлар бўлиб, ҳар иккаласи ҳам дастлаб савдогар маъносини англатган. VIII–IX асрларда савдогарни суғдлар «тазик» деса, савдода устаси фаранг суғдларни ўзини ҳам тевааракатроф аҳоли «тазик» деб атаётган. Тарих тақозосига кўра, суғдийлар ўзларини ҳам ўзга этнослар томонидан аста-секин «тазик» деб аталишига кўникишиб, ҳукмрон тил муҳити таъсирида IX–X асрлардан бошлаб суғдча «тазик» форсча «тожик»га айланди. «Сарт» атамаси эса тазикни синоними сифатида тил жиҳатидан туркийлашган суғдийлар бўлиб, дастлаб, ҳар икки тилда (ўзбек ва тожик) сўзлашган бўлса, кейинчалик (XVII аср охиридан) асосан эски ўзбек тилида сўзлашувчи Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларнинг ўтрок аҳолиси этник қатламига айланди.

Ўзбекистон ССРни ташкил этиш арафасидаги иккинчи йирик туркий тилли тоифа – турғун турклар бўлиб, улар Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудларида қадимдан, сартлар билан аралашиб, шаҳарларда хунармандчилик ва савдо-сотик, қишлоқларда суғорма дехқончилик хўжалиги, боғдорчилик ва полиз экинлари билан шуғулланиб келаётган Туркистоннинг ўтрок аҳолиси эди. Булар туркий тилли учинчи тоифа – кўчманчи шайбоний ўзбекларидан (туркий тил лаҳжаси, турмуш тарзи ва саҳройиларга хос хўжалик юритиши билан) фарқ қилиб, улар аллақачонлар уруғ-аймоқчилик удумларини, қабилавий номларини унутиб юборган эдилар. Бу турғун муқим турклар сартлар билан биргаликда ўзбек халқининг этник таркибини мутлақ асосини, тўртдан уч қисмини ташкил этади.

Ўзбек хонликлари ва подшо Россияси даврида чоп этилган тарихий ва этнографияга оид ёзма манбалар ва адабиётларда, хорижий олимлар асарларида улар туркистонликлар, Туркистоннинг тагли-тугли аҳолиси сифатида тилга олинади. Уларни ўзбеклар деб атамайдилар. Чунки, собик шўро даври ва ҳозирги кундаги ўзбек халқи ҳақидаги тасаввурдан фарқли ўларок, у кезларда ўзбек номи остида XVI аср бошларида Туркистонга кириб келган Дашти Қипчоқнинг кўчманчи ўзбеклари тушунилган. Айнан ана шулар Ўзбекистон ССР ни ташкил топиш арафасидаги туркийгўй аҳолининг учинчи тоифаси эди. Ана шу учинчи тоифа аҳоли XVI аср бошларидан сиёсий ҳокимиятни қўлга олиб, нафақат жамиятнинг сиёсий ҳаётида, балки унинг ижтимоий ва иқтисодий ҳамда этномаданий ҳаётида ҳам катта роль ўйнаётган бўлади. Улар Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтрок сарт ва турғун туркларининг маданияти ва Темурийлар давлат анъана-



ларини қабул қилиб, уларнинг этномаданий ва иқтисодий-хўжалик таъсирида ўтроқлашиб боради. XVI–XVIII асрлардан улар ягона ҳудуд, маданият ва ёзма адабий тилга эга эдилар. Туркий тилнинг қарлуқ-чигил лаҳжаси уларнинг умумий тилига айланган. Шунинг учун ҳам ўша замон Оврўпа муаллифларининг сиёсий харита ва глобусларида Туркистон ўлкасининг халқи «ўзбек», давлати эса «Узбекия», «Ўзбекистон» сифатида харитага туширилган<sup>1</sup> (зарварақдаги 16-расмга қаранг). Ўша кезларда бу заминда туркманлар, қозоқ ва қирғизлар ҳам яшар эдилар. Аммо, уларни Туркистонда сиёсий ҳокимиятлари бўлмагани учун сиёсий хариталарда давлат сифатида эмас, балки этнонимлар сифатида акс эттирилган. Сартлар масаласига келсак, улар тожиклар сингари тарихий хариталарда умуман тилга олинмаган. Улар турғун турклар каби яшаётган жой номлари билан бухоролик, тошкентлик, самарқандлик, урганчлик деб аталган, уларга Ўзбекистон сиёсий давлат уюшмасининг таркибий қисми сифатида қаралган<sup>2</sup>. Демак, XVI–XVIII асрларда «Usbeck, Usbekia, Ozbegistan» топонимлари этномаданий, этносиёсий бирлаштирувчи аҳамият касб этган ва ўзида нафақат туркий ўзбекларни, балки ўтроқ турклар, сартлар ва тожикларнинг шу давлат фуқаролари бўлганлигини тасдиқлайди. Халқ оммаси онгида ўзларини туркистонлик ёки ўз исмларига турар-жой номларини қўшиб айтишларига қарамай, сиёсий ҳокимият таъсирида ўзбеклар давлати фуқароси, ўзбеклар деб аташ руҳиятига, қонига сингиб борган. XX аср бошларига келганда «ўзбек» номи остида нафақат шайбоний ўзбеклари, балки минтақанинг ўтроқ аҳолиси ҳам ўзларини Туркистон турклари деб аташ билан бирга, Туркистон ўзбеклари деган тушунчага кўникиб қолган эдилар.

Хуллас, Ўзбекистон ССРни ташкил этиш арафасида уларни бирлаштирувчи, уйғунлаштирувчи ягона аниқ этноним бўлмаса-да, аммо, уларнинг бўлажак миллий давлатини «Ўзбекистон» деб аталишига ҳам қаттиқ эътироз бўлган эмас эди. Чунки, Туркистон ҳудудларида яшовчи форсийзабон тожиклар минтақа аҳолисининг бешдан бирини ҳам ташкил этган эмас. Боз устига, Туркистон аҳолисининг аксарият кўпчилиги туркийда, яъни эски ўзбек тилида сўзлашар эдилар. Бу этнолингвистик вазият Туркистонда туркий тилли ягона республика тузишни, унинг номини эса Туркистон деб аталишини тақозо этарди, ёки бўлмаса, Туркистон туркий халқларининг миллий давлат тузилмаларини ташкил этишни тақозо этарди.

1917 йил октябрь ойидаги большевикларнинг давлат тўнтаришидан кейин, уларнинг етакчиси В.И. Лениннинг ўлка мазлум халқларига қарата юборган мурожаатида, эндиликда ҳар бир халқ «ўз тақдирини ўзлари белгилаши» керак, «ҳокимиятни қўлга олинганлар», деган қақирғига ишонган Туркистон халқлари ўзларининг ягона умумтуркистон давлатини тузишни кўтариб чиқадилар. 1918 йилда РСФСР таркибида советлар «андозаси» асосида Туркистон автоном со-

<sup>1</sup> Ш.С. Камолiddин. Новые источники по этногеографии Средней Азии. «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар». – Т.: 2007. – 82–83-бетлар.

<sup>2</sup> Ш.С. Камолiddин. Новые источники по этногеографии Средней Азии. «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар». – Т.: 2007. – 82–83-бетлар.

вет социалистик республикасини ташкил этилди. Бу билан амалда «ягона ва бўлинмас Россия» учун кураш олиб бориб, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини очикдан-очик давом эттирдилар. Махаллий кадрлар ташаббуси билан ташкил этилган Туркистон мухториятини эса большевиклар қонга ботириб, оқибатда советларга қарши курашда қаршилик қўзғололларини («босмачилик» ҳаракатини) келиб чиқишига олиб келган. Хуллас, Туркистон жаҳидларининг истиқлолчилик ҳаракати большевикларни чўчитиб қўйган эди. Чунки, бу истиқлолчилик ҳаракатининг заминида Ўрта Осиё туркий тилли элатларини бирлаштирувчи ягона Туркистон давлати тузиш тарафдорлари кўп эди. Аммо, большевиклар бунга қатъий қарши чиқадилар. Чунки, уларнинг асл мақсади туркий халқларни парчалаб ташлаш эди. Шундан сўнг, жаҳидлар большевикларнинг «миллатлар ўз тақдирини ўзлари белгилашлари керак» деган шиорларига асосланган ҳолда туркизм ғоясини кўтариб чиқадилар. Марказ бунга розилик билдиради, аммо, фақат «ягона ва бўлинмас СССР таркибида» айрим автоном, миллий давлат тузилмаларини ташкил этишни қатъий баён қиладилар. Чунки, Туркистон унда яшовчи барча халқлар онгида уларнинг тарихий Ватани рамзи сифатида тушуниларди, унинг мустақиллиги ва озодлиги учун курашда доимо бирлаштирувчи таъсирчан омил бўлиб келган эди<sup>1</sup>.

Ўрта Осиёда миллий давлат тузилмаларини ташкил этиш ғояси большевиклар орасида XX асрнинг 20-йиллари бошларидаёқ туғилган эди. 1920 йил 20 июнда РКП(б) МҚ Сиёсий бюросида Турк МИҚга «Туркистоннинг маъмурий округларини унинг миллий таркибига мувофиқ қайта тақсимлашга киришиш» топширилган<sup>2</sup>. Шу йўналишдаги ишларни олиб боришда, биринчи навбатда, Ўрта Осиёдаги халқларни миллий гуруҳларга ажратиш учун уларнинг этник жиҳатдан ўхшашликларини бирлаштириш лозим кўрилди ва шу мақсадда тил воситасидан фойдаланилди. «Ягона туркий тил бўлмаганидек, ягона туркий маданият ҳам бўлмади» деган шиор остида туркий тилнинг айрим лаҳжаларини ислох қилиш ва улар негизида ҳар бир миллий тузилма (ўзбек, туркман, қирғиз) танланган лаҳжа асосида ўз миллий тилларини яратиши керак эди. Дарҳақиқат, Марказда бўлажак республикалар ва уларнинг миллий номлари ҳам олдиндан белгилаб қўйилган эди. Масалан, шарқшунос олим И. Магидович ўз тадқиқотларида Ўрта Осиёда «XX аср бошларига келганда тил, этномаданий ва ўзликни англаш жараёни шундай кечдики, ўзбеклар билан сартлар ўртасидаги фарқ қолмади» дейди. Бу фикр 1924 йилда бўладиган миллий-худудий давлат чегаралаши олтидан Ўзбекистон ССРни ташкил этилиши ҳақидаги «каромат» эди.

1922 йилдаёқ ўзбек тили ва грамматикаси бўйича биринчи ўлка съезди бўлиб, съездда ўзбек тилининг «классик оврўпача грамматика тизими»ни ишлаб чиқиш

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. «Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида». – Т.: 2000. – 284-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. «Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида». – Т.: 2000. – 284-бет.

масаласи кўтарилди. 1923 йил мартда ТКП VII съездида Туркистоннинг маҳаллий халқлари ўртасида динга қарши тарғиботни авж олдириш масаласи кўйилди<sup>1</sup>.

Туркистон аҳолисини миллий белгилари бўйича гуруҳларга ажратишга қаратилган мафкуравий, сиёсий, тил ва маданий тадбирлар ўзбек ва туркман миллий тили ва маданияти, бўлажак миллий республикаларини ташкил этишга йўналтирилди. Бу тадбирларнинг «ташаббускори» Турккомиссия бўлди. Одатда, бу тадбирлар муайян миллий гуруҳнинг мустақил маъмурий-худудий бирлик бўлиб чиқишга «истак билдирганлиги»ни намойиш этиш эди. 1920 йилга келиб Фарғона водийсида истиклолчилик ҳаракатининг қуролли қаршиликлари шундай кучайдики, унинг таъсирида Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда ҳам унинг учқунлари аланга олиб кетди. Бу ҳам Ўзбекистон ССРни ташкил этишни тезлаштирди.

Истиклолчилик ҳаракати йилларида Туркистон жадидлари раҳнамолигида «Туркистон–туркистонлик халқлар Ватани. Ватан чегараларидан душманни қувиб чиқарамиз!» деган шиорлар остида олиб борилган умумхалқ кураши Марказни ваҳимага солиб қўйган эди. Чунки, Ўрта Осиёда юз берган янги ижтимоий-сиёсий тузум шароитида минтақа халқлари онгида ўзликни, маънавиятни ҳимоя қилиш билан бирга, қадимий миллий давлатчиликни сақлаб қолиш ва уни мустақамлаш ҳаракати бир-бири билан узвий боғланиб кетган эди. Шу тариқа, 20-йилларнинг ўрталарига келиб, нафақат РСФСР таркибига кирган Туркистон автоном республикасини янгитдан чегаралаш, балки бу тадбир Бухоро ва Хоразм халқ республикаларининг ҳам келажак тақдирини белгилаш масаласига айланиб кетди.

Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. РКП(б) МҚнинг бевосита кўрсатмасига мувофиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг раҳбар партия органлари унинг илгари сурган миллий-худудий чегараланиш ғояларини амалга оширишга тортилди. 1924 йил февралда Бухорога РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг аъзоси, ТКП МҚнинг масъул ходими А. Раҳимбоев юборилди. Бу ерда у БХСР раҳбар ходимлари кенгашида миллий-худудий чегараланиш масаласи тўғрисида маъруза қилди. Кенгаш асосан чегараланиш ўтказишни маъқуллади<sup>2</sup>. 1924 йил 25 февралда бу масала Бухоро компартияси МҚ пленумида муҳокама қилиниб, қайта ишланди, БКП МҚ комиссияси Ижроия бюросида ўша йили 10 мартда тасдиқланди<sup>3</sup>. Ижроия бюро қарорида: Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркменистон иттифоқдош республикаларини, Ўзбекистон Республикаси таркибида автоном Тожикистон вилоятини тузиш, шунингдек, Ўзбекистон таркибидаги жуда кўп районларида айрим қишлоқ ва овулларда қозоқ ва қирғизлар яшаб келардилар. Бундай қишлоқ ва овулларни

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. «Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида». – Т.: 2000. – 285-бет.

<sup>2</sup> ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд, 5-варақ.

<sup>3</sup> Ўша жойда. 41–42- бетлар.

Қирғизистон (Қозоғистон) Республикасига бирлаштириш масалалари кўтарилди ёки Чимкент, Туркистон, Авлиёта (Жамбул) ва Сайрам шаҳарларида асосан ўзбеклар яшаб, уларни ўраб олган кишлоқларда козоклар яшаганликлари туфайли, уларни Қозоғистон таркибига киритиш масалалари атрофида тортишувлар бўлди. Ҳатто, козок миллатчилари Тошкент вилоятини Қозоғистонга кўшишни талаб қилиб чиқдилар. Уларнинг бундай талаб билан чиқишига Охангарон водийсининг курамалари сабаб қилиб кўрсатилган. Аслида эса курамалар шундай хусусиятга эга эдиларки, улар иқтисодий ҳаёт, урф-одатлари жиҳатидан тўла маънода ўзбекларга ўхшаб кетарди, бироқ тилларида бирмунча козок тилининг таъсири бор эди. Аслида эса курамалар ўзбек миллатига мансуб эдилар. Миллий чегаралаш масаласидаги баъзи бир бундай тушунмовчиликларга чек қўйилди. Алоҳида бандда янги ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «ихтиёрий асосда» СССР таркибига кириши айтиб ўтилди<sup>1</sup>. Худди шу тарздаги муҳокамалар, қарорлар қабул қилиш Туркистон компартиясида ҳам бўлиб ўтди. Муҳокамалар гарчи тинч ўтса-да, баъзи бир ихтилофий муҳолафат ҳам бўлди. Масалан, бир гуруҳ муҳокама катнашчилари Туркистон, Бухоро ва Хоразмни кўшиб ягона республика қилишликка вазият етишмаган, худди Кавказдагидек федерация қилиб, сиёсий бирлаштириш керак, деб чиқдилар. Уларни ягона республика қилиш ҳақидаги якуний қарор ТКП МҚнинг 1924 йил 23–24 мартда бўлиб ўтган пленумида узил-кесил ҳал қилинди. Пленум миллий чегараланиш тўғрисидаги масалани Бухоро ва Хоразм партия органлари билан биргаликда олиб боришни уқтирди. Туркистон партия ва совет органлари Бухоро ва Хоразм компартия раҳбарлари билан икки ой давомида олиб борган музокаралари натижасида уларни Марказнинг миллий чегаралаш масаласидаги кўрсатмаларини амалга ошириш зарурлигига кўндирди олди. 1924 йил 5 апрелда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси комиссия раиси А. Раҳимбоевнинг миллий чегаралаш ҳақидаги «таклиф»ини маъқуллади<sup>2</sup> ва бу ташаббус пастдан, гўё ўлкалардан чиқди, деган фикр туғдирилди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегаралаш ҳақидаги ҳаракатнинг биринчи босқичи якунланди. Ҳар уч «давлат»нинг партия раҳбарияти РКП(б) МҚ хоҳиш-иродасини итоат билан бажарди. Бу ишларни маҳаллий вакиллар қўли билан РКП (б)нинг партиявий дастёри Я. Рудзутак бажартирди. Миллий чегаралаш масаласида яна бирор «ЧП» бўлмаслигини олдини олиш мақсадида катта ва кичик комиссиялар тузилиб, масала «янада чуқурроқ» ўрганиб чиқилди. Ниҳоят, 1924 йил май ойида аввал МҚнинг Ўрта Осиё бюроси комиссиясида, сўнг унинг бюросида кўриб чиқилиб, қуйидагича қарор қабул қилинди:

1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини миллий-худудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий-худудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин.

<sup>1</sup> ЎзР ПДА, 60 -фонд, 1- рўйхат, 4269-йиғма жилд, 42–43-варақлар.

<sup>2</sup> ЎзР ПДА, 361- фонд, 1- рўйхат, 555-йиғма жилд, 43–44-варақлар.

2. Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил СССР ҳуқуқларига эга бўлсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон Республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти қайси республика таркибига кириши масаласи очиқ қолдирилсин.

3. Туркистон автоном совет социалистик республикасида яшайдиган қозоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган Қозоғистон республикасига киритилсин»<sup>1</sup>.

Бироқ, ушбу қарорнинг Хоразм билан боғлиқ бандига қарши хат келади. Хатда Ўрта Осиё бюроси қарорида Хоразмда миллий масала ҳал этилмагани баён этилади. Чунки, зиёлилар орасида Хоразм нафақат алоҳида давлат, балки бир бутун алоҳида халқдир. Уни Ўзбекистон ССР таркибига қўшиб юбориш ленинча миллий сиёсатга зиддир, деган эътирозлар ёзилган эди. Ниҳоят, хат МҚнинг Ўрта Осиё бюросида сиёсий жиҳатдан кенг муҳокама қилиниб, Хоразм Компартияси МҚ таркибини янгилашга қарор қилди ва миллий чегаралашни Хоразмда ҳам ўтказилишига эришди. Аммо, миллий чегаралаш комиссиясига тегишли мутахассислар киритилмади. Масала ечими партия раҳбарлари доирасида ҳал этилди. Ниҳоят, 1924 йил 15 сентябрда Туркистон МИҚнинг навбатдан ташқари сессиясида махсус миллий-худудий чегаралаш масаласи кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Қарорда янги миллий давлат тузилмаларини ташкил этишда «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш» принципларига тўла амал қилиш асос қилиб олинди. Шунингдек, миллий-худудий чегараланиш «халқларнинг хоҳиш иродаси билан бўлаётгани» биринчи бор очиқ айтилди. Сессия материаллари асосида 16 сентябрда ТАССР МИҚ қарор қилади. Бунда ўзбек халқига ТАССР си таркибидан чиқиб, мустақил Ўзбекистон ССРни тузиш ҳуқуқи берилади. Яна қарорда туркман халқига ТАССРси таркибидан чиқиш ва мустақил Туркменистон ССР тузиш, тожик ва қирғизларга муайян вилоятлар тузиш топширилади. Буларни тасдиқлаш Бутунроссия МИҚнинг навбатдаги сессиясидан сўраш айтилади. 1924 йил 4 октябрда миллий-худудий давлат чегаралаш бўйича Ўзбекистон бюроси «Тожик кичик комиссияси» тақлифига кўра, «Тожик автоном вилояти» эмас, балки «Тожикистон автоном ССР»си ташкил этиш ва унинг таркибига Панжикент ва Ўратепа туманларини қўшиб олинishiга розилик билдиради.

1924 йил 20 сентябрда Советларнинг Умумбухоро V қурултойи, 29 сентябрь ва 2 октябрда бўлиб ўтган Советларнинг Умумхоразм V қурилтойи янги ташкил этилаётган Ўзбекистон ССР таркибига қўшилиш ҳақида қарор қабул қилишди. 14 октябрда РСФСР МИҚ II сессияси Туркистон АССР МИҚнинг миллий-худудий чегаралаш ҳақидаги қарорини тасдиқлади. 27 октябрда СССР БМИҚ II сессияси ТАССР, Бухоро ва Хоразм советларининг янги ташкил этилаётган Ўзбекистон ССР таркибига кириш ҳақидаги қарорларини тасдиқлади ва шу

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустақиллаштириш даврида. – Т.: 2000. – 291-бет.

қарорларни амалга оширишни СССР МИК Раёсати зиммасига юклатилди. Шундай қилиб, 1924 йил 27 октябрда Ўзбекистон ССР ташкил этилди.

1925 йил 13 февралда Бухорода Ўз ССР Советларининг I съезди очилди. Съезд 17 февралда Ўз ССР ни ташкил топганлиги ҳақидаги декларацияни қабул қилди. Декларацияга кўра, Ўз ССРни ташкил этилганлиги конунлашди ва Ўз ССРни СССР таркибига ихтиёрий равишда кирганлигини эълон қилинди. Шундай қилиб, жаҳон харитасида СССР таркибидаги Ўзбекистон миллий давлати пайдо бўлди. Ҳақиқатан ҳам 8.131.062 кишидан иборат бўлган Ўрта Осиё аҳолисининг 3.963.285 таси, яъни аҳолининг  $\frac{3}{4}$  қисми Ўзбекистон Республикасига ўтди. Ўрта Осиё ҳудудидаги барча ўзбекларнинг қарийб 90 фоизи Ўзбекистон ССР ҳудудида эди<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон миллий республикасининг ташкил топиши икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич – 1920–1924 йиллар. Бу босқичда миллий чегаралаш ғояси пайдо бўлиб, уни Ўрта Осиё аҳолиси онгига сингдирилди, маҳаллий аҳолини ўзбек номи остида миллий давлатни ташкил этиш ташаббускорига айлантирилди. Иккинчи босқич – 1924 йил. Бу босқичда туркизм ғояси амалга оширилди, яъни 1924 йилда бевосита миллий чегаралаш ўтказилди. Ўзбекистон миллий республикасининг ташкил этилиши «ўзбек» номи остида миллатни шаклланишига, «ўзбек» номи остидаги сиёсий уюшмани этник маъно ва мазмун касб этишига кенг имкониятлар очиб берди, ўзбек миллатини таркиб топишига олиб келди.

Мустақил Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ибораси билан айтганда, Ўрта Осиёда ташкил қилинган бу тузилмалар давлат бўлиб шаклланмаган (давлатга ўхшаш) тузилмалар эди<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, мазкур тузилмалар (республикалар) аслида собиқ СССРнинг маъмурий-иқтисодий районлари даражасига туширилган «мустамлака» ҳолатидаги миллий давлатлар эдики, уларнинг миллий раҳбарлари мунтазам тартибда Марказ назорати остида эдилар. Улар Марказий давлат аппарати олдида на иқтисодий, на маданий-сиёсий, на аъъанавий урф-одат ва удумларни, на диний-ахлоқий ва маънавий масалаларни кўя олмас эдилар: Аксинча, диний-ахлоқий ва аъъанавий-маънавий кадриятлар, динимиз топталди, оёк ости қилинди, бу ишларга маҳаллий раҳбарият сафарбар этилди ва унинг бошида туришга мажбур этилди.

Шу билан бирга, яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, собиқ Советлар империяси Туркистон ўлкаси, Хоразм хонлиги ва Бухоро амирлиги ва уларнинг кўп миллионли халқини подшо Россияси сингари мустамлака шаклида сақлаб туриши мумкин эди. Бироқ, В.И.Ленин бошлиқ большевиклар ҳар қандай синфийлик асосида қурилган давлатга қарши, уларнинг бош ғояларига кўра, йўқсиллар ҳукмронлигида ҳамма учун тенг ва озод демократик жамият қуриш керак. Улар

<sup>1</sup> Вахобов М.Г. Формирование узбекской социалистической нации. – Т.: 1961. С. 398–399.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари. Т.: 1997. – 61-бет.

ана шу ўз мақсад йўлида жамиятнинг демократик кучлари, прогрессга интилувчи саноат буржуазияси ёрдамида Подшо Россиясини ағдарди, сўнг синфсиз жамият куриш йўлида саноат буржуазиясини ҳам ағдариб, йўқсиллар жамиятига сиёсий ҳокимиятни олиб берди. Йўқсиллар жамияти, яъни Советлар давлати сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, халққа берган ваъдаларига карамай (яъни В.И. Ленин бошлиқ Советлар давлати эндиликда, ҳар бир халқ ўзини ўзи бошқармоғи, ҳаммага тенг ҳуқуқли миллий давлат куриши мумкин, деган шиорни ўртага ташлаган эди), дастлаб оч-яланғоч бўлсалар-да, тиш-тирноғи билан подшо Россияси мустамлакаларини қўлда сақлаб қолишга интилди.

Большевиклар ҳукумати яхлит Туркистон ўлкасини анъанавий, асрлар давомида таркиб топган бир бутунлигини сақлаб қолиши мумкин эди. Аммо, ундай қилмади. Чунки, бу узоқни ўйлаб тузган режаларига зид эди, халқаро империализмнинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсатига тўғри келмас эди. Советлар империализмга қарши бўлсалар-да, аммо, амалий ҳаётда уларнинг шиорига амал қилди. Советлар ҳокимияти учун яхлит Туркистонни бўлиб ташлаб бошқариш, уларнинг мустамлакачилик сиёсатининг пинҳона асл моҳиятини ташкил қилар эди. Энди, Советлар ҳокимияти ленинча миллий сиёсатнинг асл моҳиятини ўзгартириб, бошқа йўналишга солиб юборди, яъни Туркистон кўп миллатли ўлка, бу ўлкада форсий тилли тожиклар ва туркий тилли ўзбек, туркман, қирғиз, козок, уйғур, коракалпоқ яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий этномаданий, ҳудудий ва тил бирлигига эга. Улар Туркистонда сўнгги феодализм даврида ташкил топган уч хонлик ўртасида парчаланган. Уларнинг ҳар бирига ўз эркини қўлларига олиб беришлик советлар давлатининг устувор сиёсати даражасига кўтарилиши керак эди.

1920 йилда туғилган бу сиёсат 1924 йилда Ўзбекистон ва Туркменистон ССРни ташкил этилиши билан илк бор ўз якунини топди. Сўнг, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари ташкил этилиб, яхлит Туркистоннинг ғарбий ҳудудлари 5 га бўлинди. Яхлит Туркистоннинг шарқий қисми—туркий уйғурлар юрти, йўқсиллар доҳийси И.В. Сталин томонидан 1937 йилда Хитойга бериб юборилди.

Бу сиёсат Советлар ҳокимияти даврида миллий ўзликни англаш бобида ўзининг дастлабки самарасини бера бошлаган бўлса-да, аммо, СССР парчаланиб, унинг ўрнида қатор миллий давлатлар пайдо бўлгач, ҳудудий чегара, тарих ва маданий меросга миллий эгаллик қилиш борасида миллатлараро низолар ва табиатнинг сув неъматларига ноҳақ эгаллик қилиш талабларини келтириб чиқармоқда. Бу низоларни келиб чиқишида хорижий сиёсатчиларнинг манфаати, минтақа миллий давлатларининг ўзаро қилишиб олишига ҳалақит бермоқда. Бу асрлар давомида тарихан таркиб топган яхлит Туркистоннинг парчаланишининг салбий оқибатларидир.

Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи ижобий томони ҳам борки, бу мустақил миллий давлатчилигимизнинг қўлга киритилиши ва унинг порлоқ ке-

лажаги масаласидир. Агар 1924 йилда СССР таркибида бўлиб, ички ва ташқи сиёсатда мустақил суверен давлат бўла олмаган бўлса-да, Ўзбекистон аталмиш республика жаҳон харитасида пайдо бўлмас эди, унинг халқи ҳозирги кунда «ўзбек» номи остида миллий ўзлигини англаб етган, «ўзбек» этник номи остида алоҳида халқнинг ўзи бўлмаган бўлар эди. СССР парчаланганда биз ўзбеклар қайси бир ном билан аталган бўлардик?

Ўзбек номи бир қабила ёки уруғ номи эмас. Ўзбек номи юзлаб туркий қабила ва элатларнинг эронзабон этнослар билан асрлар давомида қоришуви, симбиози асосида таркиб топган халқдир. Шундай экан, бу ном ва шу ном билан аталган давлат пайдо бўлди. Бу билан ҳар бир мустақил Ўзбекистон фуқароси фахрланиши керак. Бу ном билан аталган давлат ўзининг мутелик даврида миллат бўлиб шаклланди. Истиқлол даврида эса у ўз мустақил ички ва ташқи сиёсати билан дунёга танилди. Бу эса унинг ижобий оқибатларидир.



**XVIII боб**  
**ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ ВА ЎЗБЕК**  
**АТАМАСИНИНГ УМУММИЛЛАТ ЭТНОНИМИГА**  
**АЙЛАНИШИ**

Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, унинг ҳудудида истиқомат қилувчи барча туркий тилли қавм ва элатлар ўзбек этник номи билан аталадиган бўлди. Ўзбек номи билан аталувчи халқнинг тили қадимдан шу заминда ўтроқ ҳаёт кечириб келаётган туркий қабила ва элатларнинг дастлаб «чигатой» номи остида бирлашиб, унинг форсий ва арабийлашган адабий варианты шакллангач, бу тил (ўзбек адабий тили) XVII асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоят ва туманлар аҳолисининг ёзма ва жонли она тилига айланди. Бу тил туркий тиллар оиласининг шарқий «жўқиювчи» вариант диалектларидан фарқ қилиб, тарихий тилшунослик фанида «йўқиювчи» туркий тил, яъни «эски ўзбек тили» деб аталадиган бўлди ва янги ташкил этилган Ўзбекистон ССРнинг расмий она тили ва миллат тили сифатида қабул қилинди. Демак, янги ташкил топган «суверен» Республика Ўзбекистон, унинг асосий халқи ўзбеклар, миллий давлат тили—ўзбек тили деб аталадиган бўлди. Буларни қонунлаштирувчи қарорлар қабул қилинди.

Бироқ уни амалий ҳаётга татбиқ этиш ўз-ўзидан табиий кечмади. Ўзбекистон таркибига кирган туркий халқларнинг кўчманчилар тоифасига хос қабила ва уруғчилик анъаналари, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг «сарт» аталмиш тоифасига хос ўтроқлик, маданий ва маиший юксаклик ғурури, уларни бир ном остида тезда қоришиб, бирлашиб кетишлари учун осон бўлмади. Туркий тилли қабила ва уруғлар ўзлари учун «ўзбек» эли номини шон-шараф деб билса ҳам қабилавий номларини амалий ҳаётда унутмас, ўзаро муомала ва этник мансублик ҳақида гап кетганда, «Иброҳим қарлуқ», «Отабек чигил», «Арслон дўрман», «Мирза найман», «Ботир қўнғирот» каби ўз исмларига қайси қабила ёки уруғга тегишли эканликларини таъкидлашда давом этаверар эдилар. Туркий сартларнинг «ўзбек» номи остида ўз этник мансублигини тан олиши ҳам улар учун дастлабки кезларда оғир кечар эди.

Мавжуд вазиятни тўғри баҳолай олган Марказ ижобий счими йўлида ғов бўлиши мумкин бўлган муаммоларни мураккаблашишига йўл бермади ва уларни маҳаллий коммунист фирқачилар ёрдамида амалга оширишга киришдилар.

Биринчи навбатда, ўз эли ва миллатини фақат ва фақат «ўзбек» номи билан юритишга қаратилган қарорлар қабул қилинди, уруғ ва қабилавий номларни давлат ҳужжатларида, амалий ҳаётда тилга олиш катъий ман этилган қарорлар қабул қилинди. Маҳаллий ва марказий матбуот ва радио тармоқлари мунтазам ва изчил равишда ўзбек атамасини умумхалқ, ўзбек миллатининг этник маъно ва мазмун

касб эттиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб борди ва тарғибот ишлари собиқ СССР таркибида жаҳон харитасида Ўзбекистон номли миллий давлат туғилганини халқ оммаси онгига сингдиришга қаратилди. Бадий-ижодий уюшма жамоаларининг фаолияти бош мақсадни ташвиқот қилишга йўналтирилди, мактаб ва ўрта махсус ҳамда олий таълим тизими ўқувчи ва талабалари учун яратиладиган ўқув қўлланма ва дарсликлари ўзбек тилида ёзилиб, бу тил ёшлар орасида кенг тарғибот ва ташвиқот қилиниши, мактабларда ҳеч қандай қабилалар тил лаҳжаси ёки сарт тили ҳақида оғиз очмаслик, уларнинг барчаси эндиликда фақат ўзбек тили номи остида юритилиши ҳақида кўрсатмалар берилди ва бу сиёсат партия ва давлат томонидан қаттиқ назорат остига олинди. Фақат талқинотчи олимларгагина (тарихчи, этнограф, антропология, тарихий тилшунослик ва шу каби соҳа мутахассисларига) истисно сифатида ўз илмий изланишларида уларнинг қабилавий номларида ўрганишга имкон берилди.

Ўзбекистон партия ташкилоти ва советларнинг маънавий-маърифий ва этномаданий соҳаларга йўналтирилган фаолияти бу соҳада ғайриқонуний амалий ишлар қилинишини тақиклашга қаратилди. Чунки, Ўзбекистоннинг асосий халқи тагли-тугли, маҳаллий туркий тилли ўзбек халқи эканлигини биринчи навбатда, қонунлаштириш эди. Эндиликда ҳеч ким, ҳеч қачон республика аҳолиси таркиби ҳақида гап кетганда фақат ўзбек халқи, ўзбек миллати ҳақида гап бориши, ҳар қандай маҳаллийчилик кўринишлари, уруғ-аймоқчилик саркитларига қарши курашиш, давлат расмий ҳужжатларида, маҳаллий матбуотда Ўзбекистон фуқаросини қарлук, чигил, ўғуз, кипчоқ, турк, минг, кўнғирот, найман, дўрман, манғит, катағон каби қабилавий номлар билан аташ қатъий ман қилинди. Бу ишларнинг барчаси яққаҳоқимлик мафқураси ва ғоялари йўналишида олиб борилди. Бу ишларни кўтариш ва амалга оширишга фақат ленинчи коммунистларга хос эканлиги ва бу ишлар ўтмишда тарқок ва ҳақ-ҳуқуқсиз бўлган оддий халқ учун қилинаётганлиги мунтазам тарғибот ва ташвиқот қилиб борилди.

Аслида ўзбек атамасининг этник маъно ва мазмун касб этиб бориши аста-секин ўзбек хонликлари давридан бошланиб, бу йўналишда дастлабки қадамлар табиий равишда ўша даврда қўйилган эди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида XVIII асрда ташкил топган уч хонлик тепасида Дашти Қипчоқ ўзбекларининг уч йирик қабилалари турар эди. Сиёсий ҳокимият таъсирида маҳаллий ўтроқ турғун турклар психологиясида ўзбек номига нисбатан аста-секин хайрихоҳлик ҳис-туйғулари уйғона бошлайди. Унғача тез-тез бўлиб турадиган ўзаро қабилавий феодал урушлари маҳаллий муқим яшовчи кенг меҳнатқашлар оммасининг тинч ҳаётини безовта қилар, ҳатто, бир давлат доирасида бўлиб турадиган қабилавий ва уруғ-аймоқчилик жанжаллари халқнинг тинқасини қуритган эди. Мустамлакачилик даврига келганда, мустамлакачилар ўз манфаатларини ўйлаб, буларга чек қўйди. Энг муҳими шундаки, миллий буржуазиянинг илғор табақасидан чиққан жадидларнинг тарих майдонидаги фаолияти билан боғлиқ маънавий, маърифий ва сиёсий ҳаракатлар кенг халқ табақаларини жипслашишга, Ватан қайғуси билан яшашга ундади.

Аммо, шўро даврига келганда, синфийлик акидасига ёпишиб олган большевиклар давлати Россия ва унинг миллий ўлкаларида бир бутун халқни синфий табақаларга ажратиб, ягона халқни парчалаб юборди ва янги ташкил этилган миллий давлат тузилмаларини бошқаришни (ўз назоратига олиб), йўқсилларга топширди. Шўро ҳокимиятининг директив хужжатларида «ҳокимият йўқсиллар кўлида экан, улар миллий синф даражасига кўтарилмоғи, миллат деб аталишга ҳақли бўлмоғи керак. Миллатлар ичидаги синфий антагонизм йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам йўқолиб боради. Мана шунга эришмагунча йўқсиллар миллат даражасига кўтарилма олмайди. Бундан ўзбек миллати ҳам мустасно эмас», дейилади. Чунки, уларни бошқариш, уларнинг кўкрагига бироз илиқ шамол теккизиб, ўзларининг содиқ хизматкорларига айлантириш енгил кечарди.

Миллатни бирлаштирувчи восита қишлоқ ва шаҳарларда ишлаб чиқариш хўжалиklarини ташкил этиш, уларни ўз ҳудуди, алоҳида тили ва маданиятига эга бўлган айрим коллективлар доирасида амалга ошириш зарурлиги уқтирилди. Ана шундай коллективлар элатлардан ва этник гуруҳлардан иборат бўлиб, улар ўзбек миллатини ташкил этади. Бу сиёсат ўзбек атамасини этник мазмун касб этишига хизмат қилади, дейилди.

1917 йил Октябрь тўнтарилишидан кейин ўзбек, козок, тожик, қирғиз каби элатлар миллий шаклланиш палласига кирган, аммо, миллат бўлиб уюшиб етмаган эдилар. Шўро ҳокимияти ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қарашларига кўра, уларни социалистик миллат бўлиб уюшиш йўлига йўналтирдилар. Жамиятни социалистик асосда қуриш, кишилар яхлитлиги қайси даражада эканлигидан қатъи назар, ҳамма коллективларга социалистик кифо берилди. Йўқсиллар миллатнинг раҳбар кучига айланади, унинг мафқураси бутун миллат мафқурасига, маънавий ҳаётига, барча иқтисодий, сиёсий ва маънавий фазилатлари коммунистик йўналишдаги умуммиллат хислатига айланади.

Маълумки, ҳокимият ёлғиз ишчилар синфи кўлига ўтиб, деҳқонлар унинг иттифоқчиси бўлади, деган ленинча ғоя дастлаб ўзини окламади. Чунки, бу икки синф ўртасидаги иттифоқ йўқсиллар диктатураси негизида қурилгани боис, бу иттифоқ маълум давргача ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги дўстлик даражасига кўтарилма олмайди. Масалан, ишчилар социалистик мулк тарафдори бўлса, деҳқонлар ўз табиатига кўра, хусусий мулк тарафдори эди. Чунки, деҳқонлар онги табиатан хусусий мулкчилик мафқураси билан суғорилган. СССРда социалистик жамият ишчилар билан деҳқонлар иттифоқи асосида қурилган дейилса-да, аммо, улар ўртасидаги айирма доимо сақланиб қолаверган. Шунинг учун ҳам советлар ҳокимияти деҳқонларни коллективлаштириш орқали ижтимоий мулк тарафдорига айлантиришга эришди.

СССРда, жумладан, Ўзбекистонда коллективлаштириш даврида дастлаб йўқсилларни (деҳқонлар, хунармандлар ва барча мулксизлар табақасини) ширкатларга тортиш, кейин колхозлар ташкил этиб, хусусий мулкчиликка барҳам бериш туфайли камбағал табақаларни тегишли йўналишлар бўйича жамоага бир-

лаштириш бошланиб кетди. Мулкдорлар, ҳатто, ўртаҳол деҳқон хўжаликларини эса синф сифатида қулоқ қилишлар йўқсилларни жипслашишга, жамоа хўжаликларидида биргалашиб ишлашга олиб келди. Улар ўзбек номи остидаги Ўзбекистон фуқаролари эди. Давлатни ўзбек ишчи-деҳқонлар синфининг давлати деб юритилиши ҳам улар қалбиди хотиржамлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қиларди. Синф сифатида қулоқ қилинган туркистонликлар қалбиди эса нотинчлик, уларни ўзбек совет халқи номидан қатағон қилиниши эса, бу номга нафрат уйғотар эди. Миллатнинг саралари, ишбилармон, талбиркор тоифаси бўлган ўртаҳол мулкдоргача эксплуататор синф сифатида йўқ қилиниб, шўро ҳокимиятининг бу жирканч ишлари маҳаллий халқ вакиллари қўли билан амалга оширилди.

Ўзбек номини этник мазмун қасб этишида бадий ижод вакиллари ҳам жалб этилди ва уларнинг бу борада хизмати бекиёсдир. Масалан, шўро даври ўзбек адабиётшунослигида ўзбек романчилигининг асосчиси ҳисобланган Абдулла Қодирий романилари («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон»)ни олайлик. Унинг биргина «Ўткан кунлар» романи нафақат бадий баркамолликда тенги йўқ асар ҳисобланади, балки ўзбек атамасини этник маъно ва мазмун қасб эттиришда улкан сиёсий аҳамиятга эга. Абдулла Қодирийнинг романиларида «сарт» деб аталмиш ўтроқ аҳоли турмуш тарзи, урф-одатлари, уларнинг суягига сингиб кетган ибратона фазилатларни тошкентлик Юсуф ҳожи ва марғилонлик Қутидор оилалари ўртасидаги қудачилик муносабатларида ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги чин муҳаббат мисолида ёритиб, бу ўзбек оиласи, бугунги куннинг ўзбеги эканлиги бадий образлар воситасида ифодаланган. Асарни ўқиган ҳар бир ўқувчи қалбиди ўзбек халқига, ўзбек атамасига нисбатан ҳурмат ва муҳаббат уйғонади. Мана шунинг ўзи ушбу асарнинг ўзбек атамасини этник маъно ва мазмун қасб этишида сиёсий мотив қасб этганлигини намоён қилади.

Абдулла Қодирий қаторига ўз даврининг пешқадам вакиллари – Гафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва бошқалар кириб келди ва улар ҳам ўз асарларида ўзбек номини улуғлашга, унга этник мазмун қасб этишда хизмат қилдилар. Ўзбек театр санъати Аброр Ҳидоят, Сора Эшонтўраева, Маннон Уйғур, Етим Бобоҷоновлар мисолида шуҳрат топди.

Бу даврда ўзбек тилида вақтли матбуоти, матбаачилик, адабиёт ва санъатда бадий юксаклик юқори чўққига кўтарилди. Ўзбек тили рус ва бошқа интернационал сўзларни қабул қилиш йўли билан бойиб борди ва ўзбек тили грамматикаси такомиллашиб, унинг сўз ясовчилик доираси кенгайди.

Халқ хўжалигини тиклаш (нэп), мамлакатни индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш туфайли мамлакатда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлардан Ўзбекистон Республикаси ҳам четда қолмади. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда қабилавий ва уруғ-аймоқчилик сарқитлари барҳам топиб, Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳар бир жамоа ва умум жамиятнинг ютуғи Ўзбекистон халқи, ўзбек фарзанди эришган ютуқ эканлиги халқ онига

синдириб юборилди, ўзбекларнинг миллат бўлиб уюшиш жараёни 1940-йиллар арафасида тугалланди. Туб жойли маҳаллий аҳоли ўзининг ўзбек эканлигидан фахрлана бошладилар.

1930-йиллар ўрталаридан нафақат иқтисодий-хўжалик, балки маданий ҳаётда ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилганлиги қайд қилиниб, бу СССРда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам маданий инқилоб юз берди, деб эълон қилинди. Иккинчи томондан эса, 1937 йилда оммавий қатағонликлар ўзининг энг юқори чўккисига кўтарилган эди. Жойларда миллий кадрларнинг сараси қатағон қилинди. Шўро ҳокимиятининг ҳар бир қадами кенг халқ оммасини ҳадиксираб яшашга, тазйиқлар ва кўрқитув асосида жипселашишга олиб келди. Аммо, меҳнаткаш халқ «вақт ҳамма дардларни даволайди», деган мақолга амал қилиб, она Ватанга, ўз халқига содик хизмат этишда давом этаверди. СССР ватаним, Ўзбекистон эса унинг таркибий қисми деб билди. Чунки, узоқ йиллар мунтазам, мақсадли олиб борилган кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишлари барча қатори ўзбек халқини ҳам келажакка катта умид билан меҳнат қилишга чорлади. Ана шундай вазиятда инсоният бошига фашизм балоси ёғилиб келди. Ўзбек халқи бунга бефарқ бўла олмади.

СССРни Иккинчи жаҳон урушига тортилиши муносабати билан дастлаб, фронтларда ҳарбий кадрларга бўлган ишончсизликлар (уруш олдидан ҳарбий кадрларни сараси қатағон қилинган эди) туфайли кўп қурбонликлар беришга тўғри келди. Аммо, Ўзбекистон жангчилари ўша оғир кунларда ҳам аждодларига хос матонат билан фашизмга қарши ўзбек миллатининг вакиллари сифатида курашдилар. Уруш ўзбек жангчиларини ўзбек халқи шон-шухрати, она Ватан озодлиги учун янада жипселашишга хизмат қилди. Ўзбек номини шон-шухратларга буркаган, жанглarda мардлик ва матонат кўрсатган ўзбек ўғлонлари ўзбек номини жаҳонга танитди. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1.443.230 киши қатнашди. «Бир қараганда, дейди Президентимиз И.А.Каримов, ...бу ракам унча катта туюлмаслиги мумкин». Аммо, «1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи...6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади»<sup>1</sup>. Ўзбек жангчиларидан 263.005 киши ҳалок бўлган, 132.670 киши бедарак йўқолган, 60.452 киши ногирон бўлиб қайтган. Урушнинг дастлабки давларида чегара қўшинлари катта талафот кўрди. Чегара қўшинлари сафида, Брест қалъаси мудофаасида ўзбек жангчилари (лейтенант Шарипов, А. Алиев, Д. Абдуллаев, Б. Кашанов, У. Ўтаев, Н. Сиддиқов, М. Хожиёв, Р. Арсланбоев, С. Бойтемиров) матонат кўрсатдилар<sup>2</sup>.

Москва учун жанглarda ўзбекистонликлардан А. Тоғаев, М. Мадаминов, ўзбек кизи Зебо Ғаниевалар мисли кўрилмаган жасоратлари билан қуролдошларининг таҳсинига сазовор бўлдилар. Москва жанглирида қатнашган ўзбек ўғлонларидан 1753 киши муқофотланган<sup>3</sup>. 1942 йил қишки ҳужум кунларида ўзбек халқининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том, III, 1996. 80-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. – Т.: 2000. – 2-китоб, 264–266-бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистан в годы Великой Отечественной войны. Т.: 1966. С. 23.

шонли фарзанди Кўчкор Турдиевнинг номи бутун жануби-ғарбий фронтга ёйилди. У жангларда бир неча марта мардлик ва жасорат кўрсатган, юксак даражада ўзини дадил тутиш ва маҳорат намунасини кўрсатган. Немис-фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мардлик ва жасорати учун ўзбеклардан биринчи бўлиб Кўчкор Турдиевга 1942 йил май ойида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган<sup>1</sup>.

1942 йилнинг октябрида 2.412 минг республика аҳолиси имзоси билан ўзбек халқи номидан ўзбек жангчиларига очик хат юборилди. Хатда «Ўзбек халқининг шонли аъёнларига содиқ бўлингиз, жангда кўрқинч нимагини билмангиз!» деб дилдан ёзилган сўзлар ўзбек жангчиларига қанот бағишлади.

«Кавказ мудофааси учун» жангларда 2974 нафар ўзбекистонлик жангчиларни мардлик ва жасорат кўрсатганликлари учун мукофотланиши ватандошларининг хатига жавоб бўлди. Волга ва Дон дарёлари соҳилларидаги жангларда ўзбек жангчиси Аҳат Бобомурадовнинг ёлғиз ўзи 4 та душман танкини йўқ қилган, Бобоқул Абзалов эса 51 фашистни ер тишлатган<sup>2</sup>.

Сталинград учун аёвсиз жангларда 2733 ўзбекистонлик жангчи давлат мукофотларига сазовор бўлган. Ўзбек фарзандлари Курск, Киев, Харьков, Орёл учун жангларда матонат кўрсатганлар. Орёл-Курск frontiдаги жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига ўзбек Аҳмаджон Шуқуров, Атаулла Солиҳов сазовор бўлишиб, ўзбек номини сўнмас шон-шуҳратга буркадилар. Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги матонатлари учун Қ. Дўсматов, Х. Шониёзов, Х. Аминов, О. Қосимхўжаев, П. Нурманов, В. Набиев, Э. Қорабоев, Ф. Йўлдашев, А. Узаков каби ўзбек жангчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар<sup>3</sup>.

Ўзбек жангчилари Польша, Руминия, Болгария, Чехословакия давлатларини фашизмдан озод этишда ҳамда Берлинни таслим этишда жонбозлик кўрсатганлар. Биргина Будапештни озод қилиш учун жангларда ҳамюртларимиздан 2430 киши мукофотланган<sup>4</sup>. Ўзбек жангчилари партизан қўшинлари сафида, Ғарбий Европа мамлакатларининг Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари сафида қатнашиб, ўзбек номига доғ туширмади.

Хуллас, бу уруш ўзбек халқи учун жуда катта сиёсий, мафкуравий синов бўлди. Ўзбек халқи бу синовдан шараф билан ўтди. Халқимиз бу суронли йилларда фронт орқасида ҳам барча синовлардан мардонавор ўтиб, ҳар бир ўзбек оиласи, ўзбек фарзанди қалбида ўзига ишонч, ўзбек номини дилига жо қилган халқига ишонч янада мустаҳкамланди.

Урушнинг оғир давларида Ўзбекистонга кўчирилган завод ва фабрикаларни ишга туширишда, уларга хомашё етказиб беришда, урушда ўз ота-оналаридан ажралган етим болаларни ўз фарзандидек асраш ва тарбиялашда намуна бўлди.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб, 470-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб, 471-бет.

<sup>3</sup> Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. Т.: 1965. С. 193.

<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб, 477-бет.

Аёлларимиз эрлари фронтга кетиб хувиллаб қолган шаҳар ва қишлоқларимизни харобага айланиб кетишига йўл бермадилар. Буларнинг барчаси кўнгли дарё, меҳмондўст, болажон, меҳнаткаш ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб, бу ибратона бағрикенглик узоқ асрлар давомида аجدодлардан қолган этномаданий мерос эди.

Яна бир бор ишонч билан айтиш мумкинки, XX асрнинг 40-йиллари арафасида ўзбек атамаси нафақат этник маъно ва мазмун касб этди, балки ўзбек халқи ҳаётида юз берган ва бераётган туб социал-иқтисодий, этномаданий ўзгаришлар қатағонлик дарди-аламлари меҳнаткаш ўзбек миллатининг қалб тўрида мавж уриб турса-да, ўзбек халқи олға интилишдан чарчамади. Афсуски, бу ўзгаришлар яккаҳоқимлик ғоялар булоғида қайнаб, унинг мафкуравий йўналиши доирасида ривожланди. Ўзбекистон ССРни ташкил этилиши муносабати билан унинг асосий халқи ўзбек аталиб, бу атама шўро ҳокимияти йилларида ўзбек номи, шаклланиши жадал кечаётган ўзбек миллати руҳиятига этник бирлик сифатида сингиб кетди. 1950 ва ундан кейинги йилларда юз берган ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ўзгаришларнинг моҳияти ҳам мана шу жараёнлар йўналишида ривожланди.

Тарих тақозо этган реал воқелиklar олдида кўз юммаслик объектив олим учун муқаддасдир. Юқорида зикр этилган қатағонликлар, ноҳақ қурбон беришлар бўлишига қарамасдан шўро ҳокимияти ўрта ва олий таълимга эътиборни четда қолдирмади. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг кенг меҳнаткашлар оммасини саводхон қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида фаоллигини ошириш мақсадида дастлабки йиллариданок, таълим-тарбия ишларига катта аҳамият берилди. Натижада, ўрта ва олий таълим соҳасида Ўзбекистонда мисли кўрилмаган даражада ўсиш юз берди. Республика вилоят ва туманларининг ҳар бир қишлоқ ва шаҳарларида бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар очилиб, болалар ўз она тиллари – ўзбек тилида ўқишга тортилди.

1960-йилларда турли соҳа мутахассисликлари бўйича республикада 60 дан ортиқ олий ўқув юртли фаолият кўрсатар эди. Уруш йилларида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий жамоаси республикада фундаментал фан тармоқларини ривожлантиришга, ер ости бойликлар захираларини аниқлашга, тупрок унумдорлигини ошириш ҳамда пахта ва бошоқли ўсимликларнинг янгидан-янги навларини яратишга, суғорма деҳқончилик маданиятини кўтаришга, ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва археология соҳаларини ривожлантириб, ўзбек халқининг кўпминг йиллик тарихи ва маданиятини фундаментал ўрганишга йўналтирилди.

Фан тармоқларини ривожлантириш юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ эди. Бу масала Ўзбекистонда тўғри тушунилди ва республика раҳбарияти бунга катта эътиборни қаратди. Бугунги кунда ўзбек халқининг номи жаҳонга таралган буюк алломалари – академиклар: Ҳабиб Абдуллаев, Яхъё Ғуломов, Иброҳим Мўминов, Мухаммад Ўразбоев, Ҳадича Сулаймонова, Обид Содиков, Собир Юнусов, Ҳамдам Усмонов, Ҳосил Фозилов, Иброҳим Ҳамрабоев, Ёлқин

Тўракулов, Юнус Ражабий, Мирза-Вали Муҳаммаджонов, Восил Қобулов, Ойбек, Ғафур Ғулом, Иззат Султон, Убайдулла Каримов, Азизхон Қаюмовлар (уларнинг саногини туби кўринмайди) билан фахрланади. Уларнинг минглаб шогирдлари бугун ҳам ўзбек номи шон-шухратини оламга ёйиб келмоқда.

Ўзбекистонда тиббиётга, халқ соғлиғига ғамхўрлик қилиниб, тиббий хизматни аҳолига таълим каби бепул қилиб қўйилди. Кенг миқёсда олиб борилган бу ишлар фақат халқ учун дейилди. Ўқиш ва тиббий хизматнинг бепуллиги кенг халқ оммаси тасаввурида оддий бир ҳақиқатга айланиб қолган эди.

«Пахта яккахокимлиги» туфайли келиб чикқан аёллар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги камқонлик, ғўзага сепилган захарли моддалар билан касалланиш ўзбек ирсияти учун катта хавф эканлигини масъул ҳокимият охиригача тушуниб етмади. Бу ўзбек халқининг фожиаси эди. Аксинча, шўро давлатига «мустамлака» Ўзбекистоннинг миллион-миллион тонналаб пахтаси керак эди. Пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида Мирзачўл, Шеробод чўли, Қарши чўли ва Марказий Фарғона ўзлаштирилиб, Ўзбекистоннинг тоғолди ҳудудларида этнографик гуруҳлар сифатида истиқомат қилиб келаётган ярим кўчманчи, ярим ўтроқ туркийгўй чорвадорларни чўл ҳудудларига кўчириб келтирилди. Бу сиёсат ҳам ўз навбатида, тоғлик этнографик гуруҳларни ўтроқлашиш жараёнини тезлаштиришга, оқибат натижада, уларни ўзбек халқи таркибига сингиб кетишга олиб келди.

Ўзбекистон ССР ташкил топгач, мамлакатда олиб борилган кенг қўламдаги индустриаллаштириш, коллективлаштириш ва маданий туб ўзгаришлар туфайли ўзбек ерининг илгариги тарқоқлиги, яъни уни Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлиниши барҳам топди, хонликларда ўзбекларнинг айрим уруғ ва қабилаларга бўлиниб яшашлари натижасида пайдо бўлган уруғ-қабилачилик муносабатларининг қолдиқлари тугатилди. Собиқ Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларининг маданий ва иқтисодий жиҳатдан Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятлари даражасига яқинлашди. Ярим ўтроқ, ярим кўчманчи ҳаёт кечириб келаётган ўзбекларнинг Сирдарё, Қарши, Шеробод чўлларига кўчириб, уларни колхоз ва совхозлар меҳнат аҳлига айлантириш йўли билан уларни ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатдан Ўзбекистоннинг илғор вилоят ва туманлари даражасига кўтарилди. Натижада, воҳа ва тоғли ҳудуд аҳолиси ўртасидаги ҳудудий жиҳатдан чекланиш бартараф қилиниб, бутун бир ўзбек эли ягона миллат бўлиб бирлашди. Улар учун янги жойларда нафақат уй-жойлар, балки мактаблар ташкил этилиб, 1950-йиллардан бошлаб, махсус квоталар ёрдамида ёшларни олий ўқув юртларига тортиш амалга оширилди.

Ўзбекларнинг миллат бўлиб уюлиниш жараёни ўзбек тилининг тараккиёти ва унинг адабиётда тўла ҳажмда акс этилишига тўсик бўлиб турган шевачиликни бартараф қилиш ҳам катта аҳамиятга эга эди. Маълумки, миллий тил бутун миллат миқёсида кишиларни бир-бирларига яқинлаштириш, боғлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бундай вазифани бажаришда ёзма тил асосий роль ўйнайди. Шунинг учун миллий тил, ҳамма учун тушунарли тил адабиётда, матбуотда, радио



каналларида бир хиллик бўлишликни талаб қилади. Ўша кезларда Андижон, Қўқон, Тошкент, Фарғона шаҳарлари диалектлари маданий марказ диалектлари сифатида ўзбеклар орасида кенг ёйилди. Бу шаҳар аҳолисининг тили бутун ўзбекларнинг газета ва журнал, китоб ва радио каналлари, мактаб ва олий ўқув юртлари дарслик ва қўлланмаларининг тилига, ўзбекларнинг кундалик муносабат воситаси бўлиб қолди. Бирок, 1926 йилда қабул қилинган янги ўзбек орфографияси жонли ўзбек тилининг умумий хусусиятларини акс эттира олмай қолди. Шундан сўнг, амалдаги ўзбек ёзма тили ривожланаётган жонли умумўзбек тилидан ажралиб қолди. Бу муаммони илмий ечими йўлида тегишли амалий ишлар қилинди.

Тилшунослик фани бўйича тилнинг адабиётда мустаҳкамланиши ёзма адабиётнинг пайдо бўлишидан иборат бўлмай, балки жонли умумхалқ тилининг адабиётда тўла акс эттирилишидан иборат. Миллий тилнинг қабила тилидан фарқи ҳам шундаки, унинг умуммиллат элементлари устунлик қилиб, айрим лаҳжа ва диалектлар устидан ҳукмронлик қилади. Шева ва диалектларнинг хизмати кундан-кунга қисқариб, умумхалқ тили уларни сиқиб чиқара бошлайди. Кундалик иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг кучайиши мазкур жамоа яшаётган барча туманларда бир хил стандартлар ва нормаларни кўллашни талаб қилади. Ана шу умумтил стандарти ва нормаларининг ёзувда акс эттирилиши тилнинг адабиётда мустаҳкамланишининг гаровидир. Бу ишлар назариётчи ва амалиётчи тилшунос ва бадиий адабиёт ижод аҳли томонидан ўз вақтида бажарилиб борди.

Ўзбек тилининг миллий тил даражасига кўтарилишидан гувоҳлик берадиган омиллардан бири соҳалар бўйича катгор илмий-терминологик луғатлар тайёрлаш ва уларни халқ ўртасида кенг тарқалганлиги бўлди. Бу луғатларнинг ўзбек тили адабиётда кенг қўлланилиши ҳозирги замон ўзбек тили умуммиллат тили сифатида тўлиқ шаклланганлигидан гувоҳлик беради.

Нихоят, ўзбек миллатининг шаклланиши билан унинг миллий характери, ўзбекка хос менталитет ҳам шаклланди. Энг муҳими, ўзбек миллатининг шаклланиш жараёнида, Республика ўзбеклари орасида миллий ўзликни тушуниш ҳисси мавж уриб, «ўзбек» сўзи уларнинг умумий миллий этник номи сифатида ҳамма томонидан тан олинди. Масалан, агар 1926 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати материалларида Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида яшайдиган 32784 киши ўзини «кипчоқ» деб, 50 078 киши «курама», 21565 киши «турк» деб ёздирган бўлсалар, 1939 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати вақтида уларнинг ҳаммаси ўзини ўзбек деб атадилар. Айни шу вақтда Қашқадарё, Сурхондарё водийларида, Хоразм воҳасида яшаб келган қўнғирот, кенагас, жалойир, манғит, қарлуқ каби қабилалар ўзларини ўтмишда ўзбек атаб, турк сартларига қарши қўйган бўлсалар, энди, уларнинг ҳаммаси ўзларини сартлар билан қоришиб сингиб кетган умумўзбек миллатининг ажралмас таркибий қисмига айланиб кетган эдилар. Айни бир вақтда собиқ сартлар ва Мовароуннаҳр турклари миллий этник ном сифатида ўзбек атамасини қабул қилдилар. Қабилачилик, «шаҳарчилик»

хис-туйғуларининг бартараф бўлиши ва ўзбек миллий этник бирлигининг биринчи ўринга кўтарилиши ўзбеклар орасида миллий онгнинг ўсиши ва миллий характернинг шаклланиш ифодаси эди. Буларнинг барчаси ўзбек сўзининг миллат этник асосига айланганлиги ва умуммиллат этноними бўлиб шаклланганлигидан далолат берар эди. Аммо, жамиятнинг бош иқтисодий омили хисобланган мулк: саноат ва кишлок ҳаётининг асосини ташкил этган мулк ижтимоий характерда деб эълон қилиниб, мамлакат иқтисодиётининг ривожидан давлат монополистик капитализми йўлидан борди.

Тахминан 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакат ишлаб чиқаришида тадбиркор, ташаббускор ва ишбилармон аҳоли қатламининг иқтисодий манфаатдорликнинг йўқлиги туфайли, юксак ютуқларга эришиш мумкин бўлмай қолди, мамлакат ер ости ва ер усти табиий бойликлар захираси хисобига яшай бошлади, ишлаб чиқаришда иқтисодий бухронларнинг реаллиги кўзга ташланиб қолди, натижада, оврупча ҳаёт билан таниша бошлаган Марказнинг сиёсатчи етакчиларининг лоқайдлиги, улар атрофидаги лаганбардорларнинг ўз шахсий манфаатлари йўлида Ватан ва халқ қайғусидан тобора узоклашиб бориши туфайли, «социалистик» жамият сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутди. Бу салбий ҳолатлар гирдобига «социалистик» Ўзбекистон ҳам тортилди. Унинг оқибати ўлароқ, Марказнинг ташаббуси билан ўзбек миллати шаънига доғ бўлиб тушган «пахта иши», «ўзбек иши» кўтарилиб, ўз айбларини меҳнаткаш ўзбек миллати зиммасига юклашга уринишлар бўлди. Марказнинг бу сиёсати ўзбек халқининг советлар давлати ва унинг ҳар бир ишда раҳнамоси бўлган коммунистлар партиясига ишончини сўндирди. Оқибатда, қудратли «қизил империя»нинг ўзи ҳам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий бухронликлар гирдобига тортилиб парчаланиб кетди.

Кичик чекинишдан сўнг, яна бевосита мавзу билан боғлиқ баъзи бир назарий ва илмий методологик масалаларга қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, шўро даврида халқларнинг этногенези ва этник тарихи масалаларига қизиқиш катта бўлса-да, этнологиянинг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалаларида ноаникликлар йўқ эмас эди. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари этногенези масаласида этник атамаларнинг туб моҳиятига чуқур эътибор берилмаган. Масалан, халқ ва миллат, улар ўртасидаги кўз илғамас фарқлар масаласи. Таниқли элшунос, академик К. Шониёзов ўзининг этногенез ва этник тарихга бағишланган асарларида этнос, этник бирлик, қабила, қабила иттифоқи, элат, халқ, этнографик гуруҳ (субэтнос) ва этник гуруҳларга яхши илмий тушунчалар ва таъриф беради, уларнинг мазмун ва асл моҳиятини яхши очиб беради<sup>1</sup>. Аммо, унинг ишларида миллат таърифи, унинг шаклланиши билан боғлиқ талаблар очиб берилмайди. К. Шониёзов тушунчасига кўра, «элат билан миллат атамалари ҳали фанда обдан такомиллашгани йўқ»<sup>2</sup>. Чунки, миллат билан халқ таърифига қўйилган талаблар ташқаридан қараганда бир-бирларига ўхшаб кетади. Аммо, бизнингча, улар

<sup>1</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001. – 74–102-бетлар.

<sup>2</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. – 77-бет.

моҳият жиҳатидан бир тушунчани англатмайди. Биринчидан, халқ феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсули, миллат эса капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсулидир. Иккинчидан, халқни уюштирувчи этник омиллардан худудий бирлик чегаралари тарих тақозосига кўра, ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади. Аммо, миллат давлат чегаралари – катъий, мутлақо дахлсиз, жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинган ва муҳофазали бўлади. Учинчидан, халқ шаклланиш пайтда ҳамма вақт ҳам унинг этник номи бўлавермайди. Чунки, одатда ҳар қандай халқ тарихи унинг помига нисбатан қадимий бўлади. Масалан, французлар Ғарбий Европанинг жуда қадимий халқларидан бўлишига қарамай, ўз номини Каролинглар империяси парчаланиши натижасида (IX аср) ташкил топган Ғарбий Франк киролиги асосида X асрда олди. Украин халқи ўз она юртида жуда қадимдан яшаб келади, аммо украин атамаси қадимги рус йилномаларида XII–XIII асрлардагина учрай бошлайди. Шу сингари, ўзбек халқи тарихи ҳам унинг номидан анча қадимий. Бугунги кунда ўзбек этносини ташкил этган ўзбекларнинг аجدодлари XI–XII асрларда узил-кесил халқ сифатида шаклланиб бўлган эди. Унинг этник номи эса, бу заминда XVI аср бошларида пайдо бўлди. Шунинг учун халқ миллат даражасига кўтарилганда эса, унинг халқ номи бўлиши шарт. Тўртинчидан, халқнинг сиёсий уюшмаси – давлат, тарих тақозосига кўра, ҳамма вақт ҳам этнос номи билан аталавермайди. Аммо, халқ миллатга айланганда, унинг давлат номи ҳам миллат номи билан юритилиши шарт. Бешинчидан, этноснинг халқ даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, Ватан фидойиси бўлиш, ўз ватани ва халқидан фахрланиш ҳисси ўша давр жамияти тартиб-қоидаларига кўра, кўпчиликда бир хил, юксак даражада бўлмайди. Аммо, халқ миллат даражасига кўтарилганда бу сифатлар юксак даражада бўлиши талаб этилади. Олтинчидан, этноснинг тил бирлиги элатнинг халқ даражасида ҳамма вақт ҳам давлат мақомини олавермайди, халқ миллат даражасига кўтарилганда эса, унинг халқ номи бўлиши шарт. Ўзбекистонда бу тарихий факт 1989 йил 21 октябрда юз берди. Еттинчидан, менталитет этноснинг халқ даражасида эмас, балки миллат даражасида шаклланади ва ниҳоят, саккизинчидан, миллат узил-кесил шаклланиганда давлат жамиятнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини бошқарувчи қудратли орган сифатида намоён бўлиб, кучли давлатдан адолатли жамият бошқарувчисига, миллат талаби ва хоҳиш-иродасини амалга оширувчи онгли механизмга айланади.

Демак, миллатнинг шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий воқеалик бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юқори юксак чўққиси, камолот босқичи, биринчидан, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади; иккинчидан, миллат номи билан юритилган давлат чегаралари катъий, дахлсиз, жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинади; учинчидан, аниқ худудий чегарада муомалада бўлган умуммиллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади; тўртинчидан, аҳолининг ўзликни англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади; бешинчидан, миллатга хос миллий менталитет шаклланади; олтин-

чидан, давлат жамиятнинг ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини бошқарувчи кудратли орган сифатида намоён бўлиб, кучли давлатдан адолатли жамият хизматчисига, миллат талаби ва хоҳиш-иродасини бошқарувчи онгли механизмга айланади.

Халқни тил, ҳудуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омил иқтисодий негиздир. Халқнинг иқтисодий-хўжалик бирлиги асосида тил ва ҳудуд ҳамда этномаданий бирликлар шаклланиб боради. Халқнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши халқ оғзаки тилининг (лаҳжаларининг) яқинлашиши асосида ягона миллий тил-эзма адабий тилнинг пайдо бўлишига олиб келади. Лаҳжалар ўрнини миллий адабий тил эгаллайди. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур тиллари эски ўзбек адабий тили бўлиб, бу тилда Маҳмур, Машраб, Увайсий, Турдий, Нодира, Огаҳий, Аваз Ўтар ўғли, Хувайдо ва бошқалар ижод қилдилар. Бу тил Комил Хоразмий, Мунис, Феруз, Муқимий, Фуркат, Завқийлар замонасида янада сайқал топиб, жадидлар даврида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди, яъни халқ тили миллат тили даражасига кўтарила бошлади. Миллат тили заминида шаклланган ҳозирги замон ўзбек адабий тилида Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби бадиий ижоднинг дарғалари қалам тебратдилар. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилига давлат тили мақомини берилиши ўзбек миллатининг мустақил ҳаёт сари қўйган биринчи дадил қадами бўлди. Бу қадам ўзбек миллати тарихида ошқоралик ва демократия учун кураш амалий ҳаёт билан боғланиб кетган дамларда қўйилди. Мустақиллик тамойилларининг сиёсий ва мафкуравий тамал тошларини қўйиш эса ўзбек миллати тарихида 1991 йил 31 августдан бошланди. Мустақил Ўзбекистон давлати ўзбек миллатини узил-кесил шаклланишининг бош омили сифатида жаҳон харитасида пайдо бўлди.

Киска хулоса. Шундай қилиб, ўзбек номи дастлаб, XIII асрнинг охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Дашти Қипчоқ кўчманчи турк-мўғул қабила ва элатларнинг сиёсий уюшмаси, аслзода бекларнинг ҳарбийлашган жасур ўғлонлари; эркин, озод ва ўзига бек суворий ҳарбий жанговар гуруҳлари бўлиб, XIV–XV асрларда улар Дашти Қипчоқда бутун бир эл номига айланиб, ўзбеклар деб аталди. Улар таъсир доирасидаги юртлар тарихий манбаларда «ўзбеклар эли», «ўзбеклар мамлакати» деб тилга олинди. Ана шу Дашти Қипчоқ ўзбекларининг 92 бовли кўчманчилар уруғи Шайбонийхон етакчилигида XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларга кириб келди (Ўзбек уруғларининг манбаларда ифодаланиши жадвалига қаранг). Шундан бошлаб, Ўрта Осиёда «ўзбек» номи пайдо бўлди. Улар XVI–XVII асрлар давомида Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда шайбонийлар номи остида ўз давлатларини тузиб, маҳаллий, туб жойли ўтроқ аҳоли билан қоришиб борди. Бироқ, ўша даврларнинг феодализм муносабатлари, олий ҳокимият учун қабилавий курашлар кучайиб, Шайбонийлар давлатини секин-аста парчаланишига олиб келди. Ўзбек номи билан бу заминга кириб келган кўчманчи Шайбоний ўзбеклари XVIII асрда ҳозирги Ўзбекистон ва унга туташ ўлкаларда учта ўзбек хонлиқларига (Бухоро, Хива, Қўқон) бўлиниб кетди.

Бу уч хонликларни тепасида қабилавий сулолалар турса-да, бари бир жаҳон географик ҳариталарида улар янги ўзбек элининг давлатлари сифатида ўзбек номини Ўрта Осиёда (тарихий Туркистонда) элат, умумхалқ номига айланишида биринчи кадамларни бошлаб берди (зарварақдаги 16-расмга қаранг).

1924 йилги миллий давлат чегаралаш сиёсати амалга ошгач, ўзбек номи янги ташкил этилган Ўзбекистон ССРнинг халқ номига, ўзбек миллати номига айланиб борди, унинг тўлақонли этник маъно касб этишида Ўзбекистон КП ва Ўзбекистон республика ҳукумати, улар қўл остида фаолият олиб борган барча илмий ва ижодий жамоалар, маҳаллий ҳокимият ва идоралар мунтазам иш олиб бордилар. Шундай қилиб, собиқ СССР таркибида янги ташкил топган республика Ўзбекистон, унинг фуқаролари ўзбек халқи, ўзбек миллати номи билан тарих майдонида ўз аксини топди.

**XIX боб**  
**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА**  
**ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ҳар бир халқнинг ўзига хос, ўзига мос миллий менталитети бор. Унинг таркиб топиши ҳам узоқ давом этадиган ижтимоий-психологик жараён бўлиб, у жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида олинган шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, инсоний кадр-қиммати, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қиёфаси ва қувватидир.

Менталитет халқнинг миллат даражасига кўтарилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий ҳаёти давомида, унинг ижобий ва салбий сифатларини мужассамлаштирган ижтимоий-психологик ҳолати ва характер йиғиндиси сифатида, ўзига хос тарихий, этномаданий ва табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланади. Миллий ўзига хослик эса узоқ тарихий жараёнларга муносабатда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида таркиб топади.

Юртбошимиз И.А. Каримов мустақиллигимиз истиқболлари ва уни ривожлантириш йўллариغا бағишланган нутқларида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, миллатимизнинг жуда бой ва мураккаб тарихи, маънавий ахлоқий ва фалсафий дунёқараши, муомала муносабатлардаги ўзига хос хусусиятлар ва бетакрор ёндашишлар асрлар давомида халқ онги, тафаккури, хулқ-атвори ҳамда урф-одатларига сингиб, миллатимизнинг ўзини намоён этиш тарзига айланиб кетган жиҳатларини ўзбек миллатининг асоси деб билади<sup>1</sup>. Юртбошимиз минг бор ҳақлидирлар, чунки ўзбек халқининг ноёб миллий менталитети бўм-бўш жойда, ғойибдан пайдо бўлган эмас. Миллий удум ва урф-одатларимиз минг-минг йиллар давомида ҳаёт аччиқ-чучуқларини тотиб, ўт-оловда товланиб, машаққатли турмуш имтиҳонларидан ўтиб муқим топган<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий менталитети серқирра ва мустаҳкамдир.

Ўзбек миллатининг босиб ўтган тарихий йўли, жуғрофий яшаш шароити: қуёшли кунлари, хосилдор замини, серсув дарёлари, боғларининг тотли мевалари, халқининг меҳнатсевар одамохун фазилатлари шу халқнинг ақлий салоҳияти ва руҳий қувватини юксакликка олиб келган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. – Т.: 1996.

<sup>2</sup> Халимбетов Ю.М. Миллий менталитетимиз – истиқболимиз таянчи. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2004. – 57-бет.

Халқимизнинг ҳаётга, жамиятга, табиатга ва шароитга муносабати кўп минг йиллар давомида унга яратувчилик, меҳр-шафқат, мулоҳазалик ва осойишталик ато этган, ҳар бир кескин шароитда ҳам мулоқотдошига, каттага ҳурмат, кичикка иззат, муросаю мадора, андишаю мулоҳазага ўрин ва вақт топиш шароитида унинг менталитети шаклланган ва сайқал топган.

Узоқ тарихий жараёнлар давомида ўзбек миллий менталитети 5 та йирик мафкуравий босқични босиб ўтди ва улар миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирди.

Аждодларимизга хос биринчи мафкуравий мансублик зардуштийлик диний қарашлар бўлиб, бу диннинг ахлоқий фалсафаси одамларни эзгуликка чорлаш, бошқаларга яхшилик қилиш юксак инсоний фазилатларнинг маънавий камолот чўққиси эканлигига ишонтиришдан иборат. Зардуштийлик фалсафасида ёвузлик жамиятни парчалашга, одамлар ўртасидаги инсоний муносабатларни бузишга қаратилган ҳаракатлар эканлиги тараннум этилади. Бу диний қараш, авваламбор, суғорма деҳқончилик маданиятига мансуб ўтрок аҳоли орасида кенг тарқалган. Чунки, зардуштийлик фалсафасида табиатнинг тўрт унсури муқаддаслаштирилган: кувёш (олов), ер (унумдор тупроқ), сув – инсон ҳаётининг қон томири сифатида жамиятга ҳаёт бағишлайди; ҳаво – инсон саломатлигининг бетакрор булоғи сифатида руҳан ва жисмонан тетиклик бахшида этади.

Зардуштийлик фалсафасида эзгулик ёвузликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашда ғолиб чиқади, одамлар фароғатда яшайди, дейилади. Зардуштий диний мансублик инсон учун, унинг келажаги учун зарурий табиат унсурларини муқаддаслаштириб, тўрт буюк табиат неъматларини авайлаб-асрашга, уларни қадрига етиш ва ифлос қилмасликка, тўғри фикр, тўғри сўз, тўғри амал инсон ботиний дунёсининг кундалик ҳаёт амали бўлишлигига чорлайди.

Ўзбек халқи миллий менталитетининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган иккинчи мафкуравий мансублик буддавийлик диний қарашлар бўлиб, у одамларни сабр-тоқатли бўлишга, доимо ўзга халқлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни узмасликка чорлайди. Тарихдан маълумки, қадимги аждодларимиз ҳеч қачон биқикликда, ўзга халқлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларсиз яшамаган. Шундай даврлар бўлдики, антик давр аждодларимиз ҳисобланган жанговар юечжилар мамлакатимиз жанубий сарҳадларида Кушонлар империясига асос солиб, унинг буюк ҳукмдори Канишка даврида миллий мустақилликка хос дадил кадам қўйилган ислохотлар ўтказилди: Канишка Юнон-Бақтрия давлати тангаларига тақлид қилмай, ўз пулларини зарб эта бошлади, яъни юнон ҳукмдорлари ва худолари акси туширилган тангалар ўрнига Кушон подшолари ва уларнинг самовий тулпорлари акси туширилган танга-пуллар зарб эта бошлади, грек тили ва ёзувини бекор қилиб, маҳаллий боғтарий тили ва ёзувига давлат мақоми берилди. Канишка диний бағрикенгликка амал қилган ҳолда, милодий 100 йилда диний қурултой ўтказиб, империя худудларида буддавийлик динига давлат мақоми берилиб, унга атаб мамлакат ичра маҳобатли буддавийлик ибодатхоналари, чиллахона ва ступалар қурдира бошлади. Масала, Афғонистондаги Сурх-Катал, Хадда ибодатхоналари, Жанубий Тожикистондаги Рабатак будда

ибодатхонаси, Жанубий Ўзбекистондаги Зурмала ва Фаёзтепа каби юзлаб будда меъморий комплекслари шулар жумласига киради.

Буддавийликка хос фазилатлар хотиржамлик, ҳар бир инсон ўз ҳаётида жуда кўп эзгулик қилиши ва бу эзгулик амаллари унинг ҳаёт мазмунига айланиши керак. Буддавийлик бошқа динлардан фарқли ўларок, дунёда ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ, ҳаёт доимо ривожланишда, ўзгарувчан, деб уқтиради. Ҳаётда факат он ва лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири йўқолиб, кейингисига ўрин беради, дейди. Будда таълимотига кўра, инсон доимо азоб-уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабабчи. Зеро у, гарчан бефойда бўлса ҳам, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Азоб-уқубатдан қутулиш учун кўнгилхушлик қилади, булардан у ўзини тийиши керак. Мунтазам равишда маст килувчи ичимлик ичмаслик, ёлғондан, ўтирлик, тамагирлик, юлғичлик, зино қилишликдан сақланиш керак, деб уқтирилади.

Буддавийлик таълимоти Ўрта Осиёга, жумладан, она диёримизнинг жанубий сарҳадларига милодий эра бошларида кириб келди ва ислом динига қадар ажлодларимиз эътиқодидан жой олди. Сурхондарё вилоятдан топилган Айртгом, Қоратепа, Зурмала, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Куёвкўрғон ва бошқалар ҳамда Фарғона водийсининг қадимги Кува шаҳридан топиб ўрганилган Будда ибодатхонаси ажлодларимизнинг ана шу буддавийлик эътиқодидан далолат беради. Бу ёдгорликларнинг диний ва меъморий шаклланиши буддавийликнинг Ганхара санъати йўналишида ривож топди.

Ўзбек халқи миллий менталитетининг шаклланишида жуда муҳим маънавий ва ғоявий роль ўйнаган учинчи мафкуравий мансублик–ислом дини ва унинг ахлоқидир. Халқимиз эътиқодидан жой олган зардуштийлик ва буддавийликнинг инсон фазилатига хос энг яхши ибратли ахлоқ ва одоб нормалари–эзгулик йўлидаги инсон камолоти: эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал ислом маънавий дунёсида ҳам тарбия ва таълим мактабининг асоси сифатида янада ривожланди. Исломи ахлоқи асосида қурилган жамият илмий тараққиёт билан уйғунлашгандагина инсон фаровонлиги таъмин этилиши таъкидланди. «Ҳозирги маданият даврида диёнат билан тараққиёт бирга яшай олмайди, деб ҳато фикр юритадилар, ... ҳақиқатда эса дин покликка қурилган ахлоқдир. Динимизнинг асли ақлдор, қуроли эса илмдор»<sup>1</sup>. Туб маънодаги ҳақиқий ислом инсон ва жамият маънавий ва ахлоқий дунёсини ривожланиш йўллари кўрсатиб, ҳаётда ҳалоллик ва поклик, мурувват ва олийжаноблик, ростгўйлик ва тўғрилик инсон иймон ва эътиқодининг мазмун ва моҳиятини ташкил этмоғи зарурлигини уқтиради. Халқимиз эътиқодидан кетма-кетликда жой олган бу уч мафкуравий мансублик ўзбек халқи миллий менталитетининг ибратона фазилатларини, умумбашарий қадриятлари ва этнопсихологик жиҳатларини шаклланишида асосий омил ролини ўйнаган.

Миллий менталитетимизнинг бу жиҳатлари билан фахрлансак арзийди. Афсуски, ўзбек миллий менталитетига, унинг бетакрор фазилатларига соя солиб

<sup>1</sup> *Алихонтўра Соғуний*. Туркистон кайғуси. – Т.: 2003. – 97-бет.



келган мафкуравий мансублик ҳам бўлганки, у ўзбек миллий менталитетига атеистик эътиқод – яккахокимлик мафкураси гоё билан кириб келди. Бу мафкура халқимиз миллий менталитетидан жой олган учта диний мансубликнинг илди-зини қуритишга, у халқимиз маънавий-ахлоқий оламига «янгилик» (инновация) сифатида кириб келган катталарга ҳурматсизлик, миллатга хос ибратли удумлар-ни саркит сифатида баҳолаш, ахлоқий одобсизлик, лоқайдлик ва боқимандалик, инсон ҳаётига нопокликнинг суқилиб кириб бориши билан характерланади.

Ўзбек миллий менталитетининг таркиб топиши ўзбек халқининг ўзига хос шаклланиш жараёнлари билан боғлиқдир. Маълумки, ўзбек халқи асосан икки йирик этник илдиздан ташкил топган. Бу илдизларнинг ҳар иккаласи ҳам бу ҳудудда автохтон асосга эга. Биринчи илдиз мазкур ҳудудда қадимдан яшаб келаётган туб жойли ўтроқ аجدодларимиз бўлса, иккинчиси бу ҳудудда қадимдан яшаб келаётган чорвадор саклар ҳамда она Ватанимизнинг шимоли-шарқий те-варак-атрофларидан турли даврларда кириб келган чорвадор прототуркий элат ва қавмлардан иборат. Ҳар иккала асосий илдизларнинг қоришуви натижаси сифа-тида дастлаб ўзбек халқи, кейинроқ ўзбек миллати ташкил топган.

Ўзбек миллий менталитетининг шаклланишида турфа омиллар борки, улардан биринчиси ўзбек халқининг этник жиҳатдан кўп тармоқли ва ссрилдизли бўлиши миллий менталитетимизда барча ижтимоий қатламлар учун умумий жиҳатлар, жамоа манфаатларини ҳимоя қилувчи фазилатнинг ривож топишини тақозо этиб келган<sup>1</sup>. Халқимиз феълидаги бағрикенглик, хотамтойлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳамкорликка мойиллик, ғам-андуҳли пайтларда ночор кимсаларга ҳамдардлик, елкадошлик фазилатлари ана шу жамоавий яқдилликни таъминлаш, тил ва дил, фикр бирлигини сақлаш эҳтиёжларидан туғилган ва сайқал топган.

Иккинчи гуруҳ сабаблар доирасига, – дейди этнолог олим Адҳамжон Аши-ров, муайян миллат истиқомат қилиб келаётган ижтимоий-иқтисодий, жуғрофий-худудий ва иқлимий омиллар таъсирини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Чунки, она заминимизнинг текислик ва даштлардан иборат кескин континен-тал иқлими жуғрофий ҳудудда жойлашганлиги, ёз жазирама иссиғини қаҳратон қиш билан алмашиниши, баҳор ва кузнинг шиддат билан келиши ва кетиши халқимиз феъл-атворида аниқлик ва лўндаликни, тўпорилик ва қайнок меҳрни, каттиққўллик ва интизомни таркиб топишига олиб келган<sup>2</sup>.

Ўзбекларнинг шу она замин автохтон халқи сифатида табиатга, ерга, сувга, ҳавога ва оловга бўлган чексиз ҳурмати ва уларни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик удумлари кўп асрлик ислом шароитидан қатъи назар, ўзбек халқининг турмуш тарзида, урф-одатларида сақланиб келаётган сон-саноксиз зардуштийлик эле-ментларида яққол кўзга ташланади. Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланаётган меъморчилик анъаналаримиз, бой фольклор ва ёзма мерос, ада-

<sup>1</sup> Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих». – Т.: 2004. – 54-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 54-бет.

биёт ва санъатга бўлган қизиқишларимиз, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, ўлим ва абадиёт ҳақидаги асотир ва ривоятларимизда, ўтроқ халқимиз маданиятига тегишли Наврўз, Меҳржон, Гул сайллари, Ҳосил байрами каби байрам ва сайилларнинг давомийлигида ёки инсоннинг қайғули онлари – мотам маросимларида давом этиб келаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбек миллий менталитетига хос яна бир олийжаноб фазилат унинг туркий илдизи билан боғлиқдир. Туркийликка хос жанговарлик, мардлик, матонат ва лафз ҳалоллиги, бағрикенглик, саховатпешалик ва ҳожатбарорлик каби хислатларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу фазилатлар айниқса, халқимизнинг тўй-томошаларга ўта ўчлигида, ўзи емай йиллар мобайнида йиғиб-териб элга дастурхон ёзишдан завқ-шавқ олишида, аза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимимизгача бўлган барча тадбирларимизда кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиб туриши каби удумларимизда кузатамиз.

Миллий менталитетимизда туркийларга хос жиҳатлар маънавий маданиятимизнинг чиллак, чавгон, кўпқари, кураш каби миллий ўйинларимизда, «кулоқ тишлатиш», «бешикка белаш», каби удумларимизда, отга бўлган меҳр-муҳаббат, азали хонадонга ҳамдарад бўлиб кўнгил сўраш, мотам маросимида қатнашишнинг «ихтиёрий»-мажбурийлигида ўз ифодасини топган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий менталитети, умуман барча халқларга хос миллий менталитетлар қўшни халқлар таъсирисиз, муаллақ ҳолда, ўзга халқлардан ажралган ҳолда шаклланмаган.

Ўзбек миллий менталитетининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири – бу жамият ҳаёти, инсонлар турмуш тарзи кўпроқ анъана ва урф-одатлар орқали бошқарилади. Масалан, ўзбекона расм-русмларга қатъий амал қилган оилаларда ўғил уйлантириш, келин танлаш, қиз узатиш, куёв танлаш пайтларида ота-оналар ва қариндош-уруғлардан алоҳида эътиборни талаб қилинади. Авваламбор, бўлажак келин ва куёвни саломатлиги, жисмоний нуқсонлардан холи бўлиши, қуда томонларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамоада тутган ўрни, мавқеи ва обрў-эътибори ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам халқимиз «тенг тенги билан, тезак қопи билан» деб бекорга айтмаган. Агар куёв ёки келин бўлмиш томоннинг ақли, одоби, ҳусни-жамоли, уларнинг бир-бирларига кўнгил қўйиш асосида туғилган севги-муҳаббати бир ўлчам бўлса, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу хусусдаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда, ҳал этувчи омил вазифасини ўтайди. Ота-оналар учун фарзандларни яхшига қўшиш, бу борада хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчилиكنинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди<sup>1</sup>. Шу боис, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи бекиёсдир. Шу ўринда «ғарб қонунлари, шарқ урф-одатлари билан

<sup>1</sup> *Аширов А.* Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих». – Т.: 2004. 55-бет.

бошқарилади» деган ибора Шарқ халқлари лексиконидан жой олган. Дарҳақиқат, Шарқда, шу жумладан ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўплаб урф-одатлар қонунлар даражасида бажарилади. Масалан, оила даврасида, кенг жамоатчилик ўртасида ўтказиладиган барча маросимларимизда маҳалланинг бош-қош бўлиб туриши, кўни-кўшничилик анъаналаримиз, оила-турмуш маросимларимиздаги кўплаб урф-одатлар қонун даражасида бажарилади.

Ғарбда шахс жамоага ўзлигини юзага чиқариш, истеъдоди ва имкониятларини намойиш этиш, муайян мақсадларга эришиш воситаси сифатида қарайди. Жамоа инсоннинг ички, ботиний дунёси, руҳияти ва шахсий ҳаётига мутлақ аралашмайди<sup>1</sup>. Шарқда эса жамоага асосий эътибор берилади. Шарқда, жумладан ўзбек миллий менталитетида жамоа инсонни ижтимоий назорат остида тутиб туриш, шахснинг жамоадаги мунтазам иштироки унинг умумий ахлоқий меъёрлари доирасида иш тутаётганининг исботи сифатида талқин қилинади. Жамоадан ажралган ҳолда иш тутиш инсоннинг ижтимоий бегоналашуви сифатида баҳоланади.

Ўзбек менталитетига хос ана шу жиҳатни юртбошимиз И.А. Каримов шундай ифодалайди: «Ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Ғарб мамлакатларида эса яқка яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айтайлик бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли... Мен хусусиятлар тўғрисида гапирар эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоа манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, ўзбек халқи жамоа манфаатлари, жамоачилик фикри доирасида, анъана ва урф-одатларга содиқлик негизларида бирлашишга мойил ва шунга интилувчи халқдир. Зеро, анъаналарнинг ўзи ҳам жамоатчилик фикрининг барқарорлашган ифодасидир<sup>3</sup>.

Анъаналар ва урф-одатлар халқни бирлаштирувчи миллатимизнинг энг яхши сифатлари. Бу ҳақда бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Аммо, миллий хислатлар иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш билан узвий боғланмаса у халқнинг келажаги кўринмайди, халқ миллат сифатида ҳалокатга учраши мумкин. Ундай миллатдан Берунийлар, Аҳмад Фарғонийлар, Мухаммад Хоразмийлар, Амир Темур ва Улугбеклар, Навоий ва Бобурлар, Машраб ва Нодиралар, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулла Қодирийлар, Ҳабиб Абдуллаев ва Яхъё Ғуломов, Зулфия ва Ислоҳ Каримовлар етишиб чиқмайди. Миллат иқтисодиёти қанча мустаҳкам бўлса, унинг «оила иқтисодиёти» ҳам шунча мустаҳкам бўлади. Иқтисодиёт оилада бола дунёга келиши билан бошланади. Оилада ўғилдир, киздир туғилдими, ота-она ўртасидаги оила ришталари, оила занжири мустаҳкамланиб боради, яъни янги мустаҳкам оила туғилади. Ўзбек оиласи кўп болажонли бўлади. Шунинг учун халқимиз «болали уй-бозор, боласиз уй-мозор» деб беъжиз айтмаган. Оилада

<sup>1</sup> Бекмуратов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун. «Тафаккур» журнали № 2. 16-бет. Тошкент, 2002.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: 1996. том 4. 239–240-бетлар.

<sup>3</sup> Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих». – Т.: 2004. – 55-бет.

ўғил туғилдими, чорбоғда мевали дарахтлар ва тераклар сони ортади, кўшимча иморатлар солиш бошланади, кўрада хисори кўйлар, новвослар боқилади. Чунки, ҳа демай, тўйлар бошланади<sup>1</sup>. Тўй-тўновимизнинг хили шунчалар кўпки, ўзбек хонадонининг боши тўйдан чикмайди. Оилада киз туғилдими, сандиқда сеп йиғила бошлайди. Чунки, ота-она қачонлардир ховлисида «ёр-ёр ўлан» айтилишини кутади. Бундай ўзбекона миллий менталитет такозо этган оила анъаналари ҳар бир ўзбек оиласини ҳаракатга солиб кўяди, аниқроқ қилиб айтганда: биринчидан, келажagini ўйлаган ва унга ишонган халқ бундай ҳислатга эга халқ ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди; иккинчидан, меҳнатсевар халқ ўз фарзандини ўқимишли, уйли-жойли қилишни, ҳар қандай оғир иш бўлса ҳам даромадга ҳаром ишлатмай меҳнат қилиб топишга интиланган<sup>2</sup>. Ҳар бир оиланинг ўз истикболли иқтисодий режаси бўлмаса, бугунги бозор иқтисодий сиёсати даврида миллий менталитетимизга хос кўп орзу-умидлар ўз-ўзидан сўниб бориши ёки миллий менталитетимизга ёт, миллатга иснод келтирувчи нуқсонлар авж олиши мумкин.

Афсуски, ўзбеклар бир юз эллик йиллик мустақиллик даврида миллатга хос кўп яхши фазилатларни йўқотди. Айниқса, шўролар даврида халқимизга хос ҳамжихатлик, жанговарлик, ҳар ишда сўз ва амал бирлиги сингари фазилатларга жиддий зарар етказилди. Халқ орасида миллий бирликка интилишдан кўра, гуруҳий, этномахаллийчилик ва худудий айирмачиликка берилиш кучайди. Халқ миллий менталитетига зид, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, лоқайдлик, худбинлик каби ҳислатлар авж олди. Узок давом этган собиқ шўро даврининг мафкуравий таъйиқлари оқибатида кўплаб диний ва миллий қадриятларимиз топталди ва эътиборсиз қолди. Халқимизнинг муқаддас анъана ва маросимларимиз бидъат, «эскилик сарқити» сифатида қораланиб, камситилди ва таъйиқ остига олинди, миллий удумларимизнинг тарихий асосларига ҳолисона баҳо берилмади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмишдан мерос бўлиб ўтган ана шундай салбий ҳолатларга янгича нигоҳ билан қараш, аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни, шўролар даврида сохталаштирилган тарихимизни янгилаш ва шу асосда умуммиллий маънавий ислохотларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилди ва улар давлат сиёсати даражасидаги ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Бу ўзбек миллий менталитетининг шаклланиб бориш тарихидаги бешинчи мафкуравий мансублик – миллий истиклол ғояси, мустақиллик мафқураси бўлиб, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи халқимиз миллий менталитетига, онгига суқилиб кирган коммунистик мафқурадан тозалашга, янгилашга жиддий эътибор беришликни такозо этмоқда. Бу масалада Юртбошимиз И.А.Каримов собит қадамлик билан сиёсат олиб бормоқда.

<sup>1</sup> *Халимбетов Ю.М.* Миллий менталитетимиз – истикболимиз таянчи. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. Тошкент–2004. 57-бет.

<sup>2</sup> *Халимбетов Ю.М.* Ўша асар. 57-бет.

Аммо, минг афсуслар бўлсинким, бугунги кунда ер куррасининг барча мамлакатларида кечаётган глобаллашув жараёни жаҳон халклари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитетни шаклланишига олиб келмоқда<sup>1</sup>. Бунга бевосита жаҳон миқёсида кечаётган жиддий сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий рақобатлар ва жаҳон ахборот воситаларида Ғарб ахлоқий нормаларининг тинимсиз тарғиботи тарихан таркиб топган миллий менталитетимизга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Глобаллашув туфайли Ўзбекистон бир томондан иқтисодий жихатдан жаҳон ҳамжамияти таркибига кириб борса (бу ижобий ҳол), иккинчи томондан, ўзбек халқининг кўплаб миллий менталитетига хос талай қадриятлар, маросим ва ибратли удумларимизга секин-аста путур етишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек халқи ўз миллий мустақиллигига эришганига ҳам 23 йилдан ошди. Неча асрлик орзу-умидларнинг, кураш ва интилишларнинг рўёбга чиқиши натижасида миллий ғоя, миллий мафкура тамойиллари туғилди. Тарихий анъаналарга садоқат, аждодлар сиймоси билан фахрланиш, ижтимоий тараққиётнинг муҳим, керакли йўналишларини давом эттириш мустақиллик ва миллий ғоянинг энг муҳим омилларидан эканлиги оддий ҳаётий ҳақиқатга айланди.

Уйғониш даврининг буюк санъаткори Леонардо да Винчининг «кўрмаган нарсани қаттиқ севиб бўлмайди», деган машҳур сўзлари бор. Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари давомида кўз ўнгимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётимизда шунчалар улкан, асрларга тенг туб ўзгаришлар бўлдики, уларни кўрмай, пайқамай, бефарқ қараб туриш, ғоявий душманларимиз таъсирида бўлишимиз мумкин эмас. Бу ўзбек миллий менталитетига мутлақо ёт нарсалардир. Шундай экан, кекса авлод, кечаги кунимизнинг тирик гувоҳлари, биз мураббий-устозлар ёш авлодга асрлар давомида халқимиз орзуси бўлиб келган мустақилликни севишга, уни эъзозлаш ва кадрлашга ўргатмоғимизни ҳаёт тақозо этади.

Миллатимизнинг эртанги тақдири, бугунги ёшларимизнинг эртанги кунга ишончи, пухта эгаллаган касби, билими ва малакасига бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» ишлаб чиқилди. Дастурда белгиланган вазифалар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этди ва «Таълим ҳақида» қонун қабул қилинишига олиб келди. Бугунги кунда ҳар иккала тарихий аҳамиятга молик давлат ҳужжатлари мамлакатимизда умумий, махсус билимларга эга бўлган, замонавий дунёқараши, миллий ва умуминсоний қадриятлари шаклланган ёшларни тарбиялашда асосий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги ёшларимиз қалбида, онгида, тафаккурида муқаддас миллий ғурурни, Ватан туйғусини, инсонга, унинг оиласини, хонадони ва маҳалласини, киндик қони тўқилган азиз жой—она Ватанни қалбдан севишни англатиш керак. Буларнинг ҳамма ва ҳаммаси ўзбек миллий менталитетининг мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

<sup>1</sup> Аширов А. Ўша асар, 56-бет.

Замонамиз ёш авлоди онгига бу сифатларга хос фазилатларни сингдириш, психологик ва педагогик жиҳатдан мураккаб, кўп киррали ва узоқ муддат талаб қилувчи жараён бўлиб, унинг ечими заминда энг муҳим омил – иктисодиёт ётади. Иктисодиёт билан узвий боғлиқ оммавий ишлаб чиқариш ўзининг рақобатбардош даражасига кўтарилмаса кўзлаган мақсадга эришиш қийин кечади. Буни ёш авлод онгига сингдириш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Давлатимизнинг, Юртбошимизнинг тактик ва стратегик йўли ҳам шунга қаратилган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ўз миллий манфаатларини мустаҳкамлаш эрки бор. Бу табиийки, соғлом, дўстона, ўзаро манфаатли рақобатни пайдо қилади. Миллий тараққиёт халқнинг яратувчилик салоҳиятига, уюшқоқлигига боғлиқ. Тараққиёт чўққисига эътиқоди мустаҳкам, кучли характерли, диёнати юксак миллат эришади. Қадим ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам кўпчилик манфаатини кўзловчи, юрт ҳамжиҳатлигини таъминловчи одил сиёсат ва унинг амалий таъсири кишилик жамияти раванқининг муҳим омили бўлиб келган ва бўлиб қолади. Шундай сиёсатни шакллантириш ва ҳаётга татбиқ қилиш кўп жиҳатдан ҳали жамият кучли давлат бошқарувида бўлган мамлакатларда давлат арбобларига, ҳокимларга, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилот раҳбарларига, уларнинг қобилияти ва салоҳиятига, улар теварак-атрофидаги миллат вакилларининг виждонига, илмий салоҳияти ва адолатлигига боғлиқдир<sup>1</sup>.

Ҳаёт қонун-қоидалари шуни кўрсатадики, ҳар бир шахснинг комил инсон бўлиб етишишида унинг насл-насаби, оиладаги тарбияси, маҳалла жамоаси катта ўрин тутаяди. Лекин, миллат фарзандларининг камолотга эришишида уларнинг илмий, сиёсий тайёргарлиги, ўз устида муттасил ишлаб бориши янада муҳимдир.

Қадим замонлардан халқимизда тарбияга таълимдан кам аҳамият берилмаган. «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган улуғ ҳикмат бор. «Олим бўлма, аммо одам бўл» деган ҳикмат ҳам ўзбек халқи орасида кенг тарқалган ҳикмат. Бу ҳикматли мақолларнинг тагида катта фалсафий маъно ётади, яъни «билиминг етарли бўлмаслиги мумкин, лекин ахлоқсиз, одобсиз ва тарбиясиз бўлмагин» демокчи халқимиз. Миллат ва одамийлик тушунчаси одоб-ахлоқ, пок қалбли, диёнатли, тўғрисиўз, ҳалоллик каби инсоний фазилатлар билан биргаликда, ватанпарварлик ва эл севарлик, деган эзгу тушунчаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Ўзбек халқида ана шундай ранг-баранг миллий менталитет ва ўзбекона тизим шаклланган. Бу тизим боланинг туғилишидан бошлаб то камолга етиб, мустақил ҳаётга қадам кўядиган давригача бўлган йилларни қамраб олади. Бугунги кунда ушбу анъанавий тизимнинг асосий бўғинларини оила, маҳалла, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизими ташкил этади.

Энг дастлабки босқичда онанинг ўрни бекиёсдир. Халқимиз «Куш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган. Агар оила ҳалоллик, меҳнатсеварлик, раҳмдиллик, эзгулик йўлида намуна бўлса, бола тарбияси ҳам шунга қараб

<sup>1</sup> Халимбетов Ю.А. Ўша асар, 58-бет.

шаклланиб боради. Бунинг учун бола билан ота-она ўртасида ҳеч қачон тўсиқ бўлмаслиги керак. Ота-онага фарзанддан улуғ, буюк қувонч йўқ. Бунинг учун ота-она фарзандга вақт ажрата билиши, бола эса ота-она меҳрини амалда ҳис этмоғи керак. Бундай масъулият ўзбек миллий менталитетининг асосий омилларидан биридир.

Афсуски, шўролар даврида раҳбарлик вазифасида хизмат қилган миллатимиз вакиллари мисолида менталитетимизнинг бу олтин бойлиги кўп оилаларда йўқолиб борди. Бола тарбиясини боғча ва мактабга мутлақо топшириб қўйилди.

Бу муқаддас анъана маҳалла тарбияси билан биргаликда, уйғунлашган ҳолда миллатимизни Ғарб менталитетидан фарқлантириб турадиган эл, жамоат бўлиб яшаш деб аталадиган фазилатлардан баҳраманд қилади. Бу тушунчалар баъзан ғарбона менталитетнинг моҳиятини шакллантирадиган индивидуализмнинг акси сифатида намоён бўлади.

Тарих ва маданий мерос миллатнинг асосий бойлиги. Тарихни объективлик, ҳолислик тамойиллари асосида билиш янгитдан миллий давлат барпо этаётган халқ учун ғоят зарур. Замонамизнинг илғор миллатлари ўз тарихини танқидий кўз билан мушоҳада қилиш орқали ўз миллий менталитетларини шакллантирганлар. Ҳозирги кунда ўзбекка хос менталитетнинг асосий омиллари, кирралари таркиб топган. Шунинг билан бирга, менталитет миллатнинг узил-кесил шаклланиши билан боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик керак. Бугунги кунда ўзбек миллати тўла-тўқис шаклланишининг гувоҳимиз. Аммо, миллатнинг тўла-тўқис шаклланиши унинг узил-кесил шаклланди, дегани эмас. Бунинг учун мустақил давлатимиз олдида иктисодиёт билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммолар мавжудки, улар оммавий ишлаб чиқариш имкониятларимизнинг жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлари билан ўрин эгаллашларига боғлиқ.

Бу муаммолар бугунги кунда бутун жаҳон бўйича улкан глобализация жараёнлари жадал кечаётган кезларда, ўзбек миллий менталитетини тадқиқ қилиш, унинг нечоғлик умуминсоний кадриятларга мослигини кузатиб бориш ҳамда ўзига хос, ўзига мос миллий менталитетга эга халқ эканлигимизни амалий ҳаётда, ёшлар тарбиясида кўрсатиб боришимизни тақозо этади.

Ўзбек тилида миллат ва иллат деган сўзлар бор, аммо бу сўзларнинг бир қарашда бир-бирларига алоқаси йўқдек туюлади. Лекин, миллат сўзи заминида қанча фазилатлар бўлса, иллат сўзи остида ҳам ундан кам бўлмаган халқ менталитетининг салбий томонлари кўзга ташланади. Демак, фазилат халқнинг юксак маънавияти бўлса, иллат унинг маънавиятсизлигидир.

Маълумки, ёш авлод онгида миллий ғурур туйғусини уйғотиш, уларни Она Ватанга содиқлик руҳида тарбиялашда тарих ва буюк аجدодларимизнинг бой меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Биз ўзбеклар Соҳибқирон бобомиз айтганидек, «Туркнинг бош бўғини» эканлигимиз билан фахрланамиз. Шонли тарихимиз, миллатимиз номи ила аталган мустақил Ўзбекистон давлатимиз бор.

Кўпчилик онгида Ватан–туғилган жой, уни боқаётган бир парча ердир. Шунинг учун ҳам мил. авв. асрларда Эрон Ахоманийлари 200 йил, македониялик юнонлар 180 йил, милодий асрларда Араб халифалиги салкам 200 йил, мўғуллар 150 йил, подшо Россияси ва Советлар давлати 130 йил бу ўлкани ўз хукми остида ушлаб турди<sup>1</sup>. Нима, элимиз шунчалар жасоратсиз ва она юртига вафосиз халқ бўлганми? Асло! Аждодларимиз ўга жанговар бўлган.

Аммо, аждодларимиз дастлаб душманга қарши курашда яхлит халқ сифатида бирлаша олмади, чунки ўша кезларда бунга тегишли шарт-шароитлар ҳам етишмас эди. Жанглар ҳал қилувчи паллага кирганда (масалан, Искандарга қарши Спитамен бошлиқ курашда) бир парча ерга боғланиб қолган аждодларимизнинг ўтроқ қисми жанговар туркий отлик қўшинга эргашмади, аксинча, Спитаменни ташлаб Македон лашкарбошиси Кен хузурига келиб таслим бўладилар. Илюжсиз қолиб, чўлга чекинган Спитамен чавандозлари эса, ўз сардорларига хиёнат қилиб, Спитаменни кесилган бошини душманга топширадилар<sup>2</sup>. Араблар босқини даврида эса, мамлакатда марказлашган давлат ҳокимиятининг йўқлиги, юртни бошқаруви ҳамон тарқоқ маҳаллий ҳокимликлар қўлида бўлганлиги боис, ўша маҳаллий ҳокимликлар орасида бирлашган қудратли ҳарбий иттифок бўлиб курашиш ўрнига, аҳилликнинг заифлиги туфайли, Халифалик зардуштий аждодларимизни қувгин қилиб, сиёсий ва маънавий ҳукмронликни қўлга киритди.

Хоразмшоҳлар давлати ҳар жиҳатдан қудратли империя бўлишига қарамай, Олий бош қўмондоннинг қатъиятсизлиги, ҳарбий машваратда қабилавий ўзаро ички келишмовчиликлар, феодал бебошлиқлар мамлакат бошига қўп кулфатлар келтирди. Сўнги феодализм даврида Ўрта Осиёнинг уч хонликка бўлиниб кетиши, улар ўртасидаги тинимсиз талончилик ва ўзаро босқинчилик урушлари подшо Россиясига қўл келди.

Доно халқимизнинг «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» мақолининг ҳаётийлиги яна бир бор исботланди. Нағижанда, аждодларимиз яқин 850 йил босқинчилар зулми остида яшашга мажбур бўлдилар. Буларнинг барчаси бизнинг менталитетимизга хос қусурлар натижасида юз берган, айнан «ўзбекчилигимиз»нинг «иллатлари» туфайли содир бўлган. Булар Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаган лоқайдлик туфайли юз бермоқда. «Пахта иши», «ўзбек иши»ни ўз айбини хасиўшлаш учун Марказ уюштирди, деймиз. Бу тўғри, аммо, шу билан бирга, баъзида бунда ўз айбимиз ҳам борлигини тан олгимиз келмайди. Аслида аҳиллик, қатъиятчилик бўлганида эди, томошабин бўлмаганимизда эди, кийноқлар, дўқ-пўписалардан қўркмай мардларча тура билганимизда эди, Марказнинг Гдлянлари, Ивановлари бутун бир халқнинг бунчалар ноҳақ қоралаб кетолмаган бўлар эди.

Мана яна ўша подшо Россияси босқинига қайтайлик. Устоз тарихчи Ҳ. Зиёевнинг ёзишича, ўша кезларда Бухоро амирининг 40 минг, Кўқон ва Хива хонликла-

<sup>1</sup> Зиёев Ҳ. Буюк Амир Темур ва унинг тақдири. Т.: 2008. – 5-бет.

<sup>2</sup> Арриан. Искандар юришлари. IV китоб, 17. 5, 6, 7-бетлар.



рининг ҳар бирида 30 минг нафардан кўшин бўлган. Ўшанда юрт бошлиқларига маънавий колоқликдан кўра, кўрқоқлик, ўзаро ғаразгўйлик каби иллатлар панд берган.

«Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман, – дейди Юртбошимиз. – Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқатли бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради»<sup>1</sup>.

Истиқлол туфайли миллатимиз жаҳонга танилди, ўзининг имкониятларини намоён этиш даври келди. Улуғ боболаримиз хоки ётган муқаддас юртда озод ва тинч яшамокдамиз. Албатта, қисқа муддатда қўлга киритилган ва кундан-кунга эришайтган ютуқларимиз кўп. Аммо, мустақилликнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйибмизки, ҳамон кенг халқ оммасини, биринчи навбатда, ёш авлодни истиқлол мафқураси, миллий ғоя ва маънавият асослари билан қуроқлангириш вазифаси энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда! Нега, нега бундай?

Давлат ҳар қанча бой бўлгани билан, агар жамият аъзолари (фуқаролари) маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлса, бундай моддий бойликнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлиши тарихда кўп бор исботланган. Айнан шу ҳақиқатни теран англашимиз қийин кечаяпти.

Кишилиқ жамиятининг кейинги юз, юз эллиқ йиллик тарихи давомида инсон психологиясида жирканч бир иллат пайдо бўлдики, бу иллат ўзбек тилида «порахўрлик» деб аталади. Дунёда бирор халқ, миллат йўқки, уларнинг амалий ҳаётида порахўрлик бўлмаса. Шўролар даврида бу жирканч иллат ўзбек халқи ҳаётига ҳам кириб келди. Порахўрлик юқумли касал сифатида халқимизнинг бугунги ҳаётига ҳам кириб келмоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз қонунларида пора бериш, пора олиш, бу ишда воситачилиқ қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Унинг бугунги кунда жамиятимизда учраб туриши ташвишли ҳол. Президентимиз Ислоҳ Каримов бунга жавобан шундай дейдилар: «Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунчи, маъмурий идоралар устидан назоратчи, назоратчи устидан яна назоратчи ўтказиб қўйиш ҳеч қачон самарали натижа бермайди. Қўпол бўлса-да айтмоқчиман: бундай тажриба фақатгина зўравонлар, порахўрлар ва тамағирлар сонини кўпайтиради, холос. Бу–ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати»<sup>2</sup>.

Президентимиз айтганидек, пора оладиган одам мунофиқлик қилишга ҳам мажбур. Ақл донолари: «Мунофиқ доимий қулдир, қул эса мутелиқда яшайди», деганлар. Қуллик ва мутелиқ кайфияти устувор жойда одамлар фақат бугунги кун ташвиши билан яшайди. Бундайлар учун юрт манфаати, ўзликни англаш, миллий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. Т.: «Маънавият» нашриёти, 2008. 12-бет.


<sup>2</sup> Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи. Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 1998 йил 5 декабрь.

ғоя, миллий ғурур каби тушунчалар мутлақо мазмунсиз, «хавойи» гаплар бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Юқорида қайд этганимиздек, халқимиз маънавияти илдиэларининг бир жиҳати динимиз асосида қурилган. Динимизнинг муқаддас китоби Қуръонда «Сендан ҳаракат, мenden барокат» деб беъжиз айтилмаган, ёки динимиз Ватан равнақининг яғона йўли «Қалбинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда» бўлсин деб, меҳнатнинг тағи роҳат эканлигини доимо уқтириб келган. Илм заиф бўлган жойда маънавият бўлмайди, илмсиз жойда иймон бўлмаганидек, маънавият илмсиз жойда юксак кучга айлана олмайди.

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «япон мўъжизаси» ва «корей мўъжизаси» ҳақида гапириб, бу иқтисодий мўъжизалар япон ва корейс халқларининг асрлар давомида шаклланиб, катта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти ҳисобидан юз берганини алоҳида таъкидлайдилар. Улардаги иқлим шароити, табиий бойликларнинг хилма-хиллиги нуқтаи назардан қараганда, бизнинг улардан устунлигимиз минг чандон юқоридир. Демак, ҳамма гап халқнинг маънавий фазилатлари, ички дунёси ва маънавият неғизида тобланган иродасига боғлиқдир.

Шуниси аниқки, эришилган ютуқлар билан қаноатланиб, олға интилмаслик миллатга хос эмас. Шу ватан, шу миллат меники деган инсон унинг учун қайғуради. Бундай инсонлар миллат сараси, ҳақиқий ўзбек ўғлонларидир. Ўзбек миллий менталитети ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида ҳаёт шундай ҳулосага келишликни тақозо этади.



**XX 606**  
**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎЗБЕК**  
**МИЛЛАТИНИНГ УЗИЛ-КЕСИЛ ШАКЛЛАНИШИДА**  
**БОШ ОМИЛ**

1991 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Советининг 2-сессиясида «Мустақиллик декларацияси» эълон қилинган, Республика Олий Кенгашининг XII чакирик навбатдан ташқари сессиясида 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Мустақил Республика деб эълон қилинди; 29 декабрь 1991 йилда мустақил Ўзбекистоннинг кенг халқ оммаси альтернатив асосда, демократик принципларга амал қилган ҳолда мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта мамлакат Президентини сайлади. 18 ноябрь 1991 йилда давлат байроғи қабул қилинган, Республика Президенти 2 март 1992 йилда БМТ минбаридан мустақил Ўзбекистон давлати номидан нутқ сўзлаб, мамлакатимиз байроғини БМТга аъзо давлатлар байроқлари қаторига тикиб келди. Бу тарихий сана кўп миллатли меҳнаткаш халқимиз тарихида оламшумул аҳамиятга эга. Халқимизнинг асрлар оша орзуси ушалди.

Шундан сўнг, бирин-кетин Олий Кенгаш сессияларида мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзларини қабул қилиш давом этиб, 1992 йил 2 июлда Давлат герби, 1992 йил 10 декабрда Давлат мадҳияси, Олий кенгашнинг XI сессиясида (1992 йил 8 декабрь) мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Тарихдан маълумки, иқтисодий қарам халқлар вилоят, ўлка, губерния мақомида бўлган кезларда уларнинг ўз пул бирлиги бўлмайти. Миллий пул ва унинг ички ва ташқи бозордаги ўрни муайян давлат иқтисодий ва ҳарбий қудратидан далолат беради. Жаҳон бозоридаги миллий пулнинг кадр-қиймати мамлакат иқтисодий қудрати ва фуқароларининг фаровон турмуш тарзидан нишонандир<sup>1</sup>. Мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, Президентимиз таъбири билан айтганда, айнан мана шу муаммонинг ечимига қаратилди, яъни мамлакатимиз дастлаб (1991–1993 йилларда) Россия Федерациясининг «рубль» зонасида эди. Буни ҳаётнинг ўзи, иқтисодий имкониятларимиз такозо этарди. Қисқа муддат «купон» пул системаси жорий қилиниб, 1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикасининг мустақил пул бирлиги, миллий валютаси – сўм муомалага киритилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳар жиҳатдан мустақил давлат бўлиб узил-кесил шаклланди.

Банк тизими қайта ташкил этилиб, Марказий банк бошқарув идораларидан мустақил бўлди. Халқаро иқтисодий алоқаларни кескин ривожлантириш учун

---

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. - Т.: 2007. - 59-60-бетлар.

муस्ताқил Ўзбекистоннинг табиий-географик ўрнининг ноқулайлиги ва Советлар ҳокимиятининг инкирози туфайли иқтисодий-хўжалик алоқаларининг издан чиқиб кетганлиги ҳисобга олиниб, республикада муस्ताқил ривожланишнинг ўзига хос йўли, тамойиллари ишлаб чиқилди. Бунда аҳолининг кам даромадли қатламини қаттиқ ижтимоий ҳимоялашга қатта эътибор қаратилди.

Тарихий анъаналар, миллий менталитетимиз ҳисобга олинган ҳолда ўзига хос ва ўзига мос «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» ишлаб чиқилди. Бунга кўра, мамлакат иқтисодий ҳаётини босқичма-босқич ривожлантиришга қаратилган давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатларни амалий ҳаётга татбиқ этиш йўлида кўплаб қонунлар қабул қилинди ва уларга кези келганда тегишли тузатишлар киритилмоқда, янги қонунлар қабул қилинмоқда.

Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ўзидан олдинги тамойиллардан келиб чиқади ва уларни тўлдиради. Умуман, мазкур беш тамойилни бири-биридан ажратиш мумкин эмас. Агар бирорта тамойилга эътибор сусайса, бошқа тамойилларни амалга оширишда қийинчилик юзага келади, ислохотлар самарадорлиги пасайиб, изчиллиги бузилади. Беш тамойил диалектик муштаракликни ташкил этувчи ягона концептуал тизимнинг ўзаро боғлиқ узвий қисмларидир<sup>1</sup>. Дунёда «ўзбек модели» номи билан танилган иқтисодий ислохотлар стратегияси ўзини тўла-тўқис оқлагани ҳолда, инкироз шароитида Ўзбекистон танлаган йўлнинг нақадар тўғрилиги яна бир бор тасдиқланди<sup>2</sup>.

Тарихдан маълумки, мамлакат иқтисодиёти маънавий ҳаёт тамойиллари билан уйғунликда ривожланмаса, жамиятда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади. И.А. Каримов ўзининг 1997 йилда чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли машҳур асарининг «Маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши» бобида ҳамда «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар рубрикасида чоп этилган «Жамият мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» деган рисоласида ўзбек халқи ва миллати, унинг миллий мафқураси миллатни бирлаштирувчи омил эканлиги, фикр қарамлиги тафаккур қуллигидан нишона эканлиги, мафқурасиз одам ва жамият, унинг давлати истиқболсиз ҳокимият эканлиги, муस्ताқкам маънавият билан қуролланиш енгилмас кучга айланишини, мафкура майдонлари ядро полигонларидан кучли эканлиги, мафкура ўтмиш билан келажак ўртасидаги кўприк эканлиги, онгли турмуш жамият ҳаётининг бош мезони эканлиги, куч билим билан тафаккурда эканлиги ва ниҳоят кучли давлатдан кучли жамият сари интилиш муस्ताқил Ўзбекистоннинг бош йўли эканлигини алоҳида таъкидлайди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси адолатли ижтимоий тузум, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўз ўрнига эга ва жаҳон маданиятига салмоқли хисса қўшадиган тинч-

<sup>1</sup> Эрқаев А. Ўзбекистон йўли. –Т.: «Маънавият». 2011. – 90-бет.

<sup>2</sup> Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.К. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. – Т.: «Академнашр». 2010. – 142-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: «Маънавият». 2008.

ликсевар, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан юксак демократик давлат барпо этишни ўзининг стратегик вазифаси, деб белгилади.

Ўзбекистонда кейинги 23 йил мобайнида давлат бошқарувининг янги замонавий тизими шаклланди.

Бу борада давлат нафақат иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий-маданий соҳаларда ислохотларга бош бўлди, шунингдек, у ўзини ўзи ва жамиятни ҳам ислох қилишнинг бош ташаббускори бўлди. Бу ислохотлар талабларига мос давлат ва жамият институтларининг янгиларини шакллантиришда, уларга оёққа туриб олишга ёрдам беришда яққол намоён бўлди<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида кўп миллатли республика фуқаролари ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақланиб қолиши давлат сиёсатининг энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоеён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда. Ўрта Осиё муҳитида жамоа, маҳалла бўлиб, бир-бирига меҳроқибатли бўлиб яшайдиган инсонлар, давр қанчалик ўзгармасин, тарих синовидан ўтган ўз қадриятларга содиқ бўлиб яшашни маъқул кўрар экан, буни замонавий фикрлайдиган, дунёга теран назар ташлайдиган одам тўғри тушуниши, тан олиши ва уни ҳурмат билан қабул қилиши лозим.

Иқтисодий ислохотларни ўтказишда, биринчидан, мамлакатнинг моддий ишлаб чиқариш имкониятларини, бойликлари ва табиий ресурсларини, табиий иқлим шароитини, демографик аҳволини – ҳуллас, барча объектив кўрсаткичларни аниқ ҳисобга олиш, улардан келиб чиқиб, иқтисодий ислохотларнинг асосий соҳалари, йўналишларини, қўлланадиган усул ва воситаларини белгилаш зарур. Иккинчидан, аҳолининг ислохотларга тайёрлик даражасини, онги, тафаккури, психологияси, урф-одат ва анъаналарини ҳисобга олиш талаб этилади<sup>2</sup>.

Республикада туб иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг бош мақсадлари белгилаб олинди, яъни кишилар турмушини мунтазам яхшилаб боровчи иқтисодий тизим барпо этилди; кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш стратегияси ишлаб чиқилди; фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, иқтисодиётнинг таркибини қайта қуриш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга мунтазам жорий этиб бориш, кенг кўламли аграр ислохотлар ўтказиш, мамлакат экспорт қувватини жадал ривожлантириш, хорижий сармояларга очиқ эшиклар сиёсатини киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида кайд этилдики, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, ўтган 2013 йилда мамлака-

<sup>1</sup> Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: «Маънавият». 2011. – 72-бет.

<sup>2</sup> Эркаев А. Ўзбекистон йўли. – Т.: «Маънавият». 2011. – 151-бет.

тимиз иқтисодиёти барқарор юкори суръатлар билан ривожланишда давом этди, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустақкамланиши таъминланди. 2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти – 8,2 фоизга, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми – 7,7 фоизга, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 7 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми – 11,5 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми – 13,9 фоизга ўсди. 11,7 миллиард долларга тенг миқдорда ёки 2011 йилдагига караганда 14 фоиз кўп инвестиция жалб этилди. Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсди. Экспорт таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарлар экспорти 70 фоиздан ортигини ташкил этди<sup>1</sup>. Буларнинг барчаси республикамизда 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилганлигини натижасидир<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун қулай шарт-шароитлар яратилган, биз учун янги бўлган демократик ислохотларнинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ўрта синфни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор ҳаёт дастурига айланган. Натижада, ўтган 23 йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 мартага ўсди. Мамлакатимиз аҳолиси айни шу даврда 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этади.

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир даврда, юртимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажми улушининг нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб бера оладиган мамлакат сифатида дунёдаги давлатлар орасида барқарор обрў-эътиборини сақлаб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбарияти (Вероника Бакалу хоним) фикрларини келтириш ўринли. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустақкам позиция, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан химоя қилди<sup>3</sup>. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008–2013 йилларда 8 фоиздан ошди<sup>4</sup>. Бу рақамлар мамлакатда иқтисодий давлат сиёсатини қатъийлигини исботлайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». Халқ сўзи // 2013 й. 19 январь.

<sup>2</sup> Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.К. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. – Т.: «Академнашр». 2010.

<sup>3</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». Халқ сўзи // 2013 й. 19 январь.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir. – Т.: «Ўзбекистон». 2013. – 7-бет.

Ўзбекистоннинг ташки давлатлардан қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошган эмас. Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобига 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир. Биргина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этган.

Мустақил Ўзбекистонда шахсан Республика Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг 5 тамойили ишлаб чиқилди. Уларни амалий ҳаётга мунтазам татбиқ этиб борилиши туфайли Истиқлол йилларида Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқилган ва ўзини оқлаган тараққиёт модели, аввало, мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислохотчи вазифаси юклатилиши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ислохотларнинг «инқилобий сакрашларсиз» босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш имконияти туғилди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йиллардаги изчил ва барқарор ривожланиши биз танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт, ўрта ва майда мулкдорлар синфи вужудга келди<sup>2</sup>. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг саноат секторида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Масалан, 1990 йилда саноатимизнинг ялпи ички маҳсулотигаги улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 24,5 фоизга етди<sup>3</sup>. Мустақиллик йилларида юртимизда биз учун мутлақо янги саноат тармоқлари пайдо бўлди, яъни автомобилсозлик, моторсозлик, нефть ва газни қайта ишлайдиган, замонавий телевизор ва компьютерлар, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янгидан-янги саноат тармоқларига асос солинди.

Айни шу пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши 1990 йилда 34 фоиз бўлган бўлса, ўтган 2013 йилда у 17 фоизни ташкил этди, яъни қишлоқ хўжалигининг ҳажми ўсди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми камайиб, саноатнинг улуши кўпаймоқда.

Иқтисодиётнинг аграр секторида ширкат ва дехқон (фермер) хўжаликлари ташкил қилинди. Фермерлик ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Фермер хўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон Фермерлари кенгашига, вилоят ва туманларда эса фермерлар кенгашларига айлантирилди, энг муҳими, ушбу тузилмаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилди. Республикада пахта етиштиришда катта ютуқлар қўлга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси. Ўз.МЭ, 12 жилд. 2006. – 186-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси. Ўз.МЭ, 12 жилд. 2006. –187-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2013. – 11-бет.

киритилиб, дон мустақиллигига эришилди. Дон ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб, 1998 йилга келганда 1992 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошди, 2002 йилга келиб эса ғалла етиштириш 5 миллион тоннага етказилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб, 7 миллион 500 минг тоннага етказилди. Пахта майдонларини дон етиштириш ҳисобига қискартирилишига қарамай, 2012 йилда 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ ҳосил олинди. Қишлоқ хўжалигида давлатга қарашли бўлмаган сектор 1995 йилда бутун маҳсулотнинг 97 фоизини ташкил этди<sup>1</sup>. Бу кўрсаткичлар деҳқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжаликларини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>2</sup>. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш уни ташқи дунё билан боғланишини, дунё маънавиятидан хабардор бўлиб бориш, ундан ажралиб қолмаслигини ҳаётий заруратга айлантиради. Истикболда «Қишлоқ» тушунчасига «колоқлик»ни эмас, аксинча саноат ривожини, истикболнинг асоси сифатида қараш керак бўлади<sup>3</sup>.

Иқтисодиётнинг саноат секторида катта ютуқлар қўлга киритилди. Ислохотлар натижасида саноат тармоқларида хилма-хил мулкчилик ва хўжалик юритишнинг бозор усуллари қарор топди. 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда ишлаб турган саноат корхоналари сони 20, 5 мингтани ташкил этди. Уларнинг 15,7 проценти давлат корхоналари бўлса, 84, 3 фоизи нодавлат мулкига қарашли корхоналар эди<sup>4</sup>. Нефть маҳсулотларини четдан сотиб олиш тўхтатилиб, 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ўзи нефть маҳсулотларини четга экспорт қилувчи мамлакатга айланди. 1998 йилда четга нефть экспорт қилиш 1992 йилга нисбатан 3 баробарга ошди. Нефть, тайёр енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бориши туфайли 2000 йилда экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси 27,5 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон пахтаси ўзининг сифати ва рақобатдошлиги билан жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллади.

Саноат корхонаси сифатида Навоий тоғ-кон-металлургия комбинатининг фаолияти олтин ва уран казиб чиқаришга қаратилган. Бу кўп тармоқли кончилик ва қайта ишлаш корхонасида айни пайтда фосфорит, ош тузи, коплама тош, оҳактош, қурилиш ва металл қуйишда ишлатиладиган кум конлари ўзлаш-

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». Халқ сўзи // 2013 й. 19 январь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». 2- б.

<sup>3</sup> Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. – Т.: «Шарқ». 1998. – 18-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон саноати.



тирилаётган бўлса-да, асосий эътибор айнан ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий кудратини юксалтиришга хизмат қилади<sup>1</sup>.

2000–2005 йилларда импортнинг таркиби ҳам ўзгарди. Ўзбекистон замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига қўшилди. Ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга. Бугунги кунда республика автомобиль саноати мамлакат аҳолисининг кундалик ҳаётида транспортга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмоқда<sup>2</sup>. Ўзбекистон бутун Марказий Осиёда биринчи, дунё бўйича эса, йигирма саккизинчи автомобилсоз мамлакатга айланди<sup>3</sup>.

Истиклол туфайли мамлакат иқтисодий ва маданий ҳаёти йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Масалан, 2013 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,8 фоизга ошди<sup>4</sup>. Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар ҳажми 59,3 фоизни ташкил этди. Шунингдек, мамлакатда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми 14,4 фоизни, ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотни 55,8 фоизини кичик бизнес объектлари ишлаб чиқармоқда. Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

2013 йилда мамлакат иқтисодиётининг аграр секторига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробарга кўпайди. Фақат 2013 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, шу жумладан деҳқончилик 6,4, чорвачилик 7,4 фоизга ўсди. Ўтган 2013 йилда деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди<sup>5</sup>. 2013 йил якунларига кўра, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилга нисбатан 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Банк тизимини такомиллаштириш, банклар томонидан бериладиган кредитлар ҳажминини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди. Тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан 46 баробардан зиёд кўпайди. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётидаги кўрсаткичдан 2,2 баробар юқоридир.

Таъкидлаш жоизки, сармоясиз таракқиёт йўқ, ишлаб чиқаришни, умуман мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвес-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти. – Т.: 2013. – 107-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш. 27-бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти. – Т.: 2013. – 99-бет.

<sup>4</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: «Ўзбекистон». 2014.– 5–7-бетлар.

<sup>5</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш... 8–9-бетлар.

тицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. 2013 йилда инвестициялар орқали мамлакатимизда 13 миллиард доллар кийматидаги капитал маблағ ўзлаштирилди. Жалб этилаётган инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларига йўналтирилди. Умуман олганда, мамлакатимиз иктисодиётига инвестиция кириши ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади. 2013 йилда ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларини жалб этиш учун «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» ташкил этилди. Жамғарма қисқа муддатли фаолияти давомида 15 миллиард доллардан зиёд маблағга эга бўлган қудратли молия институтига айланди. 2013 йилда Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди. 2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаш амалга оширилди. 2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25, 8 фоизни ташкил этди.

2013 йилда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадал борди. Темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга 477 миллион доллар қийматидаги маблағлар жалб этилди. 2013 йилда Ангрен–Поп йўналишида электрлаштирилган янги йўл ва 19 км.лик темир йўл туннелини қуришга киришилди. Шу мақсад учун 2 миллиард доллар қийматидаги маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида, жумладан айнан 2013 йилда мамлакатнинг индустриал иктисодиёти йўналишида шунчалар катта ва долзарб объектлар қурилиши, ишга туширилиши жадал бормоқдаки, буларнинг барчаси истиклол туфайли амалга ошмоқда. Бу ишларда халқимизнинг, шахсан мамлакат Юртбошининг хизмати беқиёсдир. Халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошмоқда. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ албатта. Уларни амалга ошишида не-не кийинчиликлар, халқимиз менталитетида учраб турадиган салбий иллатлар, тобора авж олиб бораётган бепарволик ва лоқайдликлар, ҳар жабҳада учраб турган порахўрликлар, тажрибасизлик ва тегишли билимсизликлар, умумхалқ маънавиятининг етарли даражада юксакликка ҳамон кўтарилмагани халақит бермоқда. Бу иллатларнинг илдизини қуритиш, соғлом ва юксак маънавиятли жамиятни шакллантириш вақти келди. Бу борада ҳаётнинг ўзи кескин чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг маънавий-маърифий ва маданий тараққиётига, ўзбек халқи ва унинг давлагчилик тарихига, диний ва миллий қадриятларига алоҳида эътибор берилма бошланди. 1989 йилнинг 21 октяб-

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш... 16-бет.

рида мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдинини билмайдиган, келажаги йўқ одамдир<sup>1</sup>. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа ҳисобланади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ қилиб белгиланиб, мустақкамлаб кўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси каторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди.

1993 йил 2 сентябрда юртимизда «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида ана шу қонун ижросини таъминлаш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Аввало, ўзбек тилининг лотин ёзуви асосидаги имло қоидалари ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда таълимнинг барча босқичларида ана шу алифбо асосида билим берилмоқда. Лотин ёзувида чоп этилаётган китоб ва дарсликлар, ўқув қўлланмалари, газета-журналлар, реклама ва эълонлар, давлат ҳужжатлари ҳозирги вақтда бу имло маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўрсатади.

Маълумки, шўро даврида 9-май ҳар йили «Ғалаба куни» сифатида байрам қилинар эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу сананинг асл инсоний моҳияти инobatга олинаиб, мамлакатимизда «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида нишонлана бошлади. Шу муносабат билан пойтахтимиз, вилоят ва туманларимизда халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган «Хотира майдонлари» ташкил этилиб, мамлакат пойтахтининг «Мустақиллик майдонида» Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.

Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб кўйилгани, улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат «Хотира» китоби чоп этилгани, мамлакатимиз тарихида ибратли маънавий воқеа бўлди.

1992 йилда Наврўз байрамига расмий мақом берилди. Барчамиз доимо орзикиб кутадиган ва катта курсандчилик, шодиёналик билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз соҳоватининг, кўп мингйиллик миллий кифоамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетақрор ифодаси бўлиб келмоқда. Мусулмонларнинг муқаддас байрами бўлган Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайитининг 1-кунлари мамлакатда дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ободончилик ва қурилиш ишларига эътибор кучайди. Ўзбек халқи истиқлол туфайли ҳар йили муқаддас ҳаж ва умра

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2012. – 69-бет.

амалларини бажариш имкониятини қўлга киритди. Мамлакатда миллий истиқлол мафқураси негизда эркинлик ва миллий ифтихор, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, байналмилаллик ва диний бағрикенгликка кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни жорий этишни тақозо этди. Ушбу Қонун ва Миллий дастур 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақирик IX сессиясида қабул қилинган.

Мазкур Миллий дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафқуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқаришга қаратилди.

Биринчи босқич (1997–2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш;

Иккинчи босқич (2001–2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш;

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантиришдан иборат<sup>1</sup>. Ушбу дастурда кўрсатилган ишларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида баъзи бир камчиликлар бўлишига қарамай, асосий мақсад сари интилиш яққол кўзга ташланади.

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш доимий равишда мамлакат диққат марказида бўлиб келмоқда. 2012/2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2013 йилнинг ўзида коллежларни тугатган 500 мингдан ортик ёшлар иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Ўтган йили мамлакатимизда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ишлари ниҳоясига етказилди. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб

<sup>1</sup> «Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами». – Т.: «Адолат». 11–12-бетлар.

олий ўқув юртидан кейинги таълим-докторантура жорий этилди. Илмий даража олишликнинг биринчи поғонаси–аспирантура орқали фан номзодлик даражаси бекор қилинди. Мақсад олий малакали сифатли кадрлар тайёрлашдир. Унинг та-лаблари ишлаб чиқилди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох қилиш ва ривожлан-тириш бўйича ҳам 2012 йилда изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш учун таълим муассасаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди.

Республика ихтисослаштирилган жаррохлик марказида замонавий, юксак технологияларга асосланган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида ди-агноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожаррохлик бўлими очилди. Шунинг билан айтиш керакки, репродуктив саломатликни таъ-минлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дас-тур сифатида тавсия этилди.

Истиклол йилларида халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини тик-лаш ва кадрлашга алоҳида эътибор берилди. Уларнинг жаҳонга машҳур намо-яндалари – Алишер Навоий (1991), Баҳоуддин Накшбанд (1993), Мирзо Улуғбек (1994), Амир Темур (1996), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жа-лолиддин Мангуберди (1999), Бурҳониддин Марғиноний (2000), Имом Мотури-дий (2000), Абдуҳолик Ғиждувоний (2003), Хожа Аҳрор Валий (2004) каби ал-лома ва давлат арбобларимизнинг юбилейларини ЮНЕСКО билан ҳамкорликда нишонлаш анъанага айланди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакатимиз қадимий шаҳарлари–Бухоро ва Хиванинг 2500 (1997) йиллигини нишонлаш тўғрисида 1996 йил 3 январда қарор қабул қилинди<sup>2</sup>. Алпомиш достонининг 1000 йиллиги (1999), Авесто китобининг 2700 йиллиги (2001), Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги (2002), Шаҳрисабз (2002) ва Қаршининг (2006) 2700 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги (2007) ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги (2009) ЮНЕСКО билан ҳамкорликда нишонланди. Бу тантаналар кўп миллат-ли халқимиз, биринчи навбатда, ёш авлодни маънавий ва маърифий камолотини мустаҳкамлашда катта хизмат қилади.

Зиёлиларнинг илғор қисми бўлмиш бадий адабиёт вакиллариининг халқимиз калбинини, унинг олий мақсадлари, бугунги ҳаёти, тақдири ва келажagini яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири беқиёсдир.

Истиклол туфайли диний ва сарой адабиёти вакили деб айбланган Аҳмад Яс-савий, Боқирғоний, Хожа Аҳрор Валий, Хусайн Бойқаро, Машраб, Феруз синга-

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». 2-бет.

<sup>2</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабон лўғат. –Т.: «Шарқ». 2009. 541-бет.

ри буюк шоир, адиб ва мутафаккирлар, миллатчи деб ноҳақ қораланган Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Мунавваркори ижоди халққа қайтарилди, уларнинг асарлари кўп тиражда чоп этилди.

Бугунги кунда Фарғона шаҳрида – Аҳмад Фарғоний (1998)<sup>1</sup>, Урганчда – Муҳаммад Мусо Хоразмий (2007)<sup>2</sup> ва Жалололдин Мангуберди (1999)<sup>3</sup>, Навоий шаҳрида – Алишер Навоий, Андижонда Захириддин Муҳаммад Бобур (1993)<sup>4</sup>, пойтахтимизда эса Ғафур Ғулом (2005), Абдулла Қаҳҳор (2007)<sup>5</sup> ва Зулфияхоним (2008)<sup>6</sup> сингари алломаларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз ҳайкалларини, Термиз шаҳрида Алпомиш ёдгорлик мажмуаси (1999)<sup>7</sup>, Қаршида эса «Эл-юрт таянчи» (2006)<sup>8</sup> ва бошқа ўнлаб монументал санъат асарларини барпо этилиши уларга нисбатан чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

Маълумки, 1930–1953 йилларда собиқ СССР ҳудудида мудҳиш оммавий сиёсий катағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши катағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш kifоя. Инсоний кадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида нафақат давлат арбоби ва зиёлилари, балки юзлаб оддий инсонлар, юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат вакиллари бор эди. Бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2000 йил пойтахтимизнинг Юнусобод туманида катағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб кетган Бўзсув канали соҳилидаги жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси хиёбони» (2000)<sup>9</sup> ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил этилди. 2001 йилдан бошлаб 31 август «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» сифатида нишонланадиган бўлди. Мустақиллик йилларида ҳамма соҳада зарур ислохотлар олиб борилиб, улкан ютуқларга эришилди. Айниқса, жисмоний тарбия ва спортнинг турли соҳаларида катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатда «Соғлом авлод» дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятни тиклашга катта эътибор қаратилди. Миллий курашимиз халқаро спорт турларидан бирига айланди. 1999 ва 2005 йилларда 1- ва 5-жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтказилиши мустақил Ўзбекистонда спортга катта эътибор берилётганлигидан гувоҳлик беради.

<sup>1</sup> Мустақиллик даври ўзбек меъморчилиқ ва монументал ҳайкалтарошлиқ санъати. – Т.: 2011. – 102-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 140-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 112-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. 100-бет.

<sup>5</sup> Ўша асар. 142-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар. 108-бет.

<sup>7</sup> Ўша асар. 114-бет.

<sup>8</sup> Мустақиллик даври ўзбек меъморчилиқ ва монументал ҳайкалтарошлиқ санъати. – Т.: 2011. – 136-бет.

<sup>9</sup> Ўша асар. 24-бет.

Истиклолимизнинг дастлабки йилларида тузилган жамоат ташкилотлари орасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси борлигида, давлатимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун» деб аталганида катта рамзий маъно, ислохотларимизнинг, ижтимоий сиёсатимизнинг асосий мақсадларидан бирига ишора бор. «Соғлом авлод» тушунчаси бу ерда тор тиббий мазмунда қўлланилаётгани йўқ. Унинг негизида маънавий ва жисмоний етуклик мазмуни мужассам<sup>1</sup>. «Жамиятнинг хақиқий бойлиги, бу – инсон, инсон авлодидир», «хар қандай улуг мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, баркамол авлодга боғлиқдир», «Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш демакдир»<sup>2</sup>.

Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустақкам, жамият мустақкам экан – мамлакат барқарордир. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга доимий равишда катта эътибор қаратилаётгани, ҳеч шубҳасиз аҳоли саломатлигини мустақкамлашга хизмат қилмоқда. 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши мустақил Ўзбекистонимизда ёш авлод тарбияси ижтимоий ҳаётнинг устувор соҳасига айланганлигидан яна бир нишонадир.

2012 йилда 108 та болалар спорт объекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган қарийб 1 миллион 600 минг бола ёки юртимиздаги болаларнинг 35,6 фоизи турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий «Бунёдкор» ва «Локомотив», Бекобод шаҳрида «Металлург» футбол комплекслари бунёд этилди<sup>3</sup>.

2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманларида 900 дап ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 якка тартибдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. 2013 йилда эса қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метрдан зиёд 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Бу қурилишларга 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Шундан 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкнинг кредит маблағлариши ташкил этади.

2013 йилда таълим-тарбия йўналиши бўйича 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381та умумтаълим мактаблари, 45 та Олий таълим объектлари,

<sup>1</sup> Эркаев А. Ўзбекистон йўли. –Т.: «Маънавият». 2011. 192-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ваган қолсин. 2-жилд. -- Т.: «Ўзбекистон». 1996. – 207–209-бетлар.

<sup>3</sup> Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» 2-бет.

131 та коллежлар бинолари капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорт объекти янги инвентарлар билан жиҳозланиб фойдаланишга топширилди. Умумтаълим мактабларида чет тилини ўқитишга мослаштирилган 17 минг ўқув хоналари ташкил этилди. Чет тили предмети бўйича 538 мингдан зиёд рангли дарсликлар чоп этилди. Умумий сони 26 минг нафар чет тили ўқитувчисининг ойлик маоши 30 фоизга кўтарилди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Қишлоқ туманларида яшаётган 14 миллион 600 минг аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди. 2011–2013 йилларда 535 минг нафар хомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича медицина текширувидан ўтказилди. 2013 йилда 2 миллион 700 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олди олинди. Натижада, нуқсонли бола туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.

Факатгина 2013 йилда соғлиқни сақлашга йўналтирилган инвестициялар 2010 йилга нисбатан 3,8 баробарга ошди. Шунингдек, 295 та тиббиёт объектлари реконструкция қилинди, тиббий марказларни ноёб аппаратлар билан жиҳозлаш 1,8 марта ошди. Мамлакат тиббиётида юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизга кўтарилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданок мустақил ташки сийсат юрита бошлади. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик принципларига амал қилиб, мустақил Ўзбекистон тезда жаҳон мамлакатлари орасида ўз ўрнини топиб олди. Қисқа муддат ичида 100 дан зиёд хорижий мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда АҚШ, Германия, Франция, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Япония, Жанубий Корея, Украина ва бошқа давлатларнинг элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари очилди. 1991 йил декабрида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкилотига аъзо бўлиб, унинг амалий фаолиятида фаол қатнашмоқда. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТ га тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди<sup>1</sup>. Мамлакатимиз БМТ юксак минбаридан баён этилган ташаббусларига жаҳон ҳамжамияти доимо катта қизиқиш билан қараб, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг ривожидан Амир Темур ва Темурийлар даври ўзига хослиги ва такомиллашганлиги билан ажралиб туради. Бевосита Амир Темур ҳукмронлиги даврида Европанинг йирик давлатлари – Франция, Испания каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган<sup>2</sup>. Бунда Генрих IVнинг 1403 йилда Амир Темур ва унинг ўғли Мироншоҳга мактублар йўллагани мисол бўла олади. Бу шундан далолат берадики, ўша даврнинг ўзида Осиё ва Европа минтақалари ўртасида сиёсий, маданий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти. - Тошкент, 2013. 176-бет.

<sup>2</sup> МИД РУз // Цели и задачи внешнеполитического курса Узбекистана. <http://www.mfa.uz>



Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (1992.III) қабул қилинди. Ўзбекистон ЕХХТ билан ҳамкорлик қилар экан, хавфсизликка янги таҳдид, хатарлар, халқаро майдондаги вазият ва Ўзбекистоннинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, асосий эътиборни Ташкилот тамойилларига риоя этиш ва унинг доирасида зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга қаратади. Мамлакатимиз раҳбариятининг ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича ташаббуслари Ташкилотнинг қатор ҳужжатларида ўз аксини топган бўлиб, бу мустақкам ҳамкорликнинг давом этишига хизмат қилмоқда.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Кенгашининг 1992 йил 10 июлида бўлган мажлисида Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримовнинг раислик қилиши унинг жаҳон ҳамжамятида муносиб ўрин олганлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

«Европа тикланиш ва тараққиёт банки»га (1992.IV) аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар 1994 йил 16 ноябрь куни ўрнатилди<sup>2</sup>. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги илмий-техник ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари икки ва қўп томонлама имзоланган шартномалар асосида амалга ошириб келинмоқда<sup>3</sup>.

БМТ қошидаги фан, маданият ва таълим соҳасидаги ЮНЕСКО ташкилотига (1993, 26 октябрь) аъзо бўлди. 1997 йилда Ташкилотга аъзо мамлакатлар Ўзбекистон Республикасини Ижроия кенгашга сайлади. Президент Ислон Каримовнинг 1996 йилнинг апрель ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳига ташриф буюриб, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тадбирда иштирок этгани бу ҳамкорликни ривожланиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. 1998 йилнинг ноябрь ойида ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессияси якунида «Тинчлик маданияти ва аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО фаолияти» деб номланган Тошкент декларацияси қабул қилинди<sup>4</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тинчликсевар сиёсат ўтказиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. 1993, 1995, 2000, 2010 йилларда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг иштироки ва ундаги маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўхна ва навқирон давлат сифатида танитди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> *Исматуллаев Ф.* Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991–2005 йиллар) т.ф.н. даражаси учун ёзилган диссертация. – Т.: 2011. – 35-бет.

<sup>2</sup> *Касымова Н.А., Жураев С.А.* Актуальные вопросы современных международных отношений. Т.: «Академия», 2008. С. 232.

<sup>3</sup> *Исматуллаев Ф.* Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991–2005 йиллар) т.ф.н. даражаси учун ёзилган диссертация. – Т.: 2011. – 112-бет.

<sup>4</sup> *Ислон Каримов.* Ўзбекистон Республикаси Президенти. – Тошкент, 2013. 193-бет.

<sup>5</sup> *Исматуллаев Ф.* Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991–2005 йиллар) т.ф.н. даражаси учун ёзилган диссертация. – Т.: 2011. – 31-бет.

Ўзбекистон НАТОга аъзо бўлди. Ўзбекистон ва НАТОни кўп йиллик шериклик муносабатлари боғлаб туради ва бу Президент Ислом Каримов илгари сурган қатор прагматик ташаббусларда ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан, НАТО/СЕАПнинг 2008 йилдаги Бухарест саммитида мамлакатимиз раҳбари Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича НАТО иштирокида «6+3» мулоқот гуруҳини шакллантириш ташаббуси билан чиқди. 2011 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Президенти Брюсселга ташриф буюриб, унинг доирасида НАТО Бош қотиби А.Расмуссен билан учрашди. Ушбу учрашув Ўзбекистон билан Евроатлантика альянси ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бахш этди<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг халқаро тузилмалар билан ҳамкорликда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) алоҳида ўрин тутади. Ташкилот тузилгандан бошлаб Ўзбекистон томони унинг фаолиятидаги ўз иштирокига масъулият билан ёндашиб келмоқда. Ўзбекистон ШХТ раислик қилган 2010 йилда мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуси билан стратегик аҳамиятга молик ҳужжатлар, жумладан, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом ва ШХТ тартиб-қоидалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бундан ташқари, БМТ ва ШХТ қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон 1995 йилда Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ)га аъзо бўлди. Ўтган йиллар давомида ушбу халқаро молия муассасаси билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди<sup>3</sup>. Ҳамкорлик транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ хўжалиги, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ва таълим каби соҳаларни қамраб олган. Осиё қитъаси мамлакатларининг турли халқаро иқтисодий ва сиёсий ташкилотларига аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистон раҳбарияти Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, Афғонистон ва Тожикистондаги можаролар, наркобизнес ва халқаро терроризмга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини хал этиш ва бошқа муҳим масалалар юзасидан жаҳон жамоатчилиги олдига қатор таклифларни ўртага ташлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақиллик йилларида иқтисодий-хўжалик ва маданий ҳаётда, мамлакат ободончилиги ва унинг гуллаб-яшнашида, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида самарали ишларни амалга оширди ва ошириб бормоқда. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши кўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Мустақиллик туфайли яқин ўтмишгача ачинарли қисматни бошидан кечириб келган халқимиз эндиликда озод ва обод ватанда эркин нафас олиб яшамоқда. Ватанимиз илм-фан ва ижод аҳлига эркин изланишлар олиб боришга кенг имкониятлар яратилди.

<sup>1</sup> Ўша асар. 191-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 189-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 184-бет.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб. тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик туфайли эканлигини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ана шу ҳақиқатни халқимиз ҳар томонлама тўғри тушуниб, танлаган тараққиёт йўлимизни онгли равишда қабул қилгани ва қўллаб-қувватлаётгани олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи ва гарови эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги эътиборига тушган мустақил Ўзбекистон давлати ва унинг меҳнатсевар халқининг, бу халқ аجدодларининг илғор фикрли етук алломалари, давлат арбоблари, уларнинг жаҳон маданияти ва цивилизацияси тарихий хазинасига қўшган ҳиссалари беқиёс эканлиги жаҳон миқёсида ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Бу беқиёс маданий мерос соҳибларининг келиб чиқиш тарихини фундаментал асосда илмий ўрганиш, у ҳақда мунтазам илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги ва эртаги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Буларнинг барчаси мустақил Ўзбекистон давлатининг шонли келажагидан далолатдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қисқа муддат ичида қўлга киритилган ютуқлар яхши, аммо, олдимизда қилиниши керак бўлган, кундалик ҳаёт ва келажагимиз талаб этаётган ишлар ҳар жабҳада шунчалар кўпки, уларни амалга ошириш биринчи навбатда ёшлар қўлида. Халқимиз ирсиятида буюк аجدодларимиз кони оқаётган бугунги ёшлар орасидан Бегунийлар, Ибн Синолар, Аҳмад Фарғоний ва Мухаммад Хоразмийлар етишиб чиқишига аминмиз.

Кейинги икки йил давомида тиббиёт, таълим, халқимизнинг илмий мероси ҳақида уюштирилган нуфузли халқаро анжуманлар, уларда хорижий олимларнинг чиқишлари, уларнинг бу соҳалардаги амалий фаолиятимиз билан танишиб, билдирган фикр-мулоҳазалари бизга танлаган йўлимиздан адашмай дадил олға интилишимизга қанот бағишлайди. Шу йўлда дадил иқтисодий ва сиёсий, маънавий ва маърифий амалий ишлар олиб бориш, олға босиш Мустақил Ўзбекистон Республикаси ва унинг ўзбек миллати олдида турган бош вазифадир. Ушбу асар ҳам ана шу ёш авлодни она Ватанга содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган, халқимиз босиб ўтган шонли йўли, ана шу йўлда ўзбек халқи ва унинг миллат сифатида шаклланиш жараёнларига бағишланган. Кенг китобхонлар оммаси ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ҳақида бирор тасаввурга эга бўлсалар, маънавий озука ва руҳий қувват олсалар муаллифлар жамоаси беҳад хурсанд бўлган бўлар эди.

## ХУЛОСА

Ушбу асарнинг кириш қисмида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи масаласи, айниқса, бугунги кунда, мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳар томонлама юксак даражада ривожланиб бораётган кезларда, республика тарихида энг долзарб муаммолардан бири эканлиги, унинг асослари, мақсад ва вазифалари ҳақида гап борар экан, тадқиқотнинг I–XX бобларида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳамда миллат тарихи билан боғлиқ масалалар устида бирламчи манбаларнинг объектив, холисона илмий таҳлили асосида фикр-мулоҳазалар юритилди. Мураккаб, кўпдан-кўп илмий баҳслар объекти бўлиб келган ушбу муаммо ечимига комплекс ёндашувлар асосида, яъни унинг тарихий илдизлари икки хўжалик соҳиблари бўлган (ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадор) аجدодларимизнинг узок асрлар давомида бир-бирлари билан ижтимоий ва иқтисодий, маданий ва маънавий қоришуви негизида таркиб топган янги этнос бўлиб шаклланганлиги масаласида бир тўхтамга келинди.

Ижтимоий-гуманитар йўналишидаги фан тармоқларининг энг сўнгги ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда, ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисида китобхонга аниқ бир тасаввур беришга ҳаракат қилинди. Ишнинг баёни давомида, унинг тегишли бобларида халқларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фанда мавжуд концепциялар, уларнинг илмий ва ноилмий, шубҳали ва асоссиз жиҳатлари таҳлил қилинди; Ўзбекистон тарихининг янги даврашатириш масалаларига аниқликлар киритилди; ўзбек халқи тарихий илдизларининг бирламчи этник асоси бир томондан бронза даврида таркиб топган ўтроқ аجدодларимиз маданиятига бориб тақалса, иккинчи томондан, айнан шу даврда шаклланган, Авестода илк бор тилга олинган прототуркий тилли чорвадор аجدодларимизга бориб тақалиши бой археологик материаллар асосида таҳлил этилди; ўзбек этногенези, этник тарих ва миллат тарихининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида янги фикрлар айтилди; мавжуд қарашлардан фарқли ўлароқ, ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси, у билан боғлиқ этномаданий жараёнлар, ўзбек этногенезининг турли тилли этник компонентлардан ташкил топганлиги моддий маданият ва ёзма манбалар асосида баён этилди. Аммо, фанда евроцентристик ғоя издошлари орасида қадимги хитой ёзма манбаларидаги аслият нусхалари маълумотларига нисбатан шубҳали қарашларнинг давом этиши туркийликнинг илдизлари Туронда бронза даврига тегишли эканлигига соя солмоқда. Чунки, совет даври тарихий тилшунослигида Еврооисиёнинг Тоғли Олтойгача чўзилган худудий доирасида қабила ва элатлар

кадимда эроний тилларда сўзлашар эдилар, деган концепция хукмрон эди. Бунга кўра, гўёки Ўрта Осиёнинг форсий-тожик аҳолисига ҳамда Эрон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон халқига хос қадимги эроний тил Марказий ва Шарқий Европа даштларидан мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида орийлар томонидан олиб келинган ва ерли эламитлар ва хурритларни эронийлаштирган, деган шубхали қараш фанда устувор эди. Қадимги хитой ёзма манбаларининг истиқлол йилларида объектив ва ҳолисона ўқилиши муаммога илмий аниқликлар киритди.

Шунингдек, этник бирликлар, этноним ва топонимларнинг қадимги эроний ва юноний ёзма манбаларда, қадимги хитой, ҳинд ва арман манбаларида, маҳаллий суғдий, хоразмий, бохтарий, парфиёний, сак ва туркий манбаларда акс этиши, уларни қиёсий солиштириш асосида кўп чалкашликларга ҳам жузъий аниқликлар киритилди. Ўзбек этногенезининг яхлит эл бўлиб таркиб топгунига қадар босиб ўтган тарихий йўли, этносга хос омиллар ва белгиларнинг шаклланиб бориши кузатилди.

Ўзбек этносининг туб негизи шу заминнинг автохтон суғдий ва туркий этник қатламларининг узок асрлар давомида ёнма-ён, бирга, кўни-қўшни бўлиб яшаб келганлиги, тарих тақозоси билан улар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, этномаданий алоқалар секин-аста этник жиҳатдан аралашиб ва бир-бирлари билан қоришиб кетиши, охир-оқибатда, янги этнос-ўзбек халқи шаклланиши баён этилди.

Ўзбек халқининг келиб чиқишини унинг этник номи билан боғлаш асоссиз эканлиги, одатда халқ тарихи унинг номидан қадимий эканлиги масаласи, баъзида этносни шакллантирувчи объектив омилларнинг яқунловчи бўғини нафақат сиёсий давлат уюшмаси, балки этносга хос умумий жонли халқ тили бўлиши ҳам мумкинлиги ишда илмий исботини топган. Аммо, унинг даврий санаси ҳақида ҳамон тилшунос олимларимиз бир тўхтамага келиб олишганлари йўқ. Бу масалада кўшимча асосли изланишлар олиб борилишини, гуманитар фан вакиллари (тарих, археология, этнология, социология, фалсафа, тилшунослик ва бошқалар) ўртасида илмий ҳамкорликни ҳаёт тақозо этади.

Дарҳақиқат, ўзбек халқи учун сиёсий давлат уюшмаси бўлиб хизмат этган Қорахонийлар давлати ўз таъсир доирасини Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳудудлари ҳисобига кенгайтирганда, муомалада бўлган давлат тили умумтурк тили эди. X аср охири ва XI аср бошларида умумтурк тилидан эски ўзбек тили ҳали ажралиб чиқмаган эди. Тўғри, нафақат ўша кезларда, ҳатто Сомонийлар давлати давридаёқ, қарлуқ-чигил лаҳжасининг Мовароуннаҳр тармоғи эски ўзбек тилига асос бўлган ва у кенг халқ оммасининг жонли тили сифатида муомалада эди. IX–X асрларда Қорахонийлар давлатининг шарқий ҳудудларида кенг тарқалган қарлуқ-уйғур тил лаҳжаси эса умумтурк тили таркибида эди. Аммо, унинг умумдавлат микёсида мавқеини ўрнатилиши Фарбий Қорахонийлар давлати даврида, яъни XI асрнинг иккинчи ярми ва XII аср давомида юз берди. Шунинг учун ўзбек элатининг халқ сифатида узил-кесил шаклланишини XI асрнинг иккинчи ярми – XII аср давомида амалга ошди, дейиш асослидир.

Ўзбек элати халқ сифатида узил-кесил шакллангач, унинг таркибига қўшилиб борган этник компонентлар аввалига этнографик гуруҳлар, этник бирликлар сифатида яшашда давом этиб, секин-аста муайян халқ таркибига сингиб кетса-да, шаклланган халқ таркибини ўзгартириб юбора олмаслиги, фақат муайян халқ антропологик юз тузилишида баъзи бир ўзгаришлар юз беришига таъсир кўрсатса-да, аммо унинг шаклланган жисмоний киёфасини тубдан ўзгартира олмаслиги антропологик сериялар асосида илмий исботланди.

Бирламчи манбалар баёни ва илмий таҳлили давомида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи уч босқичдан, яъни этногенез, этник тарих ва миллат тарихидан иборат эканлиги ҳақидаги илмий концепцияга амал қилинди. Уларнинг бошланғич ва якуний нуқталарига илмий асосда аниқликлар киритилди. Муайян халқ тарихининг биринчи босқичи синфий жамиятнинг шаклланиши ва илк бор таркиб топиш даврининг маҳсули бўлса, унинг иккинчи босқичи феодализм жамиятининг маҳсули эканлиги, учинчи босқичи эса халқ иқтисодий ва маданий ҳаётига капиталистик муносабатларнинг кириб келиши билан бошланиши илмий асосланди. Миллатга хос хусусиятлар, уларнинг жамият ҳаётида намоён бўлиши, миллат менталитети ва унинг ибратона сифатлари ҳамда салбий иллатларининг баргараф этилиши муаммолари таҳлил этилди.

Ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни ўзбек халқи этногенези каби узок давом этадиган этномаданий жараён эканлиги ишда илмий асосланган. Ўзбек халқи миллат сифатида XIX асрнинг охири – XX аср давомида тўла-тўқис шаклланганлиги илмий таҳлил этилди. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ўзбек миллати тўла-тўқис шаклланди, дея оламиз. Чунки, миллатни шакллантирувчи омилларнинг аксарият кўпчилиги – давлатнинг миллат номи билан аталиши, миллат номи билан аталган давлат чегараларининг қатъий, дахлсиз бўлиши, аниқ ҳудудий чегарада муомалада бўлган умуммиллат тилининг давлат тили мақомини олиши, миллатга хос миллий менталитетнинг шаклланиши ва бошқалар содир бўлган. Халқ ва миллатга қўйилган талаблар қиёсий таққослаш асосида аниқ ўз ифодасини топди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, ўзбек халқи этногенези ва этник ҳамда миллат тарихи бўйича олиб борилган изланишлар ва умумлаштиришларга яқун ясаб, яна бир бор таъкидлаш жоизки, ўзбекларнинг этник асосини қадимдан шу заминда яшаб келган автохтон прототурк аجدодларимиз, шимоли-шарқий эроний тилларнинг турли лаҳжаларида сўзлашган сак-массагетлар, суғд ва бохтарийлар, Қадимги Фарғона ва чочликлар ташкил этган. Миллоддан аввалги II мингйилликнинг ўрталаридан шимоли-шарқдан прототурк аждодларимизнинг Евроосиё даштларида яшовчи протоевропеоид (Андроново типли) қабиладошларининг катта гуруҳи кириб келадилар ва улар туб жойли аҳоли билан иқтисодий ва этномаданий алоқада бўладилар. Мил. авв. I мингйиллик ўрталаридан Мовароуннахрнинг шимолий ва шимоли-ғарбий даштларида турко-монгол номи остида илк бор мўғулий киёфали этник гуруҳлар пайдо бўлади.

«Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи»нинг этник асосини ана шу протоевропеоидларнинг маҳаллий Ўрта Ер денгизи типи билан қоришуви ташкил этган. Ушбу тип шаклланган бу ҳудуд ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбек этногенези мил. авв. I мингйилликнинг иккинчи ярми–милодий эранинг бошларида янгидан-янги туркий қабилаларнинг бу заминга кириб келиши ва мил. авв. III асрда кангуйлар Юечжи, Кушон (мил. авв. I–милодий IV аср) давлатларининг таркиб топиши асосида ривожланади. Маҳаллий аҳолининг туркийлашиш жараёни Турк хоқонлиғи (VI–VIII асрлар) даврида сезиларли даражада жадаллашади, этномаданий ривожланишнинг активлашиши оқибатида турк-суғд симбиози юз беради. Ўзбек этногенези Мовароуннаҳрда йирик турк давлати–Қорахонийлар давлати ҳукмронлиғи ўрнатилиши билан (XI асрнинг бошлари) бу жараён жадаллашиб, Ғарбий Қорахонийлар даврида узил-кесил шаклланади (XI–XII асрлар).

Айнан шу босқичда барча этник омиллар: ҳудудий бирлик, маданий, тил, тарихий тақдир бирлиғи, сиёсий уюшма, дин бирлиғи ва ўзликни англаш бирлиғи юз беради. XV асрнинг охири – XVI аср бошларида шаклланган турк этник бирлик таркибига дашт ўзбеклари номини олган янги этник масса Дашти Қипчоқ чўлларидан келиб кўшилади. Улар шаклланган турк этник бирлик таркибига ҳеч бир янгилик киритмади, фақат улар ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларига (Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё) оз миқдорда этномаданий таъсирини ўтказди. Аммо, улар келгунича шаклланган турк халқи, улардан «ўзбек» этнонимини олди.

Бир неча асрлар давомида ўзбек халқи аجدодларининг бой хўжалик анъаналари шаклланади. Мовароуннаҳр ва унга туташ вилоятларда аҳолининг катта қисми ўтроқ деҳқончилик, халқ хунармандчилиғи ва чорвачилик хўжаликлари билан шуғулланадилар. Бу заминда асосан учта тарихий-маданий хўжалик комплекслари таркиб топади: такрорий суғорма деҳқончиликка асосланган оазисларнинг ўтроқ аҳоли хўжалиғи, чорвачилик ва деҳқончилик хўжалиklarини параллел олиб боровчи тоғолди районларнинг ярим ўтроқ аҳоли хўжалиғи ва кўчманчи чорвадорлар хўжалиғи.

Қадимдан кўчманчи чорвадорлар аста-секин ўтроқ ҳаётга ўтиб, деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланишга кўникиб борадилар, уларнинг ҳаёти эса комплекс характер тусини олади. Ўзбекларнинг иқтисодий ва маданий ривожланиши туфайли бу хўжалик типларида катта ўзгаришлар юз беради, бу ўзгаришлар айниқса Ғарбий Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлати даврида яққол кўзга ташланади. XIX асрнинг охири – XX аср бошларидан ўзбек халқининг қадимдан давом этиб келаётган ярим ўтроқ ва ярим кўчманчилик хўжаликлари комплекслари йўқолади, ўзбек жамиятининг катта қисми шаҳар турмуш тарзига ва саноатлашган иқтисодиётга ўтади. Айниқса бу жараёнлар собиқ совет даврида алоҳида кўзга ташланади. Бу ҳолатлар халқ хунармандчилиғи ривожига путур етказди. Аммо, мустақиллигимиз туфайли, тарихан таркиб топган халқ хунармандчилиғи, халқимизнинг анъанавий хунармандчиликдаги меҳнат фаолияти ҳозирги замон

Ўзбекларнинг турмуш тарзида янги йўналишда ривожланиш палласига кирди. (Ўзбеки. «Наука», Москва, 2011).

Тил этник мансубликни аниқлашда муҳим ўлчамлардан бирidir. Ўзбеклар тилини олимлар туркий тилларнинг ғарбий қарлуклар лаҳжаси билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Унинг шаклланиши XI–XII асрлар давомида яқунланиб, кенг халқ оммасининг жонли ва адабий тилига айланади (Баскаков, Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. В кн. Народы Средней Азии и Казахстана. М., 1962, с. 118.). Икки тиллилиқ (туркча ва форсча) минтақа аҳолиси учун характерли хусусият.

Йирик миграцион кўчишлар йўлида жойлашган, ўзга этник босқинчиларнинг талончилик урушлари майдонига айланган, ҳар хил маданиятлар чоррахасида бўлган минтақанинг қадимги аҳолиси фавқулодда мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва этник жараёнларни бошидан кечирди. Археологик материалларда Ўрта Осиё, Ғарбий Сибир, Шарқий Европа ва Кавказ халқлари орасида ўзаро маданий алоқалар неолит давридан мавжудлиги кузатилади. Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан ўзбек халқи аجدодларининг қадимги Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Олд Осиё ва Жануби-Ғарбий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ўзаро маданий алоқаларининг тарихий илдизлари жуда қадимий даврларга бориб тақалади.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг аجدодлари ўзларининг кўп асрлик тарихи давомида кўпгина полиэтник давлатлар, шу жумладан Ахоманийлар империяси, Салавкийлар, Юнон-Бақтрия подшолиги, Кушонлар салтанати, Қанг давлати, Турк хоконлиги, Араб халифалиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари, Чингизхон империяси, Амир Темур давлати, Шайбонийлар, Аштархонийлар давлатлари, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари, Россия империяси ва СССР таркибида бўлиб келдилар. Ушбу минтақа халқлари қадимдан ва ҳозирги кунда ҳам хўжалиқ турмуш тарзи, тил, маданият ва диний дунёси билан ҳам бир-бирлари билан ўзаро боғлиқдир.

Ўзбек халқи тарихининг барча босқичларида дин жамият ҳаётининг барча жиҳатларига–сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқ ва одоб дунёсига сингиб борди. Исломга қадар эътиқодлар (тотемизм, анимизм, шаманизм, зороастризм ва бошқалар), манихейство и несторианство Ўрта Осиё жамияти ҳаётида этноинтеграцион ролни ўйнаб келди. Араблар истилосидан кейин Мовароуннаҳрда ислом маҳаллий аҳолининг диний эътиқодини ўзгартирди. Ўрта Осиё, жумладан ўзбек халқи аجدодлари исломнинг сунний (ханафия) йўналишини қабул қилдилар. Янги эътиқод аҳоли барча қатламларининг ахлоқ нормаларига, одоб ва қундалиқ турмуш тарзига айланди. Аммо у эътиқодда ўтмишдаги диний тасаввурларни барчасини йўқ қилиб юбора олмади, аксинча аввалги диний кулът ва диний урф-одатларни баъзиларини ўзига сингдириб юборди. Ўрта Осиё мусулмонлари диний ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари айнан мана шунда ўз ифодасини топган. Бу диний синтез ўзбеклар маънавий дунёсини анча бойитди.

Араб диний дунёси ва бошқа Шарқ давлатлари билан яқин алоқада бўлган Мовароуннаҳр ўрта асрлар дунёсининг мутафаккирлари–Имом Бухорий, Имом



Термизий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний ва бошқалар ислом таълимоти хазинасига катта ҳисса кўшдилар, мусулмонлар дунёсининг танилган уламоларига айландилар. Таниқли машҳур олимларнинг (Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек ва бошқалар) фалсафа ва тарих, астрономия ва математика, медицина ва география фанлари йўналишлари бўйича асарлар яратиб, жаҳон фанини буюк кашфиётлар билан бойитдилар, минтақа халқлари, биринчи навбатда, ўзбек халқи аجدодларининг этномаданий ҳаётини юксак даражага кўтардилар. Бунда ўзбек шеърини султони Алишер Навоийнинг хизмати шубҳасиз каттадир.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари мутлақо янги сиёсий воқеалар, ўзбекларнинг иқтисодий хўжалик ва этномаданий ҳаёти, анъанавий маданияти ва урф-одағларига кириб келган ўзгаришлар билан характерланади. Ўзбек халқи бу ўзгаришлар давомида жаҳон маданияти билан ҳамоҳангликда ривожланиб, цивилизация тараққиётида ўз ўрнини топди. XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлинган ҳолда кириб келди. Бундай ҳолат узок асрлар давомида бир халқ бўлиб яшаб келган минтақа аҳолиси ҳаётида этник бирликни иккинчи даражага суриб юборган эди. 1924 йилда Ўзбекистон ССРни ташкил топиши кўпчилик ўзбекларни битта республикада тўпланишига олиб келди. Бутун бир миллат ўзбек номи билан юритиладиган бўлди.

Совет даврида юз берган тубдан қайта қуришлар жамиятда сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келди, этномаданий муҳитни бойитди, ўрта ва олий таълим пайдо бўлди, илм-фан, дунёвий адабиёт, музыка ва санъат ривожланди. Аммо, бу туб ўзгаришлар миллий кадриятлар ва маданиятни тарихий илдизларидан юлиб олиб, маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсати билан бирга олиб борилди. Иқтисодиётда анъанавий ривожланишга зид тенденциялар, яъни хўжаликни янги техникавий асосда ривожланиши, хўжаликнинг саноат базасини мустақамлаш ва фан ютуқларини хўжаликка жорий этишлар кўзга ташланди. Аммо, шу билан бирга, хўжаликни ташкил этиш ва бошқаришда бой тажриба шаклларидадан фойдаланишни инкор этиш салбий оқибатларга, яъни пахта яккаҳоқимлиги ва экологик муҳитни бузилишига, ерлар тузини кўтарилишига, ботқоқликларга айланишига олиб келди. Оғир саноат тармоқларини ривожлантириш маҳаллий хомашёлар базасида қурилмади, оғир саноат маҳсулотлари Республика иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилмади, шу боис, саноат миллий кадрларни тайёрлаш билан бирга олиб борилмади, аксинча, халқ хунармандчилиги илдизига болта урилди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўзбек халқи ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди, 31 август 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақил суверен давлат деб эълон қилинди. Мустақил Ўзбекистон учун иқтисодиётда шунчалар кўп ва мураккаб муаммолар мерос бўлиб қолдики, суверен Ўзбекистон, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ана шу муаммоларни ечимини топишга қаратилган. Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси буни яхши билмоғи ва бу йўлда мустақил она Ватан учун онгли хизмат қилмоғи керак.

---

## ИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ВА ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Тарихий манбалар:

1. *Istakhri*. BGA, 1870, 1.
2. *Moqaddasi*. Descriptio Imperii moslemici, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 3. Lugduni Batavorum, 1967.
3. *Ptolemy*. Geography of Claudius Ptolemej. VI,12,1. – New York. 1932 y.
4. *Абу Райхон Беруни*. Избранные произведения. Том. II. Перевод А.Б. Халидова и Ю.Н. Завадовского, отв. редактор В.И. Беляев. Т.: 1963 г.
5. *Абу Райхон Беруний*. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: 1968.
6. *Абу Райхан Беруни*. Сайдана. Избранные произведения, IV. – Т.: 1973 г.
7. *Абу Райхон Беруний*. Танланган асарлар. Қонуний Масъудий. V. – Т.: 1973 й.
8. *Абу Райхан Беруни*. Памятники минувших поколений. Перевод с арабского М.А. Салье. «Беруни. Избранные произведения. Том I. – Т.: 1957 г.
9. *Абулғозий*. Шажараи турк. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. «Чўлпон», – Т.: 1992 й.
10. *Ал-Идриси*. «Китаб-роджер». Перевод С.В. Волина. МИТТ. Т. I. Москва–Ленинград, 1939 г.
11. *Алишер Навои*. Суждение о двух языках. Соч. Том. X. – Т.: 1970 г.
12. *Ал-Утби*. «Тарих-и Йамани». Пер. с перс. М.А. Салахитдиновой. В кн. «Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв.» Т.: 1988 г.
13. *Аль-Макдиси*. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. I. – Москва, 1939 г.
14. *Ал-Якуби*. BGA, VIII.
15. *Арриан*. Искандар юришлари. IV китоб.
16. *Арриан*. Искандар юришлари. III китоб.
17. *Абу Райхан Беруни*. Индия. Избранные произведения. Том II. Т.: 1963 г.
18. *Абу Райхан Беруни*. Собрание сведений для познания драгоценностей (минсралогия). Перевод А.М. Беленицкого. Ленинград, 1963 г.
19. *Абу Райхан Беруни*. Памятники минувших поколений. Перевод с арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Том I. – Т.: 1967 г.
20. *Абу Райхон Беруний*. Геодезия / Танланган асарлар. III жилд. Муқаддима, таржима ва изоҳлар А. Аҳмедовники. ЎзССР ФА нашриёти, – Т.: 1982 й.
21. *Абу Райхон Беруний*. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Танланган асарлар. I жилд. – Т.: 1958 й.
22. *Абу Райхан Беруни*. Памятники минувших поколений. Перевод с арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Том. I. Т.: 1967 г.
23. *Бобур З.М.* Бобурнома. – Т.: 1960 й.
24. *Бобур З.М.* Бобурнома. – Т.: 1958 й.

25. *Геродот*. «Тарих». Том I. III. VII.
26. *Геродот*. История в девяти книгах. Кн. VII. Ленинград, 1972 г.
27. *Геродот*. История в девяти книгах. Перевод Г.А. Стратановского, 2001 г.
28. Гимн Ардвиг-суре (Яшт 5 «Ардвисур яшт»). Авеста. Избранные гимны. Из Видевдата. Перевод И. Стеблина-Каменского. Москва, 1993 г.
29. *Ибн ал Асир*. Китаб ал-Камил фи-тарих. Перевод с арабского К.Б. Старковой. «Материалы по истории киргизов и Киргизии». М., 1973 г.
30. *Ибн Хордатбек*. Книга путей и стран. Перевод с арабского, комментарии, исследования, указатели и карты Н. Велиховой. Баку, Элм, 1986 г.
31. *Ибн Хавқал*. BGA, II.
32. *Ибн Хавқал*. Vial et regna. Descriptio ditionis moslemical antore Abul-Kasim I, n Naukal. BGA, II, 1873.
33. *Истахри*. BGA..., 1870.
34. *Истахрий*. Китоб масолик вал мамолик. «Материалы по истории киргизов и Киргизии». Том I. – Москва, 1973 г.
35. История ат-Табари. Изд. «Фан». Т.: 1987 г.
36. История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова), «Фан». – Т.: 1987 г.
37. *Кошгарий Маҳмуд*. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. I том. Фан. – Т.: 1960–1963.
38. *Курций Руф*. Македониялик Искандар тарихи. VII китоб.
39. Кўхна Танг сулоласи тарихи. II-қисм.
40. *Миқаддаси*. BGA, III.
41. *Маҳмуд Кошгарий*. Девону луғотит турк. I- жилд, – Т.: 1963 й.
42. *Маҳмуд Кошгарий*. Девону луғотит турк.(Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов). Том I, – Т.: 1960 й.
43. *Маҳмудхўжа Бехбудий*. Танланган асарлар. «Маънавият», – Т.: 1997 й.
44. *Мирза Муҳаммад Хайдар*. Тарихи Рашиди. Перевод с персидского А. Уринбаева. Т.: 1966 г.
45. *Мирзо Муҳаммад Хайдар*. «Тарихи Рашидий». – Т.: 1996 й.
46. *Мирзо Абдал Азим Сами*. Тарих-и-салотин – мангития. Перевод Л.М.Ефифановой. – Москва, 1962 г.
47. *Муқаддасий*. BGA. III.
48. *Муҳаммад Наршахий*. «Бухоро тарихи», – Т.: 1993 й.
49. *Муҳаммад Солиҳ Тошкандий*. «Тарихи жадиди Тошканд».
50. *Наршахий Абу Бакр*. Бухоро тарихи. Форсчадан А. Расулов таржимаси. «Фан», – Т.: 1966 й.
51. *Наршахий*. Бухоро тарихи. – Т.: 1993 й.
52. *Ниёз Муҳаммад*. «Тарих-и Шахрухия».
53. *Низомиддин Шомий*. Зафарнома. – Т.: 1996 й.
54. *Рашидаддин*. Сборник летописей. Т. I.
55. *Рашидаддин*. Джами ат-таварих. Москва-К, 1952 г.
56. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, перевод, комментарии В.А. Лившица. Вып. 2. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва, 1962 г.

57. *Страбон*. География в 17 книгах. Кн. XI. VIII, 8. Москва, 1964 г.
58. *Тарих-и гузида Нусратнома*. – Т.: 1967 й.
59. *Темур тузуклари*. – Т.: 1991 й.
60. ЎзР МДА, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 761-иш.
61. ЎзР МДА, 36-жамғарма, 1-рўйхат, 3298-иш.
62. ЎзР МДА, 1-жамғарма, 12-руйхат, 923-иш..
63. ЎзР МДА, 1-жамғарма, 1-рўйхат, 2599-иш.
64. ЎзР МДА, 1-жамғарма, 5-рўйхат, 939-иш.
65. ЎзР ПДА, 361- фонд, 1- рўйхат, 555-йиғма жилд.
66. ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4269-йиғма жилд.
67. ЎзР ПДА, 60 -фонд, 1- рўйхат, 4269- йиғма жилд.
68. *Улугбек и его время*. Соч. Т. II.
69. *Фирдавсий*. «Шоҳнома». И.В Бону Лахутий таржимаси. Том II, – М., 1960.
70. *Хондамир*. Хабиб ус-сийяр. – Тухрон, 1955 й.
71. *Шарафиддин Али Яздий*. Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари, 1360–1370-йиллар. Форс тилидан таржима ва изоҳлар О.Бўриевники. – Т.: 1997 й.
72. *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. – Т.: 1997 й.
73. *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома (фотофаксимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳ А.Ўринбоевники. – Т.: 1972 й.
74. *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. – Т.: 1996 й.

## II. Илмий адабиётлар:

1. *Каримов И.А.* Биздан обод ва озод Ватан қолсин. Том II. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Том III. –Т.: 1996.
3. *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Том IV. – Т.: 1996.
4. *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т.: 1997 й.
5. *Каримов И.А.* Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи. Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. 1998 йил 5 декабрь.
6. *Каримов И.А.* Юксак маънавият–енгилмас куч. – Т.: 2008 й.
7. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: «Ўзбекистон». 2012.
8. *Каримов И.А.* «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». Халқ сўзи // 2013 й. 19 январь. 1–3 б.
9. *Каримов И.А.* Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. – Т.: «Ўзбекистон». 2013.
10. *Ислом Каримов*. Ўзбекистон Республикаси Президенти. – Тошкент, 2013.
11. *Каримов И.А.* 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: «Ўзбекистон». 2014.
12. *Аальто П.* Имя «Ташкент» (Перевод и комментарии А.К. Акишева) // Shygys. № 1. Алматы, 2005 г.
13. *Абаев В.И.* К вопросу о прародине и древнейших миграциях иранских народов «Древний Восток и античный мир». Москва, 1972 г.

14. *Абаев В.И.* Осетинский язык и фольклор. Т. I. Москва, 1949 г.
15. *Абаев В.И.* Скифский быт и реформа Зороастра «Археологические открытия», часть XXIV, № I, 1956 г.
16. *Абаева В.И.* «Хрестоматия по истории древнего мира». Т. I. Древний Восток. – Москва, 1950 г.
17. *Абашии С.Н.* Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века). М., «Наука», 2004.
18. *С.Н Абашии.* Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты. «Наука», Москва, 2011.
19. *Абдулгозиёва Б.* Восточная Фергана в древности и раннем средневековье (система расселения, районирование и типология). Автореф. канд. дисс. – Самарканд, 1988 г.
20. *Абдуллаев К.* Живопись крепости Тавка, к проблеме этнической ситуации Северного Тохаристана (по данным настенных росписей) // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд, 7–8 сентября 2009 г.; Самарканд-Ташкент, 2010 г.
21. *Абдуллаев К.* Историко-географическая справка. «Археологическое исследование Джандавлаттепа и Шерабадского района». Прага, 2013 г.
22. *Абдуллаев К.* Уникальная находка терракотового фриза. ОНУ, № II, 1974.
23. *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс тилидан таржима ва изоҳлар А. Ўринбоевники. – Т.: 2008 й.
24. *Абдурайимов М.* Вопросы феодального землевладения и феодальной ренты в письмах эмира Хайдара. Т.: 1961 г.
25. *Абдурахманов А.* Топонимика и этимология. А-А., 1975 г.
26. *Абдурахмонов Ф.А., Шукуров Ш.* Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: 1973 й.
27. *Абдурахмонов Ф.А., Рустамов А.Р.* Қадимги туркий тил. – Т.: 1982 й.
28. *Абдурахмонов Ф.А.* Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. – Т.: 1999 й.
29. *Абдурахмонов Ф.А., Шукуров Ш.* Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: 1973 й.
30. *Абдухолиқ Абдурасул ўғли.* Туркий халқлар тарихига оид бир тибетча хужжат. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналі, № VI, – Т.: 1997 й.
31. *Абдухолиқ Абдурасул ўғли.* «Қадимги Фарғона тарихи». – Т.: 2002 й.
32. *Абдухолиқ Абдурасул ўғли.* Чин ва Мочин. Т.: Фан. 2006.
33. *Аванесова Н.А.* Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. Т.: 1991 г.
34. *Аванесова Н.А.* Межкультурные взаимодействия степного населения Евразии и урбанизированных земледельцев Средней Азии. Тез. докл. «Цивилизация Центральной Азии: земледельцы и скотоводы: традиции и современность», Самарканд-2002 г.
35. *Аванесова Н.А.* Новые материалы эпохи бронзы Зарафшанской долины. «Археологические исследования в Узбекистане–2001 год».
36. *Аванесова Н.А.* Проблемы истории андроновского культурного единства (по металлургическим изделиям). Автореф. канд. дисс. Ленинград, 1979 г.
37. *Аванесова Н.А.* Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Т.: 2010 г.

38. *Аванесова Н.А., Ташпулатова Н.* Символика огня в погребальной практике сапалшинской культуры (По материалам исследования могильника Бустан VI). ИМКУ, вып. 30. Самарканд, 1999 г.
39. *Аванесова Н.А., Шайдуллаев Ш.Б., Ёркулов А.* К вопросу о культурной принадлежности джамских древностей эпохи палеометалла. «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии.» Самарканд–Бишкек, 2005 г.
40. *Авесто.* Аскар Махкам таржимаси. – Т.: Шарқ. 2001 й.
41. *Агаджанов С.Г.* Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии в IX–XIII вв. Ашхабад, 1969 г.
42. *Агеева Е.И., Пацевис Г.И.* Из истории оседлых поселений Южного Казахстана. «Тр. ИИАН Каз ССР» Том V. Алма-Ата, 1958 г.
43. *Агзамходжаев Т.* Погребальные сооружения Чирчико-Ангренской долины I–VIII. Автореф. канд. диссертации. Т.: 1966 г.
44. *Адылов Ш.Т.* Административно-территориальное устройство западного Согда в раннем средневековье. Общественные науки в Узбекистане, № VI. Т.: 1998 г.
45. *Адылов Ш.Т.* Административно-территориальное устройство западного Согда в раннем средневековье. ОНУ, VI, 1998 г.
46. *Азимов И.* Росписи Узбекистана. Т.: 1987 г.
47. *Айдаров Г.* Язык Орхонского памятника Бильге-кагана. Алма-Ата, 1966 г.
48. *Акишев К.А.* Саки азиатские и скифские. «Археологические исследования в Казахстане». Алма-Ата, 1973 г.
49. *Акишев К.А.* Курган Иссык. Изд. «Искусство». Москва, 1978.
50. *Акишев К.А., Байпаков К.М., Ерзакович И.М.* Древний Отрар. Алма-Ата, 1972 г.
51. *Алиев И.* История Мидии. Баку, 1960 г.
52. *Алимов К.* Памятники скотоводов Чача. Т.: 1979.
53. *Алихонтұра Соғуний.* Туркистон кайғуси. – Т.: 2003.
54. *Альбаум Л.И.* Исследование Фаязтепе в 1973 г. «Древняя Бактрия». Ленинград, 1976 г.
55. *Альбаум Л.И.* К датировке верхнего слоя поселения Кучуктепа. ИМКУ № 8, Изд. «Фан» УзССР, 1969 г.
56. *Альбаум Л.И.* Поселение Кучуктепа в Узбекистане. «Материалы сессии, посвященной итогам археолого-этнографических исследований 1964 года в СССР». Тезисы докладов. Баку, 1965.
57. *Альбаум Л.И.* Раскопки буддийского комплекса Фаязтепе (По материалам 1968–1972 гг.). «Древняя Бактрия». Ленинград, 1974 г.
58. *Алексеев В.П.* Положение Тешик-Ташской находки в системе гоминид. Антропологическая реконструкция и проблемы палеоэтнография. Изд. Наука, Москва, 1973.
59. *Алексеев В.П.* Географические очаги формирования человеческих рас. Изд. «Мысль», М., 1985.
60. *Аманжулов А.С.* Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Автореф. докт. дисс. Алма-Ата, 1975 г.
61. *Аманжулов А.С.* Рунообразная надпись из сакского захоронения. «Вестник АН КазССР», № II, Алма-Ата, 1971 г.
62. *Аманжулов А.С.* Тюркская руническая графика. Алма-Ата, 1980 г.
63. *Аманжулов С.А.* Вопросы диалектологии и истории казахского языка. Алма-Ата, 1959 г.

64. *Анна Каминна*. Алексиада. Москва, 1965 г.
65. *Аннаев Т.Дж.* Об одной группе раннесредневековой керамики Северного Тохаристана. ИМКУ, XXI. Т.: 1987 г.
66. *Анорбоев А.* Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент. «Ўзбекистон тарихида Қадимги Фарғона» тўплам. – Т.: 2001 й.
67. *Анфимов Н.В.* Меото-сарматский могильник у станицы Усть-Лабинской. МИА № XXIII. Москва, 1951 г.
68. *Аристов Н.А.* Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и исследования об их численности. «Живая старина», вып. III–IVБ, СПб, 1896 г.
69. *Артамонов М.И.* История Хазар. Изд. Государственного Эрмитажа. Ленинград, 1962 г.
70. Археологические работы в Таджикистане в 1957 г. Вып. V. – Сталинабад, 1959 г.
71. Археологическая коллекция с Ташкентского канала, «сборы Музея истории АН УзССР».
72. *Аскарлов А.* Археологическая поездка в северо-западную часть Каршинской степи. // ИМКУ, вып. V. Т.: 1964.
73. *Аскарлов А.* «Бир китоб ҳақида минг эътироз». – Т.: 2013 й.
74. *Аскарлов А.* Арийская проблема: новые подходы и взгляды. «История Узбекистана в археологических и письменных источниках». Т.: 2005 г.
75. *Аскарлов А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Изд. «Фан». Т.: 1977 г.
76. *Аскарлов А.* Могильник эпохи бронзы в Муминабаде. КСИА АН СССР, вып. 122. Москва, 1970 г.
77. *Аскарлов А.* Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. «Материалы к этнической истории населения Средней Азии». Т.: 1986 г.
78. *Аскарлов А.* Об исконной родине расселения древних тюрков. ИМКУ, вып. 32. Т.: 2001 г.
79. *Аскарлов А.* Памятники андроновской культуры в низовьях Зарафшана. // ИМКУ, вып. III. Т.: 1962 г.
80. *Аскарлов А.* Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде. ИМКУ, вып. VIII. Т.: 1969 г.
81. *Аскарлов А.* Сапаллитепа. Изд. «Фан». Т.: 1973 г.
82. *Аскарлов А.* Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации. Сборник «Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций». Алма-Ата, 1989 г.
83. *Аскарлов А., Абдуллаев Б.* Джаркутан. («К проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана»). Изд. «Фан». Т.: 1983 г.
84. *Аскарлов А., Альбаум Л.И.* Поселение Кучуктепа. Изд. «Фан». Т.: 1979 г.
85. *Аскарлов А., Джураев И.* К вопросу о взаимоотношении населения степей Евразии и Средней Азии в эпоху бронзы. «Марказий Осиё дехкончилик ва дашт цивилизациясининг ўзаро муносабатлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари». – Самарканд, 2011 й.
86. *Аскарлов А., Филанович М.И.* Новые данные о зарождении городской культуры на территории Ташкента. ОНУ, № VI, 1980 г.
87. *Аскарлов А., Широнова Т.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993 г.

88. *Асқаров А.* Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар. «Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар». – Т.: 2004 й.
89. *Асқаров А.* Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», № VI, –Т.: 1996 й.
90. *Асқаров А.* Орийлар муаммоси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. «Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда». –Т.: 2005 й.
91. *Асқаров А.* Сополли маданияти пиктографик ёзув белгиларини ўқишдаги дастлабки изланишлар. «Марказий Осиё халқлари тарихи манбашунослиги ва тарихшунослиги масалалари». V-сон, –Т.: 2013 й.
92. *Асқаров А.* Тарихимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янгича мулоҳазалар //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.– № V, –Т.: 2000 й.
93. *Асқаров А.* Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Фарғона. «Фарғона кеча, бугун ва келажакда». – Фарғона, 2003 й.
94. *Асқаров А.* Ўзбек давлатчилигининг тарихий илдилари // Давлатчиликнинг илк босқичларида – Ўзбекистон. (Республика илмий-амалий конференция материаллари.) –Т.: 2010 й.
95. *Асқаров А.* Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий-методологик масалалари. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. –Т.: 2004 й.
96. *Асқаров А.* Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. «Ўзбекистон тарихи» журнали, № 4, 2002 й.
97. *Асқаров А.* Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: 2007.
98. *Асқаров А.* Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари.// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № VI. 1994 й.
99. *Асқаров А.* Энг қадимги шаҳар. «Маънавият». – Т.: 2001 й.
100. *Ахинжанов С.М.* Кипчаки в истории средневекового Казахстана. Алматы: Гылым, 1995 г.
101. *Ахмедов Б.А.* Государство кочевых узбеков. Москва, 1965 г.
102. *Ахмедов Б.А.* Тарихдан сабоқлар. – Т.: 1994 г.
103. *Ахмедов Б.А.* Ўзбек улуси. – Т.: 1992 й.
104. *Аширов А.* Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих». Т.: 2004 й.
105. *Бабаяр Г., Кубатин А.* К вопросу монетного чекана Западно-Тюркского каганата (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса) // Тюркология. Туркестан (Казахстан), № VI, 2005 г.
106. *Бабаяров Г.* Государственный строй Западно-Тюркского каганата. Автореф. дис. док. ист. наук. – Т.: ИВАНРУз, 2012 г.
107. *Бабаяров Г.* Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв). Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои. Т.: 2007 г.
108. *Бабаяров Г., Кубатин А.* Некоторые аспекты взаимоотношений между кушанами и древними тюрками в свете нумизматических данных // «Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик» «Академик Карим Шониёзов ўқишлари» туркумида этнологларнинг V Республика илмий конференцияси материаллари. – Т.: 2010 й.



109. *Байпаков К.М.* Западно-Тюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы. степи и города // *Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук.* № I. Алма-Ата, 2009 г.
110. *Байпаков К.М.* Средневековые города Казахстана на Шелковом пути. Алма-Ата. 1998 г.
111. *Байпаков К.М., Подушкин А.Н.* Памятники земледельческо-скотоводческой культуры Южного Казахстана. Алма-Ата, 1979 г.
112. *Байтанаев Б.* Древний Испиджаб. Шымкент – Алматы, 2003 г.
113. *Бан Гу.* «Биринчи Хан сулоласи тарихи», – Шанхай, 1958 й.
114. *Бан Гу.* Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. Ханнома. – Урумчи, 1994 й.
115. *Баратова Л.С.* Древнетюркские монеты Средней Азии VI–X вв. (типология. иконография и историческая интерпретация). Канд. дисс. Т.: 1995 г.
116. *Бартольд В.В.* История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927 г.
117. *Бартольд В.В.* Арабские завоевания и Туркестан при Саманидах. Соч. Т. II. часть 2. Наука. Москва, 1964 г.
118. *Бартольд В.В.* Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. Соч. Т. V. Москва, 1968 г.
119. *Бартольд В.В.* Дуглат. Соч. Том V. – Москва, 1968 г.
120. *Бартольд В.В.* Иран, исторический обзор. Соч. Том VII. – Москва, 1971 г.
121. *Бартольд В.В.* История Туркестана. Соч. Том II, часть I. Москва, 1963 г.
122. *Бартольд В.В.* К истории орошения Туркестана. Соч. Том III. – Москва, 1965 г.
123. *Бартольд В.В.* Новые исследования об Орхонских надписях. Соч. Том. V. Москва, 1968 г.
124. *Бартольд В.В.* Новый труд о половцах. «Русский исторический журнал», кн. 7. 1921 г.
125. *Бартольд В.В.* Очерк истории Семиречья. Соч. Том II, часть I. Москва, 1963 г.
126. *Бартольд В.В.* Сарты. Соч. Т. 2. «Наука». Москва, 1964 г.
127. *Бартольд В.В.* Соч. Т. IV. Москва, 1966 г.
128. *Бартольд В.В.* Соч. Т. III. Москва. 1965 г.
129. *Бартольд В.В.* Соч. Т. II. Часть 2. «Наука». Москва, 1964 г.
130. *Бартольд В.В.* Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Москва, 1963 г.
131. *Бартольд В.В.* Энциклопедия ислама. Т. IV. Наука. Москва, 1966 г.
132. *Баруздин Ю.Д.* Археологические памятники Баткена и Лайляка. Фрунзе, 1962 г.
133. *Баскаков Н.А.* Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. «Народы Средней Азии и Казахстана». Москва, 1962 г.
134. *Баскаков Н.А.* Тюркские языки. Москва, 1961 г.
135. *Баходиров Р.* История Востока в «Ключах науки» // Шарқшунослик. № XIV. Т.: 2009.
136. *Бекмуратов М.* Ўзбек менталитети: кеча ва бугун. «Тафаккур» журнали № 2. Тошкент, 2002.
137. *Беленицкий А.М.* Зооморфные троны в изобразительном искусстве Средней Азии // *Известия АН ТаджССР, № 1 (28).* Душанбе, 1962 г.
138. *Беленицкий А.М.* О работе Пянджикентского отряда ТАЭ в 1959 г. Археологические работы в Таджикистане, вып. VII. 1959 г.
139. *Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г.* Средневековый город Средней Азии. «Наука». Ленинград, 1973 г.

140. *Бернштам А.Н.* Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. № 1. Москва, 1952 г.
141. *Бернштам А.Н.* Древний Отрар. Известия АН Каз ССР. Серия археологическая, вып. III, № 107. Алма-Ата, 1951 г.
142. *Бернштам А.Н.* Древняя Фергана (Научно-популярный очерк). Изд-во АН УзССР. Т.: 1951 г.
143. *Бернштам А.Н.* Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. МИА, № 26. Москва, 1952 г.
144. *Бернштам А.Н.* Кенкольский могильник. Ленинград, 1940 г.
145. *Бернштам А.Н.* Согдийская колонизация Семиречья // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях Института истории материальной культуры. № VI. – Москва–Ленинград, 1940 г.
146. *Бернштам А.Н.* Социально-экономический строй орхоно-енисейских тюрок VII–VIII вв. «Восточно-тюркский каганат и киргизы». Москва–Ленинград, 1946 г.
147. *Бернштам А.Н.* Спорные вопросы истории кочевых народов в древности. КСИЭ, вып. XXVI, 1957 г.
148. *Бернштам А.Н.* Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726). ВДИ № 1. Москва, 1952 г.
149. *Бижанов Е.Б., Ходжаниязов Г.Х.* Археологический комплекс Бутентоу. «Археология Приаралья», вып. VI. Нукус, 2003 г.
150. *Бичурин Н.Я.* (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Том. I, II, III. Изд. АН СССР М. Л.: 1950 г.
151. *Бичурин Н.Я.* Древние авторы о Средней Азии. Т.: 1950 г.
152. *Бобоёров Ф.* Бактрий хужжатларида Турк хоконлиги тарихига доир янги маълумотлар // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари Ёш олимлар нигоҳида: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика Ёш олимларининг анъанавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: 2010 й.
153. *Бобоёров Ф.* Турк хоконлиги даврида Тохаристон // Мозийдан садо. – № IV. – Т.: 2002 й.
154. *Бобоёров Ф.* Ўзбекистон худудида Қорахонийлар давригача бўлган қадимги туркий топонимлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари, 1-қисм., – Т., 2005 й.
155. *Бобоёров Ф.* Чоч тарихидан лавҳалар. – Т.: 2010 й.
156. *Бобоёров Ф.* Ғарбий Турк хоконлигининг давлат тузуми. Док. автореферати. – Т.: 2012 й.
157. *Бобомуллоев С.Б.* Верховья Зарафшана во II тыс. до н.э. Душанбе, 1998 г.
158. *Бобомуллоев С.Б.* Раскопки гробницы бронзового века на верхнем Зарафшане. Stratuplus, № 2. СПб, 1999 г.
159. *Богомоллов Г.И.* Изображения всадников с городища Канка // ИМКУ, № 20, 1986 г.
160. *Болелов С.Б.* Некоторые итоги археологических работ на Хумбустепе. ОНУ № IX–X, Т.: 1999 г.
161. *Бонгард-Левин Г.М., Грантовский Э.А.* От скифии до Индии. Москва, 1983 г.
162. *Бонгард-Левин Г. М., Ильин Г. Ф.* Индия в древности. «Наука». Москва, 1985 г.
163. *Борисовский П.И.* Древнейшее прошлое человечества. Москва, 1980 г.

164. *Боровкова Л.А.* Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII н.э. «Наука». М.: 1989 г.
165. *Бродовский М.* Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. Москва, 1891 г.
166. *Брыкина Г.А.* Раскопки в Карагаче. «АО 1977 года». Москва, 1978.
167. *Брыкина Г.А.* Раскопки усадьбы Карагач. (Южная Киргизия) «АО 1969 года». Москва, 1970 г.
168. *Брыкина Г.А., Николаенко Т.Д.* Раскопки в Карагаче. «АО 1976 года». Москва, 1977 г.
169. *Бубнова М.А.* Раскопки и разведки древних и средневековых памятников в долине Большого Марджаная и на озере Яшикуль (работы 1984 г.) АРТ. Вып. XXIV (1984). Душанбе, 1993 г.
170. *Бўриев О.* Клавихонинг Самарқандга саёҳати. (Рус тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар О. Бўриевники). – Т.: 2004 й.
171. *Бўриев О.* Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида Марказий Осиё аҳолисининг этник-худудий ҳолати ҳақида маълумотлар. ЎзМУ хабарлари. – Т.: 2013 й.
172. *Буряков Ю.Ф.* Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Т.: 1982 г.
173. *Буряков Ю.Ф.* Горное дело и металлургия средневекового Илака. Москва, 1974 г.
174. *Буряков Ю.Ф.* Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района (К истории горного дела и металлургии средневекового Илака. Автореф. канд. дисс. Т.: 1966 г.
175. *Буряков Ю.Ф.* К динамике развития городской культуры древнего и средневекового Чача. «Материалы научной конференции «Чач–Бинкет–Ташкент (историческое прошлое и современность)». Т.: 2007 г.
176. *Буряков Ю.Ф.* Культурно-хозяйственные процессы в контактной зоне древнего Яксарта. «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарканд–Бишкек, 2005 г.
177. *Буряков Ю.Ф.* Поселение Лолазор – предшественник на Афрасиабе. «К исторической топографии древнего и средневекового Самарканда». «Фан». Т.: 1981 г.
178. *Буряков Ю.Ф.* Согд и Чач. Взаимодействие и взаимовлияние двух культур древнего Самарканда. «Самарканд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари». – Тошкент-Самарканд, 2007 й.
179. *Буряков Ю.Ф., Алимов К., Бурякова Э.Ю.* Исследования в зоне Туябугузского водохранилища. Археологические открытия 1972 года. Москва, 1973 г.
180. *Буряков Ю.Ф., Дадабаев Г.* Памятники античного времени в Ташкентском оазисе. ИМКУ, вып. X. Т.: 1973 г.
181. *Бушаков В.А.* Тюркская этноонимия Крыма. Дисс. канд. ист. наук. АН СССР ИЯ. М.: 1991 г.
182. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта осийлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). I–II китоб, – Т.: 1995 й.
183. *Вайнберг Б.И.* Новая культура раннего железного века в левобережном Хорезме. «А.О. 1971 года». М. Наука, 1972.
184. *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего Хорезма. Москва, 1977 г.
185. *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана в древности. Москва, 1999 г.
186. *Вайнберг Б.И., Левина Л.М.* Чирикрабатская культура. Москва, 1993 г.

187. *Вайнберг Б.И.* Этнография Турана в древности. Москва, 1999 г.
188. *Вамбери Г.* История Бухары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего времени. Т. II. Перевод А.И. Павловского. СПб, 1873 г.
189. *Вамбери Х.А.* Туркий халк. «Ўзбегим». – Т.: 1992 й.
190. *Варга Д.* Древний Восток. Будапешт, 1979 г.
191. *Василевский В.Г.* Византия и печенеги. Журнал Министерства народного просвещения. № XI. 1872 г.
192. *Ваҳобов М.Ф.* Ўзбек социалистик миллати. – Т.: 1960 й.
193. *Ваҳобов М.Г.* Формирование узбекской социалистической нации. – Ташкент, 1961 г.
194. *Вебер В.Н.* Полезные ископаемые Туркестана. Санкт-Петербург, 1913 г.
195. *Веселовский Н.И.* ОАК за 1882–1888 г. СПб, 1991 г.
196. *Виноградов А.В.* Работы на могильнике Тумек-Кичиджик в северной Туркмении. «А О 1973 года». М., Наука, 1974.
197. *Виноградов А.В.* Могильник Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. «АО 1974 года». М. Наука, 1975.
198. *Виноградов А.В.* Древние охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. Москва, 1981 г.
199. *Виноградов А.В., Итина М.А., Яблонский Л.Т.* Древнейшее население низовий Амударьи (археолого-палеоантропологическое исследование). Тр. Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Том 15, М., Наука, 1986.
200. *Виноградов А.В.* Неолитические памятники Хорезма. МХЭ, № 8. Москва, 1968 г.
201. *Виноградова Н.М.* Исследования контактов земледельческого и степного населения на юге Средней Азии (Южный Таджикистан) в эпоху поздней бронзы. Сб. «Археология, палеоэкология и палеодемография Евразии». Москва, 2000 г.
202. *Виноградова Н.М.* Могильник Тандырйул в Южном Таджикистане. // МАИК-ЦА. Вып. XVIII. Москва, 1991 г.
203. *Виноградова Н.М.* Новые памятники эпохи бронзы на территории Южного Таджикистана. Центральная Азия. Новые памятники письменности и искусства. Москва, 1987 г.
204. *Виноградова Н.М.* Поселение эпохи поздней бронзы Ташгузар в Южном Таджикистане. Сб. «Древние цивилизации Евразии». – Москва, 2001 г.
205. *Виноградова Н.М.* Юго-Западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. Москва, 2004 г.
206. *Виноградова Н.М., Гётцельт, Пьянкова Л.Т.* Археологическая разведка в бассейне реки Кызылсу (Южный Таджикистан). РА. Москва, 2003 г.
207. *Виноградова Н.М., Кузьмина Е.Е.* Контакты степных и земледельческих племен Средней Азии в эпоху бронзы. «Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока». Москва, 1986 г.
208. *Виноградова Н.М., Пьянкова Л.Т.* Могильник Кумсай в Южном Таджикистане. «Информ. Бюллетень // МАИКЦА. Вып. XVII. Москва, 1990 г.
209. *Виноградова Н.М., Ранов В.А., Филлимонова Т.Г.* Памятники Кангурттута в Юго-Западном Таджикистане (Эпоха неолита и бронзового века). ИВ РАН. – Москва, 2008.
210. *Вишневская О.А.* Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII–V вв. до н.э. Москва, 1973 г.

211. *Виола Б., Зайдлер Х., Дитер цур Нэдден.* Изучение верхних краев пирамид височных костей OR-1 с помощью компьютерной томографии. Грот Оби-Рахмат. Новосибирск, Изд. ИА и Э СОРАН, 2004, с. 100-106.

212. *Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А.* Городище Кюзелигыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма. ВДИ № 2. Москва, 1997 г.

213. Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. Т.: 1965 г.

214. *Волин С.А.* Сведения арабских источников IX–XVII вв. О долине реки Талас и смежных районов. Тр. ИИАЭ АН КазССР. Т. VIII. Алма-Ата, 1960 г.

215. *Волин С.А.* К истории среднеазиатских арабов. Тр. Ин-та востоковедения АН СССР. Москва-Ленинград, 1941 г.

216. *Воробьева М.Г.* Дингильдже. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. Изд. «Наука». Москва, 1973 г.

217. *Воробьева М.Г.* Раскопки архаического поселения близ Дингильдже. МХЭ, вып. I. Москва, 1959 г.

218. *Воробьева М.Г., Латиро-Скобло М.С.* Археологические работы в Хазараспе в 1958–1960 гг. «МХЭ, вып. 6. Москва, 1963 г.

219. *Воронец М.Э.* Археологические исследования Института истории и археологии и Музея истории АН УзССР на территории Ферганы в 1950–1951 годах. Тр. Музея истории УзССР. Вып. II. Т.: 1954 г.

220. *Воронец М.Э.* Браслеты бронзовой эпохи Музея истории АН Уз ССР. «Тр. Инта Истории и археологии АН Уз ССР». Т. I. Т.: 1948 г.

221. *Воронец М.Э.* Отчет археологической экспедиции Музея истории АН УзССР о раскопках погребальных курганов первых веков возле ст. Вревской в 1947 г. В. сб. труды истории народов Узбекистана, вып. № I. Т.: 1951 г.

222. Всеобщая история архитектуры. «Архитектура древнего мира». Т. I. – Москва, 1970 г.

223. *Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г.* Археологические работы Ферганского областного краеведческого музея в 1953–1954 гг. ИМКУ, вып. I. – Т.: 1959 г.

224. *Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г.* Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине. КСИА. Вып. 63. Москва, 1956 г.

225. *Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г.* Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. // СА, № III, 1957 г.

226. *Гамкрелидзе Т.В., Иванов В.В.* Древняя Передняя Азия и индоевропейская проблема. Временные и ареальные характеристики общеиндоевропейского языка по лингвистическим и культурно-историческим данным. ВДИ, № 3. Москва, 1980 г.

227. *Гафуров Б.Г.* «Гаджикки». Москва, 1972 г.

228. *Гафуров Б.Г.* История таджикского народа. Т. I. Издание второе. Москва, 1952 г.

229. *Гафуров Б.Г.* История таджикского народа. Т. I. Издание третье. Москва, 1955 г.

230. *Гафуров Б.Г.* История таджикского народа. Т. I. Москва, 1949 г.

231. *Гафуров Б.Г.* Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. I. Душанбе, 1989 г.

232. *Гафуров Б.Г.* Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. Изд. «Наука». Москва, 1972 г.

233. *Генинг В.Ф., Зданович Г.Б., Генинг Б.В.* Синташта. Археологические памятники арийских племен Урало-Казахстанских степей. Челябинск, 1992 г.

234. *Генинг В.Ф.* Этнический процесс в первобытности. Свердловский, 1970 г.
234. а. *Герасимов М.М.* Основы восстановления лица по черепу. М., Наука, 1949.
234. б. *Герасимов М.М.* Люди каменного века. М., Наука, 1964.
235. *Гинзбург В.В.* Антропологические материалы из окрестностей древнего Пянджикента. МИА, 66, 1958 г.
236. *Гинзбург В.В.* Основные вопросы палеоантропологии Средней Азии в связи с изучением этногенеза ее народов. КСИЭ, вып. 31. – Москва–Ленинград, 1959 г.
237. *Гинзбург В.В.* Первые антропологические материалы к проблеме этногенеза Бактрии. МИА XV. 1950 г.
238. *Гинзбург В.В.* Теория происхождения расового типа Среднеазиатского междуречья. Тезисы докладов «Этнографических исследований за 1967 год». Ленинград, 1967 г.
239. *Гинзбург В.В., Трофимова Т.А.* Палеоантропология Средней Азии. М., Наука, 1972.
240. *Гинзбург В.В., Гохман И.И.* Костные остатки человека из Самаркандской палеолитической стоянки «Проблемы этнической антропологии и морфологии человека. Ленинград, Наука, 1974.
241. *Гиршман Р.М.* Происхождение «Чахартака». Культура Востока. Древность и средневековье. – Ленинград, 1978 г.
242. *Гиршман Р.М.* Религия Ирана от VIII в. до н.э. до периода ислама. «Культура Востока. Древность и средневековье». Ленинград, 1978 г.
243. *Гланц (Глантз) М., Виола Б., Чикишева Т.* Новые останки гоминидов в гроте Оби-Рахмат. В кн. «Грот Оби-Рахмат» Изд. ИАЭ СО РАН. Новосибирск, 2004. С.77-92.
244. *Голубовский П.* Печенеги, тюрки и половцы до нашествия татар. Киев, 1884 г.
245. *Горбунова Н.Г.* О культуре степной бронзы Ферганы. «Археологический сборник Гос. Эрмитажа», № 32. Санкт-Петербург, 1995 г.
246. *Граков Б.И.* Пережитки матриархата у сарматов. ВДИ, № III, 1947 г.
247. *Граменицкий Д.М.* Заметки о древних урочищах Туркестанского края. «Туркестанские ведомости», № XII, 1879 г.
248. *Грантовский Э.А.* «Серая керамика», «расписная керамика» и индоиранцы. «Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности» (II тыс. до н.э.). М.: 1981 г.
249. *Грантовский Э.А.* Ранняя история иранских племен Передней Азии. М.: 1970 г.
250. *Греков Б.Д., Якубовский А.Ю.* Золотая Орда и ее падение. Москва-Ленинград, 1950 г.
251. *Григорьев В.В.* О скифском народе саках. СПб: 1871 г.
252. *Григорьев Г.В.* Каунчитепа (раскопки 1935 г.) Т.: 1940 г.
253. *Григорьев Г.В.* Келесская степь в археологическом отношении. «Изв. АН КазССР». Серия археологическая. № I. Алма-Ата, 1948 г.
254. *Григорьев Г.В.* Краткий отчет о работе Янгиюльской археологической экспедиции 1937 г. Т.: 1940 г.
255. *Григорьев Г.В.* Отчет об археологической разведке в Янгиюльском районе УзССР в 1934 г. Т.: 1935.
256. *Грицина А.А.* Уструшанские были. Т.: 2000 г.
257. *Грязнов М.П.* История древних племен Верхней Оби. Москва-Ленинград, 1956 г.
258. *Грязнов М.П.* Племена Сибири и Казахстана в эпоху бронзы. «Очерки истории СССР». Москва, 1956 г.

259. *Грязнов М.П.* Погребения эпохи бронзы в Западном Казахстане. Материалы Особого комитета по обследованию союзных и автономных республик АН СССР. Вып. XI. Ленинград, 1927 г.
260. *Губогло М.Н.* Этническая принадлежность гагаузов. «Историография проблемы». Советская этнография, № III. Москва, 1967 г.
261. *Гуляев В.И.* Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). Москва, 1979 г.
262. *Гулямов Я.Г.* Из истории водоснабжения древнего Пайкента. ИМКУ № 7, Т. 1966 г.
263. *Гулямов Я.Г.* Кушанское царство и древняя ирригация Средней Азии. ОНУ, № VIII, 1968 г.
264. *Гулямов Я.Г.* Археологические работы к западу от Бухарского оазиса (предварительный отчет о работе за 1950–1953 гг.). Труды Института истории и археологии АН УзССР, вып. VIII. Т.: 1956 г.
265. *Гулямов Я.Г.* История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Т.: 1957 г.
266. *Гулямов Я.Г.* Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадарьи и Зарафшана. ИМКУ № 6. Т.: 1965 г.
267. *Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А.* Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Т.: 1966 г.
268. *Гумилев Л.Н.* Этносфера: История людей и история природы. Москва, 1993 г.
269. *Гумилев Л.Н.* Древние тюрки. Москва, 1993 г.
270. *Гумилев Л.Н.* Хунну. Срединная Азия в древние времена. Москва, 1960 г.
271. *Гумилев Л.Н.* Этногенез и биосфера земли. Москва, 1993 г.
272. *Гуммель Я.И.* Раскопки поселения I на западе от Ханлара (1939–1941 гг.). КСИ-ИМК № XXIII, 1948 г.
273. *Гуломов Я.* Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.: 1959 й.
274. *Давыдов А.Д.* Топонимика Афганистана как исторический источник // Восток, № 2. Москва, 2001 г.
275. *Джаббаров И.Дж.* Узбеки: этнокультурные традиции, быт и образ жизни. – Ташкент, 2007.
276. *Джон Шоберлейн.* Перспективы становления национального самосознания узбеков. Журнал «Восток», № 3. Москва, 1997 г.
277. *Джуракулов М.Дж., Холматов Н.У.* Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. Изд. «Фан», Т., 1991.
278. Древние авторы о Средней Азии (VI до н.э. – III в. н.э.), 1940 г.
279. Древности Чарвака. Сборник. – Т.: 1976 г.
280. *Дуан Лянчин.* Динглинлар, канкилар ва туролар. I-жилд, – Урумчи, 1996 й.
281. *Дуке Х.И.* Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Т.: 1982 г.
282. *Дуке Х.И.* Чиракчинское поселение. ИМКУ, вып 17. Т.: 1982 г.
283. *Дурдыев Д.* Археологическое исследование на территории Ташовузской области. «Каракумские древности», вып. V. Ашхабад, 1977 г.
284. *Дьяконов И.М.* Города-государства Шумера. История древнего мира. Т. I. Москва, 1983 г.

285. *Дьяконов И.М.* Прародина индоевропейцев (по поводу книги Е.Е. Кузьминой «Откуда пришли индоарины?»). ВДИ. № 1, 1995.
286. *Дьяконов М.М.* Очерки истории древнего Ирана. Москва, 1961 г.
287. *Дьяконов М.М.* Работы Кафирниганского отряда. // МИА, 15, 1950 г.
288. *Дьяконов М.М.* Сложение классового общества в Северной Бактрии. СА, XIX, 1954 г.
289. *Еремеев Д.Е.* Проникновение тюркских племен в Малую Азию. Доклад на международном Конгрессе антропологических и этнографических наук. Москва, 1964 г.
290. *Житецкий И.А.* Смена народностей в Южной Руси. Киев, 1883 г.
291. *Жуков В.Д.* Результаты археологического осмотра участка правобережья реки Чирчик в 1935 г. Рукопись, архив ИИА АН УзССР, № 75.
292. *Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ.* Жахон молиявий-иктисодий инкирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. – Т., «Академнашр». 2010.
293. *Жўрақулов М., Аванесова Н.А., Амиркулов Б.А.* Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. – Самарқанд, 1994 й.
294. *Жўрақулова Д.* Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. «Фан». – Т.: 2011 г.
295. *Заднепровский Ю.А.* Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. док. дисс. Москва, 1978 г.
296. *Заднепровский Ю.А.* Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА № 118. Москва-Ленинград, 1962 г.
297. *Зданович Г.Б., Батанина И.М.* «Страна городов» – укрепленные поселения эпохи бронзы XVIII–XVI вв. до н.э. на Южном Урале. Челябинск, 1995 г.
298. *Зданович Г.Б.* Бронзовый век Урало-Казахстанских степей. Свердловский, 1988 г.
299. *Зданович Д.Г.* Могильник большекараганский (Аркаим) и мир древних индоевропейцев Урало-Казахстанских степей. Челябинск, 1995 г.
300. *Зезенкова В.Я.* Некоторые краниологические данные курганов Калкансая. ИМКУ вып. VIII. Т.: 1969 г.
301. *Зеймаль Е.В.* К периодизации древней истории Средней Азии (середина I – тысячелетия до н.э. середина I тысячелетия н.э. Москва, 1987 г.
302. *Зеймаль Е.В.* Древние монеты Таджикистана. Душанбе, 1983 г.
303. *Зиё А.* Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). Шарқ. –Т.: 2001 й.
304. *Зиёев Ҳ.* Буюк Амир Темур ва унинг тақдири. – Т.: 2008 й.
305. *Зиётов З.* Турон қавмлари. – Т.: 2008 й.
306. *Зубруева А.В.* Древние культурные связи Средней Азии и Приуралья. ВДИ № III. – Москва, 1946 г.
307. *Зуев А.Ю.* «Джами ат-таварих» Рашид ад-дина как источник по ранней истории жалойиров. «Письменные памятники востока, историко-филологические исследования». Ежегодник. Москва, 1972 г.
308. *Зуев Б.А.* Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алма-Аты, 2002 г.
309. *Зуев Ю.А.* Тамги лошадей из вассальных княжеств. Т. VIII, 1960 г.
310. *Зубов А.А., Ходжайов Т.К.* Палеолитическая стоянка Сельунгур (Антропологическое исследование) //Вестник антропологии. Научный альманах. Вып.11. М., 2004, с.21-27.



311. *Зубов А.А., Гохман И.И.* Некоторые дополнительные одонтологические данные в связи с описанием костных останков человека с палеолитической стоянки Самарканд. Вестник антропологии. Научный альманах. Вып. 10 М., 2003, с 40-44
312. *Ибрагимов Н.* Ибн Багута и его путешествие по Средней Азии. – Москва, 1998 г.
313. *Иванов В.В.* Индоевропейский язык и индоевропейцы. Т. I–II. Тбилиси, 1984 г.
314. *Иванов Г.П.* Кашкарчинский могильник – новый памятник эпохи поздней бронзы в Фергане. // ОНУ, № X. Т.: 1988 г.
315. *Иванов П.П.* Очерки по истории Средней Азии. Москва, 1958 г.
316. *Исакаев Б.* 20-летие восстания в Киргизии. «Революция и национальности», № IX. – Москва, 1936 г.
317. *Исаков А.* Саразм (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. Раскопки 1977–1983 гг.). Душанбе, 1991 г.
318. *Исаков А., Потемкина Т.М.* Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане. // СА. № I, 1989 г.
319. *Исамиддинов М.Х.* Стратиграфия древнейших слоев Еркургана. ИМКУ, вып. 17. Т.: 1982 г.
320. *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Изд. «Фан». Т.: 2002 г.
321. *Исамиддинов М.Х., Райимкулов А.* Турткультепа – новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согде. «Археологические работы на новостройках Узбекистана». Изд. «Фан». Т.: 1990 г.
322. *Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х.* Еркурган (стратиграфия и периодизация). Т.: 1984 г.
323. *Исоматов М.М.* Ирано-Среднеазиатские взаимоотношения по «Тарих-и Табарӣ» Балъами. Душанбе–Бишкек: Эчод, 2006 г.
324. *Исоматов М.М.* Эфталитское государство и его роль в истории Центральной Азии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени д.и.н. Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. С. Айни, 2009 г.
325. «История материальной культуры». Москва-Ленинград, 1934 г.
326. Исторические записки. «Ozbekistan tarixi», № III. Т.: 2009 г.
327. История народов Узбекистана. Том I. Т.: 1950 г.
328. История таджикского народа. Том I. Душанбе, 1999 г.
329. История таджикского народа. Том I. Москва, 1963 г.
330. История таджикского народа. Том II. книга первая. – Москва, 1964 г.
331. История Узбекской ССР. Том I. книга I. Т.: 1955 г.
332. История Узбекской ССР, Том I. Т.: 1967 г.
333. *Исламов У.И.* Новые материалы по каменному веку Южного Узбекистана. Сб. «Древняя Бактрия». Л., Наука, 1974.
334. *Исламов У.И.* Пещера Мачай. Т., «Фан», 1975.
335. *Исламов У.И., Зубов А.А., Хаританов В.М.* Палеолитическая стоянка Сельунгур в Ферганской долины. Вопросы антропологии, вып. 80, М., 1988, с. 38-49.
336. *Исхаков М.* География распространения древнетюркских письменных памятников и вопросы этногенеза тюркских народов. Журнал «Тюркология», № I, 2003 г.
337. *Исхаков М., Камолитдин Ш., Бабаяров Г. Critica Э.В. Ртвеладзе* «Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III – VIII вв.)» (Ташкент, 2006) // Archivum Eurasiae Medii Aevi, Tom 15 (2006/2007), Harrasowitz Verlag, – Wiesbaden, 2008.

338. *Исҳоқов М.М.* Тарих, тарихшунослик ва тарихчи масъулияти. Турон академияси Ахборотномаси. № 1. 2013.
339. *Исҳоқов М.М.* Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: 1992 й.
340. *Итина М.А.* История степных племен Южного Приаралья. Москва, 1977 г.
341. *Итина М.А.* Могильник бронзового века Кокча III. Москва, 1961 г.
342. *Итина М.А.* Новые стоянки Тазабагьябской культуры (работы 1956 г.) МХЭ, т. I, 1959 г.
343. *Итина М.А.* Первобытная керамика Хорезма. Тр. ХЭ, вып. IV. Москва, 1959 г.
344. *Итина М.А.* Ранние саки Приаралья. «Археология СССР. Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время». Москва, 1992 г.
345. *Итина М.А.* Раскопки могильника тазабагьябской культуры Кокча III. «МХЭ», Вып. V. Москва, 1961 г.
346. *Итина М.А.* Раскопки стоянки Тазабагьябской культуры в 1957 г. МХЭ. № IV. 1960 г.
347. *Итина М.А., Яблонский Л.Т.* Мавзолеи Северного Тегискена. Поздний бронзовый век Нижней Сырдарьи. «Восточная литература», РАН. Москва, 2001.
348. *Исматуллаев Ф.* Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши (1991–2005 йиллар) т.ф.н. даражаси учун ёзилган диссертация. – Т.: 2011.
349. *Кабанов С.К.* Археологические данные по истории Нахшаба в III–V вв. н.э. ВДИ, № II, 1956 г.
350. *Кабанов С.К.* Археологические разведки в Шахрисабзком оазисе. ИАН УзССР, № 6. Ташкент, 1951 г.
351. *Кабанов С.К. и Шахурин К.А.* Археологическая разведка в верховьях р. Кашкадарьи. ИМКУ, вып. VII. Т.: 1966 г.
352. *Кабанов С.К.* Нахшаб на рубеже древности и раннего средневековья (III–VII вв.). Т.: 1977 г.
353. *Кабанов С.К.* Руины поселения III–V вв. в долине Кашкадарьи. ИМКУ вып. VI. Т.: 1965 г.
354. *Кабанов С.К.* Археологические данные к этнической истории Южного Согда в III–VI веках. СА № I, 1963 г.
355. *Калоев Б.А.* Осетины. Москва, 1971 г.
356. *Камалиддинов Ш.* «Китаб ал-ансаб» Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани» как источник по истории и культуре Средней Азии. Т.: 1993 г.
357. *Камалиддин Ш.С.* Древнетюркская топонимия в Средней Азии. Шарк. Т.: 2006 г.
358. *Камалиддин Ш.С.* К этимологии названия Чач (Шаш). Материалы научной конференции «Чач–Бинкет–Ташкент: историческое прошлое и современность». Т.: 2007 г.
359. *Камалиддин Ш.С.* Новые источники по этногеографии Средней Азии. «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар». – Т.: 2007 й.
360. *Камалиддинов Ш.С.* Историческая география Южного Согда и Тохаристана. Т.: «Ўзбекистан», 1996 г.
361. *Каржсаубай С.* Объединенный каганат тюрков в 745–760 годах. Астана: «Фолиант», 2002 г.
362. *Кармышева Б.Х.* Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. М., 1976 г.

363. *Касьмова Н.А., Жураев С.А.* Актуальные вопросы современных международных отношений. Т.: «Академия», 2008.
364. *Кесь А.С.* Природные факторы, обуславливающие расселение древнего человека в пустыне Средней Азии. КСИЭ, вып. XXX. Москва, 1958 г.
365. *Кибиров А.К.* Археологические памятники Чаткала. В сб. «Труды КАЭЭ». Т. II. – Москва, 1959 г.
366. *Киселев С.В.* Древняя история Южной Сибири. Москва, 1951 г.
367. *Кияткина Т. Т.П., Ранов В.Н.* Первые антропологические находки каменного века в Таджикистане (неолитические черепа из Туткаула. «Вопросы антропология», вып. 37, Душанбе, 1971.
368. *Кляшторный С.Г.* Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. СПб: «Наука», 2006 г.
369. *Кляшторный С.Г., Лившиц В.А.* Согдийская надпись из Бугута. «Страны и народы Востока», вып. X. Москва, 1971.
370. *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. Москва, 1964.
371. *Кляшторный С.Г.* Кангюйская этнотопонимика в Орхонских текстах. СЭ, № III. 1951 г.
372. *Кляшторный С.Г., Савинов Д.Г.* Степные империи Евразии. СПб, 1994.
373. *Кляшторный С.Г., Султанов Т.И.* Государство и народы Евразийских степей. Древность и средневековье. СПб, «Петербургское востоковедение», 2004 г.
374. *Кожемяко П.Н.* Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. – Фрунзе, 1959 г.
375. *Кожомбердиев И.* Катакомбные памятники Таласской долины. В сб. «Археологические памятники Таласской долины». Фрунзе, 1963 г.
376. *Козенкова В.И.* Гайраттепа. СА № III, 1964 г.
377. *Козлов В.И.* Динамика численности народов. Москва, 1969 г.
378. *Комар А.* Наследие тюркских каганатов в Восточной Европе // Мәдени мұра Культурное наследие. № I. – Астана, 2009 г.
379. *Кононов А.А.* Родословная туркмен. Соч. Абулгазихана Хивинского. Москва-Ленинград, 1958 г.
380. *Константин Багрянородный.* Об управлении государством. Известия Государственной Академии истории материальной культуры. Москва-Ленинград, 1934 г.
381. Краткий этнологический словарь. М-фонд. «Социальный мониторинг», 1995 г.
382. *Крашениникова Н.И.* Археологические наблюдения на Чантепе. В. сб. трудов ТашГУ «Археология Средней Азии», вып. V. Т.: 1960 г.
383. *Крашениникова Н.И.* К вопросу об изучении древних могильников Ташкентского оазиса. В. сб. трудов ТашГУ «Археология Средней Азии», вып. № VII. Т.: 1966 г.
384. *Кривошейн А.В.* Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. СПб, 1912 г.
385. *Крюков М.В., Софронов М.В., Чебоксаров Н.М.* Древние китайцы. Проблемы этногенеза. Москва, 1978 г.
386. *Кубатин А.* К вопросу о раннесредневековом согдийском диалекте Чача (на основе нумизматического материала Чачского оазиса VII–VIII вв.) // Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2008 й.

387. *Кузьмина Е.Е.* Древнейшие скотоводы от Урала до Тянь-Шаня. Фрунзе, 1986 г.
388. *Кузьмина Е.Е.* К вопросу о формировании культуры Северной Бактрии («Бактрийский мираж» и археологическая действительность). ВДИ № I, 1972 г.
389. *Кузьмина Е.Е.* Металлические изделия энеолита и бронзового века Средней Азии. «Свод археологических памятников». Вып. 4–9. Москва, 1966 г.
390. *Кузьмина Е.Е.* Откуда пришли индоарии? Материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. Москва, 1994 г.
391. *Кузьмина Е.Е.* Происхождения индоиранцев в свете новейших археологических данных. Сб. «Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности». Москва, 1981 г.
392. *Кузьмина Е.Е.* Сложение скотоводческого хозяйства к производящему и особенности развития общественного строя. Москва, 1974 г.
393. Культура и искусство древнего Узбекистана. Т. I, II. – Москва, 1991 г.
394. *Кюннер Н.В.* Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Москва, 1961 г.
395. *Латынин Б.А.* О южных границах ойкумены степных культур эпохи бронзы. СА, № III, 1958 г.
396. *Левина Л.М.* К истории исследований Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в Восточном Приаралье. «Приаралье в древности и средневековье». Москва, 1998 г.
397. *Левина Л.М.* К вопросу об антропоморфных изображениях в Джетиасарской культуре. В кн. «История, археология и этнография Средней Азии». Москва, 1968 г.
398. *Левина Л.М.* Керамика и вопросы хронологии памятников джетиасарской культуры. В. сб. «Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана». Москва, 1966 г.
399. *Левина Л.М.* Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тыс. н.э. Москва, 1971 г.
400. *Лившиц В.А.* Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб, 2008 г.
401. *Литвинский Б.А.* Даханинский могильник эпохи бронзы в Западной Фергане. КСИИМК. Вып. 80. 1960 г.
402. *Литвинский Б.А.* Археологическое изучение Таджикистана советской наукой. Сталинабад, 1954 г.
403. *Литвинский Б.А.* Археологические открытия на Восточном Памире и проблема связей между Средней Азией, Китаем и Индией в древности. Москва, 1960 г.
404. *Литвинский Б.А.* Археологический очерк Исфаринского района. Тр. АН Тадж. ССР, том XXXV. Сталинабад, 1955 г.
405. *Литвинский Б.А.* Бронзовый и раннежелезный век в книге Э. Гулямова и др. «Археологические и этнографические коллекции Музея Института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР». – Душанбе, 1956 г.
406. *Литвинский Б.А.* Джунский могильник и некоторые аспекты кангюйской проблемы. СА. № II, 1967 г.
407. *Литвинский Б.А.* Древние кочевники «Крыша мира». Москва, 1972 г.
408. *Литвинский Б.А.* и др. Древности Кайраккумов. Душанбе, 1962 г.
409. *Литвинский Б.А.* Изучение курумов в северо-восточной части Ленинабадской области в 1957 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. V. Сталинабад, 1959 г.

410. *Литвинский Б.А.* Изучение памятников эпохи бронзы и раннего железа в Кайракумах в 1956 г. Тр. АН Таджикской ССР. Т. ХСІ. Душанбе, 1959 г.
411. *Литвинский Б.А.* Кангюйско-сарматский фарн. Душанбе, 1968 г.
412. *Литвинский Б.А.* Курганы и курумы Западной Ферганы. Москва, 1972 г.
413. *Литвинский Б.А.* О топорах эпохи бронзы из Таджикистана. «Известия Общественных наук АН ТаджССР. Вып. I (24). 1961 г.
414. *Литвинский Б.А.* Об изучении в 1955 г. погребальных памятников в Карамазарских горах. Археологические работы в Таджикистане. Вып. III. Сталинабад, 1956 г.
415. *Литвинский Б.А.* Памятники эпохи бронзы и раннего железа в Кайракумах. Материалы Всесоюзного совещания археологов и этнографов Средней Азии. Москва–Ленинград, 1959 г.
416. *Литвинский Б.А.* Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. Вып. 1. М., 1990 г.
417. *Литвинский Б.А.* Работы отряда по изучению памятников бронзового века в Кайракумах в 1955. Тр. АН Таджикской ССР. Душанбе, 1956 г.
418. *Литвинский Б.А.* Раскопки могильника в Исфаринском районе в 1956 г., вып. IV. Сталинабад, 1959 г.
419. *Литвинский Б.А.* Саки, которые за Согдом. Тр. АН Тадж ССР. Т. СХХ. – Душанбе, 1960 г.
420. *Литвинский Б.А., Мухитдинов Х.* Античное городище Саксанохур (Южный Таджикистан). // СА, № II, 1969 г.
421. *Литвинский Б.А., Соловьев В.С.* Стоянка степной бронзы в Южном Таджикистане. «Успехи Среднеазиатской археологии», Вып. I. Ленинград, 1972 г.
422. *Логофет Д.Н.* Бухарское ханство под русским протекторатом. СПб, 1911 г.
423. *Лошук Л.П.* О формах донациональных этнических связей. «Вопросы истории» № 4. Москва, 1967 г.
424. *Лубо-Лесниченко Е.И.* Сведения китайских письменных источников о Суябе (городище Ак-Бешим) // Суяб. Ак-Бешим. СПб, 2002 г.
425. *Луконин В.Г.* Культура Сасонидского Ирана. Москва, 1968 г.
426. *Лурье П.Б.* Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. Вып. I. Бишкек, 2005 г.
427. *Лушпенко О.Н.* Раннежелезный век Южного Согда. Автореф. канд. дисс. Самарканд, 1998 г.
428. *Люй Симян.* ХХР халклари тарихи. – Шанхай. 1987 й.
429. *Мавродин В.В.* К вопросу о складывании Великорусской народности и русской нации. СЭ, № 1, 1947 г.
430. *Магидович И.* Население. Материалы по районированию Средней Азии. Территория и население Бухары и Хорезма. Кн. I, часть 1. Бухара. – Т.: 1926 г.
431. *Максимова А.Г., Мерицьев М.С., Вайнберг Б.И., Левина Л.М.* Древности Чардары. – Алма-Ата, 1968 г.
432. *Максудов Ф., Бабаяров Г.К.* этимологии топонима Чач. «Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет». Труды международной научной конференции. – Т.: 2009 г.
433. *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. – М.– Л., 1951 г.
434. *Маловицкая Л.Я.* Тамдинский курганный могильник III–I вв. до н.э. «Известия АН КазССР». № 67. – Алма-Ата, 1949 г.

435. *Маляевкин А.Г.* Танские хроники о государствах Центральной Азии. «Наука». – Новосибирск, 1989 г.
436. *Маляевкин А.Г.* Уйгурские государства в IX–XIII вв. – Новосибирск, 1983 г.
437. *Мамбетуллаев М.М.* Городище Большая Айбуйиркальа (Раскопки 1976–1977 и 1981 гг.). «Археология Приаралья», вып. IV, – Т.: 1990 г.
438. *Мамбетуллаев М.М.* О формировании и развитии городской культуры в Хорезме. «Приаралье на перекресте культур. Археология древнего Ташкирманского оазиса». – Нукус–Бустан–Беруни, 2007 г.
439. *Мамбетуллаев М.М.* Хива антик даврда (мил. авв. VI–милодий II асрлар). Бухоро ва Хива шахарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. – Т.: 1997 й.
440. *Мамбетуллаев М.М., Абдиримов Р.* Исследование Хозараспа. «Культурное наследие Средней Азии». – Т.: 2002 г.
441. *Масов Р.* История топорного разделения. – Душанбе, 1991 г.
442. *Масов Р.* Таджики: вытеснение и ассимиляция. – Душанбе, 2003 г.
443. *Масов Р.* Таджики: история под грифом «совершенно секретно». – Душанбе, 1995 г.
444. *Масон В.М.* Алтын-Депе. – Ленинград, 1981 г.
445. *Масон В.М.* Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА №73. – Москва-Ленинград, 1959 г.
446. *Массон В.М.* Изучение энеолита и бронзового века Средней Азии. СА, № IV, 1957 г.
447. *Массон В.М.* Средняя Азия и Древний Восток. Москва. Изд. «Наука». – М. – Л., 1964 г.
448. *Массон М.Е.* Археологические материалы к истории горного дела в Средней Азии. «Бюллетень № II Среднеазиатского районного геологоразведочного управления». – Т.: 1930 г.
449. *Массон М.Е.* Ахангарон. Археолого-топографический очерк. – Т.: 1953 г.
450. *Массон М.Е.* Из истории горной промышленности Таджикистана. Былая разработка полезных ископаемых. «Материалы Таджикско-Памирской экспедиции», вып. XX. – Ленинград, 1934 г.
451. *Массон М.Е.* Из результатов поездки в долину Таласа для выявления истории горной промышленности. Бюллетень Среднеазиатского районного разведочного управления № II. – Т.: 1930 г.
452. *Массон М.Е.* Историческая археология на службе геологической разведки. «Народное хозяйство Средней Азии», № II. Т.: 1930 г.
453. *Массон М.Е.* К истории горного дела на территории Узбекистана. – Т.: 1953 г.
454. *Массон М.Е.* К истории горной промышленности Карамазара. «Труды Таджикской базы АН СССР». Т. IV. Ленинград, 1935 г.
455. *Массон М.Е.* Нумизматика Средней Азии. Курс лекций, прочитанных в САГУ в 1955–56 гг.
456. *Массон М.Е.* Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. Т.: 1973 г.

457. *Массон М.Е.* Из истории добычи меди в Средней Азии в связи с прошлым Алматыка. «Труды Таджикско-Памирской экспедиции», вып. XXXVII. Москва-Ленинград, 1936 г.
458. *Матбабаев Б.Х.* Раннесредневековая культура Ферганы (на основе исторического анализа археологических источников V–VIII вв.). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. док. ист. наук. Самарканд, 2009 г.
459. *Матбобоев Б.Х.* Локальные варианты чувстской культуры Ферганы. Автореф. канд. дисс. Ленинград, 1985 г.
460. *Матбобоев Б.Х.* Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. – Т.: 2001 й.
461. Материалы объединенной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Т.: 1955 г.
462. Материалы пленума, см. в КСИИМК, XXVIII, 1949 г.
463. Материалы по истории древних кочевых народов группы дунху. Введение, перевод и комментарии В.С. Таскина. Москва, 1984 г.
464. Материалы по истории казахских ханства XV–XVIII веков. Алма-Ата, 1969 г.
465. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. II. Москва-Ленинград, 1938 г.
466. *Матякубов Х.Х.* Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Хоразм. Номзодлик дисс. Автореферати. – Т.: 2012 й.
467. *Мерперт Н.Я.* Раскопки в Нижнем Поволжье. «Памятники эпохи бронзы юга Европейской части СССР». Киев, 1967 г.
468. *Мешкерис В.А.* Коропластика Согда. Душанбе, 1977 г.
469. *Мирбобоев А.* О работах Чоркуйского хозяйственного отряда в 1981 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. XXI. Душанбе, 1981.
470. *Мирсаатов Т. М.* Хозяйство охотничье-рыболовецких племен Среднеазиатского междуречья поры мезолита-неолита (источники сырья, эволюция способов его добычи и хозяйственные комплексы). Автореф. дисс. докт. историч. наук. Новосибирск, 1989.
471. МИД РУз // Цель и задачи внешнеполитического курса Узбекистана. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz).
472. *Мошковцев С.Ф.* Кухи-сим. «Геологический вестник» № I–III, 1926 г.
473. *Мукминова Р.Г., Филанович М.И.* Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней и средневековой истории города). «Фан». Т.: 2001 г.
474. *Мулладжанов И.Р.* Демографическое развитие Узбекской ССР. Т.: 1988 г.
475. *Мухаммедов Х.* Из истории древних оборонительных стен вокруг оазисов Узбекистана. «Стена Канпирак» древнебухарского оазиса. Автореф. канд. дисс. Т.: 1961 г.
476. *Мухаммаджонов А.Р.* Қадимги Тошкент. – Т.: 2002 й.
477. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т., «Шарқ»: 2009.
478. Мустақиллик даври ўзбек меъморчилиги ва монументал ҳайкалтарошлик санъати. – Т.: 2011.
479. *Назаров П.С.* Дополнение к статье И.Т. Пославского о находках каменных орудий в Средней Азии и Б.Я. Королькова о бронзовом веке. ПТКЛА. Т. XI. Т.: 1906 г.
480. Народы Средней Азии и Казахстана. (Серия «Народы мира»). Т. I. Москва, 1962 г.
481. *Насимхон Раҳмон.* Турк хоқонлиги. – Т.: 1993 й.
482. *Наследов Б.Н.* Карамазар. Ленинград, 1935 г.

483. *Наследов Б.Н., Королев А.В.* Месторождения Алтын-Тапкана, Табошарского участка, Кансая и Канимансура в Карамазарском районе. В кн. «Путеводитель экскурсий III Всесоюзного геологического съезда». Ленинград, 1928 г.
484. *Негматов Н.* Газета «Вароруд» № 51 (87) от 24.XII. 2003 г.
485. *Негматов Н.Н.* Живопись Шахристана (проблемы и суждения). «Культурное наследие Востока». Проблемы, поиски, суждения. Ленинград, 1985 г.
486. *Никонов В.А.* Узбеки. В кн: «Система личных имен у народов мира». Москва, 1988 г.
487. *Нильсен В.А.* Кызыл-кыр (результаты раскопок 1955 г.) ИМКУ, вып. I. Т.: 1959 г.
488. *Носиров Ў.* Ўзбеклар шажараси. – Т.: 2011 й.
489. *Обельченко О.В.* Лявандакский могильник. ИМКУ, вып. II. Т.: 1961 г.
490. *Обельченко О.В.* Курганные погребения первых веков н.э. и кенотафы Куйи-Мазарского могильника. Тр. САГУ, вып. СХI. «Археология Средней Азии», IV. Т.: 1957 г.
491. *Обельченко О.В.* Курганы около с. Хазара. ИМКУ, вып. IV. Т.: 1963 г.
492. *Обельченко О.В.* Куюмазарский могильник. Тр. ИИА АН УзССР, вып. VIII. Т.: 1956 г.
493. *Обельченко О.В.* Лявандакский могильник. ИМКУ, вып. II. Т.: 1960 г.
494. *Обельченко О.В.* Миранкульские курганы. ИМКУ, вып. VIII. Т.: 1969 г.
495. *Обельченко О.В.* Могильник Акджартепа. ИМКУ, вып. III. Т.: 1962 г.
496. *Обельченко О.В.* Сазаганские курганы. ИМКУ, вып. VII. Т.: 1966 г.
497. *Оболдуева Т.Г.* Курганы каунчинской и джунской культур. КСИИМК, вып. XXIII. Москва–Ленгинград, 1948 г.
498. *Оболдуева Т.Г.* Погребения эпохи бронзы в Ташкентской области. КСИИМК, вып. 59. Москва, 1955 г.
499. *Окладников А.П.* Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш. М. 1949.
500. *Окладников А.П.* Новые данные по истории Прибайкалья в тюркское время (согдийская колония на р. Унге). «Тюркологические исследования». М. – Л., 1963 г.
501. *Омонжулов А.С.* Материалы и исследования по истории древнетюркской письменности. Алма-Ата, 1975 г.
502. *Оранский И.М.* Иранские языки в историческом освещении. Москва, 1979 г.
503. Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. М. 1981 г.
504. *Остроумов Н.П.* Сарты. Этнографические материалы. Ташкент, 1908 г.
505. *Отахўжаев А.* Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч. «O'zbekiston tarixi», № I. – Т.: 2009 й.
506. Отчеты Археологической комиссии за 1882–1888 гг. СПб, 1891 г.
507. *Очилов Э.* Ёзма адабиёт. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Т.: 2006 й.
508. *Ошанин Л.В.* Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез его народов. Части 1–3. Ереван, 1957–1959 гг.
509. *Ошанин Л.В.* Данные к географическому распределению главнейших антропологических признаков населения Средней Азии и опыт выявления основных расовых типов Средней Азии. Тр. IV Всесоюзного съезда зоологов, анатомов и гистологов. Киев, 1931.



510. *Ошанин Л.В., Зезенкова В.Я.* Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данных антропологии. Ташкент, 1953.
511. *Пален К.К.* Всеподданнейшая записка, содержащая главнейшие выводы отчета о произведенной в 1908–1909 гг. по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом ревизии Туркестанского края. СПб, 1910 г.
512. *Перици А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П.* История первобытного общества. Москва, 1982 г.
513. *Петрушевский И.П.* Рашид ад-дин. Сборник Летописей. 1952 г.
514. *Пигулевская Н.В.* Сирийские источники по истории народов СССР. Москва-Ленинград, 1941 г.
515. *Пидаев Ш.Р.* Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. «Древняя Бактрия», вып I, «Наука». Ленинград, 1974 г.
516. *Пидаев Ш.Р.* Раскопки святилища «ахеменидского» времени на холме Джандавлаттепа в Северной Бактрии. «Древний город Средней Азии». Ленинград, 1973 г.
517. *Пилипко В.Н.* Раскопки в Дейнауском районе Чарджавской области. АО 1974 года. Москва, 1975 г.
518. *Пиотровский Ю.Ю.* Памятник эпохи поздней бронзы в Ферганской долине. «Археологические открытия 1972 года». Москва, 1973 г.
519. *Плетнева С.А.* Кочевники Средневековья. Поиски исторической закономерности. «Наука». Москва, 1982 г.
520. *Плетнева С.* Древние болгары в восточноевропейских степях // «Татарская Археология», № 1, 1997 г.
521. *Плетнева С.А.* Печенеги, торки и половцы в южнорусских степях. «Материалы и исследования по археологии СССР». № 62. Москва, 1958
522. *Погодин М.П.* Исследования, замечания и лекции о русской истории. Т. V. Москва, 1857 г.
523. *Подушкин А.Н.* Арысская культура Южного Казахстана IV в. до н.э. – VI в. н.э. Туркестан, 2000 г.
524. *Подушкин Н.П.* По следам древней культуры Казахстана. Алма-Ата, 1970 г.
525. *Подушкин Н.П.* Ранние оседлые поселения долины Арыса (I–VIII вв.) Автореф. канд. дисс. Алма-Ата, 1970 г.
526. Полное собрание русских летописей. Т. II. Москва, 1962 г.
527. *Поляков С.П.* Этнография. Москва, 1982 г.
528. *Потапов А.А.* Обзор тепе Среднего Чирчика и археологических развалин вокруг Ташкента. Рукопись, архив ГУОПМК УзССР. Т.: 1929 г.
529. *Пругер Е.Б.* Бирюза Илака и Илакский рудник бирюзы. СА, № I, 1971 г.
530. *Пугаченкова Г.А.* Искусство Бактрии эпохи Кушан. Москва, 1979 г.
531. *Пугаченкова Г.А. Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия–Тохаристан. Очерки истории и культуры. Древность и средневековье. Т.: 1990 г.
532. *Пьянков И.В.* К вопросу о маршруте похода Кира II на массагетов. ВДИ, № III, 1964 г.
533. *Пьянков И.В.* Хорасмии Гекатея Мимлетского. ВДИ, № II, 1972 г.
534. *Пьянкова Л.Т.* Нурекский могильник эпохи бронзы. Археологические открытия 1974 года. Москва, 1975 г.
535. *Пьянкова Л.Т.* О раскопках на поселении бронзового века Тегузак в 1980 году. АРТ, вып. XX (1980). Душанбе, 1987 г.

536. *Пьянкова Л.Т.* Отчет о работе Нурекского археологического отряда. АРТ, вып. XIV (1974). Душанбе, 1979 г.
537. *Пьянкова Л.Т.* Работа Байпазинского отряда на поселении бронзового века Дахана (1985). АРТ, вып. XXV. Душанбе, 1994 г.
538. *Пьянкова Л.Т.* «Степные компоненты в комплексах бронзового века юго-западного Таджикистана от Балкан до Гималаев. Время цивилизаций. № II, С-П. – Кишинев, Одесса, 1999 г.
539. *Пьянкова Л.Т.* Энеолит и бронзовый век. «История таджикского народа» Т. I. – Душанбе, 1998 г.
540. *Ранов В.Н., Коробкова Г.Ф.* Туткаул – многослойное поселение гиссарской культуры в Южном Таджикистане. // СА, № II, 1971 г.
541. *Рапопорт Ю.А., Лапиро-Скобло М.С.* Раскопки дворцового здания на городище Кальалигыр I в 1958 г. «МХЭ, вып. VI. Москва, 1963 г.
542. *Расовский Д.А.* Половцы. Seminarium Kondakovianum, VII. Praha, 1935.
543. *Распопова В.И.* Металлические изделия раннесредневекового Согда. Ленинград, 1980 г.
544. *Рахманов У.* Керамическое производство эпохи бронзы южного Узбекистана. Автореф. канд. дисс. Самарканд, 1987 г.
545. *Рахмонов Н.* Турк хоқонлиги. – Т.: 1993 й.
546. *Родлов В.В., Мелиоранский П.М.* Древнетюркские памятники в Коше-Цайдаме. – СПб, 1897 г.
547. *Рохлин Д.Г.* Некоторые данные рентгенологического исследования детского скелета из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан. «Тешик-Таш палеолитический человек». Изд. МГУ, 1949.
548. *Ртвеладзе Э.В.* Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. Т.: 1999 г.
549. *Ртвеладзе Э.* История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н.э.). Т.: 2006 г.
550. *Ртвеладзе Э.В.* Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Т. I. «Media Land». Т.: 2002 г.
551. *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика Чача (вторая половина III – середина VIII в. н.э.). Т.: 2006 г.
552. *Ртвеладзе Э.В.* Монеты Чача с изображением правителя, восседающего на зооморфном троне // Ташкент: вчера и сегодня. Т.: 2007 г.
553. *Ртвеладзе Э.В.* Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача. ОНУ, № VIII, 1982 г.
554. *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Древнебактрийская крепость Талашкантепа «Российская Археология», № 2. Москва, 1993 г.
555. *Ртвеладзе Э.В., Ртвеладзе Л.Л.* Городище Ханабат // в кн. «Древности Ташкента». Т.: 1976 г.
556. *Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А.* Памятники древней письменности. Изд. «Фан». Ташкент, 1985.
557. *Рузанов В.Д.* Еще раз о хронологии чувствской культуры Ферганы. «Российская археология», № IV. Москва, 1999 г.
558. *Рыбаков С.Е.* Философия этноса. Москва, 2001 г.

559. *Толстов С.П.* Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии. ВДИ. – Москва, 1938 г.
560. *Толстов С.П.* По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962 г.
561. *Савельев П.С.* Монеты Джучидов, Джагатаидов, Джелаидов и другие, обращающиеся в Золотой Орде в эпоху Тохтамыша. Часть 1. СПб, 1858 г.
562. *Сагдуллаев А.* Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: 1996 й. 2002 й.
563. *Сагдуллаев А.* Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа (некоторые итоги исследований в 1976–1986 гг.). «Культура юга Узбекистана в древности и средневековье» Т.: 1987 г.
564. *Сагдуллаев А.* Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории). «Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар». Т.: 2012 г.
565. *Сагдуллаев А.С.* Поселения раннежелезного века в бассейне Кашкадарьи. СА № III, 1984 г.
566. *Сагдуллаев А.С.* Древнесогдийские памятники. АО 1978 года. Москва, 1979 г.
567. *Сагдуллаев А.С.* Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. док. дисс. Москва, 1989 г.
568. *Салимов Х.С.* Население Средней Азии. – Т.: 1975 г.
569. *Салтовская Е.Д.* Раскопки на Тудой-Калон в 1961 г. В сб. «Труды ИИА АН ТаджССР». Вып. IX. Душанбе, 1964 г.
570. *Салтовская Е.Д.* О погребениях ранних скотоводов в северо-западной Фергане. // КСИА АН СССР. Вып. 154. Москва, 1978 г.
571. *Салтовская Е.Д.* О раскопках Аштского могильника в 1971 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. XI. Душанбе, 1975 г.
572. *Салтовская Е.Д.* О раскопках могильников Ашт и Дашти-Ашт в 1973 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. XIII (1973 год). Душанбе, 1977 г.
573. *Салтовская Е.Д.* Раскопки на Кызылтепе в 1960 г. «Археологические работы в Таджикистане». Вып. VIII, 1960 г.
574. *Салтовская Е.Д.* Тепа Калаи Афросиёб в Аште (северо-западная Фергана). «Материальная культура Таджикистана», вып. III. Душанбе, 1978 г.
575. *Салтовская Е.Д., Пулатов У.П.* Раскопки могильника Чугэхона в Табашаре. «Археологические работы в Таджикистане». Вып XXI. Душанбе, 1981 г.
576. *Сальников К.В.* Андроновские поселения Зауралья. // СА, XX. Москва, 1954 г.
577. *Сальников К.В.* Кипельское селище. // СА, XXVII. Москва, 1957 г.
578. *Сальников К.Ф.* Древнейшие памятники истории Урала. Свердловск, 1952 г.
579. *Санақулов У.* Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ҳамда этник қатламлари. – Самарканд, 2010 й.
580. *Сарианиди В.И.* Храм и некрополь Тиллятепе. Москва, 1989 г.
581. *Сарианиди В.И.* В поисках страны Маргуш. Москва, 1993 г.
582. *Сарианиди В.И.* Древние земледельцы Афганистана. Москва, 1977 г.
583. *Сарианиди В.И.* И здесь говорил Заратуштра. Москва, 1992 г.
584. *Сарианиди В.И.* Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашхабат, 2002 г.
585. *Сарианиди В.И.* Некрополь Гонура и иранское язычество. Москва, 2001 г.

586. *Си Юан.* Сўзлар этимологияси. Пекин, 1979.
587. *Сима Цян.* Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар («24 тарих» даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами). – Урумчи, 1989 й.
588. *Синицин И.В.* Археологические раскопки на территории Нижнего Поволжья. Ученые записки СГУ. Т. XVII. Саратов, 1947 г.
589. *Синицын И.В.* Памятник Нижнего Поволжья скифо-сарматского времени. Тр. Саратовского областного музея краеведения, вып. I. – Саратов, 1956 г.
590. *Скворцов Н.Г.* Проблема этничности в социальной антропологии. СПб, 1997 г.
591. *Скрипкин А.С.* Нижнее Поволжье в первые века н.э. – Саратов, 1984 г.
592. *Смирнов К.Ф.* Кочевники Северного Прикаспия и Южного Приуралья скифского времени. «Этнография и археология Средней Азии». Москва, 1979 г.
593. *Смирнов К.Ф.* Проблема происхождения ранних сарматов. Москва, 1957 г.
594. *Смирнов К.Ф., Кузьмина Е.Е.* Происхождение индоиранцев в свете новейших археологических открытий. Москва, 1977 г.
595. *Смирнова О.И.* Сводный каталог согдийских монет. Москва, 1981 г.
596. *Смоличев П.И.* Погребения со скорченными костяками в районе города Сталинабада. ИТФ, АН СССР № XV, 1949 г.
597. Согде. «Археологические работы на новостройках Узбекистана». Изд. «Фан». Т.: 1990 г.
598. *Сорокин В.С.* Могильник бронзовой эпохи Тасды-Бутак I в Западном Казахстане. Москва-Ленинград, 1962 г.
599. *Сорокин С.С.* Некоторые вопросы происхождения керамики катакомбных могил Ферганы. СА, XX. Москва, 1954 г.
600. *Спришевский В.И.* Чустская стоянка эпохи бронзы в Узбекистане. СЭ № III. Москва, 1954 г.
601. *Спришевский В.И.* Некоторые находки из Мугхана в собрании Музея истории. Тр. Музея истории АН УзССР, вып III. Т.: 1956 г.
602. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Пратюркский язык-основа. Картина мира пратюркского этноса по данным языка. Отв. ред. Э.Р. Тенишев, А.В. Дыбо. «Наука». Москва, 2006 г.
603. *Стависский Б.Я.* Кушанская Бактрия. «Проблемы истории и культуры». Москва, 1977 г.
604. Степи европейской части СССР в скифо-сарматское время. Москва, 1989 г.
605. *Стеткевич А.* Убыточен ли Туркестан для России? СПб, 1889 г.
606. *Струве В.В.* Проблемы зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ древнего Востока. «Известия ГАИМК», вып. 77. Москва-Ленинград, 1934 г.
607. *Сулаймонов Р.Х.* Древний Нахшаб. Изд. «Фан». Т.: 2000 г.
608. *Сулаймонова Ф.* Шарк ва Фарб. – Т.: 1997 й.
609. *Т.Н. Книпович.* Некоторые вопросы датировки среднеазиатской керамики домусульманского периода. КСИИМК, вып. XXVIII. Москва-Ленинград, 1948 г.
610. «Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатлар тўплами». –Т.: «Адолат».
611. *Тереножкин А.И.* Памятники материальной культуры на Ташкентском канале. «Известия» Уз ФАН СССР, № 9, 1940 г.
612. *Тереножкин А.И.* Согд и Чач. КСИИМК, вып. XXXIII. Москва, 1950 г.

613. *Тереножкин А.И.* Археологические наблюдения на строительстве Ташканала. Госархив ГУОПМК УзССР. Т.: 1940 г.
614. *Тереножкин А.И.* Археологические находки в Таджикистане. // КСИИМК. Вып. 20, 1948 г.
615. *Тереножкин А.И.* Клад андроновских бронзовых предметов из с. Бурчмула близ Ташкента. СА № III, 1962 г.
616. *Тереножкин А.И.* Рец. на работу Г.В. Григорьева на Каунчитепе. Уз ФАН СССР. вып. VIII, 1940 г.
617. *Тереножкин А.И.* Согд и Чач. КСИИМУ, вып. XXXIII. Москва, 1950 г.
618. *Тереножкин А.И., Дуже Х.* Древнейшие земледельцы Ташкентского оазиса. Сб Древняя и средневековая культура Чача. Т.: 1979 г.
619. *Тер-Мкртчян Л.Х.* Армянские источники о Средней Азии V–VII вв. Москва. 1979 г.
620. *Тизенгаузен В.Г.* Сборник материалов, относящихся к истории Золотой Орды «Извлечение из сочинений арабских», Том I. СПб, 1884 г.
621. *Тишков В.А.* Реквием по этносу: исследования социально-культурной антропологии. «Наука», Москва, 2003.
622. *Тишков В.А.* О феномене этничности. ЭО. № III. Москва, 1997 г.
623. *Тишков В.А.* Этнология и политика. Москва, 2001 г.
624. *Толстов С.П.* Городище с жилыми стенами. КСИИМК, вып. XVII. Москва, 1947 г.
625. *Толстов С.П.* Древнехорезмийские памятники в Каракалпакии. ВДИ, № 3, 1939 г.
626. *Толстов С.П.* Древний Хорезм. Москва, 1948 г.
627. *Толстов С.П.* Древности верхнего Хорезма. ВДИ № 1 (14). Москва, 1941 г.
628. *Толстов С.П.* Низовья Амударьи, Саркамыш и Узбой (История формирования и заселения). «МХЭ», вып. III. – Москва, 1960 г.
629. *Толстов С.П.* Итоги двадцати лет работы Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции (1937–1956). СЭ, № IV, 1957 г.
630. *Толстов С.П.* К вопросу о датировке культуры Каунчитепе. ВДИ № I. – Москва, 1946 г.
631. *Толстов С.П.* Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма. ВДИ № I, 1946 г.
632. *Толстов С.П.* Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. СЭ. № VI–VII, 1947 г.
633. *Толстов С.П.* По древним дельтам Окса и Яксарта. Москва, 1962 г.
634. *Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации. Москва-Ленинград, 1948 г.
635. *Толстов С.П.* Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1949–1953 гг. Труды ХАЭЭ. Том II. Москва, 1958 г.
636. *Толстов С.П.* Работы Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции в 1949–1953 гг. «ТХАЭЭ. Том II. Москва, 1948 г.
637. *Томилин В.Н.* Месторождение медных и свинцовых руд в предгорьях Могол-Тау и Карамазара в Туркестане. «Записки Горного института» Том IV, вып. I, 1912 г.
638. Тохарские языки. Москва, 1959 г.

639. *Трафимова Т.А.* Черепа из могильника тазабагыбской культуры Кокча 3. МХЭ, № V, 1961 г.
640. *Тревер К.В.* Кушаны, хиониты и эфталиты по армянским источникам IV–VII вв. (К истории народов Средней Азии) // СА, XXI, 1954 г.
641. *Тревер К.В.* Памятники греко-бакрийского искусства. Москва-Ленинград, 1940 г.
642. *Трофимова Т.А.* Древнее население Хорезма по данным антропологии. МХЭ, вып II. Москва, 1959 г.
643. *Трофимова Т.А.* Краниологические материалы из могильника Тумек-Кичиджик. Тез. Докл. Археолого-этнографич. Сессии по итогам полевых исследований в 1972 г. в СССР. Т., 1973.
644. *Трофимова Т.А.* Краниологические материалы из могильника Тумек-Кичиджик. СЭ., №5, 1974.
645. *Трофимова Т.А.* Неолитические черепа кельтеминарской культуры из могильника Тумек-Кичиджик в Северной Туркмении. «Этнография и археология Средней Азии. М., Наука, 1979.
646. Труды международной научной конференции. Т.: 2009 г.
647. Туркестанские ведомости, № 36, 38, 39, 1894 г.
648. Туркестанский край. Т. XIX. СПб, 1913 г.
649. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: 2000 й.
650. Тюркские языки народов Средней Азии и Казахстана. «Народы Средней Азии и Казахстана». Москва, 1962 г.
651. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. Т.: 1966 г.
652. Ўзбекистон тарихи. – Т.: 1993 й.
653. Ўзбекистон Республикаси. Ўз.МЭ, 12-жилд., 2006, 186-бет.
654. Ўзбекистон худудида Қорахонийлар даврида бўлган қадимги туркий топонимлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидаги халқаро илмий анжуман материаллари, 1-қисм. – Т.: 2005 й.
655. Ўзбекистон янги тарихи. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. 1-китоб. – Т.: 2000 й.
656. Ўзбекистоннинг янги тарихи. «Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида». – Т.: 2000 й.
657. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1–2 китоб. – Т.: 2000 й.
658. Ўзбекистон тарихи хрестоматияси. 1- жилд. Энг қадимги ёзма манбалар. Авесто. «Фан» нашриёти. – Т.: 2014.
659. *Умаров Э.* Этюды по древней ономастике // Transoxiana: История и культура. Т., 2004 г.
660. *Ураков Б.* Культура Бухарского оазиса второй половины I тыс. до н.э. и первой половины I тыс. н.э. Автореф. канд. дисс. Москва, 1982 г.
661. *Ураков Б.* Культура древнебухарского оазиса III–VI вв. н.э. Т.: 1983 г.
662. *Усманова З.И.* К вопросу о ранней античной керамике древней области Кеш. ИМКУ, вып 10. Т.: 1973 г.
663. Узбеки. «Наука». – Москва, 2011.
664. *Ф. Брун.* Черноморье. Часть I. Одесса, 1870 г.
665. *Филанович М.* Кангуй давлати // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Шарк. Т.: 2001 й.

666. *Филанович М.И.* Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. – Т.: 2010 г.
667. *Филанович М.И.* Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Т.: 1983 г.
668. *Филанович М.И.* Шаштепа – древнейшее поселение оседлых земледельцев на территории Ташкента. Кн. «У истоков древней культуры Ташкента». Т.: 1982 г.
669. *Фрай Р.* Наследие Ирана. Издание второе, исправленное и дополненное. Москва, 2002 г.
670. *Френ Х.М.* Монеты ханов улуса Джучиева или Золотой Орды с монетами разных иных мухаммедханских династий. Перевод с немецкого М. Волкова. – СПб, 1832 г.
671. *Халимбетов Ю.М.* Миллий менталитетимиз – истиқболимиз таянчи. «Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2004 й.
672. *Хамидхон Исломиёв.* Ипор ҳид ила туғилган Ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: 1993 й.
673. *Ханьков Н.* Описание Бухарского ханства. СПб, 1843 г.
674. Хитой тили катта иероглифлар лугати, III жилд. – Сичуан, 1987.
675. Хитой тили катта лугати. III-жилд. Чэнгду, 1990.
676. *Ходжаев А.* Из истории древних тюрок. Т.: 2010 г.
677. *Ходжаев А.* Сведения о Ташкенте в китайских источниках древнего периода. I. Сведения «Шицзи» (Исторические записки). «O‘zbekiston tarixi», № III. – Т.: 2009 г.
678. *Ходжайов Т.К.* Черепа из пещерной мезолитической стоянки Мачай. Тезисы Всесоюзной археолого-этнографической сессии, посв. Итогам полевых исследований в 1972 г. Т., Фан, 1973.
679. *Ходжайов Т.* Жанубий Орол бўйида яшаган қадимги халқлар. – Т.: 1978.
680. *Ходжайов Т.К.* К палеоантропологии древнего Узбекистана. Т.: 1980.
681. *Ходжайов Т.К.* Палеоантропология Средней Азии и этногенетические проблемы. Рукопись докторской диссертации. Москва, 1981 г.
682. *Ходжайов Т.К.* Новые краниологические материалы эпохи неолита, энеолита и бронзы среднего и верхнего Зарафшана. Вестник антропологии. Альманах. Вып. 2, Москва, 2004
683. *Ходжайов Т.К., Ходжайова Г.К.* Историческая антропология. Узбеки. «Наука» Москва, 2011. С. 14.
684. *Хўжаев А.* Қадимги Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият» – Т.: 2003 й.
685. *Хўжаев А.* Суғдийларнинг Хитойга бориб қолиши // Мозийдан садо. № II. – Т.: 2002 й.
686. *Хўжаев А.* Фарғона тарихига оид маълумотлар. «Фарғона нашриёти» 2013 й.
687. *Хўжаев А.* Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар. «O‘zbekiston tarixi». № I. – Т.: 2004 й.
688. *Хўжаев А.* Хунлар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. № XI, – Т.: 2005 й.
689. *Хўжаев А.* Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. «Маънавият». – Т.: 2001 й.
690. *Хайдаров Б.* Ўзбекчилик. – Т.: 2012 й.
691. *Чайлд Г.* Древнейший Восток в свете новых раскопок. М.: 1956 г.
692. *Чебоксаров Н.Н.* Проблемы происхождения древних и современных народов. Труды VII Международного конгресса антропологических этнографических наук. Т. V. М.: 1970 г.

693. *Черников С.С.* Восточный Казахстан в эпоху бронзы. Москва-Ленинград, 1960 г.
694. *Чичуров И.С.* Византийские исторические сочинения: «Хронография» Феофана, «Бревиарий» Никифора. Тексты, перевод, комментарий. «Наука». Москва, 1980 г.
695. *Чуланов Ю.Г.* Некоторые новые памятники Северной Ферганы. СА. № 1967 г.
696. *Шагалов В.Д., Кузнецов А.В.* Каталог монет Чача III–VIII вв. – «Фан». Т.: 2006 г.
697. *Шайдуллаев Ш.* «Авесто» ва моддий маданият. «Ўзбекистон тарихи». № III. 2004 й.
698. *Шайдуллаев Ш.* Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... т.ф.д. дис... автореф. – Самарканд, 2009 й.
699. *Шайдуллаев Ш., Хуффа Д., Рахимов К.* Жарқўтон – 2002 // Археологические исследования в Узбекистане в 2002 году. Т.: 2003 г.
700. *Шаниязов К.Ш.* Узы (из истории родоплеменных делений узбеков). «Общественные науки в Узбекистане». № II. Т.: 1970 г.
701. *Серали Латин.* «Оренбургские листки», № 6, 1894 г.
702. *Ширинов Т., Шайдуллаев Ш.* Бактрия минг шахарли мамлакат. «Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар». – Т.: 2001 й.
703. *Шишкина Г.В.* Самарканд во второй половине I тысячелетия до новой эры. «Античная культура Средней Азии и Казахстана». Тезисы докл. «Фан». Т.: 1979 г.
704. *Шмидт А.Э.* Материалы по истории Средней Азии и Ирана. ИИВ АН СССР, вып. XVI. Москва-Ленинград, 1958 г.
705. *Шониезов К.* К этнической истории узбекского народа. Т.: 1974 г.
706. *Шониезов К.* Қанг давлати ва қанглилар. «Фан», – Т.: 1990 й.
707. *Шониезов К.* О роли карлукского компонента в этногенезе узбекского народа. ОНУ, № 6, 1981 г.
708. *Шониезов К.Ш.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001 й.
709. *Шониезов К.Ш.* Узбеки-карлуки. – Т.: 1964 г.
710. *Шониезов К.Ш.* Қанг давлати ва қанглилар. – Т.: 1990 й.
711. *Шукуров А.* «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. – Т.: 2010 й.
712. *Шукуров А.* Товушининг товланиши. – Т.: 2012 й.
713. *Шюй Шюйя.* Қадимги ипак йўли ва Марказий Осиё тарихий географиясига доир тадқиқотлар (Тангдай сичоу чжилу юй Чжунгяя лиши дили янжю). – Сиан, 2000 й.
714. *Щербак А.М.* Грамматика старо-узбекского языка. Москва-Ленинград, 1962 г.
715. *Щербак А.М.* Огузнаме. Мухаббатнаме. – Москва, 1959 г.
716. *Эрашев И.* Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. – Т.: «Шарқ». 1998.
717. *Эркаев А.* Ўзбекистон йўли. – Т.: «Маънавият». 2011.
718. *Эргаш Очиллов.* Ёзма адабиёт. Ўзбек миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Т.: 2006 й.
719. *Эрматов М.* Этногенез и формирование узбекского народа. Т.: 1968 г.
720. *Эсанов М.* «Авесто» жамиятининг археологик материалларда ... // т.ф.н. дис. – Т.: 2007 й.
721. *Эсанов М.* Бронза даврида Қадимги Бактрия ва Марғиёна аҳолисининг зоолатрик диний қарашлари // Ўзбекистон моддий маданият ёзма манбаларда. – Т.: 2007 й.
722. Этнический атлас Узбекистана, 2002 г.
723. Южный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. Археология, палеоэкология и палеодемография Евразии. Москва, 2000 г.



724. Юсупов Х. Путеводитель по археолого-архитектурным памятникам Ташовузской области. Ашхабад, 1989 г.

725. Яблонский Л. Т. Краниологии кельтеминарцев. Внутригрупповой анализ. СЭ, №2, 1985.

726. Ягодин В. Н. Памятники кочевых племен древности и средневековья. «Древняя и средневековая культура Устюрта». Т.: 1988 г.

727. Яйленко В. П. Енисейцы-кетты в этнической истории древней Средней Азии. «Проблемы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии» Вып. I. Москва, 1990 г.

728. Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Изд. «Фан». Т.: 1941 г.

729. Ярхо А. И. О некоторых вопросах расового анализа. Антропологический журнал. 1934, № 3. С. 3–21.

---

## ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Adams R. Heartland of Cities. – Chicago, 1982.
2. Alemany A. Batı Avrasya Steplerinde Türk ve Alan Halkları Arasındaki Tarihi Bağlantılar // TÜRKLER, 2, – Ankara, 2002.
3. Al-Moqaddasi, Abu Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslemici. Eed. M. J. de Goeje. BGA. – Pars 3. – Lugduni-Batavorum, 1967.
4. Aalto P. The name of Tashkent. CAJ. – Vol XXI, – Wiesbaden, 1977.
5. Babayarov G. The influence of the Ancient Indian traditions in the early Turkic coins of Chach/ Tashkent region (VI–VIII AD) // International Seminar and Exhibition. Cities, Roads and Caravan Sarais An Emblem of Linkages Through the Age (India, West and Central Asia), 8 – 12 January, 2008.
6. Bacot J. Reconnaissance en haute asie septentrionale par cinq envoyes ouigours au VIII<sup>e</sup> siècle // JA. – Paris, – Vol. CCXLIV. 1956.
7. Bailey H.W. Languages of the Saka. «Handbuch der Orientalistik, I,4 ,I Linguistik. – Keiden, 1958.
8. Bailey H.W. The Ancient Kingdom of Khotan // Iran, – Vol. 8. 1970 y.
9. Bang. W., Aalto P. The name of Tashkent. CAJ, – Wiesbaden, – Vol. XXI. 1977.
10. Barthold V. V. Orta Asya Türk Tarihi Dersleri. Ankara, 2004.
11. Beal S. Si-yu-Ki Buddhist record of the Westernworld. –Vol. I. – London, 1884.
12. Brunet F. Asie Centrale: vers une redefinition des complexes culturels de la fin du Pleistocene et des debuts de l Holocene-Paleorient, 28/2. Paris, 2002.
13. Boodberg P. A. The Language of the T'o-Pa Wei // Harvard Journal of Asiatic Studies. – Kambridge, –Vol. 1, No. 2. 1936.
14. Bosworth C. E. Chach. «Encyclopaedia Iranika. –Vol. IV, – London, – New York, 1990.
15. Chavannes E Documents sur les Tou-Kiue(turks) occidentaux. Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. VI. СПб., 1903.
16. Chavannes E. Notes additionelles sur les Tou-kie (Turcs) occidentaux // T'oung Pao. – Vol. II. – Leide, 1904.
17. Childe V.G. The urban revolution // Towh planning Review. –Vol. 21. 1950.
18. Chirshman R. Terrasses Sacres de Bard-e Nechander et Masjed-I Solomanb. – Paris, 1976.
19. Clauson G. À propos du manuscrit Pelliot tibétain 1283 // Journal Asiatique. – Paris, 1957.
20. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. – Oxford, 1972.

21. Cribb J.E., Bopearachchi O. Greek hero-god, Heracles // *The Crossroads of Asia. Transformation in Image and Symbol in the Art of Ancient Afghanistan and Pakistan*. – Cambridge, 1992.
22. Czeglédi K. On the Numerical Composition of the Ancient Turkish Tribal Confederation // *Acta Orientalia*. T. XXV. – Budapest, 1972.
23. Dani A. H., Litvinsky B. A., Zamir Safi M. Eastern Kushans, Kidarites in Gandhara and Kashmir, and Later Hephthalites // *History of Civilizations of Central Asia*. – Vol. 3. – Paris 1996.
24. Dani A. Peshawar: Historic city of the frontier. – Lahor, 1995.
25. Doerfer G. İran'daki Türk Dilleri – Die Turkschprachen İrans // *Türk Dili Araştırmaları Yıllığı. Belleten*. Sayı 302. – Ankara, 1969.
26. Doerfer G. Lexik und Sprachgeographie des Chaladsch. – Wiesbaden, 1987.
27. Doerfer G. Mahmūd al-Kāşyarī, Arşu, Chaladsch // *Ural-Altäische Jahrbücher*. Band 7. – Wiesbaden, 1987.
28. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara, 2003.
29. Enoki K. On the nationality of Ephtalites // *Memories of the research department of Toyo Bunko*. № XVIII. – Tokyo, 1959.
30. Esin E. Bağdaş ve Çökme, Türk töresinde iki oturuş şeklinin kadim ikonografisi // *Sanat Tarihi Araştırmaları*, III. – İstanbul, 1970.
31. Esin E. Kün-Ay (Ay Yıldız Motifinin proto-Türk Devrinden Karahanlılara Kadar İkonografisi) // VII. TTK Bildirileri, c. I, – Ankara, 1972.
32. Frye R. N., Sayılı A. Selçuklulardan evvel Orta Şark'ta Türkler // *Belleten*. Cilt. 10. – Ankara, 1946.
33. Gharib B. *Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian – English*. – Tehran: Farhang Publications, 1995.
34. Ghirshman R. Les Chionites – Hephthalites//MDAFA. –Le Caire, -T.XIII.1948.
35. Göbl R. *Dokumente zur Geschichte der İranischen Hunnen in Baktrien und İndien*. Band I, – Wiesbaden, 1967.
36. Göhçe S. İlkçağda Hindistan'da Türk varlığı // *The Journal of İndo-Turcica*. – İstanbul, 2008.
37. Golden P. B. *Hazar Çalışmaları*. Çev. E. Ç. Mızrak. – İstanbul: Selenga, 2006.
38. Golden P. B. *Türk Halkları tarihine Giriş*. Çev. O. Karatay. – Ankara, 2002.
39. Golden P.B. *An Introduction to the History of the Turkic Peoples*. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1992.
40. Gömeç S. «Kara Hanlı» Adı Üzerine Bazı Düşünceler // *KÖK Araştırmaları*. Cilt II. Sayı 2. – Ankara, 2000.
41. Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // *History of Civilizations of Central Asia*, – Vol. 3, – Paris 1996 y.
42. Henning W. B. The Name of the «Tokharian» Language // *AM*. – Vol. I. – London.. 1950.
43. Heršak E. *Avarlar: Etnik Yaradılış Tarihlerine Bir Bakış* // *TÜRKLER*. – Ankara, 2002.
44. Hoffmann H. Die Qarluq in der tibetischen Literatur // *Oriens*, –Vol. 3, No. 2. (Oct. 31, 1950).
45. Humbach H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // *Bulletin of the Asia İnstitute*. New Series.– Vol. 10. – London. 1996.

46. Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A. D. // Zinbun. – Tokyo, No. 38. 2005 y.
47. İzgi Ö. Çin elçisi Wang Yen-Te'nin Uygur seyahatnamesi. – Ankara: TTK, 2000.
48. K. D ohsson. Les peuples du Caucase, – Paris, 1882.
49. Kalankatlı Moses. Alban Tarihi. Türkçeye çeviren Y. Gedikli. – İstanbul, Selenge yayınları, 2006.
50. Konow S. On the Nationality of the Kusânas // ZDMG, LXVIII.
51. Konukcu E. Akhunlar // TÜRKLER. Cilt I. – Ankara, 2002.
52. Konukçu E. Hindistan'daki Türkler // Hindistan Türk Tarihi Araştırmaları - The Journal of Indo-Turcica. Sayı I, 2001.
53. Kumar B. The Early Kusânas (A history of the Rise and Progress of the Kusâna Power under the Early Kusâna Rulers-from Kujula kadphises to Vasudeva). – New Delhi. 1973.
54. Lévi S. Note additionnelle sur les Indo-Scythes // JA, neuvième série, t. X. – Paris, 1897.
55. Litvinsky B.A. The Hephthalite Empire // History of Civilizations of Central Asia. – Vol. 3. – Paris, 1996.
56. Liu Mau-Tsai. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost – Turken(Tukue). – Wiesbaden, 1958.
57. Markwart J. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen Landeskunde von Ostiran. – Leiden, 1938.
58. Marquart J. Erânşahr, nach der Geographie des Ps. Moses Xorenac'i. – Berlin, 1901.
59. N. Avanesova, S. Sajdullaev, A. Ėrkulov. Gzam-ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana. «Archaeologische mitteilungen aus Iran und Turan». – Berlin. 2001.
60. Ögel B. İlk Tôles Boyları // Belleten. – Ankara. 1948.
61. Ögel B. Sekel'lerin ataları hakkında (Sikil, Ezgil boyları) // Belleten. – Ankara 1945.
62. Orkun H.N. Eski Turk Yazıtları. – Ankara: TTK, 1986.
63. Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığın'daki Aşinaslı Bir Kağan'ın Şeceresine ait Bir Kaynak // TÜRKLER. – Ankara, Cilt 2. 2002.
64. Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast, and Shayast La-Shayast. Trans. by E.W. West. BSE., – Part 1. – Vol. 5. – Delhi. 1987.
65. Pritsak O. Die Karachaniden // Der Islam, XXX. – Berlin, 1952.
66. Pulleyblank E.G. Sogdiana colony in inner Mongolia, Toyng, – Vol. 417, 1952.
67. Puri B. N. India under the Kushânas. Bharatiya Vidya Bhavan, Chowpatty, – Bombay, 1965.
68. Puri B. N. The Nationality of the Kushans // TsAKE. 1974.
69. Reinaud M. Geographie d'Abul fed. t. I, II. CCXXIII. – Paris. 1848.
70. Salman H. Turgisler. – Ankara: TTK, 1998.
71. Şeşen R. Eski Araplar'a göre Türkler // Türkiyat Mecmuası. – Ankara, 1969.
72. Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre Türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara: TTK, 2001.
73. Sims-Williams H. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. I: Legal and Economic Documents. – Oxford Univ. Press, 2000.
74. Sims-Williams N. Ancient Afghanistan and Its Invaders: Linguistic Evidence from the Bactrian Documents and Inscriptions // Indo-Iranian Languages and Peoples. Ed. N. Sims-Williams. – Oxford, 2002.
75. Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan. – Oxford, 2000.

76. Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // *Coins, Art and Chronology Essays on the pre-Islamic History of the Indo-Iranian Borderlands*. – Wien 1999.
77. Sims-Williams N. Turks and other peoples in the Bactrian documents // *Ötüken'den İstanbul'a Türkçenin 1290 Yılı (720-2010) – From Ötüken to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720-2010)*. 3-5 Aralık, İstanbul / 3th – 5th December 2010. – İstanbul, 2011.
78. Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe. «Shygys», 2006.
79. Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan's Oases in the Sixth through Eighth Centuries // *TURKS*. – Ankara, 2002.
80. Stark S. Nomaden und Seßhafte in Mittelasien- und Zentralasien // *Grenzüberschreitungen. Formen des Kontakts zwischen Orient und Okzident im Altertum*. – Stuttgart, 2002.
81. Stronach D.B. TepeNush-i Jan: Excavation in Iran. – Oxford, 1972 y.
82. Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995.
83. Taşağıl A. Gök-Türkler. III. – Ankara: TTK, 2004.
84. Tezcan M. Kuşanların Menşei // *Türkler*. 1. Cilt. Yeni Türkiye Yayınları. – Ankara, 2002.
85. Thakur U. The Hunas in India. – Varanasi, 1967.
86. Thomaschek W. *Centralasiatische Studien. Sogdiana, SBAM, (Bdnd. LXXXVII)*, – Wien, 1877.
87. Thomsen V. Orhon ve Yenisey yazıtlarının ilk çözümü. İlk Bildiri. Çözümüş Orhun yazıtları (Türkçe terc. V. Koken). – Ankara:TTK, 1993.
88. Togan A. Z. V. Umumi Türk Tarihine Giriş. 3. Baskı. – İstanbul, 1981.
89. Togan I., Kara G., Baysal C., Cin kaynaklarında Türkler. Eski Tang Tanhi/ – Ankara: TTK, 2006.
90. Tuğuşeva L.Yu. Türkler ve Toharlar arasındaki münasebetler // *TÜRKLER*, 2. cilt, – Ankara, 2002.
91. Vaissière E. de la. Is There a «Nationality of the Hephthalites» // *Bulleten of the Asia Institute. New Series/Volume 17*, 2003.
92. Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies - Handbuch der Orientalistik. Section eight, Central Asia; v. 10. Leiden – Boston: Brill, 2005.
93. Vinogradova N.M. Kangurtut: The Ancient Agricultural Burial Ground in Southern Tadzhikistan. *Inform. Bulletin IASCCA, Вып. XX*. – Moskov. 1996.
94. Vinogradova N.M. The Farming Settlement of Kangurtut: in the Late Brnže Age. *AMI,B.27*, – Berlin. 1994.
95. Yoshida Y. Some reflections about the Origin of *čamūk* // *Papers on the Pre-Islamic Documents and Other Materials Unearthed from Central Asia*. Ed. T. Moriyasu. – Kyoto, 2004.
96. Yu . Bregel. Notes on the study of Central Asia. *Журнал «Восток»*, № VI. – Москва. 1997.
97. Yu. Bregel. The sart in the Khanate of Khiva. *Journal of Asian History*. V.12, № 2. 1978.
98. Zamir Safi M. Eastern Kushans, Kidarites in Gandhara and Kashmir, and Later Hephthalites // *History of Civilizations of Central Asia*. – Vol. 3. – Paris, 1996.



---

## ҚИСҚАРТМАЛАР

АО – археологические открытия.

АРТ – археологические работы в Таджикистане.

ВДИ – «Вестник древней истории».

ГУОПМК УзССР – Государственное управление охраны памятников материальной культуры УзССР.

ИАН УзССР – «Известия Академии наук Узбекской ССР».

ИИВ АН СССР – «Известия Института востоковедения АН СССР».

Известия Уз ФАН СССР – «Известия Узбекстанского филиала АН СССР».

Известия ГАИМК – «Известия Государственной Академии истории материальной культуры».

ИИАЭ АН КазССР – «Известия Института археологии и этнографии КазССР».

ИВ АНРУз – Институт востоковедения АН УзССР.

ИМКУ – история материальной культуры Узбекистана.

ИТФ АН СССР – «Известия Таджикского филиала АН СССР».

КСИА – «Краткие сообщения Института археологии АН СССР».

КСИЭ – «Краткие сообщения Института этнографии АН СССР».

КСИИМК – «Краткие сообщения Института истории материальной культуры».

МИА – материалы и исследования по археологии СССР.

МИГТ – материалы по истории туркмен и Туркмении.

МАИКЦА – Международная Ассоциация по изучению культур Центральной Азии.

МХЭ – материалы Хорезмийской экспедиции.

МИК – материалы по истории каракалпаков.

МИКК – материалы по истории киргизов и Киргизии.

ОАК – отчеты Археологической комиссии.

ОНУ – общественные науки в Узбекистане.

ПТКЛА – протоколы Туркестанского кружка любителей археологии.

РА – «Российская археология».

СА – «Советская археология».

ТАЭ – Термезская археологическая экспедиция.

Труды ИИАН КазССР – Труды Института истории АН КазССР.

Труды ИИАЭАН КазССР – Труды Института истории и археологии АН КазССР.

Труды ИИА АН УзССР – труды Института истории и археологии АН УзССР.

Труды ХЭ – труды Хорезмийской экспедиции.  
Труды КАЭЭ – труды Киргизской археолого-этнографической экспедиции.  
Труды САГУ – труды Среднеазиатского государственного университета.  
Труды ХАЭЭ – труды Хорезмийской археолого-этнографической экспедиции.  
Труды ИИА АН ТаджССР – труды Института истории и археологии  
Таджикской ССР.  
ЭО – этнографическое обозрение.  
ЎЗР МДА – Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви.  
ЎЗР ПДА – Ўзбекистон Республикаси Президент девони Архиви.  
ЎЗМУ хабарлари – Ўзбекистон миллий университет хабарлари.  
ЎЗИФ журнали – Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали.  
ЎЗМЭ – Ўзбекистон миллий энциклопедияси.  
АМИ – Archäologische Mitteilungen aus Iran.  
ВГА – Bibliotheca geographorum arabicorum edidit M.J. de Goeje.  
IASCCA – International Association for Study of Culture of Central Asia.  
САЖ – Central Asiatic Journal.  
МДАФА – Memoires de la Délégation archéologique française en Afghanistan. (Paris).  
ZDMG – Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft.  
СССР – Совет социалистик республикалар иттифоки.  
РСФСР – Россия совет социалистик федерацияси.  
РКП(б) МҚ – Россия коммунистлар (большевиклар) партияси Марказий қўмитаси.  
Турк МИҚ – Туркистон марказий ижроия қўмитаси.  
ТКП – Туркистон коммунистлар партияси.  
БХСР – Бухоро халқ социалистик республикаси.  
ХХСР – Хоразм халқ социалистик республикаси.  
БКП МК – Бухоро коммунистик партияси марказий қўмитаси.  
ХКП МК – Хоразм коммунистик партияси марказий қўмитаси.  
ТАССР МИҚ – Туркистон автоном совет социалистик Республикаси марказий ижро-  
ия қўмитаси.  
Бутунроссия МИҚ – Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси.  
БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.  
МДХ – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги.  
ЕХХТ – Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти.  
ЮНЕСКО – БМТ қошидаги фан, маданият ва таълим бўйича ташкилот.  
НАТО – Шимолий Атлантика харбий блоки.  
СЕАП – Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши.  
ШХТ – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти.  
ОТБ – Осиё Тараққиёт Банки.

## ГЕОГРАФИК ЖОЙ НОМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ

- Абрлиғ 309, 320, 387  
Авар хоконлиги 368, 663  
Австрия 663  
Ажиг (Ачиг) 309  
Ажинатепа 343  
Азар-хаҳ (Минг-булок)  
362, 419  
Азов денгизи 57, 432  
Айртом 75, 332, 558  
Аката 399, 433  
Акес 105, 210, 651  
Ақчахан қалъа 274, 403  
АҚШ 28, 31, 582  
Албания  
Александрия Эсхата  
Алимбойтепа 293  
Амиробод канали 211  
Амударё 14, 18, 56, 57, 58,  
61, 63, 73, 104, 105, 106,  
110, 119, 146, 179, 184, 208,  
209, 210, 211, 212, 213, 214,  
219, 266, 267, 297, 269, 271,  
272, 273, 274, 278, 279, 299,  
300, 305, 351, 353, 358, 359,  
360, 373, 374, 377, 389, 390,  
400, 402, 403, 406, 408, 410,  
426, 429, 431, 440, 441, 443,  
444, 448, 458, 465, 475, 500,  
508, 651, 652, 653, 654, 660,  
664, 669.  
Амуя (Чоржў) 431  
Англия 86, 518, 519, 520,  
525  
Аньси 127, 128, 284, 358,  
367  
Аорн 112  
Апартак 291, 294, 325  
Арабистон 102  
Аракс 74, 105, 107, 109  
Аракчин 250  
Арахосия 210, 351, 653  
Ардланкат 387  
Аржан 266  
Арис 280, 284, 287, 293,  
300, 302, 304, 306, 307, 311,  
316, 323, 338, 355, 356, 362,  
386, 418, 435  
Аркаим 82, 606  
Арманистон 102  
Арпалиғ 309, 320, 387, 414,  
494, 461  
Арсиф 242, 243, 244  
Арсланкат 320, 387, 449,  
461  
Арьянам Вайчах 263, 264,  
272, 301, 658, 659, 661, 402  
Асбаникат 665  
Асбара 423  
Атлах 322, 416  
Аучиндепа 145  
Афросиёб 63, 73, 75, 96,  
129, 133, 135, 197, 200, 203,  
219, 233, 275, 329, 392, 650,  
651, 653  
Афшина 428  
Ахарун 381, 382, 429, 665,  
666  
Ахсикент 126, 277, 397,  
423, 597  
Ахча дарё 146  
Ахмадтепа 291, 294, 325  
Ашқалтепа 180, 182  
Ашт 329, 330, 331, 332  
Аёзкальа-1 275, 404  
Баб (Поп) 396  
Бадахшон 120, 383, 429,  
508, 665, 666  
Бадғис 666  
Базда 428  
Бактра 111, 112, 184, 185,  
653  
Баликкет 387  
Балхон (Балх) 431  
Бангам 665  
Банди Туркистон 665  
Банокат 278, 291, 294, 324,  
326, 398, 438,  
Бараки-Куруг 254  
Барактинтов 281  
Барам-Қазған-2, 224  
Барсахон 436, 437  
Барсқат 309, 320, 387, 414,  
461  
Бахди 74, 96, 100, 146  
Башадар 266  
Бейши 285  
Беш-балик (Турфан) 374  
Бешбулок 228  
Бешкент 251, 253  
Бешқўтон 111  
Бинг-йул (Минг-булок) 322  
Бискар 665  
Бискенд 435  
Бискон 423  
Битьян 123  
Боб (Поп) 277  
Бобил 102, 104, 106  
Бобишмулла 300



- Бағдод 408, 426  
 Боғи майдон 493  
 Боғчасарой 527  
 Бозорқалға 75, 213, 214  
 Болаликтепа 343, 490  
 Боласоғун 364, 415  
 Бохан 396  
 Боханна (Фарғона) 380  
 Буванамозор 179, 180, 277  
 Буғут битиктоши 364  
 Бузмаджон 425, 668  
 Бўзсув 346, 381, 580  
 Бўйрачи 111  
 Бўка 433  
 Булғор 501, 677  
 Бунжикат 394, 665  
 Бургар 665  
 Бургутқалға 213  
 Бўр-Кўрбаз 334  
 Бурликалға 75  
 Бурнамад 425, 668  
 Бурчмулла 326, 338, 339  
 Буст 383  
 Бўстон 6 254  
 Буттам 665  
 Буюк ипак йўли 103, 125, 364, 416, 425, 429, 434, 436  
 Буюк Турк чўли 18, 262, 441, 442, 444, 505, 673  
 Вавилон 101, 104  
 Вагкет 665  
 Вакр 665  
 Валх 665  
 Варағсар 428, 668  
 Варахша 428, 490  
 Вардона 427, 428  
 Вардонхудот 427  
 Варзик 246  
 Варукаша денгизи 135  
 Ваҳон 429  
 Вашгирд 38, 656, 657, 665,  
 Ведар 425, 668  
 Венгрия 24, 481  
 Византия 360, 362, 373, 376, 480, 481  
 Водил 241, 242  
 Вревский 238  
 Гава Суғуда 74, 96, 100, 115  
 Гавгамел 306  
 Галашерик қабристони 232  
 Гандимиён 520  
 Гандхара 102, 383, 652  
 Гаочан 375, 378, 384, 656  
 Гарчистон 381, 654  
 Геоксюр 142, 143  
 Германия 32, 153, 264, 525, 582  
 Гиркания 210  
 Говур қалға 132  
 Гонур 72, 74, 145, 158, 166, 439  
 Гужайли 229, 230  
 Гузгон 665, 667  
 Гулдарё 206  
 Гумбази Саййидон 491  
 Гурганж (Урганж) 429  
 Гургон 377  
 Гуфтан 391, 429, 665  
 Дабусия 426  
 Даван (Дайюан) 83, 119, 120, 277  
 Давар 383  
 Дағайтепа 340  
 Дайғиа 119, 120, 127, 128, 129  
 Далварзинтепа 75, 132, 179, 180, 182, 183, 291, 326, 343, 352, 375  
 Даратепа 75, 197, 205, 206, 207, 208, 219  
 Дарвоз 429, 511  
 Дарвозақир 141, 228, 439  
 Дарғом 335, 425, 668  
 Дарғом канали 335  
 Дарданел бўғози 32  
 Дахана 244, 246, 248, 254  
 Даханин 249  
 Дахя 119  
 Дашли-3 163, 166  
 Дашти Навур 137  
 Дашти-Қазо 143, 235, 236  
 Даштли 73, 74  
 Дашя 120, 127  
 Девкескан 406  
 Дехистон 377  
 Дингилжа 213, 214, 273, 275, 403, 404  
 Днепр дарёси 673  
 Дон дарёси 432, 481  
 Дор ус-сиёдат 490, 491  
 Дор ут-Тиловат 490, 491  
 Дрангиана 102  
 Драпсак 112  
 Дўланабулоқ 291, 294, 325  
 Дунгхуан 129, 134, 393, 451  
 Ёзгулом дарёси 429  
 Ёри 143, 235  
 Ёркенд 125  
 Ерқўрғон 205, 208  
 Жабғукат 374  
 Жайхун дарёси 431  
 Жамантўғай 293  
 Жанидарё 300  
 Жаркўл 658, 251  
 Жарсой 281  
 Жартигумбаз 253  
 Жейнов 429, 24  
 Жетиасар 126  
 Жийдачамирсой 246  
 Жилоу 143  
 Жойтун 353, 438, 439, 80, 139  
 Жом 145, 230, 232  
 Жонбос – 34 224, 225  
 Жонбос–21 224  
 Жонбос–22 224  
 Жонбос–30 224, 226  
 Жонбос–33 224  
 Жонбос–33а 224  
 Жонбос–4 669, 224  
 Жондавлаттепа 73, 75, 188, 190, 192, 194, 219  
 Жуан-жуан 663, 371, 372  
 Жўйғари 429, 24  
 Жумишлағу 322  
 Жунғория 374, 450  
 Журжония 433  
 Замараева макони 245

- Замахшар 406  
 Заргартепа 343  
 Зариасп 652, 114  
 Заркамар 254  
 Зартепа 343, 75  
 Зарча Халифа 145  
 Звенигород 51  
 Зиндана 428  
 Зирабулок 519  
 Зобулистон 370, 383  
 Зомин 664, 424  
 Ёебочжи *Гйесай* (Косон) 380  
 Или дарёси 462  
 Илк Аруктов 251  
 Илк Тулхар 251  
 Илок 279, 280, 309, 320, 387, 398, 399, 400, 414, 433, 434, 435, 436  
 Инкордарё 300, 224  
 Иония 104  
 Ирк битиги 136  
 Иртиш дарёси 508  
 Иссиқ кўрғони 447  
 Иссиқкўл 269, 362, 436, 437, 120  
 Исфаги 667, 428  
 Исфижоб 360, 362, 363, 377, 418, 435, 437  
 Исфижоб (Сайрам) 664, 364, 415  
 Итил дарёси 59  
 Итлик 309, 320, 387, 414, 449, 461  
 Йўғонтепа 399  
 Иузкент 436  
 ихшид 667, 668, 335, 381, 383, 390, 391, 392, 394, 396, 398, 334, 203  
 Ичанқалъа 273, 274, 403, 406  
 Ички Қизилкум 224  
 Ишратхона 670  
 Иштихон 426  
 Кабуданжакет 667, 425  
 Кавардон 291, 294, 303, 326  
 Кавказ 661, 675, 676, 501, 520, 538, 548, 590, 305, 334, 359, 360, 373, 432, 470, 493, 32, 74, 112  
 Каджартепа 340, 342  
 Калажик 275, 404  
 Кампиртепа 75, 137  
 Камчатка 263  
 Кангурттут 251, 254  
 Канка 287, 319, 123  
 Каписа 383  
 Каппадокия 102  
 Каптарни қуми 228  
 Карамкўл 241, 242  
 Каримберди 251  
 Кармана 668, 466  
 Каррон 664, 665, 381  
 Касби 667, 428  
 Каспий денгизи 663, 306, 107  
 Катқалъа 274, 403, 406  
 Катта Гулдурсун 275, 404  
 Катта Ойбуйирқалъа 403, 131  
 Катта тузкон 228  
 Катта Хоразм 651, 652, 653, 83, 97, 260  
 Каттакўрғон 284, 135  
 Кашмир 512, 377, 467, 128  
 Келели 73, 74, 145  
 Келис 300, 356  
 Кенкўл 334  
 Керулен 466  
 Кеш 667, 363, 377, 383, 391, 425, 428, 467, 479, 190, 134, 208  
 Киндиктепа 278, 291, 294, 325, 326, 398, 433  
 Кирманшоҳ 102  
 Киропол 282  
 Кичик Осиё 104  
 Кичик тузкон 229  
 Кончач 143  
 Косон 380, 482, 127, 208  
 Кофирқалъа 75  
 Ксениппа 208  
 Кўзаликир 213  
 Кўк Ўрда 500, 676  
 Кўктепа 439, 440, 473, 475, 113, 197, 198, 199, 201, 203, 232  
 Кўкча 3 қабристонни 348, 225, 235, 242  
 Кўлбулок 93  
 Кулобо 266  
 Кулон 436  
 Кулота 278, 291, 294, 325, 326, 347, 398, 399  
 Култепа 342  
 Култоба 287  
 Кумед 664, 665, 378, 381, 382, 383  
 Кумижи 368  
 Кумул 377  
 Кўна-Уаз 274, 403  
 Курил ороллари 500, 263  
 Куркет 664  
 Куфтан 664  
 Қухисим 289  
 Кўхна Урганч 274  
 Кўхи Бобо 664  
 Кўхитанг 664  
 Кўхна хатлар 393, 134  
 Куча 666, 279, 358, 365, 366, 367, 375, 377, 378, 384, 451  
 Кучуктепа 596, 275, 304, 404, 73, 111, 182, 188, 189, 190, 215, 219  
 Кучуктепа-1 73  
 Кўшк 666  
 Кушонтепа 75  
 Лавандак 336, 337, 338, 350  
 Лавлякан 228  
 Лагаш 153  
 Лампака (Ламған) 383  
 Лангари Хожиён 331, 332  
 Лидия 101, 102  
 Ложувард йўл 102  
 Лолазор 601, 73, 203, 219  
 Майдагепа 433  
 Маймурғ 377, 425, 428

- Мака 102  
 Македония 653, 566, 276, 279, 282, 365, 441, 104, 111, 112, 115  
 Макони-мор 251  
 Малик чўли 251, 668, 336  
 Марв 378, 384, 464, 105  
 Марғиёна 652, 621, 272, 278, 316, 351, 365, 400, 422, 41, 73, 81, 83  
 Марғилон 511, 525, 277  
 Марзбон 667, 425  
 Мароканда 650, 113  
 Маслахаттепа 295, 319  
 Мағиёна тоғлари 105  
 Мерки (Марки) 436  
 Месопотамия 668, 57, 78, 153  
 Мидия 652, 101, 102, 108, 160  
 Миёнруд 423  
 Милет 104  
 Минг-булок (Мерки) 322, 362, 374, 419  
 Мингтепа 346, 126, 184  
 Мингўрик 278, 291, 326, 399, 400  
 Минк 664  
 Минусинск 262, 349, 442  
 Миранкўл 335, 336  
 Мирзачўл 678, 508, 516, 550  
 Мирзои хаммоми 493  
 Миршоди 188, 192, 216  
 Миср 656, 381, 394, 426, 472, 58, 78, 101, 102, 104, 130  
 Молдавия 481  
 Мония 102  
 Мохандарё 662, 669, 229  
 Муғ калъа 134, 135  
 Мўдингтепа 340  
 Мўминобод 351, 489, 233, 234, 244  
 Мунчоктепа 343  
 Мурғоб воҳаси 139, 145, 158  
 Навкат-Қурайш 667, 428  
 Навкат мис қонлари 246  
 Навокет 439  
 Налчик 61  
 Намудлиғ 309, 310, 387, 449, 461  
 Наутака 306, 112, 118, 208  
 Нахшоб 208  
 Негузтепа 340  
 Некалик (Йақалик) 309  
 Нефрит йўли 103  
 Ниёзбошитепа 291, 294, 325  
 Никифоров ерлари 237  
 Нисайя 74  
 Нишон 160, 205  
 Новкатепа 230  
 Номозгатепа 73  
 Норин 299, 300, 423  
 Нортепа 75  
 Нўғай Ўрда 509  
 Нўғайкўрғон 433  
 Нўғайтепа 291  
 Нурек 254  
 Обгар 425  
 Обираҳмат 281, 237  
 Обишир 111  
 Оғалик 335  
 Одойтепа 273, 403  
 Озарбайжон 673, 677  
 Ойкўл 658, 659, 251.  
 Ойтуғди 342  
 Ойхонум 75, 137  
 Океания 25  
 Окс цивилизацияси 73  
 Ок Ўрда 672, 674, 677, 501, 502, 506, 515  
 Окататепа 291, 294  
 Оқдарё 113  
 Оқжар кабристони 334  
 Оқкўрғон 278, 291, 326, 443, 75, 121, 123  
 Оқмачит қалъаси 519  
 Оқсарой 513, 520, 420, 491, 492, 493, 169  
 Октоба-1, 293  
 Октоба-293  
 Оқтош 281, 166, 185, 193, 200, 201, 228, 229, 232, 250  
 Оқчадарё 669, 213, 224  
 Олд Осийё 590, 435, 437  
 Олмалик 291, 294, 325, 386  
 Олмаотишган-2, 406  
 Олтин Ўрда 677, 500, 501, 502, 503, 506, 507, 11, 59, 65  
 Олтинтепа 72  
 Олтинтов 293  
 Онон 514, 608, 466  
 Ориёна 647, 443, 32, 30, 101  
 Орксант 112  
 Орол денгизи 663, 668, 672, 677, 501, 508, 285, 299, 300, 321, 387, 415, 432, 435, 480, 48  
 Оссурия 652, 11, 184  
 Отчопар сой 143, 235  
 Оҳангаронтепа 326  
 Ошхонатепа 399  
 Пазирик 266  
 Пайарик 113  
 Палтау 281  
 Панж 631, 662, 665, 667, 666, 539, 336, 424, 426, 429, 131, 134  
 Панжикент 131, 134, 667, 539, 336, 425  
 Парсуа 267, 102.  
 Партава 101, 102  
 Пархар 251  
 Пекинб 16, 260, 463  
 Персеполь 306, 101  
 Пешовар 128  
 Пирмааттепа 340  
 Пискент мингтепа мазор-кўрғонлари 291  
 Пишактепа 342  
 Пишлак 519  
 Поёнкўрғон 118  
 Пойкент 668, 75, 229, 392, 293, 425, 230, 82, 263, 358, 367, 369, 450, 57  
 Покистон 268, 358  
 Политимет 113, 114, 117

- Помир 646, 651, 664, 665,  
 289, 343, 105, 120, 251, 251,  
 253  
 Пшактепа 110  
 Рабатак 128, 133, 267, 287,  
 446, 557  
 Рабиджон 75  
 Рашт 667, 664, 386, 665  
 Ригведа 268, 270, 271, 29  
 Ромитон 428  
 Ромишттепа 75  
 Руминия 548, 481  
 Руххаж 481, 548  
 Сабат 664  
 Савдор 425, 667  
 Саврон 435, 502  
 Сазагон 145, 230, 335, 336  
 Сайгус 233  
 Сайрам 362, 364, 388, 415,  
 416, 418, 435, 511, 538, 664  
 Сай-Сайёд 250  
 Сакокет 387  
 Саксанохур 251  
 Саламин 111  
 Самингон 381, 666  
 Сангиртепа 73, 107, 205,  
 206, 207, 208  
 Саразм 139, 141, 143, 144,  
 145, 158, 178, 196, 199, 220,  
 227, 228, 235, 353, 439, 440,  
 445, 473  
 Сариагачтепа 326  
 Сарибуга 466  
 Сарипул 479  
 Саттагация 102  
 Сейистон 210, 466  
 Сеистон 383  
 Селат 423  
 Сел-Унғур 93  
 Сеталак-1 340  
 Сеталактепа 75  
 Сибир хонлиги 515  
 Сигиртепа 308, 320, 387,  
 414  
 Сикр аш-Шайтон (Шайтон  
 тўсиғи) 431  
 Силис 662  
 Симингон 664  
 Синд дарёси 484  
 Синташта 82, 632  
 Скифия 56, 57  
 Смараканса 135, 650  
 Содикат 295, 313  
 Сошлик 309, 320, 387, 414,  
 449, 461  
 Солоха 266  
 Сополлитепа 73, 145, 146,  
 148  
 Субах 428, 667  
 Сувёрган канали 669  
 Судуйшана 393  
 Судушина 393  
 Суёб (Тўкмок) 363  
 Суза 102, 103, 153  
 Су-йе шуй (Суёб) 363  
 Суйшуда 285  
 Су-ли (Суғд) 363, 364  
 Сулэ (Қошғар) 358  
 Супатов руда кони 246  
 Сурх-котал 133, 137  
 Сусие 123  
 Сусйе 284  
 Сутканд 322, 416  
 Суюб (Ок Бешим) 374  
 Суюктепа 295, 313  
 Тавил Дара 250  
 Тавовис 668, 392, 426, 428  
 Такобкат 436  
 Тақир Ягана 245  
 Талас водийси 362, 419,  
 436, 123  
 Талас дарёси 435  
 Талашкантепа 615, 188,  
 192, 196, 219  
 Тали-Барзу 75  
 Танаис 306, 112, 116  
 Тангри Сурх 331  
 Тангригоғ 500, 281, 326,  
 358, 309, 469, 75, 68, 118  
 Танхоздарё 205  
 Тарбанд 123  
 Тарду хокон 376, 382  
 Тароз 363, 415, 435  
 Гарсатоба 293  
 Тахти-Сангин 75  
 Тегискен 681, 607, 266, 300,  
 227  
 Тегузак 345  
 Тепакўл 335, 251, 254  
 Тешик калъа 222  
 Тигровая Балка 658, 251  
 Тиктурмастоба 293  
 Тиллатепа 354, 165  
 Тиркаштепа 331, 332  
 Тобол 502, 358, 443  
 Тоғли Бадахшон 665, 429  
 Тоғли Олтой 257  
 Тозабогёб канали 659, 441,  
 224  
 Толос 302, 329  
 Тоткан 479  
 Тохирбой-3 73  
 Тошгузар 659, 251, 253  
 Тошовуз 208  
 Тошхирмон 213  
 Тўғолоқ-21 165, 166  
 Тўдаи Калон 329  
 Тўйтепа 287  
 Тўк калъа 274, 403  
 Тўқайли 232  
 Тўк калъа 276, 405, 75, 131  
 Тўккизтепа 137  
 Туна дарёси 663  
 Тупрокқалъа 490, 75, 129,  
 213  
 Тупхона 351, 250  
 Туркистон Оқтепаси 295,  
 313  
 Туркия 648, 518, 528, 481,  
 33, 34  
 Туркменистон 249, 662,  
 671, 537, 469, 478, 137, 141,  
 144, 228, 539, 541, 353, 377,  
 тўрт Тўхор ўлкаси 280, 365  
 Тўрткўлтепа-1 326  
 Турунгли 246  
 Турфан 279, 374, 451  
 Туткаул 250

- Туюн 251, 252  
 Туябўғиз 303, 346, 347, 215, 216  
 Тянь-Шань 125  
 Удабандапур (Охинд) 383  
 Удйана (Сват) 383  
 Ўзбекия 673, 504, 505  
 Узункир 73, 197, 205, 206, 207, 208, 219  
 Уйгарак 300, 227  
 Уланбулоксой 146, 188  
 Улкантойтепа 399  
 Фагкат 667  
 Фаёзтепа 558, 490, 75, 137  
 Фаргидаг 668, 392  
 Фарнкат 433  
 Фароб 668, 591, 392, 435  
 Фейхан 396  
 Фей-хан мамлакати 363  
 Фекнан 664  
 Финикия 104, 131  
 Фороб 431  
 Фракия 32  
 Франция 36, 153  
 Фуму 284, 123  
 Хазар (Каспий) 431, 432  
 Хазара 333, 336, 350  
 Ҳайитободтепа 188  
 Хангиз 334  
 Харайва 651, 74  
 Харакана 664  
 Харанжувон 436  
 Харашкат 433  
 Херирут 210  
 Хива хонлиги 651, 675, 514, 518  
 Хилменд 402, 209, 210  
 Хитфар 668, 392  
 Ҳазорасп 653, 63, 73, 211, 220  
 Хой Чао 321, 360, 363, 380, 387, 415  
 Холчаён 132, 137  
 Хонобод 291, 294, 325, 399  
 Хороева 100, 106  
 Ҳосияттепа 343, 192, 219  
 Хотинрабод 137  
 Хотункат 309, 320, 587, 414, 433, 449, 461  
 Хўжа Бўстон 197  
 Хўжа Ягона 248  
 Хўжаи Сўф кабристон 331  
 Хўжакент 281  
 Хулбук 429  
 Хумбустепа 653, 211, 213, 220  
 Ху-мин (Куба?) 380  
 Хурлуғ 322, 416  
 Хуросон 653, 267, 268, 358, 361, 377  
 Хўтан 666, 358, 367, 375, 377, 378, 437  
 Хуттал 664, 665, 666, 669, 378, 381, 382, 142, 149  
 Хэ 285  
 Ўзбек давлати 500, 64  
 Ўзбек эли 500  
 Ўзган 348, 428, 477, 126  
 Ўнгин ёзуви 136  
 Ўралитепа 240  
 Ўратепа 519, 539, 126  
 Ўрол тоғи 267, 442  
 Ўрта Ер денгизи 660, 662, 304, 348, 150, 151, 153, 130, 226, 235, 236  
 Ўртасарой 236  
 Уструшона 664, 279, 280, 361, 363, 373, 377, 383, 424  
 Ўтрор 502, 280, 293, 295, 300, 302, 307  
 Учкатли 246  
 Ўш 241, 42  
 Кобулистон 375  
 Қадимги Хоразм давлати 653, 83  
 Қадимги Шарқ 654, 278, 279, 73, 75, 77, 118, 145, 153, 188, 221, 278  
 Қайрағоч 348, 205  
 Қалбаи Заҳоки Марон 340, 75  
 Қаландархона 334  
 Қалкан ота мазорқўрғонлари 197  
 Қалъатепа 433  
 Қанғ давлати (Канкия) 285, 312, 387, 350, 386, 398, 411, 29  
 Қанғдиз 121, 123  
 Қангу-Тарбанд 123  
 Қанка 273, 278, 282, 283, 291, 308, 320, 403, 414, 121, 215  
 Қошғар 666, 511, 378, 437, 451, 462, 244  
 Қашқарчи 243  
 Қизилдарё 205, 206  
 Қизилкотан 246  
 Қизилкир 333, 338, 339, 350, 233  
 Қизилкум 669, 300, 353, 224, 228  
 Қизилолма 291, 294, 325  
 Қизилолмасой 281  
 Қизилтепа 329, 350, 73, 188, 192, 194  
 Қизилча 111, 219  
 Қизилча-6 188, 192, 194  
 Қозимонттепа 197, 220  
 Қора денгиз 672, 258, 269, 301, 323, 360, 374, 46, 57, 104, 136  
 Қоракўл тумани 477, 59, 229  
 Қорақалпоғистон 208  
 Қорамозор 289, 331  
 Қорамозор тоғи 281, 387, 245, 246  
 Қоратегин 665, 478  
 Қоратепа 558, 75, 137  
 Қоратов 293, 295, 300, 302, 313, 353, 355  
 Қошушгувон 668, 392  
 Қрим 673, 501, 57  
 Кубодиён 666, 382  
 Қуба (Кубо) 277, 423  
 Қувондарё 300, 311, 349

Кўгайиттепа 293  
 Куйи Самжон 668, 392  
 Куйи Фаравиз 668, 392  
 Кўйқирилганқалъа 75  
 Кўкон хонлиги 511, 514, 519, 520, 89  
 Кулоқчинтепа 291  
 Кулоқлитена 343, 399  
 Кумсултон 229  
 Кундуз 663, 664, 667, 506, 382  
 Курама 281, 387, 433  
 Кўрғонзол 188  
 Кўрғони Ромитан 75  
 Кўрғонтепа 666, 433, 250, 252  
 Кутлуктепа 165  
 Кўшқалъа 273, 403, 211, 213  
 Кўштепа—2 340, 342  
 Ғаз 667, 381  
 Ғазна 424  
 Ғазнавийлар 669, 408, 424  
 Ғиштсой 281  
 Ғозтепа 73  
 Хайрабодтепа 75  
 Ҳақ 179  
 Ҳамадон 102  
 Ҳафдеҳ (Етти кишлок) 423  
 Ҳиндикуш тоғлари 266, 105  
 Цзе-шуан-на (Кешания, Кеш) 363  
 Цянь-цюань (Минг-булоқ) 362, 419  
 Чакка қабристони 232  
 Чатқол 281, 329  
 Чашмаи Моҳиён 333  
 Чек 242, 244  
 Чжеси 285  
 Чжоу 260  
 Чигил шаҳри 436  
 Чилпиқ қалъа 274, 403  
 Чилстун кўшки 493  
 Чимбойлик хазинаси 237, 239  
 Чимён 525  
 Чинанчкат 326  
 Чиннихона кўшки 493  
 Чинозтепа 399  
 Чирикработ 300, 304, 306, 326  
 Чирокчитепа 205, 206  
 Чағониён 391, 135  
 Чор-Бакр 508  
 Чордара 291, 294, 226, 446  
 Чорку 332  
 Чорсу 490  
 Чоч 663, 664, 681, 504, 600, 277  
 Чу дарёси 515, 450  
 Чугэхона 331  
 Чукотка 500  
 Чумали сой 143  
 Чўнгтепа 291, 294, 325  
 Шавгар 435  
 Шагар 664  
 Шаматепа 291, 326  
 Шарғ 428  
 Шаршара 250  
 Ши Жи 656  
 Ши-го 663, 289, 379  
 Шимолий Вэй 358  
 Шовот тупрокқалъаси 274, 403  
 Шовшуқумтоба 293  
 Шом 426, 130  
 Шоҳ йўли 103  
 Шуайдушана 393  
 Шубурғон 667, 381  
 Шуғнон 651, 664, 667, 381  
 Шулликтепа 340  
 Шуман 664, 667, 381  
 Шумер 153  
 Шўрнова сой 143  
 Шўробсой 205, 206  
 Шўртепа 111  
 Шўртуғай, 73, 74  
 Шўржуктепа 295, 313  
 Шутуркат 433  
 Шы 285  
 Эгей денгизи 32  
 Эқбатана 104  
 Эк-тоғ (Шаркий Туркистон) 374  
 Элам 101, 102  
 Эламту 101  
 Эртош 240  
 Эрши 126  
 Эски Термиз 75  
 Эскидарёлик 300  
 Юқори Самжон 668, 392  
 Юқори Фаравиз 668, 392  
 Юлдуз водийси 374  
 Юни 284, 357, 421, 123  
 Яккабоғ 205, 207  
 Яксарт 662, 281, 282, 402  
 Янгикент 295, 322, 416, 435  
 Япаги 242, 244  
 Яркет 667, 425

### ЭТНИК НОМЛАР КўРСАТКИЧИ:

|                           |                                       |               |
|---------------------------|---------------------------------------|---------------|
| Abdel 368                 | Hunni 366                             | Авар 360, 372 |
| Нара-Нупа (Қизил хун) 365 | Нуон 366                              | Авхат 74      |
| Неbtal 367                | Yen-tai-i-li-t'о (Yep-tha-li-tha) 365 | Агаркур 499   |
| Неftal 367, 635           | Алҳово (Ол-хун) 366                   | Ағир 497      |
| Неftalit 367              |                                       | Адай 499      |

- Аде (Адиз) 499  
 Аз 499  
 Азак 499  
 Азар-хах 419  
 Алан 432  
 Амазонка 114  
 Амургия саклари 101  
 Ангит 498  
 Анмар 499  
 Араб 12, 28, 46, 59, 71, 93, 102, 106, 112, 120, 130, 285  
 Аргун 18, 61, 436  
 Арлай 497  
 Арлот 4, 53, 468, 484  
 Арман 45, 322, 360  
 Арнамар 50, 499  
 Асиан 279, 364  
 Ауган 499  
 Афшар 499  
 Бабаш 499  
 Багон 498  
 Бадай 498  
 Базожи 498  
 Барлос 14, 52, 65, 465, 475, 483, 497, 512  
 Багаш 499  
 Бахрин 470, 483, 499  
 Бачикир 499  
 Бидай 498  
 Бижанаклар (печенеглар) 263, 432  
 Бийча 498  
 Боглон 498  
 Боғлон 499  
 Бойовут 635  
 Боху 499  
 Бочкир 499  
 Бошкурт 498  
 Боязид 484  
 Боязут 498  
 Будай 498  
 Бўзажи 497  
 Бўзай 497  
 Бузақ 497  
 Бузан 497  
 Бўзачи 498  
 Буйат 499  
 Бўйихауз 498  
 Буймов 499  
 Буймовут 498  
 Буйрак 497  
 Буйтай 497  
 Бўйтан 497  
 Булат 497  
 Булғор 323, 360, 501  
 Бўлса 62, 72, 86, 98  
 Бурат, бурят (барот) 497  
 Бурия 87, 135, 498  
 Буркут 499  
 Бурлан 497  
 Бурлат 497  
 Бурлок 497  
 Бусе 499  
 Бўстон 345, 425, 473, 492  
 Бутра 497  
 Бэйган 323  
 Гавчэ 261, 412  
 Галаги 497  
 Гандарий 636  
 Гуйфанг 262  
 Гуйшуан 120, 127, 236  
 Гулаган 497  
 Гулун 498  
 Гурлат 499  
 Дадиклар 106  
 Дай 119  
 Данай саклари 636  
 Данай турлари 282  
 Даражат 499  
 Дахар 127  
 Даши (араб) 380  
 Ди 260, 371  
 Динглинг 73, 261  
 Динлин 14, 25, 261  
 Дуғлат 451, 467  
 Дужир 499  
 Дулдай 483  
 Дунгху 280  
 Дурман 498  
 Дўрмон 499  
 Ёбу 499  
 Ёгрин 499  
 Емо 499  
 Еттибош 498  
 Жаловут 498  
 Жалойир 498, 551  
 Жейнов 498  
 Жизт 498  
 Жийит 498  
 Жилжут 497  
 Жилкаш 499  
 Жиловчи 497  
 Жит 497  
 Жоми 499  
 Жубалижи 636  
 Жуброт 498  
 Жубурган 498  
 Жубурғон 498  
 Жужанлар 257, 261  
 Жўйгари 498  
 Жуйрат 499  
 Жуйраут 499  
 Жулачи 497  
 Жулжут 498  
 Жуначи 499  
 Жунналахи 499  
 Жўрға 499  
 Жуют 497  
 Жюйхай 323  
 Илажи 498  
 Илоч 498  
 Исседон 74, 104  
 Йўрға 499  
 Кабаша 498  
 Калгатой 18, 53, 459  
 Кандар 497  
 Канки 282, 323, 327  
 Кардори 499  
 Кармин 497  
 Касби 428, 563  
 Катагон 497  
 Катай (кабаш) 498  
 Катиар 498  
 Катта ди (жонг ди) 260  
 Кегиз (чиз) 499  
 Келайчи (калайчи) 497  
 Кенагас 497  
 Кенгерес 498

- Тумай 499  
 Тумалас 498  
 Тумбай 498  
 Тум-бўйин 498  
 Тунгус 260  
 Тўпчи 499  
 Тур 499  
 Тургавут 499  
 Тургак 498  
 Турган 498  
 Турғун 499  
 турк 512, 516, 532, 536, 589, 590  
 туркеш 436, 450  
 Туркман 498  
 Туркут 498  
 Турлок 497  
 Турмаут 498  
 Туфан 262  
 Тухси 436, 450, 457  
 Тучат 497  
 Тушлуб 499  
 Убрат (убрят) 497  
 Увузи 497  
 Уғилон 498  
 Ўглон 498  
 Узжулдовчи 498  
 Уйғур 498  
 Уймовут 498  
 Уйрайт 497  
 Уйрак 498  
 Уйрат 498  
 Уйрис 498  
 Уйрувчи 498  
 Уйсун 498  
 Уйуржи 498  
 Уйшун 498  
 Уқалан 498  
 Уқалан (гулаган) 498  
 Улажи 498  
 Унгут 498  
 Унжагит 498  
 Унқут 498  
 Упулачи 498  
 Ур (авар) 498  
 Урат 498  
 Уруб 498  
 Урюз 498  
 Утарчи 498  
 Утургур 498  
 Уюрчи 498  
 Уюшун 498  
 Фақир 499  
 Фаманей 499  
 Фарход 499  
 форс 499  
 Фуладчи 499  
 Хабрин 499  
 хазар 323, 360, 432, 451  
 Халаж 360, 368, 370, 420  
 Ханга киши 499  
 Хитой 370, 371, 375, 376  
 Ху 499  
 Хэбэйси 499  
 Хэже 499  
 Хэясо 499  
 Ўғуз 499  
 Ўз 499  
 Ўзбек 452, 455, 457, 460, 472, 474, 478, 480  
 Ўзже бўлужи 65, 499  
 Ўймовит 499  
 Ўқлан 499  
 Ўн 499  
 Ўнг 499  
 Ўнгка жайт 499  
 Ўнқут 72, 500  
 Ўрай 499  
 Ўрмоқ 499  
 Ўрмонли рунг (линг рунг) 499  
 Ўроқли 499  
 Ўрсун ургун 499  
 Қавчин 499, 500  
 Қаён 500  
 Қаливай 79, 499  
 Қалмоқ 497, 499  
 Қанғар 499  
 Қангарах 500  
 Қанғли 412, 462, 475  
 Қара 413, 499  
 Қари 499  
 Қарлоп 499  
 Қарлук 507, 512, 514, 543  
 Қатағон 497  
 Қатчи 498  
 Қахат 499  
 Качат 499  
 Қиёт 499  
 кизил ди (чи ди) 498  
 Қиловчи 498  
 кипчок 360, 442, 451, 462, 464, 466, 470, 475, 478  
 Қирғиз 343, 372, 385, 413, 437, 453, 516  
 Қирғий 498  
 Қирғин 498  
 Қирдор 499  
 Қирк 499  
 Қиркин 499  
 Қишлиқ 498  
 Қият 499  
 Қозок 497, 508, 515, 518  
 Қоли 498  
 Қопорчи 84, 500, 512  
 Қора-абдал 497  
 Қорақалпоқ 316, 503, 509  
 Қори 500  
 Қорлик 498  
 Қувдок 499  
 Қўжалик 499  
 Қўйсун 84, 439, 500  
 Қўнғирот 543  
 Қур 85, 499, 535  
 Қуралас 84, 499, 535  
 Қурама 498  
 Қурлас 499  
 Қурлаут 498  
 Қўрловчи 499  
 Қутлин 499  
 Қутчи 499  
 Қуччи, кучи 500  
 Қўшчи 500  
 Ғарбий рунг (ши рунг) 260  
 Ғариб 498  
 Ғуз 498  
 Ҳафт 500  
 Ҳофиз 500



- Керай 498  
 Кераит 498  
 Килакаш 497  
 Килачи 497  
 Кимат 497  
 Киради 499  
 Кирай 499  
 Кирдор 499  
 Кихрут 499  
 Кият 498  
 колхлар 636  
 Кохат 499  
 Кубир 498  
 Кудей 499  
 Куйчи 499  
 Кўрлавут 499  
 Курлат 499  
 Кутригур 360  
 Кўчалик 498  
 Кэда 323  
 Мамасит 498  
 Манғит 502, 507, 517, 544, 551  
 Мангут 498  
 Маргуш 104, 145, 158, 210  
 маркит 497  
 Масад 499  
 Масит 498  
 Массает 15, 16, 18, 43, 46, 62, 74, 83, 101, 110  
 Махди 499  
 Махлий 499  
 Машорис 499  
 Меркат 499  
 Меркит 499  
 Месит 498  
 Месчит 499  
 Минг 496  
 Минит (михит) 498  
 Митан 498  
 Мичдир 499  
 Модру 498  
 Можар 498  
 Мўғул 498, 499, 501, 507  
 Муйтан 498  
 Мўмин 499, 508  
 Мусабозори 53, 459  
 Найман 462, 496, 497, 507, 512, 515, 544  
 Некус 498  
 Нўғой 499, 515  
 Нужин 497  
 Нукус 515  
 Нурота туркманлари 478, 671  
 Овган 499  
 Огур (ўғур) 323, 360, 369  
 Оймовут 97  
 Ойрат 65, 498  
 Ок ди (бай ди) 260, 371  
 Ок хун 366, 367, 370  
 Олчин 470, 496  
 Онгут 498  
 Оногур 360, 498  
 Оролот 497  
 Папаус 498  
 Паралата 74  
 Парикан 104, 394  
 Парсумаш 101, 106  
 Парф 104, 306  
 Пасиан 279, 282, 364  
 Пинакаш 497  
 Пўлатчи 497  
 Рамадон 498  
 Риндан 498  
 Рузие 119  
 Рунг 18, 260, 262, 371  
 Савир 323, 360, 416  
 Саврон 435, 498, 502  
 Сак 140, 211, 340, 475  
 Сака Тиграхауда 102  
 Сака Хаумаварка 636  
 Сакаварака 279, 364  
 Сактиян 499  
 Салжовут 497  
 Самарчик 497  
 Санвадан 498  
 Сандир 497  
 Саранг 652, 653  
 Сарик 371, 436  
 Сармат 262, 354, 356, 412  
 Сарой 497  
 Сарт 52, 54, 55, 64, 68, 71, 432, 455, 461, 465, 470, 485, 488  
 Сихтиён 498  
 Скиф 263, 269, 281, 304  
 Со 257  
 Суба 323, 477  
 Суврон 499  
 Суғд 278, 297, 312, 315, 320  
 Суктиян 498  
 Сулдуз 499  
 Суран 499  
 Табаъ 498  
 Табин 498  
 Там томо 498  
 Тама 498  
 Тамо 498  
 Тангут 498, 507  
 Танкут 499  
 Тарғил 598  
 Тейит 498  
 Тектуй 498  
 Теле 258, 261, 323, 326, 355, 359, 412  
 Тиек 61, 62, 260, 311, 326  
 Тилов 497  
 Тобин 498  
 Тобиш 498  
 Тоғли Рунг (Шан Рунг) 260  
 Тожик 498  
 Томо 499  
 Топман 498  
 Торғил 499  
 Тотор 498  
 Тохар (тўхор) 279, 282, 342  
 Траспий 499  
 Тубай 499  
 Тувадак 499  
 Тўгай 483  
 Тудак 498  
 Тўдок (Тўғдок) 497  
 Туйжи, туйчи 497  
 Тукюе 380, 420  
 Тўксабо 499  
 Тулкичи 499

Хун 85, 455, 498  
Хунну 498  
Чакмок 50, 499  
Чалчук 499  
Чамок (Чичок) 498  
Чехилькас, ил 498  
Чибит 499  
Чигатой турклари 52  
Чигатой 99  
Чигил 498  
Чилкас 499  
Чилтки 498  
Чилчиюк 498

Чилчўт 499  
Чимбой 498  
Чинбой 498  
Чичок 499  
Чолик 499  
Чубиргон (чўбиргон) 498  
Чублач 498  
Чулчут 499  
Чўран 499  
Чурчут 499  
Чуют 499  
Шаврон 499  
Шибиргон 84, 512

Ширин 499  
Шужат 488, 499  
Шуран 499  
Эдигей 498  
Югур 498  
Юечжи 282, 499  
Юз 498  
Юнон 415, 490  
Ючен 499  
Ягмо 499  
Яксарт орти саклари 281  
Ялонсоз (ялангсоз) 498  
Ясавурий 498

### КИШИ НОМЛАРИ КЎРСАТКИЧИ:

al-Moqaddasi 363, 416, 419,  
592, 622  
Bacot J. 371, 413, 622  
Bailey H. 281, 622  
Bang. W. 622  
Baratova L. 376  
Barthold V.V. 323, 359, 361,  
416, 622  
Beal S. 396, 622  
Biswas A. 367  
Bosworth C. E. 286, 622  
Bregel Yu. 31, 54, 255, 533,  
625  
Chavannes E. 286, 373, 378,  
379, 382, 384, 417, 622  
Clauson G. 368, 412, 622  
Czegledi K. 368, 623  
Dani A.H. 370, 623  
Doerfer G. 368, 370, 417,  
420, 623  
Ekrem E. 360, 363, 365, 382,  
415, 623  
Epoki K. 367, 623  
Esin E. 384, 623  
Frye R.N. 367, 623  
Gharib B. 371, 623  
Ghirshman R. 367, 623  
Golden P.B. 323, 360, 361,  
367, 368, 371, 372, 416, 623

Henning W.B. 280, 365, 623  
Inaba M. 370, 624  
İzgi Ö. 385, 624  
Litvinsky V.A. 367, 369,  
370, 382, 383, 623, 624  
Marquart J. 371, 383, 624  
Osawa T. 364, 624  
Poujol C. 286  
Pritsak O. 385, 624  
Ptolemy 282, 592  
Reinaud M. 286, 624  
Salman H. Turgisler. 376, 624  
Sims-Williams N. 287, 363,  
367, 369, 372, 373, 377,  
382, 383, 418, 624, 625  
Skaff K. J. 384, 385, 417, 626  
Stark S. 322, 625  
Thomaschek W. 286, 625  
Thomsen V. 373, 625  
Yoshida Y. 369, 625  
Аальто А. 286, 287, 322, 594  
Абаев В.И. 95, 102, 255,  
182, 306, 432, 594, 595  
Абанбу 257  
Абашин С.Н. 37, 38, 66, 68,  
595  
Аббот 518  
Абдиримов Р. 211, 611  
Абдул Мўмин 508

Абдулвоҳид Бурхонов 529  
Абдулғозиева Б. 397, 595  
Абдулла Қаххор 546, 580  
Абдулла Қодирий 529, 546,  
554, 561, 580  
Абдуллаев К. 188, 195, 3 19,  
595  
Абдуллаев Р. 64  
Абдуллахон II 508  
Абдумалик 520  
Абдураззоқ Самарқандий  
476, 502, 505  
Абдурахмон Жомий 471,  
Абдурахмонбек 519  
Абдурахмонов Ф. 48, 323,  
377, 385, 595  
Абдухолик Гиждувоний  
471, 670  
Абдухолик Абдурасул  
ўғли 374, 595  
Абрахам Маас 504  
Аброр Ҳидоятлов 546  
Абу Абдуллоҳ ал-  
Хоразмий. 368, 487  
Абу Абдуллоҳ Рудакий 75  
Абу Али ибн Сино 591, 75  
Абу Наср Форобий 75, 76  
Абулғози Баходирхон 54,  
412, 533

- Абулфайзхон 508  
Абулхайрхон 64, 506, 507, 515  
Аваз Муҳаммад Аттор 496  
Аваз Ўтар ўғли 554  
Аванесова Н.А. 143, 145, 175, 230, 232, 239, 244, 251, 254, 262, 270, 595  
Агаджанов С.Г. 479, 596  
Агаева Р.А. 480  
Азамат Зиё. 416  
Азан. 106  
Азизхон Қаюмов. 550  
Айнли 510  
Акишев К.А. 137, 262, 302, 322, 360, 594, 596  
Ал-Афгоний. 528  
Александр Македонский. 203  
Алексеев В.П. 78, 79, 614  
Ал-Идриси 285, 592  
Алиев А. 59, 507, 594  
Алиев И. 306, 596  
Алихонтўра Соғуний 503, 558, 596  
Алишер Илхомов. 52, 55  
Алишер Навоий. 64, 467, 471, 485, 486, 488, 490, 494, 505, 532, 579, 592  
Алқа қавчин. 468  
Алп Эр Тунга. 63  
Алп-тегин. 424  
Ал-Утби. 458, 592  
Альтхайм 105  
Аманжолов А.С. 61, 262, 466  
Амир Қазагон 468, 478  
Амир лашкар Аликул 519  
амир Музаффар 519, 520  
Амир Темур 77, 85, 86, 466, 467, 468, 470, 475, 477, 478, 479, 483, 484, 485, 487, 488, 489, 490, 492, 493, 501, 502, 505, 506, 510, 512, 561, 566, 579, 582, 590  
Амир Хусайн 52, 477  
Амирий 488  
Амиркулов Б.А. 232, 233, 605  
Анбоев И.А. 337  
Анвар Шукуров 58, 59, 506, 507  
Андрей Лизлов 60  
Андромах 113  
Анна Комнина 480  
Аннаев Т. 342, 596  
Анорбоев А. 126, 397, 597  
Анфимов Н.В. 334, 597  
Ань-Ян. 457  
Ардашер қавчин 468  
Аристов Н.А. 477, 479, 510, 597  
Аристобул 112  
Аритом 111  
Арпоксой 74  
Арриан 112, 113, 114, 115, 283, 306, 566, 592  
Арсам 109  
Арсамух 274, 403  
Арслонхон 532  
Артабаз 106  
Артаксеркс 110  
Артамах 131  
Артемида 319, 338  
Артей 106  
Арутьянов С.А. 26  
Аршак 306, 307  
Аршан 102  
Асаншод 258  
Асилань дагань-чжу (Арслон тархон-чўр) 7, 18, 19, 21, 49, 56, 61, 68, 73,  
Аскарлов А. 6, 17, 138, 149, 155, 167, 171, 263, 268, 273, 301, 324, 361, 396, 402, 446, 569  
Атилла 59, 257, 561  
Атоий 487, 488  
ат-Табарий 322, 374, 378, 380, 387, 397, 406, 415, 451  
Атталиат 480  
Аттор Ф. 471, 473  
Афинея 104, 210  
Афросиёб 219, 233, 63, 96, 135, 196, 200, 203, 460  
Ахинжанов С. М. 360, 598  
Ахриман 96, 97, 98  
Ахурамазда 99, 102, 168, 263, 272, 402  
Ахшунвор 371  
Аҳмад ибн Масрух 496  
Аҳмад Урганжий 472  
Аҳмад Фарғоний 75, 76, 409, 487, 561, 579, 585  
Аҳмад Хожа Саройи 472  
Аҳмад Югнакий 75, 452, 455, 460.  
Аҳмад Яссавий 75, 452, 455, 460, 461, 471, 473, 487, 493, 579  
Аҳмад Заки Валиди Тўғон 61.  
Аҳмедов Б.А. 48, 59, 413, 422, 465, 484.  
Ашина 258, 359, 374, 375, 377, 380, 382, 457  
Аширов А. 27, 36, 559, 561  
Бадриддин Ҳилолий 489  
Бадриддин Чочий 472  
Баён сулдуз 478, 479, 484  
Баёнқулихон 478  
Байер Г.З. 479  
Байтанаев Б. 322, 362, 419  
Бан Гу. 119, 120, 284, 394  
Барт Ф. 39,  
Бартольд В.В. 53, 55, 71, 102, 184, 283, 322, 361, 373, 416, 426, 466, 467, 477, 482, 503, 516, 532, 599  
Баруздин Ю.Д. 333  
Баскаков Н.А. 452, 590  
Баскаков С.Я. 65  
Батанина И.М. 82  
Боходиров Р. 368, 599  
Бахт Малик оғо. 479  
Бахтиёр Ҳайдаров. 620  
Баҳрам жалойи. 466, 484  
Баҳром Чубин. 407

- Бекмурадов М. 561  
 Белиницкий А.М. 428, 599  
 Беляева В.И. 322, 374, 593  
 Бентович И.Б. 428  
 Бернс 518  
 Бернштам А.Н. 13, 126, 240, 241, 262, 284, 302, 334, 360, 373, 415  
 Беруний А.Р. 46, 63, 74, 76, 77, 96, 131, 227, 270, 281, 283, 287, 357, 378, 410, 421, 430, 465, 561, 585  
 Бесс 112, 118, 306  
 Бехбудий 10, 53, 529, 533, 561, 580  
 Бижанов Е.Б. 211  
 Билга хоқон 136, 385  
 Бичурин Н.Я. 25, 119, 126, 127, 262, 284, 323, 327, 358, 394, 396, 412  
 Благова Г.Ф. 510  
 Бобур Мирзо 467, 512, 554, 561  
 Бобо Хокий 472  
 Бобобек 522  
 Бобоёров Ф. 6, 287, 322, 374, 382, 410, 415, 504  
 Бобомуллоев С.Б. 145, 600  
 Боборахим Машраб 554, 561, 579  
 Богомоллов Г.И. 308  
 Болелов С.Б. 211  
 Большаков О.Г. 322, 374, 428  
 Бонгард-Левин Г.М. 33, 255, 268  
 Борисовский П.И. 79  
 Борисфон 74  
 Боровкова Л.А. 396  
 Босворт К.Е. 286  
 Ботухон 501, 673  
 Брегель Ю. 31, 53, 54, 533  
 Бродовский М. 521  
 Бромлей Ю.В. 15, 16, 22, 26, 27, 38  
 Брун Ф. 479  
 Брыкина Г.А. 329  
 Бўзкурт Ф. 63  
 Бўлагова В.А. 291  
 Бўриев О. 466, 468, 478, 484  
 Бўрте 64  
 Бурхониддин Марғилоний 75, 579  
 Буряков Ю.Ф. 203, 216, 239, 278, 281, 291, 293, 294, 295, 302, 309, 313, 314, 419, 320, 325, 346, 414, 433, 504  
 Бушаков В.А. 368  
 Вазамар 131, 274, 403  
 Вайнберг Б.И. 281, 293, 305, 306, 315, 504  
 Вамбери Г. 53, 485, 505, 533  
 Варахран 350  
 Вархуман 134, 135, 392  
 Василий Ватаций 504  
 Васудева (Васишка) 129  
 Вахтамғали 510  
 Вахобов М.Ф. 44, 86, 454, 489, 540  
 Вебер В.Н. 246, 289  
 Веселовский Н.И. 249, 287  
 Вима Кадфиз 128, 133  
 Вима Такто 128, 129, 133  
 Виноградов А.В. 118, 139, 222, 226, 438  
 Вишневская О.А. 211, 227, 272, 402  
 Вишневская О.Г. 213  
 Вишневский А.Я. 31  
 Виштасп 100, 102  
 Воробьёва М.Г. 211, 213  
 Воронец М.Э. 179, 237, 315, 329  
 Восил Қобулов 550  
 Гавамард. 98, 99  
 Гадойи. 488  
 Гамбино Р. 38  
 Гамбург Б.З. 241, 334  
 Ган Мохэду. 380  
 Гардизий 368, 482  
 Гафуров Б.Г. 42, 43, 44  
 Геза Куун 60  
 Гейгер В. 184  
 Гекатей 104, 110, 209  
 Гелиокл 132  
 Генерал Абрамов 520  
 Генерал Кауфман 519, 520, 675  
 Генерал Черняев 519  
 Генинг В.Ф. 20, 603  
 Герай. 132, 498, 499  
 Геродот 74, 104, 110, 209, 281, 306, 593  
 Гинзбург В.В. 343, 344, 350, 352, 603  
 Гиркода 335  
 Гириц К. 38  
 Гиришман Р.М. 160  
 Голубовский П. 479  
 Горбунова Н.Г. 241, 242, 334, 603, 604  
 Граков Б.И. 334  
 Граманицкий Д.М. 289  
 Грантовский Э.А. 33, 255  
 Греков Б.Д. 11, 470, 500  
 Григорьев В.В. 282  
 Григорьев Г.В. 290, 315  
 Грицина А.А. 388, 393  
 Грязнов М.П. 74, 234, 238, 241, 262  
 Губогло М.Н. 481  
 Гумилев Л.Н. 26, 27, 259  
 Гуммель Я.И. 245  
 Гун Ишбара ябгу 382  
 Давлатшоҳ Самарқандий 489  
 Давыдова А.В. 504  
 Дадаршиш 102  
 Дандамаев М.А. 102  
 Диваштич 134, 135, 397  
 Деметрий 338  
 Дёрфер Г. 370, 417, 420  
 Джон Шоберлейн 55  
 Жўраев И. 270, 431

- Дин Муҳаммад Султон 508  
 Диноварий 384  
 Диодор 58, 184  
 Доватур А.И. 60  
 Додмалик барлос 476  
 Дуан Лянчин. 73, 261  
 Дуке Х. 205, 215, 216, 239, 303, 332  
 Дунь Вань. 396  
 Дурбек. 488  
 Дурдыев Д. 211  
 Дьяконов И.М. 33, 95, 102, 106, 153, 184  
 Дьяконов М.М. 102, 184, 189, 250, 267  
 Дюпперон А. 29, 442  
 Евкратид 132  
 Ёкуббек 519, 520  
 Ёкут 76  
 Ёлқин Тўрақулов 550  
 Ёркулов А. 230  
 Етим Бобожонов 546  
 Жабборов И.М. 66  
 Жалолиддин Мангуберди. 579, 580  
 Жалолиддин Румий 471, 472  
 Жамшид 96, 99  
 Жаҳонгир 466, 479, 491  
 Житецкий И.А. 479  
 Житецкий Н. 479  
 Жўжихон 64, 495, 500  
 Жуков В.Д. 290  
 Жур 380  
 Жўрабек. 520  
 Заднепровский Ю.А. 179  
 Зардушт. 95, 96, 100, 166, 169, 287  
 Захок 96  
 Зданович Г.Б. 82  
 Зебо Ғаниева 547  
 Зевс 74, 132  
 Зезенкова В.Я. 344, 350  
 Зеймаль Е.В. 71  
 Зиг Э. 365  
 Зиглинг В. 365  
 Зиё Ғўққалп 10  
 Зиё Нахшабий 472  
 Зиёев Ҳ. 566  
 Зиётов З. 59, 507  
 Зиндаҳалим 484  
 Збуруева А.В. 237  
 Зуев Ю.А. 286, 373, 417  
 Ибн ал Асир 458  
 Ибн Арабшоҳ 493  
 Ибн Багтуга 470  
 Ибн Хордагбех 285, 396  
 Ибн Ҳавқал 423, 428, 435  
 Ибрагимов Н. 470  
 Иброҳим Мўминов 549  
 Иброҳим Ҳамрабоев 549  
 Иван Грозный 518  
 Иванов Г.П. 243  
 Иванов П.П. 516  
 Иззат Султон 550  
 Йима. 99  
 Илёсхўжа. 467  
 Ильин Г.Ф. 361, 367  
 Имом ал-Бухорий 75  
 Имом Могуридий 579  
 Инолчиқ 464  
 Иномов О. 6, 7  
 Инка-Тўра 502  
 Исакаев Б. 523  
 Исамиддинов М.Х. 197, 198, 199, 201  
 Исламова З.А. 504  
 Исмоил Гаспиринский 527  
 Исмоил Журжоний 75  
 Исмоил ибн Аҳмад 458  
 Исо Термизий 75, 505  
 Исоматов М.М. 367  
 Исҳоқов М. 30, 106, 136  
 Ичасин Ишид 257  
 Кабанов С.К. 205, 333, 340  
 Кайхусрав 63, 96  
 Калкашанди 502  
 Каллистов Д.П. 60  
 Каллистен 112, 117  
 Калоев Б.А. 432  
 Камбиз 108  
 Камол Хўжандий 472  
 Камолиддин Биноий 489  
 Камолиддин Ш.С. 218, 322, 413, 504, 505  
 Канишка. 128, 133, 280, 445, 449, 581  
 Карамзин Н.А. 479  
 Каржаубай С. 317  
 Кариата 117  
 Каримов И.А. 540, 547, 556, 561, 567, 570, 572, 576, 579, 582  
 Каримова Д.О. 6, 7  
 Кармышева Б.Х. 48  
 Каюмарс. 96  
 Квинт Курций Руф 115  
 Кебекхон 470  
 Кен 115, 227, 300, 566  
 Кесь А.С. 300  
 Кибиров А.К. 329  
 Кир. 101  
 Кир П. 101, 105, 109, 267  
 Киселев С.В. 241, 262  
 Кисляков Н.А. 13  
 Клавдий Птолемей 112  
 Клавихо. 284, 491  
 Кляшторний С.Г. 285, 322  
 Книпович Т.Н. 295  
 Кнышев П. 15, 38  
 Князь Масальский 524  
 Кожемяко П.Н. 436  
 Кожомбердиев И. 329  
 Козенкова В.И. 318  
 Козлов В.И. 20  
 Козлов П.К. 20, 22  
 Комар А. 323, 389, 360, 416  
 Комил Яшин 546  
 Коморофф Д.Ж. 39  
 Компаретти М. 286  
 Конноро У. 38  
 Конолли. 518  
 Кононов А.А. 514  
 Константин Багрянород-  
 ный 480

- Коперник 77  
 Коробкова Г.Ф. 250  
 Королев А.В. 289  
 Королькова Б.Я. 246  
 Кратер 114  
 Крез 108  
 Кривошей А.В. 520, 523  
 Крюков М.В. 20, 21  
 Ксеркс 103, 306  
 Ктесий. 110, 111, 184  
 Кубаков К. 509  
 Кубалай 466  
 Кудзула Кадфиз 128, 133  
 Кузьмина Е.Е. 184, 239, 250, 255, 262, 270, 302  
 Кул Тегин 323, 324  
 Кутб Хоразмий. 473  
 Кучлукхон 462  
 Кюнер Н.В. 373  
 Лайпанов К.Т. 61  
 Лапиро-Скобля М.С. 211  
 Латынин Б.А. 227  
 Леви С. 365  
 Левина Л.М. 293, 294, 300, 313, 316, 321, 333, 504  
 Леонардо да Винчи 563  
 Ли Ян. 285  
 Лившиц В.А. 106, 141, 364  
 Липоксой. 74  
 Литвинский Б.А. 51, 218, 244, 247, 249, 282, 286, 318, 330, 416  
 Логофет Д.Н. 482  
 Лойман Э. 365  
 Лошук Л.П. 20  
 Лубо-Лусниченко Е.И. 360  
 Луконин В.Г. 106, 218  
 Лурье П.Б. 362, 419  
 Лутфий 487, 488  
 Лушпенко О.Н. 206  
 Люй Симян 261  
 Мавлоно Мавлавий 472  
 Мавлоно Исхок 472  
 Мавлоно Кози Мухсин 472  
 Мавлоно Осифий 489  
 Мавродин В.В. 21  
 Магидович И. 53, 482, 510  
 Магиллан 482  
 Максимова А.Г. 293, 315  
 Максудов Ф. 309, 320, 414  
 Макдисий. 46  
 Маллаев Н.М. 460  
 Малов С.Е. 373, 453  
 Малявкин А.Г. 369, 411  
 Мамбетуллаев М.М. 211, 213  
 Мангу Темир 64  
 Мандельштам А.М. 249, 306  
 Маннон Уйгур 546  
 Марик А. 137  
 Маркварт И. 210, 299  
 Марков Г.Е. 26  
 Масов Р. 31, 51, 255, 533  
 Массон В.М. 139, 145, 184, 213, 442  
 Массон М.Е. 246, 281, 289, 331, 335, 399, 434, 492  
 Матбобоев Б.Х. 126, 136, 180, 182  
 Матвей Эдесский 481  
 Махмуд Замахшарий 75  
 Махмуд Кошгарий 287, 357, 452, 457, 486  
 Махмуд Муқим аргун 477  
 Махмуд Ялавоч 463  
 Махмур 554  
 Махуя 384  
 Маъмун ибн Хорун 194, 409  
 Менедем. 116  
 Мерперт Н.Я. 238  
 Мершиев М.С. 431  
 Мизиев И.М. 61  
 Миклуха-Маклай 25, 36  
 Минкудара 501  
 Мирбобоев А. 399  
 Мирза Мухаммад Хайдар 466, 468  
 Мирза Шохий 489  
 Мирза-Вали 550  
 Мирзо Абдал Азим Сами 509  
 Мироншоҳ 491, 582  
 Миртемир 546  
 Митридат I. 132  
 Михрдаткирт 132  
 Монгайт А.Л. 78  
 Морган Л.Г. 23  
 Мошковцев С.Ф. 289  
 Муайяд арлот 468, 484  
 Мўйин чура 136  
 Мукадасий 133  
 Муқанна 390  
 Мулладжанов И.Р. 516  
 Мунавваркори Абдурашид-хон 10  
 Муниров Қ. 359  
 Мухаммедов Х. 390  
 Мухторов А. 321  
 Мухаммад Авфий 412, 501  
 Мухаммад Али 511  
 Мухаммад Амин 515  
 Мухаммад Ғаззолий 471  
 Мухаммад ибн Нажиб Бакрон 370  
 Мухаммад Насафий 463, 464  
 Мухаммад Рахимхон 520  
 Мухаммад Соатбой 519  
 Мухаммад Солих 492, 509  
 Мухаммад Ўразбоев 549  
 Мухаммад Хоразмшоҳ 462  
 Мухаммад Юсуф 60  
 Мэри Бойс 95, 106  
 Мюлленхофф К 104  
 Нажмиддин Кубро 470, 472, 474  
 Назаров П.С. 246  
 Наливкин В. 53  
 Нарходжаев Ф. 231  
 Насимхон Раҳмон 9  
 Наследов Б.Н. 281, 289  
 Насруллохон 511  
 Немет Ю. 63  
 Неразик Е.Е. 275, 405

- Нейматов Н. Н. 31, 32  
 Низомиддин Шомий 466, 502  
 Низомий Ганжавий 490  
 Николаенко Т.Д. 531  
 Николай I. 518  
 Никонов В.А. 51  
 Нильсен В.А. 333, 338  
 Нин 111, 184  
 Нодира 554, 561  
 Нодиршоҳ 508  
 Нольдекс Т. 184  
 Носир Бухорий 472  
 Носиров Ў. 9, 55, 56, 496  
 Нудули шод 258  
 Нух ибн Асад 435  
 Обельченко О.В. 333, 334  
 Обид Содиқов 549  
 Оболдуева Т.Г. 237, 270, 294, 312, 315  
 Огахий 554  
 Одилшоҳ 466  
 Ойбек 546, 550  
 Окладников А.П. 457  
 Оксирд 111, 112  
 Олимхон 511  
 Олимхўжа 525  
 Онесикрит 117  
 Оранский И.М. 33  
 Остроумов Н. 533  
 Отахўжаев А. 362, 418  
 Ошанин Л.В. 42, 67, 343  
 Пален К.К. 522  
 Першиц А.И. 78  
 Петр I. 65  
 Петрова С.Н. 232  
 Петрушевский И.П. 466  
 Пигулевская Н.В. 451  
 Пидаев Ш.Р. 194, 196  
 Пилипко В.Н. 211  
 Пименов В.В. 26  
 Пиотровский Ю.Ю. 74  
 Пир Али сулдуз 484  
 Пиримшоҳ арлот 484  
 Пирмухаммад 479, 495  
 Пирмухаммад барлос 476  
 Плетнева С. 323, 360, 479  
 Плиний 112, 415  
 Плиний Старший 283  
 Плутарх 112, 283  
 Погодин М.П. 479  
 Подушкин Н.П. 293, 302, 307, 504  
 Полвонниёз Хожи Юсупов 529  
 Поляков С. 31, 51, 55  
 Помпей Трог 112  
 Потапов А.А. 289  
 Потёмкина Т.М. 235, 236  
 Прашек Ж. 184  
 Пругер Е.Б. 281  
 Птолемей 112, 282, 431  
 Пугаченкова Г.А. 137, 391  
 Пужоль К. 286  
 Пўлат Захидов 490, 492  
 Пўлатов У.П. 331, 332  
 Пуллейблэнк Е. 286  
 Пьянков И.В. 104, 105, 306  
 Пьянкова Л.Т. 250, 570  
 Радлов В.В. 53, 533  
 Ражабов Р. 24  
 Райимкулов А. 205  
 Райш Э. 184  
 Ранов В.Н. 250, 439  
 Рапопорт Ю.А. 211, 213  
 Расовский Д.А. 479, 480  
 Раулинсон 296  
 Рахимбий 509  
 Рахимбоев А. 10, 537  
 Рашидиддин 65, 466, 477  
 Ренан Э. 36  
 Рискулов Т. 10  
 Розен В.Р. 76  
 Романовский 519  
 Рофеъ ибн Лайс 387, 415  
 Ртвеладзе Э.В. 137, 196, 367, 373, 391, 413  
 Рудзутак Я.Э. 10, 538  
 Рузанов В.Д. 180  
 Рубеҳон 502  
 Рустам 96, 136  
 Рустамов А. 323, 373, 377  
 Рўйи Сунг 259  
 Са Же 259  
 Сабук-тегин 424  
 Савельев П.С. 501  
 Савинов Д.Г. 367  
 Сагдуллаев А. 168, 205, 207  
 Садриддин Айний 529  
 Саййид Қосимий 488  
 Сайфи Сароий 472  
 Саккокий 487, 488  
 Салимов Х.С. 51  
 Салтовская Е.Д. 249, Ю 329, 330, 332  
 Сальников К.В. 245  
 Самжурий 424  
 Санакулов У. 62, 63, 68, 486  
 Санойи 473  
 Саошйанат. 97  
 Сарияниди В.И. 145, 158, 165, 166  
 Сариташ Э. 384  
 Саъдий 473  
 Семирамида 184  
 Сергеенко М.Е. 112  
 Си Юан 260  
 Сиёвуш 46, 96, 431  
 Сима Цян 119, 120, 123, 125, 126, 259, 260, 394  
 Симс Вильямс 363, 418  
 Синицын И.В. 334  
 Скилак 105, 110, 209, 273  
 Скилица 480  
 Скрипкин А.С. 305  
 Скунха 102  
 Скэфф Ж. К. 383  
 Смирнов К.Ф. 33, 255, 262  
 Смирнова О.И. 373, 376  
 Смит М. 39  
 Смоличев П.И. 249, 250  
 Собир Юнусов 549  
 Собиров Қ. 275, 405  
 Содиқов Қ. 59, 507  
 Саид Азим Муҳаммад 519

- Соколов В.С. 112  
 Соловьёв С.М. 479  
 Сомон худот. 407, 408  
 Сора Эшонгўраева 546  
 Сорокин С.С. 294, 334  
 Сотер Мегас 128, 133  
 Софронов М.В. 20  
 Спарганис 109, 110  
 Спитамен 112, 114, 115,  
 116, 117, 118, 306, 566  
 Спришевский В.И. 179  
 Стависский Б.Я. 305  
 Стеблин-Каменский И.М.  
 95  
 Степан 104, 210  
 Стеткевич А. 523  
 Стоддарт 518  
 Страбон 112, 117, 210, 279,  
 282, 283, 306, 364  
 Струвье В.В. 617  
 Стурд Э. 38  
 Суй Цзя 457  
 Сулаймон Бокиргоний 473  
 Сулаймон Ясаурий 484  
 Сулаймонов О. 61, 104,  
 205, 208  
 Сулаймонов Р.Х. 205  
 Сулаймонова Ф. 104  
 Султон Санжар 463  
 Султон Содик 520  
 Султон Хусайн арғун 477  
 Сухроб. 96  
 Сюан Цзан 360, 366, 382  
 Табарий 322, 374, 378, 380,  
 387, 393, 406, 415, 451  
 Тавалло 529  
 Тогай-буго барлос 476  
 Тамука қавчин 468  
 Тарғитой 74  
 Тармаширин 470  
 Тарн 105  
 Тахмурас 96  
 Ташагил А (Таşağıl А.) 323  
 Тваштар 264  
 Темирхўжа 64  
 Темуршоҳ 478  
 Темучин 64  
 Тенаган 111  
 Тереножкин А.И. 214, 215,  
 238, 250, 290, 312  
 Тер-Мкртчян Л.Х. 373  
 Тизенгаузен В.Г. 502  
 Тишков В.А. 36, 37, 503  
 Тодд А. 518  
 Токарев С. 15, 22, 38  
 Томашек В. 286  
 Томилин В.Н. 289  
 Тортувли 510  
 Тоҳир Қаҳҳор 63  
 Трафимова Т.А. 226  
 Тревер К.В. 13, 338  
 Туғли Хожа 472  
 Туғлук Темур 467  
 Тулунбек-хонум 501  
 Туман ого 491, 492  
 Тўмарис 104, 107, 108, 110  
 Тумин (Бумин) 258  
 Туралмишхон 52, 467  
 Турди Мирғиёзов 237  
 Турдиев Қ. 548  
 Турдий 554  
 Туркон хотун 464  
 Турсунов У. 454  
 Тянчжи 378  
 Убайдулла Каримов 550  
 Убайдулла Хўжаев 529  
 Увайсий 554  
 Удальцов А.Д. 13  
 Уйғун 546  
 Улуғбек 58, 59, 476, 488,  
 491, 493, 495, 505, 561, 579  
 Умаров Э. 309  
 Умаршайх 491  
 Умняков И.И. 13  
 Усмонова З.И. 205  
 Усмонов С. 454, 549  
 Усом ибн Мункиз 59, 507  
 Файзулла Хўжаев 529  
 Файик 424  
 Факим 384  
 Фарасман 114  
 Фаридун 96  
 Фарнак 106  
 Фарнух 113  
 Фатуфарн 135  
 Феруз 554, 579  
 Филанович М.И. 216, 218,  
 283, 290, 291, 294, 304, 321  
 Фирдавсий 680  
 Фитрат 10, 529, 580  
 Фрада 102, 103  
 Френ Х.М. 501  
 Фрурах 114  
 Фуш А. 185  
 Фюсман Ж. 137  
 Халидов А.Б. 322  
 Халил Султон 495  
 Халимбетов Ю.М. 556, 562  
 Хамидхон Ислоний 620  
 Ханахара 394  
 Хаников Н. 482, 496  
 Харесс. 112  
 Хасан Ато Абуший 60  
 Хвольсон Д.А. 479  
 Хеннинг 105  
 Хизр Ясаурий 479, 484  
 Ходжаниязов Г.Х. 211  
 Хожа Ахрор Валий 579  
 Хожа Баҳоуддин Нақшбанд  
 470, 471, 472, 473, 474  
 Хой Чао 321, 360, 363, 380  
 Хондамир 502  
 Хувайдо 554  
 Хувишка 129  
 Худоёрхон 511  
 Хўжа Гўги 509  
 Хўжа Хофиз 473  
 Хўжаев А. 4, 50, 73, 119,  
 120, 127, 259, 260, 311, 321,  
 361, 366, 373, 415  
 Хўжаев Т.Қ. 22  
 Хўжандий 472, 488  
 Хўжанов С. 10  
 Хуршид Даврон 64  
 Хусрав Ануширвон 384



- Хусрав Парвиз 384  
 Хусрав 391  
 Хисрав Дехлавий 473  
 Хушанг 96  
 Ўғузхон 58  
 Ўзбекхон 59, 64, 501, 507  
 Ўринбоев Б. 454  
 Ўроқов Б. 297  
 Ўрусхон 502  
 Қимори Инок 468  
 Қолаксой 74  
 Қонжигали 510  
 Қорачур 466  
 Кули чура 136  
 Кутайба бин Муслим 427  
 Кутлуғ Буға 502  
 Кутлуғ Тун Тарду 382  
 Қўштамғали 510  
 Ғафур Ғулом 550, 580  
 Ғуломов Я.Ғ. 22, 42, 141, 182, 226, 228, 230, 338, 429  
 Ҳабиб Абдуллаев 549, 561  
 Ҳадича Сулаймонова 549  
 Ҳайдар Хоразмий 487, 488  
 Ҳамдаллах Мустафа  
 Қазвини 501  
 Ҳамдам Усмонов 549  
 Ҳамид Олимжон 546, 554  
 Ҳожи барлос 478  
 Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясавурий 484  
 Ҳосил Фозилов 549  
 Ҳофиз Хоразмий 488  
 Ҳофиз Шерозий 471  
 Ҳурмуз IV 384  
 Ҳусайн Бойқаро 505, 579  
 Цейс К. 60  
 Чебоксаров Н.М. 15, 20, 21, 22, 26, 36  
 Черников С.С. 234, 238, 262  
 Черняев 519  
 Чжан Цян 119, 120, 128  
 Чженг Шюан 260  
 Чилгир Боко 64  
 Чингизхон 64, 88, 385, 462, 464, 466, 469, 473, 500, 513  
 Чичуров И. С. 360  
 Чишпиш 267, 269  
 Чуланов Ю.Г. 318  
 Чўлпон 580  
 Ш. Илхомов 6  
 Шукуров Ш. 48  
 Шайдуллаев Ш. 6, 168, 169, 171, 185, 188, 196, 230  
 Шаванн Э. 126, 286  
 Шайбонийхон 11, 41, 52, 469, 495, 500, 507, 512, 554  
 Шайдуллаев А. 6  
 Шайх Мухаммад 484  
 Шайх Мухаммад сулдуз 479  
 Шайхим Суҳайлий 489  
 Шамсиддин Кулол 491  
 Шарафуддин Али Яздий 466, 478, 484, 491, 494, 513  
 Шахурин К.А. 333  
 Шекспир 518  
 Серали Лапин 53, 533  
 Шибо 457  
 Шилов В.П. 504  
 Ширинбека 468  
 Широкогоров С. 38  
 Шиши Хуси 457  
 Шишкин В.А. 65, 336  
 Шишова И.А. 60  
 Шмидт А.Э. 398  
 Шодмон 519  
 Шониёзов К. 15, 22, 25, 28, 42, 48, 50, 57, 62, 67, 283, 284, 285, 294, 309, 398, 434  
 Шопур I. 100, 287  
 Шоҳрух Мирзо 476, 495  
 Шоҳрухбий 511  
 Шюй Шюйя 394  
 Щербак А.М. 452, 486, 519  
 Эдигей 65  
 Эргаш Очилов 453, 455, 472, 488  
 Эрматов М. 45, 47, 480  
 Эсхил 111  
 Юнус Ражабий 550  
 Юсуф Хос Ҳожиб 75, 460  
 Юсуф Ҳамадоний 471  
 Ягодин В.Н. 305  
 Яйленко В.П. 218  
 Якубов Ю. 31  
 Якубовский А.Ю. 11, 13, 17, 21, 42, 299, 345, 389, 493, 500  
 Якубий 424  
 Ярхо 343

#### МАДАНИЯТ ОБЪЕКТЛАРИ КЎРСАТКИЧИ:

- Авесто 18, 29, 30, 45, 60, 61, 73, 74, 81, 82, 83, 93, 94, 96, 101, 105, 111, 143, 146, 148, 167, 169, 174, 178, 196, 206, 209, 219, 222, 254, 256, 262, 266, 270, 273, 275, 282, 301, 306, 391, 398, 402, 621  
 Алпомиш достони 579, 580  
 Андроново маданияти 74, 216  
 Афригийлар сулоласи 274, 403  
 Аҳоманийлар 30, 73 97, 101, 102, 106, 110, 127, 130, 184, 188, 192, 197, 279  
 Ашвамедха 282  
 Аштархонийлар 508, 517, 590  
 Бармокийлар хонадони 407, 409  
 Биҳистун қоятош битиклари 102  
 Беш аносир (модда ёки жисм) тазкираси 396

- Бурғулуқ маданияти 215, 216, 218, 277, 290, 303, 309, 310, 314, 317, 320  
 Вара 167, 220  
 Вэй хонадони 261  
 Гатлар 98, 100, 106, 168  
 Кутадғу билиг 452, 453  
 Дахью 75, 82, 97, 98, 100  
 Девони хикмат 452, 456  
 Жетиасар маданияти 293  
 Жойтун маданияти 80, 139  
 Жужанлар 257, 261  
 Жун маданияти 294, 312, 315  
 Закаспий типи 343  
 Замонбобо маданияти 141, 142, 227, 228, 229,  
 Занту 73, 82, 97, 100, 168, 169, 174, 219, 277  
 Заратуштроэма 98  
 Илтегинлар сулоласи 501  
 Ирк битиги 138  
 Калтаминор маданияти 80, 118, 139, 145, 222, 226, 228, 234, 348, 349, 353, 438  
 Кашоварз 81, 83, 84, 405  
 Кичик Хань сулоласи 284  
 Ковунчи маданияти 6, 61, 121, 218, 278, 280, 282, 287 290, 295, 302, 310, 318, 326 331, 336, 338, 341, 343, 355 449  
 Кўхна хатлар 134, 393  
 Ли Гуангли таржимаи ҳоли 120  
 Марзбон 383, 425  
 Матриархат 79, 80, 84  
 Махабхарата 282  
 Мехржон 560  
 Минг сулоласи 259  
 Наврўз 560, 577  
 Нағма нова тазкираси 396  
 Нақши Рустам 102  
 Номаълум ёзув 30, 93, 129  
 Озодкор 78, 84, 171, 328  
 Окс цивилизацияси 73  
 Олтой тиллар оиласи 63, 257  
 Оромий ёзув 130, 131, 133  
 Патриархат 79, 80, 84  
 Помир-Фарғона типи 343  
 Прохоров маданияти 304, 305, 320, 321, 344  
 Салавкийлар 127, 279, 392  
 Сомонийлар 43, 47, 85, 87, 390, 407, 409, 426, 435, 451, 456, 458, 587, 590  
 Сосонийлар 94, 100, 129, 194, 267, 269, 287, 358, 376  
 Сруб маданияти 222, 226, 236, 262, 302, 353  
 Сувёрган маданияти 224  
 Суза ёзуви 103  
 Танг сулоласи 259  
 Тархон 380, 382, 390, 477, 483  
 Тозабогёб маданияти 224, 225, 226, 235, 238, 348, 441, 443, 444  
 Фарғона тазкираси 126, 394  
 Фарғона тугуғи 381  
 Хан Вэнди тазкираси 394  
 Хан сулоласи 119, 122, 125, 260, 284, 294, 394  
 Хан Уди тазкираси 394  
 Хан Удининг таржимаи ҳоли 394  
 Ханнома 120, 394  
 Хокония тили 463, 459  
 Ўғузнома 452  
 Ўнгин ёзуви 136  
 Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи 226, 297, 326, 343, 346, 351, 446  
 Ўтрор-Қоратов маданияти 293, 302, 321, 355  
 Қайроққум маданияти 660  
 Қизилқир маданияти 297, 339, 355, 448  
 Қорахонийлар 11, 16, 28, 30, 42, 47, 48, 67, 85, 408, 424, 436, 452, 455, 458, 478  
 Куйисой маданияти 209, 272, 402  
 Фарбий юрт (қўрқор) тазкираси 394  
 Ҳарбий демократия даври 23, 99, 265  
 Ҳибат ул-ҳақойиқ 452, 461  
 Ҳинд-оврўпа назарияси 264, 442, 447  
 Хунлар ҳақида қисса 394  
 Хунлар тазкираси 394  
 Шонг сулоласи 646  
 Шўрабашат маданияти 646  
 Эламитлар 101, 264, 587  
 Элатан маданияти 646,  
 Эски ўзбек тили 28, 65, 67, 86, 440, 452, 484  
 Юқори палеолит 31, 79, 80, 438  
 Яш 646

## АТАМАЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

### I боб

**Конструктивизм** – этнос билан боғлиқ тарихий-ижтимоий воқеликни инсоният та-савури натижаси, совет назариячилари томонидан яратилган сунъий ижтимоий ақлий тузилмадир, у «жамоавий харакатларга асос бўлиб, қатъий воқеликка айланади» деган назарий қараш. Конструктивистик қараш тарафдорлари этнос ва миллатнинг тарихий-лик принциплари асосида пайдо бўлишини, уларни биогеографик сфера ҳосиласи, узок давом этган ва бир неча этногенез босқичларини босиб ўтган реал борлик эканлигини инкор этадилар.

**Миллат** – миллат капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсули, этник тарихнинг энг юқори юксак чўққиси, камолот босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади; миллат номи билан юритилган давлат чегаралари қатъий, дахлсиз, жаҳон жамоатчилик ташкилотлари томонидан тан олинади; аниқ худудий чега-рада муомалада бўлган умуммиллат тили давлат тили макоми даражасига кўтарилади; аҳолининг ўзликни англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади; миллатга хос миллий менталитет шаклланади; давлат жамиятнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини бошқарувчи қудратли орган сифа-тида намоён бўлади.

**Миллий автохтонизм назарияси** – Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи ҳозирда эгаллаб турган тарихий она замин билан жуда қадим замонлардан бевосита боғлиқ туб ерли эт-нослар бўлиб, унинг этник таркиби ҳар хил нисбатда турли хил этник компонентларнинг узок асрлар давомида аралашиб-қоришиб яшаши асосида таркиб топганлиги ҳақидаги назария.

**Ориёна** – Евроосиё даштлари кўчманчи чорвадор қабилаларининг мил. авв. II минг-йилликнинг ўрталарида шимолий минтақалардан Эрон адирларига келиб, ўрнашиб қолган жойлар Авесто ривоятларида «Ориана» номини олган. Чунки, Ориёна атамаси ўзагини «Арья» (орий) сўзи ташкил этган бўлиб, у озод, эркин, бой аслзода суворий ҳарбийлар маъносини англатади. Қадимги тарихда Ориана атамаси, яъни орийларнинг янги ватани, нафақат ҳозирги Эрон худуди, балки қадимги эроний тиллар тарқалган гео-график кенглик маъносида тушунилади.

**Панэронизм** – совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида пантуркизмнинг акс са-доси сифатида «панэронизм» таълимоти пайдо бўлди. Бунга кўра, «бу заминнинг туб жойли аҳолиси эроний тилли халқлар бўлиб, бу юртга турклар келгиндидир», деган ғайриилмий ғоя олға сурилади. Панэронистик ғоя тарафдорлари ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихий илдизларини Шайбоний ўзбеклари билан бевосита боғлашга уринадилар ва ҳозиргача унинг тарафдорлари ҳаётда учраб туради.

**Панисломизм** – ўша кезларда Ўрта Осиё ислом ақидапарастлари орасида панисломизм таълимоти пайдо бўлади. Бунга кўра, «бу вақтинчалик дунёда миллий этнослар йўқ, фақат ислом миллати бор. Халқларни миллий тили ва этномаданий ўзига хослигига қараб эмас, балки диний-руҳий дунёсига қараб миллатини белгиламоқ керак», деган ғоя олға сурилади.

**Пантуркизм** – дастлаб, собиқ совет ҳокимияти таркибида миллий республикаларни ташкил этиш жараёни кетаётган кезларда, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласида, уни фақат турк этноси билан боғлаб ўрганилди. Чунки ўша кезларда халқларнинг этногенези билан боғлиқ фанлар – археология, этнология, антропология, этнография, топонимика, тарихий лингвистика каби фан тармоқлари ривожланмаган эди. Шу боис, ўзбек халқининг келиб чиқиш масалалари халқ ривоятлари ва сўнгги ўрта аср ёзма манбалари асосида ўрганилиб, минтақадаги этносиёсий ҳолат ҳисобга олинмади. Аксинча, «Ўрта Осиё аҳолиси азалдан турклар бўлиб, улар буюк Турон, сўнг Туркистонни аҳолиси эди», деган ғоя олға сурилди. Бу ҳаракатнинг ғоявий асосчиси Туркиялик файласуф Зиё Гўккалп (1879–1924) бўлиб, унинг Россия туркий халқлари орасидаги издоши шарқшунос-тарихчи олим Заки Валидий Тўғон бўлган. Улар турк дунёсини бирлаштирмоқчи бўлганлар.

**Пассионар назарияси** – пассионарлик назариясига кўра, этнос табиатнинг, географик муҳит ва биосферанинг ноёб, камдан-кам учрайдиган ижтимоий ҳосиласи, тарихий-географик фактларнинг эмпирик умумлашмаси, биогеографик ҳосиласи. Этнос – ижтимоий ўрамдаги реал борлиқ, тарихий кетма-кетликда давом этувчи этногенетик жараёнлар натижаси, уларни ҳаракатга солувчи куч, манба, ҳаракатчан, омилкўр пассионардир.

**Примордиализм** – (инглизча *primordial* – бошланғич, дастлабки, азалий, деган маънода) этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга аниқ феномен, кишиларнинг тарихан таркиб топган гуруҳи, маданиятлар яхлитлиги асосида намоён бўладиган умумий тил, худудий бирлик, иқтисодий ҳаёт ва руҳий жамланма, биогеографик сфера ҳосиласи, узок давом этган ва бир неча этногенез босқичларини босиб ўтган реал борлиқ эканлигини тан олувчи назарий қараш.

**Турк миллий ватанпарварлиги (туркизм)** – Турк дунёсини бирлаштириш ҳаракатининг истикболи йўқлигини яхши тушунган Туркистон жадиidlари Турор Рисқулов, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашитов каби тараққийпарварлар Туркия пантуркистларидан фаркли ўларок, Ўрта Осиёда ягона Туркистон автономиясини тузиш ғоясини олға сурадилар. Бу тарихда туркизм номи билан аталди. Бироқ, Совет ҳокимияти Туркистон туркларини ҳам бирлаштиришни истамадилар ва Ўрта Осиёда миллий республикалар тузиш ғояси билан чиқади. Оқибат натижада, турк миллий ватанпарварлари Туркистон автономиясини тузиш ғоясига садокати ва ишончлари учун сиёсий қатағонликнинг қурбони бўлдилар.

**Турон** – бу атаманинڭ ўзаги тур бўлиб, Авестода Евроосиё даштларининг бронза даврига тегишли кўчманчи чорвадор аҳолиси турлар деб аталган. Улар тарқалган юртлар эса, Турон деб ном олди. Турон атамаси илмий адабиётларда аслида географик ном сифатида тилга олинган бўлса-да, унинг яна бир талқини этногеографик мазмун касб этиб, Турон–турлар ватани, ҳатто турклар юрти сифатида талқин этилмоқда.

**Халқ** – бу юнонча этнос сўзининг синоними бўлиб, у моҳият жиҳатидан миллат атамаси билан бир тушувчани англагмайди. Ўзбек халқи мисолида олганда, халқ феодализм жамиятининг ижтимоий маҳсули. Халқни уюштирувчи этник омиллардан бири бўлган худудий бирлик чегаралари ўзгарувчан хусусиятга эга. Унинг сиёсий уюшмаси – давлат ҳамма вақт ҳам этнос номи билан аталавермайди, шу боис, халқ тарихи унинг номидан қадимийдир. Этноснинг халқ даражасида ўзликни англаш, миллий ғурур, ўз ватани ва халқидан фахрланиш ҳисси аксарият кўпчиликлда бир хил, юксак даражада бўлмайди. Этноснинг тил бирлиги элатнинг халқ даражасида ҳамма вақт ҳам давлат мақомини олавермайди.

**Қабила** – аслида ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичига хос этник бирлик. Аммо, илмий адабиётларда чорвадор қабилаларга нисбатан феодализм даврида ҳам ишлатиш учраб туради. Чунки, бу чорвадор аҳоли урф-одатлари ва удумларида архаик қарашларнинг яшовчанлиги билан боғлиқ бўлса керак.

**Этник бирлик** – маълум бир ижтимоий-иқтисодий тузумда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий ва этник уюшма. Этник бирлик халқ атамасига нисбатан маъно жиҳатидан аниқ тушунчадир.

**Этник ғурух** – муайян бир парчаланган халқ таркибидан ажралиб чиқиб, бошқа бир халқ таркибига кириб, у билан узок муддат бирга яшаб, унинг тили, ҳўжалик фаолияти, маданияти, урф-одатлари ва турмуш тарзини қабул қилиб, ўзини унинг номи билан атайдиган, аммо қалбда ўз этник номини унутмаган ғурухга айтилади.

**Этник жараён** – этник бирликлар таркибига кирган этник ғурухлар ўртасидаги иқтисодий-ҳўжалик ва этномаданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига этник жараён дейилади.

**Этниклик (этничность)** – полиэтник характердаги этнос муаммолари ёки минтақавий этнослараро муносабатлардаги зиддиятли ҳолатларни ўрганишни кўзда тутовчи қараш. Юмшоқроқ қилиб айтганда, этниклик Ғарб олимларининг расмий тасаввурларига кўра, этник ғурухларнинг маданий хусусиятлари йиғиндисидандир. Демак, этниклик бу муайян этник ғурухга тегишли маданий хусусиятлар мажмуаси, яъни ундаги маданий фарқлар ижтимоий уюшмасининг шакли, полиэтник характердаги ҳозирги замон жамиятларининг муаммолари, биринчи навбатда, кенг доирадаги ижтимоий-маданий муҳитнинг бир қисми бўлган этник ғурухнинг муайян этнос таркибидаги бошқа этник ғурухлар билан зиддиятли ҳолатда бўлган томонлари, маданий хусусиятларидаги фарқларни ўрганишга қаратилган.

**Этнографик ғурух (субэтнос)** – одатда бир қабила ёки элатнинг бошқа ерга бориб, иккинчи бир этнос таркибига ҳали мутлақо сингиб кетмай, ўзига хос лаҳжаси, ҳўжалик фаолияти, турмуш тарзининг баъзи бир томонлари билан муайян элатдан фарқ қилиб, у билан бирга яшаб келаётган этник бирликка айтилади.

**Этнос** – бу юнонча сўз бўлиб, у элат, халқ демакдир. Этнос атамаси, яъни халқ жуда кенг ва тор маънода ишлатилади. Масалан, кенг маънода Ўзбекистон халқи, Россия халқи, дунё халқи; Тор маънода ўзбек халқи, рус халқи, тожик халқи.

**Этноснинг дуалистик назарияси** – этнос аниқ бир ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва ўз этник номига ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар ғурухи. Этнос тушунчасини бир вақтни ўзида кенг ва тор

маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода этнос тушунчаси «этноижтимоий тузилма» бўлиб, у нафақат худудий-сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий умумийлик омилини ўз ичига олади. Тор маънода эса, этнос тушунчаси – «этникос» бўлиб, унга ер юзида яшовчи ўзбеклар кирса, Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар этно-ижтимоий организмдир.

## II боб

**Афросиёб** – Турон халқларининг ибтидоий уруғчилик босқичидан синфий жамиятга ўтиш даврининг афсонавий ҳукмдори. У Авесто ривоятларида Франгхрасйан номи билан тилга олиниб, самарасиз ҳаракат қилаётган афсонавий образ сифатида намоён бўлади. Бу образ Фирдавсий томонидан «Шохнома»га олиниб, уни Эрон подшолари билан жангга киритади. Аммо бу мавзу ғояси Авестода учрамайди. «Шохнома» тўқималарида Афросиёб Турон ва Эрон давлатлари ўртасида бўладиган ҳарбий муҳолафатда Турон подшоши сифатида халқ орасида мифологик тасаввурдан ўсиб чиқиб, тарихийлик касб этган. Турон-Туркистон халқлари тасаввурида у Тошкентнинг Мингўрик, Шаҳнинингтепа, Қашқадарёнинг Китоб, Самарқанднинг қалъа-қўрғони (суғдча Смараканса, юнонча Мароқанда) каби қадимги шаҳарларини бунёд этган ҳукмдор. Туркий ёзма ёдгорликларда Афросиёб эпик қаҳрамон Алп Эр Тўнга (Маҳмуд Кошғарий) билан бир шахс қилиб кўрсатилган. Бу қиёсланиш ҳар икки образни Турон билан боғлиқлиги туфайли юзага келган. Адабиётшунос олимлар орасида Афросиёбни тарихий шахс деб ҳисобловчилар ҳам учрайди. Аслида Афросиёб ибтидоий тафаккурнинг мифологик ҳосиласи бўлиб, Алп Эр Тўнга эса турк давлатчилигининг келиб чиқиши билан боғлиқ афсонавий ҳукмдор, прототурклар подшоси, баҳодир, жаҳонгир йўлбошчи. Мифологик анъанага кўра, қорахонийлар ва салжукийлар ўз шажараларини Афросиёбдан бошлаганлар.

**Сиёвуш** – (Авестода Сиёваршан, Сиёвахш – «қора от») «Шохнома» эпоси қаҳрамонларидан бири, Каёнийлардан, ҳукмдор Кайковуснинг (Авестода Кава Усанинг) тутинган ўғли, Беруний келтирган ривоятга кўра, уни фариштасифат гўзал аёл тукқан. Ўрта Осиё халқларининг мифологик тасаввурларига кўра, у Куёш баробаридаги умри сўнаётган ва қайта тириляётган маъбуд рамзи. Берунийга кўра, Хоразмда Африғийлар сулоласи Сиёвушдан бошланган. Афсонавий сулола асосчиси Сиёвуш сиймоси С.П.Толстовга кўра, мил. авв. I асрдан то милодий VIII асргача Хоразмда зарб этилган тангаларда «Худо-суворий» сифатида тасвирланган. Нишопурийнинг ёзишича, Сиёвуш жасади Бухоронинг шарқий дарвозаси (Гўриён) олдига кўмилган. Ҳар йили янги йил куни куёш чиққунига қадар бухоролик ҳар бир эркак Сиёвушга атаб хўроз сўйиши лозим бўлган.

**Скиф** – илмий адабиётларда скифлар Қора денгизнинг шимоли-шарқий соҳилларида, Дунай, Дон, Днепр ва Днестр дарёлари қуйи ҳавзаларидан то Волгага қадар худудларда мил. авв. VII–милодий III асрларда яшаган чорвадор аҳоли. Европа адабиётларида скифлар ҳақида шимоли-шарқий эроний тилларнинг турли лаҳжаларида сўзловчи қабилалар сифатида тасаввур шаклланган. Бирок, Геродот бу юртларга скифлар Осиёдан кўчиб келган форслардир, дейди. Форслар эса, скифларни саклар деб атайди. Сак-скифлар кенг тарқалган ўлкалар Осиёнинг Қозоғистон чўллари, Енисей ҳавзалари ва Жанубий Урал ва Олтой, Жанубий Сибир худудлари бўлиб, скиф қабилалари қадимги Хитой манбаларига кўра, анъанавий фаразларга зидли ўлароқ, аслида прототурк тилларнинг турли

лахжаларида сўзловчи чорвадор орийлар бўлган. Бу ҳақда ушбу асарнинг VIII бобида батафсил маълумотлар берилган.

**Ўғузхон** – Турк-ўғуз қабилаларининг афсонавий хукмдори. «Ўғузнома»да келтирилган ривоятга кўра, Ўғуз хокон бундан камида 2,5 минг йил аввал ўтган. У турк-ўғуз қабилаларининг эпик сардори сифатида кўчманчи чорвадорларнинг бош бўғини, сулола асосчиси бўлган.

**Қадимги эроний тиллар** – ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд-эрон тармоғига мансуб тиллар гуруҳи. Қадимда у жануби-ғарбий эроний тиллар ва шимоли-шарқий эроний тиллар гуруҳига бўлинган. Жануби-ғарбий эроний тилларга қадимги форс ва ўрта форс каби ўлик тиллар ҳамда форс, тожик, дари (қобулий форсий), хазара, кумзари каби жонли тиллар ҳамда Эрондаги бошқа бир қанча майда тил ва лахжалар киради. Шимоли-шарқий эроний тилларга суғдий, хоразмий, бохтарий, сак-скиф, алан сингари ўлик тиллар ҳамда яғноб, осетин, пуштин, бир қанча тил гуруҳини қамраб олган помир (Вахон, Шугнон) каби жонли тиллар киради.

### III боб

**Амлок** (амлок – арабча, мулк сўзининг кўплиги) – Бухоро амирлигида ер эғалиги шаклларида бири. Кўп меҳнат талаб қиладиган суғориш ишларининг ҳукумат томонидан ташкил этилиши ва деҳқонларнинг унга қарам қилиб қўйилиши орқасида юзага келган. Амлок ерлари амир ихтиёрида бўлиб, унга ижарачи сифатида экин эккан деҳқонлар ҳукуматга хирож ва бошқа солиқлар тўлаган.

**Бегар** – Хива хонлигида расман 12 кунлик давлат мажбурияти. Унга кўра, қишлоқнинг ҳар бир хонадонидан бир кишидан одамлар йиғилган. Улар турли қурилиш ишларида, канал қазииш, йўлларни тузатиш, хон саройлари қурилишида ишлатилган. Бегарнинг муддати 12 кун деб белгиланган бўлса-да, бу мажбурият бир ой ёки ундан кўп вақтга чўзилган.

**Вағнзе мулки** – зардуштий ибодатхоналарга қарашли ер-мулк, турли хил ишлаб чиқариш объектлари вағнзе мулки ҳисобланиб, улардан тушадиган даромад ибодатхоналар таъмирига, ибодатхона мубодлари ва роҳибларининг хизмат ҳақига сарфланган.

**Вақф мулки** (вақф–араб.) – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Бу мулкга масжидлар, хонақоҳлар, қабристон ерлари ҳам кириб, бу мулклардан солиқ олинмаган.

**Гувақор** – мамлакат ички бозорларида савдо-сотик ишлари билан банд шаҳар аҳолисининг савдогарлар тоифаси.

**Жамиятнинг ҳарбий демократия босқичи** – ибтидоий уруғ-қабилачилиқдан синфий жамиятга ўтиш даври. Бу атамани Л.Г.Морган «Қадимги жамият» (1877 йил) асарида илк бор фанга киритган. Бу даврда қабилалар орасидаги этник, иқтисодий-ҳўжалик ва маданий алоқалар жадал ривожланиб, қабилаларнинг бирлашиши туфайли этник бирликнинг маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий-ҳўжалик, тил ва этномаданий умумийлик асосида янги тури – элг шакллана бошлайди.

**Иқто** (арабча – иқтоъ, иқта) – Мовароуннаҳр, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ўрта асрларда хукмдор томонидан амалдорларга катта хизматлари эвазига инъом қилинган чек ер. Иқто эгаси иқтодор деб аталган. Хукмдор иқтони истаган вақтида қайтариб олиб

бошқа кишига тортиқ қилиши ҳам мумкин бўлган. IX асрда халифа томонидан амирга бошқариш учун берилган вилоятлар ҳам «икто» деб атала бошланган. Темурийлар даврида «икто» ўрнида суюрғол, бобурийлар даврида эса «жоғир» атамалари қўлланган.

**Кадивар** – бадавлат деҳқонзодалар ер-мулкда ижарада ишловчи мулксиз ёлланма қоранда.

**«Катта Хоразм» давлати** – Авесто ривоятлари ва юнон муаллифларининг маълумотларига кўра, Амударё (ОКС) ўрта оқимидан жанубда жойлашган. Акес дарёси 5 та тармоққа бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини қуйи ҳавзасида қадимги деҳқон жамоалари зироатчилик билан шуғулланиб келар эдилар. Каёнийлардан кавий Виштаспа даврида орийларнинг афсонавий сардори Франгхрасйан (Афросиёб) Харайвада (Хирот водийсида) сиёсий-ҳарбий ҳокимиятни ўрнатгач, хорасмийлар етакчилигида уларнинг конфедерациясини тузганлиги ҳақида Авестода ишора қилинади. Юнон муаллифлари Скилак, Гекатей ва Геродот маълумотларига кўра, Ахоманийлар кўл остига ўтган бу ҳудудларнинг аҳолиси марказий ҳокимиятга дан (солик) тўлашни тўхтатиб қўйгач, Доро I ҳукумати Херирут дарёсининг ғарбга томон йўналган тармоқлари қуйи ҳавзаларида зироатчилик билан шуғулланиб келган марғуш, парфян, гиркан, саранг ва фанамейлар сув бошига тўғон курдириб, уларни солик тўлашга мажбур этади, яъни дарё сувларини Хирот водийсига буриб юборади. Оқибатда хорасмийлар юртини сув босиб, сунбий кўл хосил бўлади. Хорасмийлар эса она юртлирини ташлаб, кема ва солларда Амударё қуйи ҳавзаларига, сак-массагетлар юртига кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Хорасмийларнинг Амударё қуйи ҳавзаларига миграцияси мил. авв. VI аср охирларида юз беради, хорасмийлар яшаган сарҳадлар масштаби эса кенгаяди. Бу маълумотларни синчиклаб ўрганган И.Маркварт бу заминда Ахоманийларга қадар хорасмийлар етакчилигида шарқий эроний қабилалар уюшмаси борлиги ҳақида хулосага келади ва бу давлат уюшмасини «Катта Хоразм» деб атади. И. Маркварт Авестонинг Арьянам Вайчаҳ вилоятини «Катта Хоразм» билан боғлайди. «Катта Хоразм» Авестода тилга олинган Даития дарёси ҳавзаларига жойлашганлиги таъкидланади. Маркварт томонидан ташланган бу ғояни С.П.Толстов ривожлантириб, «Катта Хоразм» давлат конфедерациясига қуйи Амударё сарҳадларини кўшиб юборди. Таъкидлаш жоизки, Искандар ҳарбий юришлари даврида Херирут – Тажан районларида хорасмийларнинг яшашлари тилга олинмайди. Чунки, хорасмийлар мил. авв. VI аср охирларида Ариядан Амударё қуйи ҳавзаларига кўчиб кетган эдилар. Бу ҳолат археологик материалларда яхши кузатилади. Демак, қадимда Амударё қуйи ҳавзаларини ҳам ўз ичига олган кудратли «Катта Хоразм» давлати бўлмаган. Аммо, орийларнинг сардори Франгхрасйан (Афросиёб) томонидан Амударё ўрта оқимидан жанубда ташкил этган хорасмийлар етакчилигидаги қадимги деҳқон жамоаларининг конфедератив давлат уюшмаси бўлганлиги ҳақида фараз қилиш мумкин.

**Кашоварз** – қишлоқ жойларда хусусий ерга эгалик қилувчи майда мулк эгалари.

**Қадимги Бактрия подшолиги** – Амударёнинг юқори ва ўрта оқимидаги тарихий вилоят. У ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий вилоятлари ҳамда Афғонистоннинг шимолий қисмини ўз ичига олган. Шимолда Суғдиёна, жанубда ва жануби-шарқда Арахосия, Гандхара, ғарбда Марғиёна билан чегараланган. Марказий шаҳри Бактра (Зариаспа). Ахоманийлар империясига қадар бу ҳудудда Каёний қавилари бошлиқ Қадимги Бактрия подшолиги ташкил топган. Бу подшолик ҳақидаги дастлабки



маълумотлар мил. авв. V асрнинг охири ва IV аср бошларида яшаган Ктесийда учрайди. Ктесий ҳикояларига асосланиб Диодор Оссуриянинг Бактрияга қилган ҳарбий юришлари, Бактра қамали, Бактрия подшоси Оксиарт номини тилга олади. Оссурия ва Мидия ўртасида чиққан урушда Бактрия Мидияга кўшин тортиб борганлиги, Мидия аслзодалари Бактрияни ўз томонларига ағдариб олганлиги, бирлашган кўшин Оссурия кўшинига катта талафот келтиргани, Ахоманий подшоси Кир II билан Бактрия ўртасидаги карама-қаршилиқлар, ниҳоят Мидия подшоси Астиаг Кирни ўзининг қонуний вориси сифатида тан олгалигини билгач, унга (Кир II га) қаршиликсиз бўйсунганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Бу маълумотларни берган Ктесий Ахоманийларда, Доро II ва Артаксеркс II даврида сарой табиби бўлиб ишлаган, сарой тарихчилари, ҳукмрон доира вакиллари билан кўп суҳбатларда қатнашиб, Ахоманийлар давлати ташкил топгунига қадар ўтган тарихий воқеаларни билишга интиланган. Ктесийнинг маълумотлари мил. авв. VIII–VII асрларга оид бўлиб, уларда Бактрия подшолигининг қудрати, шон-шухрати, минглаб шаҳар ва кишлоқлари, серунум ерлари, кўп сонли чорвалари ҳақида ҳикоя қилинади. Қадимги Бактрия ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар юнон муаллифларининг «Қадимги Бактрия подшолиги» ҳақидаги ҳикоялари заминда тарихий ҳақиқат борлигига шубҳа қолдирмайди. Бактрия мил. авв. VI–IV асрларда Ахоманийлар, македониялик Искандар, Салавкийлар салтанати, мил. авв. III аср ўрталаридан Юнон-Бактрия давлати таркибида бўлган. Мил. авв. II асрда тохарлар томонидан босиб олингач, Тохаристон деб атала бошланган.

**Қадимги Хоразм давлати** – Қадимги Хоразм давлати «Катта Хоразм»дан ҳудудий жойлашиши ва даври жиҳатидан фарқ қилиб, бу давлат хорасмийларнинг жанубдан Амударё куйи ҳавзаларига миграциясидан кейин ташкил топган. Бу давлатнинг иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ривожланиши мил. авв. VI асрнинг охири ва V–IV асрларга тўғри келади. Бу давр оралиғида Қадимги Хоразмда Кўзаликир, Ҳазорасп, Хумбустепа, Ичан қалъа, Дингилжи, Қалъаликир, Қўйқирилган қалъа каби маҳобатли мудофаа деворлари билан ўралган қатор қалъа-шаҳарлар, монументал сарой ва ибодатхоналар, осмонўпар баланд стилобат устида қурилган оташкадалар қад кўтаради; магистрал канал ва ариқлар асосида ривож топган такрорий суғорма дехқончилик маданияти шаклланади. Энди Амударёнинг куйи ҳавзалари мана шу маданият соҳиблари этник номи билан аталадиган бўлди, яъни мил. авв. VI–V асрлардан бошлаб Амударё этакларида таркиб топа бошлаган воҳалар Авестода хваризам, юнон муаррихлари асарларида хорасмия деб аталадиган бўлди. Демак, Қадимги Хоразмнинг этногеографик номи мавжуд илмий фаразлардан фарқли ўларок, Кичик Осиёнинг хуррит қабилалари билан боғлиқ эмас, балки «Катта Хоразм» конфедерациясининг парчаланишидан сўнг, хорасмийларнинг Амударё куйи ҳавзаларига кириб келиши билан боғлиқ эди. Бу тарихий воқелик Скилак берган маълумотлар таҳлиliga кўра, мил. авв. VI асрнинг сўнгги чорагида юз берди. Шундан бошлаб массагетлар юрти Хоразм деб аталадиган бўлди. Шундай қилиб, «Катта Хоразм» деганда Туркман-Хуросон тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирларидан Амударё томон ҳудудларда яшаган хорасмийлар, марғушлар, парфянлар, саранг ва фанамейларнинг давлат уюшмасини тушунмоқ керак. Демак, «Катта Хоразм» ва «Қадимги Хоразм» атамалари нафақат давр, балки ҳудудий жиҳатдан ҳам бир эмас. Қадимги Хоразм ҳеч қачон «Катта Хоразм» таркибида бўлмаган. Қадимги Хоразмда

топиб ўрганилган архаика даврининг ёдгорликлари Қадимги Хоразм цивилизациясининг пайдо бўлишига, уни гуллаб-яшнашига олиб келган. Хоразм атамасининг семантикасига келганда, у ҳақда фанда турлича карашлар мавжуд. Улардан энг оммавийси С.П.Толстов талқини бўлиб, бунга кўра, Хоразм атамаси эронча «хур» ва «зем» сўзлари асосида юзага келган «куёшли ер», «куёшли ўлка» маъносини англатади. Авестонинг Яшгида Хоразм «кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка» деб мадҳ этилади. Буларнинг барчаси археологик объектлар ва Қадимги Хоразмнинг табиатида яхши кузатилади.

**Мулки султоний** – давлатга карашли ерлар бўлиб, ундан келадиган даромад хукмдор хазинасига жўнатилган. Бу ерлардан яқин атрофда яшаган деҳқонлар фойдаланиб, олинган хосилдан хирож солиғини тўлаганлар.

**Озодкор** – шаҳар ва шаҳармонанд қишлоқларда ихтисослашган хунармандчилик билан шуғулланувчи майда мулк эгаси.

**Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси** – Юнонистоннинг антик дунёси ўзининг юксак даражада ривожланган маданияти билан Осиё ва Европа мамлакатлари маданиятининг ривожланишида ўчмас из қолдирди. Жумладан, македониялик Искандарнинг Шарққа ҳарбий юришлари нафақат Ўрта Осиё халқлари бошига қирғинликлар келтирди, шу билан бирга, улар ўзларининг фан ва дин, давлат ва ҳуқуқ меъёрлари, театр ва санъат, қурилиш маданияти, ёзув ва товар-пул муносабатлари, ҳатто кулолчилик ва граждон қурилишида ҳам сезиларли из қолдирди. Эллинизм шарқ мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиё қадимги халқлари маданиятлари билан уйғунлашиб, қоришиб кетган янги бир маданият таркиб топдики, бу жаҳон тарихида «Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси» номини олди. Эллинизм даври шарқ мамлакатлари учун тараққиётнинг янги босқичи бўлди. Биргина Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ва унга туташ ўлкаларда турли хил ривожланиш даражасида бўлган аксарият этнослар маданиятида омукталаниш жараёнлари жадал кечди. Илк ўрта асрларга келганда бутун минтақа бўйлаб кулолчилик ишлаб чиқаришида, граждон қурилишида, аҳолининг диний-рухий дунёсида бир хиллик юз бера бошладики, бу ўзгаришлар ўзбек халқи иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ҳаётида яққол кўзга ташланди.

**«Осиёча ишлаб чиқариш усули»** – қадимги жамиятда ишлаб чиқариш ривожланишининг ўзига хос усули. Бу тушунчани К. Маркс Қадимги Шарқ мамлакатлари иқтисодий ҳаётининг дастлабки ривожланиш босқичларини ўрганиш асосида фанга киритган. Ўтмиш тарихдан маълумки, Осиёда ишлаб чиқариш жамоачилик асосида қурилган. Айниқса бу Ўрта Осиё қадимги дунёсида яққол кўзга ташланади. Мулк патриархал жамоа аъзоларига тегишли. Ҳар бир патриархал оила, жамоа сардорлари ва диний раҳнамоларгача, уларга тегишли мулкда жамоачилик асосида иш юритилади. Янги ерларни ўзлаштиришда, магистрал каналлар қурилишида, дунёвий ва диний монументал биноларни барпо этишда ташкилотчилик масъулияти давлатга нисбатан жамоа кўлида мужассамлашган. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти майда ва ўрта жамоачилик асосида қурилган. Ер-мулк айрим шахслар кўлида тўпланмаган. Шу боис, ерни ишлашда, ундан қатта даромад олишда ер эгалари қул меҳнатидан фойдаланмайди, жамоа аъзолари ўз имкониятидан келиб чиқиб, ер-мулкида тенг ҳуқуқли патриархал оила аъзолари билан ўзи ишлайди. Оиланинг ўзга аъзолари эса, оиланинг кичик аъзолари (патриархал оила «қуллари») хисобланиб, улар Римдаги классик кулчиликдан кескин фарқ қилади.

Осиёда жамият қул меҳнати асосида қурилмаган. Шунинг учун жамоачилик асосида қурилган ишлаб чиқариш «Осиёча ишлаб чиқариш усули» деб номланган. Ҳар бир ишда жамоачилик анъаналари асосида иш юритиш ҳаётимизда ҳозиргача ўз мазмунини йўқотмаган.

**Патриархал қулчилик** – патриархал катта оиланинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тенг ҳуқуққа эга бўлмаган кичик аъзолари (патриархал оила «қуллари»).

**«Сак-массагетлар конфедерацияси»** – қадимда Ўрта Осиё ҳудудларида дехқончилик маданияти қабиалари билан доимо иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келган кўчманчи чорвадор қабиалар ҳам яшар эдилар. Улар асосан минтақанинг дашт, чўл ва тоғолди адирларида жойлашган бўлиб, ўзларини ҳаётда эркин ва озод ҳис этар, ёвга қарши курашда жанговар эдилар. Эрон ахоманийлари қоятош китобаларида улар саклар аталиб, учта катта гуруҳларга (Тиграхауда саклари, Хаумаварка саклари, Тиай тара дараёя саклари) бўлинганлиги эслатилади. Юнон муаллифларининг асарларида уларнинг Амударё ва Сирдарё қуйи ҳавзаларида яшовчи қисми сак-массагетлар номи остида бизгача етиб келган. Массагет атамаси юнонча «мас», «сака» ва «та» сўзларидан таркиб топиб, «сакларнинг катта уюшмаси» маъносини англатади. С.П.Толстовнинг фикрича, массагетлар конфедерацияси таркибига хорасмийлар, анасиаклар, сакавараклар, амюргия саклари, дербиклар, тохарлар (дахлар), осийлар (ятий, асиан, усун, яксарт), аугасийлар кирган. Искандар ҳарбий юришларининг оқибати ўлароқ, Амударёнинг юқори оқими ҳавзаларида Юнон-Бақтрия давлати таркиб топиб, унинг давлат сиёсати шимол томон фаоллаша бошлагач, «Сак-массагетлар конфедерацияси» янада мустақамланади, мил. авв. III асрда унга қарши Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида ярим кўчманчи ва ярим ўтrock Кангуй (Канкия) давлати таркиб топади.

#### IV боб

**Авесто жамияти** – патриархал оила жамоаси – **нмана**, патриархал уруғ жамоаси – **вис**, қабила жамоаси – **занту** ва қабиалар иттифоқи – **дахъю** деб аталган тўрт ижтимоий босқичдан иборат. Бу атамалар ўзбек ва тожик халқлари давлатчилигининг илк босқичлари ҳисобланади.

**Авесто** – қадимги Эрон ва Турон халқларининг диний муқаддас китоби, ундан бизгача Ясна, Яшт, Виспарат, Видевдат деб аталган китобаларидан парчалар етиб келган. Яшт ва Ясна китобалари Авестонинг энг қадимий қатламлари бўлиб, уларда дехқончилик билан боғлиқ маълумотлар учрамайди. Виспарат китобида зардуштийларнинг байрам ва диний мадҳиялари тўпланган. Видевдат китобида бош Илоҳ Ахурамазда яратган 16 та вилоятлар, жумладан Хваризам (Хоразм), Гава Суғуда (Суғд), Моури (Марв), Бахди (Балх) ҳақида, дехқончилик ва чорвачиликнинг савобли шарофатлари ҳақида, яъни ўзбек ва тожик халқларининг бирламчи ўтrock этник компонентлари ҳақида маълумотлар берилган.

**Авестода диний ва фалсафий карашлар** – зардуштийлар тасаввурига кўра, дунё тўрт босқичдан иборат XII мингйиллик тарихга эга. Ҳар бир босқич 3 минг йилни ўз ичига олган. Биринчи босқич кўринмас маънавий дунё; иккинчиси – ерда одамзод (Гавамард) ҳаётини бошланиши; учинчиси – «олтин давр», яъни орийларнинг тарих майдо-

нига чиқиш даври; тўртинчиси – пайғамбар Заратуштра вафотидан кейинги давр. Дунё тарихининг иккинчи босқичида ёвузликлар илоҳи Ахриман фаолияти бошланади. Ундан тарқалган эркак ва аёл инсоният уруғини давом эттиради. Авестога кўра, орийлар Гавамард фарзандларидан ташкил топган. Учинчи босқич Йима (Жамшид) подшолик қилган «олтин давр» бўлиб, бу даврда одамлар бахтли ҳаёт кечирганлар. Йима совук ва сув тошқинига қарши «вара» – тўртбурчакли қалъа куришга асос солган. Бу давр археологик даврий тизимда бронза ва илк темир даврига тўғри келади. Дунё тарихининг тўртинчи босқичида инсониятни ёвуз кучлардан халос этувчи, қутқарувчи Саошьянт исмли шахс пайдо бўлади, ер юзини ёмонликлардан тозалайди, гуноҳ иш қилган ва қилувчи одамларни йўқ қилади. Айнан шу даврда баҳодирларга ҳамду санолар тўқиш, ҳаёт ва ўлим фалсафаси, халқ оғзаки ижодиёти келиб чиқади. Бу давр кишилик тарихида «ҳарбий демократия даври»га тўғри келади. Тўртинчи даврнинг сўнггида «охирги замон» бошланади. Зардуштийликнинг диний-ахлокий фалсафаси эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амаллардан иборат бўлиб, булар ҳар бир зардуштийнинг кундалик ҳаёт фаолиятининг мазмун ва моҳиятини ташкил этиш керак. Табиатнинг тўрт унсури – куёш, ер, сув ва ҳаво инсон ҳаётининг давомийлигини таъминлайди.

**Жабғу (ябғу)** – чорвадор прототурк ва туркий тилли қабилаларида мафкуравий, дунёвий ва ҳарбий сардор. Шунингдек, *Ябғу атамасини* баъзи бир тадқиқотчилар хитой йилномаларида Хун ҳукмдорининг бош унвони сифатида учрайдиган *шанюй* атамаси (прототуркча *давғу*, қадимги туркча *жабғу* ёки *ябғу* унвонлари) билан тенглаштирадилар (Қаранг: Clauson G. An Etymological Dictionary ... P. 873). Хунлар ҳақида хитой манбаларида учрайдиган маълумотлар билан анча мос келадиган «Ўғузнома»даги маълумотлар илк турк ҳукмдорларининг унвони *жабғу* шаклида учрашида ҳам жон бор, деб тахмин қилишга имкон беради (Қаранг: Togan A. Zeki Velidi. Oğuz Destanı..., – S. 53-55).

**Кави** – илк цивилизация даврининг деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳолиси жамоаларининг мафкуравий, дунёвий ва ҳарбий сардори.

**Квазиалфавит** – Quazi (квази) лотинча сўз бўлиб, у «худди», «ўхшаш», «деярли яқин», «мавхум» каби маъноларни ифодалайди. Қадимги оромий ёзуви асосида битилган сўзлар унли товушларсиз, ундош ҳарфлардан тузилгани боис, сўзларни ўқий оладиган ибодатхона ходимлари улардаги унлиларни ҳаёлан, мантиқан тиклаб ўқиганлар. Бундай ўқиш услуби ёзув тарихида «квазиалфавит» номини олган.

**Номаълум ёзув** – прототуркий тилли жамоага тегишли қадимги ёзув. Аммо, бу масалада мутахассис олимлар орасида илмий баҳслар мавжуд.

**Ши Жи** – Хитойнинг 24 сулолавий тарихи.

## V боб

**Алтарь** – ўтроқ деҳқончилик маданияти илк шаҳарларида қағта патриархал оила, квартал жамоаси ва шаҳар ибодатхонаси бўлиб, улар ичида албатта махсус ибодат объекти жойлашган. Бу жой археология амалиётида «Алтарь», «Оташгоҳ», «Оташкада» деб аталган.

**Арки аъло** – ўрта аср шаҳарлари тарихий топографиясини мукамал ўрганган В.В. Бартольд ўзининг «К истории Мерва» мақоласида (В.В. Бартольд, соч., том IV, с.173–174)

ўрта аср шаҳарлари уч қисмдан, яъни Арк (кўхандиз), Шаҳристон (ички шаҳар) ва Рабод (ташқи шаҳар)дан иборат эканлигини биринчи бор асослаган. Арк шаҳарнинг энг баланд, агрофи мудофаа деворлари ва сув тўлдирилган махсус хандақ билан ўраб олинган. Аркда шаҳар ҳукмдорининг маҳобатли саройи, масжид, зиндон ва шахсий кўриқчилари ҳамда шаҳар маҳкамаси жойлашган. Арк бир дарвозали, унга кўриқчили кенг пандус орқали кўтарилган (кирилган).

**Катхудот** – Авесто жамиятида қишлоқ жамоаси «вис» деб аталиб, унинг бошлиғи, кависи Авестода «виспати», қадимги суғдий тилида «катхудот» деб аталган.

**Кенотаф** (юнонча. *Kenotaphion* – мурда скелетсиз қабр) – мурда кўйилмаган бўш қабр, яъни мусофирликда, овда ёки ёв билан курашда бедарак йўқолиб, вафот этган шахс руҳининг қабри. Қадимги Миср, Юнонистон, Рим, бронза даврида Ўрта Осиёда кенотаф қабрга, унинг лойдан ёки матодан ясалган митти ҳайкалчаси, ёки унинг чорва мулкидан битта кўзичок ёки такачани марҳум қандай ҳолатда кўмилса, айнан шундай ҳолатда кўмиш дафн маросимига айланган.

**Платформа** – археологик қазिशмалардан маълумки, ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликларида илк шаҳарлар (қалъа, қасрлар) паҳса ва хом гиштлардан тикланган баланд (7–10 метргача) ва кенг супалар устида қад кўтарган. Бу билан қадимги муҳандислар қалъа ва қасрларни маҳобатли бўлишини таъминлаганлар. Қалъалар фундаменти ролини ўйнаган бундай қурилмалар археология амалиётида платформа деб аталган. Платформа устида, унинг четлари бўйлаб қалъа мудофаа деворлари тикланиб, девор ичида митти шаҳар кварталлари, турли хил ишлаб чиқариш объектлари, шаҳар ҳокимининг монументал саройи, қалъа дарвозаси ва ундан шаҳар кварталларига олиб борувчи йўллар жойлашган.

**Протошаҳар** – қадимги деҳқончилик маданияти метрополияларида ривожланган бронза даврида аҳоли зич жойлашган масканларнинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинади. Бундай маскан жамоалари таркибида мулкий табақаланиш жараёнлари ўзининг дастлабки босқичи даражасида бўлгани боис, қалин деворлар билан ўраб олинган қалъа ичида монументал қаср-аслзода сардорларнинг турар-жой масканлари жойлашган Арки аъло бўлмайди. Бундай масканлар тарихда протошаҳар (протогород) номи оланган. Аркнинг шаҳар таркибида бўлиши эса илк шаҳардан далолатдир. Масалан, Жанубий Ўзбекистон ҳудудидан топиб ўрганилган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларининг биринчиси (Сополлитепа) ўз меъморий режасига кўра протошаҳар бўлса, иккинчиси (Жарқўтон) илк шаҳардир.

**Рабод** – ташқи шаҳар, у жойда шаҳарга келадиган савдо аҳли ва мусофирлар учун карвонсаройлар, улгуржи савдо бозорлари, ўзга шаҳар фуқароларининг савдо карвонсаройлари жойлашган.

**Шаҳристон** – ички шаҳар, у жойда шаҳар хунармандлари, хунармандчиликка доир ишлаб чиқариш объектлари, дўконлар, шаҳар жоме ва квартал масжидлари, ички бозор, бадавлат мулк эгалари ва аҳли хунарнинг турар-жойлари, ўзга шаҳар фуқароларининг кварталлари жойлашган. Шаҳристон атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шаҳар аҳолисининг кўпайиши ҳисобига иккинчи ва учинчи шаҳристонларни вужудга келиши мумкин. Одатда янги бунёд этилган ҳар бир шаҳристон атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шаҳар дарвозаси унга келадиган магистрал йўллар ҳисобга олиниб, бир неча бўлиши мумкин.

**Эфедра** – Оташпарастрлар ва Зардуштийлик динида ибодат вақтида бироз тетиклашиб олиш учун ичиладиган муқаддас ичимлик бўлиб, Авестода у «хаума» деб аталган. Хаума ичимлигини тайёрлашда эфедра деб аталган хушбўй ва кишини тетиклантирувчи ўсимликдан фойдаланилган. Бу ўсимлик нашасифат хусусиятга эга эканлиги аниқланган.

## VI боб

**Ахоманийлар керамикаси** – мил. авв. VI–IV асрларда Ўрта Осиё ҳудудлари Эрон Ахоманийлари давлатининг таъсир доирасида бўлган. Совет тарихшунослигида Ахоманийларнинг маҳаллий аҳоли иқтисодий ва маданий ҳаётида таъсири кучли ҳисобланиб, шу туфайли Ўрта Осиёда илк шаҳар маданияти таркиб топди, деган тасаввур ҳукмрон эди. Бунга Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларида юксак даражада ривожланган бронза даврининг протошаҳар маданияти ёдгорликларини очиб ўрганилмаганлиги ҳам хизмат қилар эди. Шу боис, чарҳда ишланган цилиндроконус шаклли сопол идишларнинг пайдо бўлиш даврий санасини Ахоманийлар фаолияти билан боғлаб ўрганиш анъанага айланган, уларнинг мутлак саналари эса, мил. авв. VI–IV асрлар билан белгиланиб, цилиндроконус шаклли сопол идишлар комплекси «Ахоманийлар керамикаси» деб аталган. Бироқ, замон ўтиши билан Ўзбекистоннинг жанубий ва марказий вилоятларида Қадимги Шарқ цивилизациясига доир бронза ва илк темир даврининг ёдгорликлари очиб ўрганилди. Бу давр археологик комплексларида «Ахоманийлар керамикаси» деб аталган материалларнинг даврий санаси объектив равишда қадимийлашди, унинг тарихий илдизлари бронза даври илк шаҳар маданиятига бориб тақалиши ўз исботини топди. «Ахоманийлар керамикаси»ни Эрон Ахоманийларининг босқинчилик сиёсати билан боғлиқ эмаслиги исботланди, тарихий ҳақиқат қарор топди. Ҳозирги кунда бу типдаги керамика маҳсулотлари Қадимги Бактрия, Қадимги Суғд, Қадимги Хоразм даври керамикаси номи билан алмаштирилди, уларнинг йил саналари мил. авв. VIII–IV ёки VII–IV асрлар билан белгиланмоқда.

**Ибодатхона** – оташпарастр аждодларимизнинг исломга қадар топиниш, чўкиниш, ибодат қилиш илоҳий маскани.

**Арьянам Вайчаҳ** – аслзода орийлар етакчилигидаги чорвадор тур қабилаларининг илк ватани, чорвадор турлар учун эзгулик худоси Ахурамазда илк бор яратган маскан, майсазор ўтловларга бой ўлка. Ахурамазда оламни яратганда, одамлар учун ҳар хил иқлимли ўлкалар ва мамлакатларни яратди. Биринчи бўлиб, кенг яйловларга бой, чорвага қулай муқаддас Арьянам Вайчаҳни яратиб, унга орийларни жойлаштирди. Арьянам Вайчаҳ атамасининг туб маъноси ҳам орийлар мамлақати демакдир. Арьянам Вайчаҳни ҳудудий локализациялаш масаласида олимлар орасида ҳар хил қарашлар мавжуд. Олимлар Авесто мадҳиялари таҳлили асосида уни Эрон ҳудудларидан, Қадимги Бактрия, Қадимги Хоразм, Ҳирот воҳаси, Эрон Озарбайжони ҳудудларидан қидирдилар. Бироқ, Арьянам Вайчаҳ табиати, табиий-географик иқлим шароитлари, аҳолисининг турмуш тарзи, машғулот ва асосий бойлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳамду санолар, таърифлар менимча уни кўпроқ Евроосиё даштларидан қидиришни тақозо этади. Чунки бу юрт аҳолиси кўчманчи чорвадорларга хос саҳройи турмуш кечирганлар, уларнинг маъбудлари «кенг яйловлар эгаси», «ажойиб отлар юбуровчи илоҳлар» бўлган.

**Бишкент маданияти** – Шимолий Бактрия бронза даври маҳаллий чорвадор қабилаларининг маданияти. Бу маданиятга тегишли мазор-қўрғонлар 1955–1959 йилларда А.М. Мандельштам томонидан Жануби-ғарбий Тожикистоннинг Бишкент водийсида ўрганилган. Улар Ранний Тулхар ва Ранний Аруктов қабристонлари бўлиб, у объектлардан 66 та мазор очилган. А.М. Мандельштам очилган қабрларни тўрт гуруҳга бўлади, яъни скелетлар ғужанак ҳолатда, кремация қилинган суяк парчаларини сочилган ҳолатда, суяклар этдан тозаланган ҳолатда ва кенотаф қабрларга ажратади. Археологик материаллар комплексининг таҳлили асосида у бу ёдгорликлар мажмуасини Бишкент маданияти деб атаб, унинг йил санасини мил. авв. XIII–XI асрлар билан белгилайди (А.М. Мандельштам. Памятники эпохи бронзы юго-западного Таджикистана, 1968). А.М. Мандельштам унинг этник келиб чиқишини Зарафшон водийсининг Замонбобо маданияти билан боғлайди. Аммо, кейинги тадқиқотларда унинг этник келиб чиқиш илдизлари Сополли маданиятининг сўнгги босқичлари билан боғланмоқда, яъни Сополли маданиятининг мўлали босқичида бир гуруҳ қадимги деҳқончилик маданияти жамоалари Бактриянинг шимоли-шарқий ҳудудлари томон янги ерлар қидириб кўчиб келганлар. Улар ўзга табиий-географик шароитга тушиб, вазиятга кўра, асосан чорвачилик хўжалиги билан шугулланиб кетганлар, деган хулосага келинган (Б.А. Литвинский, Л.Т. Пьянкова).

**Вахш маданияти** – 1960-йиллардан Б.А. Литвинский Вахш ва Қизилсув дарёларининг этакларида қидирув-тадқиқот изланишлар олиб бориб, Вахш-1, Тигровая Балка, Ойкўл, Жаркўл ва Макони-Мор каби бронза даври қабристонларини топди ва уларда кенг кўламли қазималар ўтказди. Тадқиқот натижалари Б.А. Литвинскийга чорвадор жамоаларининг янги Вахш маданиятини кашф этишга олиб келди (Литвинский, 1964, 1967). Бу ёдгорликлар ичида энг йириги Тигровая Балка бўлиб, у ерда ўрганилган қабрларда скелетлар ғужанак ҳолатда ён бикини билан кўмилган, ориентацияси ҳар хил. Очилган қабрларнинг 29, 2 % кенотаф мазорлардан иборат. Шундан кенотафлар Ойкўлда 34,6 %, Вахш-1 да 38,5 %, Жаркўлда 14, 3%, Макони-Морда 14,3 %. Керамика комплексига кулолчилик чархида ишланган сополлар учрайди (Пьянкова, 1989, с. 24–25, 32). Вахш водийсининг Қизилсув дарёси ҳавзасида Гелот, Гулистон, Обкух қабристонлари (Piyankova, Vinogradova, 1998 с. 115–144), Таирсув дарёси соҳилида Вахш маданиятига доир Тошгузар манзилгоҳи топиб ўрганилди (Виноградова, 1996, с. 32–34; 2001, с. 142).

Вахш маданияти керамика коллекциясининг деярли барча типлари амалда Шимолий Афғонистон деҳқон жамоалари сополларини эслатади. Шу боис, Л.Т.Пьянкова Б.А.Литвинский изидан бориб, Вахш маданияти соҳибларининг тарихий илдизлари қадимги деҳқончилик маданияти билан боғлиқдир, деган хулосага келган. Вахш маданиятининг йил санаси мил. авв. XII–X асрлар билан белгиланган (Пьянкова, 1982). Аслида Бишкент ва Вахш маданиятлари археологик комплексларидаги ўхшашликлар ва уларнинг этник келиб чиқиши Шимолий Бактриянинг маҳаллий чорвадор қабилалари ёдгорликларини Бишкент-Вахш маданияти деб аташликни тақозо этади (Пьянкова).

**Деҳқончилик маданияти** – деҳқончилик маданияти ўз тараққиётида илк, суғорма, тақрорий суғорма ва юксак даражада ривожланган маданий-хўжалик босқичларини ўтаган. Илк деҳқончилик босқичи ибтидоий уруғчилик жамоаларининг ўзлаштирувчи

хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш даврида юз берган. Унинг хронологик даврий санаси минтаканинг табиий-географик шароитидан келиб чиқиб, турли тарихий даврларда юз бериши мумкин. Масалан неолит, энеолит, бронза ва илк темир ва ҳоказо. Деҳқончилик маданиятининг илк босқичи илмий адабиётларда турлича номлар билан аталган. Масалан, қайир, лиман, коқ, чўнтақ, қўлтик, мотиға деҳқончилиги. Азим дарёлар ва тоғ сойлари куйи ҳавзаларида кенг тармоқларга бўлиниб, асрлар давомида окизиб келган чиринди аралаш лойқа ҳисобига, кенг ва текис майдонлар ҳосил бўлган. Одатда, қалин ва унумдор тупроқ ўзида намликни узоқ сақлаш хусусиятига эга. Табиатан теварак-атрофни кузатишга ўта мойил ибтидоий аждодлар ана шу ерларга ёввойи бошокли донларни тикиб, деҳқончиликни бошлаганлар. Қалин унумдор тақир таркибида намлик узоқ сақлангани боис, дастлаб экинларни суғоришга ҳожат бўлмаган. Ана шундай коқ ерлар массивларида катта ва кичик экин майдонлари пайдо бўлади. Бу тарихда коқ деҳқончилиги, лиман деҳқончилиги, қайир деҳқончилиги, қўлтик деҳқончилиги, яъни уруғ жамоаси дастлаб ўзлаштирган чегарали майдонда пайдо бўлган қўлтик деҳқончилиги деб ном олган. Дастлаб бундай деҳқончилик майдонларини экинга тайёрлашда ҳайвон кучидан фойдаланилмаган. У жойларни бироз юмшатиш учун қўл омонидан фойдаланилган. Шунинг учун қўлтик деҳқончилиги фанда мотиға деҳқончилиги деб юритилади. Қачонким, илк бободеҳқонлар коқ ерларни ўзлаштириш учун ҳайвон кучидан фойдалишни кашф этишгач, энди экин майдонларини суғориш зарурияти келиб чиқди. Бу тарихда суғорма деҳқончилик номини олди.

**Протоевропеоид тип** – бу тип Урал тоғ тизмалари жануби-шарқий минтақаларининг бронза даври аҳолисининг тип. Бу тип одамларининг бош чаноғи брахикефал (думалок), малла соч, кўк кўз, танаси буғдой ранг, кирра бурун, юзи ўртача чўзинчок, кўкрак қафаси кенг, йирик жуссали.

**Тозабоғёб маданияти** – Қадимги Хоразмнинг бронза даврига оид археологик маданияти (мил. авв. II мингйиллик ўрталари ва иккинчи ярми). 1938 йил С.П.Толстов бу маданиятга тегишли биринчи манзилгоҳни Тозабоғёб канали яқинидан топгани боис шундай деб аталган. Тозабоғёб маданияти Жанубий Оролбўйи худудининг маҳаллий Суверган маданияти ва Евроосиё даштларининг Сруб (ёғочбанд) ва Андроново маданиятлари қабилалари қоришувидан шаклланган. Асосий машғулотлари – қўлтиқ деҳқончилиги ва яйлов чорвачилик. Этник келиб чиқиши – прототурк ва шарқий эроний.

**Турлар** – «Тур» атамаси илк бор Авестода учрайди. Эзгуликлар бош худоси Ахурамазда оламни яратганда биринчи бўлиб Арьянам Вайчахни яратган. Арьянам Вайчак майсазор ўтлоқларга бой ўлка бўлиб, бу мамлакатга чорвадор тур қабилалари жойлаштирилган. Турларнинг аслзода қатлами орийлар бўлиб, уларнинг етакчилигида мил. авв. II мингйилликнинг ўрталарида орийларнинг шимол даштларидан жанубий ўлкалар томон миграцияси юз берган. Улар Ўрта Осиё худудлари орқали ҳозирги Эрон пасттекисликларига, Ҳиндикуш тоғ тизмаларидан ошиб, то Шимолий Ҳиндистонгача кириб бордилар. Чорвадор турларнинг Ўрта Осиё худудларига кириб боришининг чеки бўлмади, турларнинг Ўрта Осиё худудларида ўтириб қолган қабиладошлари изидан кириб келиши илк темир, антик ва илк ўрта асрлар, шунингдек кейинги асрларда ҳам давом этади. Уларнинг аксарият қисми Ўрта Осиёнинг Амударё ўрта оқимларигача бўлган худудларда ўрнашиб қоладилар. Оқибатда турлар кенг тарқалган жойлар дастлаб Турон, кейинроқ (милодий VII асрдан бошлаб) Туркистон деб аталадиган бўлди.



**Ўрта Осиё икки дарё оралиги типи** – кўзлари қўй кўз, танаси бугдой ранг, юз тузилиши думалокрок, юз чаноқлари бироз бўртиб чиккан, ияги овал шаклда, сочлари қора, бош чаноғи брахикефал (думалокрок), жуссаси ўртача. Бу тип протоевропеоид типининг маҳаллий Ўрта Ер денгизи типи билан қоришувидан таркиб топган. Қоришма таркибида протоевропеоидлар ҳиссаси кучлироқ.

**Қайроққум маданияти** – Фарғона водийсининг гарбий қисмида шаклланган бронза даврининг археологик маданияти (мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми – I мингйилликнинг бошлари). Унинг номи Хўжанд яқинидаги Қайроққум мавзеи номидан олинган. Қайроққум маданияти материаллари Андронов ва Тозабогёб маданияти ёдгорликлари материаллари билан жуда ўхшаш. Улар Фарғона водийсининг Чуст маданияти аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Аҳолисининг асосий машғулотлари аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Аҳолисининг асосий машғулотлари аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Аҳолисининг асосий машғулотлари аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган.

**Шарқий Ўрта Ер денгизи типи** – бу тип Ўрта Ер денгизининг мўътадил табиий-географик муҳитида шаклланган соф европеоид кифоли. Бу типнинг аҳолиси бодомқовоқ, пешонаси кенг, юзи узунчоқ, кирра бурун, ияги кичик, бош чаноғининг тузилиши долихокефал (тухумсимон), кўзи кўк, сочи малла, оқ бадан бўлади.

## VIII боб

**Олтой тиллар оиласи** – туркий ва мўғулий, тунгус ва манжур қабилалар тиллари оиласида таркиб топган қадимги тиллар гуруҳига оид атама.

Айрим олимлар унинг таркибига корейс ва япон тилларини ҳам киритадилар. «Олтой» атамаси ушбу тилларнинг эхтимолдаги қадимги ватанига ишорадир. Бир қатор туркшунос олимлар асарларида (Г. Рамстед, Н.Н. Поппе, Е.Д. Поливанов, В.Л. Котвич, М. Рясанен) бу тиллар оиласининг келиб чиқиши масаласида уларнинг умумий лексикаси, товуш таркибидаги, фонетик ва морфологик қурилишидаги ўхшашликлар, сўз ясалиши ва синтаксис соҳасидаги категорияларнинг структура ва мазмун жиҳатдан бир хиллиги ёки ўхшашлигига асосланилиб, бу тилларнинг тарихий илдизлари бир, деган хулосага келинган.

**Орийлар** – аслида Марказий Осиёнинг прототурк чорвадор аҳолисининг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, ташаббускор ва тадбиркор ишбилармон катлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар табақаси. Орий дастлаб ижтимоий табақа маъносида, кейинроқ эса уларнинг шимолдан жанубий ўлкаларга кириб бориб, маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетган қисми янги этник маъно ва мазмун касб этди, яъни улардан сон жиҳатидан бир неча марта кўп бўлган маҳаллий аҳоли тил муҳити таъсирида секин-аста ўз прототурк тилларини унутиб, эронийлашиб кетадилар. Орийлар ҳақидаги Авесто ривоятлари ана шу қадимги эроний тиллар оиласининг шимоли-шарқий лаҳжаларининг бирида яратилган бўлиб, шу боис фанда орийларнинг этник келиб чиқиши эроний бўлиб кетган.

**Ху этноними** – прототуркча «хур» атамасининг хитойча талаффузи бўлиб, хитой тилида ундош «р» товушини талаффуз этиш мумкин бўлмаганлигидан хитойликлар «хур» атамасини «ху» иероглифи билан ифода этишган. «Хур» атамаси прототуркийда эркин, озод, бир жойда узоқ туриб қола олмайдиган, бир жойга боғланиб қолмаган кўчманчи

чорвадор халқ маъносини беради (қаранг: Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001, 11-бет).

**Ҳинд-оврўпа назарияси** – Ўрта Осиё қадимги халқларининг муқаддас китоби Авестони лингвистик таҳлили асосида пайдо бўлган евроцентрик қараш. Европа ва собик Совет даври тарих фанида Авестонинг тили Европа халқларининг қадимги тиллари билан қариндош эканлиги аён бўлгач, марказий ва шарқий европа аҳолиси қадимда эроний тилли бўлган, деган ғоя пайдо бўлди. Археологик тадқиқотлар бу ғояни асосли эканлигини тасдиқлайди, яъни мил. авв. II мингйиллик ўрталарида Евроосиё даштларининг эронзабон орийлари Кавказ ва Ўрта Осиё орқали жанубга юриш қиладилар. Улар Эрон ва Шимолий Ҳиндистонгача кириб бориб, у жойларнинг маҳаллий аҳолиси устидан сиёсий ва ҳарбий ҳукмронликни ўрнатадилар. Маҳаллий аҳоли ўзга этник гуруҳлар тили таъсирида эронийлашадилар, деган хулосага келинади. Мана шу фаразлар асосида «ҳинд-европа назарияси» пайдо бўлган.

**Шя подшолиги** – Н.Я.Бичурин маълумотларига кўра, мил. авв. 2205–1766 йилларда Шимолий Хитойда Шя номли кичик подшолик ўтган. Унинг бошқарув маҳкамасида «ши» номли йилномачилар хизмат қилган. Уларнинг ёзишича, шилар мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаёти ҳақида талай маълумотлар қолдирган. «Ши»лар йилномаларида подшоликнинг шимолида ва шимоли-ғарбида «ху», «ди» номи остида чорвадор қабилалар жойлашган бўлиб, уларнинг асосий машғулоғи чорвачилик, жумладан, йилқичилик бўлган. Олимлар «ху»ларни хунлар билан, «ди»ларни эса тиек (прототурк) билан локализациялаштирганлар. Ушбу сатрлар муаллифи «ху» ва «ди»лар Жанубий Сибирнинг Андроново маданияти соҳиблари бўлиши керак, деган хулосага келади.

## IX боб

**Бурғулук маданияти** – Қадимги Тошкент воҳасининг сўнгги бронза ва илк темир даврлари (мил. авв. IX–IV асрлар)га оид археологик маданияти. Бу маданиятга тегишли бир гуруҳ ёдгорликлар Оҳангарон дарёсининг Тошкент денгизи томон кетган Бурганлисой ўзани соҳилидан топиб ўрганилган. Унга тегишли манзилгоҳлар Оҳангарон дарёсининг ирмоқлари – ҳозирги Жўн ва Салор каналларининг шохобчалари ҳавзаларида ҳам учрайди. Бу маданиятга оид материаллар дастлаб (1934 йилда) Қовунчитепанинг остки қатламларида ҳам учратилган. 1940 йил А. И. Тереножкин Бурганлисойда Тошкент канали қурилиши майдонида археологик кузатув чоғида унга тегишли археологик комплексни учратиб, Бурғулук маданияти алоҳида мустақил маданият эканлиги ҳақида илк бор хулосага келган. Шундан бошлаб Бурғулук маданияти қадимда Тошкент воҳасининг кўчманчи чорвачиликдан ўтроқ дехкончиликка ўтган аҳолиси маданияти сифатида фанда ўз ўрнини топган. У келиб чиқиш жиҳатидан Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти, Зарафшон водийсининг Кўктеша–1, Жанубий Ўзбекистоннинг Кучук–1, Қизил–1, Жанубий Туркманистоннинг Ёз–1 ва Шимолий Афғонистоннинг Тилла–1 маданиятлари билан кўп ўхшаш эканлиги ҳақида хулосага келинган.

**Данай саклари** – Сирдарё ҳавзаларида яшовчи кўчманчи чорвадор қabila.

**Жабғу хокон** – Шарқий Турк хоконлиги нуфузи олдида ҳукуки бир қадар чегараланган Ғарбий Турк хоконлигининг ҳукмдори.

**Жанубий Сибир тип** – мўғул башара, кўзлари кисиқ, юзлари юмалоқ, танаси оқ сариқ малла, пучук бурун, панжалари калта, жуссалари майда, бош чаноғи брахикефал (думалоқ).

**Закасний тип** – бодомқовок, кўк кўз, пешоналари кенг, юзи узунчок, кирра бурун, ияги кичик, бош чаноғининг тузилиши долихокефал (узунчок). Бу тип маҳаллий аҳолининг энг қадимги «Шарқий Ўрта Ер денгизи тип» билан андронид типларининг қоришувидан ташкил топган. Унинг таркибида «Шарқий Ўрта Ер денгизи тип»нинг таъсири кучли.

**Катта Яксарг** – Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида яшовчи сақлар.

**Муқаддас тас** – Байкал кўлининг жанубий соҳилига яқин кўл ичида митти тош оролча бор. Бу митти оролчани Сибирнинг туркий халқлари «муқаддас тас» атаб, унга ҳозиргача сиғинадилар.

**Сақлар** – Ўрта Осиёнинг қадимги қорвадор кўчманчи қабилалари, Геродот уни скифлар билан бир халқ деб билган.

**Силис** – Сирдарёнинг прототуркийда номланиши, ишжу, марвариддек тиниқ, тоза, мусаффо маъносини англатади.

**Тархон** – ҳоконликнинг вассал туман миқёсидаги ҳукмдори. Ҳоконлик Ашина ёки Ашида уруғига алоқаси бўлмаган Фарғона туркларининг туман ҳукмдорларига «тархон», «чўр» унвонларини бериб мамлакатни бошқарган. Бундай унвонли ҳукмдорлар ҳар қандай мулк солиқларидан озод этилган.

**Тегин** – ҳоконлик вассалларини бевосита назорат қилиш учун юборилган тегин унвонли шахзода.

**Тудун** – ҳоконликда вассалларни бошқаришда элтабарлар устидан назорат қилувчи ноиб.

**Ҳокон** – Турк ҳоконлигида энг олий нуфузли ҳукмдор, мамлакат-эл бошлиғи.

**Қизилқир маданияти** – Қовунчи маданиятининг Бухоро воҳасини шимолий-ғарбида шаклланган варианты. 1953–1960 йилларда Ўзбекистон ФА Тарих ва Археология институтининг Моҳондарё археологик экспедицияси томонидан ўрганилган археологик ёдгорликлар мажмуаси.

**Қовунчи маданияти** – Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларида (Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистон) милoddан аввалги II аср – милодий VI асрга оид археологик маданият. Ўрганилган жой дастлаб Қовунчитепа харобаси бўлгани учун шундай ном олган. Уни илк бор археолог Г.В. Григорьев 1934–1937 йилларда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри ҳудудида жойлашган Қовунчитепада археологик изланишлар олиб бориб, унинг халқи қадимги Тошкентнинг қорвадор ва ўтроқ аҳолиси қоришувидан ҳосил бўлган маданият, деган хулосага келган. Унинг хулосалари кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида тасдиқланган. Милодий эранинг II–III асрларидан бошлаб Қовунчи маданияти шимолий Фарғона ва унинг ички туманларигача, Қадимги Хоразм ва Зарафшон водийсига, IV–V асрларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларигача кириб боради. Бу тарихий манзара илк ўрта асрлар даври археологик комплексларида яхши кузатилади.

**Қовунчи маданиятига хос керамика комплекси** – хилма-хил сопол идишлардан иборат бўлиб, улар асосан чархсиз кўлда ясалган қизғиш-оқиш англоби, устига тарам-тарам жигарранг ёки қора ранг окизилган хум, хумча ва кўзалар, баъзида улар елкасига

хочсимон ёки кўшқават учбурчак шаклида тамға босилган. Кўзалар бўйдор, бир дастали, дастаси ҳайвон қиёфасида ишланган. Хурмачалар елкасига кичкина кўшалок даста ишланган, устки қисмига худди кўзалардек рангли нақш берилган. Керамика комплексида чилимдон (курильница), зооморф дастали қадахлар (кружжалар), кўшқулоқли, қорни чикқан, сферик шаклли сопол қозонлар мавжуд. Уларнинг қулоқлари арқонсимон ёки кўчқор шохли ҳайвон қиёфасида расмийлаштирилган. Керамика комплексида олд томони кўчқор ёки от тумшук шаклида ишланган ўчоқ ва қозон туширғичлар, елкадан пасти конус шаклли ҳамда ясси тубли саёз қосалар (мискалар) ҳам учрайди. Қовунчи маданияти керамика комплексида чархда ясалган сферасимон коринли, бир дастали, бўғзи тор, тиниқ ангобли кўзалар, қадахлар, хурмачалар ҳам учрайди. Сополлар Бақтрия, Суғдиёна ва Қадимги Хоразмнинг антик даврига хос тиниқ, оч-кизил ангобли, юпқа, жарангдор керамика комплексларидан бирмунча дағал, қўполроқ ишланиши билан фарқ қилади.

**Ғарбий денгиз** – Каспий денгизи.

**Чоч (Шош)** – қадимги прототуркий тилда феруза тоши, феруза тошига бой ўлка маъносини англатади. Хитойлар уни Ши-го (Тош мамлақати) деб атаган.

**Шимолий денгиз** – Орол денгизи.

**Элтабар** – Турк хоқонлигида вассал вилоят ҳукмдори. Турк хоқонлиги бошқарув тизимида олий ҳукмдор жабғу, жабғу-хоқон ва хоқон ҳисобланган, улар устидан назоратни олий орган – қурултой олиб борган. Хоқонлик марказий ва вассал вилоятларга бўлинган бўлиб, вассал вилоятларни бошқариш элтабар ҳарбий унвонли вакил зиммасига тушган. Элтабар унвонини вассал ҳукмдорларга хоқон ёки айрим ҳолларда уни назорат қилиш учун юборилган тегин унвонли шахзода ҳам бериши мумкин бўлган.

**Авар хоқонлиги** – *Авар хоқонлиги* номи остида VI–IX асрларда Шарқий Европа, асосан, Қора денгизнинг шимоли, Австрия, Туна дарёси бўйларида ҳукм сурган туркий салтанат тушунилади. Бир қатор тадқиқотчилар Жуан-жуан хоқонлиги ва Эфталитлар давлати аслида битта давлат бўлиб, уларнинг асл номи Авар хоқонлиги бўлган, деб ҳисобламоқдалар (*Қаранг: Golden P.V. Türk Halkları tarihine Giriş...*, – S. 61–65, 88).

**Ахшун-Вар, Fat-Вар** – мазкур исмларнинг иккинчи қисми «қут» маъносидаги қадимги эроний тилларга хос «*фар*» – «*фарн*» билан алоқадор бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, Вар атамаси Авесто ривоятда Йима (Жамшид) курдирган қалъа бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У ҳолда бу сўзларнинг биринчи қисми киши исми бўлиб, иккинчиси у курдирган қалъа-қўрғон бўлиб чиқади.

**Валвалиж / Варвализ** – Вар-вализ, яъни «Авар шаҳри» шаклида талқин қилинадиган мазкур шаҳар Шимолий Афғонистондаги Қундуз шаҳри ўрнида бўлган. Ушбу шаҳар хитой манбаларида *А-хуань* тарзида тилга олинган бўлиб, тадқиқотчилар уни «Авар» шаклида тиклашган (*Қаранг: Малявкин А.Г. Танские хроники ... С. 241*).

**Гаоче** – бир қисм туркий қабилалар иттифоқининг умумий номи сифатида хитой йилномаларида ўрин олган ушбу атаманинг луғавий маъноси «баланд аравалилар» бўлиб, унинг туркий муқобили «тегрек / телега», яъни «арава» бўлиши мумкин. Юқорида «Теле» этнонимига изоҳ бериб ўтилганидек, эҳтимол, хитойлик муаллифлар Тегрек / телега (минувчилар) деб номланган туркий этнонимни баъзан таржима қилмасдан аслига яқин шаклда «теле», баъзан эса ўз тилларига ўгирган ҳолда «гаоче» тарзида беришган.

**Мозор-қўрғон** – чорвадор қабилаларга дахлдор бўлиб, икки хил кўринишда, яъни тош уюмли ва тупроқ қўрғонли шаклда қад кўтарган. Ички тузилишига кўра, ёрма қабр,

дромосли, катакомбали лахад шаклида бўлиб, скелет ва қабр ашёлари жойлаштирилган лахад оғзи тош плита, тош блоклари, баъзида дев ғиштлар билан беркитилган бўлади.

**Тўхористон** – Тохаристон шаклида адабиётларда ўрин олган тарихий-географик вилоят. Амударёнинг юқори хавзасида жойлашган, шимолда Ҳисор, шарқда Бадахшон, жанубда Ҳиндикуш ва Кухи Бобо, шимоли-ғарбда Банди Туркистон, Қуҳитанг тоғлари орасидаги худуд – ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жануби-ғарбий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон худудларидаги ўнлаб вилоятларни ўз ичига олган ўлка илк ўрта асрларда Тўхористон деб аталиб, у Термиз, Чағониён, Куфтан, Шуман, Ахарун, Вашгирд, Рашт, Хуттал, Вахш, Кубодиён, Каррон, Шугнон, Voxон, Бадахшон, Кумед, Помир, Гузгон, Гарчистон, Валх, Қундуз, Симингон, Руб, Ғаз ва яна бир қатор катта-кичик тарихий вилоятларни ўз ичига оларди. VII–VIII асрларда санаб ўтилган вилоятларнинг ҳар бири алоҳида ярим мустақил майда ҳукмдорликлар сифатида яшар ва уларнинг барчаси Тўхористон ябғулари сулоласига бўйсунар эди. Шу тарика Тўхористонни Суғдга ўхшаш, бироқ бирмунча фарқ қилувчи конфедератив характердаги йирикрок ҳукмдорлик деб ҳисоблаш мумкин. Аини пайтда ўлка Турк хоқонлигига бўйсунар ва *Ябғулар* сулоласининг Ашина хонадонига мансуб эди.

**Уструшона** – Устуршон, Устуршана, Истаравшан шаклларида ҳам тарихий адабиётларда жой олган тарихий-географик вилоят. Илк ўрта асрларда Уструшона Чочнинг жануби, Фарғонанинг жануби-ғарбий ва Суғднинг шимоли-шарқида жойлашган алоҳида бир ҳукмдорлик бўлиб, ўз жойлашувига кўра воҳа (ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) ҳамда тоғли (Туркистон тизмалари – Шимоли-ғарбий Тожикистон) қисмлардан иборат эди. Илк ўрта асрларда Уструшонада 18 та туманликлар ташкил топган. Истахрий маълумотларига кўра, улар Куркет, Газак, Вағкет, Сабат, Зомин, Дизак, Бунжикат, Харакана, Фекнан, Фағкат, Минк, Асбаникат, Бискар, Бангам, Вақр, Шагар, Бургар, Буттам каби рустаклар бўлиб, улар тепасида турган ҳукмдорлар афшинлар деб аталган.

**Халлук чегараси** – бу ерда Етгисув ва атрофлари – Исфижоб (Сайрам)дан Фарғонагача чўзилган худуд назарда тутилаяпти. Маълумки, қарлуқлар 766 йилда Етгисувда Тургаш хоқонлигига барҳам бергач, бу худудда ўзларининг Қарлуқ ябғулиги деб аталадиган давлатини барпо этишган эди.

**Қурумлар** – тошли ер юзаси бироз чуқурлатилиб, унга ётқизилган мурда устига тупрок тортилмай, устига тош-шағал бостирилган қабрлар. Улар ташқи кўринишига кўра, айлана, қутчасимон яшик ва овал шаклида учрайди. Қабр ашёларида фарқ кузатилмайди. Улар асосан тоғ ёнбағирларида, адирли зоналарда учратилиб, уларни асосан чорвадор туркий қабилаларга тегишли эканлиги фанда тан олинган.

**Чабиш** – Турк хоқонлигига хос унвон бўлиб, «кўшинда вазифадор шахс, лашқар бошлиқларидан бири» вазифасини бажаради. Маҳмуд Кошғарий уни «жангда сафларни тузатувчи, дам олиш вақтида аскарни зулм қилишдан сақловчи одам» шаклида таърифлайди (*Қаранг: Divanü Lūgat-it Türk Tercümesi ... I. S. 349*). Ушбу унвоннинг негизида олтой тил оиласига хос \*č'abi – «кўшин, жанг» сўзи ётади (*Қаранг: EDAL, I:406–407*).

**Чоч лаҳжаси** – Антик ва илк ўрта асрларда Чоч аҳолиси қадимги эроний тилларнинг суғд лаҳжасида сўзлашганлар, деган тасаввур расмий тарихда ҳукмронлик қилиб келди.

Бирок, кейинги тадқиқотлар Чоч воҳасининг аҳолиси кўрсатилган асрларда туркий ва эроний тилли этнослардан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро қоришуви, ассимиляцияси туфайли Чоч воҳасида суғд тилининг «Чоч лаҳжаси» шаклланди (Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрёстке истории (Очерки древний и средневековой истории города). – Т.: Фан, 2001. стр 33). Бу хулоса Тошкент воҳасида таркиб топган Қовунчи маданияти мисолида, Чоч тангаларидаги унвонларда илмий исботини топган. Таркиб топган тил Зарафшон водийсининг суғд тилидан фарқ қилади. Бу ҳақда араб географи Муқаддасий шундай дейди: Чоч аҳолисининг тили бутун хайтал тиллари орасида энг чиройлиси бўлиб, Суғд (Самарқанд) ва Бухоро аҳолиси тилларидан алоҳидалиги билан фарқ қилади (al-Moqaddasi Abu ‘Abdallah Mohammad ibn Ahmad Shamsaddin. Descriptio Imperii moslemici... 1967. s 335).

## Х боб

**Архаика даври** – бу кишилик жамиятининг илк темир даври (мил. авв. VII–IV асрлар) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этномаданий ҳаётига нисбатан археологлар томонидан ишлагилган атама.

**Ахарун** – Чағониёндан шарқда, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида жойлашган тарихий вилоят. У Шуман билан қўшни бўлган (*Қаранг*: Камалиддинов Ш. С. Истори́ческая география Южного Согда и Тохаристана. – Т.: Узбекистан, 1996. 149 с.)

**Бадғис** – Бодғис, Бодхез, Бадхиз шаклларида ҳам қайд этилган Шимолий Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги Ҳиротга яқин, унинг шимолида жойлашган тарихий вилоят.

**Вахон** – Шугнондан жанубда, Панж дарёсининг юқори ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят.

**Вахш** – Хутталдан ғарбда, Вахш дарёси бўйида жойлашган тарихий вилоят.

**Вашғирд** – Шумандан шарқда жойлашган тарихий вилоят. Унинг ҳудуди Тожикистондаги ҳозирги Гарм вилоятининг бир қисмига тўғри келади (*Қаранг*: Камалиддинов, 1996, с. 156).

**Гузгон** – Гузганон, Жузжон шаклларида ҳам қайд этилган Балхдан ғарбда жойлашган тарихий вилоят. Ҳозирги кунда унинг ўрнида Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги Жузжон (Жаузжон) вилояти жойлашган.

**Гуфган** – Форс манбаларида илк ва ривожланган ўрта асрларда Шеробод воҳаси шундай деб тилга олинади.

**Каррон** – ғарбий Помир, Панж дарёси юқори ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят. Ҳозирги кунда ушбу вилоят ҳудуди Тожикистондаги Тоғли Бадахшон автоном вилоятининг бир қисмига тўғри келади.

**Кумед** – Вашғирд ва Рашт вилоятлари оралиғида жойлашган тарихий вилоят. Унинг ҳудуди такрибан Тожикистондаги Қоратегин вилоятига тўғри келади (*Қаранг*: Камалиддинов, 1996, с. 163, 165).

**Кўрагонлик тизими** – илк бор Ғарбий Турк ҳоконлигида вассал элтабарларнинг Ашина ва Ашида уруғлари билан қариндошлик даражасини билдирувчи унвон. Ҳоконликда баъзи бир вассал вилоятлар (Куча, Гаочан, Қошғар, Хўтан, Самарқанд, Марв) элтабар-

ларига киз бериб, «кўрагонлик тизими» жорий қилинган. Бу унвон мўғуллар даврида ҳам давом этиб, кўрагон, гургон (мўғулча – куёв) – Чингизхон хонадонига мансуб маликаларга уйланган шахсларга берилган. Тарихий манбаларга караганда, Чингизхоннинг отаси Ясугай баҳодир ўғлига совчи бўлиб Дайче-ченнинг ҳузурига борганда, у «Майли кизимни берай, сен эса ўғлингни «куёв» (gurgen-kurgen) қилиб ташлаб ўзинг кетабер», дейди. Ясугай баҳодир 9 ёшли ўғли Чингиз – Темучинни Дайче-чен хонадонига «куёв» қилиб қолдирган. Чингизхон ва унинг авлодлари кизларига уйланган қатор шахслар кўрагон унвонини олганлиги билан фахрланиб юрганлар. Амир Темур ва Темурийлар даврида бу унвон киши исмига қўшиб айтилган. Масалан, Амир Темур кўрагоний, Улуғбек кўрагон, Мироншоҳ кўрагон ва бошқалар. Шунингдек, темурийлар зарб этган тангаларда ҳам «кўрагон» унвони битилган. Кўрагон унвонига эга амирнинг бошқа амирларга караганда имтиёзлари катта бўлган.

**Кўшк** – илк ўрта асрларда бадавлат аслзодаларнинг томи куббали, мудофаа деворлари билан ўраб олинган, монументал асосда қурилган ҳукмдор қароргоҳи. Чорвадор аслзода қабилаларда жабғу, жабғу-хокон ва хоконнинг маҳобатли оқ ўтови. Кўшк ўрта асрлар Шарк меъморлигида кенг тарқалган. Келиб чиқиш жиҳатидан дастлаб кўчманчи чорвадорларнинг кўчиб юришига қулай уй сифатида пайдо бўлган. Кейинчалик кўшклар бадавлат кишилар, ҳукмдорлар учун безакдор қилиб боғлар ичида қурилди. X–XV асрларда кўшк меъморчилиги ривожланиб, уларнинг аксарияти боғлар ичида синчқори енгил қурилмалар бўлган. Улар квадрат шаклда, айвон ва болохонали, зебу зийнатли, ҳашаматли, кўркам иморатлар сифатида кўзга ташланади. Амир Темур бунёд этган боғлар ичидаги кўшклар шаклу шамоийли билан меъморий тараққиётда янги давр очди. Бу ҳақда тарихий манбалар аниқ маълумот беради.

**Рашт** – Вашгирд билан қўшни тарихий вилоят. Унинг ҳудуди Тожикистондаги ҳозирги Гарм вилоятининг бир қисмига тўғри келади (Қаранг: Камалиддинов, 1996 с. 160).

**Руб** – адабиётларда Роб, Руй шаклларида қайд этилган Шимолий Афғонистондаги Кундуздан жанубда жойлашган тарихий мавзе.

**Самингон** – тарихий адабиётларда Самангон шаклида тилга олинган Кундуз яқинида, унинг жанубида жойлашган тарихий мавзе.

**Тутуқ унвони** – хоконлик бошқарув тизимида асосан ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланилган. Бу Фарғона водийси ҳарбий амалдорларининг унвони.

**Хуттал** – адабиётларда Хутталон, Хатлон шаклларида ҳам учрайди. Чағониёндан шарқда жойлашган тарихий вилоят. Унинг ҳудуди Тожикистондаги ҳозирги Кўлоб вилоятига тўғри келади.

**Қубодиён** – адабиётларда Кободиён шаклида ҳам учрайди. Боботоғ ва Октоғ оралиғидаги тарихий вилоят. Ҳозирги кунда ушбу ҳудуд Тожикистондаги Қўрғонтепа вилоятининг Шааргуз туманига тўғри келади.

**Кўрғон** – Археология амалиётида кўрғонлар икки хил бўлади. Биринчиси мазор-кўрғонлар. Уларнинг катта-кичиклиги унинг остига қўмилган шахснинг ҳаётлик давридаги мавқеи, даражасига боғлиқ бўлган. Иккинчиси, илк ўрта асрлардан бошлаб катта мулк эгаларига тегишли бир дарвозали қалъа-кўрғон. Унинг агрофи қалин ва баланд мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, деворлар ости бўйлаб кўрғон катхудо-

тига қарам бўлган турли тоифа хизматчиларнинг уй-жойлари жойлашган. Кўрғон ўрта қисмини боғу роғлар, экин майдонлари эгаллаган. Ҳозиргача номлари сақланиб келган Тепакўрғон, Тўрақўрғон, Қумқўрғон, Чимқўрғон каби шаҳар ва қишлоқлар ана шу кўрғонларнинг кейинги даврлардаги ривожланиши асосида таркиб топган топонимлардир.

**Ғаз** – Қундуз агрофидадаги тарихий мавзе.

**Ғарчистон** – Балх вилоятидан ғарбда, Мурғоб дарёси ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят.

**Чағониён** – ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Бандихон, Бойсун, Қумқўрғон, Олтинсой, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Узун туманлари ва Тожикистон Республикасининг баъзи жануби-ғарбий туманлари ҳудудини ўз ичига олган тарихий вилоят (*Қаранг: Чағониён тарихи. Т., 2002. 3-бет*).

**Шад** – Ғарбий Турк хоқонлигида маҳаллий вассал ҳукмдорларни ағдариб, улар ўрнига хоқонлик ўз уруғларидан тайинлаган ҳарбий ҳукмдорлик унвон.

**Шубурғон** – *Шибирғон* шаклида ҳам тарихий адабиётларда ўрин олган Шимолий Афғонистоннинг Балх ва Гузгон (Жузжон) орасидаги вилоят.

**Шугнон** – Жанубий Тожикистондаги Панж дарёси бўйида жойлашган тарихий вилоят (*Қаранг: Камалиддинов, 1996, с. 215*).

**Шуман** – Чағониёндан шарқда, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида жойлашган тарихий вилоят. Унинг ҳудуди ҳозирги Тожикистоннинг Ҳисор ва Регар туманларига тўғри келади (*Камалиддинов, 1996 с. 149*).

**Эркин** – Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат бошқарув тизимида элтабар, тудун ва тархон каби унвонлар каторида «эркин» ҳарбий унвони ҳам жорий қилинган. Унинг зиммасига вассал кичик ҳокимликни бошқариш юклатилган.

**Эроний унвонлар** – Хоқонликнинг кичик вассал ҳокимликларини бошқарувида баъзи ҳолларда маҳаллий эроний унвонлардан фойдаланиш давом этади. Улар *худот, шоҳ, шер* каби маҳаллий эроний унвонлар бўлиб, улардан туман даражасидаги рустакларни бошқаришда фойдаланилган.

## XI боб

**Жанубий Суғд** – Қашқадарё ҳавзасида таркиб топган туманлар Жанубий Суғд ерларини ташкил этган. Жанубий Суғднинг юқори Қашқадарё ҳавзалари – Кеш вилояти, қуйи ҳавзалари – Нахшаб деб юритилган. Илк ўрта асрларда Кеш вилоятида 16 та рустак (Навкат-Курайш, Субах, Исфаги, Ғузур ва бошқалар), Нахшаб вилоятида эса 8 та (Базда, Касби ва Маймуғ ва бошқалар) рустак ташкил топган.

**Марказий Суғд** – Панжикентдан Карманагача бўлган ҳудудлар. Марказий шаҳри – Самарқанд. Илк ўрта асрларда вилоят ихшидлик (маҳаллий ҳокимлик) деб аталган рустаклар (Маймуғ, Панжикент, Варағсар, Дарғом, Обгар, Савдор, Яркет, Бурнамад, Бузмадгон, Кабуданжакет, Ведар, Марзбон)га бўлинган. Рустак туман миқёсидаги ҳудудий бирлик.

**Суғдиёна** – тарихий манбаларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари Суғдиёна деб тилга олинади. У табиий-географик чегараларига кўра Марказий Суғд, Ғарбий Суғд (Зараф-



шон водийси) ва Жанубий Суғдга (Қашқадарё водийси) бўлинган. Вилоят ҳокимликлари тепасида турган хукмдорлар Марказий Суғдда ихшидлар, Ғарбий Суғдда худотлар ва Жанубий Суғдда ихридлар деб аталган.

**Ғарбий Суғд** – Кармана ғарбидан, яъни Малик чўлидан ғарбда жойлашган рустаклар. Марказий шаҳри – Бухоро. Вилоят худотлик (махаллий ҳокимлик) деб аталган рустаклар (Тавовис, қуйи Харкана, Хитфар, Қоҳуштувон, Юқори Самжон ва Қуйи Самжон, Юқори Фаравиз ва Қуйи Фаравиз, Зар, Фаргидат, Пойкент, Фороб ва бошқалар)га бўлинган. Улар аста-секин йириклашиб, Бухорхудот, Варданхудотликларга айланган.

## ХII боб

**Андроново маданияти** – Евроосиё даштларининг шарқий қисмида бронза даврида чорвачилик ва тоғ саноати (металлургия) билан шуғулланиб келган қабилалар маданияти. Бу маданиятга дахлдор қабристон 1920 йил бошларида археолог Теплоухов томонидан Ачинск шаҳри яқинидаги Андроново қишлоғидан топиб ўрганилган. Кейинги йилларда олиб борилган кенг кўламли археологик изланишлар бу маданиятга алоқадор қабилалар нафақат Евроосиё шарқида, балки Ўрта Осиё худудларида кенг тарқалганлиги аниқланган. Уларнинг айрим гуруҳлари Месопотамия, ҳатто Африканинг Нубия худудларигача кириб борганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ориёлар айнан шу маданият соҳибларига алоқадор эканлиги масаласи ўртага ташланмоқда (А.Асқаров фарази).

**Буғут лавҳаси** –Турк хоқонлиги Марказий Осиёнинг катта бўлагида VI аср ўрталарида ташкил топган давлат. Дастлаб давлатнинг расмий ёзуви бўлмаган. Шу боис, мамлакатнинг дастлабки хоқонлари мазори устига ўрнатилган қабр тошлари ёзувини битишда ўша даврнинг халқаро савдо тили суғд хатидан фойдаланганлар. Тўғри, кейинги йилларда Қозоғистонда «Иссиқ ёзуви» (К.Ақишев,1978), Афғонистоннинг Дашти Новур қоялари ва Ўзбекистоннинг бир қатор ёдгорликларининг сопол парчаларида (Э.Ртвеладзе, В. Лившиц, 1985) қадимги туркий дунё ёзув тарихига оид ёзув намуналари топилиши муносабати билан мил. авв. IV–III–милодий II–III асрлар оралиғида «Иссиқ ёзуви» номли қадимги туркий алифбо Марказий Осиёнинг катта ҳудудий доирасида тарқалган, деган хулоса пайдо бўлди. Демак, милодий VI–VII асрларда юзага келган қадимги туркий (Ўрхун-Енисей) алифбосининг илк аждоди «Иссиқ ёзуви» бўлган дейишга етарли асос бор (Исҳоқов М, 1993). Лекин, таъкидлаш жоизки, «Иссиқ ёзуви» ва унга ўхшаш бўлган ёзув намуналари Ўзбекистоннинг жанубидан ва Афғонистоннинг Дашти Новур қояларидан топилган ёзувларнинг илмий талқини ҳали етарли даражада асослаб берилган эмас. Демак, Турк хоқонлигининг дастлабки даврига қадар, ҳақиқий маънода туркий ёзувли ёдгорлик маълум эмас. Шундай бир шароитда, 1956 йили мўғул археологи Дорж Сурен Мўғулистондаги Архангай аймағига қарашли Буғут қишлоғи яқинидан катта тош лавҳага битилган қабр битигини топади. Бу жаҳон олимлари орасида катта кизиқиш уйғотди. Таниқли суғдшунос олим В. А. Лившиц Буғут ёдномаси ёзувининг суғдча эканлигини асослаб берди. (С. Г. Кляшторный, В. А. Лившиц, 1971). Буғут битиги қабр қурилмаси устига ўрнатилган тош лавҳа бўлиб, у тошдан йўниб ясалган тошбақа ҳайкали устига тикка ҳолда ўрнатилган. Қабртош битиги бузилиб кетган тош устунли айвонча-шийпон тагида жойлашган. Битик тошнинг ён ва юз томонларида 30–

32 қаторли суғдча ёзув бўлган. Тош лавҳанинг яқунловчи тасвирий ўйма композицияси гўё тош тепасида турган бўри образини ифодалаган. Бўрининг қиёфаси оёқ қисмларида жуда ҳаётий, лекин елка, бўйин, бош тасвирлари эса шикастланиб, бўри тасвири аниқ кўзга ташланмайди. Лекин, лавҳада бўри гўё одам боласини эмизиб тургандек қиёфада тасвирланган. Буғут лавҳасини тошга ўйган уста жуда саводли, суғд ёзувининг китобий хусниҳат услубларидан яхши хабардор, тош йўниш ҳунарини пухта эгаллаган одам бўлганлигига шубҳа йўқ. Лавҳада уни «Чинистонлик турклар ўрнатдилар» деган сўзлар ёзилган. Тарихда Чин, Чинистон топонимлари «Хитой» деб қабул қилинган, лекин бу ном остида бутун Хитой тушунилмаган. Бу сўз тарихан қадимда туркий халқлар яшаган Шарқий Туркистонни кўзда тутади (А.Айтбоев, 2006). Буғут ёдномаси қадимги Чинда барпо этилган дейилса-да, аммо бу ўлканинг туб аҳолиси турклар бўлганлиги алоҳида қайд этилган. Буғут матнининг баёнига кўра, ушбу лавҳа Муган хоқоннинг укаси тахт вориси Махан текиннинг ўлими муносабати билан тикланган хотира битиги бўлса керак. Шундай қилиб, Буғут ёдномаси Турк хоқонлигининг илк босқичи учун улкан тарихий аҳамиятга эга манба эканлигига шубҳа йўқ.

**Ғарбий Қорахонийлар** – XI асрнинг 20-йилларида Ғазнавийлар Чағониён, Қубодиён, Хутталон ва бошқа жойларни ишғол қиладилар. Улар ҳатто Самарқандга кириб келадилар. XI асрнинг биринчи ярмида Қорахонийлар давлатида сиёсий вазият мураккаблашиб кетади. Бадавлат чорвадор-феодалларнинг ҳокимиятга нисбатан норозилиги кучайиб, улар орасида марказий ҳокимиятни эгаллаш йўлида ички қурашлар авж олиб кетади. Оқибат натижада 1041 йилга келиб, Қорахонийлар давлати иккига, яъни «Ғарбий Қорахонийлар давлати» ва «Шарқий Қорахонийлар давлати»га бўлиниб кетди. Ғарбий Қорахонийлар давлати Мовароуннаҳрдан то Фарғона водийсининг ғарбий районларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Аввал маркази Ўзган, кейин эса Самарқанд бўлган. Ғарбий Қорахонийлар давлатини собиқ хоқон Али ибн Мусо авлодлари бошқарган. Аммо XI аср охирларида улар аввал салжукийларга, 1141 йилдан эса қорахитойларга қарам давлат сифатида фаолият олиб боради.

**Қалтаминор маданияти** – Қадимги Хоразмнинг неолит (янги тош) даври археологик маданияти (мил. авв. VII–III мингйилликлар). Унга тегишли биринчи ёдгорлик С.П.Толстов томонидан Қалтаминор кўли ёнидан топишган. Қалтаминор маданияти Амударёнинг қадимги Оқчадарё ҳавзаси, Қизилкум, Юқори Ўзбой, Моҳондарё, Орол денгизининг шимоли-шарқий бўйларида, Қозоғистон ва шарқий Каспий, яъни Балхан ва Манғишлоқ ҳудудларигача тарқалган. Аҳолиси қўлларда балиқчилик ва тўқайларда овчилик билан шуғулланган. Қалтаминор маданиятини характерловчи таянч ёдгорликлар Жонбос–4, Толстов манзиллари бўлиб, у ерлардан она уруғи жамоасининг ярим ертўла типидagi қулба қолдиғи топиб ўрганилган. Бу маданиятга тегишли қадимги қабристон Қорақалпоғистоннинг Тумек-Кичиджик мавзеида топиб ўрганилиб, аҳолисининг қиёфаси Шарқий Ўрта Ер денгизи типини эслатади.

**Прототурк** – Қадимги туркларнинг аждоди. Кейинги йилларда қадимги Хитой ёзма манбаларининг таҳлили асосида Андроново маданияти прототурклар эди, деган хулосага келинган (А. Аскарлов ва унинг издошларининг қарашлари).

**Сувёрган маданияти** – Хоразм воҳасининг бронза даври чўл зонасига оид археологик маданияти (мил. авв. II мингйиллик). С.П.Толстов ва Я.Ғ.Ғуломовлар кузатувида кўра,

бу маданиятга тегишли ёдгорликлар гуруҳи асосан Амударёнинг ўнг қирғок дельтасида, чўл ичига ёриб қирган Сувёрган ўзани бўйлаб тарқалган ва унга эски ўзан изи бўйича қазилган Сувёрган канали номи берилган. 1945–1946 йилларда Сувёрган маданиятининг типик ёдгорлиги макон № 6 да Я.Ғ. Ғуломов кенг қўламли казишмалар олиб бориб, топилган материаллар таҳлили асосида сувёрганликларнинг этномаданий ривожланишида жанубнинг Анов маданияти таъсири бўлса-да, аммо унинг келиб чиқиш илдизлари сўнгги Калтаминор маданиятига бориб тақалади, деган хулосага келади. С.П. Толстов эса, Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий вилоятларидан Хоразмга янги этник гуруҳлар кириб келган, уларнинг моддий маданияти таъсири асосида Сувёрган маданияти шаклланган, деган ғояни ўртага ташлайди. Бу масала ҳали ўз ечимини топмаган.

**Шарқий Қорахонийлар** – Шарқий Қорахонийлар давлатини Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудлари ташкил этган бўлиб, уни Али ибн Мусонинг амакиваччаси Ҳасан Буғрохон авлодлари бошқарган. Аммо XII асрнинг 30-йиллар охирида Еттисув ва Шарқий Туркистонни қорахитойлар ишғол этиб, уни ўз давлати таркибига қўшиб олади.

### ХIII боб

**Жалойирлар давлати** – XIV асрнинг ўрталарида жалойир қабиласининг катта бир гуруҳи шимолий Эрон ҳудудларига келиб жойлашиб, у ерда Жалойирлар давлатини тузди. Бу давлат 1356–1411 йиллар ичида фаолият олиб боради.

**Кубровия** – Кубровия тасаввуф тариқати. XIII аср бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро асос солган. Унинг асарларида тариқатнинг моҳияти, ўзига хос талаб ва қоидалари баён қилиб берилган. Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий таълимотига кўра, инсон ўз моҳияти билан кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Инсон ватанга содиқ ва унинг озод ва ободлиги йўлида доимо қайғуриши керак, деган ғояга амал қилади ва мўғул босқинчиларига қарши курашда ибрат намунасини кўрсатиб ҳалок бўлади.

**Нақшбандия** – Нақшбандия тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган. Нақшбандия хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини омукта этди, уларга янги руҳ бериб ривожлантирди. XV–XVIII асрларда савдо ва хунармандчилик билан шугулланадиган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасига кенг ёйилган. Нақшбандия таълимотининг асосида «Кўнгил Оллоҳда, қўлинг ишда бўлсин» («Дил ба ёру даст ба кор») шиори ётади.

**Чигатой улуси** – Мовароуннаҳр, Хоразм, Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудлари Чигатой улусини ташкил этган. Унинг ғарбий ҳудудлари этномаданий жиҳатдан юксак даражада ривожланган ҳудудлар ҳисобланган. Шарқий ҳудудларида эса, тил жиҳатидан туркийлашган мўғул қабилалари, ҳатто аксарият кўпчиликни ташкил этган маҳаллий туркий қабила ва қавмлар ҳам қадимги мўғул аъёналарини унутмай, уларга амал қилиб келганлар. Шунинг учун бу ҳудудлар тарихий манбаларда Мўғулистон (Монголлар юрти) сифатида тилга олинган.

**Ишратхона** – аслида Амир Темур даврида қурилган (1397–1398) боғи Дилкушо кўшки. Мазкур бино ўз даврида Амир Темур номи билан боғлиқ шоҳона дам олиш оромгоҳи бўлган. Унинг асли ҳақида «Бобурнома»да ҳам ёзилган. Соҳибқироннинг айнан бола-чака ва набиралари, никоҳидаги маликалар ва бошқа энг яқин кишилари билан ҳордик чиқарадиган, энг гўзал боғларнинг бири – Дилкушо номи билан ардоқланган. Дилкушо кўшки харобаси ўз меъморий қиёфаси, нафис ҳашаматли безаклари ҳозиргача сақланиб келади. Баланд деворлар билан ўраб олинган боғ ўртасидаги кўркам бу иморат «ишратхона» эмас, ҳақиқатда Дилкушо кўшкидир. Дилкушо кўшкидаги ислимий ва гирих нақшлар, зарҳал кундал безаклар Туркистон ўлкаси меъморчилик хазинасида ноёб дурдона бўлиб, Ўзбекистон меъморчилигимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Замон ўтиши билан у ҳақдаги дастлабки тасаввурлар унутилиб, вайронага учраб борган бу мажмуа атрофида «Ишратхона» номи билан турли хил халқ афсоналари, ривоятлари тўкилиб борган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни босиб олиб, унинг меъморий обидалари атрофида тўкилган ўндан ортиқ афсоналарни ёзиб олган подшо Россияси зобитлари ва зиёлилари ана шу тўқима ривоятлар таъсирида Дилкушо меъморий мажмуасини ҳақиқатда Амир Темур «Ишратхона»си деб тушунишган. Дилкушо вайроналари XIX асрнинг иккинчи ярмида насронийлар қабристонига айланган. Дилкушо меъморий мажмуасини илк бор илмий ўрганишга қўл урган М.Е. Массон эса, ўликларнинг ётиши ва Бобур маълумотларини ҳисобга олмай, уни «Ишратхона макбараси», ўнг қанотидаги хонакоҳни эса масжид, деб нотўғри талқин қилади. Аслида эса у хона тўридаги тахмон-мехроб эмас, чунки, унинг йўналиши қиблага тамоман тесқаридир. М.Е. Массон изидан борган Г.А. Пугаченкова эса Дилкушо боғу бўстонини «мусулмон Шарқ меъморчилигидаги макбараларнинг дастлабки энг муҳташамлари» деб эълон қилади. Афсуски, бу тарихий ҳақиқатга зид хато фикрлар фанда ўрнашиб қолди (П. Зоҳидов. «Меъморлик». ЎЗМЭ, 12-жилд, 536-б). Бугунги кунда сайёҳларга Дилкушо меъморий мажмуасининг асли нотўғри талқин этилиб, «Ишратхона» сифатида гидлар томонидан тушунтиришда давом этмоқда.

**Нурота туркманлари** - Сирдарёнинг қуйи оқимида IX асрда Ўғузлар давлати ташкил топган бўлиб, уларнинг бир қисми Женд ҳукмдори Шох Малик билан келиша олмай, X аср охирида Сомонийларнинг руҳсати билан Зарафшон водийсининг Нурота чўлларига кўчиб ўтадилар. Улар дастлаб Сомонийлар билан яхши муносабатда бўладилар, ammo Қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, XI асрнинг бирипчи ярмида салжук туркманларининг Зарафшон водийсидаги аҳволи танглашади. Чунки, Қорахонийлар билан бу заминга кириб келган катта миқдордаги чигил турклар, қарлуқлар, яғмо ва бошқа турк қабилалар билан яйловлар таллашиб, Хуросоннинг ғазнавий подшоларидан ер сўрашга мажбур бўладилар ва уларнинг бир қисми Мовароуннаҳрнинг турли жойларида яшаб келаётган ўғуз салжуклари билан XI–XII асрларда Шимолий Хуросонга, яъни ҳозирги Туркменистон ҳудудларига келиб ўрнашадилар. Булар тарихда машҳур салжуқийлар номи остида юрган кўчманчи туркманлар эди. XIV–XV асрларда Сирдарёнинг қуйи хавзалари ва Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга яна бир қанча ўғуз, салжук туркман гуруҳлари кириб келадилар. Улар Мовароуннаҳрда қолиб кетган ўғуз туркманлари билан биргаликда, асрлар давомида ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб, ўз этник ном-

ларини унутмаган ҳолда ўтrockлашадилар. Уларнинг кейинги авлодлари ўзларини ўзбек туркманлари ёки «Нурота туркманлари» деб атаганлар.

**Эски ўзбек тили** – туркий тилларнинг қарлуқ-чигил, ўғуз ва қипчоқ лаҳжалари асосида таркиб топган тил. Бу тил ушбу туркий лаҳжалар негизида ўзидан олдинги даврлар (Қорахонийлар, Олтин Ўрда) адабий лисоний анъаналари таъсири остида шаклланган ва XIV аср иккинчи ярмидан то XIX аср охирларигача мавжуд бўлган ёзма китобий тил. Тилшунос олимлар орасида ўзбек тили тарихини даврлаштириш ва бунда «эски ўзбек тили»нинг ўрни ва қайси даврни қамраб олиши ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Ўзбек тили тарихини даврлаштириш бўйича С.Е.Малов, П.М. Мелиоранский, А.Н.Самойлович, А.К.Боровков, А.М.Шчербак, Я.Экман, О.Усмонов, Ғ.Абдурахмонов, У.Турсунов, Б.Ўринбоев, А.Мухторов, У. Санакулов ва бошқалар изланишлар олиб боришиб, бу атамани ўрнига «туркий тил», «чигатоӣ тили», «Ўрта Осиё туркий адабий тили» каби терминларни таклиф қилганлар. Аммо, қарлуқ, ўғуз, қипчоқ гуруҳларига мансуб туркий лаҳжалар ўртасидаги минтақавий ўзгаришлар ва самарали алоқа-муносабатлар туфайли келиб чиққан турли диалектик шаклларни ўз ичига олган эски ўзбек тили умумлаҳжавий хусусиятга эга. Бу хусусият кўплаб арабча, форсча ўзлашмалар, шунингдек, араб графикасининг қўлланиши оқибатида янада чуқурлашди ва мураккаблашди. Бунинг натижасида эски ўзбек тилидаги асарлар Босфордан Олтой ва Ҳиндистонгача чўзилган ҳудудда яшовчи туркийзабон халқлар томонидан кенг ўқиладиган тилга айланди. Шунингдек, арабча, форсча сўз ва ибораларнинг кўплаб қўлланиши ва услубий воситалар сабабли китобий тил жонли тилдан жиддий фарқ қилади. Эски ўзбек тили А.Навоий асарларида ўз ривожининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шоир ўзининг ўнлаб назмий ва насрий асарлари билан бу тилни камолотга етказди, уни давлат тили даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилди. Навоий ўзининг «Муҳокамаг ул-луғотайн» асарида эски ўзбек тилини (А.Навоийда туркий) форс тилига қиёслаш асосида унинг фонетик, лексик ва грамматик соҳаларда ривожланган тил эканлигини назарий жиҳатдан асослаб беради. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб насрий ва назмий асарлар ҳам жонли тилга яқинлашади. Айни шу давр, яъни XIX аср охири XX аср бошлари эски ўзбек адабий тилидан ҳозирги замон ўзбек адабий тилига ўтиш босқичи бўлди.

## XV боб

**Бек атамаси** – тарихий манбаларда Турк хоқонлиги давридан маълум. Айнан ўша кезларда Буюк Турк чўлининг аслзода чорвадор ҳарбийлари ўзларини «бек» деб юритганлар. Бу атамани Турк хоқонлари даври битиктошларида учрайди. Бу «бек» атамаси айниқса XIV–XV асрларда Дашти Қипчоқ ўзбеклари орасида бадавлат аслзода суворийларга нисбатан қўлланилган. Демак, Хоқонлик даврида, эҳтимол ундан ҳам олдинроқ, турк қавмлари аслзода беклардан ва оддий чорвадор халқдан иборат бўлиб, беклар кўчманчи чорвадорлар жамиятининг бадавлат, эркин, озод суворий ҳарбийларини ташкил этган.

**Манғитлар Ўрдаси** – манғитлар Дашти Қипчоқнинг кўчманчи чорвадор қабилаларидан бири бўлиб, этнографик манбаларда уларни мўғул қабиласи сифатида XIII аср бошларидан тилга олинади. Уларнинг катта қисми XIII–XIV асрларда Волга дарёси билан Ўрол дарёси оралиғида жойлашган эди. Шу давр ичида қипчоқларнинг

таъсирида ўз мўғул тилларини унутиб, турк-қипчоқ диалектида сўзлашар эдилар. XIV аср охирларида ўз мустақил давлатини, яъни Манғитлар Ўрдасини тузадилар. XV аср ўрталарида манғитлар нўғойлар аталиб, уларнинг давлати энди Нўғой Ўрда деб аталадиган бўлди.

**Нўғой Ўрда** – манбаларда қайд этилишича, Нўғой Ўрда Идикунинг ўғли Нуриддин замонида (1426–1440) анча кучайган. Аҳолиси, асосан манғит ва кўнғиротлардан ташкил топган. Пойтахти – Саройчик шаҳри. У Қора денгиз бўйларидан Ўрта Осиёга борадиган савдо йўлидаги йирик шаҳар бўлган. XVI асрда Нўғой Ўрда Москва ва Қозон бозорларини чорва маҳсулотлари билан таъминлаб турган. XVI аср иккинчи ярмида Катта Нўғой, Кичик Нўғой ва Олтиовул Ўрдalarига парчаланиб кетган. Нўғой Ўрдада «Идику» («Эдигей») достони яратилган.

**Оқ Ўрда (рус манбаларида Кўк Ўрда)** – Олтин Ўрданинг бир қисми. Жўжихоннинг ўғли Ботухон ва унинг авлодлари томонидан идора қилинган. Олтин Ўрда тушунчаси Ботухон давридан бошлаб бутун Жўжи улусига, XIV аср бошидан эса фақат Олтин Ўрдага нисбатан қўлланилган. Олтин Ўрда таркибига Сирдарё хавзасининг катта қисми ва Орол денгизининг шимоли-шарқидаги чўллар – Ишим ва Сарисув дарёларигача ёйилган ҳудудлар кирган. Пойтахти – Сигноқ шаҳри. XIV аср охирида Олтин Ўрда Амир Темур томонидан забт этилган. XV асрда Олтин Ўрда ҳудудида унинг давоми сифатида янги давлатлар (Катта Ўрда, Нўғай Ўрда, Қосимовлар подшолиги ҳамда Ўзбек, Қрим, Қозон, Сибир ва бошқа хонликлар) вужудга келган.

**Олтин Ўрда** – Жўжи улуси, XIII асрнинг 40-йиллари бошида Жўжихоннинг ўғли Ботухон (1238–1255) томонидан асос солинган давлат. 1236–1240 йилларда Ботухоннинг юришлари натижасида Волга Булғорлари, Дашти Қипчоқ, Қрим, Ғарбий Сибир Олтин Ўрдага қўшиб олинди. Рус князлари унга қарам бўлиб, хирож тўлаб турганлар. Бу мамлакат рус манбаларида Олтин Ўрда, Шарқ манбаларида Жўжихон улуси деб аталган. Маркази Ботухон даврида Сарой Боту эди. Беркахон (1255–1266) даврида Сарой Беркага кўчирилди. Олтин Ўрда аввал мўғул коонига қарам бўлиб, Ботунинг иниси Берка даврида мустақилликка эришди. Сарой Боту, Сарой Берка, Урганч, Судак, Қофа (Феодосия), Азоқ унинг савдо марказлари эди. Олтин Ўрдани хон бошқарган. Зарурат туғилганда курултой чақирилган. Давлат ишлари билан бекларбеги шуғулланган. Девон ишларини вазир бошқарган. Солик йиғиш доруға ихтиёрида бўлган. Мамлакат бошқарув аппаратида куйидаги мансаб ва амаллар бўлган: алпаут (аслзода), туман, туманбеги, элчи, босқоқ, девон битикчиси, тамғач (бож йиғувчи), тирнокчи (тарозибон), шусунчи (таъминотчи), юртчи (меъмор), йўл арачи (йўл нозири), тутковул (қоровул), кўпирчи, кемачи, ёмчи, овчи. Қўшинларга туманбеги, нўён (амир), юзбошилар қўмондонлик қилганлар. Олтин Ўрда туманларини Жўжининг ўғиллари бошқарганлар. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда кучли давлат бўлган. Лекин, кейинроқ ички зиддиятлар кучайиб, Ўзбекхондан то 1380 йилгача 25 марта хон алмашди. XIV асрнинг 60-йилларида Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди. Польша ва Литва давлати Днепр дарёси хавзасини босиб олди. Хожитархон (Астрахон) хонлиги ташкил топди. Фақат Тўхтамиш даври (1380–1395) га келиб исёнлар тўхтадилди. Бирок, Амир Темурнинг 1389, 1391, 1395–1396 йилларда Тўхтамишга қарши юришлари Олтин Ўрдани холдан тойдирди. Унинг ҳудудий доирасида XV асрнинг 20-йилларида Сибир хонлиги, 40-йилда Нўғай Ўрда, 1438 йилда Қозон

хонлиги, 1443 йилда Қрим хонлиги, 60-йилларида Қозоқ хонлиги ташкил топиб, XVI аср бошларида Олтин Ўрда кулади.

**Турк будуни** – илк ўрта асрларда Буюк Турк Хоқонлиги давридан бошлаб хоқонлар ўз халқига мафкуравий битиктошларга битилган мурожаатларида «турк будуни (халқи)», «турк беклари ва будуни», «турк, ўғуз беклари, будуни» каби сўзларни ишлатганлар. Демак, будун халқ, халқ оммаси, қора халқ маъносини англатган.

**Ўзбек атамаси** – тарихий манбаларда ўзбек атамаси эл номи сифатида XIV–XV асрларда Дашти Қипчоқ чорвадор қабилалари уюшмасига нисбатан қўлланилган. Унга қадар ҳам «Ўзбек» деган атамаси айрим киши номлари сифатида учраб турган. Масалан, Озарбайжон атабекларидан бирининг номи ҳамда Муҳаммад Хоразмшоҳнинг амирларидан бирининг номи Ўзбек эди (Рашидиддин. Джами ат-таварих. Москва-К, 1952, Т.I, кн. 2, с. 159, 133, 194, 227, 242, 245). XVI–XVIII асрлар давомида тузилган 200 га яқин тарихий-сиёсий ва этник карталар ҳамда глобусларда «Ўзбек», «Ўзбекия», «Ўзбекистон» деган топонимик номлар учрайди. Ўрта Осиё худудлари «Ўзбеклар мамлақати», «Ўзбек», «Ўзбекия», «Ўзбекистон» номлари остида тасвирланган (Камалиддин Ш. Две карты Средней Азии первой половины XVIII века. Сборник. Новые источники по исторической этногеографии Средней Азии. Берлин, 2012). Бу хариталарда Ўрта Осиё сарҳадларининг айрим қисмлари Usbek Bucharia, Usbek Bochara, Usbek Chowaresmia, Usbek Mawaralnahra, Usbek Turkistan, Usbek Turan, Usbek Tartaria, Usbek Zagatay каби номлар остида қайд қилинган. Аслида, бу сўз икки бўғиндан, яъни «ўз» ва «бек»дан иборат бўлиб, бу сўзнинг «ўз» ўзаги ўзликни англатиб, унга туркча «бек» суффикси қўшилиб, «ўзбек» атамаси пайдо бўлган. «Ўзбек» атамаси дастлаб аниқ бир этник бирлик маъносини англатмаган, аксинча, Оқ Ўрда даштларида ҳарбий ўйинлар ва турфа хил босқинчиликлар билан шуғулланиб юрган сон-саноксиз беклар тўдасининг сиёсий-ҳарбий уюшмаси бўлган. Чунки, XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрдада Жўжихон авлодлари ўртасида бошланган ўзаро феодал урушлар шунчалар кучайиб кетдики, натижада кучли ва ягона Олтин Ўрда майда ҳокимликларга бўлиниб кетди. Улар орасида энг катта ва кучлиси Волга дарёси билан Ўрол дарёлари ораллигига жойлашган Оқ Ўрда эди. Мана шу замин беклари ўзларини ўзбек деб атаганлар. Ўзбек атамасини келиб чиқиши ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Масалан, бадийий ижод аҳли ўзбек сўзидаги «ўз» ўзаги ўғуздан келиб чиққан, яъни қадимги ўғуз+берк, ўғуз+бўка, бек сўзларидан «ўзбек» атамаси таркиб топган, аслида ўзбек сўзи Ўғузбек сўзининг қисқартирилган кўриниши деган фаразни ўртага ташлайдилар. Фанда ўзбек сўзини туркий халқларнинг «уз», «ўз» уруги билан боғлашга интилиш ҳам йўқ эмас. Аммо, ўзбек атамасининг эл номи сифатида пайдо бўлиши ҳақидаги академик Б.Аҳмедовнинг қарашлари тарихий ҳақиқатга яқиндир.

## XVI 606

**1886 йил «Низоми»** – 1886 йил 12 июлда император Александр III томонидан «Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги Низом» қабул қилинган. Мазкур Низомнинг асосий мақсади ўлкада маъмурий бошқарувни мустаҳкамлаш ва ердан фойдаланиш тартибларини ўзгартиришдан иборат бўлган. Бунга кўра, пахтадан юқори ҳосил олиш мақсадида Америка пахта навини олиб келиш ва ўлка шароитига мослаштириш, янги

ерларни ўзлаштириш, суғориш каналлари куриш, ўлкага темир йўл олиб келиш, Россия губерналаридан рус деҳқонларини кўчириб келтириш ва уларга 10 десятинадан кам бўлмаган ер билан таъминлаб жойлаштириш қонунлаштирилди. Ўлкадаги барча ерлар давлат хазинасига тегишли деб эълон қилинди. Ўтроқ маҳаллий аҳолига тегишли ерлар қозилар томонидан берилган васикага қараб эмас, балки уни амалда ким фойдаланаётганлигига қараб, ер меросий якка хўжалик эгалиги бўлади, деб кўргазма берилди. Туркистон Россия томонидан босиб олинганга қадар катта ер эгалари томонидан деҳқонларга ижарага берилган ерлар эндиликда ижарачиларга меросий тарзда фойдаланишга топширилди. Имтиёзли шахсий мулк ерларига бошқалар қатори солиқ солинадиган бўлди, энди улар хусусий мулк эмас, балки давлат ерлари деб эълон қилинди.

**1896 йил «Низом»** – Чор Россияси томонидан Туркистон ўлкасидан келадиган соф фойдани кўпайтириш мақсадида 1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини идора қилиш тўғрисидаги Низом»га ўзгартиришлар киритилиб, 1896 йилда янги «Низом» қабул қилинди. Бунга кўра, рус буржуазиясининг Туркистонда мустамлака сиёсатини олиб боришда янги усулларни, яъни Ўрта Осиё иқтисодиётига капитал киритиш, деҳқонларга қарз бериш, концессиялар очиш, хомашё манбаларини қўлга киритиш каби усуллар амалга оширилди. 1896 йилги «Низом» Туркистонда пахта яккахокимлигига йўл очди. Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бож олинмайдиган бўлди. Солиқ олишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Бундай сиёсат Туркистонга Россиядан кўчиб келадиган рус деҳқонларини сонини кўпайишига туртки бўлди.

**Ёш бухороликлар** – Бухоро амирлигидаги жадидлар партияси (фирқаси). Дастлаб «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамияти шаклида тузилган. 1910–1920 йилларда «Ёш бухороликлар» партияси деб аталган. Унга тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакиллари кирган. Улар бошида мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдорлари бўлишган.

**Ёш хиваликлар** – Хива хонлигида жадидлар ташкил қилган партия (фирқа). Ўз сафида миллий зиёлилар, хунарманд, деҳқон, савдогарлар, ислом уламолари ва айрим давлат амалдорларини бирлаштирган. 1914 йил августда «Ёш хиваликлар» партиясига Полвонийёз хожи Юсупов асос солган. Партиянинг эълон қилинган дастурида, хон ҳокимиятини чеклайдиган ислохотлар ўтказиш, мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, халқни маърифатли қилиш мўлжалланган.

**Жамоавий жавобгарлик** – подшо ҳукумати сенатор К.К. Пален тақдимномасига кўра, Туркистон ўлкаси деҳқонларидан олиннадиган солиқларни тўлашда қишлоқларга «жамоавий жавобгарлик»ни жорий этди (Пален К.К. Всеподданнейшая записка, содержащая главнейшие выводы отчета о произведенной в 1908–1909 г.г. по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом ревизии Туркестанского края. СПб, 1910, стр. 47). Бунда рус амалдорлари Туркистонда қадимдан давом этиб келадиган жамоачилик анъаналарига кўра, қишлоқ камбағаллари учун уларнинг бой қишлоқдош қариндошлари ёки ҳамқишлоқлари, унинг тўлай олмаган солигини тўлаб юборишини билиб, шу усулни қонунлаштирганлар.

**Жадидчилик** (жадид арабчада – янги) – XIX аср охири XX аср бошида Туркистон, Кавказ, Крим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маъри-



фий ҳаракат. Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. Жадидчилик ҳаракати намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушуниб етадилар.

**Янги усул мактаблари** – мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, болаларга она тилида хат-савод ўргатган ва янгилик ғояларини илгари сурган ўқув юртлири. Дастлаб Қримнинг Бокчасарой шаҳрида 1884 йил маърифатпарвар Исмоилбек Гаспринский томонидан ташкил этилган ва у «Усули савтия тадрижия» («Ривожланувчи товуш усули») мактаби деб аталган. 1893 йилда Бухоро амири Абдулахадхон руҳсати билан Мўминхўжа Вобкендий ва Фозил домла Ғиждувоний томонидан, 1898 йил Қўқонда Салоҳиддин домла ва Самарқанддаги пахта заводи ҳузурида татар муаллимлари томонидан, 1900 йилдан бошлаб Тошкентда жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари Мунавварқори Абдурашидхонов, Самарқандда Абдуқодир Шуқурий ташкил қилган Янги усул мактаби иш бошлаган. Янги усул мактабларида мактабхонадаги яқка ўқитиш усулидан синфда дарс бериш усулига ўтилди, синфларда география хариталари, глобус ва бошқа кўргазмалар қўлланмалар пайдо бўлди. Янги усул мактабида хат-савод болаларнинг она тилида товуш усулида ўргатилган.

**Рус-тузем мактаблари** – Туркистонда октябрь тўнғаришига қадар маҳаллий аҳоли болалари учун очилган бошланғич рус мактаблари. Уни очишдан асосий мақсад ўлкада маҳаллий болаларни руслаштириш эди. Туркистон генерал-губернатори Кауфман «мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши»ни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблади. Бу ғояни Кауфманнинг издоши генерал-лейтенант Н.О. Розенбах давом эттириб, ибтидоий турдаги янги мактаблар, Рус-тузем мактаблари тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Биринчи рус-тузем мактаби 1884 йилда Тошкентда очилди. 1891 йилда Хивада, 1894 йилда Бухорода очилди. Уларнинг сони XIX асрнинг охирида 100 дан ошиб кетди.

**«Имомат» ғояси** (имомат арабчада – бошқармоқ) – мусулмон теократик давлатининг умумий номи. Ислоҳ эволюцияси жараёнида Имомлик ҳақидаги тасаввур ҳам ўзгариб борган. Илк исломда Муҳаммад (с.а.в) ва халифалар мусулмонлар жамоасида маъмурий ҳокимият ва диний раҳнамо (имом)ликни бирга қўшиб олиб борган. Кейинчалик халифалар ҳокимиятида маъмурий раҳбарлик асосий ўрин эгаллаган. Диний ҳокимият – Имомлик эса иккинчи ўринга тушиб қолган. Шиъа мазҳабида Имомлик фақат Муҳаммад (с.а.в) авлодидан бўлган (Али ва Фотима авлодлари) шахснинг диний ва маъмурий ҳокимияти ҳисобланган.

## XVII боб

**«Босмачилик ҳаракати»** – Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган қуролли ҳаракатга шўро ҳукумати даврида берилган расмий ном. «Босмачи» сўзи аслида туркий «босмоқ» (хужум қилмоқ) феълидан ясалган. Халқ ўртасида «босмачи» деб ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, ўғри ва безорилар тушунилган.

Бу иборалар миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини сохталаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши олиб борган қуролли курашларини никоблаш учун буюк давлат шовинистлари томонидан ўйлаб топилган ҳамда «бандитлик», «қарокчилик» деган сўзлар билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилган.

**Дашти Қипчоқ ўзбеклари** – тарихий манбаларда XIII аср охири ва XIV–XVI асрларда Дашти Қипчоқнинг кўчманчи чорвадор аҳолиси ўзбеклар деб аталган. Масалан, Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281–1350) «Тарихи гузида» («Танланган тарих») асарида Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга тобе ерлар ва у ерлар аҳолиси ҳақида гапириб, бу жойларнинг аҳолиси «ўзбекиён» («ўзбеклар»), ватани эса «мамлақати ўзбек» («ўзбек мамлақати») деб кўрсатади. Мирзо Улуғбек ўзининг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номи тарихий асарида, Ўзбекхоннинг ҳокимият тепасига келиши зикрида, «ўзбек улуси унга берилди», деб ёзади. Рўзбехон «Меҳмонномаи Бухоро» китобида Дашти Қипчоқ ўзбекларини 3 тоифага ажратади, яъни шайбоний ўзбеклари; улардан ажраб, Шарқий Дашти Қипчоқда қолиб кетган ўзбек-қозоқлар; Эмба ва Ёйик дарёлари оралиғидаги ерларга жойлашган манғит ўзбекларидир, дейди. Дашти Қипчоқ ҳудудларини XIII аср бошларида Чингизхон қўшинлари босиб олгач, у жойлар Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжига улус сифатида берилди. Жўжихон улуси доирасида (унга Шимолий Хоразм воҳаси ҳам кирган эди) «Олтин Ўрда» давлати барпо этилади. Бироқ, XIV аср бошларида Жўжи улуси билан Чингизхон авлодлари ўртасидаги ўзаро тахт учун курашлар туфайли мамлакат иккита мустақил давлатларга (Кўк Ўрда ва Оқ Ўрдага) бўлиниб кетади (Греков Б.Д. и Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. Москва-Ленинград. 1950, с. 261; Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. Москва. 1965, с. 32). Тарихий манбаларда ёзилишича, Волгадан Днепргача чўзилган даштлар, Қрим, Шимолий Кавказ, Булғор ва Шимолий Хоразм Кўк Ўрдага қарашли ҳудудлар бўлиб, бу жойлар аввалгидек Олтин Ўрда давлати деб номланишда давом этади. Ундан Шарққа томон чўзилган бепоён Дашти Қипчоқ чўллари, яъни Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари, Орол денгизининг шимол ва шимолий шарқидаги кенг даштлар Оқ Ўрда давлати ҳудудларини ташкил этиб, улар расман Кўк Ўрдага тобе ҳисобланса-да, амалда Жўжихон авлодларидан Ўрда-Ичан ва Шайбонийлар томонидан бошқарилар эди. Амир Темур ёрдамида ҳокимиятни қўлга киритган Тўхтамишхон даврида (1380–1395 йй.) Оқ Ўрда кучайиб, ҳатто, у Олтин Ўрдани ҳам ўзига қўшиб олади. Бироқ, 1395 йилги Терек дарёси бўйидаги жангда Тўхтамиш қўшинлари Амир Темур томонидан тор-мор этилгач, Оқ Ўрдада феодал низолари яна авж олади. Оқ Ўрда даштларида бадавлат аслзода бекларнинг ўзларини эркин, озод ва мустақил тутиш кайфияти кучаяди. XIII асрнинг 60-йилларига қадар ҳам «Ўзбек» деган атама айрим киши номлари сифатида учраб турган. Масалан, Озарбайжон атабекларидан бирининг номи (Илтегинлар сулоласидан (1210–1225 йй.) ҳамда Муҳаммад Хоразмшоҳнинг (1200–1220 йй.) амирларидан бирини номи Ўзбек эди. Рашидиддин Жўжихон ўғилларининг еттинчи фарзанди Минкударанинг ўғли Ўзбек номи билан аталганини кайд қилади. Араб тарихчиси Калқашанди ўз асарида Тўхтамишхонни «малик билад ўзбек» яъни ўзбеклар мамлақатининг ҳукмдори деб атайди. Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдурахмон Самарқандий ва Хондамир асарларида ўзбеклар ҳақида айрим лавҳалар келтирилади. Хуллас, XIV аср бошларидан Дашти Қипчоқ

аҳолиси, аниқроғи аввал Оқ Ўрда халқи «ўзбеклар» номи билан юритилган. Ўзбекхон (1312–1342) икки Ўрда ерларини бирлаштиргач, Олтин Ўрда ҳудудлари ҳам ўзбеклар элига айланди. Тўхтамиш (1376–1395) даврида бутун Дашти Қипчоқ аҳолиси ўзбеклар элининг фуқаролари деб аталадиган бўлди.

**Муқим турклар** – Европа ва собик совет даври тарихшунослигида турк қабилалар ҳақида гап кетганда, уларни фақат кўчманчи чорвадор сифатида талқин этиш анъанага айланган. Бу тушунча Дашти Қипчоқ чўлларида яшаган прототурк ва турк қабилаларига нисбатан тўғри бўлиши мумкин. Аммо, прототурк ва турк аجدодларимиз бронза давридан бошлаб Ўрта Осиё, жумладан Мовароуннаҳр ҳудудлари билан узоқ асрлар давомида ўзаро иқтисодий ва этномаданий боғлиқликда яшаб келганлар. Бу бой археологик материалларда ўз аксини топган. Ўрта Осиёда макон топиб, қолиб кетган туркий қабилаларни маҳаллий ўтроқ аҳоли иқтисодий-хўжалик таъсирида аста-секин ўтроқлашиб кетганлиги айни ҳақиқатдир. Айниқса бу жараён антик ва илк ўрта асрлар давомида жадал кечди. Натижада Мовароуннаҳрда деҳқончилик ва хунармандчиликнинг турфа хил йўналишлари бўйича профессионал ўтроқ туркий қатлам пайдо бўлдики, улар ўзбек халқи этногенезида муқим турклар номини олган.

**Сарт, сартак, сартактой, сартаул** – кўчманчи турк-мўғул аҳолисининг тасаввурига кўра, этник келиб чиқишидан қатъи назар, эътиқоди мусулмон бўлган Ўрта Осиё аҳолисининг ўтроқ қатлами (савдогарлар, шаҳар хунармандлари ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи кишлққ аҳолиси) тоифаси.

**Тазик** – Ўрта Осиё халқлари тарихида, илк ўрта асрларда дастлаб тазик атамаси остида арабларнинг тай қабиласи тушуниланган (В.В.Бартольд). Чунки Қутайба бинни Муслим Мовароуннаҳрга кўшин тортиб келган кезларда (VIII аср бошлари) у билан уч тоифа араблар кириб келган эди. Улар: Қутайба бошлиқ араб фатҳчилари; Халифаликнинг диний тарғиботчи саййидлари; Бедуинлар тай қабиласининг тужжорларидан иборат бўлган. Уларнинг ҳар бири олдида аниқ режали мақсадлар бўлиб, улар зиммасига оташпараст зардуштийларни мусулмон қилиш вазифаси юклатилган. Арабларнинг тай қабиласи ҳудудий жиҳатдан Персия давлатига чегарадош бўлган, улар билан форслар авваллари ҳам (милодий III асрдан бошлаб) савдо алоқада бўлиб келишган. Турклар тазик сўзини арабларнинг тай қабиласидан фарқ қилиб, умуман мусулмон маъносида тушунган. Арман манбаларида араб савдогарларини «тачик» деб аталган. Тачик сўзи Ўрта Осиёда мусулмончилик ўрнатилгач (Сомонийлар даврида), туркчада «тожик» деб талаффуз этилди (Маҳмуд Кошғарий). Суғдлар учун араблар тазик, яъни тожикдир. Тазик сўзи қадимги хитойчада даши. Ҳозирги вақтда тожик шарқий эроний этник гуруҳларга нисбатан ишлатилади.

## XVIII боб

**Бадий ижодда сиёсий мотивлар** – совет даври ўзбек адабиётида ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийни «Ўткан кунлар» романи нафақат бадий баркамолликда тенги йўқ асар, балки у ўзбек атамасини этник маъно ва мазмун қасб этишида улкан сиёсий аҳамият қасб этди, асардаги воқеалар баёнига сиёсий мотивларни сингдирди, яъни ўзбек халқининг «сарт» деб аталмиш ўтроқ қатлами турмуш тарзи, урф-одатлари,

уларнинг суягига сингиб кетган ибраторна фазилатларни тошкентлик Юсуф хожи ва марғилонлик Кутидор оилалари ўртасидаги қудачилик муносабатларида ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги чин муҳаббат тимсолида ёритиб, бу ўзбек оиласи, бугунги куннинг ўзбеги эканлигини жуда чиройли бадий ибораларда ифодалаган. Асарни ўқиган ҳар бир китобхон қалбига ўзбеклар ким эканлигини сингдирди, ўзбек атамасига нисбатан ҳурмат ва муҳаббат уйғотди. Мана шунинг ўзи ушбу асарни ўзбек атамасини этник маъно ва мазмун касб этишида сиёсий мотив ролини ўйнаганлигини намоян қилади.

**Пахта яккахокимлиги** – совет ҳокимиятининг пахта хомашёсини етиштириш масаласида Ўзбекистонга нисбатан олиб борган сиёсати «Пахта яккахокимлиги»ни келтириб чиқарди. Суғорма ер миқдори ва сув ресурслари ҳисобга олинмай, собиқ Марказ ўзбек халқидан имкониятдан ортиқ даражада пахта етиштиришни талаб этди. Оқибатда пахта етиштириш билан бевосита банд аҳоли орасида камқонлик, ғўзага сепилган захарли моддалар билан касалланиш кучайди. Имкониятдан ортиқ даражада пахта етиштиришга қаратилган Марказ сиёсати деҳқончилик маданиятини издан чиқишига олиб келди. Кишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш усулини йўққа чиқарди. Бу ўзбек халқининг фожиаси эди. Пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида Мирзачўл, Шеробод чўли, Қарши чўли ва Марказий Фарғона ўзлаштирилиб, Ўзбекистоннинг тоғолди ҳудудларида этнографик гуруҳлар сифатида истикомат қилиб келаётган ярим кўчманчи, ярим ўтрок туркийгўй чорвадорларни чўл ҳудудларига кўчириб келтирилди. Бу сиёсат бир томондан, тоғлик этнографик гуруҳларни ўтроклашиш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, Ўзбекистонда «пахта яккахокимлиги»ни жадал ривож топишига олиб келди.

**Ўзбек иши, пахта иши** – «Пахта яккахокимлиги» сиёсати туфайли эгаллаб турган ўз лавозимларидан ажраб қолишдан чўчиган маҳаллий раҳбарлар сонда пахтадан «юкори ҳосил олинаётганлигини» кўрсатиш мақсадида нопокликларга қўл урдилар. Бундан хабар топган Марказ Ўзбекистонга нисбатан ва бугун мамлакат бўйлаб олиб борган хато сиёсатини хаспўшлаш мақсадида ўзбек пахтакорларини қораловчи «пахта иши», «ўзбек иши»ни ўйлаб чиқарди. Марказ Гдлян ва Ивановлардан иборат қонунбузарлар десантини Ўзбекистонга ташлаб, қўллаб бегуноҳ оддий меҳнатқашлар ҳаётини захарлади. Буларнинг барчаси Марказ уйдирмаси, унинг кўп миқдотли мамлакатни бошқаришда бошиқети берк кўчага кириб қолганлигидан далолат эди. «Пахта иши», «Ўзбек иши» муаммоларини чуқур таҳлил қилиш асосида Республика Президенти И.А.Каримов шундай объектив хулосага келган.

## XIX боб

**Маҳр** – никоҳ вақтида қуёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. Бу никоҳ шартномаси тузилаётган вақтда қуёвнинг келинга маҳр тўлаш мажбуриятидир. Маҳр миқдори қуёвнинг ижтимоий аҳволи ва унинг оиласи розилигига боғлиқ бўлган ва никоҳ шартномаси тузилаётган вақтда икки томон розилиги билан белгиланган. Одатда, келиннинг маҳри икки қисмга бўлинган: 1) эри вафот этган ҳолатда меросдан келинга ажратилган кўчмас мулк; 2) боқира аёл қизлик пайтида никоҳ вақтида қуёв томонидан берилган мулк. Маҳр ёлғиз аёлга тегишли мулк бўлиб, уни оила аъзолари

ўртасида бўлиш шариатда ман этилган. Махр имом хузурида икки эркак гувоҳлигида эълон қилинган, никоҳ ўқилган.

**Менталитет** (лотинча *mentalis* – ақлий) – ҳар бир халқнинг ўзига хос, узоқ давом этадиган ижтимоий-психологик жараён бўлиб, у жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида олинган шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, инсоний кадр-қиммати, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, рухий қиёфаси ва қувватидир. Менталитет халқнинг миллат даражасига кўтарилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий ҳаёти давомида, унинг ижобий ва салбий сифатларини мужассамлаштирган ижтимоий-психологик ҳолати ва характер йиғиндиси сифатида, ўзига хос тарихий, этномаданий ва табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланади. Миллий ўзига хослик узоқ тарихий жараёнларга муносабатда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида таркиб топади. Масалан, ўзбек миллати менталитетининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим мингйиллик тарихга эга. Ўзбек халқи инсоният моддий ва маънавий маданиятини бебаҳо дурдоналар билан бойитган. Аммо XVI–XX асрлар оралиғида турли истибдод ва мустамлакачилик зулмини бошидан кечирганлиги туфайли миллий менталитетга жиддий путур етди. Мустақиллик мафқураси олдида ўзбек халқининг ҳақиқий менталитетини тиклаш вазифаси турибди.

**Меҳржон** – кузги тенгкунликда, кузги экин-тикинларни йиғиштириб олиш олдидан ўтказиладиган «хирмонга барака» байрами сифатида ўтказилади. Қадимда бундай кузги байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда – меҳржон, кўхна Хоразмда – чирируж, Суғдда эса нимсарда номи билан машҳур бўлган. Меҳржон байрами қадимги деҳқончилик маданияти билан боғлиқ байрамдир. Мусулмон уламолари бу байрамни зардуштийликка дахлдор удумлар деб, ўтказилишига қаршилик кўрсатишган. Шу боисдан бўлса керак, Меҳржон байрамини нишонлаш аста-секин тўхтаган. XX асрнинг 90-йилларидан Меҳржон дастлаб Тожикистонда, сўнг Ўзбекистонда қайта нишонлана бошланди.

**Наврўз** (форс. – янги кун) – Куёш йил ҳисобида йилнинг биринчи кун. Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий анъанавий байрами. Баҳорги тенгкунликка (21 ёки 22 март), яъни Куёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Бу байрамда оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб, Наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам байрамига айланган. Асрлар ўтиши билан турли халқларда Наврўз байрамини ўтказиш уларнинг турмуш тарзига, мафқурасига мослашган. Тарихий манбаларга кўра, Наврўзни байрам қилиш Ахоманийлар давридан бошланган, археологик материалларнинг ишора қилишича, Наврўз байрами бронза давридан бошланган. Ўлкамизга ислом дини киритилганидан кейин Наврўзни байрам қилиш ман этилган, аммо аждодларимиз ўз севган байрамини нишонлашда давом этган. Ўрта Осиё ва Эрон халқлари Сомонийлар давридан бошлаб Наврўз байрамини ўтказиш яна расмий тус олган. Фирдавсий ўзининг «Шохнома» асарида Наврўз байрамининг пайдо бўлишини афсонавий шох Жамшид номи билан боғлайди. Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райҳон Бериунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома»

асарида учрайди. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Наврўзга бағишланган халқ кўшиқлари келтирилган. Тарихчи олим Абу Бакр Наршахий (899–959) ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Наврўз куни Сиёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйишларини ва бунга уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтганини ёзган («Бухоро тарихи», Т., 1966). Лекин, собиқ совет даврида Наврўзни диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар мустақилликка эришгач, Наврўз байрами яна тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда Наврўз умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади, 21 март дам олиш куни деб эълон қилинган.

## XX боб

**Ўзбек модели** – Президент И.А.Каримов 1993 йилда ўзининг «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг бешта тамойилга асосланган «Ўзбек модели»ни ишлаб чиққан. Бунга кўра, мамлакатда: 1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан ҳоли бўлиши; 2. Давлат бош ислохотчи бўлиши; 3. Жамиятда конун устуворлиги; 4. Мамлакатда кучли ижтимоий сиёсат юргизиш; 5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, яъни ривожланишнинг тадрижий (эволюцион) йўли белгилаб чиқилган. Бу тамойиллар ҳозирги кунда жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилган.

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| Муқаддима.....   | 3   |
| Кириш.....   | 6   |
| I БОБ. Этноснинг шаклланиш жараёнлари ҳақида фандаги мавжуд қарашлар .....   | 11  |
| I. 1. Миллий автохтонизм концепциясининг назарий ва методологик асослари .....                                       | 11  |
| I. 2. Миллий автохтонизм концепциясига зид муаммоларнинг туғилиши ва уларнинг илмий таҳлили.....                     | 27  |
| I. 3. Замонавий этнология фанида этнос назариясига муносабатлар.....   | 32  |
| II БОБ. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи акс этган илмий адабиётлар таҳлили ...                                    | 39  |
| III БОБ. Ўрта Осиё халқлари тарихининг янгича даврлаштириш масаласи.....   | 69  |
| IV БОБ. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ёзма манбаларда.....   | 91  |
| IV. 1. Авесто ва Ахоманийлар даври қоятош битикларида Ўрта Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар .....                   | 91  |
| IV. 2. Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ҳақида юнон муаллифлари .....   | 101 |
| IV. 3. Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи ҳақида Хитой манбалари .....   | 116 |
| IV. 4. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маҳаллий ёзма манбалар .....  | 126 |
| V БОБ. Ўзбек халқи этник асосининг бронза даври қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари .....                     | 135 |
| а) Саразм ёдгорлиги.....   | 136 |
| б) Сополлитепа ёдгорлиги.....  | 142 |
| в) Жарқўтон ёдгорлиги .....  | 148 |
| VI БОБ. Ўзбек халқи этник асосининг сўнгги бронза ва илк темир даври қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари..... | 175 |
| VI. 1. Қадимги Фарғона.....  | 175 |
| VI. 2. Шимолий Бактрия.....  | 181 |
| VI. 3. Сугдиёна .....  | 193 |
| VI. 4. Қадимги Хоразм .....  | 205 |
| VI. 5. Тошкент воҳасида қадимги деҳқончилик маданияти .....  | 211 |
| Яқуний хулоса .....  | 216 |
| VII БОБ. Ўзбек халқи этник асосининг чорвадор қабилалари маданияти ёдгорликлари .....                                | 218 |
| VII. 1. Қадимги Хоразм.....  | 219 |
| VII. 2. Зарафшон водийси.....  | 224 |
| VII. 3. Тошкент воҳаси.....  | 233 |

|  |     |
|--|-----|
| VII. 4. Қадимги Фарғона.....   | 237 |
| VII. 5. Шимолий Бактрия.....   | 246 |
| VIII БОБ. Туркий қабилаларнинг илк ватани ва орийлар муаммоси.....   | 254 |
| IX БОБ. Антик даврида Ўрта Осиёда этногенетик жараёнлар.....   | 269 |
| IX. 1. Ўрта Осиё антик давр этномаданий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар.....  | 269 |
| IX. 2. Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари қадимги ёзма манбаларда ва уларнинг қисқача талқини.....   | 277 |
| IX. 3. Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари археологик манбаларда ва Қовунчи маданияти.....  | 284 |
| IX. 4. Сирдарё ҳавзаларини ўзлаштирилиши ва Қовунчи маданиятининг тарихий илдизлари.....   | 296 |
| IX. 5. Қовунчи маданиятининг этник асоси ва унинг таркибида туркий этник компонентларнинг ролини ортиб бориши.....                     | 306 |
| IX. 6. Қовунчи маданиятининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва унга хос дастлабки этник омилларнинг шаклланиши.....                       | 318 |
| IX. 7. Сўнги антик ва илк ўрта асрларда Қовунчи маданияти таъсир доирасининг кенгайиб бориши ва ўзбек этногенезининг жадал кечиши..... | 321 |
| IX. 8. Ўзбек халқи антропологик типи дастлаб таркиб топган макон ва унинг тарқалиш географияси.....                                    | 336 |
| Яқуний хулоса.....   | 347 |
| X БОБ. Илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда этногенетик жараёнлар.....  | 351 |
| X. 1. Турк хоқонлигининг ташкил топиш арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий ҳолат.....  | 351 |
| X. 2. Ғарбий Турк хоқонлиги ва унинг ўзбек халқи этногенезида тутган ўрни.....   | 365 |
| X. 3. Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даврининг асосий хусусиятларини шаклланишида қадимги турклар ва араблар сиёсати.....                   | 381 |
| X. 4. Антик ва илк ўрта асрларда ўзбек халқи ажлодларининг тили масаласи ва унинг илмий таҳлили.....                                   | 396 |
| XI БОБ. IX–XIII аср бошларида Ўрта Осиё аҳолисининг этник ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланиши.....                   | 408 |
| XII БОБ. Ўзбек элатининг таркиб топиш босқичлари ва унинг халқ сифатида шаклланиши.....  | 425 |
| XIII БОБ. XIII–XIV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда этносиёсий жараёнлар.....  | 453 |
| XIV БОБ. Амир Темур ва Темурийлар даврида этник жараёнлар ва ўзбек адабий тилининг шаклланиши.....                                     | 466 |
| XIV. 1. Мовароуннаҳр ва унга туташ туманларда этник манзара.....   | 466 |



|  |     |
|--|-----|
| XIV. 2. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши.....  | 476 |
| XV БОБ. Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга кириб келиши ва ўзбек хонликлари даврида этномаданий жараёнлар.....              | 486 |
| XVI БОБ. Подшо Россияси мустамлакачилиги даврида Ўрта Осиёда иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар.....                              | 509 |
| XVII БОБ. Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиш арафасида этник ҳолат ва миллий-ҳудудий чегараланишнинг мақсад ва моҳияти ..... | 522 |
| XVIII БОБ. Ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни ва ўзбек атамасининг умуммиллат этнонимига айланиши .....                           | 534 |
| XIX БОБ. Ўзбек миллий менталитети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....   | 547 |
| XX БОБ. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг узил-кесил шаклланишида бош омил.....                                   | 560 |
| Хулоса .....   | 577 |
| Ишда фойдаланилган тарихий манбалар ва илмий адабиётлар рўйхати .....  | 583 |
| Тарихий манбалар.....  | 583 |
| Илмий адабиёт.....   | 585 |
| Хорижий адабиётлар.....  | 615 |
| Қисқартмалар .....   | 619 |
| Географик жой номлари кўрсаткичи.....  | 621 |
| Этник номлар кўрсаткичи .....  | 627 |
| Киши номлари кўрсаткичи.....   | 631 |
| Маданият объектлари кўрсаткичи.....  | 638 |
| Атамалар изоҳли лугати .....   | 640 |

*Илмий-оммабон нашр*

**АҲМАДАЛИ АСҚАРОВ**

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ  
ЧИҚИШ ТАРИХИ**

Нашр учун масъул *Ашурали Жўраев*  
Мухаррир *Азимбой Бобониёзов*  
Рассом дизайнер *Беҳзод Зуфаров*  
Техник мухаррир *Татьяна Харитонова*  
Кичик мухаррир *Дилбар Холматова*  
Мусахҳихлар: *Нилуфар Абдурахмонова, Шаҳноза Шоабдурахимова*  
Компьютерда тайёрловчи *Нодира Аҳмедова*

Нашриёт лицензияси АГ № 158. 14.08.09  
Босишга 2015 йил 1 апрелда рухсат этилди. Бичими 70x100<sup>1/16</sup>.  
Офсет қоғози. «Таймс» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 55,25+1,46 (вкл.). Нашр табоғи 53,49+вкл 1,49.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 15–194.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа  
ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

В данном монографическом труде рассказывается о происхождении узбекского народа т.е. на богатейшем артефакте материальной и духовной культуры, как и письменных источников, характеризовались этногенез и этническая история от родоплеменной стадии к постепенному формированию народности и от формировавшегося народа до ступени нации.

В исследовании излагается о том, что узбекский народ на ныне занимаемой территории непосредственно связан с ней с древнейших времен, автохтонная этническая основа которого состоит в основном из степных прототюркских, оседлых согдийских, бактрийских, хорезмийских и скотоводческих сака-массагетских племен Среднеазиатского междуречья и его окрестностей.

Социально-экономические, этнокультурные и межэтнические родственные связи, продолжающиеся на протяжении многих столетий, привели к ассимиляции разноразличных этнических пластов и формированию нового этноса, впоследствии названного узбекским народом, исторические процессы которых научно обоснованы и объективно получили свое историческое изложение в данной работе.

This monographic research work is about the origin of the Uzbek people, i.e. their long period of ethnic genesis and ethnic history. This book thoroughly illustrates the place where Uzbek nation has been living throughout the history starting from family-tribal unity to a complete nationality level on the basis of scientific analysis of rich material culture and written sources.

The author argues that today's Uzbek people are the natives of their historical homeland where they presently own and also bordering regions from the early times of history. It is also proposed by the author that the ethnic structure of the Uzbek nation was formed with the combination of local groups of people like Soghdians, Khorezmians, Bactrians, Saks, Proto-Turkic people and, especially, our Turkic ancestors. By the result of mixture and inter-assimilation of these two-language-based ancient ethnic groups along the long period of the ages, a new ethnos has been formed. The author of these ideas suggests aforementioned information with very scientific impartiality and in terms of objective historical systemacy.



**Ахмадали Асқаров** – 1935 йил 25 сентябрда Наманган вилояти Норин туманида деҳқон оиласида туғилган. Тарих фанлари доктори, профессор, Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори. Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, археолог-тарихчи олим. 450 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, шу жумладан 16 та монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи. Шулардан 50 дан ортиғи хорижий тилларда (инглиз, француз, немис, япон, хитой), 200 га яқини рус тилида чоп этилган.

Илмий йўналишининг кўлами: Қадимги шаҳар маданияти ва илк давлатчиликнинг шаклланиш жараёнлари; Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи; Археологик манбалар – долзарб тарихий муаммолар ечими хизматида; Орийлар муаммоси ва унинг археологик-тарихий таҳлили; Археологиянинг илмий услубий ва назарий масалалари. Илмий-педагогик фаолияти: академик Я.Ғ. Ғуломов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси.

“O‘ZBEKISTON”

ISBN 978-9943-28-243-8



9 789943 282438